أَنِقَ I (а) أَنَاقَةٌ чиройли бўлмоқ; гўзал (нафис, нафосатли, нозик, келишган) бўлмоқ; IV آنَقَ завқлантирмоқ, қувонтирмоқ, қойил қолдирмоқ; V تَأَنَّقَ 1) (*н.дандир*) хушёр бўлмоқ; сезгир бўлмоқ; (*кийиниш, ейиш, ичиш ва ҳ.к.ларда*) нозиктаб, дидли бўлмоқ

— أَنَاقَةٌ нафислик, нозиклик, нафосат, кўркамлик

— أَنُوقٌ калхат; қорақуш, ўлимтик

— أَنِيقٌ нафис, нафосатли, назокатли, келишган, гўзал, кўркам

— تَأَنُّقٌ назокат, нозиклик, латофат, латифлик; شَدِيدُ الْـ~ فِي مَلْبَسِهِ ораста кийинувчи, башанг кийинувчи, юксак дид билан кийинувчи

— مُؤْنِقٌ чиройли, нафис, гўзал

— مُتَأَنِّقٌ = أَنِيقٌ

أَنْكْلِيزٌ = أَنْقْلِيسٌ

آنُكٌ *алиф.б.к.*

إِنْكِشَارِيٌّ *тар.* 1. яничарларга оид; ваҳшийликка оид; جِهَازٌ قَمْعِ ~ халқни бостириб турадиган даҳшатли куч; 2. яничарлар (*18-19-асрларда Туркиядаги пиёда аскарлар*)

إِنْكْلُوفِيلٌ англофил (*инглизларни севувчи киши*)

أَنْكْلِيزِيٌّ *кўп.* إِنْكْلِيزٌ 1. Англияга, инглизларга оид; الْـ~ـةُ инглиз тили; 2. инглиз

إِنْكْلِيسٌ *зоол.* илон балиқ

أُنْمُوذَجٌ *кўп.* نَمَاذِجُ *қар.* نَمُوذَجٌ

آنَةٌ *алиф.б.к.*

أَنَّى 1) қандай?; қаерда?; қачон?; 2) ундоқ эмас, қўйсангиз-чи!;

қаердан, қандай қилиб; لَهُ أَنْ يَعْلَمَ هٰذَا ~ у буни қаердан ҳам билсин!; لَهُ أَنْ يَكُونَ كَاتِبًا ~ у ҳеч қачон ёзувчи бўлолмайди; 3) қаерда бўлмасин; қачон бўлмасин

أَنَى I (и) أَنْيٌ, إِنًى, إِنَاءٌ 1) кириб келмоқ, яқинлашмоқ (*вақт ҳақида*); 2) вақти келмоқ, етилмоқ; II أَنَّى қолдирмоқ, кечиктирмоқ, секинлатмоқ, сусайтирмоқ; V تَأَنَّى 1) секинламоқ; 2) пухта ўйлаб қилмоқ, киришмоқ; مَنْ ~ نَالَ مَا تَمَنَّى *мтл.* шошган қиз эрга ялчимас (*сўзма-сўз:* ўйлаб иш қилган муродига етади), 3) (*н.ҳадир*) сабрли, чидамли бўлмоқ (عَلَى); X اسْتَأْنَى 1) кутиб турмоқ; 2) шошилмаслик; 3) (*н.нидир*) кечиктиришни, орқага суришни илтимос қилмоқ

إِنَاءٌ – *кўп.* آنِيَةٌ, أَوَانٍ лаган, товоқ; أَوَانٍ идишлар, идиш-товоқ; صَبَّ فِي ~ بِغَيْرِ قَاعٍ тагсиз бочкага сув қуйгандек, беҳуда меҳнат қилмоқ

أَنَاةٌ – 1) чидам, бардош, тоқат; бардош беришлик; ўзини тута билиш; طُولُ الـ~ узоқ чидаш, сербардошлилик; لَا ~ بِي мен чидай олмайман; 2) кутиб туриш, кутиб туравериш

إِنًى، أَنًى – *кўп.* آنَاءٌ вақт; آنَاءَ اللَّيْلِ وَ أَطْرَافَ النَّهَارِ тўхтовсиз, тинимсиз; кечаю-кундуз

تَأَنٍّ – 1) секинаклик, имиллаш, шошилмаслик; مِنْ غَيْرِ ~ жуда тез, вақтни ғанимат билиб; 2) эҳтиёткорлик, ҳушёрлик; بِـ~ وَ تُؤَدَةٍ эътибор ва осойишталик билан

مُتَأَنٍّ – *мн.* مُتَأَنِّيَةٌ 1) шошмайдиган, чидам билан қиладиган; 2) эҳтиёткор; مُتَأَنِّيًا эҳтиёткорлик билан; 3) чидамли, сабрли, тоқатли

مُسْتَأْنٍ – *мн.* مُسْتَأْنِيَةٌ 1) кутиб турувчи; 2) шошилмайдиган; مُسْتَأْنِيًا аста-секин; ҳовлиқмай, шошмай, шошилмай

أَنِيسٌ, أَنِيسُونٌ, آنِيسُونٌ *бот.* бодиён; نَجْمِيٌّ ~ *ёки* بَرِّيٌّ ~ арпабодиён

أَنِيلِينٌ – *киме.* анилин

أَنِيمِيَةٌ, أَنِيمِيَا *мед.* анемия, камқонлик; الـ~ الْخَبِيثَةُ ҳалокатли, хатарли (пернициоз) анемия (камқонлик)

أَهَّ I (а/у) أَهَّةٌ оғриқдан войвойламоқ

آهِ ! – أَهًا *ёки* آه оҳ!; вой!

اه *қиск.* انْتَهَى *дан.* тамом, охири (*иқтибос-цитата охирига ёзилади*)

آهٍ ... وَا – афсус, эсизгина, қандай даҳшат! (*афсусланишни билдириш учун айтилади*); وَاحَسْرَتَاهُ ! қандай хижолатчилик!

أَهَبَ (أهب) II أَهَّبَ шайланмоқ, тайёрланмоқ; V تَأَهَّبَ (*н.ҳадир*) шайланмоқ, тайёрланмоқ (لِـ)

إِهَابٌ – *кўп.* أُهُبٌ тери; ◊ الـ~ فِي غَضَاضَةِ الـ~ ёшликда; غَضُّ الـ~ ёшлик; 2) ошланмаган тери

أُهْبَةٌ – 1) тайёргарлик; 2) шай туриш; عَلَى ~ (*н.нингдир*) арафасида турган; (*н.ҳадир*) тайёр турган; هُوَ عَلَى ~ السَّفَرِ у сафарга тайёр; كَانَ عَلَى ~ الْاسْتِعْدَادِ (*н.ҳадир*) тайёр турмоқ (لِـ); أَخَذَ ~ هُ (*н.нидир*) олишга тайёрланмоқ; 3) тайёрлаб қўйилган юк, жиҳоз

مُتَأَهِّبٌ – тайёрланаётган, шай бўлган

أَهَلَ I (أهل) أَهِلَ (у) أُهُولٌ 1) халқ (аҳоли) яшайдиган бўлмоқ, 2) уйланмоқ, турмуш қурмоқ; أَهِلَ (а) أَهْلٌ (*к,билан,дир*) яқин бўлмоқ (بـ); أَهِلَ аҳоли яшаётган бўлмоқ; II أَهَّلَ 1) (*н.ҳадир*) уқобилиятли бўлмоқ (لِـ); (*бирор касбга*) тайёрламоқ; ~ مَكْفُوفًا мҳниятли бўлмоқ (лрни (кўзи ожизни) бирор касбга ўргатмоқ; 2) имконият, ҳуқуқ бермоқ; 3) уйлатмоқ (хотин олиб бермоқ); 4) "أَهْلًا وَ سَهْلًا" сўзлари билан кутиб олмоқ; عَلَيْنَا بِمَقْدَمِنَا ~ у бизни етиб келганимиз билан табриклади; 5) национализация қилмоқ; V تَأَهَّلَ 1) (*н.ҳадир*) яроқли бўлмоқ (لِـ); 2) уйланган бўлмоқ, уйланмоқ; X اسْتَأْهَلَ сазовор, лойиқ бўлмоқ; (*н. ҳадир*) лойиқ, муносиб бўлмоқ

إِهَالَةٌ – думба ёғи

آهِلٌ – аҳоли яшайдиган бўлган; أَمَاكِنُ ~ ةٌ بِالسُّكَّانِ аҳоли яшайдиган жой

أَهْلٌ[1] – *кўп.* أَهْلُونَ, أَهَالٍ 1) қариндошлар, туғишганлар; оила; хотин; 2) аҳоли, яшовчилар; ~ الْبَيْتِ а) уйда яшовчилар; б) *тар.* Муҳаммад алайҳиссаломнинг оила аъзолари; ~ الْبَدَاوَةِ бадавийлар; 3) одамлар, кишилар; ~ الْأَدَبِ وَ الْفَنِّ адабиёт ва санъат арбоблари; ~ الْأَغْرَاضِ гаразли (ёмон мақсадли) одамлар; ~ الْحَدِيثِ муҳаддислар; ~ الْجَنَّةِ жаннатийлар; ~ الْأَمْرِ бошлиқлар; ~ الْأَسْفَارِ саёҳатчилар; ~ الرَّأْيِ ҳурматли кишилар; ~ زَمَانِهِ кимнингдир замондошлари; ~ السَّلْبِ وَ النَّهْبِ қароқчилар, босқинчилар, таловчилар; ~ الضَّادِ соф араб тилида гапирувчилар; араблар; ~ الْعِلْمِ олимлар; ~ الْوَجَاهَةِ وَ الْحَيْثِيَّةِ юқори мартабали, баланд даражали кишилар; ~ الْوِلَايَةِ авлиёлар, валийлар; ◊ أَهْلًا وَ سَهْلًا وَ مَرْحَبًا ! ~ *ёки* بِكَ ~ хуш келибсиз!

أَهْلٌ[2] – (*н.ҳадир*) муносиб бўлган (لِـ); (*н.ҳадир*) қобилиятли бўлган (لِـ); هُوَ ~ لِذٰلِكَ у бунга муносиб

أَهْلِيٌّ – 1) хонаки, уйдаги; оилавий; الْحَيَوَانَاتُ الـ~ ةُ уй ҳайвони; 2) маҳаллий, ўз юртида қилинган; 3) халққа оид; миллий; фуқароларга оид; بَنْكٌ ~ миллий банк; حَرْبٌ ~ ةٌ фуқаролар уруши; جَعَلَهُ مُلْكًا ~ ا لِلشَّعْبِ умумхалқ мулкига айлантирмоқ; национализация қилмоқ

أَهْلِيَّةٌ – 1) қобилият, яроқлилик; ذُو ~ қобилиятли, қобилият эгаси; عَدِيمُ الـ~ қобилиятсиз; 2) ҳуқуқдор, қонунан балоғатга етган; 3) қариндош-уруғлар

تَأْهِيلٌ – ўқитиш, ўргатиш

آهِلٌ = مَأْهُولٌ –

– مُؤَهَّلٌ диплом, аттестат ва бошқа ҳужжатга эга бўлган; малакали; ~ عَامِلٌ малакали ишчи

– مُؤَهِّلٌ دِرَاسِيٌّ ~ ўқув юртини тамомлагани ҳақида аттестат, диплом; маълумоти ҳақида ҳужжат

– مُؤَهِّلاَتٌ *кўп.* 1) қобилият, истеъдод; 2) малака; талаб қилинадиган асослар (белгилар); ◊ ~ النَّاخِبِينَ сайлов цензи

– مُسْتَأْهِلٌ 1) (*н.ғадир*) муносиб бўлган; 2) думба ёғи олувчи *ёки* еювчи

إِهْلِيلَجٌ *кўп.* هَلاَلِجُ *мат.* эллипс

– إِهْلِيلَجِيٌّ эллипсга оид, эллиптик (тухумсимон) шакл; ~ جِسْمٌ эллипсоид

أَوْ 1) ёки; 2) ҳозирча ...мас; ...гани йўқ

أَوَامْ (*сол.* قَوَامْ) *халқ.* тез; шошилинч, зудлик билан

أَوَانْطَة *халқ.* алдаш, фириб бериш; панд бериш

– أَوَانْطَجِيٌّ *кўп.* أَوَانْطَجِيَّة ўғри, товламачи; 2) муттаҳам, қаллоб, фирибгар

I (أوب) آبَ (у) أَوْبٌ, إِيَابٌ қайтмоқ, қайтиб келмоқ; ~ إِلَى رُشْدِهِ эс-хушини йиғиб олмоқ; ~ بِالْخُسْرَانِ муваффақиятсиз тугамоқ; II أَوَّبَ = I; VIII ائْتَابَ = I

– أَوَّابٌ тавба-тазарру қилувчи, афсусланувчи

– أَوْبٌ, أَوْبَةٌ қайтиш, қайтиб келиш; ◊ (وَ صَوْبٍ) ~ مِنْ كُلِّ атрофдан, ҳар ёқдан, ҳамма ердан, ҳар томондан, бутун атрофдан, атроф-жавонибдан

– إِيَابٌ қайтиш, қайтиб келиш; қайтиб келиш йўли; ~ ذَهَابًا وَ ~ у ёққа ва бу ёққа (ортга)

– مَآبٌ[1] қайтиш

– مَآبٌ[2] *кўп.* مَآوِبُ қайтиб келинадиган жой; 2) паноҳ, бошпана

أُوبِرَا *кўп.* ـاتٌ — опера; ~ دَارُ الـ опера театри

أُوبِرِيتٌ оперетта

أُوتُمَاتِيكِيٌّ автоматикага оид, автоматик

– أُوتُمَاتِيكِيَّةٌ 1) автоматизм; 2) автоматика; 3) ўз-ўзидан ҳаракатга келиш, ғайриихтиёрий ҳаракатга келиш

أُوتُوبُوسٌ, أُوتُوبِيسٌ *кўп.* ـاتٌ — автобус

أُوتُوسْتِرَادٌ *кўп.* ـاتٌ — автострада (*автомашиналар қатнайдиган катта йўл*)

أُوتُومَاتِيٌّ автоматикага оид, автоматик

– أُوتُومَاتِيَّةٌ 1) автоматизм; 2) автоматика

– أُوتُومَاتِيكِيٌّ автоматикага оид

– أُوتُومَاتِيكِيَّةٌ 1) автоматизм; 2) автоматика

أُوتُومُوبِيلٌ *кўп.* ـاتٌ — автомобиль

أَوْجٌ *шунингдек:* 1) авж, олий нуқта, чўққи, апогей; 2) ~ الأَعْلَى الـ *астр.* апогей (*бирор осмоний жисмнинг энг баланд нуқтада бўлиши*)

وُجَاقٌ = أُوجَاقٌ

آحُ *алиф.б.қ.*

I (أود) آدَ[1] (у) أَوْدٌ малол келтирмоқ, оғир келтирмоқ; безовта қилмоқ; آدَ[2] (у) أَوْدٌ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ, қайтарилмоқ; 2) тегишли бўлмоқ, берилиши лозим бўлмоқ; тегмоқ; V تَأَوَّدَ 1) қийшангламоқ; эгилиб букилмоқ; 2) эгилмоқ; 3) қилиқ қилмоқ, ғайритабиий ҳаракат қилмоқ; 4) малол келмоқ

– أَوَدٌ 1) қилиқ, қийшанглаш, эгилиш, букилиш; 2) ночор аҳвол; ◊ ~هُ (أَقَامَ) قَوَّمَ а) ўз ишини ўнглаб олмоқ; б) яшаш, кун кечириш учун маблағ бермоқ; нима учундир маблағ бермоқ

– أَوْدٌ, أَوْدَةٌ оғир юк, оғирлик, ташвиш

– أُوَدٌ *кўп.* أَوْدَةٌ хона, комната

أُوَارٌ *кўп.* أُوَرٌ 1) ўт, олов, аланга; ёлқин; ~ أَشْعَلَ الْحَرْبِ уруш оловини ёқмоқ; 2) ташналик, чанқоқлик, чанқаш, сувсаш, чўллаш

أُورَانُوسُ *астр.* Уран

أُورَانِيُومٌ *кимё.* уран

أُورُبِّيٌّ 1. Оврупога оид; 2. оврупалик

أُورْدُو *ҳарб.* отряд (бўлинма); корпус (қисм)

أُورْدِيٌّ : الـ~ـةُ урду тили

أُورْطَةٌ *кўп.* أُوَرْطٌ *ҳарб.* батальон; эскадрон; ~ بِيَادَةٍ пиёдалар батальони

أَوْرْطِي *анат.* аорта, шотомир (*юракдаги энг катта қон томири*)

أُورْكِسْتِرَة, أُورْكِسْتِرَا оркестр; ~ الْوَتَرِيَّةُ الـ торли асбоблар оркестри

– أُورْكِسْتِرِيٌّ, أُورْكِسْتِرَالِيٌّ оркестрга оид; ~ التَّوْزِيعُ الـ оркестрлаштириш, музика асбобларига мослаш

أُورْنِيكٌ *кўп.* أَرَانِيكُ 1) иш қоғози, бланк, форма; 2) ўрнак, намуна

أُورُبِّيٌّ = أُورُوبَاوِيٌّ

(أوز) II أَوَّزَ (*к.нингдир устидан*) ҳазил (мутойиба) қилмоқ (عَلَى)

إِوَزٌّ *жам.* ғозлар; ◊ ~ رِجْلُ الـ шўра, олабута

– إِوَزَّةٌ ғоз; ~ ذَكَرٌ эркак ғоз; ~ أُنْثَى урғочи ғоз; ~ فَرْخُ الـ ғоз боласи; ~ الْعِرَاقِ оққуш

– إِوَزِّيٌّ ғозга оид

أُوزُونٌ *кимё.* озон

قُوزِيٌّ = أُوزِيٌّ

أُوزِيرِس *миф.* Озирис (*Осирис - қадимги мисрликлар илоҳларидан бири*)

أُودَةٌ *кўп.* أُوَضٌ *қар.* أُوضَةٌ

أُوفْسِتٌ *полигр.* офсет; ~ طَبْعٌ بِالـ офсет босма усули

I (أوف) إِيفَ: ~ الزَّرْعُ экинга офат тушди

آفَةٌ кўп. اتٌ — офат, бало, фалокат; кушанда; жароҳат; 2) занг касали (ўсимликдаги)

– مَؤُوفٌ занг билан касалланган (ўсимлик)

I أوق (آق) (у) أَوْقٌ бало келтирмоқ, бахтсизлик олиб келмоқ; II أَوَّقَ 1) оғир вазифа юклаб қийнамоқ, малол келтирмоқ; 2) бахтсизлик аломати бўлмоқ, бахтсизлик даракчиси бўлмоқ

– أُوقَةٌ кўп. اتٌ — уққа (400 дирҳамга (қар. دِرْهَمٌ) ёки 1.248 кг. (сол. أُقَّةٌ) га тенг оғирлик ўлчови)

– أُوقِيَّةٌ кўп. أَوَاقٍ ёки أُوقِيَّةٌ кўп. أَوَاقِيُّ уқия (12 драхмга (қар. دِرْهَمٌ) ёки 37, 44 гр.га тенг оғирлик ўлчови)

أُوَيْقٌ = قُوَيْقٌ

أُوقِيَانُوسٌ кўп. اتٌ — океан

– أُوقِيَانُوسِيٌّ океанга оид, океанга тегишли

أُوكَازِيُونٌ кўп. أُوكَازِيُونَاتٌ сотиб тугатиш (молларни арзон нархда сотиладиган мавсумий савдо)

أُوكْسِيجِينٌ = أُكْسِيجِينٌ

أُكْسِيدٌ = أُوكْسِيدٌ

I أول (آل) (у) آلَ مَآلٌ, أَيْلُولَةٌ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) (н.ғадир) бориб етмоқ (إِلَى); (н.ғадир) яқинлашмоқ (لـ); 3) (к.нидир, н.ғадир) етаклаб, бошлаб бормоқ (ب, إِلَى); 4) (к.ғадир) ўтмоқ (إِلَى) (мас., мерос); 5) (н.ғадир) айланмоқ (إِلَى); آلَ (у) сиёсат юргизмоқ, сиёсат ўтказмоқ; II أَوَّلَ изоҳламоқ, шарҳламоқ, тушунтириб бермоқ; V تَأَوَّلَ тушунтирилмоқ, тушунтириб берилмоқ, шарҳ қилинмоқ, изоҳланмоқ

– آلٌ 1) оила, авлод; сулола; 2) сароб

– آلاَتِيٌّ кўп. آلاَتِيَّةٌ чалғувчи

– آلَةٌ¹ кўп. اتٌ — 1) қурол, асбоб, машина; станок; аппарат; ~ التَّصْوِيرِ расм олиш аппарати; ~ لِلتَّسْجِيلِ магнитофон; ~ جَهَنَّمِيَّةٌ бомба, мина; ~ حَاسِبَةٌ ҳисоблаш машинаси; ~ الرَّادِيُو радиоприёмник; ~ رَافِعَةٌ юк кўтариш машинаси; ~ الطِّبَاعَةِ (الطَّبْعِ) матбаа машинаси; ~ كَاتِبَةٌ ёзув машинкаси; ~ مُكَبِّرَةٌ لِلصَّوْتِ қаттиқ овоз чиқарувчи радио карнайи; ~ الطَّرَبِ ёки ~ مُوسِيقِيَّةٌ музика асбоби; 2) идора аппарати; ◊ ~ صَمَّاءُ (к.нингдир қўлида) қурол бўлиб қолиш (فِي يَدِ)

– آلَةٌ² жаноза, дафн маросими

– آلِيٌّ 1) машинага оид; механикага оид; ~اً машина ёрдамида, машина билан; 2) асбобга оид; асбоб ишлаб чиқарадиган; 3) ғайриихтиёрий, ихтиёрсиз; بِحَرَكَةٍ ~ةٍ ғайриихтиёрий, бехостан; 4) الْقُوَّاتُ الـ~ةُ ҳарб. моторлаштирилган қўшин; 5) химё. органик

– آلِيَّةٌ кўп. اتٌ — машина (механизм); машина техникаси; ~ ذَاتِيَّةُ الْحَرَكَةِ автоматика; ўзи ҳаракатга келувчи (юрувчи) ускуналар; إِدْخَالُ الـ~ машиналаштириш

– آيِلٌ (н.ғадир) яқинлашиб келаётган (لـ); بَيْتٌ ~ لِلسُّقُوطِ ағдарилиб тушай деб турган ёки бузилиб кетай деб турган уй

– أُيَّلٌ ёввойи эчкининг эркаги

– أَوَّلٌ¹ кўп. أَوَائِلُ бошланиш, ҳар нарсанинг бошланиши; أَوَائِلُ الْجَيْشِ ҳарб. авангард, илғор, етакчи, олдинда борувчи; олдинда борувчи бўлинма; مِنَ الـ~ аввал бошдан; ~اً ёки فِي ~ِ الأَمْرِ бошидан, биринчи бўлиб; مِنْ ~ِهِ إِلَى آخِرِهِ бошидан охиригача; ~ كُلِّ شَيْءٍ энг аввало; ~اً بِـ~ٍ тартиб билан, бир бошдан; ~اً فَـ~اً кетма-кет, бирин-кетин, орқама-орқа; изчил; ~اً وَأَخِيراً бошдан охиригача, бошдан-оёқ

– أَوَّلٌ² мн. أُولَى кўп. أَوَّلُونَ биринчи; لِـ~ِ مَرَّةٍ ёки لِلْمَرَّةِ الأُولَى биринчи марта; ~اً биринчидан; ~ الْبَارِحَةِ аввалги кун, бундан уч кун бурун

– أُلاَ = أُولاَ

– أُولاَءِ булар; أُولاَئِكَ ёки أُولاَئِكُمْ улар, анавилар

– أَوَّلُونَ кўп. الـ~ қадимий халқлар, аждодлар

– أَوْلَوِيَّةٌ қар. ولى

أُولَى мн. кўп. аввалги, биринчи

– أَوَّلِيٌّ 1) аввалги, биринчи, дастлабки; энг бошдаги, илгариги; бошланғич, ибтидоий; تَعْلِيمٌ ~ бошланғич таълим; الْمَوَادُّ الـ~ةُ хомашё; عَدَدٌ ~ мат. оддий сон, содда сон; 2) асосий, бош, биринчи зарурат; مَطَالِبُ ~ةٌ зарурий эхтиёжлар

– أَوَّلِيَّةٌ кўп. اتٌ — 1) биринчилик, устунлик; 2) оддий (ибтидоий) қоида; аниқ-ойдин; равшан, муқаррар, шубҳасиз, маълум, оддий ҳақиқат, аксиома

– إِيَالَةٌ¹ кўп. اتٌ — вилоят, маъмурий ҳудуд

– إِيَالَةٌ² сиёсат

– أَيْلُولَةٌ юр. 1) (эгаликка, тасарруфга) ўтиш (мол-мулк ҳақида); ~ الْمِيرَاثِ (к.ғадир) мерос бўлиб ўтиш (لـ, إِلَى); ~ الْعَيْنِ мол-мулкнинг ўтиши (н.ларнинг бошқа киши тасарруфига ўтиши); رَسْمُ الـ~ эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтказилгани учун олинадиган солиқ; 2) эгалик ҳуқуқи ҳақидаги ҳужжат

– تَأْوِيلٌ кўп. تَأَاوِيلُ изоҳ, шарҳ

– مَآلٌ 1) натижа, оқибат, якун; 2) маъно, мазмун

أُولِمْبِيٌّ олимпияга оид; олимпиадага оид; الأَلْعَابُ الـ~ةُ олимпиада ўйинлари

– أُولِمْبِيَادٌ олимпиада

أُولُو кўп. мн. أُولاَتُ (қар.к. أُولِي туш.к. أُولِي) эгалик қилувчилар, соҳиблар; ~ الأَمْرِ ҳокимият, бошлиқлар; ~ الرَّأْيِ донишманд,

ақлли одамлар; الشَّأْنِ ~ хурматли, обрўли, эътиборли кишилар

أَوْلَى *кар.* ولى

أُوَامٌ кучли ташналик, чанқоқлик

أُونْبَاشِيٌّ *кўп.* أُونْبَاشِيَّةٌ *харб.* ўнбоши (*унвон*), капрал

I (أَوْن) آنَ (يَ) أَوْنٌ кириб келмоқ, келмоқ, етмоқ (*вақт ҳақида*); ~ الْأَوَانُ вақт етди, фурсат келди

– آنٌ он, вақт, фурсат, кез; الْــ~ энди, эндиликда, ҳозир, ҳозирги вақтда; آنَئِذٍ ўша вақтда; آنَذَاكَ ўшанда; ~ا بَعْدَ آخَرَ *ёки* ~ا ~ вақти-вақти билан, баъзи-баъзида; ~ا وَ ~ا آخَرَ ... гоҳ, ... гоҳ ...; الْــ~ بَعْدَ ~ шу кундан бошлаб, шу кундан эътиборан, ҳозирдан, бундан буён, бундан кейин; ~ وَ ~ بَيْنَ *ёки* ~ وَ آخَرَ بَيْنَ вақти-вақти билан; الْــ~ حَتَّى *ёки* لِلْــ~ *ёки* الْــ~ لِغَايَةِ ҳозиргача, ҳанузгача, шу пайтгача, шу дамгача; فِي ~ وَاحِدٍ бир вақтнинг ўзида, айни бир пайтда; فِي كُلِّ ~ وَ مَكَانٍ ҳамма он ва маконда; مِنْ ~ لِــ~ *ёки* مِنْ ~ لِآخَرَ вақти-вақти билан, дамба-дам; الْــ~ فَصَاعِدًا бугун ва бундан кейин

– آنِيٌّ оний; шу ондаги, ҳозирги, ҳозирги пайтга тегишли; шу кун учун аҳамиятли, зарурий; الْــ~ مِزَاجُهَا унинг (*мн.*) ҳозирги кайфияти

– أَوَانٌ *кўп.* آوِنَةٌ вақт, мавсум (*мас., бирор н.нинг етилган мавсуми*); قَبْلَ الْــ~ вақтидан илгари; فِي ~هِ ўз вақтида; فِي غَيْرِ ~هِ ўз вақтида эмас; فِي الْآوِنَةِ الْأَخِيرَةِ кейинги вақтда; بَيْنَ آوِنَةٍ وَ أُخْرَى вақти-вақти билан, ҳар замон-ҳар замонда, онда-сонда, гоҳ-гоҳ, ора-сира, баъзан, аҳён-аҳёнда; كَانَ قَدْ فَاتَ الْــ~ аммо кеч бўлиб қолган эди

إِوَانٌ *кўп.* أُوَنٌ супа, ўтирадиган жой; зал, сарой (*шунингдек: кар.* (إِيوَانٌ

أُونْبَاشِيٌّ *кўп.* أُونْبَاشِيَّةٌ *эск. харб.* ўнбоши

(أَوْه) II أَوَّهَ войламоқ, вой-войламоқ, оҳламоқ, оҳ урмоқ, нолимоқ; V تَأَوَّهَ оҳ тортмоқ, оҳ урмоқ, оҳ-воҳ қилмоқ, зорланмоқ, нолимоқ, хўрсинмоқ

– آهَةٌ *кўп.* ـَاتٌ хурсиниш, оҳ тортиш, уҳ тортиш; آهًا آهٍ *ёки* оҳ-воҳ

– أَوْهِ = أَوْ

– أَوْهِ = أَوَّتَاهُ

– أَوْهِ вой; مِنْ كَذَا ~ ...нинг дастидан вой

– أَوْهِ = آوَّهْ

– أَوْهِ = أَوَّهْ

– تَأَوُّهٌ оҳ-воҳ қилишлар

I أَوَى (يَ) أُوِيٌّ, إِوَاءٌ 1) пана жой, бошпана ахтармоқ, бошпана изламоқ; (*қаергадир*) яширмоқ (إِلَى); 2) (*н.нидир*) ишга солмоқ, таянмоқ; ◊ إِلَى فِرَاشِهِ ~ ухлашга кетди; أَوَى (يَ) أَوْيَةٌ, إِيَّةٌ (*бирор к.га*) раҳм қилмоқ, ачинмоқ, ҳамдардлик билдирмоқ; II أَوَّى бошпана бермоқ; IV آوَى бошпана бермоқ, бошпана билан таъминламоқ, кўчириб бориб жойлаштирмоқ, яширмоқ; فِي مَلْجَأٍ ~ бошпанага жойлаштирмоқ

– ابْنُ ~ آوَى (*кўп.* بَنُو ~) чиябўри, шоқол

– آيٌ *жам.*1) Қуръони карим оятлари; الذِّكْرِ الْحَكِيمِ ~ Қуръони карим; 2) аломат, башорат

– آيَةٌ *кўп.* ـَاتٌ (1 белги, нишон; آيَاتُ الشُّكْرِ وَ الْوَلَاءِ миннатдорлик ва дўстлик нишоналари; 2) муъжиза, кароматٍ; مِنْ ~ آيَاتِ الْغَدْرِ ◊ آيَاتُ الْفَنِّ санъат муъжизаси; 3) Қуръони карим ояти; ўта сотқинлик; الْــ~ (انْعَكَسَتِ) انْقَلَبَتِ иш ўзгарди, бошқача бўлди; خَرَجَ الْقَوْمُ بِــ~هِمْ одамлар жамоа бўлиб чиқдилар

– إِيوَاءٌ бошпана, жой бериш

– مَأْوًى *кўп.* مَآوٍ пана жой; яшириндиган жой; турар жой, гўша, яшаш жойи; етимхона; الْمَجَانِينِ ~ ақлдан озганлар уйи, жиннихона

أَيْ[1] яъни

أَيْ[2] *мурожаат юкламаси*: ҳой!

إِيْ *қасамдан олдин келадиган юклама*: إِيْ وَ اللّٰهِ Оллоҳ ҳаққи!, худо ҳаққи!

أَيٌّ *мн.* أَيَّةٌ 1) қандай экан-а! қойил-э!; 2) қандай бўлмасин; ким бўлмасин; ҳамма-ҳаммаси; ~ا كَانَ *ёки* مَنْ كَانَ ~ ким бўлмасин; وَاحِدٍ ~ кимдир, бирор киши (кимса); ~مَا *мн.* أَيَّتُمَا қандай, қандай бўлмасин; عَلَى ~ حَالٍ нима бўлса ҳам, нима бўлганда ҳам; هُوَ رَجُلٌ أَيُّ رَجُلٍ! у қандай яхши одам-а; فَفَرِحَ بِهَذَا ~مَا فَرَحٍ у бунга шундай севиндики; ◊ (يَا) أَيُّهَا *мн.* يَا أَيَّتُهَا *чақириш, нидо қилиш юкламаси*: эй!, ҳей!, ё! (*мас., ё Зайд!*)

إِيَّا *феълдан ажратиб ёзиладиган ва туш.к.гидаги бирикма олмош олдидан ишлатиладиган юклама*; *мас.*, إِيَّايَ менга; حُبُّهَا إِيَّايَ унинг менга муҳаббати; أَرْجُو ~كَ сендан ўтинаман, сўрайман; ~كُمْ وَهَذَا الْأَمْرَ! буни қилишдан ўзингни сақла!; бу ишни қилма; ~كُمْ وَ أَخْلَاقَ الْوَعْدِ! куйинг, ваъдани бузманг!, ваъдани бузмасликни билиб қўйинг; ~كَ أَنْ تَفْعَلَ هَذَا! билиб қўй, бу ишни асло қилма!

أَيَّارُ май (*ой*)

إِيَالَةٌ *кар.* أول

أَيَّانَ 1) қачон?; 2) қаерга?

أَبْرَشِيَّةٌ = إِبَارْشِيَّةٌ

إِجِبْتُولُوجِيَا египтология, мисршунослик

إِيْحَاءٌ қар. وحى

آدَ (и) أَيْدٌ, آدٌ кучаймоқ, кучли бўлмоқ; II أَيَّدَ 1) қўллаб-қувватламоқ; мустаҳкамламоқ, мададкор бўлмоқ; мадад бермоқ; 2) тасдиқламоқ; III آيَدَ кучайтирмоқ, мустаҳкамламоқ; V تَأَيَّدَ қўллаб-қувватланмоқ; мустаҳкамланмоқ, кучайтирилмоқ; зўрайтирилмоқ

– أَيْدٌ = آدٌ

– أَيْدٌ куч, қувват

– تَأْيِيدٌ 1) қўллаб-қувватлаш; تَمَتَّعَ بِـ ~ِهِ (к.нингдир) қувватлашидан фойдаланмоқ; 2) тасдиқлаш, кучайтириш

– مُؤَيِّدٌ қўллаб-қувватловчи; (қандайдир, қайсидир) партияга хайрихоҳ, тарафдор бўлувчи

إِيدْرُوجِينٌ водород

– إِيدْرُوجِينِيٌّ водородга оид; قُنْبُلَةٌ ~َةٌ водород бомбаси

إِيدِيُولُوجِيَا, إِيدِيُولُوجِيَّةٌ идеология

– إِيدِيُولُوجِيٌّ идеологияга оид, идеологик

أَيْرٌ кўп. أُيُورٌ анат. аъзо (одам аъзоси)

إِيرَانِيٌّ 1. Эронга оид, эронликларга оид; 2. эронлик, форс

إِيرْلَنْدِيٌّ 1. Ирландияга оид, ирландларга оид; 2. ирландиялик

إِيرِيَالٌ антенна

إِيزِيسٌ миф. Изида (Исида - қадимги Миср илоҳаларидан бири)

أَيِسَ I (а) أَيْسٌ, إِيَاسٌ умидсизланмоқ, тушкунликка тушмоқ; II أَيَّسَ умидсизликка олиб келмоқ; IV آيَسَ ёки أَيْأَسَ умидсизликка олиб келмоқ

– إِيَاسٌ умидсизлик, чорасизлик

أَيْشْ (أَىُّ + شَيْءٍ): халқ. нима?, бу нимаси?

إِيشَارْبٌ, إِيشَارْفٌ кўп. ~َاتٌ — шарф

آضَ I (и) أَيْضٌ қайтмоқ; ~ إِلَى أَهْلِهِ аҳли аёли олдига қайтмоқ; 2) бўлмоқ, айланмоқ

– أَيْضًا шунингдек, яна, тағин

إِيطَالِيٌّ, إِيطَالْيَانِيٌّ 1. Италияга оид; الـ ~َةُ италян тили; 2. италиялик

إِيقُونَةٌ кўп. ~َاتٌ — икона (христианларда: худо ёки авлиёнинг сурати)

أَيْكٌ жам. чакалак, дарахтзор

– أَيْكَةٌ кўп. ~َاتٌ — ўрмон; ~ُ الْخَرُّوبِ (الْخَرْنُوبِ) узунчоқ мевали ўрмон дарахти

أَيِّلٌ, أُيَّلٌ кўп. أَيَائِلُ буғу, кийик

إِيلَاءٌ қар. ولى

أَيْلُولُ сентябрь

آمَ (أَيِمَ) I (и) أُيُومٌ (хотини ўлиб) тул (бева) қолмоқ; ~ مِنْ زَوْجَتِهِ у (хотинидан) тул қолди; ~َتْ مِنْ زَوْجِهَا у (эридан) бева қолди

– أَيِّمٌ мз. ва мн. أَيَامَى тул қолган эрга оид; тул қолган аёлга оид; бева эркак; бева аёл

– أَيْمَةٌ бевалик, туллик

أَيْمُ¹: ~ُ الْحَقِّ дарҳақиқат, худди шундай; ~ُ اللهِ Оллоҳга қасамки, Оллоҳ номидан қасам ичаман

أَيْمٌ² кўп. أُيُومٌ катта илон; чипор илон

أَيَّنَ (أين) II ионлаштирмоқ; V تَأَيَّنَ ионизация қилинмоқ

– إِيُونٌ кўп. ~َاتٌ — ион

– إِيُونِيٌّ ионга оид; الْغِلَافُ الـ ~ُ (ернинг) ион қобиғи; ионосфера

– تَأْيِينٌ ионланиш

– مُتَأَيِّنٌ ионлаштирилган

أَيْنَ қаерда?; إِلَى ~ қаерга?; مِنْ ~ қаердан?; ~ مَا қаерда бўлмасин ...; қаерга бўлмасин ...; ~ أَنَا مِنْهُمْ ! улар олдида менга йўл бўлсин!

آيِينٌ 1) мз. расм-русум, одат, урф-одат, таомил; ойин; 2) феъл-атвор, хулқ-атвор, турқ, қилиқ, ахлоқлилик; 3) адаб, муомала қоидалари, этикет

إِيهِ ундов сўз: хўш!, қани!; қани, сўзингда давом эт-чи!

أَيْه халқ. нима?

أَيْوَا ёки أَيْوَه тасдиқ юкламаси, халқ. ҳа

إِيوَانٌ кўп. إِيوَانَاتٌ 1) мз. зал, сарой, қаср; 2) устунли пешайвон

أَيُّوبُ ат.от., мз. Айюб; ◊ ~ صَبْرُ сабрли, қаноатли, чидамли; жуда, ғоят сабрли (сўзма-сўз: Айюбдай сабрли)

– أَيُّوبِيٌّ айюбий, айюбийларга оид

– الْأَيُّوبِيُّونَ тар. Айюбийлар, Айюбийлар сулоласи

ب

ب (بَاءٌ) бо (*араб алифбосидаги иккинчи ҳарф; абжадда - 2*)

ب 1) *қисқ.* رَجَبٌ дан (*ҳижрий-қамарий тақвимнинг 7-ойи*); 2) жонли тилдаги *ҳозирги замон.* олд қўшимчаси; أَنَا بَاكْتُبُ мен ёзяпман; أَنَا بَارُوحُ мен боряпман

ب 1) -да; بِالْمَدِينَةِ шаҳарда; بِشَارِعِ نَوَائِي Навоий кўчасида; بِاللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ араб тилида; 2) ёрдамида, воситасида, орқали; بِالتِّلِفُونِ телефон орқали; بِالسِّكِّينِ пичоқ ёрдамида, пичоқда; يَكْتُبُ بِالْقَلَمِ у қаламда (қалам *билан*) ёзяпти; 3) билан; جَاءَ بِهِ у билан келди, уни олиб келди; ذَهَبَ بِهِ уни олиб кетди, у билан кетди; بِاللَّيْلِ وَ النَّهَارِ туну кун; وَصَلَ اللَّيْلَ بِالنَّهَارِ *маж.* туну кун ишламоқ; 4) яқинида, ёнидан; қошида, ҳузурида; مَرَّتْ بِهِ унинг ёнидан ўтди; الْإِدَارَةُ الشَّرْعِيَّةُ بِالْحَقَّانِيَّةِ юстиция вазирлиги ҳузуридаги шариат бошқармаси; 5) -га; يَعْمَلُ بِأَرْبَعِ أَرْوَاحٍ у тўрт киши ўрнига ишлаяпти; عَيْنٌ بِعَيْنٍ қонга-қон, жонга-жон (*сўзма-сўз:* кўзга-кўз); بِخَمْسَةِ قُرُوشٍ беш қиршга (пиастрга), арзон нарх (баҳо) га; 6) ҳақида, тўғрисида, борасида; ... أَخْبَرَهُمْ بِأَنْ у ... тўғрисида уларга хабар қилди; أَمَرَ بِنَفْيِهِ уни ҳайдаш тўғрисида амр (буйруқ) қилди; 7) кейин, сўнг; بِأُسْبُوعٍ بَعْدَ ذَلِكَ бир ҳафтадан кейин (сўнг); 8) *қасам юкламаси:* !بِاللهِ худо ҳаққи!, Оллоҳ ҳаққи!; 9) *ортиқча предлоги, бирор маънони билдирмайдиган* ب *предлоги* (بَاءٌ زَائِدَةٌ); كَفَى بِاللهِ شَهِيدًا Оллоҳ шоҳид сифатида кифоя қилади; ◊ بِالْمِرْصَادِ сергак, хушёр; بِوُضُوحٍ аниқ, равшан; بِالْعَرَبِيِّ арабча; بِسُرْعَةٍ тез, зудлик билан; لَيْسَ هُوَ بِرَجُلٍ طَيِّبٍ у яхши одам эмас; قَامَ بِوَعْدِهِ у ўз ваъдасини бажарди; بِأَبِي أَنْتَ *кар.* أَبٌ ؛ بِإِذْنِ اللهِ *дин.* Оллоҳнинг изни (иродаси) билан; خَرَجْتُ وَ إِذَا بِهِ بِالْبَابِ мен чиққач, кутилмаганда уни эшик олдида кўриб қолдим

بَائِيٌّ 1) "Б" витамини; 2) бета; أَشِعَّةٌ ~َـةٌ бета нурлари

بَابَا *кўп.* بَابَاوَاتٌ بَابَوَاتٌ 1) дада, ота; ~ وَ مَامَا ота ва она; ~ مِيلَادٍ *ёки* ~ نُوئِيلٍ қорбобо; 2) Рим папаси

بَابَاوِيٌّ – папага оид

بَابَاوِيَّةٌ, بَابَوِيَّةٌ – папалик, папа ҳокимияти (ҳукмронлиги)

بَابِلُ Бобил, Вавилон; ~ بُرْجُ Бобил минораси

بَابِلِيٌّ – 1. Бобилга оид; الْـ~َـةٌ бобил тили; السَّبْيُ الْـ~ لِلْيَهُودِ *тар.* яҳудийларнинг Бобилдаги асирлиги; 2. Бобилда яшовчи, бобиллик

بَابَةٌ бобиҳ (*қибт тақвимининг иккинчи ойи*)

بَابُوجٌ *кўп.* بَوَابِيجُ оёқ кийими, туфли

بَابُورٌ *кўп.* ـاتٌ буғ машинаси; ~ الْبَحْرِ пароход; ~ سِكَّةِ الْحَدِيدِ паровоз; ~ الْجَازِ примус, чироқ

بَابُونَجٌ 1) мойчечак; 2) мойчечак гулидан тайёрланган дори; الْـ~ الْكَبِيرُ хризантема (*чаман бўлиб очиладиган ўсимлик ва унинг гули*)

بَاتٌ *шахм.* пот

بَاتِنْجَانٌ *жам.* бақлажон

بَاتِنْجَانَةٌ – *кўп.* ـاتٌ бақлажон

بَاتِيسْتَةٌ батист (*мато*)

بَاتُولُوجِيَا патология (*организмдаги касаллик жараёнларини ва организмнинг табиий ҳолатдан чиқиш сабабларини ўрганувчи фан*)

بَاتُولُوجِيٌّ – патологияга оид

بَادِشَاهٌ *кўп.* ـاتٌ подшоҳ

بَاتِنْجَانٌ = بَاذِنْجَانٌ

بَادِيَانٌ *бот.* бодён (*муаттар гулли, доимо кўкариб турадиган бута*)

بَاذَنْجَانٌ = بَاذِنْجَانٌ

بَارٌ *кўп.* ـاتٌ бар, қаҳвахона

بَارَاشُوتٌ парашют

بَارَافَانٌ *кўп.* ـاتٌ парда (*йиғиладиган*)

بَارَّاكُودَا барракуда (*балиқ*)

بَارِجَةٌ *кўп.* بَوَارِجُ ҳарбий кема

بَارْكٌ парк, истироҳат боғи

بَارْنَامِجٌ *кўп.* بَرَامِجُ = بَرْنَامَجٌ

بَارَةٌ *кўп.* ـاتٌ бора (пора) (*1/40 қирш-пиастрга тенг пул бирлиги*)

بَارُودٌ порох (милтиқдори), إِطْلَاقُ الْـ~ отишма, отишиш, отиш; ~ مَخْزَنُ 1) ўқ-дори сақланадиган ертўла; 2) *кўч.м.* уруш ўчоғи

بَارُودَةٌ – *кўп.* بَوَارِيدُ қурол, милтиқ

بَارُوقٌ қўрғошинли белила

بَارُومِتْرٌ *кўп.* ـاتٌ барометр

بَارُونٌ *кўп.* ـاتٌ барон (*дворянларнинг графдан қуйи унвони ва шу унвон эгаси*)

بَارِيسِيٌّ Парижга оид; 2. парижлик

بَارِيُومٌ *киме.* барий

بَازٌ *кўп.* بَازَاتٌ، بِيزَانٌ، أَبْوَازٌ лочин, боз

بَازَارٌ 1) бозор; 2) савдо-сотиқ

بَازْدَارٌ *кўп* بَزَادِرَةٌ лочинбоқар

بَازُوكَا، بَازُوكَةٌ (*шунингдек:* ~ مِدْفَعُ) *ҳарб.* базука, танкка қарши қўйиладиган реактив қурол

بَازِيٌّ *кўп* بُزَاةٌ = بَازٌ

بَازْيَارٌ *кўп.* بَيَازِرَةٌ = بَازْدَارٌ

بَازِلاَّ нўхат (*кўклигида териб олингани*); الـ~ الْمُعَطَّرَةُ нўхатгул, янчилмаган мурч

بَاسْبُورْطٌ، بَاسَابُورْتٌ *кўп.* ـاتٌ — паспорт

بَاسْتِلْيَا қиём

بَاسُورٌ *қар.* بسر

بَاشٌ бош, катта; ~ تِمْرَجِيٌّ бош санитар; ~ جَاوِيشٌ катта унтер-офицер; сержант (*полицияда*); фельдфебел; ~ كَاتِبٌ бош (биринчи) котиб; ~ مُحْضِرٌ инқилобдан олдинги Россияда суд ижрочиси; ~ مُعَاوِنٌ бош ёрдамчи (*судда*); ~ مُهَنْدِسٌ бош муҳандис (*инженер*)

– بَاشٌ *кўп.* ـاتٌ — *картада:* король, малик, қирол

– بَاشَا *кўп.* بَاشَاوَاتٌ، بَاشَوَاتٌ пошо (*Турк султонлигида ва Мисрда генераллар ва аъёнларнинг олий унвони ва унвон эгаси*)

– بَاشَاوِيَّةٌ، بَاشَوِيَّةٌ пошолик мансаби *ёки* унвони

بَاشْتُو : الـ~ пушту тили

بَاشَرُوشٌ *зоол.* фламинго, қизилғоз (*бўйни ва оёқлари узун оч пуштиранг сув қуши*)

بَاشَقٌ، بَاشِقٌ *кўп.* بَوَاشِقُ қирғий, қарчиғай

بَاشْكِيرٌ *кўп.* بَاشَاكِيرُ = بَشْكِيرٌ

بَاشِلُوسٌ бацилла (*таёқча шаклидаги бактерия*)

بَاشُورَةٌ *қар.* بشر

بَاصٌ *кўп.* ـاتٌ — автобус

بَاطِسٌ патак

بَاطُونٌ бетон; الـ~ الْمُسَلَّحُ арматурали бетон, темир бетон

بَاطِيَةٌ *кўп.* بَوَاطٍ кувача; жом; қадаҳ; коса; кўза

بَاظٌ *кўп.* ـاتٌ — ўтхона панжараси; ораси очиқ сўри

بَاغَةٌ пластмасса, целлулоид (*ва бошқа даста, қабзалар учун ишлатиладиган материаллар*)

بَاقِلاَّءُ، بَاقِلَّى *жам.* Миср ловияси (*ўсимлиги ва дони*)

– بَاقِلاَّةٌ ловия

بَاقَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) гулдаста; ~ الزُّهُورِ бир даста гул; ~ الْوُرُودِ бир даста атир гул; 2) боғлам, тутам, тарам, даста

بَاكُو *кўп.* بَاكَتَاتٌ қути (*мас. чой, сигарет учун*)

بَالٌ[1] кит; الـ~ عَظْمُ (فَكُّ) кит мўйлови

بَالٌ[2] 1) ўй, фикр, хаёл; ... فَمَا ~كَ وَ ... ганда сен нимани ҳам ўйлашинг мумкин; مَا ~كَ احْتَمَلْتَ هَذَا ؟ нима учун сен чидаб турдинг? (*рози бўлдинг?*); 2) хотира, эс, ёд; وَ لاَ يَغِيبُ عَنِ الْبَالِ بِأَنْ ... шуни эсдан чиқармаслик керакки, ...; 3) кўнгил, ақл-идрок; هَادِئُ الـ~ тинч, беташвиш, хотиржам, беозор, вазмин; مُنْشَغِلُ الـ~ ташвишли, ташвишга тушган; طَوِيلُ الـ~ сабр-қаноатли; طَوَّلَ ~ـهُ сабр-қаноат қилмоқ; رَاحَةُ الـ~ сукунат, хотиржамлик, осойишталик; خَطَرَ بِـ~ـي менинг эсим (ақлим) га келди; وَقَعَ مِنْهُ ~ унинг калласига (эсига) келди; لَنْ يَطْمَئِنَّ لَهُمْ ~ улар ҳеч тинчлана олмаяптилар; لَنْ يَهْدَأَ لَنَا ~ إِلاَّ بَعْدَ ... бизлар фақатгина ...да тинчланамиз; ◊ ذُو ~ муҳим; مَا ~كَ ؟ сенга нима бўлди?; ~كَ! эҳтиёт бўл!; أَخَذَ ~ـهُ مِنْ ... а) ...га яхшилаб қарамоқ, ...ни яхшилаб кузатмоқ; б) (*н. нидир*) дилга жо қилиб (*қулоққа қуйиб*) олмоқ; أَلْقَى ~ا لِـ... *ёки* أَعْطَى ~ـهُ إِلَى ... ...га эътиборни қаратмоқ

بَالِسْتِيكٌ баллистика (*ўқ, снаряднинг ҳаракат қонунлари ҳақидаги фан соҳаси*)

– بَالِسْتِيكِيٌّ баллистикага оид, баллистик

بَالِصَةٌ *кўп* بَوَالِصُ полис (*суғурта қилдирганлик тўғрисидаги ҳужжат*); ~ التَّأْمِينِ суғурта полиси

بَالْطُو *кўп.* بَالْطُوَاتٌ، بَلاَطِي пальто; ~ مُشَمَّعٌ (*резина аралашган*) пальто, резина плашч (ёмғирпўш)

بَالَةٌ[1] кичкина шиша (флакон)

بَالَةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — тугун, бўхча, той, боғлам, тахлам, тўп

بَالُو бал, рақс кечаси

بَالُوتَاجٌ овозга қўйиш (*ўз номзодини, бирор масалани*)

بَالُوظَةٌ 1) мева суви, шакар ва желатиндан тайёрланган ширин дирилдоқ овқат; 2) елимшак; ◊ ~ مَنْشُورَاتٌ بِالـ~ қўлда ёки машинкада ёзилган текстдан кўп нусхада кўпайтирилган ва ҳаммага маълум қилиш ва ташвиқот учун тарқатиладиган варақа

بَالُونٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) ҳаво шари, аэростат; 2) баллон

– بَالُونَةٌ ҳаво шари (*болалар ўйинчоғи*), пуфак

بَالِينَةٌ кит мўйлови

بَالِيه балет; قِطَعُ الـ~ концертда алоҳида ижро этиладиган балет рақслари

بَامِيَةٌ، بَامِيَا *бот.* тугмачагул, тугмагул

بَانٌ 1) Миср толи; 2) ўрмон ёнғоғи (*ўсимлиги*); حَبُّ الـ~ *ёки* زَيْتُ حَبِّ الـ~ ўрмон ёнғоғи меваси; فُسْتُقُ الـ~ ўрмон ёнғоғи ёғи; 3) *кўч.м.* баланд, келишган қомат

بَانِسَةٌ *бот.* капалакгул

بَانَةٌ бигизтумшуқ (*чумчуқсимонларга кирувчи сайроқи қушча*)

بَانْيُو ванна (*чўмилиш ёки даволаниш учун белгиланган катта тос*)

بَاوُنْ фунт стерлинг (*пул бирлиги*)

بَايٌ кўп. ـَاتٌ — бей, бой (*мансаб, унвон*)

بَأْبَأَ 1) "ота", "дада" сўзини (*бола томонидан*) талаффуз қилмоқ; 2) بِأَبِي أَنْتَ сўзини талаффуз қилмоқ; қар. أَبٌ; 3) тезлашмоқ, шошилмоқ

– بُؤْبُؤٌ ўрта, марказ; الْعَيْنِ ~ кўз қорачиғи; هُوَ أَعَزُّ عَلَيَّ مِنْ ~ الْعَيْنِ у менинг учун дунёда ҳамма нарсадан азизроқдир

بَأَرَ I (а) بَأْرٌ қудуқ қазимоқ, ковламоқ

– بِئْرٌ мн. кўп. آبَارٌ қудуқ; шахта, кон; أَرْتُوَازِيَّةٌ ~ артезиан қудуғи (*суви ўз босими билан отилиб чиқиб турадиган*); الْبِتْرُولِ ~ нефть қудуғи; السُّلَّمِ ~ зина суянчиқлари (панжаралари) оралиғидаги бўш жой (*кўп қаватли биноларда*)

– بُؤْرَةٌ кўп. بُؤَرٌ марказ, фокус (*нурларнинг кесишган нуқтаси*); زَوْجِيُّ الـ~ икки фокусли, бифокал; 2) манба; ўчоқ (*мас. юқумли касалликлар, инфекция ўчоғи*); التَّوَتُّرِ ~ кескинлик, нотинчлик ўчоғи

– بُؤْرِيٌّ фокусга оид; الْبُعْدُ الـ~ фокус масофаси

بَازٌ = بَأْزٌ

بَأُسَ I (بَأْس) بُؤْسٌ (у) بَأْسٌ кучли (кувватли, кудратли) бўлмоқ, жасур (ботир, қўрқмас) бўлмоқ

بَئِسَ (а) بُؤْسٌ бахтсиз, ночор, ожиз, фақир; ярамас, бَئْسَ қиск. بِئْسَ жирканч бўлмоқ; بِئْسَ هَذَا الْإِنْسَانُ бу қандай ярамас одам!; بِئْسَ مَا أَشَرْتُمْ بِهِ! сиз маслаҳат берган нарса нақадар ёмон (жирканчли)!; VIII ابْتَأَسَ хафа (ғамгин, маъюс) бўлмоқ; қайғурмоқ, ҳасрат (ғам, андух) чекмоқ, маъюсланмоқ

– بَائِسٌ кўп. بُؤْسٌ бахтсиз, бечора, ожиз, фақир

– بَأْسٌ 1) қувват, куч-қудрат; 2) жасорат, ботирлик; ذُو ~ а) кучли, қудратли; б) жасур, жасоратли; 3) ёмонлик, ёвузлик, зарар келтириш, кулфат, мусибат, офат, бало; لاَ ~ بِهِ а) ёмон бўлмаган (яхши); б) яхши, яхшигина, дуруст; لَهَا صَوْتٌ لاَ ~ بِهِ унинг яхшигина овози бор; لاَ ~ هُنَا بِبَعْضِ الْإِيضَاحِ бу ерда бир нечта изоҳлар (тушунтиришлар) бериш зарар қилмайди; لاَ يَرَى فِيهِ ~اً бунда у ҳеч қандай фойдасиз нарсани кўрмаяпти; 4) қўрқинчли жой; وَ لاَ ~اً! ҳечқиси йўқ!, зарари йўқ!; لاَ ~ مِنْ أَنْ تَقُولَ сен айтсанг, ҳеч гап бўлмайди!; لاَ ~ عَلَيْكَ! қўрқма!

– بَأْسَاءُ 1) қийинчилик, бахтсизлик, ғам, кулфат; الْحَيَاةِ وَ ~ ضَرَّاءَهَا شَارَكَهَا ҳаёт қийинчиликларини у билан бирга баҳам кўрди; 2) муҳтожлик, камбағаллик, фақирлик

– بُؤْسٌ камбағаллик, бахтсизлик, фақирлик; أَهْلُ الـ~ фақир кишилар

– بُؤْسٌ ~: بَنَاتُ бахтсизликлар, мусибатлар, фалокатлар, офат-балолар, фожиалар

– بَئِيسٌ кўп. بُؤَسَاءُ бахти қора, шўрпешона, толеи паст; 2) жафокаш, заҳматкаш, заҳмат чекувчи одам

بَأَّهَ I (а) بَأْهٌ (*н. ғадир*) эътиборни қаратмоқ

بَؤُونَةٌ бауна (*қибт тақвимининг 10-ойи*)

بَبْرٌ кўп. بُبُورٌ йўлбарс

– بَبْرِيٌّ йўлбарсга оид

بَبَّغَاءُ, بَبْغَاءُ кўп. بَبَّغَاوَاتٌ тўти; كَرَّرَ (رَدَّدَ) الْكَلاَمَ كَالـ~ тўтига ўхшаб такрорламоқ

– بَبَّغَاوِيٌّ, بَبَّغَائِيٌّ 1) тўтига ўхшаш, тўтисимон; тўтига оид; بِشَكْلٍ ~ тўтидек, тўтига ўхшаб; 2) ўзгалар сўзини тўтидек такрорловчи

– بَبَّغَائِيَّةٌ калака қилиш, тақлид қилиш

– بَبَّغَانٌ кўп. ـَاتٌ = بَبَّغَاءُ

بِبْلِيُوجْرَافِيٌّ библиографияга оид; 2) библиограф, библиография мутахассиси

– بِبْلِيُوجْرَافِيَا библиография (*китоб ва бошқа нашрларнинг системали илмий тавсифи ва шу ҳақдаги фан; китоблар, асарлар рўйхати, кўрсаткичи*)

بَتَّ I (а/у; и) بَتٌّ 1) кесмоқ; ажратмоқ, бўлмоқ, айирмоқ; 2) қарор қилмоқ, ҳал қилмоқ, муҳокамага қўймоқ; ... بِرَأْيٍ فِي ~ ... ҳақида қарор чиқармоқ; 3), қатъий ният қилмоқ; لاَ صِيَامَ لِمَنْ لَمْ يَبُتَّ الصِّيَامَ مِنَ اللَّيْلِ ҳад. тунда рўзага қатъий ният қилмаган кишида рўза бўлмайди (*фуқаҳолар фикрича, ният пешингача ҳам қилиниши мумкин*); II بَتَّتَ кўп қирқиб ташламоқ; VII انْبَتَّ 1) бўлинмоқ, ажралмоқ; қирқилмоқ; 2) ҳал бўлмоқ, ечилмоқ; муҳокамага қўйилмоқ

– بَاتٌّ 1) қатъий, узил-кесил; 2) ҳал қилувчи, муҳим

– بَتٌّ 1) кесиш, ажратиш, бўлиш; 2) ҳал қилиш, ечиш, муҳокамага қўйиш; ◊ ~اً ўнгдан чапга, соат милига тескари равишда

– بَتَاتٌ уй анжомлари; لاَ يُؤْخَذُ مِنْكُمْ عُشْرُ الـ~ ҳад. сизларнинг уй анжомларингиздан ушр олинмайди; ~اً узил-кесил, қатъий, қатъиян, бутунлай, мутлақо

– بَتَّةٌ қарор, хулоса, фикр, тўхтам; الـ~ узил-кесил, қатъий равишда, қатъий, батамом; ~ мутлақо қатъий

– بَتِّيٌّ мутлақ, тугал, қатъий

– مُنْبَتٌّ 1) ажралган, якка қолган; узоқлашган; إِنَّ الـ~ لاَ أَرْضاً قَطَعَ وَ لاَ ظَهْراً أَبْقَى мқл. (карвондан) кечиккан киши (туя) белини аямаса ҳам, керакли масофани босиб ўтолмайди; эрта айтмаганга оқшом йўқ;2) ҳал бўлган; ҳал қилинган

بَتَاوٌ жам. зоғора нон

– بَتَاوَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ ـــ думалоқ зоғора нон

– بَتِيَّةٌ، بُتَيَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ ـــ بَتَانِيُّ кичкина бочка, бочкача

I بَتَرَ (у) بَتْرٌ 1) ажратмоқ, кесмоқ, бўлмоқ; 2) кесиб ташламоқ, қирқиб ташламоқ; V تَبَتَّرَ олди олинмоқ, тўхтатмоқ; VII اِنْبَتَرَ бўлинмоқ, кесилмоқ, узилмоқ

– أَبْتَرُ[1] *мн.* بَتْرَاءُ *кўп.* بُتْرٌ 1) чўлтоқ, думи калта; 2) бефарзанд, боласиз

– أَبْتَرُ[2] охири яхшиликка олиб келмайдиган иш

– بَاتِرٌ *кўп.* بَوَاتِرُ ўткир, кескир; السَّيْفُ الْــ~ ўткир (кескир) қилич

– بَاتِرٌ = بَتَّارٌ

– بَتْرٌ 1) ажратиш, алоқани узиб қўйиш; 2) кесиб ташлаш

– مَبْتُورٌ 1) ажратилган, узилган, бўлинган; 2) кесиб ташланган; الْيَدِ (السَّاقِ) ~ қўли (оёғи) кесилган; 3) узуқ-юлуқ, бир-бирига боғланмаган, чала-чулпа, тумтароқ; ◊ حَيَاةٌ ~ةٌ барбод бўлган ҳаёт

بِتْرُولٌ، بَتْرُولٌ нефть; خَامٌ ~ хом (қайта ишланмаган) нефть; آبَارُ الْــ~ нефть қудуқлари; مَنَابِعُ الْــ~ нефть манбалари (булоқлари, қудуқлари); صِنَاعَةُ الْــ~ нефть саноати

– بِتْرُولِيٌّ، بَتْرُولِيٌّ 1) нефтга оид; الْمَنْتُوجَاتُ الْــ~ــةُ нефть маҳсулотлари; 2) нефтли, нефтга бой, нефть берувчи

– بِتْرُوكِيمَاوِيَّاتٌ: صِنَاعَةُ ~ нефть-кимё саноати; нефтни қайта ишлаш саноати

أَبْتَعُ *мн.* بَتْعَاءُ *кўп.* بُتْعٌ (أَجْمَعُ сўзидан кейин маънони кучайтириш мақсадида келтирилади) барча, бутун, ҳамма, жами

– بَاتِعٌ: سِرُّهُ الْــ~ унинг ички (ич-ичидаги, яширин) сири

– بَتَاعٌ 1) (*к. гадир, н. гадир қарашли*) мол-мулк, ашё; 2) *мн.* بَتَاعَةٌ *кўп.* بُتُوعٌ (*жонли тилда тегишлиликни, қарашлиликни англатади*) *мас.* الثَّوْرُ ~ـهُ унинг буқаси; بَقَرَةٌ بَتَاعَتُهَا унинг сигири; الدَّفَاتِرُ بُتُوعُ أُخْتِهِ синглисининг дафтарлари

– بَتْعٌ куч, қудрат

– بِتْعٌ асалдан тайёрланган шароб

بَتَافُورَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ ـــ *денг.* қайиқ

I بَتَكَ (у, и) بَتْكٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, ажратмоқ; 2) қазимоқ, кавламоқ, қазиб олмоқ; II بَتَّكَ кўплаб кесмоқ, кесиб ташламоқ

I بَتَلَ (у, и) بَتْلٌ 1) ажратмоқ, айирмоқ, бўлмоқ; 2) қирқмоқ, кесмоқ; II بَتَّلَ = I; V تَبَتَّلَ 1) ажралмоқ, бўлинмоқ, кўчиб кетмоқ; 2) узоқлашмоқ, бегона бўлмоқ, нари кетмоқ; алоҳида (бўлак) бўлмоқ; рўзғорни бошқа қилмоқ; وَتَبَتَّلْ إِلَيْهِ تَبْتِيلًا *қур.* бу дунё ташвишидан вақт ажратиб унга (*Оллоҳга*) юз тут; 2) тарки дунё қилмоқ; لِلّٰهِ ~ ўзини Оллоҳга бағишламоқ

– بَتُولٌ қиз, иффатли қиз, маъсума; الْــ~ Биби Марям (*сўзма-сўз*: бокира)

– بَتُولًا، بَتُولَةٌ қайин

– بَتُولِيٌّ 1) қизлик давридаги, қизларга хос бўлган; 2) иффатли, пок, киши тегмаган, бокира, иффати бутун, ўзига нуқс етмаган

– بَتُولِيَّةٌ иффатлилик, софлик, бокиралик

– تَبَتُّلٌ 1) тарки дунёчилик; 2) тақводорлик билан ҳаёт кечириш

– مُتَبَتِّلٌ зоҳид, тарки дунё қилган киши

I بَثَّ (а/у) بَثٌّ 1) сочмоқ, тарқатмоқ, сочиб ташламоқ, жойларга тарқатмоқ, юбормоқ; الْأَلْغَامَ ~ мина қўймоқ; الْعُيُونَ ~ жосуслар юбормоқ; الْخَوْفَ وَالرُّعْبَ فِي قُلُوبِ (نُفُوسِ) النَّاسِ ~ одамларнинг кўнглига ваҳима солмоқ; 2) (*радио ва телевизор орқали*) эшиттирмоқ; 3) эълон (маълум) қилмоқ, ҳаммага билдирмоқ; 4) (*н. гадир*) иқрор бўлмоқ, (*н. нидир*) бўйинга олмоқ; ростини, очиғини айтмоқ; IV أَبَثَّ ошкор қилмоқ, фош қилмоқ; VI تَبَاثَّ 1) айтмоқ, билдирмоқ, бир-бирига хабар қилмоқ; 2) ошкор қилмоқ (*сирни, ҳис-туйғулар ва ш.к. ларни*); бир-бирига билдирмоқ; VII اِنْبَثَّ ҳамма ёққа тарқалиб кетмоқ, тарқалмоқ, ҳаммага маълум бўлмоқ; ~وا يَبْحَثُونَ улар қидира бошладилар

– بَثٌّ[1] 1) сочиш, тарқатиш, кенгайтириш; 2) (*радио, телевизор орқали*) эшиттириш; 3) эълон (маълум) қилиш; 4) иқрор бўлиш

– بَثٌّ[2] *кўп.* بُثُوثٌ қайғу, ғам-алам, мотам

I بَثَرَ (у) بَثْرٌ، بُثُورٌ ёки بَثِرَ (а) بَثَرٌ серҳуснбузар бўлмоқ (*юз, тери*); II بَثَّرَ ёки بَثَّرَ жуда кўп ҳуснбузар тошмоқ; V تَبَثَّرَ ҳуснбузар (ғудда, бўжама) тошмоқ, ҳуснбузар (ғудда, бўжама) билан қопланмоқ

– بَثْرٌ *жам. кўп.* بُثُورٌ ҳуснбузар, ғудда, бўжама

– بَثِرٌ ҳуснбузар (ғудда, бўжама) билан қопланган, бир оз ҳуснбузар чиққан

– بَثْرَةٌ *кўп.* بَثَرَاتٌ ҳуснбузар

– بَثِرٌ = بَثِيرٌ

– بَثِرٌ = مُبَثَّرٌ

I بَثَقَ (у) بَثْقٌ уриб кетмоқ, тешиб ўтмоқ, ўймоқ, йиртиб юбормоқ, ювиб кетмоқ, бузмоқ, ёриб ўтмоқ (*тўсиқ, тўғон ва ш.к. ларни бузиб*); الْمِيَاهَ ~ сувни чиқармоқ; VII اِنْبَثَقَ 1) тешилмоқ, ўйилмоқ, йиртилмоқ; 2) ёрилмоқ, синмоқ, дарз кетмоқ, бузилмоқ; 3) (*н. дандир*) оқмоқ, оқиб кетмоқ, оқиб чиқмоқ (مِنْ); ◊ الْفَجْرُ ~ тонг ёришди, тонг отди

بَثْنِيَّةٌ Шом ўлкасида етиштириладиган буғдой нави

بَجَّةٌ бут, санам

I بَجَحَ (а) بَجْحٌ ёки بَجِحَ (а) بَجَحٌ (*н. гадир*) хурсанд бўлмоқ, (*н. дандир*) мамнун (хурсанд) бўлмоқ (بِ); II بَجَّحَ 1) уяти (юзи) йўқ бўлмоқ, сурбет (безбет, беҳаё) бўлмоқ; 2) хурсанд қилмоқ, шод қилмоқ; V تَبَجَّحَ (*н. биландир*) мақтанмоқ, керилмоқ, чиранмоқ (بِ)

– تَبَجُّحٌ мақтанчоқлик, манманлик, чираниш, керилиш

I بَجَدَ (у) بُجُودٌ бирор жойда ёки ҳолатда бўлмоқ, турмоқ; (*қаердасир*) яшамоқ, яшаб турмоқ

– بِجَادٌ кўп. بُجُدٌ бижод (йўл-йўл газламадан тикилган кийим)

– بَجْدَةٌ 1) боши, манбаи; 2) ер, тупроқ; هُوَ ابْنُ ~ النِّيلِ у Нил тупроғининг фарзандидир; 3) моҳият, туб маъно, мазмун; ◊ هُوَ ابْنُ ~ عِنْدَهُ ~ а) у бу ерда ўз уйидагидек; б) у ўз ишини билади; ~ ذَلِكَ у бу ҳақда билади

بِجَادِي мин. ёқут

I بَجِرَ (بجر) (а) بَجَرٌ катта қоринли бўлмоқ; بَجَّرَ (у) بَجْرٌ ичак-чавоғини очиб ташламоқ

أَبْجَرُ мн. بَجْرَاءُ кўп. بُجْرٌ қорни катта, қориндор.

– بُجْرَةٌ кўп. بُجَرٌ киндик; ◊ عُجَرٌ وَ بُجَرٌ хатолар ва янглишишлар, камчилик ва нуқсонлар

I بَجَسَ (у) بَجْسٌ қуймоқ, тўкмоқ, оқизмоқ, ағдармоқ; II بَجَّسَ =I; V تَبَجَّسَ қуйилмоқ, тўкилмоқ, оқмоқ, томмоқ; VII انْبَجَسَ оқиб кетмоқ, оқиб чиқмоқ, тўкилмоқ, отилиб (қайнаб) чиқмоқ (сув ҳақида)

– بَجِيسٌ қирғоқлардан тошувчи, тўлиб-тошиб оқувчи

– بَجَعٌ жам. зоол. сақоқуш, бирқозон (тумшуғи остида халтаси бўлган йирик сув қуши)

– بَجَعَةٌ кўп. ـاتٌ — сақоқуш, бирқозон

(بجل) II بَجَّلَ 1) мақтамоқ, шуҳратини ёймоқ, кўкларга кўтармоқ; таъриф-тавсиф қилмоқ; 2) иззат (ҳурмат) билан эсламоқ V تَبَجَّلَ 1) шуҳрат қозонмоқ, мақталмоқ; 2) қадрланмоқ, иззат-ҳурмат билан эсланмоқ

– بَجَلْ тасд.юк. ҳа

– مُبَجَّلٌ, بَجِيلٌ ҳурматли, муҳтарам

I بَجَمَ (и) بُجُومٌ, بَجْمٌ (қўрқишдан, ҳайратдан) жим бўлмоқ, жимиб қолмоқ, тек қолмоқ

– بَجَمٌ I. тентакнамо, аҳмоқ; эси паст, мияси йўқ; 2. анқов, меров

– بِجَامَةٌ кўп. ـاتٌ — пижама (куртка ва шимдан иборат уй кийими)

(بجن) II بَجَّنَ 1) қоқмоқ, қоқиб киргизмоқ; 2) (н. нидир) парчинламоқ, бириктирмоқ, уламоқ, маҳкамламоқ

– بَجَّانٌ парчинловчи (одам)

I بَحَّ (и/а) بُحُوحَةٌ, بَحَحٌ, بَحَاحٌ хирилламоқ; II بَحَّحَ хириллатмоқ, хириллашга мажбур қилмоқ; IV أَبَحَّ =II

– أَبَحُّ мн. بَحَّاءُ кўп. بُحٌّ хирилловчи, хириллайдиган

– بَحَاحٌ, بُحَّةٌ хириллаш

– أَبَحُّ = مَبْحُوحٌ

بَحْبَحَ бадавлат (тўқ) яшамоқ, фаровонликда яшамоқ; фаровон турмуш кечирмоқ; بَحْبَحَ = تَبَحْبَحَ

– بَحْبَحَةٌ 1) тўқлик, таъминланганлик; фаровон ҳаёт; 2) бичими кенг (кийим)

– بَحْبُوحٌ 1. 1) таъминланган; ташвишсиз яшовчи; 2) вақти (кайфи, димоғи) чоғ; 2. хушчақчақ, (хуштабиат) одам; ҳазилкаш

– بُحْبُوحَةٌ кўп. بَحَابِحُ 1) кенглик, эркинлик, дориломонлик; ~ الْحُرِّيَّةِ (фаолиятда) тўла эркин бўлиш; 2) фаровонлик, ҳамма нарсанинг етарли бўлиши, комфорт (маиший қулайлик); 3) ўртачалик, мўътадил йўл

– مُتَبَحْبِحٌ кенг, ҳилпиллаган, катта (кийим ҳақида); қулай; 2) бадавлат, тўқ яшовчи

بَحْتٌ соф, ҳақиқий, чинакам, қалбаки бўлмаган; الرِّيَاضِيَّةُ الْـ~ـةُ соф математика; الْمَسَائِلُ السِّيَاسِيَّةُ الْـ~ـةُ чинакам сиёсий масалалар; الْمُصَادَفَةُ الْـ~ـةُ мутлақ тасодиф; عَرَبِيٌّ ~ соф қонли араб

بَحْتَرَ 1) сепмоқ, сочмоқ, ёймоқ; 2) совурмоқ, нест-нобуд қилмоқ сол; (بَحْثَرَ); تَبَحْتَرَ тўкилган, сочилган бўлмоқ

– بُحْتُرٌ кўп. بَحَاتِرُ паст бўйли, пакана; чорпахил; калтабақай, миқти, бақалоқ

– بَحْتَرَةٌ 1) сепиш, сочиш, ёйиш; 2) исрофгарчилик, совуриш, нест-нобуд қилиш

بُحْتُورِيٌّ қар. بُحْتُرٌ

I بَحَثَ (а) بَحْثٌ 1) (н. нидир) муҳокама қилмоқ, кўтариб чиқмоқ (فِي); 2) (н. нидир) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; текшириб (ўрганиб) чиқмоқ; 3) қидирмоқ; изламоқ (عَنْ); 4) (к. билан дир) суҳбатлашмоқ, гурунглашмоқ (مَعَ); III بَاحَثَ 1) биргаликда муҳокама қилмоқ, мубоҳаса қилмоқ; 2) музокара олиб бормоқ; VI تَبَاحَثَ 1) ҳамкорликда ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; 2) (н. нидир) биргаликда муҳокама қилмоқ, текширмоқ (فِي); VIII ابْتَحَثَ текширмоқ, қидирмоқ; титкиламоқ, кавлаштирмоқ

– بَاحِثٌ тадқиқотчи; олим

– بَحَّاثٌ, بَحَّاثَةٌ тадқиқотчи; текширувчи (олим)

– بَحْثٌ кўп. أَبْحَاثٌ, بُحُوثٌ 1) баҳс, мубоҳаса, муҳокама; ўрганиш, тадқиқот, текшириш; الْأَبْحَاثُ النَّوَوِيَّةُ атом ядросини ўрганиш, тадқиқ этиш; 3) илмий текшириш, диссертация; ~ لِلدُّكْتُورَاهْ докторлик диссертацияси, ~ لِلْمَاجِسْتِيرِ магистрлик диссертацияси; 4) (н. нидир) қидириш, ахтариш (عَنْ)

– تَبَاحُثٌ 1) биргаликда ўрганиш; тадқиқ этиш; 2) биргаликда муҳокама қилиш; ~ فِي مُخْتَلِفِ الْقَضَايَا турли хил масалаларни биргаликда муҳокама қилиш

– مُبَاحَثَةٌ кўп. ـاتٌ — 1) муҳокама, мунозара; баҳс, мубоҳаса, тортишув, мунозара; 2) музокара

– مُبَاحِثِيٌّ махфий полиция айғоқчиси

– مَبْحَثٌ кўп. مَبَاحِثُ 1) қидирув, тадқиқот; قَلَمُ الْمَبَاحِثِ الْجِنَائِيَّةِ а) жиноят қидирув бўлими; б) қидирув бўлими; رِجَالُ الْمَبَاحِثِ махфий полиция, қидирув бўлими айғоқчилари; 2) тадқиқот объекти; 3) илмий мақола

بَحْثَرَ 1) сепмоқ, сочмоқ, ёймоқ; 2) (пулни, мол-дунёни) совурмоқ,

исроф қилмоқ, беҳудага сарф қилмоқ; تَبَحْثَرَ сепилмоқ, сочилмоқ, ёйилмоқ, турли томонга тарқалган (сочилган) бўлмоқ

– بَحْثَرَةٌ 1) сепиш, сочиш, ёйиш; сепилган, сочилган, ёйилган;2) (*пулни, мол-дунёни*) совуриш

مُبَحْثِرٌ 1. 1) сочувчи, сепувчи, (*ёйиб, сочиб*) ташловчи; 2) (*пулни, мол-дунёни*) исроф қилувчи; 3) исрофгар

I بَحِرَ (а) بَحَرٌ ҳайрон қолмоқ; чўчимоқ, ҳуркмоқ; II بَحَّرَ шимолга отланмоқ; Қуйи Мисрга жўнамоқ (الوَجْهُ الْبَحْرِيُّ); IV أَبْحَرَ 1) сузиб кетмоқ, денгизга чиқмоқ; 2) денгиз томон кетмоқ (*қуруқлик орқали*); الْمَاءُ ~ сув шўрланди; الرَّجُلُ ~ отга минмоқ; V تَبَحَّرَ (*н. нингдир ичига*) чуқур кирмоқ; (*н. нидир*) мукаммал ўрганмоқ (فِي)

– بَحَّارٌ кўп. بَحَّارَةٌ денгизчи; كَوْنِيٌّ ~ космонавт; بَحَّارَةُ السَّفِينَةِ кема экипажи, кема командаси

– بُحَارٌ денгиз касаллиги (*кемада юрганда қайт қилиш касаллиги*)

– بَحْرٌ кўп. بُحُورٌ، بِحَارٌ، أَبْحُرٌ، أَبْحَارٌ 1) денгиз; عُرْضُ الْـ~ а)очиқ денгиз; б) рейд (*портга кириш олдида кемалар тўхтаб турадиган қулай жой*); الْـ~ الْإِقْلِيمِيُّ (الْأَرْضِيُّ) территориал сувлар (*денгизнинг бирор давлат қирғоғига туташган қисми*); الْـ~ الدَّاخِلِيُّ ички сувлар; تُوتِيَا الْـ~ денгиз типратикани; حَمُولُ الْـ~ ёки حَشِيشُ الْـ~ ёки عُشْبُ الْـ~ сув ўтлари (ўсимликлари); نَجْمُ الْـ~ денгиз чуқурлиги; 2) катта дарё; 3) Нил дарёси; 4) *ад* баҳр, вазн, ўлчов; 5) катта қадам оладиган от; 6) ~ مَاءُ шўр сув, денгиз суви; ◊ بِنْتُ الْـ~ сув париси (қизи); حِصَانُ (فَرَسُ) الْـ~ бегемот; عِجْلُ الْـ~ тюлень (*денгиз ҳайвони*); كَلْبُ الْـ~ акула, наҳанг; فِي ~ السَّنَةِ йил бўйи, йил давомида

– بُحْرَانٌ кўп. بَحَارِينُ 1) *мед.* кризис (*беморнинг у ёқлик ёки бу ёқлик бўлишига олиб борадиган оғир ҳолати*); 2) алаҳлаш, босинқираш

– بَحْرَانِيٌّ 1) Баҳрайнга оид; 2) Баҳрайн оролларида яшовчи; кўп. الْبَحَارِنَةُ баҳрайнликлар

– بَحْرَاوِيٌّ кўп. بَحَارِوَةٌ Қуйи Мисрда яшовчи, Қуйи Мисрлик

– بَحْرَايَةٌ кўп. ـَاتٌ — ҳовуз, ҳавза; унча катта бўлмаган кўл

– بَحْرَةٌ кўп. بِحَارٌ، بُحَرٌ ҳовуз, ҳавза

– بَحْرِيٌّ 1. 1) денгизга оид; денгиз бўйидаги (қирғоғидаги); تَيَّارَاتٌ ~ـَةٌ денгиз оқимлари; الْقُوَّاتُ الْـ~ـَةُ ҳарбий денгиз кучлари; 2) денгизда юришга (сузишга) оид, денгизчиликка оид; 4) Нилга оид; 5) Қуйи Мисрга тааллуқли; 2. кўп. بَحْرِيَّةٌ = بَحَّارٌ؛ مَاهِرٌ ~ бош матрос

– بَحْرِيَّةٌ 1) денгизчилик касби; 2) денгиз флоти; وِزَارَةُ الْبَحْرِيَّةِ денгиз флоти вазирлиги; سِلَاحُ الْـ~ денгиз кучлари; مُشَاةُ الْـ~ денгиз пиёда аскарлари (пиёдалари)

– بَحِيرَةٌ озод (чўри бўлмаган) аёлнинг қизи

– بُحَيْرَةٌ кўп. ـَاتٌ — кўл; شَاطِئِيَّةٌ ~ кўлтиқ (*денгиздан ажралиб ҳосил бўлган саёз кўл, кўрфаз*)

– بُحَيْرِيٌّ 1) кўлга оид; кўлда бўладиган; кўли кўп, серкўл; 2) Буҳайра вилоятида туғилган; Буҳайра вилоятида яшовчи, буҳайралик

– تَبَحُّرٌ 1) чуқурлаштирилганлик, жиддийлик; 2) Чуқурлик, теранлик; 3) билимдонлик, билимлилик, ўқимишлилик; 3) олимлик

– مُتَبَحِّرٌ 1. чуқур ўрганувчи; 2. олим

بَحْلَقَ кўзни бақрайтирмоқ, (*к. гадир, н. гадир*) тикилиб қолмоқ, қарамоқ (فِي); (*к. нингдир, н. нингдир олдида*) кўзни жовдиратмоқ, анқайиб (кўзни лўқ қилиб, безрайиб) қараб турмоқ (فِي)

– بَحْلَقَةٌ кўзни бақрайтириш

I بَخَّ (а/у) بَخٌّ 1) хуррак отмоқ; пишқирмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); 2) (*н. нидир*) сочмоқ, сепмоқ, сачратмоқ, пуркамоқ, пуркаб сепмоқ

– بَخْ : بَخٍ بَخٍ ёки بَخْ بَخْ аъло!, балли!, баракалла!, қандингни ур!, яша!

– بَخَّاخٌ، بَخَّاخَةٌ кўп. بَخَّاخَاتٌ 1) пульверизатор, пуркагич (*суюқ ёки кукун моддаларни пуркайдиган, чангитиб сепадиган асбоб*); 2) *тех.* форсунка (*суюқ ёхуд кукун моддаларни пуркаб берувчи асбоб*)

– بُخَيْخَةٌ кўп ـَاتٌ — шприц (*1. Баданга дори юборадиган асбоб; 2. машина қисмларини мойлайдиган асбоб*)

بَخْتٌ кўп. بُخُوتٌ، أَبْخَاتٌ бахт, омад; سُوءُ الْـ~ бахтсизлик, омадсизлик; مِنْ سُوءِ ~ِي бахтимга қарши ...; قَلِيلُ الْـ~ бахтсиз, омадсиз; فَاتِحَةُ الْـ~ фолбин аёл, ромчи аёл; فَتَحَ (قَرَأَ) الْـ~ фол кўрмоқ, ром очмоқ

– بُخْتِيٌّ кўп. بُخْتِيَّةٌ мн. بَخَاتِيُّ туя

– بَخِيتٌ، مَبْخَتٌ، مَبْخُوتٌ бахтли, омадли

بَخْتَرَ، تَبَخْتَرَ виқор билан, кеккайиб юрмоқ; ўзини катта тутмоқ, кибрланмоқ, кеккаймоқ

– بَخْتَرَةٌ، تَبَخْتُرٌ виқор билан юриш; гердайиш

– بَخْتَرِيٌّ ғурурли, виқорли мутакаббир

– بَخْتَرِيٌّ = مُتَبَخْتِرٌ

I بَخِرَ (بخر) (а) بَخَرَ : الْفَمُ ~ оғиздан ёқимсиз ҳид келмоқ; بَخَرَ (а) ~ الْمَاءُ : بَخَرَ буғланмоқ, буғга айланмоқ (*сув ҳақида*); ~تِ الْقِدْرُ қозондан буғ чиқяпти; II بَخَّرَ 1) буғга айлантирмоқ, буғлантирмоқ; 2) (*н. биландир ўсимликни*) дудламоқ, тутун бостирмоқ (بِ); 3) (*хушбўй моддаларни, муаттар н. ларни*) тутатмоқ; V تَبَخَّرَ буғга айланмоқ, буғланмоқ

– أَبْخَرُ ёқимсиз ҳидли (*оғиздаги*)

– بَاخِرَةٌ кўп. بَوَاخِرُ пароход; الْبَضَائِعِ ~ юк пароходи; السُّحُبِ ~ шатакчи, шатакка олувчи пароход; عَابِرَةُ الْمُحِيطِ ~ океан пароходи; النَّقْلِ ~ транспорт кемаси, нақлиёт

– بُخَارٌ кўп. أَبْخِرَةٌ буғланиш, буғ; مُشْبَعٌ ~ тўйинган буғ; مِيزَانُ ضَغْطِ الْـ~ манометр (*буғ босимини ўлчайдиган асбоб*)

– بُخَارِيٌّ буғга оид, буғ кучи билан ишлайдиган; آلَةٌ ~َةٌ ёки وَابُورٌ ~ буғ машинаси; مَرْكَبٌ ~ пароход; الْقُوَّةُ الْـ~َةُ буғ қуввати; حَمَّامٌ ~ буғ (турк) ҳаммоми

– بَخَرٌ ёқимсиз ҳид (оғиздаги)

– بَخُورٌ кўп. ـَاتٌ — тутатқи (исириқ, ладан ва ҳ.к.); фимиам (исириқсимон хушбўй тутатқи); ладан (баъзи ўсимликлардан олинадиган, насронийлар диний маросимларида ишлатиладиган хушбўй смола); مَرْيَمَ ~ бот. Алп бинафшаси, цикламен; أَطْلَقَ ~ا хушбўй нарсаларни тутатмоқ; ◊ حَرَقَ لَهُ ёки حَرَقَ أَمَامَهُ ~َ الْمَدِيحِ الْـ~ (к. гадир) лаганбардорлик қилмоқ, ортиқча мақтамоқ, кўкларга кўтармоқ

– بُوَيْخِرَةٌ кўп. ـَاتٌ — кичик пароход

– تَبَخُّرٌ буғланиш, буғ ҳосил бўлиши

– تَبْخِيرٌ 1) буғга айланиш (айлантириш); 2; дудлаш (мас. ўсимликларни)

– مُبَخِّرٌ кўп. ـَاتٌ — (шунингдек: الْوُقُودِ ~) карбюратор (ички ёнув двигателларида аралашма ҳосил қиладиган жиҳоз)

– مُبَخِّرَاتِيٌّ кўп. مُبَخِّرَاتِيَّةٌ (ўсимликни) дудлаётган одам

– مِبْخَرَةٌ кўп. مَبَاخِرُ 1) ладандон (христианларда: ибодат вақтида ладан тутатадиган идиш); 2) (ўсимликларни) дудлаш учун ишлатиладиган асбоб

I بَخَسَ (а) بَخْسٌ 1) енгиллатмоқ (вазн); 2) арзонлатмоқ, пасайтирмоқ (баҳони, нархни); 3) алдамоқ (савдода); حَقَّهُ ~ а) чегараламоқ, (к. нингдир ҳуқуқини) камайтирмоқ; б) адолатсизлик қилмоқ; مِيرَاثَهُ ~ меросни бўлиш пайтида (к. гадир) улуш бермаслик, озроқ бермоқ; 4) кичрайтирмоқ, озайтирмоқ, камайтирмоқ, қисқартирмоқ, пасайтирмоқ

– بَخْسٌ 1. арзон; بَاعَ بِالْـ~ِ арзон бермоқ, чақага бермоқ; 2. 1) етишмовчилик, камчилик, озлик; 2) паст баҳо, нарх; ◊ طَالِعِي ~ِ لَـ мени хафа қилиб, мени бетоле қилиб; لاَ ~َ فِيهِ وَ لاَ شَطَطَ арзон ҳам эмас, қиммат ҳам

I بَعَثَ (а) بَعْثٌ 1) (*н. нидир*) юбормоқ, жўнатмоқ, (*к. нидир*) командировка қилмоқ (хизмат вазифаси билан бирор жойга юбормоқ (بِ *ёки туш.к.*); 2) (*бирор иш қилишга*) ундамоқ, мажбур этмоқ, гиж-гижламоқ; ғаламислик қилмоқ (عَلَى); бирор ҳис туғдирмоқ, уйғотмоқ, пайдо қилмоқ, ҳосил қилмоқ (فِي، بِ); هٰذَا الْوَضْعُ يَبْعَثُ عَلَى الْقَلَقِ (الْخَوْفِ) бу ҳолат хавф-хатар (қўрқинч) соляпти; 3) чиқармоқ, таратмоқ, тарқатмоқ (*товуш, ҳид ва ш.к. лар ҳақида*); ~ مِنْ فَمِهِ صَفِيرًا ҳуштак чалмоқ; 4) қўзғатмоқ, пайдо қилмоқ, тикламоқ, жонлантирмоқ, уйғотмоқ, ғайрат бағишламоқ; тирилтирмоқ, жон киргизмоқ; ҳаётга қайтармоқ; ~ مِنَ الْمَوْتِ ўликни тирилтирмоқ; ~ مِنْ نَوْمِهِ кимнидир уйқудан уйғотмоқ; ~ النَّظَرَاتِ (*к. гадир*) назар солмоқ (إِلَى); VI تَبَاعَثَ 1) (*бирор иш қилишга*) бир-бирини мажбур қилмоқ, ундамоқ; 2) (*қаердандир*) биргаликда пайдо бўлмоқ (مِنْ); VII اِنْبَعَثَ 1) юборилган бўлмоқ; 2) қайтадан вужудга келган, тикланган бўлмоқ; тирилган, ҳаётга қайтган бўлмоқ; жонланмоқ; 3) (*қаердандир*) вужудга келмоқ, пайдо бўлмоқ (مِنْ); тарқалмоқ, (*н. дандир*) келиб чиқмоқ, чиқмоқ,

таралмоқ (*ҳид ҳақида* مِنْ); 4) шошилмоқ, ҳовлиқмоқ; 5) бошламоқ; يَبْكِي ~ у йиғлай бошлади; VIII اِنْبَعَثَ 1) қандай бўлса, шундай эсга туширмоқ; тикламоқ, тирилтирмоқ, жонлантирмоқ; қайтадан юзага келтирмоқ, қўзғамоқ; 2) юбормоқ, жўнатмоқ

– اِنْبِعَاثٌ 1) тиклаш; тикланиш; уйғониш; 2) пайдо бўлиш, туғилиш, рўй бериш, 3) ўтиш, туғаш, битиш (*муддат, вақт ҳақида*)

– بَاعِثٌ *кўп.* بَوَاعِثُ боис, сабаб; асос

– بَعْثٌ *кўп.* بُعُوثٌ 1) юборилган нарса; юбориш, жўнатиш; 2) вазифа, бурч, миссия; 3) тикланиш, жонланиш, тирилиш; уйғониш; حِزْبُ الـ~ Баъс ҳизби (партияси); يَوْمُ الـ~ *дин.* ўлганлар қайта тириладиган кун (*қиёмат*); عَصْرُ الـ~ Уйғониш даври; 4) экспедицион (*махсус мақсад билан тузилган*) гуруҳ

– بَعْثَةٌ *кўп.* بَعَثَاتٌ 1) жўнатилган, юборилган нарса; командировка; 2) экспедиция; қидирув гуруҳи; 3) вазифа, бурч, миссия; делегация (*вакиллар*); سِيَاسِيَّةٌ (دِبْلُومَاسِيَّةٌ) ~ дипломатик миссия; تَعْلِيمِيَّةٌ ~ чет элга ўқиш учун юборилган талабалар гуруҳи; الـ~ *дин.* Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оллоҳ томонидан юкланган ўз бурчларини адо этишлари; عَهْدُ الـ~ Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ динга даъват этган даврлари

– مَبْعَثٌ 1) жўнатиш вақти ёки жойи; الـ~ Муҳаммад алайҳиссаломнинг адо этишлари лозим бўлган зиммаларидаги бурчлари (*одамларни якка Оллоҳга ибодат этишга даъват қилиш, залолат ва жаҳолатдан ҳидоятга бошлаш ва б.*); 2) пайдо бўлган, рўй берган, дунёга келган жой; манба; الْوَحْيِ ~ илҳом манбаи; 3) боис, сабаб, асос

– مَبْعُوثٌ 1) юборилган, жўнатилган, йўлланган; 2) чопар, вакил; ноиб (*депутат*); делегат; مَجْلِسُ الـ~ينَ التُّرْكِيُّ *тар.* ноиблар (депутатлар) палатаси (*илгариги Туркияда*)

بَعْثَرَ 1) сочмоқ, еймоқ, тарқатмоқ; 2) (*пулни*) совурмоқ, беҳуда кетказмоқ; 3) тўнтармоқ, ағдармоқ, кулатмоқ, йиқитмоқ; 4) بُعْثِرَ чиқарилмоқ; إِذَا بُعْثِرَ مَا فِي الْقُبُورِ қабрлардаги (*жасадлар ер юзасига*) чиқарилганда ...; تَبَعْثَرَ 1) паришонхотир, фикри тарқоқ бўлмоқ; ҳамма ёққа тарқалиб, сочилиб кетмоқ; 2) йўқолмоқ, кўздан ғойиб бўлмоқ

– بَعْثَرَةٌ 1) тарқалиш, сочилиш; сочиш, тарқатиш; 2) ағдариш, тўнтариш, кулатиш; 3) совуриш; الثَّرْوَةِ ~ бойликни совуриш

مُبَعْثَرٌ 1) паришонхотир; сочилган, ёйиқ, уюшмаган, тарқоқ; ағдарилган, тўнкарилган

I بَعَجَ (а) بَعْجٌ 1) очмоқ, сўкмоқ, тилмоқ, ёрмоқ; 2) (*металл буюмларни*) эзмоқ, пачоқламоқ; VII اِنْبَعَجَ 1) эзилган, пачоқланган бўлмоқ (*металл буюмлар ҳақида*); 2) сиқилган, қисилган бўлмоқ, яллоқ (япасқи) бўлмоқ; 3) эзилмоқ, букилмоқ

– بَعْجَةٌ *кўп.* بَعَجَاتٌ эзилган, пачоқланган жой; ўйиқ; заха

– بَعِيجٌ қорни ёрилган (*пичоқ билан*)

I بَعُدَ (у) بُعْدٌ 1) узоқ бўлмоқ, ортда қолмоқ; (*н. дандир*) маълум масофада (узоқликда) турмоқ (مِنْ); أَبْعُدْ عَنِّي! йўқол! الشَّرُّ عَنْكَ! ~ фалокатинг арисин!; 2) ақлга тўғри келмайдиган, номумкин, эҳтимолдан узоқ бўлмоқ; لَا يَبْعُدُ أَنْ ... шуниси эҳтимолдан узоқ эмаски, ...; بَعِدَ (а) بَعَدٌ ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ; II بَعَّدَ узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ; III بَاعَدَ 1) (*к. биландир*) айриликда, жудоликда бўлмоқ, (*к. дандир*) йироқда, олисда, анча нарида бўлмоқ; 2) бир-биридан ажратмоқ; (*к. ларнидир*) бир-биридан жудо қилмоқ, айирмоқ (... بَيْنَهُ وَ بَيْنَ) ;بَيْنَ خُطَاهُ ~ катта-катта қадам қўймоқ, ташламоқ; IV أَبْعَدَ 1) ажратмоқ, узоқлаштирмоқ; 2) айирмоқ, бошқалардан ажратиб (яккалаб) қўймоқ; 3) (*қаердандир*) чиқариб, ҳайдаб юбормоқ; бадарға (сургун) қилмоқ; (مِنْ); 4) (*н. дандир*) бўшатмоқ, четлаштирмоқ, ҳайдамоқ (عَنْ); узоқлатмоқ, кетказмоқ, йўқотмоқ; чиқариб ташламоқ, бўшатмоқ, ҳайдамоқ; VI تَبَاعَدَ 1) аста-секин бир-биридан узоқлаштирмоқ; (*н. дандир*) бора-бора нари кетмоқ, чиқмоқ; 2) бир-биридан узоқда бўлмоқ (турмоқ); 3) ажралиб турмоқ, фарқ қилмоқ; تْ طَرَائِقُنَا فِي الْحَيَاةِ ~ биз лар турли хил (бир-биридан фарқ қилувчи) тарзда яшаяпмиз; VIII اِبْتَعَدَ (*н. дандир*) узоқлашмоқ (عَنْ); кетмоқ, ташлаб кетмоқ, тарк этмоқ; X اِسْتَبْعَدَ 1) узоқ деб ҳисобламоқ; 2) мумкин эмас, эҳтимолдан йироқ деб ҳисобламоқ; 3; (*қаердандир*) узоқлашмоқ, йўқолмоқ (عَنْ); 4) кетказмоқ, йўқотмоқ; чиқариб ташламоқ, истисно қилмоқ; ~ الْمَوْضُوعَ مِنْ جَدْوَلِ الْأَعْمَالِ масалани кун тартибидан чиқариб ташламоқ

إِبْعَادٌ 1) бартараф этиш (йўқотиш); чиқариш, чиқариб юбориш, узоқлаштириш; 2) яккаланиш, яккалаш, ажратиб қўйиш; 3) сургун, бадарға

– أَبْعَادِيَّةٌ *кўп.* أَبَاعِدُ، أَبْعَادِيَّاتٌ ферма (*хусусий деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги*), кичик қишлоқ

– أَبْعَدُ[1] энг узоқ, олис масофадаги; 2) мен, сен, у (*исмини айтиш ўрнига киноя, шама қилиб айтилади*)

أَبْعَدُ[2] хоин, хиёнаткор, хиёнатчи; 2) қўрқоқ

– بِعَادٌ айрилиқ, ҳижрон

– بَعَدٌ ҳалокат, ўлим

– بُعْدٌ[1] 1) олислик, йироқлик, узоқлик; هُوَ بَعِيدٌ عَنْ ... بُعْدَ السَّمَاءِ عَنِ الْأَرْضِ ердан осмон қанчалик йироқ бўлса, у ҳам ... дан шунчалик йироқ; 2) узоқ жой, олис; عَلَى الـ~ узоқда; (مِنْ) عَنْ الـ~ узоқдан, олисдан; النَّظَرِ ~ узоқни кўра билиш; الـ~ الْكُلِّيُّ ◊ *муз.* октава; !~لَهُ ер ютсин уни!; !~ لـ... йўқолсин! битсин!

– بُعْدٌ[2] *кўп.* أَبْعَادٌ 1) масофа, оралиқ; عَلَى ~ ثَلَاثَةِ أَمْيَالٍ уч мил масофада; هُوَ عَلَى ~ حَجَرٍ مِنْ ... *маж.* у ...га анча яқин масофададир (*сўзма-сўз*: у ...дан отилган тош масофасидадир); 2) ўлчам, размер; أَبْعَادٌ أَحْدَاثِيَّةٌ *мат.* координаталар; أَبْعَادُ الْبَالَةِ той (тугун) нинг ҳажми (бўйи, баландлиги, эни); اِتَّخَذَ أَبْعَادًا خَطِرَةً хатарли кўлам (*даража*) га етмоқ

– بَعْدُ сўнг, кейин; яна, ҳали; لَمْ يَبْلُغِ ~ الثَّمَانِيَةَ عَشَرَ у (*мз.*) ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган (кирмаган); أَمَّا ~ сўнгра; ундан кейин;

~ مِنْ قَبْلُ وَ مِنْ بَعْدُ ;фيمَا натижада, оқибатда, кечроқ, келгусида; ...гача ва ...дан сўнг

بَعْدَ сўнг, кейин; ~ بُكْرَةٍ эртадан кейин, индинга; ~ الظُّهْرِ тушдан сўнг; ~ قَلِيلٍ مِنَ الزَّمَانِ ёки ~ ذَلِكَ بِقَلِيلٍ бир қанча вақтдан кейин; ~ يَوْمًا ~ يَوْمٍ кундан кунга; ~ الْآخَرِ ~ وَاحِدٌ биттама-битта, орқама-орқа; ~ مَا ёки ~ أَنْ ... ёки ~ مِنْ ~ أَنْ ... ...гандан сўнг, кейин; ~ وُقُوعِ الْأَمْرِ ; اللُّتَيَّا кар. ~ اللُّتَيَّا وَ الَّتِي ўтган (ўтиб кетган) число билан; воқеа содир бўлиб ўтгандан кейин; кейинга; جَمَاقَةُ لَيْسَ ~هَا حَمَاقَةٌ! ўта аҳмоқлик!; ~ هُوَ فِي حِرْمَانٍ مَا ~ هُ حِرْمَانٌ у тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада муҳтождир; ~ ئِذٍ ўшандан кейин, сўнгра, оқибатда; ◊ ... وَ ~ أَخْذٍ وَ رَدٍّ وَ سِينٍ وَ جِيمٍ تَبَيَّنَ أَنَّ турли хил савол ва жавоблардан сўнг маълум бўлдики, ...

– بَعْدَيْنِ халқ. сўнг, кейин

– بُعَيْدَ ...дан кўп ўтмай, тез орада, дарров; ~ عِيدِ الْأَضْحَى қурбон ҳайитидан кейин кўп ўтмай

– بَعِيدٌ кўп. بُعَدَاءُ 1) узоқ, олис, йироқ, узоқдаги, йироқдаги; ~ غَيْرُ узоқ бўлмаган, яқин; ~ كُلَّ الْبُعْدِ عَنْ ... ...дан анча узоқда бўлган; ~ الشُّقَّةِ жуда узоқ, олис; ~ النَّظَرِ узоқни кўра биладиган, ўйлаб иш тутадиган, мулоҳазали; ~ الْأَثَرِ жуда таъсирли, фойдали; ~ الْمَنَالِ етиш (эришиш, қозониш) қийин бўлган; ~ مِنْ йироқдан, узоқдан; 2) бурунги, қадимги, эски; узоқ муддатли, давомли (*муддат ҳақида*); ~ مُنْذُ عَهْدٍ қадимдан бери, азалдан; 3) мумкин бўлмаган, эҳтимолдан узоқ; ... وَ غَيْرُ ~ أَنْ ... ва эҳтимолки, ...; 4) бегона, номаҳрам

– تَبَاعُدٌ бир-биридан узоқлашиш; фироқ, ажралиш, айрилиқ; ~ شُقَّةٌ الـ~ катта фарқ

– مُبْعَدٌ йироқлашган, узоқлаштирилган; сургун (бадарға) қилинган, чиқариб юборилган

– مُبْتَعَدٌ узоқлашиш, йироқлашиш; ~ وَقَفَ عَلَى ~ مِنْ ... ...дан йироқлашиб турмоқ; ~ يُوجَدُ عَلَى ~ كِيلُومِتْرَيْنِ у икки километрлик масофададир

– مُسْتَبْعَدٌ ақлга тўғри келмайдиган, эҳтимолдан йироқ

– مُسْتَبْعَدَاتٌ кўп. (*ишлов беришга*) нобоп, ноқулай ерлар

بَعَرَ I (بعر) (а) بَعْرٌ тезакламоқ (*қўй ёки туя ҳақида*); II بَعَّرَ ахлат (*тезак*) қолдирмоқ (*чорва ҳақида*)

– بَعْرٌ жам. кўп. أَبْعَارٌ тезак, қумалоқ, ахлат, қил, гўнг

– بَعِيرٌ кўп. أَبْعِرَةٌ, أَبَاعِرُ, بُعْرَانٌ 1) беш ва ундан катта ёшдаги туя (*эркаги ва урғочиси*); 2) қозиқ тиши чиққан туя; ~ أَهْلُ الـ бадавийлар

– مَبْعَرٌ анат. орқа чиқариш ......

بَعْزَقَ 1) сочмоқ, еймоқ, тарқатмоқ; 2) совурмоқ, беҳуда кетказмоқ (сарфламоқ)

– بَعْزَقَةٌ 1) сочиш, тарқатиш; 2) совуриш, беҳуда кетказиш (сарфлаш)

– مُبَعْزِقٌ исрофгар

(بعض) II بَعَّضَ бўлакларга ажратмоқ; V تَبَعَّضَ бўлинмоқ

– بَعْضٌ кўп. أَبْعَاضٌ 1. қисм, бўлак; ~ مُنْذُ سَنَةٍ وَ ~ السَّنَةِ бир йилдан кўпроқ, бундан аввал; 2. ...пардан бирор киши, ...дан бири, ...дан баъзилари, биров, қандайдир бир киши; ~ النَّاسِ а) баъзи одамлар; б) қандайдир бир киши, аллаким; ~ لـ ~ бир-бирига; ~هُمْ ~ا бир-бирларини; ◊ فِي ~ الْأَيَّامِ баъзи кунлари; ~ الْأَوْقَاتِ баъзи вақтларда, гоҳо; ~ الشَّيْءِ маълум даражагача; озми-кўпми; فَهِمَهُ ~ الْفَهْمِ ниманидир чала-чулпа (озми-кўпми) фаҳмламоқ; وَ ~ عَرَاهُ ~ الْخَجَلِ у бир оз хижолат бўлди; ... أَصَابَ ~ النَّجَاحِ فِي у ...да баъзи бир муваффақиятларга эришди; زَيّ بَعْضُهْ халқ. барибир!, фарқи йўқ!, аҳамияти йўқ!

– بَعُوضٌ кўп. чивинлар; искабтопарлар

– بَعُوضَةٌ кўп. ـاتٌ — чивин; искабтопар

(بعق) II بَعَّقَ ёрмоқ, ёриб ташламоқ, чавақламоқ (*ҳайвонни*); VII اِنْبَعَقَ : ~ فِي الْكَلَامِ меъёрдан ортиқ гапирмоқ

اِنْبِعَاقٌ : ~ الـ~ فِي الْكَلَامِ меъёрдан ортиқ гапириш; إِنَّ اللّٰهَ تَعَالَى يَكْرَهُ الـ~ فِي الْكَلَامِ فَرَحِمَ اللّٰهُ عَبْدًا أَوْجَزَ فِي كَلَامِهِ ҳад. Оллоҳ таоло меъёридан ортиқ гапирганни ёмон кўради, сўзини қисқа қиладиган бандага марҳамат қилади

بَعْلٌ кўп بُعُولٌ 1) эр (*хотиннинг эри*); 2) хўжайин; 3) Ваал (*қадимги сомийларда тупроқ ва ҳосил ҳомийси*); 4) лалмикор (баҳорикор) ерлар; 5) الْبَعْلُ Илёс алайҳиссалом даврларидаги бутнинг номи

– بَعْلَةٌ хотин, рафиқа

– بَعْلِيٌّ табиий суғориладиган, лалмикор; الْأَرْضُ الـ~ةُ лалмикор ерлар; زِرَاعَةٌ ~ةٌ лалмикор деҳқончилик

بَعْلَزَبُولُ дин. шайтон, иблис

بَغْبَغَانٌ кўп. ـاتٌ — тўти, тўтиқуш

I. بَغَتَ (а) بَغْتٌ 1) тасодифан (кутилмаганда) рўй бермоқ, содир бўлмоқ; 2) ҳайратда (ҳайрон, лол) қолдирмоқ; III بَاغَتَ 1) (н. нидир) кутилмаганда (тўсатдан) қилмоқ (بـ); 2) қўққисдан ҳужум қилмоқ, бехосдан бостириб келиб қолмоқ; VII اِنْبَغَتَ 1) бехосдан бостирилган бўлмоқ; 2) ҳайрон бўлиб қолмоқ, лол қолмоқ, қойил қолмоқ

– بَاغِتٌ тўсатдан (қўққисдан, бехосдан) рўй берган, ногаҳоний, кутилмаган, тасодифий

– بَغْتَةٌ тўсатдан рўй бериш; кутилмаган воқеа; тасодифийлик; ~ кутилмаганда, тасодифан

– بَغْتِيٌّ = بَاغِتٌ

– مُبَاغِتٌ тасодифий, ногаҳоний

مُبَاغَتَةٌ — 1) кўққисдан ҳужум қилиш; 2) кутилмаганлик, тасодифийлик; сюрприз (*кутилмаган янгилик, совға*)

بُغَاثٌ *жам. кўп.* بِغْثَانٌ кушчалар, қуш болалари; ~ الطُّيُورِ кичкина кушчалар; يَسْتَنْسِرُ هُنَاكَ الْـ~ у ерда пашшадан фил ясайди (*сўзма-сўз:* у ерда кушчалар бургутга айланадилар)

بُغَاثَةٌ — кушча, қуш боласи

بُغَادَةٌ ишқорий сув

تَبَغْدَدَ (بغدد) ўзини катта тутмоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ; кўз-кўз қилмоқ, рўкач қилмоқ, мақтанмоқ; ноз-карашма қилмоқ, ғамза (ишва) қилмоқ, сузилмоқ, кичиқ қилмоқ

بَغْدَادِيٌّ — 1. бағдодий, Бағдодга оид; 2. бағдодлик; خَشَبٌ ~ юпқа тахтача

تَبَغْدُدٌ — гердайиш, кеккайиш, кўз-кўз қилиш, рўкач қилиш; таннозлик, ишвагарлик

بُغَازٌ *кўп.* بَوَاغِيزُ бўғоз

بُغَازِيٌّ — *кўп.* بُغَازِيَّةٌ лоцман (*кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис*)

بَغَشَ I (а) بَغْشٌ майдалаб (томчилаб, эзиб) ёғмоқ; بَغَشَتِ السَّمَاءُ الْأَرْضَ майдалаб ёмғир ёғмоқ

بَغَاشَةٌ — *кўп.* ـَاتٌ — буғоша (*гўштли сомса*)

بَغْشَةٌ — майдалаб ёғаётган ёмғир

بَغُضَ I (у) بَغَاضَةٌ ёки بَغِضَ (а) بُغْضٌ манфур, жирканч, нафратни келтирадиган бўлмоқ; II بَغَّضَ нафратни кўзғамоқ, нафратлантирмоқ; III بَاغَضَ бир-бирини ёмон кўрмоқ; IV أَبْغَضَ жуда ёмон кўрмоқ, нафрат билан қарамоқ; VI تَبَاغَضَ бир-бирини ёмон кўрмоқ

بَغَاضَةٌ — кучли нафрат, ўта ёмон кўриш

بُغْضٌ، بِغْضَةٌ، بَغْضَاءُ — нафрат, жирканиш

بَغِيضٌ — манфур, жирканч, нафратни келтирадиган; жуда хунук, жуда ёмон, қабиҳ, ёқимсиз

تَبَاغُضٌ — бир-бирини ёмон кўриш

مُبْغَضٌ = بَغِيضٌ —

مَبْغُوضٌ = بَغِيضٌ —

بَغَلَ I (у) بُغُولَةٌ 1) ақли ноқис, мияси йўқ, эси паст, калтафаҳм бўлмоқ, аҳмоқ, тентак бўлмоқ; 2) наслсиз, зурриёт қолдирмайдиган, бепушт бўлмоқ (*урғочи жониворлар ва аёллар ҳақида*); II بَغَّلَ *биол.* чатиштирмоқ, уламоқ

تَبْغِيلٌ — чатиштириш, улаш (*ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида*), дурагайлаш

بَغَّالٌ — хачирларни ҳайдаб борувчи одам ёки хачирларнинг эгаси

بَغْلٌ *кўп.* بِغَالٌ 1) хачир; 2) эси паст, калтафаҳм, аҳмоқ, тентак

بَغْلَةٌ — урғочи хачир; ~ الْقَنْطَرَةِ кўприк тиргаги

بَغَمَ I (а) بُغَامٌ мунгли, ҳазин товушлар чиқармоқ (*оҳу ҳақида*)

بَغَى I (и) بُغْيَةٌ، بُغَاءٌ، بَغْيٌ 1) тиламоқ, истамоқ; қўярда-қўймай (хиралик билан). талаб қилмоқ (сўрамоқ), хиралик билан қўлга киритишга интилмоқ; 2) ўйлаб кўрмоқ, ният (қасд ёки мўлжал) қилмоқ, кўнгилга тугмоқ; 3) (*н. ғадир*) қасд қилмоқ (عَلَى); 4) эзмоқ, сиқмоқ, жабрламоқ, зулм қилмоқ, (*к. нидир*) хафа қилмоқ (عَلَى); 5) бузуқлик (ахлоқсизлик) қилмоқ, саёқ юрмоқ, фаҳшга берилмоқ, фоҳишалик қилмоқ; IV أَبْغَى 1) (*н. нидир*) топишга, қўлга киритишга ёрдам бермоқ; 2) бермоқ, тортмоқ, сузмоқ (*таомни*); V تَبَغَّى хоҳламоқ, истамоқ; VI تَبَاغَى ўзаро хоҳлашмоқ, бир-бирларини исташмоқ, тусашмоқ; VII اِنْبَغَى: يَنْبَغِي أَنْ ... шуни қилиш зарурки, ...; يَنْبَغِي عَلَيْهِ أَنْ ... у мажбурки, ...; يَنْبَغِي أَلاَّ نَنْسَى أَنَّ ... бизлар эсдан чиқармаслигимиз керакки, ...; كَمَا يَنْبَغِي керак (лозим) бўлганидай; VIII اِبْتَغَى хоҳламоқ, тиламоқ, истамоқ

اِبْتِغَاءٌ — тилак, истак, хоҳиш; ~ тилаб, хоҳлаб, ...га интилиб

بَاغٍ — *мн.* بَاغِيَةٌ *кўп.* بُغَاةٌ 1. жабр-зулм қилувчи; адолатсизлик қилувчи; 2. золим, шафқатсиз одам

بُغَاءٌ — тилак, истак

بِغَاءٌ — бузуқлик, ахлоқсизлик, фоҳишабозлик; دَارُ الْـ~ фоҳишахона

بَغْيٌ — 1) адолатсизлик, шафқатсизлик; 2) ахлоқсизлик, фоҳишабозлик

بَغِيٌّ — *кўп.* بَغَايَا суюқоёқ, ахлоқсиз (*аёл*); фоҳиша

بُغْيَةٌ — тилак, истак, мақсад; ~ التَّدَخُّلِ аралашиш мақсадида

مُبْتَغًى — *кўп.* مُبْتَغَيَاتٌ кутилган, кўнгилдаги, орзу қилинган мақсад

بَفْتٌ، بَفْتَةٌ коленкор (*қалин сурп*); чит

بَقَّ I (а/у) بَقٌّ 1) қуймоқ, тўкмоқ, оқизмоқ; 2) шариллаб отилмоқ, сачратмоқ, пуркамоқ, сепмоқ; 3) вайсамоқ, сафсата сотмоқ; II بَقَّقَ қандалага (канага) тўла бўлмоқ (*уй-жой ҳақида*); IV أَبَقَّ сергап бўлмоқ, майдагап бўлмоқ, кўп гапирмоқ

بَقَاقٌ، بَقَاقَةٌ = بَقَّاقٌ —

بَقَّاقٌ — 1. сергап, эзма, вайсақи; 2. оғзи бўш, ичида гап ётмайдиган одам

بُقٌّ — оғиз

بَقٌّ — *жам.* тахтакана, жўлак, қандала; ~ دَقِيقِيٌّ ун митаси

بَقَّةٌ — *кўп.* ـَاتٌ — тахтакана, жўлак, қандала, мита; شَجَرَةُ الْـ~ *бот.* қайрағоч, бужун

بَقْبَقَ 1) кўпирмоқ, кўпикланмоқ, култ-култ қилмоқ (*сув ҳақида*); 2) вайсамоқ, беҳуда гапларни гапирмоқ, бидир-бидир қилмоқ; 3) ғурра, пўрсилдоқ, қавариқ билан қопланмоқ

بَقْبَاقٌ = بَقَّاقٌ —

بَقْبَقَةٌ — 1) култиллитиш; 2) сафсата; 3) ғурра, қавариқ пайдо бўлиши

بُقْبُوقَةٌ — *кўп.* بَقَابِيقُ ғурра, пўрсилдоқ, қавариқ, шиш

بُقْجَةٌ кўп. بُقَجٌ, بُقْجَاتٌ 1) бўғча; тугунча, ўралган нарса, ўрам; боғлам, боғ, даста, шода; пачка, бир қути; пакет, қоғозга ўралган нарса, қоғозхалта; 2) газлама (*бирор н. ни ўраш учун*)

بَقْدُونَسٌ, بَقْدُونِسٌ *бот.* петрушка (*кашничсимон кўкат*)

I بَقَرَ (а) بَقْرٌ очмоқ, кесмоқ, ёрмоқ, тилмоқ, тилимламоқ, қиймоқ; сўкмоқ; V تَبَقَّرَ билими ёки давлати кўпаймоқ

– بَاقِرٌ йирик шохли чорва подаси

– بَاقُورَةٌ сигир, буқа, хўкиз (*Яманда*); فِي ثَلاَثِينَ بَاقُورَةً بَقَرَةٌ *ҳад.* ўттизта хўкиздан битта

بَقَّارٌ кўп. بَقَّارَةٌ чўпон, подачи; йирик қорамол эгаси; чорвадор

– بَقَرٌ жам. кўп. أَبْقَارٌ (йирик) қорамол; мол; ~ الْبَحْرِ ёки ~ الْمَاءِ *зоол.* денгиз сигири (*йўқ бўлиб кетган денгиз ҳайвони*); ~ الْوَحْشِ ёввойи сигир; ◊ ~ أَبُو а) кўтон, қарқара; б) қизқуш (*балиқчилар туркумига оид қуш*)

– بَقَرَةٌ кўп. ـــاتٌ сигир, буқа; سُورَةُ الْـــ~ *қур.* бақара сураси; ~ الْبَحْرِ *зоол.* дюгонь (*денгиз буқаси*); ~ وَحْشِيَّةٌ антилопа, кийик, оҳу

– بَقَرِيٌّ сигирга оид; ~ لَبَنٌ сигир сути; ~ لَحْمٌ мол гўшти

بَقْسٌ *бот.* шамшод

بُقْسُمَاطٌ жам. тўрғаб қотирилган нонлар, сухари, бисквит

– بُقْسُمَاطَةٌ кўп. ـــاتٌ бисквит

بَقْشَشَ (*к. ғадир*) чой пули бермоқ

– بَقْشَشَةٌ чой пули бериш; тортиқ қилиш, совға бериш

– بُقْشَةٌ кўп. بُقَشٌ букша (*Яманда қиймати 1/40 риёлга тенг пул бирлиги*)

– بَقْشِيشٌ кўп. بَقَاشِيشُ бақшиш, хайр-садақа; чой пули; ҳадя

I بَقِعَ (а) بَقَعٌ хол-хол, олачипор, доғли бўлмоқ; чавкари бўлмоқ; II بَقَّعَ доғ қолдирмоқ, доғ қилмоқ; булғамоқ, кир (ифлос) қилмоқ; V تَبَقَّعَ 1) доғ бўлмоқ, булғанмоқ, кир (ифлос) бўлмоқ; 2) хол-хол бўлмоқ; 3) баъзи жойлари ҳўл бўлмоқ

– أَبْقَعُ мн. بَقْعَاءُ кўп. بُقْعٌ хол-хол, доғли, олачипор; ~ غُرَابٌ *зоол.* ола қарға

– بَاقِعَةٌ мз. кўп. بَوَاقِعُ ўта ақлли киши, доно, донишманд киши

– بُقْعَةٌ[1] кўп. بُقَعٌ доғ; хол-хол

– بُقْعَةٌ[2] кўп. بِقَاعٌ 1) жой, ер, макон, ўрин; 2) ер бўлаги (участкаси)

– بَقِيعٌ турли хил тўнка ва илдизлар кўп бўлган ер, жой; ~ الْغَرْقَدِ Мадинаи мунаввaрадаги қабристон номи

– مُبَقَّعٌ хол-хол, доғли; олачипор

I بَقَلَ (у) بَقْلٌ 1) ўсмоқ, унмоқ, кўкариб чиқмоқ, ниш урмоқ (*ўтўлан ҳақида*); 2) соқоли чиқмоқ, соқол пайдо бўлмоқ; ~ وَجْهُ الْغُلاَمِ ўспириннинг соқоли чиқиб қолди; IV أَبْقَلَ : ~َتِ الْأَرْضُ ердан ўт-ўланлар чиқди; V تَبَقَّلَ термоқ, юлмоқ, узмоқ (*мас. полиз экинларини*)

– بَاقِلُ ат.от. мз. Боқил (*гапини эплаб гапира олмайдиган одам исми*) ~ أَعْيَا مِنْ *маж.* мутлақо гапини эплаб гапира олмайдиган, ўта ношуд (*сўзма-сўз:* Боқилдан ҳам дудуқроқ)

– بَاقِلَّى, بَاقِلاَّءُ *алиф.б.қ.*

بَاقِلاَّنِيٌّ баққоллик дўкони эгаси

– بَكَلاَ = بَقَالاَ

– بَقَّالٌ 1) баққол; 2) кўкат ва полиз экинлари билан савдо қилувчи киши, резаворфуруш, ҳўлфуруш

– بِقَالَةٌ баққоллик; دُكَّانُ الْـــ~ баққоллик дўкони

– بَقْلٌ жам. кўп. بُقُولٌ 1) овқатга ишлатиладиган ўтлар; 2) ўт-алафлар, кўкатлар; 3) полиз экинлари

– بَقْلَةٌ полиз экини; ~ بَارِدَةٌ а) Миср ловияси; б) печак, чирмовиқ; ~ الْخَطَاطِيفِ қончўп; الْـــ~ الْحَمْقَاءُ семизўт, гулбеор; الْـــ~ الْعَرَبِيَّةُ (الْيَمَانِيَّةُ) ола бута, шўра; الْـــ~ الذَّهَبِيَّةُ қизил амарант; الْـــ~ الْمُبَارَكَةُ эндевий, боғда ўсадиган цикорий (*озиқ-овқатга ишлатиладиган ўтсимон ўсимлик*); ~ الْمَلِكِ бақлатул-малик (*жанубда ўсадиган кўп йиллик бута*)

– بَقَلَةٌ треска (*балиқ тури*)

– بُقُولِيٌّ доривор ўтларга оид

– مَبْقَلَةٌ кўп. مَبَاقِلُ полиз; полиз экинлари, сабзавот экилган жой; ~ مَسْقُوفَةٌ بِالزُّجَاجِ парник, иссиқхона

– بَقْلاَوَةٌ бақлова, пахлава (*ширинлик тури*)

بَقْلُولَةٌ пуфак; кўпик; қавариқ, бўртиқ

بَقَّمٌ 1) *бот.* сандал дарахти

بُقْرُطِيٌّ унча катта бўлмаган сават, корзинка

I بَقِيَ (а) بَقَاءٌ 1) қолмоқ, сақланмоқ; қолгани, ортгани бўлмоқ; يَبْقَى بِالْبُوسْتَةِ йўқлаб олинадиган; لَمْ تَبْقَ طِفْلاً! сен энди ёш бола эмассан!; ... وَ لَمْ يَبْقَ أَحَدٌ مِنْهُمْ إِلاَّ شَارَكَ فِي уларнинг орасида ...да иштирок этмаган ҳеч ким қолмади; 2) бирор жойда ёки ҳолатда бўлмоқ, турмоқ; 3) бирор кимсанинг бўйнида (зиммасида) қолмоқ (*қарз тўғрисида* -عَلَى); I بَقَى (и) кутмоқ, интизор бўлмоқ; بَقَيْنَا رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ *ҳад.* биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кутдик; II بَقَّى қолдирмоқ; IV أَبْقَى 1) қолдирмоқ, сақламоқ; ~ اللهُ حَيَاتَكَ! Оллоҳ сенга узоқ умр берсин!; 2) (*к. ғадир*) раҳм-шафқат қилмоқ (عَلَى); V تَبَقَّى қолмоқ, қолдиқ, қолган, ортган бўлиб чиқмоқ; X اِسْتَبْقَى 1) сақлашга ҳаракат қилмоқ; 2) бутун қолдирмоқ, сақланмоқ, эҳтиёт қилмоқ; 3) (*ўзида*) тўхтатиб қолмоқ, ушлаб қолмоқ, олиб қолмоқ; асрамоқ; 4) қолишни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

– إِبْقَاءٌ 1) қолдириш, сақлаш; 2) (*к. ғадир*) раҳм қилиш (عَلَى)

– أَبْقَى жуда мустаҳкам, бут, бехато, яхши ҳолда, бузилмаган,

кафолатли; ... كَانَ خَيْرًا لَكُمْ وَ ~ لَوْ агарда ... бўлганда эди, сизлар учун ҳаммасидан яхшироқ ва ишончлироқ бўлур эди

– اِسْتِبْقَاءٌ 1) сақлаш; 2) (*ўзида*) тўхтатиб қолиш, ушлаб қолиш, асраш

– بَاقٍ *мл.* بَاقِيَةٌ 1. 1) боқий, қолган; بَاقِي الْوَرَقَةِ الْمَالِيَّةِ қайтим;2) қолгани, бошқа, ортиғи; 3) бут, яхши ҳолда, бузилмаган; 4) чўзилган; абадий; الْحَيُّ الْبَاقِي Боқий (*Оллоҳнинг сифатларидан бири*); فَارَقَ الدَّارَ الْفَانِيَةَ إِلَى الدَّارِ الْبَاقِيَةِ у вафот этди (*сўзма-сўз:* у фоний дунёдан боқий дунёга кетди); الْحَيَاةُ الْبَاقِيَةُ нариги дунёдаги ҳаёт; 2. *кўп.* بَاقِيَاتٌ қолдиқ, қолгани, ортгани; الْبَاقِيَاتُ الصَّالِحَاتُ хайрли ишлар

– بَاقِيَةٌ *кўп.* بَوَاقٍ қирққулоқ (*Сурияда*)

– بَقَاءٌ 1) давомлилик; давом этиш вақти; 2) абадийлик, узоққа, кўпга чидаш; طَوِيلُ الْـ~ кўпга чидайдиган, пишиқ-пухта; узоқ давом этадиган, узоқ вақтга мўлжалланган; 3) бутлик, яхши сақланганлик, жойидалик; قَانُونُ ~ الطَّاقَةِ *физ.* энергия (*қувват*)-нинг сақланиш қонуни; 4) бирор жойда ёки ҳолатда бўлиш, туриш, ҳаёт кечириш; تَنَازُعُ الْـ~ *ёки* نِزَاعُ الْـ~ *биол.* яшаш учун кураш; ~ الْأَصْلَحِ *ёки* ~ الْأَنْسَبِ *биол.* шароитга мослашганларнинг яшаб қолиши; ◊ دَارُ الْـ~ дорулбақо, у дунёдаги ҳаёт

– بَقَا, بَقَى *халқ.* у ҳолда, демак, бинобарин, шундай экан

– بَقِيَّةٌ *кўп.* بَقَايَا 1) қолгани, ортиғи, қолдиқ; بَقَايَا الْمَاضِي эскилик сарқити; بَاقِيَةٌ ~ арзимаган (*озгина*) сарқитлар; 2) давоми; لَهُ ~ давоми бор; الْـ~ عَلَى الصَّفْحَةِ الرَّابِعَةِ давоми тўртинчи саҳифада; ◊ ... يَا حَيَاتِكَ فِي الْـ~ (*худо*) қолганларнинг умрини узоқ қилсин! (*яқин кишисининг вафот этганлиги тўғрисида хабар берилаётган пайтда айтилади*)

– مُبْقًى : عَلَيْهِ ~ қолдирилган

بَكٌّ *кўп.* بَكَوَاتٌ бек, бей

– بَكَوِيَّةٌ беклик (бейлик) мартабаси (унвони)

I بَكَّ (*у*) بَكٌّ сиқмоқ, қисмоқ, эзмоқ; عُنُقَهُ ~ (*бирор к. га*) жабр қилмоқ, зулм ўтказмоқ, зулм қилмоқ

بَكِّيٌّ : بَعْلَبَكُّ *сўзидан нисбий сифат;* баълабаклик киши

بَكَّةُ Маккаи мукарраманинг маркази

I بَكَأَ (*а*) بُكُوءٌ, بَكَاءَةٌ, بَكَاءٌ, بَكَاءٌ сути камаймоқ, қисир бўлмоқ (*туя ёки қўй ҳақида*)

– بَكِيءٌ *кўп* بِكَاءٌ камгап, гапи оғзидан суғуриб олинадиган

– بَكِيئَةٌ сути камайган, қисир бўлган (*туя ёки қўй ҳақида*)

بَكَابُورْتٌ туйнук, тешик, люк

بَكَّارًا баккора (*карта ўйинининг бир тури*)

بَكَاشِينٌ, بَكَاسِينٌ балиқчи (*қуш*); лойхўрак (*қуш*)

بَكَالُورِيَا бакалаврлик даражаси; حَامِلُ ~ فِي الْعُلُومِ الْمَالِيَّةِ التِّجَارِيَّةِ молия-савдо фанлари бўйича бакалавр

– بَكَلُورِيُوسٌ = بَكَالُورِيُوسٌ

بَكْبَاشِيٌّ *эск. кўп.* بَكْبَاشِيَّةٌ бекбоши; подполковник

I بَكَتَ (*у*) بَكْتٌ 1) урмоқ, калтакламоқ, саваламоқ; 2) енгмоқ, енгиб чиқмоқ, ўзиб кетмоқ, (*баҳс-мунозарада*) ғолиб келмоқ; II بَكَّتَ 1) сўкмоқ, уришмоқ, койимоқ, танбеҳ бермоқ, гина қилмоқ, ўпкаламоқ, таъна қилмоқ, айбламоқ; 2) بِالْحُجَّةِ ~ ғолиб келмоқ, ғолиб бўлмоқ, ғалаба қилмоқ, енгмоқ

– تَبْكِيتٌ танбеҳ бериш, таъна, гина қилиш; الضَّمِيرِ ~ виждон азоби

بَكْتِيرِيَا бактериялар

I بَكَرَ (*у*) بُكُورٌ 1) эрта (барвақт) турмоқ; 2) (*қаергадир*) барвақт отланмоқ, жўнамоқ (إِلَى); 3) (*н. нидир*) эрта тонгда қилмоқ (بِـ); 4) (*н. нидир*) эрта, вақтидан илгари қилмоқ; فِي النَّوْمِ ~ эрта ётмоқ (ухламоқ); II بَكَّرَ 1) =I; 2) шошилмоқ, тез бажармоқ, олдин бажармоқ; III بَاكَرَ (*к. нингдир ҳузурига*) барвақт келмоқ; VIII اِبْتَكَرَ 1) ихтиро қилмоқ, ўйлаб топмоқ, ижод этмоқ; 2) ташаббус кўрсатмоқ; 3) биринчи ҳосилни узмоқ; 4) қизлигидан маҳрум қилмоқ; 5) бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор бўлмоқ

– اِبْتِكَارٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ихтиро қилиш, яратиш, ижод; 2) ташаббус; 3) бетакрорлик, бошқаларга ўхшамаслик

– بَاكِرٌ эрта, эртанги, илк, эрта бошланган, барвақт, муддатидан олдин; ~ الْوَقْتُ إِنَّ ~ ҳали эрта; ~ مَوْتٌ бевақт ўлим; ~ اً эрта, барвақт

– بَاكِرَةٌ *кўп.* بَوَاكِرُ бокира; биринчи ҳосил; биринчи белги, илк нишона

– بَاكُورٌ эртапишар, тезпишар, чиллаки, эртаги

– بَاكُورَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, بَوَاكِيرُ биринчи ҳосил; (*қандайдир ишда*) биринчи қадам; тўнғич, энг биринчи; الصُّبْحِ ~ эрта тонг; أَعْمَالِهِ ~ меҳнатларининг биринчи меваси; 2) *кўп.* биринчи белгилар, нишоналар, дарakчилар

– بَكَارَةٌ қизлик, бокиралик, маъсумалик; غِشَاءُ الْـ~ қизлик пардаси

– بَكْرٌ *кўп.* أَبْكُرٌ, بِكَارٌ 1) кичкина туяча, бўталоқ; 2) *ат. от. мз.* Бакр

– بِكْرٌ[1] *кўп.* أَبْكَارٌ : ضَرْبَةٌ ~ ҳал қилувчи зарба; كَانَتْ ضَرَبَاتُ عَلِيٍّ أَبْكَارًا *ҳад.* Али каррамаллоҳу важҳанинг зарбалари ҳал қилувчи эди

– بِكْرٌ[2] 1. бокира, пок, иффатли, тоза; الْأَرَاضِي الْـ~ бўз (қўриқ) ерлар; الْبِلَادُ الْـ~ киши қадами етмаган мамлакат, жой; ◊ دُهِشَ ~ دَهْشَةً у таърифлаб бўлмайдиган даражада ҳайратда қолди; 2. *кўп.* أَبْكَارٌ 1) тўнғич, энг биринчи; биринчи насл; 2) иффатли қиз, маъсума, бокира; 3) биринчи марта кўзи ёриган аёл

– بُكَرٌ *жам.* 1) *тех.* блоклар (*бир бутун ҳолда ишланган қисмлар бирикмаси*); 2) ғалтаклар

– بَكَرَةٌ, بَكْرَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — 1) *тех.* блок; 2) ғалтак, найча, ғалтак

(тикув ва йигирув машиналаридаги); خَيْط أَسْوَد (أَبْيَض) ~ қора (оқ) ип ғалтаги; ◊ إِنَّهُمْ (عن) عَلَى ~ أَبِيهِمْ احْتَفَوهُ улар ҳаммаси биргаликда уни тантанали равишда кутиб олдилар

– بَكْرَة² ёш урғочи туя боласи, урғочи бўталоқча; ◊ جَاؤُوا عَلَى ~ أَبِيهِمْ уларнинг ҳаммалари келишди

– بُكْرَة эрта тонг, тонг саҳар; فِي ~ النَّهَار эрта тонгда; ~ а) эрта тонгда; б) эртага; ~ بَعْدَ индинга, эртадан кейин

– بِكْرِيّ биринчи туғилган, тўнғич ўғил

– بِكْرِيَّة 1) биринчи туғилган, тўнғич қиз; 2) биринчи маротаба туғаётган аёл

– بَاكُور = بَكُور

– بُكُورَة, بُكُورِيَّة тўнғичлик, биринчилик

– بَكِر эртаги, эртапишар, тезпишар, чиллаки

– مُبْتَكَر бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор, оригинал

– مُبْتَكَرَات кўп. ихтиролар, тадқиқотлар

– مِبْكَار эртаги

– مُبَكِّر эртаги, эртапишар, тезпишар

بَكْرَج кўп. بَكَارِج чойнак; кофейник (қаҳва пишириладиган идиш)

مُبَاكَسَة бокс

I بَكَلَ (у) بَكْل тугнамоқ, тугмаламоқ, тугмаларни қадамоқ; II بَكَّلَ = I

– بُكْلَة кўп. بُكَل илгак, тўқа

بَكَلَا треска (шимолий денгиздаги балиқнинг бир тури)

– بَكَلَاه = بَكَلَا

بَكَلُورِيَا = بَكَلُورِيَّة

بَكَلُورِيُوس бакалавр; ~ عُلُوم фан бакалаври; ~ فُنُون санъат бакалаври; دَرَجَة الـ~ бакалаврлик даражаси

I (بكم) тўқ ранг (а) بَكُمَ соқов, гунг, тилсиз бўлмоқ; بَكِمَ (у) بَكَامَة жим бўлмоқ, овозни чиқармаслик, ҳеч нарса гапирмаслик; IV أَبْكَمَ соқов, гунг, тилсиз қилмоқ; V تَبَكَّمَ тилдан қолмоқ; қотиб, серрайиб қолмоқ, жим бўлмоқ, гапира олмай қолмоқ, сўзлай олиш қобилиятини йўқотмоқ

– أَبْكَم мн. بَكْمَاء кўп., بُكْم соқов, гунг

– بَكَم соқовлик, тилсизлик, гунглик

– بَكِيم кўп. أَبْكَام соқов

I بَكَى (и) بُكَاء йиғламоқ, хўнграмоқ; (к. гадир) аза тутиб йиғламоқ (туш.к. ёки عَلَى); II بَكَّى 1) кўп йиғламоқ; йиғлашга мажбур қилмоқ; IV أَبْكَى йиғлатмоқ, кўз ёшигача олиб бормоқ; кўз ёшини оқиздирмоқ; VI تَبَاكَى 1) ўзини йиғлаганга солмоқ, (н. гадир) ёлғон йиғи қилмоқ (عَلَى); 2) бошқалар билан биргаликда йиғламоқ; X اسْتَبْكَى йиғлашга мажбур қилмоқ, кўз ёшини оқиздирмоқ

– بَاكٍ кўп. بُكَاة йиғлаётган, кўз ёши тўкаётган; аза тутаётган

– بَاكِيَة кўп. بَوَاكٍ 1. йиғлаётган, кўз ёши тўкаётган; аза тутаётган (аёл); 2. 1) йиғичи, гўянда (аза қўшиқларини айтувчи аёл); 2) архит. гумбаз, қубба, арка, тоқ, равоқ

– بَكَّاء йиғлоқи (одам)

– بُكًى, بُكَاء йиғи, йиғлаш, хўнграш; аза тутиш

– بَكِيّ йиғлоқи, кўп йиғлайдиган

– مُبْكٍ мн. مُبْكِيَة кўз ёшини оқизувчи, йиғлатувчи; ўта ачинарли, қайғули, ҳасратли

– مَبْكًى кўп. مَبَاكٍ (к. гадир) йиғланадиган, аза тутиладиган жой; حَائِطُ الـ~ ёки ~ الْيَهُود "йиғи девори" (Қуддуси шариф ш. да)

– مَبْكِيّ: ~ عَلَيْهِ йиғланадиган

بَلْ балки; аксинча, билъакс; лекин, ҳаттоки; эса, бўлса; бироқ, ...дан кўра, кўпроқ, афзалроқ; لَيْسَ هُوَ كَاتِبًا ~ طَبِيبٌ у ёзувчи эмас, балки табибдир; مَا قَالَ هٰذَا عُمَرُ ~ زَيْدٌ буни Умар эмас, аксинча Зайд айтди; يُخْطِئُ ~ وَيُصِرُّ عَلَى الْخَطَأِ у хато қиляпти, ҳаттоки хатони қаттиқ туриб маъқуллаяпти

I بَلَّ (а/у) بَلّ (بلل) 1) хўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ, хўллаб олмоқ, суғормоқ; сув (нам) бермоқ; ~ ظَمَأَهُ томоқни хўлламоқ; ~ الظَّمَأَ чанқоқни босмоқ, бостирмоқ; هٰذَا لَا يَبُلُّ الرِّيقَ маж. бу мутлақо етарли эмас; 2) бермоқ, тақдим этмоқ, адо этмоқ; بُلُّوا أَرْحَامَكُمْ وَلَوْ بِالسَّلَامِ ҳад. қариндошларингизни ҳеч бўлмаганда салом билан сийлангизлар; بَلَّ (а/и) بُلُول, بَلَل (н. дандир кейин) соғаймоқ, тузалмоқ; (н. дандир) тузалмоқ, ўзига келмоқ, кучга кирмоқ, тикланмоқ, оёққа туриб олмоқ (مِنْ); بَلَّ مِنْ مَرَضِهِ у касалликдан тузалди; II بَلَّلَ (н. билан дир) кўп хўлламоқ, ивитмоқ (بِ); ~ اللهُ ثَرَاهُ Оллоҳ унинг қабрини обод қилсин!; ~ الْفَقِيدَ بِدُمُوعِهِ марҳумга аччиқ йиғламоқ; IV أَبَلَّ = II; V تَبَلَّلَ суғорилмоқ, намланмоқ; ивимоқ, бўкмоқ, хўл бўлиб кетмоқ; ~ بِالْعَرَق терлаб-пишиб кетмоқ; VIII ابْتَلَّ ивилмоқ, бўкмоқ, хўл бўлмоқ, хўлланмоқ; X اسْتَبَلَّ = IV

– بَلّ хўллаш

– بِلّ¹ соғайиш, тузалиш

– بِلّ² жам. ёввойи маржон дарахтининг меваси

– بِلّ³ рухсат берилган, ман этилмаган; لَا أُحِلُّهَا لِمُغْتَسِلٍ وَهِيَ لِشَارِبٍ حِلٌّ وَ~ чўмилишга мен рухсат этмайман, уни ичиш эса ҳалол ва рухсат берилгандир (замзам суви ҳақида)

– بِلَال: ~ بْنُ حَمَامَةَ Муҳаммад алайҳиссалом муаззинларининг исми

– بُلَالَة намлик, хўллик

– بَلاَّنٌ ҳаммом хизматчиси, ҳаммомчи

– بَلاَّنَةٌ кўп. اتٌ — 1) ҳаммом ходимаси, ҳаммомда ишлайдиган аёл; 2) уй бекасининг оқсочи (*бой хонадонларда*)

– بِلَّةٌ намлик, хўллик, захлик; زَادَ فِى الطِّينِ ~ оловга ёғ сепмоқ, авж олдирмоқ; гижгижламоқ

– بَلِيلٌ 1. нам, хўл, зах; 2. муздаккина (ёқимли) шабада

– بَلِيلَةٌ буғдой *ёки* маккажўхоридан бир оз ширин қилиб тайёрланган бўтқа

– مَبْلُولٌ, مُبَلَّلٌ, مُبْتَلٌّ хўл

بِلاَ (بِـ + لاَ) ...сиз; бе .... но...; نَافِذَةٍ ~ صُورَةٍ كَغُرْفَةٍ ~ حَائِطٌ *мтл.* суратсиз девор деразасиз хонага ўхшайди

بِلاَتُونٌ кўп. اتٌ — *ҳарб.* взвод, кичик қисм; (*қар.* فَوْجٌ)

بِلاَتِينٌ платина

بِلاَجٌ кўп. اتٌ — пляж, чўмилиб ҳордиқ чиқарадиган жой

بِلاَجْرَا *мед.* пелагра

بِلاَزْمَةٌ плазма (*қоннинг суюқ қисми*)

بِلاَسْتِيكٌ пластмасса

بَلاَشْ (بِلاَ شَيْءٍ) *халқ.* бекорга, текинга; يَا ~! нақадар арзон!, арзимаган нарса!

بِلاَنْكٌ кўп. اتٌ — бирор нарса ишлаб чиқариш учун тайёрлаб қўйилган ярим маҳсулот; ғўла

بَلْبَصَ ишқаламоқ; суртмоқ; артмоқ; полювғич билан супурмоқ (артмоқ)

– بُلْبَاصٌ кўп. بَلاَبِيصُ пол ювадиган латта, полювғич

بَلْبَطَ чайқалмоқ; шапилламоқ, урилиб сачрамоқ, сочилмоқ, сепилмоқ, сепишмоқ, сочишмоқ

– بَلْبَطَةٌ чайқалиш, сачраш; сепишиш

بُلْبُوعَةٌ кўп. بَلاَبِيعُ ҳапдори; юмалоқ дори

بَلْبَلَ 1) безовта қилмоқ, уринтирмоқ, оромини бузмоқ; ташвишга (хавотирга) солмоқ; 2) чигаллаштирмоқ, чалкаштирмоқ, айқаш-уйқаш қилмоқ; жойини, (ўрнини) ўзгартирмоқ, чалғитмоқ, адаштирмоқ; تَبَلْبَلَ 1) безовта (ороми бузилган, ташвишланган, хавотирда қолган) бўлмоқ; 2) чалкаш, айқаш-уйқаш бўлмоқ, аралашмоқ, қоришмоқ; аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ

– بَلْبَالٌ[1] кўп. بَلاَبِلُ безовта бўлиш, хавотирланиш

بَلْبَالٌ[2] *бутанинг номи*

– بُلْبُلٌ кўп. بَلاَبِلُ булбул; الشَّعِيرِ ~ *зоол.* деҳқончумчуқ

– بَلْبَلَةٌ кўп. بَلاَبِلُ 1) нотинчлик, хавотирлик, безовталик, ташвиш; قَرَّتْ بَلاَبِلُهُ у хавотирланмай (ташвишланмай) қўйди; تَضَاعَفَتْ بَلاَبِلُهُ унинг ташвиши ортди (кўпайди); 2) чалкашлик, тартибсизлик, парокандалик, тўс-тўполон, югур-югур, қий-чув, бесарамжонлик, беҳаловатлик; аралаш-қуралашлик;3) *кўп.* ғам-ташвишлар, ҳадиклар, хавфсирашлар, чўчишлар

– بُلْبُلَةٌ кўп. اتٌ — 1) (*чойнакнинг*) жўмраги; 2) кран

– بُلْبُولٌ суқсур, ёввойи ўрдак

تَبَلْبُلٌ чалкашиш, айқаш-уйқаш бўлиш, қоришиш, тартибсизлик, чатоқлик; қий-чув, тўс-тўполон; الْأَلْسِنَةِ ~ тилларни аралаштириб (қориштириб) юбориш

مُتَبَلْبِلٌ 1) хавотирланган, ташвишга тушган; 2) аралаш-қуралаш бўлиб кетган, чалкаш

(بلج) بَلَجَ (у) بُلُوجٌ 1) порламоқ, нур сочмоқ, ярқирамоқ; 2) ёришмоқ; بَلِجَ (а) بَلَجٌ нур сочмоқ, чақнамоқ, ёритмоқ; ял-ял ёнмоқ, балқиб турмоқ (*юз ҳақида*); хурсанд бўлмоқ, севинмоқ; IV أَبْلَجَ 1) порламоқ, ёрқин нур сочмоқ; 2) очмоқ, фош қилмоқ, аниқламоқ; ошкор (маълум) қилмоқ; الْحَقُّ ~ وَ الْبَاطِلُ تَلَجْلَجَ *мтл.* ҳақиқат аниқ-равшан қилади, ёлғон эса чалкаштиради (*сол.* أَبْلَجُ); V تَبَلَّجَ 1) нур сочмоқ, порламоқ, чарақлаб турмоқ; 2) тонг отмоқ, ёришмоқ; 3) қувонмоқ, севинмоқ, шод бўлмоқ; VII انْبَلَجَ 1) ёришмоқ; 2) кўринмоқ, чиқмоқ, пайдо бўлмоқ; ёриб ўтмоқ, ўзига йўл очмоқ (*нур ҳақида*)

– أَبْلَجُ *мн.* بَلْجَاءُ кўп. بُلْجٌ 1) ялтироқ, порлоқ, ёрқин; 2) шод, хурсанд, қувноқ; 3) аниқ, равшан; ойдин, соф, тоза; الْحَقُّ ~ وَ الْبَاطِلُ لَجْلَجٌ ҳақиқат аниқ, ёлғон эса ноаниқ (*дудмал*) сўзлайди

– انْبِلاَجٌ 1) *шунингдек.* الْفَجْرِ ~ тонг пайти, тонг ёришган пайт, тонготар пайт; 2) илк давр, боши, бошлари; الْقَرْنِ الْعِشْرِينَ ~ йигирманчи аср бошлари

– بَلَجٌ ялтираш, ярқираш, чақнаш; нур, жилва, шуъла; нур сочиш, порлаш

بَلْجِيكِيٌّ 1. Бельгияга оид; 2. бельгиялик

بُلْجَةٌ *ёки* بَلْجَةٌ икки қошнинг ўртаси

(بلح) IV: أَبْلَحَ النَّخْلُ хурмонинг меваси пишди, хурмо пишиб етилди

– بَلَحٌ хурмолар (тоза, янги); الْبَحْرِ ~ *зоол.* денгиз чиғаноғи

– بَلَحَةٌ кўп. اتٌ — хурмо

(بلد) I بَلَدَ (у) بُلُودٌ (*қаердадир*) яшамоқ (بِ); (*н. нидир*) турар жой деб танламоқ (بِ); بَلُدَ (у) بَلاَدَةٌ аҳмоқ, тентак, бефаҳм, эси паст, бефаросат бўлмоқ; II بَلَّدَ 1) тентак, аҳмоқ бўлмоқ; 2) янги иқлимга, шароитга ўргатмоқ, кўниктирмоқ; V تَبَلَّدَ 1) эсини йўқотмоқ, ақлини еб қўймоқ; аҳмоқлигини билдирмоқ, намоён қилмоқ; ўзини аҳмоқона тутмоқ; 2) сусаймоқ, заифлашмоқ; حَاسِيَتُهُ ~ تْ унинг ҳиссиётлари сусайди; 3) янги шароитга ўрганмоқ, кўникмоқ; VI تَبَالَدَ ўзини аҳмоқликка солмоқ

– بِلاَدٌ мамлакат (*қар.* بَلَدٌ)

– بَلاَدَةٌ аҳмоқлик, тентаклик, бефаҳмлик

– بَلَدٌ кўп. بِلاَدٌ, بُلْدَانٌ 1) мамлакат; 2) вилоят, область; 3) шаҳар, жой, макон; ابْنُ ~ а) шаҳарлик; б) *халқ.* олифта, башанг, посон

– بُلْدَانِيٌّ топонимика билан шуғулланувчи олим

– بُلْدَانِيَّةٌ топонимика (*жуғрофий номларни ўрганувчи*

тилшунослик соҳаси)

– بَلْدَةٌ кўп. بِلاَدٌ 1) шаҳар; 2) аҳоли истиқомат қиладиган жой

– بَلَدِىٌّ 1. 1) шаҳарга оид; 2) маҳаллий, шу ерлик; 3) муниципалитетга оид, муниципал; مَجْلِسٌ ~ муниципалитет мажлиси; 2. ҳамшаҳар, ватандош

– بَلَدِيَّةٌ кўп. اتٌ — шаҳар бошқармаси, муниципалитет (*баъзи мамлакатларда маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органи*); رَئِيسُ الـ~ шаҳар бошлиғи, ҳокими, мери; دَارُ الـ~ шаҳар бошлиғи (ҳокими, мери) идораси

– بَلِيدٌ кўп. بُلَدَاءُ ривожланмаган, ақли ноқис, эси паст, аҳмоқ; ~ الذِّهْنِ зеҳни (*эси*) паст; 2. тентак, аҳмоқ

– تَبَلُّدٌ аҳмоқлик, тентаклик; мияси айниш, гангиш, меровлик

تَبْلِيدٌ янги иқлимга ўргатиш, кўниктириш

– مُتَبَلِّدٌ ақли ноқис, калтафаҳм, тентак, бефаросат, гўл, ғўр

بُلْدُوزِرٌ кўп. اتٌ — бульдозер

بَلَدِيُومٌ *кимё.* палладий

(بلس) IV أَبْلَسَ : 1) مِنْ رَحْمَةِ اللّٰهِ ~ Оллоҳ раҳматидан умид узмоқ, умидсизланмоқ, ноумид бўлмоқ; 2) زَيْدٌ ~ Зайд ғамгин ҳолда сукут сақлади

– إِبْلاَسٌ мағлубият; ғамгинлик

– بَلَسٌ 1) анжир дарахти (*Ficus palmata*); 2) анжир меваси; анжир қоқи (*Яманда*)

بَلَسَانٌ 1) бальзамли дарахт; 2) маржон дарахти; صَغِيرٌ ~ қора маржон

بَالِسْتِيكٌ = بَلِسْتِيكٌ

بَالِسْتِيكِىٌّ = بَلِسْتِيكِىٌّ

بَلْسَمٌ кўп. بَلاَسِمُ бальзам (*баъзи ўсимликлардан олинадиган хушбўй эфир мойи*); شَافٍ ~ *маж.* шифобахш, доривор бальзам

– بَلْسَمِىٌّ бальзамли, хушбўй, доривор, шифобахш

(بلش) II بَلَّشَ бошламоқ (*Сурияда*)

بَلْشَفَ большевик қилмоқ, большевиклаштирмоқ; تَبَلْشَفَ большевик бўлмоқ, большевиклашмоқ

– بَلْشَفَةٌ 1) большевиклаштириш; 2) большевизм

– بَلْشَفِىٌّ кўп. بَلاَشِفَةٌ 1) большевизм ва большевикларга оид; 2) большевик

– بُلْشُفِيكٌ *жам.* большевиклар

– بَلْشَفَةٌ = بَلْشَفِيَّةٌ

بَلَشُونٌ кўтон, қарқара; كُلُّ بِرْكَةٍ وَ لَهَا ~ *мтл* бош бўлса, дўппи топилади; ош бўлса, ейдиган топилади (*сўзма-сўз:* ҳар бир ҳовузнинг ўз кўтони бор)

I بَلَصَ (у) بَلْصٌ қўрқитиб (ёки дўқ-пўписа ва бошқа йўллар билан алдаб) ундирмоқ, олмоқ, товламоқ, юлмоқ; II بَلَّصَ = I; VII انْبَلَصَ алданган бўлмоқ

– بَلاَّصٌ кўп. بَلاَلِيصُ лойдан ясалган кўза

– بَلاَّصٌ = بَلاَّصِىٌّ

– بَلْصٌ 1) қўрқитиб олиш, товламачилик, юлғичлик; олиб қўйиш, тортиб олиш

– بَلْصَةٌ алдаш, фириб (панд) бериш, муттаҳамлик, қаллоблик, товламачилик

(بلط) II بَلَّطَ 1) тош ётқизмоқ, тош термоқ; 2) силласи қуримоқ, ҳолдан тоймоқ, сулаймоқ; ◊ وَجْهَهُ ~ уятсиз бўлмоқ; V تَبَلَّطَ 1) тош терилмоқ (ётқизилмоқ); 2) *маж.* сандироқлаб юрмоқ, санқимоқ

– بَلاَطٌ[1] *жам.* йўлга тўшаладиган (*ётқизиладиган*) тош, плита (тоштахта), йирик тош; قَاشَانِىٌّ ~ кошин, кафель; إِسْمَنْتٌ ~ цемент кошин

– بَلاَطٌ[2] сарой (*шоҳларники*)

– بَلاَطَةٌ кўп. اتٌ — тош, тоштахта (плита); مُلَوَّنَةٌ ~ кошин, кафель; الضَّرِيحِ ~ қабр устига қўйиладиган тош, сағана

– بَلْطَةٌ кўп. بُلَطٌ болта (*кўпроқ жангларда ишлатиладигани*)

– بُلْطِىٌّ *жам.* Нил олабуғалари (*балиқ*)

– بُلْطِيَّةٌ кўп. اتٌ — Нил олабуғаси

– بَلُّوطٌ 1) болут, дуб, эман; 2) *шунингдек,* ثَمَرَةُ الـ~ чўчқа ёнғоқ (*эман дарахти меваси*); شَاةُ ~ *бот.* каштан дарахти

– تَبْلِيطٌ тош ётқизиш, тўшаш, териш

– مُبَلَّطٌ тош терилган, тўшалган, ётқизилган

بَلْطَجَ 1) ўзганинг ҳисобига яшамоқ; қўрқитиб (дўқ билан) товламоқ

– بَلْطَجَةٌ шантаж, қўрқитиб товлаш

– بَلْطَجِىٌّ кўп. بَلْطَجِيَّةٌ 1) *ҳарб.* сапёр;2) товламачи

– بَلْطَجِيَّةٌ товламачилик қилиш

بَالْطُو = بَلاَطِى, بَلْطُوَاتٌ кўп. بَلْطُو

بَالُوظَةٌ *алиф.б.қ.*

I بَلَعَ, بَلِعَ (а) بَلْعٌ ютмоқ, ютинмоқ, ютиб юбормоқ; ◊ رِيقَهُ ~ нафасини ростлаб олмоқ, дам олмоқ; II بَلَّعَ юттирмоқ, ютишга мажбур қилмоқ; ◊ رِيقَهُ ~ дам бермоқ; الطَّعَامَ بِالْمَاءِ ~ таом устидан (сўнгида) сув ичмоқ; IV أَبْلَعَ = I; VII انْبَلَعَ ютилган, ютиб юборилган бўлмоқ; VIII ابْتَلَعَ ютмоқ, ютиб юбормоқ, ютинмоқ

– ابْتِلاَعٌ ютиш, ютиниш, ютиб юбориш

– بَالُوعَةٌ кўп. بَوَالِيعُ ахлат ўра; оқова сувларни табиий сув омборларига ўтказадиган қувурлар; нов, тарнов, қувур; مَجَارٍ ~ канализация қудуғи

– بَلاَّعَةٌ кўп. اتٌ — 1) раковина, чаноқ (*ошхонадаги*); 2) сув оқиб тушадиган қувур; ахлат, ювинди ўраси

– بَلْعَةٌ кўп. بَلَعَاتٌ бир ютум; ҳўплам, култум

– بَلاَّعَةٌ = بَلاَلِيعُ кўп. بَلُّوعَةٌ

– بَلْعَمٌ серовқат, овқатхўр

– بُلْعُمٌ кўп. بَلاَعِمُ томоқ, ҳалқум, бўғиз, ҳиқилдоқ; қизилўнгач

– بَلْعَمَةٌ кўп. ـَاتٌ — *биол.* фагоцит (*ёт заррралар ва бактерияларни ютиш ҳамда ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган ҳужайра*)

– بُلْعُومٌ кўп. بَلاَعِيمُ = بُلْعُمٌ ؛ اِلْتِهَابُ الـ~ *мед.* фарингит (*томоқ шиллиқ пардасининг яллиғланиши*); اِلْتِهَابُ الـ~ الْحَنْجَرِيُّ *мед.* фаринголарингит; مِنْظَرُ الـ~ фарингоскоп (*томоқ ва бўғизни махсус текширувчи асбоб*)

– بُلْعُومِيٌّ томоққа, бўғизга оид

I بَلَغَ (у) بُلُوغٌ (بلغ) 1) (*н. гадир*) етмоқ, эришмоқ, етиб бормоқ, кўтарилмоқ; ~هُ هَذَا الْخَبَرُ бу хабар унга етиб борди; 2) (*к. нидир, н. нидир қаергадир*) олиб бориб қўймоқ, етказмоқ, элтмоқ, олиб бормоқ (إِلَى, بِ) 3) балоғат ёшига етмоқ; катта ёшли, бўйи етган, вояга етган бўлмоқ; 4) юқори (олий) даражага етмоқ, эришмоқ; ~ الْفَيَضَانُ ذُرْوَتَهُ тошқин энг юқори нуқтага етди; 5) (*к. гадир*) таъсир қилмоқ (*гам, сўз, гап ва б.*) (مِنْ); ~ مِنْهُ الْغَيْظُ أَشَدَّ (كُلَّ) مَبْلَغٍ унинг жуда жаҳли чиқди; ~ رِضَاهُ (*кимнингдир хайрихоҳлиги (илтифотига)* эришмоқ; بَلُغَ (у) بَلاَغَةٌ гапга чечан, сўзамол, нотиқ бўлмоқ; II بَلَّغَ 1) етказмоқ; элтмоқ; ~هُ التَّحِيَّةَ *ёки* ~ لَهُ التَّحِيَّةَ кимгадир салом айтмоқ; 2) маълум қилмоқ, хабардор қилмоқ; 3) (*ким ҳақдадир*) маълумот бермоқ, хабар қилмоқ, огоҳ қилиб қўймоқ (عَنْ); III بَالَغَ муболаға қилмоқ, орттириб (бўрттириб) юбормоқ; IV أَبْلَغَ 1) етказмоқ; ~ إِلَى مَلْيُونٍ миллионга етказмоқ; 2) маълум қилмоқ, хабардор қилмоқ, билдирмоқ, етказмоқ; V تَبَلَّغَ (*н. биландир*) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, чекланмоқ, қониқмоқ (بِ); VI تَبَالَغَ сўзамоллик қиламан деб беҳуда уринмоқ, чиранмоқ

– بَالِغٌ 1) болиғ, балоғат ёшига етган, ёши катта, вояга етган; 2) катта; улкан; кўриниб, очилиб турган (*жароҳат ҳақида*); ~ الأَهَمِّيَّةِ ўта муҳим, улкан аҳамиятга эга; ~ الْخُطُورَةِ ҳаддан ташқари жиддий, муҳим; ~ الصُّعُوبَةِ жуда қийин; ~ الدِّقَّةِ ғоят аниқ, ғоят тўғри

– بَلاَغٌ[1] кўп. ـَاتٌ — 1) билдириш, билдирув, хабар қилиш; эълон қилиш, эълон; 2) мурожаатнома, хитобнома; 3) баённома, баёнот; ~ مُشْتَرَكٌ қўшма баёнот; ~ أَخِيرٌ وَ نِهَائِيٌّ ультиматум, қатъий (кескин) талаб

– بَلاَغٌ[2] етарлилик

– بَلاَغَةٌ 1) нотиқлик, сўзамоллик; عِلْمُ الـ~ риторика (*нотиқлик санъати назарияси*); بِـ~ гапни ўринлатиб, усталик (чечанлик) билан; 2) беллетристика (*насрий бадиий асарлар*)

– بَلاَغِيٌّ 1. 1) нотиқликка, сўзамолликка оид; 2) риторикага оид; 2. нотиқ

– بُلْغَةٌ кўп. بُلَغٌ сариқ чармдан тикилган бошмоқ, этик

– بُلْغَةٌ етарлилик

– بُلُوغٌ 1) (*н. гадир*) эришиш; 2) вояга етиш, балоғат, камолот

– بَلِيغٌ кўп. بُلَغَاءُ 1) нотиқ, сўзамол; 2) катта, улкан; муҳим

– تَبْلِيغٌ кўп. ـَاتٌ — билдириш, хабар қилиш; *дип.* тақдим этиш, топшириш; ~ جُمْرُكِيٌّ божхона декларацияси

– مُبَالَغٌ : ~ فِيهِ бўрттирилган, муболаға қилинган

– مُبَالَغَةٌ 1) муболаға; ҳаддан ташқарилик; وَ لاَ ~ أَبَدًا فِي الْقَوْلِ إِنَّ ... ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, ...; 2) *ад.* муболаға

– مَبْلَغٌ кўп. مَبَالِغُ 1) маблағ; 2) миқёс, кўлам; 3) даража; ~ الْحَاجَةِ (*н. гадир*) талаб, эҳтиёж даражаси (إِلَى); 4) ҳад, чегара; بَلَغَ فِي ~ الْبُخْلِ ўта хасис бўлмоқ; بَلَغَ ~ الرِّجَالِ эркак бўлмоқ, балоғат ёшида бўлмоқ; بَلَغَ هَذَا الأَمْرُ ~ الْجِدِّ бу иш жиддий тус олди

– مُبَلَّغٌ : ~ عَنْهُ маълум қилинган, эълон қилинган

– مُبَلِّغٌ 1) хабарчи, дарақчи; 2) чақимчи

بُلْغَارٌ *жам.* булғорлар

– بُلْغَارِيٌّ 1. булғорларга оид; الـ~ـةُ булғор тили; 2. булғориялик

– بَلْغَمٌ 1) балғам, намлик; шилимшиқ, шиллиқ; 2) беғамлик, совуққонлик, лоқайдлик

– بَلْغَمِيٌّ флегматик; тепса тебранмайдиган, пинагини бузмайдиган; ~ الْمِزَاجِ флегматик (бўшанг, оғир) мизож

I بَلَفَ (у) بَلْفٌ аҳмоқ қилмоқ, лақиллатмоқ, алдамоқ

– بَلْفٌ[1] ёлғон-яшиқ, алдаш, лақиллатиш

– بَلْفٌ[2] қопқоқ (*клапан*); ~ الأَمْنِ сақловчи (эҳтиёт қиладиган) қопқоқ

I بَلِقَ (а) بَلَقٌ чавкар, ола-була бўлмоқ; بَلَقَ (у) بَلْقٌ катта очмоқ; ~ الْبَابَ эшикни ланг очмоқ; IV أَبْلَقَ = بَلَقَ (у); VII اِنْبَلَقَ катта очилмоқ, ланг очилмоқ; IX اِبْلَقَّ ола-була рангга кирмоқ

– أَبْلَقُ *мн.* بَلْقَاءُ кўп. بُلْقٌ чавкар, ола-була

– بَلَقٌ слюда (*шаффоф минерал*)

بَلْقَانِيٌّ болқонларга оид

بَلْقَعٌ ، بَلْقَعَةٌ кўп. بَلاَقِعُ саҳро

بِلْقِيسُ *тар.* Балқис (*Саба маликасининг исми*)

بُلُكٌ кўп. ـَاتٌ — *ҳарб.* рота

بُلْكَةٌ кўп. بُلْكَاتٌ кофта, аёлларнинг қисқа пальтоси

بَلْكِي *халқ.* балки, балким

بَلْكُونٌ кўп. ـَاتٌ — балкон

بَلَمٌ[1] *кўп.* أَبْلاَمٌ таги ясси узун қайиқ (*Ироқда*)

بَلَمٌ[2] *кўп.* بِلاَمٌ *жам.* анчоус, хамса (*майда денгиз балиқлари*)

بَلَمَةٌ *кўп.* ـَ اتٌ — анчоус, хамса (*балиқ*)

بَلَنْجٌ, بَلَنْجَةٌ *кўп.* بَلَنْجَاتٌ бириктиргич, бириктирувчи планка, тахтача; *т.ё.* уловчи қисм, мослама

I بَلَهَ (а) بَلَهٌ аҳмоқ, тентак, ақли ноқис бўлмоқ; V تَبَلَّهَ = I; VI تَبَالَهَ ўзини тентакликка солмоқ

— أَبْلَهُ *мн.* بَلْهَاءُ *кўп.* بُلْهٌ, بُلَهَاءُ 1. аблаҳ; тентак; содда; гўл;2. бақлан, қоравой, қорабузов (*қуш*)

— بَلاَهَةٌ аҳмоқлик, эсипастлик; овсарлик

— بَلَهٌ овсарлик, анқовлик, эсипастлик, ақли ноқислик

— بَلْهَ угина эмас, ҳатто ...ни гапирмаганда ҳам; ҳатто; ҳаттоки; қолаверса, айниқса, бунинг устига, مَا أَعْيَاهُ عَنْ أَنْ يَخُطَّ حَرْفًا ~ كَلِمَةً! у шу қадар ожизки, сўз у ёқда турсин, ҳатто ҳарф ҳам ёза олмайди!

بَلْهَارْسِيَةٌ, بَلْهَارْسِيَا *мед.* билгарциоз

بُلَهْنِيَةٌ фаровонлик, мўл-кўллик, бадавлатлик, тўқлик, таъминланганлик; ~ الْعَيْشِ а) эркин, доруломон ҳаёт; б) фаровон ҳаёт

I بَلاَ (у) بَلْوٌ, بَلاَءٌ (بلو) 1) синовдан ўтказмоқ, бошдан кечириб билмоқ; 2) оғритмоқ, ғам, кулфат солмоқ; بَلِيَ (а) بِلًى 1) эскирмоқ, ейилмоқ, тўзмоқ, йиртилмоқ, путурдан кетмоқ, омонат бўлиб қолмоқ; 2) чиримоқ, чириб кетмоқ, иримоқ, сасимоқ, айнимоқ, ичдан бузилмоқ; 3) *мажҳ.* (*н. ғадир*) қайғурмоқ, куймоқ, алам чекмоқ, руҳан қийналмоқ, азоб тортмоқ, эзилмоқ (ب); II بَلَّى 1) кўп кийилавериб эскирмоқ, тўзғиб кетмоқ; 2) қаттиқ чарчатмоқ, тинка-мадорини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; III بَالَى (*н. ғадир*) эътиборни қаратмоқ, қизиқмоқ; (*н. ҳақдадир*) қайғурмоқ, ташвишланмоқ, жон куйдирмоқ (ب); لاَ أُبَالِي! менга барибир!; IV أَبْلَى 1) кияверив эскитмоқ, тўзитмоқ; охиригача ишлатмоқ, фойдаланмоқ; 2) (*н. дадир*) бор кучини кўрсатмоқ, намоён қилмоқ (فِي) ~ بَلاَءً حَسَنًا; عُذْرًا فِي الْقِتَالِ ~ мардона жанг қилмоқ; (*н. дадир*) яхши ишламоқ, кўп нарсани амалга оширмоқ (فِي); ~ بَلاَءً حَسَنًا فِي الْقِتَالِ мардона, ўзини аямасдан жанг қилмоқ; V تَبَلَّى (*к. ғадир қарши*) уйдирма (*игво*) тўқимоқ (عَلَى); VIII اِبْتَلَى 1) синовдан ўтказмоқ, бошдан кечирмоқ; 2) *мажҳ.* (*н. ғадир*) қайғурмоқ, ташвишланмоқ, азоб тортмоқ, қийналмоқ (ب); (*н. биландир*) қизиқмоқ, фикри-зикри банд бўлмоқ (ب); шикастланган, зарарланган бўлмоқ (ب); اُبْتُلِيَتِ الْبِلاَدُ بِالْجَفَافِ мамлакат қурғоқчиликка юз тутди (дучор бўлди)

— مُبَالِيَةٌ *кар.* لاَ مُبَالِيَةَ = لاَ ~: أَبَالِيَةٌ

— اِبْتِلاَءٌ 1) бошдан ўтказиш (кечириш), кулфат, руҳий азоб-уқубат; 2) (*н. биландир*) жазолаш (ب)

— بَالٍ *мн.* بَالِيَةٌ 1) путурдан кетган, эскирган, кийилган; яроқсиз;2) чирик, ириган, сасиган, айниган, ичидан бузилган

— بَلاَءٌ 1) бало, кўргилик, мусибат; حُسْنُ الـ~ барқарорлик, ўзгармаслик, мустаҳкамлик, кучлилик, қатъийлик; 2) бахтсизлик, кулфат; هُوَ ~ لاَ يُدْفَعُ! Бу даф қилиб бўлмайдиган бало (кулфат); 3) меҳнат, иш; بَلاَؤُهُ فِي هَذَا الْبَحْثِ كَبِيرٌ бу тадқиқотда унинг ҳиссаси кўпдир; أَحْسَنَ الـ~ катта муваффақият билан ҳаракат қилмоқ; 4) *мед.* мохов; 5) ҳуснбузар, иссиқлик (*тошма*)

— بَلْوَى *кўп.* بَلاَوَى кулфат, мусибат, бахтсизлик; عَمَّتِ الـ~ بِهِ бу умум эҳтиёжи бўлиб қолди

— بِلًى эскириш, путурдан кетиш, тўзиш

— بَلَى (*инкор саволга жавобда*) ҳа, албатта;. أَ مَا كَتَبَ مَكْتُوبًا ؟ ~ у хат ёзмаганмиди? Ҳа (*ёзганди*)

— بَلِيٌّ кўп кийилавериб эскиган, тўзиган; чириган, ириган

— بِلْيَةٌ *кўп.* بِلًى, بِيَلٌ шарча, кичик шар; كُرْسِيُّ بِلْيٍ шарикли подшипник

— بَلِيَّةٌ *кўп.* بَلاَيَا = بَلْوَى

— تَبْلِيَةٌ яширинча (атайлаб, ғараз билан) қилинган, ёлғон, туҳмат

— مُبَالٍ *мн.* مُبَالِيَةٌ (*н. ғадир*) эътиборни қаратувчи; (*н. ҳақдадир*) ташвиш қилувчи, жон куйдирувчи (ب); غَيْرُ ~ بِـ.... ...га эътибор қилмовчи

— مُبَالاَةٌ эътиборни қаратиш; эътибор, ташвиш; қизиқиш; اللاّ ~ эътиборсизлик, бефарқлик, беғамлик; عَدَمُ ~ эътиборсизлик, бефарқлик, лоқайдлик, қизиқмаслик, парвои фалаклик; فِي غَيْرِ ~ ёки بِلاَ ~ эътиборсизлик билан, аҳамият бермай

— مُبَالِيَةٌ : لاَ ~ бефарқлик, лоқайдлик

— مُبْتَلًى (*н. дандир*) қайғурувчи,куювчи (ب); ҳайратда қолган (ب)

بُلُوتُونِيُومٌ *кимё.* плутоний

بَلْوَرَ кристалламоқ, кристалга (*биллурга*) айлантирмоқ; ~ قَضِيَّةً муаммони таърифламоқ, ифодаламоқ; تَبَلْوَرَ кристаллашмоқ, кристал ҳолига келмоқ, биллурга айлаймоқ

— بِلَّوْرٌ, بُلُّورٌ *жам.* 1) кристаллар; 2) биллур, хрустал; ~ صَخْرِيٌّ тоғ биллури (хрустали)

— بِلَّوْرَةٌ *кўп.* ـَ اتٌ — 1) кристал, биллур; 2) кристал, биллур парчаси

— بَلْوَرَةٌ кристаллашиш, биллур ҳолига келиш

— بِلَّوْرِيٌّ 1) кристалга оид; 2) биллурий, биллурга, хрусталга оид

— بُلُّورِيَّاتٌ *кўп.* биллурдан, кристалдан ясалган нарсалар

— تَبَلْوُرٌ кристал ҳосил қилиш, кристалга айлантириш (айланиш)

بُلُوزٌ, بُلُوزَةٌ *кўп.* ـَ اتٌ — блуза (*яктаксимон уст кийим*)

بُلُوفَرٌ *кўп.* ـَ اتٌ — иссиш (*жун ёки пахтали*) калта кийим; қоматга ёпишиб турадиган ёқасиз, тугмасиз трикотаж кийим

بُلُوكٌ *кўп.* ـَ اتٌ — рота; ~ سُوَارِيٌّ суворийлар бўлинмаси

بُلُوكٌ *тех.* блок (*бир бутун ҳолда ишланган қисмлар бирикмаси*)

بَلُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — ҳаво шари

بلْيَانْشُو мазхарабоз

بلْيَارْدُو бильярд; ~ عَصَا الـ бильярд таёғи (*кий*); كُرَةُ الـ~ бильярд тоши (шари)

بَلِّينَةٌ, بَلِّينٌ кит мўйлови

بِلْيُونٌ *кўп.* بَلاَيِينُ биллион (*Франция, Америка ҳисоб-китоби бўйича: минг миллион ёки миллиард* 10^9; *немис ва инглиз ҳисоб-китоби бўйича: миллион миллион ёки минг миллиард* 10^{12})

بَمٌّ *муз.* (*уднинг*) бас овозли тори; бас овозли

بُمَبٌ *жам.* бомбалар

– بُمْبَةٌ бомба, снаряд

بِمْبَاشِيٌّ = بِيكْبَاشِيٌّ

بُمْبَاغٌ *кўп.* ـَاتٌ — бўйинбоғ, галстук

بَمْبَرَا : الـ~ бамбара (*тилнинг номи*)

بَمْبِيٌّ оч пушти, оч қизил, қизғиш

(بن) II بَنَّنَ бўрдоқига қўймоқ (*мас. қўйни*)

بِنٌ *қар.* بَنِي

بُنٌّ қаҳва дони; ~ مَسْحُوقٌ янчилган (майдаланган) қаҳва

– بَنَّانٌ *кўп.* بَنَّانَةٌ қаҳва сотувчи, қаҳвафуруш

– بُنِّيٌّ 1) қаҳвага оид; қаҳва қўшилган; 2) қаҳва тусидаги, тўқ жигарранг

– بُنِّيٌّ Нил зоғора балиғи

– بَنَانٌ *жам.* бармоқлар; бармоқ учлари; عَضَّ ~ النَّدَمِ *маж.* қаттиқ афсусланмоқ; يُشَارُ إِلَيْهِ بِالـ~ *мажҳ. маж.* у жуда машҳурдир

– بَنَانَةٌ бармоқ; бармоқ учи; هُوَ طَوْعُ ~هِ у унинг измидаги кишидир, у унинг қўлидаги қуролдир, у унинг сўзини икки қилмайди

بَنَادُورَةٌ = بَنْدُورَةٌ

بَنَالْتِي *спорт.* ўн бир метрли жарима, пенальти

بُنْبَةٌ = بُمْبَةٌ

بِنْتٌ *қар.* بَنِي

بِنْتُو *кўп.* بِنْتِيَاتٌ, بَنَاتِي бинту (*20 франклик танга*)

I بَنَجَ (у) بَنْجٌ илгариги (асл) ҳолатига қайтмоқ; II بَنَّجَ 1) гангитмоқ, онгини заҳарламоқ; беҳушлик ҳолати даражасига олиб келмоқ; 2) хлороформ бермоқ, хлороформ ёрдамида уйқуга кетказмоқ; беморни беҳуш ёки оғриқ сезмайдиган қилмоқ; V تَبَنَّجَ 1) гангиган, мияси заҳарланган бўлмоқ; хлороформ ёрдамида уйқуга кетказилмоқ; беҳуш ёки оғриқ сезмайдиган бўлмоқ

– بَنْجٌ 1) *бот.* мингдевона, шайтон коса; 2) хлороформ (*наркоз учун ишлатиладиган ширин ҳидли, учувчан хлорли суюқлик*); 3) наркоз

– بَنْجٌ бошланиш, келиб чиқиш

– تَبْنِيجٌ оғриқ сезиш қобилиятини йўқотиш; ~ مَوْضِعِيٌّ этни ўлдириш

بَنْجَرٌ қизил лавлаги; ~ السُّكَّرِ қанд лавлаги

بُنْجَلُو бунгало

بَنْجَةٌ : ~ السَّبْعِ *мед.* карбункул, хўппоз, кўк яра, чипқоннинг бийи

بَنْدٌ *кўп.* بُنُودٌ 1) банд, модда; параграф (§); 2) байроқ, туғ, банд

بَنْدَرٌ *кўп.* بَنَادِرُ 1) савдо маркази; 2) вилоятнинг бош, катта шаҳри; 3) порт, бандаргоҳ

بَنْدُورَةٌ, بَنْدُورِي помидор; عَصِيرُ الـ~ томат, помидор шарбати (суви)

بَنْدِيرٌ доира, чилдирма

بَنْدِيرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — байроқ, туғ

بَنْدَقَ отмоқ; ўқотар қурол билан ўлдирмоқ

– بَنْدَقَةٌ отишма; ўқотар қурол билан ўлдириш

– بُنْدُقٌ *жам.* 1) ўрмон ёнғоғи; 2) ўқлар

– بُنْدُقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ўрмон ёнғоғи; 2) ўқ

– بُنْدُقِيٌّ[1] 1) Венецияга оид; 2) қадимги Венеция цехини (*тилла танга*)

– بُنْدُقِيٌّ[2] *кўп.* بُنْدُقِيَّةٌ қуролсоз уста

– بُنْدُقِيَّةٌ *кўп.* بَنَادِقُ қурол, милтиқ; ~ رَشٍّ сочма ўқ отадиган ов милтиғи; ~ سَرِيعَةُ الطَّلَقَاتِ тезотар милтиқ; ~ صَيْدٍ ов қуроли; ~ آلِيَّةٌ *ёки* ~ رَشَّاشَةٌ *ёки* أُوتُومَاتِيكِيَّةٌ автомат; سَرِيَّةُ الْبَنَادِقِ ўқчилар ротаси

– بَنْدُوقٌ *кўп.* بَنَادِيقُ никоҳсиз, никоҳсиз туғилган; *сўк.* ҳароми, ҳаромзода, пасткаш, разил

بَنْدُولٌ тебрангич, капгир; ~ السَّاعَةِ соат капгири

بَنْزَهِيرٌ 1) лимон; 2) заҳарга қарши дори; ~ حَجَرُ заҳарланган жойга суртиладиган тош

بَنْزُولٌ *химе.* бензол

بَنْزِينٌ бензин; الـ~ الْخَفِيفُ енгил бензин; الـ~ الثَّقِيلُ оғир бензин

بِنِسِلِينٌ *мед.* пенициллин

بَنْسَةٌ *бот.* капалакгул

بَنْسِيُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — пансион (*ўқув даргоҳи*)

بِنِشٌ *кўп.* ـَاتٌ — биниш (*узун енгли байрам либоси*)

بِنْصِرٌ *мн. кўп.* بَنَاصِرُ сўфи бармоқ (*тўртинчи бармоқ*)

بَنْطٌ *кўп.* بُنُوطٌ, أَبْنَاطٌ 1) *бирж.* бирлик, пункт (*нарх даражаси*); نَزَلَ سِعْرُ الْقُطْنِ عَشَرَةَ بُنُوطٍ пахтанинг нархи ўн бирликка (пунктга) тушди (арзонлашди); 2) нуқта, жой, ўрин; 3) *спорт.* очко

بَنْطَالٌ шим; иштон; ~ قَصِيرٌ турсик; калта иштон; панталон

– بَنْطَلُونٌ *кўп.* ـَاتٌ = بَنْطَالٌ

بَنَفْسَجٌ *жам.* бинафша, гунафша

– بَنَفْسَجَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — бинафша, гунафша

بَنَفْسَجِيّ - бинафшаранг, гунафшаранг; ة ~ الـ الأشعّةُ فَوْقَ ультрабинафша нурлар

بَنِيقَة *кўп.* بَنَائِقُ 1) киритма, ямоқ, улоқ; 2) ёқача, энсиз ёқа; ~ مَقْلُوبَة қайирма ёка

بَنْقُو банго (*Судандаги наркотик модданинг номи*)

بُنْكٌ 1) боши, аввали; ~ الْعُمْر гуллаб-яшнаш, умрнинг қирчиллаган пайти; 2) келиб чиқиш, насл-насаб; тур

بَنْكٌ *кўп.* بُنُوكٌ 1) ўтиргич, ўриндиқ; 2) пештахта; ~ النَّجَّار дурадгорнинг дастгоҳи; 3) банк; ~ الْحُكُومَة (الدَّوْلَة) давлат банки; ~ الـ الْعَقَارِيُّ ер-кредит банки; ~ الائْتِمَانِ الْعَقَارِيُّ ер-ссуда (қарз) банки; ~ الإصْدَارِ эмиссион банк (*қимматбаҳо қоғозлар ва қоғоз пул чиқарадиган банк*); ~ الـ الأهْلِيُّ миллий банк; ~ التَّسْلِيفَات ссуда (қарз) банки; ~ الـ الدُّوَلِيُّ халқаро банк; ~ الرُّهُونَات гаровхона, ломбард; ~ الرُّهُونَاتِ الْعَقَارِيَّة ипотека (гаров) банки (*кўчмас мулкни гаровга олиб пул берадиган банк*)

– بَنْكِيٌّ банкка оид; ة ~ الـ التَّوْظِيفَاتُ банк инвестициялари (*бирор ишга сарфланган банк маблағлари*); ة ~ الـ الْوَدَائِعُ банкка қўйилган пул, омонатлар

بَنْكِرِيَاس ошқозон ости бези

بَنْكَنُوت *кўп.* اتٌ ـــ банкнот, қоғоз пул

بَنْكِير *кўп.* بَنْكِيرِيَّة банкир

بُنٌّ *кўп.* بُنَن перо, риша (*ёзув қуроли*)

بَنُّور (*сол.* بَلُّور) хрустал, биллур

– بَنُّورَة *кўп.* اتٌ ـــ шишача, кичкина шиша

بَنَى I (и) بِنَاءٌ, بُنْيَانٌ 1) қурмоқ, солмоқ, ўрнатмоқ, барпо қилмоқ; ~ فِي الْهَوَاء хом хаёллар қилмоқ, пуч хаёл (орзу) ларга берилмоқ; 2) (*н. гадир*) қурилмоқ, ўрнашмоқ, асосланмоқ (عَلَى); ◊ ~ (عَلَى) ...ب ...га уйланмоқ; ~ الْكَلِمَةَ *грам.* сўзни икки келишикли шаклда қўймоқ; ~ عَزْمَهُ қарор қилмоқ, қарорга келмоқ; II بَنَّى кўп қурмоқ; V تَبَنَّى 1) ўғил қилиб олмоқ, сақлаб олмоқ; 2) ҳабул қилмоқ; ~ اقْتِرَاحًا таклифни (маслаҳатни) қабул қилмоқ; ~ قَرَارًا қарор қабул қилмоқ; ~ أَفْكَارَهُ кимнингдир ғоясини қабул қилмоқ; VII انْبَنَى 1) жойлашган, қурилган бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) қурилмоқ, жойлашмоқ (عَلَى); VIII ابْتَنَى 1) қурмоқ; 2) (*келинчакни*) уйга киритмоқ, олиб келмоқ; X اسْتَبْنَى таъмирталаб бўлмоқ (*қурилиш иншооти ҳақида*)

– ابْنٌ (*ат. отларда* بْنٌ) *кўп.* أَبْنَاءٌ, بَنُونَ ўғил; ~ الـ الأكْبَرُ тўнғич ўғил; ~ الـ الأصْغَرُ кенжа ўғил; ~ الابْنِ (الْبِنْت) невара, набира; ~ الزَّوْج ўгай ўғил; ~ الأخ (الأخْت) жиян; ~ عَمٍّ (خَال) тоғавачча, амакивачча; ~ الزَّوْج (الزَّوْجَة) ўгай ўғил; صُلْبِهِ ~ *кар.* صُلْبٌ; ~ الْمَدِينَة (الْبَلَد) шаҳарда яшовчи, шаҳарлик; ~ الْجِنْس ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар; ватандош; ~ الدِّين диндош; ~ رُوحِه ҳамма нарса учун ўзидан миннатдор бўлган; мустақил равишда ўзига йўл очган; ~ السَّبِيل а) йўловчи; саёҳатчи, сайёҳ; 2) дарбадар, бехонумон, дайди; ~ عَرَبٍ араб; ~ دِمَشْق дамашқлик; ~ مِصْر мисрлик; Қоҳирада яшовчи, қоҳиралик; ~ الْيَوْم فِي... ...да, ...га янги келган; ~ عِشْرِينَ سَنَةً йигирма яшар, йигирма ёшли; ~ أَبِيه а) هُوَ ~ أَبِيه а) у бутунлай (худди) отасининг ўзи; б) номаълум отанинг ўғли; ~ الذَّوَات у зодагон (оқсуяк) оиладан; ~ نَاس *ёки* ~ أَبْنَاء (بَنُو) أَبْنَاءُ الشَّعْب фуқаролар, гражданлар; أَبْنَاءُ قَوْمِهِ ҳамюртларим, ватандошларим; أَبْنَاءُ وَطَنِي унинг ватандошлари, ҳамюртлари; أَبْنَاءُ اللُّغَة бир тилда сўзлашувчилар; ватандошлар; أَبْنَاءُ يَعْرُبَ *ёки* أَبْنَاءُ الْعَرَبِيَّة араблар; بَنُو أُمِّي оғаларим, биродарларим; ~ آدَم одам; بَنُو الإنْسَان *ёки* بَنُو آدَمَ одамлар, инсоният; بَنُو أُمَيَّة *тар.* Уммавийлар; بَنُو الْعَبَّاس *тар.* Аббосийлар; بَنُو حَرْب Ҳарб қабиласи; بَنُو تَمِيم Тамим қабиласи

– ابْنَةٌ *кўп.* بَنَاتٌ 1) қиз; ~ الأخ (الأخْت) (*қиз*) жиян; ~ الْعَمّ (الْخَال) (*амма, амаки, тоға, холаларининг*) қизи; ~ الزَّوْج (الزَّوْجَة) ўгай қиз; 2) қиз бола

– ابْنِيٌّ ўғил фарзандга оид

– بَانٍ *мн. кўп.* بَانِيَة, بُنَاة қурувчи, лойиҳачи

– بْنٌ *қар.* ابْنٌ; مُحَمَّدُ بْنُ أَحْمَدَ Муҳаммад бин Аҳмад;

– بَنَاتٌ кўғирчоқ; كُنْتُ أَلْعَبُ الْجَوَارِيَ بِالْبَنَات Мен қизлар билан кўғирчоқ ўйнар эдим (*Ҳазрати Оиша сўзларидан*)

– بَنَّاءٌ 1. 1) тузилишга оид, конструктив, амалий; 2) яратувчи, ижод (бунёд) этувчи; яратган; 2. 1) ғишт терувчи, қурувчи, уста; ~ الـ الْحُرُّ *кўп.* الْبَنَّاؤُونَ الأحْرَار франкмасон, мардикор уста; 2) архитектор, меъмор

– بِنَاءٌ *кўп.* أَبْنِيَة 1) қурилиш, қурилиш; лойиҳа ишлаш; ~ الـ الاقْتِصَادِيُّ وَالْعِلْمِيُّ وَالثَّقَافِيُّ иқтисодий, илмий ва маданий қурилиш; ~ إعَادَةُ الـ қайта қуриш, қайта тиклаш; ~ مَوَادُّ الـ қурилиш ашёлари (материаллари); ~ عَلَى... ...га биноан; ... асосида; ~ عَلَى هَذَا бу асосга кўра; 2) бино, қурилиш, иншоот, иморат; ~ تَحْتِيٌّ *фалс.* базис, асос, негиз; ~ فَوْقِيٌّ *фалс.* устқурма; 3) лойиҳа, таркиб, тузилиш; ~ الـ الاجْتِمَاعِيُّ ижтимоий таркиб, 4) *грам.* турланмайдиган шакл

– بِنَائِيٌّ 1) қурилишга оид; 3) таркибий; тузилишга оид

– بِنَايَة *кўп.* اتٌ ـــ бино, иншоот, иморат

– بِنْتٌ *кўп.* بَنَاتٌ 1) қиз; ~ الـ الْكُبْرَى катта қиз; ~ الـ الصُّغْرَى кенжа қиз; إنَّهَا بِنْتُ أَبِيهَا а) у (*қиз*) худди отасининг ўзи; б)

номаълум отанинг қизи; 2) қиз бола; ~ حَلَال номусли, иффатли, ҳалол қиз; ~ بَلَد шаҳарлик аёл (қиз); ~ العَمّ а) амакининг (*тоға, амма, холанинг*) қизи; б) хотин; ~ نَاس зоти улуғ, олий насаб кишиларнинг қизи; ~ الأَمْس яқин ўтмишдаги ишлар; ~ الشَّفَة сўз; ~ العِنَب (الحَان) май, вино, хамр; ~ العَيْن кўз ёши; ~ الفِكْر фикр, ғоя; ~ المَاء сув париси (*афсоналарда*); ~ اليَمَن қаҳва; بَنَاتُ الدَّهْر бахтсизлик, кулфат; بَنَاتُ الصَّدْر ғам-ташвишлар; بَنَاتُ الظُّنُون уйдирмалар, хаёллар шахобчаси, гумонлар; بَنَاتُ الطَّرِيق йўлнинг айрилиши (шахобчаси); айланма йўллар; بَنَاتُ اللَّيْل фоҳишалар; بَنَاتُ الهَوَاء ҳавойи севги эгалари

– بِنْتِيّ қизга оид

– بُنُوَّة ўғиллик

– بُنَوِيّ ўғилга, фарзандга оид

– بُنَيّ *кўп.* بُنَيُّون ўғлим, болам; يَا بُنَيَّ эй ўғлим!

– بَنِيَّة Каъба; وَرَبِّ هَذِهِ البَنِيَّة бу Каъбанинг тангриси ҳаққи (*қасам*)

– بُنَيَّة *кўп.* ~ ات — қиз, қизгина; يَا ~ эй қизим!; بُنَيَّاتُ الطَّرِيق айланма йўллар; دَعْ بُنَيَّاتِ الطَّرِيق *маж.* жилпанглама!

– بَنْيَان: ~ شَجَرَةُ الـ *бот.* ҳинд анжири (*дарахти, меваси эмас*)

– بُنْيَان 1) қуриш, қурилиш, барпо қилиш; 2) иморат, бино; 3) таркиб, тузилиш; الـ~ الاقْتِصَادِيّ иқтисодий тизим, тузилиш; كَالـ~ المَرْصُوص мустаҳкам (жипс) ҳолда

– بِنْيَة *кўп.* بِنًى 1) моддий таркиб, состав; 2) макет, намуна, нусха

– بِنْيَة *кўп.* بِنًى 1) тузилиш, таркиб; 2) гавда (қадду қомат) тузилиши, бичим, жусса, сумбат; قَوِيُّ الـ~ зуваласи пишиқ; ضَعِيفُ الـ~ кучсиз, нимжон, заиф

– بَنِيَّة (*гўшт сақлаш мақсадида лойдан қилинган*) кичик бино

تَبَنٍّ 1) ўғил қилиб олиш; اِبْنٌ بِالتَّبَنِّي асранди ўғил; اِبْنَةٌ بِالتَّبَنِّي асранди қиз; 2) қабул қилиш (*мас. қарор*)

– مَبْنًى *кўп.* مَبَانٍ 1) асос солиш; қуриш; 2) бино, иморат; حُرُوفُ المَبَانِي алифбо

– مَبْنِيّ 1) қурилган, барпо бўлган; 2) *грам.* турланмайдиган; ~ عَلَى الكَسْر охирида касра ҳаракати бор бўлган, ўзгармайдиган (*сўз ҳақида, мас.* سِيبَوَيْه)

I بَهَأَ (а) ва بَهِئَ (а) بَهْءٌ (*бирор к. ни*) дўст тутмоқ, меҳр кўрсатмоқ (ب)

I بَهَتَ (بَهْت) (у) بَهْتٌ 1) ҳайратда, ҳайрон, лол қолмоқ, маҳлиё бўлмоқ; 2) *мажх.* ажабланмоқ, ҳайратланмоқ; эсанкирамоқ, саросимага тушмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ; بَهَتَ (а) 1) ҳайратда (ҳайрон) қолдирмоқ, лол (қойил) қолдирмоқ; 2) бехосдан бостириб келиб қолмоқ; 3) *мажх.* шошиб қолмоқ, довдираб, ҳангу манг бўлиб қолмоқ; 4) (*к. ғадир*) бўлмаган айбни қўймоқ; بَهِتَ (а) بَهَتٌ 1) оқармоқ (*юз ҳақида*); 2) айнимоқ, ўзгариб қолмоқ, ўзгариб кетмоқ, ўнгмоқ, оқармоқ, ранги ўчиб кетмоқ, хиралашмоқ, туси кетмоқ (*ранг ҳақида*); II بَهَّتَ ҳайратда (ҳайрон, лол) қолдирмоқ; III بَاهَتَ = II; VII اِنْبَهَتَ ҳайрон (*лол*) қолмоқ

– بَاهِت равшан эмас, хира, ғира-шира; аста-аста йўқолувчи; ранги ўчган, оқарган, бўзарган, хира тортган

– بُهَات туҳматчи, бўҳтончи

– بُهْت бўҳтон, туҳмат, ёлғон-яшиқ

– بُهْتَان = بُهْت

– بَهْتَة ҳайрон (лол) қолиш; ҳайрат, маҳлиёлик

– مَبْهُوت 1 ҳайрон (лол) қолган; қойил қолган, маҳлиё бўлган

– مَبْهُوت 2 бўҳтон остида қолган

I بَهَجَ (بَهْج) (а) بَهْج хурсанд қилмоқ, шод қилмоқ, шодлантирмоқ; بَهِجَ (а) بَهَج (*н. дандир*) хурсанд бўлмоқ, шодланмоқ, жуда қойил бўлмоқ, ғоятда завқланмоқ (ب); بَهُجَ (у) بَهَاجَة зўр, ажойиб, келишган, гўзал бўлмоқ; IV أَبْهَجَ хурсанд қилмоқ, ғоят завқлантирмоқ, қойил қолдирмоқ; VIII اِبْتَهَجَ (*н. дандир*) шодланмоқ, завқланмоқ, қойил қолмоқ, қувонмоқ, шод-хуррам бўлмоқ

– اِبْتِهَاج хурсандчилик, шодлик, шод-хуррамлик, завқ, шавқ

– بَهِج، بَهِيج 1) шод, хурсанд, қувноқ, қувончли, шодиёна; 2) ажойиб, ёрқин, нурли; 3) зўр, гўзал, чиройли

– بَهْجَة 1). хурсандчилик, шодлик, хуррамлик; 2) дабдаба, ҳашамат; гўзаллик, ажойиблик

– مَبَاهِج *кўп.* : ~ الحَيَاة ҳаёт қувончлари

– مُبْتَهِج шод, хурсанд, қувноқ (*киши*)

– مُبْهَج шод, хурсанд, қувноқ

بَهْدَلَ 1) сўкмоқ, уришмоқ, койимоқ; ҳақорат қилмоқ; хафа қилмоқ; ёмон муносабатда (муомалада) бўлмоқ; ~ـهُ بِكَلَامٍ قَارِصٍ لَاذِعٍ مُهِين кимнидир дилни оғритадиган, аччиқ, ҳақоратли сўзлар билан сўкмоқ; 2) номаъқул (*нотўғри*) ҳаёт тарзида яшамоқ; تَبَهْدَلَ 1) шарманда бўлмоқ, иснодга, иснод (уят) га қолмоқ, изза бўлмоқ, бадном бўлмоқ, хижолатда қолмоқ; 2) ҳақоратланмоқ, таҳқирланмоқ

– بَهْدَلَة 1) ҳақоратлаш; таҳқирлаш, ерга уриш; қўпол (илтифотсиз, тўнг) муомала (муносабат); 2) нотўғри ҳаёт тарзи; 3) пасткашлик, ярамас ҳатти-ҳаракат; 4) машмаша, жанжал; шармандалик, иснод, бадномлик; *мкл.* الفَقْرُ حِشْمَةٌ وَالعِزُّ ~ камбағаллик камтарлик нишонаси, бойлик эса кўрслик нишонасидир

– مُبَهْدَل тартибсиз, палапартиш; ажи-бужи шаклдаги

I بَهَرَ (а) بَهْرٌ 1) порламоқ, чақнамоқ; кўзни олмоқ, қамаштирмоқ; 2) *мажз.* кўзи қамашган, ақли озган, эс-ҳушини йўқотган бўлмоқ; 3) оғир нафас олмоқ, сиқилмоқ, диққати ошмоқ; 4) моҳир бўлмоқ, уста бўлмоқ, қўлидан келмоқ; VII انْبَهَرَ 1) кўзи қамашган, ақли озган, эс-ҳушини йўқотган бўлмоқ; 2) сиқилмоқ, эзилмоқ; VIII ابْتَهَرَ 1) тез-тез нафас олмоқ, сиқилмоқ; 2) (*н. биландир*) мақтанмоқ, катта гапирмоқ (بِ)

– أَبْهَرُ *анат.* аорта, шотомир (*катта томир*)

– انْبِهَارٌ ҳайрон, маҳлиё бўлиш, қойил қолиш; ~ (بِ) فِي ҳайрон қолиб, маҳлиё бўлиб, ҳайратда

– بَاهِرٌ ялтироқ, порлоқ, дабдабали, зўр, гўзал, ажойиб; نَجَاحٌ ~ (ажойиб) ютуқ

– بَهَارٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) Ямайка гармдориси (қалампири); 2) *кўп.* зираворлар, дориворлар; 3) Нажд ўлкасида ўсадиган ўсимлик, бу ўсимлик عَيْنُ الْبَقَرِ (мол кўз) деб ҳам номланади

– بُهَارٌ тозаланган пахта

– بُهْرٌ нафас қисилиши, ҳарсиллаш

– بُهْرَةٌ марказ, ўрта; الشِّتَاءِ ~ қиш ўртаси; الظَّلَامِ ~ тим қоронғи, зимистон

– مَبْهُورٌ *шунингдек* الْأَنْفَاسِ ~ сиқилаётган, аранг нафас олаётган

بَهْرَجَ 1) безамоқ, (кўз-кўз қилиб) ясантирмоқ; 2) қалбакиликни аниқламоқ; تَبَهْرَجَ башанг кийинмоқ, ясанмоқ, безанмоқ

– بَهْرَجٌ 1. 1) шуҳратпараст, кеккайган, мақтанчоқ; 2) қалбаки, сохта (*танга ҳақида*); 3) алоҳида ажралиб турувчи, ҳаммани ўзига қаратувчи (*ранг ҳақида*); 2. 1) ялтироқ тангачалар, нуқталар; зар ип, зар; 2) ортиқча ҳаракат, бефойда уриниш, тараддуд, оворагарчилик

– بَهْرَجَانٌ ялтироқ таначалар; зар ип, зар

– بَهْرَجَةٌ 1) безаклар, зеб-зийнатлар; 2) чиройлилик, кўркамлик, музайянлик; шукуҳ, дабдаба

– مُبَهْرَجٌ алоҳида ажралиб турувчи (*ранг*)

بَهْرَمَانٌ 1) *бот.* махсар; 2) *мин.* лаъл, қизил ёқут

– بَهْرَمَانِيٌّ махсар гули ранги, заъфарон ранг; يَاقُتٌ ~ ёқут, лаъл

بَهْرِيزٌ шўрва, суюқ ош, обиёвғон

I بَهَشَ (а) بَهْشٌ йиғлаб юборишга тайёр турмоқ, йиғлаб юборишга озгина қолмоқ (لِلْبُكَاءِ)

– بَهْشٌ фақат Ҳижозда ўсадиган ўсимлик

– بَهْشَةٌ йиғлаб юборишга тайёрлик; وَمَا مِنْ ~ إلاَّ وَرَاءَهَا جَهْشَةٌ *мтл.* бир томчи ёшдан сўнг ёшлар уммони

بَهَطَةٌ гурунч билан сувдан тайёрланган овқат

I بَهَظَ (а) بَهْظٌ малоллик келтирмоқ, оғирлик қилмоқ, қийнаб (ташвишга солиб) қўймоқ; ҳаддан ташқари, ортиқ даражада бўлмоқ (*солиқ ҳақида*); IV أَبْهَظَ малоллик келтирмоқ, қийнаб (ташвишга солиб) қўймоқ, уринтирмоқ, юк бўлмоқ (بِ)

– بَاهِظٌ оғир, қийнаб (ташвишга солиб) қўядиган; ҳаддан ташқари, юқори (*ҳақ, кира ҳақида*)

– بَهَاظَةٌ оғирлик, малоллик; ҳаддан ташқарилик; الْأَتْعَابِ ~ юқори (катта) гонорар, қалам ҳақи

أَبْهَقُ *мн.* بَهْقَاءُ *кўп.* بُهْقٌ темираткилар билан шикастланган, жароҳатланган

– بَهَقٌ, بُهَاقٌ *мед.* тери касаллиги; темиратки

I بَهَلَ (а) بَهْلٌ сўкмоқ, уришмоқ, койимоқ; V تَبَهَّلَ бир-бирини сўкмоқ (*койимоқ*); VI تَبَاهَلَ = V; VIII ابْتَهَلَ ёлвормоқ, ўтинмоқ, ялинмоқ, илтижо қилмоқ, ўтиниб сўрамоқ

– ابْتِهَالٌ ёлвориш, ўтиниш, илтижо қилиш, худонинг зорини қилиб сўраш; илтижо, ўтинч

– أَبْهَلُ *бот.* қора арча

– بَاهِلٌ *кўп.* بُهَّلٌ 1. 1) бекорчи, доимий ишда ишламайдиган; عَامِلٌ ~ ишсиз; 2) кишансиз, тушовсиз; 2. *эск.* елинига банд боғлаб қўйилмаган туя

– بَهْلَةٌ лаънат, нафрат, қарғиш

– بَهْلَى юзи очиқ (*аёл ҳақида*); عَلَى الـــ ~ а) очиқ ҳолда; б) сурбетларча, юзсиз, беорларча, суллоҳлик билан

بَهْلَلَةٌ *халқ.* масхарабозлик, майнабозлик, ҳазилкашлик; بَلاَشْ ~ майнабозлик қилманг!

بُهْلُولٌ, بَهْلُولٌ *кўп.* بَهَالِيلُ 1) қизиқчи, масхарабоз; 2) *эск.* қаҳрамон, ботир жангчи

بَهْلَوَانٌ *кўп.* ـــ اتٌ паҳлавон, гимнастикачи, акробат; дорбоз

– بَهْلَوَانِيٌّ акробатик; أَلْعَابٌ ~ ـــةٌ акробатик машқлар (ўйинлар)

– بَهْلَوَانِيَّةٌ 1) эквилибристика (*цирк санъати жанрининг бир тури: дор, шар ва ш.к. да машқ қилиш, мувозанат сақлаш санъати*); 2) *ав.* олий учувчилик санъати

– بَهْلَوَانِيَّاتٌ *кўп.* акробатлар бажарадиган мураккаб гимнастика машқлари

بَهْلَوِيٌّ паҳлавийга оид; الـــ ~ ـــةُ паҳлавий тили

(بهم) IV أَبْهَمَ 1) ноаниқ, мубҳам бўлмоқ; чигал, чатоқ, тушуниб бўлмайдиган бўлмоқ; шубҳали бўлмоқ; 2) ноаниқ, мубҳам, шубҳали қилмоқ; الْكَلاَمَ ~ ноаниқ, дудмал сўзламоқ; 3) ёпмоқ, беркитмоқ; الْبَابَ ~ эшикни ёпмоқ; V تَبَهَّمَ (*к. учундир*) ноаниқ, мубҳам, шубҳали бўлмоқ (عَلَى); VII انْبَهَمَ ноаниқ, қоронғу бўлмоқ; номаълум, нотаниш бўлмоқ; X اسْتَبْهَمَ (*к. учундир*) ноаниқ, дудмал, икки маъноли бўлмоқ (عَلَى)

– إِبْهَامٌ[1] ноаниқлик, мубҳамлик; чалкашлик, чигаллик, чатоқлик; шубҳалилик, даргумонлик; الرَّمْزِيُّ ~ الـــ рамзийлик, символизм

– إِبْهَامٌ[2] *кўп.* أَبَاهِيمُ, أَبَاهِمُ бош бармоқ

– أَبْهَمُ *кўп.* بُهْمٌ ҳеч вақосиз, ҳеч нарсаси йўқ; يُحْشَرُ النَّاسُ حُفَاةً عُرَاةً وَ بُهْمًا *ҳад.* инсонлар оёқяланг, кийим-бошсиз ва ҳеч нарсалари йўқ ҳолда тўпланадилар (*тириладил- ар маъносида*);

الْيَدِ ~ қўлнинг бош бармоғи; الرِّجْلِ ~ оёқнинг бош бармоғи

– بِهَامٌ, بِهَامٌ жам. ёш чорва моллари

– بَهْمٌ, بَهَمٌ жам. بِهَامٌ, بُهْمٌ

– بَهْمَةٌ кўп. بَهَمَاتٌ бузоқ, қўзичоқ ва ш.к. лар

– بُهْمَةٌ кўп. بُهَمٌ 1) қоя; 2) оғир масала

– بَهِيمٌ[1] кўп. بُهُمٌ, بُهْمٌ сақичдек қоп-қора; зим-зиё (*тун ҳақида*)

– بَهِيمٌ[2] жам. ҳайвонлар, жониворлар; йиртқичлар

– بَهِيمَةٌ кўп. بَهَائِمُ ҳайвон; уй ҳайвони; йиртқич

– بَهِيمِيٌّ 1) молга, чорвага оид; 2) ҳайвонга оид; ҳайвоний, ҳайвонларча; 3) йиртқичларча, шафқатсиз

– بَهِيمِيَّةٌ 1) исқиртлик, нопоклик; 2) йиртқичлик, шафқатсизлик

– مُبْهَمٌ мубҳам, ноаниқ, шубҳали; عَدَدٌ ~ мат. мавҳум сон; الْأَسْمَاءُ الـ~ـةُ грам. кўрсатиш олмошлари

– مُبْهَمَاتٌ кўп. الْقَصَائِدُ الـ~ символизм руҳидаги (рамзий) шеърлар

I بَهَا (بهو) (у) بَهَاءٌ чиройли, гўзал бўлмоқ

– بَهْوٌ кўп. أَبْهَاءٌ катта зал; холл; فِي أَبْهَاءِ هَذِهِ الدَّارِ маж бу ҳовли ичида

بَهَرَ 1) кенгайтирмоқ (*тешик, жароҳат ҳақида*); 2) мақтанмоқ, катта гапирмоқ (*Сурия*); تَبَهْوَرَ мақтанчоқлик қилмоқ

– بَهْوَرَةٌ (*тешикни, жароҳатни*) кенгайтириш; мақтаниш

– تَبَهْوُرٌ мақтанчоқлик, катта оғизлик; ўзини кўрсатиш учун ишлатилган муболаға, ёлғон

I بَهِيَ (а) بَهَاءٌ гўзал, ажойиб, зўр бўлмоқ III بَاهَى 1) гўзалликда рақобат қилмоқ; (*н. билан*дир) мақтанмоқ (ب); VI تَبَاهَى бир-бирининг олдида (бир-бирига) мақтанмоқ; (*н. билан*дир) фахрланмоқ (ب)

– بَاهٍ мн. بَاهِيَةٌ ажойиб, зўр, яхши; очиқ (*ранг ҳақида*)

– بَهَاءٌ гўзаллик, сулувлик, кўркамлик

– بَهَائِيٌّ дин. баҳоий

– بَهَائِيَّةٌ: الـ~ дин. баҳоийлик, баҳоизм

– بَهِيٌّ ажойиб, зўр, яхши; очиқ (*ранг ҳақида*)

– تَبَاهٍ мақтанчоқлик; фахрланиш

– مُبَاهَاةٌ гўзалликда рақобат қилиш; мақтаниш; фахрланиш

– مُتَبَاهٍ мн. مُتَبَاهِيَةٌ 1. мақтанувчи, мақтанчоқ; мағрур, виқорли; 2. чиранчоқ; манман, кеккайган, мутакаббир, димоғдор

بُوٌّ кўп. أَبْوَاءٌ қўриқчи; қўрқитиш учун восита бўладиган кимса ёки нарса

I (بوأ) بَاءَ (у) بَوْءٌ 1) (*қаерга*дир) қайтмоқ (إلى); 2) (*н. нидир*) қайтармоқ (ب); بِالْفَشَلِ ~ а) муваффақиятсиз тугамоқ; б) муваффақиятсизлик келтирмоқ; بِالْخَيْبَةِ ~ умидсизликка тушмоқ, بِالْخُسْرَانِ ~ талафот (зарар, зиён) кўрмоқ; II بَوَّأَ 1) қўймоқ, солмоқ, жойламоқ; 2) кўтармоқ (*мас. тахтга*); الْعَرْشَ ~ тахтга кўтармоқ, тахтга ўтқазмоқ; مَقْعَدًا ~ ўтқазмоқ, ўтишга мажбур қилмоқ; IV أَبَاءَ 1) жойламоқ, қўймоқ, жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ, сиғдирмоқ; 2) қайтармоқ; V تَبَوَّأَ ўтирмоқ; эгалламоқ (*ўринни*); жойланмоқ, сиғмоқ; الْعَرْشَ ~ тахтга минмоқ, ўтирмоқ

– اِبَائَةٌ жойлаштириш, сиғдириш, қўйиш

– بَوَاءٌ 1) тенглик; 2) тенг, тенгдош

– بُوَاءٌ зоол. боа (*бўғма илон тури*)

– بِيئَةٌ кўп. بِيئَاتٌ, بِيَاءٌ, بِيَأٌ 1) ҳолат; 2) ўраб олган муҳит, шароит; атрофдаги кишилар, яқинлар; доира; жамият; 3) манзилгоҳ, ўрнашган жой, яшаш жойи

– بِيئِيٌّ давра, муҳит, шароитларга оид

– تَبَوُّءٌ (*ўринни*) эгаллаш; الْعَرْشِ ~ тахтга ўтириш

– مَبَاءَةٌ 1) манзилгоҳ, ўрнашган (турган) жой; 2) бирор нарса сақланадиган жой; 3) кўч.м. манба; هَذَا ~ لِكَثِيرٍ مِنَ الْأَمْرَاضِ бу кўплаб касалликларнинг манбаидир

(بوب) II بَوَّبَ 1) бобларга, қисмларга, бўлакларга, бандларга, моддаларга ажратмоқ (*мас. китобни*); 2) сортларга (навларга, хил-хилига) ажратмоқ, сараламоқ; V تَبَوَّبَ 1) бобларга, қисмларга бўлинмоқ; 2) дарвозабон этиб белгиламоқ, тайинламоқ

– بَابٌ кўп. أَبْوَابٌ, بِيبَانٌ, أَبْوِبَةٌ 1) эшик, кириш; дарвоза; أَرْضِيٌّ ~ (سَقْفِيٌّ) люк, қопқоқли туйнук, тешик; الْبَدَنِ ~ анат. орқа чиқариш тешиги; دَوَّارٌ ~ турникет (*кириш-чиқиш жойларида одамларни битта-битта ўтказиш учун ўрнатилган айланма ғов*); فَتَحَ ~ الْمُنَاقَشَةِ маж. гап бошламоқ; فَتَحَ ~ الْكَلَامِ маж. музокарани бошламоқ; فَتَحَ ~ـاً جَدِيدًا فِي ... маж. (*н. гадир*) янги имкониятлар туғдирмоқ; أَصْبَحَ عَلَى الـ~ бўшаган, ҳайдалган бўлмоқ (*мас. ишдан*); عَلَى أَبْوَابِ الْمَعْرَكَةِ الْأَنْتِخَابِيَّةِ сайлов компанияси арафасида; عَلَى أَبْوَابِ الْعِيدِ ҳайит (*ийд*) дан озгина олдан, ҳайит (ийд) арафасида; سِيَاسَةُ الـ~ الْمَفْتُوحِ очиқ эшиклар сиёсати; 2) боб, бўлим, модда, банд; 3) манба (*даромадники*); ~ جَدِيدٌ لِلثَّرْوَةِ бойишнинг янги манбаи; 4) ҳар хиллик; тур; нав, сорт; ~ـه وَاحِدٌ فِي ~ ўз турида яккаю ягона; 5) грам. феъл боби, шакли; ~ الْعَالِي тар. Истамбул; مِنْ بَابِ الاحْتِيَاطِ эҳтиётдан; ~ مِنْ ... الصُّدْفَةِ أَنْ ... хушмуомалаликдан, назокатдан; الْمُجَامَلَةِ ~ مِنْ бехосдан, дафъатан ...; الْعَطْفِ ~ مِنْ раҳм-шафқат юзасидан, ачиниб; الْإِقْتِصَادِ ~ مِنْ иқтисод қилиб, тежаб; الضَّرُورَةِ ~ مِنْ заруратдан; فِي هَذَا الـ~ бу борада; бу соҳада; اللهِ ~ عَلَى Оллоҳнинг ёрдами билан; зўрға, аранг, бир амаллаб; رَجُلٌ عَلَى ~

الله камбағал одам; عَائِشٌ عَلَى ~ الله худонинг берганига қаноат қилиб яшовчи; قَعَدَ عَلَى ~ الله хайр-садақа сўрамоқ; جَاءَ عَلَى ~ الله йўқ нарсани кутиб ўтирмоқ

– بَابَة кўп. ـاتٌ тур, даража, разряд; нав; هَلْ أَنْتَ مِنْ ذِي الـ~ сен шунақамисан?; ◊ هَذَا ~ـتُكَ бу сенга ярайди

– بَابِيٌّ 1) равоқ (пештоқ) қа оид; порталга оид; 2) дин. бобийликка эътиқод қилувчи; الْوَرِيدُ الـ~ анат. вена, кўк томир

– بَابِيَّةٌ : الـ~ дин. бобийлик

– بَوَّابٌ дарбон, дарвозабон, эшик қоровули, швейцар; ҳовли тозалигига қаровчи ходим ёки хизматкор; ~ الْمَعِدَةِ анат. қорин бўйни (*қориннинг ўн икки бармоқли ичакка ўтадиган борадиган жойи*)

– بَوَّابَةٌ дарвоза; ~ الْفَوْزِ ғалаба арки (дарвозаси); ~ الْقَنْطَرَةِ шлюз, дарвоза (*тўғонлардаги сув дарвозаси*)

– بِوَابَةٌ дарбонлик, швейцарлик хизмати (касби)

– تَبْوِيبٌ 1) бобларга, бўлимларга ажратиш; 2) турлаш, хиллаш, навлаш; таснифлаш

– مُبَوَّبٌ 1) бобларга, бўлимларга ажратилган; 2) хилланган, таснифланган

بُوبِينَةٌ бобина, ғалтак

بُوتَاجَازٌ кўп. ـاتٌ газ плитаси (ўчоғи); ~ ذُو أَرْبَعِ شُعَلٍ тўрт горелкали газ ўчоғи

بُوتَاسَةٌ, بُوتَاسَا, بُوتَاسٌ киме. ишқор, карбонат ангидрид калийси

بُوتَاسِيُومٌ киме. калий

بُوتَقَةٌ кўп. بُوتَقَاتٌ, بَوَاتِقُ тигель (*ўтга чидамли гилдан ясалган қозон*); ~ الدَّهْرِ (*киши чиниқадиган*) ҳаёт қозони

I (بوح) بَاحَ (у) بَوْحٌ 1) фош бўлмоқ, очилмоқ; 2) (*н. нидир*) очмоқ, фош қилмоқ, (*айтиб*) ошкор қилмоқ, ҳаммага маълум қилмоқ (بِ); IV أَبَاحَ 1) очмоқ, фош қилмоқ; 2) рухсат (ижозат, изн) бермоқ, йўл қўймоқ; бермоқ, топширмоқ, ҳавола қилмоқ; ~ لِنَفْسِهِ أَنْ ... (*н. нидир*) ўзига эп кўрмоқ; ~ الأَمْوَالَ وَالْفُرُوجَ талон-торож қилмоқ ва аёлларни зўрламоқ; 3) (*н. нидир*) умум мулки, бойлиги деб ҳисобламоқ; 4) ижозат этилган деб ҳисобламоқ; X اسْتَبَاحَ 1) рухсат этилган, ижозат этилган, мумкин, жоиз деб ҳисобламоқ; 2) (*н. га (да) дир*) ўзига тўла эркинлик (ҳуқуқ) бермоқ; 3) топтамоқ, оёқости қилмоқ, поймол қилмоқ; 4) мусодара қилмоқ, тортиб олиб қўймоқ; 5) илдизи билан қўпормоқ, суғурмоқ

– إِبَاحَةٌ 1) очиш, фош қилиш, ошкор этиш; 2) ижозат (рухсат) этиш; 3) тўла эркинлик (*ҳаракатда*); озодлик, бемалоллик; ўта кетган бебошлик, ахлоқсизлик; ~ الْجِنْسِ жинсий бузуқлик

– إِبَاحِيٌّ ҳамма нарса мумкин деб ҳисобловчи; озод, эркин; густоҳ, манман, уятсиз, беадаб, бебош, ахлоқсиз, бузуқ

– إِبَاحِيَّةٌ кўп. ـاتٌ 1) тўла эркинлик, бемалоллик; ахлоқсизлик; 2) ҳурфикрлилик, шаккоклик; 3) нигилизм (*ҳар қандай шакл, қонунларни инкор этиш*)

– اسْتِبَاحَةٌ мусодара қилиш

– بَاحَةٌ кўп. بَاحَاتٌ, بُوحٌ 1) хона, уй; ҳовли; فِي ~ هَذِهِ الْجَامِعَةِ бу университетда; 2) *спорт.* майдон

– مُبَاحٌ озод, эркин; ҳеч кимга тегишли бўлмаган; умумий; ~ الدُّخُولُ кириш бемалол (*эркин, белул*); кўп. الْمُبَاحَاتُ *шар.* мубоҳ амаллар, шариатда ижозат этилган амал (иш) лар

– مُسْتَبَاحَةٌ топталаётган, оёқости қилинаётган

I (بوخ) بَاخَ[1] (у) بَوْخٌ, بَوَخَانٌ тушмоқ, пасаймоқ, камаймоқ, озаймоқ; بَاخَ[2] (у) بُؤُوخٌ 1) бузилмоқ, айнимоқ, ёмонлашмоқ, эскирган (айниган бузилган) бўлмоқ (*мас. гўшт ҳақида*); 2) бемаза бўлмоқ (*овқат ҳақида*); 3) ўнгмоқ, оқармоқ, ранги ўчмоқ (*газлама ҳақида*); 4) бемаъни (ярамас, жирканч) бўлмоқ; кўп ишлатилган, чайналган, сийқаси чиққан бўлмоқ; 5) мардликни (*жасоратни*) йўқотмоқ, умидсизланмоқ, бўшашмоқ; II بَوَّخَ 1) бузмоқ, ёмонлаштирмоқ, айнитмоқ; 2) расво қилмоқ, сийқалаштирмоқ

– بَايِخٌ 1) бузилган, эски, эскиган, айниган; 2) бемаза; 3) ранги ўчган; 4) ярамас, сийқаси чиққан, чайналган; ~ إِحْتِشَامٌ юзаки (хўжакўрсинга қилинган) ҳурмат; ~ كَلَامٌ бемаъни гап, сафсата

– بُوَاخٌ буғ, буғланиш

– تَبْوِيخٌ 1) бузиш, айнитиш, яроқсиз ҳолга келтириш; 2) расво қилиш

بُودْرَةٌ пудра, упа; عُلْبَةُ الـ~ упа қутиси

بُودَقَةٌ кўп. بَوَادِقُ = بُوتَقَةٌ

بُوذَا Будда (*индуизм динидаги илоҳ исми*)

– بُوذِيٌّ 1. Буддага оид; 2. Будда динидаги киши

– بُوذِيَّةٌ : الـ~ буддизм

I (بور) بَارَ (у) بَوْرٌ, بَوَارٌ 1) ҳалок бўлмоқ, нобуд бўлмоқ, йўқолмоқ, ўлмоқ, тугамоқ; 2) ўтмай (*сотилмай*) ётмоқ, касод бўлмоқ, узоқ ётиб эскирмоқ, ишдан чиқмоқ, айнимоқ (*мол ҳақида*); 3) ишланмаган, ҳайдалмаган, чопилмаган, экилмай ётган бўлмоқ, шудгорлаб ташлаб қўйилган бўлмоқ; 4) яхши натижасиз, муваффақиятсиз, фойдасиз бўлмоқ (*иш ҳақида*); ~ تِ الْبِنْتُ қари қиз бўлиб қолмоқ; II بَوَّرَ шудгор ҳолда (экмай) қолдирмоқ (*ер ҳақида*); IV أَبَارَ ҳалок этмоқ, ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ

– بَارِيٌّ ёки بُورِيٌّ ёки بَارِيَةٌ = بَارِيَاءُ

– بَارِيَاءُ ёки بُورِيَاءُ бўйра

– بَائِرٌ кўп. بُورٌ 1) ноқулай, нобоп, ишланмаган (экилмай ётган) ҳолда қолган (*ер ҳақида*); 2) узоқ ётиб эскирган (*мол ҳақида*); بِنْتٌ ~ةٌ қари қиз; 3) ярамас, бадахлоқ; وَكُنْتُمْ قَوْمًا ~ًا *қур.* сизлар бадахлоқ одамлар эдингиз

– بَوَارٌ 1) ҳалокат; талофот; 2) касодлик (*савдода*); 3) ишланмаганлик (ҳайдалмаганлик, экилмаганлик), қаровсизлик (*ер ҳақида*); яроқсизлик (*тупроқ ҳақида*); دَارُ الـ~ жаҳаннам

– بَوْرٌ 1) ҳалокат; 2) касодлик (*савдода*)

– بُورٌ[1] 1) (*жинсда ва сонда ўзгармайди*) нобоп, ишлатилмаган

الْأَرَاضِي الـ~ ёки шудгор ҳолда ташлаб қўйилган (*ер ҳақида*); إِحْيَاءُ الْأَرَاضِي الـ~ нобоп ерлар, ташландиқ ерлар; ташландиқ ерларни очиш (ўзлаштириш); 2) жуда ёмон, ярамас, фосид; رَجُلٌ ~ ярамас одам; إِمْرَأَةٌ ~ ярамас аёл

– بُورٌ[2] *кимё.* бор (*элемент*)

– بُورْجُوَازِيَّةٌ الـ~ الصَّغِيرَةُ (الصُّغْرَى) буржуазия; майда буржуазия; الـ~ الْكَبِيرَةُ (الْكُبْرَى) йирик буржуазия;

الـ~ الْكُومْبْرَادُورِيَّةُ компрадор буржуазияси

بُورْجِيٌّ *кўп.* بُورْجِيَّةٌ *муз.* горнчи, бурғучи

بُورْصَةٌ *кўп.* ـاتٌ — биржа; الْأَوْرَاقِ الْمَالِيَّةِ ~ фонд (маблағ, пул) биржаси; الْعَمَلِ ~ меҳнат биржаси; الْبِضَاعَةِ ~ товар (мол) биржаси; الْغِلَالِ ~ ғалла биржаси

بُورَقٌ *кўп.* бура, танакор (*рангсиз, баъзан оқ, кулранг ёки сариқ қазилма*)

بُورِيٌّ[1] *кўп.* بَوَارِيٌّ 1) бурғу (*ҳайвон шохидан ясалган чолғу асбоби*); 2) қалайлаш (кавшарлашда) ишлатиладиган трубка (асбоб)

– بُورِيٌّ[2] *жам. зоол.* зоғорабалиқлар

– بُورِيَّةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ — *зоол.* зоғорабалиқ

– بُورِيَّةٌ[2] *кўп.* بَوَارِيٌّ бўйра

بُورِيكٌ *кимё.* борга оид; الْحَامِضُ الـ~ бор кислотаси

بَازَ *алиф.б.қ.*

(بوز) II بَوَّزَ қовоғи солиқ (*хафа, ўшшайган, аразлаган, тумшайган дарғазаб*) бўлмоқ

– بُوزٌ *кўп.* أَبْوَازٌ 1) тумшуқ (*ҳайвонларда*); 2) оғиз; مَطَّ ~هُ лабини чўзмоқ; 3) жўмрак (*чойнакда*); 4) тумшуқ (*пойабзалда*); 5) уч (*пичоқники*);6) чиқиш тешиги

– بُوزٌ *халқ.* музқаймоқ

– بُوزَةٌ[1] 1) пиво; 2) пивохона (*Мисрда*)

– بُوزَةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — гавданинг тузилиши; اتَّخَذَ ~ أَمَامَ الْمُصَوِّرِ фотоаппарат олдида ўзини бирор ҳолатда тутмоқ

– تَبْوِيزَةٌ жаҳли чиққан авзо (*турк*); жаҳли чиққанликни ифодаловчи чеҳра (*юз*)

بُوزِيتْرُونٌ позитрон (*мусбат электрон*)

(بوس) I بَاسَ (у) بَوْسٌ бўса олмоқ, ўпмоқ; أَبُوسُ إِيدَكَ! *халқ.* қўлингни ўпаман; VI تَبَاوَسَ бир-бири билан ўпишмоқ

– بَوْسٌ ўпишиш, ўпиш, бўса, муччи

– بَوْسَةٌ *кўп.* ـاتٌ — бўса, ўпич

بُوسْتَةٌ *кўп.* ـاتٌ — почта

– بُوسْتَجِيٌّ *кўп.* بُوسْتَجِيَّةٌ почтачи

بُوسْتُو корсет, белдамча; қуллоб

بُوسْتَةٌ = بُوسْطَةٌ

(بوش) I بَاشَ (у) بَوْشٌ хўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ; II بَوَّشَ 1) шовқинламоқ, бақириб гапирмоқ, қичқирмоқ, қийқирмоқ, додламоқ, чинқирмоқ; 2) хўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ, бўктирмоқ

بَوْشٌ *кўп.* أَبْوَاشٌ сершовқин оломон; тўда; қаланғи-қасанғилар

بُوشٌ *халқ.* бекор (*га*), беҳуда (*га*)

– بَوْشِيٌّ бола-чақаси кўп бечораҳол, серфарзанд камбағал

بُوصٌ[1] بَوْصٌ، *кўп.* أَبْوَاصٌ зиғир толасидан тўқилган ёки шойи (*ипак*) газлама

– بُوصٌ[2] *жам.* 1) қамиш; هِنْدِيٌّ ~ бамбук; 2) жўхорининг қуруқ пояси

– بُوصَةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ — ингичка (*ёш*) қамиш; жўхорининг ингичка қуруқ пояси; لَبِسْ الـ~ تَبْقَى عَرُوسَةً *мқл.* қамишни кийинтир-келинчак бўлади

– بُوصَةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — дюйм (*25, 5 мм*) лунуж

بُوصْلَةٌ, بُوصَلَةٌ компас; буссоль (*геодезияда, артиллерияда: ўлчаш асбоби*)

بُوطٌ *кўп.* أَبْوَاطٌ этик

بُوتَاسِيُومٌ = بُوطَاسِيُومٌ

بُوتَقَةٌ = بُوَطٌ *кўп* بُوطَةٌ

(بوظ) I بَاظَ (у) بَوَظَانٌ 1) бузилган (*айниган, сасиган, ёмонлашган*) бўлмоқ, бузилмоқ, айнимоқ, сасимоқ, ёмонлашмоқ, уринмоқ, ишдан чиқмоқ; 2) фойдасиз, беҳуда бўлмоқ; II بَوَّظَ бузмоқ, айнитмоқ, уринтирмоқ; яроқсиз ҳолга келтирмоқ; الْبِنْتَ ~ қизлигидан маҳрум қилмоқ

– بُوظَةٌ 1) пиво (*Мисрда*); 2) пивохона; 3) музқаймоқ (*Сурияда*)

(بوع) I بَاعَ (у) кулочлаб сузмоқ; الْحَبْلَ ~ чилвирни кулочламоқ

– بَاعٌ *кўп.* بَاعَاتٌ، أَبْوَاعٌ 1) бо, кулоч саржини; кулоч ёзилгандаги икки қўл учлари орасидаги масофа; 4. ذِرَاعٌ مِعْمَارِيٌّ га ёки 3 м. га тенг узунлик ўлчови; 2) кулоч, қучоқ; ◊ طَوِيلُ الـ~ а) куч, қудрат; б) қобилият, лаёқат; طَوِيلُ الـ~ а) қудратли, кучли; б) қобилиятли, лаёқатли; قَصِيرُ الـ~ а) кучсизлик, ожизлик; б) қобилиятсизлик, лаёқатсизлик; قَصِيرُ الـ~ а) кучсиз, ожиз; б) қобилиятсиз, лаёқатсиз; ضَيِّقُ الـ~ хасис, зиқна; كَانَ مَعَهُ بِالـ~ وَالذِّرَاعِ ким биландир биргалашиб; бир ёқадан бош чиқариб

– بُوعٌ *кўп.* أَبْوَاعٌ *анат.* оёқнинг кафти; لَا يَعْرِفُ الْكُوعَ مِنَ الـ~ *мтл.* У ҳеч нарса билмайди, тушунмайди

(بوغ) V تَبَوَّغَ қайнаб кетмоқ, тутатмоқ; ◊ الدَّمُ بِصَاحِبِهِ ~ дўстини ўлдирмоқ

– بَوْغٌ *кўп.* أَبْوَاغٌ *биол.* споралар (*гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бир хужайрали жониворларнинг урчиш органи*)

– بَوْغِيٌّ спорали, споралар орқали урчийдиган

بُغَادَةٌ = بُوغَادَةٌ

بُوغَازٌ *кўп.* بَوَاغِيزُ 1) бўғоз; ўтиш жойи; гаван, бандаргоҳ, порт

– بُوغَازِيٌّ *кўп.* بُوغَازِيَّةٌ лоцман (*кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис*)

بُوفَةٌ, بُوفِيَّةٌ *кўп.* بُوفِيهَاتٌ буфет

(بوق) II بَوَّقَ труба (*карнай, бургу*) чалмоқ

– بَائِقَةٌ *кўп.* بَوَائِقُ бахтсизлик, кулфат

– بَوَّاقٌ труба чалувчи, карнайчи

– بُوقٌ *кўп.* أَبْوَاقٌ 1) труба, карнай, бургу; ~ السَّيَّارَةِ машина овози; 2) овозни кучайтирувчи карнай; 3) тўлқинсимон тугмача (*молюскаларда*); ◊ ... أَصْبَحَ ~ًا لِـ~ (*к. дир, н. дир*) жарчиси бўлмоқ

– بُوقَالٌ *кўп.* بَوَاقِيلُ идиш, катта шиша

– بُوكْسَاتٌ: بُوكْسَاتُ الْحَدِيدِ ~ кастет (*Ироқда, муштлашиш қуроли*)

بُوكْسِيتٌ *мин.* боксит (*алюминий кони*)

بُوكْلَةٌ тўқа, илгак

I (بول) بَالَ (у) بَوْلٌ 1) сиймоқ, ёзилмоқ, бўшанмоқ, бавл қилмоқ; 2) тез-тез сийиш (*полиурия*) касали билан оғримоқ; II بَوَّلَ = I; IV أَبَالَ сийгисини келтирмоқ; V تَبَوَّلَ = I; ~ عَلَى نَفْسِهِ остига сиймоқ, сийиб қўймоқ (*касал ҳақида*); X اسْتَبَالَ сийгисини келтирмоқ, сийгиси келмоқ

– بَالٌ *алиф.б.қ.*

– بَوَّالٌ сийгак

– بُوَالٌ *мед.* полиурия

– بُوَالَةٌ *мед.* урология

– بَوَّالَةٌ *кўп.* ـَاتٌ жамоат ҳожатхонаси

– بُولٌ *жам.* (*почта*) маркалари

– بَوْلٌ *кўп.* أَبْوَالٌ сийдик, пешоб; مَرَضُ الْـ~ السُّكَّرِيُّ *мед.* диабет (*қанд*) касаллиги; مَجْرَى الْـ~ сийдик йўли

– بَوْلِيٌّ сийдикка оид; طَبِيبُ الْأَعْضَاءِ الْـ~ـةِ ёки طَبِيبُ الْمَسَالِكِ الْـ~ـةِ уролог; الْأَمْرَاضُ الْـ~ـةُ таносил касалликлари; الْمَجَارِي الْـ~ـةُ *қар.* مَجْرَى الْـ~ـةِ

– تَبَوُّلٌ сийиш; عَدَمُ الـ~ сийдик тутилиши; ~ دَمَوِيٌّ *мед.* уремия

– تَبْوِيلٌ сийиш, бавл қилиш

– مَبْوَلَةٌ сийдикни ҳайдайдиган восита, дори-дармон

– مِبْوَلَةٌ *кўп.* مَبَاوِلُ 1) тувак; 2) ҳожатхона; 3) сийдикни ҳайдайдиган восита

– مُبِيلٌ сийдирадиган

بُولَاذٌ пўлат

بُولَاقُ Булоқ (*Қоҳира ш. даги ноҳиялардан бири*); رَاحَ عَلَى ~ *халқ.* унинг кўнгли айниди, у қусди

بُولُو *спорт.* поло, чавгон

بُولُونْدِيٌّ 1. полякларга ва Польшага оид; 2. поляк, польшалик

– بُولُونِيٌّ 1. полякка оид; الْـ~ـةُ поляк тили; 2. поляк, польшалик

بُولِي إِيثِيلِينٌ полиэтилин

بُولِيسٌ 1) полициячи, миршаб; 2) полиция; ~ الْآدَابِ одоб ва ахлоқ полицияси; الْـ~ الْجِنَائِيُّ қидирув бўлими; الْـ~ السِّرِّيُّ махфий полиция; الْـ~ السِّيَاسِيُّ сиёсий полиция, жандармерия; ~ الْمَبَاحِثِ қидирув полицияси; ~ الْمُرُورِ йўл ҳаракатларини тартибга солувчи полиция

– بُولِيسِيٌّ 1) полицияга оид; الْحُكْمُ الْـ~ полиция тартиби; قِصَّةٌ ~ـةٌ ёки رِوَايَةٌ ~ـةٌ детектив роман; 2) полиция, миршаб, полисмен

بُولِيسَةٌ *кўп.* بَوَالِيسُ полис (*суғурта ҳужжати*); ~ السُّوكُورْتَاه ёки ~ التَّأْمِينِ суғурта қилдирганлик тўғрисидаги ҳужжат; ~ الشَّحْنِ الْبَحْرِيِّ юкка, товарга қўшиб юбориладиган ҳужжат

بُولِيصَةٌ *кўп.* بَوَالِيصُ = بُولِيسَةٌ

بُومٌ *кўп.* أَبْوَامٌ *жам.* бойўғлилар

– بُومَةٌ *кўп.* ـَاتٌ бойқуш, бойўғли; الصَّيَّاحُ ~ бойқуш, бойўғли (*ҳичқирадигани*)

بُومَادَةٌ помада, ёғ упа, лаб бўёғи

بُونٌ, بَوَانٌ *кўп.* أَبْوِنَةٌ, بُونٌ чодирнинг олдинги қозиғи

بَوْنٌ 1) масофа, оралиқ; 2) фарқ, тафовут; ~ شَاسِعٌ катта фарқ, катта тафовут

بُونٌ *кўп.* ـَاتٌ бона (*муваққат қоғоз пуллар*); талон (*бирор н. олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат*)

بَاهٌ иштиёқ, эҳтирос, ҳирс, жинсий майл

بُونِي *кўп.* بَوَانِي, خَيْلُ الْبَوَانِي пони, тўпичоқ от (*бичими кичик пастак от*)

بُويَجِيٌّ *кўп.* بُويَجِيَّةٌ 1) бўёқчи, сирчи; 2) пойабзал тозаловчи

بُويَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ранг, бўёқ; ~ بِالزَّيْتِ мой бўёқ; ~ جَاهِزَةٌ елимли бўёқ; ~ حَزْمٍ этик мойи

بِيَادَةٌ 1) пиёда аскарлар; 2) *шахм.* пиёда

– بِيَادِيٌّ пиёда аскар, пиёда қисм (*пехота*) жангчиси

بَيَّارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ боғ (*сунъий равишда суғориладиган*); плантация

بِيَانٌ, بِيَانُو *кўп.* بِيَانُوهَاتٌ пианино; рояль; الْعَازِفُ عَلَى الْـ~ пианиночи

بِيئَةٌ *қар.* بَوَّأَ

بِيبَةٌ мундштук (*сигарет чекиладиган*)

I (بيت) بَاتَ (и) بَيْتٌ, مَبِيتٌ 1) тунамоқ, ётмоқ, ётиб қолмоқ, тунни ўтказмоқ; 2) турмоқ, қўнмоқ, жойлашмоқ, манзил қурмоқ, бўлмоқ; 3) бошламоқ; بَاتَ (а) بَيْتُوتَةٌ тунамоқ, тунни ўтказмоқ; II بَيَّتَ

1) тунамоқ, ётмоқ; 2) ётарга бошпана бермоқ; الْمَاشِيَةَ ~ подани кечқурун молхонага ҳайдаб киритмоқ; الدَّجَاجَ ~ кечаси товуқларни (*бирор жойга*) киргизиб қўймоқ; (الْمَلِكَ) الشَّاهَ *шахм.* шоҳ билан рух ўрнини алмаштириб ёнма-ён қўймоқ, рокировка қилмоқ; السَّيْفَ فِي قِرَابِهِ ~ қиличини қинига солмоқ; 3) (*н. нидир*) кечаси қилмоқ; 4) (*к. гадир*) кечаси ҳужум қилмоқ, ташланмоқ (عَلَى); 5) иккинчи йилга қолмоқ, синфда қолмоқ (*ўқувчи ҳақида*); 6) (*н. нидир к. гадир қарши*) ўйлаб қўймоқ, кўнгилга тугмоқ (لِـ); لَهُ ~ الْكَيْدَ ~ لَهُ شَرًّا *ёки* غَدْرًا кимгадир қарши ёмонликни ният қилмоқ; لِـ... ...га қарши ҳийла-найранг ишлатмоқ; مُؤَامَرَةً ~ фитнани кўнгилга тугмоқ; 7) қатак чизмоқ; IV أَبَاتَ тунашга қолдирмоқ, қўймоқ

– بَائِتٌ 1. янги бўлмаган, эски; суви қочган, қотган (*нон ҳақида*); 2. иккинчи йилга қолган (*ўқувчи ҳақида*)

– بَيَاتٌ 1) тунаш, қўниш; 2) тунги босқинчилик, ҳужум.

– بَيْتٌ 1 *кўп.* بُيُوتٌ 1) уй, манзил, турар жой; الْـ~ الْحَرَامُ *ёки* الْـ~ الْأَوَّلُ Байтул Ҳарам, Каъба; الْـ~ الْأَبْيَضُ Оқ уй; الْـ~ الْعَتِيقُ ~ الْمَاءِ *ёки* ~ الْخَلَاءِ *ёки* ~ الْأَدَبِ ҳаммом кийимхонаси; ~ الرَّاحَةِ ҳожатхона, туалет; ~ الْاِسْتِحْمَامِ дам олиш уйи; ~ الْإِبْرَةِ *қар.* إِبْرَةٌ; الْـ~ التِّجَارِيُّ савдо уйи, савдо ширкати; ~ زُجَاجِيٌّ оранжерея; ~ الطَّاعَةِ *қар.* طَاعَةٌ; ~ الزَّوْجِيَّةِ *қар.* زَوْجِيَّةٌ; ~ الْعَنْكَبُوتِ *қар.* عَنْكَبُوتٌ; ~ اللهِ а) Каъба; б) масжид; ~ الْمَالِ хазина; молия муассасаси; ~ الْوَلَدِ *қар.* وَلَدٌ; أَهْلُ الْـ~ уй аҳли, оила аъзолари; *тар.* Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтлари (*оила аъзолари*); ~ الْفَسَادِ фоҳишахона; 2) *шунингдек* ~ شَعْرٍ чодир; 3) бўлма, хона, катақ; 4) *шахм.* (*шахмат тахтаси*) майдони; 5) халта, сумка; 6) қин, ғилоф; 7) аҳлу аёл; هٰذَا ~ قَصِيدِنَا бу биз истаган нарсадир; биз учун энг керакли нарса мана шу; هٰذَا هُوَ ~ الْقَصِيدِ! ҳамма иш мана шунда-да!; гап бу ёқда экан!; гап шунда денг!

– بَيْتٌ 2 *кўп.* أَبْيَاتٌ *шунингдек* ~ شِعْرٍ байт (*шеърда*)

– بِيتَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — дан, пал (*кемаларни боғлаб қўйиладиган қозиқ*)

– بَيْتِيٌّ 1) уйга оид; 2) уйда (*хонада*) бўладиган, уй-рўзғор билан боғланган, хонаки; оилавий; 3) хусусий, шахсий; 4) қўлга ўргатилган; қўлда ўргатилган; қўлда тайёрланган, қўлбола

– بُيُوتَاتٌ *кўп.* 1) аслзода оилалар, олий насаблар; 2) савдо уйлари

– بُيَيْتٌ *кўп.* ـَاتٌ — уйча

– تَبْيِيتٌ *шахм* шоҳ билан рух ўрнини алмаштириш (*рокировка*); الْـ~ الْقَصِيرُ қисқа рокировка

– تَبْيِيتَةٌ *тех.* картер (*двигателларнинг мой турадиган, уларни шикастдан, ифлосликлардан сақлайдиган қутиси*)

– مَبِيتٌ 1) тунаш, қўниш; 2) тунайдиган жой, қўноқ, бошпана; 3) *тех.* қоплама, ғилоф, қути, қобиқ

بِيتُومِينٌ битум (*углеводороддан иборат смолали моддаларнинг, мас. нефть, асфальт ва ш.к. нинг умумий номи*)

بَيْجٌ сарғиш, оч жигарранг

بِيجَامَا، بِيجَامَةٌ *кўп.* بِيجَامَاتٌ пижама

I بَادَ (بيد) (*и*) يَبِيدُ ҳалок бўлмоқ; йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, ўпмоқ, тугамоқ, барҳам топмоқ; *маж.* ёддан кўтарилмоқ, батамом унутилмоқ; IV أَبَادَ ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ, қирмоқ, йўқ қилмоқ, тугатмоқ, маҳв этмоқ, қирғин солмоқ, харob қилмоқ

– إِبَادَةٌ йўқ қилиш, қириш; ~ الْجِنْسِ геноцид (*ирқий, миллий ёки диний баҳона билан аҳолининг бирор тоифасини қиришга қаратилган сиёсат*); أَسْلِحَةُ الْـ~ الْجَمَاعِيَّةِ оммавий қирғин қуроллари

– بَائِدٌ ҳалок бўлган; йўқолган, ғойиб бўлган; қирилиб йўқ бўлиб кетган; الْأُمَمُ الْـ~ـةُ қирилиб, йўқ бўлиб кетган халқлар (عَادٌ, ثَمُودُ, جَدِيسٌ); الْحَضَارَاتُ الْـ~ـةُ йўқ бўлиб кетган маданиятлар; 2) ўтган, бўлиб ўтган, ўтмиш, илгари, йўқ бўлиб кетган; الْعَهْدُ الْـ~ *маж.* батамом унутилган, ёддан кўтарилган давр

– بَيْدَ أَنَّ аммо, лекин, ...са ҳам, ...га қарамасдан

– بَيْدَاءُ *кўп.* بِيدٌ، بَيْدَاوَاتٌ чўл, саҳро

– مُبَادٌ йўқ қилинган, қириб ташланган; *маж.* батамом унутилган

– مُبِيدٌ 1. йўқ қилувчи, қирувчи; خَطَرٌ ~ ўлим хавфи; 2 *кўп.* ـَاتٌ (*шунингдек:* ~ حَشَرِيٌّ) ҳашаротларни қирувчи восита; مُبِيدَاتٌ حَشَرِيَّةٌ *химё.* инсектицидлар (*зарарли ҳашаротларга қарши моддалар, дорилар*)

بَيْدَرٌ *кўп.* بَيَادِرُ хирмон, омбор (*ғалла учун*)

بَيْدَقٌ *кўп.* بَيَادِقُ ёки بَيْذَقٌ *кўп.* بَيَاذِقُ *шахм.* пиёда

بِيرَا 1) пиво; مَصْنَعُ الْـ~ пиво заводи; 2) пивохона

– بِيرَارِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — пивохона

– بِيرَةٌ = بِيرَا

بَيْرَقٌ *кўп.* بَيَارِقُ байроқ

– بَيْرَقْدَارٌ *кўп.* بَيْرَقْدَارِيَّةٌ байроқдор

بِيرُوقْرَاطِيٌّ 1. бюрократга оид; 2. бюрократ, тўра

– بِيرُوقْرَاطِيَّةٌ бюрократия, тўрачилик

بَيْزَارٌ лочинли овчи

– بَيْزَرَةٌ лочин ови, лочин солиб қилинадиган ов

بِيزَنْطِيٌّ 1) Византияга оид; الْعَصْرُ الْـ~ Византия асри (*даври*); 2. византиялик; جَدَلٌ ~ фойдасиз, натижасиз баҳс

بِيزُونٌ бизон (*ёввойи қорамол*); الْـ~ الْأُورُبِّيُّ *зоол.* зубр

بَيْسَارَةٌ майда балиқлар, майда жониворлар, қурт-қумурсқалар

بِيسُونٌ бизон

بَيْشٌ беш (*нарда ўйинида*)

بِيشٌ *бот.* айиқтовон ўсимлиги

بِيشَةٌ чойшаб, ёпингич, ёпинчиқ

بِيصَارَةٌ бисара (*таом*)

بَاضَ[1] (بيض) I (*u*) بَيْضٌ тухум қилмоқ (*товуқ ҳақида*); тухум қўймоқ (*ҳашарот ҳақида*); ~ بِالْمَكَانِ а) ўтириб қолмоқ; б) қаердадир яшаб қолмоқ; بَاضَ[2] (*u*) بَيَاضٌ оқ бўлмоқ (*мато, газлама ва б. ҳақида*) 2) оқартирмоқ (*металл буюмлар сиртига қалай югуртириб*); 3) оққа кўчирмоқ (*хат ҳақида*); 4) арчимоқ, пўчоғини олмоқ, шилмоқ, тозаламоқ, оқламоқ (*гуруч ҳақида*); ◊ ~ أَلاَبْنُ وَجْهَ أَبِيهِ بِنَجَاحِهِ ўғил ўз муваффақиятлари билан отасини хурсанд қилди; ~ وَجْهَهُ қар. وَجْهٌ; III بَايَضَ оқаришмоқ, оқликда бир-биридан ўзмоқ; V تَبَيَّضَ 1) оқланмоқ, оққа бўялмоқ; 2) оқармоқ; 3) оққа кўчирилмоқ; IX ابْيَضَّ 1) оқармоқ, оқариб кетмоқ, оқ бўлмоқ; 2) қалай билан оқартирилган бўлмоқ (*идиш ҳақида*); ~ وَجْهُهُ хурсанд бўлмоқ; XI ابْيَاضَّ оппоқ оқармоқ, оққа бўялиб кетмоқ

إِبَاضَةٌ – *биол.* ҳайз

أَبْيَضُ – *мн.* بَيْضَاءُ *кўп.* بِيضٌ 1. 1) оқ; ~ نَاصِعٌ қордек оқ; ~ الْإِرْهَابُ الْـ оқлар террори (*сиёсий душманларни жазолаш, йўқ қилиш*); ~ الذَّهَبُ الْـ платина (*оқ олтин*); بَيْضَاءُ *муз.* ярим нота; *маж.* الْبَيْضَاءُ кумуш; مَا كُلُّ بَيْضَاءَ شَحْمَةً ҳамма олтин ҳам ялтирайвермайди (*сўзма-сўз: ҳар бир оқ нарса ҳам ёғ бўлавермайди*); 2) тоза, чин, ҳақиқий, очиқ, доғ тушмаган, беғубор; أَرْضٌ بَيْضَاءُ ишланмаган, ишлов берилмаган (*шудгор қилинмаган*) ер; لاَ يَمْلِكُ ~ وَلاَ أَسْوَدَ унинг ҳеч нарсаси йўқ; الْيَدُ الْبَيْضَاءُ а) раҳм, шафқат; саховат; б) тақдирлашга лойиқ иш, хизмат; ~ سِلاَحٌ совуқ қурол; ثَوْرَةٌ بَيْضَاءُ қонсиз революция; ~ الْمَوْتُ الْـ қар. مَوْتٌ; وَرَقَةُ التَّصْوِيتِ الْبَيْضَاءُ бўш сайлов варақаси; ~ يَوْمٌ бахтли кун; 2. *шахм.* оқлар

بُوَيْضَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ بُوَيْضَاتٌ — *биол.* тухумча, мояк; тухум ҳужайра; الْجَرَادِ чигиртка тухуми

بَيَاضٌ – 1) оқлик, оппоқлик; ~ بِالْأَصْلِ аслий нусхада бўш, ҳарф ёзилмаган (оқ) жой (*китоб ҳақида*); ~ الْبَيْضِ тухумнинг оқи; ~ الْعَيْنِ кўзнинг оқи; ~ النَّهَارِ кундузги ёруғлик; ~ مَرَضُ الْـ занг касали, ҳина касали (*ўсимликларда*); *маж.* كَسَبَ ~ الْوَجْهِ عِنْدَهُ кимнингдир олдида ўзини оқламоқ; 2) девор оқлаш учун тайёрланган қоришма, оҳак; 3) *астр.* альбедо;4) *жам.* мерлан (*балиқ*); ~ الْوَجْهِ яхши ном; шараф; ~ عَلَى чекланмаган ваколат (*ҳуқуқ*)

بَيَّاضٌ – 1) тухум сотувчи; 2) оқартирувчи (*газмолни*)

بَيَاضَةٌ – 1) оқлик, оқ тус (*ранг*); ـَاتٌ — *кўп.* ич кийим; чойшаб, ёстиқнинг жилди ва ҳ. к. лар; 2) мерлан (*балиқ*)

بَيَّاضَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ — яхши тухум қиладиган (*товуқ ҳақида*)

بَيْضٌ – *жам.* *кўп.* بُيُوضٌ тухумлар; ~ بِرِشْتٌ илитилган, чала пиширилган тухум; ~ جَامِدٌ қаттиқ қилиб (*қотириб*) пиширилган тухум; ~ مَقْلِيٌّ оқ-сариғи аралаштирилмасдан товада пиширилган тухум; *маж.* أَرَادَ ~ الْأَنُوقِ анқонинг тухумини хоҳламоқ, ушалмайдиган (*амалга ошмайдиган*) нарсалар ҳақида орзу қилмоқ; ~ أَبُو бий (*ўргумчак бийи*)

بِيضَانٌ – *кўп.* оқ танлилар (سُودَانٌ *нинг антоними*)

بَيْضَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ — 1) тухум; 2) *анат.* мояк; 3) шлем, темир қалпоқ, дубулға; 4) *тех.* чўяндан махсус усул билан ҳосил қилинган юмшоқ темир; 5) бутунлик, дахлсизлик; ~ الدِّيكِ анқонинг тухуми (*уруғи*); ◊ ~ الْقَوْمِ жамоанинг тақводор, художўйлари

بَيْضَاوِيٌّ – чўзиқроқ, тухумсимон; эллипсга оид; ~ مَسَارَاتٌ ـَةٌ эллипс орбиталар (*самовий жисмларнинг ҳаракат йўллари*)

بَيْضِيٌّ, بَيْضَوِيٌّ – тухумсимон; ~ الشَّكْلِ тухум шаклидаги

بَيُوضٌ – *кўп.* ـَاتٌ — тухум қиладиган (*товуқ ҳақида*)

بُيَيْضَةٌ – *биол.* тухум ҳужайра

تَبْيِيضٌ – 1) оқлаш, оқартириш (*тери, газмолни*); 2) оқлаш (*деворни*);3) оқартириш (*металларни қалай суртиб*); 4) оққа кўчириш (*хатни*)

تَبْيِيضَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ — оққа кўчирилган қўлёзма, тоза нусха

مُبَيِّضٌ – 1) оқловчи; 2) бўёқчи, сирчи; оқартирувчи; 3) оққа кўчирувчи

مَبْيَضٌ, مَبِيضٌ – *кўп.* مَبَايِضُ *анат.* мояк

مُبَيَّضَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ — тоза (*оққа кўчирилган*) нусха

بَيْطَرَ тақаламоқ, нағалламоқ (*от ҳақида*)

بَيْطَارٌ – *кўп.* بَيَاطِرَةٌ 1) байтар, ветеринар, ҳайвон доктори; отларни даволовчи табиб; 2) тақачи

بَيْطَرَةٌ – 1) тақалаш; 2) ветеринария (*ҳайвонлар касалликлари ва уларни даволаш ҳақидаги фан*)

بَيْطَرِيٌّ – ветеринарияга оид; ~ الطِّبُّ الْـ ветеринария; مَدْرَسَةٌ ~ ـَةٌ ветеринария мактаби; ~ طَبِيبٌ ҳайвонот доктори

بَاعَ (بيع) I (*u*) بَيْعٌ, مَبِيعٌ 1) савдо қилмоқ, сотмоқ; ~ بِالْمَزَادِ ким ошди қилиб сотмоқ; ~ بِالْمُنَادَاةِ кўчама-кўча кўтариб юриб сотмоқ; ~ نَفْسَهُ ўзини сотмоқ, (*к. ғадир*) сотилмоқ (لِـ); يُبَاعُ, وَيُشْتَرَى харидоргир; 2) сотиб олмоқ; ~ الْعِرْضَ а) сотиладиган, сотқин бўлмоқ; б) фаҳш ишлар билан шуғулланмоқ; بَيَّعَ сотишга мажбур қилмоқ; بَايَعَ 1) савдо битими тузмоқ; 2) қасам (*онт*) ичмоқ; IV أَبَاعَ сотиш учун кўргазмага қўймоқ; VI تَبَايَعَ ўзаро битим тузмоқ; VII

انْبَاعَ сотилмоқ, (*бозорда*) ўтмоқ (*мол ҳақида*); VIII ابْتَاعَ сотиб олмоқ, харид қилмоқ, сотиб олиб қўймоқ; X اسْتَبَاعَ сотишни илтимос қилмоқ

– ابْتِيَاعٌ сотиб олиш, харид қилиш

– بَائِعٌ *кўп.* بَاعَةٌ сотувчи; مُتَجَوِّلٌ ~ кўтариб юриб сотувчи, кўтармачи

بَائِعٌ = بَيَّاعٌ –

– بَيْعٌ *кўп* بُيُوعٌ бай; сотиш, сотув; савдо-сотиқ; савдолашиш; ~ بِالتَّجْزِئَة чакана савдо; بِالْجُمْلَةِ ~ кўтара савдо; بِالْمُنَادَاةِ ~ кўчама-кўча кўтариб юриб қилинадиган савдо; عَلَنِيٌّ ~ кимошди савдоси; الْعِينَةِ ~ гаровга ёки қарзга сотиш; فُوبْ ~ *савдо.* фоб, франко, борт= (السَّفِينَةِ) تَسْلِيمُ ظَهْرِ الْبَاخِرَةِ; كَافْ (سِيفْ) ~ *савдо.* каф (*сиф*) (*яъни: нарх, хавфсизликни таъминлаш, кеманинг кира пули* ~ النَّسِيئَةِ; تَسْلِيمِ مِينَاءِ الْوُصُولِ = ~ بَيْعَانِ *икс.* сотувчи ва харидор; насияга сотиш; الْـ~ وَالشِّرَاءُ олди-сотди; لِلْـ~ сотиладиган, сотувда

– بَيْعَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — савдо ҳақидаги битим; عَلَى الْـ~ ундан ташқари (*устама*), қўшимча қилиб

– بَيْعَةٌ[2] байъат, қасамёд

– بِيعَةٌ *кўп.* بِيَعٌ черков, синагога (*яҳудийлар ибодатхонаси*)

– مَبَاعٌ сотишга оид; сотиладиган; соткин

– مُبَايَعَةٌ[1] қасамёд, онт

– مُبَايَعَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — 1) олди-сотди ҳақида келишиб (*байлашиб*) олиш; 2) васиқа (*мол-мулкни сотиб олганлик ва унга эгалик ҳақидаги расмий ҳужжат*)

– مُبْتَاعٌ харидор

– مَبِيعٌ 1. сотилган; 2. 1) савдо-сотиқ; 2) мол, товар

– مَبِيعَاتٌ *кўп.* 1) савдо битимлари; 2) моллар, товарлар

(بيغ) V تَبَيَّغَ ғолиб келмоқ, ғалаба қилмоқ, устун келмоқ (بِ)

بَيْكٌ *кўп.* بَيْكَوَاتٌ бек, бей (*мартаба*)

– بَيْكَوِيَّةٌ беклик мансаби (*мартабаси*)

بِيك آبْ 1) пикап (*автомобиль*); مُقْفَلٌ ~ ёпиқ пикап; مَكْشُوفٌ ~ очиқ пикап; 2) пластинкадаги овозни эшитиш учун мослама, овоз олгич

بِيكَارٌ *кўп.* паргар, циркуль

بِيكْبَاشِيٌّ *кўп.* بِيكْبَاشِيَّةٌ бекбоши; *эск.* подполковник

بِيكَرْبُونَاتٌ бикарбонат

بَيْكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — колба (*электр лампалари шишаси*); النُّورِ ~ الْكَهْرَبَائِيَّةِ электр лампочкаси

بِيكِينِي бикини (*чўмилганда кийиладиган кийим*)

بَيْلَسَانٌ маржон (*полиз ўсимлиги*)

بَيْلُونٌ соч ювиш учун ишлатиладиган гулнинг бир тури

بِيلْيَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) соққа, шар; 2) билия (*болаларнинг соққа ўйини*)

بِيمَارِسْتَانٌ *кўп.* ـَاتٌ — бемористон, касалхона, ақлдан озганларни даволовчи касалхона

بِيمَةٌ *кўп.* بِيَمٌ биййма (*балиқ*)

I بَانَ (بين) (*u*) بَيْنٌ, بَيْنُونَةٌ айрилмоқ, ажралмоқ, жудо бўлмоқ; (*к. биландир*) хайрлашмоқ, видолашмоқ, хайр-маъзур қилмоқ (عَنْ);

بَانَ 2 (*u*) بَيَانٌ 1) аниқ, равшан бўлмоқ; 2) кўринмоқ, маълум бўлмоқ, фош бўлмоқ; II بَيَّنَ 1) баён қилмоқ, тушунтирмоқ, равшан (*аниқ*) қилмоқ; англатмоқ, уқтирмоқ; 2) кўрсатмоқ, фош қилмоқ; далолат қилмоқ; III بَايَنَ 1) (*к. нидир*) қолдирмоқ, тарк этмоқ, (*к. биландир*) хайрлашмоқ; 2) фарқ қилмоқ (*ажралиб турмоқ*); кескин қарама-қарши бўлмоқ, бир-бирининг акси бўлмоқ, зид тушмоқ; IV أَبَانَ 1) аниқ (*равшан*) гапирмоқ; 2) тушунтирмоқ, англатмоқ; баён қилмоқ; кўрсатмоқ, далолат қилмоқ; исботламоқ; далилламоқ; 3) аниқламоқ; 4) калласини узмоқ, кесмоқ; رَأْسَهُ مِنْ جَسَدِهِ ~ бошини танасидан жудо қилмоқ; V تَبَيَّنَ 1) аниқ, равшан бўлмоқ; аниқлашмоқ; 2) фарқламоқ, кўрмоқ, очиқ-ойдин билиб олмоқ; аниқлаб олмоқ; 3) билишга ҳаракат қилмоқ; аниқламоқ; VI تَبَايَنَ фарқли бўлмоқ, фарқланмоқ, ажралиб турмоқ, қарама-қарши бўлмоқ; X اسْتَبَانَ 1) аниқ, равшан бўлмоқ; аниқлашмоқ, тушунарли бўлмоқ; 2) фарқлашга, ажрата олишга ҳаракат қилмоқ; 3) аниқламоқ, ойдинлаштирмоқ

– إِبَانَةٌ тушунтириш, баён қилиш, аниқлаш; аниқлик, равшанлик, яққоллик; فِي غَيْرِ ~ ноаниқ, тушунарсиз

– أَبْيَنُ сўзга жуда уста, гапга жуда чечан

– بَائِنٌ 1) аниқ, равшан, очиқдан-очиқ; очиқ-ойдин кўриниб турган; 2) кўзга кўринарли; 3) узил-кесил (*ажралиш ҳақида*)

– بَائِنَةٌ сеп

– بَيَانٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) аниқлик, равшанлик, очиқ-ойдинлик; 2) тушунтириш, аниқлаш, баён қилиш, шарҳлаш; وَغَنِيٌّ عَنِ الْـ~ أَنْ ... тушунтириш ортиқчаки, ...; 3) баённома, билдириш, эълон, хабарнома; رَسْمِيٌّ ~ расмий баённома; 4) баёнот; وِزَارِيٌّ ~ вазирлик баёноти; 5) мурожаатнома, хитоб, чақириқ; манифест; 6) баён қилиш, сўзлаш латофати; أَهْلُ الْـ~ нотиқ, сухандон, сўзамол кишилар; حُسْنُ الْـ~ гапга чечанлик, сўзамоллик, нотиқлик; عِلْمُ الْـ~ стилистика (*адабиёт назариясининг тил ва бадиий асар услуби ҳақидаги бўлими*) الْـ~ الْمُعْجِزُ тенги йўқ, таққослаб бўлмайдиган нотиқлик; عَطْفُ الْـ~ *грам.* изоҳловчи; 7) хабар, билдирув, маъруза, маълумот; 8) программа (*бирор сиёсий арбоб ёки ташкилотнинг мақсадини ифодалайдиган баёнот*); 9) жадвал, рўйхат

– بَيَانُو, بِيَانُ *алиф.б.қ.*

– بَيَانِيٌّ 1. 1) баёний, тушунтириб берадиган, изоҳлайдиган, шарҳлайдиган; رَسْمٌ ~ диаграмма; 2) стилистик, услубий; 2) стилист (*адабий услубни яхши эгаллаган ёзувчи*)

— بَيْنٌ[1] 1) ажралиш, айрилиш, жудо бўлиш; ҳижрон, жудолик; ذَاتُ الـ~ душманлик, адоват, хусумат, ёвгарчилик; жанжал, келишмовчилик, низо; 2) ора, оралиқ, ўрта

— بَيْنٌ[2] ◊ غُرَابُ الـ~ тумшуғи ва оёқлари қизил қарға

— بَيْنَ ўрта, ора ◊ ~ يَدَيْهِ а) унинг олдида, унинг иштирокида; б) унинг қўлларида ... бор, унда ... бор; إِنَّ مَصِيرَكُمْ هُوَ ~ أَيْدِيكُمْ тақдирингиз ўз қўлларингиздадир; ~ أَيْدِيهِمْ ثَرَوَاتٌ كَبِيرَةٌ уларнинг қўлларида катта бойлик тўплангандир; ~ سَاعَةٍ وَأُخْرَى ёки ~ وَقْتٍ وَآخَرَ вақт ўтган сари, соатма-соат; فِيمَا ~ ذٰلِكَ шу орада, шу вақт ичида; حَالَ ~ـهُ وَ بَيْنَ ... кимгадир (н. дадир) халал бермоқ, қаршилик қилмоқ; كَانَ ~ الْغَافِي وَالْوَاعِي у гоҳ мудрар, гоҳ сергак бўларди; ~ـي وَ~ـكَ ўзаро айтганда, гап ўз орамизда қолсин; كُنْتُ أُعْجَبُ بِهِمْ ~ي وَ~ نَفْسِي мен ичимда (ўзимча) уларга таҳсин ўқидим; رَاجَعَ سُؤَالَهُ ~ـهُ وَ~ نَفْسِهِ у ўзига (ичида) саволни такрорлади; ~ بَيْنَ بَيْنَ ўз ҳолига яраша, ўртача; مِنْ ~ а) ўртаси, ораси; ... مِنْ ~ مَا قَالَ إِنَّ ... дарвоқе, у айтдики, ... б) дан; تَخَلَّصَ مِنْ ~ ذِرَاعَيْهِ у унинг қучоғидан чиқиб кетди; ~ مَا а) тўсиқ, гов; оралиқ, ўрта; مَا ~ الشَّوْطَيْنِ икки тайм ўртасидаги танаффус; б) фарқ, тафовут; с) нияти бузуқ сарой аъёнлари; ~ مَا ёки ~ا ўша вақтда, шу аснода; ~ مَا ... وَ ~ ... ёки ~ ... وَ ~ ... -дай, шундай қилиб, ҳам ..., ҳам ...,

ج[2] *қисқ.* جَوَابٌ *дан,* жавоб; 2) *қисқ.* جَمْعٌ *дан, грам.* кўплик сон; 3) *қисқ.* جُمَادَى الْآخِرَةَ *дан,* қамарий тақвимнинг олтинчи ойи; 4) *қисқ.* جِلْدٌ *дан,* жилд, том; 5) ج.م *қисқ.* جُنَيْهٌ مِصْرِيٌّ *дан,* Миср фунти; 6) ج.ع.م *қисқ.* الْجُمْهُورِيَّةُ الْعَرَبِيَّةُ الْمُتَّحِدَةُ *дан,* БАР (*Бирлашган Араб Республикаси*); 7) ج.م.ع. *қисқ.* جُمْهُورِيَّةُ مِصْرَ الْعَرَبِيَّةُ *дан,* Миср Араб Республикаси

جا *қисқ.* جُمَادَى الْأُولَى *дан,* қамарий тақвимнинг бешинчи ойи

جَاتُوهٌ пирожний (*ёгли хамирдан пиширилган ва устига қиёмлардан гул солинган ширинлик*)

جَاثَلِيقٌ *кўп.* جَثَالِقَةٌ католикос (*арман ва грузин черковининг бош руҳонийси*)

جَارَاجٌ *алиф.б.қ.* جَرْجٌ

جَارَاجٌ = جَارَاشٌ

جَارُورٌ *алиф.б.қ.* جَرٌّ

جَازٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — 1) газ (*модда*); 2) керосин; лампамой

جَازٌ[2] газ; ҳарир газлама (*мато*)

جَازْبَنْدٌ жаз (*оркестр тури ва унга атаб ёзилган мусиқа асари*), жазбанд

جَاكِتَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — жакет; пиджак, эркаклар нимчаси, калта камзул

جَاكُوشٌ = شَاكُوشٌ

جَاكِيتٌ *кўп.* ـَاتٌ — аёллар жакети

جَالُوتُ *библ.* Голиаф (*чексиз қудратга эга бўлган афсонавий шахс*)

جَالُوتٌ *тар.* яҳудийларнинг қувғиндаги ҳаёти, диаспора (*бошқа юртларда яшовчи келгиндилар тўплами*)

جَالُوصٌ *кўп.* جَوَالِيصُ гувала, бир юмалоқ лой

جَالُونٌ уқа, галун

جَالُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — галлон (*Англияда, АҚШ да: суюқ ва сочилма жисмлар учун 4.54 л. ли ўлчов бирлиги*)

جَامٌ *мн. кўп.* ـَاتٌ — жом, қадаҳ, коса; صَبَّ ~ غَضَبِهِ وَ نِقْمَتِهِ (حِقْدِهِ وَ كُرْهِهِ) عَلَى... *маж.* ўз қаҳр-ғазабини (нафратини) ...га тўкиб солмоқ

جَامَّا гамма (*юнон алифбосининг учинчи ҳарфи*); ◊ ~ أَشِعَّةُ *физ.* гамма нурлар

جَامَكِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — маош, мояна, ойлик, иш ҳақи

جَامُوسٌ *кўп.* جَوَامِيسُ буйвол (*буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвон*); бегемот, сув оти

جَامُوسَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ — урғочи буйвол

جَانْدَرْمَةٌ жандармерия

جَاهٌ 1) унвон, олий мартаба, мансаб; 2) қадр-қиммат, эътибор, обрў; 3) таъсир, аҳамият, куч; عَرِيضُ الْـ~ катта обрўли, эътиборли

جَاوْدَارٌ = جَوْدَارٌ، جَاوَدَارٌ

جَاوَرْسٌ венгер (можар) тароғи

جَاوِيٌّ = جَاوِي 2)

جَاوِيٌّ Ява оролига, яваликларга оид; явалик(*лар*)га оид; 2. 1) явалик; 2) бензол смоласи; бухўр (*Осиё жанубидаги дарахтлар пўстлоғидан олинадиган хушбўй елим*)

جَاوِيشٌ *кўп.* جَاوِيشِيَّةٌ 1) сержант; унтер-офицер; ~ بَاشْ катта унтер-офицер (*полицияда*); 2) жовиш (*дастурхонга охири қўйиладиган гурунчли таом номи*)

جَأْجَأَ: ~ بِالْإِبِلِ туяни сув ичишга чақирмоқ, туяга сув тутмоқ

تَجَأْجَأَ ўзини (нафсини) тиймоқ, бетараф қолмоқ, холис турмоқ (*овоз беришда*)

جُؤْجُؤٌ – *кўп.* جَآجِئُ 1) кўкрак, тўш (*қушлардаги*); 2) тумшуқ (*кемада*)

جِئْ جِئْ туяга сув ичириш, сув тутишда ишлатиладиган ундов сўз.

جُؤْذَرٌ ёки جُؤْذُرٌ *кўп.* جَآذِرُ кийик боласи

جَأَرَ I (а) جَأْرٌ, جُؤَارٌ маърамоқ, бўкирмоқ, ўкирмоқ; ~ إِلَى اللهِ Оллоҳга ёлбормоқ, Оллоҳдан ўтиниб сўрамоқ

– جُؤَارٌ маъраш, бўкириш, ўкириш

جَأَشَ I (а) جَأْشٌ безовта бўлмоқ, ҳаяжонланмоқ

– جَأْشٌ 1) ҳаяжон, саросима, безовталик; أَسْكَنَ ~ـهُ бирор кимни тинчлантирмоқ; 2) юрак, дил; 3) ўзини тута билиш; руҳ; اسْتَرَدَّ ~ـهُ тинчланмоқ, ўзига келмоқ; رَابِطُ (سَاكِنُ) الـ~ хотиржам, сокин, совуққон, босиқ, оғир; رَبَاطَةُ ~ хотиржамлик, совуққонлик

جَبَّ I (а/у) جَبٌّ 1) (қутулиш мақсадида) кесмоқ, қирқиб ташламоқ; ~ خُصْيَتَيْهِ ахталамоқ, бичмоқ; 2) ортиқ (афзал) бўлмоқ, ошиб (ўзиб) кетмоқ; ғалаба қилмоқ

– جُبٌّ кўп. جِبَابٌ, أَجْبَابٌ 1) чуқурлик; 2) қудуқ

– جُبَّةٌ кўп. جُبَبٌ, جِبَابٌ жубба (узун енгли устки кийим), чопон

– مَجْبُوبٌ ҳарам оғаси; ҳарам ходими (бичилган қул)

(جبأ) IV أَجْبَأَ: ~ الزَّرْعَ фойдаси кўринмай туриб, экинни сотмоқ

جِبْتٌ 1) бут, санам; 2) руҳоний; 3) сеҳргар

جَبْحٌ кўп. أَجْبُحٌ, جِبَاحٌ асалари уяси (яшиғи), арихона

جَبْخَانَةٌ кўп. ـاتٌ 1) амуниция, аскарий анжом (аскарнинг кийим ва қуролдан бошқа барча керак жиҳозлари); ўқ-дорилар (ўқ, граната, снаряд, мина ва б.); 2; қўрхона (порох сақланадиган ертўла); ўқ-дорилар омбори; арсенал, аслаҳахона, қуролхона

جَبَذَ I (и) جَبْذٌ = جَذَبَ

جَبَذَ I (и) جَبْذٌ 1) тортмоқ, судрамоқ; 2) = جَذَبَ (и)

جَبَرَ I (у) جَبْرٌ, جُبُورٌ 1) ўрнига туширмоқ, солмоқ (суяк ҳақида); 2) тузатмоқ, созламоқ; қайта тикламоқ; 3) ёрдам бермоқ; 4) (н. гадир) мажбур қилмоқ (عَلَى); 5) бойитмоқ, бой қилмоқ, бадавлат қилмоқ; ◊ ~ خَاطِرَهُ ёки ~ قَلْبَهُ юпатмоқ, овутмоқ, қондирмоқ, ҳузур-ҳаловат (лаззат) бахш этмоқ; II جَبَّرَ ўрнига туширмоқ, солмоқ (суяк ҳақида); III جَابَرَ 1) илтифот кўрсатмоқ; 2) ёқмоқ, кўнглини топмоқ; IV أَجْبَرَ мажбур қилмоқ, зўрламоқ; (н. гадир) буюрмоқ (عَلَى); V تَجَبَّرَ 1) ўрнига тушмоқ, солинмоқ (суяк ҳақида); 2) ўзини димоғдор тутмоқ, манмансирамоқ; ўзини катта (буюк) киши деб билмоқ; 3) зулм қилмоқ, азобламоқ, шафқатсиз бўлмоқ; VII انْجَبَرَ 1) ўрнига тушмоқ, солинмоқ (суяк ҳақида); 2) ёрдам олмоқ; VIII اجْتَبَرَ = VII

– إِجْبَارٌ мажбурлаш, зўрлаш; зиммасига юклаш

– إِجْبَارِيٌّ 1) мажбурий; бажарилиши шарт бўлган; 2) ноиложлик (иложсизлик)

– إِجْبَارِيَّةٌ мажбурийлик

– تَجْبِيرٌ солиш, ўрнига тушириш (суякни); أَجْهِزَةٌ لِلـ~ ортопедик асбоб (суякни даволаш учун)

– جَابِرٌ 1. (суяк) солувчи; 2) 1) шикастабанд, синиқчи (чиққан, синган суякни солувчи табиб); 2) тиран (Юнонистонда: ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олган шахс); золим ҳукмдор, шафқатсиз одам

– جَبَّارٌ 1. 1) кучли, қудратли; забардаст; الْقُوَّةُ الـ~ـةُ жуда катта куч; مَجْهُودٌ ~ жуда зўр (қудратли) ҳаракат; 2) қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, раҳм-шафқатни билмайдиган, бераҳм; 2. кўп. جَبَابِرَةٌ 1) жуда улкан, девқомат одам; паҳлавон, полвон, ботир, атлет, миқти (бақувват) одам; الـ~ астр. Орион; 2) тиран, шафқатсиз одам, золим ҳукмдор

– جُبَارٌ бефойда йўқотиш, бекордан-бекорга йўқотиш; ذَهَبَ دَمُهُ ~ا қони бекордан-бекорга тўкилди

– جَبَّارَةٌ жаббора (кема тури)

– جِبَارَةٌ[1] синиқчилик касби

– جِبَارَةٌ[2] = جَبِيرَةٌ

– جَبْرٌ 1) (суяк) солиш; لَا ~ وَلَا جَابِرَ بَعْدَ كَسْرِ عَظْمِهِ мтл. унга энди ҳеч нарса ёрдам бермайди; 2) мажбур қилиш, зўрлаш; жабр, зулм, зўравонлик; ~ا ёки بِالـ~ мажбурият орқасида, мажбур қилиш орқали, иложсизлик орқасида; зўрлаб, зўравонлик қилиб, мажбуран; 3) дин. тақдир, қисмат; 4) шунингдек: عِلْمُ الـ~ وَالْمُقَابَلَة алгебра; الـ~ الْعَالِي олий алгебра

– جَبْرَائِيلُ ат.от, мз. Жаброил алайҳиссалом

– جُبْرَانُ қисқ. جَبْرَائِيلُ дан; ат. от. мз. Жуброн

– جَبَرُوتٌ куч-қудрат, қувват

– جَبْرُوَّةٌ манмансираш, кибрлик, хеккайиш

– جَبْرِيٌّ 1) мажбурий, зўрланган; ноилож; قُوَّةٌ ~ـةٌ мажбур қилувчи куч; 2) алгебрага оид, алгебраик; الرَّمْزُ الـ~ алгебрага оид белги, алгебраик белги; الْعِبَارَةُ الـ~ـةُ алгебраик ифода; الْمُعَادَلَةُ الـ~ـةُ алгебраик тенглама

– جَبْرِيٌّ 1. фаталистик, фаталистларча; الْفَلْسَفَةُ الـ~ـةُ фатализм (тақдирга ишониш, ҳамма нарса тақдирга боғлиқ деб ҳисобловчи фалсафа); 2. кўп. جَبْرِيَّةٌ 1) тар. жабарий (инсон хоҳиш-ихтиёрини инкор қилувчи оқим вакили); 2) фаталист, тақдирга ишонувчи

– جَبْرِيَّةٌ 1) тар. жабария (инсон хоҳиш-ихтиёрини инкор қилувчи фалсафий оқим); 2) фатализм

– جِبْرِيَاءُ ғурур, ифтихор, иззат-нафс, кибр

– جَبْرَائِيلُ = جِبْرِيل

– جَبَرُوتٌ = جَبُّورَةٌ

– جِبِّيرٌ ўта кибру ҳаволи, манмансираган, кеккайган

– جَبِيرَةٌ кўп. جَبَائِرُ мед. тахтакач; шина (синган жойни тахтакачлаб боғлайдиган жиҳоз); وَضَعَ رِجْلَهُ فِي ~ кимнингдир оёғига тахтакач боғламоқ

– مُجَبِّرٌ шикастбанд, синиқчи (чиққан, синган суякни солувчи табиб)

– مَجْبُورٌ мажбур қилинган, зўрланган, мажбурий

جَبَرْدِينٌ габардин (*мато*)

(جبس) II جَبَّسَ (1) гипсламоқ, гипслаб қўймоқ; ~ الْيَدَ қўлни гипсламоқ; 2) сувамоқ, сувоқ қилмоқ

– جَبَّاسٌ сувоқчи, чилкор

– جَبَّاسَةٌ *кўп.* ـاتٌ — гипс кони

– جِبْسٌ[1] гипс; ~ وَضَعَ رِجْلَهُ فِي الْـ оёқни гипсламоқ (тахтакач боғламоқ)

– جِبْسٌ[2] 1) қўрқоқ, юраксиз; 2) тентак, тутуруқсиз

– جَبَسٌ *жам.* тарвузлар

– جَبَسَةٌ *кўп.* ـاتٌ — тарвуз

– جِبْسِيٌّ гипсга оид; ~ـةٌ زَخَارِفُ гипсдан ишланган нақшлар

I جَبَشَ (*u*) جَبْشٌ (*соч-соқолни*) қирмоқ, тарашламоқ

I جَبَلَ (*у, u*) جَبْلٌ (1 қилмоқ, яратмоқ, пайдо қилмоқ; 2) қуймоқ, қолипламоқ; 3) *мажҳ.*(*бирор н. учун*) табиатан яратилган бўлмоқ (عَلَى); 4) қормоқ, пишитмоқ; IV أَجْبَلَ тоғ томонга юрмоқ, тоғларга чиқиб кетмоқ

– جَبْلٌ 1) пайдо қилиш, яратиш; 2) қуйиш, қолиплаш; ~ـ قَابِلِيَّةُ الْـ эгилиб-букилиш қобилияти, хусусияти; эгилиб-букилувчанлик

– جَبَلٌ *кўп.* جِبَالٌ тоғ; ~ جَلِيدٍ айсберг (*сузиб юрувчи муз тоғ*); ~ نَارٍ вулқон; ~ الْجُلْجُثَةِ *библ.* Жабал (*Голгофа – Исо алайҳиссалом қатл этилган тоғ*); ◊ ~ بِنْتُ акс садо (ёр қиз)

– جِبِلٌّ одамлар гуруҳи (жамоаси)

– جِبِلَّةٌ яратилган мавжудот, хилқат

– جَبَلِيٌّ 1. 1) тоққа оид, тоғли; 2) *тех.* вулканизация қилинган (*каучукни резинкага айлантирилган*), 2. тоғлик, тоғда яшовчи (киши)

– جَبَلَاوِيٌّ *кўп.* جَبَلَاوِيَّةٌ 1. 1) тоғда яшовчи; 2. ёввойи; 2. тоғлик, тоғда яшовчи киши

– جَبَلَايَةٌ грот (*денгиз қирғоғидаги тик қояларда ҳосил бўладиган ғор, сунъий ғорлар*)

– جِبْلَةٌ протоплазма (*тирик организм ҳужайраларидаги ҳаётий жараён учун энг керакли модда*)

– جِبِلَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — жибиллий, туғма сифат, хусусият; хулқ-атвор, табиат

– جِبِلِّيٌّ 1) жибиллий, туғма, табиий; 2) жиддий, муҳим аҳамиятга эга бўлган

I جَبُنَ (*у*) جُبْنٌ, جَبَانَةٌ қўрқоқ бўлмоқ, юраксиз бўлмоқ, қўрқмоқ, ҳайиқмоқ; II جَبَّنَ қўрқоқликда айбламоқ; 2) қўрқоқ қилмоқ; إِنَّ الْحَشِيشَ يُجَبِّنُ وَالْخَمْرَ تُشَجِّعُ *мтл.* наша одамни қўрқоқ қилади, май эса - ботир; 3) (*сутни*) творогга (оғизга) айлантирмоқ; 4) ивиб қолмоқ, қуюлмоқ; IV أَجْبَنَ қўрқоқ деб билмоқ, қўрқоқ деб ҳисобламоқ; V تَجَبَّنَ = II 4)

– جَبَانٌ *кўп.* جُبَنَاءُ 1. қўрқоқ, юраксиз; иродаси суст; 2. иродаси суст одам

– جَبَّانٌ[1] *кўп.* جَبَّابِينُ пишлоқ сотувчи одам, пишлоқфуруш

– جَبَّانٌ[2], جَبَّانَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) қабристон, гўристон; 2) саҳро, чўл, дашт

– جَبَانَةٌ қўрқоқлик, юраксизлик; ваҳима, ҳадиксираш; руҳий тушкунлик; иродаси сустлик

– جُبْنٌ[1] қўрқоқлик, юраксизлик; руҳий тушкунлик, иродасизлик

– جُبْنٌ[2] *кўп.* أَجْبَانٌ пишлоқ; ~ أَبْيَضُ *ёки* ~ رَطْبٌ творог (оғиз); ~ بَلَدِيٌّ маҳаллий (четдан келтирилмаган) пишлоқ; ~ رُومِيٌّ турк пишлоғи, бринза (шўртанг пишлоқ); ~ فَلَمَنْكُ голланд пишлоғи; مَاءُ الْـ~: قَرِيشٌ *қар.* الْقَرِيشُ ~ الْـ зардоб

– جُبْنَةٌ пишлоқ бўлаги; пишлоқ; ~ بَيْضَاءُ *ёки* ~ رَطْبَةٌ творог (оғиз)

– جُبْنِينٌ казеин (*сутда бўладиган оқсил модда*)

– جَبِينٌ[1] *кўп.* جُبَنَاءُ = جَبَانٌ

– جَبِينٌ[2] *кўп.* أَجْبِنَةٌ пешона, манглай; ~ـهُ وَصْمَةُ عَارٍ لَطَخَتْ унинг пешонасида шармандалик тамғаси бор

– جَبِينِيٌّ 1) пешонага оид; 2) олд томонда, рўпарада жойлашган, рўпарадаги, тўппа-тўғридаги

– مَجْبَنَةٌ *кўп.* مَجَابِنُ пишлоқ пишириладиган корхона

جَبَّةٌ *қар.* وجب

I جَبَهَ (*a*) جَبْهٌ (1 юз-хотир қилмаслик, бор гапни дангал айтмоқ; 2) юзига тик қарамоқ (*мас., қўрқувнинг*); 3) ~ بِالْمَكْرُوهِ совуққонлик билан қарши олмоқ; совуқ кутиб олмоқ; ~ السَّائِلَ гадога (тиланчига) ҳеч нарса бермаслик; II جَبَّهَ ёқимсиз, ҳақоратли сўзларни гапирмоқ; уялтирмоқ; таъна қилмоқ; III جَابَهَ 1) юзига қарамоқ; (*н. нимадир олдига*) турмоқ (*туш.к. ёки* عَلَى); 2) (*бирор к. олдида*) нутқ сўзламоқ (عَلَى); 3) қарши зарба бермоқ, қайтармоқ; 4) (*н. биландир*) ҳайратга солмоқ (بـ); кутилмаганда, тўсатдан, дафъатан гапириб юбормоқ, айтиб юбормоқ, айтмоқ; ~ه بِالْقَوْلِ бирор кимнинг юзига дангал айтмоқ; V تَجَبَّهَ ягона умумий жабҳа (фронтга) бирлашмоқ

– جَبْهَةٌ[1] *кўп.* جِبَاهٌ, جَبَهَاتٌ 1) пешона; 2) жабҳа, (фронт); ~ مُوَحَّدَةٌ (مُتَّحِدَةٌ) ягона жабҳа фронт; ~ الْقَاعِدَةُ وَ ~ الْـ фронт ва фронт орқаси; ~ بَارِدَةٌ (حَارَّةٌ) *метео.* совуқ (иссиқ) оқим; ◊ جِبَاهُ الْقَوْمِ وَ أَعْيَانُهُمْ оқсуяклар, зодагонлар, аслзодалар, аъёнлар

– جَبْهَةٌ[2] от (*ҳайвон*); لَيْسَ فِي الْـ~ صَدَقَةٌ *ҳад.* от-улов учун садақа берилмайди

– جَبْهَوِيٌّ жабҳа (фронтга) оид

– مُجَابَهَةٌ 1) юзма-юз тўқнашиш; бир-бирининг рўпарасида (қаршисида) туриш; 2) қарама-қаршилик, адоват

I جَبَى (*и*) جِبَايَةٌ (*солиқларни*) олмоқ, йиғмоқ; II جَبَّى 1) мукка тушмоқ; юз тубан йиқилмоқ, пешонани ерга теккизмоқ, тиззада

турмоқ (*мас., саждада*); 2) совға, тортиқ қилмоқ, армуғон этмоқ; VIII اِجْتَبَى танламоқ, танлаб олмоқ, сайламоқ

– تَجْبِيَةٌ тиззада туриш (*мас., сажда пайтида*)

– جَابٍ *мн.* جَابِيَةٌ *кўп.* جُبَاةٌ солиқ йиғувчи, ўлпончи, солиқчи; جَابِي التَّذَاكِرِ билет сотувчи, текширувчи

– جَابِيَةٌ *кўп.* جَوَابٍ 1) бассейн, сунъий ҳовуз; кўл, ҳавза, ҳовуз; 2) Дамашқдаги маҳалланинг номи

– جَبًا *халқ.* тортиқ, совға, ҳадя, туҳфа, инъом, армуғон; ~ عَاشَ وَصَاحِبُهُ яшасин совға ва совға қилувчи киши!

– جِبَايَةٌ йиғим, тушум (*солиқ ҳақида*)

جُثٌّ 1) пўст, пўстлоқ (*мевадаги*); 2) каротин (*оранж - сариқ рангли модда*)

I جَثَّ (*а/у*) جَثٌّ 1) илдизи билан суғурмоқ; 2) таг-томири билан йўқ қилмоқ, илдизини қуритмоқ; VIII اِجْتَثَّ = I

– جُثَّةٌ *кўп.* جُثَثٌ жусса; жасад, ўлик бадан; сўйилган ҳайвоннинг (*мас., қўй ёки молнинг*) нимталанган гўшти; ~ هَامِدَةٌ ўлик бадан, жасад

جَثْلٌ қалин (*соч ҳақида*)

جَثْلِيقٌ *кўп.* جَثَالِقَةٌ католикос (*арман ва грузин черковининг бош руҳонийси*)

I جَثَمَ (*у/и*) جُثُومٌ 1) чўнқайиб ўтирмоқ, тиз чўкиб ўтирмоқ; энгашмоқ, эгилмоқ, букилмоқ, бош эгмоқ; ерга қапишмоқ; 2) қимирламасдан ётмоқ; 3) бекинмоқ, яшириниб олмоқ; 4) ўтирмоқ (*ит ҳақида*); 5) тошдек қуламоқ (*қуш ҳақида*); 6) (*бирор н. га*) таянмоқ, суянмоқ, оғирлигини солмоқ (عَلَى); 7) (*к. ғадир*) тазйиқ ўтказмоқ, жабр-зулм қилмоқ (عَلَى); 8) тушмоқ, бошланмоқ (*тун, қоронғилик ҳақида*)

– جَاثُومٌ ,جُثَامٌ ёмон туш; босинқираш; мудҳиш воқеа, ҳодиса; ёмон аҳвол, даҳшат

– جُثْمَانٌ бадан; ~ الْمَيِّتِ ўликнинг бадани

– جُثْمَانِيٌّ жисмоний; баданга оид

– مَجْثَمٌ *кўп.* مَجَاثِمُ қушлар қўнадиган ер; қўноқ; синч, ходача, таёқ

I جَثَا (جثو) (*у*) جُثُوٌّ тиззалаб турмоқ, тиззани букмоқ; ~ عَلَى رُكْبَتَيْهِ тиз чўкмоқ

– جَاثٍ *мн.* جَاثِيَةٌ *кўп.* جُثِيٌّ тиззалаб турувчи, тиз чўккан, тиз чўкиб сиғинган; الْجَاثِي *астр.*Геркулес (*осмоннинг шимолий ярим шаридаги юлдузлар туркуми*)

– جُثُوٌّ тиз чўкиш, тиз чўкиб сиғиниш

– جَثْوَةٌ *кўп.* جُثًى гўр, гўртепа

– مَجْثًى *кўп.* مَجَاثٍ (*намоз пайтида тизза тагига қўйиладиган*) ёстиқ

جُحٌّ тарвуз (*Нажд ш. да*)

جَحْجَاحٌ *кўп.* جَحَاجِحُ ёки جَحَاجِيحُ жаноб, саййид, эътиборли киши

جُحَى, جُحَا (*араб халқ оғзаки ижоди қаҳрамонининг исми*) Жуҳо (*Гуҳо*)

I جَحَدَ (*а*) جُحُودٌ, جَحْدٌ 1) инкор этмоқ; 2) воз кечмоқ, рад қилмоқ; 3) ишонмаслик; 4) кўрнамак бўлмоқ, оқибатсиз бўлмоқ

– جَاحِدٌ 1) инкор этувчи; 2) динга (худога) ишонмайдиган, динсиз, даҳрий; 3) кўрнамак, оқибатсиз киши; ~ الْمَعْرُوفِ ёки الْجَمِيلِ кўрнамак, оқибатсиз киши, яхшиликни билмайдиган киши

– جُحُودٌ, جَحْدٌ 1) инкор қилиш, тониш, тан олмаслик; 2) ишонмаслик, худосизлик, даҳрийлик; 3) *шунингдек*: ~ الْمَعْرُوفِ ёки ~ الْجَمِيلِ кўрнамаклик, оқибатсизлик, яхшиликни билмаслик

I جَحَرَ (*а*) جَحْرٌ уяга (инга) бекинмоқ; VII اِنْجَحَرَ = I

– جُحْرٌ *кўп.* أَجْحَارٌ, جُحُورٌ уя, ин

– جُحْرٌ = جُحْرَانٌ

جَحْشٌ *кўп.* جِحَاشٌ хўтук, кичкина эшак; ◊ ~ خَشَبٍ ёғочдан (тахтадан) ясалган бир нарсанинг остига қўйиладиган таглик; эшак

– جَحْشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ урғочи хўтук

– جُحَيْشٌ ; وَحْدِهِ ~ ёки عُيَيْرُ وَحْدِهِ ўзбошимча, қайсар, ўзбилармон (*салбий маънода*)

I جَحَظَ (*а*) جُحُوظٌ чақчайтирмоқ, бақраймоқ, анқаймоқ (*кўз ҳақида*), VI تَجَاحَظَ Жоҳизга тақлид қилмоқ (*қар.* الْجَاحِظُ); Жоҳизга ўхшаб ўзига ҳаракат қилмоқ

– جَاحِظٌ *кўп.* جُحَّظٌ (*шунингдек:* ~ الْعَيْنَيْنِ) кўзлари чақчайган, олакўз, бақакўз, уккикўз; ◊ عَيْنَاهُ ~تَانِ مِنَ الْفَرَحِ қувончдан ўзини йўқотмоқ (*сўзма-сўз:* қувончдан икки кўзи чақчайиб турипти); الْجَاحِظُ Жоҳиз (*IX асрда яшаган машҳур шоирнинг лақаби*); هُوَ ~ الْبَيَانِ у Жоҳизга ўхшаш (яъни тенги йўқ) сўз устасидир

– جُحُوظٌ кўзнинг чақчайиб (бақрайиб) туриши; الـ~ الدَّرَقِيُّ *мед.* Базедов касаллиги (*қалқонсимон без функциясининг бузилиши натижасидаги касаллик*), бўқоқ

I جَحَفَ (*а*) جَحْفٌ 1)олиб (оқизиб) кетмоқ (*сел ҳақида*); 2) (*бирор к. тарафига*) мойил бўлмоқ, қўшилмоқ, оғмоқ (مَعَ); IV أَجْحَفَ 1) зарар (зиён) етказмоқ, талафот келтирмоқ; 2) (*к. ғадир*) адолатсиз бўлмоқ (بِ); 3) ўзи билан олиб кетмоқ (بِ); VI تَجَاحَفَ (*бирор н. да*) ўйнамоқ (بِ); ~ بِالْكُرَةِ чавгон, хоккей ўйнамоқ

– إِجْحَافٌ 1) зиён, зарар, талафот; 2) озор, ранж; адолатсизлик, ноҳақлик

– جَحَّافٌ ҳалокатли, фалокатли

– جُحْفَةٌ хоккей

– جُحْفَةٌ Маккаи мукаррама билан Мадинаи мунаввара ўртасидаги жой номи (*Шом ўлкасидан келувчи ҳожилар учун миқот*)

جَحْفَلٌ *кўп.* جَحَافِلُ катта армия, кўп сонли қўшин; ◊ ~ رَجُلٌ эътиборли одам

– جَخْفَلَةٌ туёқли ҳайвонларнинг тумшуғи

I جَخَمَ (а) جَخْمٌ 1) (олов) ёқмоқ; 2) "шайтон олсин!" демоқ, бирор ким ёки нарсани кўздан нари ҳайдамоқ, отмоқ; унча диққат-эътибор бермаслик; II جَخَّمَ диққат билан қарамоқ; IV أَجْخَمَ (бирор н. дан) ўзини тиймоқ, бош тортмоқ (عَنْ)

– جَاخِمٌ қайноқ; қизиган; тобланган, қиздирилган

– جَحِيمٌ мн. дўзах ўти, дўзах; أَصْبَحَتِ الْحَيَاةُ ~ًا فِي نَظَرِي ҳаёт мен учун дўзах бўлиб қолди

– جَحِيمِيٌّ дўзахга оид; дўзахий

I جَخَّ (а/u) جَخٌّ димоғи (бурни) кўтарилиб кетмоқ; керилиб, мақтаниб гапирмоқ, мақтанмоқ, керилмоқ

– جَخَّاخٌ 1. мақтанувчи, манманлик қилувчи; 2. мақтанчоқ

– جَخَّةٌ мақтаниш учун ёзилган ҳикоя

I جَخَفَ (u, у) جَخْفٌ, جَخِيفٌ ҳаддан ташқари мақтанмоқ, катта (йўғон) гапирмоқ

– جُخَافٌ улуғлик васвасаси, мен улуғман деб ўйлаш, жиннилик

– جَخَّافٌ ўта мақтанчоқ

– جَخِيفٌ хириллаган овоз, хириллаган товуш

(جخو) II جَخَّى қоринни ердан баландда ушлаб турмоқ (саждада); إِنَّهُ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ ~ فِي سُجُودِهِ ҳад. пайғамбаримиз алайҳиссалом саждада қоринларини баланд тутардилар

I (جدّ) جَدَّ[1] (а/u) جَدٌّ 1) буюк бўлмоқ; 2) эътиборли бўлмоқ; جَدَّ[2] (а/u) جِدٌّ 1) (бирор н. да) жиддийлик кўрсатмоқ, жиддий ҳаракат қилмоқ, ғайрат кўрсатмоқ (فِي); меҳнат қилмоқ, ишламоқ; ~ وَكَدَّ терлаб-пишиб ишламоқ; 2) жиддий бўлмоқ; (бирор н. ни) жиддий туриб бажармоқ; جَدَّ[3] (и/u) جِدَّةٌ янги бўлмоқ, яқингинада қилинган бўлмоқ; هَلْ ~ لِلْأَمْرِ جَدِيدٌ؟ бирон бир янгилик борми?; مَا يَجِدُّ مِنَ الْأَعْمَالِ (кун тартибидаги) ҳар хил масалалар; جَدَّ[4] (и/а) ёки جُدَّ мажҳ. бахтли бўлмоқ; جَدَّ (а/у) бичмоқ (газламани тикиш учун); ~ النَّخْلَ хурмони кесмоқ, қирқмоқ, каллакламоқ; II جَدَّدَ 1) янгиламоқ; қайтадан бошламоқ; қайтадан тикламоқ; ~ الْخِدْمَةَ فِي الْجَيْشِ мажбурий муддатни адо этгач, яна ҳарбий хизматда қолмоқ; қайтадан ҳарбий хизматга кирмоқ; ~ الشَّبَابَ ёшартирмоқ, ёшартмоқ; янгилик киритмоқ; 3) янгитдан (қайтадан) бошламоқ, қайтармоқ, такрорламоқ; IV أَجَدَّ 1) (бирор н. да) жиддийлик кўрсатмоқ (فِي); 2) янгиламоқ, қайтадан қилмоқ; ~ النَّخْلَ хурмони кесиш, қирқиш, каллаклаш вақти келмоқ; 3) буюк бўлмоқ, улуғ бўлмоқ, V تَجَدَّدَ 1) янгиланмоқ; қайтадан (янгидан) тикланмоқ;; 2) биринчи марта пайдо бўлмоқ, янги пайдо бўлмоқ; X اسْتَجَدَّ 1) янги тусга кирмоқ, тикланмоқ; қайтадан (янгидан) бошланмоқ, яна давом этмоқ; 2) яна қайтадан тикламоқ; 3) (бирор н. ни) биринчи марта қилмоқ; янги келган бўлмоқ (мас., мактабга); 4) янгилик қидирмоқ

– أَجَدَّانِ ик.с.: الْـ~ кеча ва кундуз

– تَجَدُّدٌ ўз-ўзини янгилаш; الْـ~ الْخُلَوِيُّ биол. анаболизм (организмда ҳужайра ва тўкималар таркибий қисмлари ҳосил бўлишида моддалар алмашуви жараёни мажмуи)

– تَجْدِيدٌ 1) янгилаш; реставрация қилиш (эскириб ёки вайрон бўлиб кетган санъат ёдгорликларини асл ҳолига келтириб, қайта тиклаш), қайта тиклаш; ~ الشَّبَابِ ёшартириш, ёш ҳолига қайтариш; 2) янгилик киритиш

– تَجْدِيدِيٌّ янгиловчи; новаторликка ва новаторларга оид

– جَادٌّ 1) муҳим; жиддий, сипо, вазмин; 2) қунт билан ишлайдиган, тиришқоқ, ғайратли

– جَادَّةٌ кўп. ـَاتٌ, جَوَادُّ кенг йўл; ~ الْحَقِّ ҳақиқат йўли; ~ الرَّشَادِ тўғри йўл; عَادَ إِلَى ~ الصَّوَابِ савоб йўлига қайтмоқ, ҳақиқат йўлига қайтмоқ; ~ النَّهْرِ фарватер (сувнинг кемалар юра оладиган чуқур жойи, кема йўли)

– جَدٌّ[1] кўп. جُدُودٌ 1) улуғлик, буюклик; салобат; 2) бахт, омад; عَاثِرُ الْـ~ а) бахтсиз, толеи паст, иши юришмаган; б) омадсиз; الْـ~ الْعَاثِرُ аччиқ тақдир, паст қисмат

– جَدٌّ[2] кўп. أَجْدَادٌ, جُدُودٌ 1) бобо, бува; الْـ~ لِأَبِيهِ бобо (ота томонидан); الْـ~ لِأُمِّهِ бобо (она томонидан); الْـ~ الْأَصْغَرُ бобо, бува; الْـ~ الْأَكْبَرُ (الْأَعْلَى) ёки أَبُو الْـ~ (الْجَدَّةِ) катта бобо, катта бува (бобо ёки момонинг отаси), الْـ~ ~ катта бобонинг ёки катта бувининг отаси; 2) ота-бобо, аждод

– جَدَادٌ ёки جِدَادٌ кесиш, қирқиш, каллаклаш

– جَدَّةٌ кўп. ـَاتٌ буви, момо; الْـ~ لِأَبِيهِ момо (ота томондан); الْـ~ لِأُمِّهَا момо (она томондан); الْـ~ الصُّغْرَى буви, момо; الْـ~ الْكُبْرَى ёки أُمُّ الْجَدِّ (الْـ~) катта буви (бобо ёки момонинг онаси); الْـ~ ~ ача (катта бобонинг ёки катта бувининг онаси)

– جُدَّةٌ кўп. جُدَدٌ услуб, усул, восита

– جِدٌّ 1) тиришиш, ғайрат қилиш, ҳаракат қилиш; 2) жиддийлик, жиддият; أَخَذَهُ مَأْخَذَ الْـ~ бирор нарсани жиддий қабул қилмоқ; مَسْأَلَةٌ ~ خَطِيرَةٌ ўта жиддий масала; ~ عَسِيرٌ жуда қийин (оғир); كُلُّ أَفْعَالِهِ ~ униң ҳамма ҳатти-ҳаракатлари жиддийдир; بِـ~ ёки فِي ~ ёки مِنْ ~ жиддий; نَظَرَ إِلَيْهِ بِعَيْنِ الْـ~ бирор кимга жиддий кўз билан қарамоқ; ◊ أَنْتَ ~ عَالِمٌ أَنَّ ... сен шуни жуда яхши биласанки, ...; النَّاسُ مُهْتَمُّونَ ~ الِاهْتِمَامِ بِـ... ...га одамлар жуда қизиқаётир; ~ًا жуда, ғоят

– جَدَدٌ текис ер; مَنْ سَلَكَ الْـ~ أَمِنَ الْعِثَارَ мқл. ким тўғри йўлдан юрса, у қоқилмайди

– جِدَّةٌ янгилик

– جِدِّيٌّ жиддий

– جَدِّيَّةٌ жиддийлик, муҳимлик; (*бирор н. даги*) хусусият

– جَدِيدٌ[1] *кўп.* جُدُدٌ 1) янги; энг янги; яқингинадаги, охирги; ~ لَنْج яп-янги; مِنْ ~ қайтадан, яна; ~ا бошқатдан; қайтадан, тағин; яқингинада; أَتَى بِـــ ~ ... ...да ҳеч қандай янгилик йўқ; لَا ~ فِي ... ...га бирор янгилик киритмоқ; الـــ~ان *ик.с.* кун ва тун; 2) пара (*пиастрнинг қирқдан бирига тенг бўлган пул бирлиги*); الـــ~ الأَبْيَضُ يَنْفَعُ فِي الْيَوْمِ الأَسْوَدِ *мқл.* бойлигингни қора кунга сақла (*сўзма-сўз:* оқ параниг (пулнинг) нафи қора кунда тегади)

– جَدِيدٌ[2] бахтли, бахт-саодатли, омадли

– جَدِيدٌ[3] бичилган (*кийим*); ~ ثَوْبٌ кийим учун бичилган газлама

– مُجِدٌّ тиришқоқ, ҳаракатчан, серғайрат

– مُجَدِّدٌ 1. янгиловчи; ~ التَّيَّارِ *эл.* реле (*электр занжирини улайдиган ва узадиган асбоб*); 2. новатор, янгилик яратувчи

– مَجْدُودٌ бахтли, саодатманд

– مُسْتَجَدٌّ янги; энг янги; яқингинадаги

– مُسْتَجِدٌّ янги одам; ~ فِي الدِّينِ *дин.* прозелит (*бирор динни янги қабул қилган киши*), бирор динга янги кирган (киритилган) киши

I جَدَبَ (у) جُدُوبَةٌ ёки جَدَبَ (и) جَدْبٌ қуруқ бўлмоқ (*ер ҳақида*), унумсиз, ҳосилсиз бўлмоқ (*ер ҳақида*); جَدَبَ (у) айбламоқ, айб қўймоқ; IV أَجْدَبَ 1) қуруқ, унумсиз бўлмоқ, ориқлаб қолмоқ (*ер ҳақида*); مَنْ ~ انْتَجَعَ *мқл.* ким ҳосил ололмаган бўлса, у бошқа ёқдан яйлов қидиради; 2) унумсизликдан (ҳосилсизликдан) шикаст топмоқ, азоб чекмоқ; ~ الْقَوْمُ одамлар бошига қурғоқчилик тушди

– إِجْدَابٌ 1) қурғоқчилик; 2) муваффақиятсизлик, иш юришмаслик, ишнинг ўнгдан келмаслиги

– أَجْدَبُ *мн.* جَدْبَاءُ қурғоқ, унумсиз, ҳосилсиз (*ер ҳақида*); الْجَدْبَاءُ саҳро

– جَدْبٌ[1] 1) қурғоқ (*ер ҳақида*); 2) ҳосилсиз; 2. 1) қурғоқчилик; 2) ҳосил битмаганлик, ҳосилсизлик

– جَدْبٌ[2] айб

– جُدُوبَةٌ қурғоқчилик, камҳосиллик

– جَدِيبٌ 1) ҳосилсиз, қурғоқ (*ер ҳақида*); 2) камҳосил, ҳосил бўлмаган

– مُجْدِبٌ ҳосилсиз, қурғоқ (*ер ҳақида*)

– مَجْدُوبٌ ҳосилсиз, қаттиқ, қурғоқ (*ер ҳақида*); 2) *халқ.* телба, девона, тентак, руҳий касал (*сол.* مَجْذُوبٌ)

جَدَثٌ *кўп.* أَجْدَاثٌ гўр, қабр

جُدْجُدٌ *кўп.* جَدَاجِدُ қора чигиртка

I جَدَحَ (а) جَدْحٌ бирор нарса қўшиб қормоқ, аралаштирмоқ, қориштирмоқ, бир оз қўшмоқ (аралаштирмоқ)

I جَدُرَ (у) جَدَارَةٌ 1) муносиб бўлмоқ, (*н. ғадир*) лойиқ (муносиб) бўлмоқ, арзимоқ (بِ); يَجْدُرُ بِالذِّكْرِ эслатиб (айтиб) ўтишга муносиб, эслатишга арзирли; 2) (*к. нингдир*) қилиши, бажариши лозим бўлмоқ (بِ); 3) *мажҳ.* чечак билан оғримоқ; II جَدَّرَ 1) *шунингдек: мажҳ.* чечак билан оғримоқ; 2) илдиз отмоқ (*сол.* جَذَّرَ)

– أَجْدَرُ энг керакли; энг муносиб, ...га энг сазовор; وَالأَجْدَرُ أَنْ ... яна ҳам яхшиси шуки, ...

– جِدَارٌ[1] *кўп.* جُدُرٌ девор; الـــ~ الصِّينِيُّ Буюк Хитой девори; ~ الصَّوْتِ ёки صَوْتِيٌّ ~ *ав.* оддий тезлик билан товуш тезлиги орасидаги чегара; ضَرَبَ ~ا مِنَ الصَّمْتِ حَوْلَ ... ...нинг атрофига сукунат девори қурмоқ (...*га мутлақо эътибор бермаслик*)

– جِدَارٌ[2] *кўп.* ـــات асос, пойдевор, фундамент

– جَدَارَةٌ 1) мувофиқлик, муносиблик, тўғри (мос) келиш; яроқлилик; фойдалилик; қобилиятлилик, лаёқат; 2) шаън, қадр-қиммат; эътибор; яхши хислат, афзаллик; عَنْ ~ وَاسْتِحْقَاقٍ хизмати ва эътиборига яраша (лойиқ)

– جِدَارِيٌّ деворий, деворга ўрнатилган; *анат.* тана деворига (тўсиғига) яқин жойлашган (*аъзо ҳақида*)

– جُدْرَانٌ *кўп.* جُدُرٌ девор

– جَذْرٌ[1] *кўп.* جُذُورٌ *бот.* топинамбур, чўчқа картошка (*Helianthus tuberosus- кунгабоқарга ўхшаш кўп йиллик туганаклик ўсимлик*)

– جَذْرٌ[2] *кўп.* جُذُورٌ илдиз

– جُدَرَةٌ *мед.* бўқоқ, Базедов касаллиги (*қалқонсимон без функциясининг бузилиши натижасидаги касаллик*)

– جُدَرِيٌّ, جَدَرِيٌّ чечак; ~ الْبَقَرِ бузоқ чечаги; ~ الدَّجَاجِ сув чечак

– جَدِيرٌ *кўп.* جُدَرَاءُ лойиқ, муносиб, (*бирор н. га*) арзийдиган (بِ); ~ بِالذِّكْرِ эслатиб (айтиб) ўтишга лойиқ, эслашга арзирли; ~ بِالاعْتِبَارِ эътиборга арзирли, диққатга лойиқ, эътибор (диққат)га молик

– جُدَيْرِيٌّ сув чечак

– مِجْدَارٌ қўриқчи, қўриқ (*ҳосилли дала ёки боғларда*)

– مُجَدَّرٌ чечак билан оғриган касал

– مُجَدَّرَةٌ мужаддара (*гуруч, ясмиқ дон и ва ёғ қўшиб тайёрланган овқат*)

– مَجْدُورٌ 1) чечак билан оғриган касал; 2) (*чечакдан*) юзи чўтир бўлиб қолган одам

جَدِيسٌ *тар.* Жадис (*Арабистондаги қадимги халқ номи*)

I جَدَعَ (а) جَدْعٌ шартта кесмоқ; ажратиб (узиб, кесиб) қўймоқ, (*баданнинг бирон бир қисмини*) кесиб ташламоқ; майиб (чўлоқ) қилмоқ, ногирон қилиб қўймоқ

– أَجْدَعُ *мн.* جَدْعَاءُ *кўп.* جُدْعٌ бурни кесилган (пучуқ)

– جَدْعٌ шартта кесиш, ажратиб (узиб, кесиб) қўйиш; ◊ بِـــ ~ الأَنْفِ қандай бўлмасин, нима қилиб бўлса ҳам; يَتَمَنَّى بِـــ ~ الأَنْفِ أَنْ ... ... учун қўлини (*сўзма-сўз:* бурнини) кестиришга тайёр эди

– جَذَعٌ *кўп.* جُذْعَانٌ 1. довюрак, ботир; серғайрат; 2. 1) яхши йигит, йигитча; 2) ботир, мард

جَذْعَنَةٌ мардлик, ботирлик, азаматлик

i جَذَفَ (*u*) جُذُوفٌ кесилган қанотларни қоқмоқ; II جَذَّفَ 1) эшкак эшмоқ; 2) ҳақорат қилмоқ, ёмонламоқ, қораламоқ, урушмоқ; 3) худога шак келтирмоқ, шаккоклик қилмоқ (عَلَى اللهِ)

– تَجْدِيفٌ *кўп.* تَجَادِيفُ 1) эшкак эшиш; 2) сўкиш, ҳақорат; 3) худога шак келтириш, куфрлик (عَلَى اللهِ)

– تَجْدِيفِيٌّ худони, динни таҳқирлашга, худога, динга қаршилик қилишга оид

– جَذَفٌ[1] *кўп.* أَجْذَافٌ қабр, гўр

– جَذَفٌ[2] 1) усти ёпилмаган, беркитилмаган ичимлик; 2) егандан кейин устидан сув ичишни талаб қилмайдиган Яманда ўсадиган ўсимлик

– مِجْذَافٌ *кўп.* مَجَادِيفُ эшкак, човхода, чов; بَيْتُ الـــ~ эшкак қулоғи (*қайиқ ёнида эшкак ўрнатиладиган айри ва шу айри қозиғи учун қилинган тешик*)

– مُجَذِّفٌ эшкак эшувчи, эшкакчи

i جَدَلَ (у, и) جَدْلٌ айлантирмоқ, бурамоқ; эшмоқ, ўрмоқ; тўқимоқ, ўрай (тўқий) бошламоқ; ~ الشَّعْرَ فِي ضَفِيرَتَيْنِ сочни иккита кокил қилиб ўрмоқ; II جَدَّلَ 1) тўқимоқ; ўрай (тўқий) бошламоқ; 2) ерга ағдармоқ, йиқитмоқ, қулатмоқ; III جَادَلَ бир-бирига исбот қилмоқ; (*бирор н. ҳақида*) баҳслашмоқ (فِى), VI تَجَادَلَ бир-бири билан баҳслашмоқ; музокара олиб бормоқ; VII اِنْجَدَلَ 1) эшилган (ўрилган) бўлмоқ; 2) ерга ағдарилган (йиқитилган) бўлмоқ

– أَجْدَلُ (*кўч.м.*) лочин

– جِدَالٌ баҳс; музокара; الـــ~ لاَ يَقْبَلُ (لاَ يَتَحَمَّلُ) тортишувга (шак-шубҳага) ўрин йўқ; ~ بِلاَ шак-шубҳасиз, аниқ, равшан; ~ لاَ فِيهِ وَلاَ مِرَاءَ бу жуда ҳам аниқ (равшан)

– جَدَّالٌ баҳсчи, баҳсни яхши кўрадиган одам

جَدْلٌ аъзо

جَدَلٌ 1) баҳс, мубоҳаса, музокара; ~ بِغَيْرِ шак-шубҳасиз; هَذَا لاَ يَقْبَلُ (لاَ يَتَحَمَّلُ) ~ا бу шак-шубҳасиз; ~ا نَفْرِضُ (نُسَلِّمُ) بِأَنْ هَذَا قَدْ حَصَلَ бу содир бўлди деб фараз қилайлик; 2) *фалс.* диалектика (*ҳаракат ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фалсафий таълимот; шунингдек: ҳаракат ва ривожланиш жараёни*)

– جَدِيلٌ *кўп.* جُدُلٌ ўрилган (эшилган) арқон

– جَدِيلَةٌ *кўп.* جَدَائِلُ бир тутам соч; кокил

– مُجَادَلَةٌ баҳс, мубоҳаса, тортишув; музокара

– مِجْدَالٌ[1] 1. баҳслашишни севадиган одам; 2. жанжалкаш

– مِجْدَالٌ[2] *кўп.* مَجَادِيلُ тумба, устунча; тагкурси, катта тош

– مِجْدَلٌ *кўп.* مَجَادِلُ 1) қаср, қалъа, сарой, қўрғон; 2) баҳсчи; жанжалкаш

– مَجْدُولٌ 1) айлантириб ўралган (эшилган); маҳкам қилиб эшилган; чигал, чувалган, ўралган, эшилган; 2) кучли ва чиройли; ~ الرَّقَبَةِ кучли (йўғон) бўйинли

i جَدَا (جدو) (у) جَدْوٌ (*к. ғадир*) тортиқ қилмоқ, бермоқ (عَلَى); IV أَجْدَى (*фойда*) келтирмоқ; фахрланмоқ; هَذَا لاَ يُجْدِيكَ نَفْعًا бу сенга наф бермайди; ~ عَلَيْهِ خَيْرًا кимгадир фойда келтирмоқ; هَذَا لَمْ يُجْدِ فَتِيلاً бу ҳеч қандай ёрдам келтирмади; VIII اِجْتَدَى 1) сўрамоқ, совға-салом талаб қилмоқ; X اِسْتَجْدَى 1) сўрамоқ, сўраб олмоқ, тилаб олмоқ; ~ الأَكُفَّ хайр - эҳсон (садақа) сўрамоқ; 2) совға-салом талаб қилмоқ

– أَجْدَى энг фойдали

– جَدْوَى = جَدَا

– جَدَاءٌ фойда, манфаат

جُدَاءٌ *мат.* кўпайтма (*кўпайтириш натижаси*)

– جَدْوَى 1) совға, туҳфа; 2) фойда, манфаат; афзаллик, устунлик; ~ عَلَى غَيْرِ *ёки* ~ دُونَ ҳеч қандай фойдасиз; натижасиз; ~ لاَ ~ مِنْهُ *ёки* عَدِيمُ الـــ~ *ёки* بِلاَ ~ фойда бермайдиган, бефойда; ~ عَدَمُ фойдасизлик, бефойдалик, беҳудалик; ~ ذَهَبَ دُونَ натижасиз бўлмоқ, самарасиз бўлмоқ (*мас., бирор ҳаракат ҳақида*)

– جَدْيٌ *кўп.* جِدَاءٌ, جِدْيَانٌ 1) улоқ, эчки боласи, ширвоз; أُذُنُ الـــ~ *бот.* баргизуб, зуптурум; بُرْجُ الـــ~ *астр.* Жадий буржи; مَدَارُ الـــ~ Жадий тропиги (*Жадий буржи экватор атрофида кўринади*); 2) *шунингдек:* الـــ~ *ёки* ~ُ الفَرْقَدِ *ёки* الْجُدَىُّ Қутб юлдузи

– مُجْدٍ *мн.* مُجْدِيَةٌ фойдали

– مُسْتَجْدٍ *мн.* مُسْتَجْدِيَةٌ гадо, тиланчи; қашшоқ

جَدْوَارٌ дармана, дармана илдизи

جَدْوَلَ чизиқ (жадвал) тортмоқ, жадвалларга бўлмоқ, чизиқлаб чиқмоқ; تَجَدْوَلَ чизиқ (жадвал) тортилган бўлмоқ, жадвалларга бўлинган бўлмоқ

– جَدْوَلٌ *кўп.* جَدَاوِلُ 1) оқим; сой, анҳор; канал; 2) рўйхат, санаб чиқиш, рўйхат дафтари, жадвал; таблица; график; диаграмма; ~ الأَعْمَالِ ишлар жадвали, ишлар тартиби, кун тартиби; ~ الخَطَإِ وَالصَّوَابِ матбаа хатолари рўйхати; ~ الدُّرُوسِ дарслар жадвали; ~ الضَّرْبِ кўпайтириш жадвали; ~ القَضَايَا суд ишлари рўйхати; ~ نِظَامِ الْعَنَاصِرِ الدَّوْرِيُّ *ёки* ~ مِنْدِلِيِيفَ Менделеев жадвали, элементларнинг даврий жадвали; جَدَاوِلُ انْتِخَابِيَّةٌ сайлов рўйхатлари

– جَدْوَلَةٌ чизиқлар тортиш, графалаш

– جَدْوَلِيٌّ жадвалга оид; رَقْمُ الْعُنْصُرِ الـ~ элементларнинг жадвалдаги рақами

جَدُّونٌ руль (*велосипеддаги*)

I جَذَّ (*а/у*) جَذٌّ кесмоқ, қирқмоқ; кесиб ташламоқ; VII انْجَذَّ кесилган (қирқилган) бўлмоқ

– جُذَاذٌ *ёки* جِذَاذٌ кесиб олинган бўлак, қисм

– جُذَاذَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) карточка (*мас., кутубхонада*); 2) фишка (*турли ўйинларда ютуқни ҳисоблаш учун ишлатиладиган тош, соққа ва ш.к.*)

– جُذَاذَاتٌ *кўп.* қийқимлар, қирқиндилар; бўлаклар; синиқлар, қолдиқлар; пайраҳалар; қирқинди; қипиқ

– مَجْذُوذٌ = جُذَاذٌ

I جَذَبَ (*и*) جَذْبٌ 1) судрамоқ, тортмоқ; 2) ўзига жалб қилмоқ, ўзига тортмоқ, ўзига мафтун қилмоқ; қойил қолдирмоқ; 3) чўзмоқ, ўтказмоқ; III جَاذَبَ 1) тортишмоқ; ҳар ким ўз тарафига тортмоқ, судрамоқ; 2) (*бирор к. билан*) мусобақалашмоқ, курашмоқ; (*бирор н. ни*) талашмоқ; ~ـتُهُ حَبْلَ الْمُكَاتَبَةِ мен у билан хат ёзишиб турдим; ~ـتُهُ الْحَدِيثَ мен у билан суҳбатлашдим; ~ـتُهُ بِنُكْتَةٍ мен у билан ҳазиллашдим; VI تَجَاذَبَ 1) тортишмоқ; ҳар ким ўзига қараб тортмоқ; 2) бир-бирига интилмоқ; 3) *физ.* ўзаро тортишмоқ; 4) мусобақалашмоқ; курашмоқ; ◊ ~ أَطْرَافَ الْحَدِيثِ (*бирор к. билан*) суҳбатлашмоқ, гаплашмоқ (مَعَ); VII انْجَذَبَ 1) ўзига тортувчи бўлмоқ, мафтун қилувчи бўлмоқ; тортиб олиб чиқилмоқ, судраб чиқилмоқ; 2) *физ.* тортиш кучи натижасида яқинлашмоқ, тортилмоқ; 3) жазавага тушмоқ, ортиқ даражада асабий ҳолатга тушмоқ; 4) ақлдан озмоқ, телбаланмоқ; VIII اجْتَذَبَ ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ, кўнглини мафтун қилмоқ; ~ الْأَنْظَارَ (*бирор н. га*) диққатни жалб қилмоқ (إِلَى)

– اجْتِذَابٌ 1) қизиқиш, интилиш, майл, ҳавас; 2) ёқимлилик, жозибадорлик, дилраболик, дилбарлик; 3) *физ.* ўзига тортиш, тортиш

– انْجِذَابٌ 1) жазава ҳолати, ўта асабийлашган ҳолат; завқланиш, қойил қолиш; 2) (*бирор к. га*) ихлос қўйиш; (*бирор н. ни*) ёқтириш

– تَجَاذُبٌ 1) бир-бирига (ўзаро) интилиш; дўстлик; 2) *физ.* бир-бирини ўзаро тортиб туриш; ўзаро тортишиш; الـ~ الْمَغْنَطِيسِيُّ магнит тортишиши; туташиш, уланиш; 3) бирикиш, бирикма; ~ كِيمِيَاوِيٌّ кимёвий бирикма

– جَاذِبٌ 1) жозиб, ўзига тортувчи; ўзига мафтун (*жалб*) қилувчи; الْقُوَّةُ الـ~ـةُ الْمَرْكَزِيَّةُ марказга интилувчи куч; 2) мафтункор, мафтун қиладиган; таҳсинга лойиқ, чиройли

– جَاذِبَةٌ *кўп.* جَوَاذِبُ 1) *мн.* جَاذِبٌ *дан*; 2. жозибали хислат, жозибали жиҳат (томон); жозибадорлик, жозибалилик, гўзаллик

– جَاذِبِيَّةٌ 1) майл, ҳавас, интилиш; 2) *физ.* ўзига тортиш, тортишиш; ~ الِالْتِصَاقِ туташиш, уланиш; бир-бирини тортиб туриш; الـ~ الْأَرْضِيَّةُ ернинг тортиши; الـ~ الثِّقَلِ оғирлик кучи; الـ~ الْمَغْنَطِيسِيَّةُ магнетизм (*магнит ҳодисалари ва хоссалари*); نَامُوسُ الـ~ (قَانُونُ) ўзаро тортишиш қонуни; 3) ёқимлилик, жозибалилик тортувчанлик, мафтункорлик, ўзига тортишлик; 4) мароқлилик, қизиқарлилик (*мас., ҳикояда*)

– جَذَّابٌ [illegible] жозибали, ма[illegible]

– جَذْبٌ 1) тортувчи куч; ҳавас, майл; 2) жалб қилиш; 3) *физ.* тортиш, тортишиш; 4) *дин.* қандайдир бир ғойибона куч; жазава, ўзини йўқотиш даражасидаги завқланиш (ҳаяжонланиш); الـ~ وَالدَّفْعُ мунозаралар

– جَذْبَةٌ *кўп.* جَذَبَاتٌ 1) масофа, оралиқ; 2) ҳавас, майл, интилиш; 3) жозибадорлик, мафтункорлик; 4) жазава, ўзини йўқотиш даражасидаги завқланиш (ҳаяжонланиш)

– جَذْبِيَّةٌ жозибадорлик, мафтункорлик, тортувчанлик

– مُجَاذَبَةٌ кураш, рақобат, рақиблик

– مَجْذُوبٌ *кўп.* مَجَاذِيبُ 1. 1) жазава ҳолатидаги киши, ўзини йўқотадиган даражада ҳаяжонланган киши; 2) ақлдан озган, тентак, жинни; مُسْتَشْفَى الْمَجَاذِيبِ ақлдан озганлар касалхонаси; 3) бутун вужуди билан берилган, ўта қизиққан, мафтун бўлиб қолган; 2. мажзуб (*сўфийликнинг учинчи мақоми*)

– مُنْجَذِبٌ 1) мафтун бўлган; завққа тўлган; 2) жазавага тушган киши; 3) ақлсиз, тентак, жинни; 4) бутун вужуди билан берилган, ўта қизиққан, мафтун бўлган

I جَذَرَ (*у*) جَذْرٌ 1) илдизи билан суғурмоқ; 2) таг-томири билан йўқотмоқ; II جَذَّرَ 1) илдизи билан суғурмоқ; 2) илдиз отмоқ (ёймоқ); 3) *мат.* илдиз остидан чиқармоқ

– تَجْذِيرٌ 1) илдизи билан суғуриш; 2) илдизи билан йўқотиш; 3) *мат.* илдиз остидан чиқариш

– جَذْرٌ *кўп.* جُذُورٌ 1) *тур.м. да*, ўзак, илдиз; ~ الْمَلِكِ *бот.* ойболтирғон, оқсасир (*ўтсимон ўсимлик*); ~ تَرْبِيعِيٌّ *ёки* ~ مُرَبَّعٌ *мат.* квадрат илдиз; اسْتِخْرَاجُ الـ~ *мат.* илдиз чиқариш; عَلَامَةُ الـ~ *мат.* радикал, илдиз аломати (√); الْجَذْرُ الثُّنَائِيُّ *грам.* икки ундошли ўзак; 2) асос, негиз, замин

– جَذْرِيٌّ 1) туб, қатъий, кескин; تَبَدُّلَاتٌ ~ـةٌ туб (кескин) ўзгаришлар; 2) илдизга оид

– جَذَعٌ [1] *кўп.* جُذْعَانٌ 1) барваста йигит; азамат; мард; 2) (*бирон бир ишда*) янги одам

– جَذَعٌ [2] *кўп.* جِذَاعٌ уй ҳайвонларининг кичик ёшлиги; икки ёшли қўй, уч ёшли мол ёки бошқа туёқлилар, беш ёшли туя

– جَذَعًا *ёки* جَذَعَةً яна; қайтадан, тағин, янгидан

– جِذْعٌ *кўп.* جُذُوعٌ 1) тана, поя; тўнка; банд, даста; ёғоч, хода; رَأَى الْقَذَاةَ فِي عَيْنِ أَخِيهِ وَنَسِيَ الـ~ فِي عَيْنِهِ *мқл.* иштонсиз тиззаси йиртиққа кулибди (*сўзма-сўз:* бировнинг кўзидаги гардни кўради, ўзининг кўзидаги ходани ҳам кўрмайди); 2) гавда, тана

جَذْعَمَةٌ кичик ёшли, ёши кичик

(جَذَفَ) II جَذَّفَ (*эшкак билан*) эшмоқ (*сол.* حَذَفَ)

– تَجْذِيفٌ эшкак эшиш

– مِجْذَافٌ *кўп.* مَجَاذِيفُ эшкак, човхода, чўв

جَذَلَ I (а) جَذَلٌ хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ, шодланмоқ, завқланмоқ; IV أَجْذَلَ хурсанд қилмоқ, қувонтирмоқ, шод қилмоқ

– جَذَلٌ хурсандчилик, қувонч, завқ-шавқ, шодлик

– جَذِلٌ кўп. جُذْلَانٌ қувончли, шод-хуррам; хурсанд; бахтли, бахтиёр

– جِذْلٌ кўп. أَجْذَالٌ, جُذُولٌ тана, поя; тўнка

– جَذْلَانٌ қувноқ, хурсанд, шодмон

– جُذَيْلٌ кўп. اتٌ — (туялар келиб қашланадиган) устун, устунча

جَذَمَ I (и) جَذْمٌ 1) кесиб қўймоқ, кесиб ташламоқ; 2) мажҳ. мохов касали билан оғримоқ; IV أَجْذَمَ мохов касали билан оғримоқ

– أَجْذَمُ мн. جَذْمَاءُ кўп. جُذْمٌ 1) мохов, мохов касаллиги билан оғриган одам; 2) майиб панжали, панжаси майиб, ёки майиб қўлли, қўли майиб

– جُذَامٌ мед. мохов

– جُذَامَةٌ ангиз (экин ўриб олинган ер); ўроқ вақти, ўрим-йиғим

– جِذْمٌ кўп. جُذُومٌ 1) ўзак, илдиз; 2) тана, поя

– مَجْذَمٌ лепрозорий, моховхона (моховлар касалхонаси)

– مَجْذُومٌ мохов (одам)

جُذْمُورٌ кўп. جَذَامِيرُ тўнка

جِذْوَةٌ, جُذْوَةٌ кўп. جُذًى ёнаётган кўмир; сўхта ўтин; сўхта, чала куюк; қоракўя

جَذَى I (и) جَذْيٌ (бирор н. қилмоққа) халақит бермоқ, тўсқин бўлмоқ (عَنْ)

جَرَّ I (а/у) جَرٌّ 1) судрамоқ, ташимоқ, тортмоқ; сабаб (боис) бўлмоқ, ...га олиб бормоқ (келмоқ); الْمَرْكَبَ ~ кемани шатакка олмоқ; ... إِلَى الْمِيَاهَ ~ сувни ...га олиб бормоқ; الْهَوَاءَ إِلَى جَوْفِهِ ~ ҳавони сўриб олмоқ; قَدَمَيْهِ ~ оёғини зўрға судраб босмоқ; نَفْسَهُ ~ .. إِلَى (бирор ёққа) судралиб (имиллаб) бормоқ (ёки келмоқ); كُلٌّ يَجُرُّ النَّارَ إِلَى قُرْصِهِ мқл. ҳар ким оловни ўз кўмочига тортади; 2) ташиб юрмоқ, бошқа жойга ташимоқ; жойдан-жойга ташимоқ, кўчирмоқ; 3) (н. ғадир) жалб қилмоқ, тортмоқ (إِلَى); ~ هُ إِلَى الْحَرْبِ кимнидир урушга тортмоқ, жалб қилмоқ; 4) (н. нингдир ичидан) олмоқ, чиқармоқ, (тортиб, суғуриб) олмоқ (مِنْ); 5) грам. сўзни қаратқич келишигида келтирмоқ; ◊ ... ~ شَكَلًا مَعَ (к. биландир) жанжал келтириб чиқармоқ; ~ جَرِيمَةً (к. ғадир қарши) жиноят содир этмоқ (عَلَى); II جَرَّرَ куч билан судрамоқ, тортмоқ; IV أَجَرَّ 1) (сақич) чайнамоқ; 2) (тўлов) муддатини узайтирмоқ, кейинга қолдирмоқ; VII انْجَرَّ 1) тортувчи бўлмоқ, эргаштириб кетувчи бўлмоқ, бир жойдан иккинчи жойга ташувчи бўлмоқ; шатакка олинмоқ; ~ مَعَ التَّيَّارِ оқим бўйича бормоқ; 2) (бирор н. га) қўшилган (тортилган, жалб этилган) бўлмоқ (إِلَى); ◊ ~ وَرَاءَ عَجَلَةٍ араванинг орқа ғилдираги бўлиб судралиб бормоқ; ҳаммадан орқада қолиб кетмоқ; ~ إِلَى الْوَرَاءِ чекинмоқ, четга (нарига) сурилмоқ; انْجَرَّ قُدَّامِي олдимда юр!; انْجَرَّ مِنْ هُنَا! йўқол (кет) бу ердан!; VIII اجْتَرَّ 1) (сақич) чайнамоқ; 2) етакламоқ, тортиб судрамоқ; 3) етакланмоқ, тортилмоқ; ~ الْبَعِيرُ туя етакланди; X اسْتَجَرَّ 1) секин судрамоқ, тортмоқ; 2) насияга сотиб олмоқ

– اجْتِرَارٌ (сақич) чайнаш

– انْجِرَارٌ эргаштириш, жалб этиш, тортиш

– انْجِرَارِيَّةٌ 1) шатакка олиниш; 2) шатакка олиш кираси (ҳақи)

– جَارٌّ 1) тортувчи, судровчи; 2) грам. қаратқич келишиги бошқарувчиси, предлог, олд кўмакчи

– جَارَّةٌ жиловидан етакланадиган туя; لَا صَدَقَةَ فِي الْإِبِلِ الْـ~ ҳад. етакланадиган туядан закот олинмайди

– جَارُورٌ кўп. جَوَارِيرُ суриладиган (тортма) ящик

– جَرٌّ тортув, тортиш; судраб жилдириш; шатакка олиш; ~ الْأَثْقَالِ (оғир нарсаларни кўтариш ва жилдириш) механикаси; 2) грам. сўзни қаратқич келишигига қўйиш; حَرْفُ الْـ~ грам. предлог, олд кўмакчи; ◊ ~ هَلُمَّ وَ ~ кар. هَلُمَّ

جَرَّاءَ: ~ مِنْ ~ ذَلِكَ бунинг оқибатида, шунинг учун; مِنْ ~ أَنْ . . . шуни назарда тутиб ...; сол. جَرَّاءَ кар. جرى

– جَرَّارٌ 1. 1) кўп сонли (қўшин ҳақида); 2. 1) кулол; 2) прицепли платформа; وَالْحَبْلُ عَلَى الْـ~ ва бошқалар (ва б.)

– جَرَّارَةٌ кўп. اتٌ — 1) трактор; جَنَازِيرُ (ذَاتُ) ~ ёки (ذَاتُ) ~ بِحَصِيرَةٍ ёки حَصِيرَةٍ занжирли трактор; ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ электротрактор; 2) постромка, шатак қайиш; 3) сариқ чаён

– جَرَّةٌ[1] кўп. اتٌ — олға интилиш, сапчиш; бирданига тез қилинган ҳаракат; بِـ~ مِنَ الْقَلَمِ қалам чизиш (тортиш) билан

– جَرَّةٌ[2] кўп. اتٌ —, جِرَارٌ кўза, хумча, тувак, хурмача; كَسَرَ الْـ~ بَيْنَهُ وَ بَيْنَهَا маж. у (мз.) билан унинг (мн.) ўртасидан ола мушук ўтди (сўзма-сўз: иккисининг ўртасидаги кўза синди); مَا كُلَّ مَرَّةٍ تَسْلَمُ الْـ~ мқл. Кўза ҳар куни эмас, кунида синади (сўзма-сўз: кўза ҳар сафар ҳам бутун қолавермайди)

– جُرَّةٌ кўп. جُرَرٌ из; ғилдирак изи, арава изи

– جِرَّةٌ кўп. أَجِرَّةٌ сақич

– جَرِيرٌ кўп. أَجِرَّةٌ нўхта

– جَرِيرَةٌ кўп. جَرَائِرُ гуноҳ, айб, хато, ножўя иш; жиноят; ◊ وَ ~ ذَلِكَ бу ишнинг оқибати шуки, ...; مِنْ ~ ـهِ у туфайли, унинг учун

– مُجْتَرٌّ кавш қайтарувчи; الْحَيَوَانَاتُ الْـ~ ـةُ кавш қайтарувчи ҳайвонлар; الْـ~ ـاتُ кўп. кавш қайтарувчилар

– مَجَرٌّ кўп. اتٌ — нов, қувур, оқава сувларни табиий сув

ҳавзаларига ўтказадиган қувурлар

– مَجَرٌّ узатма тасмаси (қайиши)

– مَجَرَّةٌ ёки ~ نَهْرُ الـ~ Сомон Йўли, Галактика (*Қуёш системасини ўз ичига олган юлдузлар силсиласи*)

– مَجَرِّيٌّ Сомон Йўлига оид; الْعَالَمُ الـ~ Галактика

– مَجْرُورٌ[1] 1) судраладиган, судралувчи, тортиладиган, тортилувчи; шатакка олинувчи; 2) *грам.* қаратқич келишигида келган; الْجَارُّ وَالـ~ олд кўмакчи ва унга тобе бўлиб қаратқич келишигида келувчи сўз

– مَجْرُورٌ[2] *кўп.* مَجَارِيرُ (*шунингдек:* الْمَنْزِلِ ~) сув оқиб тушадиган (кетадиган) қувур, дренаж қувури; الْمَدْخَلُ الـ~ люк, қопқоқли туйнук, тешик; مَجَارِيرُ канализация (*ахлат, чиқинди ва ёгин сувлари оқизиладиган қувурлар тизими*); شَبَكَةُ الْمَجَارِيرِ канализация тармоғи

جَرَجٌ *қар.* جَرَاجٌ

جِرَامٌ *кўп.* ـَاتٌ — грамм

جِرَامُوفُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — граммофон

جِرَانِيتٌ гранит (*рангдор, қаттиқ тоғ жинси*)

– جِرَانِيتِيٌّ гранитга оид

I جَرُؤَ (у) جُرْأَةٌ, جَرَاءَةٌ 1) журъатли бўлмоқ, жасур бўлмоқ, шижоатли (қўрқмас, ботир) бўлмоқ; 2) (н. *гадир*) журъат қилмоқ, юраги дов бермоқ (عَلَى); II جَرَّأَ (н. *га ёки н. гадир қарши*) жасорат бахш этмоқ, далда бермоқ, руҳини кўтармоқ, руҳлантирмоқ (عَلَى); V تَجَرَّأَ (н. *гадир*) журъат қилмоқ, ботинмоқ (عَلَى); VIII اجْتَرَأَ = V

– جَرَاءَةٌ жасурлик, ботирлик, жасорат

– جُرْأَةٌ 1) журъат; жасорат, дадил интилиш; بِـ~ а) дадиллик билан, қўрқмасдан, мардона; б) дағаллик (қўрслик, қўполлик) билан

– جَرِيءٌ *кўп.* أَجْرِيَاءُ жасур, довюрак, мард, қўрқмас, журъатли, жасоратли

I جَرِبَ (а) جَرَبٌ 1) қичима (қўтир) касали билан оғримоқ; 2) айнимоқ, ўнгмоқ, оқармоқ, тулламоқ; II جَرَّبَ 1) синаб кўрмоқ, тажриба ўтказмоқ; نَفْسَهُ ~ (н. *дадир*) ўзини синаб кўрмоқ (فِي); 2) синамоқ, тажриба қилиб кўрмоқ; V تَجَرَّبَ синалмоқ, тажриба қилиб кўрилмоқ

– أَجْرَبُ *мн.* جَرْبَاءُ *кўп.* جُرْبٌ 1) қичимага (қўтирга) оид; қичима (қўтир) билан оғриган касал; 2) туки тўкилган, туллаган (*мас., дум*)

– تَجْرِبَةٌ *кўп.* تَجَارِبُ 1) тажриба, синов; التَّجَارِبُ النَّوَوِيَّةُ термоядро синовлари; أَجْرَى التَّجَارِبَ тажриба ўтказмоқ; عَرَفَهُ بِالـ~ тажрибадан маълумки, ...; الطَّبْعِ ~ матбаа корректураси; رَاجَعَ الـ~ корректура ўқимоқ (тузатмоқ); مُدَّةُ الـ~ синов муддати; 2) тажриба, малака, кўникма, маҳорат; 3) синов; 4) машқ, тайёргарлик, репетиция (*бирор н. ни омма олдида ижро этиш олдидан машқ қилиш, ўрганиш, тайёргарлик кўриш*); الـ~ الْغِنَائِيَّةُ хор репетицияси, умумий хор машқи; الـ~ الْمَسْرَحِيَّةُ пьеса репетицияси

– تَجْرِيبٌ эксперимент (илмий тажриба) ўтказиш; синов ўтказиб кўриш

– تَجْرِيبِيٌّ экспериментал, эксперимент (илмий тажриба)га оид

– جِرَابٌ ва جُرُبٌ *кўп.* أَجْرِبَةٌ 1) қоп, чипта; сумка, тўрва, халта, сафар халта; 3) ғилоф, қин; (الْمُسَدَّسِ) الْفَرْدِ ~ тўппонча қини, кобура; 3) *анат.* мояк халтаси

جُرَابٌ[1] *кўп.* جَوَارِبُ, جُرَابَاتٌ пайпоқ

– جُرَابٌ[2] Маккаи мукаррамадаги сувнинг номи

– جَرَبٌ 1) қичима, қўтир; қора қўтир, қотган яра; қирчанғи; ~ الْحَلَّاقِينَ *мед.* паразитар, сикоз (*тери касалликларидан бири*); қасмоқ

– جَرِبٌ *кўп.* جِرَابٌ қичима (қўтир)га оид; қора қўтир босган; қўтир; қирчанғи, ҳариш; кал; ёмон, ярамас, чатоқ, расво

– جَرْبَانُ *кўп.* جَرْبَى 1) *қар.* جَرِبٌ; 2) ўнгиб кетган, айниган, оқариб кетган, ранги ўчган

– جَرْبَةٌ дала, пайкал, экин экиладиган ер

– جَرِيبٌ *кўп.* أَجْرِبَةٌ жариб (100 قَصَبَةٌ مُرَبَّعَةٌ *га ёки 1260 - 1592* $м^2$ *га тенг майдон ўлчови*)

– جُرَيْبٌ *анат.* фолликул (*умуртқали ҳайвонлар ва одамнинг турли хил аъзоларидаги юмалоқ, тухумсимон ёки ноксимон безлар, тўқималар*)

– مُجَرِّبٌ 1. бошидан кечирувчи; 2. 1) синовчи; 2) васваса қилувчи, йўлдан оздирувчи

– مُجَرَّبٌ синалувчи, текшириладиган; тажриба учун чиқарилган, тайёрланган

جِرَبَنْدِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ов халтаси (тўрваси), илвасин халта

جَرْبُوعٌ *кўп.* جَرَابِيعُ жарбуа (*Африка қўшоёғи*); 2) дайди, дарбадар, мискин

جَرْثَمَ бактериялар юқтирмоқ; تَجَرْثَمَ эмбрионлик (муртаклик) ҳолатида бўлмоқ, туғилмоқ, дунёга келмоқ

– جَرْثَمَةٌ бактериялар билан заҳарланиш

– جُرْثُومَةٌ *кўп.* جَرَاثِيمُ 1) ўзак, илдиз, асос; 2) эмбрион, пушт, ҳомила; уруғ; جَرَاثِيمُ الذَّكَرِ ёки جَرَاثِيمُ مَنَوِيَّةٌ *биол.* эркак уруғининг ҳужайраси, сперматазоид; 3) микроб, бактерия (*микроскоп орқалигина кўринадиган жуда майда жонивор*); حَرْبُ الْجَرَاثِيمِ бактериологик уруш; عِلْمُ الْجَرَاثِيمِ бактериология (*бактериялар ҳақидаги фан*)

– جُرْثُومِيٌّ бактерияларга оид; бактериологик; الْحَرْبُ الـ~ـةُ бактериологик уруш

مُجَرْثَمٌ бактериялар билан заҳарланган

(جرج) II جَرَّجَ (*машинани*) гаражга қўймоқ

– جَرَاجٌ *кўп.* ـَاتٌ — гараж

جَرْجَاوِيٌّ 1. Жарж вилоятида яшовчи; 2. Жарж вилоятида яшайдиган одам, жаржлик

جَرْجَرَ 1) гулдирамоқ, қалдирамоқ, гумбурламоқ; шовқин солмоқ; ~ الْمَاءَ فِي حَلْقِهِ томоқ чайқамоқ (ғарғара қилмоқ); 2) зўрға-зўрға судрамоқ, тортмоқ; ~ قَدَمَيْهِ (رِجْلَيْهِ) مِنْ شِدَّةِ الْعَنَاءِ *ёки* ~ نَفْسَهُ مِنْ شِدَّةِ الْعَنَاءِ чарчаганидан оёғини зўрға-зўрға судрамоқ; ~ وَرَاءَهُ сабаб (боис) бўлмоқ; ...га олиб бормоқ (келмоқ)

جَرْجَارٌ – *бот.* кресс-салат (*Zeridium sativum - гўштли овқатларга салат тарзида ишлатилади*); ~ الْمَاءِ сув кресси; ~ بَرِّيٌّ ёввойи кресс

جَرْجِيرٌ – *жам.* дуккакли ўсимликлар (ловия, нўхат ва ш.к.); ~ مِصْرِيٌّ люпин, бўри дуккак (*ўтсимон ўсимлик*)

جَرْجَرَةٌ – 1) гулдураш, гумбурлаш, қалдираш; шовқин; 2) чўзиш, кирялаш, (*тобора кичраядиган қатор тешиклардан ўтказиб ингичкалаш*)

جَرْجَارٌ = جَرْجِيرٌ –

I جَرَحَ (а) جَرْحٌ 1) ярадор қилмоқ, жароҳатламоқ; 2) ҳақорат қилмоқ, қораламоқ, ёмонламоқ, шарманда қилмоқ; ~ الشَّهَادَةَ гувоҳ кўрсатмаларини рад қилмоқ (тан олмаслик); ~ اِسْمَهُ бирор кимни обрўсизлантирмоқ; 3) амалга оширмоқ, ҳосил қилмоқ, бажармоқ; II جَرَّحَ 1) қаттиқ ярадор қилмоқ, ҳамма ёғини жароҳатлаб ташламоқ; 2) (*бирор н. нинг*) ҳақиқат эканлигига шубҳаланмоқ, ҳақиқат деб топмаслик; (*гувоҳ кўрсатмаларини*) рад этмоқ; (*гувоҳни*) рад қилмоқ, тан олмаслик; V تَجَرَّحَ қаттиқ ярадор бўлмоқ, ҳамма ёғи жароҳатлаб ташланган бўлмоқ; VII اِنْجَرَحَ ярадор бўлмоқ, жароҳатланмоқ; VIII اِجْتَرَحَ яратмоқ, амалга оширмоқ; ~ السَّيِّئَاتِ бирор ножўя (ёмон) иш қилиб қўймоқ; ~ الْعَجَائِبَ мўъжиза яратмоқ

تَجْرِيحٌ – 1) жароҳат етказиш, жароҳатлаш; 2) ҳақоратлаш; 3) (*гувоҳ кўрсатмаларини*) рад қилиш; (*гувоҳни*) рад этиш

جَارِحٌ – 1) жароҳатловчи; 2) ҳақоратли; 3) аччиқ, ўткир, ачиштирадиган; 4) йиртқич (*ҳайвонлар ва қушлар тўғрисида*)

جَارِحَةٌ – *кўп.* جَوَارِحُ 1) аъзо, орган; қисм, бўлак; بِكُلِّ جَوَارِحِهِ бутун вужуди билан, ўта даражада; 2) йиртқич қуш

جَرَّاحٌ, جَرَائِحِيٌّ – жарроҳ, хирург

جِرَاحَةٌ[1] – *кўп.* جِرَاحٌ, جِرَاحَاتٌ жароҳат, яра

جِرَاحَةٌ[2] – жарроҳлик (хирурглик) касби, хирургия, жарроҳлик; ~ التَّجْمِيلِ пластик жарроҳлик, қайта тиклаш жарроҳлиги; غُرْفَةُ الْـ~ жарроҳлик (операция) хонаси; مَائِدَةُ الْـ~ жарроҳлик (операция) столи

جِرَاحِيٌّ – 1. жарроҳликка оид; عَمَلِيَّةٌ ~ـةٌ жарроҳлик операцияси; 2. жарроҳ, хирург

جُرْحٌ – *кўп.* جِرَاحٌ, جُرُوحٌ жароҳат, яра; кесилган, (тилинган) жой

جَرِيحٌ – *кўп.* جَرْحَى ярадор, жароҳатланган, яраланган

مَجْرُوحٌ – *кўп.* مَجَارِيحُ мажруҳ, ярадор

I جَرَدَ (у) جَرْدٌ (جرد) 1) яланғочламоқ, ечинтирмоқ; 2) тозаламоқ, кетказмоқ, пўстини шилмоқ; 3) (н. *дандир*) маҳрум қилмоқ (مِنْ); 4) ҳисоб-китоб қилмоқ, рўйхат тузмоқ, инвентаризация (*бор н. ларнинг рўйхатини*) қилмоқ; جَرِدَ (а) جَرَدٌ 1) яланғоч бўлмоқ, бий дала бўлмоқ; 2) пўст ташламоқ, тулламоқ, ранги ўчмоқ; II جَرَّدَ 1) яланғочламоқ, ечинтирмоқ; ~ السَّيْفَ қиличини яланғочламоқ; 2) пўстини (терисини) шилмоқ, арчмоқ; 3) (н. *дандир*) маҳрум қилмоқ (مِنْ); ~هُ مِنَ الْجِنْسِيَّةِ бирор кишини фуқароликдан (гражданликдан) маҳрум қилмоқ; ~هُ مِنَ الْحُقُوقِ бирор кишини ҳуқуқлардан маҳрум қилмоқ; ~هُ مِنَ الرُّتْبَةِ бирор кишини унвонидан (мавқеидан) маҳрум қилмоқ; ~هُ مِنَ السِّلَاحِ бирор кишини қуролсизлантирмоқ; ~ مِنَ الْمُلْكِ мулкдан (мулкчилик ҳуқуқидан) маҳрум қилмоқ; ~ نَفْسَهُ الْمُعِدَّاتِ демонтаж қилмоқ, бузмоқ, қисмларга ажратмоқ; ~ مِنْ ... (*бирор н. дан*) ўзини халос (озод) этмоқ; (*бирор н. дан*) бош тортмоқ, бўйин товламоқ; 4) экспедицияни ташкил этмоқ, топшириқ билан юбормоқ, жўнатмоқ, юриш уюштирмоқ; (*н. учун ёки бирор к. га қарши*) сафарга тайёрламоқ (لِـ, عَلَى); 5) абстрактлаштирмоқ, мавҳумлаштирмоқ; V تَجَرَّدَ 1) яланғочланмоқ, ечинмоқ; 2) (*бирор н. дан*) халос (озод) бўлмоқ (مِنْ, عَنْ); эга бўлмаслик, (н. *дандир*) маҳрум бўлмоқ (عَنْ); 3) (н. *ғадир*) бутун борлиғини бахш этмоқ (لِـ); 4) абстракцияланмоқ (н. , *воқеа, ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини фикран бир чеккага қўйиб туриб қаралмоқ*); (عَنْ); VII اِنْجَرَدَ 1) ўт-ўлансиз бўлиб қолмоқ, ечинтирилган, яланғочланган бўлмоқ (н. *дир ҳақида*); 2) тулламоқ (*ҳайвонлар тўғрисида*); 3) тўзимоқ, эскирмоқ (*кийим ҳақида*)

أَجْرَدُ – *мн.* جَرْدَاءُ *кўп.* جُرْدٌ 1) яланғоч, қип-яланғоч; баргсиз, ўт-ўлансиз; 2) ўсимликдан маҳрум бўлган; الْجَرْدَاءُ унумсиз ер, ориқ ер; 3) сочсиз, туксиз, кал

أَجْرُودٌ – *халқ.* соқол-мўйловсиз (*юз ҳақида*)

تَجَرُّدٌ – манфаатдор бўлмаслик, холислик, бетарафлик, яланғочлик

تَجْرِيدٌ – 1) яланғочлаш; 2) пўстни, пўстлоқни шилиш; 3) (н. *дандир*) маҳрум бўлиш, ажралиш (مِنْ); ~ مِنَ السِّلَاحِ қуролсизланиш; демилитаризация, қуролсизлантириш, қуролли куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум этиш; 4) экспедицияни жўнатиш, юбориш; сафарга тайёрлаш; 5) абстрактлаштириш, мавҳумлаштириш; абстракция; مَذْهَبُ الْـ~ абстракционизм (*тасвирий санъатда: реал н. ларни мавҳум шакллар билан тасвирлаш тарафдори бўлган формалистик оқим*); 6) демонтаж, бузиш, қисмларга ажратиш; 7) беғаразлик, холислик

تَجْرِيدَةٌ – *кўп.* ~اتٌ ҳарбий отряд (гуруҳ)

تَجْرِيدِيٌّ – абстрактликка оид; абстракт, мавҳум; абстракционист (*абстракционизм тарафдори бўлган рассом*); الرَّسْمُ الْـ~ абстракт расм; الْفَنُّ الْـ~ абстракт санъат; لَوْحَةٌ ~ـةٌ абстракт сурват

– تَجْرِيدِيَّةٌ абстракционизм

– جَرَادٌ *жам.* чигирткалар; نَطَّاطٌ ~ сакровчи чигирткалар; ~ الْبَحْرِ амарлар (*катта денгиз тошбақалари*)

– جَرَادَةٌ *кўп.* اتٌ — чигиртка

– جُرَادَةٌ ёғочнинг (дарахтнинг) пўстлоғи

– جَرْدٌ [1] 1) ҳисоб-китоб; тафтиш, текшириш; الـ~ السَّنَوِيُّ йиллик ҳисоб-китоб (*савдо моллари ҳақида*); قَائِمَةُ الـ~ инвентарлар рўйхати; 2) рўйхат, реестр

– جَرْدٌ [2] *кўп.* جُرُودٌ эски қалин жун рўмол (*тиззага ёпиб қўйилади*)

– جَرَدٌ *кўп.* أَجَارِدُ ялангоч, ўсимлигидан маҳрум бўлган ер, бий дала

– أَجْرَدُ 1) ялангоч; 2) соқол-мўйловсиз; бий

– جَرِيدٌ *жам.* ялангоч, баргсиз хурмо шохлари

– جَرِيدَةٌ [1] *кўп.* اتٌ — хурмонинг баргсиз шохи

– جَرِيدَةٌ [2] *кўп.* جَرَائِدُ 1) жарида, газета; الـ~ الرَّسْمِيَّةُ ярим расмий орган (*расман ҳукумат органи бўлмаса ҳам, амалда унинг фикрини тарқатувчи матбуот органи*); الـ~ الشَّبِيهَةُ بِالرَّسْمِيَّةِ ярим расмий газета; الـ~ الْيَوْمِيَّةُ кундалик жарида, газета; 2) рўйхат

– مِجْرَدٌ *кўп.* مَجَارِدُ чўтка; ~ الأَسْنَانِ тиш чўткаси

– مُجَرَّدٌ 1) ялангоч; ~ شَاهٌ (مَلِكٌ) *шахм.* ёлғиз қолган шоҳ; 2) оддий, содда; بِعَيْنٍ ~ةٍ оддий кўз билан; ~ التَّشَابُهِ фақат ўхшашликнинггина борлиги; 3) (н. *дандир*) маҳрум бўлган, айрилган (مِنْ); مِنْطَقَةٌ ~ةٌ مِنَ السِّلَاحِ демилитаризация қилинган (*қуролли куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум бўлган*) минтақа; 4) реал воқеликдан йироқ бўлган, мавҳум, абстракт; بِصُورَةٍ ~ةٍ абстракт равишда; 5) *грам.* бошланғич, дастлабки; ~ فِعْلٌ феълнинг биринчи боби; ◊ ~ بِـ ... а) шунга мувофиқ ...., фақат шугина, ...; б) шу заҳоти, ...дан кейиноқ; بِـ~ عَوْدَتِهِ қайтиб келганидан кейиноқ; هٰذَا ~ وَهْمٍ бу фақат хом хаёл, алданиш

– مُجَرَّدَاتٌ *кўп.* мавҳумот, мавҳумликлар

جَرْدَقٌ *кўп.* جَرَادِقُ жардак (*юмалоқ нон*)

جَرْدَلٌ *кўп.* جَرَادِلُ челак, пақир

جِرْذَوْنٌ, جُرَذٌ *кўп.* جُرْذَانٌ каламуш

جَرَزٌ *ёки* جُرُزٌ ўт чиқмайдиган ёки ўти еб тугатилган ер

– جُرُزٌ ўсимлик ўсмайдиган, битмайдиган; أَرْضٌ ~ةٌ ҳеч нарса битмайдиган ер

– جُرْزَةٌ боғ, боғлам, даста; ~ الْحَطَبِ ўтин боғлами (боғи, дастаси)

I جَرَسَ (*и*) جَرْسٌ 1) янграмоқ, жарангламоқ, жиринглмоқ; II جَرَّسَ 1) (к., *нидир*) бадном қилмоқ, шарманда қилмоқ (بِ); (к. *билан дир*) жанжал кўтармоқ (بِ); 2) тажрибали қилмоқ, синовдан ўтган қилмоқ; IV أَجْرَسَ: ~ الطَّائِرُ қушнинг овози эшитилди; V تَجَرَّسَ бадном қилинган бўлмоқ, шарманда қилинган бўлмоқ

– جَرْسٌ 1) садо, янграш; овоз; الـ~ سَلِيمُ *ёки* عَذْبُ الـ~ ёқимли, хушовоз; ~ الْمَاءِ сувнинг шилдираши; 2) жаранг, жиринг

– جَرَسٌ *кўп.* أَجْرَاسٌ қўнғироқ; жом; ~ الْخَطَرِ бонг садоси; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр қўнғироғи; ~ يَدٍ қўл қўнғироғи; دَقَّ الـ~ қўнғироқ чалмоқ; أَفْعَى ذَاتُ الأَجْرَاسِ шақилдоқ илон (*тропикларда яшайдиган заҳарли илон*); عَلَّقَ الـ~ عَلَى رَقَبَةِ الْقِطِّ қўлга ўргатиб олмоқ (*ҳайвон ва қушлар ҳақида*)

– جُرْسَةٌ *кўп.* جُرَسٌ жанжал; بَلَاشْ ~! *халқ.* жанжаллашма!

– جُرْسِيٌّ *кўп.* جُرْسِيَّةٌ жанжалкаш

– جُرَيْسَةٌ *кўп.* اتٌ — *бот.* қўнғироқ гул

جَرْسُونٌ *кўп.* اتٌ — жарсун (гарсун), официант

I جَرَشَ (*у*) جَرْشٌ туймоқ, янчмоқ, тортмоқ (*тегирмонда унни*); майдаламоқ; ёрма қилиб майдаламоқ

– جَارُوشَةٌ *кўп.* جَوَارِيشُ тош тегирмон (*дон-дунни майдалаш, тортиш учун*)

– جَرْشٌ *кўп.* أَجْرَاشٌ ғарч-ғурч, ғижирлаш; шақир-шуқур, шақирлаш

– جَرِيشٌ 1. талқон қилинган; 2. ёрма, крупа

– مِجْرَشَةٌ *кўп.* مَجَارِشُ майдалагич, майдалаш асбоби, ёрма тортадиган жувоз; жувозхона

– مَجْرُوشٌ майдаланган; талқон қилинган

I جَرِضَ (جرض) جَرَضٌ (*у*) جَرَضٌ (*а*) جَرِضَ (н. *дандир*) бўғмоқ; нафас қисилмоқ (بِ); (н. *билан дир*) бўғилмоқ, бўғилиб қолмоқ (بِ); ~ بِرِيقِهِ *маж.* қаттиқ ҳаяжонланган бўлмоқ (*сўзма-сўз:* сўлакайдан бўғилмоқ); IV أَجْرَضَ бўғмоқ

– جَرِيضٌ томоққа бир нарса туриб қолгандаги бўғилиш; حَالَ الـ~ دُونَ الْقَرِيضِ *мқл.* мен куяман десам, у куламан дейди

I جَرِعَ (*а*) جَرْعٌ *ёки* جَرَعَ (*а*) جَرْعٌ ичмоқ, ютмоқ; батамом, охиригача ичмоқ, бир кўтаришда ичмоқ, сипқармоқ; II جَرَّعَ ичдирмоқ, юттирмоқ; V تَجَرَّعَ қултумлаб, ҳўплаб ичмоқ; ~ غُصَصَ الْغَيْظِ ғазабини ичига ютмоқ; VIII اِجْتَرَعَ = I

– أَجْرَعُ *кўп.* أَجَارِعُ ялангоч, бий қумли ер

– جُرْعَةٌ, جَرْعَةٌ *кўп.* جُرَعٌ 1) қултум, ҳўплам; 2) дори дозаси, ўлчови, миқдори; تَقْدِيرُ الـ~ ўлчаш, миқдорини белгилаш, дозага ажратиш

I جَرَفَ (*у*) جَرْفٌ 1) кураб ташламоқ; 2) бузиб кетмоқ, олиб кетмоқ (*сув, сел ҳақида*), ювиб кетмоқ; II جَرَّفَ ўзи билан олиб кетмоқ, ювиб кетмоқ, уриб кетмоқ (*сел ҳақида*); VII اِنْجَرَفَ бузиб

кетиладиган бўлмоқ, олиб кетиладиган бўлмоқ; VIII اجْتَرَفَ = I

– جَارُوفٌ *кўп.* جَوَارِيفُ 1) белкурак, курак, бел; куракча (*ахлат учун*), хокандоз; 2; ковш, чўмич (*экскаватордаги*)

– جَرَّافَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) сихмола; 2) хаскаш; 3) балчиқолгич (*сув ҳавзаларини чуқурлаштириб, лойқа-балчиқларни чиқариб ташлайдиган машина*)

– جُرْفٌ *кўп.* جُرُوفٌ, أَجْرُفٌ тик қоя; тик нишоблик; тик қирғоқ; чет; қирғоқ; الـ~ُ القَارِّيُّ континентал шельф (*денгизнинг қуруқликка яқин нисбатан саёз қисми*)

– جُرُفٌ сел олиб (ювиб) кетган жой

– جَرُوفٌ = جَارُوفٌ

– مِجْرَفَةٌ *кўп.* مَجَارِفُ 1) белкурак, курак, бел; куракча, хокандоз; 2) хасхаш

جَرَمَ I (*u*) جَرْمٌ 1) гуноҳ қилмоқ, гуноҳкор бўлмоқ; жиноят содир этмоқ; 2) эга бўлмоқ, ишлаб топмоқ, ҳосил қилмоқ; II جَرَّمَ 1) жиноят содир этишда айбламоқ; жиноятчи деб эълон қилмоқ; жиноятчи деб ҳисобламоқ; 2; жарима солмоқ (*сўл.* غَرَّمَ); IV أَجْرَمَ жиноят содир этмоқ; жиноятчи бўлмоқ; V تَجَرَّمَ (к. *нидир*) жиноятда айбламоқ (عَلَى); VIII اجْتَرَمَ жиноят содир этмоқ

– إِجْرَامٌ жиноий фаолият; жиноят; أَسْلِحَةُ الـ~ жиноят содир этилган қурол; عِلْمُ الـ~ криминалистика (*жиноий ишларни текшириш усули, тактикаси ва техникаси ҳақидаги юридик фан*)

– إِجْرَامِيٌّ жиноятга оид, жиноий, криминал; الأَعْمَالُ الـ~ـةُ жиноий ҳаракатлар

– تَجْرِيمٌ жиноятда айблаш; قَرَارُ الـ~ айблов қарори; жиноят содир этишда айблаш

– جَرْمٌ *кўп.* جُرُومٌ 1) кема; қайиқ; барка (*юк ташийдиган ясси дарё кемаси*); 2) ҳажм, миқёс, ўлчов

– جُرْمٌ *кўп.* جُرُومٌ, أَجْرَامٌ гуноҳ; жиноят; وَلَا ~ أَنْ ... ҳеч нарса эмаски, ҳеч киси йўкки ...; ◊ لَا ~ ... албатта, шак-шубҳасиз

– جِرْمٌ *кўп.* أَجْرَامٌ жисм; الأَجْرَامُ السَّمَاوِيَّةُ (الفَلَكِيَّةُ) осмон жисмлари

– جُرْمِيٌّ жиноятга оид; жиноий; أَدَوَاتٌ ~ـةٌ далиллар, исботлар, жиноят аломатлари

– جُرُومٌ *кўп.* иссиқ ўлкалар

– جَرِيمٌ 1). жуссаси катта одам; 2) бичими катта, баҳайбат; 3) айбдор, айбли; жиноий, жиноятkorона

– جَرِيمَةٌ *кўп.* جَرَائِمُ жиноят; الـ~ُ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий жиноят; ~ ضِدَّ الإِنْسَانِيَّةِ инсониятга қарши жиноят; ~ كُبْرَى (عُظْمَى) қаттиқ жиноят

– مُجْرِمٌ 1. жиноятга оид, жиноий; 2. жиноятчи; ~ُ الحَرْبِ ҳарбий жиноятчи; تَسْلِيمُ المُجْرِمِينَ жиноятчиларни топшириш (бериш)

جَرْمَانُ *жам.* германлар (*марказий, ғарбий ва ғарби-жанубий Оврупода яшаган қадимий элатларнинг умумий номи*); Германия аҳолиси, немислар

– جَرْمَانِيٌّ 1. Германияга оид; немисларга оид; اللُّغَةُ الـ~ـةُ немис тили; 2. немис, герман

جُرْمُوزٌ *кўп.* جَرَامِيزُ саккизоёқнинг пайпаслагичлари (*қўллари ёки оёқлари*)

جَيْرُونُ Дамашқ дарвозаларидан бирининг номи

جُرْمُوقٌ оёқ кийими

جَرَنَ II (جرن) бир тўп қилиб йиғмоқ

– جِرَانٌ *кўп.* أَجْرِنَةٌ (*туянинг*) кўкраги, сийнаси; ◊ أَلْقَى عَلَيْهِ ~ـهُ а) бирор нимага кўникмоқ; б) бирор нарса устига ташланмоқ; ضَرَبَ ~ мустаҳкамланмоқ, маҳкам бўлиб олмоқ

– جُرْنٌ *кўп.* أَجْرَانٌ 1) резервуар (*суюқлик ёки газ сақланадиган катта идиш*); бассейн, сунъий ҳовуз; кўл; 2) ҳовонча; 3) хирмон, омбор; усти берк хирмон

– جُرْنَةٌ *кўп.* جُرَنٌ (*Сурияда*) ёрон гул, атиршоҳ

– جَرِينٌ хирмон, омбор; усти берк хирмон

جُرْنَالٌ *кўп.* جُرْنَالَاتٌ, جَرَانِيلُ журнал; газета

جَرْوٌ, جُرْوٌ *ёки* جِرْوٌ *кўп.* جِرَاءٌ, أَجْرٍ, أَجْرِيَةٌ кучук, итнинг боласи; ҳайвонларнинг янги туғилган, онасидан ажралмаган боласи

– جِرْوٌ *ёки* جِرْوَةٌ тарранинг кичкинаси

جَرُوتٌ жарут (*кулолчиликда ишлатиладиган асбоб*)

جَرَى I (*u*) جَرْيٌ, جَرَيَانٌ 1) югурмоқ; عَلَى أَرْبَعٍ ~ тўрт оёқлаб югурмоқ; 2) эсмоқ; لَا تَجْرِي الرِّيَاحُ كَمَا تَشْتَهِي السُّفُنُ *мқл.* мен қиламан ўттиз, тангрим қилади тўққиз (*сўзма-сўз:* шамол ҳеч кемалар хоҳлагандай эсмайди); 3) оқмоқ; 4) содир бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ; كَمَا تَجْرِي العَادَةُ بِذَلِكَ бу одатдагидай бўлиб ўтмоқда; 5) муомалада бўлмоқ; يَجْرِي هَذَا المَثَلُ عَلَى أَلْسِنَةِ النَّاسِ бу мақол ҳамманинг оғзида; 6) (н. *нидир*) қидирмоқ, қўлга киритмоқ (عَلَى); 7) (к. *ҳақдадир*) қайғурмоқ, ғамхўрлик қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَى عَائِلَتِهِ оила ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; II جَرَّى 1) югуртирмоқ, югуришга мажбур қилмоқ; 2) оқизмоқ, оқтирмоқ, оқишга мажбур қилмоқ; ~ رِيقَهُ جَرْيًا унинг сўлаклари оқиб кетди; 3) вакил қилиб белгиламоқ, элчи қилиб жўнатмоқ; III جَارَى 1) тепла-тенг, бир вақтда кетмоқ (*бирор к. билан*) тенглашмоқ; 2) тақлид қилмоқ, ўхшамоқ; 3) рақобат қилмоқ, мусобақалашмоқ; 4) (н. *биландир*) келишмоқ (فِي); IV أَجْرَى 1) югуртирмоқ, югуришга мажбур қилмоқ; ~ القَلَمَ فِي وَرَقَةٍ *маж.* варақ устига ёзмоқ; 2) оқизмоқ, оқтирмоқ, оқишга мажбур қилмоқ; 3) амалга оширмоқ, ижро этмоқ; бажармоқ, ишлаб чиқармоқ; ўтказмоқ; ~ المُحَادَثَاتِ مَعَ ... бирор ким билан музокаралар олиб бормоқ; ~ التَّجْرِبَةَ тажриба ўтказмоқ; ~ التَّحْقِيقَ فِي ... терговни ... бўйича олиб бормоқ; ~ عَمَلِيَّةً جِرَاحِيَّةً жарроҳлик ишини бажармоқ, операция қилмоқ; ~ عَلَيْهِ قِصَاصًا бирор кимни жазоламоқ; 4) (к. *ғадир жазо*) белгиламоқ, тайинламоқ (عَلَى); (к. *ғадир*) (зарар) етказмоқ, зиён келтирмоқ

X (عَلَى) VI تَجَارَى ўзаро рақобат қилмоқ, кимузди ўйнамоқ; X اِسْتَجْرَى вакил қилиб белгиламоқ, элчи қилиб жўнатмоқ

– إِجْرَاءٌ кўп. إِجْرَاءَاتٌ 1) ижро этиш, бажариш; ~ الْوَظِيفَةِ ўз вазифасини бажариш; 2) процедура, бажариладиган иш тартиби; расмий маросим; 3) кўп. а) чоралар; тадбир; اِتَّخَذَ إِجْرَاءَاتٍ чоралар кўрмоқ; б) расмиятчиликлар; قَامَ بِالْإِجْرَاءَاتِ расмиятчиликларни бажармоқ; اِتَّخَذَ الْإِجْرَاءَاتِ الْقَانُونِيَّةَ жиноятни очиш ва айбдорни фош қилиш юзасидан қонунда кўрсатилган ҳаракатлар мажмуини бошламоқ

– إِجْرَائِيٌّ 1) ижрочи, ижро этувчи, амалга оширувчи, бажарувчи; السُّلْطَةُ الـ~ـةُ ижро этувчи ҳокимият; 2) турли процедураларга оид; процессга (суд ишига) оид; процессуал

– جَارٍ мн. جَارِيَةٌ 1) югурувчи, югураётган; 2) жорий; السَّنَةُ الْجَارِيَةُ жорий йил; الشَّهْرُ الْجَارِي жорий (ҳозирги) ой, الْحِسَابُ الْجَارِي жорий ҳисоб; كَجَارِي الْعَادَةِ худди одатдагидек, одатдагидек

– جَارِيَةٌ[1] кўп. جَوَارٍ 1) жория, асира, тутқин, қул аёл, чўри; 2) хизматкор аёл, оқсоч; أَبْنَاءُ السِّتِّ وَأَبْنَاءُ الْجَارِيَةِ маж. аслзодалар ва оддий халқ (сўзма-сўз: бек ойим болалари ва хизматкор аёл болалари); 3) қиз; 4) қуёш

– جَارِيَةٌ[2] кўп. جَارِيَاتٌ، جَوَارٍ кема; ~ بِالرِّيحِ елканли кема

– جِرَاءٌ ёки جِرَايَةٌ = جِرَاءٌ

جَرَّاءٌ: مِنْ جَرَّاءِ ذٰلِكَ бунинг натижасида, бунинг оқибатида, шу сабабли, шунинг учун; ... مِنْ جَرَّاءِ أَنْ ... бўлганлиги сабабли; جِرَاءٌ сол. қар. جِرْوٌ

– جَرَّاءٌ чопувчи, югурувчи

– جِرَايَةٌ[1] кўп. ـاتٌ — тегиш, паёк (маълум вақтга белгили миқдорда бериладиган озиқ-овқат); натура (пул ўрнига тўланадиган мол, маҳсулот) ҳақи; ~ عَيْشٌ паст навли нон; نِظَامُ الْجِرَايَاتِ عَلَى الْخُبْزِ нон олиш учун жорий қилинган карточка системаси (тизими)

– جِرَايَةٌ[2] ёшлик, йигитлик, ўспиринлик

– جَرْيٌ 1) чопиш, югуриш; ... ذَهَبَ ~ًا إِلَى (бирор ёққа) югуриб кетмоқ; ... عَادَ ~ًا إِلَى югуриб қайтмоқ; 2) жараён; ... ~ًا عَلَى مَا шунга мувофиқ, ...га кўра

– جَرِيٌّ вакил, элчи

– جِرِّيٌّ кўп جَرَارِيُّ денгиз илонбалиғи

– جَرَيَاتٌ кўп. воқеалар, ҳодисалар

– جَرَيَانٌ жараён, оқим; سَرِيعُ الـ~ шиддатли, тез, илдам, жадал (оқим, жараён ва б. лар ҳақида); ~ الْبَطْنِ мед. ич кетиши, ичбуруғ, дизентерия

– جِرْيَةٌ 1) ҳаракат (оқим) усули (тури); سَرِيعُ الـ~ шиддатли, тез, илдам, жадал (оқим, жараён ва б. ҳақида); 2) отнинг бирор хил юриши (мас., йўрғалаш, пўкиллаш ёки чопиш ва б. лар)

– جَرَيَاتٌ = кўп. مَاجَرَيَاتٌ

– مُجَارَاةٌ 1) тақлид қилиш; 2) (югуриш ва б. ларда) мусобақалашиш; ... ~ لِـ... ... билан мос ҳолда; ...га мувофиқ

– مَجْرًى кўп. مَجَارٍ 1) ўзан, дарё йўли; йўл; оқим (сув ҳақида); йўналиш (шамол ҳақида); ~ الْهَوَاءِ дудбура кучи; елвизак; مَجَارِي الْمَاءِ дренаж қувури; الْمَجَارِي الْبَوْلِيَّةُ сийдик йўллари; مَجَارِي التَّنَفُّسِ нафас йўллари; شَبَكَةُ مَجَارٍ канализация (ахлат, чиқинди ва ёғин сувлари оқизиладиган қувурлар тизими); الْمَجَارِي канализация тармоғи; 2) бориш, ривожланиш (воқеалар ҳақида); ◊ وَمَا يَجْرِي هٰذَا الْـ~ ва шу кабилар; جَرَتْ مَجْرَاهُ қиз ҳам худди ўша йигитдай иш тутди

– مُجْرَيَاتٌ кўп. = جَرَيَاتٌ؛ ~ الْأَحْدَاثِ воқеаларнинг бориши (ривожланиши)

جِرْيَالٌ май, шароб, вино; ~ الْخَمْرِ майнинг ранги; ~ الذَّهَبِ олтиннинг қизил ранги

جَزَّ I (а/у) جَزٌّ 1) қирқмоқ, кесмоқ; 2) сочини (жунини) олмоқ; 3) ўрмоқ (буғдойни); IV أَجَزَّ: ~ الْبُرُّ буғдой ўриш вақти бўлди; ~ النَّخْلُ хўрмони буташ вақти бўлди; ~ الْغَنَمُ қўйнинг жунини олиш вақти бўлди; VIII اِجْتَزَّ = I

– جِزَازٌ (қўйнинг) жунини олиш

– جَزَّازٌ жун (юнг) олувчи, юнгтарош, гўспантарош

– جُزَازَةٌ кўп. جُزَازٌ، جُزَازَاتٌ (газетадан) қирқиб олинган нарса; карточка (мас., кутубхонадаги); ўрилган буғдойнинг тушиб қолгани, териб олинадиган бошоқ

– جِزَّةٌ кўп. جِزَزٌ (қўй) жунини олиш; ~ مِنَ الصُّوفِ қирқиб олинган жун

– مِجَزٌّ кўп. مَجَازُّ жун (юнг) олиш қайчиси

– مَجْزُوزٌ 1) жуни олинган; 2) кесилган, қирқилган

جَزَأَ I (а) جَزْءٌ 1) бир қисмини ажратмоқ, жузвламоқ; бўлмоқ; 2) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, (н. билан дир) қониқмоқ (بِ); II جَزَّأَ бўлиб-бўлиб юбормоқ, жузвларга, бўлакларга ажратиб юбормоқ; майдаламоқ, парчаламоқ, майда бўлакларга ажратиб юбормоқ; дозаламоқ, дозаларга бўлмоқ; لَا يُمْكِنُ أَنْ يُجَزَّأَ бўлинмас, ажралмас; V تَجَزَّأَ 1) бўлиниб-бўлиниб кетмоқ; майдаланмоқ, майда бўлакларга ажралмоқ; لَا يَتَجَزَّأُ бўлинмас, ажралмас; وَحْدَةٌ لَا تَتَجَزَّأُ ажралмас бирлик; 2) (бирор н. билан) кифояланмоқ (بِ); VII اِنْجَزَأَ бўлинган (ажралган) бўлмоқ; қисмларга, бўлакларга ажралмоқ; VIII اِجْتَزَأَ 1) (бир бутундан) бир қисмини олмоқ, ажратмоқ; 2) (н. дан дир) қисман ўзлаштирмоқ (مِنْ); 3) (н. билан дир) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, қониқмоқ (بِ)

– أَجْزَائِيٌّ аптекачи; фармацевт (дори тайёрловчи, доришунос)

– أجْزَاخَانَةٌ = أجْزَائِيَّةٌ

– أجْزَائِيٌّ = أجْزَاجِيٌّ *кўп.* أجْزَاجِيَّةٌ

– أجْزَاخَانَةٌ *кўп.* اتٌ — дорихона

– تَجْزَأَةٌ бўлиш, ажратиш, бўлиб-бўлиб юбориш

– تَجْزِئَةٌ бўлиш, ажратиш; майдалаш, қисмларга ажратиш; قَابِلُ الـ~ бўлинадиган, ажраладиган; غَيْرُ قَابِلِ الـ~ бўлинмас, ажралмас; قَابِلِيَّةُ الـ~ бўлиниш, ажралиш қобилияти; خَاصِّيَّةُ عَدَمِ الـ~ бўлинмаслик; بَيْعٌ بِالـ~ қисмларга бўлиб сотиш; تَاجِرُ الـ~ чакана савдогар

– جُزْءٌ *кўп.* أجْزَاءٌ жузв, бўлак, қисм; لاَ ~ *ёки* لاَ يَنْفَصِلُ عَنْهُ ~ 1) (*н. дандир*) ажралмас (бўлинмас) қисм (مِنْ); 2) Қуръони карим жузви (*ўттиздан бир қисми*)

– جُزْئِيٌّ 1) бир оз; ~اً қисман; 2) майда, озгина, арзимас; مَوَادُّ ~ةٌ *юр.* майда иш; مَحْكَمَةٌ ~ةٌ майда ишларни кўрадиган суд (маҳкама)

– جُزْئِيَّاتٌ *кўп.* 1) жузъий жиҳатлар; майда-чуйдалар; 2) иккинчи даражали тафсилотлар

– جُزْئِيَّةٌ жузъий томон (жиҳат)

– جُزَيْءٌ *кўп.* جُزَيْئَاتٌ заррача; *физ.* молекула

– مُجْتَزَأٌ алмаштириш, алмаштириб қўйиш

جُزْدَانٌ, جِزْدَانٌ *кўп.* اتٌ — жуздон, ҳамён, кармон

I جَزَرَ (*у, и*) جَزْرٌ 1) сўймоқ, ўлдирмоқ, (*ҳайвонни*) сўймоқ; 2) камаймоқ, озаймоқ, пасаймоқ (*сув тўғрисида*); ~ البَحْرُ денгизда сув орқага қайта бошлади; VII انْجَزَرَ 1) сўйилган бўлмоқ, ўлдирилган бўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); 2) пасаймоқ, озаймоқ (*сув тўғрисида*); ~ البَحْرُ денгизда сув орқага қайта бошлади; VIII اجْتَزَرَ сўймоқ; терисини шилмоқ, ажратмоқ

– جَازِرَةٌ сув чархпалаги

– جَزَائِرِيٌّ 1. 1) оролга оид; 2) Жазоир ва жазоирликларга оид; 2. 1) ороллик, оролда яшайдиган киши; 2) жазоирлик эркак, жазоирлик

– جَزَّارٌ қассоб

– جِزَارَةٌ қассоблик касби; қассоблик; 2) (*ҳайвонни*) сўйиш, бўғизлаш

– جَزْرٌ (*ҳайвонни*) сўйиш, бўғизлаш; 2) (*денгизда*) сувнинг орқага қайтиши; оз, озгина сув

– جَزَرٌ *жам.* 1) сабзи; رُومِيٌّ ~ *ёки* أبْيَضُ ~ пастернак (*ширин илдизли хушбўй ўт*); 2) гўшт; السِّبَاعِ ~ йиртқич ҳайвонлар ейдиган гўшт

– جَزَرَةٌ[1] *кўп.* اتٌ — сабзи илдизи (ўзаги)

– جَزَرَةٌ[2] жўмрак, жўмак, кран (*кичик бочкадаги*)

– جَزَرَةٌ қурбонликка аталган ҳайвон; қурбонликка аталган қўй

– جَزَرِيٌّ 1. оролга оид; 2. орол кишиси, ороллик

– جَزُورٌ *кўп.* جُزُرٌ сўйишга мўлжалланган ҳайвон

– جَزِيرَةٌ *кўп.* جَزَائِرُ, جُزُرٌ орол; شِبْهُ ~ ярим орол

– جُزَيْرَةٌ *кўп.* اتٌ — оролча, кичик (майда) орол

– مَجْزَرٌ *кўп.* مَجَازِرُ кушхона, қассобхона

– مَجْزَرَةٌ, مَجْزِرَةٌ *кўп.* مَجَازِرُ, اتٌ — кушхона, қассобхона; қирғин, хунрезлик; қонли жанг, қирғин уруш; بَارْتِيلِيمِيُّ ~ Варфоломей кечаси (*1572 йил 24 августга ўтар кечаси Парижда католиклар томонидан гугенотларга қарши уюштирилган қирғин*)

I جَزِعَ (*а*) جَزَعٌ, جُزُوعٌ 1) бетоқат бўлмоқ, сабрсиз бўлмоқ; 2) (*н. дандир*) ташвишланмоқ, хавотирланмоқ; қўрқмоқ, хавфсирамоқ (مِنْ); 3) (*к. нингдир*) ғамини чекмоқ (عَلَى); ~تْ نَفْسُهُ кўнгил айнимоқ (*кусиб юборгудай бўлмоқ*); جَزَعَ (*а*) جَزْعٌ кесиб ўтмоқ, кўндаланг қилиб кесмоқ; II جَزَّعَ кесиб бўлмоқ, кесиб қисмларга ажратмоқ; кесиб бўлакламоқ; V تَجَزَّعَ синмоқ, синиб кетмоқ; узилиб кетмоқ (*арқон, арғамчи ҳақида*)

– جَازِعٌ 1) бетоқат, сабрсиз; 2) безовта бўлган, ҳаяжонланган; ташвишланган; 3) қайғу-аламли, ғамгин, ғам (алам) чекаётган

– جَزْعٌ маржон ёки мунчоқ донаси

– جَزَعٌ сабрсизлик, бетоқатлик; 2) безовталик; ташвишланганлик; 3) қўрқиш, хавфсираш; чўчиш; ваҳима; 4) қайғу, ҳасрат, ғам-ғусса, дард-алам

– جَزِعٌ 1) сабрсиз, бетоқат, тиниб-тинчимаган, жонсарак; 2) безовта бўлган, ҳаяжонланган; ташвишга тушган, ташвишланган; 3) қўрқоқ, юраксиз; 4) ғам-ғусса чекувчи, дарду аламли

– جَزْعٌ *кўп.* أجْزَاعٌ *мин.* аникс (*ақиқнинг йўл-йўл, тарам-тарам тури*)

– جُزْعٌ ўқ; العَجَلَةِ ~ ғилдирак ўқи

– جِزْعٌ қиялик, нишаблик

– جَزُوعٌ сабрсиз, бетоқат; тиниб-тинчимаган, жонсарак

– مُجَزَّعٌ 1) ҳар хил бўлаклардан, парчалардан ташкил топган; мозаикага оид, қадама, қошинкор; мозаик; رُخَامٌ ~ мармар мозаика; 2) гулдор, ранг-баранг, рангли; وَرَقٌ ~ мармар қоғоз

I جَزَفَ (*у*) جَزْفٌ 1) кўтарасига (улгуржи) сотиб олмоқ; 2) ўйламасдан ҳаракат қилмоқ; таваккал қилмоқ, хавфли (қалтис) иш қилмоқ; III جَازَفَ 1) таваккал қилмоқ, хавфли (қалтис) иш қилмоқ (*н. нидир*) хавф остида қолдирмоқ (بِ); بِنَفْسِهِ ~ ўз ҳаётини хавф остида қолдирмоқ; 2) ўйламасдан қилмоқ, таваккал қилмоқ; فِي كَلاَمِهِ ~ ўйламасдан гапирмоқ

– جُزَافاً 1) бекор (га), беҳуда, ўринсиз, зоеъ, бефойда; 2) ўйламасдан, андиша қилиб ўтирмай, пала-партиш; تَكَلَّمَ ~ ўйламасдан гапирмоқ, палапартиш гапирмоқ; 3) тўғри келганича, таваккалига, ўйлаб-нетиб ўтирмай, оғизга келганини бўғизга ютмай

– جُزَافِيٌّ ўйланмаган, таваккалига қилинган; ўйламасдан иш тутадиган, енгилтак; ўзбошимчалик билан қилинган

– مُجَازِفٌ 1. ўйламасдан иш тутадиган, енгилтак; таваккал қилишга тайёр, хавфли (қалтис) иш қилишга тайёр; 2. авантюрачи, таваккалчи

– مُجَازَفَةٌ 1) ўйламасдан иш тутиш, таваккал қилиш; хавфлилик, таҳликалик; ноумидлик кайфияти, руҳий тушкунлик; 2) хавф-хатар, таҳлика; авантюра, таваккалчилик

I جَزُلَ (у) جَزَالَةٌ 1) мўл-кўл бўлмоқ, сероб бўлмоқ; 2) катта бўлмоқ; гапга чечан (уста) бўлмоқ, нотиқ бўлмоқ; IV أَجْزَلَ (к. гадир) қизғанмасдан, саҳийлик билан бермоқ (لِـ); ~ لَهُ التَّحِيَّةَ бирор кишини қизғин кутламоқ; ~ لَهُ الْعَطَاءَ кимгадир саҳийлик билан бермоқ

– جَزَالَةٌ 1) мўл-кўллик, сероблик, серобчилик, тўкин-сочинлик; 2) шунингдек ~ الْقَوْلِ сўзамоллик, гапга чечанлик; 3) буюклик, катталик, улканлик, улуғлик; чексизлик

– جَزْلٌ кўп. جِزَالٌ 1) мўл-кўл, сероб, тўкин-сочин; 2) катта; аллақанча, жуда кўп; 3) гапга чечан; сўзамол

– جَزْلَةٌ кўп. جِزَلٌ бўлак, парча

– جَزِيلٌ кўп. جِزَالٌ = جَزْلٌ; ~ الْاِحْتِرَامِ катта ҳурматга сазовор; ҳурматли, муҳтарам; ~ خَيْرٍ катта эзгулик; ~ا شُكْرًا катта раҳмат!; أَشْكُرُكُمْ شُكْرًا ~ا сизга катта раҳмат!, сиздан жуда миннатдорман!

– جُزْلَانٌ кўп. ـــ اتٌ ҳамён, кармон

I جَزَمَ (и) جَزْمٌ 1) кесмоқ, шартта кесиб қўймоқ, ажратиб (узиб, кесиб) қўймоқ, ажратмоқ, ажратиб турмоқ; 2) (н. нидир) ҳал қилмоқ, (н. ҳақдадир) қарор қабул қилмоқ (туш.к.); (н. гадир) жазм қилмоқ (عَلَى); 3) (бирор к. га) юкламоқ, топширмоқ (عَلَى); 4) (н. гадир) ишонч ҳосил қилмоқ, ишонмоқ (بِ); 5) грам. феълни шарт майлига қўймоқ

– جَازِمٌ 1. 1) ҳал қилувчи; қатъий, қатъиятли; 2) (н. гадир) ишонган (بِ); 2. кўп. جَوَازِمُ грам. шарт майли талаб қилувчи юклама

– جَزْمٌ 1) кесиш, қисқартириш; 2) қарор, тўхтам; 3) жазм, жазм қилиш; 4) грам. феълни шарт майлига қўйиш; ~ عَلَامَةُ الْــ ёки ~ـــة сукун белгиси

– جَزْمَانِيٌّ кўп. جَزْمَانِيَّةٌ этикдўз

– جَزْمَجِيٌّ кўп. جَزْمَجِيَّةٌ = جَزْمَاتِيٌّ

– جَزْمَةٌ кўп. جِزَمٌ, جَزْمَاتٌ ботинка; этик, ~ بِرِبَاطٍ ипли ботинка; ~ مَكْشُوفٌ қўнжсиз ботинка; ~ رِبَاطُ الْــ ип, шнур (ботинканики)

– مَجْزُومٌ 1) ҳал қилинган (н. ёки فِيهِ); 2). грам. а) сукун билан ҳаракатланган (ҳарф тўғрисида); б) шарт майлидаги (феъл)

جَزُونٌ газон

I جَزَى (и) جَزَاءٌ 1) қондирмоқ, қониқтирмоқ; 2) (н. нидир) тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ, қопламоқ (عَلَى); 3) (н. билан дир) мукофотламоқ (بِ); 4) ундириб олмоқ, тўлатмоқ, (н. учундир) жазоламоқ (عَلَى, بِ); 5) (к. нингдир) ўрнини босмоқ, ўринбосарлик қилмоқ (عَنْ); III جَازَى 1) тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ, қопламоқ; 2) мукофотламоқ, тақдирламоқ; 3) жазоламоқ; ҳайфсан бермоқ, жарима солмоқ; IV أَجْزَى 1) етарли бўлмоқ, қониқтирмоқ; 2) қулай бўлмоқ, фойдали бўлмоқ; (к. нидир) алмаштирмоқ (عَنْ); VI تَجَازَى: دَيْنًا ~ қарзни талаб қилмоқ

– جَزَاءٌ кўп. جَزَاءَاتٌ 1) жазо, ўч, қасос; هَذَا جَزَاؤُهُ ажаб бўпти-хўб бўпти! (сўзма-сўз; бу унинг жазоси!); 2) мукофот; 3) таъзир; ~ نَقْدِيٌّ жарима; ~ قَانُونُ الْــ жиноят қонуни, кодекси; ~ مِنْطَقَةُ الْــ спорт. жарима майдончаси; 4) санкция, розилик, рухсат; 5) شَرْطٌ وَ~ грам. шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош ва эргаш гап (сўзма-сўз: шарт ва жавоб)

– جَزَائِيٌّ жазога, жазолашга оид; жиноий

– جِزْيَةٌ кўп. جِزًى, جِزَاءٌ жон бошидан олинадиган солиқ, ўлпон, ер солиғи

– مُجَازَاةٌ 1) жазо; қасос, ўч; ~ بِالْمِثْلِ дип. репрессалия (бир мамлакатнинг ғайриқонуний ҳаракати учун бошқа давлат томонидан ўтказиладиган таъсир чоралари); 2) товон, бадал

– مُجْزٍ мн. مُجْزِيَةٌ 1) етарли; қониқарли, тўла мувофиқ (муносиб); ~ بِسِعْرٍ арзон баҳода; 2) фойда берувчи (келтирувчи), фойдали

I جَسَّ (а/у) جَسٌّ пайпасламоқ; ушлаб кўрмоқ; ~ النَّبْضَ томирни ушлаб кўрмоқ; 2) билишга ҳаракат қилмоқ, текшириб кўрмоқ, зонд билан текширмоқ; V تَجَسَّسَ дараклаб билмоқ, суриштириб билмоқ; қидириш (қидирув) билан шуғулланмоқ; жосуслик маълумотларини тўпламоқ, жосуслик қилмоқ, айғоқчилик қилмоқ; VIII اِجْتَسَّ = I

– تَجَسُّسٌ жосуслик, айғоқчилик; ~ لِحِسَابِ دَوْلَةٍ أَجْنَبِيَّةٍ ажнабий давлат фойдасига жосуслик қилиш

– تَجَسُّسِيٌّ жосус (айғоқчи) га оид; 4. ~ شَبَكَةٌ ـــة жосуслик (айғоқчилик) тармоғи

– جَاسُوسٌ кўп. جَوَاسِيسُ жосус, айғоқчи; махфий агент

– جَاسُوسِيَّةٌ жосуслик, айғоқчилик; излаш, қидириш, қидирув; ~ قَضِيَّةُ الْــ юр. айғоқчилик ҳақидаги суд иши

– مِجَسٌّ кўп. مَجَاسُّ, مِجَسَّاتٌ 1) зонд (ички аъзоларни текшириш ёки даволаш учун ишлатиладиган найсимон асбоб, найча); шчуп (ер остидаги баъзи нарсаларни қидириш, топиш, синаш каби ишларда қўлланиладиган турли хил асбоблар); 2) зоол. пайпаслагич, қисқич (баъзи ҳашорот ва ҳайвонларнинг мўйловсимон қўллари ва оёқлари)

– مَجَسٌّ, مَجَسَّةٌ кўп. ـــ اتٌ, مَجَاسُّ (мас., томир, юрак уришини) текшириш (синаб кўриш) жойи

I جَسَأَ (а) جَسْءٌ, جُسُوءٌ қўпол бўлиб қолмоқ, қаттиқ бўлиб қолмоқ, дағал бўлиб қолмоқ

– جَاسِئٌ қаттиқ, дағал, қўпол

– جَسَاءَةٌ, جُسْأَةٌ дағаллик, қаттиқлик, қўполлик

(جسد) II جَسَّدَ 1) мужассамлантирмоқ, маълум бир шакл бермоқ; 2) бўртма шакл бермоқ; 3) нота белгилари билан ёзмоқ; 4) заъфарон ранг билан бўямоқ; V تَجَسَّدَ мужассамлашмоқ, гавдаланмоқ, маълум бир шаклга кирмоқ

... мужассамлашмоқ, гавдаланмоқ

تَجْسِيدٌ – 1) мужассамлантириш, гавдалантириш; маълум бир шакл бериш; 2) бўртма шакл бериш; 3) нота белгилари билан ёзиш; الـ~ الْمُوسِيقِي нота ёзуви; 4) заъфарон рангга бўяш

جَسَدٌ – кўп. أَجْسَادٌ 1) жасад, тана, тан; бадан, андом; 2) *бот.* заъфарон; заъфарон рангли нарса

جَسَدَانِيٌّ – жисмга, жасадга оид

جَسَدِيٌّ – 1) жасадга оид; танага оид; 2) жисмоний; الْقُوَّةُ الـ~ـة жисмоний куч; ا~ жисмонан

مُتَجَسِّدٌ – мужассамлаштирилган, гавдалантирилган; мужассамлашган; гавдаланган

مِجْسَادٌ – кўп. مَجَاسِيدُ стереоскоп (*иккита ясси тасвирни бир-бирига қўшиб бўрттириб кўрсатадиган оптик асбоб*)

مُجَسَّدٌ – мужассамлашган, гавдаланган

مُجَسَّدَةٌ – кўп. ـاتٌ *муз.* нота (*товушнинг график белгиси ва товуш*); нота (*шундай белгилар билан ёзилган мусиқий асар матни ва уларнинг тўплами*); حَامِلُ الـ~ пюпитр (*нота ва китоб қўядиган қия мослама*)

مُجَسِّدَةٌ – *муз* нота; حَامِلُ الـ~ пюпитр

مِجْسَدٌ – кўп. مَجَاسِدُ кўйлак

I (جسر) جَسَرَ[1] (у) جَسَارَةٌ 1) жасур бўлмоқ, довюрак бўлмоқ; 2) (*н. ғадир*) журъат қилмоқ (عَلَى); 3) ўтмоқ, кесиб ўтмоқ (*мас., саҳрони*); جَسَرَ[2] (у) جَسْرٌ гов (тўсиқ) қилмоқ; тўғон, кўприк қурмоқ; II جَسَّرَ 1) жасурлик бахш этмоқ, далда бермоқ, 2) гов (тўсиқ) қилмоқ; тўғон кўприк қурмоқ; VI تَجَاسَرَ журъат этмоқ, (*н. бир қилиш учун*) жасорат қилмоқ, юрак қилмоқ, довюрак бўлмоқ (عَلَى); VIII اِجْتَسَرَ ўтмоқ, кесиб ўтмоқ (*мас., саҳрони*)

تَجَاسُرٌ – жасорат, жасурлик, довюраклик, ботирлик

جَسَارَةٌ – жасорат, жасурлик, довюраклик, ботирлик, мардлик

جَسَّارِيَّةٌ – кўп. ـاتٌ кўприкни вақтинча сувда кўтариб турувчи таги ясси қайиқ ёки кема

جِسْرٌ – кўп. جُسُورٌ 1) кўтарма, уйиб ясалган баландлик, дамба; тўғон; гов; 2) (*шунингдек стоматологияда*) кўприк (сунъий милк); тўшама йўл (*шох-шабба, хода ётқизиб очилган йўл*); ~ سِكَّةِ الْحَدِيدِ темир йўл кўприги; ~ عَائِمٌ сузиб юрувчи кўприк; ~ مُتَحَرِّكٌ кўтарма кўприк; ~ مُعَلَّقٌ осма кўприк; 3) тўсин, балка; том; бостирма; جُسُورٌ خَشَبِيَّةٌ ёғоч том; جُسُورٌ حَدِيدِيَّةٌ тунука том

جَسُورٌ – кўп. جُسُرٌ жасур, ботир, довюрак; қўрс, дағал, қўпол

مُتَجَاسِرٌ – қўрқмас, довюрак; қўрс, дағал, қўпол

تَجَسْطَنَ (*қаердадир*) эркин, ўлан тўшак қилиб ётмоқ (فِي)

I جَسُمَ (у) جَسَامَةٌ катта бўлмоқ, баҳайбат бўлмоқ, савлатли (салобатли) бўлмоқ; II جَسَّمَ 1) гавдалантирмоқ, мужассамлантирмоқ; ~ـه بِالْجِصِّ бирор кимнинг қиёфасини гипсда гавдалантирмоқ; 2) шакллантирмоқ, шаклга солмоқ; 3) катта қилмоқ, катталаштирмоқ; 4) орттириб (бўрттириб) юбормоқ, ошириб кўрсатмоқ; 5) бўрттирма қилмоқ; V تَجَسَّمَ 1) шаклланмоқ, шаклга (қолипга) тушмоқ; 2) мужассамлашмоқ, гавдаланмоқ; 3) катта қилинмоқ, катталаштирилмоқ; 4) орттирилган (бўрттирилган) бўлмоқ, ошириб кўрсатилмоқ; 5) бўрттирма (рельефли) бўлмоқ

تَجْسِيمٌ – 1) мужассамлантириш, гавдалантириш; 2) катталашиш, кўпайиш

جَاسِمٌ[1] – катта, улкан, баҳайбат

جَاسِمٌ[2] – Шом ўлкасидаги бир қишлоқнинг номи

جَسَامَةٌ – 1) катта ўлчам; катталик, улканлик; салобатлилик, барвасталик; 2) муҳимлик, жиддийлик

جِسْمٌ – кўп. أَجْسَامٌ, جُسُومٌ 1) жисм, бадан, тана, гавда, организм; الأَجْسَامُ الْحَيَّةُ тирик организмлар; 2) корпус, тана; синч, қобирға; фюзеляж (самолёт корпуси, гавдаси); 3) масса (*механиканинг асосий катталикларидан бири – жисмдаги модда миқдорини ва унинг инерциясини белгилайди*) модда; ~ مُوَصِّلٌ *эл.* ўтказгич; ~ عَازِلٌ *эл.* диэлектрик (*электр ўтказмайдиган модда*); 4) шакл, форма

جُسْمَانٌ – тана, бадан, гавда, масса

جُسْمَانِيٌّ – 1) жисмга оид; 2) жисмоний; الْعَمَلُ الـ~ жисмоний меҳнат; ~ أَوْ مَعْنَوِيًّا жисмоний ёки маънавий; 3) моддага оид, моддий

جِسْمِيٌّ – 1) жисмга оид; 2) жисмоний, 3) моддий, моддага оид

جَسِيمٌ – кўп. جِسَامٌ 1) катта, улкан; 2) тўладан келган, жуссали; салобатли; 3) эътиборли

جُسَيْمٌ – кўп. ـاتٌ кичкина тана (гавда); заррача

جُسَيْمَةٌ – кўп. ـاتٌ кичкина тана (гавда); *физ.* майда заррача, корпускула (*модда заррачаси*); الْجُسَيْمَاتُ الشَّمْسِيَّةُ қуёш корпускулалари; الْجُسَيْمَاتُ الْمُضَادَّةُ لِلْمَرَضِ *мед.* антижисмлар (*организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар*)

مُجَسَّمٌ – 1. 1) мужассам; катта, улкан; 2) орттириб юборилган; 3) қавариқ, бўртиб турадиган; الْخَرِيطَةُ الـ~ـة қабариқ харита; 2. *мат.* уч ўлчовли геометрик жисм; ~ الْقَطْعِ الزَّائِدِ гиперболоид (*гиперболанинг айланишидан ҳосил бўладиган эгри сирт*)

I (جسو) جَسَا (у) جُسُوٌّ қаттиқ бўлмоқ, дағал бўлмоқ, қўпол бўлмоқ

جَسَاوَةٌ – қаттиқлик, қўполлик, дағаллик, қўрслик

I جَشَّ (а/у) جَشٌّ босмоқ, эзмоқ, майдаламоқ, парчаламоқ, синдирмоқ, майдаламоқ, йирик қилиб янчмоқ; ~ الْبُرَّ буғдойни

тегирмонга солмоқ

– أَجَشُّ мн. جَشَّاءُ кўп. جُشٌّ хирилдоқ, дағал (овоз ҳақида), паст

– جُشَّةٌ، جَشَّةٌ хириллаш, бўғилиш

– جَشِيشٌ майдаланган; эзилган, парчаланган; талқон қилинган; йирик қилиб майдаланган, йирик тортилган ун

– مِجَشٌّ، مِجَشَّةٌ кўп. مَجَاشُّ қўл тегирмони

– جَشِيشٌ = مَجْشُوشٌ

(جشأ) II جَشَّأَ кекирмоқ, ўқчимоқ, ўқчиб қайтариб чиқармоқ; V تَجَشَّأَ = II

– جُشَاءٌ، جُشْأَةٌ кекириш, ўқчиш; ўқчиб қайтариб чиқариш

I جَشُبَ (у) جَشَابَةٌ، جُشُوبَةٌ кам (озгина) бўлмоқ, етарли бўлмаслик (овқат ҳақида)

I جَشِرَ (а) جَشَرٌ хириллаган бўлмоқ, овози бўғилган бўлмоқ; جَشَرَ (у) جَشْرٌ ўтлатиш учун яйловга олиб чиқмоқ (чорва ҳақида); II جَشَّرَ ўтлатиш учун яйловга олиб чиқмоқ (чорва ҳақида)

– أَجْشَرُ мн. جَشْرَاءُ кўп. جُشْرٌ хириллаган, овози бўғилган

– جَشَرٌ яйловда боқилган (ҳайвон ҳақида)

– مُجَشَّرٌ яйловда боқилган; خَيْلٌ ~ةٌ яйловда катта бўлган от

I جَشِعَ (а) جَشَعٌ очкўзланмоқ, очкўз бўлмоқ; V تَجَشَّعَ = I

– جَشَعٌ очкўзлик, ҳирс, қурумсоқлик, зиқналик

– جَشِعٌ очкўз, ҳирс қўйган, қурумсоқ, бахил, зиқна

I جَشِمَ (а) جَشْمٌ 1) ўзига оғир иш олиб қийнамоқ, ўзига меҳнат орттирмоқ; чидамоқ, бардош бермоқ; ~ الْمَشَقَّةَ машаққатларга чидамоқ; II جَشَّمَ (бирор к. га) оғирликни (меҳнат-машаққатни) юкламоқ; ташвиш орттирмоқ; IV أَجْشَمَ оғир юк юкламоқ, оғир иш билан қийнамоқ, машаққатга қўймоқ; V تَجَشَّمَ 1) (бирор н. нинг) оғирлигини ўз елкасига олмоқ, ўзига оғирликни олмоқ; 2) (хатарга) рўбарў бўлмоқ, дучор бўлмоқ; 3) (талафот) кўрмоқ

(جشى) V تَجَشَّى = تَجَشَّأَ қар. جشأ

(جص) II جَصَّصَ гипс билан қопламоқ, гипсламоқ, сувамоқ

– جِصٌّ мин. гипс (минерал ва ундан тайёрланган қурилиш материали)

– جَصَّاصَةٌ кўп. ـَاتٌ — гипс пишириш учун қилинган печ

تَجَسْطَنَ = تَجَصْطَنَ

جِظٌّ улкан одам, гавдали одам

جَعَانٌ қар. جوع

(جعب) II جَعَّبَ 1) ағдармоқ, авра-астарини ағдармоқ; остин-устун қилмоқ; 2) ерга ташламоқ

– جَعْبَةٌ кўп. جِعَابٌ ўқдон, тирдон, садоқ; халта, тўрва, сумка; патронташ, патрон сумкаси; إِنَّ ~ي قَدْ خَوَتْ кўч.м. менда ҳеч вақо йўқ, мулло Миришқуруқман; نَفَضَ لَهُ ~ الْأَخْبَارِ маж. ҳамма янгиликни тўкиб солмоқ; فَرَغَتِ الْجِعَابُ маж. ҳамма янгиликлар тугади; ◊ ~ الْأَخْبَارِ плеяда (атоқли арбоблар гуруҳи)

جَعْجَعَ 1) шовқин солмоқ (қилмоқ), авжига олмоқ, қутурмоқ; қарсилламоқ, гулдирамоқ, гумбурламоқ; 2) бўкирмоқ, ўкирмоқ (туя ҳақида); ғул-ғул қилмоқ (ғулғул товуқ - курка ҳақида), 3) жаврамоқ, вайсамоқ; тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирмоқ, ғудурламоқ

– جَعْجَاعٌ шовқинли, сершовқин; бақироқ

– جَعْجَعَةٌ бўкириш; гумбурлаш, қасирлаш, шовқин; қичқириқ, қасир-қусур қилиш; ~ بِلَا طِحْنٍ қисқ. мқл. дан: أَسْمَعُ ~ وَلَا أَرَى طِحْنًا шовқини кўпу, фойдаси кам (сўзма-сўз: (тегирмон) овозини эшитяпману, аммо унни кўрмаяпман)

I جَعُدَ (у) جُعُودَةٌ، جَعَادَةٌ 1) жингалак соч бўлмоқ, жингалак бўлмоқ (соч ҳақида); 2) ажин тушган, буришган бўлмоқ (тери ҳақида); II جَعَّدَ 1) жингалак қилмоқ; 2) ажин пайдо қилмоқ, буришиқ ҳосил қилмоқ; V تَجَعَّدَ 1) жингалакланмоқ, фатила-фатила бўлмоқ, ҳалқа-ҳалқа бўлмоқ (соч ҳақида); 2) ажин тушган, буришган бўлмоқ

– أَجْعَدُ мн. جَعْدَاءُ кўп. جُعْدٌ жингалак сочли

– تَجَعُّدَاتٌ кўп. ажинлар, буришиқлар

– تَجْعِيدٌ кўп. تَجَاعِيدُ ажин, буришиқ

– جَاعِدٌ тўшалган нарса, тўшама, тўшак

– جَعْدٌ[1] кўп. جِعَادٌ жингалак, фатила-фатила

– جَعْدٌ[2] кўп. جِعَادٌ (шунингдек: ~ الْيَدَيْنِ ёки ~ الْيَدِ) бахил, хасис, зиқна, қурумсоқ; ~ الْأَنَامِلِ бахил, очкўз

– جَعْدَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) жингалак соч, зулф, гажак; 2) ажин, буришиқ

– جَعْدِيٌّ жингалак бўлиб турган

– جُعَيْدِيٌّ кўп. جُعَيْدِيَّةٌ қўрс одам; безори, хулиган

– مُتَجَعِّدٌ 1) чирмашадиган, жингалак; 2) ажин босган, буришган

– مُتَجَعِّدٌ = مُجَعَّدٌ

I (جعر) جَعَرَ[1] (а) جَعْرٌ ёзилмоқ, ичини бўшатмоқ (ҳайвонлар ҳақида); جَعَرَ[2] (а) جَعِيرٌ бўкирмоқ, ўкирмоқ (ҳайвонлар ҳақида); II جَعَّرَ = جَعَرَ[2]

– جَعَّارَةٌ бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон

– جُعْرَانٌ кўп. جَعَارِينُ қўнғиз; иссиқ мамлакатларда бўладиган гўнг қўнғизи; қадимги мисрликларда: қўнғизнинг расми солинган тош танга

– جَعْرِيٌّ икки киши қўлларидан ҳосил бўлган ўриндиқ (одамни кўтариш учун)

– مُجَعْوَرٌ халқ. тешик, йиртилган, илма-тешик, йиртиқ-ямоқ

جَعْسٌ ахлат, чиқинди, одам ахлати

(جعص) VII اِنْجَعَصَ ўтирғич суянчиғига суянган ҳолда виқор билан ўтирмоқ

جَعْفَرٌ кўп. جَعَافِرُ сой, анҳор, ариқ, жилға; кичикроқ дарё, дарёча

جَعْفَرٌ ат.от, мз. Жаъфар

جَعْفِيلٌ бот. шумгия, шумгиёҳ

1 جَعَلَ (а) جَعْلٌ қилмоқ; тайёрламоқ; 2) уюштирмоқ, ташкил қилмоқ, ўрнатмоқ; 3) жойлаштирмоқ, қўймоқ; 4) мажбурламоқ, зўрламоқ; ~ ـــهُ يَقْرَأُ бирор кимни ўқишга мажбурламоқ; 5) (бирор н. га) айлантирмоқ, бошқа ҳолга келтирмоқ; 6) тайинламоқ, (к. гадир) тайин қилмоқ, белгиламоқ (لِـ); ~ لَهُ قِيمَةً كَبِيرَةً бирор нарсага юксак баҳо бермоқ; 7) (бирор к. га, бирор н. га) ўхшатмоқ; деб ҳисобламоқ; ◊ ~ يَقْرَأُ ўқий бошламоқ; ~ عَالِيَهُ سَافِلَهُ оёғини осмондан қилиб ағдармоқ; III جَاعَلَ пора бериб сотиб олмоқ, ўз томонига оғдирмоқ; VII اِنْجَعَلَ қўйилган бўлмоқ, тайинланган бўлмоқ; VIII اِجْتَعَلَ = I

– جُعَالَةٌ кўп. جَعَائِلُ иш ҳақи, музд; мукофот

– جُعْلٌ кўп. أَجْعَالٌ, جُعُولٌ иш ҳақи, музд; мукофот; воситачилик ёки даллоллик ҳақи, ширинкома

– جُعَلٌ кўп. جِعْلاَنٌ қўнғиз; иссиқ мамлакатларда бўладиган гўнг қўнғизи; қадимги мисрликларда: қўнғиз расми солинган тош танга

– جُعَالَةٌ = جَعِيلَةٌ

– مَجْعُولٌ 1. қўйилган, тайинланган; 2. иш ҳақи, музд; мукофот

جَعْلَفَ қуйидаги гапни айтмоқ: جُعِلْتُ فِدَاءَكَ! сўзма-сўз: мен сенинг фидойинг бўлай!

– جَعْلَفَةٌ қуйидаги гапни айтиш: جُعِلْتُ فِدَاءَكَ! сўзма-сўз: мен сенинг фидойинг бўлай!

جُعْمُوسٌ кўп. جَعَامِيسُ ахлат, чиқинди, одам ахлати; رَمَى بِجَعَامِيسِ الْبَطْنِ ични бўшатмоқ, ахлат чиқармоқ

جَعَانٌ қар. جوع

جِعَةٌ пиво

جُغْرَافِيَا, جُغْرَافِيَّةٌ жўғрофия, география; ~ الـــ الاقْتِصَادِيَّةُ иқтисодий жўғрофия; ~ الـــ الطَّبِيعِيَّةُ табиий жўғрофия

– جُغْرَافِيٌّ жўғрофий, географик; жўғрофияга оид

1 جَفَّ (а/и) جُفُوفٌ, جَفَافٌ қуримоқ, сергимоқ, суви қочмоқ; қақраб (қовжираб) кетмоқ; ~ حَلْقُهُ унинг томоғи қуриб қолди; ~ رِيقُهُ مِنَ الْجَرْيِ югурганидан оғзи қуриб қолди; I جَفَّ (а/у) йиғмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; II جَفَّفَ 1) қуритмоқ, сергитмоқ; сувини қочирмоқ; 2) артмоқ (мас., юзни); ~ عَرَقَهُ терни артмоқ; ~ دُمُوعَهُ ёки عَيْنَيْهِ кўз ёшларини артмоқ; ~ يَدَيْهِ بِالْمِنْشَفَةِ қўлини сочиқ билан артмоқ; 3) кимё. сувсизлантирмоқ; V تَجَفَّفَ қуримоқ, сергимоқ, суви қочмоқ; VIII اِجْتَفَّ охиригача ичмоқ, ичиб битирмоқ

تَجْفَافٌ 1) қуритиш, сергитиш, намини қочириш; 2) артиш; 3) кимё. сувсизлантириш

– تِجْفَافٌ кўп. تَجَافِيفُ совут

– تَجْفَافٌ = تَجْفِيفٌ

– جَافٌّ қуриган, қуритилган, қуруқ

– جَفَافٌ 1) қуруқлик, қуриганлик; 2) қурғоқчилик

– جُفَّةٌ 1) бир тўда одамлар; 2) кўп сонли, кўпгина; ~ جَاءَ الْقَوْمُ одамларнинг ҳаммаси келди

– مُجَفَّفٌ 1) қуритилган, қуруқ; ~ حَلِيبٌ сут уни (қуритилган сут); 2) қоқи қилинган, қоқланган, қуритилган

– مُجَفَّفَاتٌ кўп. қуруқ мевалар

1 جَفَأَ (а) جَفْءٌ 1) (чиқинди, синган, парча-бурон н. ларни) қирғоққа чиқариб ташламоқ (сел, оқим ҳақида); 2) энгаштирмоқ, тўнтармоқ; ~ الْقِدْرَ қозонни энгаштириб бўшатмоқ

جُفَاءٌ 1) кўпик, сердак; 2) (сел, оқим қирғоққа чиқариб ташлайдиган) чиқинди, ахлат, синган, парчаланган нарсалар; ◊ ~ـًا беҳудага, бекорга; ~ ذَهَبَ беҳуда кетмоқ, бекорга кетмоқ

– جِفْتٌ кўп. جُفُوتٌ 1) кичик омбур; кичкина қисқич; мўйчинак; пинцет, искак; исканжа; 2) шунингдек: ~ صَيْدٍ қўшоғиз милтиқ

جِفْتِشِي филигран, жуда нафис ишланган заргарлик буюми; хитой қоғози, сув қоғоз

جِفْتِلِكٌ мол-мулк; ферма (чорва ёки паррандачилик хўжалиги)

1 جَفَرَ (у) جَفْرٌ: ~ جَنْبَاهُ катта бўлиб, онасидан ажрамоқ (уй ҳайвонлари ҳақида)

– جَفْرٌ[1] (ҳарфлар билан) фол очиш, ром очиш

– جَفْرٌ[2] мн. جِفَرَةٌ тўрт ойлик эчки боласи

– جَفْرَةٌ (яширинча, махфий ёзишмалар учун) шифр (шартли белгилар, рақамлар ва б. лар воситаси билан ёзилган хат ва ш.к. лар) ~ حَلَّ كِتَابَةَ الـــ шифрни очмоқ (ўқимоқ)

– جَفِيرٌ кўп. ـــاتٌ қин, ғилоф

جِفْصِينٌ гипс (минерал ва ундан тайёрланган қурилиш материали)

1 جَفَلَ (у) جَفْلٌ, جُفُولٌ 1) сесканиб кетмоқ, чўчиб тушмоқ, қўрқиб кетмоқ; 2) чопиб (югуриб) кетмоқ, (қўрқинчдан) ўзини бирор ёққа урмоқ; II جَفَّلَ қўрқитмоқ, ҳуркитмоқ, чўчитмоқ; IV أَجْفَلَ 1) = I; 2) қўрқитмоқ, ҳуркитмоқ, чўчитмоқ

– جَفْلٌ қўрқиш, ҳуркиш, чўчиш; ваҳима; ташвиш, хавотирлик

– جَفْلٌ = جُفُولٌ

جِفْتِلِكٌ = جِفْلِكٌ

جَفْنٌ кўп. جُفُونٌ, أَجْفَانٌ 1) қовоқ (кўздаги); نَامَ مِلْءَ الْجُفُونِ қаттиқ ухламоқ; ~ دُونَ أَنْ يَطْرِفَ لَهُ бақрайиб туриб, кўзини лўқ қилганича; 2) қиличнинг қини

– جَفْنَةٌ кўп. جِفَانٌ 1) товоқ, лаган, катта чуқур тарелка; коса; 2) ток новдаси; 3) шароб, май

1 جَفَا (جفو) (у) جَفَاءٌ 1) дағал бўлмоқ, қаттиқ бўлмоқ, қотган бўлмоқ; 2) қаттиққўл, шафқатсиз бўлмоқ; 3) ўзини четга олмоқ,

ётсирамоқ, бегонасирамоқ; 4) тарк этмоқ, ташлаб кетмоқ, қолдирмоқ; II جَفَّى ўзидан итармоқ, бегоналатмоқ, четлатмоқ; III

جَافَى 1) қўпол (қуруқ, қаттиқ) муомалада бўлмоқ; 2) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, бегоналашмоқ; бегона бўлмоқ; 3) (н. *ғадир*) қарши бормоқ (لِـ); муносиб бўлмаслик, мос келмаслик, тўғри келмаслик;

هَذَا يُجَافِي الصَّوَابَ бу ҳақиқатга тўғри келмайди; VI تَجَافَى 1) бир-биридан узоқлашмоқ; бир-бирига нисбатан совуққонлик ҳис этмоқ; 2) ўзини тиймоқ, (н. *дандир*) бош тортмоқ, воз кечмоқ (عَنْ); X

اسْتَجْفَى қўпол, қаттиққўл деб билмоқ

– تَجَافٍ 1) қуруқлик, қуриганлик; шафқатсизлик, баджаҳллик, қўполлик, дағаллик; 2) тартибсизлик, ноиттифоқлик, (*алоқаларда*) совуққонлик

– جَافٍ *мн.* جَافِيَة *кўп.* جُفَاةٌ 1) қўпол, қаттиқ; الأُمُّ الْجَافِيَة *анат.* қаттиқ мия пўстлоғи; 2) қаттиққўл, баджаҳл, шафқатсиз

– جَفَاءٌ 1) қўполлик, дағаллик; қаттиқлик; 2) қуруқлик, қуриганлик; шафқатсизлик, бераҳмлик, баджаҳллик; بِـ~ илтифотсизлик билан; 3) (*алоқаларда*) ноиттифоқлик, совуққонлик

– جَفَاءَةٌ қўполлик, дағаллик, қотганлик, суви қочганлик

– جَفْوٌ 1) қўполлик, дағаллик, қотганлик, суви қочганлик; 2) (*алоқаларда*) узоқлашиб кетганлик, совуқлик; 3) қаттиққўллик; қўпол муомала, жиддий муомала; ноҳақлик, адолатсизлик

– جَفْوٌ = جَفْوَةٌ –

– جَفْبَةٌ сақлаш панжараси, ҳимоя қилиб турадиган панжара

I جَلَّ (a/u) 1) جَلَالٌ буюк бўлмоқ, улуғвор бўлмоқ, ҳамма нарсага қодир бўлмоқ, шуҳратли бўлмоқ; اللهُ عَزَّ وَ~ (*Оллоҳу таоло сифатларидан*) Оллоҳу азза ва жалла (*Оллоҳ ҳамма нарсага қодир ва буюкдир*); ~ مَنْ لَا يَسْهُو وَلَا يُخْطِئُ адашмайдиган ва хато қилмайдиган одам энг бахтиёр одамдир!; 2) (н. *дандир*) юқори бўлмоқ (عَنْ); هَذَا يَجِلُّ عَنِ الْوَصْفِ бу таърифлашга сиғмайди, бу таърифдан ташқари; ◊ الشَّيْءَ ~ (н. *нингдир*) катта ёки асосий қисмини олмоқ; جَلَّ (a/y) جَلٌّ термоқ, йиғмоқ; الْبَعْرَ ~ тезак термоқ; II جَلَّلَ 1) қопламоқ; الشَّيْبُ رَأْسَهُ ~ унинг сочини оқ қоплади; ~ـهُ

بِالسَّوَادِ ~ кора бирор кишини шармандаю шармисор қилмоқ; بِالْعَارِ хошия билан айлантириб чиқмоқ; (*мотам белгиси сифатида*) қора хошия боғламоқ (тақмоқ); 2) ҳурматламоқ, иззат қилмоқ; IV أَجَلَّ 1) (к. *нидир*) ҳурмат қилмоқ; эҳтиром кўрсатмоқ, чуқур миннатдорчилик билдирмоқ (*туш.к.*); 2) (н. *нидир*) афзал кўрмоқ, юқори қўймоқ (عَنْ); V تَجَلَّلَ (н. *биландир*) қопланмоқ (بِ); بِالْعَارِ ~ шармандаю шармисор бўлмоқ; VI تَجَالَّ улуғланмоқ; (н. *дандир*) афзал, юқори бўлмоқ (عَنْ)

– إِجْلَالٌ ҳурматлаш, қадрлаш; чуқур миннатдорчилик, ҳурмат, иззат; ортиқ даражадаги ҳурмат; эҳтиром, иззат-икром; ~ا لَهُ бирор кимга ҳурмат тариқасида, бирор кимнинг шарафига; فِي ~ ҳурмат юзасидан

– تَجِلَّةٌ ҳурмат, иззат-икром, эҳтиром

– جُلٌّ[1] атир гул, қизил гул

– جُلٌّ[2] 1) катта булоқ; 2) энг асосийси

– جُلٌّ[3] *кўп.* أَجْلَالٌ, جِلَالٌ ёпқич (*от ва баъзи бошқа уй ҳайвонларининг ёпқичи*), жул

– جِلٌّ 1) улкан, буюк; 2) семиз, йўғон

– جَلَالٌ улуғворлик, буюклик; кўркамлик, ҳашамат; ◊ فَعَلْتُ ذَلِكَ مِنْ ~كَ буни мен сенинг учун (сени деб) қилдим

– جَلَالَةٌ 1) улуғворлик, буюклик; муҳташамлик, муаззамлик; ذُو الْـ~ (*Оллоҳ сифатларидан бири*) зулжалол (буюклик соҳиби); 2) аъло ҳазратлари, ҳазрати олийлари (*шоҳларга, қиролларга нисбатан*); صَاحِبُ الْـ~ ҳазрати олийлари; 3) катта аҳамият, аҳамият, муҳим ўрин тутиш; ◊ أَخَذَتْهُ الْـ~ унинг жазаваси тутиб қолди

– جَلَّالَةٌ кўчадаги гўнгни йиғиштирадиган қиз; 2) тезак кетидан юрадиган ҳўкиз; 3) тезак ейдиган ҳўкиз

– جَلَلٌ 1) улкан, буюк; 2) катта, йўғон; муҳим; أَمْرٌ ~ муҳим иш

– جُلَّةٌ[1] *кўп.* جُلَلٌ сават, корзина; 2) граната; бомба; 3) *спорт.* ядро (чўян шар); رَمْيُ (قَذْفُ) الْـ~ ядро иргитмоқ

– جُلَّةٌ[2], جِلَّةٌ[1] тезак, ахлат, қий, гўнг; таппи, чалма

– جِلَّةٌ[2] оқсуяклар, зодагонлар, аслзодалар, аъёнлар, киборлар

– جَلْوِيٌّ *халқ.* гўнг йиғадиган одам

– جُلَّى *кўп.* جُلَلٌ (энг) муҳим иш

– جَلِيلٌ *кўп.* أَجِلَّاءُ, جِلَّةٌ, أَجِلَّةٌ 1) катта, буюк; муҳим; 2) улкан, улуғвор, шавкатли; ажойиб, шаввоз; 3) машҳур, ҳурматли, эътиборли; صَاحِبُ الْمَقَامِ الْـ~ *қар.* مَقَامٌ

– جَلِيلَةٌ *кўп.* جَلَائِلُ буюк иш, муҳим иш

– مَجَلَّةٌ *кўп.* ـاتٌ, مَجَالُّ 1) журнал, мажалла; вақтли нашрлар; شَهْرِيَّةٌ ~ ойлик журнал; 2) *юр.* қонунлар мажмуи, кодекс

I جَلَبَ (u, y) 1) جَلْبٌ етказиб бермоқ, олиб келмоқ, ташиб келтирмоқ, импорт қилмоқ, четдан мол келтирмоқ; 2) ўзига жалб қилмоқ, гирифтор қилмоқ; النَّظَرَ ~ диққатни ўзига тортмоқ; ~ الضَّرَرَ (к. *ғадир*) зарар келтирмоқ (عَلَى), 3) (к. *учундир*) топмоқ, излаб (ахтариб) қўлга киритмоқ, сотиб олмоқ, олмоқ (لِـ); 4) шовқин солмоқ, шовқин кўтармоқ, шовқин-сурон қилмоқ; 5) битмоқ (*яра ҳақида*); қуйилиб қолмоқ (*қон ҳақида*); جَلَبَ (y) جَلَبٌ عَلَى ~ الْفَرَسَ отни орқасидан чуҳлаб, ўзиб кетишга ундамоқ; IV أَجْلَبَ 1) топмоқ, излаб (ахтариб) қўлга киритмоқ, олмоқ, эга бўлмоқ, бирор ердаги нарсани топмоқ (олмоқ); 2) шовқин солмоқ; 3) қуйилиб қолмоқ (*қон ҳақида*); тўпланмоқ, йиғилмоқ, жамланмоқ; VII انْجَلَبَ қўлга киритиладиган бўлмоқ, олинадиган бўлмоқ, олиб кириладиган бўлмоқ, транспорт билан келтириладиган (олиб келинадиган) бўлмоқ, импорт қилинадиган бўлмоқ; VIII اجْتَلَبَ 1) ташқаридан (четдан) олиб кирмоқ; 2) топмоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, эга бўлмоқ, бирор ердаги нарсани топмоқ (олмоқ); X

اِسْتَجْلَبَ 1) (*транспорт воситасида*) келтирмоқ, ташиб келтирмоқ, импорт қилмоқ, четдан мол келтирмоқ; 2) (*қаердандир, қаергадир*) мол чиқармоқ (مِنْ ,إِلَى); 3) жалб қилмоқ, (*бошқа тарафдан*) таклиф қилмоқ

– اِجْتِلَابٌ 1) олиб келиш, ташиб келтириш, олиб бориб бериш, етказиб бериш; 2) *кўч.м.* қулоғидан (сочидан) тортиш

– اِسْتِجْلَابٌ 1) ташиб келтирилган, импорт қилинган (*мол*); 2) жалб қилиш, (*бошқа тарафдан*) таклиф қилиш

– جَالِبٌ 1. (*транспорт воситасида*) олиб келувчи, олиб (етказиб) берувчи; 2. импортчи

– جَلَّابٌ *кўп.* جَلَّابَةٌ 1) сотувчи; 2) *шунингдек:* ~ الْعَبِيدِ қул сотувчи

– جُلَّابٌ, جُلَابٌ 1) гулоб, атир гул суви; 2) ширин микстура, ширин суюқ дори

– جَلَّابِيَّةٌ *кўп.* جَلَّابِيَّاتٌ, جَلَالِيبُ жаллобийя (*эркакларнинг узун кўйлаги*)

– جَلَبٌ 1) олиб келинган нарса, олиб (етказиб) берилган нарса; 2) гирифтор қилиш; орттириш; зарар етказиш (келтириш); 3) етказиб бериш; топиш, излаш; ўлжа, қўлга киритилган нарса; 4) импорт, чет элдан келтирилган мол

– جَلَبٌ[1] *кўп.* أَجْلَابٌ 1) олиб келинадиган (келтириладиган) маҳсулот; 2) *тар.* қуллар (*савдо-сотиқ предмети сифатида*)

– جَلَبٌ[2] шовқин-сурон; овоз, садо

– جَلَبًا *бот.* ялапа (*бутасимон ўсимлик*)

– جُلُبَّانٌ, جُلْبَانٌ *жам. бот.* ёввойи бурчоқ, маданий бурчоқ

– جَلَبَةٌ[1] = جَلَبًا

– جَلَبَةٌ[2] шовқин-сурон; овоз, садо; ~ وَضَوْضَاءُ шовқин-сурон, қийчув; بِدُونِ ~ وَضَوْضَاءٍ тинч, шовқин-суронсиз

– جُلْبَةٌ *кўп.* جُلَبٌ чандиқ, ямоқ (*битган яранинг ўрни*)

– جُلْبَةٌ *кўп.* جُلْبَاتٌ, جُلَبٌ втулка; шайба; чамбарак, ҳалқа, гардиш; *тех.* цилиндр, цилиндр гильзаси

– جَلُوبَةٌ *кўп.* جَلَائِبُ = جَلِيبَةٌ

– جَلِيبٌ[1] *кўп.* جُلَبَاءُ, جَلْبَى *тар.* қуллар (*савдо-сотиқ предмети сифатида*)

– جَلِيبٌ[2], جَلِيبَةٌ *кўп.* جَلَائِبُ олиб келинган товар (маҳсулот)

– مَجْلَبَةٌ *кўп.* مَجَالِبُ сабаб, боис; важ, далил

جَلْبَبَ (*бирор к. га*) жилбоб кийдирмоқ; تَجَلْبَبَ жилбоб киймоқ; ~ بِالْبُرْقُعِ а) ёпинчиқ билан бекинмоқ; б) никобланмоқ, паналанмоқ; ◊ ~ بِجِلْبَابِ الرَّحْمَةِ ўзини беозор, қўй оғзидан чўп олмаган киши қилиб кўрсатмоқ

– جِلْبَابٌ *кўп.* جَلَابِيبُ жилбоб (*узун этакли эркаклар кўйлаги*); *шунингдек:* ёпинчиққа ўхшатиб тикилган аёллар кўйлаги; узун кўйлак, узун халат; ~ أَفْرَنْجِيٌّ оврупоча кийим

– جَلْبَبَةٌ (*бирор к. га*) жилбоб кийдириш

جُلْجُثَةُ: الـ ~ *ёки* جَبَلُ الـ ~ Жулжуса (Голгофа) тоғи (*христианликда: Исо алайҳиссалом ўлдирилган тоғ*)

جَلْجَلَ 1) жаранглaмоқ; гумбурламоқ, қарсилламоқ; 2) шовқин билан жилдирмоқ (силжитмоқ)

– جُلْجُلٌ *кўп.* جَلَاجِلُ 1) қўнғироқча, шиқилдоқча; 2) (*кўзга чиқадиган*) говмижжа

– جُلْجُلَانٌ кашнич уруғи

– جَلْجَلَةٌ жаранглаш; гумбурлаш, қасирлаш, тақиллаш

– جُلْجُلَةٌ, جَلْجَلَةٌ: الـ ~ *ёки* جَبَلُ الـ ~ Жулжула (Голгофа) (*Исо алайҳиссалом ўлдирилган тоғ*)

– مُجَلْجِلٌ жаранглайдиган; жарангдор, чинқироқ; صَوْتٌ ~ жарангдор овоз

I جَلِحَ (а) جَلَحٌ кал (ялтирбош, тоз) бўлмоқ

– أَجْلَحُ *мн.* جَلْحَاءُ *кўп.* جُلْحٌ кал, ялтирбош, тоз

– جَالِحَةٌ: بَيْضَاءُ ~ оқ кўтон

I جَلَخَ (а) جَلْخٌ 1) чархламоқ; силлиқламоқ; (*устарани*) ўткирламоқ; 2) ёймоқ, ясси қилмоқ, жўвалаб ёймоқ, ўқловлаб ёймоқ; II جَلَّخَ = I

– تَجْلِيخٌ 1) чархлаш, ўткирлаш; силлиқлаш; 2) ёйиш; عَجَلَاتُ الـ ~ ёйиш (яссилаш) ғилдираклари, жўвалар

– جِلَاخَةٌ яссилаш; чиғирлаб ёйиш, жўвалаш, вальцовка

– جَلْخٌ 1) жўвалаш, чиғирлаб ёйиш; أُسْطُوَانَاتُ الـ ~ чиғирлаб ёйиш ғилдираклари; *шунингдек:* حَجَرُ الـ ~ қайроқ тош, қайроқ; 3) (*устарани ўткирлаш учун ишлатиладиган*) қайиш; ◊ ~ الْفُرْنِ шлак, тошқол (*металл эритилганда қолган қотишма*)

– مُجَلَّخٌ 1) силлиқланган; 2) ёйилган, яссиланган

I جَلَدَ (جلد) (*и*) جَلْدٌ қамчиламоқ, саваламоқ (*қамчи билан*); جَلُدَ (*у*) جَلَادَةٌ, جُلُودٌ сабр-тоқатли бўлмоқ, чидамли бўлмоқ; جَلِدَ (*а*) музламоқ, музга айланмоқ; II جَلَّدَ 1) музлатмоқ; 2) (*китобни*) муқоваламоқ; ~ الْحِيطَانَ деворни панель билан қопламоқ; 3) терини шилмоқ; ~ الْجَزُورَ ҳайвоннинг терисини ажратмоқ; III جَالَدَ кураш олиб бормоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ; IV أَجْلَدَ яхламоқ, совқотмоқ; совуқ урмоқ, тўнгмоқ; V تَجَلَّدَ 1) чидамлилик кўрсатмоқ, сабр-тоқат кўрсатмоқ, чидам (сабр-тоқат) билан ўтказмоқ; чидаб турмоқ, тишни тишга қўйиб турмоқ; 2) музламоқ, музга айланмоқ; VI تَجَالَدَ 1) қаршилик кўрсатмоқ; (*н. ғадир*) чидамоқ, бардош бермоқ (عَلَى); 2) курашмоқ, бир-бири билан жанг қилмоқ (урушмоқ); VII اِنْجَلَدَ қамчиланган бўлмоқ, (*қамчи билан*) саваланган бўлмоқ; VIII اِجْتَلَدَ 1) ўзини ўнглаб олмоқ, оёққа туриб олмоқ; 2) чидамли (тоқатли) бўлмоқ, сабр-бардош кўрсатмоқ

– تَجَلُّدٌ сабр-бардошлилик, тоқатлилик, чидамлилик

– تَجْلِيدٌ 1) музлатиш; 2) муқова, жилд; муқовалаш; ~ الْحِيطَانِ деворни панель билан қоплаш

– جِلَادٌ кураш

– جَلَّادٌ 1) жаллод; 2) терифуруш, тери сотувчи

– جَلَادَةٌ барқарорлик, чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик, сабр-бардош, тоқат, чидам

– جَلَدَ[1] қамчилаш, савалаш, дўпослаш, калтаклаш; ◊ ~ عُمَيْرَةَ онанизм, капаки

– جَلُدَ[2] чидамли, пишиқ, қаттиқ, бардошли, тоқатли; ◊ أَنَا عَلَى ~ ... мен ...га қодирман

– جَلَدٌ 1) сабр, бардош, чидам, тоқат; 2) осмон гумбази, осмон, фалак

– جَلَدٌ[2] = جلِدٌ

– جِلْدٌ *кўп.* جُلُودٌ، أَجْلَادٌ 1) жилд, тери, пўст; ~ الْحَيَّةِ илон пўсти; ~ سَخْتِيَانَ сахтиён тери; ~ شَجْرَانَ шаврон (*эчки, қўй каби ҳайвонлар терисидан ясалган, юмшоқ, ўзига хос гул ташлаб турадиган тери*); ~ غَزَالٍ замша (*буғу, қўй ва бошқа ҳайвонларнинг терисидан тайёрланган юмшоқ бахмалсимон чарм*); ~ مَدْبُوغٌ ошланган чарм); ~ لَمَّاعٌ лакланган чарм, эмиркон тери; 2) (*китобдаги*) муқова, жилд; ◊ ~ عَلَى عَظْمٍ эти бориб суягига ёпишган, қоқ суяк; مَاتَ فِي ~ هِ ўлгудай қўрқиб кетмоқ; غَيَّرَ ~ هُ бошқача қиёфага кириб (ниқобланиб) иш юритмоқ (гапирмоқ)

– جِلْدَةٌ *кўп.* ~ اتٌ 1) терининг бир бўлаги; ~ رَأْسِ الإِنْسَانِ скалп (*сочлари билан шилиб олинган бош териси*); ~ بَنُو ~ ـهِ ёки أَبْنَاءُ ~ ـهِ бир миллат, бир қабилага мансуб шахс ва бошқалар; ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар, юртдош, ватандош; 2) пардапўст, юпқа пўст; 3) (*китобдаги*) жилд, муқова

– جَلْدَةٌ *кўп.* جَلَدَاتٌ қамчилаш, (*қамчи билан*) уриш

– جِلْدِيٌّ 1) терига оид; пўстга оид; терида бўладиган, теридаги, бадандаги; ~ حَقْنٌ тери остига дори юбориш; أَمْرَاضٌ ~ ـةٌ тери касалликлари; 2) теридан (чармдан, кўндан) қилинган, ясалган; ~ قُفَّازٌ чарм қўлқоп; 3) кўнчиликка, кўн маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид; кўнчиликка оид; الْبَضَائِعُ الـ ~ ـةُ кўнчилик (чарм) маҳсулотлари

– جِلْدِيَّاتٌ *кўп.* кўн (чарм, тери) дан тайёрланган маҳсулотлар

– جَلُودٌ сабр-бардошли, чидамли, тоқатли

– جَلَادَةٌ = جَلُودَةٌ

– جَلِيدٌ[1] *кўп.* أَجْلَادٌ، جُلَدَاءُ 1) қаттиқ, мустаҳкам, пишиқ; 2) бардошли, чидамли, сабрли

– جَلِيدٌ[2] совуқ; муз; عَصْرُ الـ ~ муз асри; جَبَلُ ~ айсберг (*океанларда сузиб юрувчи муз тоғ*); قِطْعَةٌ مِنَ الـ ~ катта муз бўлаги; مَرْكَبَةُ ~ чана

– جُلَيْدَةٌ 1) юпқа тери, юпқагина пўст; 2) *фото.* плёнка

– جَلِيدِيٌّ 1) муздан иборат, музли; музга оид; муздек, музлаб қолган; 2) музликка оид, музликдан иборат

– مُجَالِدٌ курашчи; *тар.* гладиатор (*қадимги Римда: цирк майдонида кураш туширилган қул ёки ҳарбий асир*)

– مُجَالَدَةٌ кураш, яккама-якка олишув, муборaза, жанг

– مُجَلَّدٌ 1. 1) музлатилган; 2) муқоваланган; 2. *кўп.* ~ اتٌ — жилд (том); китоб

– مُجَلِّدٌ муқоваловчи, муқовасоз (киши)

– مُجَلِّدَانِيٌّ *кўп.* مُجَلِّدَاتِيَّةٌ = مُجَلِّدٌ

– مِجْلَدَةٌ *кўп.* مَجَالِدُ узун қамчи, дарра, ўрма қамчи, қамчи

I جَلَزَ (и) جَلْزٌ 1) ўраб (йиғиштириб) қўймоқ, тахлаб қўймоқ; боғламоқ, бириктирмоқ; 2) (*узун ўрма қамчи билан*) урмоқ, саваламоқ, қамчиламоқ

– جِلَازٌ، جِلَازَةٌ (*қамчидаги*) қайиш, тасма

I جَلَسَ (и) جُلُوسٌ ўтирмоқ; ~ إِلَى الطَّاوِلَةِ стол атрофида ўтирмоқ; ~ عَلَى كُرْسِيٍّ курсига (стулга) ўтирмоқ; II جَلَّسَ ўтқизмоқ, жойларига ўтқизмоқ, жойлаштирмоқ; III جَالَسَ 1) мажлис қилмоқ, кенгаш ўтказмоқ; 2) (*бирор к. билан*) ёнма-ён ўтирмоқ; 3) (*бирор к. га*) шерик (ҳамроҳ) бўлмоқ; IV أَجْلَسَ ўтқизмоқ, ўтирғизмоқ; VI تَجَالَسَ бошқалар билан бирга ўтирмоқ

– جَالِسٌ *кўп.* جُلُوسٌ، جُلَّاسٌ ўтирадиган, ўтирган

– جَلِيسٌ = جَلِسٌ

– جَلْسَةٌ *кўп.* جَلَسَاتٌ 1) мажлис, кенгаш, йиғин; сессия (*маълум бир вақтда ўтказиладиган мажлислар*); عَامَّةٌ ~ оммавий йиғин; ялпи ~ عَامَّةٌ بِكَامِلِ الأَعْضَاءِ ёки ~ عَامَّةٌ تَامَّةٌ; ~ عَلَنِيَّةٌ очиқ мажлис; الـ ~ الْمُسْتَعْجَلَةُ навбатдан ташқари (фавқулодда) мажлис; ~ سِرِّيَّةٌ ёки ~ مُغْلَقَةٌ ёки ~ مُقْفَلَةٌ ёпиқ, яширин мажлис; فَتَحَ الـ ~ мажлисни очмоқ; 2) сеанс; قَرَأْتُ الْكِتَابَ ~ ـتَيْنِ китобни икки ўтиришда ўқиб бўлдим

– جُلَسَةٌ уйидан ташқарига чиқмайдиган (камҳаракат) одам, танбал

– جِلْسَةٌ ўрнашув, ўтириш, ўрнашув усули, тарзи; جَلَسَ ~ الآمِرِ وَالتَّنَفُّخِ виқор билан ўтириш

– جُلُوسٌ 1) ўтириш, ўтирғич; 2) кўтарилиш, миниш, чиқиш; عِيدُ الـ ~ тахтга ўтириш (чиқиш) байрами

– جَلِيسٌ *кўп.* جُلَسَاءُ، جُلَّاسٌ 1) (*парта стол атрофида ёнма-ён ўтирган*) қўшни; 2) ўртоқ, ошна, оғайни, жўра; ҳамсуҳбат; улфат; шерик

– مَجْلِسٌ *кўп.* مَجَالِسُ 1) ўриндиқ, мажлислар зали, жойи; اتَّخَذَ ~ هُ ~ ـهُ الْمَأْلُوفَ у ўзининг одатдаги жойини эгаллади; أَخَذَ ~ هُ حِيَالَهُمْ у уларнинг қаршисига ўтирди; 2) мажлис, йиғилиш; 3) жамият; бирлашма, уюшма; 4) маслаҳат, кенгаш, бошқарма; палата (*айрим мамлакатларда олий давлат ҳокимияти*); ~ الْقَوْمِيَّاتِ Миллатлар Кенгаши; ~ السِّلْمِ الْعَالَمِيُّ Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши; ~ الأَمْنِ Хавфсизлик Кенгаши; ~ الْوُزَرَاءِ

вазирлар кенгаши; التَّعَاضُد الاِقْتِصَادِيّ ~ Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЕК); الأُمَّة ~ Миллий Кенгаш (*Миср Араб Республикасида*); الـ~ النِّيَابِيّ парламент (*айрим мамлакатларда қонун чиқарувчи олий давлат органи*); الـ~ التَّأْسِيسِيّ таъсис мажлиси; الـ~ الشُّورِيّ қонун чиқарувчи мажлис; الـ~ التَّشْرِيعِيّ маслаҳат мажлиси (кенгаши); الشُّيُوخ ~ оқсоқоллар палатаси, сенат (*қадимги Римда: олий ҳокимият органи*); النُّوَّاب ~ депутатлар палатаси, вакиллар палатаси; الأَعْيَان ~ *ёки* ~ اللُّورْدَات Лордлар палатаси (*Англияда: парламентнинг юқори палатаси*); العُمُوم ~ парламентнинг қуйи палатаси (*Англияда*); ~ الدِّفَاع мудофаа кенгаши; الجَامِعَة ~ университет кенгаши; الرِّقَابَة ~ назорат кенгаши; الإِدَارَة ~ бошқарма, маъмурият, дирекция (*директор раҳбарлигидаги маъмурият*); المُدِيرِيَّة ~ провинциал кенгаш; الـ~ البَلَدِيّ шаҳар кенгаши; حَسْبِيّ ~ васийлик кенгаши; 5) суд, трибунал (*фавқулодда суд органи*); عَسْكَرِيّ ~ ҳарбий трибунал; 6) *мед.* ич келиши, ич; ганда, нажас, ахлат

جَلاَش ёғли хамир, қатлама

جُلاَش – (*кўкнори уруғи, ёнғоқ, бодом мағзи қўшиб пиширилган*) сомса

جَالُوص *кўп.* جَرَالِيص кесак, қуриган лой; дўнг ер; ўнқир-чўнқир

جَلَطَ (и) جَلْط 1) (*бошни*) тарашламоқ, қирмоқ; 2) суртиб ишқаламоқ, тирнаб юбормоқ, (*терини*) чақа қилмоқ, шилмоқ; V تَجَلَّطَ қуюлмоқ (*қон ҳақида*)

تَجَلُّط – коагуляция; қуюлиб қолиш (*қон ҳақида*)

جَلْط – суртиб ишқалаш; тирнаб чақа қилиш; (*терини*) шилиш

جُلْطَة – қуюлиб қолган қон, тромб (*томирда ивиб қолган қон*); الدَّم ~ *ёки* الـ~ الدَّمَوِيَّة *мед.* эмболия (*қон томирлари касаллиги*), томирларнинг тўсилиб (бекилиб) қолиши

جَلِعَ I (а) جَلَع аҳмоқона тарбияланган бўлмоқ, ёмон тарбияланган бўлмоқ, уятсиз бўлмоқ; IV أَجْلَعَ = I

جَلُفَ I (а) جَلاَفَة қўпол, қўрс, дағал бўлмоқ, тарбия кўрмаган, маданиятсиз бўлмоқ

جِلْف – *кўп.* أَجْلاَف 1. қўпол, қўрс, тарбия кўрмаган, маданиятсиз; 2. қўрс (қўпол муомалали) одам, тарбиясиз одам

جَلْفَطَ қатронламоқ, қатрон (смола) суртмоқ, бирор нарса тиқиб (*кеманинг*) тешик-тирқишларини беркитмоқ

جَلْفَطَة – қатронлаш, қатрон (смола) суртиш, (*кеманинг*) тешик-тирқишларини бирор нарса тиқиб беркитиш

جَلْفَنَ гальванизация қилмоқ, гальванизациялаштирмоқ

جَلْفَنَة – гальванизация, гальванизациялаш (мед. *гальваник ток билан даволаш; тех. гальваник ток ёрдамида бирор металлнинг сиртини бошқа металл билан қоплаш*)

جِلِّق Дамашқ шаҳрининг яна бир номи

جَلَمَ I (и) جَلْم қирқмоқ, кесмоқ; (*юнгни*) олмоқ; VIII اِجْتَلَمَ = I

جَلاَّم – юнг олувчи, жун қирқувчи ишчи; гўсфандтарош

جُلاَمَة، جَلاَمَة – олинган юнг (жун)

جَلَم – *ёки ик.с.* جَلَمَان юнг (жун) оладиган қайчи

جَلَمْبُو *қар.* أَبْ

جَلْمَد *кўп.* جَلاَمِد 1) қоя; 2) валун (*тоғ жинсларининг бўлаклари; юмалоқ катта тош*)

جُلْمُود – *кўп.* جَلاَمِيد = جَلْمَد

جُلَّنَار анор гуллари

جَلَنْبَق шовқин, тақиллаш (*эшик ҳақида*)

جَلَنْبَلَق *дарвоза қаноти очилиб-ёпилганда чиқадиган овозни ифодаловчи тақлидий сўз*

جَلْنَزَ، جَلْتَزَ *ёки* تَجَلْنَزَ، تَجَلْتَزَ инглизлаштирмоқ, инглизларга тақлид қилмоқ

جَلْنَزَة، جَلْتَزَة – инглизлаштириш

جُلاَهِق ўқ, отиладиган ўқ; قَوْس الـ~ камон, ёй

جَلاَ (و) (جلو) I (у) جَلْو، جَلاَء 1) аниқ, равшан бўлмоқ; аниқланмоқ, топилмоқ, кўринмоқ; 2) кетмоқ, узоқлашмоқ; (*қаердандир*) эвакуация қилинмоқ, хавфли жойдан кўчирилмоқ (عَنْ، مِنْ); 3) тозаламоқ, кеткизмоқ; ойнадай силлиқламоқ, сайқалламоқ, сайқал (жило) бермоқ, ялтиратмоқ; 4) узоқлаштирмоқ, (*қаердандир*) ҳайдамоқ (عَنْ); الصَّدَأ ~ (*н. нимдир*) зангини кеткизмоқ, зангини қириб ташламоқ (عَنْ); 5) аниқламоқ, топмоқ, (*н. нидир*) кўрсатмоқ (*туш.к.* عَنْ); بِالْكُحْل ~ بَصَرَهُ кўзни равшан қилмоқ, равшанлаштирмоқ; II جَلَّى аниқ қилмоқ, аниқламоқ; кўрсатмоқ; III جَالَى (*н. ҳақдадир*) хабардор қилмоқ, (*н. нидир*) маълум қилмоқ (*туш.к.* ب); هٰذَا الْكِتَابَ عَلَى النَّاسِ ~ у бу китобни нашр қилдирди; IV أَجْلَى 1) кетмоқ, транспортда кетмоқ, (*қаердандир*) узоқлашмоқ (مِنْ); 2) узоқлатмоқ, ҳайдамоқ; эвакуация қилмоқ, хавфли жойдан кўчирмоқ; эвакуацияга мажбур қилмоқ, хавфли жойдан кетишга мажбур қилмоқ; V تَجَلَّى 1) аниқ бўлмоқ, аниқланмоқ, топилмоқ, очилмоқ; 2) (*к. нимдир олдида*) ўзини тўла намоён қилмоқ (عَلَى); VII اِنْجَلَى 1) аниқ бўлмоқ, равшан бўлмоқ, очиқ бўлмоқ; аниқланган бўлмоқ, топилган бўлмоқ; ойдинлашмоқ, равшан бўлиб қолмоқ, топилмоқ; 2) кетмоқ, узоқлашмоқ, ўтмоқ, босиб ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, ортда қолдирмоқ; (*қаердандир*) эвакуация бўлмоқ, хавфли жойдан кўчиб кетмоқ; 3) сайқалланган (силлиқланган) бўлмоқ, ялтироқ бўлмоқ; 4) ниҳоясига етмоқ, (*н. биландир*) тугамоқ (عَنْ); (*н. нимдир*) натижасида ҳосил бўлмоқ (عَنْ); VIII اِجْتَلَى 1) аниқламоқ, равшан қилмоқ, очмоқ, топмоқ; 2) кўрмоқ, пайқамоқ, кўриб чиқмоқ, қарамоқ, кузатмоқ; X اِسْتَجْلَى аниқликка (равшанликка) эришмоқ, кўришга, билишга уринмоқ; аниқламоқ; топмоқ, кўрмоқ

إِجْلاَء – кетиш; эвакуация бўлиш, хавфли жойдан кўчиб кетиш

– اِسْتِجْلاَءٌ аниқлаш, сўраб-суриштириб билиш, дарахлаб билиш

– تَجَلٍّ 1) топиш, кўриш, 2) (*бирор к. олдида*) тўлалигича намоён бўлиш

– تَجَلِّيَةٌ 1) аниқлаш; 2) *дин.* тажаллият (*худонинг ўзи яратган н.ларда намоён бўлиши*)

– جَالِيَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, جَوَالٍ (*бегона шаҳарда, бегона юртда яшайдиган*) ҳамшаҳарлар, ҳамюртлар уюшмаси, ватандошлик, юртдошлик, колония (*ўзга мамлакат ёки ўлкаларга кўчиб келиб ўрнашган кишиларнинг маҳалласи, қишлоғи*)

– جَلاَءٌ 1) равшанлик, аниқлик; الـ~ الْبَصَرِيُّ олдиндан кўра билиш; بِـ~ وَوُضُوحٍ ғоят аниқ равишда, жуда аниқ; 2) кетиш; жўнаш; транспортда жўнаб кетиш; эвакуация

– جِلاَءٌ маълум қилиш, хабардор қилиш, маълум қилиш

– جَلْوٌ жило бериш, силлиқлаш

– جَلْوَةٌ 1) жилва, ялтираш, чиннидай тоза бўлиш; 2) юз очиш, ёпинчиқни очиш (*янги турмуш қурган келин куёв уйида*)

– جَلِيٌّ тушунарли, аниқ, равшан, ойдин, шак-шубҳасиз, ошкора; ~ا яққол, бараллa, шубҳасиз; ... مِنَ الـ~ (تَمَامًا) أَنَّ ҳаммага маълумки, ... жуда равшанки, ...; كَالشَّمْسِ ~ кундек (куёшдек) равшан

– جَلِيَّةٌ *кўп.* 1)جَلاَيَا тушунарли бўлган аниқ нарса; الأَمْرِ~ ишнинг моҳияти (мазмуни); 2) ишончли маълумот

– مُتَجَلٍّ *мн.* مُتَجَلِّيَةٌ очиқ-ойдин кўриниб турган, аниқ, равшан

– مَجْلًى *кўп.* مَجَالٍ намойиш қилиш (қилиниш); اِسْتُقْبِلَ بِمَجَالِي التَّكْرِيمِ у юксак ҳурмат билан қабул қилинди (кутиб олинди)

جِلْوَازٌ *кўп.* جَلاَوِزَةٌ миршаб, полициячи

– جِلَوْزٌ *жам.* ёнғоқлар; خَازِنُ الـ~ эт бола (*қуш*)

– جِلَوْزَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ёнғоқ

جِلُوكُوزٌ глюкоза (*узум шакари*)

جَالُونٌ *кўп.* ـَاتٌ галлон (*Англияда, АҚШда: 4, 54 литрга тенг ўлчов бирлиги*)

جَلْفَنَ = جَلْوَنَ

– جَلْفَنَةٌ = جَلْوَنَةٌ

جَلَوِينٌ полиз бўзтикони (*Sonchus oleraceus*)

I جَلَّى (*u*) جَلْيٌ силлиқламоқ, пардозламоқ, ишлов бермоқ; II جَلَّى марра чизиғига биринчи бўлиб келмоқ (*от ҳақида*)

– جَلْيٌ силлиқлаш, пардозлаш, ишлов бериш

– جِلِّيٌّ 1) люк, қопқоқли туйнук, тешик; 2) туйнук (*ҳавони янгилаш ва ёруғлик тушиши учун чердак, минора кабиларга қурилган туйнук*)

– مُجَلٍّ марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келган от

جَالُوتٌ = جُلْيَاتٌ

جَلْيَطَ ёғламоқ, ёғ билан мойламоқ, суртмоқ

– جَلْيَطَةٌ ёғ билан мойлаш, суртиш

I جَمَّ (*a/u*) جُمٌّ 1) тўла бўлмоқ, сероб, мўл-кўл бўлмоқ, кўп сонли бўлмоқ; 2) тўлдирмоқ; جَمَّ (*a/u*) جَمَامٌ дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ (*от ҳақида*); جُمَّ الْفَرَسُ минмасдан дам берилмоқ (*отга*); II جَمَّمَ 1) қирғоғигача тўлдирмоқ; 2) қалин бўлиб ўсмоқ (*ўт-ўлан ҳақида*); IV أَجَمَّ дам бермоқ, дам олдирмоқ; V تَجَمَّمَ 1) қалин бўлиб ўсмоқ (*ўт-ўлан ҳақида*); 2) тўпланмоқ, йиғилмоқ; X اِسْتَجَمَّ 1) дам олмоқ; куч-қувват йиғмоқ, нафасни ростлаб олмоқ; 2) тўкин-сочинликда бўлмоқ; 3) ўсимлик билан қопланмоқ (*ер ҳақида*)

– أَجَمُّ *мн.* جَمَّاءُ *кўп.* جُمٌّ шохсиз, шохи йўқ, бешох, мугузсиз, тўқол

– اِسْتِجْمَامٌ дам, дам олиш; دَارُ الـ~ дам олиш уйи

– جَمٌّ 1. 1) мўл-кўл, сероб; кўп сонли; أَحَبَّ حُبًّا ~ا жуда қаттиқ севмоқ; 2) тўла; جَمُّ النَّشَاطِ тўла ғайрат; 2. мўл-кўлчилик, серобчилик, кўплик; ~ وَفِيرٍ ёки ~ غَفِيرٍ а) кўп сонли; б) кўп сонли оломон

– جَمَامٌ мутлақ тинчлик, хотиржамлик, сукунат, дам олиб ўтириш

– جَمَّاءُ кўп сонли, кўп

– جُمَّةٌ *кўп.* جُمَمٌ тараб, муайян тартибга келтирилган аёллар сочи; الشَّعْرِ ~ қалин соч

– جَمِيمٌ ўсимлик, ўт, ўт-ўлан

– مَجَمٌّ *кўп.* مَجَامٌّ кўкрак, сийна

جَمْبَرِيٌّ *жам.* майда қисқичбақалар, креветкалар

– جَمْبَرِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ майда қисқичбақа, креветка

جُمْبَازٌ (*сол.* جُنْبَازٌ) гимнастика; الـ~ عَلَى الأَجْهِزَةِ спорт жиҳозлари устида гимнастика машқларини бажариш; الـ~ الْفَنِّيُّ бадиий гимнастика; الْقُوَى ~ атлетик гимнастика

– جُمْبَازِيٌّ 1. гимнастикага оид, гимнастик; 2. гимнастикачи

– جُمْبَازِيَّةٌ = جُمْبَازٌ

جَمْبُوزِيَا ~ سَمَكٌ: гамбузия (*балиқ*)

جَمْجَمَ ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирмоқ, гулдурамоқ; تَجَمْجَمَ = جَمْجَمَ

– جَمْجَمَةٌ тушуниб бўлмайдиган нутқ, гулдураш; بِلاَ ~ وَمُوَارَبَةٍ жуда аниқ, тўппа-тўғри

– جُمْجُمَةٌ[1] *кўп.* جَمَاجِمُ бош суяги, бош суяк косаси, чаноқ; краниология (*одам ҳақидаги фан - антропологиянинг бош суягини ўрганадиган бўлими*)

– جُمْجُمَةٌ[2] ёғочдан ишланган пиёла

– جُمْجُمِيٌّ бош суягига оид

I جَمَحَ (*a*) جُمُوحٌ, جِمَاحٌ 1) ҳаддан ошмоқ, олиб қочмоқ (*от ҳақида*); مِنَ الْحَرْبِ ~ *мажх.* жанг майдонидан қочмоқ; 2) ўжарлик (қайсарлик) қилмоқ (*от ҳақида*); 3) ўз истакларига амал қилмоқ; 4)

эрини ташлаб кетмоқ; جَمَحَ (а) جَمْحٌ шошилмоқ

– جَامِحٌ кўп. جُمَّاحٌ 1) ўжар, қайсар, бўйсунмас; тутган жойини кесадиган, терс; асов, бўй бермайдиган (*от ҳақида*); 2) тийиб бўлмайдиган, ғоят кучли, шиддатли; бўйсунмайдиган; رَغْبَةٌ ~ ـــةٌ босиб (қайтариб) бўлмайдиган хоҳиш

– جِمَاحٌ 1) асов, қайсар (*от ҳақида*); 2) инжиқлик, хархаша; ◊ كَبَحَ ~ ـــهُ тиймоқ, тўхтатмоқ, жиловламоқ

– جُمَّاحٌ *бот.* чангловчи, оталиқ (*ўсимлик гулида*)

– جَمُوحٌ = جَامِحٌ

جِمْخَانَةٌ жимхона (*от ва туя миниб иштирок этиладиган спорт мусобақалари*)

I جَمَدَ (у) جُمُودٌ, جَمْدٌ 1) музламоқ, совқотмоқ; қаттиқлашмоқ; қотмоқ; қуюқлашмоқ; қуюлиб; ивиб қолмоқ (*қон ва сут ҳақида*); 2) (*ҳаяжон ва қўрқувдан*) ўрнида таррадек қотиб қолмоқ, серрайиб туриб қолмоқ; ~ فِي مَكَانِهِ مِنَ الْخَوْفِ қўрқувдан ўз ўрнида қотиб қолмоқ; ◊ ~ تْ يَدُهُ (كَفُّهُ) хасис, зиқна, қурумсоқ; ~ فَهْمُهُ لِهٰذَا الْكِتَابِ бу китобни у тушуна олмади; ~ تْ نَفْسُهُ عَلَى... (*бирор н.га*) бепарво қолмоқ; II جَمَّدَ 1) қаттиқ қилмоқ; музлатмоқ; 2) *иқт.* ўсишни тўхтатмоқ, ишлатмасдан (тўхтатиб) қўймоқ; ~ الْأَمْوَالَ капиталнi (сармояни) ишга солмаслик; 3) (*қоннинг, сутнинг*) ивиб, қотиб қолишига сабаб бўлмоқ; V تَجَمَّدَ 1) музламоқ, муз билан қопланмоқ; қаттиқлашмоқ, қотмоқ; 2) қуюқлашмоқ; ивиб қолмоқ, қуюлиб қолмоқ (*қон, сут ҳақида*); 3) *иқт.* ўсишдан тўхтаган бўлмоқ, ўсишдан тўхтаб қолмоқ; VII انْجَمَدَ тўла музлаб қолмоқ, муз билан қопланмоқ (*дарё ҳақида*); 2) музга айланмоқ, музламоқ

– تَجْمِيدٌ музлатиш; ~ الْأَمْوَالِ *иқт.* капиталнi (сармояни) ишлатмаслик, тўхтатиб қўйиш

– جَامِدٌ кўп. جَوَامِدُ 1) қуруқ; 2) музлаган; қаттиқ; қотган; 3) пишиқ, мустаҳкам, кучли; ضَرْبَةٌ ~ ـةٌ кучли зарба; 4) ҳаракатсиз, қўзғалмас; 5) жонсиз, ўлик; *кимё.* анорганик; جَوَامِدُ минераллар (*ноорганик қазилма моддалар*); 6) *грам.* ўзгармас; فِعْلٌ ~ шахс ва сонда тусланмайдиган феъл (мас., نِعْمَ، عَسَى، بِئْسَ); ~ اسْمٌ бошланғич (дастлабки) исм; ◊ ~ الْيَدِ (الْكَفِّ) хасис, зиқна

– جَمَادٌ кўп. ـــ اتٌ минерал, ноорганик модда; عَالَمُ الْجَمَادَاتِ ноорганик моддалар олами

– جَمَادِيٌّ минералга оид; ноорганикликка оид; анорганик

– جُمَادَى: ~ الْأُولَى жумодул-аввал (*қамарий тақвимнинг бешинчи ойи - 30 кун*); ~ الْآخِرَةُ жумодул-охир (*қамарий тақвимнинг олтинчи ойи - 29 кун*)

– جَمْدٌ музлаш, яхлаш, совуқ уриш; қотиш; қуюқлашиш; دَرَجَةُ الـــ~ музлаш даражаси, нуқтаси

– جَمَدٌ кўп. أَجْمَادٌ муз, ях; катта муз парчаси

– جُمُودٌ 1) қўзғалмаслик, ҳаракатсизлик; қотиб қолганлик, тўмтоқлик, жаҳолат; турғунлик; 2) ҳаётсизлик; ўликлик, жонсизлик (*табиат, бирор жой ҳақида*); 3) қаттиқлик, пишиқлик, мустаҳкамлик

– مُتَجَمِّدٌ музлаган, яхлаган; қотиб қолган, қаттиқ; муз қоплаган; الْمِنْطَقَةُ الْـــ~ ـةُ الشَّمَالِيَّةُ Арктика; الْمِنْطَقَةُ الْـــ~ ـةُ الْجَنُوبِيَّةُ Антарктика

– مُجَمَّدٌ музлатилган; музлаб қолган; لَحْمٌ ~ музлатилган гўшт; أَمْوَالٌ ~ ـةٌ *иқт.* ишлатилмаган, тўхтатиб қўйилган маблағ (капитал)

– مَجْمَدَةٌ кўп. مَجَامِدُ (*тоғлардаги*) музлик

I جَمَرَ (и) جَمْرٌ бирикмоқ, қўшилмоқ, йиғилмоқ, йиғилишмоқ, учрашмоқ; II جَمَّرَ 1) ёнаётган, чўғ бўлган кўмирда пиширмоқ; 2) йиғмоқ, термоқ, бирлаштирмоқ; ◊ ~ النَّخْلَ хурмо тепасидаги шох-шаббани кесмоқ; ~ الشَّعْرَ сочни йиғиб орқага турмакламоқ; IV أَجْمَرَ тўпламоқ; ~ النَّارَ оловни қаламоқ; V تَجَمَّرَ бирикмоқ, қўшилмоқ; йиғилмоқ, тўпланмоқ; VIII اجْتَمَرَ (*христианларда: ибодат вақтида*) ладан тутатмоқ (بِالْمِجْمَرَةِ); X اسْتَجْمَرَ орқани тошга артмоқ, тош билан тозаламоқ

– جُمَّارٌ *жам.* 1) ўзак (*ўсимликдаги*) 2) (*хурмонинг*) учи, тепа қисми, дарахтнинг энг тепасидаги шох

– جُمَّارَةٌ кўп. ـــ اتٌ (*хурмонинг*) учи, тепа қисми, дарахтнинг энг тепасидаги шох

– جَمْرٌ *жам.* чўғ бўлиб турган кўмир; *маж.* қаттиқ, кучли қаҳр-ғазаб; هَرِقْ عَلَى ~ كَ مَاءً ўзингни бос! (*сўзма-сўз:* ёнаётган оловингга сув сеп) هُوَ عَلَى مِثْلِ الْـــ~ مِنَ الْقَلَقِ хавотирликдан у ўзини худди чўғ устида ўтиргандай ҳис қиляпти; عَلَى أَحَرَّ مِنَ الْـــ~ қар. أَحَرُّ

– جُمَّارٌ = جَمْرٌ

– جَمْرَةٌ кўп. جَمَرَاتٌ 1) ёнаётган бир парча кўмир; қоракуя; لَا يُمَيِّزُ بَيْنَ التَّمْرَةِ وَالْـــ~ *мтл.* у кўмир билан хурмонинг фарқига бормайди; لَوْ قُلْتُ تَمْرَةً لَقَالَ ~ *мтл.* мен боғдан гапирсам, у тоғдан гапиради; мен Али десам, у Вали дейди (*сўзма-сўз:* мен хурмо десам, у кўмир дейди); 2) кичкина тош, майда тош; 3) *мед.* карбункул, хўппоз, кўк яра, чипқоннинг бийи; ~ خَبِيثَةٌ а) йиринг, яра; карбункул; б) куйдирги

– مِجْمَرَةٌ кўп. مَجَامِرُ 1) манқал; манқалдон; кабоб қўраси; 2) тутатқи солинадиган идиш, исириқдон; ладандон (*христианларда: ибодат вақтида ладан тутатадиган идиш*)

جُمْرُكٌ кўп. جَمَارِكُ божхона; رَسْمُ الْـــ~ бож, пошлина

– جُمْرُكْجِيٌّ кўп. جُمْرُكْجِيَّةٌ божхона ходими

– جُمْرُكِيٌّ божхонага оид; التَّعْرِفَةُ الْـــ~ ـةُ божхона тарифи (*олинадиган хизмат ҳақи*); الْإِجْرَاءَاتُ الْـــ~ ـةُ божхона расмиятчилиги, божхонада қилинадиган ишлар

I جَمَزَ (и) جَمْزٌ қадамини тезлатмоқ (*туя ҳақида*)

– جَمْزٌ туянинг юриш усулларидан бири

– جَمَّازٌ ёки جَمَّازَةٌ шошилинганда миниладиган туя

– جَمَزَى тезов, тезюрар (*туя ёки от ҳақида*); حِمَارٌ ~ тезюрар эшак

– جُمَّيْزٌ жам. тутлар оиласига кирувчи мевали дарахт; анжир

– جُمَّيْزَةٌ кўп. اتٌ — тутлар оиласига кирувчи дарахт ва унинг меваси; анжир (*дарахти ва меваси*)

جَامُوسٌ жам. جَوَامِيسُ буйволлар (*буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвонлар*); النَّهْرِ (الْبَحْرِ) ~ бегемот, сув оти; أَبُو ~ (*тўқ сариқ*) қўтон, қарқара

– جَامُوسَةٌ кўп. اتٌ — буйвол, урғочи буйвол

– جَمَّاسٌ буйвол боқувчи одам, буйволчи

جَمَشْتٌ мин. аметист (*сафсар ёки кўкиш сафсар рангли минерал, қимматбаҳо тош*)

جَمَشَ I (у) جَمْشٌ сочни олиб ташламоқ, тукни йўқотмоқ; сочни қирмоқ; II جَمَّشَ қитиқламоқ, қитиғини келтирмоқ; эркалаб қитиқламоқ; эркаламоқ

– جَمُوشٌ депиляторий (*сочни олиб ташлашда, тукни йўқотишда ишлатиладиган модда*)

– جَمُوشٌ = جَمِيشٌ[1]

– جَمِيشٌ[2] ўсимлик битмайдиган ер

جَمَسْتٌ = جَمَشْتٌ

جَمَعَ I (а) جَمْعٌ 1) йиғмоқ, тўпламоқ; 2) (*ҳосилни*) ўрмоқ, термоқ; 3) ўрамоқ, қуршаб олмоқ, бирлаштирмоқ; شَمْلَهُمْ ~ бир жойга йиғмоқ, кимларнидир бирлаштирмоқ; 4) *мат.* қўшмоқ; 5) тузмоқ, яратмоқ, ижод этмоқ; الْحُرُوفَ ~ *полигр.* (*ҳарфни*) термоқ; 6) (*бирор н. га*) қўшилмоқ, бирлашмоқ (إِلَى); 7) солиштирмоқ, таққосламоқ, қиёсламоқ; 8) қўшмоқ, бирлаштирмоқ, (к. *билан дир*) таништирмоқ (بِ); 9) (*бирор ишни бошқа иш билан*) бирга қўшиб олиб бормоқ (بَيْنَ); (*кимнидир к. билан дир*) бирлаштирмоқ (بَيْنَ); 10) *грам.* (*маълум бир вазнда*) кўплик сонни ҳосил қилмоқ (عَلَى); ◊ ~ عُدَّتَهُ кимгадир қарши қуролланмоқ; бирор кимга қарши пичоқ қайрамоқ; II جَمَّعَ 1) кўп миқдорда йиғмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; 2) бир жойга йиғмоқ, тўпламоқ; қисмларни йиғиб, тайёр ҳолга келтирмоқ (*мас. бирор жиҳозни*), *монтаж* қилмоқ, йиғмоқ; 3) коллективлаштирмоқ, жамоаламоқ; 4) коллекцияламоқ, коллекция тузмоқ; III جَامَعَ 1) бирлашмоқ; 2) жинсий алоқа қилмоқ; IV أَجْمَعَ ҳал қилмоқ; (н. *билан дир*) келишмоқ, (н. *ҳақда дир*) келишиб олмоқ (عَلَى); أَجْمَعُوا عَلَى الْقَوْلِ ҳамма бир овоздан розилигини билдирди; أَجْمَعُوا أَمْرَهُمْ عَلَى ... ҳаммалари бир овоздан қарор қилишдики, ...; V تَجَمَّعَ 1) йиғилмоқ, тўпланмоқ; 2) битта жамоага (гуруҳга) бирлашмоқ; 3) қўшилган бўлмоқ, жамланган бўлмоқ (*сонлар ҳақида*); 4) тўпланган бўлмоқ, бир жойга тўпланмоқ; VIII اجْتَمَعَ 1) йиғилмоқ, йиғилишмоқ, тўпланишмоқ; 2) бирлашмоқ; 3) бирга қўшилмоқ, бирга бўлмоқ; 4) (к. *билан дир*) учрашмоқ (بِ); X اسْتَجْمَعَ 1) йиғмоқ, термоқ; 2) тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ; قُوَاهُ ~ куч-қувватини тўпламоқ, йиғмоқ

– اجْتِمَاعٌ кўп. اتٌ 1) мажлис, йиғилиш; йиғин, митинг; انْتِخَابِيٌّ ~ сайловолди йиғилиши; جَمَاهِيرِيٌّ ~ митинг; الْـ~ الْكَامِلُ пленум; 2) учрашиш; 3) бирлашиш, қўшилиш; شَمْلِ الشَّعْبِ ~ халқнинг бирлашиши; النَّهْرِ ~ дарёларнинг қўшилиши (*бир-бирига қуйилиши*); الطُّرُقِ ~ йўлларнинг (*бир-бири*) билан туташиши, чорраҳа; عِلْمُ الْـ~ жамиятшунослик

– اجْتِمَاعِيٌّ 1. ижтимоий, жамиятга оид; الْحَالَةُ الْـ~ـةُ ижтимоий вазият; الْمُسَاوَاةُ الْـ~ـةُ ижтимоий тенглик; النِّظَامُ الْـ~ ижтимоий тузум; الْهَيْئَةُ الْـ~ـةُ кишилик жамияти; وَزِيرُ الشُّؤُونِ الْـ~ـةِ жамоат ишлари вазири; 2. жамиятшунослик мутахассиси, жамиятшунос, социолог

– اجْتِمَاعِيَّاتٌ кўп. ижтимоий масалалар; ижтимоий ҳаёт воқеалари

– اجْتِمَاعِيَّةٌ жамоатчилик; жамият

– إِجْمَاعٌ бир овоздан қабул қилинган қарор; якдиллик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик; الْـ~ *тар.* диний масалалар бўйича имомлар фикрининг якдиллиги; بِالْـ~ бир овоздан, якдиллик билан

– إِجْمَاعِيٌّ 1) коллективга оид, биргаликдаги, умумий; السَّلَامَةُ الْـ~ـةُ коллектив (жамоат) хавфсизлиги; 2) якдиллик, бирдамлик билан; مُوَافَقَةٌ ~ـةٌ якдиллик билан маъқуллаш

– أَجْمَعُ мн. جَمْعَاءُ кўп. أَجْمَعُونَ бутун; الْعَالَمُ الْـ~ ёки الْعَالَمُ بِـ~ـهِ бутун олам (дунё); الْمَدِينَةُ جَمْعَاءُ бутун шаҳар; بِأَجْمَعِهِ ҳамма биргаликда

– تَجْمِيعٌ (*бирга*) тўпланиш, йиғилиш, бирлашиш, уюшиш; 2) йиғиш; монтаж қилиш (*мас. кинони*)

– تَجْمِيعِيٌّ йиғиш учун белгиланган, йиғиладиган; монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган; الْأَعْمَالُ الْـ~ـةُ монтаж ишлари

– جَامِعٌ[1] 1) тўпловчи, йиғувчи, тузувчи; 2) тўла, кўп нарсани ўз ичига қамраб олган, сермазмун (*нутқ ҳақида*); 3) бирлаштирувчи, боғловчи; لَا يَجْمَعُهُمْ أَيُّ ~ بِـ уларнинг ...га ҳеч қандай алоқаси йўқ; 4) жомеъ (*масжид ҳақида*); 2. 1) йиғувчи, монтажчи; 2) *шунингдек*. الْحُرُوفِ ~ ҳарф терувчи; компилятор (*ундан-бундан йиғиб асар ёзувчи*), қурамачи

– جَامِعٌ[2] кўп. جَوَامِعُ жомеъ; الْأَزْهَرِ ~ ёки الْـ~ الْأَزْهَرُ (*Қоҳирадаги*) Ал-Азҳар жомеъ масжиди; الْـ~ الْأُمَوِيُّ (*Дамашқдаги*) Ал-Умавий жомеъ масжиди

– جَامِعَةٌ кўп. اتٌ — 1) умумийлик, бирлик; الْمَصْلَحَةِ ~ манфаатлар умумийлиги; 2; мустаҳкам бирлик, жипслашганлик; бутунлик, яхлитлик; 3) алоқа; 4) иттифоқ, бирлашма, лига; الْأُمَمِ ~ *тар.* Миллатлар Иттифоқи (*давлатларнинг биринчи ва иккинчи*

жаҳон урушлари орасида мавжуд бўлган халқаро иттифоқи); ~ الدُّوَلِ الْعَرَبِيَّةِ Араб давлатлари Лигаси; ~ الشُّعُوبِ الْبِرِيطَانِيَّةِ *тар.* Британия халқлари ҳамдўстлиги; 5) университет; مُدِيرُ الْـ~ университет ректори

— جَامِعِيٌّ 1. университетга оид; 2. университет ходими

— جِمَاعٌ 1) бир бўлиш, бирлашиш; ҳаммаси, барчаси, жами; وَ~ الْقَوْلِ إِنَّ ... қисқа қилиб айтганда, ...; 2) жинсий алоқа қилиш; 3) етарлилик, тўлалик

— جَمَّاعٌ йиғувчи, коллекционер; ~ الْكُتُبِ китоб йиғувчи; ~ـَـةٌ كَهْرَبَائِيَّةٌ *эл.* аккумулятор

— جَمَاعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — жамоат, бирлашма, корпорация, уюшма; 2) жамият; الْفَرْدُ لِلْـ~ وَالْـ~ لِلْفَرْدِ бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун; 3) жамоа, гуруҳ; оломон; 4) *ҳарб.* бўлим (*взводнинг бир қисми*), отделение; 5) ёмон ниятли тўда, гала, гуруҳ, нияти бузуқ кишилар; ◊ ~ الرَّجُلِ а) оила; б) хотин (эрнинг хотини)

— جَمَاعِيٌّ оммавий, коллективга оид, биргаликдаги; تَدَابِيرُ ~ـَـةٌ биргаликдаги тадбирлар; الْمَزْرَعَةُ الْـ~ـَـةُ жамоа хўжалиги; ~ قَتْلٌ оммавий қатл этиш, қатли ом

— جَمَاعِيَّةٌ умумийлик, муштараклик; ~ الْقِيَادَةِ биргаликда раҳбарлик қилиш, коллектив раҳбарлик; إِشَاعَةُ الْـ~ فِي الزِّرَاعَةِ қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, умумлаштириш

— جَمْعٌ 1 *кўп.* جُمُوعٌ 1) йиғиш, тўплаш, бирлашиш, бирлаштириш; ~ كَلِمَتِهِمْ *ёки* ~ شَمْلِهِمْ *маж.* мустаҳкам бирлашиш; 2) йиғилиш, тўпланиш; 3) *мат.* қўшиш; 4) мажлис, йиғилиш; 5) оломон, йиғин, тўда; 6) *грам.* кўплик сон; ~ الْكَثْرَةِ (н. *ларнинг*) кўплигини билдириш учун кўплик сон; ~ الْقِلَّةِ (н. *лар*) сонининг озроқлигини билдириш учун кўплик сон; ~ الْـ~ кўплик соннинг кўплиги; ◊ ~ الْيَدِ мушт

— جَمْعٌ 2 1) елканли кеманинг кўндаланг ўрнатилган елкани; 2) Маккаи мукаррамадаги Муздалифа тоғининг иккинчи номи

— جُمْعٌ *кўп.* أَجْمَاعٌ жамлик, биргалик; бутунлик, бир бутунлик; قَرَأَ الْكِتَابَ ~ـهِ у китобнинг ҳаммасини ўқиб чиқди; ◊ ~ الْيَدِ (الْكَفِّ) мушт

— جُمْعَةٌ *кўп.* جُمَعٌ 1) ҳафта; *дин.* пасха арафасидаги ҳафта; 2) *шунингдек* يَوْمُ الْـ~ *ёки* الْـ~ жума (*кун*); الْـ~ الْحَزِينَةُ *ёки* الْـ~ الْعَظِيمَةُ *дин.* пасха арафасидаги жума

— جَمْعِيٌّ жамлайдиган, тўплайдиган, умумлаштирувчи; اسْمُ الْجِنْسِ الْـ~ *грам.* турдош от

— جَمْعِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) мажлис, йиғилиш; الْـ~ التَّشْرِيعِيَّةُ қонун чиқарувчи мажлис; ~ عُمُومِيَّةٌ умумий мажлис; ~ عَامَّةٌ пленум; 2) жамият; الْـ~ الْجُغْرَافِيَّةُ география (жуғрофий) жамияти; ~ خَيْرِيَّةٌ хайрия жамияти; 3) иттифоқ, ассоциация, уюшма; الْـ~ الْعُمُومِيَّةُ لِمُنَظَّمَةِ الْأُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси; ~ الْأُمَمِ *тар.* Миллатлар иттифоқи (*давлатларнинг биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасида мавжуд бўлган халқаро иттифоқи*); 4) кўп миқдордаги, кўплик

— جَمِيعٌ 1. жами, бутунича, бир бутун; ~ ҳаммаси бўлиб, жамулжам, бутунлигича; 2. барча, бутун, ҳамма, бари, жами; ~ النَّاسِ ҳамма одамлар; ~هُمْ уларнинг ҳаммаси

— مُجَامَعَةٌ бирлашиш, қўшилиш

— مُجْتَمَعٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) мажлис бўладиган жой, учрашув жойи; 2) мажлис, йиғилиш; 3) жамият; коллектив, жамоа; الْـ~ الْإِنْسَانِيُّ (الْبَشَرِيُّ) кишилик жамияти; الْـ~ الاشْتِرَاكِيُّ социалистик жамият; الْـ~ الشُّيُوعِيُّ коммунистик жамият; الْـ~ اللَّاطَبَقِيُّ синфсиз жамият

— مُجْتَمِعٌ мажлис қатнашчиси

— مَجْمَعٌ *кўп.* مَجَامِعُ 1) мажлис бўладиган жой, 2) мажлис; съезд, йиғин; кенгаш; الْـ~ الْعِلْمِيُّ фанлар академияси; ~ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ Араб тили академияси; 3) комплекс (*бир бутунлик ҳосил этган, воқеа-ҳодисалар, ҳаракатлар, белгилар ва б. лар мажмуи*); 4) блок, иттифоқ; ◊ أَخَذَ بِمَجَامِعِ الْقُلُوبِ ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ, маҳлиё қилиб қўймоқ, асир этиб олмоқ, шайдо қилмоқ

— مُجَمَّعٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) бирлашма; الْـ~ الاسْتِهْلَاكِيُّ матлубот жамияти (бирлашмаси); 2) комбинат (*бир-бирига боғлиқ бир неча корхонани ўз ичига олган йирик бирлашма*); ~ الْحَدِيدِ وَالصُّلْبِ металлургия комбинати

— مُجَمِّعٌ йиғувчи, тўпловчи, жамловчи; ~ الْكَهْرَبَاءِ *эл.* аккумулятор

— مَجْمَعِيٌّ 1. академияга оид, академик; 2. академик; академия ходими

— مَجْمُوعٌ 1. жамланган, йиғилган, тўпланган; ~ًا أَوْ مُتَفَرِّقًا биргаликда ёки алоҳида-алоҳида; الْحُرُوفُ الْـ~ـَـةُ *полигр.* терилган ҳарфлар; 2. *кўп.* مَجَامِيعُ 1) ҳаммаси, барчаси, жами; умумий сумма, умумий миқдор, жами, ҳаммаси; *мат.* йиғинди; ~ مَصَانِعِ التَّعْدِينِ металлургия комбинати; 2; коллектив, жамоа

— مَجْمُوعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) мажмуа, тўплам; комплекс; ~ النِّظَامِ الْـ~ الشَّمْسِيَّةُ *ёки* ~ الشَّمْسِ қуёш системаси (тизими) даги сайёралар; 2) коллекция (*бир турдаги н. ларнинг тизимланган (систематлаштирилган) тўплами*); الْـ~ الْحَشَرِيَّةُ ҳашоротлар коллекцияси; الْـ~ النَّبَاتِيَّةُ гербарий (*қуритилган ўсимликларнинг коллекцияси*); 3) гуруҳ, тўда, группа; серия; ~ الدَّمِ қон группаси

— مَجْمُوعِيٌّ глобал, бутун дунёни қамраб олган, дунёга тарқалган; дунё миқёсидаги; умумий

جَمَكِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ، جَوَامِكُ = جَامَكِيَّةٌ

جَمُلَ I (جمل) جَمَالٌ (у) чиройли (гўзал) бўлмоқ; وَيَجْمُلُ بِنَا أَنْ

هَلْ نُلْقِيَ نَظْرَةً إِلَى ... ...га эътиборни қаратсак, яхши бўлади; هَلْ يَجْمُلُ بِنَا ... шу иш бизга ярашадими?; جَمَلَ (у) جَمْلٌ жамламоқ, йиғмоқ, бирлаштирмоқ, боғламоқ, қўшмоқ, йиғиндисини чиқармоқ; II جَمَّلَ зеб бермоқ, безатмоқ, ясатмоқ, чиройли қилмоқ, (*овқатни зирвак билан*) чиройли қилмоқ (ب); III جَامَلَ 1) ёқмоқ, кўнглини топмоқ; 2) (*бирор к. билан*) яхши (ёқимли, одобли) муносабатда бўлмоқ; IV أَجْمَلَ 1) боғламоқ, бирлаштирмоқ; тахламоқ, тўпламоқ, жамламоқ; 2) қисқа қилиб тушунтирмоқ; маълумот тайёрламоқ; 3) (*бирор н. ни*) яхши қилмоқ; 4) ~ الْقَوْمَ одамларнинг туяси кўпаймоқ; V تَجَمَّلَ 1) безанмоқ, ясанмоқ; чиройли бўлмоқ, пардоз-андоз қилмоқ; 2) одоб сақламоқ; ~ فِي الْكَلَامِ ёқимли (одоб билан, яхши) гапирмоқ; 3) сабр қилмоқ, бардош (чидам) билан ўтказмоқ; 4) эриган ёғ емоқ; VI تَجَامَلَ бир-бири билан яхши муносабатда бўлмоқ; X اسْتَجْمَلَ чиройли деб билмоқ (топмоқ)

– إِجْمَالٌ 1) бирикиш; қўшилиш, жамланиш; 2) қисқа баён қилиш; қисқача маълумот, маълумот; بالْـ~ ёки ~ا умуман, умуман олганда; хулоса қилиб, лўнда қилиб, қисқача; عَلَى ~ الْـ ~ ёки بِوَجْهِ الْـ~ умуман, умуман олганда

– إِجْمَالِيٌّ 1) жамланган, якуний; ялпи, жами, ҳаммаси; умумий, умумлаштирувчи; биргаликдаги, бирга қилинган; الضَّرَبَاتُ الْـ~ـة *ҳарб.* бир ерга тўплаб берилган зарбалар; 2) қисқартирилган, лўнда

– تَجَمُّلٌ 1) (*сохта, хўжакўрсинга қилинган*) одоб, боодоблик; 2) чидам, бардош, сабр-тоқат

– تَجْمِيلٌ чиройли қилиш, безаш; зеб бериш, зийнатлаш; جِرَاحَةُ الْـ~ *қар.* جِرَاحَةٌ 2; مُسْتَحْضَرَاتُ الْـ~ пардоз-андоз ашёлари, касметика буюмлари

– تَجْمِيلِيٌّ безашга оид; الْجِرَاحَةُ الْـ~ـة косметик жарроҳлик

– جَمَالٌ жамол, гўзаллик, ёқимлилик, чиройлилик; صَاحِبَةُ الْـ~ чиройли, ёқимли, гўзал (аёл ҳақида); رَبَّةُ (الإِلَهَةُ) الْـ~ гўзаллик илоҳаси, Венера (*қадимги Рим мифларида*); عِلْمُ الْـ~ эстетика (*санъат ва бадиий ижодиётдаги нафосат, табиат ва ҳаётдаги гўзалликлар ҳақидаги фан ва таълимот*)

– جَمَّالٌ *кўп.* جَمَّالَةٌ туя боқувчи, туякаш

– جَمَالُونَ *кўп.* ـَاتٌ *қар.* جَمَلُونَ

– جَمَالِيٌّ эстетикага оид, эстетик; الْمُتْعَةُ الْـ~ـة эстетик завқ; الذَّوْقُ الْـ~ эстетик дид; الْقِيَمُ الْـ~ـة маънавий бойликлар

– جَمَالِيَّةٌ бадиият, гўзаллик, нафосат

– جَمَلٌ *кўп.* جِمَالٌ туя; ~ ذُو سَنَامٍ бир ўркачли туя; ~ بِسَنَامٍ ёки ~ بِسَنَامَيْنِ икки ўркачли туя; ◊ ~ الْيَهُودِ *зоол.* хамелеон, буқаламун; ~ الْمَاءِ сақоқуш, бирқозон (*тумшуғи остида мешкоб халтаси бўлган йирик сув қуши*); لَيْسَ لَهُمْ فِي الْأَمْرِ ~ وَلَا نَاقَةٌ уларнинг бу ишга ҳеч қандай алоқаси (дахли) йўқ

– جُمَّلٌ 1 тўхташ жойига кемани боғланадиган йўғон арқон (*қар.* قَلْسٌ)

– جُمَّلٌ 2 حِسَابُ الْـ~ ҳарфлар ҳисоби (*қар.* أَبْجَد)

– جُمْلَةٌ *кўп.* جُمَلٌ 1) жами, ҳаммаси, баробари; натижа, сумма; маълум миқдор; бир қатор, қатор, бир неча; أَعْطَاهُمْ ~ مِنَ النَّصَائِحِ у уларга бир неча (қатор) маслаҳатлар берди; وَ~ الْقَوْلِ бир сўз билан (қисқа қилиб) айтганда; بالْـ~ а) бир сўз билан, қисқа қилиб; б) кўтарасига, улгуржи; в) оммавий миқёсда; اعْتِقَالَاتٌ بالْـ~ оммавий қамоққа олишлар; بالْـ~ وَالْمُفَرَّقِ ёки بالْـ~ وَالْقَطَّاعِيِّ кўтарасига (улгуржисига) ва чаканасига (чаканалаб); تُجَّارُ الْـ~ улгуржи савдогарлар; ~ бутунича; ҳаммаси бўлиб; ~ وَتَفْصِيلًا ёки فِي ~ـه وَتَفْصِيلِهِ тўла ва батафсил, умуман ва жумлатан; مِنْ ~ـهِمْ улар орасида; وَحَدَّثْنَا فِي ~ مَا حَدَّثْتَ أَنْ ... у гап орасида айтдики, ...; 2) *шунингдек*. ~ *грам.* жумла; ~ اسْمِيَّةٌ от кесимлиги; ~ فِعْلِيَّةٌ феъл кесимли гап; ~ خَبَرِيَّةٌ; ~ مُعْتَرِضَةٌ кириш гап

– جَمَلُونَ *кўп.* ـَاتٌ — иморатнинг гумбаз шаклидаги юқори қисми; икки ёққа нишаб томнинг қирраси; гумбаз, қубба; икки нишабли том; سَطْحُ الْـ~ икки ёққа нишаб томнинг тепа қирраси ва унинг устига жойлаштирилган ёғоч

– جَمَلُونِيٌّ гумбазсимон, қуббасимон

– جَمِيلٌ 1 1. жамил, чиройли, ёқимли; истараси иссиқ, жозибали; 2. раҳм-шафқат; хайрли иш; илтифот, марҳамат; مَعْرِفَةُ الْـ~ ёки عِرْفَانُ الْـ~ миннатдорлик, ташаккур; نُكْرَانُ الْـ~ ношукурлик, нонтепкилик; ~ا! жуда соз!, жуда яхши!

– جَمِيلٌ 2 эриган ёғ, жир

– مُجَامَلَةٌ жонкуярлик, сермулозаматлик; хушмуомалалик, илтифот, ҳурмат билан муомалада бўлиш, мулойимлик; ~ زِيَارَةُ ҳурмат билдириш мақсадидаги ташриф (визит); عَلَى سَبِيلِ الْـ~ мулозамат юзасидан; ~ لَهُ бирор шахсга хушомад қилиб, унга ёқишни кўзлаб

– مُجْمَلٌ 1. 1) якуний, умумий; 2) қисқа; 2. қисқа баён; очерк (*умумий тарзда ёзилган тасвирий-тавсифий ёки илмий асар*); схема; маълумот; (тарихий) қисқа курс; ◊ يَظْهَرُ مِنْ ~ حَالِهِ أَنَّ ... аниқ (очиқ) кўриниб турибдики, ...; فِي ~ـه (بِـ~ـه) وَتَفْصِيلِهِ тўлалигича ва майда тафсилотлари билан

– مُجَمِّلٌ безатувчи

– مُجَمَّلَاتٌ *кўп.* (*кумушдан, қимматбаҳо тошлардан ясалган*) безаклар, зеб-зийнатлар

جُمَانٌ *жам.* марваридлар, дурлар, инжулар

– جُمَانَةٌ *кўп.* ـاتٌ — марварид донаси, дурдона

جَمْهَرَ йиғмоқ, тўпламоқ; تَجَمْهَرَ йиғилишмоқ, тўпланишмоқ

– تَجَمْهُرٌ йиғин, тўда; *халқ.* йиғилиш, тўпланиш

– جَمَاهِيرِيٌّ оммавий

– جَمَاهِيرِيَّةٌ оммавийлик, оммавий ҳол (ҳолат)

– جَمْهَرَةٌ йиғилиш, тўпланиш; омма

– جُمْهُورٌ *кўп.* جَمَاهِيرُ тўда, гуруҳ, омма; бир жойга йиғилган кишилар; халқ; الْجَمَاهِيرُ الْعَامِلَةُ ишчилар оммаси; الْجَمَاهِيرُ الْغَفِيرَةُ кўп сонли омма (халқ); кенг халқ оммаси

– جُمْهُورِيٌّ 1. 1) умумий, оммавий; халққа оид; 2) республикага оид; 2. республикачи, республика тарафдори

– جُمْهُورِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — жумҳурият, республика; ~ أُوزْبَكِسْتَانَ Ўзбекистон жумҳурияти (республикаси)

– مُجَمْهَرٌ 1. тўпланган, йиғилган; 2. *кўп.* ـاتٌ — тўплам; الْمُجَمْهَرَاتُ *ёки* مُجَمْهَرَاتُ الْعَرَبِ (*араб шеъриятида* مُعَلَّقَاتٌ *дан сўнг ўз аҳамиятига кўра иккинчи ўринда турадиган*) исломгача бўлган етти қасида тўплами

جَنَّ I (*а/у*) جَنٌّ 1) бекитмоқ, яширмоқ; пинҳон тутмоқ; ~ اللَّيْلُ тун чўкди, тун кирди; 2) *мажҳ.* ақлдан озмоқ, жинни бўлмоқ; II جَنَّنَ 1) ақлдан оздирмоқ, жинни қилмоқ, жинниликкача олиб бормоқ; 2) қаҳр-ғазабини келтирмоқ; IV أَجَنَّ 1) ақлдан оздирмоқ, жинни бўлишгача олиб бормоқ; 2) бекитмоқ, яширмоқ, пинҳон қилмоқ; ~ ـتِ الْمَرْأَةُ وَلَدًا ҳомиладор бўлмоқ; V تَجَنَّنَ ақлдан озмоқ, ақл-ҳушини йўқотмоқ; VI تَجَانَّ *ёки* تَجَانَنَ ўзини жинниликка солмоқ; VIII اِجْتَنَّ беркинмоқ, яширинмоқ; X اِسْتَجَنَّ 1) (*н. биландир*) ёпинмоқ (بِ); 2) яширинмоқ, бекинмоқ; 3) ақлдан озган деб ҳисобламоқ

– جَانٌّ 1) иблислар, шайтонлар; жинлар, девлар (*насронийларда*); 2) оқ илон

– جَنَّانِيٌّ *кўп.* جَنَّانِيَّةٌ = جَنَّانٌ

– جَنَانٌ *кўп.* أَجْنَانٌ юрак; жон; ~ ثَابِتُ الْـ мустаҳкам иродали; қўрқмас, довюрак

– جُنَانٌ, جُنَانَةٌ қалқон

– جِنَانٌ жиннилик, ақлдан озиш

– جَنَّانٌ боғбон

– جِنٌّ *шунингдек:* جِنَّةٌ *жам.* жинлар, руҳлар; шайтонлар, иблислар; ~ عَالَمُ الْـ *миф.* руҳлар олами

– جِنِّيٌّ *д.с.* جِنٌّ *дан.* жин, руҳ, иблис, шайтон

– جِنِّيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — (*аёл қиёфасидаги*) жин, соҳира, сеҳрлаб (мафтун қилиб) қўядиган гўзал аёл; пари; ~ الْبَحْرِ сув париси

– جَنَّةٌ *кўп.* ـاتٌ, ـ جِنَانٌ 1) боғ; ~ الْـ жаннат; ◊ ~ أَهْلُ الْـ *дин.* аҳли жаннат, тақводорлар; أَسْكَنَهُ اللّٰهُ فَسِيحَ جَنَّاتِهِ Оллоҳ унинг жойини жаннатда қилсин!; ~ غَضْفُورُ الْـ марҳум; سَاكِنُ الْجِنَانِ қолдирғоч; 2) хурмо дарахтлари

– جُنَّةٌ *кўп.* جُنَنٌ 1) (*бирор н. дан ҳимояланиш учун*) тўсиқ, пана; 2) қалқон

– مِجَنٌّ = جُنَّةٌ

– جُنُونٌ 1) жунун, жиннилик, ақлсизлик, ақлдан озганлик; مِنَ ... ~ الْـ أَنْ агар ...са, ақлсизлик бўлади; ~ جُنَّ ـهُ у ақлдан озди; ~ جُنَّ هَذَا الرَّجُلُ бу одам эсини йўқотди (ақлдан озди); ~ فُنُونٌ الْـ *мтл.* ҳар ким ўз ҳолича ақлдан озади; 2) қаҳр, ғазаб; 3) васваса; ~ التَّعَاظُمِ улуғлик васвасаси; ~ الْحَرِيقِ пиромания (*ўт қўйишга мойилликдан иборат руҳий касаллик*); ~ السَّرِقَةِ клептомания, (*ўғрликка мойилликдан иборат руҳий касаллик*)

– جُنُونِيٌّ жинниликка, ақлсизликка оид; шайтонга, иблисга оид, шайтоний; даҳшатли, қўрқинчли

– جَنِينٌ *кўп.* أَجِنَّةٌ эмбрион, пушт, ҳомила; عِلْمُ الْأَجِنَّةِ эмбриология (*биологиянинг эмбрионлар ривожланишини ўрганадиган бўлими*)

– جُنَيْنَةٌ *кўп.* ـاتٌ, ـ جَنَائِنُ боғча, кичкина боғ

– جُنَيْنَاتِيٌّ *кўп.* جُنَيْنَاتِيَّةٌ боғбон

– جَنِينِيٌّ эмбрионга оид; эмбрион ҳолидаги

– مَجَنَّةٌ: ~ أَرْضٌ ـةٌ жинлар макон қурган ер

– مِجَنٌّ, مِجَنَّةٌ *кўп.* مَجَانٌّ қалқон; ~ قَلَبَ ظَهْرَ الْـ (*бирор к. га қарши*) қуролни қаратмоқ (тўғриламоқ); ўзгартирмоқ, бурмоқ

– مَجْنُونٌ *кўп.* مَجَانِينُ мажнун, жинни, ақлдан озган; қутурган; ~ السِّبَاقُ الْـ ўта тез чопиш, пойга

جَنَبَ I (*у*) جَنْبٌ 1) бир тарафга қўйиб турмоқ; 2. ...дан четда ушлаб турмоқ, четлаштирмоқ, йўқотмоқ; II جَنَّبَ = I; III جَانَبَ ёнида бўлмоқ; 2) ўзини четга олмоқ, ўзини олиб қочмоқ; هَذَا الرَّأْيُ لَا يُجَانِبُ الصَّوَابَ бу нуқтаи назар ҳақиқатга яқин; ~ مِنْ قَوَاعِدِ النَّحْوِ وَالصَّرْفِ грамматика қоидаларига амал (риоя) қилмаслик; V تَجَنَّبَ ўзини олиб қочмоқ, ўзини четга олмоқ, ўзини четга тортмоқ; VI تَجَانَبَ 1) ўзини четга олмоқ (тортмоқ); 2) бир-бирига боғлиқ бўлмоқ; VIII اِجْتَنَبَ = V.; يُجْتَنَبُ четлаб ўтиш мумкин бўлган нарса

– اِجْتِنَابٌ бош тортиш, сақланиш, ўзини тийиш

– أَجْنَبُ = أَجْنَبِيٌّ

– أَجْنَبِيٌّ *кўп.* أَجَانِبُ 1. 1) ажнабий, бегона, чет киши; 2) четга оид; ~ اللُّغَاتُ الْـ ـةُ чет тиллар; 2. бегона юртлик киши, чет эллик киши

– تَجَنُّبٌ бош тортиш, бўйин товлаш; оғиш, четга чиқиш

– جَانِبٌ *кўп.* جَوَانِبُ 1) ён, ёнбош; биқин; борт, ён девор; фланг, ён томон, қанот; (*шунингдек: дип.*) томон; ~ الْمَرْكَبِ الْأَيْسَرِ

кеманинг чап борти; الْـ~ الْفَرَنْسِيُّ (*мас. музокараларда*) Франция томони; اتَّفَقَ الْـ~انِ عَلَى أَنْ ... ҳар иккала томон келишиб олишдики, ...; مُتَعَدِّدُ الْجَوَانِبِ а) кўп томонли; кўп қиррали; б) кўп қирралилик; وَحِيدُ الْـ~ бир ёқлама; تَرَكَهُ ~اً четга; четда; ~اً كَانَ بِـ~ـهِ бирор нимадан бош тортмоқ; بِـ~ـهِ бирор ким тарафида бўлмоқ; وَضَعَهُ ~اً бирор нарсани ёнга қўйиб турмоқ; بِـ~ـهِ у билан ёнма-ён; إِلَى ~ وَقَفَ بِـ~ـهِ бирор ким тарафида турмоқ; وَقَفَ إِلَى ~ـهِ шу билан бирликда; إِلَى ~ـهِ у билан бир қаторда; هَذَا مِنْ ~ ... وَمِنْ ~ آخَرَ ... бир томондан ..., бошқа томондан ...; مِنْ ~ـهِ унинг тарафидан; الْتَزَمَ ~ـهِ бирор ким тарафига ўтмоқ; الْتَزَمَ ~ الْحِيَادِ бетарафликни сақламоқ, бетараф бўлиб турмоқ; أَهْمَلَ ~ـهُ сукут сақламоқ; لاَحَظَ أَنَّ الْجِنْبَةَ у сездики, уларга эътибор беришмаяпти; لاَ يُؤْمَنُ ~ـهُ у хатардан холи эмас; у омонатдир, у ишончли эмас; خَافَ ~ـهُ қўрқмоқ, бирор кимдан ҳайиқмоқ, чўчимоқ; أَعْطَى صَوْتَهُ فِي ~ ... у ... учун овоз берди; فَكَانَتِ النَّتِيجَةُ 61 صَوْتًا إِلَى ~ الْمَشْرُوعِ لِصَوْتٍ وَاحِدٍ ضِدَّهُ натижада лойиҳа учун 61 овоз тарафдор ва бир овоз қарши бўлди; عَلَيْنَا أَنْ نُنَاضِلَ فِي ~ قُوَّاتِ السَّلاَمِ وَالْحُرِّيَّةِ биз тинчликни мустаҳкамлаш ва озодлик учун курашишимиз керак; 2) бўлак, қисм, миқдор; ~ عَظِيمٌ مِنْ ... (*бирор н. нинг*) катта қисми; هَذَا الْخَبَرُ عَلَى ~ كَبِيرٍ (عَظِيمٍ) مِنَ الأَهَمِّيَّةِ (الْخُطُورَةِ) бу ўз аҳамиятига кўра жуда муҳим хабар; ◊ بِـ~ مَا ... шу билан биргаликда, айни замонда; سَهْلُ الْـ~ муомалада ёқимли; لَيِّنُ الْـ~ гапга кўнадиган, райиш, қобил; مَرْهُوبُ الْـ~ қўрқинч (ҳисси) уйғотувчи

– جَانِبِيٌّ 1) ён томондаги, ёнбошдаги; عَرَبَةٌ ~ـةٌ коляска, кажава (*мотоциклда*); *фото.* صُورَةٌ ~ـةٌ *ёки* مَنْظَرٌ ~ профил, ён томондан кўриниш; 2) қўшимча, ёрдамчи, иккинчи даражали; نَاتِجٌ ~ қўшимча маҳсулот; 3) *фон.* латерал ундошлар (*тилнинг икки ёнидан чиқадиган ҳаво оқими ёрдамида ҳосил бўлувчи ундошлар*)

– جَانِبِيَّةٌ *фото.* профил, ён томондан кўриниш

– جَنَابٌ 1) тараф, ён; 2) жаноб, жаноблари (*асосан чет эллик расмий кишиларга мурожаат*); ~ قُنْصُلِ إِنْكِلْتِرَا الْعَامِّ инглиз бош консули жаноблари; ~كُمْ жаноб олийлари

– جُنَابٌ плеврит, зотилжам

– جَنَابَةٌ 1) лой; 2) *дин.* ҳаром бўлиш, мурдор бўлиш, булғаниш

جَنَّابِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ (1 — темир йўл ёқасидаги ариқ, зовур; 2) тупроқ, шағал *ва б.* тўкиб ясалган баландлик, тепалик, дўнглик

– جَنْبٌ *кўп.* جُنُوبٌ, أَجْنَابٌ ён; ёнбош; борт, ён девор; тараф; *ҳарб.* қанот; عَلَى ~ ёнма-ён; بِـ~ـهِ унинг ёнида; إِلَى (لِـ) ~ ... ~اً; قَعَدَ ~ـهُ бирор нарсанинг ёнида; бирор нарсада; тарафга; ذَاتُ الْـ~ телефон ёнида ўтирмоқ; ~ التِّلِيفُونِ плеврит, зотилжам; الصَّاحِبُ بِالْـ~ а) ичида; б) бирор нарсанинг ичида; بَيْنَ ~ـيْهِ ҳамроҳ, йўлдош, сафардаги шерик

– جُنُبٌ 1) *дин.* ҳаром қилинган, мурдор қилинган, булғанган; 2) бегона, ёт; قَرِيبٌ ~ узоқ қариндош; الْجَارُ الْـ~ ўзга юртлик, ўзга юртдан келиб қолган қўшни

– جَنْبَةٌ *кўп.* ـاتٌ (1 — хуржун; 2) ён, ёнбош, тараф; فِي جَنْبَاتِهِ *ёки* بَيْنَ جَنْبَاتِهِ бирор нарсанинг ичида; بِجَنْبَاتِ الْحُجْرَةِ хужралар ичида; فِي جَنْبَاتِ الْمَسْجِدِ масжид деворлари орасида (ичида); هَذِهِ الْمَصَانِعُ يَعْمَلُ عَشَرَةَ آلاَفِ عَامِلٍ бу заводда ўн минг ишчи ишлайди; 3) тармоқ, бирлашма

– جَنْبِيٌّ ён томондаги, ёнбошдаги

– جَنُوبٌ 1) жануб; ~اً жанубга; жанубда; 2) жанубий шамол; ~ شَرْقِيٌّ жануби-шарқий; ~ غَرْبِيٌّ жануби-ғарбий

– جَنُوبِيٌّ жанубий; قُطْبُ الْـ~ Жанубий қутб

– جَنِيبٌ 1. (*ёнбошда*) етаклаб кетилаётган; 2. 1) кўнгилчан, итоаткор; 2) бегона, ёт

– مُتَجَانِبٌ чегарадош, қўшни, ёнма-ён; *мат.* زَاوِيَةٌ ~ـةٌ қўшни бурчак

– مُجَانِبٌ ёнда борувчи

– مُجَانَبَةٌ ўзини олиб қочиш, қочиш; ~ لِلصَّوَابِ ҳақиқатдан четга чиқиш (қочиш)

– مُجَنَّبَةٌ *кўп.* ـاتٌ (1 — флигель (*асосий уй ёнига қурилган бино*); қанот, томон (*бинода*); 2) *ҳарб.* фланг, ён томон, қанот

جَنْبَاذِيَّةٌ *кўп.* гимнастикачилар, акробатлар (*мураккаб машқларни бажарувчи гимнастикачилар ёки цирк артистлари*)

– جَنْبَازٌ *кўп.* جَنَابِزَةٌ гимнастикачи, акробат

– جُنْبَازٌ гимнастика (*сол.* جُمْبَازٌ)

– جُنْبَازِيٌّ гимнастикага оид

– جَنْبَازٌ = جَنْبَازِيَّةٌ

جَنْتِلْمَنْ жентльмен (*Англияда: аристократик табақаларга хос назокатли одам*); اتِّفَاقُ الْـ~ ўзаро жентльменларча келишув; тантилик билан тузилган ўзаро оғзаки битим

جَلْجَلٌ = جُنْجُلٌ

جَنَحَ 1 (а) جُنُوحٌ, جَنْحٌ 1) қанотни, қўлни жароҳатламоқ; 2) бошланмоқ (*тун, қоронғулик ҳақида*); 3) саёз жойга ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*); 4) (н. *ғадир*) интилмоқ (إِلَى); (н. *нингадир*) тарафига оғмоқ (إِلَى); (н. *ғадир*) майл, ҳавас, қизиқиш кўрсатмоқ (إِلَى); (н. *ғадир*) кўнмоқ, унамоқ, юрмоқ, рози бўлмоқ, қабул этмоқ (إِلَى); II

جَنَّحَ 1) қанот билан таъминламоқ; ~ يَدَيْهِ қўлларни силкита бошламоқ; 2) *кўч.м.* руҳлантирмоқ, руҳини кўтармоқ; 3) бирор

кимсани қонунбузарликда айбламоқ; IV أَجْنَحَ 1) (*н. ғадир*) унатмоқ, кўндирмоқ, рози қилмоқ; 2) саёз жойга ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*)

– جَانِحٌ 1. 1) (*н. ғадир*) уновчи, рози бўлувчи (إِلَى); мойил, тарафдор; 2) ақлдан озган, тўғри йўлдан адашган; 2. 1) ён, ёнбош, ён, тараф; қирра; 2) қонунбузар

– جَانِحَةٌ *кўп.* جَوَانِحُ *анат.* қовурға; بَيْنَ جَوَانِحِهِ унинг кўнглида, унинг юрагида (қалбида)

– جَنَاحٌ *кўп.* أَجْنِحَةٌ, جَنَاحَاتٌ 1) қанот; 2) сузгич (*сув ҳайвонларининг сузиш аъзоси*); 3) қанот, томон; флигель; корпус; (*кўргазма залидаги*) бўлим, павильон; 4) ён, ёнбош, тараф; *ҳарб.* фланг, қанот; 5) паррак (*мас. вентилятордаги*); 6) ҳимоя, ҳомийлик; فِي تَحْتَ ~ـه у унинг ҳимоясида; 7) этак, бар; مُنْخَفِضُ الـ~ камтар, хоксор; مَقْصُوصُ الـ~ заиф, кучсиз; عَلَى ~ الطَّائِرِ ёки عَلَى ~ السُّرْعَةِ худди қаноти бордай (қанот чиқаргандай) тез, шошилинч; الْحَرْبُ عَلَى ~ السُّرْعَةِ яшин тезлигидаги уруш

– جُنَاحٌ гунох; айб, ножўя қилинган иш; жиноят; لَا ~ عَلَيْهِ إِنْ... агар у ...са, ҳеч бало бўлмайди

– جُنْحٌ бир бўлак, бир қисм (*тун ҳақида*); ◊ تَحْتَ ~ الظَّلَامِ тун пардаси остида, тун қоронғилигида

– جِنْحٌ тараф, қирғоқ, чет; ёқа, қирра, чет, чекка, лаб; ~ مِنَ اللَّيْلِ туннинг бир қисми

– جُنْحَةٌ *кўп.* جُنَحٌ айб, ноўрин иш; қонунбузарлик

– جُنُوحٌ (*н. ғадир*) мойил, тарафдор (إِلَى)

– جُنُوحٌ 1) мойиллик; 2) саёз жойга ўтқизиб қўйиш (*кема ҳақида*)

– جُنَيْحٌ, جُنَيْحَةٌ *кўп.* ـاتٌ кичкина қанот, қанотча; *ав.* элерон (*самолёт қанотларидаги бошқариш учун хизмат қиладиган қисмлар*)

– جُنَيْحٌ = جُنَيْحٌ

– مُجَنَّحٌ 1) қанотли, қаноти бор; 2) руҳланган

(جند) II جَنَّدَ қўшинга, армияга одам олмоқ; ҳарбий хизматга чақирмоқ; сафарбар қилмоқ; ~ نَفْسَهُ (*н. ғадир*) ўзини сафарбар қилмоқ (لِـ); (*н. нидир*) қилишга, бажаришга чоғланмоқ (لِـ); تَجَنَّدَ 1) ҳарбий хизматга кирмоқ; 2) жалб қилинган бўлмоқ, сафарбар қилинган бўлмоқ

– تَجَنُّدٌ ҳарбий хизматни ўташ

– تَجْنِيدٌ жалб қилиш, олиш; ҳарбий хизматга чақириш; сафарбар қилиш; الـ~ الإِجْبَارِيُّ мажбурий ҳарбий хизмат

– جُنْدٌ *кўп.* جُنُودٌ, أَجْنَادٌ 1) аскар, лашкар, қўшин; ҳарбий қисм; جُنُودٌ نِظَامِيُّونَ мунтазам армия қўшинлари; جُنُودُ الْمِظَلَّاتِ парашютчилар; الْجُنُودُ الْمُجَنَّدَةُ битмас-туганмас қўшин, сон-саноқсиз қўшин (аскар); 2) ёрдамчи, ёрдам берувчи

– جُنْدِيٌّ *кўп.* جُنُودٌ 1) жангчи, оддий аскар, солдат, ҳарбий хизматчи; ~ مُسْتَجَدٌّ хизматга янги келган аскар, قَبْرُ الـ~ الْمَجْهُولِ номаълум жангчи қабри; 2) *шахм.* пиёда; الْمَقْثَاةِ ~ полизга қўрқитиш учун қўйилган «қўриқчи»

– جُنْدِيَّةٌ 1) ҳарбий хизмат, аскарликдаги хизмат; 2) агрессив ҳарбийлар, тажовузкор ҳарбий доиралар; 3) милитаризм (*қуролланиш ва янги уруш оловини ёқишга қаратилган реакцион агрессив сиёсат*)

– مُجَنَّدٌ ҳарбий хизматга янги келган аскар

جَنْدَارْمَةٌ жандармерия (*чет давлатларда: сиёсий полиция*)

جُنْدُبٌ *кўп.* جَنَادِبُ чигиртка

جَنْدَرَ 1) (*ювилган кирни*) ўқловлаб текисламоқ, силлиқламоқ, ғижимини ёзмоқ; 2) ~ الْكِتَابَ китобнинг ўқилган қисмига қалам юргизмоқ; ~ الثَّوْبَ ранги ўчган кийимни қайтадан бўямоқ

– جَنْدَرَةٌ ўқлов (*ювилган кирни текислаш учун*)

– جَنْدَرَةٌ 1) (*ювилган кирни*) ўқловлаб текислаш, ғижимини ёзиш; 2) ўқлов

جَنْدَارْمَةٌ = جَنْدَرْمَةٌ

– جَنْدَرْمِيٌّ 1. жандармерияга ва жандармга оид; 2. жандарм (*жандармерияда хизмат қилувчи полициячи*)

جُنْدُفْلِيٌّ *жам.* устрицалар (*еса бўладиган денгиз моллюскалари*)

جَنْدَلَ йиқитмоқ, қулатмоқ; ағдариб ташламоқ, юқоридан ташламоқ

– جَنْدَلٌ *кўп.* جَنَادِلُ тош; қоя; (*дарёдаги*) остонатош (*дарё тагидан кўтарилиб турган тош дўнглик*)

– جَنْدَلَةٌ юқоридан қулаш

– جُنْدُولَا, جُنْدُولَةٌ *кўп.* جُنْدُولَاتٌ 1) гондола (*1. венеция қайиғи; 2. ҳаво шари, дирижабль ва ш.к. ларнинг одам ўтирадиган ёки мотор ўрнатиладиган кажаваси*)

[1] جِنِرَالٌ *кўп.* جِنِرَالِيَّةٌ, ـاتٌ генерал; ~ كُولُونِيلٌ генерал-полковник; ~ لِفْتِينَانْتٌ генерал-лейтенант; ~ مَاجُورٌ генерал-майор

– [2] جِنِرَالٌ бош, асосий; ~ قُنْصُلٌ бош консул

– جِنِرَالِيسِيمُ генералиссимус

(جنز) II جَنَّزَ жаноза ўқимоқ; дафн этмоқ

– جَنَّازٌ *кўп.* جَنَانِيزُ, جَنَّازٌ жаноза, жаноза маросими; дафн маросими; дафн этиш

– جَنَازَةٌ *кўп.* ـاتٌ, جَنَائِزُ 1) жаноза, дафн қилиш маросими; صَلَاةُ الـ~ жаноза намози; 2) тобут; катафалк (*дафн маросимида тобут қўйиладиган арава ёки машина; черковда тобут қўйиладиган супача*); 3) тобутда ётган ўлик

– جَنَائِزِيٌّ дафнга оид; ~ اجْتِمَاعٌ мотам йиғилиши, йиғини

جَنْزَبِيلٌ занжабил (*1. ўсимлик; 2. шу ўсимлик илдизидан тайёрланган зиравор, сол.* زَنْجَبِيلٌ); شَرَابُ الـ~ занжабил ичимлиги; كَعْكُ الـ~ занжабил қўшилган ширин кулча

جَنْزَرَ мис оксиди билан қопланмоқ, яшил бўёқ билан қопланмоқ

– جِنْزَارٌ, جِنْزَارَةٌ, جَنْزَرَةٌ мис оксиди, яшил бўёқ

– جَنْزِيرٌ (*сол.* زَنْجِيرٌ) *кўп.* جَنَازِيرُ 1) занжир; طَارَةُ الـ~ шестерня,

тишли ғилдирак; جَنَازِيرُ لِتَوْصِيلِ الْحَرَكَةِ трансмиссия (*двигателнинг ҳаракатини ёки айланишини ғилдирак ва тасмалар орқали бошқа механизмларга узатувчи махсус қурилма*); 2) гусеница (*танк, трактор ва ш.к. ларда ғилдирак вазифасини ўтовчи кенг занжир тасма*); جَنَازِيرُ الْجَرَّارَةِ трактор гусеницаси (занжири)

– مُجَنْزَرٌ 1) мис оксиди билан қопланувчи; 2) гусеницали, занжирли

(جنس) II جَنَّسَ 1) бир жинсли қилмоқ; ўхшатмоқ; 2) натурализация қилмоқ (*бошқа давлат граждандигига ўтказмоқ*), гражданлик ҳуқуқини бермоқ; 3) бошқа ҳолга келтирмоқ (айлантирмоқ), бошқача қилиб қўймоқ; 4) янгроқ қилмоқ, бир хил янграйдиган қилмоқ; الْكُسُورَ ~ *мат.* умумий махражга келтирмоқ; III جَانَسَ 1) ўхшаш бўлмоқ, бир хил бўлмоқ, бир хил жинсли бўлмоқ; 2) янгроқ бўлмоқ, ҳамоҳанг (оҳангдош) бўлмоқ; 3) икки хил маъноли сўзларни ишлатмоқ; 4) кўнгил очмоқ, вақтичоғлик қилмоқ; шерик бўлмоқ; V تَجَنَّسَ 1) ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ; *грам.* ассимиляция бўлмоқ, аралашиб (бир бўлиб ёки ўхшаб) кетмоқ; 2) натурализация бўлмоқ (*бошқа давлат гражданлигига ўтмоқ*); ~ بِالْجِنْسِيَّةِ танламоқ; гражданликка қабул қилмоқ; VI تَجَانَسَ ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ; бир хил бўлмоқ, бир хил жинсли бўлмоқ

– تَجَانُسٌ 1) ўхшашлик, бир хиллик; бир жинслилик, бир хилда тузилганлик; *мат.* изоформизм (*ўхшашлик*); عَدَمُ الـ~ бир хил бўлмаслик, бир жинсли бўлмаслик; 2) тўла мувофиқлик, тўла розилик

– تَجَنُّسٌ натурализация (*бошқа давлат гражданлигига ўтиш*), гражданликни қабул қилиш

– تَجْنِيسٌ натурализация, гражданлик ҳуқуқини бериш

– جِنَاسٌ 1) ўхшашлик; ҳамоҳанглик, қофиядошлик; 2) сўз ўйини; *услуб.* парономазия (*ўхшаш сўзлар ишлатиш*)

– جِنْسٌ *кўп.* أَجْنَاسٌ 1) *биол.* авлод; الـ~ الْبَشَرِيُّ одамзод, башарият, инсоният; 2) нав, сорт; синф, туркум; тур, хил; 3) жинс; الـ~ الْخَشِنُ эркаклар жинси; الـ~ اللَّطِيفُ аёллар жинси; 4) зот, насл; қабила; ирқ; миллат; элат; هُوَ مِصْرِيُّ الـ~ у Миср элатига мансуб; أَبْنَاءُ ~ـهِ а) унинг (*мз.*) ватандошлари; б) эркаклар; بَنَاتُ ~هَا а) унинг (*мн.*) ватандошлари; б) аёллар; أَوْلَادُ الـ~ қабила, миллат ва *ш.к.* лар вакиллари; عِلْمُ أُصُولِ أَجْنَاسٍ *ёки* عِلْمُ الأَجْنَاسِ الْبَشَرِيَّةِ антропология (*одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, жисмоний тузилиши ва ирқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фан*); نَظَرِيَّةُ الأَجْنَاسِ ирқий назария; 5) *грам.* жинс, род; اسْمُ الْجِنْسِ *кўп.* أَسْمَاءُ الأَجْنَاسِ *грам.* турдош от

– جِنْسِيٌّ 1) ирқий; насабий, жинсий; миллий; 2) жинсий, сексуал; ~ اتِّصَالٌ жинсий алоқа; لَا ~ эркак ёки урғочилик аломати йўқ, жинссиз; б) апатрид (*отасиз урчийдиган жонивор ёки ўсимлик*)

– جِنْسِيَّةٌ 1) (*бирор миллатга таааллуқли*) элат; 2) фуқаролик, табаалик; гражданлик; عَدِيمُ الـ~ апатрид; اخْتَارَ الـ~ гражданликни қабул қилмоқ; أَسْقَطَ (سَحَبَ، سَلَبَ) الـ~ عَنْهُ бирор кимни гражданликдан маҳрум қилмоқ; اللا~ а) апатридизм; б) жинссизлик; 3) жинс

– مُتَجَانِسٌ бир хил, бир хил жинсли, гомоген (*таркиби жиҳатидан бир хил, мас. суюқлик*)

– مُجَانِسٌ бир хил, ўхшаш, худди, ...дек

– مُجَانَسَةٌ 1) (*бирор н. га*) ўхшайдиган (н. *ҳақида*); ўхшашлик, бир хиллик; бир жинслилик, бир хилда тузилганлик; 2) кўнгил очиш, вақтичоғлик

– مُجَنَّسٌ 1. тоза зотли эмас, айниган; 2. дурагай, чатишма

I جَنَفَ (а) جَنَفٌ 1) тўғри йўлдан адашмоқ (عَنْ); 2) эркин ҳаракат қилмоқ; (*ўз васиятларида*) адолатсизлик қилмоқ; III جَانَفَ ўзини олиб қочмоқ, ўзини четлаштирмоқ; VI تَجَانَفَ (н. *дандир*) ўзини четга олмоқ (عَنْ);(н. *дандир*) ўзини четга тортмоқ, бўйин товламоқ (عَنْ); (н. *гадир*) мойиллик сезмоқ (لِـ، إِلَى)

– جَنَفٌ ўзбошимчалик; адолатсизлик

جُنْفُصَةٌ، جُنْفَاصٌ дағал каноп мато; қоп-қанор тикиладиган мато

جَنْلَزَ *қар.* جَلْنَزَ

جُنَّلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — юбка (*хотин-қизлар кийими*)

I (جنى) جَنَى[1] (и) جَنْيٌ термоқ, узмоқ (*мева ҳақида*); ҳосилни йиғмоқ; *кўч.м.* самарасини, натижасини кўрмоқ; ~ الْفَائِدَةَ фойда (манфаат) кўрмоқ, наф топмоқ; جَنَى[2] (и) جِنَايَةٌ (к. *гадир қарши*) жиноят содир этмоқ (عَلَى); عَلَى نَفْسِهَا جَنَتْ بَرَاقِشُ *мтл.* ўз қилмишига ўзи айбдор; IV أَجْنَى термоқ, узмоқ, йиғмоқ; V تَجَنَّى (к. *нидир*) жиноятда айбламоқ (عَلَى); (*бирор к. га нисбатан*) қабиҳлик, пасткашлик қилмоқ (عَلَى); (к. *гадир*) бўҳтон, туҳмат қилмоқ (عَلَى); (к. *ҳақидадир*) ғийбат қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْحَقِيقَةِ ҳақиқатга хиёнат қилмоқ; VIII اجْتَنَى (*мевани*) йиғмоқ, термоқ, узмоқ

– تَجَنٍّ (к. *нидир*) жиноятда айблаш (عَلَى); (*бирор к. га*) қабиҳлик, пасткашлик қилиш (عَلَى); (к. *гадир*) бўҳтон, туҳмат қилиш (عَلَى); (к. *ҳақидадир*) ғийбат қилиш (عَلَى); مِنَ التَّجَنِّي أَنْ ... ...са, ноҳақлик бўларди

– جَانٍ *мн.* جُنَاةٌ *кўп.* جَانِيَةٌ 1. 1) (*мевани*) терувчи, узувчи, йиғиштирувчи; 2) жиноий, жиноятқорона; айбдор; 2. 1) (*ҳосил*) терувчи; 2) жиноятчи

– جِنَائِيٌّ 1) жиноий; ~ اتِّفَاقٌ жиноий тил бириктириш; 2) жиноятқорона; ~ـةٌ جَرِيمَةٌ қаттиқ жиноят; الْقَانُونُ الـ~ *қар.* قَانُونٌ

– جِنَايَةٌ *кўп.* ـاتٌ — жиноят; қаттиқ жиноят; مَحْكَمَةُ الْجِنَايَاتِ *қар.* مَحْكَمَةٌ; كُبْرَى ~ ўлим билан жазоланадиган жиноят

– جَنًى эндигина узилган мевалар (*узум, хурмо ва ш.к. лар ҳақида*)

– جَنْيٌ *кўп.* جَنَايَاتٌ йиғим-терим; ўрим-йиғим вақти, ўроқ пайти

– جَنِيٌّ янги узилган, янги терилган; ~ رُطَبٌ эндигина узилган хурмо

– مَجْنًى кўп. مَجَانٍ 1) мева йиғиладиган (териладиган) жой; боғ; 2) кўч.м. манба

– مَجْنِيٌّ йиғиладиган, териладиган; йиғилган, терилган; ~ عَلَيْهِ а) жабрланувчи; б) жиноят қурбони

~ إِنْجِلِيزِيٌّ кўп. ـاتٌ — гиней, фунт (*пул бирлиги*); جُنَيْهٌ، جِنَيْهٌ инглиз фунти; ~ مِصْرِيٌّ Миср фунти; ~ إِسْتِرْلِينِيٌّ фунтстерлинг (*Англияда*)

جَهْبَذٌ، جِهْبِذٌ، جَهْبَذٌ кўп. جَهَابِذَةٌ 1) буюк билимдон одам, яхши биладиган, билағон; 2) уддабурро одам, юлдузни бенарвон урадиган одам

I جَهَدَ[1] (а) جَهْدٌ 1) ҳаракат қилмоқ, интилмоқ; меҳнат қилмоқ; зўр бермоқ; куч сарфламоқ; (*қийинчиликлар билан*) курашмоқ; ~ جُهْدَهُ الأَقْصَى لِـ ... учун бор кучи билан ҳаракат қилмоқ; 2) толиқтирмоқ, чарчатмоқ (*касаллик ва б. ҳақида*); جَهَدَ[2] (у) جَهْدٌ ~ دَابَّتَهُ от-уловга меъёрдан ортиқ юк қўймоқ; III جَاهَدَ 1) зўр бермоқ; бор кучини бермоқ; 2) (н. *учундир*) курашмоқ, жанг қилмоқ (فِي ~ فِي سَبِيلِ الدِّينِ ;سَبِيلِ ... дин йўлида муқаддас уруш олиб бормоқ; IV أَجْهَدَ 1) уринтирмоқ, қийнаб қўймоқ; зўр бериб кучайтирмоқ; ~ الذَّاكِرَةَ хотирага зўр бермоқ; ~ نَفْسَهُ (н. *билан*дир) ўзини қийнамоқ (بـ); 2) толиқтирмоқ, чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; VI تَجَاهَدَ тиришмоқ, (бирор *н. да*) жонбозлик кўрсатмоқ, ғайрат қилмоқ (فِي); VIII اجْتَهَدَ 1) (н. *нидир*) тиришқоқлик (кунт) билан қилмоқ, ғайрат (хафсала) билан қилмоқ (فِي); 2) *шар.* мустақил (эркин) қарор чиқармоқ (қар. اجْتِهَادٌ)

– اجْتِهَادٌ 1) ҳаракат қилиш, интилиш, хафсала, кунт, иштиёқ; 2) *шар.* олий даражада билимга эга бўлиш ва шариат соҳасидаги баъзи масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини олиш; ~ الـ ~ فِي ... ; الـ ~ فِي الْمَسَائِلِ الشَّرْعِ шариат қонунларини ишончли шарҳлаш; الـ ~ الْقَضَائِيُّ *ёки* الْقَضَائِيَّةُ юридик масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи; 3) мустақил ижод, (*манбаларни*) эркин тадқиқ этиш

– اجْتِهَادِيٌّ эркин тадқиқотга асосланган (*илмий ишда*)

– إِجْهَادٌ озиб-тўзиш; чарчаш, ҳолдан тойиш, қаттиқ чарчаш

– جِهَادٌ жиҳод, уруш, кураш; ~ فِي سَبِيلِ الدِّينِ (اللهِ) дин (Оллоҳ) йўлидаги жиҳод, уруш

– جِهَادِيٌّ 1) жиҳодга, урушга оид; 2; жанговар; 3) ҳарбий

– جِهَادِيَّةٌ ҳарбий хизмат

– جَهْدٌ кўп. جُهُودٌ 1) уриниш, ҳаракат қилиш, тиришиш, меҳнат; بَذَلَ الـ ~ الْجَهِيدَ فِي ... учун бор куч-ғайратни сарфламоқ; 2) машаққат, қийинчилик; 3) *эл.* кучланиш; الـ ~ (الْمُتَوَسِّطُ، الْمُنْخَفِضُ) الْعَالِي юқори (ўрта, паст) кучланиш; ◊ أَقْسَمَ جَهْدَ أَيْمَانِهِ أَنْ ... у иймонини ўртага қўйиб қасам ичдики, ...

– جُهْدٌ куч, қувват, қобилият; зўр ғайрат, диққат-эътибор; меҳнат; ~ الطَّاقَةِ кучига қараб; кучининг борича; ~ الْمُسْتَطَاعِ *ёки* ~ الاسْتِطَاعَةِ имконияти борича, кучига қараб, кучи етганича

– جَهِيدٌ жуда қийин, ғоятда вазмин

– مُجَاهِدٌ мужоҳид, (*ҳақ иш учун*) курашчи; жангчи, аскар, сипоҳ

– مُجَاهَدَةٌ ҳаракат қилиш, уриниш, бор кучини сарфлаш; 2) кураш

– مُجْتَهِدٌ 1) тиришқоқ, ғайратчан, ҳаракатчан, интилувчан; 2) (*шариат илмида*) юксак чўққига эришган киши; الأَئِمَّةُ الْمُجْتَهِدُونَ мусулмон ҳуқуқи масалалари бўйича мустақил қарор қабул қилувчи имомлар; 3) манбаларни эркин тадқиқ қилиш асосида қарор чиқарувчи

– مُجْهَدٌ ҳолдан тойган, чарчаган, бемажол

– مَجْهُودٌ кўп. ـاتٌ — ҳаракат қилиш, тиришиш; меҳнат; энергия, тоқат; ~ بَذَلَ ~ ه ҳамма кучни сарфламоқ; فَذَهَبَتْ مَجْهُودَاتُهُمْ عَبَثًا уларнинг меҳнатлари зое кетди

I جَهَرَ (а) جَهْرٌ، جِهَارٌ (جهر) 1) ҳаммага эшиттириб баланд овозда гапирмоқ; 2) очмоқ, эълон қилмоқ; иқрор бўлмоқ, тан олмоқ; (н. *нидир*) очиқ-ойдин, ҳамманинг кўз ўнгида қилмоқ (*туш.к. ёки* بـ); جَهُرَ (у) جَهَارَةٌ жарангдор бўлмоқ, баланд бўлмоқ (*товуш ҳақида*); II جَهَّرَ *фон.* жарангли қилмоқ; III جَاهَرَ очиқ, ошкора равишда гапирмоқ, билдирмоқ, изҳор қилмоқ, айтмоқ; ~ هَا بِرَأْيِهِ у қизга фикрини айтди; IV أَجْهَرَ эълон қилмоқ, овоза қилмоқ; VI تَجَاهَرَ ошкора равишда, халқ олдида нутқ сўзламоқ

– أَجْهَرُ *мн.* جَهْرَاءُ кўп. جُهْرٌ 1) кундуз куни кўрмаслик касалига дучор бўлган одам; 2) узоқни кўролмайдиган, яқинни кўрувчи

– جَاهِرَةٌ микроскоп

– جِهَارٌ аниқлик, ошкоралик; ~ًا аниқ, очиқ, ошкора равишда; ~ًا وَنَهَارًا мутлақо ошкора; куппа-кундуз куни

– جَهْرٌ 1. аниқ, очиқ, рўйи-рост, ошкора; ~ًا яширмасдан, рўйи-рост, овоз чиқариб, эшиттириб; 2. аниқлик, ошкоралик, оммавийлик

– جَهْرٌ (*ташқи*) кўриниш, сирт, тахлит, қиёфа

– جَهْرَةٌ оммавийлик, ошкоралик; ~ аниқ, ошкора, овоз чиқариб, эшиттириб

– جَهْرِيٌّ аниқ, рўйи-рост; ошкора равишда

– جَهْوَرِيٌّ янгроқ, жарангдор (*овоз ҳақида*); ~ًا баланд, қаттиқ овоз билан, ҳаммага эшиттириб

– جَهِيرٌ йўғон, паст овоз; бас (*1. энг паст эркак овози ва шундай овозли ашулачи; 2. паст йўғон овозли мусиқий асбоблар номи*); الـ ~ الأَوَّلُ баритон (*1. тенор билан бас оралиғидаги эркаклар овози; 2. пуфлаб чалинадиган мусиқий асбоб*)

– مِجْهَارٌ кўп. مَجَاهِيرُ 1) баланд, қаттиқ овозли; 2) радиокарнай, репродуктор, овоз кучайтиргич

– مُجْهِر баланд, йўғон, қаттиқ

– مُجْهَر *фон.* жарангли

– مِجْهَار = مِجْهَر[1]

– مِجْهَر[2] *кўп.* مَجَاهِرُ микроскоп; الـ~ الْكَهْرَبَائِيُّ электр микроскоп

– مِجْهَرِيٌّ 1) микроскопга оид; микроскопик; 2) микроскоп ёрдамида қилинадиган, микроскопик

– مِجْهَرِيَّةٌ микроскопия (*микроскопдан фойдаланиш ва унинг ёрдамида микроскопик препаратлар тайёрлаш усули*)

– مَجْهُورٌ *фон.* жарангли

I جَهَزَ (а) جَهْزٌ (к. *нидир*) ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ (عَلَى); II جَهَّزَ 1) тайёрламоқ, ҳозирламоқ; жиҳозламоқ, ускуналамоқ, асбоб-ускуна билан таъминламоқ; (н. *билан дир*) таъминламоқ (بِ); (*келинчак учун*) сеп-сидирға тайёрламоқ; IV أَجْهَزَ = I; V تَجَهَّزَ тайёр бўлмоқ, жиҳозланган бўлмоқ, таъминланган бўлмоқ; тайёрланмоқ, отланмоқ, шайланмоқ, керакли яроғ билан таъминланиб олмоқ

– تَجْهِيزٌ тайёрланиш, тайёрлаш; жиҳозлаш, таъминлаш

– تَجْهِيزَاتٌ *кўп.* асбоб-ускуналар, жиҳозлар, аслаҳа-анжомлар

– تَجْهِيزِيٌّ тайёрлашга оид; тайёрлайдиган, тайёрловга оид

– تَجْهِيزِيَّةٌ *кўп.* ~اتٌ — тайёрлов синфи

– جَاهِزٌ тайёр; مَلَابِسُ ~ةٌ тайёр кийимлар

– جِهَازٌ *кўп.* أَجْهِزَةٌ 1) ҳамма керакли нарсалар; жиҳозлар; асбоб-анжомлар; 2) (*келин учун*) сеп-сидирға; 3) аппарат; ~ الدَّوْلَةِ давлат аппарати; 4) асбоб, прибор; машина; механизм, қурилма; ~ الإِرْسَالِ (اللاَّسِلْكِيُّ) *радио.* передатчик (*тўлқинлар юборадиган қурилма*); ~ الاِسْتِقْبَالِ (اللاَّسِلْكِيُّ) *радио.* приёмник (*тўлқин қабул қиладиган қурилма*); ~ التِّلِيفِزْيُونِ телевизор; الـ~ الْحَاسِبُ الإِلِكْتْرُونِيُّ электрон ҳисоблаш машинаси, ЭҲМ; ~ الرَّادَارِ радар (*радиотўлқинлар ёрдамида объектларнинг турган жойини аниқловчи қурилма*); الـ~ الذَّرِّيُّ циклотрон (*ядро тадқиқотида зарядланган оғир микрозаррачаларни тезлатадиган қурилма*); ~ لِتَكْيِيفِ الْهَوَاءِ ҳаво намлигини бир хилда сақлаш жиҳози; 5) *анат.* аъзо, мучa, система, орган, аппарат; ~ دَمَوِيٌّ қон системаси; ~ عَصَبِيٌّ асаб (нерв) системаси; ~ هَضْمِيٌّ овқат ҳазм қилиш аъзолари; ~ عُضْوِيٌّ حَيٌّ тирик организм

– مُجَهَّزٌ 1) (н. *билан дир*) жиҳозланган (بِ); 2) тайёр; مَلَابِسُ ~ةٌ тайёр кийимлар

I جَهَشَ (а) جَهْشٌ йиғламсираб мурожаат қилмоқ, йиғлай-йиғлай деб таллинмоқ (إِلَى); IV أَجْهَشَ : ~ بِالْبُكَاءِ йиғлаб юборишга тайёр бўлмоқ

– جَهْشَةٌ *кўп.* ~اتٌ — йиғи-сиғи, йиғлаш

(جهض) IV أَجْهَضَ бола ташлашга сабаб бўлмоқ; бола олдириш муолажасини қилмоқ (бажармоқ); ~تِ الْمَرْأَةُ чала туғмоқ, бола ташлаб қўймоқ, муддатидан олдин туғмоқ; ◊ ~ مَطَالِبَهُ кимнингдир талабини қондиришни рад этмоқ

– إِجْهَاضٌ аборт қилдириш, аборт

– جَهَّاضٌ хирург-гинеколог

– جَهْضٌ = إِجْهَاضٌ

– جَهْضٌ, جَهِيضٌ ўлик ҳомила, чала туғилган бола

– مُجْهَضٌ = جَهْضٌ

– مُجْهِضٌ абортив, ўсмай қолган, мажмағил, чала

I جَهِلَ (а) جَهْلٌ, جَهَالَةٌ 1) жоҳил бўлмоқ; 2) нодон бўлмоқ; 3) бемулоҳаза, мулоҳазасиз бўлмоқ, ўйламай иш қиладиган бўлмоқ; 4) билмаслик; لاَ يَجْهَلُ هَذَا أَحَدٌ *ёки* لاَ يَجْهَلُ هَذَا إِنْسَانٌ бу ҳаммага маълум; II جَهَّلَ 1) нодонликда айбламоқ, жоҳилликни, жаҳолатни ёймоқ, жоҳилликда тутиб турмоқ; VI تَجَاهَلَ 1) ўзини билмасликка, жоҳилликка солмоқ; 2) (*бирор н. билан*) ҳисоблашмаслик; назар-писанд қилмаслик, менсимаслик; X اسْتَجْهَلَ нодон, жоҳил деб ҳисобламоқ

– أَجْهَلُ *мн.* جُهْلٌ *кўп.* جَهْلاَءُ ўта кетган нодон, жоҳил

– تَجَاهُلٌ назар-писанд қилмаслик, менсимаслик; عَنْ جَهْلٍ أَوْ عَنْ ~ ё нодонликдан, ёки атайлаб

– جَاهِلٌ *кўп.* جُهَّالٌ, جَهَلَةٌ, جُهَلاَءُ 1. жоҳил, нодон; 2. 1) аҳмоқ; 2) ўқимаган (омий) одам, билимсиз одам

– جَاهِلِيٌّ 1. жоҳилий, исломгача бўлган даврда яшаган; الْعَصْرُ الـ~ исломгача бўлган давр, жоҳилия даври; 2. мажусий, бутпараст

– جَاهِلِيَّةٌ 1) жоҳиллик, нодонлик; 2) мажусийлик, бутпарастлик; кўп худолилик; الـ~ *ёки* الـ~ الْجَهْلاَءُ исломгача бўлган давр, жоҳилия даври

– جَهَالَةٌ 1) жаҳолат, нодонлик; аҳмоқона иш; 2) жоҳиллик

– جَهْلٌ 1) нодонлик; 2) бехабарлик, жаҳолат, зулмат; ~ عَنْ аҳмоқлик туфайли, нодонлик оқибатида; لَسْنَا مِنَ الـ~ بِحَيْثُ نُفَكِّرُ فِي ذَلِكَ биз бу ҳақда ўйлагани унчалик аҳмоқ эмасмиз; 3) бемулоҳазалик; ўйламай қилинган иш; 4) тажрибасизлик

– جَهُولٌ 1. ўта нодон, жоҳил, билимсиз; 2. зеҳни йўқ, бефаросат, бефаҳм, эси паст

– مَجْهَلٌ *кўп.* مَجَاهِلُ 1) ҳали ўзлаштирилмаган, ўрганилмаган ер; مَجَاهِلُ الصَّحْرَاءِ Саҳрои Кабирнинг ўзлаштирилмаган ерлари; 2) саҳро

– مَجْهَلَةٌ жаҳолатга олиб борадиган иш

– مَجْهُولٌ *кўп.* مَجَاهِيلُ, مَجْهُولاَتٌ 1. 1) номаълум, нотаниш; ~ الأَصْلِ келиб чиқиши номаълум; 2) *шунинг-дек.* ~ الاِسْمِ номи яширинган, аноним; كَانَ ~ الْعَيْنِ وَالأَثَرِ ўта номаълум бўлмоқ; عُدَّ

في حُكْمِ الـ~ худди нотанишдек, номаълумдек ҳисобланмоқ; 2. 1) грам. мажҳул даража; ~ صِيغَةُ لِلْـ мажҳул даража шакли; فِعْلٌ ~ مَبْنِيٌّ لِلْـ мажҳул даража феъли; 2) мат. номаълум сон; مُعَادَلَةٌ ذَاتُ عِدَّةِ مَجْهُولاَتٍ кўп номаълумли тенглама

– مَجْهُولِيَّةٌ номаълумлик, мажҳуллик, нотайинлик

I (جهم) جَهَمَ (а) جَهُمَ 1) маюс қарамоқ, хафа қарамоқ; 2) (бирор к. ни) маюс (нохуш) қабул қилмоқ; جَهَمَ (у) جَهَامَةٌ, جُهُومَةٌ қовоғини солмоқ, юзда маюслик (нохушлик, ғамгин қиёфа) ни акс эттирмоқ; V تَجَهَّمَ қовоғи солинмоқ, хўмраймоқ, пешонаси тиришмоқ; ғамгин бўлмоқ, кайфияти бузилмоқ; الجَوُّ ~ а) қоронғи бўлди; б) кўч.м. вазият кескинлашди; 2) (бирор к. га) ғамгин, қовоқ солиб, хўмрайиб қарамоқ (туш.к. ёки لِـ)

– جَاهِمٌ хўмрайган, қайғули, ғамгин, маюс, хафа, нохуш

– جَهَامٌ жам.(ёмғир ёғдирмайдиган) қора булутлар

– جُهُومَةٌ, جَهَامَةٌ бадқовоқлик, қовоғи солиқлик, ғамгинлик, маюслик, хафалик, нохушлик; юзнинг жиддийлиги

– جَهْمٌ қовоғи солиқ, хўмрайган, хафа, ғамгин, нохуш; ~ الْمُحَيَّا ғамгин, маюс қиёфали

– جَهْمٌ = مُتَجَهِّمٌ

جُهَيْنَةُ жуҳайна (қабила номи); عِنْدَ ~ الْخَبَرُ الْيَقِينُ мтл. ишончли хабар жуҳайна қабиласидадир

(جهنم) جَهَنَّمُ мн. жаҳаннам, дўзах

– جَهَنَّمِيٌّ жаҳаннам (дўзах) га оид; жаҳаннамий, дўзахий; ◊ آلَةٌ ~ـــةٌ белгиланган пайтда портлайдиган бомба

– جَهَنَّمِيَّةٌ бот. бугенвиллея, жаҳаннам ўсимлиги

جِهَةٌ кар. وجه

جهو II جَهَّى (ярани) катта (кенг) очмоқ, кенгайтирмоқ

– أَجْهَى мн. جَهْوَاءُ ялонғоч, ёпилмаган, бекитилмаган; بَيْتٌ ~ томсиз уй; رَأْسٌ ~ кал бош

جَهْوَرَ баланд овоз билан гапирмоқ, овозни баландлатмоқ

– جَهْوَرِيٌّ баланд, юқори (овоз ҳақида); الصَّوْتِ ~ баланд овозли, овози баланд

جِهَوِيٌّ кар. وجه

جَوٌّ кўп. أَجْوَاءٌ, جِوَاءٌ 1) ҳаво, атмосфера; أَجْوَاءُ الْبِلاَدِ мамлакатнинг ҳаво ҳудудлари, чегаралари; سِلاَحُ الْـ~ ҳарбий ҳаво кучлари (қўшинлари); ا~ ҳаво йўли билан (орқали), самолёт билан (самолётда) 2) кўч.м.: муҳит, вазият; шароит, аҳвол; فِي ~ مِنَ الْوُدِّ وَالصَّدَاقَةِ дўстлик ва қардошлик вазиятида; فِي ~ التَّفَاهُمِ الْمُتَبَادَلِ ўзаро бир-бирини тушуниш вазиятида; وَجَرَتِ الْمُنَاقَشَةُ فِي ~ مِنَ الْمَبْدَئِيَّةِ الْعَالِيَةِ музокаралар олий даражадаги жиддий вазиятда ўтди; 3) осмон; 4) кенг водий; 5) об-ҳаво; иқлим; 6) кўч.м. қулай замин, асос, таянч; 7) физ. тех. (бир) атмосфера (босимни ўлчашда); ◊ الْـ~ النَّفْسِيُّ кайфият; التَّحَفُ الْـ~ бошпанаси бўлмаслик (ўўк); أَخْلَى الْـ~ (к. ғадир) эркин ишлашга (ҳаракатга) имкон яратиб бермоқ (لِـ)

– أَجْوَائِيٌّ метеоролог (об-ҳавони ўрганувчи мутахассис)

– جَوًّا, جُوًّا ичида, ичкарида, ўртасида, орасида

– جَوَّانِيٌّ, جُوَّانِيٌّ ички

– جَوِّيٌّ ҳавога оид; ҳаволи; 2) أُسْطُولٌ ~ ҳаво флоти; بَرِيدٌ ~ авиапочта, ҳаво почтаси; غَارَةٌ ~ـــةٌ ҳаво ҳужуми; 2) атмосферага оид; ظَوَاهِرُ ~ـــةٌ атмосфера ҳодисалари; الأَحْوَالُ الْـ~ـــةُ метеорологик шароит, об-ҳаво шароити; سُوءُ الأَحْوَالِ الْـ~ـــةِ ёмон об-ҳаво (шароити); عِلْمُ الأَرْصَادِ الْـ~ـــةِ метеорология; الضَّغْطُ الْـ~ атмосфера (ҳаво) босими; 3) осмонга оид, самовий; حَجَرٌ ~ метеорит (фазодан ерга тушадиган жисм); 4) радио. антенна

– جَوِّيَّاتٌ кўп. об-ҳаво шароитлари

جَوْشَنٌ 1) кўкрак, қалб; 2) совут

جَائِفَةٌ қорнига қадар етган тиғ

– جُوَافَةٌ бот. жувофа (меваси ва дарахти)

جُوَالٌ кар. جول

جُوَالٌ = جَوَالِقُ, جَوَالِيقُ кўп. جُوَالَقٌ

جُوَانٌ кўп. ـــاتٌ тех. қистирма (икки н. орасига қистириб қўйилган қистирма, прокладка)

جُوَانِيٌّ кўп. جُوَانِيَّاتٌ қўлқоп; қўлқоплар; جِلْدٍ ~ чарм қўлқоплар; صُوفٍ ~ жунли, жундан ясалган қўлқоплар

I (جوب) جَابَ (у) جَوْبٌ 1) саёҳат қилмоқ; оламни кезмоқ, айланиб юрмоқ, кезмоқ, тентирамоқ, изғимоқ; айланиб ўтмоқ, айланиб чиқмоқ; текширмоқ, ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; 2) кесмоқ, қирқмоқ; бичмоқ; 5) جَابَ халқ. олиб келмоқ; III جَاوَبَ (бирор к. га) жавоб бермоқ; IV أَجَابَ 1) жавоб бермоқ; ـــهُ (عَلَى) عَنِ السُّؤَالِ бирор кимнинг саволига жавоб бермоқ; эътироз билдирмоқ, қаршилик қилмоқ; 2) (н. ғадир) мос бўлмоқ, тўғри келмоқ, жавоб бермоқ (لِـ); қониқтирмоқ; 3) (н. ғадир) рози бўлмоқ, кўнмоқ (إِلَى); VI تَجَاوَبَ 1) бир-бирига жавоб бермоқ; 2) мос (мувофиқ, муносиб, лойиқ) бўлмоқ; 3) бир-бирига овоз (товуш) бериб туришмоқ, бир-бирини чақиришмоқ; 4) акссадо бермоқ; VII انْجَابَ ўтмоқ, тарқаб кетмоқ (қўрқиш, хавотирланиш ҳақида); VIII اجْتَابَ текширмоқ, ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; الأَرْضَ ~ дунёни айланиб (кезиб) чиқмоқ; X^1 اسْتَجَابَ (илтижони, ёлворишни) эшитмоқ, тингламоқ (чақириққа) жавоб бермоқ; (к. нингдир) сўзини қулоққа олмоқ, сўзига кирмоқ (لِـ);(н. нидир) сезмоқ, (н. дандир) таъсирланмоқ, (н. нингдир) таъсирига жавоб бермоқ (لِـ); X^2 اسْتَجْوَبَ 1) сўроқ

қилмоқ; 2) расмий талаб, сўроқ қилмоқ (*мас. парламентда*)

– إِجَابَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) жавоб; ... عَلَى ~ жавоб бера туриб ...нинг жавоби тариқасида; 2) ижро этиш, бажариш; ... ~ لِطَلَبِكُمْ сизнинг талабингизни бажара туриб ...; 3) розилик; 4) бўйсуниш

– اسْتِجَابَةٌ 1) ижро этиш, бажариш, (*илтимосни*) қониқтириш; ~ لِطَلَبِكُمْ ... сизнинг талабингизга биноан ...; 2) (н. *гадир*) мослик, мувофиқлик (لِـ); 3) таъсир, реакция

– اسْتِجْوَابٌ *кўп.* اتٌ — 1) сўроқ қилиш; 2) расмий талаб; интерпелляция (*парламентда депутатнинг ҳукуматга берган ёзма сўрови*); 3) сўраш, бирма-бир сўраб чиқиш

– انْجِيَابٌ тарқалиб кетиш, тарқаб кетиш (*туман, булут ва б.н. лар ҳақида*)

– جَائِبَةٌ *кўп.* جَوَائِبُ янгилик, янги хабар

– جَوَابٌ *кўп.* أَجْوِبَةٌ, اتٌ — 1) жавоб; 2) луқма; 3) *халқ.* хат; 4) *муз.* октава (*мусиқий гамманинг саккизинчи пардаси ва биринчи парда билан саккизинчи парда оралиғи*)

– جَوَّابٌ 1. кезиб юрувчи, сайёр; кўп (узоқ) сузиб юрувчи (*кема ҳақида*); 2. дарбадар (юртма-юрт) кезувчи; саёҳатчи; турист

– جَوَّابَةٌ буюк саёҳатчи

– جَوَابِيٌّ жавобга оид; رِسَالَةٌ ~ـَـةٌ жавоб хати

– جَوْبٌ 1) юриш, кезиш, дайдиш; 2) ўрганиш; 3) ичига кириб бориш

– جُوبٌ *мн.* жубба, юбка (*хотин-қизлар кийими*); قَصِيرَةٌ ~ калта юбка

– جَوْبَةٌ *кўп.* جُوَبٌ 1) тешик, ёриқ, туйнук, тирқиш; 2) кесиб қўйилган жой (*аёллар кийимида*)

– مِجْوَبٌ *кўп.* مَجَاوِبُ парма; пармадаста, дрель

– مُجِيبٌ жавоб берувчи; وَلَكِنْ لاَ مِنْ ~ وَلاَ سَمِيعٍ ҳеч ким жавоб ҳам бермайди, ҳеч ким эшитмайди ҳам (*мос к.*: беҳуда уриниш (ҳаракат), ҳеч ким қулоқ солмайдиган гап)

جُوبْلاَن гобелен (*1. деворга осиб қўйиладиган сувратли гилам; 2. декоратив газлама*)

– جُوتٌ жут, ҳинд каноли (*тола берадиган ўсимлик*)

جُوتِرٌ *мед.* буқоқ, қалқонсимон без

I (جوح) جَاحَ (у) جَوْحٌ йўқ қилмоқ, ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ, яксон қилмоқ, супуриб ташламоқ, маҳв этмоқ; IV أَجَاحَ ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ; VIII اجْتَاحَ 1) йўқ қилмоқ, ҳалок этмоқ, хароб (вайрон) қилмоқ (*мас., мамлакатни*); 2) яксон қилмоқ, супуриб ташламоқ; учириб кетмоқ, олиб кетмоқ (*мас., бўрон, оқим ҳақида*); ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*бўрон ҳақида*); 3) гулдирамоқ, гулдираб эшитилмоқ (*тўлқин, иш ташлашлар ҳақида*)

– جَائِحَةٌ *кўп.* جَوَائِحُ 1) офат, фалокат, мусибат, мушкул аҳвол, бахтсизлик; 2) бўрон; 3) вабо, ўлат, тоун

جُوخٌ *кўп.* أَجْوَاخٌ мовут; مَفْرَشٌ مِنَ الْـ~ـِ الأَخْضَرِ зангор мовутдан қилинган дастурхон; ◊ مَسَحَ ~ـَـةُ бирор кимнинг олдида ўта лаганбардорлик қилмоқ, жилпангламоқ

I (جود) جَادَ¹ (у) جُودَةٌ, جَوْدَةٌ 1) ортиқ (афзал) бўлмоқ, ошиб кетмоқ, устун (бўлиб) чиқмоқ; 2) яхши сифатли бўлмоқ; جَادَ² (у) جُودٌ сахий бўлмоқ; (н. *нидир*) инъом қилмоқ, бағишламоқ (بِ); (н. *нидир*) қурбон бермоқ, фидо қилмоқ; (н. *дандир*) воз кечмоқ, (н. *нидир*) тикмоқ (بِ); لاَ يَجُودُ بِهِ الدَّهْرُ (الزَّمَانُ) бу жуда камдан-кам бўлади; ~ـَـتِ السَّمَاءُ жуда кўп ёмғир ёғмоқ; ~ـَـتِ الْعَيْنُ кўз ёши тўхмоқ; ~ بِالنَّفْسِ (*ёмғир ҳақида*); ~ بِنَفْسِهِ ўзини қурбон қилмоқ; الأَخِيرِ сўнгги нафасни чиқармоқ, ўлмоқ; II جَوَّدَ 1) сифатини оширмоқ, яхшиламоқ; 2) (*Қуръони каримни*) қироат билан ўқимоқ; IV أَجَادَ 1) (*бирор н. ни*) яхши, аъло даражада қилмоқ; ~ الْمَضْغَ яхшилаб (обдан) чайнамоқ; 2) яхши, аъло даражада гапирмоқ; ~ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ араб тилида яхши гапирмоқ, араб тилини яхши билмоқ; 3) яхшиламоқ; V تَجَوَّدَ энг яхшисини танламоқ; VI تَجَاوَدَ (н. *дадир*) ким зўр (яхши) деб мусобақалашмоқ (فِي); X اسْتَجَادَ (*бирор н. ни*) яхши, аъло деб ҳисобламоқ

– إِجَادَةٌ аъло даражадаги ижро, бажариш; (н. *дадир*) комиллик, камолот, баркамоллик, мукаммаллик, бекам-кўстлик, бенуқсонлик (فِي)

– تَجْوِيدٌ тажвид (*Қуръони каримни тўғри ўқиш қоидалари*)

– جَوَادٌ¹ *кўп.* جِيَادٌ от; зотдор (зотли) от; пойгачи от, чопқир (учқур) от, арғумоқ, йўртоқи от, йўртиб чопадиган от

– جَوَادٌ² *кўп.* أَجْوَادٌ, أَجَاوِدُ сахий, олий ҳиммат, қўли очиқ киши

– جَوْدٌ кучли (шаррос) ёмғир

– جُودٌ сахийлик, очиқ қўллилик, олижаноблик, феъли кенглик

– جَوْدَةٌ устунлик, афзаллик, ортиқлик; юксак сифат, фазилат, яхши хислат

– جُودِيٌّ الْـ~: пайғамбар Нуҳ алайҳиссаломнинг кемалари тўхтаган тоғнинг номи

– جَيِّدٌ *кўп.* جِيَادٌ 1) яхши, аъло, жуда яхши, жуда соз, аъло даражадаги, ажойиб; عَلِمَ ~ الْعِلْمِ аъло даражада билмоқ; ~ا яхши, аъло; جِدًّا ~ аъло, жуда яхши (*баҳо ҳақида*); 2) сахий, қўли очиқ

– مِجْوَادٌ 1) жуда сахий; 2) моҳир, ўз ишининг устаси; شَاعِرٌ ~ маҳоратли шоир

– مُجِيدٌ моҳир, уста, билағон

جَوْدَارٌ жавдар, жавдари буғдой; خُبْزُ الْـ~ жавдари нон, қора нон

I (جور) جَارَ (у) جَوْرٌ 1) (н. *дандир*) ўзини олиб қочмоқ, узоқлашмоқ (عَنْ); ~ عَنِ السَّبِيلِ йўлдан адашмоқ; 2) (*бирор к. га нисбатан*) ноҳақ бўлмоқ (عَلَى); 3) (н. *нидир*) эзмоқ, сиқмоқ; жабрламоқ, зулм қилмоқ; (к. *гадир*) зулм ўтказмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الأَرْضِ ўзбошимчалик билан ердан фойдаланишга киришмоқ, ерни эгаллаб олмоқ; II جَوَّرَ бирор кимни ноҳақликда айбламоқ; III جَاوَرَ 1) қўшни бўлиб яшамоқ; қўшни бўлмоқ, чегарадош бўлмоқ, ёндош бўлмоқ, туташган бўлмоқ; 2) *дин.* зоҳид бўлмоқ; ~ فِي الأَزْهَرِ Ал-

Азҳар толиби (студенти) бўлмоқ; ◊ رَبِّهِ ~ ўлмоқ; IV أَجَارَ ҳомийлик қилмоқ, ҳимояга олмоқ; ёрдам кўрсатмоқ; ҳимоя қилмоқ; VI تَجَاوَرَ қўшни бўлиб яшамоқ; қўшничилик қилмоқ; VIII اجْتَوَرَ ёнма-ён яшамоқ, қўшни бўлиб яшамоқ; X اسْتَجَارَ ёрдам, ҳимоя сўрамоқ (مِنْ، ب)

– جَائِرٌ кўп. جَارَةٌ، جَوَرَةٌ 1. 1) эзувчи, сиқувчи, жабрловчи, золим; каттиққўл, шафқатсиз, раҳмсиз; 2) ноҳақ; ўзбошимча, зўравон; мустабид; حَرْبٌ ~ةٌ адолатсиз уруш; 2. золим ҳукмдор, мустабид ҳоким, зулмкор одам

– جَارٌ кўп. جِيرَانٌ، أَجْوَارٌ қўшни; яқин киши, яқин таниш, қадрдон; الأَجْوَارُ الْغَرْبِيُّونَ ғарбий қўшнилар; الْـ~ُ جَارٌ وَإِنْ جَارَ мқл. сўзма-сўз: қўшни ноҳақ бўлса ҳам, барибир у қўшни бўлиб қолаверади

– جَارَةٌ кўп. ~اتٌ — қўшни қиз (аёл); (бирор к. нинг) хотини, кундош

– جَائِرٌ қолип, шон (этикники)

– جِوَارٌ 1) қўшничилик; яқинлик; بِـ~ِهِ бирор ким ёки нима билан қўшниликда; حُسْنُ الْـ~ яхши қўшничилик алоқалари; 2) ҳимоя; ◊ رَبِّهِ ~ انْتَقَلَ إِلَى ~ِهِ ёки دَعَاهُ اللهُ إِلَى ~ِهِ ўлмоқ

– جَوْرٌ жабр, зулм:, зўравонлик; шафқатсизлик, раҳмсизлик, бераҳмлик; ноҳақлик, ўзбошимчалик

– جُورٌ қишлоқ номи

– جُورَةٌ кўп. ~اتٌ، جُوَرٌ 1) (полдаги) тешик; 2 (сабзавотлар сақлайдиган) ўра, чуқурча

– جُورِيٌّ шунингдек ~ وَرْدٌ Дамашқ атиргули

– جِيرَةٌ қўшничилик

– مُتَجَاوِرٌ ёнма-ён жойлашган, бир-бирига туташган

– مُجَاوِرٌ 1.(н. биландир) чегарадош бўлган, туташган, пайваста, ёнма-ён, қўшни; الزَّاوِيَتَانِ الْـ~َتَانِ мат. қўшни бурчаклар; 2. диний мактаб толиби (ўқувчиси); فِي الأَزْهَرِ ~ Ал-Азҳар толиби (студенти)

– مُجَاوَرَةٌ 1) қўшничилик; حُسْنُ الْـ~ِ яхши қўшничилик алоқалари; 2) дин. зоҳидлик, дин йўлида риёзат чекиш билан шуғулланиш

– مُجِيرٌ 1. ҳомийлик қилувчи; ҳимояга олувчи, ҳимоя қилувчи; 2. ҳомий; ҳимоячи

جَوْرَبَ пайпоқ кийгизмоқ; تَجَوْرَبَ пайпоқ киймоқ

– جَوْرَبٌ кўп. جَوَارِبُ пайпоқ, чулки; قَصِيرٌ ~ калта пайпоқ; حَمَّالَةُ الْـ~ боғ, боғич (пайпоқни тутиб турадиган резина боғич)

جُورْنَال кўп. ~اتٌ، جَرَانِيلُ журнал, ойнома

– جُورْنَالْجِيٌّ кўп. جُورْنَالْجِيَّةٌ журналист

I جَازَ (у) جَوَازٌ (جوز) 1) ўтмоқ; 2) (имтиҳонлардан муваффақиятли) ўтмоқ; 3) рухсат этилган, киритилган, қўйилган бўлмоқ; لاَ يَجُوزُ мумкин эмас; 4) ўнгидан келмоқ, муваффақиятли чиқмоқ, ўтмоқ; муваффақият билан тугамоқ; لَمْ تَجُزْ هَذِهِ الْحِيلَةُ عَلَيْهَا бу айёрлик унга тўғри келмади; II جَوَّزَ 1) рухсат этмоқ, йўл қўймоқ, ижозат бермоқ, имкон бермоқ; 2) вакил қилмоқ, ваколат бермоқ; 3) халқ. уйламоқ; эрга бермоқ (сол. زَوَّجَ); III جَاوَزَ 1) ошириб юбормоқ; هَذَا يُجَاوِزُ طَاقَتَهُ бунга унинг кучи (тоқати, қудрати) етмайди; 2) ҳаддан ошмоқ, бузмоқ (мас., қонунни); 3) (бирор н. дан бирор н. га) ўтмоқ (إِلَى); ◊ عَنْ ذَنْبِهِ ~ бирор кимни кечирмоқ; IV أَجَازَ 1) ижозат бермоқ, рухсат этмоқ, йўл қўймоқ, имкон бермоқ; 2) бермоқ; 3) (н. биландир) мукофотланмоқ, тақдирланмоқ (ب); 4) бажармоқ, ўтказмоқ; قَرَارًا ~ қарорни бажармоқ; 5) (бирор к. га) диплом бермоқ (بِ، فِي); 6) (нариги томонга бирор н. орқали عَبْرَ) ўтказмоқ, олиб ўтмоқ; V تَجَوَّزَ (бирор н. ни) керагидан оз қилишга ўзида эрк топмоқ; 2) (н. дадир) ғайратсизлик қилмоқ (فِي); 3) киноявли (образли) иборалар ишлатмоқ; 4) халқ. уйланмоқ; турмушга (эрга) чиқмоқ; уйланган бўлмоқ, турмушга чиққан бўлмоқ (сол. تَزَوَّجَ); VI تَجَاوَزَ 1) ҳаддан ошмоқ; ошириб юбормоқ, ошмоқ; السَّبْعِينَ ~ у етмишдан ошди; 2) айланиб ўтмоқ; ёнидан ўтмоқ; кезиб чиқмоқ, айланиб чиқмоқ; 3) у томонга ўтмоқ; кесиб ўтмоқ, кесишмоқ; كُلَّ الْمَشَاكِلِ ~ ҳамма қийинчиликларни енгмоқ; 4) ўзини тиймоқ, сабр-қаноат қилмоқ, (н. дандир) бўйин товламоқ, бош тортмоқ (عَنْ); 5) (н. нидир) кечирмоқ, афв этмоқ (عَنْ); اللهُ عَنْهُ! ~ уни Оллоҳ кечирсин!; VIII اجْتَازَ 1) ўтмоқ, у томонга ўтмоқ, (кўндаланг) кесиб ўтмоқ, оралаб (орасидан) ўтмоқ; امْتِحَانًا ~ имтиҳондан ўтмоқ; 2) бошдан кечирмоқ, тотмоқ; ташвиш тортмоқ, қайғурмоқ; ضَائِقَةً ~ кризисни бошдан кечирмоқ (ўтказмоқ); 3) (тўсиқларни) енгиб ўтмоқ; X اسْتَجَازَ 1) рухсат (ижозат, изн) сўрамоқ; 2) (олимлик) дипломи берилишини сўрамоқ

– إِجَازَةٌ кўп. ~اتٌ — 1) ижозат, рухсат, изн сўраш; إِجَازَاتُ التَّصْدِيرِ (الاسْتِيرَادِ) импорт ёки экспортга олинган рухсатнома; 2) аттестат; (олимлик даражаси берилгани ҳақидаги) диплом; الْـ~ُ الْقُنْصُلِيَّةُ ёки الْقُنْصُلِ ~ экзекватура (чет эл давлати томонидан консуллик ваколати берилгани ҳақида ҳужжат); 3) таътил; مَدْفُوعَةٌ ~ ҳақ тўланадиган таътил' (отпуска); مَرَضِيَّةٌ ~ касаллик туфайли олинган таътил; الْوِلاَدَةِ ~ ёки الْوَضْعِ ~ ёки الْحَمْلِ ~ ҳомиладорлик таътили (декрет таътили); غَائِبٌ بِالْـ~ِ таътилдаги (киши); حَضَرَ إِلَى ... بِالْـ~ِ бирор ерга таътилга бормоқ

– اجْتِيَازٌ (бирор н. ни) кесиб ўтиш, ўтиш жойи; ◊ الامْتِحَانِ ~ имтиҳон топшириш; الْعَقَبَاتِ ~ қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтиш

– أَجْوَزُ энг кўп мумкин бўлган

– تَجَاوُزٌ кўп. ~اتٌ — 1) (бирор н. ни) кесиб ўтиш; 2) ортиқ, ошиқ, ҳаддан ортиқ ҳолат, сўнгги чегара; 3) қонунчиликнинг бузилиши

أُسْمِيهِ هٰكَذَا مِنْ تَجَوُّزٌ – киноявли (метафорик, образли) ибора; ~ مِنْ بَابِ الـ~ (عَلَى سَبِيلِ الـ~) мен буни шунчаки киноя қилиб айтаяпман.

– جَائِزٌ ўтувчи, ўтаётган; 2) рухсат этилган, мумкин бўлган; غَيْرُ ~ ножўя, чакки, йўл қўйиб бўлмайдиган, мумкин (жоиз) бўлмаган, ножоиз; ... مِنَ الْجَائِزِ أَنْ бўлиши мумкин бўлган, эҳтимолдан узоқ бўлмаган (узоқ эмас)

– جَائِزَةٌ кўп. جَوَائِزُ мукофот; ютуқ; қўшимча ҳақ; ~ بَيْرُونِي Беруний мукофоти

– جَوَازٌ[1] 1) ўтиш, ўтиб кетиш, йўл юриш; ўтиладиган жой; 2) йўл қўйилиши мумкин бўлиш, эҳтимоллик, бўлиши мумкинлилик, имконият, мумкин бўлишлик; қонунийлик, қонунчилик; рухсат; عَدَمُ ~ йўл қўйиб бўлмаслик; ~ الاِمْتِحَانِ имтиҳон топшириш; 3) *халқ.* никоҳ, уйланиш

– جَوَازٌ[2] кўп. ـَاتٌ 1) *шунингдек.* ~ السَّفَرِ паспорт; مَصْلَحَةُ الْجَوَازَاتِ паспорт бўлими; 2) паспортдаги виза (*ҳукуматнинг бошқа мамлакат граждани паспортига унинг келиб-кетиши ёки ўтиши учун рухсат бериб қўядиган махсус белгиси*)

– جَوْزٌ[1] *халқ.* 1) қўш, жуфт; 2) эр-хотин (*сол.* زَوْجٌ)

– جَوْزٌ[2] кўп. أَجْوَازٌ 1) бўшлиқ; أَجْوَازُ الْفَضَاءِ фазо бўшлиғи; 2) асосий қисм, асос, моҳият, негиз

– جَوْزٌ[3] *жам.* ёнғоқлар; ~ الْبَلُّوطِ дуб дарахти ёнғоқлари; ~ الطِّيبِ мускат ёнғоғи, мускат (*Осиёнинг иссиқ мамлакатларида ўсадиган доим яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли ёнғоғи*); ~ الْهِنْدِ ҳинд ёнғоғи; الْـ~ الْمُقَيِّءُ равоч; ~ الْكَثِيرِ пиллалар; الْقَزِّ ёки الْـ~ الْهِنْدِيُّ кокос ёнғоғи (*кокос хурмосининг ёнғоғи*); ~ خَشَبُ ёнғоқ ёғочи (*қурилиш материали сифатида*)

– جَوْزَاءُ الْـ~ *астр.* Жавзо буржи; ~ بُرْجُ الْـ~ *астр.* Байтулжавзо (*Жавзо уйи*); ◊ بَيْتُ الْـ~ النَّجَاحُ عَلَيْهِ أَبْعَدُ مَنَالاً مِنَ الْـ~ унинг муваффақият қозонишига ҳали анча бор

جَوْزَةٌ[1] кўп. ـَاتٌ – ёнғоқ; ~ الْحُلْقُومِ ёки ~ الرَّقَبَةِ *анат.* кекирдак

– جَوْزَةٌ[2] кўп. ـَاتٌ – чилим; شَرِبَ الْـ~ чилим чекмоқ; ~ شَرِبَ الْحَشِيشِ наша чекмоқ

– جَوْزِيٌّ 1) ёнғоқли; 2. жигарранг, ёнғоқ ранг

– جِيزَةٌ *халқ.* никоҳ, уйланиш

– مُتَجَاوِزٌ ўтувчи, чегарадан ўтувчи

– مُتَجَوِّزٌ уйланган, оилали

– مَجَازٌ[1] 1) йўл, ўтиш жойи, ўтиб бўладиган жой, йўлак, коридор; 2) бўғоз (*денгизда*); 3) киноявли, кесатиқли, шамали (*гап*); образли ибора; истиора, киноя, мажоз, метафора; ~اً ёки فِي سَبِيلِ الْـ~ истиора (метафора) ларга бой, мажозий, метафорик

– مَجَازٌ[2]: ~ـَةٌ أَرْضٌ ёнғоқзор ер, ёнғоқ дарахти кўп бўлган жой

– مُجَازٌ 1) рухсат (нома) си бор киши; 2) лиценциат, диплом и (аттестати) бор киши; الْـ~ فِي الْعُلُومِ الْجُغْرَافِيَّةِ география (жўғрофия) фанлари номзоди

– مَجَازِيٌّ мажозий, метафорали

– مُجَاوَزَةٌ 1) ўтиш; 2) ошириб юбориш, ортиқ, ошиқ

جَوْزَلٌ кўп. جَوَازِلُ кабутар (каптар) боласи

I جَاسَ (جوس) (у) جَوْسٌ излаб топмоқ, қидириб топмоқ, изғимоқ, дайдимоқ, тентираб юрмоқ; VIII اجْتَاسَ = I

جَوْسَقٌ кўп. جَوَاسِقُ 1) дўхонча; будка; киоск; 2) шийпонча; 3) қаср, қалъа, сарой, арк, қўрғон

I جَاعَ (جوع) (у) جَوْعٌ оч бўлмоқ, очиқмоқ; II جَوَّعَ оч қолдириб силласини қуритмоқ, очликдан тириштирмоқ; IV أَجَاعَ = II; ~ نَفْسَهُ очиқмоқ, оч қолмоқ; V تَجَوَّعَ атайлаб оч қолмоқ, ўзини қантармоқ; X اسْتَجَاعَ ўзини ҳамиша оч ҳис қилмоқ, қорни тўймаслик

– تَجْوِيعٌ овқатдан маҳрум бўлиш

– جَائِعٌ кўп. جِيَاعٌ ёки جُوَّعٌ очиққан, зориққан; оч

– جَعَّانٌ кўп. جَعَّانِينُ = جَائِعٌ

– جُوعٌ 1) очлик, қорин очган ҳолат; тўйиб овқат емаслик; الْـ~ كَافِرٌ *мтл.* очлик ҳар нарсага мажбур қилади (*сўзма-сўз:* очлик – кофирдир) 2) норозилик билдириб овқатдан воз кечиш, очлик эълон қилиш; ◊ هٰذَا لاَ يُسْمِنُ وَلاَ يُغْنِي مِنْ ~ бу ишга унинг ҳеч қандай ёрдами (нафи) тегмайди

– جَوْعَانُ *мн.* جَوْعَى кўп. جِيَاعٌ = جَائِعٌ

– مَجَاعَةٌ = جُوعٌ

– مَجُوعَةٌ = مَجَاعَةٌ

I جَافَ (а) جَوْفٌ бўш бўлмоқ, ичи ковак бўлмоқ; II جَوَّفَ ичини ковак (бўш) қилмоқ, тешмоқ, ўймоқ; V تَجَوَّفَ = I

– أَجْوَفُ *мн.* جَوْفَاءُ кўп. جُوفٌ бўш, кавак; ~ الْخَدَّيْنِ ботиқ юзли, юзи ичига кирган (*одам*); ~ فِعْلٌ *грам.* бўш феъл; كَلِمَاتٌ جَوْفَاءُ ёки عِبَارَاتٌ جَوْفَاءُ бўш, маъносиз сўзлар; қуруқ маҳмадоналик, сергаплик, эзмалик; ◊ السَّاعَاتُ الْجَوْفَاءُ жимжит тун; *ик.с.* الأَجْوَفَانِ *анат.* қорин ва жинсий олат (*аёллардаги*)

– تَجْوِيفٌ кўп. تَجَاوِيفُ, ـَاتٌ 1) тешиш, ўйиш; чуқурлаш; 2) чуқур, ўйилган жой, камчак, ичига ботган жой (ботиқ); бўшлиқ; تَجْوِيفَاتُ الْقَلْبِ юрак бўшлиқлари; الْـ~ الصَّدْرِيُّ кўкрак бўшлиғи; الْـ~ الْبَرِيتُونِيُّ қорин бўшлиғи; ~ حُقِّيٌّ *анат.* бўғим чуқурчаси; 3) жар, жарлик

– جُوَافَةٌ *алиф.б.қ.*

– جَوْفٌ кўп. أَجْوَافٌ 1) бўшлиқ, кавак; ички томон, ич, ичкари; ~ السَّفِينَةِ трюм (*кеманинг механизмлар ўрнатиладиган ва юк ортиладиган остки қисми*); 2) қорин; ~ الإِنْسَانِ қорин; 3) ора, ўрта, туб, замин, қаър; ~ الأَرْضِ ер қаъри (ости); ~ الْخِضَمِّ

океаннинг чуқур жойлари; ◊ فِي ~ اللَّيْلِ қоп-қоронғи тунда, зимистонда

– جَوْفِيٌّ ичкаридаги, (ер) остидаги (қаъридаги); الأَنْهَارُ الـ~ـةُ ер ости дарёлари; الْمِيَاهُ الـ~ـةُ ер ости сувлари; الثَّرْوَاتُ الـ~ـةُ ер қаърида яшириниб ётган бойликлар

– مُجَوَّفٌ бўш, ғовак, кавак

أَجْوَقُ мн. جَوْقَاءُ кўп. جُوقٌ буришган, бужмайган, тиришган (юз ҳақида)

– جَوْقٌ кўп. أَجْوَاقٌ 1) йиғин, жамоат; 2) труппа (театр ёки цирк ижодий жамоаси); 3) оркестр; 4) хор (ашулачилар гуруҳи)

– جَوْقَةٌ кўп. ـَاتٌ — гуруҳ, жамоа; ансамбль; ~ مُوسِيقِيَّةٌ оркестр; مُدِيرُ الـ~ дирижёр; ~ الشَّرَفِ фахрий легион

جُوكِيٌّ кўп. جُوكِيَّةٌ жокей (пойғачи-чавандоз)

I جَالَ (جول) (у) جَوْلٌ, جَوَلَانٌ 1) атрофида айланмоқ, айланиб чиқмоқ; кезиб, айланиб чиқмоқ (машинада, отда ва ҳ.к.); 2) оламни кезмоқ, сафар қилмоқ; 3) айланиб юрмоқ, тентирамоқ, изғимоқ; у ёқ-бу ёққа юриб турмоқ, секин-аста юриб турмоқ; 4) от ўйнатиб юрмоқ, отни гижинглатмоқ, чопқир отда ўйнамоқ; ~ وَصَالَ қар. صَالَ; ~ فِي خَاطِرِهِ бирор нима ҳақида ўйламоқ; II جَوَّلَ = I; IV أَجَالَ 1) айланиб келишга қўйиб юбормоқ; ~ الْكَنَّاسُونَ مَكَانِسَهُمْ عَلَى الأَرْصِفَةِ супурувчилар тўшама йўлда яхши ишладилар; 2) атрофни айлантириб чиқмоқ, айлантирмоқ; ~ بَصَرَهُ атрофни кўздан кечирмоқ; ~ فِيهِ الْفِكْرَ طَوِيلاً бирор нима ҳақида узоқ ўйламоқ; ~ الرَّأْيَ فِي ... ... (бирор н. ни) муҳокама қилмоқ; V تَجَوَّلَ 1) оламни кезмоқ, сафар қилмоқ; 2) айланиб юрмоқ, тентирамоқ, изғиб юрмоқ, сайр қилиб юрмоқ; VI تَجَاوَلَ ўзаро от солишмоқ (урушда)

– إِجَالَةٌ айланиш; ◊ ~ الْفِكْرِ фикр юритиш

– تَجْوَالٌ 1) оламни кезиш, саёҳат қилиш; 2) дайдиб (изғиб, тентираб) юриш; кезиб чиқиш; 3) айланиб чиқиш; айланиб ўтиш

– تَجَوُّلٌ дайдиш, изғиш, тентираш, кезиш; сайр қилиш

– مُتَجَوِّلٌ = جَائِلٌ

– جُوَالٌ кўп. ـَاتٌ, أَجْوِلَةٌ қоп (сол. شُوَالٌ қар. شول)

– جَوَّالٌ 1. 1) оламни кезувчи, саёҳат қилувчи; 2) саёқ, дайди, беқарор, кўчманчи; ~ بَائِعٌ кўчманчи савдогар; 2. саёҳатчи, сайёҳ; турист

– جَوَّالَةٌ 1) буюк саёҳатчи, сайёҳ; 2) кўп. ـَاتٌ — мотоцикл

– جَوْلٌ 1) оламни кезиш, саёҳат қилиш; 2) дайдиб (изғиб, тентираб) юриш, айланиб юриш; 3) айланиб чиқиш; айланиб ўтиш

جَوْلَانٌ: الـ~ Шом ўлкасидаги тоғ номи

– جَوَلَانٌ = جَوْلٌ

– جَوْلَةٌ 1) саёҳат; турне (доирасимон маршрут бўйлаб саёҳат қилиш, доиравий саёҳат); туристик сафар; 2) тур, давра; айланиб ўтиш; айланиб чиқиш; рейс, қатнов (самолёт, пароход ва ҳ. к. лар ҳақида); 3) кезиб чиқиш, зиёрат қилиш; ҳаракат (мас., поршенники); 4) спорт. раунд (боксда: уч минутлик бир қур олишув вақти); رَبِحَ الـ~ الأُولَى биринчи раундни ютмоқ

– مُتَجَوِّلٌ 1) оламни кезувчи; саёҳат қилувчи; ~ بَائِعٌ кезиб юрувчи савдогар; ташувчи, етказиб берувчи, тарқатувчи; 2) саёқ, дайди, беқарор, кўчманчи; 3) кўчма, сайёр; походда (сафарда) ишлатиладиган; ~ وَكِيلٌ кўчиб юрувчи, сайёр вакил; ~ مُرَاسِلٌ кўчиб юрувчи, сайёр мухбир

– مَجَالٌ кўп. ـَاتٌ — 1) ўрин, жой; لَيْسَ هُنَا ~ لِلشَّكِّ бу ерда ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқ; لَيْسَ هُنَا ~ لِلْكَلَامِ عَلَى ... бу ерда ... ҳақда гапиришга ўрин йўқ; لَيْسَ هُنَا ~ لِمُنَاقَشَةِ هَذِهِ الْمَسْأَلَةِ бу ер шу масала бўйича баҳслашиш жойи эмас; 2; бўшлиқ, фазо, макон; الـ~ кенглик, сайҳон ер, яланглик; وَاسِعُ الـ~ кенг, бепоён; الـ~ الْجَوِّيُّ ҳаво бўшлиғи; الْحَيَوِيُّ الـ~ тирик жонлар яшай оладиган ҳудуд; 3) соҳа, майдон, арена; ~ الْعَمَلِ фаолият майдони (соҳаси); ~ الْقُوَّةِ физ. куч майдони; الـ~ الْكَهْرَبَائِيُّ электр (токи) майдони; الـ~ الْمَغْنَاطِيسِيُّ физ. магнит майдони; شِدَّةُ الـ~ الْمَغْنَاطِيسِيِّ физ. магнит майдонининг кучланганлиги; 4) шароит, муҳит; 5) имконият; لَمْ يَكُنْ عِنْدَهُ ~ لِلاِخْتِيَارِ унда танлашга имконият йўқ эди (бўлмади); لاَ ~ لِنُكْرَانِ هَذِهِ الْحَقِيقَةِ бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди

– مِجْوَلٌ кўп. مَجَاوِلُ 1) ҳалқа, чамбар, гардиш; осилган безак, шокила, кулон (бўйинга тақиладиган занжирли асл тош, зийнат буюми); 2) тумор ёки тумор ўрнида тақиб юриладиган нарса

جُولْفٌ гольф (тўп ўйинларидан бири)

جُوَالِقُ алиф.б.қ.

جَوْلَقٌ кўп. جَوَالِقُ гупчак; букса (вагон, локомотив ғилдирагининг гупчаги); втулька

جَامٌ алиф.б.қ.

جَوْنٌ кўп. جُونٌ 1. 1) қора (от); 2) оқ (от); 2. кун, кундуз куни

– جُونٌ кўп. أَجْوَانٌ қўлтиқ, кўрфаз

– جُونَةٌ кўп. جُوَنٌ (хушбўй моддалар, муаттар н. лар сақлаш учун) чарм қопланган саватча

جُنَّةٌ = جُونَةٌ

جَادَّةٌ алиф.б.қ.

جَوْهَرٌ кўп. جَوَاهِرُ 1) (ишдаги) моҳият, туб (асосий) маъно, мазмун, мағиз; الصُّورَةُ وَالـ~ шакл ва мазмун; 2) модда, материя; ~ فَرْدٌ а) атом; б) фалс. монада (1. Пифагор фалсафасига кўра: яғоналик – яшаш принципларидан бири; 2. Лейбницга кўра: жонли атомлардан иборат маънавий яғоналик бўлиб, олам улардан тузилгандир); 3) қимматбаҳо тошлар; жавоҳиротлар

– جَوْهَرْجِيٌّ кўп. جَوْهَرْجِيَّةٌ ёки جَوَاهِرْجِيٌّ кўп. جَوَاهِرْجِيَّةٌ заргар

– جَوْهَرَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) гавҳар, қимматбаҳо тош; 2) қимматбаҳо зийнат буюми, жавоҳирот, қимматбаҳо нарса; кўч.м. хазина

– جَوْهَرِيٌّ 1) жиддий, муҳим, аҳамиятли; 2) моддий

– جَوْهَرِيَّةٌ моддийлик, моддият

– مُجَوْهَرَاتٌ кўп. жавоҳиротлар, қимматбаҳо нарсалар

جَوِيَ I (а) جَوًى 1) эҳтиросли бўлмоқ; 2) ғам-андуҳли бўлмоқ; VIII اجتوى нафратланмоқ, жирканмоқ

– جَوًى оташин (қизғин) муҳаббат; эҳтирос, ҳирс, нафс

جُوْدَارٌ жавдар, жавдари буғдой

جَاءَ (جيأ) I (и) مَجِيءٌ 1) келмоқ, етиб келмоқ, ҳозир бўлмоқ; ~ إِلَى الدُّنْيَا туғилмоқ, дунёга келмоқ; ... نَا الْبَيَانُ الآتِي ~ бизга шундай баёнот келиб тушдики,...; ... مِنَ الْقَاهِرَةِ أَنَّ ~ Қоҳирадан шундай маълумот олиндики, ...; 2) (к. нимадир олдига) келмоқ, яқинлашмоқ (عَلَى); 3) содир бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ, маълум бўлмоқ; هَذَا طِبْقَ مَرَامِهِ ~ бу унинг хоҳишига биноан содир бўлди; 4) қилмоқ, бажармоқ, амалга оширмоқ; 5) (н. нидир) олиб келмоқ (بِ); (к. нидир) келтирмоқ, олиб келмоқ (بِ); 6) тутилмоқ, сақланмоқ, турмоқ, бўлмоқ, ҳисобланмоқ, ҳисобда бўлмоқ, (н. бир орқали) хабар қилинмоқ, хабар бермоқ (فِي). وَقَدْ ~ فِي الأَمْثَالِ أَنَّ ... мақолда айтилишича, ...; IV أَجَاءَ (бирор к. ни) олиб келмоқ, келтирмоқ

– جَاءٍ мн. جَائِيَةٌ келувчи

– جَيْئَةٌ келиш; تَمْشَى ذَهَابًا (ذُهُوبًا) وَ~ олдинга ва орқага юрмоқ

– مَجِيءٌ келиш, етиб келиш

جِيبٌ кўп. اتٌ — юбка (хотин-қизлар кийими)

جَابَ (جيب) I (и) جَيْبٌ 1) (кўйлакда) кирким қилмоқ; 2) халқ. олиб келмоқ

– جَيْبٌ кўп. جُيُوبٌ 1) чўнтак, кисса; سَاعَةُ الْـ~ чўнтак соати, ён соат; سِكِّينُ الْـ~ чўнтак пичоғи, ёнда олиб юриладиган пичоқ, пакки; قَامُوسُ الْـ~ чўнтак луғати; مَصْرُوفُ الْـ~ чойчақа; кундалик майда харажатлар; وَضَعَ فِي الْـ~ а) киссага (ҳамёнга) солмоқ; б) чўнтакка урмоқ, ўзиники қилиб олмоқ; أَبُو ~ مَخْرُوقٍ исрофгар, (пул ва молни беҳуда сарф қиладиган совурадиган) одам; 2) кесма (кўйлакдаги); 3) маж. юрак, кўнгил, қалб, дил; نَاصِحُ الْـ~ дили пок, қалби тоза; 4) мат. синус; ~ تَمَامِ الزَّاوِيَةِ мат. косинус; 5) (қаршилик) уяси, ўчоғи

– جَيْبِيٌّ чўнтакка оид, жайбий

– جَيْبِيَّةٌ кўп. اتٌ — чўнтакда олиб юриладиган ибодат (намоз, дуолар) китоби, тўплами

جِيدٌ кўп. أَجْيَادٌ бўйин, гардан

جَيْرِ ҳа, албатта

جِيرٌ оҳак; кимё. кальций; حَيٌّ ~ сўндирилмаган оҳак; مُطْفَأٌ ~ сўндирилган оҳак; نِتْرَاتُ الْـ~ кальций нитрати (тузи), оҳакли селитра; كَرْبُونَاتُ الْـ~ кальций карбонати

– جَيَّارٌ 1) сўндирилган оҳак; 2) оҳак сотувчи, оҳакфуруш

– جَيَّارَةٌ кўп. اتٌ — оҳак пишириладиган (тайёрланадиган) хумдон

– جِيرِيٌّ оҳакли; бўрли

جِيرُوسْكُوبٌ гироскоп (ўз ўқи ҳолатини ўзгартмай айланиб турадиган диск, урчуқ)

جَيْرُونٌ Дамашқ дарвозаларидан бирининг номи

جِيزَاوِيٌّ жизавий, Жизадан, Жиза шаҳрининг кишиси

جَاشَ (جيش) I (и) جَيْشٌ 1) қўзғалмоқ, уйғонмоқ, кўтарилмоқ; ҳаяжонланмоқ; 2) қайнамоқ, буркирамоқ, жўш урмоқ; ◊ ~تْ نَفْسُهُ унинг кўнгли айниди; II جَيَّشَ сафарбар қилмоқ; қўшин (армия) йиғмоқ; جَيَّشَ الْجُيُوشَ маж. (... учун) қўшин йиғилди (لِـ); X اسْتَجَاشَ (сезги, ҳис-туйғу) уйғотмоқ, қўзғатмоқ

– جَائِشٌ 1) ҳаяжонланган; қўзғолган, уйғонган; 2) қайнаётган, буркираётган, жўш ураётган; ◊ ~ النَّفْسِ кўнгли айниган

– جَيَّاشٌ қайнаб тошган, пишқирган, жўшқин, қайноқ

– جَيْشٌ кўп. جُيُوشٌ қўшин, лашкар, армия; مَجْلِسُ الْـ~ ҳарбий совет (йиғин); وَحَدَاتُ الْـ~ ҳарбий (аскарий) қисмлар

– جَيَشَانٌ 1) ҳаяжонланиш, уйғониш, қўзғалиш; 2) қайнаш, буркираш, жўш уриш; ◊ ~ النَّفْسِ кўнгил айниш

(جيص) II جَيَّصَ халқ. ичак газларини чиқармоқ

جَافَ (جيف) I (и) جَيْفٌ 1) чиримоқ, бузилмоқ, сасимоқ; 2) ёмон ҳидли бўлмоқ; II جَيَّفَ = I; V تَجَيَّفَ 1) чиримоқ, иримоқ, бузилмоқ, сасимоқ, айнимоқ; 2) мурда (ўлик) ҳиди келмоқ

– جِيفَةٌ кўп. جِيَفٌ، أَجْيَافٌ ўлимтик, ўлакса, ўлик, мурда

– جِيفِيٌّ ўликка (мурдага) оид; ◊ ~ غُرَابٌ ёки ~ زَاغٌ қарға

جِيلٌ кўп. أَجْيَالٌ 1) авлод, насл, зурриёт; сулола; ~ بَعْدَ ~ авлоддан-авлодга; ~ مِنْ ~ إِلَى наслдан-наслга; 2) аср; عَلَى مَرِّ الأَجْيَالِ асрлар ўтиши билан; أَجْيَالاً авлодлар оша, асрлар оша, асрлар давомида

جِيلاَتِي، جِيلاَتَةٌ муз қаймоқ, роҳати жон (мороженое)

جِيلاَتِينٌ елимшак, желатин

جِيلُوتِينٌ гильотина, бош оладиган жоди (дастлаб 1792 йилда Францияда буржуа революцияси кунларида ишга солинган)

جِيلِي желе (мева суви, шакар ва желатиндан тайёрланадиган ширин дирилдоқ овқат)

جِيمٌ 1) (ج ҳарфининг номи) жим; 2) гамма (юнон алифбосининг учинчи ҳарфи); ◊ سِينٌ وَ ~ (қисқ. سُؤَالٌ وَ جَوَابٌ дан) сўроқ, сўроқ қилиш

– جِيمِيٌّ ج ҳарфи билан боғлиқ; ◊ الأَشِعَّةُ الْـ~ـيَّةُ гамма нури

جِمْخَانَةٌ = جِيمْخَانَةٌ

جِيارْتِينٌ = جِيُوتِينٌ

جِيُوفِيزِيَا геофизика

– جِيُوفِيزِيَائِيٌّ، جِيُوفِيزِيَائِيٌّ 1. геофизикага оид; 2. геофизи...

جِيُوكِيمِيَائِيٌّ геокимёга оид, геокимёвий

جِيُولُوجِيَا геология

– جِيُولُوجِيٌّ 1. геологияга оид, геологик; 2. геолог

ح

ح (حَاءٌ) хо (*араб алифбосининг олтинчи ҳарфи, абжадда - 8*)

حَ, حَا *халқ.* رَايِحٌ сўзининг қисқартмаси; 1) (*иш-ҳаракатнинг яқин келаси замонда амалга ошишини билдирувчи сўз*); أَنَا حَاكْتُبْ ҳозир ёзаман; حَنَعْمِلْ إِيه؟ нима қиламиз?, нима қилсак бўларкин?; 2) хих (*эшакни юргизиш учун ишлатиладиган ундов сўз*)

حَاحَه *халқ.* вағиллаш (*мас., ғозлар*), маъраш, баъраш (*мас., эчкилар*); ~ كَانَتْ مُرْتَاحَه جَابَتْ لَهَا *мқл.* оғримаган бошга ортиқча ташвиш

حَاخَامٌ *кўп.* ـاتٌ — *дин.* раввин (*яҳудийлар руҳонийси*); ~ بَاشِي бош раввин; كَبِيرُ حَاخَامَاتِ إِسْرَائِيلَ Исроилнинг бош раввини (руҳонийси)

حَامٌ *дин.* Ҳом (*Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари*)

حَامُولٌ *қар.* حمل

حَامِيٌّ 1. ҳомий; Ҳомга оид; اللُّغَاتُ الـ~ـةُ ҳомий тиллар; 2. ҳом (*Шимолий Африка халқларидан бири*)

حَانٌ май, шароб сотиладиган дўкон, қовоқхона, майхона; ◊ بِنْتُ الـ~ май, шароб

حَانَا *эт.от, мн.* Ҳоно; كَانَ بَيْنَ ~ وَمَانَا *маж.* икки ўт орасида бўлмоқ (*сўзма-сўз:* Ҳоно билан Моно ўртасида бўлмоқ)

حَانَةٌ *кўп.* ـاتٌ — май, шароб сотиладиган дўкон; қовоқхона, майхона

حَانُوتٌ *кўп.* حَوَانِيتُ дўкон; май, шароб сотиладиган дўкон; қовоқхона, майхона

– حَانُوتِيٌّ *кўп.* حَانُوتِيَّةٌ 1) дўкондор, баққол, аттор; 2) тобутсоз

1 حَبَّ (*а/и*) حُبٌّ 1) севмоқ, яхши кўрмоқ, қаттиқ муҳаббат боғламоқ, арзанда қилмоқ; 2) хоҳламоқ, тиламоқ, орзу қилмоқ; II حَبَّبَ 1)муҳаббат уйғотмоқ, севги пайдо қилмоқ (*бирор к. кўнглига*) муҳаббат солмоқ (إِلَى); (*бирор н. га*) қизиқтирмоқ (إِلَى); ~ تَلَامِيذَهُ إِلَى اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ у ўқувчиларини араб тилига қизиқтирди; 2) дон бермоқ, ҳосил бермоқ (*бошоқли ўсимликлар ҳақида*); 3) грануламоқ (*ойна, шиша, ўғит ва б. ларни дона-дона шаклда тайёрламоқ*); IV أَحَبَّ 1) севмоқ, яхши кўрмоқ (*бирор к. га*) мойиллик ҳис этмоқ; 2) дон бермоқ, ҳосил бермоқ (*бошоқли ўсимликлар ҳақида*); V تَحَبَّبَ 1) (*бирор к. га*) муҳаббат изҳор қилмоқ (إِلَى); 2) (*бирор к. нинг*) муҳаббатига эришмоқ; кўнглини олишга интилмоқ, кўнгил овламоқ; VI تَحَابَبَ ёки تَحَابَّ бир-бирини севмоқ, севишмоқ, яхши кўрмоқ, дўстона муносабатда бўлмоқ; X اسْتَحَبَّ 1)севмоқ, яхши кўрмоқ, бирор нарсадан лаззатланмоқ, роҳат топмоқ, маъқул, матлуб ҳисобламоқ; 2) афзал кўрмоқ (عَلَى); 3) *мажх.* мақтовга сазовор бўлмоқ, мақташга арзимоқ; 4) ҳаммага маъқул бўлмоқ, расм-одат бўлиб қолмоқ

– أَحَبُّ энг севимли, энг севикли; ... مِنْ ... إِلَى ...га ...дан кўра маъқулроқ, афзалроқ

– تَحَابٌّ، تَحَابُبٌ ўзаро муҳаббат; дўстлик, дўстона муносабатлар

حَبٌّ *жам. кўп.* حُبُوبٌ 1) дон; уруғ; الْهَالِ ~ кардамон (*занжабилгуллилар оиласига кирадиган ўсимлик*) уруғи; الرُّمَّانِ ~ анор донаси; الْبَرَكَةِ ~ *бот.* чернушка (*ўсимлик*); الرَّأْسِ ~ *бот.* гнидник (*ўсимлик*); الرَّشَادِ ~ кресс салат (*барги ейиладиган бир йиллик ўсимлик*); الشُّومِ ~ *бот.* қизил мевали бутанинг меваси; الْمُلُوكِ ~ *бот.* а) الزَّلَمِ ёки الْعَزِيزِ ~ *бот.* ер бодом (*ўсимлик*); ҳаббулмалик (*ўсимлик*); б) олча (гилос); الـ~ الْقَى (*тузоққа илинтириш мақсадида*) дон ташламоқ; 2) қулупнай, малина каби юмшоқ мевалар; 3) ҳапдори; 4) *кўп.* дон; ◊ الشَّبَابِ ~ ёки الصِّبَا ~ ғудда, ҳуснбузар; الْغَمَامِ ~ дўл

– حَبَّةُ الْقُلُوبِ ~ кўнгил хилватгоҳи

حُبٌّ 1 – муҳаббат, севиш; ҳавас, тилак, рағбат; الاسْتِطْلَاعِ ~ билишни ҳавас қилишлик, билимга қизиқишлик, илмга берилганлик; الذَّاتِ (النَّفْسِ) ~ худбинлик, эгоизм; السَّلْمِ ~ пацифизм, урушга қарши чиқиш, тинчликсеварлик; الظُّهُورِ ~ шуҳратпарастлик, манманлик, мағрурлик; الْغَيْرِ ~ альтруизм, кишиларга яхшилик (эзгулик) қилиш; الْوَطَنِ ~ ватанпарварлик; حُبًّا ~ ёки بِـ~ ... зўр хурсандлик билан, бажону дил; وَكَرَامَةً ... وَقَعَ فِي الـ~ لِـ... (*бирор н. ни*) севганидан, меҳр қўйганидан; яхши кўриб қолмоқ, ошиқ бўлиб қолмоқ

– حُبٌّ 2 *кўп.* حِبَابٌ кўза, кумғон

– حُبٌّ 1 = حِبَّةٌ

– حِبٌّ *кўп.* أَحْبَابٌ 1. севгили, ошиқ, маҳбуб, ёр; 2. дўст

– حِبَّةٌ саҳродаги еб бўлмайдиган дон ёки уруғ

– حَبَابٌ 1) жимирлаш, мавж уриш, мавж; сувнинг жимирлаши; (*сув юзидаги*) ҳаво пуфакчалари; 2) денгиз қаъри

– حُبَابٌ[1] = حُبٌّ[1]

– حُبَابٌ[2] илон; أُمُّ ~ бу дунё, ўткинчи дунё

– حُبَابَةٌ *кўп.* حُبَابٌ ампула (*дори қуйиб, оғзи кавшарланган шиша идиш*)

– حَبَّابٌ кўзафуруш

– حَبَبٌ[1] жимирлаш, мавж уриш, мавж; сувнинг жимирлаши; (*сув юзидаги*) ҳаво пуфакчалари

– حَبَبٌ[2] тишлар қатори, бир қатор тизилган тишлар

– حَبَّةٌ *кўп.* ـَـاتٌ (1 ـــ) уруғ донаси; حَبَّاتُ السُّبْحَةِ тасбиҳ доналари; الْــ~ السَّوْدَاءُ *ёки* الْــ~ الْبَرَكَةِ *бот.* қора зира, чернушка (*ўсимлиги ва уруғи*); الْــ~ الْحُلْوَةُ *бот.* анис, арпабодиён (*уруғидан хушбўй мой олинадиган ўсимлик*); 2) қулупнай, малина каби юмшоқ меванинг донаси; 3) ҳапдори донаси; 4) ғудда (ҳуснбузар) донаси, бир дона ҳуснбузар; 5) *халқ.* озгина, арзимас; 6)....та, дона (*нумератив*); 7) ҳабба (*1/72* فَدَّان *ёки 58,345 м2 га тенг бўлган юза бирлиги*); الشَّعِير ~ (1/144 ذِرَاعٌ مِعْمَارِيٌّ *ёки 0,52l см.-га тенг бўлган узунлик бирлиги*); ◊ الْعَيْنِ ~ кўз қорачиғи; يَا ~ عَيْنِي азизим!, жоним!; الْقَلْبِ ~ юрак; جَعَلَ كُلَّ ~ قُبَّةً пашшадан фил ясамоқ (*сўзма-сўз: кичкина уруғдан катта гумбаз ясамоқ*)

– حُبِّيٌّ ишқий, ошиқона; меҳрли, самимий, илтифотли; дўстона, дўстларча; тотув; ~اً меҳр билан, самимият билан, севиб

– حَبِيبٌ *кўп.* أَحِبَّاءُ, أَحْبَابٌ 1. ҳабиб (*эск.*), севгили, ошиқ, маҳбуб, хуштор, ёр; 2. 1) жонажон, азиз, манзур; الشَّعْبِ ~ халққа манзур бўлган; 2) дўст, жўра, ўртоқ, ошна; ◊ أَبُو ~ секретарь (*Оврупо ва Россияда яшайдиган қуш*)

– حَبِيبَةٌ *кўп.* حَبَائِبُ маҳбуба, маъшуқа

– حُبَيْبَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ уруғ доначаси

– حُبَيْبِيٌّ донадор, дона-дона; خَشَبٌ ~ прессланган қиринди (*қурилиш материали*)

– مُتَحَابٌّ кўнгил яқинлик қилувчи ва кўнгил яқинликни хуш кўрувчи; дўстона муносабатда бўлган; الدُّوَلُ الْــ~ـةُ дўст давлатлар

– مُحِبٌّ 1. муҳиб, севувчи, яхши кўрувчи, меҳрибон; لِلسِّلْمِ ~ тинчлик севар; لِلْحُرِّيَّةِ ~ эрксевар, ҳурриятпарвар; لِذَاتِهِ ~ худбин; لِلْعَمَلِ ~ меҳнатсевар; 2. ошиқ одам; ошиқ, маъшуқ, маҳбуб; мухлис, ишқибоз, ихлосманд; مُحِبُّو الْفَنِّ санъат мухлислари

– مُحَبَّبٌ[1] севимли, севикли; кўнгилга ёққан, афзал кўрилган; кўнгилдаги, хоҳишдаги

– مُحَبَّبٌ[2] дона-дона, донадор, дона-дона шаклда тайёрланган, гранулаланган

– مَحَبَّةٌ муҳаббат, севги; садоқат; меҳр, кўнгил қуйишлик

– مَحْبُوبٌ 1. севимли, севикли; кўнгилга ёққан, афзал кўрилган; кўнгилдаги, хоҳишдаги; 2. *кўп.* مَحَابِيبُ севикли, жонажон, азиз; эрка, арзанда; маҳбуб, хуштор, ёр

– مُسْتَحَبٌّ 1)севимли, севикли; 2) афзал кўрилган, яхшироқ деб билинган; 3) маъқулланган; матлуб, тилакдаги, исталган, орзу қилинган; мақташга сазовор, мақтаса арзийдиган; 4) қизиқарли, қизиқ

حَبْحَبَ тизиллаб (жимирлаб) оқмоқ, оҳиста оқмоқ (*сув ҳақида*)

– حُبَاحِبٌ *кўп.* حَبَاحِبُ ялтироқ қурт (*кечаси ялтириб турадиган қурт*)

– حَبْحَبَةٌ *кўп.* حَبْحَبٌ тарвуз (*Ҳижозда*)

(حبذ) II حَبَّذَ маъқулламоқ, маъқул кўрмоқ; тақдирламоқ; жуда мақтамоқ, мадҳ қилмоқ; мадҳия ўқимоқ

– تَحْبِيذٌ маъқуллаш, маъқул кўриш; тақдирлаш; розилик, ризолик

– حَبَّذَا қандай яхши!, қандай ажойиб!; الرَّجُلُ ~ бу одам қандай ажойиб!; الْمَرْأَةُ ~ бу аёл қандай яхши!; ... لَوْ ~ агар ...са, қандай яхши бўларди!

(ـُـ) I حَبَرَ (у) حَبْرٌ, حَبْرَةٌ (1 безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ, зеб бермоқ, зийнатламоқ, оро бермоқ; 2) хурсанд (мамнун) қилмоқ, севинтирмоқ, қувонтирмоқ, овутмоқ; حَبِرَ (а) حُبُورٌ хурсанд бўлмоқ, шод-хуррам бўлмоқ, шодланмоқ, қувонмоқ, завқланмоқ; II حَبَّرَ (1 безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ, ясатиб юбормоқ, бежамаламоқ; пардоз бермоқ; гул солиб безатмоқ, нақшламоқ; 2) ёзмоқ; ~ الْمُسَوَّدَةَ қораламани (қора нусхани) ёзиб тугатмоқ; 3) сиёҳ, туш билан чизмоқ; қорайтирмоқ, қорага бўямоқ; IV أَحْبَرَ хурсанд қилмоқ, мамнун қилмоқ; V تَحَبَّرَ сиёҳ *ёки* тушга бўялмоқ (ботирилмоқ)

– حِبَارٌ *кўп.* ـَـاتٌ, حُبُرٌ из, белги, асар; الضَّرْبِ ~ калтак изи, кўк доғ, бадандаги кўкарган жойи; яра ўрни, ямоқ, чандиқ

– حُبَارَى *кўп.* حُبَارَيَاتٌ *зоол.* тувдоғ, тўхтатувалоқ (*турна туркумидан бўлган улкан қанотли чўл қуши*)

– حَبْرٌ[1] *кўп.* حِبْرٌ, أَحْبَارٌ (1 حُبُورٌ олим киши; سِفْرُ الأَحْبَارِ *библ.* Левит; 2) попларнинг бошлиғи; юқори даражали руҳоний шахс; епископ; папа (*Римдаги*); الْــ~ الأَعْظَمُ а) олий коҳин; б) папа (*Римдаги*)

– حُبُورٌ = حَبْرٌ[2]

– حِبْرٌ *кўп.* حُبُورٌ, أَحْبَارٌ (1сиёҳ, бўёқ; سِرِّيٌّ ~ сирли (симпатик) сиёҳ (*қиздиргандан ёки махсус модда билан ҳўллангандан кейингина кўзга кўринадиган рангсиз сиёҳ*); قَلَمُ ~ авторучка; ~ طِبَاعَةِ الصُّحُفِ *ёки* مَطْبَعِيٌّ~ босмахона бўёғи; الشِّينِ ~ *ёки* صِينِيٌّ Хитой туши; 2) ранг, тус; فَوْقَ الْوَرَقِ ~ *маж.* бир парча қоғоз (*мас., шартнома ҳақида*); لَمْ يَكُنِ الْــ~ قَدْ جَفَّ بَعْدُ ... حَتَّى ҳали сиёҳи қуримасданоқ ...; أُمُّ الْــ~ *зоол.* уммул-ҳибр (*денгиз молюскаларининг бир тури*)

– حِبَرٌ йўл-йўл газлама

— حَبَرَةٌ кўп. ـَاتٌ — чойшаб, ёпинчиқ; мантиля (*испан аёллари ёпинадиган катта тўр рўмол*)

— حَبَرَةٌ кўп. حِبَرٌ, حِبَرَاتٌ йўл-йўл устки кийим

— حِبْرِيٌّ = حَبْرَوِيٌّ

— حَبْرِيٌّ, حِبْرِيٌّ 1) папага оид; 2) епископга оид

— حَبْرِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ — риза (*христианларда: руҳонийларнинг ибодат вақтида кийдиган либоси*)

— حُبُورٌ хурсандлик, шодлик, қувонч, завқ

— مِحْبَرَةٌ кўп. مَحَابِرُ сиёҳдон

— مَحْبُورٌ хурсанд, шод, қувноқ, дилхуш, хушчақчақ; мамнун

حَبَسَ I (и) حَبْسٌ 1) ҳибсга олмоқ, қамамоқ, қамоққа олмоқ; 2) бекитмоқ, танбаламоқ, маҳкамлаб бекитмоқ; 3) сақламоқ, асрамоқ, қўриқламоқ; 4) тўхтатиб (тутиб) қолмоқ, тўсиб қўймоқ, халал бермоқ; وَ ~ نِى الْمَرَضُ الْمُفَاجِئُ عَنْ أَنْ أَزُورَكُمْ тўсатдан келган касаллик сизни зиёрат қилишимга монеълик қилди; أَنْفَاسَهُ ~ нафасини ичига ютиб турмоқ; 5) (*ҳиссиётни*) босиб турмоқ, ўзини тиймоқ; 6) (*бирор к. ёки н. олдига*) киришни тўхтатмоқ (عَنْ); 7) (*бирор н. борасида*) васият қилмоқ (عَلَى); бағишламоқ; II حَبَّسَ 1) қамоқларга солмоқ, қамоқларга тиқиб ташламоқ; 2) (*бирор н. ни*) вақф сифатида васият қилмоқ (عَلَى); IV أَحْبَسَ бахшида қилмоқ, бағишламоқ; فَرَسًا فِى سَبِيلِ اللهِ ~ Оллоҳ таоло йўлида от атамоқ; вақф қилмоқ; V تَحَبَّسَ бирор нарсага ўзини бағишламоқ, бахшида қилмоқ (عَلَى); VII انْحَبَسَ 1) маҳбус бўлмоқ, қамалмоқ, банди бўлмоқ; 2) тўхтатиб (тутиб) қолинмоқ, ушланиб қолмоқ; нафас олиши қийинлашмоқ; صَرَخْتُ وَلَكِنَّ الصَّرْخَةَ ~ـتْ فِى حَلْقِى арзу додимни ҳеч ким эшитмайди (*сўзма-сўз:* мен дод солдим, лекин додим оғзимда қолди); VIII احْتَبَسَ 1) ҳибсга олинмоқ, қамоққа ташланмоқ; 2) ёпилмоқ, танбаланмоқ, маҳкам беркитилмоқ; 3) тўхтатиб (тутиб) қолинмоқ, ушланиб қолмоқ; нафас олиши қийинлашмоқ; ~ـتْ أَنْفَاسُهُ унинг нафаси қисилди; ~ الصَّوْتُ فِى حَلْقِه овози бўғзида қолди

— احْتِبَاسٌ тўхталиш, тўхтаб қолиш; ~ الْبَوْلِ *мед.* бавл (сийдик)нинг тутилиши

— انْحِبَاسٌ тўхтаб қолиш, ушланиб қолиш; ~ فِى الْهَوَاءِ ҳавонинг димлиги, дамлиги; ~ الْمَطَرِ (الأَمْطَارِ) қурғоқчилик

— حَبْسٌ[1] ҳибсга олиш, қамаш; ~ احْتِيَاطِيٌّ эҳтиёт чораси сифатида (*суддан олдин*) ҳибсга олиш; ~ انْفِرَادِيٌّ танҳо кишини алоҳида камерага қамаш

— حَبْسٌ[2] кўп. حُبُوسٌ қамоқ, турма, қамоқхона; зиндон

– حَلاَوَاتٌ *кўп. анат.* ошқозон ости бези, қориности бези, панкреас

– حَلاَوَةٌ *кўп.* حَلاَوَى 1) ширинлик, лаззат, ёқимлилик, ёқимтойлик, кўркамлик, хушрўйлик, зеболик; нозиклик; ~ُ الْعِنَبِ حَبَّةٌ *мтл.* узумнинг лаззати донасидадир; 2) ширинлик, чучуклик, қанд-қурс, мева-чева; қанд, конфет; 3)инъом, эҳсон, чойчақа; тўлов, бадал; ◊ يُبَاعُ كَالـ~ кўл-кўлга тегмай сотилмоқда (*сўзма-сўз: қанд-қурсга ўхшаб сотилмоқда*)

– حُلْوٌ 1) ширин, лаззатли; ёқимли, ёқимтой; ~ُ الْحَدِيثِ суҳбати жонон; 2) шўри кетказилган, чучуклаштирилган (сув); زَيْتٌ ~ пахта ёғи; 3) чиройли, гўзал, дилбар, хушрўй, зебо; ◊ الْغُدَّةُ الـ~َةُ *анат.* қориности бези, панкреас

– حَلْوَاءُ 1) ширинлик, лаззат; 2) қанд-қурс, мева-чева; қандолатчилик маҳсулотлари; ҳолва

– حُلْوَانٌ *кўп.* ~َاتٌ — совға, ҳадя; инъом, эҳсон; чойчақа

– حُلْوَانُ Ҳулвон (*Мисрдаги курортнинг номи*)

– حَلْوَانِيٌّ *кўп.* حَلْوَانِيَّةٌ *ёки* حَلْوَانِيٌّ *кўп.* حَلْوَانِيَّةٌ қандолатчи, қандфуруш, ҳолвафуруш; دُكَّانُ الـ~ِ қандолатчилик дўкони, қанд дўкони

– حَلْوَجِيٌّ *кўп.* حَلْوَجِيَّةٌ қандолатчи

– حَلْوَى *кўп.* حَلاَوَى қанд-қурс, ҳолва, мева-чева; مُحِبُّ الـ~ ширинхўр, ширинтомоқ

– حَلْوِيَّاتٌ, حَلَوِيَّاتٌ *кўп.* ширинликлар, қанд-қурс, мева-чева; қиёмга ботириб қуритилган мевалар; устига шакар сепилган мевалар

I (حلى) حَلَى (у) حَلْيٌ (*бирор н. билан*) безамоқ, зийнат бермоқ (بـ); حَلِيَ (а) حَلْيٌ безанмоқ, зийнатланмоқ; II حَلَّى безамоқ, зийнат бермоқ; V تَحَلَّى 1) қимматбаҳо тақинчоқларни тақмоқ; (*бирор н. билан*) безатилмоқ, зийнат берилмоқ (بـ); 2) фарқ қилмоқ, ажралиб турмоқ.(*н. си биландир*) азалдан ажралиб турмоқ (بـ); X اِسْتَحْلَى (*бирор н. билан*) безанмоқ, ясанмоқ, зийнатланмоқ

– تَحْلِيَةٌ безаш, зийнат бериш

– حَلْيٌ *кўп.* حُلِيٌّ зийнат асбоблари, қимматбаҳо ашё

– حِلْيَةٌ *кўп.* حِلًى зийнат асбоблари, қимматбаҳо ашё; безак; ~ُ الرَّجُلِ одамнинг сифати

– حِلْيَوَةٌ *халқ.* ажойиб, қизиқарли, чиройли, гўзал; жуда соз, боп

حمو *қар.* حَمَاةٌ, حَمٌ

I حَمَّ[1] (*и/а*) حَمٌّ 1) қайноқ бўлмоқ; 2; қораймоқ; حُمَّ 1)иситма тутмоқ, иситмаламоқ; 2) олдиндан ҳал бўлмоқ, (*муддат*) етиб

келмоқ; حَمَّ 2 (а/а) حُمُومٌ чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; حَمَّ 3 (а/у) حَمَّ иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ, ўтин ёқиб илитмоқ (*печкага*); II حَمَّمَ 1) иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ; 2) чўмилтирмоқ, сувда чайқамоқ; 3) қора рангга бўямоқ; *тар.* кўчаларда сазойи қилишдан олдин, юзига қоракуя чапламоқ; IV أَحَمَّ 1) иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ; 2) ҳаммомда ювинтирмоқ; V تَحَمَّمَ 1) чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; 2) корaймоқ, қора тусга кирмоқ; X اسْتَحَمَّ чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ

– أَحَمُّ *мн.* حَمَّاءُ *кўп.* حُمٌّ қора

– اسْتِحْمَامٌ чўмилиш, ванна

– حَمٌ *қар.* حمو

– حَمٌّ иссиқ, ҳарорат; қаттиқ ҳарорат, саратон, иссиқ ҳаво

– حَمَامٌ *кўп.* حَمَائِمُ *жам.* каптар; الرَّسَائِلِىُّ ~ *ёки* الْمُرْسِلَةُ ~ *ёки* الزَّاجِلُ ~ *қар.* زَاجِلٌ؛ مُطَوَّقٌ ~ ўрмон ғурраги, тумшуғи узун ғуррак; الْبَرِيدِ *ёки* ~ ساقُ الــ а) *бот.* сариқ гулли аччиқ ўт; б) *бот.* тизим гул; в) *бот.* ҳўкизтил (*ўсимлик*)

– حَمَّامٌ *кўп.* اتٌ — ҳаммом; ванна, ваннахона; чўмиладиган жой; الْبَحْرِ ~ денгиз сувида қабул қилинадиган ванна; شَمْسِىٌّ ~ *ёки* الشَّمْسِ ~ қуёш ваннаси; السِّبَاحَةِ ~ чўмилиш бассейни; حَمَّامَاتٌ كِبْرِيتِيَّةٌ олтингугуртли ванна; أَخَذَ ~ًا ванна қабул қилмоқ

– حِمَامٌ ўлим, вафот топиш, вафот этиш, ажал, қазо

– حَمَّامِىٌّ *кўп.* حَمَّامِيَّةٌ *ёки* حَمَّامِىٌّ *кўп.* حَمَّامْجِيَّةٌ ҳаммомчи, ҳаммомнинг эгаси, хўжайини

– حَمَامَةٌ *кўп.* اتٌ — каптар (*шунингдек:* ذَكَرٌ ~); урғочи каптар, мода каптар (*шунингдек:* أُنْثَى ~); السَّلَامِ ~ тинчлик кабутари

– حُمَمٌ *жам.* 1) кўмир; 2) кул; 3) вулқондан отилиб чиқадиган суюқ чўғ, ер остидаги суюқ чўғ, лава; مِنَ الْقَنَابِلِ ~ бомбалар уюми

– حُمَمَةٌ *д.с.* حُمَمٌ *дан*

– حَمَّةٌ *кўп.* حَمٌّ қайноқ булоқ; فَوَّارَةٌ ~ баъзан фонтан бўлиб отилиб чиқадиган қайнар булоқ, гейзер

– حَمَةٌ *қар.* حمى

– حُمَّةٌ 1) қоралик, қора ранг; 2) иситмадаги ҳарорат, иситма

– حِمَّةٌ *кўп.* حِمَمٌ ўлим, ўлиш, жон бериш, қазо қилиш

– حُمُومٌ чўмилиш, ванна олиш (қабул қилиш)

– حُمَّى *мн. кўп.* حُمَّيَاتٌ иситма; безгак; ҳарорат; التِّيفُوسِ ~ *ёки* التِّيفُودِيَّةُ ~ الــ тепкили терлама, тошмали тиф; الْمُحْرِقَةُ ~ الــ *ёки* ~ ич терлама; الرَّاجِعَةُ ~ الــ қайталама терлама; الْمِعَوِيَّةُ ~ الــ ~ الرِّبْعِ ҳар тўрт кунда қайтариладиган безгак; الصَّفْرَاءُ ~ الــ сариқ безгак; الْغِبُّ ~ ҳар уч кунда қайтариладиган безгак; الْفَحْمِيَّةُ ~ الــ қар. فَحْمِىٌّ; الْقِرْمِزِيَّةُ ~ الــ *қар.* قِرْمِزِىٌّ; الْقَشِّ ~ қоқшол; безгак; الْقُلَاعِيَّةُ *қар.* قُلَاعِىٌّ; الْمُتَرَدِّدَةُ ~ الــ кун оралатиб тутадиган безгак; الْمُسْتَنْقَعَاتِ ~ безгак; الْمُخِّيَّةُ الشَّوْكِيَّةُ ~ الــ кенг тарқаладиган менингит; الْمَلْطِيَّةُ ~ الــ бруцеллёз, оқсил тўқай иситмаси (безгаги); النِّفَاسِ ~ *ёки* النِّفَاسِيَّةُ ~ الــ туғаётган хотинлардаги касаллиги; الْوِرْدِ ~ ҳар куни қайталайдиган безгак иситма

– حُمِّىٌّ безгакка оид

– حَمِيمٌ 1 1. қайноқ, иссиқ; 2. 1) иссиқ сув; 2) тер (*бадандан чиқадиган*)

– حَمِيمٌ 2 *кўп.* أَحِمَّاءُ жонажон дўст

– مِحَمٌّ *кўп.* اتٌ — қозон, сув иситгич

– مَحْمُومٌ 1) безгакка оид; 2) безгак касалига мубтало

– مُسْتَحَمَّاتٌ *кўп.* чўмилиш жойлари (*денгиз қирғоғида*)

– يَحْمُومٌ 1) тутун; 2) *алиф.б.қ.*

1 حَمَأَ (а) حَمْءٌ тозаламоқ (*канал ёки қудуқни*); حَمِئَ (а) 1) ифлосланмоқ, ифлос бўлмоқ; 2) (*бирор к. дан*) жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ, хафа бўлмоқ (عَلَى)

حَمْءٌ эрнинг акаси ёки дадаси

– حَمْأَةٌ лой, балчиқ; *кўч.м.* ботқоқ; فِى ~ غَرِقَ *кўч.м.* (*бирор н. нинг*) ботқоғига ботмоқ

حَمْحَمَ 1 жазирама иссиқ бўлмоқ; الدُّنْيَا ~تِ ҳаво жазирама бўлиб кетди

حَمْحَمَ 2 кишнамоқ تَحَمْحَمَ = حَمْحَمَ

– حَمْحَمَةٌ кишнаш

1 حَمِدَ (а) حَمْدٌ 1) мақтамоқ; (*бирор н. учун*) жуда мақтамоқ, мадҳ қилмоқ, мадҳия ўқимоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. га*) ҳамд айтмоқ; II حَمَّدَ 1) қаттиқ мақтаб юбормоқ, мақтовини келтирмоқ, кўкка кўтармоқ; 2; الْحَمْدُ لله Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! иборасини талаффуз қилмоқ; IV أَحْمَدَ мақтовга сазовор деб билмоқ

– أَحْمَدُ 1. мақтовга энг сазовор, энг мақтовга арзийдиган; 2. *ат.от, мз.* Аҳмад

– أَحْمَدِىٌّ 1. мусулмонга оид, исломга алоқадор; الشَّرِيعَةُ ~ الــ дини ислом шариати; 2. мусулмон киши

– حَامِدٌ 1) мақтовчи, мадҳ айтувчи, мадҳ қилувчи; 2) ҳамд айтувчи

– حَمَّادٌ мақтовчи, кўкларга кўтарувчи, ҳамду сано ўқувчи

– حَمْدٌ 1) мақтов, мадҳ, мақташ, шарафлаш, улуғлаш, кўкларга кўтариш; 2) ҳамд, ҳамду сано, миннатдорлик; لِلّٰهِ ~ الــ *ёки* ~ًا لِلّٰهِ Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

– حَمْدَانِيُّونَ: ~ الــ *тар.* ҳамадонийлар

– حَمَدَةٌ ~ رَجُلٌ мақтанчоқ одам

– حَمُودٌ 1) мақтовга сазовор, мақташга лойиқ; 2) миннатдор

– حَمِيدٌ 1) мақтовга сазовор, мақтаса арзийдиган; ~ السُّمْعَةِ обрў-эътиборли, яхши обрўга эга; 2) хатарсиз, хавфли эмас (*касаллик ҳақида*); зиёнсиз (*шиш*)

– مُحَمَّدٌ мақталган, мақтаб юборилган

– مَحْمَدَةٌ *кўп.* مَحَامِدُ яхши хусусият, фазилат, яхши сифат; мақталадиган фазилат, мақтовга сазовор томон; мақталадиган қилиқ, муомала

– مَحْمَدَةٌ мақтов, мадҳ, шараф

– مَحْمُودٌ мақталган, мадҳ этилган; мақтовга сазовор, мақташга арзигулик: ~ السِّيرَةِ ҳаёт тарзи мақтовга сазовор, мақташга арзийдиган ҳаёт тарзли (*инсон*); ~ السُّمْعَةِ яхши обрўли, обрўси яхши (*инсон*)

– مَحْمُودَةٌ *бот.* печак, ўт, печак гул, чирмовиқ

– مَحْمُودِيَّةٌ скаммоний (*ич бўшаштирадиган доривор*)

حَمْدَلَ "أَلْحَمْدُ لِلّٰهِ" "Оллоҳ таологa ҳамду санолар бўлсин!" иборасини талаффуз қилмоқ

– حَمْدَلَةٌ "أَلْحَمْدُ لِلّٰهِ" "Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!"иборасини талаффуз қилиш

(حمر) II حَمَّرَ 1) қизил рангга бўялмоқ; 2) қовурмоқ, куйдирмоқ, қиздирмоқ; V تَحَمَّرَ 1) қизил рангга бўялмоқ; 2) (*лабни*) бўямоқ; 3) қовурилмоқ, куймоқ; IX احْمَرَّ қизил тусга кирмоқ, қизармоқ; XI احْمَارَّ қизармоқ, қизил тус олмоқ

– أَحْمَرُ *мн.* حَمْرَاءُ *кўп.* حُمْرٌ қизил; الرَّايَةُ الْحَمْرَاءُ қизил байроқ; ~ (دُونَ) تَحْتَ инфрақизил; الـ~ وَ الْأَسْوَدُ а) араблар ва ҳабашлар; б) барча инсонлар; ~ الـ~ *ёки* الشِّفَاهِ ~ лабга суртиладиган ёғупа, ~ الْخُدُودِ ёноқнинг қизиллиги; ~ مَوْتٌ *қар.* الـ~انِ сَنَةٌ حَمْرَاءُ ;مَوْتٌ қаттиқ (вазмин, оғир) келган йил; *ик.с. маж.* а) гўшт ва нон; б) гўшт ва шароб; в)олтин ва заъфарон

– احْمِرَارٌ қизариш; қизиллик

– حَمَّارٌ *кўп.* حَمَّارَةٌ эшак ҳайдовчи, эшакларни ҳайдаб борувчи

– حِمَارٌ *кўп.* حَمِيرٌ, حُمُرٌ эшак; ~ الزَّرَدِ зебра; ~ الْوَحْشِ ёввойи эшак; !~ يَا لَكَ مِنْ сен қанақа эшаксан ўзи!; ◊ ~ خَشَبٍ эшак, чорпоя, остлик, таглик, таг курси, поя

– حِمَارَةٌ *кўп.* حَمَائِرُ урғочи эшак

– حَمَّارَةٌ жазирама иссиқ; ~ الْقَيْظِ ёзнинг энг иссиқ пайти

– حُمَّرٌ қизил лойтупроқ

– حُمَرٌ битум, асфальт; тоғ смоласи (елими)

– حَمْرَاءُ занг касали, хина касали (*бошоқли ўсимликларда*); ◊ الـ~ а) Алҳамбра (*Гранададаги сарой номи*); б) Месопотамия

– حَمْرَاوِيٌّ *зоол.* ботқалдоқ, баликчи ўрдак

– حُمْرَةٌ 1) қизиллик; юзнинг қизили; 2) қисил ранг, тус; 3) қизил ёғупа; ~ قَلَمٍ лабга суртиладиган қизил ёғупа; 4) пишиқ ғишт кукуни; 5) *мед.* сарамас касаллиги; ~ الْخَنَازِيرِ *мед.* тепки (*кулоқости безларининг яллиғланиши*)

– حُمَيْرَاءُ *мед.* қизамиқ, қизилча (*болалар касаллиги*)

– حُمَيْرَةٌ *мед.* қизилча; қизамиқ

– مُحَمَّرٌ қовурилган, қовуриб қиздирилган

– يَحْمُورٌ 1) гемоглобин; 2) ёввойи эшак

حَمْرَقَ 1) (*бирор к. нинг*) умид-орзуларини йўққа чиқармоқ; 2) (*бирор н. да*) иштирок этишдан бош тортмоқ; сўзидан (*фикридан*) қайтмоқ, айнимоқ; 3; ёпишиб олмоқ, осилиб олмоқ, чатоқ чиқармоқ, инжиқлик қилмоқ

– حَمْرَقَةٌ 1) орзу-умидларни йўққа чиқариш; (*бирор н. да*) иштирок этишдан бош тортиш

I حَمَزَ (и)حَمْزٌ (*тилни*) ачиштирмоқ, ловуллатмоқ; حَمُزَ (у) حَمَازَةٌ куч-қувватга тўлмоқ, кучли бўлиб кетмоқ

– حَامِزٌ 1) нордон, аччиқ таъмли; 2) = حَمِيزٌ

– حَمِيزٌ : ~ الْفُؤَادِ қувноқ, хушчақчақ, ёқимтой

I حَمَسَ (у) حَمْسٌ қовурмоқ, қовуриб қизартирмоқ; حَمُسَ (у) حَمَاسَةٌ жасур бўлмоқ, жасоратли (*мард*) бўлмоқ, жасорат кўрсатмоқ; руҳланмоқ, ғайратланмоқ, жонланмоқ, илҳом олмоқ; حَمِسَ (а) حَمَسٌ = حَمَسٌ; II حَمَّسَ 1) руҳлантирмоқ, ғайратлантирмоқ, жонлантирмоқ, илҳом бермоқ; 2; жуда қовуриб юбормоқ; V تَحَمَّسَ 1) руҳланмоқ, ғайратланмоқ, жонланмоқ, илҳомланмоқ; 2) ҳаяжонланмоқ, изтиробга тушмоқ, ҳовлиқмоқ; X اسْتَحْمَسَ (*бирор н. га*) қизиқтирмоқ, ҳавасини келтирмоқ (عَلَى)

– أَحْمَسُ *мн.* حَمْسَاءُ *кўп.* حُمْسٌ 1) ғайратли, тиришқоқ, серҳафсала; сабот-матонатли, сўзини ўтказадиган; ғайрат-шижоатга тўла, ташаббускор

– تَحَمُّسٌ 1) руҳланиш, ғайратланиш; илҳомланиш, ғайрат-шижоат; 2) тиришқоқлик, ғайрат, ҳафсала; сабот-матонат

– حَمَاسٌ ғайрат, ғайрат-шижоат, завқ-шавқ, сурур; وَ دَبَّ الـ~ بَيْنَهُمْ улар ғайратга тўлиб-тошиб кетдилар

– حَمَاسَةٌ 1) мардлик, жасурлик, жасорат; 2) ғайрат, ғайрат-шижоат, ~بِـ ғайрат билан, ғайрат-шижоат билан. الـ~ Ҳамоса (*машҳур шеърлар тўпламининг номи*)

– حَمَاسِيٌّ оташин, астойдил, ғайрат-шижоатга тўла; завқ-шавқли, сурурли

– حَمِسٌ 1) ғайрат-шижоатга тўла; 2) ғайратли, тиришқоқ, серҳафсала

– مُتَحَمِّسٌ 1) ғайрати тўлиб-тошиб кетган; 2) ҳаяжонда қолган, изтробда қолган, ҳовлиққан

I حَمَشَ (у) حَمْشٌ хафа қилмоқ, жаҳлини чиқармоқ, қўзғатмоқ, безовта қилмоқ, таъсир қилмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, асабийлаштирмоқ

– حَمِشٌ жаҳли чиққан, безовта; ҳаяжонланган, асабийлашган

(حمص) II حَمَّصَ ковурмоқ, ковуриб қизартирмоқ; пиширмоқ, ёпмоқ; ~ الْبُنَّ қаҳвани ковурмоқ; V تَحَمَّصَ ковурилмоқ, ковурилиб қизармоқ

– تَحْمِيصٌ 1) ковуриш, ковуриб қизартириш; 2) қизитиш, илитиш; ~ عَنْبَرُ الـ *тех.* иситиш, қизитиш камераси

– حَمَّاصَةٌ *кўп.* ~اتٌ — ковуриш учун тайёрланган мослама; ~ الْخُبْزِ тостер (*қарсиллама нон тайёрланадиган мослама*)

– حِمَّصٌ ,حُمُّصٌ *жам.* турк (*Миср*) нўхоти

حِمَّصَانِيَّةٌ *кўп.* - حِمَّصَانِيٌّ нўхотфуруш

– حُمُّصَةٌ *кўп.* ~اتٌ — бир дона нўхот; *анат.* лиқилдоқ

– مِحْمَصَةٌ това, сковородка (*қаҳва, нўхат ва ш. к. ларни ковуриш учун*)

I حَمُضَ (у) حُمُوضَةٌ нордон бўлмоқ, кислотали бўлмоқ; II حَمَّضَ (*бирор н. ни*) нордон қилмоқ; кислотали қилмоқ; 2) *кимё.* оксидламоқ; кислота билан ишлов бермоқ, кислота билан заҳарламоқ; *фото.* плёнкани дорига солиб суратини чиқармоқ, кўринадиган қилмоқ; 3) ачимоқ, ачиб қолмоқ (*сут ҳақида*)

– حَامِضٌ *кўп.* حَوَامِضُ 1. нордон, ачиган, кислотали; 2) 1) *кимё.* кислота; ~ الْبَوْلِ *ёки* ~ بَوْلِيٌّ *ёки* ~ الْبُولِيكِ сийдик кислотаси; ~ الْفِنِيكِ карбол кислота; ~ كَاوٍ *ёки* ~ الْكِبْرِيتِ кумуш нитрати; ~ الْكِبْرِيتِيكِ сульфат кислотаси; ~ اللَّبَنِيكِ сут кислотаси; ~ النِّيتْرِيكِ азот кислотаси; 2) лимон

– حُمَّاضٌ *бот.* шавель

– حَمْضٌ *кўп.* أَحْمَاضٌ, حُمُوضٌ *кимё.* кислота; ~ الْأَزُوتِ *ёки* ~ الْأَزُوتِيكِ азот кислотаси; ~ السُّلْفُورِ *ёки* ~ السُّلْفُورِيكِ сульфат кислотаси; ~ الْكُلُورِ *кар.* كُلُورٍ, ~ النَّمْلِ чумоли кислотаси; الْأَحْمَاضُ الْأَمِينِيَّةُ аминокислоталар

– حَمْضِيَّاتٌ *кўп.* цитрус мевалар

– حُمُوضَةٌ 1) кислота, нордон таъм; 2) кислота миқдори

– حُمَّاضٌ = حُمَيْضٌ

– مُحَمَّضٌ 1) нордон; 2) *кимё.* оксидланган

حَمَاطٌ (*ўсимлик номи*) ҳамот

– حَمَاطَةٌ томоқ (бўғиз) даги оғриқ

– حِمْطَاطٌ ўсимликлар ичида юрадиган устида нақши бор қурт

I حَمُقَ (у) حَمَاقَةٌ 1) аҳмоқ бўлмоқ, тентак бўлмоқ; 2) жаҳли чиқмоқ; II حَمَّقَ 1) аҳмоқ (тентак) деб ҳисобламоқ; 2) аҳмоқ деб атамоқ; 3) аҳмоқ қилмоқ, лақиллатмоқ, майна қилмоқ; IV أَحْمَقَ = II; VI تَحَامَقَ ўзини гўлликка солмоқ; VII انْحَمَقَ жаҳли чиқмоқ, қаттиқ ғазабланмоқ; X اسْتَحْمَقَ аҳмоқ (тентак) деб ҳисобламоқ

– أَحْمَقُ *мн.* حَمْقَاءُ *кўп.* حُمْقٌ, حَمْقَى 1. аҳмоқ, тентак; жаҳлдор, сержаҳл, баджаҳл; 2. аҳмоқ одам; ◊ بَقْلَةُ الْحَمْقَاءِ *ёки* الْبَقْلَةُ الْحَمْقَاءُ *бот.* қуёнқулоқ, семизўт, гулбеор

– حُمَاقٌ *мед.* сувчечак

– حَمَاقَةٌ 1) ҳамоқат, аҳмоқлик; ~ لَيْسَ بَعْدَهَا ~ هٰذِهِ бу ўтакетган аҳмоқликдир; ~ دُونَهَا كُلُّ ~ هٰذِهِ *қар.* دُونَ: ... أَنَّ ~ مِنَ الْـ шу нарса тентакликки, ; 2) ножўя қилиқ; ~ ارْتَكَبَ аҳмоқлик, тентаклик қилмоқ; 3) ғазаб, жаҳл

– حُمْقٌ 1) аҳмоқлик, тентаклик; 2) ғазаб, жаҳл

– حَمْقَانُ жаҳл чиққан, ғазабли; аччиқланган, асабийлашган, қони қайнаган, даргазаб

– حَمْقِيٌّ серзарда, жиртаки, жиззаки

– مَحْمُوقٌ жаҳли чиққан; ғазабланган

I حَمَلَ (и) حَمْلٌ 1) олиб бормоқ, кўтариб олиб бормоқ, ташимоқ, элтмоқ; кўчирмоқ, ўтказмоқ; 2) олмоқ, кўтармоқ (*юкни*); (*бирор н. ни*) олиб ташламоқ, олиб қўймоқ, чиқариб олмоқ (عَنْ); ушлаб турмоқ, кўтариб турмоқ, тутиб турмоқ; 3) (*бирор ҳиссиётга*) эга бўлмоқ; ~ فِكْرَةً ... الْحِقْدَ لِـ ёмон кўрмоқ, (*бирор к. дан*) нафратланмоқ; ~ طَيِّبَةً (*бирор к. га нисбатан*) яхши фикрда бўлмоқ (عَنْ); 4) ...да бор бўлмоқ, эга бўлмоқ; ~ الْمَقَالُ تَوْقِيعَهُ унинг имзоси бор бўлган мақола (*сўзма-сўз:* мақола унинг имзосига эга); ~ أَمْرَاضًا مُعْدِيَةً юқумли касалликларни тарқатмоқ, юқтирмоқ; ~ اسْمًا لَامِعًا ажойиб обрў-эътиборга эга бўлмоқ; ~ مُؤَهِّلًا аттестат соҳиби бўлмоқ; 5) сафарбар қилмоқ, оёққа турғизмоқ; (*бирор н. га*) қайрамоқ, ундамоқ, рағбатлантирмоқ, истак туғдирмоқ, қизиқтирмоқ, қўзғатмоқ (عَلَى); 6) (*бирор н. га*) ташланмоқ, хужум қилмоқ, атака қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ حَمْلَةً شَعْوَاءَ (*бирор к. га қарши*) кампания олиб бормоқ (عَلَى); бирор кимга қарши шиддатли атака олиб бормоқ; 7) ҳосил бермоқ (*дарахт*); 8) (*бирор к. дан*) ҳомиладор бўлмоқ (مِنْ); 9) (*бирор н. ни бирор к. га*) тааллуқли, мансуб деб ҳисобламоқ (عَلَى); ◊ ~هُ мَحْمَلَ حُسْنِ النِّيَّةِ бирор нимага хайрихоҳлик билан қарамоқ; II حَمَّلَ 1) олиб бордирмоқ, кўтартирмоқ, оғир иш юклаб қийнамоқ, оғир юк юкламоқ; юк ортмоқ, юкламоқ (*кемага*); юкламоқ (*масъулият*); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ бирор кимга масъулият юкламоқ; ◊ ~هُ الْخَسَائِرَ الْفَادِحَةَ унга жуда катта талофат етказмоқ; IV أَحْمَلَ кўтаришда ёрдам бермоқ, кўтаришмоқ; V تَحَمَّلَ 1) ўз устига юкламоқ; 2) ўз гарданига олмоқ (*масъулиятни, сарф-харажатни*); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ (*бирор масалада*) масъулиятни ўз елкасига олмоқ (عَنْ); 3) сабр, қилмоқ, бардош қилмоқ, чидамоқ, тоқат қилмоқ, сабр қилмоқ. 4) узоқ вақт кийилмоқ (*кийим*); 5)жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; IV تَحَامَلَ 1) (*бирор н.* ни) ўз оғирлиги билан босмоқ (عَلَى) 2) (*бирор к. га*) хужум қилмоқ (عَلَى); (*бирор к. ни*) таъқиб қилмоқ (عَلَى); 3) (*бирор*

к. га) нафрат, ғазаб кўзи билан қарамоқ (عَلَى) 4) хорламоқ, пастга урмоқ; 5) (бирор н. да) чўрткесар бўлмоқ (فِى); 6) (бирор н. да) қаттиқ турмоқ, сўзини ўтказмоқ (فِى) 7) (бирор н. ни) зўрға-зўрға бажармоқ, аранг амалга оширмоқ; оёқда зўрға турмоқ; صَارَ قَادِرًا أَنْ يَتَحَامَلَ عَلَى نَفْسِهِ بَعْدَ الْمَرَضِ касалликдан тузалгач, у ўзи оёқда тура оладиган бўлиб қолди; تَحَامَلَ عَلَى عُكَّازَيْنِ у қўлтиқтаёқда аранг ҳаракат қилади; VII انْحَمَلَ кўтара оладиган бўлмоқ, таший оладиган бўлмоқ; VIII احْتَمَلَ 1) ўз зиммасига олмоқ, гарданига олмоқ; 2) чидамоқ, тоқат қилмоқ, бардош бермоқ; لَا يُحْتَمَلُ бардош қилиб бўлмайдиган, чидаб бўлмайдиган; لَا يَحْتَمِلُ هَذَا تَأْوِيلَيْنِ буни икки хил тушунтириш мумкин эмас; لَا يَحْتَمِلُ هَذَا شَكًّا бу ҳеч қандай шак-шубҳа туғдирмайди; 3) шунингдек мажҳул нисбатда ҳам; мумкин бўлмоқ, эҳтимол, бор бўлмоқ; 4) узоқ вақт кийилмоқ (кийим); X اسْتَحْمَلَ 1) чидамоқ, бардош бермоқ, маҳкам турмоқ, тоқат қилмоқ; 2) узоқ вақт кийилмоқ (кийим)

– احْتِمَالٌ 1) чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш; 2) шунингдек: قُوَّةُ الـ~ сабр-тоқат, чидам; شَدِيدُ الـ~ жуда бардошли, ғоят сабр-тоқатли; 3) эҳтимоллик, имконият; ~ الْوُقُوعِ содир бўлиш эҳтимоли бор; قَلِيلُ الـ~ эҳтимолдан узоқ, унча ишониб бўлмайдиган, д аргумон; نَظَرِيَّةُ الـ~ мат. эҳтимоллик назарияси; 4) чидамлилик, пишиқлик, мустаҳкамлик (кийим ҳақида)

– تَحَامُلٌ чидаб бўлмаслик, тоқат қилиб бўлмаслик, нотўғри тушунча, хато фикр, адолатсизлик билан қараш, ғаразгўйлик

– تَحَمُّلٌ 1) ўз зиммасига олиш, гарданига олиш (бирор масъулиятни); 2) (ғам) чекиш, тортиш; 3) бардошлилик, сабр-тоқатлилик; 4) чидамлилик, пишиқлик, мустаҳкамлик (кийим ҳақида)

– تَحْمِيلٌ 1) оғир иш юклаб қийнаш, юк юклаш, машаққатга қўйиш (бирор н. ни), гарданига юклаш, елкасига қўйиш; 2) юклаш, юкларни жойлаш; ~ وَ تَفْرِيغُ الْبَضَائِعِ товарларни юклаш ва тушириш; ◊ ~ـةُ الْمَهْبِلِ мед. бачадон йўли

– حَامِلٌ[1] кўп. حَمَلَةٌ 1. 1) кўтариб борувчи, элтувчи, ташувчи; 2) молик; ...и (...си) бор, ...нинг эгаси, ...нинг соҳиби; حَمَلَةُ الْأَقْلَامِ маж. қалам аҳли (соҳиби), ёзувчилар; 2. 1) ташувчи одам, қимматли қоғозга эга бўлган киши; الْبَعُوضُ ~ الْمَلَارِيَا чивинлар безгак тарқатувчилардир; 2) тақдим қилувчи; ~ هَذِهِ الْوَرَقَةِ ушбу варақани тақдим этувчи; 3) учоёқ, сепоя (рассомчиликда ишлатиладиган уч оёқли дастгоҳ); таглик, поя, тиргак; 4) кронштейн; 5) бот. гулўрин

– حَامِلٌ[2] кўп. حَوَامِلُ، حَامِلَاتٌ ҳомиладор, иккиқат; مَرْأَةٌ ~ ҳомиладор аёл

– حَامِلَةٌ кўп. ـاتٌ 1) ташувчи, элтувчи, кўтарувчи; ~ الطَّائِرَاتِ самолётлар ташувчи катта кема, авианосец; 2) ҳомиладор, иккиқат

– حَامُولٌ ҳомил (ёсмиқ ўсимлиги касаллиги); ~ الْكَتَّانِ бот. печак

– حَمَالٌ кўп. حُمُلٌ тўлов, ҳақ, бадал; жарима, штраф

– حَمَّالٌ ҳаммол, юккаш, юк ташувчи

– حَمَالَةٌ = حَمَالٌ

– حِمَالَةٌ[1] 1 ҳаммоллик касби

حِمَالَةٌ[2] кўп. 2 حَمَائِلُ 1) тасма, қайиш; портупея (қилич ёки дала сумкасининг қайиши); 2) подтяжка (икки елкадан тортиб қўйилган тасма); 3) тумор; حَمَائِلُ وَ تَمَائِمُ туморлар

– حَمَّالَةٌ кўп. ـاتٌ 1) замбил, носилка; 2) подтяжка (бундан олдинги мақола; ~ لِلصَّدْرِ сийнабанд, бюстгальтер; 3) таглик, тиргак, поя; кўприк устуни ёки тиргаги

– حَمْلٌ 1) ташиш, элтиш кўтариш; ~ الْأَثْقَالِ спорт. оғир атлетика; тош кўтариш; 2) ҳомиладор бўлиш, бўйида бўлиш; ҳомиладорлик; فِى دَوْرِ الـ~ ҳомиладорлик даврида; 4) ҳамл (200 кг. га أُقَّة ёки 249,6 кг. га тенг оғирлик ўлчови)

– حَمَلٌ кўп. حُمْلَانٌ қўзичоқ; بُرْجُ الـ~ астр. Ҳамал буржи

– حِمْلٌ кўп. أَحْمَالٌ юк, вазмин, оғир юк, оғирлик; ~ الْبَعِيرِ туя кўтара оладиган энг оғир юк

حَمْلَةٌ кўп. حَمَلَاتٌ 1) ҳамла, ҳужум, атака; ~ شَعْوَاءُ шиддатли ҳамла; 2) юриш, сафар, поход, экспедиция; кампания; ~ انْتِخَابِيَّةٌ сайлов кампанияси; ~ عَسْكَرِيَّةٌ ҳарбий экспедиция, ҳарбий юриш; 3) ҳамла (60 أُقَّة ёки 74,88 кг га тенг бўлган оғирлик ўлчови)

– حَمَلِيٌّ кўп. حَمَلِيَّةٌ сувфуруш, сув сотувчи (бозорда)

– حَمُولٌ[1] 1 бардошли, сабр-тоқатли, чидамли

– حَمُولٌ[2] сув билан оқиб келадиган оқинди; чўкинди, ўтринди (шамол, сув ёки муз олиб келиб ҳосил қилган чўкинди жинслар қатлами)

– حُمُولٌ тепасига тахтиравон юкланган, ўрнатилган туя

– حُمُولَةٌ юк ташийдиган ҳайвон (туя, эшак ва ҳ.к.)

– حَمُولَةٌ 1) юк, вазмин нарса, туя кўтариши мумкин бўлган оғирлик; 2) сиғим, сиғдира олишлик, юк кўтариш имконияти; кеманинг ҳажми; 3) юк кўтара олиш қуввати

– حَمِيلٌ 1. олиб бориладиган, кўтариб бориладиган; 2. пушт, ҳомила, она қорнидаги бола; қориндаги ҳомила

– حَمِيلَةٌ[1] 1 кўп. حَمَائِلُ 1) портупея (қар. حِمَالَةٌ[2]); 2) (бирор к. учун) ортиқча юк (عَلَى); боқинди, нонхўр, бировнинг қарамоғида бўлган одам; (бирор к. нинг) қўлига қараган, измида бўлган шахс; كَانَ ~ عَلَى ... ...нинг қўлига қараб қолмоқ, ...нинг измида бўлмоқ

– حَمِيلَةٌ[2] кўп. حَمَائِلُ уруғ (қабила) жамоаси

– مُحْتَمَلٌ эҳтимоли бор; مِنَ الـ~ أَنْ ... эҳтимолки, ...; ...ш (...иш) эҳтимоли бор; مِنْ غَيْرِ الـ~ أَنْ ... мумкин эмишки, ...; ...ши (...иши) мумкин эмас

– مَحْمَلٌ، مَحْمِلٌ[1] кўп. مَحَامِلُ замбил, носилка, тахтиравон;

الـ~ الشَّرِيفُ махмали шариф (*Каъбатуллоға каъбапўш ва б. ҳадялар билан тайёрланган тахтиравон*)

– مَحْمَلٌ[2] сифат; لَمْ آخُذْ (أَحْمِلْ) شَكْوَاهُ عَلَى ~ الْجِدِّ мен унинг шикоятига жиддий сифат деб қарамадим; حَمَلَهُ ~ الدُّعَابَةِ уни ҳазилсифат деб билмоқ; 2) баҳона, важ, сабаб; 3) асос, база; ~ كُرَيَّاتٍ шарикли подшипник

مُحَمَّلٌ оғир юк юкланган; (*бирор н. нинг*) машаққати остида қолган, қийноғида қолган (بِ)

– مِحْمَلٌ қилич илиб қўйиладиган илгак

– مَحْمُولٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1. 1) олиб бориладиган, кўтариб бориладиган, ташиладиган; 2)моторлаштирилган; 2. 1) юк, оғир нарса; 2) сиғим, сиғдира олишлик; юк кўтариш имконияти; 4) *мант.* муҳокама предметини (*субъектини*) аниқловчи мантиқий тушунча; ~ عَلَيْهِ субъект

حِمْلاَجٌ *кўп.* حَمَالِيجُ темирчилик босқони (*оловга дам бериб, уни кучайтирадиган мослама*); кавшарлашда, қалайлашда ишлатиладиган асбоб (трубка); труба (қувур) оғзига ўрнатиладиган конуссимон найча

حَمْلَقَ 1) бақрайиб қарамоқ, кўзини чақчайтириб қарамоқ; (*бирор н. га*) ҳайрон бўлиб қарамоқ (بِ، فِي), кўзини катта очмоқ; 2) *кўч. м.* анқайиб, безрайиб қараб турмоқ

– حِمْلاَقٌ *кўп.* حَمَالِيقُ кўз қовоғининг ички томони; *анат.* кўз жилди

– حَمْلَقَةٌ ҳайрон бўлиб ташланган назар (қараш)

– حَمُوٌ[1] ، حَمٌ *кўп.* أَحْمَاءٌ қайнота, амаки; божа; حَمُوهُ (*бирор к.*) унинг қайнотаси; حَمِيهِ *кар. к.* унинг қайнотасининг; حَمَاهُ *туш. к.* унинг қайнотасини

– حَمَاةٌ *кўп.* حَمَوَاتٌ қайнона

– حَمَاوَةٌ 1) иссиқлик, ҳарорат; 2) ўткирлик (*тамаки ҳақида*)

– حَمْوٌ[2] иссиқ ҳарорат, жазирама иссиқ; ◊ ~ النِّيلِ *мед.* темиратки

– حُمُوَّةٌ чўғ, лахча чўғ, аланга

I حَمَى (حمى) (*u*) حِمَايَةٌ 1) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ, қўриқламоқ, асрамоқ; حَمَاهُ اللهُ مِنْ شَرِّ الْأَعْيُنِ! уни ёмон кўзлардан Оллоҳ асрасин!; 2) ёқламоқ, ҳомий бўлмоқ, қаноти остида сақламоқ; 3)парҳез қилдирмоқ, парҳез буюрмоқ; حَمِيَ (*a*) حَمْيٌ 1) қизимоқ, исимоқ, иссиқ бўлмоқ, чўғ бўлмоқ, кескинлашмоқ, жиддий тус олмоқ; авжига чиқмоқ; ~تِ الْمَعْرَكَةُ жанг авжига чиқди; ~ وَطِيسٌ *кар.* الْوَطِيسُ; 2) (*бирор к. га нисбатан*) ғазаби тошмоқ (عَلَى); II حَمَّى 1) қизитмоқ, иситмоқ; кескинлатмоқ; 2) ювмоқ, чўмилтирмоқ; III حَامَى (*бирор к. ни*) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ, тарафини олмоқ (عَنْ); (*бирор к. ни*) қўллаб-қувватламоқ (عَنْ); IV أَحْمَى иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ, кескинлаштирмоқ; ~ الْمَكَانَ жойни дахлсиз қилмоқ; V تَحَمَّى парҳез қилмоқ, парҳезда бўлмоқ; VI تَحَامَى ўзини ҳимоя қилмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ, ўзини четга тортмоқ, сақланмоқ; VIII احْتَمَى 1) ўзини ҳимоя қилмоқ; пана бўлмоқ, тўсилмоқ; яширинмоқ, ўзини панага олмоқ (فِي); 2) ҳимоя қилдирмоқ; (*бирор к. нинг*) паноҳига сиғинмоқ, ҳимоя талаб қилмоқ (مِنْ); 3) парҳез қилмоқ, парҳезда бўлмоқ

– إِحْمَاءٌ иситиш, қизитиш, илитиш, кескинлаштириш

– تَحَامٍ ўз-ўзини ҳимоя қилиш; تَحَامِيًا لِـ... ...га йўл қўймаслик учун, ...нинг олдини олиш учун

– حَامٍ[1] *мн.* حَامِيَةٌ 1. 1) ҳимоя (мудофаа) қилувчи, ҳимоя қиладиган, ёқлайдиган; ҳомийлик кўрсатувчи, енгиллик туғдирадиган; ضَرِيبَةٌ حَامِيَةٌ енгиллик қилишни кўзлаб белгиланган бож; 2) иссиқ, қайноқ; حَامِي الْوَطِيسِ кучли, шиддатли, қизғин, қайноқ (*тортишув ҳақида*); حَامِي الطَّبْعِ сержаҳл, аччиғи тез, жиззаки, тажанг; 3) аччиқ, нордон (*овқат*); аччиқ, ўткир (*тамаки*); ◊ بِالْحَامِي وَ بِالْبَارِدِ ҳам эркалаб, ҳам дўқ-пўписа билан (*сўзма-сўз:* ҳам иссиқ билан, ҳам совуқ билан); 2. *кўп.* حُمَاةٌ ҳомий, ҳимоячи; حَامِي الْمَرْمَى *спорт.* дорвозабон; حَامِي الْمَعَارِفِ маърифат учун курашувчи

– حَامٍ[2] туянинг эркаги

– حَامِيَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ гарнизон; пикет (*кичкина соқчилар отряди*)

– حِمَايَةٌ 1. ҳимоя қилинувчи, ҳимоя остидаги; 2. 1) ҳимоя, мудофаа; қўриқлаш, пойлаш, ҳомийлик қилиш; ~ نَفْسِهِ ўз-ўзини ҳимоя қилиш, ўз-ўзини мудофаа қилиш; ~ الْأُمُومَةِ оналикни муҳофаза қилиш; الـ~ الْجُمْرُكِيَّةُ енгиллик қилишни кўзлаб белгиланган божлар; ~ حَقِّ الْمُؤَلِّفِ муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси; 2) ҳомийлик

– حُمَةٌ 1) найза, ниш (*чақадиган ҳашоратларда*); 2) заҳар

– حُمَّى *кар.* حَمّ.

– حِمًى дахлсиз нарса; заповедник

– حَمِيٌّ таъқиқланган, ман этилган, дахлсиз; эришиб бўлмайдиган, етишиб бўлмайдиган, ёнига йўлатмайдиган.

– حُمَيَّا 1) ғайрат, куч-қувват, интилиш; 2) шиддат

– حِمْيَةٌ парҳез

– حَمِيَّةٌ 1) ўт, олов, чўғ, ҳарорат, жиззакилик, жиртакилик, шиддат; 2) интилиш, тиришиш, энтузиазм; 3) димоғдорлик, такаббурлик, кеккайиш, ғердайиш; нафрат, жирканиш .

– مُحَامٍ *мн.* مُحَامِيَةٌ 1. ҳимоя қилувчи, мудофаа қилувчи; 2. ҳимоячи, адвокат, оқловчи

– مُحَامَاةٌ ҳимоя, ҳимоя қилиш, адвокатлик фаолияти, адвокатура

– مُحْتَمًى бошпана

– مَحْمِيٌّ 1. ҳимоя остига олинган, қўриқланадиган, пойланадиган; 2. ҳимояга олинган шахс, бировнинг қаноти остидаги одам

– مَحْمِيَّةٌ кўп. ـاتٌ — ҳомийлик, ҳимоя

حِمْيَرُ тар. Ҳимяр

– حِمْيَرِيٌّ ҳимярий, ҳимярга оид; الـ~ـيَّةُ ҳимяр тили; الفَهْمُ الـ~ маж. тушунмаслик

I. حَنَّ[1] (а, и) حَنِينٌ 1) (бирор н. ни) жуда қаттиқ тусамоқ, (бирор н. га) интилмоқ (إِلَى); (бирор н. ни) соғинмоқ, (бирор н. га) муштоқ бўлмоқ (إِلَى); 2) ғамгин, мунгли овоз бермоқ (чиқармоқ); حَنَّ[2] (а/и) حَنَانٌ аямоқ, раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ; (бирор н. га) ғамхўрлик, меҳрибонлик қилмоқ (عَلَى); II حَنَّنَ 1) гулламоқ (дарахт); 2) (бирор к. га нисбатан) раҳмини келтирмоқ (عَلَى); ◊ اللهُ يُحَنِّنُ عَلَيْكَ! сенга Оллоҳнинг раҳми келсин!; V تَحَنَّنَ раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ, (бирор к. га) юраги ачишмоқ, ичи ачишмоқ (عَلَى)

– تَحْنَانٌ соғинч, муштоқлик

– تَحَنُّنٌ меҳрибонлик, раҳм-шафқат, ачиниш; فِي ~ раҳм-шафқат билан

– حَنٌّ зоол. тоғчумчуқ

– حَنًا حَنَّاءٌ = حَنًّا кар.

– حَنَانٌ раҳм-шафқат, меҳр, меҳрибонлик; ачиниш

– حَنَّانٌ меҳрибон, раҳмдил, раҳм-шафқатли

– حَنَّةٌ раҳм-шафқат, шафқат қилиш, ачиниш; ~ الرَّجُلِ эркакнинг хотини

– حَنَّةٌ кар. حَنًّا

– حَنُونٌ раҳм-шафқатли, меҳрибон; 2) ачинарли, кишининг раҳмини келтирадиган; 3) шафқатли, ёқимли; ◊ الأُمُّ الـ~ـةُ мия қобиғи

– حَنِينٌ 1) муштоқлик, жўшқин иштиёқ; 2) соғинч, меҳр-шафқат; 3) фиғон, нола, оҳ тортиш.

– حُنَيْنٌ ат. от, мз. Ҳунайн; ◊ رَجَعَ (عَادَ) بِخُفَّيْ ~ у қуп-қуруқ қайтиб келди (сўзма-сўз: у Ҳунайннинг туфлиси билан қайтиб келди)

– حَنِيَّةٌ меҳрибонлик, раҳм-шафқатлилик

حَنَّا ат. от, мн. Ҳанно

(حنأ) II حَنَّأَ (хина қўймоқ, хина билан бўямоқ

– حِنَّاءٌ жам. حِنَّانٌ, حُنَّانٌ бот. хина; تَمْرُ ~ хинанинг очилган гуллари; تَمْرُ ~ إِفْرِنْكِيَّةٌ бот. саёхгул; لَيْلَةُ الْحِنَّاءِ (الْحِنَّةِ) бўлажак келиннинг тўй олдидан соч ва тирноқларини бўяш муносабати билан бериладиган базми; ◊ أَبُو الـ~ зоол. тоғчумчуқ

– حِنَّاءَةٌ кўп. ـاتٌ — хина ўсимлиги

– حَنِيَّةٌ ёй, камон (курол)

حَنْبَلِيٌّ кўп. حَنَابِلَةٌ 1. ислом шариати кўрсатмаларига қаттиқ амал қилувчи одам; 2. дин. ҳанбалий (имом ибн Ҳанбал мазҳабига мансуб)

الـ~ـيَّةُ: حَنْبَلِيَّةٌ ислом шариатига имом ибн Ҳанбал таълимотига биноан амал қилиш, ҳанбалийлик

– حُنْبِيطٌ кўп. حَنَابِيطُ шавел (кўкат - Сурияда)

حَانُوتٌ алиф. б. кар.

– حَانُوتِيٌّ алиф. б. кар.

حَنْتَمٌ кўза

I حَنِثَ (а) حِنْثٌ хиёнаткор бўлмоқ, аҳдни бузмоқ; (бирор н. га) хилоф иш қилмоқ (فِي, بِ); ~ فِي يَمِينِهِ қасамини бузмоқ; ~ بِالْوَعْدِ ваъдани бузмоқ; IV أَحْنَثَ ~ فِي الْيَمِينِ: қасамдан қайтишга ундамоқ; V تَحَنَّثَ тақводорлик қилмоқ, художўйлик қилмоқ

– حَانِثٌ қасамни бузувчи, онтидан қайтган, хоин

– حِنْثٌ кўп. أَحْنَاثٌ 1) қасамни бузиш, онтдан қайтиш; 2) гуноҳ; بَلَغَ الـ~ итоат этмай қуймоқ, бўйсунмай қўймоқ

حَنْجَرَةٌ кўп. حَنَاجِرُ бўғиз, томоқ; طَبِيبُ الـ~ қулоқ, бурун, томоқ врачи, отоларинголог; الْتِهَابُ الـ~ мед. ларингит, томоқ яллиғланиши; مِنْظَارُ الـ~ мед. ларингоскоп (томоқ ва ҳалқумни кўрадиган асбоб)

– حَنْجَرِيٌّ томоққа, бўғизга оид

– حُنْجُورٌ кўп. حَنَاجِيرُ = حَنْجَرَةٌ

حَنْجَلَ тисарилиб орқа оёққа турмоқ (от ҳақида); гижинглaмоқ (от ҳақида); تَحَنْجَلَ сакрамоқ, сапчимоқ, ирғиб турмоқ, ўйноқламоқ, гижингламоқ (от ҳақида)

– حُنْجُلٌ кўп. حَنَاجِلُ денгиз қисқичбақаси, краб

– حَنْجَلَةٌ тисарилиб орқа оёқда туриш (от ҳақида), ўйноқлаш, сапчиш, гижинглаш (от ҳақида)

حِنْدِسٌ кўп. حَنَادِسُ қоронғулик, зулмат, зим-зиёлик, тим қоронғулик, тим қоронғу кеча

حَنْدَقُوقٌ, حَنْدَقُوقَى бот. 1) беда; 2) муаттар ҳидли ёввойи ўт

حَنْدَوِيلٌ жам. зоғора (маккажўхори) унидан тайёрланган бўлка нон

– حَنْدَوِيلَةٌ кўп. ـاتٌ — зоғора нон

I حَنَذَ (и) حَنْذٌ, تَحْنَاذٌ оловда куйдириб пиширмоқ (гўштни)

– حَنِيذٌ куйдириб пиширилган; لَحْمٌ ~ куйдириб пиширилган гўшт

(حنس) II حَنَّسَ ғашга тегмоқ, ғашини келтирмоқ, қитиқламоқ, қўзғатмоқ, гиж-гижламоқ, қутуртирмоқ

حَنَشٌ[1] кўп. أَحْنَاشٌ, حُنْشَانٌ илон, сув илон; ◊ أَبُو ~ лайлакка ўхшаш оёқлари узун-узун қуш

حَنَشٌ[2] ов қилинган қуш; тутиб олинган ҳашорот

(حنط) II حَنَّطَ 1) мўмиёламоқ; 2) препарат тайёрламоқ, тулум қилмоқ (қушлардан); V تَحَنَّطَ мўмиёланмоқ (жасад ҳақида)

– تَحْنِيطٌ 1) мўмиёлаш; мўмиё тайёрлаш; 2) яхшилаб зираворланган овқат

– حَنَّاطٌ ҳаннот, буғдойфуруш, буғдой олиб сотувчи

– حِنَاطَةٌ 1) мўмиёлаш маҳорати; 2) ҳаннотлик, буғдойфурушлик

– حِنْطَةٌ буғдой; سَوْدَاءُ ~ қора буғдой; الْجُرْذَانِ ~ маккажўхори; رُومِيَّةٌ ~ полба (*буғдой навларидан бири*); بَرِّيَّةٌ ~ *бот.* қопчўп (*сўгалларни йўқотиш учун қўлланиладиган кўп йиллик ўсимлик*); ◊ لِرَحَى الْحَرْبِ ~ тўп еми (*қиргинга юбориладиган аскарлар*)

– حِنْطِيٌّ буғдойранг; буғдойга оид

حَنْطُورٌ *кўп.* حَنَاطِيرُ (*шунингдек* عَرَبَةُ ~) усти очиқ арава; киракаш арава

– حَنْطُورَةٌ = حَنْطُورٌ

– حَنُوطٌ 1) атир навларидан бири; 2) жасад бузилмаслиги учун ишлатиладиган модда, мўмиё

حَنْظَلٌ *бот.* колоквинт, заққум (*ғоят аччиқ мевали ўсимлик*); أَمَرُّ مِنَ الْـ~ *мтл.* зиғирёғдан баттар (*сўзма-сўз:* заққумдан ҳам аччиқ)

I حَنَفَ (и) حَنْفٌ (*бирор н. га*) эгилмоқ, букилмоқ, энгашмоқ, оғмоқ; V تَحَنَّفَ 1) ислом дини ақидаларига мувофиқ иш тутмоқ; 2) (إِلَى) хатна қилинмоқ; 3) бутлардан узоқлашмоқ

– أَحْنَفُ *мн.* حُنَفَاءُ *кўп.* حُنْفٌ оёғи қийшиқ, қийшиқоёқ; оёғи қайрилган; الْقَدَمَيْنِ ~ қийшиқоёқ

– حَنَفِيٌّ 1) ҳанафийликка оид; 2. *кўп.* أَحْنَافٌ, حَنَفِيُّونَ *дин.* ҳанафий, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ мазҳабига мансуб, Имом Аъзам раҳматуллоҳ мазҳабидаги киши

– حَنَفِيَّةٌ[1] الْـ~ *дин.* ҳанафийлик таълимоти (*имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ мазҳаби*)

– حَنَفِيَّةٌ[2] *кўп.* اتٌ — жўмрак, сув жўмраги; бирор нарса чиқадиган туйнук; حَرِيقٍ ~ ўт ўчиришда сув олинадиган жўмрак

– حَنِيفٌ *кўп.* حُنَفَاءُ *дин.* ҳақиқий, чин, ҳаққоний; ягона Оллоҳга чин дилдан имон келтирувчи киши; الدِّينُ الْـ~ ислом дини, дини ислом; الدِّينِ ~ ҳақиқий мусулмон, чин мусулмон

– حَنِيفِيَّةٌ: الْـ~ ягона Оллоҳ таолога чин дилдан имон келтириш (*ислом дини*)

I حَنِقَ (а) حَنَقٌ 1) (*ғазабдан*) ўзини унутмоқ, ғазабдан тутоқиб кетмоқ; (*бирор к. дан*) жаҳли чиқмоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. ни*) ёмон кўрмоқ (مِنْ); IV أَحْنَقَ 1) *ғазабини қўзғатмоқ, жаҳлини чиқармоқ*; 2) (*бирор к. га нисбатан*) ўз нафрати (ғазаби) ни ифода этмоқ; ғазабланмоқ, нафратланмоқ

– حَانِقٌ 1) дарғазаб бўлган, ғазабдан ўзини унутган; 2) ёмон кўрувчи; عَلَى النِّسَاءِ ~ хотин-қизларни ёқтирмайдиган одам, ўзини аёллардан олиб қочадиган киши; عَلَى الْحَيَاةِ ~ ҳаётдан мамнун бўлмаган одам; яшаш жонига теккан одам

– تَحَنُّقٌ қаттиқ ғазаб, қутурганлик; адоват, қаҳр

– حَنِقٌ дарғазаб; ғазабдан (жаҳлдан) тутуни чиққан

– مُحْتَنِقٌ сержаҳл, баджаҳл, ёвуз; жаҳли чиққан; ◊ الصَّدْرِ ~ ёвуз, баджаҳл

I حَنَكَ (и) حَنْكٌ тажриба ҳосил қилмоқ, ўргатмоқ (*ҳаёт ҳақида*); II حَنَّكَ = I; IV أَحْنَكَ = I; VIII احْتَنَكَ 1) الْفَرَسَ ~ отни нўхталамоқ; 2) еб тугатмоқ; الْجَرَادُ الْأَرْضَ ~ чигирткалар ер устидаги нарсаларни еб тугатди

– حَنَكٌ[1] *кўп.* أَحْنَاكٌ қаттиқ танглай; оғиз; йиртқич ҳайвоннинг оғзи; тумшуқ; أَسْوَدُ مِثْلُ ~ الْغُرَابِ қарға тумшуғи каби қора

– حَنَكٌ[2] қора

– حُنْكٌ, حِنْكٌ, حُنْكَةٌ ҳаёт тажрибаси; тажрибалилик

– حَنَكِيٌّ *фон.* танглай товуши, палатал товуш

– مُحَنَّكٌ тажрибали, ҳаёт тажрибасига эга

حَنْكَلِيسٌ *зоол.* илон балиқ

حَنَمٌ *жам.* бойқуш, бойўғли

– حَنَمَةٌ *кўп.* اتٌ — бойқуш, бойўғли

I حَنَا[1] (حنو) (у) حَنْوٌ эгмоқ; букмоқ, букламоқ, энгаштирмоқ; حَنَا[2] (у) حُنُوٌّ (*бирор к. га*) юраги ачишмоқ, раҳми келмоқ (عَلَى); حَنَى (у) 1) حِنَايَةٌ, حَنْيٌ эгмоқ, букмоқ, қайирмоқ, энгаштирмоқ, мойил қилмоқ; لَهُ هَامَتَهُ ~ бирор ким олдида бош эгмоқ; 2) (*бирор к. устига*) энгашмоқ, букилмоқ (عَلَى); II حَنَّى 1) хина қўймоқ, хина билан бўямоқ; 2) бўямоқ, ранг бермоқ; بِدَمٍ ~ қон билан бўямоқ; IV أَحْنَى 1) эгмоқ, букмоқ; энгаштирмоқ, мойил қилмоқ; رَأْسَهُ أَمَامَ... бирор кимга бўйин эгмоқ; 2) раҳм-шафқат қилмоқ, юраги ачишмоқ; (*бирор к. га*) ачинмоқ, раҳми келмоқ (عَلَى); V تَحَنَّى 1) ўзига хина қўймоқ; 2) бўялмоқ; VII انْحَنَى 1) эгилмоқ, энгашмоқ, букилмоқ; (*бирор н. устига*) қуйи солинмоқ (عَلَى); 2) қайрилмоқ, буралиб-буралиб кетмоқ, эгри-бугри бўлмоқ (*сўқмоқ йўл ҳақида*); (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); тазим қилмоқ, қуллуқ қилмоқ

– أَحْنَى *мн.* حَنْيَاءُ букилган, букчайган, эгилган; رَجُلٌ ~ الظَّهْرِ бели букчайган одам

– انْحِنَاءٌ 1) эгилиш, энгашиш, букилиш; қайрилиш, эгри-бугри бўлиш; оғишиш, тойиш, четга чиқиш; 2) эгри-бугрилик, қийшиқлик; 3) таъзим, қуллуқ

– حَانٍ *мн.* حَانِيَةٌ эгувчи, букувчи, энгаштирувчи; ~ى الرَّأْسِ бошини қуйи туширган, бошини қуйи қилган (*мас. дафн маросимида*)

– حَنْوٌ 1) эгиш, букиш, буклаш; 2) майл, мойиллик, иштиёқ

– حُنُوٌّ ачиниш, раҳми келиш

– حِنْوٌ *кўп.* أَحْنَاءٌ иланг-биланг жой, илонизи (*йўл*)

– حَنْوٌ = حَنْيٌ

– حَنِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — бурилиш, қайрилиш

– حَنِيَّةٌ кўп. حَنَايَا ,حَنِيَّاتٌ 1) иланг-биланг жой, илонизи (йўл); бурилиш, қайрилиш; 2) архит. гумбаз, равоқ, қубба; ~ صَدْرِ الْكَنِيسَةِ антик ёки христиан ибодатхоналаридаги яримдоиравий бўртма; ~ الْقَنْطَرَةِ кўприк арки; ◊ حَنَايَا الْقَلْبِ юракнинг тўр-тўри, ич-ичи, қаъри

– مَحْنِيٌّ эгик, букик, мойил

– مَحْنِيَّةٌ кўп. مَحَانٍ иланг-биланг жой, илонизи (йўл); бурилиш, қайрилиш

– مُنْحَنٍ 1) мн. مُنْحَنِيَةٌ 1) энгашувчи, букилувчи; нишаб, қия, ётиқ; 2) мойил, иштиёқи бор; майли, рағбати бор; 2. кўп. مُنْحَنَيَاتٌ мат. эгри (чизиқ)

– مُنْحَنًى кўп. مُنْحَنَيَاتٌ иланг-биланг жой, илонизи йўл; қинғир-қийшиқлик, эгри-бугрилик; дарё қайирмаси; бурилиш, қайрилиш, муйилиш

حَوَّاءُ ат. от. мн. Ҳавво, Момо Ҳавво; ◊ ابْنَةُ ~ ёки بِنْتُ ~ аёл, хотин киши; كُلُّ آدَمَ يَجِدُ ~ ҳар бир одам ўз Ҳаввосини топади, ҳар бир одам ўз тенгини топади

I (حوب) حَابَ (у) حَوْبٌ гуноҳ қилмоқ, айб иш қилмоқ, нотўғри қилиқ қилмоқ; ножўя иш қилмоқ; V تَحَوَّبَ гуноҳдан қочмоқ

– حُوبٌ ,حَوْبٌ гуноҳ, ножўя иш, нотўғри қилиқ

– حَوْبَاءُ кўп. حَوْبَاوَاتٌ қалб, дил, жон

– حَوْبَةٌ ,حُوبَةٌ = حُوبٌ: التَّوْبَةُ تَغْسِلُ الْـ~ мтл, тавба билан гуноҳ ювилар (сўзма-сўз: тавба гуноҳни ювади)

حُوتٌ кўп. حِيتَانٌ 1) катта балиқ; 2) кит; ~ سُلَيْمَانَ гўшти қизил балиқ; بُرْجُ الْـ~ астр. Ҳут буржи

(حوث) IV أَحَاثَ кавламоқ (ерни); X اسْتَحَاثَ = IV

– إِحَاثَةٌ кавлаш, қазиш; ~ الْأَرْضِ палеонтология (қадимда яшаган ҳайвон ва ўсимликларни уларнинг қолдиғи асосида ўрганувчи фан)

حَيْثُ = حَوْثُ

I (حوج) حَاجَ (у) حَوْجٌ муҳтож бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ; II حَوَّجَ (бирор н. га) эҳтиёж туғдирмоқ, муҳтож қилмоқ (إِلَى); IV أَحْوَجَ 1) (бирор н. га) муҳтож бўлмоқ (إِلَى); 2) (бирор н. га) мажбур қилмоқ, муҳтож қилмоқ (إِلَى); 3) муҳтожликка олиб бормоқ, муҳтожликка олиб келмоқ; مَا ~ـهُ إِلَى ...! у ...га қанчалик муҳтож!; VIII احْتَاجَ (бирор н. га) муҳтож бўлмоқ, эҳтиёжи бор бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ, муҳтожлик сезмоқ (إِلَى)

– احْتِيَاجٌ кўп. ـاتٌ эҳтиёж, талаб

– حَاجَةٌ кўп. ـاتٌ ,حَوَائِجُ 1) ҳожат, эҳтиёж, талаб; حَسَبَ الْـ~ эҳтиёжга қараб, эҳтиёжга кўра; عِنْدَ الْـ~ зарурат бўлганида; حَاجَاتُ الْحَيَاةِ тириклик учун керак бўладиган нарсалар; كَانَ فِي (بِـ) ~ إِلَى ... бирор нимага муҳтож бўлмоқ; هُوَ فِي أَشَدِّ ~ هُوَ فِي مَاسَّةٍ فِي ... унинг ... га эҳтиёжи жуда катта; وَ لَا ~ إِلَى الْقَوْلِ إِنَّ ... ;... الْـ~ إِلَى ... унинг учун энг кераги ...; ...ни гапиришга ҳожат ҳам йўқ; 2) хоҳиш, истак; قَضَى ~ـهُ а) бирор кимнинг истагини бажо келтирмоқ; б) ўз хоҳишини қондирмоқ; 3) кераклилик, зарурат, даркорлик; فِي غَيْرِ ~ ҳеч бир заруратсиз; قَضَى الْـ~ бўшанмоқ, ични бўшатмоқ, ошқозонни енгиллатмоқ; 4) керакли нарса; فَائِضٌ عَنِ الْـ~ кераксиз, ортиқча, эҳтиёждан ташқари; 5) бирор нарса, бирор нима, нимадир; وَ ظَهَرَ أَنَّهُ لَيْسَ عَالِمًا وَ لَا ~ маълум бўлдики, у олим туғул, ҳеч нарса эмас; تُكْسِفُ وَ ~ تُقْرِفُ ~ нимадир уятга қўяди, нимадир нафрат қўзғатади

– حَاجِيَّاتٌ кўп. 1) зарур эҳтиёжлар; 2) шунингдек: الْـ~ الضَّرُورِيَّةُ энг керакли ашёлар

– حَوَائِجُ кўп. қақир-қуқир, кўч-кўрон, ашқал-дашқаллар; мулк

– حَوْجَاءُ ҳожат, эҳтиёж

– مُحْتَاجٌ муҳтож, эҳтиёжманд, (бирор н. га) эҳтиёж сезувчи (إِلَى)

– مُحْوَجٌ керакли, зарурий; талаб катта нарса

حَوْجَلَةٌ ,حَوْجَلَّةٌ кўп. حَوَاجِلُ ,حَوَاجِيلُ бутилка

I (حود) حَادَ (у) حَوْدٌ (бирор н. дан) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); II حَوَّدَ бурмоқ, қайирмоқ; حَوِّدْ عَلَى يَمِينِكَ! ўнгга қайрил!

I (حوذ) حَاذَ (у) حَوْذٌ қувимоқ, қувмоқ, ҳайдамоқ, қадамини илдамлаштирмоқ; IV أَحْوَذَ = I; X اسْتَحْوَذَ 1) чулғамоқ, қамрамоқ, қўлга киритмоқ, ўраб олмоқ; 2) (мас. бозорини) эгаллаб олмоқ (عَلَى)

– حَاذٌ 1. ўсимлик номи; 2. бел; ◊ خَفِيفُ الْـ~ мол-мулки оз, камбағал, камбизоат (сўзма-сўз: бели енгил)

– حَوْذٌ қувлаш, қувлашиш, кимўзди

– حُوذِيٌّ кўп. حُوذِيَّةٌ аравакаш, кучер; ~ الرُّكَّابِ одам ташийдиган аравакаш; ~ النَّقْلِ юк ташийдиган аравакаш

I (حور) حَارَ (у) حَوْرٌ (бирор н. га) қайтмоқ (إِلَى); حَوِرَ (а) حَوَرٌ қора бўлмоқ (кўз ҳақида); II حَوَّرَ 1) ўз шаклини ўзгартирмоқ; 2) ёймоқ (хамирни); 3) оқламоқ, ошламоқ, оқартирмоқ (газламани); III حَاوَرَ 1) баҳслашмоқ; суҳбатлашмоқ, гаплашиб ўтирмоқ; 2) алдашга уринмоқ; ~ نَفْسَهُ ўзи билан ўзи гаплашмоқ; IV أَحَارَ: ~ جَوَابًا жавоб қилмоқ, жавоб қайтармоқ, эътироз билдирмоқ, сўз қайтармоқ; لَمْ يُحِرْ كَلَامًا у ҳеч нарса демади; V تَحَوَّرَ ўз шаклини ўзгартирмоқ, (бирор н. га) айланмоқ (إِلَى); VI تَحَاوَرَ ўзаро суҳбат қурмоқ

– أَحْوَرُ мн. حَوْرَاءُ кўп. حُورٌ қора кўз, кўзи қора

– تَحْوِيرٌ ўз шаклини ўзгартириш; (*бирор н. га*) айлантириш, ўзгартириш (إِلَى); ~ الثِّيَابِ кийимларни оқартириш

– حَارَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـَـ حَوَارٍ маҳалла; тор кўча

– حَائِرٌ касодга учраган, ўтмай қолган

– حِوَارٌ ,حَوَارٌ 1) жавоб, жавоб қайтариш; эътироз; 2) суҳбат; диалог; сўзлашув; 3) сценарий (*драматик асар режаси*)

– حُوَارٌ бўталоқ

– حَوَّارَةٌ ,حُوَّارَةٌ бўр, оқ бўр (*бўяш учун*)

– حَوَارِيٌّ 1) оқартирувчи, оқловчи, бўёқчи; 2) издош, маслакдош, мурид, шогирд; *тар.* حَوَارِيُّونَ Исо алайҳиссалом қавмлари

– حُوَّارَى оқ навли ун

– حَوَارِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ ـَـ савол-жавоб шаклидаги адабий асар

– حَوَرٌ[1] кўзнинг қоралиги; қора кўздаги оқ қисмнинг аниқ ажралиб туриши

– حَوَرٌ[2] *кўп.* أَحْوَارٌ ишланган (ошланган) қўй териси

– حَوْرٌ *жам.* (*шунингдек* أَبْيَضُ ~) оқ терак; أَسْوَدُ ~ ёки رُومِيٌّ ~ қора терак; فَارِسِيٌّ ~ *хар.* رَجْرَاجٌ ~ қайин; رَجْرَاجٌ

– حَوْرَةٌ терак дарахти

– حُورِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ ـَـ 1) ҳур, пари; нимфа; ~ الْمَاءِ сув париси, русалка; 2) *кўп.* тухумдан янги чиққан ҳашоротлар; حُورِيَّاتُ الْجَرَادِ янги пайдо бўлган чигиртка

– مَحَارٌ *жам.* денгиз молюскаси; чиғаноқ

– مَحَارَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـَـ 1) чиғаноқ; ~ الْأُذُنِ қулоқ супраси; 2) мастерок (*сувоқчиликда ишлатиладиган асбоб*), куракча

– مُحَاوَرَةٌ баҳс, тортишув; суҳбат, сўзлашув

– مِحْوَرٌ *кўп.* مَحَاوِرُ 1) меҳвар, ўқ, вал, стержень, таёқча; ~ الْأَرْضِ ер ўқи (*меҳвари*); ~ الدَّوَرَانِ айланиш ўқи; ~ التَّنَاظُرِ симметрия ўқи; ~ خَلْفِيٌّ орқа ғилдирак ўқи; ~ أَمَامِيٌّ олдинги ғилдирак ўқи; ~ الْإِحْدَاثِيَّاتِ الْأُفُقِيَّةِ ёки الـ~ الْأُفُقِيُّ *мат.* абцисса ўқи; الـ~ الرَّأْسِيُّ ёки ~ الْإِحْدَاثِيَّاتِ الرَّأْسِيَّةِ ёки ~ الصَّادَاتِ *мат.* ордината ўқи; الـ~ السِّينِيُّ *мат.* икслар ўқи; الـ~ الصَّادُ *мат.* игреклар ўқи. الـ~ الْعَيْنِيُّ *мат.* зетлар ўқи; دُوَلُ الـ~ *тар.* ўзаро битимга келган давлатлар; مَحَاوِرُ بِعَجَلٍ роликли подшипниклар; مَحَاوِرُ بِلْيَةٍ шарикли подшипниклар; 2) ўқлоқ, ўқлов, жўва, валик; 3) *тех.* шпиндель

– مِحْوَرِيٌّ ўққа (*валга, стерженга*) оид

(حوز) حَازَ (у) حَوْزٌ, حِيَازَةٌ 1 эга бўлмоқ, молик бўлмоқ; қўлга киритмоқ, эгалламоқ; тасарруфига олмоқ, истило қилмоқ, олмоқ, қабул қилиб олмоқ, қидириб топмоқ, ҳосил этмоқ; V تَحَوَّزَ[1] кулча бўлиб олмоқ (*илон ҳақида*); V تَحَيَّزَ[2] 1) (*бирор к. томони га*) ўтмоқ, (*бирор к. га қўшил*моқ (إِلَى); (*бирор к. га*) қарашли бўлмоқ, мансуб бўлмоқ, тегишли бўлмоқ (إِلَى); 2) (*бирор к. дан*) нари кетмоқ, узоқлашмоқ (عَنْ، مِنْ); VIII اِحْتَازَ = I; X اِسْتَحْوَزَ (*бирор н. ни*) қўлга киритмоқ, эгаллаб олмоқ (عَلَى)

– حَوْزٌ *кўп.* أَحْوَازٌ ~ الْمَدِينَةِ шаҳар ҳудуди

– اِنْحِيَازٌ (*бирор к. томонга*) ўтиш; (*бирор к. га*) қўшилиш, бирикиш (إِلَى); سِيَاسَةُ عَدَمِ الـ~ (*блокларга*) қўшилмаслик сиёсати; دُوَلُ عَدَمِ الـ~ қўшилмайдиган давлатлар

– اِنْحِيَازِيٌّ 1) қўшилувчи, бирикувчи; 2) ғаразли, ғаразгўй, холис бўлмаган; سِيَاسَةٌ ~ـةٌ холис бўлмаган (нохолис) сиёсат

– تَحَيُّزٌ 1) (*бирор к. ёки н. га карши*) томонлардан бирини қўллаб-қувватлаш (ضِدَّ); 2) (*бирор партияга*) мансублик; 3) ғараз, нохолислик; دِرَاسَةٌ بِلَا ~ бирор нимани холислик билан (объектив) ўрганмоқ

– حَائِزٌ 1) эга, молик, соҳиб, нишондор, совриндор, лауреат; ~ عَلَى جَائِزَةِ نُوبِيل Нобель мукофоти соҳиби (лауреати)

– حَاوُوزٌ *кўп.* حَوَاوِيزُ ҳовуз, шлюз

– حَوْزٌ 1) (*бирор н. ни*) эгаллаш, қўлга киритиш; 2) олиш, қабул қилиб олиш

– حَوْزَةٌ 1) (*бирор н. ни*) эгаллаш, қўлга киритиш; هَذَا فِي ~ جَمِيعِ الشَّعْبِ бу барча халқнинг мулкидир; هَذَا فِي ~ـهِ бу нарса унинг қўлида; وَقَعَ فِي ~ـهِ бирор кимнинг тасарруфига тушиб қолмоқ; 2) томон, тараф

– حَوْزَةٌ = حِيَازَةٌ

– حَيِّزٌ 1) макон, холи жой, жой, бўшлиқ; ҳажм, кўлам; 2) соҳа, область; هَذَا فِي ~ الْإِمْكَانِ бу имконият доирасидаги нарсадир; هَذَا فِي ~ مِنْهَا бу нарса унинг ҳукми остидадир; اِحْتَلَّ ~ًا رَئِيسِيًّا مِنْ ... ...да асосий ўринни эгалламоқ; خَرَجَ إِلَى ~ الْوُجُودِ дунё юзини кўрмоқ (*мас., китоб*); دَخَلَ فِي ~ التَّنْفِيذِ кучга кирмоқ (*мас. қарор*) دَخَلَ ~ الْإِسْتِثْمَارِ ишга тушмоқ (*мас., завод*); نَقَلَ إِلَى ~ الْوَاقِعِ (*бирор н. ни*) ҳаётга татбиқ қилмоқ; وَضَعَ إِلَى ~ الْخِدْمَةِ ишга туширмоқ

– مُتَحَيِّزٌ ғаразли, ғаразгўй, нохолис; غَيْرُ ~ беғараз, холис, объектив

– مُنْحَازٌ (*бирор к. ёки н. га*) қўшилувчи, бирикувчи (إِلَى); الْبِلَادُ غَيْرُ الـ~ـةِ қўшилмайдиган мамлакатлар (давлатлар)

(حوش) حَاشَ (у) حَوْشٌ 1 1) ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ; тутиб олмоқ, ов қилмоқ (*ҳайвонни*); ~ الْإِبِلَ туяларни тўплаб йўлга тушмоқ; 2) халал бермоқ, қаршилик қилмоқ; ушлаб қолмоқ, тўхтатиб қолмоқ, тутиб қолмоқ; 3) (*бирор к. нинг*) йўлини

(*тарафини*) олмоқ, ҳимоя қилмоқ (عَنْ); II حَوَّشَ жамғармоқ, йиғмоқ, жамғармага қўймоқ; IV أَحَاشَ *ёки* أَحْوَشَ = I; VII انْحَاشَ (*бирор н. дан*) узоқлашмоқ (عَنْ); VIII احْتَوَشَ ов қилмоқ (*ҳайвонни*)

تَحْوِيشٌ – жамғариш, йиғиш, тортиш (*пулни*)

تَحْوِيشَةٌ – йиғилган, тўпланган жамғарма; ~ الْعُمْرِ умр бўйи тўпланган жамғарма

حَاشٌ: ~ الـ صَلَوَاتُ *дин.* христианларда: пасха ийдидан олдинги сўнгги ҳафтанинг жума кунидаги ибодат; ~ أُسْبُوعُ الـ пасха ийдидан олдинги сўнгги ҳафта

حُوَاشَةٌ – бир пуштдан тарқамаган қариндошлик

حَوْشٌ – *кўп.* أَحْوَاشٌ, حِيشَانٌ тўсиқ, девор, ғов чегара; қўтон, молхона; ~ الدَّارِ ҳовли

حَوْشٌ – оломон, тумонат, йиғин; қаланғи-қасанғилар

حَوْشَةٌ – *кўп.* ـاتٌ — бир комплект балиқ тутиш асбоби

حُوشِيٌّ – 1) тушуниб бўлмайдиган, тушунарсиз; 2) ғайритабиий, одатдан ташқари, ғайриоддий; ~ مِنَ اللَّفْظِ эскирган сўз ёки ибора, архаизм; 3) паст, тубан; 4) ёввойи

I حَاصَ (حوص) (у) حَوْصٌ 1) наридан-бери тикмоқ, омонатгина тикмоқ, кўклаб тикмоқ; 2) (*бирор н. атрофида*) париллаб учмоқ, парвоз қилмоқ (حَوْلَ); II حَاوَصَ кўз қири билан қарамоқ, зимдан қарамоқ

أَحْوَصُ – *мн.* حَوْصَاءُ *кўп.* حُوصٌ, أَحَاوِصُ кўзи қийиқ, қийиқ кўзли

حِيَاصَةٌ – *кўп.* ـاتٌ — қоринбоғ, айил (*от абзали*)

حَوْصَلَ жиғилдонини тўлғазмоқ (*қушлар ҳақида*)

حَوْصَلٌ – *кўп.* حَوَاصِلُ 1) (*қушнинг*) жиғилдони; 2) сақоқуш, бирқозон (*узун тумшуғи остида мешкоби бор катта сув қуши*)

حَوْصَلَةٌ – *кўп.* ـاتٌ, حَوَاصِلُ 1) (*қушнинг*) жиғилдони, пўтанаси; 2) пуфак, қовуқ

حُوَيْصِلَةٌ – *анат. биол.* пуфак, қовуқ; пуфакча; ликул (*лимфа безларининг тугуни*); ~ الـ الصَّفْرَاوِيَّةُ ўт пуфаги; ~ الـ الْمَائِيَّةُ сув пуфаги; 2) *биол. эск.* ҳужайра; ~ مَنَوِيَّةٌ уруғ ҳужайраси

I حَاضَ (حوض) (у) حَوْضٌ ҳовуз кавламоқ; II حَوَّضَ бассейн барпо қилмоқ, ҳовуз кавламоқ; X اسْتَحْوَضَ тўлмоқ; ~ الْمَاءُ сув тўлди

حَوْضٌ – *кўп.* أَحْوَاضٌ, حِيَاضٌ, حِيضَانٌ 1) ҳовуз, бассейн, резервуар, ҳавза; ~ النَّهْرِ дарё ҳавзаси; 2) тоғара; чан (*катта ёғоч ёки темир идиш*); бак, сувдон; 3) кема ва пароходлар таъмир қилинадиган жой; ~ جَافٌّ қуруқ док (*кема кирганидан кейин суви чиқариб юбориладиган ҳавза*); ~ عَائِمٌ *ёки* ~ عَوَّامٌ сайёр (*кўчиб юрувчи*) бок (*сувда сузиб юрадиган кема устахонаси*); ~ لِبِنَاءِ السُّفُنِ кема қуриладиган док; 4) *анат.* тос, тос суяги; 5) пушта; жўяк, ариқ; ~ الزُّجَاجِ иссиқхона; ◊ ذَادَ عَنْ حِيَاضِ الْوَطَنِ ватанни ҳимоя қилмоқ; ذَادَ عَنْ حِيَاضِهِ а) бирор кимни ҳимоя қилмоқ; б) ўз-ўзини ҳимоя қилмоқ

حَوْضِيٌّ – *анат.* тос суягига олд

I حَاطَ (حوط) (у) حَوْطٌ, حِيَاطَةٌ 1) (*бирор н. билан*) ўраб олмоқ, иҳота қилмоқ (بـ); 2) (*бирор н. дан*) эҳтиёт қилмоқ, асрамоқ, қўриқламоқ, пойламоқ (مِنْ); II حَوَّطَ 1) девор қилиб ўраб олмоқ; 2) ўраб иҳота қилмоқ, хавфсизлантирмоқ, хатарсиз қилмоқ; III حَاوَطَ алдашга уринмоқ, ҳийлакорликда енгмоқ, ҳийлада устун чиқмоқ; IV أَحَاطَ 1) ўрамоқ, ўраб олмоқ, иҳота қилмоқ; 2) (*бирор к. ни*) ўраб олмоқ, қамраб олмоқ (بـ); ~ ـهُ عِلْمًا (*бирор н. ҳақида*) хабардор қилмоқ, хабар бермоқ, маълумот бермоқ (بـ); لَا يُحِيطُ بِهِ الْحَدُّ чек-чегарасиз; 3) билмоқ, тушунмоқ, (*бирор н. га*) фаҳми етмоқ (بـ); ~ بِاللُّغَةِ тил билмоқ, тилни эгалламоқ; ~ بِهِ عِلْمًا бирор нимани яхши билмоқ; V تَحَوَّطَ 1) эҳтиёт қилмоқ, асрамоқ, авайламоқ; 2) (*бирор н. дан*) эҳтиёт чорасини кўрмоқ; VIII احْتَاطَ 1) (*бирор н. ни*) ўраб олмоқ, иҳота қилмоқ (بـ); 2) (*бирор н. ҳақида*) қайғурмоқ, ташвиш тортмоқ, жон куйдирмоқ (بـ, عَلَى); (*бирор н. ни*) эҳтиёт қилмоқ (عَلَى); 3) (*бирор н. дан*) ўзини эҳтиёт қилмоқ, сақланмоқ, қутқазмоқ (لـ); (*бирор н. дан*) эҳтиёт чораларини кўрмоқ (لـ); 4) эҳтиётдан, эҳтиёт учун олиб қўймоқ, запасга ажратиб қўймоқ

إِحَاطَةٌ – 1) ўраш, ўраб олиш, иҳота қилиш, ўз ичига олиш, қамраб олиш; أَحَاطَهُ إِحَاطَةَ السِّوَارِ الْمِعْصَمَ *маж.* бирор кимни билакузук билакни ўрагандек ўраб олмоқ; 2) билиш, тушуниш; (*бирор н. га*) эга бўлиш, молик бўлиш (بـ); 3) хабардор қилиш, хабар бериш, маълумот бериш

احْتِيَاطٌ – *кўп.* ـاتٌ — 1) эҳтиёткорлик, эҳтиёт чораси; *кўп.* огоҳлантириш, олдини олиш чоралари; ~ الـ عَلَى سَبِيلِ *ёки* ~ эҳтиёткорлик мақсадида, эҳтиёткорликдан; ~ دُونَ огоҳлантиришсиз, шарт қўймасдан; 2) эҳтиёт, заҳира, запас, резерв

احْتِيَاطِيٌّ – 1. 1) заҳирадаги, эҳтиётдаги, запасдаги; 2) огоҳлантириш (эҳтиёт қилиш) га оид; إِجْرَاءَاتٌ ~ ـةٌ эҳтиёт чоралари; ~ حَجْزٌ мол-мулкни эҳтиёт қилиш мақсадида хатлаш; ~ الـ الْحَبْسُ дастлабки қамаш, тергов учун қамаш, эҳтиёт чораси сифатида қамаш; ~ مَالٌ эҳтиёт фонди, заҳирадаги фонд, резерв фонд; 2) эҳтиёт, заҳира, запас, резерв; *спорт.* запас (*ўйинчи*)

تَحَوُّطٌ – *кўп.* ـاتٌ — эҳтиёткорлик; *кўп.* эҳтиёткорлик чоралари

تَحْوِيطَةٌ – тумор

حَائِطٌ – *кўп.* حِيطَانٌ девор; тўсиқ; ~ الـ جَرِيدَةُ деворий газета; ~ الْمَبْكَى "гиря девори" (*Қуддуси шарифда*); إِنَّ لِلْحِيطَانِ آذَانًا *мтл.* деворнинг ҳам қулоғи бор

حَائِطِيٌّ – деворий, деворга оид; الْخَرِيطَةُ الـ~ـةُ деворга осиладиган харита

حَوَّاطٌ – ўғри; киссавур, алдамчи, фирибгар

حَوَّاطَةٌ – айёрлик, кувлик, шумлик, эпчиллик

حَوْطَةٌ – эхтиёткорлик

حَوِيطٌ – айёр, кув, шум

حِيَاطَةٌ – эхтиёт қилиш, асраш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш

حَائِطٌ = حَيْطٌ –

حَيْطَه – *халқ.* девор

حِيطَةٌ, حَيْطَةٌ – 1) эхтиёткорлик; أَخَذَ ~ـهُ *ёки* اِتَّخَذَ لِنَفْسِهِ الـ~ *ёки* اِتَّخَذَ طَرِيقَ الـ~ وَ الْحَذَرِ ўзига нисбатан, ўзи учун эхтиёт чораларини кўрмоқ; хушёр бўлиб турмоқ; 2) хавфсизлик борасидаги ҳаракат, эхтиёткорлик ҳаракати (ташвиши); بِلاَ ~ эхтиёт қилмасдан, ўйламасдан, шошқалоқлик билан

مُتَحَوِّطٌ – эхтиёткор, андишали, мулоҳаза билан иш қиладиган

مُحِيطٌ – 1. (*бирор н. билан*) ўраб турувчи (بِ); 2. *кўп.* ~ـاتٌ 1) атроф, теварак; 2) муҳит; الـ~ الْجَوِّيُّ атмосфера; 3) муҳит, океан

مُحِيطِيٌّ – 1) четкадаги, четдаги, атрофдаги, теваракдаги; 2) муҳитга, океанга оид

(حوف) II حَوَّفَ (*бирор н. ни бирор н. нинг*) четига, қирғоғига қўймоқ

حَافٌ – *халқ.* бемаза, тузсиз (*нон*)

حَافَةٌ – *кўп.* ~ـاتٌ — чекка, қирғоқ, канор; ёқа, ҳад, ҳошия, жияк, мағиз, чек; ~ الْقَارَّةِ денгиз *ёки* океаннинг қуруқлик билан туташган жойи; عَلَى ~ الْحَرْبِ уруш ёқасида (бўсағасида)

حَوْفٌ – *кўп.* أَحْوَافٌ чекка, қирғоқ, ёқа

– مُخَدَّرَةٌ *кўп.* ~اتٌ — кўчага чиқиши таъқиқланган, уйда ўтирадиган аёл

I خَدَشَ (*и*) خَدْشٌ 1) тимдаламоқ, тирнаб ўтмоқ, тирнаб (тилиб, шилиб, сидириб, қириб) юбормоқ, чақа қилмоқ; 2) тегиб кетмоқ; қаттиқ тегмоқ, хафа қилмоқ, таҳқир этмоқ, камситмоқ, нафсониятига тегмоқ; ~ شَرَفَهُ бировнинг иззат-нафсига тегмоқ; ~ الذَّوْقَ ножўя иш қилмоқ; ~ سُمْعَتَهُ бировнинг обрўсини тўкмоқ, қораламоқ, бадном қилмоқ; ◊ ~ أُذُنَهُ қулоққа малол келмоқ; II خَدَّشَ қаттиқ тирнамоқ, шилиб (сидириб) юбормоқ

– خَدْشٌ *кўп.* خُدُوشٌ тирналган, шилинган жой, чақа (*бадандаги*)

– خَدْشَةٌ *кўп.* خَدْشَاتٌ тирналган (тимдаланган) жой, тирноқ изи, чақа

I خَدَعَ (*а*) خَدْعٌ алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; III خَادَعَ алдашга ҳаракат қилмоқ; VI تَخَادَعَ 1) бир-бирини алдамоқ; 2) ўзини алдаганга солмоқ; VII انْخَدَعَ алданган бўлмоқ; алданмоқ

– أَخْدَعُ *кўп.* أَخَادِعُ бўйиндаги кўктомир (*вена*); ~انِ *ик. с.* бўйиндаги кўктомирлар (*икки томондаги*); ◊ أَقَامَ أَخْدَعَيْهِ (*к. нингдир*) гопугини пасайтириб қўймоқ, ҳовридан туширмоқ

– أُخْدُوعَةٌ *кўп.* أَخَادِيعُ фириб (панд) бериш, алдамчилик, товламачилик, фирибгарлик; қўрқитиш ёки ўзини кўрсатиш учун ишлатилган уйдирма, ёлғон-яшиқ

– خَدَّاعٌ 1. 1) алдовчи; ўта ёлғончи; 2) кишини алдайдиган, чалғитадиган, шубҳали; 2. ёлғончи, фирибгар, муттаҳам, муғомбир, шум

– خِدَاعٌ алдов, янглишиш; алданиш; ~ الْبَصَرِ кўз алданиши, сароб; ~ الْحَوَاسِّ хом хаёл, пуч хаёл

– خِدَاعِيٌّ ишини чалғитадиган, шубҳали, сохта, хаёлий, пуч, ҳақиқатдан йироқ, туйғуларнинг хаёлийлиги

– خُدْعَةٌ кўп خُدَعٌ, خُدُعَاتٌ 1) кишини чалғитадиган, ҳақиқатдан йироқ; ҳийла, найранг, макр (қилиш, ишлатиш), лўттибозлик; ~ بَصَرِيَّةٌ кўз алданиши, сароб; 2) алданган, чув тушган

– خُدَعَةٌ ўта фирибгар, ўта ёлғончи

– خَدِيعَةٌ *кўп.* خَدَائِعُ алдамчилик, фирибгарлик, ғирромлик, тирриқлик; муғомбирлик

– خَيْدَعٌ қандайдир зоҳирий, ... бўлиб кўринадиган; сароб; хом хаёл

– مُخَادِعٌ алдамчи, фирибгар

– مُخْدَعٌ *ёки* مِخْدَعٌ жавон, шкаф

– مُخْدَعٌ, مِخْدَعٌ *кўп.* مَخَادِعُ хона

– مَخْدُوعٌ алданган, панд еган

I خَدِلَ (*а*) خَدَلٌ 1) увишган, қотиб қолган бўлмоқ; 2) чарчаган, толиққан бўлмоқ

– خَدْلَانُ 1) ҳис-туйғусиз, беҳуш; 2) толиққан

I خَدَمَ (*и*) خِدْمَةٌ 1) хизмат қилмоқ, ишламоқ, хизматда бўлмоқ; 2) хизматкорлик қилмоқ; ◊ ~ الْأَرْضَ ерни (*экишга*) тайёрламоқ, ҳайдамоқ; II خَدَّمَ иш бермоқ; хизматкорликка олмоқ; IV أَخْدَمَ (*бирор к. ни*) хизматкор қилиб бермоқ; X اسْتَخْدَمَ 1) хизматга, ишга олмоқ; 2) фойдаланмоқ, татбиқ қилмоқ, қўлламоқ, ишлатмоқ

– اسْتِخْدَامٌ 1) ишга жалб қилиш, хизматга қабул қилиш; طَلَبُ الـ~ ишга қабул қилиш тўғрисида ариза; 2) фойдаланиш, қўллаш, ишлатиш; 3) иш, хизмат

– تَخْدِيمٌ иш бериш, ишга олиш; مَكَاتِبُ الـ~ ишга ёллашда воситачилик қиладиган идоралар

– خَادِمٌ *кўп.* خُدَّامٌ, خَدَمٌ 1. ходим, хизматчи; 2. хизматкор; خَدَمُ الْمَنَازِلِ хизматкорлар; ~كُمُ الْمُطِيعُ камина қулингиз (*мактубларда*)

– خَادِمَةٌ *кўп.* ~اتٌ — оқсоч, хизматкор аёл

– خَادِمِيَّةٌ хизматда бўлиш, хизматкорлик қилиш

– خَدَّامٌ хизматкор; хизмат қилувчи

– خَدَّامَةٌ *кўп.* ~اتٌ — оқсоч

– خَدَمَةٌ *жам.* хизматкорлар

– خِدْمَةٌ *кўп* خِدْمَاتٌ, خِدَمٌ 1) хизмат, иш; ~ الْحُكُومَةِ давлат хизмати; الـ~ الْإِجْبَارِيَّةُ мажбурий хизмат; أَدَّى الـ~ الْعَسْكَرِيَّةَ ҳарбий хизматни адо этмоқ, ўтамоқ; الـ~ الْعَامِلَةُ (الْعَسْكَرِيَّةُ) ҳақиқий (*ҳарбий*) хизмат; وَضَعَهُ فِي ~ـهِ хизмат қилдирмоқ, фойдаланмоқ, ишлатмоқ; وَضَعَ مَصْنَعًا مَوْضِعَ الـ~ заводни ишга туширмоқ; 2) хизматкорлик қилиш; 3) иш; вазифа, лавозим; 4) хизмат, ёрдам; فِي ~كُمْ! хизматингизга тайёрман!; هُوَ فِي ~كَ у сенинг хизматингга тайёр!; أَدَّى ~ бировга хизмат кўрсатмоқ, ёрдам қилмоқ (لِـ); ◊ ~ الْأَرْضِ ерни (*экишга*) тайёрлаш, ҳайдаш

– مُخَدِّمٌ иш берувчи; ишга жойлаш бўйича воситачи

– مَخْدُومٌ маҳдум, жаноб, хўжайин, ишга ёлловчи

– مَخْدُومَةٌ хоним, уй бекаси, уй эгасининг хотини

مَخْدُومِيَّةٌ – хўжайиннинг мавқеи (мартабаси, ўрни)

مُسْتَخْدَمٌ – 1. 1) фойдаланиладиган, қўлланиладиган, амалдаги; 2) хизматга олинган; 2. хизматчи

(خدن) III خَادَنَ (*к. биландир*) дўстлашмоқ

خِدْنٌ – *кўп.* أَخْدَانٌ дўст, ўртоқ

خِدْنٌ = خَدِينٌ –

خِدِيوٌ *тар.* хидив (*усмонийлар империяси давридаги Миср ҳукмдори мартабасининг номи*)

خِدِيوٌ = خِدِيوِيٌّ *кўп.* خُدَيْوِيُونَ، خِدِيوِيٌّ –

خِدِيوِيٌّ – хидивга оид

خِدِيوِيَّةٌ – *тар.* хидивлик мартабаси

I خَذِئَ (а) خَذَأً (*к. гадир*) бўйсунмоқ, итоат қилмоқ (لِـــ); X اسْتَخْذَأَ = I

خُذْرُوفٌ *кўп.* خَذَارِيفُ пирилдоқ, пилдироқ, бизбизак, гиргирак (*болалар ўйинчоғи*)

خُذْرُوفِيٌّ – шарсимон, соққасимон, думалоқ, юмалоқ

I خَذَلَ (у) خَذْلٌ، خِذْلَانٌ 1) ёрдамсиз қолдирмоқ, қаровсиз (ўз ҳолига) ташлаб қўймоқ (*ташлаб кетмоқ*); ишламай қолмоқ (*киши баданининг аъзолари ҳақида*); ~تْهُ قُوَاهُ кучи кетди, кучдан қолди, дармони қуриди; 3) *мажх.* муваффақиятсизликка учрамоқ, қўллаб-қувватланмаслик (*мас., ҳукумат ҳақида*); II خَذَّلَ 1) эсанкиратиб (довдиратиб, гангитиб) қўймоқ, саросимага туширмоқ, 2) истакни қайтармоқ (йўқ қилмоқ), ҳафсалани пир қилмоқ; 3) қўллаб-қувватлашдан маҳрум қилмоқ (*мас., ҳукумат*); 4) ҳолдан тойдирмоқ, адо қилмоқ, кучдан кетказмоқ; III خَاذَلَ ёрдамсиз қолдирмоқ, қаровсиз (ўз ҳолига) ташлаб қўймоқ; VI تَخَاذَلَ 1) (*н. нидир*) қолдирмоқ, ташламоқ (عَنْ); 2) қайтмоқ (*кучлар ҳақида*); ишламай қолмоқ (*киши баданининг аъзолари ҳақида*); 3) дармонсизланмоқ, бўшашмоқ, лоҳас бўлмоқ, заифлашмоқ, кучқувватдан қолмоқ; 4) юраксиз, иродаси суст бўлмоқ, бўш келмоқ, ожизлик қилмоқ, (*бирор ишни*) қила олмаслик; VII انْخَذَلَ 1) муваффақиятсизликка учрамоқ, қўллаб-қувватланмаслик (*мас. ҳукумат ҳақида*); 2) ўзини ожиз деб ҳис қилмоқ, ожизлик қилмоқ

انْخِذَالٌ – мағлубият, ютқизиқ, муваффақиятсизлик

تَخَاذُلٌ – 1) ожизлик, кучсизлик, кучдан қолиш, мадорсизланиш; 2) иродаси сустлик, қўрқоқлик, юраксизлик

خِذْلَانٌ 1) ёрдамсиз қолдириш; 2) мағлубият, ютқизиқ

أُصِيبَ (*н. дадир*) муваффақиятсизликка учрамоқ (فِي)

مُتَخَ... 1) куч-қувватини йўқотган, мадорсизланган; 2) ..., қўрқоқ, таслимчи, журъатсиз

... ҳолига ташлаб қўйилган, ёрдамсиз қолдирилган

... тубанлашмоқ, пасткашлик қилмоқ, итоаткорлик

... сунмоқ (لِـــ)

... э уриш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик;

مُسْتَخْذِيَةٌ камситадиган, ҳақоратомуз, ерга урадиган; ~اً пасткашлик билан, тиз чўкиб

I خَرَّ (خر) خَرِيرٌ (а/у) [1] خَرٌّ 1) шилдирамоқ, жилдирамоқ, қулқулламоқ, қулқ-қулқ қилмоқ; 2) хуррак отмоқ, хирилламоқ; [2] خَرٌّ (а/и) خُرُورٌ 1) (*тиз*) чўкмоқ, (*оёгига*) йиқилмоқ; صَرِيعًا ~ беҳуш бўлиб (ҳушдан кетиб) йиқилмоқ, ер тишлаб қолмоқ; خَرُّوا صَرْعَى فِي الْجِهَادِ улар жангда қирилиб кетдилар; بَيْنَ قَدَمَيْهِ ~ кимнингдир оёгига йиқилмоқ; 2) томмоқ, оқмоқ, чакка ўтмоқ

خَرَّارٌ – шалдираган, жилдираган; عَيْنٌ ~ةٌ шилдираб турган булоқ

خَرَّارَةٌ – *кўп.* ـــ اتٌ 1) дренаж (зовур) қувури; 2) ахлатхона, ахлат тўкиладиган ўра; 3) пирилдоқ, бизбизак

خَرِيرٌ – 1) шилдираш, қулқуллаш; 2) хуррак отиш

I خَرِئَ (а) خَرْءٌ، خُرُوءٌ ёзилмоқ, ични бўшатмоқ

خَرْءٌ، خِرَاءٌ – бавл, чиқаринди (*нажас, сийдик*), ахлат, тезак

مَخْرَأٌ، مَخْرَأَةٌ *кўп.* مَخَارِئُ – ҳожатхона, халожой

I خَرَبَ (خرب) (и) خَرْبٌ бузмоқ, вайрон (хароб) қилмоқ, қирғин қилмоқ (келтирмоқ), қириб ташламоқ, харобазорга айлантирмоқ; ~ خَرِبَ (а) خَرَابٌ хароб (вайрон) бўлмоқ, харобазорга айланмоқ; بَيْتِي! ҳаммаси адо бўлди! (тугади!) (*сўзма-сўз: уйим бузилди!*); II خَرَّبَ 1) бузмоқ, хароб (вайрон) қилмоқ, хонавайрон қилмоқ, қириб ташламоқ; 2) бузғунчилик қилмоқ, зарар келтирмоқ; IV أَخْرَبَ вайронага (*харобазорга*) айлантирмоқ, бузмоқ; V تَخَرَّبَ 1) бузилган (*хароба*) бўлмоқ; 2) бузилмоқ, қуламоқ

تُخْرُوبٌ *кўп.* تَخَارِيبُ – чуқурча, ўйиқ, тешик, катак, уя, хонача

تَخْرِيبٌ – 1) хароб қилиш, бузиш, вайрон қилиш, қириш; ~ الآثَارِ الْقَدِيمَةِ вандализм (*маданий ёдгорликларни вайрон, оёқ ости қилиш, ваҳшиёна йўқотиш*); 2) бузилиш, айниш, ишдан чиқиш

تَخْرِيبِيٌّ – зараркунандаларга ва зараркунандаликка оид; الْحَرَكَاتُ الـ~ـةُ зараркунандаларча, бузғунчилик ҳаракатлари

خَارِبٌ – 1. хароб (вайрон) қилувчи, бузувчи; 2. бузғунчи

أَخْرِبَةٌ *кўп.* خَرَابٌ – 1) хароб қилиш, бузиш, қириш; 2) ҳалокат; 3) хароба, вайрона

خَرَابَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ – хароба, вайрона

خَرْبٌ – бузиш, вайрон қилиш, хароб қилиш

خَرِبٌ – 1) бузилган, хароб (вайрон) бўлган, қирилган; 2) тузалмайдиган, шикастланган, ишдан чиққан; ◊ ~ الذِّمَّةِ виждонсиз, номуссиз

خُرْبٌ *кўп.* خُرُوبٌ 1) тешик (*игнадаги*); 2) тиззанинг кўзи, тизза косаси

خَرْبَانٌ – 1) бузилган, хароб (барбод) бўлган; 2) тузалмайдиган, шикастланган, ишдан чиққан

خَرِبَةٌ *кўп.* خَرَائِبُ = خَرَابَةٌ –

– خَرِبَةٌ ج. خِرَبٌ = خُرْبَةٌ

– خَرِبَةٌ ج. خِرَبٌ = خَرَابَةٌ

– خَرُّوبٌ 1) ловиясимонлар оиласига мансуб мевали ўсимлик; 2) унинг мевалари

– خَرُّوبَةٌ ج. ـات 1) خَرُّوبٌ нинг меваси; 2) харруба (*1/16 га ёки 0, 129 л. га тенг ҳажм ўлчови*)

– مُخْرِبٌ 1. хароб (вайрон) қиладиган, емирадиган, хароб (вайрон) қилувчи, емирувчи; ҳалокатли; 2. бузувчи, хароб қилувчи

– مُخَرِّبٌ 1. хароб (вайрон) қиладиган, емирадиган; 2. зараркунанда

خَرْبَشَ 1) бузиб қўймоқ, ишдан чиқармоқ, ёмонлаштирмоқ, айнитмоқ; буриштирмоқ; расвосини чиқармоқ; 2) тирнамоқ, тимдаламоқ, юмдаламоқ; ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган қилиб ёзмоқ

– خَرَابِيشُ ج. тирналган (тимдаланган) жойлар, тирноқ излари, чақалар; 2) тирноқлар, чангаллар; 3) қинғир-қийшиқ ёзув, ажи-бужи хат

– خَرْبَشَةٌ 1) бузилиш, айниш, ишдан чиқиш; 2) ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган хат, ёзув

خَرْبَصَ чигаллаштирмоқ, чувалаштирмоқ, чалғитмоқ, янглиштирмоқ, адаштирмоқ

– خَرْبَصَةٌ чигаллаштириш, алкаш-чалкаш қилиб юбориш, айқаш-уйқаш қилиб юбориш

خَرْبَطَ 1) бузиб қўймоқ, ишдан чиқармоқ; 2) (*тартибни*) бузмоқ, тартибсизлик қилмоқ; تَخَرْبَطَ ишдан чиқмоқ, бузилмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ

– خَرْبَطَةٌ 1) бузилиш, айниш; яроқсизлик; 2) (*интизомни*) бузиш

خَرْبَقَ 1) бузмоқ; 2) тешмоқ, ўймоқ, санчиб тешмоқ

– خَرْبَقٌ *бот.* маралқулоқ (*илдизи йўғон, попукгулли кўп йиллик ўсимлик*)

– خَرْبَقَةٌ 1) бузилиш; айниш; 2) санчиб тешиш

خَرَتَ ا (у) خَرْتٌ санчиб тешмоқ, тешик қилмоқ

– خَرْتٌ ج. خُرُوتٌ, أَخْرَاتٌ тешик; أَضْيَقُ مِنْ ~ الْإِبْرَةِ нинанинг тешигидан ҳам торроқ

– خِرِّيتٌ ج. خَرَارِيتُ уста, моҳир, ишбилармон, уқувли, эпчил; тажрибакор, тажрибали; ~ دَلِيلٌ тажрибали йўл кўрсатувчи

– خَرْتِيتٌ каркидон

خَرَجَ ا (у) خُرُوجٌ 1) (*қаердандир*) чиқмоқ (مِنْ); ~ إِلَى الْوُجُودِ пайдо бўлмоқ, туғилмоқ, вужудга (дунёга, юзага) келмоқ, рўй бермоқ; 2) (*н. -дандир*) оғмоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); (*н. нимадир*) ташқарисида бўлмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الْخَطِّ из (рельс) дан чиқиб кетмоқ (*поезд ҳақида*); ~ عَنْ صَمْتِهِ жимликни бузмоқ; ~ عَنْ عَادَتِهِ тарки одат қилмоқ; ~ عَنِ الْمَوْضُوعِ мавзудан четга чиқмоқ; ~ مَا ... عَنْ (*н. нидир*) давом эттирмаслик; (*н. биландир*) чегараланмоқ, кифояланмоқ; 3) натижаси чиқмоқ, ҳосил бўлмоқ; 4) (*н. нимадир*) чегарасидан чиқмоқ, ҳаддидан ошмоқ; 5) ташқи, хорижий, зоҳирий бўлмоқ; 6) (*к. нидир*) олиб чиқмоқ (بِ); 7) (*н. дандир*) тонмоқ, қайтмоқ, (*н. нидир*) рад қилмоқ, инкор қилмоқ (عَنْ); 8) кўтарилмоқ, бош кўтармоқ, (*к. гадир, н. гадир қарши*) қўзғолон кўтармоқ (عَلَى); ~ عَلَى قَوَاعِدَ қоидаларни бузмоқ; 9) тозаламоқ, дистилламоқ, софламоқ (*мас., сувни*); ◊ يَخْرُجُ مِنْ يَدِهِ عَمَلُ الْحَلْقِ у (*соч-соқолни*) қиришни билади; ~ لِأُمِّهِ у онасининг ўзи бўлиб етишибди; II خَرَّجَ 1) чиқармоқ, чиқариб ташламоқ, ўчирмоқ, чиқариб юбормоқ, ҳайдамоқ; 2) тайёрламоқ, тарбияламоқ, етиштирмоқ, битиртириб чиқармоқ (*ўқувчи ҳақида*); 3) машқ қилдирмоқ, ўргатмоқ; 4) хулоса қилмоқ; 5) (*сўзнинг*) келиб чиқишини, этимологиясини аниқламоқ; IV أَخْرَجَ 1) чиқармоқ, тортиб олмоқ, суғуриб (чиқариб) олмоқ; ~ لِسَانَهُ тилини чиқармоқ; 2) кўтариб олиб чиқмоқ, олиб чиқиб қўймоқ; ~ الْمَيِّتَ маййит (ўлик) ни олиб чиқмоқ; 3) чиқармоқ (*мас. китобни*); ~ رِيحًا ел чиқармоқ; 4) ҳисобламоқ; билмоқ, қўймоқ, саҳналаштирмоқ (*мас., фильм, пьесаларни*); 5) яратмоқ, пайдо қилмоқ, юзага келтирмоқ; ~ الصَّوْتَ овоз чиқармоқ; ~ الْحُرُوفَ مِنْ مَخَارِجِهَا товушларни тўғри талаффуз қилмоқ; ~ الصُّوَرَ *фото.* олинган суратларни дори (проявител) га солиб кўринадиган қилмоқ; 6) чиқариб ташламоқ, ўчирмоқ, ҳайдамоқ, бўшатмоқ; ~ مِنَ الْخِدْمَةِ хизматдан (ишдан) бўшатмоқ; ~ مِنْ جَدْوَلِ الْأَعْمَالِ кун тартибидан чиқармоқ; V تَخَرَّجَ 1) (*ўқув юртини*) битирмоқ, тугатмоқ; (*курсни*) битирмоқ, тамомламоқ (فِي, مِنْ); 2) қандайдир бир курсни битиргандан кейин ихтисос, унвон олмоқ; VI تَخَارَجَ (*бойликни*) ўзаро бўлишмоқ; ўзаро алоқани узмоқ, ажралишмоқ (*шериклар ҳақида*); X اسْتَخْرَجَ 1) тортиб (чиқариб, суғуриб) олмоқ, битта-битта олиб чиқмоқ; бирор ердаги нарсани олмоқ; топмоқ, излаб (ахтариб ёки бирор йўл билан) қўлга киритмоқ; (*қаердандир*) кўчириб олмоқ (مِنْ); ~ الْجَذْرَ *мат.* илдизни топмоқ; ~ الْمَسْأَلَةَ масалани ечмоқ; 2) дистилламоқ, тозаламоқ, софламоқ (*сув ҳақида*)

– إِخْرَاجٌ 1) чиқариб, суғуриб олиш; 2) олиб чиқиш; 3) чиқариб юбориш; ўчириш, (*ишдан*) ҳайдаш; (*душманни*) қувиб, суриб чиқариш; 4) режиссура, (*фильм, пьесаларнинг*) қўйилишига раҳбарлик қилиш; 5) яратиш, барпо этиш

– اسْتِخْرَاجٌ 1) суғуриб, тортиб олиш; ~ الْجَذْرِ *мат.* илдизни топиш; 2) топиш, қўлга киритиш; 3) кўчириш, парча келтириш; 4) дистиллаш, тозалаш, софлаш (*сув ҳақида*)

– اسْتِخْرَاجِيٌّ чиқаришга (қазиб олишга) оид; الصِّنَاعَةُ الـ~ـةُ ер-ости бойликларини қазиб олувчи саноат, кон саноати

– تَخَرُّجٌ курсни, ўқишни тугатиш

– تَخْرِيجٌ 1) чиқариб ташлаш, олиб ташлаш; маҳрум қилиш; 2) тайёрлаш, ўқитиш, тарбиялаш; 3) (*ўқув юртини*) битириш; 4) изоҳлаш, шарҳлаш

– خَارِجٌ 1) чиқувчи; 2) (*н. нимадир чегарасидан*) чиқадиган; 3) ташқи; الـ~ чет эл; ~ـةٌ ниманингдир ташқи томони; ~ وَضَعَهُ الْقَانُونِ кимнидир қонундан ташқари ҳолатга солиб қўймоқ; 2. 1) ташқи қисм, томон; ~ا ташқаридан; مِنَ الـ~ а) хориждан, чет

элдан; б) ташқаридан; ~ فِي الْـ а) чет элда; б) озодликда (қамоқда эмас); ~ إِلَى الْـ а) чет элга; б) ташқарига; خَرَجَ إِلَى الْـ ~ ташқарига югуриб чиқмоқ; 2) шунингдек: ~ الْقِسْمَة бўлинма

– خَارِجِيٌّ[1] 1) хорижий, ташқи; 2) бегона, ёт; 3) чет элга оид: السِّلْكُ الْـ ~ ـَةُ ёки وِزَارَةُ الْـ ~ ـَةِ ташқи ишлар вазирлиги; الْـ ~ дипломатия хизмати; ◊ ~ تِلْمِيذٌ қатнаб ўқийдиган ўқувчи; مُمَرِّضَةٌ ~ ـَةٌ (касалхонага) қатнаб ишлайдиган ҳамшира

– خَارِجِيٌّ[2] кўп. خَوَارِجُ 1) бидъатчи; ихтилоф (нифоқ, низо) солувчи; 2) сепаратист, сепаратизм (ажралиб чиқишга қаратилган ҳаракат тарафдори); الْخَوَارِجُ тар. хорижийлар (оқим)

– خَرَاجٌ 1) ер солиғи; ~ رَأْسِيٌّ жон бошидан олинадиган солиқ; 2) мулклар, ер-сувлар (қишлоқлар, қўралар ва ҳ. к.)

– خُرَاجٌ кўп. أَخْرِجَةٌ ёки خُرَّاجٌ кўп. خَرَارِيجُ йирингли яра, чипқон; шиш, ғурра

– خَرَّاجٌ: وَلَّاجٌ ~ сувдан қуруқ чиқувчи; эпчил

— خَرَاجِيٌّ ер солиғи солинган

– خَرْجٌ кўп. أَخْرَاجٌ 1) харж, чиқим, сарф, буромад; 2) сарф-харажат учун ажратилган пул; 3) маълум вақтга мўлжалланган, ўлчанган миқдорда бериладиган озиқ-овқат (паёк); белгиланган, таъйинланган, тегишли, хизмат (меҳнат) қилиб эришилган; 4) солиқ, тўлов, ўлпон; 5) (кўйлакдаги) безак

– خُرْجٌ кўп. أَخْرَاجٌ, خِرَجَةٌ хуржун; ◊ ~ (وَضَعَ) خَطَّ الْأَمْرَ إِلَى الْـ ишни хуржун қилмоқ

– خَرْجَةٌ кўп. خَرَجَاتٌ 1) чиқиш; 2) (жасадни, майитни) олиб чиқиш, кўтариш; дафн маросими; 3) (бинодаги) туртиб чиққан жой

– خُرُوجٌ 1) чиқиш; ~ الْإِنْسَانِ إِلَى الْفَضَاءِ الْكَوْنِيِّ инсоннинг космосга чиқиши; ~ عَنِ الطَّاعَةِ гапга кирмаслик, қулоқсизлик, бўйсунмаслик; ~ عَنِ الْخَطِّ издан чиқиш; ҳалокат (мас. поезд); فَحْصُ الْـ ~ организмдан ажралиб чиққан нарсаларни текшириш (сийдик, нажас, йиринг ва ҳ. к.); 2) киришиш, الْـ ~ لِمُقَاتَلَةِ الْعَدُوِّ душман билан жангга киришиш; سِفْرُ الْـ ~ дин. Исход (Қадимий аҳднинг иккинчи китоби христианларнинг муқаддас китобларидан); 3) кўп. ـَاتٌ — шахм. дебют (ўйиннинг бошланиши)

– خُرُوجَاتٌ кўп. 1) зийнат, безак, пардоз; 2) зарбоф, безакли, ялтироқ матолар

– خِرِّيجٌ хурсни тугатган, бирор кимса ёки жой тарбиялаб етиштирган киши; ўқувчи, шогирд (мактабда); битирувчи, тарбияланган; ўқув даргоҳини тугатганлик тўғрисида ҳужжатга эга бўлган

– مُتَخَرِّجٌ ўқув юртини тугатган; шогирд (мактабда)

– مَخْرَجٌ кўп. مَخَارِجُ 1) чиқиш жойи; чиқиш йўли; илож; وَجَدَ ~ـًا مِنْ أَزْمَةٍ оғир аҳволдан чиқиш йўлини топмоқ; 2) чора; 3) анат. орқа чиқариш тешиги; 4) линг. артикуляция (товушларнинг пайдо бўлиш) ўрни; 5) мат. махраж

– مُخْرِجٌ режиссёр; ~ سِينَمَائِيٌّ кинорежиссёр

– مُسْتَخْرَجٌ 1. қазиб олинган; қазилма; 2. кўп. ـَاتٌ — (ҳужжатдан) кўчирмалар (مِنْ); бироз ўхшаган; ~ رَسْمِيٌّ مِنْ شَهَادَةِ الْمِيلَادِ туғилганлик тўғрисидаги шаҳодатноманинг қисман (бир бўлаги) нусхаси (копияси)

– مُسْتَخْرَجَاتٌ кўп. 1) экстрактлар (кимёвий йўл билан органик тўқималардан олинган моддалар). 2) ишлаб чиқаришдаги қўшимча маҳсулотлар (мас. нефть); ~ مَعْدَنِيَّةٌ қазилмалар

خَرْخَرَ 1) хуррак отмоқ; хирилламоқ, хириллаб гапирмоқ; 2) шилдирамоқ, жилдирамоқ (сув ҳақида)

– خَرْخَرَةٌ 1) хуррак отиш, хуррак; хириллаш, хир-хир (мас. ўпкадаги); 2) шилдираш

خَرْخَشَ хирилламоқ, бўғилмоқ (касал ҳақида)

– خَرْخَشَةٌ хириллаш, хир-хир

خَرِدَ I (а) خَرَدٌ иффатли, бокира, эркак кишини кўрмаган бўлмоқ; сипо, боодоб, камсуқум (камтар) бўлмоқ

– خُرْدَجِيٌّ кўп. خُرْدَجِيَّةٌ... аттор

– خُرْدَةٌ кўп. خُرْدَوَاتٌ 1) майда-чуйда; 2) майда моллар (товарлар): кўп. атторлик моллари; خُرْدَوَاتٌ مِنْ قُطْنٍ ип газламадан тайёрланган майда маҳсулотлар; دُكَّانُ الْخُرْدَوَاتِ атторлик дўкони; 3) ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган нарсалар (касалхона ва бошқа муассасаларда сотиб юбориладиган); بِيعَتِ الْبَاخِرَةُ لِأَنَّهَا ~ ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган пароход сотилди; الْحَدِيدُ الْـ ~ темир-терсак

– خَرُودٌ 1. боодоб, камтар (қиз бола ҳақида). 2. бокира, иффатли, эркак кишини кўрмаган

– خَرِيدٌ бокира, иффатли, эркак кишини кўрмаган

– خَرِيدَةٌ кўп. خَرَائِدُ 1) бокира; 2) тешилмаган (ниш урилмаган) марварид, дур

خُرْدُقٌ жам. сочма ўқ, питра

– خُرْدُقَةٌ кўп. ـَاتٌ — (бир дона) питра (сочма ўқ)

خَرْدَلٌ 1) бот. горчица, хантал (ўсимлик); 2) хантал уруғлари; حَبَّةُ الْـ ~ хантал дони (уруғи); غَازُ الْـ ~ иприт (теккан ерни яра қиладиган ва умуман заҳарлайдиган рангсиз, мойсимон модда); لَزْقَةُ الْـ ~ горчица қоғози, горчичник (компресс учун ишлатиладиган); ◊ لَا يَعْدِلُ هَذَا الْأَمْرُ حَبَّةَ الْـ ~ бу бир пулга арзимайдиган иш

– خَرْدَلَةٌ кўп. ـَاتٌ — хантал дони (уруғи); ◊ لَا تَسْقُطُ ~ مِنْ يَدِهِ у ўтакетган хасис (қурумсоқ)

– خَرْدَلِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ — хантaлдон, горчица идиши

خَرَزَ I (и, у) خَرْزٌ пармаламоқ, пармалаб тешмоқ, санчмоқ, санчиб тешмоқ

– خَرَزٌ жам. маржон, мунчоқ; дона (тасбеҳники); (марварид)

тоши; زُجَاجٍ ~ шиша маржон

– خَرَزَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ— бир дона маржон, мунчоқ; (*тасбеҳнинг*) бир донаси; (*марвариднинг*) битта тоши; ◊ البِئْرِ ~ ёғоч деворли қудуқ; الرَّقَبَةِ ~ қўштомоқ, кекирдак олмаси; الظَّهْرِ ~ умуртқа суяги, умуртқа поғонаси

– مِخْرَازٌ *кўп.* مَخَارِيزُ бигиз

– مِخْرَزٌ *кўп.* مَخَارِزُ = مِخْرَازٌ

I خَرِسَ (а) خَرَسٌ 1) соқов (гунг) бўлиб қолмоқ, тилдан қолмоқ; ~ عَنْ إِيضَاحِ الْمَسْأَلَةِ масаланинг изоҳи ҳақида лом-мим демади; 2) жим бўлмоқ, жимиб қолмоқ, тўхтаб қолмоқ; اخْرَسْ! жим бўл!; IV أَخْرَسَ 1) тилдан қолдирмоқ, овоздан маҳрум қилмоқ; жим қилмоқ, овозини ўчирмоқ; 2) жим бўлишга мажбур қилмоқ; مَاذَا ~كَ؟ нимага сен индамадинг?; لِسَانَهُ ~ кимнингдир овозини ўчирмоқ (гапиртирмаслик); ~ـهُ بِهٰذَا الْجَوَابِ ўз жавоби билан кимнидир миқ эткизмай қўймоқ; VI تَخَارَسَ ўзини соқовликка солмоқ

– أَخْرَسُ *мн.* خَرْسَاءُ *кўп.* خُرْسٌ, خُرْسَانٌ соқов; тилсиз, сўзлай олмайдиган, индамас, ювош

– خُرَاسِيٌّ *ёки* خُرَاسَانِيٌّ = خُرْسِيٌّ

– خَرَسٌ 1) гунглик, соқовлик; 2) сукунат, сукут сақлаш, жимжитлик; *мед.* афазия (*сўзлаш ва тушуниш қобилиятини йўқотиш*)

– خَرْسٌ ҳайдашга (деҳқончиликка) яроқсиз ер

– خَرْسَانُ *мн.* خَرْسَى = أَخْرَسُ

– خَرَسَانٌ бетон

– خَرَسَانَةٌ 1) бетон; الْمُسَلَّحَةُ ~ الـ темир-бетон, арматурали бетон; 2) черепица (*томга ёпиладиган сопол*)

– خَرَسَانِيٌّ бетондан ишланган, бетонли; أَعْمِدَةٌ ~ـةٌ бетондан ишланган устунлар

– خُرْسِيٌّ хуросонлик, Хуросонга оид

I خَرَشَ (u) خَرْشٌ тимдаламоқ, тирнаб олмоқ

خُرْشُنَةٌ денгиз қалдирғочи

خُرْشُوفٌ *жам. бот.* хуршуф (*ўтсимон ёввойи полиз ўсимлиги*)

– خُرْشُوفَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ— хуршуф

خُرْشُومٌ *кўп.* خَرَاشِيمُ 1) чўққи; баланд тоғ; 2) бурчак

I خَرَصَ (у, u) خَرْصٌ 1) фараз қилмоқ, тахминламоқ, чамаламоқ; النَّخْلَ ~ хурмонинг мевасини чамалаб кўрмоқ; 2) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; V تَخَرَّصَ 1) гумон қилмоқ; ўйлаб чиқармоқ, тўқимоқ (*мас. бўлмағур гапларни*); 2) бўлмаган айбни қўймоқ, (*к. ғадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى); алдамоқ; VIII اخْتَرَصَ (*к. ғадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى)

– تَخَرُّصٌ *кўп.* اتٌ ـَ— 1) уйдирма; 2) ёлғон-яшиқ, тўқима гап

– خَرَّاصٌ ёлғончи; туҳматчи

– خُرْصٌ *кўп.* خُرْصَانٌ зирак, балдоқ, исирға; узук

خَارْصِينٌ = خَرْصِينٌ

I خَرَطَ (у) خَرْطٌ 1) (*токарлик дастгоҳида*) йўнмоқ, йўниб ясамоқ; 2) бўлакларга ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ; 3) алдамоқ; мақтанмоқ, мақтаниб гапирмоқ; 4) (*чой*) дамламоқ; 5) япроқларни термоқ (*новдани қўлда ушлаб туриб*); الشَّجَرَةَ ~ дарахт баргларини сидириб олмоқ; II خَرَّطَ 1) майда қилиб қирқмоқ, тўғрамоқ, ушатмоқ, синдирмоқ; 2) (*ичакларни*) тозаламоқ (*дори ҳақида*); V تَخَرَّطَ тозаланмоқ (*ичаклар ҳақида*); VII انْخَرَطَ 1) йўнилган, йўниб ясалган бўлмоқ; 2) майда қилиб қирқилган, тўғралган бўлмоқ; 3) (*қаерга*дир) кирмоқ (فِي); (*н. ғадир*) аралашмоқ (فِي); فِي سِلْكِ ~ ... (*хизматга*) кирмоқ; فِي سِلْكِ الْوِزَارَةِ ~ вазирликка ишга кирмоқ (иш бошламоқ); فِي سِلْكِ الْقَضَاءِ ~ суд соҳасида иш бошламоқ; فِي سِلْكِهِمْ ~ у уларнинг тўдасига қўшилди; VIII اخْتَرَطَ (*қилични*) қиндан чиқармоқ; X اسْتَخْرَطَ فِي الْبُكَاءِ ~ йиғлаб юбормоқ, хўнг-хўнг йиғламоқ

– خَارِطَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ—, خَوَارِطُ харита, географик карта

– خَرَّاطٌ 1) токарь; 2) мақтанчоқ, ёлғончи

– خَرَّاطَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ— пичоқ

– خُرَاطَةٌ қипиқ, қиринди; пайраҳа

– خِرَاطَةٌ токарлик касби

– خَرْطٌ 1) йўниш; токарлик касби; 2) япроқларни юлиш (узиш); الشَّجَرَةِ ~ дарахт япроқларини буташ; 3) ёлғон-яшиқ; ◊ دُونَ ذٰلِكَ خَرْطُ الْقَتَادِ бу жуда қийин иш

– خَرْطَةٌ *кўп.* خُرَطٌ карж, тилимча; япроқча; бурда, паллача

– خَرِيطَةٌ *кўп.* خَرَائِطُ 1) харита, карта; الْأَرْصَادِ الْجَوِّيَّةِ ~ метеорологик харита; 2) теридан қилинган қоп; сафар халта

– مَخْرَطٌ *кўп.* مَخَارِطُ токарлик устахонаси

– مِخْرَطَةٌ *кўп.* مَخَارِطُ токарлик дастгоҳи

– مَخْرُوطٌ *кўп.* مَخَارِيطُ конус; قَطْعٌ ~ *мат.* конус кесими; ~ـةٌ الْوَجْهِ ~ конус шаклидаги сопол идиш; اللِّحْيَةِ ~ эчки соқол; الْفَخَّارِ ~ чўзиқ юз

– مَخْرُوطَةٌ махрувта (*таом номи*)

– مَخْرُوطِيٌّ конусга оид; конус шаклидаги; قَطْعٌ ~ *мат.* конус кесими

خَرْطَالٌ *бот.* ёввойи сули; сули

خَرْطُوشٌ *жам. кўп.* خَرَاطِيشُ ўқлар, патронлар; بَيْتُ الـ~ патрон солинадиган сумка; الصَّيْدِ ~ ов патронлари; ◊ تِجَارِيٌّ ~ савдо ҳисоб-китоби дафтари

– خَرْطُوشَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ— 1) патрон; حَيَّةٌ ~ жанговар патрон; خَرْسَاءُ ~ бўш патрон, пахтавон патрон; 2) жимжимадор лавҳа *ёки* рамка

خَرْنِيتٌ = خَرْطِيطٌ

خَرْطُمَانِيٌّ катта хартумли; бурни катта, катта бурунли

— خُرْطُومٌ *кўп.* خَرَاطِيمُ хартум; (*чўчқанинг*) тумшуғи; катта бурун; 2) *шунингдек:* الْمَاءِ ~ ичак, шланг, резина ичак

خُرْطُونٌ *кўп.* خَرَاطِينُ чувалчанг

I خَرُعَ (у) خُرُوعٌ *ёки* خَرَعٌ (а) خَرَعَ ,خَرَاعَةٌ 1) қувватсиз, дармонсиз, заиф, нимжон бўлмоқ; 2) ақли кам (ақли паст) бўлмоқ; I خَرَعَ (а) خَرْعٌ ёрмоқ, бўлмоқ; VII انْخَرَعَ 1) заиф (нимжон) бўлмоқ; 2) ёрилмоқ, бўлинмоқ; VIII اخْتَرَعَ ихтиро этмоқ, кашф этмоқ; ўйлаб топмоқ

— اخْتِرَاعٌ *кўп.* اتٌ — 1) топқирлик, ижодкорлик, тадбиркорлик; 2) ихтиро, кашфиёт

خَرَّاعَةٌ — қўриқчи

— خَرْعٌ ёриш, бўлиш

— خَرَعٌ ланжлик, сустлик

— خَرِعٌ ожиз, нимжон, камқувват

— خَرِعٌ = خَرِيعٌ

— مُخْتَرَعٌ 1. ўйлаб топилган (чиқарилган); ихтиро этилган; 2. *кўп.* اتٌ — ихтиро, кашфиёт

— مُخْتَرِعٌ ихтирочи, кашфиётчи

خَرْعُوبَةٌ *кўп.* خَرَاعِيبُ ёш қиз

I خَرِفَ (а) خَرَفٌ 1) ақлдан озмоқ, эсини еб қўймоқ, болалиги тутмоқ, ёш боладай бўлиб қолмоқ; 2) сафсата сотмоқ, беҳуда гап қилмоқ; алаҳламоқ (*касал ҳақида*); خَرَفَ (у) خَرْفٌ термоқ, йиғмоқ; II خَرَّفَ = I; VIII اخْتَرَفَ терилмоқ, йиғиштирилмоқ, йиғиб-териб олинмоқ

— تَخْرِيفٌ *кўп.* اتٌ — аҳмоқона сафсата, беҳуда гап; كُلُّهُ ~ فِي ~ буларнинг ҳаммаси қуруқ гап

— خُرَافَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) хурофот, ривоят, хурофий афсона; бидъат, таассуб; 2) эртак, чўпчак, масал, афсона; беҳуда гап, сафсата; *кўп.* уйдирмалар, тўқималар, ёлғон гаплар

— خُرَافِيٌّ 1) хурофий, ирим-сиримларга ишонадиган; 2) афсонавий, ҳад-ҳисобсиз, беқиёс, эртаклардагидек

— خَرَفٌ 1) ақли заифлик (*қарилик туфайли*); 2) хурофот

— خَرْفَانُ, خَرِفٌ ақлдан озган, ёш болага ўхшаган

— خَرِيفِيٌّ *ёки* خَرْفِيٌّ = خَرِيفِيٌّ

— خَرُوفٌ кўп خِرْفَانٌ, خِرَافٌ қўзичоқ; الْمَحْشِيُّ ~ الـ қўзи қиймасидан тайёрланган (*овқат*); الْبَحْرِ ~ *зоол.* ламантин (*Африка қирғоқларига яқин сувларда яшовчи китсимонлар оиласига мансуб сув жонивори*)

— خَرِيفٌ куз

— خَرِيفِيٌّ кузги, кузда етиштирилган, кузда бўладиган

— مُخَرِّفٌ 1. ақлдан озган; 2. вайсақи

مُخَرْفَجٌ: عَيْشٌ ~ кенг, тўкин-сочин, ҳаёт; سِرْوَالٌ ~ оёқнинг бетига тушиб турадиган лозим, иштон

— مَخْرَفَةٌ йўл

خَرْفَشَ 1) аралаштирмоқ, қориштирмоқ; 2) чалкаш гапирмоқ; ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган қилиб ёзмоқ; 3) қўпол, дағал, ғадир-будур, нотекис бўлмоқ

— خَرَافِيشُ *кўп.* шеваларга хос бўлган ифодалар

— خَرْفَشَةٌ 1) аралаштириш; 2) ноаниқ гап; 3) *радио.* шовқин, вағиллаган халақит берувчи товушлар

— خُرْفُوشٌ *жам. карт.* майда қарталар

— خُرْفُوشَةٌ *кўп.* اتٌ — *карт.* майда қарта, ташланадиган қарта

I (خرق) خَرَقَ[1] (и, у) خَرْقٌ 1) тешик қилмоқ, тешмоқ; ўймоқ, тешик очмоқ; тешиб (еб) ташламоқ (*қурт-қумурсқалар ҳақида*); пармалаб (бурғулаб) тешмоқ; тешиб қўймоқ; қазимоқ, кавламоқ, ўймоқ; جَبْهَةَ الْعَدُوِّ ~ душман фронтини ёриб ўтмоқ; الْبِنْتَ ~ қизлигидан маҳрум қилмоқ; الْعَيْنَ ~ кўзга ташланмоқ, кўзга дангал ташланадиган (сезиларли) бўлмоқ; 2) кирмоқ, ичига кирмоқ, ичига ўтмоқ; 3) четга чиқмоқ, четлаб ўтмоқ (*мас. қонунни*); бузмоқ; أَدَبًا ~ тартиб-интизомни бузмоқ; الْأَمْنَ الْعَامَّ ~ жамоат хавфсизлигини бузмоқ; حُدُودَ الدَّوْلَةِ ~ давлат чегараларини бузмоқ; حُرْمَةَ ~ الْمَعْهَدِ *юр.* институт дахлсизлигини бузмоқ; الْمَدَى الْجَوِّيَّ ~ ҳаво чегараларини бузмоқ; خَرَقَ[2] (у) خُرُوقٌ уйда ўтирмоқ, уйдан кўчага чиқмаслик; خَرِقَ (у) خَرَاقَةٌ аҳмоқ (тентак, ақлсиз) бўлмоқ; II خَرَّقَ майдалаб йиртмоқ; илма-тешик қилиб юбормоқ; V تَخَرَّقَ қазиб ичига кирмоқ; кавланмоқ, ўйилмоқ; VII انْخَرَقَ илма-тешик бўлмоқ; йиртиқ бўлмоқ; VIII اخْتَرَقَ 1) кесиб (*ўртасидан*) ўтмоқ, босиб ўтмоқ; 2) кирмоқ, ичига кирмоқ; 3) бўлиб (кесиб) ўтмоқ; ич-ичига ўтиб кетмоқ, ичига кирмоқ (сингмоқ); (*фронтни*) ёриб ўтмоқ; тешиб ўтмоқ (*ўқ ҳақида*); XII اخْرَوْرَقَ = V

— اخْتِرَاقٌ 1) ўтказиш, ўзидан ўтказиш; *физ.* ўтказгичлилик қобилияти; 2) ичига кириш, ўтиш; 3) сингиш; (*фронтни*) ёриб ўтиш; тешиб ўтиш (*ўқ ҳақида*); الرِّيَاحِ ~ шамолнинг эсиши

— أَخْرَقُ *мн.* خَرْقَاءُ *кўп.* خُرْقٌ 1) аҳмоқ, тентак, уқувсиз, овсар; 2) ножўя, келишмаган; қўпол, бесўнақай

— خَارِقٌ[1] 1) тешувчи; бўлиб (кесиб) ўтувчи; ўювчи; 2) ажралиб турувчи; фавқулодда, одатдан ташқари; الْعَادَةِ ~ ғайриоддий, ўзгача; نَجَاحٌ ~ ўзгача муваффақият, الطَّبِيعَةِ ~ ғайритабиий, ақл бовар қилмайдиган; خَارِقٌ[2] *кўп.* خَوَارِقُ ғайриоддий воқеа; мўъжиза, каромат.

— خَرْقٌ 1) тешиш, қазиш, кавлаш, ўйиш; 2) бузиш; 3) *кўп.* خُرُوقٌ узилган жой, ёриқ, дарз, кавак, тирқиш, тешик; أَكْبَرُ مِنْ إِبْرَةٍ ~ الـ الرَّاتِقِ وَ أَطْوَلُ مِنْ خَيْطِهِ *мақ.* бу ишни (нарсани) тузатиб бўлмайди;

الـ~ وَسَّعَ а) тешикни кенгайтирмоқ; б) ишни мушкуллаштирмоқ; أُذُنَيْه بـ~ قَامَ кимнингдир қулоқларини (*болдоқ тақиш учун*) тешмоқ

[illegible] тлик; 2) [illegible] келишмаганлик, бесўнақайлик

– خرق кўп. أَخْرَاق 1) олийжаноб; олийҳиммат; 2) сахий, саховатли

– خِرْقَة[1] кўп. خِرَق 1) латта; парча, лахтак, бўлак, қийқим; кўп. латта-путталар, эски-тускилар; خِرَقٌ بَالِيَةٌ латта-путталар; جَامِعُ الْخِرَقِ эскифуруш; 2) *тар.* суфийлар хирқаси (кийими); أَصْحَابُ الـ~ суфийлар

– خِرْقَة[2] газлама; ~ مِنَ الْكَتَّان зиғир толасидан тўқилган мато

– مُخْتَرَق кўп. ـَات — йўл, ўтиш жойи

– مِخْرَاق баданга ўраш учун эшилган рўмол

– مُخَرَّق илма-тешик

– مَخْرَقَة жонглёрлик, фокус кўрсатиш; *кўч. м.* фирибгарлик, найрангбозлик, лўттибозлик

خَرَمَ I (и) خَرْم санчмоқ, тешмоқ, тешик қилмоқ; ◊ ~ قَوَاعِدَ النُّطْقِ талаффуз қоидасини бузмоқ; II خَرَّمَ 1) кўплаб тешик қилмоқ, кўп тешмоқ; 2) тикмоқ (*мас. гул*); тўр тўқимоқ; 3) (*қаергадир*) энг қисқа йўл билан бормоқ (عَلَى); 4) уриб синдирмоқ, бузмоқ, барбод қилмоқ; V تَخَرَّمَ ҳалок қилмоқ; ~ـهُ الدَّهْرُ у ҳалок бўлди, у вафот этди, VII انْخَرَمَ 1) санчилган, тешилган бўлмоқ; 2) бузилмоқ, барбод бўлмоқ; VIII اخْتَرَمَ 1) ўғирламоқ, ўғирлаб кетмоқ; 2) емирмоқ, кемирмоқ, қирқмоқ; бузмоқ, барбод қилмоқ; йўқ қилмоқ; ~ـهُ الدَّهْرُ *ёки* ~ـتْهُ الْمَنِيَّةُ у ўлди

– أَخْرَمُ *мн.* خَرْمَاءُ кўп. خُرْمٌ бурун каваклари орасида (*балдоқ тақиш учун*) тешиги бор

– انْخِرَام бузилиш, ишдан чиқиш

– تَخْرِيم 1) тешик очиш; آلَةُ الـ~ *ёки* عُدَّةُ الـ~ перфоратор (*тешик очадиган асбоб*); 2) кашта тикиш; 3) кўп. تَخَارِيمُ кашта, гул; тўр; تَخَارِيمُ الشُّرْفَة балкон панжараси

– تَخْرِيمَة энг қисқа йўл

– خَرَّام, خَرَّامَة кўп. ـَات — парма; дрель

– خَرْم кўп. خُرُوم 1) чўққи, тоғ чўққиси; 2) бўш қолган жой, очиқ жой, оралиқ

– خُرْم кўп. خُرُوم тешик, кавак; ~ الْإِبْرَة нинанинг тешиги

– خَرْمَان тамаки тайёрлаш бўйича мутахассис

– خَرْمَنْجِي кўп. خَرْمَنْجِيَّة = خَرْمَان

– مُخَرَّم 1) тешилган; 2) тикилган

– مُخَرَّمَات кўп. тўр

– مَخْرُوم тешиги бор; كَانَتْ أُذُنَاهُ ~ـة унинг қулоқлари (*балдоқ тақиш учун*) тешилган эди

خَرْمَشَ 1) тирнамоқ, тимдаламоқ (بِ); 2) бузмоқ, ишдан чиқармоқ

– خَرْمَشَة 1) тимдалаш, чанг солиш; 2) бузилиш, айниш, ишдан чиқиш

خِرْنِق кўп. خَرَانِق қуёнча

خَرْنُوب = خَرُّوب кар. خرب

خِرْوَع *бот.* канакунжут; زَيْتُ الـ~ канакунжут мойи

خَزَّ I (а/у) خَزّ (*н. билан∂ир*) тешмоқ (بِ); VIII: اخْتَزَّ = I

– خَزّ кўп. خُزُوز ипак газлама, ипак; ипак ва жундан ёки ипакнинг ўзидан тўқилган мато

– خُزَز кўп. خِزَّان, خِزَاز қуён

خَزَرَ I (у) خَزْر кўз қири билан қарамоқ

خَزَعَ I (а) خَزْع қирқмоқ, кесмоқ

خُزَعْبَل *жам.* ривоятлар, эртаклар, уйдирмалар

– خُزَعْبَلَة кўп. ـَات — уйдирма, тўқима; эртак

– خُزَعْبَلِيّ ақлга (ҳақиқатга) тўғри келмайдиган, эҳтимолдан узоқ

خَزَّاف 1) кулол; 2) сопол идишлар билан савдо қилувчи

– خِزَافَة кулолчилик

– خَزَف сопол идиш; фаянс (*ганч аралаш лой*) буюмлар; ~ صِينِيّ чинни; керамика

– خَزَفِيّ лойдан ясалган, сопол

خَزَقَ I (и) خَزْق 1) санчмоқ, тешмоқ, суқмоқ, тиқмоқ, 2) йиртмоқ, кавлаб (ўйиб) ташламоқ; титиб ташламоқ; II خَزَّقَ озгина йиртмоқ, кавламоқ, титмоқ; V تَخَزَّقَ 1) тешилган бўлмоқ; 2) йиртилмоқ, кавланмоқ, титкиланмоқ; VII انْخَزَقَ = V

– خَازِق найзанинг учи

– خَازُوق кўп. خَوَازِيق қозиқ (*қатл қилиш асбоби*)

– خَزْق кўп. خُزُوق тешик

خَزَلَ I (и) خَزْل кесмоқ, қирқмоқ; ажратмоқ, айирмоқ; кесиб қисқартмоқ, камайтирмоқ, калталатмоқ; VIII اخْتَزَلَ қисқартмоқ, қисқармоқ; ~ الْكُسُور *мат.* касрларни қисқартирмоқ; ◊ ~ بِرَأْيِهِ ўз фикрида қолмоқ

– اخْتِزَال қисқартириш, қисқариш; كِتَابَةُ الـ~ стенография (*матнни шартли белгилар билан тез ёзиб олиш*); كَتَبَ بِالـ~ стенография йўли билан ёзиб олмоқ; كَاتِبُ الـ~ стенографист; ~ الْكُسُور *мат.* касрларни қисқартириш

– اخْتِزَالِيّ стенографияга оид

– مُخْتَزَل кўп. ـاتٌ — стенограмма (*стенографик матн*)

– مُخْتَزِلٌ стенографист

I خَزَمَ (и) خَزْمٌ тизмоқ, ўтказмоқ, тақмоқ, термоқ, шода қилмоқ (*мас., ипга*); الأَنْفَ ~ бурунга ҳалқа тақмоқ; الْمَرِيضَ ~ касални даволаш мақсадида терисини кесиб, яра ҳосил қилмоқ; ◊ أَنْفَهُ ~ кимнидир хўрламоқ, камситмоқ, ерга урмоқ

– خَزَامٌ 1) сунбул; 2) саёқгул, оромгул, қалампиргул

– خُزَامٌ қалампиргул (*Сурияда*)

– خُزَامَى *жам.* 1) лаванда (*ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли, хушбўй, доим яшил ўсимлик*); 2) қалампиргул; 3) лолалар

– خُزَامَاةٌ лавандалар; қалампиргуллар; лолалар

– خِزَامٌ، خِزَامَةٌ кўп. خَزَائِمُ 1) (*туянинг бурнига тақиладиган*) ҳалқа; 2) (*аёллар бурнига тақиладиган*) балдоқ; 3) касални даволаш мақсадида терини кесиб яра ҳосил қилиш

– مَخْزُومٌ 1) қуш; 2) тешик

I خَزَنَ (у) خَزْنٌ 1) тахлаб (териб, жойлаб) қўймоқ; ғамламоқ, захира (кўр) қилиб тайёрлаб қўймоқ; тўпламоқ, йиғмоқ, жамғармоқ; 2) сақламоқ, тутмоқ, асрамоқ, қўриқламоқ; السِّرَّ ~ сир сақламоқ; ◊ الطَّرِيقَ ~ энг яқин йўл билан кетмоқ; II خَزَّنَ 1) ғамламоқ, захира (кўр) қилмоқ, жамғармоқ, орттирмоқ, тўпламоқ; йиғмоқ, жамламоқ; 2) сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ; омборга жойламоқ, жойлаштирмоқ; омборда сақламоқ; الْقِطَارَ ~ поездни эҳтиёт (запасдаги) йўлга қўймоқ; VIII اخْتَزَنَ (*ўзи учун*) жамғармоқ; ғамламоқ, захира (кўр) қилмоқ; 2) сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ; ◊ الطَّرِيقَ ~ энг яқин йўлдан кетмоқ

– تَخْزِينٌ 1) ғамлаш, захира қилиш; сақлаш; ~ الـ أُجْرَةُ сақлаганлиги учун ҳақ (тўлов); ~ الـ سِكَكُ эҳтиёт (запасдаги) йўллар

– خَازِنٌ кўп. خَزَنَةٌ، خُزَّانٌ 1) сақловчи, асровчи; қўриқчи, соқчи; омборчи; 2) хазиначи, ғазначи, кассир; 3) қизилиштон

– خَزَّانَةٌ кўп. خَزَّانَاتٌ، خَزَازِينُ 1) нарсалар сақланадиган жой; омбор; 2) сув омбори, ҳавза, ҳовуз, бассейн, сунъий ҳовуз; резервуар (*суюқлик ва газ сақланадиган катта идиш*); бак, цистерна; الْوُقُودِ ~ ёқилғи баки, ёқилғи қуйиладиган идиш; 3) тўғон, ғов

– خَزَانَةٌ кўп. خَزَائِنُ кичкина хона, уйча, қазноқ (*деҳқон ҳовлисида*)

– خِزَانَةٌ кўп. خَزَائِنُ، خِزَانَاتٌ 1) хазина, ғазна; маблағ, мол-мулк; ~ الـ الْعَامَّةُ ёки ~ الـ الْحُكُومِيَّةُ давлатга қарашли мол-мулк; 2) шкаф, жавон; ~ الثِّيَابِ ёки ~ الْمَلَابِسِ кийим жавони; ~ الْكُتُبِ а) китоб жавони; б) китоб сақланадиган жой; кутубхона; ~ السُّفْرَةِ буфет (*озиқ-овқат жавони*); ~ الـ الْحَدِيدِيَّةُ сейф, ёнмайдиган шкаф; 3) камера, хона, бўлма; ~ الاحْتِرَاقِ *тех.* ёниш камераси

– خَزْنٌ сақлаш; ~ الـ أُجْرَةُ сақланганлик учун тўлов

– خَزْنَدَارٌ кўп. خَزْنَدَارِيَّةٌ хазиначи, кассир

– خَزْنَةٌ кўп. خَزَنٌ 1) хазина, ғазна; 2) жавон, шкаф; 3) омбор, қазноқ; 4) (*ўқ отувчи қуролнинг*) ўқ турадиган қутиси (*магазин*); 5) *шахм* рокировка; صَغِيرَةٌ ~ қисқа рокировка; كَبِيرَةٌ ~ катта (узун) рокировка

– خَزِينٌ 1. муҳофаза қилинаётган, сақланаётган, қўриқланаётган; 2. захира, кўр-кут, ғамлаб қўйилган нарса; ~ الـ حُجْرَةُ омбор, омборхона

– خَزِينَةٌ кўп. خَزَائِنُ خَزِينَاتٌ 1) хазина, дафина; 2) мол-мулк; ~ الدَّوْلَةِ давлат хазинаси; 3) молия муассасаси; 4) касса (*идора ёки муассаса қўлидаги тўпланган нақд пул*)

– مَخْزَنٌ кўп. مَخَازِنُ 1) омбор, қазноқ; 2) сарой, парк (*мас. автобуслар, троллейбуслар ва ҳ. к. парники*); 3) (*универсал*) магазин; 4) *ҳарб.* обойма (*отиш қуролларининг ўқ жойланадиган қисми*); 5) Махзан (*Марокашдаги ҳукумат*); ◊ مَخَازِنُ الطَّرِيقِ энг қисқа йўл

– مَخْزَنْجِي кўп. مَخْزَنْجِيَّةٌ хазиначи, омборчи, омбор мудири

– مَخْزَنْجِيَّةٌ омборда сақланганлик учун тўланадиган ҳақ

– مَخْزُونٌ 1.омборда сақланадиган; 2. 1) захира, бойлик; ~ النَّفْطِ فِي بُطُونِ الْأَرْضِ ер қаъридаги нефть бойликлари; 2) омбор

– مَخْزُونَاتٌ кўп. омборда сақланадиган моллар

I (خزى) خَزَى (и) خَزْيٌ уялтирмоқ; خَزِيَ (а) خِزْيٌ، خَزًى шарманда бўлмоқ, уялмоқ, хижолат бўлмоқ; IV أَخْزَى шарманда қилмоқ, уялтирмоқ; X اسْتَخْزَى уялмоқ, хижолат тортмоқ

– خِزْيٌ уят, шармандалик, иснод

– خَزْيَانُ *мн.* خَزْيَا кўп. خَزَايَا хижолат бўлувчи, шарманда (бўлувчи)

– خَزْيَةٌ، خِزْيَةٌ кўп. خَزْيَاتٌ уят иш, иснод келтирадиган ҳатти-ҳаракат

– مُخْزٍ *мн.* مُخْزِيَةٌ 1. 1) уятсиз, шарманда; 2) уятга қолдирадиган, иснод келтирадиган; 2. кўп. مُخْزِيَاتٌ иснод келтирадиган ҳатти-ҳаракат

– مَخْزَاةٌ кўп. مَخَازٍ уят иш, уятсизларча муомала

– مَخْزِيٌّ 1. хижолатга қолган, шарманда (*бўлган*); 2. ~ الـ шайтон

I (خس) [1]خَسَّ (и/а) خِسَّةٌ، خَسَاسَةٌ 1) хасис (пасткаш) бўлмоқ; 2) оз бўлмоқ, озаймоқ, камаймоқ; [2]خَسَّ (а/у) خَسٌّ озайтирмоқ, камайтирмоқ; II خَسَّسَ = [2]خَسَّ X اسْتَخَسَّ хасис (паст) ҳисобламоқ

– خَسٌّ сутчўп салати

– خَسَاسَةٌ 1) ерга уриш, таҳқирлаш; 2) пасткашлик, ярамаслик, палидлик, разиллик 3) хасислик

– خِسَّةٌ пастлик, палидлик, разиллик; ~ النَّفْسِ маънавий тубанлик

– خَسِيسٌ кўп. أَخِسَّاءُ хасис, паст, пасткаш, тубан, қабиҳ, разил; ярамас, бузуқ

— خَسِيئَةٌ 1) озайиш, камайиш 2) пастлик, разиллик, палидлик

I (خسأ) خَسَأَ¹ (а) خَسْءٌ ҳайдамоқ, ҳайдаб юбормоқ, қувмоқ (*мас. итни*); اخْسَأْ! йўқол! ;خَسِيَ (а) خَسَأَ ҳайдалган (қувилган) бўлмоқ; خَسَأْتَ (خَسِئْتَ) يَا رَجُلُ (مَرْأَةُ) бор, кет!, бор, йўқол!; فَلْيَخْسَأْ فلان йўқолсин фалончи, яшасин фалончи!; فَلْيَحْيَ فُلانٌ!
خَسَأَ² (а) خُسُوءٌ хиралашмоқ (*кўз ҳақида*); VII انْخَسَأَ = I

— خَاسِئٌ 1) ҳайдалган, қувилган; яқин йўлатилмаётган; 2) хиралашган (*кўз ҳақида*); ~ فَارْتَدَّ بَصَرُهُ унинг кўзи хиралашди

خَسْتَخَانَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — хастахона, касалхона

خَسْتَكَ хаста (касал) бўлмоқ, мазаси қочиб (лоҳас бўлиб) турмоқ

— خَسْتَكَةٌ хасталик, касаллик, касал (бетоб) бўлиб туриш, мазаси қочиш

— مُخَسْتَكٌ носоғлом, касал, мазаси қочган, бетоб

I خَسِرَ (а) خُسْرٌ، خَسْرٌ 1) (*н. нидир*) йўқотмоқ; (*н. нидир*) бой бермоқ, қўлдан чиқармоқ; (*н. дандир*) маҳрум бўлмоқ; зарар кўрмоқ, 2) (*урушда. пулни*) ютқазмоқ; 3) йўлни йўқотмоқ, адашмоқ; 4) ҳалок (нобуд) бўлмоқ; خَسَرَ (и) خَسْرٌ оз келмоқ, кам келмоқ (*тарозида*); II خَسَّرَ 1) зарар (зиён, камомад) келтирмоқ; 2) бузмоқ, нобуд қилмоқ, IV أَخْسَرَ = II; X اسْتَخْسَرَ (1) (*н. гадир*) ҳасад қилмоқ (في، عَلَى) 2) ёқимсиз (номақул) деб ҳисобламоқ; 3) зарар (зиён) деб ҳисобламоқ; аямоқ, эҳтиёт қилмоқ; ~ عَلَيْهِ الرَّصَاصَةَ *маж.* у унга ўқни ҳам раво кўрмади

— تَخْسِيرٌ ҳалок этиш

— خَاسِرٌ 1) йўқотувчи, ютқазувчи; 2) зарар (зиён) кўрувчи; 3) йўқолган; ҳалокатга олиб борадиган, фалокатли, бўлмагур; دَافَعَ عَنْ قَضِيَّةٍ ~ةٍ бўлмагур ишни ҳимоя қилмоқ

— خَسَارٌ зарар, зиён, йўқотиш, талофат

— خَسَارَةٌ зарар, зиён, йўқотиш, талофат; ~ لا تُعَوَّضُ оғир, тиклаб (қоплаб) бўлмайдиган йўқотиш, 2) ҳалокат, нобудгарчилик; 3) ютқизиш, шикаст; خَسَائِرُ وَ أَرْبَاحٌ кирим ва чиқимлар, даромаду буромадлар; خَسَائِرُ فِي الْأَرْوَاحِ وَ الْأَمْوَالِ моддий ва жонли куч талофатлари; ◊ يَا ~! эсиз!, аттанг-а!

— خَسْرَانٌ 1) йўқотадиган, зарар кўрадиган; 2) зарарланган, шикастланган; бузилган

— خُسْرَانٌ 1) йўқолган нарса; 2) талофат, нобудгарчилик; 3) зарар; зиён; وَقَعَ فِي الـ~ зарар (зиён) кўрмоқ

— مُخَسِّرٌ зарар (зиён) етказувчи, шикаст етказувчи

I خَسَفَ (и) خُسُوفٌ 1) тушмоқ, қўнмоқ, пасаймоқ, чўкмоқ; йиқилиб тушмоқ, ўпирилмоқ; 2) хиралашмоқ, тутилмоқ (*ой ҳақида*); 3) (*н. нидир*) туширмоқ, пасайтирмоқ, йиқитмоқ, ўпирмоқ, чўктирмоқ (بِ); ~ اللهُ بِهِ الْأَرْضَ Оллоҳ унга ўлим берсин! (*сўзма-сўз:* Оллоҳ уни ерга тиқсин!) VII انْخَسَفَ 1) тутилмоқ (*ой ҳақида*); 2) йиқилмоқ, ўпирилмоқ, йўқолмоқ; انْخَسِفْ! йўқол!

— خَسْفٌ камситиш, хўрлаш, ерга уриш; ~ سَامَهُ الـ~ ёки سَامَهُ ~ا ... хўрламоқ, камситмоқ, ерга урмоқ; 5) кўнгилсизликка сабаб бўлмоқ

— خُسُوفٌ Ойнинг тутилиши; الـ~ الْجُزْئِيُّ Ойнинг қисман тутилиши; الـ~ الْكُلِّيُّ Ойнинг тўла тутилиши; ~ الْكَوَاكِبِ Ойнинг юлдузларни тўсиб (беркитиб) қолиши

— خَسِيفٌ ~ الْعَقْلِ аҳмоқ, тентак, ақли паст

— مَخْسُوفٌ тутилган; الْبَدْرُ الـ~ тутилган ой

I خَشَّ (а/у) خَشٌّ 1) кирмоқ; 2) (*туянинг*) бурнидан калтак ўтказмоқ; II خَشَّشَ 1) (*к. нидир*) киритмоқ; 2) (*гуллар билан*) безамоқ

— خُشَاشٌ، خِشَاشٌ *кўп.* أَخِشَّةٌ судралиб юрувчилар: ҳашорат, қурт-қумурсқа

— خِشَاشَةٌ *кўп.* خَشَاشٌ (*туянинг*) бурнига ўтказиладиган калтак

— خَشِيشٌ¹ безак учун ишлатиладиган гуллар

— خَشِيشٌ² шитир-шитир (*баргларники*)

— مَخْشُوشٌ бурнига калтак ўтказилган (*туя ҳақида*); يَهِيجُ كَالْجَمَلِ الـ~ *мтл.* у бурнига калтак ўтказилган туя каби жиннилик қилаяпти

(خشب) II خَشَّبَ 1) ёғоч билан қопламоқ (ёпмоқ), фанер қопламоқ; 2) ёғоч каби қаттиқ бўлмоқ; V تَخَشَّبَ 1) ёғоч билан қопланган бўлмоқ, фанерланган бўлмоқ; 2) ёғоч бўлиб қолмоқ; ёғоч каби қаттиқ бўлмоқ; донг қотиб (серрайиб) қолмоқ; 3) совуққа қотиб қолмоқ; XII اخْشَوْشَبَ дағаллашмоқ, қаттиқлашмоқ

— أَخْشَبُ улкан тоғ; الْأَخْشَبَانِ *ик. с.* Маккадаги икки тоғ; لَا تَزُولُ مَكَّةُ حَتَّى يَزُولَ أَخْشَبَاهَا *ҳад.* ундаги икки тоғ заволга учрамагунча, Маккаи мукаррама заволга юз тутмайди

— تَخَشُّبٌ ёғочдай қотиб қолиш; *мед.* каталепсия (*қаттиқ ҳаяжон ва гипноз натижасида тахта бўлиб қотиб қолиш*); қоқшол (*одамни тириштириб қўядиган юқумли касаллик*)

— تَخْشِيبٌ қоплаш, қоплама, ёғоч билан қоплаш, фанерлаш

— تَخْشِيبَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — ёғочдан қилинган иморат

— خَشَّابٌ *кўп.* خَشَّابَةٌ ўтинчи, ўтинфуруш

— خَشَبٌ *жам. кўп.* أَخْشَابٌ ёғоч-тахта, юпқа тахта, ўтин; أَخْشَابُ الْحَرِيقِ ўтин; أَخْشَابُ الْعِمَارَةِ ёки الْبِنَاءِ қурилиш ёғоч-тахталари; ~ الْوَرْدِ атиргул ўсимлиги; ~ بَغْدَادِيٌّ ёки ~ مُسَوَّدٌ юпқа тахтача; ~ مُعَاكَسٌ фанер; ~ مُعَشَّقٌ ёнида ариқчасимон ўйиғи бор тахта; ~ الْبُنْدُقِيَّةِ (*милтиқдаги*) қўндоқ; ~ النَّبِيِّ ёки ~ الْقِدِّيسِينَ *бот.* темир дарахт, бакаут

— خَشِبٌ дағал, қаттиқ

– خَشَبَةٌ кўп. ـاتٌ — ёғоч бўлаги, парчаси; ёғоч, хода; тахта; ~ الْمَسْرَحِ театр саҳнаси; тахтасупа, минбар, кат; ~ الْمَيِّتِ тобут

– خَشَبِيٌّ 1) ёғочга оид; ~ ـةٌ مَسَامِيرُ ёғочлар; 2) дарахтга оид

– خَشَبِينٌ ёғоч бўтқа (қоғоз саноатида), ёғоч

– خَشَبِيَّةٌ кўп. ـاتٌ — муз. ксилофон (ёғоч чанг)

– خَشِيبٌ ғадир-будур, дағал

– مُتَخَشِّبٌ ёғочдай қаттиқ, қотиб қолган; музлаб қотиб қолган, совиб қолган

خُشْتٌ кўп. خُشُوتٌ найза

خُشْتَاشَةٌ кўп. ـاتٌ — оқсоч, чўри

خَشْتَقَ санчмоқ, санчиб тешмоқ

خَشْخَشَ 1) жарангламоқ, жиринглaмоқ; шовқинламоқ, шовқин-сурон кўтармоқ; 2) шитирламоқ, шилдирамоқ, шалдирамоқ

– خَشْخَاشٌ жам. бот. кўкнор уруғи

– خَشْخَاشَةٌ[1] кўп. ـاتٌ — бир дона кўкнор ўсимлиги

– خَشْخَاشَةٌ[2] кўп. ـاتٌ — ер остидаги сағана (дахма)

– خَشْخَشَةٌ 1) жаранг, жиринг, жаранглаган овоз, жиринглаш; шовқин-сурон; тарс-турс; чирс-чирс (радиодаги); 2) шитир-шитир, шалдир-шулдур (кийимники)

– خَشْخِيشَةٌ кўп. ـاتٌ — шақилдоқ (болалар ўйинчоғи)

خَشْخَنَ 1) ойнадай силлиқламоқ, сайқалламоқ; тарашлаб (силлиқламоқ) қирра чиқармоқ; 2) милтиқ стволи ичига винт айланадиган чизиқчага ўхшаш бурма ариқчалар (нарезка) ўтказмоқ

– خَشْخَانٌ 1) қирра, бирор нарсанинг тарашланган ёки чархланган қирраси; 2) эгатча, ариқча; рифеллар (бирор нарса сиртидаги тарам-тарам ботиқ чизиқлар)

– خَشْخَنَةٌ 1) силлиқлаш, сайқаллаш; тарашлаш, қирра чиқариш; 2) нарезка (стволдаги)

خُشَارٌ ёки خُشَارَةٌ (овқат) қолдиқлари

خَشْرَمٌ кўп. خَشَارِمَةٌ уя, ғуж, гала; асаларии яшиги (уяси)

خَشَعَ I (а) خُشُوعٌ 1) итоат этмоқ, бўйсунмоқ; ювош, мўмин, тавозели бўлмоқ, ҳурмат (иззат) қиладиган, одобли бўлмоқ; 2) бош эгмоқ, таъзим қилмоқ, сажда қилмоқ, қойил қолмоқ; ◊ ~ بِبَصَرِهِ у ерга қаради; V تَخَشَّعَ итоат этмоқ, бош эгмоқ, иззат-ҳурмат қилмоқ; ортиқ даражада иззат-ҳурмат қилмоқ, эъзозламоқ; VIII اخْتَشَعَ = I

– خَاشِعٌ мўмин, итоаткор, иззат-икром қилувчи; خَاشِعًا ~ эҳтиром билан, эъзозлаб

– خُشْعَةٌ тепалик, дўнглик

– خُشُوعٌ итоаткорлик, ҳурмат, иззат; азиз кўриш

خَشَفَ I (у, и) خُشُوفٌ музлаб қолмоқ, муз билан қопланмоқ (сув ҳақида); II خَشَّفَ йўл кўрсатмоқ (йўл бошловчи ҳақида)

– خُشَافٌ шарбат, компот; ~ بَلَحٍ хурмо компоти; ~ تِينٍ анжир шарбати

– خُشَّافٌ кўп. خَشَاشِيفُ зоол. жарқалдирғоч, узунқанот; ~ اللَّيْلِ кўршапалак

– [illegible] ёмғир аралаш қор, қор тугмачаси

– خِشْفٌ, خُشْفٌ кўп. خُشُوفٌ, خِشَفَةٌ оҳу боласи

– خُشُفٌ кўп. خَشُوفٌ 1. хира, шилқим, елим; 2) олғир (доғули, суллоҳ, муттаҳам) одам

– خَشِيفٌ кўп. خُشُفٌ = خَشَفٌ

خُشْكَارٌ эланмаган ун

خَشْكَرِيشَةٌ (тузалаётган жароҳатнинг) кўчиб тушаётган териси

(خشم) II خَشَّمَ маст қилмоқ, бошини айлантирмоқ, гангитмоқ (ичимлик ҳақида)

– أَخْشَمُ ҳид билмайдиган

– خَشْمٌ кўп. خُشُومٌ бурун

– خَشَمٌ мед. аносмия (ҳид сезмаслик)

– خَيْشُومٌ кўп. خَيَاشِيمُ бурун; бурун тешиги, каваги; خَيَاشِيمُ السَّمَكِ ойқулоқ

خَشُنَ I (у) خُشُونَةٌ қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, қўпол, тўнг бўлмоқ; дағаллашмоқ, дийдаси қаттиқ бўлмоқ; II خَشَّنَ қаттиқ (дағал, қўпол) қилиб қўймоқ; III خَاشَنَ шафқатсиз, қўпол муомала қилмоқ; V تَخَشَّنَ 1) шафқатсиз (қўпол) бўлмоқ; 2) машаққатли, оғир ҳаёт кечирмоқ; XII اخْشَوْشَنَ 1) жуда ҳам қаҳри қаттиқ (қўпол, тўнг) бўлмоқ; 2) машаққатли (оғир) ҳаёт кечирмоқ

– أَخْشَنُ мн. خَشْنَاءُ кўп. خُشْنٌ қўпол, дағал, тўнг, хунук, шафқатсиз, жиддий оғир

– خَشَانَةٌ қўполлик, дағаллик, қаттиқлик, кескинлик

– خَشِنٌ 1) қаттиқ, дағал, қўпол, тўнг, хунук, ғадир-будир, қуруқшаған; 2) шафқатсиз, золим, қаҳри қаттиқ, раҳмсиз, оғир, машаққатли; ~ الْأَخْلَاقِ ёки ~ الطِّبَاعِ тарбиясиз, ахлоқсиз; الْجِنْسُ الـ~ кучли жинс, эркаклар; 3) йирик (туз ҳақида)

– خُشُونَةٌ қўполлик, дағаллик, қаттиқлик

خَشِيَ I (а) خَشْيَةٌ 1) қўрқмоқ, хавфсирамоқ, (к. учундир) қайғурмоқ (عَلَى); 2) билмоқ; وَ قَدْ خَشِيتُ بِأَنَّ مَنْ تَبِعَ الْهُدَى سَكَنَ الْجِنَانَ مَعَ النَّبِيِّ مُحَمَّدٍ ҳидоятга эришган киши пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом билан жаннатда яшаётганлиги менга маълум эди; II خَشَّى (кўнгилга) ваҳима, қўрқув солмоқ; V تَخَشَّى = I; VIII اخْتَشَى уялмоқ, тортинмоқ, хижолат бўлмоқ

– خَاشٍ мн. خَاشِيَةٌ қўрқувчи, қўрқоқ; юраксиз, ҳуркович, ҳуркак, тортинчоқ, журъатсиз

– خَشْوٌ уятчанлик, номуслилик, ибо, ҳаё, юраксизлик; қўрқоқлик, журъатсизлик, тортинчоқлик

– خَشِيٌّ уятчан, иболи, ҳаёли, тортинчоқ, журъатсиз

خَاش = خَشَايَا *кўп.* خَشْيَا *мн.* خَشْيَانُ –

خَشْيَةٌ – хавфсираш, қўрқиш; ... مِنْ ~ ...дан қўрқиб, хавфсираб; хавотирланиб; ... أَنْ ~ ... бўлади деб қўрққанлиги учун

I خَصَّ (а/у) خَصٌّ, خُصُوصٌ 1) (*н. си биландир*) алоҳида, махсус белгиламоқ (ب); بِالذِّكْرِ ~ـهُ махсус, алоҳида ажратмоқ, кимнидир махсус, алоҳида эсламоқ; ~ـهَا بِعِنَايَتِهِ у унинг учун махсус (алоҳида) ғамхўрлик қилди; ~ـهُ لِنَفْسِهِ ниманидир ўзи учун махсус (алоҳида) ажратмоқ, (*н. нидир*) эгаллаб (*ўзиники қилиб*) олмоқ; 2) улушга тўғри келмоқ; 3) (*н. биландир*) махсус боғлиқ бўлмоқ; (*н. гадир*) тааллуқли, алоқадор бўлмоқ (ب); لاَ يَخُصُّكَ هَذَا бу сенга тааллуқли (алоқадор) эмас; II خَصَّصَ (*н. нидир*) таъйинламоқ, алоҳида атаб (тайинлаб, белгилаб) қўймоқ; (*н. учундир пулни*) ажратмоқ (لـ); V تَخَصَّصَ бирор соҳа бўйича мутахассис бўлиб етишмоқ, ихтисос (мутахассислик) олмоқ; қайсидир соҳада мутахассис бўлмоқ (ب, في); VIII اخْتَصَّ 1) (*н. биландир*) фарқланмоқ, бирор хусусияти билан ажралиб турмоқ (ب); 2) (*н. биландир*) алоқадор бўлмоқ, (*н. гадир*) тааллуқли бўлмоқ (ب); 3) (*н. гадир*) тегишли, хос бўлмоқ (ب); (*к. нидир*) қарамоғига (*ихтиёрига*) кирмоқ (ب); 4) (*н. нидир*) ўз мутахассислиги бўйича танланмоқ (ب); (*н. биландир*) махсус шуғулланмоқ (ب); қайсидир соҳа бўйича мутахассис бўлмоқ (ب)

اخْتِصَاصٌ *кўп.* ـاتٌ – 1) вазифалар доираси; компетенция (*бирор к. яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала*); юрисдикция (*суд қилиш ҳуқуқи*) عَدَمُ الـ~ асоссизлик; ذُو ~ асосли, ваколатли; 2) ўзига хос хусусият; 3) вазифа; 4) ихтисослаштириш, махсус мақсад учун берилган, мослаш; соҳа, ихтисос, касб, ҳунар

اخْتِصَاصِيٌّ – мутахассис

أَخَصُّ – ўзига хос, алоҳида, бошқача; عَلَى الـ~ *ёки* بِالـ~ *ёки* عَلَى وَجْهِ ~ хусусан, энг аввал, алоҳида ҳолда, айниқса

تَخَصُّصٌ – ихтисосни (касб-ҳунарни) эгаллаш, ихтисослашиш

تَخْصِيصٌ *кўп.* ـاتٌ – 1) таъйинлаш, ажратиш; عَلاَمَةُ الـ~ қўштирноқ белгиси; 2) ажратилган, чиқарилган пул; 3) махсус мақсадлар учун ажратилган маблағ; 4) ихтисослашиш; بِالـ~ махсус, алоҳида; ... عَلَى الـ~ ... وَ عَلَى التَّعْمِيمِ қисман ... ва умуман ...

خَاصٌّ – 1) алоҳида, махсус; 2) айрим ҳолларда бўладиган; 2) шахсий, хусусий; السِّكْرِتِيرُ الـ~ шахсий котиб; الْحَيَاةُ الـ~ـةُ шахсий ҳаёт; шахсий секретарь; الْمِلْكِيَّةُ الـ~ـةُ шахсий (хусусий) мулк; 3) (*н. гадир*) тааллуқли (ب); عَرَفَ هَذَا الـ~ وَ الْعَامُّ бу ҳақда хосу ом (ҳамма) билди; عَيْشٌ ~ оқ нон

خَاصَّةٌ *кўп.* خَوَاصُّ – 1) ўзига хос фазилат, хусусият; хосса; وَ ~ ... عَامَّةً وَ ~ ... умуман ... ва хусусан ...; ~ *ёки* بِـ~ айниқса, хусусан, аввало; فِي ~ نَفْسِهِ дилида, ўзича; 2) шифобахш таъсир, шифобахш куч (*мас., доридаги*); 3) шахсий (хусусий) мулк; 4) хослар, оқсуяклар, аслзодалар, зодагонлар

خَاصِّيَّةٌ *кўп.* خَاصِّيَّاتٌ, خَصَائِصُ – ўзига хос фазилат, хусусият

خُصٌّ – ўтсимон ўсимликдан тайёрланган коху (салат)

خُصٌّ *кўп.* خِصَاصٌ, أَخْصَاصٌ – кулба, хароба уй

خَصَاصَةٌ[1] *кўп.* خَصَاصٌ – тоғнинг ёрилган жойи, тор дара, жарлик, кавак, тирқиш, ёриқ

خَصَاصَةٌ[2] – муҳтожлик, камбағаллик

خُصَاصَةٌ *кўп.* خُصَاصٌ – кўп бўлмаган (оз) миқдор

خُصُوصٌ – 1) ўзига хос хусусият, фазилат; жузъий бир ҳол; بِ~ *ёки* عَلَى الـ~ *ёки* عَلَى وَجْهِ الـ~ хусусан, айниқса; 2) алоқа; فِي ~ـهِ *ёки* مِنْ ~ـهِ кимгадир, нимагадир нисбатан; مِنْ هَذَا الـ~ бу борада, бу хусусда

خُصُوصِيٌّ – 1) ўзига хос, ўзича, махсус; 2) хусусий, шахсий

خُصُوصِيَّاتٌ *кўп.* – 1) ўзига хос хусусиятлар, фазилатлар; عِلْمُ ~ الشُّعُوبِ этнография; 2) жузъий (алоҳида) бир ҳолатлар (ҳодисалар)

خَصِيصٌ[1] – (*н. гадир*) хос бўлган, одат бўлган (ب); بِ~ атайлаб, жўрттага, махсус

خَصِيصٌ[2] *кўп.* أَخِصَّاءُ – 1) (*қандайдир соҳада*) мутахассис (في); 2) яқин дўст, ўртоқ

خَصِيصَةٌ *кўп.* خَصَائِصُ – хусусият, хосса

مُتَخَصِّصٌ – мутахассис, (*қайсидир соҳада*) ихтисос олган (في)

مُخْتَصٌّ – мос, мувофиқ, тўғри келадиган, алоқадор, тегишли; الْهَيْئَاتُ الـ~ـةُ тегишли, алоқадор идоралар

مُخَصَّصَاتٌ *кўп.* – бирор мақсад учун ажратилган маблағлар; ~ الْمَلِكِ парламент томонидан подшо учун ажратилган маблағ

مَخْصُوصٌ – махсус, алоҳида; قِطَارٌ ~ махсус поезд

I خَصِبَ (а) خَصْبٌ серҳосил, унумдор бўлмоқ, сернатижа, сермаҳсул бўлмоқ; II خَصَّبَ 1) ҳосилдорликни оширишга ёрдам бермоқ, ҳосилдорликни оширмоқ; 2) ўғитламоқ, ўғит (гўнг) солмоқ; IV أَخْصَبَ 1) ҳосилдор, серунум бўлмоқ; 2) серҳосил қилмоқ, ўғитламоқ; 3) ижодий куч, ғайрат бағишламоқ, самарадор, унумли қилмоқ

إِخْصَابٌ – 1) самарадорлик, унумлилик, серҳосиллик; 2) маҳсулдор, самарали қилиш

خَصِبٌ – серҳосил, унумдор, самарали

خِصْبٌ – серҳосиллик, унумдорлик, мўл-кўллик; قَرْنُ الـ~ сероблик, мўл-кўллик; آلِهَةُ الـ~ мўл-кўллик илоҳаси

خُصُوبَةٌ – серҳосиллик, унумдорлик

خَصِيبٌ = خَصِبٌ; الْهِلاَلُ الـ~ *тар.* Маҳсулдор ярим ой (*Ироқ, Сурия, Лубнонда*)

– مِخْصَابٌ серҳосил

– مُخْصِبٌ 1. 1) унумдор, серҳосил; 2) унумдорликка, ҳосилдорликка ёрдам қиладиган; 2. кўп. اتٌ — ўғит; مُخْصِبَاتٌ كِمْيَاوِيَّةٌ кимёвий ўғитлар

– أَرْبَاعٌ *кўп.* ~ النَّاسِ оломон, тўда

– أَرْبَعٌ، أَرْبَعَةٌ тўрт; أَرْبَعَ عَشْرَةَ *ёки* أَرْبَعَةَ عَشَرَ ўн тўрт; ذَوَاتُ الـ~ тўртоёқлилар; يَوْمُ الـ~ чоршанба

– أَرْبِعَاءُ، أَرْبَعَاءُ يَوْمُ الـ~ чоршанба

– أَرْبَعُونَ қирқ; الـ~ а) қирқинчи; б) вафотдан кейинги

қирқинчи кун; حَفْلَةُ الْأَرْبَعِينَ вафотнинг қирқинчи куни ўтказиладиган маросим; عِيدُ الْأَرْبَعِينَ дин. (христианларда) Вознесение байрами; ◊ أُمُّ أَرْبَعٍ وَأَرْبَعِينَ зоол. қирқоёқ

– أَرْبَعِينَاتٌ қирқинчи йиллар

– تَرْبِيعٌ 1) тўрт марта кўпайтириш; 2) мат. квадратга кўтариш, тўртга кўпайтириш; 3) астр. чорак (Ой фазаси)

– تَرْبِيعَةٌ ج ت تَرَابِيعُ 1) квадрат; 2) кошин, нақшли (рангли) ғишт ..., кафел; 3) дераза ойнаси

– تَرْبِيعِيٌّ мат. квадратга оид; الجِذْرُ الـ~ квадрат илдиз

– رَابِعٌ тўртинчи; الـ~ عَشَرَ ўн тўртинчи; ~ا тўртинчидан

– رَبَاعٌ олдинги тишлар билан қозиқ тиши ўртасидаги тиши тушган (ҳайвон)

– رُبَاعَ тўрттадан; тўрт марта, тўрт карра

– رَبَّاعٌ оғир атлетикачи, штангист

– رِبَاعَةٌ йўртиш, йўртиб чопиш

– رُبَاعِيٌّ 1) тўртлик, тўрттадан иборат; الْأَحْرُفِ ~ тўрт ҳарфдан иборат; الْأَضْلَاعِ ~ мат. тўрттомонли; الْأَرْجُلِ ~ тўртоёқли; الْهَرَمُ الـ~ тўрт бурчакли пирамида; 2) геол. тўртламчи; الدَّوْرُ الـ~ тўртламчи давр; 3) муз. квартет; шеър, рубоий

– رَبَاعِيَةٌ кўп. ـاتٌ 1) олдинги тиш, курак тиш; 2) олдинги тишлар билан озиқ тиш ўртасидаги тиш

– رُبَاعِيَّةٌ кўп. ـاتٌ муз. квартет; шеър, рубоий; мат. кватернион (комплекс сонларни умумлаштириш натижасида ҳосил бўлган сон)

– رِبْعٌ тўрт кунлик давр; حُمَّى الـ~ кун оша тутадиган безгак

– رَبْعٌ[1] оғир атлетика билан шуғулланиш, оғир атлетикачининг машғулоти

– رَبْعٌ[2] кўп. رِبَاعٌ، رُبُوعٌ 1) яшаш жойи, қурилган уй-жой; 2) катта гурух, компания; 3) кўп. ер, ҳудуд; رُبُوعُ الْبِلَادِ мамлакат ҳудуди; رُبُوعُ الْيَمَنِ Яман; رُبُوعُ الْعَالَمِ الْعَرَبِيِّ араб. мамлакатлари ери (ҳудуди)

– رَبْعٌ[3] رَبْعَةٌ шунингдек: الْقَامَةِ ~ ўрта бўйли

– رُبْعٌ кўп. أَرْبَاعٌ 1) чорак, тўртдан бир; الدَّائِرَةِ ~ астр. мат. квадрант; 2) квартал (йилнинг чораги); سَنَوِيٌّ ~ кварталга оид, уч ойлик; руб (4 қадаҳ ёки 8, 25 литрга тенг суюқлик ўлчов бирлиги)

– رِبْعَةٌ[1] атторнинг халтачаси

– رَبْعَةٌ[2] ўрта бўйли; رَجُلٌ ~ ўрта бўйли одам

– رُبْعَةٌ кўп. رُبَعَاتٌ чорак, тўртдан бир; руба (1/4 قَدَحٌ ёки 0. 5l56 литрга тенг суюқлик ўлчов бирлиги)

– رُبْعِيٌّ кварталга оид; مَجَلَّةٌ ~ـةٌ уч ойда бир чиқадиган журнал

– رِبْعِيٌّ баҳорги, баҳорий

– رَبِيعٌ кўп. أَرْبِعَةٌ، رِبَاعٌ 1) баҳор, баҳор пайти; الْأَوَّلُ ~ раби-ул-аввал (ҳижрий тақвимнинг учинчи ойи); الثَّانِي ~ раби-ус-сний (ҳижрий тақвимнинг тўртинчи ойи). أُمُّ الرَّبِيعَيْنِ Уммур-рабиайн (Мосул шаҳри номларидан бири); زَهْرَةُ الـ~ бот. наврўзгул; 2) ўт, майса; 3) ўртоқ, улфат, шерик, ҳамтовоқ

– رَبِيعَةٌ кўп. رَبَائِعُ динамометр

– رَبِيعِيٌّ баҳорги, баҳорий; الاعْتِدَالُ الـ~ баҳорги кеча-кундуз баравар пайт

– مُرَابِعٌ чоракор, ҳосилнинг чорагига ишловчи; فَلَّاحٌ ~ ҳосилнинг чорагини олиш шарти билан ишловчи деҳқон

– مُرَابَعَةٌ ҳосилнинг чораги учун ишланган иш, чоракорлик; نِظَامُ الـ~ чоракорлик тартиботи

– مِرْبَاعٌ тўртдан бир

– مَرْبَعٌ кўп. مَرَابِعُ 1) кўчманчиларнинг баҳорги кўчиб юрадиган ери, кўчманчилар баҳорда қўниб ўтадиган жой; الْوَطَنِ ~ жонажон тупроқ, жонажон (қадрдон) ерлар; 2) зал, жой, макон; 3) кўкаламзор, кўкаламайдон

– مُرَبَّعٌ 1) квадрат шаклидаги; тўртбурчакли; 5; кўп. ـاتٌ квадрат; тўртбурчак; шахм. тахта; قَائِمُ الزَّاوِيَةِ ~ тўғрибурчак; شِبْهُ ~ трапецоид; مُنْحَرِفٌ ~ мат. трапеция; полигр. ҳарф ораларига қўйиб териладиган материал; ◊ سِحْرِيٌّ ~ сеҳрли (магияли) квадрат

– مُرَبَّعَةٌ кўп. ـاتٌ (шаҳардаги) квартал, маҳалла

– مِرْبَعَةٌ кўп. ـاتٌ 1) юк кўтарувчи кран; 2) спорт. штанга

– مَرْبُوعٌ шунингдек: الْقَامَةِ ~ ўрта бўйли

يَرْبُوعٌ алиф. б. қар.

I رَبَغَ (а) رَبْغٌ роҳат-фароғатда яшамоқ

– رَابِغٌ роҳат-фароғатли, омон-эсон; عَيْشٌ ~ бахтли ҳаёт

– رَبَاغَةٌ роҳат-фароғат, ҳузур, ҳузур-ҳаловат

I رَبَقَ (у) رَبْقٌ арқон (лассо) ташламоқ

– رِبْقٌ кўп. أَرْبَاقٌ، رِبَاقٌ арқон, арғамчи, лассо

– رِبْقَةٌ кўп. رِبَقٌ، رِبَاقٌ арқон, арғамчи, сиртмоқ, лассо; ◊ حَرَّرَ الاقْتِصَادَ مِنْ ~ الْقُيُودِ الاسْتِعْمَارِيَّةِ иқтисодни империализм кишанларидан озод этмоқ; خَلَعَ ~ الطَّاعَةِ لِـ... кимгадир қарши қўзғолонга кўтарилмоқ; هُوَ فِي ~ الْحَيَاةِ у ҳали тирик

I رَبَكَ (у) رَبْكٌ (ربك) 1) мураккаблаштирмоқ, чалкаштирмоқ, қийинлаштирмоқ; 2) тинчини бузмоқ, нотинч қилмоқ; 3) мазасини кетказмоқ, мазасини қочирмоқ; رَبِكَ (а) رَبَكٌ 1) мураккаблашмоқ, чалкашмоқ; 2) тинчи бузилмоқ, нотинч бўлмоқ; IV أَرْبَكَ саросимага солмоқ, нотинч қилмоқ; VIII ارْتَبَكَ 1) чалкашиб кетмоқ, қийналмоқ; 2) тинчи бузилмоқ; саросимага тушмоқ; 3) барбод бўлмоқ, издан чиқмоқ

– ارْتِبَاكٌ 1) чалкашлик; мураккаблик, қийналиш; 2) нотинчлик;

саросима, ўзини йўқотиш; барбод бўлиш

– رَبْكٌ 1) қийинчилик; 2) саросимага солиш

– مُرْتَبِكٌ, رَبِكٌ 1) чалкашиб кетган; 2) саросимага тушган; қўрқоқ, юраксиз; 3) мазаси қочган

– رَبْكَةٌ саросима, барбодлик

رَبَالَةٌ тўлалик, барвасталик, норғиллик

– رَبْلٌ кўп. رُبُولٌ кўкат, майса, ўриб олинган ўт ўрнига ўсиб чиққан янги ўт

– رَبِلٌ тўла, барваста, норғул

– رَبْلَةٌ кўп. رَبَلَاتٌ болдир; сон (оёқдаги)

– رِبِّيلٌ тўла, барваста, норғил, семиз, миқти

رَبُونٌ алиф. б. қар.

I رَبَا (ربو) (у) رُبُوٌّ ўсмоқ, улғаймоқ, ортмоқ, кўпаймоқ; (н. дандир) ошириб юбормоқ, орттириб юбормоқ, ошиб кетмоқ (عَلَى); رَبَا (у) رَبْوٌ ҳансираб нафас олмоқ; II رَبَّى 1) тарбияламоқ, тарбия бермоқ; 2) (мас., экинни, ҳайвонни) кўпайтирмоқ, ўстирмоқ; ◊ ~ الْفَوَاكِهَ بِالسُّكَّرِ мураббо тайёрламоқ; III رَابَى катта фоиз ҳисобига пул қарз бермоқ, судхўрлик қилмоқ; IV أَرْبَى кўпайтирмоқ, оширмоқ; (н. дандир) ошириб юбормоқ, орттириб юбормоқ (عَلَى); V تَرَبَّى 1) тарбияланмоқ, тарбия олмоқ; 2) кўпаймоқ, ошмоқ

– أُرْبِيَّةٌ алиф. б. қар.

– تَرْبَوِيٌّ тарбиявий, тарбияга оид

– تَرْبِيَةٌ 1) ўстириш, кўпайтириш; ~ الزُّهُورِ гулчилик; ~ النَّبَاتَاتِ ўсимликшунослик; ~ الْمَوَاشِي чорвадорлик; ~ الدَّوَاجِنِ паррандачилик; 2) ривожлантириш; الـ~ الْبَدَنِيَّةُ жисмоний тарбия, физкультура; 3) тарбия; таълим; عِلْمُ الـ~ педагогика; 4) тарбияланганлик; мулойимлик, одоблилик; قَلِيلُ الـ~ тарбиясиз, тарбияси ёмон

– تَرْبِيَوِيٌّ тарбиявий

– رَابٍ мн. رَابِيَةٌ баланд, катта

– رَابِيَةٌ кўп. رَوَابٍ тепалик, қир, баландлик

– رِبًا 1) порахўрлик; 2) судхўрлик; التَّعَامُلُ بِالـ~ судхўрлик билан шуғулланиш, судхўрлик қилиш

– رِبَاءٌ 1) порахўрлик; 2) судхўрлик; ~ الْفَاحِشِ ҳаддан зиёда фоизлар; أَقْرَضَ النَّاسَ بِالـ~ катта фоиз тўлаш шарти билан қарз бермоқ

– رَبَاوَةٌ кўп. ـَاتٌ — баландлик, тепа, тепалик

– رَبْوٌ кўп. أَرْبَاءٌ 1) шунингдек: دَاءُ الـ~ мед. нафас қисилиш касали, астма; الـ~ الشُّعَبِيُّ бронхиал астма; ~ الْخَرِيفِ безгак; 2) ҳансираб олинган нафас

– رُبْوَةٌ кўп. رُبًى тепалик, қир, адир

– رِبْوَةٌ кўп. رِبًى، رِبْوَاتٌ юз минг

– رِبَوِيٌّ 1) порага оид, порахўрликка оид; 2) судхўрликка оид

– مُرَابٍ мн. مُرَابِيَةٌ 1) порахўр; судхўр

– مُرَابَاةٌ судхўрлик

– مُرَبٍّ кўп. مُرَبُّونَ тарбиячи, мураббий, устоз, раҳбар

– مُرَبِّيَةٌ кўп. ـَاتٌ — мураббия, устоз аёл

– مَرْبًى кўп. مَرَابٍ кўчатзор, ниҳолхона, парваришхона; ~ سَمَكِيٌّ балиқ кўпайтиришга ихтисослашган парваришхона

– مُرَبًّى кўп. مُرَبَّيَاتٌ 1) мураббо, қиём; 2) мармелад (сол. шунингдек: مُرَبَّةٌ; қар. ربّ)

رِبُورْتَاجٌ кўп. ـَاتٌ — репортаж

رُبُونٌ 1) қаров, кафиллик, кафолат; 2) закалат, аванс (сол. шунингдек: أَرْبُونٌ ва عُرْبُونٌ)

I رَتَّ (и/а) رَتَتٌ тили тутилмоқ, дудуқланмоқ, соқовланмоқ

– أَرَتُّ мн. رُتٌّ кўп. رَتَّاءُ дудуқ, соқов

– رُتَّةٌ дудуқланиш, тутилиб гапириш

(رتب) II رَتَّبَ 1) тартибга келтирмоқ, тартибга солмоқ; тартиб билан қўймоқ; ~ عَلَى الْحُرُوفِ الْأَبْجَدِيَّةِ алифбо тартиби билан қўймоқ (жойлаштирмоқ); 2) яхши тайёрламоқ, яхши ҳозирламоқ; 3) тайин қилмоқ, тайинламоқ; ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ масъулият юкламоқ, жавобгарликни бўйнига қўймоқ; 4) (н. ғадир) сабаб бўлмоқ (عَلَى); V تَرَتَّبَ 1) тартиб билан терилмоқ, яхши тайёрланмоқ; тартиб билан қўйилмоқ; ~ صُفُوفًا сафланмоқ, сафларга тизилмоқ; 2) (н. нингдир) натижаси бўлмоқ (عَلَى), (н. дандир) келиб чиқмоқ (عَلَى)

– تَرْتِيبٌ кўп. ـَاتٌ — 1) тайёрлаш; ташкил этиш; 2) тартиб; жойлашиш; режа, план; بِالـ~ тартиб билан; عَلَى غَيْرِ ~ тартибсиз ҳолда, тартибсиз равишда; ~ هِجَائِيٌّ алифбо тартиби; عَدَمُ الـ~ тартибсизлик; الـ~ бетартиб; الْتَزَمَ الـ~ الَّذِي ... ...ган тартибга риоя қилмоқ; 3) кўп. а) жиҳозлаш, жиҳоз; б) чора, тадбир

– تَرْتِيبِيٌّ тартибли, тартибий; ~ عَدَدٌ грам. тартиб сон

– رَاتِبٌ[1] бир текис, бир ўлчовдаги, бир маромдаги; бир хил, бир турдаги

– رَاتِبٌ[2] 1) белгиланган, ўрнатилган; 2) кўп. رَوَاتِبُ белгиланган нарса; رَوَاتِبُ الْقُرْآنِ ёки الرَّوَاتِبُ Қуръони карим поралари; белгиланган кун ва соатда ўқиладиган намозлар; намозлар тўплами; 2) маош, ойлик, мояна, иш ҳақи; ~ تَقَاعُدِيٌّ нафақа, пенсия; إِمَامُ الـ~ доимий (штатли) имом; 3) маълум вақтга мўлжаллаб бериладиган озиқ-овқат

– رَتَابَةٌ 1) қотиб қолганлик, мутаассиблик, қолоқлик; 2) бир хиллик, бир тарзлик

– رَتَبَةٌ кўп. رَتَبٌ (зина ёки нарвоннинг) поғонаси

– رُتْبَةٌ кўп. رُتَبٌ 1) даража; الـ~ الْجَامِعِيَّةُ илмий даража; 2) қадр қиймат; унвон; мартаба; مَنْ نَالَ ~ تَغَيَّرَ سَرِيعًا мтл. мартабага эришган одам тез ўзгаради; 3) нав, сифат, сорт; 4) мат. хона; ~ الْعَشَرَاتِ ўнлар хонаси; ~ الْمِئَاتِ юзлар хонаси

– رَتَابَةٌ = رُتُوبَةٌ

– رَتِيبٌ 1) қотиб қолган, мутаассиб, қолоқ; 2) бир хил, бир тарздаги; бир текис, бир ўлчовдаги, бир маромдаги; ~ عَيْشٌ бир хил ўтаётган ҳаёт

– مُرَتَّبٌ 1) тайёрланган; тартибга келтирилган; 2) кўп. —اتٌ маош, мояна, ойлик, иш ҳақи; ~ شَهْرِيٌّ لِلطَّالِبِ стипендия; تَقَاضَى الـ~ маош олмоқ, мояна олмоқ

– مَرْتَبَةٌ кўп. مَرَاتِبُ 1) даража; поғона; 2) мат. хона; ~ الْآحَادِ бирлар хонаси; ~ الْعَشَرَاتِ ўнлар хонаси; ~ الْمِئَاتِ юзлар хонаси; 3) қадр-қиймат; الـ~ الثَّالِثَةُ тар. учинчи табақа (сословие); 4) ўрин, мартаба, аҳвол; احْتَلَّ الـ~ الْأُولَى а) (мас., сифат жиҳатидан) биринчи даражали бўлмоқ (товар ҳақида); б) спорт. биринчи ўринни эгалламоқ; 5) матрас, кўрпа; 6) скамейка, ўриндиқ

I رَتَجَ (رتج) (у) رَتْجٌ (эшикни) ёпмоқ, беркитмоқ; رَتِجَ (а) رَتَجٌ қийналиб гапирмоқ, тутилиб гапирмоқ; дудуқланмоқ; ~ عَلَيْهِ الْأَمْرُ қийин вазиятда қолмоқ; IV أَرْتَجَ ёпмоқ, беркитмоқ; أُرْتِجَ عَلَيْهِ الْكَلَامُ қийналиб (тутилиб) гапирмоқ; أُرْتِجَ ~ عَلَى الْقِرَاءَةِ у ўқий олмади; VIII اِرْتَتَجَ = IV

– رِتَاجٌ кўп. رُتُجٌ дарвоза, ёпиқ дарвоза

– رِتَاجٌ = رَتَجٌ

– مِرْتَاجٌ кўп. مَرَاتِيجُ ёғоч тамба, ёғоч лўкидон

I رَتَعَ (а) رُتُوعٌ 1) бемалол ўтлаб юрмоқ; 2) эркин яшамоқ; ҳузур қилмоқ; маза қилмоқ; ўйноқламоқ (болалар ҳақида)

– مَرْتَعٌ кўп. مَرَاتِعُ 1) яйлов, ўтлоқзор; 2) кенглик, яланглик, бепоёнлик; 3) шунингдек: ~ خَصِبٌ (бирор н. учун) замин, шароит (لِـ)

I رَتَقَ (и, у) رَتْقٌ тузатмоқ, ямоқ қилмоқ, ямамоқ; тикмоқ, чокламоқ

– رَاتِقٌ 1) ямоқчи, ямоқ солувчи

– رَتْقٌ 1) тикилган, чокланган; 2) бир бутун, яхлит

I رَتَكَ (у) رَتْكٌ йўрғалаб чопмоқ

– مَرْتَكٌ киме. қўрғошин оксиди; тех. глет (қўрғошин оксидининг техникадаги номи)

II رَتَّلَ (رتل) куйламоқ, ашула айтмоқ, (Қуръони карим оятларини) оҳангга солиб куйлагандек ёки қироат билан ўқимоқ

– تَرْتِيلٌ куйлаш

– تَرْتِيلَةٌ кўп. تَرَاتِيلُ ашула; гимн, нашида

– رَتَلٌ кўп. أَرْتَالٌ қатор, саф, қатор-қатор; ~ مِنَ الدَّبَّابَاتِ танклар колоннаси

– رُتَيْلَاءُ кўп. رُتَيْلَاوَاتٌ заҳарли ўргимчак; фаланга; ўргимчак бийи

– رُتَيْلَاءُ = رُتَيْلَى

– مُرَتِّلٌ куйловчи, хонанда, ҳофиз; сайроқи

I رَتَمَ (и) رَتْمٌ: مَا ~ بِكَلِمَةٍ у бир сўз ҳам айтмади, у оғиз очмади IV أَرْتَمَ бирор нарсани унутмаслик учун бармоққа ип ўраб олмоқ

– رَتَمٌ[1] бот. сариқ ёки оқ гуллайдиган ловиядошлар оиласига кирувчи бута

– رَتَمٌ[2] ратам (сафар олдидаги одат. Қадимда сафар олдидан эркаклар бу бутанинг икки новдасини бир-бирига чирмаб кетар эканлар. Сафардан келганларида новдалар ўша ҳолатда турган бўлса, демак, аҳли аёли унга хиёнат қилмаган, акс ҳолда эса хиёнат қилган деб ҳисобланар экан)

– رَتْمَةٌ кўп. رَتْمٌ ёки رَتِيمَةٌ кўп. رَتَائِمُ хотирадан чиқармаслик учун бармоққа ўралган ип

رُتُوشٌ туш билан сувратнинг кам-кўстини тўғрилаш, بِلَا ~ муболағасиз, гапга тўн кийгизмасдан

رَتِينَةٌ кўп. رَتَائِنُ эл. қизитиш сеткаси, чўғлаш сеткаси

I رَتَا (رتو) (у) رَتْوٌ қадам қўймоқ, қадам ташламоқ

– رَتْوَةٌ қадам

I رَثَّ (и/а) رَثَاثَةٌ эскимоқ, тўзимоқ, йиртилмоқ (кийим ҳақида); IV أَرَثَّ эскиртмоқ, эскитмоқ; VIII اِرْتُثَّ ўлар ҳолатда жанг майдонидан олиб чиқилмоқ

– رَثٌّ эски, тўзиган, тулаган, эскирган; шунингдек: ~ الْهَيْئَةِ йиртиқ, жулдур

– رَثَاثَةٌ тўзиганлик, эскирганлик

– رِثَّةٌ қар. ورث

– رِثَّةٌ кўп. رِثَاثٌ эскирган нарса, йиртилган нарса

– رَثَاثَةٌ = رُثُوثَةٌ

– رَثٌّ = رَثِيثٌ[1]

– رَثِيثٌ[2] ярадор

I رَثَا (رثو) (у) رَثْوٌ، رِثَاءٌ ўлганга йиғламоқ; (к. нидир) аямоқ, (к. гадир) раҳм қилмоқ, шафқат қилмоқ (لِـ); ~ الْمَيِّتَ ўлган одамга йиғламоқ; ~ هُ بِمَرْثَاةٍ мунгли шеър билан (марсия билан) кимнингдир ўлганига йиғламоқ; رَثَى (и) رِثَاءٌ ўлганга йиғламоқ; (к. нидир) аямоқ, (к. гадир) раҳм (шафқат) қилмоқ (لِـ); فِي حَالٍ يُرْثَى لَهُ аянчли, ачинишга лойиқ ҳолатда

– رِثَاءٌ 1) ўлганга йиғлаш; 2) таъзиянома; 3) марсия

– رَثْيٌ ўлганга йиғлаш; 2) ачиниш

– رَثْيَةٌ *мед.* бўғин яллиғланиши, артрит; бўғин оғрийдиган касаллик, подагра

– مَرْثَاةٌ, مَرْثِيَةٌ *кўп.* مَرَاثٍ марсия; (*к. нидир деб*) йиғлаш

I رَجَّ (*а/у*) رَجٌّ силкитмоқ, қоқмоқ, силкимоқ, титратмоқ, чайқамоқ; رُجَّ титрамоқ, чайқалмоқ; VIII اِرْتَجَّ 1) силкинмоқ, қоқилмоқ; қалтирамоқ; 2) тебранмоқ; чайқалмоқ, тўлқинланмоқ

– اِرْتِجَاجٌ силкиниш, қалтираш, тебраниш; الـ~ المُخِّيُّ ёки ~ المُخِّ *мед.* миянинг чайқалиб лат ейиши

– رَجَّاجٌ қалтироқ

– رَجَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) зарба, зарб, уриш, урилиш; (*вагондаги*) силкиниш; 2) ларза, пугур; 3) (*момақалдироқнинг*) гулдираши

– مُرْتَجٌّ силкинувчи, қалтироқ; ~ صَوْتٌ қалтироқ овоз

(رجا) IV أَرْجَأَ (*бирор н. бўлгунча*) кечиктириб (*орқага суриб, қолдириб*) турмоқ, кечиктирмоқ (إِلَى)

– إِرْجَاءٌ орқага суриш, кечиктириш; الـ~ *тар.* Муржийлар таълимоти (*нажот учун эътиқоднинг ўзи кифоя, хайрли ишларни эса орқага суриб туриш мумкин*)

– مُرْجِئٌ орқага surувчи, кечиктирувчи; الـ~ـَةُ *жам. тар.* муржийлар

I رَجَبَ (*у*) رُجُوبٌ (*к. дандир, н. дандир*) қўрқмоқ (*туш. к. ёки* مِنْ); رَجِبَ (*а*) رَجَبٌ қўрқмоқ, хайиқмоқ

– رَاجِبَةٌ *кўп.* رَوَاجِبُ (*бармоқдаги*) бўғим

– رَجَبٌ ражаб (*қамарий тақвимнинг еттинчи ойи; 30 кун*); ~ ان ражаб ва шаъбон ойлари

I رَجَحَ (*а*) رُجُوحٌ 1) босиб кетмоқ, оғир келмоқ; 2) (*н. нингдир*) вазнини қўлда чамалаб кўрмоқ, тахмин қилмоқ (بِيَدِهِ); II رَجَّحَ 1) оғир келтимоқ; 2) тахмин қилмоқ; ўз тахминини айтмоқ; يُرَجَّحُ أَنَّ . . . … бўлса керак, … эҳтимол; 3) (*н. нидир*) афзал кўрмоқ (عَلَى); 4) (*болани*) тебратмоқ тебратиб ухлатмоқ; IV أَرْجَحَ тарози палласини босиб турмоқ; V تَرَجَّحَ 1) тебранмоқ, силкинмоқ, чайқалмоқ; 2) энг кўп эҳтимоли бор бўлмоқ; 3) (*бирор жойга*) зўрға айланиб қайтиб келмоқ (إِلَى); VIII اِرْتَجَحَ тебранмоқ, силкинмоқ, гоҳ орқага, гоҳ олдинга бориб-келиб турмоқ; X اِسْتَرْجَحَ тахминан (*н. нингдир даврига*) мансуб деб билмоқ (عَلَى)

– أَرْجَحُ оғир келадиган, вазмин келадиган, тош босадиган, энг яхши энг, қулай; энг мумкин бўладиган, энг эҳтимоли кўп: ~ وَ энг الـ~ أَنَّ . . . … бўлса керак, … эҳтимоли бор; الظَّنُّ أَنَّ . . . … эҳтимоли кўпи шуки, …; عَلَى الـ~ бўлса керак, эҳтимол

– أَرْجَحِيَّةٌ тошнинг босиб кетиши, ортиқлик, кўплик, устунлик; афзаллик

– أُرْجُوحَةٌ *кўп.* أَرَاجِيحُ 1) арғимчоқ, ҳайинчалак; 3) бешик, беланчак; 3) *спорт.* икки учига арқон боғлаб осиб қўйилган темир таёқ, гимнастика асбоби

– تَرْجِيحٌ 1) афзал кўриш, устун кўриш; 2) эҳтимоллик

– رَاجِحٌ тош босадиган, ортиқ келувчи, афзал, имкони бор, эҳтимоли бор; الـ~ وَ أَنَّ . . . эҳтимолки, …, ~ عَقْلٌ кучли ақл, катта ақл

– رَجَاحَةٌ беозорлик, мулойимлик; вазминлик, босиқлик; жиддийлик; ~ العَقْلِ мулоҳазалилик, бамаънилик

– رُجَّاحَةٌ 1) арғимчоқ, ҳайинчалак; 2) бешик; 3) дам олиш учун қилинган осма тўр беланчак, гамак

– رُجْحَانٌ вазмин келиш, тош босиш; устун келиш, афзал бўлиш

– رُجْحَانِيَّةٌ : الـ~ *фалс.* пробабилизм (*диний-фалсафий таълимот*)

– رَجِيحٌ аъло даражадаги, зўр, ҳаммадан устун келадиган; عَقْلٌ ~ соғлом ақл

– مُرَجِّحٌ тош босишига олиб келадиган, вазмин келтирадиган, оғир қиладиган; ~ صَوْتٌ ҳал қилувчи овоз

– رُجَّاحَةٌ = مَرْجُوحَةٌ, مُرْجِيحَةٌ *кўп.* مَرَاجِيحُ

I رَجَدَ (*у*) رَجَادٌ бойлам нарсаларни (боғламларни) хирмонга ташимоқ

رَجْرَجَ 1) титрамоқ, тебранмоқ; 2) тез ҳаракат қилмоқ; تَرَجْرَجَ титрамоқ, тебранмоқ; 2) ҳаракатланмоқ, қимирламоқ; келиб чиқмоқ

– رَجْرَاجٌ 1) қалтировчи, тебраниб турган; ~ حُورٌ тоғтерак; 2) ҳаракатланаётган, қимирлаётган; ~ بَحْرٌ тўлғаниб турган денгиз

– رَجْرَجَةٌ қалтираш, титраш; тебраниш

(رجز) III رَاجَزَ ражаз (*қар.* رَجَزٌ) вазнидаги шеър билан мушоира қилмоқ; VIII اِرْتَجَزَ 1) ражаз вазнида шеър ўқимоқ *ёки* шеър хиргойи қилмоқ; 3) (*момақалдироқ*) гумбирламоқ

– أُرْجُوزَةٌ *кўп.* أَرَاجِيزُ ражаз вазнида ёзилган шеър

– رَجَزٌ ражаз (*шеър вазни номи*)

– رِجْزٌ, رُجْزٌ *кўп.* أَرْجَازٌ тангри томонидан юборилган жазо; 2) ифлослик, бузуқлик

I رَجِسَ (*а*) رَجَسٌ *ёки* رَجُسَ (*и*) رَجَاسَةٌ ўзига доғ туширмоқ, ўзини бадном қилмоқ; ифлос бўлмоқ, мурдор бўлмоқ, ҳаром бўлмоқ; رَجَسَ (*у*) رَجْسٌ 1) ўкирмоқ, бўкирмоқ (*туя ҳақида*); 2) шовулламоқ, шалдирамоқ (*ёмғир ҳақида*); 3) гумбурламоқ (*момақалдироқ ҳақида*)

– رَجَّاسٌ ўкираётган; гумбурлаётган; шариллаётган

– رَجَسٌ ифлослик, бузуқлик; ҳаромлик, мурдорлик

– رِجْسٌ *кўп.* أَرْجَاسٌ 1) ифлослик; ифлос нарсалар, қабоҳат, мурдорлик, қабиҳ ҳаракат; аблаҳлар, ифлослар; 2) жиноят

– مِرْجَاسٌ *кўп.* مَرَاجِيسُ *ден.* лот (*денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб*)

I رَجَعَ (*и*) رُجُوعٌ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; ~ إِلَى صَوَابِهِ кўриб

хато йўлдан қайтмоқ; ~ بِخُفَّيْ حُنَيْنٍ икки қўлни бурунга тиқиб қайтмоқ (сўзма-сўз: Ҳунайннинг икки ботинкаси билан қайтмоқ); 2) (н. нидир) тикламоқ, янгиламоқ (إِلَى); (н. нидир) қайтармоқ, орқасига ҳайтармоқ (بِ); 3)(к. гадир. н. гадир) мурожаат қилмок (إِلَى); (н. нидир) далил қилиб кўрсатмоқ (إِلَى); 4) (н. гадир) бориб тақалмоқ, мансуб бўлмоқ (إِلَى); 5) (н. нидир) тарк этмоқ, ташламоқ, ташлаб [illegible]ормоқ (عَنْ); ~ عَنْ عَزْمِهِ ўз қароридан қайтмоқ; ~ فِي ваъдага хилоф иш қилмоқ, гапирган гапидан қайтмоқ;(~ عَلَى عَقِبِهِ (أَعْقَابِهِ) қар. عَقِبٌ; 6) (к. гадир) яхши таъсир этмоқ (فِي); (к. гадир) даво бўлмоқ, фойдаси бўлмоқ (дори ҳақида-فِي); II رَجَّعَ 1) қайтармоқ, қайтариб юбормоқ; 2) қайтармоқ, такрорламоқ; акс-садо бермоқ; 3) куйламоқ, жўр бўлиб ашула айтмоқ, ашулага қўшилмоқ; 4) мусибат тушганда إِنَّا لِلّٰهِ وَ إِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ иборасини айтмоқ; III رَاجَعَ 1) яна қайтмоқ; қайтармок, такрорламоқ; ~ دُرُوسَهُ дарсларни такрорламоқ; ~ سُؤَالَهُ بَيْنَهُ وَ بَيْنَ نَفْسِهِ ўзига-ўзи савол бермоқ, ўзига савол бермоқ; 2) (н. нидир) яна қайтармоқ, қайтариб бермоқ, 3) (к. гадир) мурожаат қилмоқ; (брор н. ҳақида) маслаҳат сўраб мурожаат қилмоқ (فِي); رَاجِعْ (шунингдек: يُرَاجَعُ қаралсин (бирор манбага мурожаат қилинганида); 4) текширмоқ (мас., бирор жойга кираётганда билетни); солиштириб чиқмоқ; назорат қилмоқ, контрол қилмоқ; 5) (справочникка) қарамоқ; (бирор н. ҳақида) маълумот бермоқ (فِي); 6) қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ (цензура ҳақида); 7) юр. ишни кўриб чиқмоқ; 3) акс-садо бермоқ; IV- أَرْجَعَ 1) қайтармоқ, орқага қайтармоқ; ~ الشَّيْءَ إِلَى أُصُولِهِ таҳлил қилмоқ, анализ қилмоқ; 2) (вақт нуқтаи назаридан бирор н. га) мансуб деб билмоқ (إِلَى); 3) (н. дандир) қайтармоқ, қайтишга кўндирмоқ (عَنْ); ~ عَنْ قَرَارِهِ қароридан қайтармоқ; 4) ахлат чиқармоқ; VI تَرَاجَعَ 1) орқага қайтмоқ, чекинмоқ; 2) таназзулга (инқирозга) юз тутмоқ; VIII ارْتَجَعَ 1) орқага юрмоқ; (н. дандир) чекинмоқ (عَنْ); 2) орқага қайтармоқ; ўзига яна қайтармоқ, яна қайтариб олиб келмоқ; X اسْتَرْجَعَ 1) қайтаришни талаб қилмоқ; чақириб олмоқ; қайтармоқ, орқага қайтармоқ; ~ ذِكْرَيَاتٍ хотираларни тикламоқ; ~ عَافِيَتَهُ касалликдан сўнг тузалмоқ, ўзига келмоқ; ~ دُرُوسَهُ дарсларини қайтармоқ; 2) қайтариб олмоқ, ~ نَفْسَهُ (қўрқувдан кейин) ҳушига (ўзига) келмоқ; إِنَّا لِلّٰهِ إِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ "биз Оллоҳга тегишлимиз ва унинг даргоҳига қайтамиз" иборасини талаффуз қилмоқ

– ارْتِجَاعٌ 1) орқага қайтиш; 2) сиёс. реакция

– ارْتِجَاعِيٌّ 1) реакцион; 2) реакционер

– اسْتِرْجَاعٌ (н. нидир) қайтиб беришни талаб қилиш; тортиб олиш

– تَرَاجُعٌ чекиниш, орқага қайтиш; ~ خَطُّ чекиниш чизиғи

– تَرْجِيعٌ 1) нақарот; 2) қайтариш, такрорлаш; 3) (н. нидир) қайтариш

– رَاجِعٌ 1) қайтувчи, қайтарилувчи; такрорланадиган, қайтарма; الحُمَّى الـ~ـة такрорланиб турадиган безгак; 2) эри вафот этгач, қизликдаги уйига қайтган аёл

– رَجْعٌ[1] қайтиш, орқага қайтиш; ~ الصَّوْتِ акссадо; ◊ فِي ~ الْبَصَرِ кўз очиб-юмгунча, бир лаҳзада

– رَجْعٌ[2] ёмғир; وَ السَّمَاءِ ذَاتِ الـ~ Қур. ёмғир ёғаётган осмонга қасамки, ...

– رَجْعَةٌ 1) қайтиш, орқага қайтиш; بِلاَ ~ еки إِلَى غَيْرِ ~ еки لاَ ~ لَهُ қайтмайдиган бўлиб; 2) (мас., қўшиннинг) чекиниши; ~ خَطُّ чекиниш чизиғи; 3) сиёс. реакция; 4) тилхат, квитанция; 5) биол. атавизм, қадимги белгиларнинг кейинчалик яна пайдо бўлиши; 6) баъзи динларда: инсон ўлганидан кейин руҳ бошқа одамга ўтади деган таълимот

– رُجْعَةٌ кўп. رُجَعَاتٌ тилхат

– رِجْعَةٌ шар. талоқ қилинган хотин билан яна никоҳланиш

– رُجْعَى = رَجْعٌ

– رَجْعِيٌّ 1) орқага қайтувчи; регрессив; 2) сиёс. реакцион; 3) эълон этилмасдан олдинги ишларга жорий этиладиган (қонун ҳақида); ~ أَثَرٌ юр. эълон этилмасдан олдинги ишларга жорий этилиши; ~ قَانُونٌ ذُو أَثَرٍ эълон қилинишидан олдинги ишларга жорий этиладиган қонун;3) реакционер

– رَجْعِيَّةٌ 1) реакционлик; 2) сиёс. реакция; غُلاَةُ الـ~ ўта реакционерлар; 3) юр. эълон этилишидан олдинги ишларга жорий қилиниш

– رُجُوعٌ қайтиш, орқага қайтиш; (бирор н. га) мурожаат қилиш (إِلَى); ◊ ~ فَحْمٌ кул, хок, чиқит

– رَجِيعٌ 1) қайтарилган, қолдиқ бўлиб қолган; ~ فَحْمٌ кул, хок, чиқит; 2) ахлат, чиқинди, нажас, нажосат

– مُرَاجِعٌ ревизор; назоратчи

– مُرَاجَعَةٌ 1) муҳокама қилиш, кўриш; кўриб текшириб чиқиш; 2) солиштириш, солиштириб кўриш; 3) (бирор н. га) мурожаат қилиш; консультация; كِتَابُ الـ~ справочник, маълумотнома; 4) юр. (ишни) қайта кўриш; 5) назорат, контроль, ревизия

– مَرْجِعٌ кўп. مَرَاجِعُ 1) бир-бирига бўйсунадиган идора босқичи; الْمَرَاجِعُ الرَّسْمِيَّةُ идораларнинг расмий босқичи; مَرَاجِعُ الْاخْتِصَاصِ масалани ҳал қилишда тўла ҳуқуққа эга бўлган идоралар; 2) паноҳ, бошпана, бекиниш жойи; 3) эътиборли манба; қўлланма, справочник (маълумотнома); ~ فِي الْحِسَابِ арифметика бўйича қўлланма; ~ فِي الْجَبْرِ (الْهَنْدَسَةِ) алгебра (геомотрия) бўйича қўлланма; ◊ الـ~ الْأَخِيرُ (қутилиш учун қўлланадиган) сўнгги восита

I رَجَفَ (у) رَجْفٌ 1) силкитмоқ, тебратмоқ; 2) силкинмоқ, тебранмоқ; қалтирамоқ; IV أَرْجَفَ 1) ташвишли овозалар тарқатмоқ; ғулғула солмоқ;2) (бирор н. га) киришиб кетмоқ (فِي).

(бирор н. га) берилиб кетмоқ (فِي); VIII ارْتَجَفَ силкинмоқ, тебранмоқ, титрамоқ, қалтирамоқ; ~ مِنَ الْبَرْدِ совуқдан қалтирамоқ

– إِرْجَافٌ[1] миш-мишлар тарқатиш

– إِرْجَافٌ[2] кўп. أَرَاجِيفُ миш-мишлар, ташвишли ёлғон-яшиқ гаплар, уйдирмалар

– رَاجِفٌ силкитувчи, қалтироқ солувчи; الْحُمَّى الـ~ـة қайталаниб турадиган безгак

– رَاجِفَةٌ. الـ~ а) дин. (қиёмат кунида) сурнинг биринчи чалинган овози; б) кўч. м. ҳамманинг бошига тушган кулфат

– رَجَفَانٌ кучли силкиниш

– رَجْفَةٌ титраш, қалтираш; титроқ, ларза

– مُرْجِفٌ 1) миш-миш тарқатувчи; 2) ваҳимачи

I رَجِلَ (а) رَجَلٌ пиёда юрмоқ; II رَجَّلَ (сочни) тарамоқ, тараб силлиқламоқ; V تَرَجَّلَ 1) (отдан) тушиб пиёда юрмоқ; (машинадан) тушмоқ; 2) балоғатга етмоқ; 3) ўзини эркакча тутмоқ (аёл ҳақида); VIII ارْتَجَلَ тайёргарликсиз гапирмоқ ёки шеър ўқимоқ; X اسْتَرْجَلَ 1) балоғатга етмоқ, йигит ёшига етмоқ; 2) ўзини эркакча тутмоқ (аёл ҳақида)

– ارْتِجَالٌ тайёргарликсиз гапириш ёки шеър ўқиш; ~ًا тайёргарликсиз, кўққисдан, тўғридан-тўғри

– أَرْجَلُ 1) оёғидан бирида оқ ёли бор от; 2) оёғи катта одам

– رَاجِلٌ 1) пиёда; ~ًا пиёда юриб; 2) кўп. رَجَّالَةٌ йўловчи

– رَجَاجِيلُ кўп. пиёда аскарлар

– رِجَالاَتٌ кўп. арбоблар

– رَجَّالَةٌ кўп. пиёдалар, йўловчилар

– رِجَالِيٌّ эркакларга оид (кийим ҳақида)

– رَجْلٌ[1] пиёда; жам. пиёдалар; 2) йўловчи; жам. йўловчилар

– رَجْلٌ[2], رَجِلٌ жингалак, тарам-тарам (соч ҳақида)

– رَجُلٌ кўп. رِجَالٌ 1) эркак киши; эр; 2) одам; الـ~ُ الْعَدْلُ содда одам; الـ~ُ الْقَوِيُّ кучли одам; эск. الـ~ُ الْمَرِيضُ касал одам (эски Туркия ҳақида); ~ دَوْلَةٍ давлат арбоби; رِجَالُ الْإِذَاعَةِ وَ السِّينَمَا وَ التِّلْفِزْيُون радио, кино ва телевидение ходимлари; رِجَالُ الْأَعْمَالِ савдогарлар, ишбилармонлар, бизнесменлар; رِجَالُ الْبُولِيسِ полиция; رِجَالُ التَّعْلِيمِ ўқитувчилар, педагоглар; رِجَالُ السُّلْطَةِ ҳокимият вакиллари; رِجَالُ السِّلْكِ الدِّبْلُومَاسِيِّ дипломатлар, дипломатик корпус; رِجَالُ السِّيَاسَةِ сиёсатдонлар, сиёсатшунослар; رِجَالُ الصَّحَافَةِ журналистлар; رِجَالاَتٌ кўп. арбоблар, ходимлар; رِجَالُ الْفِكْرِ وَ الْعِلْمِ وَ الْأَدَبِ мутафаккирлар, олимлар ва адиблар; رِجَالُ اللاَّهُوتِ дин арбоблари (пешволари); رِجَالُ

وَ جَمِيعُهُمْ نَكِرَاتٌ номи чиқмаган одамлар; 3) карт. король; ◊ ~ عِنْدَ الشَّدَائِدِ وَاحِدٌ قَلْبٌ وَاحِدٌ барчалари оғир кунда бир жон-бир тандирлар

– رِجْلٌ[1] кўп. أَرْجُلٌ оёқ; кейинги оёқ, орқа оёқ (ҳайвонларда); رِجْلاَ الْبَنْطَلُون ~ шимнинг почалари; ◊ ~ُ الْأَرْنَبِ бот. беда, йўнғич-қа; ~ الْجَوْزَاءِ астр. Жавзо (Регел); الدُّنْيَا وَاقِفَةٌ (قَائِمَةٌ) عَلَى ~ ҳамма оёққа турган; وَقَفَ عَلَى رِجْلَيْهِ маж. оёққа турмоқ, куч тўпламоқ, кучга кирмоқ; قَطَعَ ~ـهُ مِنْ بَيْتِهِمْ уларнинг уйидан оёғини тортди, уларникига бормай қўйди; ~ـهُ وَ الْقَبْرِ бир оёғи гўрда

– رِجْلٌ[2] кўп. أَرْجَالٌ 1) (чигиртка) галаси, тўдаси; 2) (балиқлар) тўдаси, галаси

– رَجْلاَنُ кўп. رَجْلَى пиёда, пиёда юрувчи

– رَجْلَةٌ аёл киши

– رِجْلَةٌ бот. семизўт, гулбеор; итқулоқ; ◊ هُوَ أَحْمَقُ مِنْ ~ у қип-қизил аҳмоқ (сўзма-сўз: у итқулоқ ўсимлигидан ҳам аҳмоқ)

– رُجُولَةٌ, رُجُولِيَّةٌ 1) эркаклик ғурури, йигитлик ҳамияти; 2) балоғатга етганлик, вояга етганлик; بَلَغَ دَرَجَةَ الـ~ йигит ёшига етмоқ, вояга етмоқ; 3) мардлик, жасурлик, ботирлик, мардонаворлик

– مُرْتَجَلٌ тайёргарликсиз, тайёргарлик кўрилмаган (иш)

– مِرْجَلٌ кўп. مَرَاجِلُ қозон; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр қозони; ~ لِلصَّهْرِ мартен печи; غُرْفَةُ الـ~ қозонхона; ◊ يَغْلِي ~ـهُ بَيْنَ ёки يَخْتَدِمُ ~ جَنْبَيْهِ у ғазабдан қайнаб тошмоқда

I رَجَمَ (у) رَجْمٌ 1) (шайтонни, бузуқ аёлни) тошбўрон қилмоқ; 2) лаънатламоқ; ◊ ~ بِالْغَيْبِ а) гумон қилмоқ, фараз қилмоқ; б) (н. нидир) таваккалига (ўйламасдан) қилмоқ; II رَجَّمَ 1) гумон (тахмин) қилмоқ, (н. нидир) чамалаб кўрмоқ (بِ); 2) тош тўплаб (қабрни) дўмса қилмоқ; VI تَرَاجَمَ ўзаро бир-бирига тош отишмоқ

– رَجْمٌ[1] тошбўрон қилиш; ◊ ~ بِالْغَيْبِ гумон (фараз) қилиш, гумон, фараз; ~ًا بِالْغَيْبِ ўйламасдан, таваккалига; قَذَفَ حَصَاةً ~ًا بِالْغَيْبِ тошларни мўлжалламай, таваккалига иргитмоқ (отмоқ)

– رَجْمٌ[2] кўп. رُجُومٌ отиладиган (иргитиладиган) снаряд

– رَجْمٌ[3] кўп. رُجُومٌ учар юлдуз, метеор

– رَجْمَةٌ тош зарбаси, тош билан уриш; ◊ ~ بِالْغَيْبِ ўйламасдан, таваккалига

– رُجْمَةٌ кўп. رُجَمٌ, رِجَامٌ 1) тош уюми; 2) қабр тоши

– رَجِيمٌ 1) тошбўрон қилинган; 2) лаънати, малъун (шайтоннинг лақаби); الشَّيْطَانُ الـ~ шайтони ражим, лаънати шайтон

– مُرَجَّمٌ шубҳали, амалга ошиш эҳтимоли оз бўлган; مُرَجَّمَاتٌ

الظُّنُون шубҳали тахминлар

رَجِيم режим; парҳез

رَجِينَة *кўп.* رَجَائِنُ дарахт елими, елим

مَرْجُونَة – *кўп.* ـــاتٌ, مَرَاجِينُ сават, кажава

I (رَجو) رَجَا (у) رَجَاء 1) умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ; 2) илтимос қилмоқ, ўтинмоқ, рижо этмоқ; يُرْجَى إِرْسَالُ الْمَوَادِّ إِلَى ... материалларни ...га жўнатиш сўралади; 3) (*к. гадир*) тиламоқ, хоҳламоқ (لـــ); لَهُ خَيْرًا ~ кимгадир эзгулик тиламоқ; 4) қўрқмоқ, ҳайиқмоқ; رَجَا (а) رَجِيَ овози ўчмоқ, гапдан тўхтамоқ; (الْكَلَامُ) رَجِيَ عَلَيْهِ у ортиқ гапира олмади; II رَجَّى = VIII; IV أَرْجَى кечга сурмоқ, кечиктирмоқ; V تَرَجَّى 1) умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ; 2) ўтинмоқ, илтимос қилмоқ; VIII ارْتَجَى (*н. нидир к. дандир*) олишга умид боғламоқ (مِنْ)

– رَاجٍ *мн.* رَاجِيَةٌ умид қилувчи, умидвор

– رَجًا *кўп.* أَرْجَاءٌ 1) томон, чекка тараф; 2) бурчак; وَاسِعُ الْأَرْجَاءِ кенг, бепоён, поёни йўқ; فِي أَرْجَاءِ الْبِلَادِ бутун мамлакат бўйлаб, мамлакатнинг барча жойида

– رَجَاءٌ *кўп.* رَجَوَاتٌ 1) умид; قَطَعَ الـــ~ умид узмоқ; 2) илтимос, рижо; ... الـــ~ عَدَمُ التَّخَلُّفِ لِأَهَمِّيَّةِ ...ни эътиборга олиб ... ҳозирбўлиш сўралади; نَزَلَ عَلَى ~ـــهِ кимнингдир илтимосига сабаб бўлмоқ

– رَجَاةٌ умид, умидворлик

– رَجْوٌ қўрқиш, ҳайиқиш

– رَجِيَّةٌ умид қилинган нарса, кутилган нарса

– رَجَاةٌ = مَرْجَاةٌ

– مَرْجُوٌّ 1) умид қилинаётган, кутилаётган; 2) илтимос қилинаётган; ... الـــ~ أَنْ ... илтимос қилинмоқда; فِي ~نَا أَنْ ... умид қиламизки, ...

أَرَحُّ *мн.* رَحَّاءُ *кўп.* رُحٌّ оёғининг таги (кафти) ясси одам

I (رحب) رَحُبَ (у) رُحْبٌ *ёки* رَحَبٌ (а) رَحِبَ кенг бўлмоқ, кенгаймоқ, бепоён бўлмоқ; II رَحَّبَ (*к. нидир*) табрикламоқ, олқишламоқ, (*к. гадир*) салом бермоқ (بِ); ~ بِالضُّيُوفِ بِلِسَانِ الشَّعْبِ меҳмонларни халқ номидан олқишламоқ, табрикламоқ; IV أَرْحَبَ кенгаймоқ, кенг бўлмоқ; V تَرَحَّبَ = II; VI تَرَاحَبَ аста-секин кенгаймоқ

– تَرْحِيبٌ, تَرْحَابٌ 1) олқиш, табрик; خِطَابُ الـــ~ табрик нутқи; 2) хурсандлик; بِـــ~ хурсандлик билан

– تَرْحِيبِيٌّ табрикка оид; خُطْبَةٌ ~ـــةٌ табрик нутқи

– رَحَابَةٌ кенглик, бепоёнлик, чексизлик; رَحَابَةُ ... сайҳон ер;

الصَّدْرِ бағри кенглик; хушмуомалалик, меҳрибонлик; очиқ кўнгиллик; ◊ عَلَى الـــ~ وَ السَّعَةِ! хуш келибсиз!

– رَحْبٌ 1) кенг, бепоён; 2) *шунингдек*: الْبَاعِ ~ сахий, қўли очиқ; *шунингдек*: الصَّدْرِ ~ а) бағри кенг, хушмуомала; б) сабр-тоқатли, бардошли; الذِّرَاعِ ~ а) сахий, қўли очиқ; б) сабр-тоқатли, бардошли

– رُحْبٌ = رَحَبٌ

– رُحْبٌ кенглик, бепоёнлик; ◊ عَلَى الـــ~ وَ السَّعَةِ! хуш келибсиз!; اسْتَقْبَلَهُ عَلَى ~ وَ سَعَةٍ кимнидир қучоқ очиб кутиб олмоқ, қабул қилмоқ

– رَحْبَةٌ *кўп.* رِحَابٌ, ـــاتٌ 1) бўш жой, бўшлиқ, очиқлик, очиқ жой; رِحَابُ الْكَوْنِ (الْفَضَاءِ) олам бўшлиғи, космик фазо; 2) майдонча, майдон; (*машиналар*) парки (саройи); 3) (*масжиддаги*) саҳн, ҳовли; الْكَنِيسَةِ ~ черковнинг ўртаси, ўрта қисми; ◊ فُتِحَتْ لَهُ الرِّحَابُ الْفَسِيحَةُ унинг олдида кенг истиқболлар очилди

– رَحْبٌ = رَحِيبٌ

– مَرْحَبٌ кенглик, бепоёнлик; أَهْلًا وَ سَهْلًا وَ ~ًا *ёки* ~ًا بِكَ! хуш келибсиз!; ~ًا بِالصَّدِيقِ! хуш келибсиз, биродар!

رَحْرَحَ ёймоқ, юпқалатмоқ, парашламоқ (*хамирни*); ◊ بِالْكَلَامِ~ шама қилиб гапирмоқ, киноя қилиб гапирмоқ, қочирим қилиб гапирмоқ

– رَحْرَاحٌ 1) текис; нишаб, қиялаб борадиган (*мас., қирғоқ*); 3) хотиржам, дориломон (*ҳаёт*)

– رَحْرَاحٌ = رَحْرَحٌ

– رَحْرَحَةٌ 1) (*мас., хамирни*) ёйиш; 2) текислик, усти силлиқ текислик; ◊ بِالْكَلَامِ ~ кинояли гап, қочирим гап, тушуниб бўлмайдиган нутқ

– مُرَحْرَحٌ 1) силлиқ, текис, ялang, нишаб, қия; بَتَاوٌ ~ зоғора нон; 2) ингичка, нозик

I رَحَضَ (а) رَحْضٌ ювмоқ, чаймоқ, чайимоқ, чайқамоқ

– رَحِيضٌ ювилган, чайилган, чайқалган

– مِرْحَاضٌ *кўп.* مَرَاحِيضُ ҳожатхона

رَحِيقٌ, رُحَاقٌ 1) етилган, узоқ сақлаб чиниқтирилган шароб; 2) *шунингдек*: الزَّهْرِ ~ нектар, гулкосадаги ширин модда; ◊ امْتَصَّ ~ الْحَيَاةِ эзиб сувини ичмоқ

– رُحَاقِيٌّ шира йиғадиган (*гул*)

– رُحَاقٌ = رَحِيقٌ

– رُحَاقِيٌّ = رَحِيقِيٌّ

– مِرْحَقَةٌ *бот.* гулнинг шира (*нектар*) йиғадиган бези

I رَحَلَ (а) رَحِيلٌ (*қаердандир*) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ, йўлга тушмоқ (عَنْ, مِنْ); ~ مِنْ (عَنِ) الْوَطَنِ чет мамлакатга кўчиб кетмоқ;

◊ (الدُّنْيَا) عَنْ هٰذَا الْعَالَمِ ~ ёки عَنَّا رِحْلَةً مَنْ لَا يَعُودُ ~ вафот этмоқ; رَحَلَ (а) رَحْلٌ эгарламоқ; II رَحَّلَ 1) сафарга отлантирмоқ, жўнатмоқ; 2) кўчириб юбормоқ; 3) (*банкдаги маблағни*) кўчирмоқ, ўтказмоқ; IV أَرْحَلَ туя бермоқ, миниладиган туя тақдим қилмоқ; V تَرَحَّلَ (*бир жойдан бошқа жойга*) кўчиб юрмоқ, кўчманчилик қилмоқ; VIII اِرْتَحَلَ 1) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; 2) чет мамлакатга кетмоқ; ◊ ~ إِلَى رَحْمَةِ رَبِّهِ вафот этмоқ

– اِرْتِحَالٌ 1) жўнаш, жўнаб кетиш; 2) чет элга кўчиб кетиш

– تَرَاحِيلُ кўп. бир жойдан бошқа жойга кўчириш; أَعْمَالُ الـ~ чет элга кетиб бажариладиган ишлар; عُمَّالُ الـ~ бир иш жойидан бошқасига кўчирилиши мумкин бўлган ишчилар

– تَرْحَالٌ жўнаш, жўнаб кетиш; ◊ هٰذَا جَعَلَهُ بَيْنَ حَلٍّ وَ ~ бу нарса бир жойдан бошқасига кўчишга мажбур қилди

– تَرْحِيلٌ кўп. تَرَاحِيلُ жўнатиш; ~ الْحِسَابَاتِ *мол.* ҳисоб-китобларни ўтказиш

– رَاحِلٌ[1] 1) вафот этган, ўлган; 2) кетган, ўтиб кетган; 3) эмигрант

– رَاحِلٌ[2] кўп. رُحَّلٌ, رُحَّالٌ кўчманчи; الْعَرَبُ الرُّحَّالُ кўчманчи араблар

– رَاحِلَةٌ кўп. رَوَاحِلُ минишга ажратилган урғочи туя

– رَحَّالٌ кўп. رَحَّالَةٌ 1) кўчиб юрувчи; 2) кўчманчи; баҳорда ва кузда учиб келадиган ёки кетадиган (*қушлар*); 3) жуда кўп сафарда юрувчи; 4) сайёҳ

– رَحَّالَةٌ (*тадқиқотчи*) сайёҳ

– رَحْلٌ кўп. رِحَالٌ 1) эгар; شَدَّ ~ـهُ (رِحَالَهُ) (*бирор жойга*) жўнамоқ (إِلَى); حَطَّ ~ـهُ (رِحَالَهُ) ... қаергадир етиб келмоқ; حَطَّ ... عِنْدَ (رِحَالَهُ) ~ـهُ (أَلْقَى) (*қаердадир*) тўхтаб ўтмоқ, тўхтамоқ; 2) юк, багаж; 3) анжомли уй

– رَحْلَةٌ кўп. رَحَلَاتٌ парта (*Сурияда*)

– رُحْلَةٌ 1) сафардан кўзланган мақсад; 2) кўзланган мақсад

– رِحْلَةٌ кўп. ـَاتٌ —, رِحَلٌ саёҳат, сафар; бориш; *шунингдек*. ~ قَصِيرَةٌ экскурсия; ~ جَوِّيَّةٌ ҳавода (*мас., тайёра, дирижаблда*) саёҳат қилиш; учиш

– رَحِيلٌ 1) жўнаш; 2) *шунингдек*. ~ عَنِ الْحَيَاةِ ўлим, ўлиш

– مُرَحَّلٌ *мол.* қолдиқ (*бухгалтерияда*)

– مُرَحِّلٌ кўп. ـَاتٌ — реле

– مَرْحَلَةٌ кўп. مَرَاحِلُ 1) марҳала, мароҳил, босқич, давр; 2) (*қурилиш*) навбати, босқичи; фаза; даража; صَارُوخٌ مُؤَلَّفٌ مِنْ أَرْبَعِ مَرَاحِلَ тўрт босқичли ракета; ◊ بِمَرَاحِلَ анча, бирталай, кўпгина

– مَرْحَلِيٌّ босқичли, навбатчи

رَحِمَ I (а) رَحْمَةٌ раҳм қилмоқ, ачинмоқ, шафқат қилмоқ, кечирмоқ; لَا يَرْحَمُ қаҳри қаттиқ, тошбағир, бераҳм, бағри тош, қаҳрли; ~ـهُ اللّٰهُ худо раҳмат қилсин!, худо раҳматига олсин!; II رَحَّمَ 1) меҳр-шафқат кўрсатмоқ; 2) (*к. гадир*) раҳм қилишни сўраб ёлбормоқ (عَلَى); V تَرَحَّمَ (*к. нидир*) аямоқ, (*к. гадир*) раҳми келмоқ (عَلَى); رَحْمَةُ اللّٰهِ عَلَيْهِ! иборасини такрорлаб (*к. гадир*) раҳмат тилаб ибодат қилмоқ; VI تَرَاحَمَ бир-бирига раҳм-шафоат қилмоқ; X اِسْتَرْحَمَ раҳм-шафқат сўрамоқ; ялиниб-ёлбормоқ

– رَحِمٌ, رِحْمٌ, رَحْمٌ *мз. мн.* кўп. أَرْحَامٌ 1) *анат.* бачадон; عُنُقُ الـ~ бачадон бўғзи; حَمْلٌ خَارِجَ الـ~ бачадондан ташқаридаги ҳомиладорлик;2) қариндошлик; صِلَةُ الـ~ қон-қариндошлик; ذُو الـ~ (*она томондан*) қариндош; 3) (*н. нингдир*) ички қисми; кўп. ич, ичи, ўзак

– رُحْمٌ ёки رُحُمٌ раҳм-шафқат

– رَحْمٰنُ, رَحْمَانُ меҳрибон, раҳмдил (*Оллоҳ таоло исми сифатларидан бири*)

– رَحَمُوتٌ шафқат, раҳм-шафқат

– رَحْمَةٌ меҳрибонлик, ачиниш, қайғуриш; меҳр-шафқат; بِلَا ~ وَ لَا شَفَقَةٍ раҳмсизларча; عَدِيمُ الـ~ бераҳм, бешафқат; هُوَ تَحْتَ ~ ... у ...нинг ҳукми остидадир, у ...га қарамдир; الْفَلَّاحُ تَحْتَ ~ السَّمَاءِ деҳқон об-ҳавога (*сўзма-сўз:* осмонга) қарамдир; تَرَكَهُمْ تَحْتَ ~ الْجُوعِ وَ الْفَاقَةِ у уларни озиқ овқатсиз ва бошпанасиз ташлаб кетди; بِسَاطُ الـ~ тобут устига ёпилган мато

– رَحُومٌ меҳрибон, раҳмдил, шафқатли

– رَحِيمٌ 1) меҳрибон, раҳмдил, шафқатли; 2) марҳум, раҳматли

– مَرْحَمَةٌ кўп. مَرَاحِمُ меҳрибонлик, раҳмдиллик, раҳми келиш, ачиниш

– مَرْحُومٌ 1) раҳм-шафқат кўрсатилган киши; 2) марҳум, вафот этган

رَحَايَةٌ кўп. ـَاتٌ — қўл тегирмон (*сол.* رَحًى)

– رَحًى кўп. أَرْحِيَةٌ 1) қўл тегирмон; حَجَرُ الـ~ тегирмон-тоши; دَارَتْ ~ الْمَصْنَعِ *мaж.* завод тўла ишга тушди; دَارَتْ ~ الْحَرْبِ уруш бошланиб кетди; 2) озиқ тиш; ◊ ~ الْقَوْمِ одамларнинг энг эътиборлиси, пешқадами; ~ الْحَرْبِ урушнинг энг шиддатли палласи

– رَحَوِيٌّ айлантирадиган, айлантирувчи (*куч*); айланиш йўли билан ишлайдиган, ротацион

– رَحَوِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ — *тех.* чиғир ғалтак, чархпалак

رَخَّ I (а/у) رَخٌّ сув қўшмоқ, сув аралаштирмоқ; ~ـتِ السَّمَاءُ шаррос ёмғир қуйди

– رُخٌّ кўп. رِخَاخٌ, رِخَخَةٌ 1) *шунингдек*. طَائِرُ الـ~ рух (*афсонавий қуш номи*); ~ مِصْرِيٌّ *зоол.* калхат, қорақуш; 2) *шахм.* рух

– رَخَاخٌ 1) қулай; эркин, озод, ҳур; 2) юмшоқ

– رَخَّةٌ кўп. ـاتٌ — жала, шаррос ёққан ёмғир

هِيَ :رَخْوَ ,رَخْوٌ мн. رُخْرَى халқ. бошқа, ўзга; رَاخَرْ هُوَ у ҳам;

رُخْرَى у (мн.) ҳам

رَخْرَخَ бўшаштирмоқ, бўш қўймоқ; تَرَخْرَخَ бўшашиб кетмоқ, бўшашмоқ

– رَخْرَخَةٌ бўшашиш

– مُرَخْرَخٌ бўш, таранг эмас, тортилмаган

I رَخُصَ (у) رَخُصَ ,رَخَاصَةٌ 1) арзон бўлмоқ, арзонламоқ, арзонлашмоқ; тушмоқ, тушиб кетмоқ (*нарх ҳақида*); 2) янги бўлмоқ, тоза бўлмоқ; 3) паст (сифатсиз) бўлмоқ; II رَخَّصَ 1) арзонлаштирмоқ, арзон қилмоқ; 2) рухсат бермоқ, ваколат бермоқ; (*к. ғадир н. нидир қилишга*) рухсат (ижозат) бермоқ (لِـ ,بِ ,فِي); IV أَرْخَصَ 1) арзонлаштирмоқ, нархни туширмоқ; 2) (*н. нидир*) аямоқ, қизғанмай қўймоқ; V تَرَخَّصَ 1) арзон бўлмоқ, арзонлашмоқ; 2) рухсат берилмоқ, имкон берилмоқ; 3) (*к. ғадир н. дадир*) мурувват кўрсатмоқ, марҳамат қилмоқ; жоиз деб ҳисобламоқ, ўринли деб ҳисоблатмоқ; 4) (*н. нингдир*) баҳридан ўтмоқ, (*н. дандир*) воз кечмоқ (فِي), VIII ارْتَخَصَ 1) арзонлашмоқ, арзон бўлмоқ; 2) арзон нархда сотиб олмоқ; X اسْتَرْخَصَ 1) арзон деб ҳисобламоқ; الْأَنْفُسَ وَ الْمَالَ فِي سَبِيلِهِ ~ бирор нарса учун молининг ҳам, жонининг ҳам баҳридан ўтмоқ; 2) рухсат сўрамоқ, жавоб сўрамоқ

– تَرَخُّصٌ 1) арзонлик, арзонгарчилик; 2) такаллуфсизлик, муомалада эркинлик

– تَرْخِيصٌ 1) арзонлаштириш; 2) кўп. تَرَاخِيصُ рухсатнома, лицензия; الْبِنَاءِ ~ қурилиш қилиш учун рухсатнома

– رَخَاصَةٌ нозиклик, кўркамлик

– رَخْصٌ 1) тоза, янги (*мас., гўшт*); 2) нозик, назокатли

– رُخْصٌ 1) арзонлик, арзонгарчилик; 2) сифати пастлик, паст сифатлилик

– رُخْصَةٌ кўп. رُخَصٌ 1) рухсат, рухсат бериш; الْقِيَادَةِ ~ ҳайдовчилик рухсатномаси (гувоҳномаси); 2) рухсатнома; лицензия

– رَخَاصَةٌ = رُخُوصَةٌ

– رَخِيصٌ кўп. رِخَاصٌ 1) янги, тоза; 2) нозик, назокатли; 3) арзон, арзонбаҳо; паст навли; 4) сифати паст, паст сифатли; رَجُلٌ ~ пасткаш одам

– مُرْتَخِصٌ арзон, арзон нархдаги: بَذَلَ كُلَّ ~ وَ غَالٍ فِي سَبِيلِ شَيْءٍ маж. бирор нарсани деб бор-будини сарфламоқ

I (رخم) رَخُمَ (у) رَخَامَةٌ оҳангдор, ёқимли бўлмоқ, юмшоқ (майин) бўлмоқ (*овоз ҳақида*); رَخَمَ (у) رَخْمٌ (*тухум*) босиб жўжа очмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); II رَخَّمَ 1) (*овозни*) юмшоқ (майин) лаштирмоқ; бир пардадан бошқа пардага ўтмоқ (*муз.*); 2) *грам.* сўзнинг охирини қисқартирмоқ; 3) мармар қопламоқ, мармар қоплатмоқ

– تَرْخِيمٌ 1) овозни майин қилиш; 2) *грам.* (*сўзни*) қисқартириш; 3) мармар билан қоплаш, мармар қоплама

– رُخَامٌ мармар; سُمَّاقِيٌّ ~ *мин.* қурилишда ишлатиладиган тош жинси

– رُخَامَةٌ кўп. ـاتٌ — мармар тахта; мармар парчаси

– رَخَامَةٌ (*овознинг*) майинлиги, оҳангдорлиги

– رُخَامِيٌّ мармардан ишланган, мармарга оид

– رَخَمٌ *жам. зоол.* жўрчилар, йиртқич қушлар

– رَخَمَةٌ кўп. ـاتٌ — жўрчи, йиртқич қуш

– رَخِيمٌ майин, оҳангдор, юмшоқ (*овоз*)

I (رخو) رَخُوَ (у) رَخَاوَةٌ 1) сусаймоқ, ланж бўлмоқ, бўшашмоқ; 2) осилиб турмоқ, пастга қараб осилиб турмоқ; ◊ رَخُوَ (رَخَا) عَيْشُهُ бадавлат яшамоқ, фаровонликда яшамоқ; رَخِيَ (а) رَخَا ,رَخَاءٌ = رَخُوَ; IV أَرْخَى 1) бўшаштирмоқ, ланж қилмоқ, сусайтирмоқ; 2) осилтирмоқ, пастлатмоқ, туширмоқ اللَّيْلُ سُدُولَهُ عَلَى الْقَافِلَةِ ~ маж. карвон тун қўйнига сингиб кетди; 3) (*соқол*) қўйиб юбормоқ, қўймоқ; VI تَرَاخَى 1) заифлашмоқ, ҳоли қуримоқ, нозиклашмоқ, эрка табиат бўлмоқ; бепарволик қилмоқ, совуққонлик қилмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқлашмоқ, узоқда бўлмоқ (عَنْ); لَمْ يَتَرَاخَ أَمَدُهُ яқингинада, боягина; 3) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх*); 4) (*н. дадир*) суст ҳаракат қилмоқ, шошилмай иш кўрмоқ (عَنْ); VIII ارْتَخَى ҳоли қуримоқ, заифлашмоқ; ланж бўлмоқ; X اسْتَرْخَى 1) ҳоли қуримоқ, беҳол бўлмоқ, бўшашмоқ; ўзини эркин (бўш) қўймоқ; 2) пўк бўлиб қолмоқ, уқаланадиган бўлиб қолмоқ

– ارْتِخَاءٌ заифлик, ҳолсизлик; сустлик; беҳоллик; الْعِظَامِ ~ рахит; 2) кескинликнинг юмшаши

– ارْتِخَاءٌ = اسْتِرْخَاءٌ

– تَرَاخٍ 1) заифлик, ҳолсизлик; ўзини эркин қўйиш; чарчоқлик, дармонсизланиш, мадори қуриш, қувватнинг кетиши; 2) пўклик, уқаланишлик; 3) бепарволик, эътиборсизлик; 4) вақти ўтганлик, эскирганлик; (الْأَحْقَابِ) عَلَى تَرَاخِي الزَّمَنِ узоқ муддатдан кейин; بِتَرَاخِي الْعُصُورِ асрлар оша, асрлар ўтгач

– رَخَاءٌ 1) мўл-кўллик; 2) фаровонлик, фароғат; омад

– رُخَاءٌ шабада

– رَخَاوَةٌ 1) заифлик, сустлик, бўшашганлик; الْعُودِ ~ бўшанглик, ландовурлик; 2) пўклик, уқаланиб кетишлик, юмшоқлик; الْأَرْضِ ~ тупроқнинг юмшоқлиги, бўшлиги (*қурилиш қилишда*)

– رَخْوٌ ,رِخْوٌ ,رُخْوٌ 1) бўшашган, заиф; кучсиз; رِيحٌ ~ةٌ секин эсган (*кучсиз*) шамол, шабада; 2) пўк, уқаланиб кетадиган; 3) осилиб тушган, сангиллаган; 4) фон. сирғалувчи

– رَخْوَةٌ ,رُخْوَةٌ ,رَخَاوَةٌ-رِخْوَةٌ .حُرُوفُ الـ~ фон. сирғалувчи ундошлар (,ث, ح, خ, ذ, ز, س, ش, ظ, ص ض, غ, ف, ه)

– رَخْوِيَّاتٌ кўп. моллюскалар (*юмшоқ танли умуртқасиз*

жонивор)

— رَخِيٌّ 1) заиф, ланж; 2) пўк, уқаланиб кетадиган, юмшоқ; 3) қулай, эркин, озод, хур; ~ عَيْشٌ фаровон (тўқ) ҳаёт; ~ الْبَالِ ғамсиз, қайғусиз

— مُتَرَاخٍ мн. مُتَرَاخِيَةٌ 1) заиф, беҳол, бедармон; суст, бўшашган; 2) бепарво, совуққон

I رَدَّ (a/u) رَدٌّ 1) қайтармоқ, орқага юргизмоқ; (нур ёки овозни) қайтармоқ; ~ الدَّيْنَ қарзни қайтармоқ; ~ الْاعْتِبَارَ оқламоқ, пок номини қайтармоқ; ~ الْعَدْلَ إِلَى نِصَابِهِ адолатни қайта тикламоқ, ҳақиқатни тикламоқ; مَا يَرُدُّ هٰذَا عَلَيْكَ شَيْئًا бу сенга ёрдам бермайди, бунинг сенга фойдаси йўқ; ~ الْبَابَ эшикни ёпмоқ; ~ النُّورَ нурни қайтармоқ; 2) итариб юбормоқ, итармоқ, рад қилмоқ, қайтармоқ; ~هُ عَنِ الْحُكْمِ فِي قَضِيَّةٍ кимнидир, суддан қайтариб олмоқ; ~ يَدَهُ кимнингдир қўлини қайтармоқ; ~ عَنِ الْعَزْمِ (бирор ишдан) айнитмоқ, чалғитмоқ; 3) уриб қайтармоқ, даф қилмоқ, қайтармоқ; ~هُ عَلَى عَقِبِهِ (أَعْقَابِهِ) кимнидир қувиб ҳайдамоқ, қувмоқ; ~ الْعَدُوَّ إِلَى أَعْقَابِهِ душманни қувиб ҳайдамоқ; 4) эътироз билдирмоқ; 5) (кимгадир) жавоб қайтармоқ (عَلَى); ~ بِالْمِثْلِ ўша нарсанинг ўзи билан қайтармоқ, жавоб бермоқ; ~ السَّلَامَ саломга алик олмоқ; 6) (н. нидир бошқа бир н. га) нисбат бермоқ, мансуб деб ҳисобламоқ (إِلَى); 7) (н. нидир) рад қилмоқ, инкор қилмоқ (عَلَى); لَا يُرَدُّ рад этиб бўлмайдиган, инкор қилинмайдиган; II رَدَّدَ қайтармоқ, такрорламоқ; жўр бўлиб ашула айтмоқ, ашулага қўшилмоқ; ~ فِي سِرِّهِ ўзича такрорламоқ, ичида қайтармоқ; V تَرَدَّدَ 1) иккиланмоқ, тараддудга тушмоқ; 2) (н. гадир) шубҳа қилмоқ, шубҳа билан қарамоқ (فِي); 3) қайтмоқ (акссадо ҳақида); 4) галма-галдан бўлмоқ, навбатлашмоқ; 5) (к. нингдир олдига) қатнамоқ, бормоқ, зиёрат қилмоқ (إِلَى، عَلَى); 6) ўзгарувчан бўлмоқ, беқарор бўлмоқ (тақдир ҳақида); VIII ارْتَدَّ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) шунингдек ~ عَلَى (إِلَى) أَعْقَابِهِ орқага қайтмоқ, чекинмоқ; 3), (н. дандир) қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); (н. нидир) тарк этмоқ, ташламоқ, ташлаб юбормоқ (عَنْ); 4) муртад бўлмоқ, қайтганлардан бўлмоқ, хоин бўлмоқ; 5) қайтарилмоқ, даф этилмоқ; 6) (бирор жойдан) келиб иргиб қайтмоқ, сачраб қайтмоқ (ўқ ҳақида); X اسْتَرَدَّ 1) қайтиб олмоқ, қайтариб олмоқ; 2) уриб қайтармоқ, даф этмоқ; 3) қайтиб беришни сўрамоқ (талаб қилмоқ); ◊ ~ أَنْفَاسَهُ нафасни ростлаб олмоқ

— ارْتِدَادٌ 1) чекиниш; 2) бекорга чиқиш, пучга чиқиш, ҳабада бўлиш; 3) муртадлик, хоинлик, қайтганлик; ~ عَنِ الدِّينِ диндан қайтиш; 4) орқага қайтиш, регресс

— اسْتِرْدَادٌ 1) қайтиб олиш, тортиб олиш, қайтариб олиш; رُسُومُ الـ~ қайтиб бериладиган божлар; 2) қайтаришни сўраш, қайтиб беришни талаб қилиш; ~ دَعْوَى الْحِيَازَةِ эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги даъво

— تَرْدَادٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) тез-тез зиёрат қилиш

— تَرَدُّدٌ 1) тараддуд, иккиланиш, қатъиятсизлик; беқарорлик, субутсизлик; ~ فِي غَيْرِ иккиланмасдан, қатъият билан; 2) такрорланиш; тех. частота; عَالِي الـ~ эл. юқори частотали (ток ҳақида)

— تَرْدِيدٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) ашулага жўр бўлиш

— رَادٌّ даф этувчи, қайтарувчи; لَا ~ لَهُ олдини олиб бўлмайдиган, рад этиб бўлмайдиган, даф этиб бўлмайдиган

— رَادَّةٌ фойда, наф

— رَدٌّ[1] кўп. رُدُودٌ қайтиш, қайтиб келиш; ~ الْاعْتِبَارِ олдинги обрўсини тиклаш, реабилитация; ~ُ الْفِعْلِ кўп. رُدُودُ الْفِعْلِ бир руҳий ҳолатдан қарама-қарши руҳий ҳолатга ўтиш, реакция; 2) акс этиш; ~ الصَّوْتِ акссадо; 3) жавоб; ~ صَاعِقٌ مَاحِقٌ яшин тезлигидаги ва ҳал қилувчи (қақшатқич) жавоб; بَعْدَ أَخْذٍ وَ ~ узоқ тортишувлардан кейин; ~اً عَلَى كِتَابِهِ унинг хатига жавобан; الـ~ بِالْمِثْلِ юр. дип. реторция (халқаро ҳуқуқда бир давлат қўллаган тадбирга қарши иккинчи давлатнинг жавоб тадбири)

— رَدٌّ[2] ёмон

— رَدَّةٌ 1) қайтариш; ~ُ الْفِعْلِ бир руҳий ҳолатдан қарама-қарши руҳий ҳолатга ўтиш, реакция; 2) нақарот; 3) кепак; 4) организмда илгари мавжуд бўлган белгиларнинг кейинчалик яна пайдо бўлиши, атавизм

— رِدَّةٌ 1) бекорга чиқиш, пучга чиқиш, ҳабада бўлиш; 2) диндан қайтиш, куфр, муртадлик; حُرُوبُ الـ~ тар. Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейинги диндан қайтганларга қарши олиб борилган урушлар; 3) акссадо; 4) орқага қайтиш, реакция; قُوَى الـ~ қайтиш кучлари

— رِدِّيدَى қайтариш, рад этиш

— مُتَرَدِّدٌ тебранувчи, титровчи; ~ الْفِكْرِ қатъиятсиз, ланж, дадил эмас

— مُرْتَدٌّ 1) диндан қайтган, кофир, муртад; 2) хоин

— مَرَدٌّ 1) қайтиш жойи; 2) даф этиш, қайтариш; لَا ~ لَهُ қочиб қутулиб бўлмайдиган, қайтариб бўлмайдиган; ◊ ~هُ إِلَى ... бу ... деб изоҳланади

— مُرَدِّدٌ қайтарувчи, такрорловчи, ака-садо берувчи

— مَرْدُودٌ 1) қайтариладиган, даф этилган; 2) қайтиб келган, қайтувчи; 3) ёпиқ, берк; بَابٌ ~ شَرٌّ مَطْرُودٌ мтл. ёпиқ эшик-ҳайдалган ёвузликдир; 4) фойда, ютуқ, даромад; 5) ҳосилдорлик; 6) фойдали иш коэффициенти; (маҳсулотнинг) чиқарилиши, ишлаб чиқарилиши; ~ُ الْعَمَلِ меҳнат самарадорлиги; ~ الْمَاكِنَةِ машинанинг унумдорлиги; رَفِيعُ الـ~ унумдорлиги юксак

I رَدَأَ (a) رَدْءٌ (ردأ) 1) тиргак қўймоқ, тираб қўймоқ (мас., деворга); 2) қўлламоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ; رَدُؤَ (у) رَدَاءَةٌ ёмонлашмоқ, ёмон бўлмоқ; IV أَرْدَأَ 1) ёмонлаштирмоқ, баттар

қилмоқ; 2) ёрдам бермоқ, ёрдам кўрсатмоқ; V تَرَدَّأَ ёмонлашмоқ, баттар бўлмоқ

– رَدَاءَةٌ 1) ёмон ҳолат, ёмон вазият, ёмон сифат; ~ الطَّقْسِ ёмон ҳаво, ёмон об-ҳаво; 2) ёмонлик, нияти бузуқлик

– رِدْءٌ кўп. أَرْدَاءٌ 1) тиргак, тутқа, ёрдам; 2) ёрдамчи

– رَدِيءٌ кўп. أَرْدِيَاءُ 1) ёмон, ярамас, хунук, расво; бемаъни; ~ التَّرْبِيَةِ тарбиясиз, тарбияси бузуқ; ~ الطَّبْعِ феъли бузуқ, табиати ярамас; нияти бузуқ

رَدْبٌ кўп. رُدُوبٌ берк кўча, тупик

I رَدَحَ (а) رَدْحٌ сўкмоқ, коймоқ, ҳақорат қилмоқ, таъна қилмоқ, ўлка қилмоқ, айбситмоқ; III رَادَحَ гап қайтармоқ, гап билан тузламоқ; курашмоқ, қаршилик қилмоқ

– رَدَّاحٌ оғзи бесар. кўп сўкадиган (сўкинадиган)

– رَدْحٌ нохушлик, лоҳаслик, дармонсизлик

– رَدَحٌ маълум вақт давом этган муддат; ~ًا طَوِيلًا ёки ~ًا مِنَ الدَّهْرِ анча вақт, анча маҳал

– رُدْحَةٌ чодирда ухлаш хонасини ажратиб турувчи парда (тўсиқ)

I رَدَسَ (у, и) رَدْسٌ тепкилаб зичламоқ, шиббаламоқ

– مِرْدَاسٌ кўп. مَرَادِيسُ ёки مِرْدَسٌ кўп. مَرَادِسُ шибба, шиббалайдиган асбоб

I رَدَعَ (а) رَدْعٌ 1) тўхтатиб (ушлаб) қолмоқ; (н. дандир) тутиб (сақлаб) қолмоқ, тиймоқ (عَنْ); жиловламоқ; 2) (н. дандир) итариб ташламоқ, итариб юбормоқ (عَنْ); VIII ارْتَدَعَ 1) (н. дандир) ўзини иҳота қилмоқ, ўраб олмоқ (عَنْ); 2) ўзини тиймоқ, тўхтамоқ, босилмоқ; (н. дандир) тўхтатиб (ушлаб) қолинмоқ (عَنْ); 3) (н. дандир) қайтмоқ, (н. нидир) рад этмоқ, қайтармоқ (عَنْ)

– رَادِعٌ тўхтатиб турувчи бош сабаб; لَا ~ لَهُمْ وَلَا زَاجِرَ уларни тўхтата оладиган ҳеч нарса йўқ; ~ بِغَيْرِ ўзини ҳеч тўхтата олмай; ҳеч бир виждони қийналмай

– رَدْعٌ ушлаб (тутиб) туриш, тийиш; ~ سِيَاسَةُ الـ тутиб туриш сиёсати

رَدَاغٌ رَدْغَةٌ кўп. رِدَاغٌ ,رَدَغَةٌ лой

I رَدِفَ (у) رَدْفٌ (к. нингдир) орқасидан (изидан) бормоқ; III رَادَفَ орқага мингашмоқ; синоним бўлиб келмоқ, маъноси бир хил бўлмоқ; IV أَرْدَفَ 1) (к. нидир) ўзининг орқасига мингаштирмоқ; 2) (н. нидир) илова қилмоқ, қўшимча қилмоқ (بِ); (н. нидир) қўшимча қилмоқ, қўшмоқ (بِ); VI تَرَادَفَ 1) бир-бирининг орқасидан бормоқ, бир-бирига эргашмоқ; 2) синоним бўлмоқ, маъноси бир бўлмоқ

– تَرَادُفٌ маънодошлик, синонимлик

– رَادِفٌ (к. нингдир. н. нингдир) орқасидан (изидан) борувчи; ◊ ~ةُ الـ сурнинг иккинчи чалиниши (қиёматда)

– رِدَافٌ сағри, отнинг сағриси

– رِدْفٌ кўп. أَرْدَافٌ 1) орқага оид, орқа томондаги; 2) бирор ҳайвонга орқа томондан мингашган киши; 2) орқа томон, орқа, сағри, от сағриси; 3) бирор нимaнинг кетидан келган нарса; ◊ ~انِ الـ кун ва тун

– رَدِيفٌ кўп. رُدَافَى 1) (н. нингдир) орқасидан юрувчи (لِـ); ~ًا (н. нингдир) орқасидан (لِـ); 2) бирор ҳайвонга орқа томондан мингашган киши; 3) ҳарб. заҳира, эҳтиёт, запас, резерв; 4) шеър. радиф

– مُرَادِفٌ кўп. ~ اتٌ, مُتَرَادِفَةٌ — синоним, маънодош сўз

I رَدَمَ (и) رَدْمٌ (ردم) 1) кўммоқ, кўмиб тўлдирмоқ, (мас., чуқурни) тупроқ билан тўлдирмоқ (тўлғазмоқ); 2) тузатмоқ, ясамоқ, ямоқ солмоқ; IV أَرْدَمَ чўзилиб кетмоқ, чўзилмоқ, узлуксиз бўлмоқ; V تَرَدَّمَ 1) эскирмоқ, эскимоқ, ямоқ солиш керак бўлмоқ; 2) ямамоқ, ямоқ солмоқ

– رَدْمٌ[1] тўлдириш, тўлғазиш, (чуқурни) тупроқ солиб текислаш

– رَدْمٌ[2] 1) кавланганда чиққан тупроқ; 2) синиқ, парча, бўлак; ахлат, супринди, хас-чўп; 3) хароба, вайрона, харобазор

– رَدِيمٌ 1) уйиб ташланган, кўмиб ташланган; ~ الْقَدِيمُ عَلَيْهِ الـ ўтдинг-кетдинг, ўтиб кетган нарса унутилмай қолмайди; 2) эскирган, чириган, тўзиган (кийим ҳақида)

– مُتَرَدَّمٌ тузатишга (ямашга) муҳтож (кийим ҳақида); ◊ هَلْ غَادَرَ الشُّعَرَاءُ مِنْ ~؟ ҳамма нарса олдин қилиб (айтиб) бўлинган (сўзма-сўз: ямашга муҳтож нарсани шоирлар қолдиришганми?)

I رَدَنَ (и) رَدْنٌ 1) йигирмоқ; 2) миёвламоқ, мингирламоқ; 3) (к. гадир) ириллaмоқ, бидирламоқ (عَلَى)

– رُدْنٌ кўп. أَرْدَانٌ енг (кийимдаги)

– مِرْدَنٌ кўп. مَرَادِنُ урчуқ, чарх

رَدْهَةٌ кўп. رَدَهَاتٌ зал; вестибюл; фойе

زَجَّ I (а/у) زَجٌّ (*к. нидир, н. нидир*) отиб юбормоқ, ташлаб юбормоқ (*туш.к.ёки* بِ); زَجَّ بِهِ فِي السِّجْنِ кимнидир қамоққа ташламоқ; ~ نَفْسَهُ а) (*қаёққадир*) ташланмоқ (فِي); б) (*бирор н. га*) аралашмоқ, суқилмоқ (فِي); II زَجَّجَ 1) қошга (*бирор н.*) суртмоқ; 2) ойнага (шишага) айлантирмоқ; VII اِنْزَجَّ (*қаергадир*) ташланган (отилган) бўлмоқ (فِي)

– زَجٌّ *кўп.* زِجَاجٌ *мн.* أَزَجُّ, زَجَّاءُ қоши узун ва ингичка, узун ва ингичка қошли

– زُجٌّ *кўп.* زِجَاجٌ, أَزْجَاجٌ металл чамбарак, гардиш; (*калтакнинг*) металл учи, ниши, найзаси

– زَجَّاجٌ ойнасоз, ойна солувчи

– زُجَاجٌ *жам.* ойна, шиша; ~ الْمُلَوَّنُ ёки ~ الْمُعَشَّقُ ёки ~ الْمُعَشَّقُ بِالرَّصَاصِ витраж (*сурат солинадиган рангли ойна*)

– زِجَاجَةٌ шиша (ойна) ишлаб чиқариш

– زُجَاجَةٌ *кўп.* ـــَاتٌ 1) шиша (*ойна*) парчаси; 2) шиша идиш (*кўзача; бутилка; фляга*); ~ الرَّوَائِحِ бир флакон атир; 3) (*керосин чироғи*) шишаси; 4) *фотб.* пластинка (*тасвир тушириладиган шиша, мослама*)

– زُجَاجِيٌّ 1 шиша (ойна) га оид; ~ أَوَانٍ шиша идиш; ~ بَيْتٌ ёки غُرْفَةٌ ~ـــَةٌ оранжерея (*ойналар билан ёпилган иситиладиган гулхона*); 2. шишафуруш; *ойнасоз, ойна солувчи*

– زَجِجٌ узун ва ингичка (*қош ҳақида*)

زَجَرَ I (у) زَجْرٌ 1) (*к. гадир*) бақирмоқ, бақириб бермоқ, бақириб ҳайдамоқ; 2) (*н. дандир*) қайтармоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); тўсқинлик, монелик қилмоқ; VI تَزَاجَرَ ўзаро бақиришиб (*н. нидир*) ман қилмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) бир-бирини тўхтатмоқ (عَنْ); VII اِنْزَجَرَ (*к. томонидандир*) тўхтатилмоқ, тўхтатиб қолинмоқ; VIII اِزْدَجَرَ ўзини тўхтатмоқ, тўхтатилмоқ

– زَاجِرٌ[1] (*қушнинг учишига қараб*) фол (ром) очувчи

– زَاجِرٌ[2] 1) тутиб қолувчи, тўхтатиб қолувчи; اَلْأَحْكَامُ الـــَةُ (*қонуннинг*) огоҳлантирувчи моддалари; اِتَّخَذَ التَّدَابِيرَ الـــَةَ (*бирор н. нинг*) олдини олувчи тадбирлар (чоралар) қўллаш; 2) *кўп.* زَوَاجِرُ хабар

– زَاجِرَةٌ *кўп.* زَوَاجِرُ тўхтатувчи (тўхтатиб турувчи) асос, манбаъ

– زَجْرٌ *кўп.* زُجُورٌ осётрларга мансуб балиқ

– زَجْرٌ дўқ-пўписа; бақириқ; бақир-бақир; ◊ سِيَاسَةُ الـ ~ дўқ-пўписа сиёсати

– زَجْرَةٌ *кўп.* زَجَرَ 1) дўқ, пўписа, бақириқ; 2) (*қуш учишига қараб*) фол (ром) (*очган фолбин томонидан кўрсатилган*) нишона, белги

– زَجْرِيٌّ тўхтатувчи, тутиб (ушлаб) турувчи; тақиқловчи, ман қилувчи; تَدَابِيرُ ~ـــَةٌ огоҳлантирувчи чоралар (тадбирлар)

زَجَلَ I (у) زَجْلٌ отмоқ, отиб (иргитиб) юбормоқ; чиқармоқ, чиқариб юбормоқ (*каптарларни*)

– زَاجِلٌ: حَمَامُ الـ ~ почта каптарлари (*хат ташувчи, хабарчи каптарлар*)

– زَجَّالٌ *кўп.* زَجَّالَةٌ шеърий халқ қўшиқлари яратувчиси, бахши, халқ шоири

– زَجَلٌ[1] *кўп.* أَزْجَالٌ шеърий халқ қўшиғи

– زَجَلٌ² *халқ.* ёлғон, алдов

– زَجَلٌ³ овоз, товуш

– زَجِلٌ овозли, товушли; سَحَابٌ ~ момақалдироқли булут

– زَجَلِيَّةٌ шеърий халқ қўшиғи

I زَجَا (زجو) (у) زَجْوٌ 1) юрмоқ, ҳаракатланмоқ, ҳаракат қилмоқ; 2) ҳаракатлантирмоқ, юрдирмоқ, итармоқ, сурмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; II زَجَّى 1) ҳаракатлантирмоқ, юрдирмоқ, итармоқ, сурмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; 2) (*вақт*) ўтказмоқ; أَزْجَى 1) юрдирмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; 2) келтирмоқ (*фойда* فَائِدَةً); 3) етакламоқ, ҳайдамоқ; الْإِبِلَ ~ туяни етакламоқ;4) (*мақтов, ташаккур ва б. ларни к. гадир*) айтмоқ, юбормоқ, билдирмоқ; الثَّنَاءَ ~ мақтамоқ, мақтов айтмоқ; ... إِلَى تَهَانِيَهُ الْقَلْبِيَّةَ ~ кимнидир чин қалбдан табрикламоқ; ... إِلَى الشُّكْرَ ...га ташаккур билдирмоқ; V تَزَجَّى (*бирор н. билан*) кифояланмоқ (بِ)

– تَزْجِيَةٌ (*вақт*) ўтказиш; الْفَرَاغِ ~ дам олиб (фароғат қилиб) вақт ўтказиш

– مُزْجًى *ин.* مُزْجَاةٌ кичик, майда, унча катта бўлмаган, аҳамиятсиз

I زَحَرَ (а) زَحِيرٌ, زُحَارٌ инграмоқ; I زَحَرَ (а ёки и) زَحِيرٌ, زُحَارٌ, زُحَارَةٌ 1) туғмоқ, кўзи ёримоқ; ~تِ الْمَرْأَةُ عِنْدَ الْوِلَادَةِ кўз ёриш чоғида инграмоқ, энтикиб нафас олмоқ (*аёл ҳақида*); 2) ичкетар; ичбуруғ бўлиб қолмоқ, дизентерия билан касалланмоқ

– زُحَارٌ 1) инграш; 2) ичкетар, ичбуруғ; дизентерия

– زَحِيرٌ 1) *мед.* ич кетиш; 2) ҳансираб нафас олиш

زَحْزَحَ 1) жилдирмоқ, сурмоқ, силжитмоқ; 2) узоқлаштирмоқ; жилдирилмоқ, сурилмоқ; сурилган бўлмоқ; нарироқ жилмоқ

– زَحْزَحَةٌ 1) жилиш; сурилиш; 2) узоқлашиш

I زَحَفَ (а) زَحْفٌ, زُحُوفٌ 1) судралмоқ, судралиб юрмоқ; بَطْنِهِ عَلَى ~ қорин билан судралмоқ; ер бағирлаб ёйилмоқ (*тарвуз, ошқовоқ кабиларнинг палаги ҳақида*); 2) бостириб келмоқ (*қўшин ҳақида*); (*н. нингдир, к. нингдир*) устига бостириб бормоқ (إِلَى); II زَحَّفَ (*ерни, тупроқни*) текисламоқ, шихмола қилмоқ; V تَزَحَّفَ (*к. нингдир олдида*) хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ, жилпанглaмоқ (لَدَى)

– زَاحِفٌ 1) судралувчи; 2) ер бағирлаб ўсувчи; 2. *кўп.* زَوَاحِفُ *зоол.* судралиб юрувчилар

– زَحَّافٌ судралувчи

– زَحَّافَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ 1) *зоол.* судралиб юрувчилар; 2) белкурак, курак, мола (*ер текислаш ёки қор кураш учун ишлатиладиган*); 3) чана

– زَحْفٌ 1) судралиш; 2) бостириб кириш, бостириб бориш, кириб келиш; 3) *кўп.* زُحُوفٌ бостириб келаётган қўшинлар

I زَحَلَ (а) زُحُولٌ, زَحْلٌ бошқа жойга ўтмоқ (*кўчмоқ*); (*қандайдир жойни*) ташлаб кетмоқ (عَنْ); II زَحَّلَ 1) бошқа жойга ўтказмоқ (кўчирмоқ); 2) узоқлаштирмоқ; أَزْحَلَ = II; V تَزَحَّلَ бошқа жойга кўчмоқ, узоқлашмоқ

– زُحَلُ *астр.* Зуҳал (*Сатурн*)

– زَحْلَةٌ сурилиш; الْأَرْضِ ~ тупроқ (ер) сурилиши

زَحْلَقَ 1) думалатмоқ, сирпантирмоқ; 2) сурилишга мажбур қилмоқ; تَزَحْلَقَ 1) думаламоқ; сирпанмоқ; 2) сурилмоқ; сурилиб кетмоқ

– تَزَحْلُقٌ (*муз ёки қор устида*) конькида учиш, чанғида юриш; الْفَنِّيُّ ~الـ (*конькида*) фигурали учиш

– زَحْلَقَةٌ 1) (*коньки ёки чанғида*) учиш; 2) сирғаниш, сирпаниш, тойиш, тойиб кетиш; ~الـ قَبْقَابُ ғилдиракли коньки; مَرْكُوبُ ~الـ عَلَى الثَّلْجِ чанғи; ~الـ مَيْدَانُ музда учиш майдони (жойи)

– زُحْلُوقَةٌ *кўп.* زَحَالِيقُ тойғончоқ жой

I زَحَمَ (а) زَحْمٌ 1) қисмоқ, сиқмоқ; بِمَنْكِبَيْهِ ~ ўз елкалари билан қисмоқ (сиқмоқ); 2) босмоқ, босиб турмоқ; III زَاحَمَ 1) қисмоқ, сиқмоқ, сиқиб чиқармоқ; 2) рақиб бўлмоқ, рақобат қилмоқ; IV أَزْحَمَ = VIII; VI تَزَاحَمَ 1) қисишмоқ, босишмоқ, сиқишмоқ; 2) (*н. учундир курашда*) рақобатлашмоқ (عَلَى); VIII اِزْدَحَمَ 1) сиқилишмоқ, ур-йиқит қилишмоқ; 2) тўпланишмоқ, тўпланмоқ; (*н. биландир*) тўлиб-тошиб кетмоқ (بِ)

– اِزْدِحَامٌ 1) босди-босди, тиқилинч; тангу торлик; 2) ийманиш, ботинолмаслик; қийинчилик, қийинчиликда қолиш; 3) оломон; 4) кўп, кўпгина, кўпчилик, тўп; كُتُبٍ ~ бир тўп китоб, кўпгина китоб

– مُزَاحِمٌ рақиб, рақобатчи, рақобат қилувчи

– مُزَاحَمَةٌ 1) суриб (сиқиб) чиқариш; рақиблик, рақобат; 2) босди-босди, тиқилинч, тангу торлик

– مُزْدَحِمٌ (*бирор н. билан*) тўлган, тўлиб-тошган (بِ)

– مُزْدَحَمٌ босди-босди, тиқилинч; тангу торлик

I زَخَّ¹ (زخ) (а/и) زَخِيخٌ 1) қизиган, тобланган, чўғланган бўлмоқ; 2) қуйиб-ёнмоқ, қаттиқ ҳаяжонга келмоқ, дарғазаб бўлмоқ; زَخَّ² (а/у) زَخٌّ 1) ёғмоқ, қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); 2) ирғитмоқ, отиб юбормоқ, ташламоқ

– زَخَّةٌ 1) қаттиқ (*пақирдан қуйётгандай*) ёмғир; қаҳр, ғазаб

– زَخِيخٌ қаттиқ (ўта) иссиқлик; чўғланиш

I زَخَرَ (а) زُخُورٌ 1) кўтарилмоқ, тошмоқ (*мас., дарё*); 2) (*бирор н. нинг*) сероб (мўл) бўлмоғи; (*н. нингдир*) тўла бўлмоғи (بِ); 3) (*н. биландир*) фахрланмоқ, мақтанмоқ (بِ); V تَزَخَّرَ = I; VIII اِزْدَخَرَ тўлиб тошган бўлмоқ

– تَزَخَّارٌ тўлиб-тошиш

– زَاخِرٌ тўлиб-тошган, суви мўл, суви тўла (*дарё ҳақида*)

– زَخَّارٌ тўлиб-тошувчи; бой (*мас., булоқ ҳақида*)

زَخْرَفَ тартибга келтирмоқ, супуриб-сидирмоқ, безамоқ, ясантирмоқ; الْقَوْلَ ~ бежамадор қилиб гапирмоқ

– زَخْرَفَةٌ, زُخْرُفٌ *кўп.* زَخَارِفُ 1) безак, безанганлик, тартибга келтирилганлик, ясантирилганлик; 2) орнамент, нақш, زُخْرُفٌ *еки* الزَّخَارِفُ الْعَرَبِيَّةُ арабий нақшлар (гуллар); زَخَارِفُ الدُّنْيَا а) декорация (*театрда*); б) дунё ҳою ҳаваслари; дунё оворагарчиликлари; 3) олтин, тилло

– زُخْرُفِيٌّ безак учун хизмат қиладиган, манзарали, декоратив

– مُزَخْرَفٌ безатилган, ясатилган, безакли

I (زخم) زَخَمَ (а) زَخْمٌ итариб юбормоқ, туртиб юбормоқ, отиб юбормоқ, итқитмоқ, сурмоқ, силжитмоқ; زَخِمَ (а) زَخَمٌ ачимоқ, ёқимсиз ҳидли бўлмоқ, сасимоқ (*гўшт ҳақида*)

– أَزْخَمُ *мн.* زَخْمَاءُ *кўп.* زُخْمٌ бузилган, ҳидланган (*гўшт ҳақида*)

– زَاخِمٌ кучли, қудратли

– زَخْمٌ 1) қизғишлик, тезкорлик; 2) *физ.* энергия; куч моменти

– أَزْخَمُ = زَخِمٌ

– زَخَمَةٌ бузилганлик, айниганлик; ёқимсиз ҳид; сассиқ ҳид

– زُخْمَةٌ *кўп.* زُخَمٌ 1) камар; қамчи; 2) ноғора чўплари; 3) *муз.* ноxин (медиатор)

زَدْوَارٌ *бот.* дармана илдизи

I زَرَّ (а/и) زَرٌّ 1) (*тугмаларни*) қадаб олмоқ; 2) (*кўзларни*) юммоқ; 3) босмоқ, бўғмоқ; زَرَّنِي الضَّحْكُ мен кулгидан бўғилиб қолдим; II زَرَّرَ (*тугмаларни*) қадаб олмоқ; V تَزَرَّرَ тугма ўрнатмоқ, тугма қадамоқ

– زِرٌّ *кўп.* أَزْرَارٌ 1) тугма; илгак; 2) (*қўнғироқ*) тугмаси (*кнопкаси*); ◊ ~ كَهْرَبَائِيٌّ электрни ўчириб-ёқадиган тугма (кнопка); 3) ғунча; ◊ ~ الطَّرْبُوشِ хожидўппи (оқ дўппи) попуги; الْعَيْنِ ~ *мед.* стафилома

– زَرَّازٌ *кўп.* زَرَائِرُ тугма

I زَرَبَ (а) زَرْبٌ 1) оқмоқ, тўкилмоқ (*сув ҳақида*); 2) енгиллаб олмоқ, бўшашиб олмоқ; II زَرَّبَ 1) қўрага ҳайдаб киритмоқ (*ҳайвонларни*); 2) тўсиқ қўймоқ, ёпмоқ (*қамиш, похол, сомон, маккажўхори пояси ва б. лар билан сабзавот экинларини совуқдан сақлаш учун ёпиқ қилмоқ*)

– زَارُوبٌ *кўп.* زَوَارِيبُ узун кўча; хиёбон

– زَرَابِيٌّ 1) ёстиқча, болишча; 2) гилам

– زَرْبٌ *кўп.* زُرُوبٌ тўсиқ, четан (*сабзавот экинларини совуқдан сақлаш учун қилинади*)

– زُرْبَةٌ 1) пода; 2) кўпгина (бир тўп) (*болалар*)

– زَرْبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — тўсиқ, четан

– زُرْبِيَّةٌ *кўп.* زَرَابِيُّ остга қўйиладиган ёстиқ; гилам

– زِرْيَابٌ суюлтирилган олтин (*олтин югуртириш учун*)

– زَرِيبَةٌ *кўп.* زَرَائِبُ қўра, тўсиқ (*ҳайвонот учун*); لِلْخَنَازِيرِ ~ чўчқахона, чўчқа қўраси

– مِزْرَابٌ *кўп.* مَزَارِيبُ тарнов

زَرْبُولٌ *кўп.* زَرَابِيلُ баланд пошнали этик

(زربن) تَزَرْبَنَ 1) ғазабга келмоқ; 2) қўполлик қилмоқ, қўрслик қилмоқ

– زَرْبُونٌ *кўп.* زَرَابِينُ қўпол, қўрс (*одам*)

زَرْجُونٌ 1) май, шароб, бода; 2) ток новдаси; 3) тилла рангдаги бўёқ, қизил бўёқ

زَرْخٌ зирх; سَفِينَةٌ ~ зирхли кема

I (زرد) زَرَدَ (у) زَرْدٌ бўғмоқ, босмоқ, тазйиқ ўтказмоқ; زَرِدَ (а) زَرْدٌ, زَرَدٌ ютмоқ, ютиб юбормоқ; VIII زَرِدَ = اِزْدَرَدَ

– زَرَّادٌ совут ясовчи уста

– زَرْدٌ совут ҳалқаларини бир-бирига киритиш

– زَرَدٌ *кўп.* زُرُودٌ совут, зирх; ◊ الـ~ حِمَارُ *қар.* حِمَارٌ

– زَرَدَةٌ *кўп.* اتٌ — совут ҳалқаси

– زَرْدَةٌ зарда (*гуруч ва асалдан тайёрланган ширин овқат*)

– زَرَدِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — қисқич; оғзи текис омбур

– مَزْرَدٌ *кўп.* مَزَارِدُ бўғиз; томоқ

زَرْدَمَةٌ лаклук, кичик тил

زَرْزَرَ чириқламоқ, чақилламоқ (*чуғурчиқ ҳақида*)

– زُرْزُورٌ, زُرْزُرٌ *кўп.* زَرَازِيرُ чуғурчиқ

– زَرْزَرَةٌ чириқлаш, чақиллаш (*чуғурчиқ ҳақида*)

I زَرَعَ (а) زَرْعٌ, زِرَاعَةٌ 1) экмоқ, тикмоқ, ўтқазмоқ, парвариш қилмоқ; الشِّقَاقَ بَيْنَ ... وَ بَيْنَ ... ~ *кўч.м.* ... билан ...нинг орасига душманлик уруғини экмоқ; الرُّعْبَ وَ الْخَرَابَ ... ~ *кўч.м.* ...да қўрқув ва харобалик уруғини экмоқ; الشُّكُوكَ وَ الظُّنُونَ بَيْنَ ~ ... *кўч.м.* ...лар ўртасида шубҳа ва ишончсизлик уруғини экмоқ; الْأَلْغَامَ ~ *харб.* миналар жойлаштирмоқ, миналаштирмоқ; 2) ишламоқ, ишлов бермоқ (*ерга*); 3) кўчириб ўрнатмоқ (*инсон аъзоларини*); الْقَلْبَ ~ юракни кўчириб ўрнатмоқ; II زَرَّعَ қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилмоқ, деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур қилмоқ; III زَارَعَ ерни биргалашиб ишламоқ, ерни бошқа бировга чоракорликка (корандаликка) бермоқ; VII اِنْزَرَعَ экиб тўлдирилган бўлмоқ (*ернинг маълум бир қисми ҳақида*) ишланган бўлмоқ; VIII اِزْدَرَعَ 1) (*микробларни сунъий равишда*) етиштирмоқ, парваришламоқ; 2) (*ерга*) ишлов бермоқ; X اِسْتَزْرَعَ 1) экмоқ; 2) экишга яроқли қилмоқ; 3) ишлов бериш ва экишни талаб қилмоқ (*ноқулай ер ҳақида*)

مَنَاطِقُ اسْتِصْلَاحِ ~ ишлов бериш ва экиш зарурияти; اسْتِزْرَاعٌ –
الْأَرَاضِي الْبُورِ وَ اسْتِزْرَاعِهَا ерлари ноқулай ва мелиорация, ишлов бериш ва экишга муҳтож бўлган ноҳиялар

– زَارِعٌ 1. экувчи; қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлувчи; 2. кўп. زُرَّاعٌ экувчи; деҳқон; фермер

– زَرَّاعٌ 1. қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлувчи (шуғулланувчи); ~ الْأَرُزِّ шоли етиштирувчи, шоликор; 2. кўп. زَرَّاعَةٌ деҳқон, фермер

– زِرَاعَةٌ 1) деҳқончилик; وِزَارَةُ الـ~ қишлоқ хўжалиги вазирлиги; 2) ишлов бериш; экиш; етиштириш, парвариш қилиш; ~ اللَّا أَرْضِيَّةِ гидропоника (*минераллар билан бойитилган сувда ўсимлик ўстириш*); ~ الْبَسَاتِينِ боғдорчилик; ~ التُّفَّاحِ олма ўстириш (етиштириш); ~ صِنْفٍ وَاحِدٍ бирор экиннинг якка ҳокимлиги; قَابِلٌ لِلـ~ ишлов беришга яроқли; عِلْمُ الـ~ агрономия; 3) қишлоқ хўжалиги; الـ~ الْخَفِيفَةُ экстенсив қишлоқ хўжалиги (*сифатга эмас, миқдорга эътибор берибгина деҳқончилик юритиш*); الـ~ الْكَثِيفَةُ интенсив қишлоқ хўжалиги (*серунум тезкор деҳқончилик юритиш*); 4) кўчириб ўрнатиш (*тана аъзолари ҳақида*); ~ الْقَلْبِ юракни кўчириб (*бошқа кишига*) ўрнатиш

– زِرَاعِيٌّ 1.2) деҳқончиликка оид; أَرْضٌ ~ـةٌ ҳайдаладиган (экиладиган) ер; 2) қишлоқ хўжалигига оид; عُمَّالٌ زِرَاعِيُّونَ қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиганлар; 3) аграр, қишлоқ хўжалигига оид; الْمَسْأَلَةُ الـ~ـةُ аграр масала, қишлоқ хўжалиги масаласи; 2. *шунингдек.* مُهَنْدِسٌ ~ агроном

– زَرْعٌ[1] 1) ўтқазиш, экиш; ~ وَ ضَرْعٌ ер ва ҳайвонлар, хўжалик; ~ الرِّيبَةِ بَيْنَ ... وَ بَيْنَ ... билан ...нинг орасига ишончсизлик уруғини экиш; 2) етиштириш, ишлов бериш; قَابِلٌ لِلـ~ ишлов беришга яроқли; 3) кўчириб ўрнатиш (*тана аъзолари ҳақида*); ~ الْقَلْبِ юракни (*бошқа кишига*) кўчириб ўрнатиш

– زَرْعٌ[2] кўп. زُرُوعٌ ўсимлик

– زَرْعَةٌ кўп. زَرَعَاتٌ = زَرْعٌ[2]

– زَرِيعَةٌ 1) ниш, куртак; кўчат; 2) майда балиқчалар

– مُزَارِعٌ бошқа кишига қарашли ерда деҳқончилик қилувчи, чоракор, коранда; фермер

– مُزَارَعَةٌ чоракорлик, корандалик

– مَزْرَعَةٌ кўп. مَزَارِعُ 1) экиладиган ер, дала; 2) ферма; الـ~ التَّعَاوُنِيَّةُ қишлоқ хўжалиги кооперацияси; ~ تَرْبِيَةِ الدُّيُوكِ الرُّومِيَّةِ гулгултовуқ (*курка*) фермаси

– مَزْرُوعٌ экилган, экиб қўйилган; ◊ وَقَفَ ~ًا فِي مَكَانِهِ у қоққан қозиқдай туриб қолди, у серрайиб туриб қолди

– مَزْرُوعَاتٌ кўп. экилган, (экин қилинган) далалар; плантациялар

زَغْرُودَةٌ кўп. زَرَاغِيدُ = زَرْغُودَةٌ

زَرَّافٌ тез, тезкор, илдам, чаққон

– زَرَافَةٌ[1] кўп. زَرَافَةٌ, زُرَافَى, زَرَافِيُّ, زَرَائِفُ, ـاتٌ — жираф (*жанубий мамлакатларда, мас., Африкада, яшайдиган ҳайвон*)

– زَرَافَةٌ[2] кўп. ـاتٌ — оламон; гуруҳ, тўп; جَاؤُوا زَرَافَاتٍ وَ وُحْدَانًا улар гуруҳ-гуруҳ (тўп-тўп) ва якка-якка бўлиб келишди

I (زرق) زَرَقَ (u/y) زَرْقٌ 1) тезак (қумалоқ) қолдирмоқ (*қушлар ҳақида*); 2) тез ўтиб кетмоқ, чопиб кетмоқ; 3) суқмоқ, тиқмоқ; ~ مِسْمَارًا فِي ... (*н. гадир*) мих қоқмоқ; زَرِقَ (a) زَرَقٌ кўк (мовий) бўлмоқ; ~تْ عَيْنُهُ نَحْوِي унинг назари мен томонга тушди; II زَرَّقَ = I 3); IX ازْرَقَّ кўк (мовий) бўлиб қолмоқ; кўкармоқ, кўкариб кетмоқ

– أَزْرَقُ мн. زَرْقَاءُ кўп. زُرْقٌ кўк; мовий; الزَّرْقَاءُ кўк (*осмон*); ~ سَمَاوِيٌّ ҳаворанг; ◊ ~ خَوْفٌ ўлим хавфи; ~ عَدُوٌّ ашаддий душман; ~ عَرَقٌ совуқ тер (*қўрқув вақтидаги*); الْمَاءُ الـ~ *еки* الْمَائِيَّةُ الزَّرْقَاءُ глаукома, кўксув (*кўз ички босимининг зўрайиши, кўксув касаллиги*); ~ نَصْلٌ ярақлаб турган тиғ

– ازْرِقَاقٌ 1) кўк ранг, кўкимтир, ҳаворанг; 2) *мед.* مَرَضُ الـ~ кўкариқ, бадандаги кўкариб қолган жой, сианоз

– زُرَاقٌ, زَرَقٌ кўкимтир, кўк ранг, ҳаворанг

– زَرْقٌ қумалоқ тезак (*қушники*)

– زُرْقَةٌ 1) кўкимтир, мовий ранг, ҳаворанг; 2) *мед.* кўкариқ

– زُرَيْقٌ *шунингдек.* أَبُو ~ *зоол.* хўжасавдогар, сойка (*қуш*)

– مِزْرَاقٌ кўп. مَزَارِيقُ найза

زَرْقُونٌ *мин.* сиркон (*сариқ, қизил ва қупранг тусдаги ялтироқ минерал*); гиацинт (*қимматбаҳо тош*)

زَرْقُونِيُومٌ *киме.* сирконий

زَرْكَشَ 1) кашта тикмоқ; зар уқа (жияк) ёпиштириб тикмоқ; 2) зарҳал суртмоқ, зарҳал билан қопламоқ

– زَرْكَشَةٌ 1) кашта, кашта тикиш, каштачилик; зар уқа (жияк) ёпиштириб тикиш; 2) зарҳал суртиш, зарҳал билан қоплаш

– زَرْكَشِيٌّ кўп. زَرَاكِشَةٌ каштачи; зар уқа (жияк) тайёрловчи, қопловчи

– مُزَرْكَشٌ кашта қилинган, кашталанган; зар уқа (*жияк*) ёпиштириб тикилган

زِرْكُونِيُومٌ *киме.* цирконий

I (زرم) زَرِمَ (a) زَرَمٌ узилмоқ, тўхтаб қолмоқ; VIII ازْدَرَمَ ютмоқ, бўғиздан ўтказмоқ, томоқдан ўтказмоқ (*овқатни*)

– ازْدِرَامٌ ютиш, томоқдан ўтказиш

زُرْمَانِقَةٌ жундан тикилган устки кийим

زِرْنِيخٌ маргимуш; ~ أَحْمَرُ *мин.* реалгар (*қизил рангли минерал*); ~ أَصْفَرُ аурингмент

– زِرْنِيخِيٌّ маргимушга оид, маргимушли

I زَرَى (и) زَرْيٌ койимоқ, танбеҳ бермоқ, қораламоқ, айбламоқ, маъқулламаслик; (*к. нидир*) сўкмоқ, (*к. гадир*) таъна қилмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); IV أَزْرَى 1) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ, майна (*масхара*) қилмоқ (عَلَى، بِ);(*к. нингдир*) шаънига тил тегизмоқ (عَلَى، بِ); 2) (*к. дандир*) нафратланмоқ, (*к. нидир*) обрўсизлантирмоқ, таҳқирламоқ (*туш.к. ёки* بِ); V تَزَرَّى (*к. нидир*) қораламоқ, сўкмоқ (عَلَى); VIII اِزْدَرَى 1) (*к. дандир*) нафратланмоқ, (*к. нидир*) эътиборга олмаслик, писанд қилмаслик (*туш.к. ёки* بِ) 2) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ; (*к. нидир*) майна, мазах, масхара қилмоқ (*туш.к. ёки* بِ); X اِسْتَزْرَى 1) (*к. дандир*) нафратланмоқ (بِ); 2) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ (بِ)

– اِزْدِرَاءٌ 1) нафрат; эътиборсизлик, эътибор бермаслик, ҳисобга олмаслик, писанд қилмаслик; ~ الْخَطَرِ хавф-хатарга эътибор бермаслик, хавф-хатарни писанд қилмаслик; 2) таҳқир, таҳқирлаш; устидан кулиш, мазах қилиш, мазах

– إِزْرَاءٌ ҳурматсизлик; нафрат; эътиборсизлик, эътибор бермаслик, ҳисобга олмаслик, писанд қилмаслик

– زِرَايَةٌ 1) нафрат; эътиборсизлик, эътибор бермаслик, ҳисобга олмаслик, писанд қилмаслик; 2) таҳқир, таҳқирлаш

– زَرِيٌّ манфур, жирканч, разил; ёқимсиз, хунук, совуқ; тубан, арзимас, бир пулга қиммат

– مُزْدَرٍ *мн.* مُزْدَرِيَةٌ 1. нафратланувчи, эътибор (писанд) қилмовчи; 2. нафратли, нописанд

– مُزْرٍ *мн.* مُزْرِيَةٌ 1) жирканч, қабиҳ, разил, манфур, жиркантирадиган, нафратни қўзғайдиган; 2) хўрлайдиган, камситадиган, обрў-эътиборни ерга урадиган, обрў-эътиборни туширадиган

زَرْبٌ *қар.* زِرْيَابٌ

زُطٌّ *жам.* лўлилар

– زُطِّيٌّ лўли

زَعْبُوبَةٌ، زُعْبُوبَةٌ қуюн, гирдибод, уюрма, довул, уюрмали қаттиқ шамол, бўрон

زَعْبَرَ (*к. нидир*) алдамоқ, гел қилмоқ (عَلَى)

– زَعْبَرَةٌ 1) ёлғон, алдов, ёлғончилик, алдамчилик, фирибгарлик: гел қилиш; 2) кўз бойлаш (фокус), кўзбўямачилик (*циркда*)

– مُزَعْبِرَاتِيٌّ *кўп.* مُزَعْبِرَاتِيَّةٌ кўз бойловчи (фокусчи), жонглёр (*циркда*)

زَعْبُوطٌ *кўп.* زَعَابِيطُ деҳқонлар киядиган чопон, деҳқон чопони

زَعْتَرٌ *бот.* тошчўп

I زَعَجَ (а) زَعْجٌ безовта қилмоқ, тинчни бузмоқ; IV أَزْعَجَ = I; ~ـهُ مِنْ مَكَانِهِ кимнидир ўз жойидан (ўрнидан) сиқиб чиқармоқ; VII اِنْزَعَجَ безовта қилинмоқ, хавотирланмоқ, тинчи бузилмоқ; тинчлиги йўқолмоқ, хотиржамликни йўқотмоқ

– اِنْزِعَاجٌ безовталик, хавотирлик, хотиржам эмаслик, ташвиш, ваҳим; аяжон, ҳаяжонланиш

– زَعَجٌ ташвиш, ваҳима, ҳаяжон, ҳаяжонланиш

– مُزْعَجٌ безовта бўлган, хавотирланган, ташвишланган, хотиржам бўлмай қолган

– مُزْعِجٌ нотинч, безовта (*мас., уйқу ҳақида*)

زَعِرَ *мн.* زَعْرَاءُ 1. *кўп.* زُعْرٌ 1) яккам-дуккам сочи бор, туклари жуда кам; 2) думсиз, думи йўқ; 2. *кўп.* زُعْرَانٌ безори, хулиган, қўлидан кўп ёмонликлар келадиган одам, олчоқ, разил, қабиҳ одам, ярамас, аблаҳ, нобакор

– زَعَارَةٌ безорилик, қилинган ёмон ишлар; шўхлик, шумлик, бебошлик

– زَعَرٌ камсочлик, сочи юпқалик

– زَعِرٌ яккам-дуккам сочи бор, туклари жуда кам

– زُعَرَةٌ *зоол.* жиблажибон

– زُعْرُورٌ *кўп.* زَعَارِيرُ 1. баджаҳл, жаҳлдор, жаҳли тез, жоҳил; қаҳрли, ёвуз; ёмон хулқли, хулқи ёмон; 2. *бот.* 1) дўлана; ~ الْأَوْدِيَةِ дўлана; ~ جَبَلِيٌّ меҳригиё; 2) ирғай, мушмула (*жанубда ўсадиган бир турли бута ёки дарахт*); ~ بُسْتَانِيٌّ ирга (*мушмуланинг бир тури*); 3) ёввойи олхўри

زَعْزَعَ тебратмоқ, титратмоқ, ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; تَزَعْزَعَ тебранмоқ; ҳаракатланмоқ; титрамоқ; لَا يَتَزَعْزَعُ огишмайдиган, қайтмайдиган, собит, барқарор, иккиланмайдиган, титраб-тебранмайдиган

– تَزَعْزُعٌ тебраниш; титраш, чайқалиш

– زَعْزَاعٌ، زَعْزَعٌ кучли шамол, бўрон, довул; пўртана, шторм

– زُعْزُعٌ، زَعْزَعٌ кучли, қудратли (*шамол ҳақида*)

– زَعْزَاعٌ = زَعْزَعَانٌ

– زَعْزَعَةٌ *кўп.* زَعَازِعُ 1) титраш, титроқ; ҳаракат; 2) бўрон; 3) шакарқамишнинг учи, қоқ учи

– زَعْزُوعٌ 1) ингичка оёқли, оёқлари ингичка; 2) узун бўйли, новча ориқ (*одам*), чўпдай узун (*одам*)

– زُعْزُوعَةٌ *кўп.* زَعَازِيعُ шакарқамишнинг учи, қоқ учи; ~ إِنَّهَا كَـ *маж.* у (*мн.*) ориқ (ингичка), у (*мн.*) чўпдай ориқ

– مُتَزَعْزِعٌ، مُزَعْزَعٌ лиқиллаб турган, омонат, омонат турган, турғун эмас, ноустувор; ўзгарувчан; иккиланиб турган, иккиланувчи; тебранувчи, тебраниб турган

I زَعَطَ (а) زَعْطٌ 1) бўғмоқ, бўғиб ўлдирмоқ; 2) қисиб (сиқиб) чиқармоқ

– زَعِيطٌ: ~ وَ مَعِيطٌ وَ نَطَّاطُ الْحِيطِ рўбарў келадиган аллакимлар, ҳар бир дуч келган одам

I زَعَفَ (а) زَعْفٌ ўрнида тамом (адо) қилмоқ; ўлдирадиган таъсир қилмоқ, ўлдирмоқ (*заҳар ҳақида*); II زَعَّفَ (*хурмо шохлари билан*) супурмоқ, супуриб-сидирмоқ, тозаламоқ

– زُعَافٌ ўлдирувчи; ~ سُمٌّ ўлдирувчи заҳар

– زَعَافَةٌ *кўп.* ~ ـاتٌ хурмо шохи

– زَعَفٌ *жам.* хурмо шохлари

– زَعَفَةٌ *кўп.* — اتٌ хурмо шохи, хурмо барги

– مُزْعِفٌ ўлдирувчи, ўлим келтирувчи, ҳалок қилувчи

زَعْفَرَ заъфарон рангга бўямоқ

– زَعْفَرَانٌ *бот.* заъфарон (*зиравор ўсимлик*)

I زَعَقَ (а) زَعْقٌ (زعق) 1) бақирмоқ, қичқирмоқ, оҳ-воҳ қилмоқ; ~ بِمِلْءِ صَوْتِهِ бор овоз билан бақирмоқ; 2) қақағламоқ (*товуқ ҳақида*); 3) шўр қилиб қўймоқ (*овқатни*); زَعِقَ (у) زَعَقٌ زُعْقَةٌ, زَعَاقَةٌ шўртангроқ бўлмоқ (*овқат, сув ҳақида*); II زَعَّقَ узоқ, кўп, қаттиқ бақирмоқ, қичқирмоқ

– زُعَاقٌ шўртанг, шўрроқ (*овқат, сув ҳақида*)

– زَعْقٌ бақир-чақир, бақириқ, оҳ-воҳлар

– زَعْقَةٌ *кўп.* زَعَقَاتٌ бақириқ, бақирилган, чақирилган овоз, чинқириқ

– زَعِيقٌ = زَعْقٌ; ~ مَلَأَ الدُّنْيَا *маж.* (*н. ҳақдадир*) ҳаммага (*бутун дунёга, бутун оламга*) жар солмоқ (بـ)

I زَعِلَ (а) زَعَلٌ аччиқланган (ғазабланган, ғаши келган) бўлмоқ; афсусланиш (кўнгил тўлмаслик, норозилик) ҳис қилмоқ; II زَعَّلَ аччиқлантирмоқ, ғазаблантирмоқ; ғашни келтирмоқ; 2) зериктирмоқ, жонга тегмоқ; безор қилмоқ; IV أَزْعَلَ аччиқлантирмоқ, ғазаблантирмоқ; ўзни унуттирмоқ; ғашни келтирмоқ

– زَعَلٌ аччиқланиш, ғазабланиш; ғазаб, афсус; норозилик

– زَعِلٌ аччиқланган, ғазабланган, ғазабнок

– زَعْلَانُ аччиқланган, ғазабланган; ғаши келган; кайфияти бузилган (бузуқ), кайфяти ёмон

زِعْلِفَةٌ *кўп.* زَعَالِفُ тошбақа

I زَعَمَ (у) زَعْمٌ ишонтирмоқ, ... деб ҳисобламоқ, тасдиқ этмоқ; ...деб ўйламоқ, ... деб фикр бермоқ; 2) (*к. ғадир*) кафолат бермоқ (بـ); V تَزَعَّمَ 1) (*к. ларнингдир орасида*) миш-миш тарқатмоқ (بَيْنَ); 2) раҳбарликка (бошлиқликка) давогар бўлмоқ; ўзини раҳбар деб эълон қилмоқ; 3) бошлиқ (етакчи) бўлмоқ; бош бўлмоқ, етакчилик қилмоқ

– زَعَامَةٌ етакчилик, бошчилик, бошлиқлик; етакчи рол, гегемония (ҳокимлик, бошчилик)

– زَعْمٌ ишонтириш, ишонч, ... деб ҳисоблаш, тасдиқ этиш; ... деб ўйлаш, ... деб фикр юритиш; ـهِ~بـ унинг тасдиқлашича, унинг фикрига кўра; унинг ўйлашича

– زَعِيمٌ 1. кафолат берувчи; بـ.... ~ أَنَا ...га мен кафолат бераман; 2. *кўп.* زُعَمَاءُ 1) етакчи, бошчи, доҳий; *ҳарб.* полковник (*Ливияда*); бригадир, бригада генерали; 2) бошлиқ, етакчи

– مَزَاعِمُ *кўп.* 1) даъволар, даъвогарликлар; 2) қуп-қуруқ, асоссиз, заминсиз даъволар, асоссиз қоидалар

– مَزْعُومٌ 1) ишонтирилаётган, ... деб ҳисобланаётган; 2) асоссиз, шубҳали, заминсиз; 3) ёлғон, сохта

– زِعْنِفَةٌ, زِعْنِفَةٌ *кўп.* زَعَانِفُ 1) сузгич, юзгич; сузиш пардаси (*мас., ўрдак, ғоз панжалари орасидаги*); куракоёқ (*сувда сузиш учун оёқлар учига кийиладиган мослама*); ~ الطَّائِرَةِ *ав.* самолётнинг дум қаноти; 5) қаланғи-қасанғи, тайинсиз (*одамлар*)

أَزْغَبُ *мн.* زُغْبَاءُ *кўп.* زُغْبٌ майин мўй билан қопланган, майин мўйли

– زُغَابَةٌ майин мўй, майин тук, пар

– زَغَبٌ мўй, тук

– أَزْغَبُ = زَغَبٌ

– زُغْبَةٌ *зоол.* ўрмон ёнғоқзори ухлоқиси (*олмахонга ўхшаш ёввойи жонивор*)

– زُغْبُرٌ, زِغْبِرٌ, زَغْبَرٌ пахмоқ бўлиб ўсган тук, пахмоқ

I زَغَدَ (а) زَغْدٌ 1) босмоқ, эзмоқ, эзғиламоқ; 2) туртмоқ, нўқимоқ; VII انْزَغَدَ туртилмоқ, нўқилмоқ, енгил зарба олмоқ

– زَغْدَةٌ *кўп.* زَغَدَاتٌ туртки, нўқиш, енгил зарба

I زَغَرَ (а) زَغْرٌ (*к. ғадир*) диққат (эътибор) билан тикилиб қарамоқ (إِلَى) (*к. ғадир*) қарамоқ, назар ташламоқ (لـ)

– زَغْرَةٌ қараш, назар ташлаш, боқиш, назар

زَغْرَدَ хурсандликдан қичқирмоқ, қичқириб юбормоқ, хурсандликдан қулоқни батанг қилиб қичқирмоқ (*аёллар ҳақида*)

– زَغْرَدَةٌ *кўп.* زَغَارِدُ 1) қулоқни батанг қилувчи шодона титроқ қичқириқ; 2) *муз.* овознинг титраб чиқиши

– زَغْرُودَةٌ *кўп.* زَغَارِيدُ = زَغْرَدَةٌ; زَغَارِيدُ الْفَرَحِ (*аёлларнинг*) қулоқни батанг қилувчи шодона қичқириғи; تَنْطَلِقُ الزَّغَارِيدُ шодона қичқириқлар тарқалади (эшитилади)

زَغْرَدَ = زَغْرَطَ

– زَغْرُوطَةٌ *кўп.* زَغَارِيطُ = زَغْرُودَةٌ

زَغْزَغَ 1) яширмоқ, беркитмоқ; 2) қитиқламоқ; ◊ ~ بِهِ бирор киши устидан кулмоқ

– زَغْزَغَةٌ 1) яшириш, беркитиш; 2) қитиқлаш, қитиқ

I زَغَطَ (у) زَغْطٌ ютмоқ, ютиб юбормоқ; II زَغَّطَ едирмоқ, овқатлантирмоқ, боқмоқ, тўйдирмоқ, юттирмоқ

– زُغْطَةٌ ҳиқчоқ

I زَغَلَ (а) زَغْلٌ 1) оз-оздан қуймоқ; 2) сохталаштирмоқ, қалбакилаштирмоқ, қалбаки қилмоқ; ёмонлаштирмоқ (*бирор н сифатини*); 3) гоҳ у, гоҳ бу нарсага қарамоқ; ~تْ عَيْنَايَ кўзларим ўйнаб кетди; IV أَزْغَلَ оз-оздан қуймоқ

– زَغَلٌ 1. сохта, қалбаки, ёлғондакам; 2. ёлғон, алдамчилик, фириб сохта

– مَزْغَلٌ *кўп.* مَزَاغِلُ шинак, туйнук, амбразура (*истеҳкомларда*)

زَغْلُوطَةٌ *кўп.* زَغَالِيطُ шодон қичқириқ

زَغْلَلَ (*кўзни*) қамаштирмоқ; ~ عَيْنَيْهِ кимнингдир кўзларини қамаштирмоқ (*кучли, ёрқин нур ҳақида*)

– زَغْلَلَةٌ қамашиш (*кўз ҳақида*)

– زُغْلُولٌ, زُغْلُولٌ, زَغَالِيلُ *кўп.* 1) бола, гўдак; 2) қуш боласи (*жўжаси*), ёш каптар, каптар боласи; 3) *шунингдек.* البَلَحُ الـ~ зуғл (*Мисрда ўсадиган хурмо дарахтининг бир хили*) .

– زُغْلُنٌ *жем. бот.* дала айиқтовони (*заҳарли ўт*)

I (زفّ) زَفَّ[1] (а/и) زَفٌّ, زِفَافٌ 1) (*келинчакни куёвникига*) тантанали равишда олиб бормоқ (عَلَى), келин туширмоқ; 2) (*к. гадир*) ҳозир қилмоқ, рўбарў қилмоқ, келтирмоқ, тақдим қилмоқ, топширмоқ (إلى); البُشْرَى ~ ҳаммага шодиёна хабар етказмоқ (тарқатмоқ, эълон қилмоқ); الخَبَرَ إلى ... ~ кимгадир хабар келтирмоқ, хабар олиб келмоқ; 3) шошмоқ, югурмоқ, чопмоқ; زَفَّ[2] (а/и) زَفِيفٌ юрмоқ, шошмоқ, шошилмоқ; 2) эсмоқ (*шамол ҳақида*); IV أَزَفَّ = زَفَّ I (а/у); VIII ازْدَفَّ = زَفَّ I (а/у)

– زِفَافٌ қиз (*никоҳ*) тўйи, қиз тушириш, зифоф, никоҳ; مَلَابِسُ الـ~ тўй либоси (*келинники*)

– زَفَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ – ـَـ тўй (никоҳ) тантанаси; أَقَامَتْ لِزَوْجِهَا الـ~ *маж.* у (*мн.*) эри билан жанжаллашди, у (*мн.*) эрига катта "тўй" кўрсатди

– زَفَّةٌ бир марта, бир бор; زَفَّتَيْنِ икки марта, икки бор

– زُفَّةٌ 1) оломон, тўп-тўп одамлар; 2) тўп, тўппак, уюм; بَاعَ حَبَّ العَزِيزِ بالـ~ ербодомни тўп-тўп ҳолича бермоқ (сотмоқ)

– زَفُوفٌ тез, тезкор, шошилинч

– زَفِيفٌ 1) тез, тезкор, шошилинч, шошаётган, шошилаётган; 2) эсиш (*шамол ҳақида*)

– مِزَفَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ – ـَـ келин олиб бориладиган соябонли арава (*ҳозир: махсус енгил машина*)

(زفت) II زَفَّتَ 1) елим сурмоқ (суртамоқ), елим билан қоплаб бўямоқ; смола сурмоқ (*суртамоқ*); 2) асфальтламоқ, асфальт ётқизмоқ, асфальт қуймоқ; 3) доғ қолдирмоқ, ифлос қилмоқ, бўяб қўймоқ (*мас., кийимни, қўлни*)

– زِفْتٌ 1) елим, смола; زَيِّ الـ~ *халқ.* ёмон!, бемаъни!; 2) асфальт *шунингдек.* مَعْدَنِيٌّ ~

I زَفَرَ (и) زَفِيرٌ чуқур (оғир) нафас олмоқ ва чиқармоқ; нафас чиқармоқ, инграмоқ, оҳ урмоқ; II زَفَّرَ 1) (*нонга*) ёғ суртмоқ; (*тайёрланаётган овқат учун*) ёғ солмоқ; 2) (*беморга бирор*) ёғли нарса бермоқ

– زَفَارَةٌ 1) ёғлилик; 2) ахлоқсизлик, одобсизлик, беҳаёлик

– زَفَرٌ 1) ёғ, мой; 2) гўштли овқат ейиш, истеъмол қилиш

– زَفِرٌ 1) ёғли, мойли; 2) ифлос; 3) ахлоқсиз, одобсиз, беҳаё; 4) тахир, какра, ачиган; 5) ҳиди келадиган, сасиб турган, сассиқ; ◊ شَبَّةٌ ~ة аччиқтош

– زَفْرَةٌ *кўп.* زَفَرَاتٌ чуқур нафас олиш ва чиқариш; оҳ уриш, инграш

– زَفِيرٌ 1) нафас олиш; нафас чиқариш; 2) эшак ҳанграшининг бошланиши

زَفْزَفَ қаттиқ эсмоқ, чийилламоқ (*шамол ҳақида*)

– زَفْزَفَةٌ қаттиқ эсиш, чийиллаш, шиддат, кучайиш (*шамол ҳақида*)

I زَفَنَ (и) زَفْنٌ рақс тушмоқ, ўйнамоқ

I زَقَّ (а/у) زَقٌّ 1) боқмоқ (*қуш ўз боласини*); 2) туртмоқ, нўқимоқ, суқмоқ, сурмоқ, жилдирмоқ (*ўрнидан*); نَهَرَتْهُ أُمُّهُ وَ زَقَّهُ أَبُوهُ فِي كَتْفِهِ وَ لَسَعَتْهُ عَمَّتُهُ عَلَى قَفَاهُ *мқл.* ҳалвони ҳаким, калтакни етим ейди; VII انْزَقَّ (*жойидан*) сурилган (*жилдирилган*) бўлмоқ

– زِقٌّ *кўп.* أَزْقَاقٌ, زِقَاقٌ меш; саноч

– زُقَاقٌ *мз., мн. кўп.* أَزِقَّةٌ кўча, тор (кичик) кўча

– زَقَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — туртки, туртиш, итариш, силкиниш

– زُقَّةٌ *зоол.* зуққа (*анҳинга-сувда яшайдиган қуш*)

– زُقَيْقِيَّةٌ *зоол.* тоғ чумчуғи, нашаҳўр (*уруғхўр сайроқи қуш*)

زَقْزَقَ 1) чириқламоқ; 2) жаврамоқ (*аёл киши ҳақида*); 3) боқмоқ (*қуш ўз боласини*); 4) бола боқмоқ (*парвариш қилмоқ*), тарбиялаб ўстирмоқ, вояга етказмоқ, қўлда аллалаб тебратмоқ

– زَقْزَاقٌ *зоол.* зақзоқ (*иссиқ мамлакатларда тарқалган, лойхўраклар туркумига мансуб қуш*); қизқуш (*балиқчилар туркумига мансуб қуш*)

– زَقْزَقَةٌ 1) чириқлаш; 2) сафсата, гапдонлик; 3) болани ўйнатиш, болага қараш, болани парваришлаш

– زَقْزُوقٌ *кўп.* زَقَازِيقُ кичик қушча ёки балиқ

زُقْطَةٌ (*сол.* زُغْطَةٌ) ҳиқчоқ

I زَقَفَ (у) زَقْفٌ тез ушлаб (илиб, тутиб) олмоқ

I زَقَلَ (у) زَقْلٌ иргитиб (итқитиб, ташлаб) юбормоқ; (*к. гадир*) тош отмоқ, тошбўрон қилмоқ; VII انْزَقَلَ иргитиб (*итқитиб, ташлаб*) юборилган бўлмоқ

– زُقْلَةٌ *кўп.* زُقَلٌ сўйил, тўқмоқ, йўғон таёқ; гаврон

– زُقْلِيَّةٌ *кўп.* زُقْلِيَّاتٌ = زُقْلَةٌ

I زَقَمَ (у) زَقْمٌ ютмоқ, ютиб юбормоқ; II زَقَّمَ юттирмоқ, ютиб юбортирмоқ; боқмоқ (*қуш ўз боласини*); IV أَزْقَمَ юттирмоқ, юттириб юбормоқ; V تَزَقَّمَ тезгина ютиб юбормоқ; VIII ازْدَقَمَ = I

– زَقُّومٌ 1) *дин.* заққум (*дўзахийлар емиши*); 2) *бот.* ёввойи зайтун

I (زقو) زَقَا (у) زُقَاءٌ қичқирмоқ (*бойўғли ҳақида*); қичқирмоқ (*хўроз ҳақида*); қаттиқ (*қичқириб*) йиғламоқ (*гўдак, бола ҳақида*)

I زَكَّ (а/и) زَكٌّ 1) гандираклаб юрмоқ, оқсоқланмоқ, оқсоқланиб юрмоқ, чўлоқланмоқ; 2) сайраб (*қақағлаб*) макиённи чақирмоқ (*қушлар ҳақида*)

I زَكَبَ (у) زَكْبٌ тўлдирмоқ; тупроқ билан тўлдириб кўймоқ (*кўммоқ*)

– زَكِيبَةٌ *кўп.* زَكَائِبُ *қоп, тўрва; халта*

V (زكر) تَزَكَّرَ тўлиб-тошмоқ, тўлмоқ; بَطْنُ الصَّبِيِّ ~ чақалоқнинг қорни тўйди

– زُكْرَةٌ кўп. زُكَرٌ шароб ёки шунга ўхшашлар учун теридан ишланган сансч, меш

I زَكَمَ (у) زُكِمَ 1) шамоллатмоқ, шамоллаб қолмоқ, тумов бўлмоқ; юктирмоқ; 2) шунингдек: бурунга урилмоқ (ҳид ҳақида); 3) мажҳ. шамолламоқ, шамоллаб қолмоқ, IV أَزْكَمَ (бирор к. ни) шамоллатмоқ, шамоллатиб қўймоқ

– زُكَامٌ шамоллаш, тумов

– زُكْمَةٌ = زُكَامٌ

– مَزْكُومٌ шамоллаган, шамоллаб қолган

زَكِنَ (а) زَكَنٌ тушунмоқ, фаҳмламоқ

– زَكَانَةٌ фаросатлилик, ақлнинг ўткирлиги; сезгирлик

I (زكو) زَكَا (у) زَكَى 1) ўсмоқ, кўпаймоқ; ривожланмоқ; муваффақият қозонмоқ; гуллаб-яшнамоқ; 2) (к. гадир) тўғри (мос) келмоқ, ярамоқ (بِ); زَكَا (а) زَكَاءٌ соф (мусаффо) бўлмоқ; II زَكَّى 1) парваришламоқ; ўстирмоқ, улғайтирмоқ, тарбияламоқ; 2) тозаламоқ, покламоқ; оқламоқ, гуноҳсиз деб билмоқ; 3) мақтамоқ; 4) (к. нингдир) номзодини қўймоқ, (к. нидир) тавсия қилмоқ; 5) юр. шар. (қашшоқ, камбағалларга) закот бермоқ; 6) (бирор к нинг) закотини о...моқ; IV أَزْكَى кўпайтирмоқ, орттирмоқ, кучайтирмоқ; V تَزَكَّى 1) дин. фориғ бўлмоқ; 2) оқланмоқ; 3) хайр-садақа бермоқ

– تَزْكِيَةٌ 1) парваришлаш, парвариш қилиш; ўсиш, улғайиш; тарбиялаш; тарбияланиш, тарбия; 2) покланиш, тозаланиш; оқланиш, гуноҳсиз деб топилиш; 3) мақташ, мадҳ қилиш; 4) (к. нингдир) номзодини қўйиш, (к. нидир) тавсия қилиш; 5) юр. шар. мол-дунёдан (қашшоқ, камбағалларга) закот бериш

– زَكَاءٌ 1) ўсиш, катталашиш, кўпайиш; 2) софлик, мусаффолик

– زَكَاةٌ кўп. زَكَوَاتٌ 1) софлик, мусаффолик, тозалик; 2) хайру садақа; 3) закот; маж. хирож

– زَكِيٌّ кўп. أَزْكِيَاءُ 1) мусаффо, оппоқ, гуноҳсиз, айбсиз; الدَّمُ الـ~ الْمُسْفَرِكُ бегуноҳ тўкилган қон; 2) ўткир, кескир

I زَلَّ (и/а) زَلَّ ёки زَلِلْتُ (а/и) زَلَّ; 1) тойиб (тойилиб) кетмоқ; ~ بِهِ الْقَدَمُ маж. у янглишди (тойилди, хато қилди, адашди), у тўғри йўлдан тойди; 2) (н. дандир) тойиб тушмоқ (عَنْ); 3) янглишмоқ, хато қилмоқ; IV أَزَلَّ 1) тойдирмоқ, тойишга мажбур қилмоқ; 2) бермоқ, тақдим этмоқ; ~ إِلَيْهِ نِعْمَةً унга ризқ бермоқ, унга ноз-неъмат ато этмоқ; X اسْتَزَلَّ йўлдан урмоқ, (к. нидир) хато қилдирмоқ, янглиштирмоқ, янглишишга мажбур қилмоқ

– زُلاَلٌ 1) зилол сув, тоза булоқ суви; 2) албулин (сувда эрийдиган энг содда оқсил модда), оқсил; ~ الْبَيْضِ (тухум) оқсили; 3) мед. Брайт касаллиги; مُصَابٌ بِـ~ Брайт касаллиги билан оғриган бемор

– زُلاَلِيٌّ оқсилли, оқсилга оид; الْمَوَادُّ الـ~ـةُ оқсилли моддалар; مَرَضُ الْبَوْلِ الـ~ мед. Брайт касаллиги

– زُلاَلِيَّاتٌ кўп. оқсил моддалар

– زَلَلٌ хато, янглишиш

– زَلَّةٌ кўп. زَلاَّتٌ 1) қоқилиш; 2) хато, янглишиш; ~ الْقَلَمِ ёзувдаги (ёзувда йўл қўйилган) хато, дағал (қўпол) хато (янглишиш, саҳв); ~ اللِّسَانِ янглиш айтилган сўз, саҳв, хато (гапираётгандаги)

– مَزَلَّةٌ кўп. مَزَالُّ 1) тайғончоқ жой; 2) хато, саҳв, янглиш

زَلاَبِيَةٌ оладя (товада пиширилган қалин қулмоқсимон нон)

– زَلاَبَانِيٌّ кўп. زَلاَبَانِيَّةٌ оладя пиширувчи ёки сотувчи

I (زلج) زَلَجَ (у) زَلْجٌ (эшикни) тамбаламоқ, лўкидон билан беркитмоқ; زَلِجَ (а) زُلُوجٌ 1) (н. дандир) сирғаниб тушмоқ, сирғаниб тушиб кетмоқ (عَنْ); 2) (конькида) учмоқ, тайғанмоқ; V تَزَلَّجَ = زَلَجَ; VII انْزَلَجَ = V

– زِلاَجٌ лўкидон, ғалақа

– زَلْجٌ сирғаниш; (н. дандир) сирғаниб тушиб кетиш (عَنْ)

– زَلِجٌ сирғанчиқ

– زَلِيجٌ сирғанчиқ

– زُلَيْجٌ сирланган андалус сополи; каф...

– زُلَيْجِيٌّ кафелли, кафел қопланган; кафелга оид

– مُتَزَلِّجٌ 1. (конькида) учаётган, сирғанаётган; 2. (конькида) учувчи, сирғанувчи киши

– مِزْلاَجٌ кўп. مَزَالِيجُ = زِلاَجٌ

– مِزْلَجٌ кўп. مَزَالِجُ (ёрма қулфда) калит тушадиган тешикли темир пластинка, лўкидон тешиги

– مِزْلَجٌ кўп. مَزَالِجُ коньки, ғилдиракли коньки (сирғаниш, учиш учун)

– مَزْلَجَةٌ конькида сирғаниш, учиш учун махсус тайёрланган жой

– مِزْلَجَةٌ кўп. مَزَالِجُ чана

I زَلَحَ (а) زَلْحٌ татиб кўрмоқ (овқатни); ◊ ~ رَأْسُهُ унинг сочлари тушиб кетди, у кал бўлиб қолди

– أَزْلَحُ мн. زَلْحَاءُ кўп. زُلْحٌ кал

زُلاَحِفٌ кўп. زَلْحَفَةٌ, زُلْحَفَةٌ тошбақа

زَالِحَةٌ зоол. дюгон (сувда яшайдиган сут эмизувчи ҳайвон)

زُلْخَةٌ мед. бел оғриғи, бел санчиғи

زُلَيْخَا ат. от, мн. Зулайхо

زَلْزَلَ титратмоқ, силкимоқ, жилдирмоқ, тебратмоқ; تَزَلْزَلَ титрамоқ, силкинмоқ

– زِلْزَالٌ кўп. زَلاَزِلُ 1) зилзила, силкиниш; مِقْيَاسُ (جِهَازُ) الزَّلاَزِلِ сейсмограф (ер қимирлашни ва унинг кучини қайд қиладиган ўлчов асбоби); 2) шунингдек: ~ الْأَرْضِ зилзила, ер қимирлаши

– زِلْزَالِيٌّ зилзилага (сейсмикага) оид; التَّنْقِيبُ الـ~ сейсмик тадқиқот (разведка мас., нефть қидираётганда); النَّشَاطُ الـ~ сейсмик ҳаракат

– زَلْزَلَةٌ = زِلْزَالٌ

– زَلْزَلَخْتٌ = زَلْزَلَخْتٌ

زَلَزَةٌ кўп. اتٌ — меҳмонга боришни яхши кўрадиган аёл

زَلَطَ I (u) زَلْطٌ 1) тез юрмоқ, югурмоқ, чопмоқ; 2) ютмоқ; هُوَ يَزْلِطُ وَلَا يَمْضَغُ ◊ у чайнамай ютади; II زَلَّطَ ечинтирмоқ, яланғочламоқ; ~ الْأَرْضَ йўлга (ерга) тош термоқ (бостирмоқ); V تَزَلَّطَ ечинмоқ, яланғочланмоқ

– زُلْطٌ яланғочлик, қип-яланғочлик, яланғоч (яланг) жой; بالـ~ яланғоч ҳолда; ~ رَأْسُهُ у мутлақо кал

– زَلَطٌ жам. тош; шағал, майдаланган тош; وَابُورُ الـ~ йўл текислайдиган машина, каток

– زَلَطَةٌ кўп. اتٌ — тош; 2) танга-чақа; майда пул

– زَلِيطٌ сочлари (туклари) юлинган, ялтирбош, кал, тоз

زَلَعَةٌ, زَلْعَةٌ кўп. زَلَعٌ 1) хум (сув учун); 2) йирингли, йиринглаб кетган яра (жароҳат)

زَلْعُومٌ кўп. زَلَاعِيمُ томоқ, ҳалқум; бўғиз

زَلَفَ I (y) زَلْفٌ 1) (к. нингдир олдига) келмоқ, яқинлашмоқ (إِلَى); 2) (к. гадир) ялтоқланмоқ, мулозамат (лаганбардорлик, хушомад) қилмоқ; II زَلَّفَ (бирор хабарни) муболаға қилиб (шишириб, пуфлаб) айтмоқ (етказмоқ); IV أَزْلَفَ яқинлаштирмоқ; V تَزَلَّفَ (к. гадир) хушомад (ялтоқлик) қилмоқ (إِلَى); (к. нингдир) меҳр-шафқатини қозонмоқ (إِلَى); 2) яқинлашмоқ; VIII اِزْدَلَفَ = V

– تَزَلُّفٌ 1) ялтоқланиш, хушомад, тилёғламалик, ёлғон мақтов; 2) саждакорлик, сажда қилиш, тиз чўкиб сажда қилиш; хушомадгўйлик, лаганбардорлик

– زَلْفٌ юксак қадр-қиймат

– زَلَفٌ, زُلْفَى ялтоқилик, ялтоқланиш, хушомад; бировнинг меҳр-шафқатини қозониш; тилёғламали, ёлғон мақтов; лаганбардорлик, югурдаклик, малайлик

– زُلْفَةٌ кўп. زُلَفٌ 1) даража, мавқе; 2) яқинлик; кўп. кун тугаб, кун бошланадиган пайт

– زُلْفَى = زُلْفَةٌ

– مُتَزَلِّفٌ 1) хушомадгўй, тилёғламачи, ёлғондан мақтовчи; 2) саждакор, сажда қилувчи, тиз чўкиб (букиб) сажда қилувчи; 3) ювиндихўр, текинхўр, хушомад (тилёғламачилик) билан кун кечирувчи

زَلِقَ I (a) زَلَقٌ ёки زَلَقَ (y) زَلْقٌ сирғанмоқ, тоймоқ, сирпанмоқ, жилмоқ; ~تْ قَدَمُهُ у сирғаниб (тойиб) кетди; زَلَقَ I (u) زَلْقٌ ~ رَأْسَهُ: соч олдирмоқ, II زَلَّقَ сирғанчиқ (тойғоқ) қилмоқ; IV أَزْلَقَ сирғантирмоқ; V تَزَلَّقَ сирғанмоқ, тоймоқ, учмоқ; ~ عَلَى الثَّلْجِ (конькида) учмоқ, тойғонмоқ; VII اِنْزَلَقَ 1) сирғаниб (тойиб) кетмоқ, 2) (музда) сирғанмоқ, учмоқ, яхмалак отмоқ; 3) (бирор н. нинг олдига, ёнига) сурилиб, сирпаниб бормоқ; (бирор н. томон) оғмоқ; 4) (бирор н. устидан) сурилиб (сирғаниб) тушмоқ (عَنْ); ~ السَّيْرُ عَنِ الطَّارَةِ тасма шкив (ғилдирак) дан чиқиб кетди

– اِنْزِلَاقٌ сурилиш, сирғаниш, сирпаниш, тойиб кетиш; جُنُودُ الـ~ ҳарб. чанғичилар, чанғичи қисм

– زَلَاقَةٌ 1) тайғоқ, тайғанчоқ, сирғанчоқ жой; 2) силлиқлик, равонлик; ~ اللِّسَانِ нутқ равонлиги, равон нутқ

– زَلَّاقَةٌ кўп. اتٌ — чана; 2) тех. сурилма (машина ва механизмларнинг тўғри чизиқ бўйича сирғалиб ҳаракат қилувчи қисми); силжима (баъзи машина ва механизмларда); 3) кўп. زَلَالِيقُ балиқчилик аслаҳа-анжомлари

– زَلَقٌ 1) лой, лойгарчилик; 2) тайғоқ, тайғончоқ, сирғанчоқ жой

– زَلِقٌ тайғончоқ, сирғанчоқ

– زَلْقَةٌ 1) сирғаниш, сирпаниш, жилиш, сурилиш; қоқилиш, қоқилиб кетиш; тайғоқ, тайғанчоқ, сирғанчоқ жой

– زُلَّيْقٌ шафтоли навларидан бири

– مِزْلَقٌ кўп. مَزَالِقُ чана

– مَزْلَقٌ кўп. مَزَالِقُ қиялик, сирғанадиган жой; مَزَالِقُ تَدْشِينِ السُّفُنِ кемалар қуриладиган, таъмир қилинадиган ва сувга тушириладиган қия супа стапел

– مَزْلَقَانٌ кўп. اتٌ — қиялик, сирғанадиган жой; рампа (юкларни жилдиришда фойдаланиладиган жиҳоз); 2) дамба, кўтарма; (бирор н. тўкиб) кўтарилган (ясалган) тепалик (дўнглик); 3) т.й. темир йўлни кесиб ўтиш жойи

– مَزْلَقَةٌ 1) сирғанчиқ, тайғоқ, тайғончоқ жой; 2) яхмалак учадиган (конькида учадиган) жой

– مِزْلَقٌ = مِزْلَقَةٌ

– مُنْزَلَقٌ 1) сирғанчоқ (тайғоқ, тайғанчоқ) жой; 2) жилиб (сурилиб) турадиган даража кўрсаткичи; 3) кўч. м. қийин (оғир) аҳвол (шароит)

– مُنْزَلِقٌ сирғаниб (жилиб, сурилиб) турадиган; عُقْدَةٌ ~ـةٌ сурилиб (жилиб) турувчи тугун; ~ بَابٌ ёнига сурилиб (жилиб) очилиб-ёпиладиган эшик, сурма эшик; ~ صَمَّامٌ тех. суюқлик ва газ кабиларни тақсимловчи жиҳоз

زَلَمٌ кўп. أَزْلَامٌ камон ўқи (бошоқсиз-фол очиш, ўйин учун ишлатилади); ◊ حَبُّ الـ~ бот. ер ёнғоқ, ербодом

– زُلَمٌ = زَلَمٌ

– زَلَمَةٌ[1] кўп. زَلَمٌ одам; шахс; кўп. олчоқлар, малайлар

– زَلَمَةٌ[2] ташқи кўриниш, қиёфа, афт, афт-ангор, жусса

– زُلُومَةٌ кўп. زَلَالِيمُ хартум; хартумча (асалариларда); ~ الْإِبْرِيقِ чойнакнинг бурни (тумшуғи)

زَمَّ I (a/y) زَمٌّ боғламоқ; тугмоқ; боғлаб қўймоқ; маҳкамламоқ, тортиб боғламоқ, тортиб боғламоқ, сиқмоқ; ~ شَفَتَيْهِ лабларни қисмоқ; ~ الْبَعِيرَ туяга тизгин (жилов) тақмоқ (осмоқ); ~ بِأَنْفِهِ бурун кўтармоқ, кеккаймоқ, керилмоқ; ~ الْقَوْمَ одамларнинг олдига ўтмоқ (юриш давомида); II زَمَّمَ 1) (ҳайвонларга) жилов (нўхта) осмоқ; 2) хатламоқ, рўйхатга олмоқ; VII اِنْزَمَّ боғланган, боғлаб қўйилган

бўлмоқ ..

– زِمَامٌ кўп. أَزِمَّةٌ 1) тизгин, жилов, нўхта; тасма; 2) тугун, ип (*мас., пойабзалдаги*); 3) деҳқончилик қилинадиган ер; ер заҳираси; أَرْضٌ فِي ~ الْحُكُومَةِ ҳукумат фойдаланадиган (*ҳукуматга қарашли*) ер; ~ زِرَاعَةِ الْقُطْنِ пахта экиладиган ер майдони, пахтазор; ~ الْقَرْيَةِ жамоа ери; قَانُونُ ثُلْثِ الـــ~ *тар.* экин ерларининг учдан бир қисмига пахта экиш ҳақида қонун; ◊ ~ الْحُكْمِ *ёки* ~ الْأَمْرِ وَالنَّهْيِ *ёки* أَزِمَّةُ الْأُمُورِ ҳокимлик асоси; بَعِيدُ مَنَالِ الـــ~ кўлетмас; تَسَلَّمَ ~ مَلَكَ ~ السَّيَّارَةِ автомобилни бошқаришни (ҳайдашни) ўзига олмоқ; ~ الْمُبَادَرَةِ ташаббусни қўлга олмоқ, эгалламоқ; لَمْ يَمْلِكْ ~ إِرَادَتِهِ ўзини бошқара олмаслик, ўз иродасини бўйсундиролмаслик; иродасиз бўлмоқ, ирода кучига эга бўлмаслик; أَفْلَتَ ~ الْوَقَارِ مِنْهُ у ўз қадр-қимматини билиш туйғусини йўқотди, у ўз қадр-қимматини (виқорини) йўқотди

– زِمَامَاتٌ кўп. зиммага олинган нарсалар, мажбуриятлар

– زَمَّةٌ кўз қисиқлиги

زِنْبَارٌ = زِمْبَارٌ

زَنْبَلَكٌ *қар.* زُمْبُلَكٌ

I زَمُتَ (*у*) زَمَانَةٌ жиддий бўлмоқ; вазмин (пинагини бузмайдиган, тепса-тебранмас) бўлмоқ; ўта расмиятчи, расмиятпараст бўлмоқ; ясама (зўрма-зўраки, носамимий) бўлмоқ) وَقَدْ ~ وَجْهُهُ унинг юзи жиддийлашди; V تَزَمَّتَ 1) жиддий (расмий, вазмин) қиёфага кирмоқ; 2) (*бирор н. га*) жиддий (қатъий) амал қилмоқ, (*н. дандир*). синчков (*майда-чуйдаларгача диққат қиладиган*) бўлмоқ (بِ, فِي); لاَ يَتَزَمَّتُ بِاسْتِعْمَالِ كَلِمَاتٍ مِنَ اللُّغَةِ الدَّارِجَةِ у шевадаги сўзларни ҳам хижолат тортмай (уялмай) ишлатаверади

– تَزَمُّتٌ 1) вазминлик, тепса-тебранмаслик; 2) ўта расмиятчилик; синчковлик, майда-чуйдаларгача диққат қилишлик

– زَمَانَةٌ жиддийлик; вазминлик, тепса-тебранмаслик; ясамалик, зўрма-зўракилик, носамимийлик

– زُمَّتٌ қарға

– زَمِيتٌ жиддий; вазмин, тепса-тебранмас; ясама, зўрма-зўраки; носамимий

– مُتَزَمِّتٌ 1.1) ўта расмиятчи, синчков, майда-чуйдаларгача диққат қилувчи; 2) вазмин, тепса-тебранмас; 2. шаклбоз; синчков, майдакаш

زُمَّجٌ кўп. زَمَامِجُ, زَمَامِيجُ лочин; ~ الْمَاءِ чайка, балиқчи (*қуш*)

زَمْجَرَ бўкирмоқ; ўкирмоқ; жаврамоқ

I زَمَرَ (*у/и*) زَمْرٌ, زَمِيرٌ най (сурнай, бурғуча) чалмоқ; II زَمَّرَ = I

– زَامِرٌ най (сурнай, бурғуча) чалувчи

– زَامُورٌ (*автомобиль*) гудоги, сигнали

– زَمَّارٌ *мн.* زَامِرَةٌ най (*сурнай, бурғуча*) чаладиган машшоқ; ~ الرَّمْلِ *зоол.* қумчумчуқ (*уруқхўр қуш*)

– زَمَّارَةٌ кўп. زَمَّارَاتٌ, زَمَامِيرُ най, сурнай; бурғуча; ~ الْإِنْذَارِ ҳаво тревогаси; ~ التَّرَامِ трамвай сигнали; ◊ ~ الزَّوْرِ *ёки* ~ الرَّقَبَةِ томоқ, бўғиз, ҳалқум; أَمْسَكَ مِنْ ~ رَقَبَتِهِ кимнингдир томоғидан олмоқ (бўғмоқ, тутмоқ)

– زَمْرٌ[1] (най, сурнай, бурғуча) чалиш

– زَمْرٌ[2] кўп. زُمُورٌ 1) қамиш сурнай; 2) гудок

– زُمْرَةٌ кўп. زُمَرٌ тўда, гуруҳ; гала, ёвуз ниятли кишилар тўпи

– زَمِيرٌ (най, сурнай, бурғуча) чалиш

– زُمَيْرٌ *бот.* ёввойи сули

– زِمِّيرٌ зиммир (*майда балиқ*)

– مِزْمَارٌ кўп. مَزَامِيرُ 1) най; қамишсурнай; кларнет; 2) *анат.* ҳалқум (бўғиз) йўли (тешиги); ~ الزَّوْرِ ҳиқилдоқ, бўғиз; لِسَانُ الـــ~ *анат.* ҳалқум (бўғиз) даги тилча, лаклук; ◊ ~ الرَّاعِي *бот.* баргизуб, зуптурум

– مَزْمُورٌ кўп. مَزَامِيرُ псалом (*христианларда: диний қўшиқ ёки оятлардан бири*)

زُمُرُّدٌ *жам.* зумрад, зумуррад; ~ أَصْفَرُ *мин.* гелиодор (*сариқ рангли минерал*); ~ رَيْحَانِيٌّ аквамарин (*яшил-ҳаворанг қимматбаҳо тош*); ~ مِصْرِيٌّ берил (*қимматбаҳо тош*)

– زُمُرُّدِيٌّ зумрадга оид, зумраддан қилинган

زُمُرُّذٌ = زُمُرُّدٌ

زَمْزَمَ 1) гудурламоқ; 2) гувиллаб овоз чиқармоқ; 3) тарақа-туруқ қилмоқ

– زَمْزَمٌ 1) мўл, мўл-кўл, сероб, тўкин-сочин, бой, баракали; 2) Замзам (*Каъбатуллоҳдаги муқаддас сув*)

– زَمْزَمَةٌ 1) гудурлаш; 2) гувиллаб овоз чиқариш; 3) тарақа-туруқ қилиш

– زِمْزِمَةٌ кўп. زَمَازِمُ гуруҳ, тўда, тўп

– زَمْزَمِيٌّ сув ташувчи, оби худойи ташувчи (*Маккаи мукаррамада*)

– زَمْزَمِيَّةٌ кўп. ـــاتٌ, زَمَازِمُ 1) сувдон, сув идиши, фляга; 2) термос

I زَمَطَ (*у*) زَمْطٌ югуриб кетмоқ, қочмоқ, қочиб кетмоқ; чап бермоқ, шамғалат қилмоқ

I زَمَعَ (زمع) زَمِعَ (*а*) زَمْعٌ ҳадиксирамоқ, қўрққанидан уйда ўтирмоқ; II زَمَّعَ (*н. нидир*) ҳал қилмоқ, бир ёқли қилмоқ (*туш.к.* بِ, عَلَى); IV أَزْمَعَ (*н. нидир қилишга*) азм этмоқ, қарор қилмоқ (*туш.к.* بِ, عَلَى)

– زَمَعٌ ҳайронлик, ажабланиш, ҳайратланиш

– زَمَعَةٌ кўп. ـــاتٌ, أَزْمَاعٌ арзимаслик, тубанлик, пастлик, тубан шахс

– مُزَمَّعٌ: ~ عَلَيْهِ ҳал қилинган, олдиндан ҳал қилиб (белгилаб) қўйилган

– مُزْمِعٌ азм этган, қарор қилган; 2) (*хавф-хатар ҳақида*) таҳдид

солаётган

I زَمَلَ (у) زُمُولٌ (*к. нингдир ортидан*) эргашмоқ, юрмоқ, бормоқ; زَمَلَ (у) زَمْلٌ мингашмоқ; ~ الرَّفِيقَ дўстни ўз орқасига мингаштириб олмоқ (*улов минганда*); II زَمَّلَ ўраб олмоқ, орасига тиқиб ўраб олмоқ; ~ـهُ فِي ثَوْبِهِ бирор кимни кийимига ўраб олмоқ; III زَامَلَ 1) ҳамроҳ бўлиб бормоқ (келмоқ, юрмоқ), биргалашиб юрмоқ, ҳамроҳ бўлмоқ, йўлдош бўлмоқ; 2) ҳамкасаба бўлмоқ, ҳамкасб (касбдош) бўлмоқ; 3) (*к. нидир*) кузатиб юрмоқ, кузатмоқ, текширмоқ; 4) ~ الرَّفِيقَ уловнинг бир томонига ўзи миниб, иккинчи томонига дўстини ўтқазмоқ ва шу билан посангини тўғриламоқ; V تَزَمَّلَ (*н. гадир*) ўралиб олмоқ, ўралиб (бурганиб) олмоқ (فِي); (*н. биландир*) ёпинмоқ (بِ), ёпиниб олмоқ

– إِزْمِيلٌ *алиф.б.қар.*

– زَمَالَةٌ ўртоқлик, ўртоқларча муносабат

– زُمْلَةٌ *кўп.* زُمَالَاتٌ улфатлар; гуруҳ, тўп

– زَمِيلٌ *кўп.* زُمَلَاءُ йўлдош, ҳамроҳ; шерик; биродар; ҳамкасаба, касбдош; бирга ишлайдиган; (*қандайдир жамиятга*) аъзо; рақиб (*бирор ўйинда*); ~ مَدْرَسَةٍ мактабдош; синфдош

– زَمِيلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — йўлдош,, ҳамроҳ (*аёл*); дугона; ҳамкасаба (касбдош) аёл, бирга ишловчи аёл; (*бирор ўйинда*) рақиб(а)

زِمْلِكٌ *кўп.* زَمَالِكُ кулба

I زَمِنَ (а) زَمَنٌ сурункали касалликдан азоб чекмоқ; IV أَزْمَنَ 1) (*қаердадир*) узоқ вақт қолмоқ, қолиб кетмоқ (بِ); 2) узоқ давом этмоқ, сурункали бўлмоқ (*касаллик ҳақида*); VI تَزَامَنَ синхронлик, бир вақтда бир хил иш бажармоқ, ҳаракат қилмоқ

– تَزَامُنٌ бир вақтда бир хил иш бажариш хусусияти, синхронлик

– تَزَامُنِيٌّ синхронликка оид; синхрон равишда

– تَزَامُنِيَّةٌ синхронлик, синхронлилик

– زَمَانٌ *кўп.* أَزْمِنَةٌ 1) замон, вақт; давр; إِلَى ~ قَرِيبٍ яқин вақтгача, яқингача; مِنْ ~ аллақачон; مِنْ غَابِرِ الـ~ аллақачонлардан бери; ҳамма даврларда, доимо; أَهْلُ ~ـهِ кимнингдир замондошлари; تَصَارِيفُ الـ~ тақдир ўйинлари; 2) мавсум, фасл, давр, сезон; 3) *грам.* замон; نَزَلَ بِهِ الـ~ ◊ тақдир унга жабру жафолар қилди, тақдир (қисмат) уни аямади (унга раҳму шафқат қилмади)

– زَمَانَةٌ[1] сурункали касаллик

– زَمَانَةٌ[2] ҳайвонларга келадиган офат

– زَمَانِيٌّ 1) вақтинча; 2) дунёвий; бу дунёга оид

– زَمَانِيَّةٌ пайт (замон) келишини кутиш

– زَمَنٌ *кўп.* أَزْمَانٌ 1) замон, вақт; إِلَى آخِرِ الـ~ абадий, мангу, охир замонгача, қиёматгача; مَعَ الـ~ *ва қти-вақти* билан вақти келганда; مُنْذُ ~ طَوِيلٍ аллақачон, узоқ вақтлардан бери; عَلَى تَبَاعُدِ الـ~ узоқ замонлар ўтиб кетган бўлса-да; فِي ~ الْحَرْبِ уруш даврида (вақтида); ~ًا бир оз (озгина) вақт мобайнида (давомида); 2) *грам.* замон

– زَمِنٌ сурункали касалликдан азоб чекувчи

– زَمْنَةٌ вақт ораси, фурсат, вақт ичи, вақт қисми

– زَمَنِيٌّ 1) вақт (пайт) да чегараланган, вақтинча, муваққат; فَتْرَةٌ ~ـةٌ вақтнинг маълум бир қисми; قُنْبُلَةٌ ~ـةٌ белгиланган вақтдагина портлайдиган бомба; 2) хронологияга оид, хронологик (*ҳодиса-воқеаларнинг вақт жиҳатдан кетма-кетлиги*); تَرْتِيبٌ ~ хронологик тартиб; 3) дунёвий; бу дунёга оид; سُلْطَةٌ ~ـةٌ дунёвий ҳокимият (салтанат)

– مُتَزَامِنٌ синхронликка оид

– مُزَامِنٌ синхронизатор (*бир вақтда бир хил иш ёки ҳаракат қилишни таъминловчи жиҳоз-асбоб*)

– مِزْمَانٌ синхро(*но*)скоп (*синхронликни ёзиб борувчи, текширувчи асбоб*)

– مُزْمِنٌ 1) узоқ вақт (сурункали) давом этадиган; 2) эски, тузалмас; сурункали

زَمْهَرَ қизармоқ, шамолламоқ; ازْمَهَرَّ (*газабдан*) қонга тўлмоқ (*кўз ҳақида*)

– زَمْهَرِيرٌ 1) замҳарир, қаттиқ совуқ, аёз, буюқ; 2) (*осмондаги*) ой

I زَنَّ (а/у) زَنٌّ гувилламоқ, ғингилламоқ, гувилламоқ

– زَنٌّ гувиллаш, ғингиллаш, гувиллаш; шовқин

I زَنَأَ (а) زَنْءٌ 1) (*сийдикни*) тутиб турмоқ; 2) (*бирор н. га*) кўтарилмоқ (فِي); 3) шошилмоқ, тезлашмоқ; 4) (*бирор к. олдига*) қочмоқ (إِلَى); (*бирор к. дан*) паноҳ қидирмоқ (إِلَى); II زَنَّأَ (*к. нидир*) қисиб (қийнаб) қўймоқ, қисмоқ (қийнамоқ), имкониятларини чекламоқ (عَلَى)

– زَنَاءٌ = زَنَاءٌ

– زَنَاءٌ тутиб туриш; ~ الْبَوْلِ сийдикни тутиб туриш

زَنْبَرَ (*бирор к. га нисбатан*) ўзини баланд (такаббурона) тутмоқ (عَلَى)

– زُنْبُورٌ, زُنْبَارٌ *кўп.* زَنَابِيرُ ари

– زُنْبُرُكٌ, زَنْبَرَكٌ, زُنْبُرَكٌ 1) пружина (*мас., соатдаги*); لَوْلَبِيٌّ ~ спирал пружина; 2) рессор (*мас., автомобилдаги*)

– زُنْبُرُكِيٌّ пружинага оид, пружинали

زَنْبَقٌ *жам.* сунбул; лилия; гулсапсар; ясмин (ёсамин); ~ الْمَاءِ сув лилияси, оқ нилфия

– زَنْبَقَةٌ *кўп.* زَنَابِقُ сунбул; лилия; гулсапсар; ясмин (ёсамин) гули

زَنْبَلَكٌ = زُنْبُرُكٌ

زَنْبِيلٌ, زِنْبِيلٌ, زَنْبِيلٌ *кўп.* زَنَابِيلُ 1) катта сават; 2) занбил (*ҳажм ўлчови*); ~

كَبِيرٌ занбили кабир (*катта занбил-115,5 литрга тенг*); صَغِيرٌ ~ занбили сағир (*кичик занбил-57.75 литрга тенг*)

(زنتر) تَزَنْتَرَ 1) кеккайиб (мағрурона) юрмоқ; 2) ўзни баланд тутмоқ, мағрурланмоқ, кеккаймоқ; беписанд бўлмоқ

– زَنْتَرَةٌ мағрурлик, гердайиш, беписандлик

زِنْجٌ *жам. кўп.* زُنُوجٌ занжийлар, негрлар.

– زِنْجِيٌّ занжийга оид; 2, занжий, негр

زَنْجَبِيلٌ 1) *бот.* занжабил; بَلَدِيٌّ ~ *ёки* شَامِيٌّ ~ *бот.* Шом занжабили, девасил; 2) май, шароб

زَنْجَرَ (*танга, чақанинг четлари, қирғоқларини*) ўйиб-чизмоқ

– زِنْجَارٌ чети ўйилган (чизилган) чақа-танга

– زَنْجَرَةٌ (*танга, чақаларнинг четлари, қирғоқларини*) ўйиб-чизиш

– زَنْجِيرٌ *кўп.* زَنَاجِيرُ занжир; гусеница (*танк ва трактор кабиларда ғилдирак вазифасини бажарувчи занжир*); ◊ حِسَابُ الـ~ иккиюзламачилик, ҳар икки рақиб томонларга хизмат қилиш, қўшкетлик

– زِنْجَفْرٌ, زُنْجُفْرٌ киновар (*қизил рангли минерал, шу минералдан тайёрланган қизил бўёқ*)

زِنْجِيَّةٌ жаз-банд (*мусиқий ансамбл*)

I زَنِخَ (а) زَنَخَ тахир бўлиб қолмоқ, ачиб (бузилиб) қолмоқ; димиққан (ҳидланган) бўлмоқ; II زَنَّخَ = I

– زَنَاخَةٌ тахир бўлиб қолишлик, димиқиш, ҳидланиш

زِنَادٌ *кўп.* ـَاتٌ, أَزْنِدَةٌ чақмоқтош; حَجَرُ الـ~ чақмоқтош; 2) тепки (*мас., милтиқда*); إِبْرَةُ الـ~ баёк (*тўп, милтиқ кабиларда ўқ; снаряддаги пистонга уриладиган қисм*); ◊ قَدَحَ ~ فِكْرِهِ (ذِهْنِهِ) фикр юритмоқ, каллани ишлатмоқ, мияни ишлатмоқ

I (سوغ) سَاغَ (у) سَوْغٌ, سَوَغَانٌ 1) имкони бўлмоқ, рухсат бермоқ; 2) ютими осон бўлмоқ; 3) ёқимли бўлмоқ (ичимлик, шарбат ҳақида); II سَوَّغَ 1) рухсат бермоқ, имкон бермоқ, йўл қўймоқ; 2) оқламоқ; ~ـهُ بِالْعُذْرِ турли важ-корсон билан бирор нарсани оқламоқ; 3) осон ютиладиган қилмоқ; 4) (бинони) ижарага бермоқ; ثَانِيًا ~ субарендага бермоқ; IV أَسَاغَ осонлик билан ютмоқ, ҳазм қилмоқ (овқатни); X اسْتَسَاغَ 1) йўл қўймоқ, рухсат бермоқ; 2) осон ўзлаштирмоқ, ҳазм қилмоқ; 3) яхши ҳисобламоқ, маъқул ҳисобламоқ; ароқли деб билмоқ

— اسْتِسَاغَةٌ бўлиши мумкинлик, жоизлик; عَدَمُ ~ ножоизлик, номаъқуллик

— إِسَاغَةٌ (овқатнинг) ҳазм бўлиши

— سَائِغٌ 1) бўлиши мумкин, ўринли, раво, жоиз, ароқли; 2) осон ютиладиган, ютими осон; 3) мазали, лазиз; ◊ لُقْمَةٌ ~ـةٌ ҳавасни келтирадиган (суқлантирадиган) нарса

— سَائِغٌ = سَيِّغٌ

— مَسَاغٌ 1) (овқатнинг) осонлик билан ўтиши; 2) имконият

— مُسَوِّغٌ кўп. ـَاتٌ қонуний асос; узрли баҳона (сабаб); مُسَوِّغَاتُ التَّعْيِينِ (мас., мансабга) тайинлаш учун қонуний асос

(سوف) II سَوَّفَ 1) кейинга қолдирмоқ, орқага сурмоқ; 2) секинлаштирмоқ, сусайтирмоқ; VIII اسْتَافَ (н. нидир) ҳидламоқ, искамоқ, исқамоқ

— تَسْوِيفٌ орқага суриш, кейинга қолдириш

— سَافٌ кўп. ـَاتٌ, سَافَةٌ (мас., девор уришдаги) қатор, қатлам

— سَوْفَ грам. келаси замон феъли юкламаси; أَكْتُبُ ~ мен (энди) ёзаман

— مَسَافَةٌ кўп. ـَاتٌ масофа, оралиқ йўл

— مُسَوَّفٌ 1) кечга чўзилган, чўзиб юборилган; 2) секинлик билан бажариладиган; تِلِغْرَافَاتٌ ~ـةٌ оддий телеграммалар

سُوفْخُوزٌ кўп. ـَاتٌ совхоз

سُوفِسْطَائِيٌّ 1) софистик, софизмга асосланган, нотўғри хулосаларга асосланган; 2) софист, софизм тарафдори; сафсатабоз

— سُوفِسْطَائِيَّةٌ софистика, сохта хулосаларга асосланиш

سُوفْيَاتٌ 1) совет (ҳокимият органи); حُكُومَةُ الـ ~ тар. Совет ҳукумати; 2) тар. совет халқи, совет гражданлари

— سُوفْيَاتِيٌّ советга оид

— سُوفْيَاتٌ = سُوفْيِيتٌ

— سُوفْيَاتِيٌّ = سُوفْيِيتِيٌّ

I (سوق) سَاقَ (у) سَوْقٌ, مَسَاقٌ, سِيَاقٌ, سِيَاقَةٌ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб чиқармоқ; қадамини илдамлатмоқ, тезроқ ҳайдамоқ; قَدَمَيْهِ سَوْقًا ~ оёғини аранг судраб босмоқ; 2) (ҳаергадир) жўнатмоқ, олиб бормоқ, етказмоқ (إِلَى); 3) бош бўлиб бормоқ; ~ـهُمْ بَيْنَ يَدَيْهِ у уларни унинг олдига бош бўлиб олиб борди; الْحَدِيثَ ~ суҳбат олиб бормоқ; مَثَلًا ~ мисол келтирмоқ; 5) бошқармоқ, ҳайдамоқ; سَيَّارَةً ~ машинани бошқармоқ (ҳайдамоқ); II سَوَّقَ 1) бозорга ташимоқ (жўнатмоқ), (товарни) сотмоқ, ўтказмоқ; 2) (дарахтнинг) танаси йўғон бўлмоқ; III سَاوَقَ (к. нингдир) орқасидан бормоқ, (к. гадир) ҳамроҳ бўлмоқ; V تَسَوَّقَ 1) майда-чуйда билан савдо қилмоқ, майдафуруш бўлмоқ; 2) сотиб олмоқ, харид қилмоқ; VI تَسَاوَقَ 1) ёнма-ён юрмоқ, баравар қадам ташламоқ, бирга бормоқ; бир-бирининг изидан бормоқ; 2) мос келмоқ, мувофиқ келмоқ; уйғунлаштирмоқ, мувофиқлаштирмоқ; VII انْسَاقَ 1) ҳайдаб борилмоқ, ҳайдаб келинмоқ; مَعَ التَّيَّارِ ~ оқим билан (ихтиёрсиз) сузмоқ; 2) етакланиб бормоқ, олиб борилмоқ; ~ بِقَدَمَيْهِ إِلَى ... оёқлари уни ...га етаклади (олиб кетди); 3) қўзғалмоқ,

рағбатлантирилмоқ; 4) бўйсунмоқ; VIII اِسْتَاقَ (ҳайвонларни) ҳайдамоқ, ҳайдаб кетмоқ, ҳайдаб олиб келмоқ; 2) (мас., судланувчини қамоқхонага) жўнатмоқ, юбормоқ

– اِنْسِيَاقٌ бўйсуниш, бўйин эгиш, итоат этиш, сўзга кириш

– تَسَاوُقٌ 1) (к. биландир) ёнма-ён юриш, ҳаракатда бўлиш; 2) мос (мувофиқ) келиш, уйғунлик; الـ~ وَ الْاِنْسِجَامُ уйғунлик ва мутаносиблик

– تَسْوِيقٌ сотиш, сотиб бўлиш; مَوَانِئُ الـ~ сотув (савдо) портлари

– تَسْوِيقَةٌ фойда келтирадиган харид

– سَائِقٌ 1) ҳайдаб борувчи; 2) етакловчи, етаклаб борувчи; 3) кўп. سُوَّاقٌ, سَاقَةٌ а) ҳайдовчи, шофёр; ~ التِّرَامِ трамвай ҳайдовчиси; ~ السَّيَّارَةِ шофёр; ~ الطَّائِرَةِ учувчи; ~ الْقِطَارِ поезд ҳайдовчиси, машинист; ~ الرَّافِعَةِ кранда ишлайдиган ишчи; ~ الْجَرَّارَةِ тракторчи; б) аравакаш, арава ҳайдовчи; в) мол ҳайдовчи, ҳайвон ҳайдовчи

– سَاقٌ мн. кўп. سُوقٌ, سِيقَانٌ 1) болдир, сон; оёқ; عَظْمُ الـ~ анат. болдир суяги; 2 тана, поя; 3) мат. томон; مُتَسَاوِي السَّاقَيْنِ тенг ёнли, тенг томонли; ◊ أَبُو ~ акатка (қуш); ~ حُرٍّ қумрининг эркаги (нари); ~ الْحَمَامِ кар. حَمَامٌ; رَبْطَةُ الـ~ пайпоқбоғич; الْعَمَلُ جَارٍ عَلَى قَدَمٍ وَ ~ иш мукаммал суръатда бормоқда, иш қизигандан қизимоқда; وَقَفَ عَلَى ~ الْجِدِّ لِـ... ...га жиддий киришмоқ; أَتَرَدَّدُ وَ أُقَدِّمُ ~ًا وَ أُؤَخِّرُ ~ًا мен иккиланмоқдаман ва ўрнимдан жилмаяпман; أَطْلَقَ ~َيْهِ رَكْضًا ёки طَارَ يُسَلِّمُ لِلرِّيحِ ~َيْهِ оёқни қўлга олиб югурмоқ, орқа-олдига қарамай қочмоқ; كَشَفَ الْأَمْرُ عَنْ ~ِهِ иш шиддатли тусга кирди, иш улуғворлик касб этди; قَامَتِ الْحَرْبُ عَلَى ~ уруш кучайиб кетди

– سَاقَةٌ орқа, орқа томон; ~ الْجَيْشِ арьергард (авангарднинг акси -қўшиннинг, ҳарбий колоннанинг орқа қисми)

– سَوَّاقٌ 1) шофёр, ҳайдовчи; ~ التِّرَامْوَايِ трамвай ҳайдовчи; 2) аравакаш

– سُوقٌ мн. мз. кўп. أَسْوَاقٌ бозор; الـ~ الْعَالَمِيَّةُ жаҳон бозори; الـ~ الْأُورُبِّيَّةُ الْمُشْتَرَكَةُ Умумоврупо бозори; ~ حُرَّةٌ эркин бозор; ~ خَيْرِيَّةٌ ёки ~ إِحْسَانٍ хайрия бозори; ~ دَوْرِيَّةٌ ёки ~ سَنَوِيَّةٌ ярмарка; ~ الْهَالِ зираворлар ва сабзавотлар бозори; سِعْرُ الـ~ бозор нархи; ◊ ~ سَوْدَاءُ қора бозор, чайқов бозори

– سَوْقٌ ҳайдаб бориш, ҳайдаш; (машинани) ҳайдаш (бошқариш)

– سُوقَةٌ жам. авом халқ, халқ; оддий халқ

– سُوقِيٌّ 1) бозорга оид, ярмаркага оид; قِيمَةٌ ~َةٌ бозор нархи (баҳоси); 2) авомга оид

– سَوْقِيٌّ стратегик

– سَوْقِيَّةٌ стратегия

– سَوِيقٌ кўп. أَسْوِقَةٌ 1) арпадан ёки буғдойдан пиширилган шавла; 2) маст қиладиган ичимлик

– سُوَيْقَةٌ кўп. ـــاتٌ 1) чўп, банд, поя; 2) бозорча

– سِيَاقٌ 1) (ҳикоянинг) оқими, бориши; ~ الْكِتَابِ китоб мазмунининг кейинги баёни; فِي ~ تَارِيخِهِ الطَّوِيلِ унинг узоқ (узун) тарихи давомида; 2) шунингдек ~ الْكَلَامِ контекст; 3) жонни олиш

– سِيَاقَةٌ (машинани) бошқариш

– مَسَاقٌ 1) (мас. мисоллар ёки сўз) келтириш; ~ بِالْكَلِمَاتِ الْمُقَابِلَةِ қиёсланаётган сўзлар рўйхати (саноғи); 2) етаклаш, олиб бориш; ҳаракат

I (سوك) سَاكَ (у) سَوْكٌ 1) артмоқ; 2) (тиш) тозаламоқ; II سَوَّكَ 1) артмоқ; (тиш) тозаламоқ; V تَسَوَّكَ (тиш) тозаламоқ; VIII اِسْتَاكَ = I

– سِوَاكٌ кўп. سُوكٌ тишкавлагич, тиштозалагич

– مِسْوَاكٌ кўп. مَسَاوِيكُ = سِوَاكٌ

سَوْكَرَ сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ, амин қилмоқ, олдини олмоқ; ~ خِطَابًا почта орқали буюртма қилиб хат жўнатмоқ

سَوْكَرَةٌ; سُوكُرْتَاهْ суғурта (страхование) қилиш, олдини олиш, сақлаш

– مُسَوْكَرٌ 1) олди олинган, эҳтиёт чораси кўрилган, суғурта қилинган; 2) буюртма қилиб жўнатилган (хат)

(سول) II سَوَّلَ 1) васвасага солмоқ, йўлдан оздирмоқ, ёмон йўлга солмоқ; (к. нидир) ёмон хаёлга олиб келмоқ, (к. дадир) ёмон фикр уйғотмоқ (لِـ); سَوَّلَتْ لَهُ نَفْسُهُ أَنْ ... унда ...дек ёвуз фикр пайдо бўлди; كَيْفَ سَوَّلَتْ نَفْسُكَ هٰذَا الْعَبَثَ؟ қандай қилиб сен бундай бемаъниликни ўзингга эп (раво) кўрдинг?; 2) ҳавасини келтирмоқ, қизиқтириб қўймоқ, авраmоқ; V تَسَوَّلَ тиланчилик қилмоқ, тиланмоқ, гадолик қилмоқ (сол. سَأَلَ)

– تَسَوُّلٌ тиланчилик, гадолик

– مُتَسَوِّلٌ тиланчи, гадо

سُولَارٌ ёқилғи, ёнилғи, соляр

I (سوم) سَامَ[1] (у) سَوْمٌ 1) яйловда ўтламоқ, яйловда ўтлаб юрмоқ; 2) бўйнига қўймоқ, устига юкламоқ; 3) сабаб (боис) бўлмоқ; ~ـهُ خَسْفًا الْمَذَلَّةَ وَ الْهَوَانَ таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ; ~ـهُ бирор кишига нисбатан адолатсизлик қилмоқ; سِيمَ الْأَذَى унга зарар етказилди; 4) (товарни) сотувга чиқармоқ; سَامَ[2] (у) سِيَامَةٌ дин. муридликка ўтказмоқ, (христианларда) диний мансабга ўтказмоқ; II سَوَّمَ 1) бўйнига қўймоқ, устига юкламоқ; 2) нарх қўймоқ, баҳосини тайинламоқ (тайин қилмоқ);3) тамғаламоқ, тамға босмоқ; ~ الْخَيْلَ فِي ... ...ни жўнатмоқ, ...ни юбормоқ; III سَاوَمَ (к. биландир н. дадир) савдолашмоқ, нархини талашмоқ (فِي، عَلَى); IV أَسَامَ яйловга ҳайдамоқ, яйловга ҳайдаб юбормоқ; ◊ ~ إِلَيْهِ بَصَرَهُ

кимгадир назар солмоқ; V تَسَوَّمَ бирор нарсани белги қилиб олмоқ, бирор нарсани белги сифатида қабул қилмоқ; VI تَسَاوَمَ ўзаро нарх талашмоқ, савдолашмоқ; VIII اسْتَامَ савдолашмоқ

– سَائِمٌ 1) яйловда ўтловчи; 2) дайди, саёқ; كَلْبٌ ~ дайди (эгасиз) ит

– سَائِمَةٌ кўп. سَوَائِمُ ўтлаб-юрган пода; ҳайвон; قَطِيعٌ مِنَ الـ~ ҳайвонлар подаси

– سَامٌ[1] жам. геол. ер қобиғининг томирсимон ёриқлари

– سَامٌ[2] ўлим

– سَامَةٌ ер қобиғининг томирсимон ёриғи; الذَّهَبِ ~ олтин кони; الفِضَّةِ ~ кумуш кони

– سَامٌ[2] = سَوَامٌ

– سُومَةٌ 1) қўй ёки эчкига босилган тамға (белги); 2) тамға (белги)

– سِيمٌ тамға, белги, нишон, аломат

– سِيمَاءُ 1) белги; 2) тамға, аломат; 3) башара, юз тузилиши

– سِيمٌ = سِيمَةٌ

– سِيمَاءُ = سِيمَى

– مُسَاوَمَةٌ савдолашиш, нарх борасидаги тортишув; ◊ بِـ~ ўзаро келишиб, ўзаро келишилган ҳолда

سُومَرِيٌّ тар. сумерга оид; الـ~ـة сумер тили; 2. сумер кишиси

سُونَاتَةٌ кўп. اتٌ — муз. соната (мусиқий асар)

سُونْكِيٌّ найза

سُونَةٌ суна (бошоқли ўсимликлар зараркунандаси номи)

سَوِيَ I (а) سَوَى 1) (фалон сўм) турмоқ; лойиқ бўлмоқ, муносиб бўлмоқ; 2) тенг бўлмоқ, қиймати бир хил бўлмоқ, тенг баҳоли бўлмоқ; II سَوَّى 1) тенглаштирмоқ, тенг қилмоқ, текисламоқ; ~ الْبِنَاءَ بِالْأَرْضِ иморатни ер билан тенг қилиб текисламоқ (бузмоқ); 2) тўғриламоқ, тузатмоқ, йўлга қўймоқ, мувофиқлаштирмоқ; ~ بَيْنَهُمَا кимнидир ким биландир яраштирмоқ, муросага келтирмоқ; 3) (қарзни) тўламоқ; 4) ташкил қилмоқ, яратмоқ, қилмоқ; 5) қайнатмоқ; 6) етилтирмоқ; ◊ سُوِّيَتْ عَلَيْهِ (بِهِ) الْأَرْضُ у вафот этди (сўзма-сўз: унинг устига тупроқ текисланди); III سَاوَى 1) тенглаштирмоқ, текисламоқ; 2) тенглашмоқ, мос келмоқ, тўғри келмоқ, муносиб келмоқ; 3) арзимоқ, турмоқ (нарх), лойиқ бўлмоқ; 4) бир хил қилмоқ; ~ بَيْنَهُمَا кимнидир ким биландир яраштирмоқ, муросага келтирмоқ; VI تَسَاوَى 1) тенг бўлмоқ, бир хил бўлмоқ; 2) (бирор н. хусусида) келишиб олмоқ (عَلَى); VIII اسْتَوَى 1) теп-текис бўлмоқ, силлиқ бўлмоқ; 2) тенг бўлмоқ, бир хил бўлмоқ; 3) адолатли бўлмоқ; 4) тўғриланмоқ; 5) ўтирмоқ; (н. гадир) жойлашмоқ, ўрнашмоқ (عَلَى); 6) (бирор н. томонга) йўналмоқ (إِلَى); 7) (н. нингдир) устига ўрнашган бўлмоқ, устида турмоқ (عَلَى); 8) қайнаб пишмоқ; 9) пишмоқ, етилмоқ (мева ҳақида); ~ إِلَى السَّمَاءِ осмонга йўл олмоқ; الرَّجُلُ ~ одамнинг ёшлиги ўтиб кетди

– اسْتِوَاءٌ 1) тенглик; الْحُقُوقِ ~ тенг ҳуқуқлилик; 2) теп-текислик, силлиқлик; 3) бир хиллик; ◊ خَطُّ الـ~ экватор, хаттил устуво; خَطُّ الـ~ السَّمَاوِيُّ астр. осмон сфераси экватори

– اسْتِوَائِيٌّ 1) экваторга оид, экваториал; 2) тропик; الْمِنْطَقَةُ الـ~ـة тропик минтақа

– تَسَاوٍ 1) тенглик; ~ى الْحُقُوقِ тенг ҳуқуқлилик; بِالـ~ى баб-баравар, тенг баравар; 2) бир хиллик

– تَسْوِيَةٌ кўп. اتٌ — 1) текислаш, ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан аниқлаш; 2) мувофиқлаштириш, мослаш; (масалани) ҳал қилиш; 3) тўлов, тўлаш; орани очиқ қилиш; تَحْتَ الـ~ ҳақи тўланмаган; 4) (овқат) тайёрлаш, қайнатиш, пишириш

– سَوَاءٌ кўп. سَوَاسِيَةٌ 1) теп-текис; 2) тенг; баравар; السَّبِيلِ ~ тўғри йўл; عَلَى الـ~ ёки عَلَى حَدٍّ الـ~ бир хил, бир хил даражада; ~ بِـ~ роппа-роса бир хил; عَلَيْهِمْ ~ улар учун барибир; ~ ... أَمْ ... ...ми-йўқми - барибир; 3) тенглик; 4) бир хиллик; ~هُمَا(هُمْ) у иккиси (улар) тенгдир; الشَّيْءِ ~ нарсанинг ўртаси; فِي ~ الْجَحِيمِ дўзахнинг ўртасида

– سِوَى ...дан ташқари, ...дан бўлак, ...дан бошқа; سِوَاهُ ундан бошқа(си); لَا ... ~ ёки لَيْسَ ... ~ ...дан бошқа нарса эмас

– سَوِيٌّ кўп. أَسْوِيَاءُ 1) текис, теп-текис, силлиқ; 2) тўғри; الطَّرِيقُ الـ~ тўғри йўл; الصِّرَاطُ الـ~ = الصِّرَاطُ الْمُسْتَقِيمُ (қар. صِرَاطٌ); ~ا а) роппа-роса, тўппа-тўғри; б) узлуксиз, тўхтамасдан

– سَوِيَّةٌ тенглик; ~ биргаликда, биргалашиб; بِالـ~ бир хил равишда (ҳолда); теппа-тенгдан

– سِيٌّ бир хил, бир хил шаклдаги; тенг; سِيَّانِ عِنْدِي бу икки нарса менинг учун барибир; ◊ لَا ~مَا хусусан, хусусан олганда

– مُتَسَاوٍ мн. مُتَسَاوِيَةٌ 1) теп-текис, силлиқ; 2) тенг, бир хил; ~ى الْحُقُوقِ тенг ҳуқуқли; ~ى الْأَضْلَاعِ тенг томонли; ~ى الزَّوَايَا тенг бурчакли; ~ى السَّاقَيْنِ мат. тенг-ёнли

– مُسَاوٍ мн. مُسَاوِيَةٌ тенг, бир хил

– مُسَاوَاةٌ тенглик; الشُّعُوبِ وَ الْأَجْنَاسِ ~ миллат ва ирқлар тенглиги; عَلَى مَبْدَإِ الـ~ тенглик асосида, тенг ҳуқуқлилик асосида; عَلَى قَدَمِ الـ~ ёки عَلَى أَسَاسِ الـ~ التَّامَّةِ тўла тенглик асосида, тўла тенг ҳуқуқлилик асосида

– مُسْتَوٍ мн. مُسْتَوِيَةٌ 1) текис, тептекис, силлиқ; الْهَنْدَسَةُ الـ~ـة мат. планиметрия; 2) қайнатилган, қайнатиб пиширилган; 3) етук, пишган, пишиб етилган; 4) грам. ҳам музаккар, ҳам муаннас жинсда ишлатилувчи (сўзлар ҳақида)

– مُسْتَوًى кўп. مُسْتَوَيَاتٌ 1) даража; الْمَاءِ فِي النَّهْرِ (فِي الْبَحْرِ) ~ дарёдаги (денгиздаги) сувнинг сатҳи; الْاقْتِصَادِ الْوَطَنِيِّ ~ миллий

~ الْحَيَاةِ ёки ~ الـ~ الثَّقَافِيُّ маданий савия; иқтисод даражаси; الـ~ السِّيَاسِيُّ сиёсий الـ~ الْمَعِيشِيُّ яшаш даражаси; ёки الْمَعِيشَةِ даража, عَلَى أَعْلَى الْمُسْتَوَيَاتِ энг юқори даражада, олий даражада; عَلَى جَمِيعِ الْمُسْتَوَيَاتِ барча даражаларда, барча табақаларда; وَضَعَ عَدُوَّهُ وَ صَدِيقَهُ عَلَى ~ وَاحِدٍ маж. дўсту душманни баравар кўрмоқ; 2) кўтарилиш баландлиги, кўтарилиш даражаси; 3) мат. текислик

سُوَيْدِيٌّ 1) Швецияга оид; الـ~ـة швед тили; 2. швециялик одам

سُوِيسْرِيٌّ 1. Швейцарияга оид; 2. швейцариялик одам

سُوَيْسِيٌّ 1. Сувайшга оид; 2. сувайшлик одам

سَيِّدِي ёки سَيِّدٌ = سِي

سِيٌّ қар. سوى

I (سيب) سَابَ (и) سَيْبٌ 1) оқмоқ, қуйилмоқ, томмоқ (мас., кўз ёши); 2) ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; 3) кўчмоқ, кўчиб кетмоқ; қаровсиз юрмоқ; тентирамоқ, дайдиланмоқ, дайди бўлмоқ; 4) ташламоқ, тарк этмоқ, қолдирмоқ; боқимсиз ташлаб қўймоқ; қаровсиз қолдирмоқ; II سَيَّبَ ташламоқ, тарк этмоқ; қаровсиз қолдирмоқ, боқимсиз ташлаб қўймоқ; V تَسَيَّبَ ташланди бўлмоқ, ташлаб кетилмоқ; қаровсиз бўлмоқ; VII انْسَابَ 1) оқмоқ, қуйилмоқ; 2) югурмоқ, интилмоқ; 3) берилиб кетмоқ, қизиқиб кетмоқ; 4) (қаергадир) кирмоқ, кириб бормоқ, етиб бормоқ (إِلَى); 5) бошламоқ; ~ يَتَصَفَّحُ الْكِتَابَ у китобни варақлай бошлади

– انْسِيَابِيٌّ юрганда ҳавонинг қаршилигига кам учрайдиган шаклли

– تَسَيُّبٌ совуққонлик, бепарволик

– سَائِبٌ 1) ташландиқ, қаровсиз ташлаб қўйилган; эгасиз, қаровсиз, тасарруфсиз; 2) адашиб юрган; ~ الْأَوْصَالِ йиртилган, ситилган, тутдек тўкилиб кетган (мато ҳақида); ~ ضِلْعٌ етим қовурға; 3) эркин, бўш, очиқликда турган, ихтиёри ўзида; الْمَالُ الـ~ يُعَلِّمُ السَّرِقَةَ мқл. ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри қилма (сўзма-сўз: очиқликда турган (яшириб қўйилмаган) мол ўғирлашни ўргатади)

– سَائِبَةٌ кўп. سَوَائِبُ 1) уй ҳайвони; 2) назр қилиш ёки бошқа мақсадда ташлаб қўйилган туя (жоҳилият даврида); 3) қул, банда

– سَايِبٌ халқ. (тарозида) тортиб сотиладиган, қадоқланмаган

– سَيَابٌ хурмонинг янги пишган меваси

– سِيبَةٌ сепоя, уч оёқли столча, тағ курси

– سِيبَانٌ кўп. сирка, бит уруғи (сол. кўп. صِئْبَانٌ қар. صُؤَابَةٌ)

سِيبَرْنَتِيكٌ кибернетика

(سيج) II سَيَّجَ қўрғон қилиб ўрамоқ, девор билан ўрамоқ

– سِيَاجٌ кўп. أَسْيِجَةٌ, سِيَاجَاتٌ девор, тўсиқ, қўра, ғов

– سِيجَةٌ шашка; لَعِبُ الـ~ шашка ўйини

سِيجَارٌ сигара

– سِيجَارَةٌ кўп. سَجَائِرُ папирос

I (سيح) سَاحَ[1] (и) سِيَاحَةٌ ,سَيَاحَةٌ саёҳат қилмоқ, сафар қилмоқ, кезмоқ, кезиб чиқмоқ; سَاحَ[2] (и) سَيْحٌ, سَيَحَانٌ 1) эримоқ; эритилмоқ; 2) оқмоқ, тўкилмоқ, қуйилмоқ, тошмоқ; II سَيَّحَ 1) эритмоқ, мойни эритмоқ; 2) оқизмоқ ◊ ~ دَمَهُ кимнидир ярадор қилмоқ, кимнидир қора қонига беламоқ; IV أَسَاحَ оқизмоқ, тўкмоқ; VII انْسَاحَ кенгаймоқ, кенгайиб кетмоқ

– سَاحِينُ Басрадан ўтадиган дарёнинг номи

– سَائِحٌ[1] 1) оқувчи; 2) эритилган

– سَائِحٌ[2] кўп. سُيَّاحٌ сайёҳ, саёҳатчи; турист

– سَائِحٌ[2] = سَيَّاحٌ

– سَيَاحَةٌ кўп. ـاتٌ ботқоқлик

– سِيَاحَةٌ кўп. ـاتٌ 1) сафар, саёҳат; бориб келиш; 2) туризм

– سِيَاحِيٌّ, سِيَاحِيٌّ саёҳатга оид, сафарга оид, туристик; رِحْلَةٌ ~ـة туристик саёҳат (сафар); ~ وَفْدٌ туристик делегация, туристлар делегацияси

– سِيَاحِيَّةٌ туризм

– سَيْحٌ оқин сув

– سَيْحَانُ Шомдаги дарёнинг номи

– مُسَيَّحٌ 1) эритилган, эритиб олинган; زُبْدَةٌ ~ـة эритилган сариёғ 2) йўл-йўл, йўли бор; بَلْوَةٌ ~ـة оғир мусибат

I (سيخ) سَاخَ (и) سَيَخَانٌ ботиб қолмоқ, тиқилиб қолмоқ (оёқ ҳақида)

– سِيخٌ кўп. أَسْيَاخٌ 1) сих; 2) сим чивиқ, сим хивич

سِيد қар. سود

سِيدْكَارٌ (мотоцикл) кажаваси, коляскаси

I (سير) سَارَ (и) سَيْرٌ, مَسِيرٌ, مَسَارٌ 1) юрмоқ, қатнамоқ, бормоқ; қимирламоқ, ҳаракат қилмоқ, силжимоқ; саф тортиб юрмоқ; жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; ~ فِي رِكَابِهِ кимнингдир орқасидан эргашмоқ; ~ كَتِفًا لِكَتِفٍ ёнма-ён (елкама-елка) юрмоқ; ~ وَرَاءَهُ кимнингдир орқасидан бормоқ; ~ شَوْطًا وَاسِعًا (н. дадир) катта ютуққа эришмоқ; ~ إِلَى (نَحْوَ) التَّحَسُّنِ (فِي) яхшиланмоқ, яхшилана бормоқ; ~ مِنْ سَيِّئٍ إِلَى أَسْوَأَ ... ёмонлаша бошламоқ, ёмон томонга силжимоқ; 2) (н. нидир) олиб бормоқ (عَلَى); ~ عَلَى سِيَاسَةِ ... ... сиёсатини олиб бормоқ; 3) ҳаракат қилмоқ, ишламоқ; 4) амалда бўлмоқ, муомалада бўлмоқ; қатнамоқ; тарқалмоқ, тарқоқ бўлмоқ; 5) (н. нидир) етказиб бермоқ, етказмоқ, олиб бормоқ (بِ); II سَيَّرَ (қаергадир) жўнатмоқ, юбормоқ (إِلَى); 2) ишга солмоқ, ишлатмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; 3) муомалага киритмоқ; 4)

жўнатмоқ, юбормоқ; (*мас., машинани*) бошқармоқ; أُمُورَ الْحُكْمِ ~ бошқармоқ, бошқарувни амалга оширмоқ; 5) (*иш*) олиб бормоқ; 6) йўл очмоқ, ҳаракатни йўлга қўймоқ; الْبَرِيدَ ~ (... *оралиғида*) почта хизматини йўлга қўймоқ (بَيْنَ); السَّيَّارَاتِ ~ (... *оралиғида*) автомобиль ҳаракатини жорий қилмоқ (بَيْنَ); 7) (*мас., газламага*) йўл-йўл чизиқлар тортмоқ, (*газламани*) йўл-йўл қилиб чизмоқ; III سَايَرَ 1) биргалашиб юрмоқ; бир-бирига етиб юрмоқ; 2) ҳамроҳлик қилмоқ; *муз.* жўр бўлмоқ; 3) мос келмоқ, мувофиқ келмоқ, муносиб келмоқ; 4) (*н. гадир*) мослашмоқ, мувофиқлаштирилмоқ, уйғунлаштирилмоқ; (*н. гадир*) йўл қўймоқ; эркалатмоқ; الظُّرُوفَ ~ шароитга мослашмоқ; 5) (*кемани*) йўналтирмоқ; IV أَسَارَ ҳаракатга келтирмоқ, ишга солмоқ

– أَسْيَرُ энг тез юрадиган, учар, чаққон, энг кўп тарқалган

– تَسْيَارٌ 1) юриш; 2) саёҳат; ◊ وَ فِيمَا أَلْقَى عَصَا الـ~ унда у ўтроқ бўлиб қолди, у ерда у доимий яшаб қолди (*сўзма-сўз:* у ерда у кезиб юриш таёғини ташлади)

– سَائِرٌ[1] 1) юрувчи, ҳаракатланувчи, ҳаракат қилувчи; 2) тезюрар, чаққон; 3) юрувчи, одатдаги, таомилдаги, одатга кирган; الْمَثَلُ الـ~ мақол, матал

– سَائِرٌ[2] *қар.* سئر

– سَيَّارٌ 1) тинмай ҳаракат қилувчи, бетиним; صُحُفٌ ~ةٌ *ёки* جَرَائِدُ ~ةٌ жорий (кундалик) матбуот; 2) сайёр, кўчма; مُسْتَشْفَى ~ кўчма шифохона

– سَيَّارَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) сайёра, планета; 2) автомобиль, автомашина, машина; الرُّكَّابِ ~ *ёки* الرُّكُوبِ ~ енгил машина; النَّقْلِ ~ *ёки* الشَّحْنِ ~ юк машинаси, юк ташувчи машина; الْإِسْعَافِ ~ тез ёрдам машинаси; ثَلَّاجَةٌ ~ авторефрижератор, музлатгичли машина; قَلَّابَةٌ ~ юкни ўзи ағдарувчи машина, самосвал; عُمُومِيَّةٌ ~ автобус; مُدَرَّعَةٌ ~ зирҳли машина, броневик; سَائِقُ الـ~ ҳайдовчи, шофёр; 3) карвон

– سَيْرٌ[1] 1) юриш, ҳаракат қилиш, ҳаракат; саф бўлиб юриш; қатнаш; الْأَحْدَاثِ ~ *ёки* الْحَوَادِثِ ~ воқеаларнинг оқими (бориш жараёни); سَرِيعُ الـ~ тез юрадиган, тезюрар; 2) ахлоқ, иш-ҳаракат усули

– سَيْرٌ[2] *кўп.* سُيُورٌ камар, тасма, чарм камар; узатма қайиш, ҳаракатни узатиш учун ишлатиладиган тасма

– سِيرَةٌ *кўп.* سِيَرٌ 1) ҳаёт йўли, таржимаи ҳол, биография; 2) яшаш тарзи, ҳаёт тарзи; حَسَنُ الـ~ وَ حُسْنُ الـ~ яхши хулқ, хуш хулқ; السُّلُوكِ ~ وَ السَّرِيرَةِ яхши хулқли, хушхулқ, хуш хулқли; نَقَاءٌ فِي الـ~ *маж.* маънавий поклик; 3) обрў, шуҳрат, донг; 4) ҳикоя, қисса; إِذَا جَاءَتْ ~ـهَا гап у қиз ҳақида борганида ...; الـ~ *ёки* رَسُولِ اللهِ ~ жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг таржимаи ҳоллари

– سَيْرُورَةٌ ҳаракат, юриш, қатнаш; (*мас., адабий асарнинг*) тарқалганлиги, ёйилганлиги

– مَسَارٌ *кўп.* ـاتٌ 1) йўналиш, йўл; ҳаракат чизиғи, траектория; 2) ҳаракат, йўналиш; فِي اتِّجَاهَيْنِ ~ (*автомобилнинг*) икки томонлама ҳаракати (йўналиши)

– مُسَايَرَةٌ 1) қадамига тенглаб юриш, (*к. биландир*) тенг ҳаракат қилиш; 2) ҳамроҳлик қилиш, ҳамроҳлик; *муз.* жўр бўлиш; 3) мослик, мувофиқлик; مُقْتَضَيَاتِ الزَّمَنِ ~ замон талабига мос ҳолда; 4) мослаштириш, мувофиқлаштириш

– مَسِيرٌ юриш, қадам босиш; ҳаракат қилиш; оқим; سَاعَةٍ عَلَى الْحِمَارِ ~ эшакда бир соатлик йўл; سَارَ ذِكْرُهُ كُلَّ ~ унинг шуҳрати ҳамма ёққа кетган

– مُسَيَّرٌ 1) ҳаракатлантириладиган, бошқариладиган; قَذِيفَةٌ ~ةٌ бошқариладиган снаряд; بِالرَّادِيُو ~ радио орқали бошқариладиган; 2) *фалс.* эркин бўлмаган, ихтиёри ўзида бўлмаган (*сол.* مُخَيَّرٌ); 3) йўл-йўл, чизиқ-чизиқ

– مُسَيِّرٌ штурман

– مَسِيرَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) ҳаракат, йўл; 2) юриш, поход, марш; السِّلْمِ وَ الصَّدَاقَةِ ~ тинчлик ва дўстлик юриши (марши); قَامَ بِـ~ (شَعْبِيَّةٍ) احْتِجَاجًا عَلَى ... ...га қарши халқ юриши ўтказмоқ, ...га норозилик сифатида халқ юриши ўтказмоқ; 3) масофа, оралиқ

سِيرٌ: الـ~ сер (жаноб)

سِيرَجٌ кунжут ёғи

سِيرْكٌ цирк

سِيسَالٌ сийсол (*ўсимлик баргларидан тайёрланадиган тўпори арғамчи, арқон*)

سِيسَبَانٌ *бот.* ихрож (*заҳарли оқ шира чиқарадиган ўт*)

سِيسِيٌّ *кўп.* سَيَاسِيُّ тоти от, пони (*жуссаси кичик от*)

سَيْطَرَ (*н. нингдир устидан*) ҳукмронлик қилмоқ, раҳбарлик қилмоқ (عَلَى); سَيْطَرَ = تَسَيْطَرَ

– سَيْطَرَةٌ ҳукмронлик, ҳокимият; бошқарув, зўравонлик; الْبَحْرِ ~ денгиздаги (сувдаги) ҳукмронлик

سَطَّلَ = سَيْطَلَ

(سيع) II سَيَّعَ (*н. нидир*) деворга чапламоқ (суркамоқ) (بِ); ◊ ~ الشَّيْبُ رَأْسَهُ соч-соқоли оқармоқ

– سِيَاعٌ сомонли лой

– مِسْيَعَةٌ лой сувоқда ишлатиладиган асбоб

(سيف) I سَافَ (*u*) سَيْفٌ қилич билан урмоқ, қиличдан ўтказмоқ, қиличламоқ; III سَايَفَ қиличбозлик (найзабозлик) қилмоқ; VI تَسَايَفَ қиличбозлик қилишмоқ

– سَيَّافٌ жаллод; ◊ الْبَحْرِ ~ найзабалиқ

– سَيْفٌ *кўп.* سُيُوفٌ, أَسْيَافٌ қилич, шамшир; لَعْبُ الـ~ қиличбозлик; ◊ أَبُو ~ *ёки* الْبَحْرِ ~ найзабалиқ; سَبَقَ الـ~ الْعَذْلَ

вақти ўтди, энди кеч; لاَ لِلـ~ وَ لاَ للصَّيْف мтл. на раҳмонга чироғу, на шайтонга косов ёки на дон, на сомон (сўзма-сўз: қиличга ҳам эмас, ёзга ҳам эмас)

– سِيفٌ[1] кўп. أَسْيَافٌ 1) қирғоқ, соҳил, сув бўйи; 2) чет, қирғоқ, ёқа, этак

– سِيفٌ[2] савдо. сиф

– مُسَايَفَةٌ қиличбозлик

سَيْفُونٌ, سِيفُونٌ 1) газли ичимликларни сақлаш учун мўлжаллан-ган махсус идиш ёки бутилка, сифон; زُجَاجَةُ ~ газли ичимликларни сақлашга мўлжалланган махсус шиша идиш; 2) тех. сифон; "N" га ўхшатиб букилган труба

سِيكَارٌ сигара

– سِيكَارَةٌ кўп. سَكَائِرُ сигарета, папирос

– سَيْكَرَانٌ бот. мингдевона, эшакмия

سِيكْلُوتْرُونٌ физ. циклотрон

سِيكَةٌ шашка (ўйин) (сол. سِيجَةٌ)

سِيكُوبَاثِيَةٌ психопатия

سِيكُورْتَاهٌ хавфсизликни таъминлаш, суғурта, страхование; ~ الْحَرِيقِ ёнғинга қарши суғурта қилиш; ~ الْحَيَاةِ ҳаётни суғурта қилиш

سِيكُوزٌ руҳий касаллик, эсини йўқотиш, психоз

سِيكُولُوجِيٌّ 1) психологик; 2) психолог

– سِيكُولُوجِيَا, سِيكُولُوجِيَّةٌ психология

سَالَ (и) سَيْلٌ, سَيَلاً (سيل) 1) суюқ бўлмоқ, суюлмоқ; 2) оқмоқ, оқиб кетмоқ; II سَيَّلَ 1) оқизмоқ, оқтирмоқ, тўкмоқ, қуймоқ; 2) суюлтирмоқ, суюқ ҳолатга келтирмоқ; ~ الْغَازَ газни суюлтирмоқ; IV أَسَالَ 1) оқизмоқ, оқтирмоқ, тўкмоқ, қуймоқ; 2) суюқлаштирмоқ; қоримоқ, қориштирмоқ; эритмоқ; VI تَسَايَلَ дув-дув оқмоқ (кўз ёши); ҳамма ёққа оқиб кетмоқ, ёйилиб кетмоқ

– إِسَالَةٌ 1) оқизиш, тўкиш; ~ الدَّمِ қон тўкиш, қон оқизиш; ~ الْمَاءِ водопровод суви ўтказиш; 2) эритиш

– سَائِلٌ 1) суюқ, суюқ ҳолатдаги, оқадиган; гидравлик; الْغَازُ الـ~ суюқ газ; 2) кўп. سَوَائِلُ а) шарбат, сок; б) суюқлик; سَوَائِلُ الْوُقُودِ суюқ ёнилғи

– سَائِلِيَّةٌ суюқ ҳолат

– سَيَّالٌ 1) суюқ, суюқ ҳолатдаги, оқадиган; 2) кўп. ـَاتٌ — а) суюқлик; б) оқим; قَلَمٌ ~ тез ёзадиган қалам, ҳар нарса ҳақида тезгина асар битадиган ёзувчи

– سَيَّالَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) нов, тарнов, сув оқадиган ариқ; анҳор; 2) чўнтак, кармон

– سَيْلٌ кўп. سُيُولٌ оқим, оқиш; анҳор; ~ الْعَرِمِ тар. Қур. Сава подшолиги даврида Маъриб тўғонини бузиб кетган сув тошқини

– سَيَلاَنٌ 1) оқиш, оқиб ўтиш; ~ ذَاتِيٌّ ўзи оқар, ўзи оқиб турадиган; تَسِيرُ الْمِيَاهُ فِي هَذِهِ الْقَنَاةِ بِالـ~ الذَّاتِيِّ бу каналда сув ўзи (ўз оқими билан) оқади; 2) мед. сўзак касаллиги, триппер

– سِيلاَنٌ[1] мин. ёқут

– سِيلاَنٌ[2] пичоқ ёки қиличнинг қинга кириб турадиган қисми

– سَيْلَةٌ анҳорча, жилғача

– سُيُولَةٌ 1) суюқ ҳолат, оқишлик; 2) суюқлик; 3) мол. дарҳол пулга айлантириш мумкин бўлган қоғозлар; الـ~ النَّقْدِيَّةُ мавжуд бўлган нақд пул

– مُسَيِّلٌ оқизувчи, оқизиб юборувчи; الْغَازَاتُ الْـ~ـةُ لِلدُّمُوعِ кўздан ёш оқизувчи газлар

– مَسِيلٌ кўп. مَسَايِلُ 1) ариқ, нов, тарнов; 2) сув йўли, ўзан

– مِسْيَلٌ ареометр (суюқликнинг солиштирма оғирлигини ўлчайдиган асбоб)

سِيلُو кўп. سِيلُوَاتٌ 1) силос; 2) силос минораси

سِيلُوفَانٌ шунингдек: وَرَقُ ~ целлофан

سَلْقُونٌ = سَيْلَقُونٌ

سَيْلُلُو виолончель (музика асбоби)

سِيلِيسْيُومٌ киме. кремний, силиций

سِيلِيكُونٌ силикон, кремний

سيم қар. سوم

– سِيمَةٌ, سِيمَا, سِيمَاءٌ қар. سوم

سِيَّمَا қар. سِيٌّ (سوى)

سِيمَافُورٌ кўп. ـَاتٌ — семафор

سِيمْفُونِيٌّ симфоник; أُورْكِسْتْرَا ~ симфоник оркестр

– سِيمْفُونِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ — симфония

سِيمَنْتُو цемент

سِيمِيَا шунингдек: عِلْمُ الـ~ дуохонлик

سِيمِيَاءُ белги, аломат, нишон; الـ~ التَّزَامُنِيُّ лингв. синхроник семантика; ~ الْمَعَانِي лингв. диахроник семантика; عِلْمُ الـ~ семантика, семасиология

سِيمَاوِيٌّ, سِيمِيَائِيٌّ - сеҳргарликка (жодугарликка) оид; الأَلْعَابُ الـ~ـةُ кўзбўяма ўйинлар, фокуслар

سِينٌ кўп. ـَاتٌ — 1) син (ҳарфнинг номи); ~ وَجِيمٌ маж. савол ва жавоб (سُؤَالٌ- س, جَوَابٌ-ج)؛ وَكَانَ مَعَهُ تَحْقِيقٌ وَ~ وَجِيمٌ маж. терговда бўлди ва савол-жавоб (сўроқ) қилинди; 2) мат. икс (X); مِحْوَرُ السِّينَاتِ икс ўқи, абцисса ўқи

– سِينِيٌّ икс (X)га оид; الأَشِعَّةُ الـ~ـةُ X нурлар, рентген нурлари; — الْمِحْوَرُ الـ~ икс ўқи, абцисса ўқи; الإِحْدَاثِيُّ الـ~ абцисса

– سِينَارِيسْتٌ сценарист (кинофильм матнини ёзувчи)

سِينَارِيُو кўп. سِينَارِيُوهَاتٌ، سِينَارِيَاتٌ сценарий

سِيمْفُونِيٌّ = سِينْفُونِيٌّ –

سِيمْفُونِيَّةٌ = سِينْفُونِيَّةٌ

سِينْكِرُوتْرُون физ. синхротрон

سِينَمَا، سِينِمَا кўп. اتٌ – кино; النَّاطِقَةُ الـ~ ёки الصَّائِتَةُ الـ~ овозли кино; الصَّامِتَةُ الـ~ овозсиз кино; دَارُ الـ~ кинотеатр

سِينَمَائِيٌّ – 1) кинематографик, кинематографияга оид; رِوَايَةٌ ~ـــة кинофильм; الفَنُّ الـ~ кино санъати; 2) кино арбоби, киношунос, кино билан шуғулланувчи

سِينُودُس синод (диний истилох)

سِيَة 3 (уч чард ўйиниса)

سِيَةٌ кўп. سِيَاتٌ ёйнинг (камоннинг) томонларидан бири; سِيَتَانِ ик. с. ёй, камон

سِيُوطِيٌّ 1) Асют шаҳрига оид; 2) Асютда яшовчи, асютлик

ش

ش (شِينٌ) шин (араб алифбосининг ўн учинчи ҳарфи, абжадда-300)

ش 1) شَعْبَان шаъбон (ой номи) сўзининг қисқ.; 2) شَكْلٌ шакл, чизма сўзининг қисқ.; 3) شَمْسِيٌّ шамсий сўзининг қисқ.; 4) شَارِعٌ кўча сўзининг қисқ.

شَاء кўп. شَاةٌ сўзидан, қар. شوه

شَابُورَةٌ 1) туман; 2) (кема) тумшуғи; ◊ لِلـ~ مِنَ الدُّفْعَة истисносиз ҳамма, битта қолмай ҳамма

شَادِرٌ кўп. شَوَادِرُ чодир

شَاذَرْوَانٌ фаввора, фонтан

شَاسِي، شَاسِيَةٌ кўп. شَاسِيَهَاتٌ шасси (самолёт оёғи; турли машина ва механизмларнинг асосий рамаси)

شَاشٌ 1) муслин (юпқа газлама тури); 2) дока, шоша дока; бинт; ~ مُعَقَّمٌ стериллаштирилган дока (бинт)

شَاشَةٌ – кўп. اتٌ – экран; الـ~ البَيْضَاء ёки الـ~ العَرْضِ ёки الـ~ ~ кино экрани; الـ~ العَرِيضَةُ кенг экран; ~ التِّلِفِزْيُونِ телевизор экрани

شَاشِيَّةٌ – кўп. شَوَاشِيُّ 1) шошия (салла учун ишлатиладиган мато); 2) телпакча

شَاغُولٌ елкан арқони

شَاكُوشٌ кўп. شَوَاكِيشُ болғача; ~ الأُذُنِ анат. қулоқ пардаси ичидаги болғача

شَالٌ кўп. شِيلَانٌ шол, катта рўмол, шол рўмол; ~ كَشْمِيرِ кашмирий шол (рўмол)

شَالِيَةٌ[1] кўп. شَالِيهَاتٌ шолия (унча катта бўлмаган қишлоқдаги ёки дала ҳовлисидаги уй)

شَالِيَةٌ[2] – кўп. شَوَالِي، شَالِيَاتٌ гул туваги, сопол коса; ~ النَّارِ минқал, кабоб қўраси

شَامِيٌّ 1. Шом (Сурия) га оид; ذُرَةٌ ~ـــة маккажўхори; 2. кўп. شَوَامُ шом (сурия) лик

شَامَةٌ кўп. اتٌ – хол; туғма хол

شَنْطَةٌ[2] қар. شَانْطَةٌ

شَاةٌ қар. شوه

شَاهٌ кўп. اتٌ – 1. шоҳ; 2) шахм. шоҳ; ~ مَاتٌ шоҳ ва мот

شَاهَانِيٌّ – шоҳга, султонга оид, шоҳона; الحَضْرَةُ الـ~ـــة шоҳ (султон) ҳазратлари; الإِرَادَةُ الـ~ـــة шоҳ (султон) фармони (фармойиши)

شَاهِنْشَاهٌ – шаҳаншоҳ

شَاهِنْشَاهِيٌّ – шаҳаншоҳга оид

شَاهْبَلُّوطٌ бот. каштан (қорақайинлар оиласига мансуб дарахт)

شَاهْبَنْدَرٌ ўнбоши, старшина

شَاهِيٌّ[1] шойи; йўл-йўл ипак мато; بُلُوزَةٌ مِنَ الـ~ йўл-йўл ипак матодан тикилган блуза (кўйлак); ~ـــة йўл-йўл ипак мато ўрами

شَاهِيٌّ[2] – чой; حَفْلَةُ الـ~ бир пиёла чой, чойхўрлик

شَاوِيشٌ унтер-офицер; сержант

شَايٌ чой; الـ~ الأَخْضَرُ кўк чой; الـ~ الأَسْوَدُ қора чой; إِبْرِيقُ الـ~ чойнак

شُؤْبُوبٌ кўп. شَآبِيبُ кучли ёмғир, жала; ◊ اسْتَمْطَرَ شَآبِيبَ الرَّحْمَةِ (к. гадир) шафқат тиламоқ

شَأْفَةٌ 1) илдиз; اسْتَأْصَلَ ~ـــهُ бирор нарсани илдизи (таг-томири) билан суғуриб ташламоқ; 2) оёқнинг тагида пайдо бўладиган яра; اسْتَأْصَلَ اللهُ ~ـــهُ! мтл. Оллоҳ уни кўздан йироқ қилсин!

شَأَمَ I (а) شَأْمٌ (к. нингдир бошига) бахтсизлик (фалокат, шумлик) келтирмоқ (туш. к. ёки عَلَى); (к. гадир) фалокат бўлмоқ (туш. к. ёки عَلَى); IV أَشْأَمَ Шом (Сурия) га жўнамоқ; V تَشَأَّمَ Шом юртига мансуб бўлмоқ; VI تَشَاءَمَ 1) (н. нидир) ёмон фол деб ҳисобламоқ, ёмонлик келтирувчи деб ҳисобламоқ (بِ، مِنْ); 2) бадбин,

пессимист (келажакдан умидсиз) бўлмоқ; X اِسْتَشْأَمَ (*н. нидир*) ёмон фол деб ҳисобламоқ (بـ)

– أَشْأَمُ *мн.* شُؤْمَى *кўп.* أَشَائِمُ 1) энг фалокатли, энг шум; 2) сўлдаги, сўлга оид

– تَشَاؤُمٌ бадбинлик, пессимизм

– تَشَاؤُمِيٌّ 1. пессимистик; пессимизмга оид; 2. бадбин, пессимист

– شَأْمَةٌ 1) сўл (чап) томон; 2) ёмон аломат

– شَأْمِيٌّ 1. Шом (Сурия) га оид; 2. *кўп.* شَوَآمُ шомлик (суриялик)

– شَائِمٌ машъум, фалокатли, ёмонлик келтирувчи

– شُؤْمٌ машъумлик, фалокат, бахтсизлик; إِنَّ الـ~ التَّشَاؤُمُ *мқл.* ёмон аломатларга ишонишнинг ўзи фалокатдир

– شُؤْمِيٌّ машъум, фалокатли, фалокатга оид

– شِئْمَةٌ *кўп.* شِئَمٌ 1) табиат, феъл-атвор; 2) хусусият, сифат

– مُتَشَائِمٌ 1. бадбинликка (пессимистликка) оид; 2. бадбин, пессимист

– مَشْأَمَةٌ 1) сўл (чап) томон; 2) фалокат, бахтсизлик, бадбахтлик

– مَشْؤُومٌ машъум, бахтсизлик келтирувчи, фалокатли

شَأْمَلٌ шимолдан эсадиган шамол

شَأْنٌ *кўп.* شُؤُونٌ، شُئُونٌ 1. 1) иш; وِزَارَةُ الشُّئُونِ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазирлиги; وِزَارَةُ الشُّئُونِ الاِجْتِمَاعِيَّةِ ижтимоий ишлар вазирлиги; كَاتِبُ شُؤُونِ الأَفْرَادِ шахсий состав бўйича котиб; وَ ... أَنَّ الـ~ ـه ... гап шундаки, ...; تَرَكَ لـ~ـه وَ شَأْنَهُ *еки* تَرَكَ ўз ҳолига ташлаб қўймоқ, кимнидир бутунлай ташлаб қўймоқ (*к. нидир*) тинч қўймоқ; أَنْتَ وَ شَأْنَكَ хоҳлаган ишингни қил!; 2) муносабат, алоқа; لَا ~ لَهُ بِالْجَرِيمَةِ унинг жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқ; فِي ~ـه *еки* بـ~ـه бирор нарсага келганда, бирор масалага келганда; يُجْرَى التَّحْقِيقُ بِشَأْنِهِ бу иш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда; فِي هَذَا الـ~ бу жиҳатдан, шу муносабат билан; ... عَشَانْ عَلَشَانْ *еки* عَلَى ~ *шунингдек. халқ.* бўлсин учун, ...син деб, учун; 3) қадр-қиммат; муҳимлик, аҳамият; ذُو ~ муҳим, аҳамиятли; عَظِيمُ الـ~ жуда муҳим, катта аҳамиятли; أَظْهَرَ ~ تَجَارِبِ الْحَيَاةِ ҳаёт тажрибаси аҳамиятини кўрсатмоқ; 4) хусусият, хослик; 5) манфаатдорлик; صَاحِبُ الـ~ манфаат эгаси, манфаатдор; أُولُو الـ~ лозим (керак бўлган) шахслар; манфаатдор шахслар; 6) калла суяги ичидаги кўзга ёш келтирадиган аъзо; 2. ...лар каби, ...ларга ўхшаб, ...лар сингари; مِنْ ~ ...никига ўхшаб; كَمَا هُوَ الـ~ فِي ... учун, ...ни деб, ...син учун; ... شَأْنَ ... одатда ... бўлиб юрганидай; ◊ مِنْ ~ـه أَنْ ... бунинг хусусияти шундайки, ...; у шундайки, ...; бу шунга олиб келадики, ...; مِنْ ~ هَذِهِ *еки* مِنْ ~ هَذِهِ الْمُعَاهَدَةِ أَنْ تُسَاعِدَ ... المُعَاهَدَةِ مُسَاعَدَةُ ... бу шартноманинг мақсади ...га ёрдам кўрсатишдан иборатдир

I شَأَى (у) شَأْوٌ олдинга ўтмоқ, олдин бўлмоқ, илгари бўлиб ўтмоқ

– شَأْوٌ чек, чегара; охир; мақсад; بَلَغَ ~ا بَعِيدًا فِي ... ...да юксак даражага кўтарилмоқ

I شَبَّ (شَبَّ) [1]شَبَّ (*а/и*) شَبَابٌ ўсмоқ, ўспирин (йигит) бўлмоқ; ~ عَنِ الطَّوْقِ болалик ёшидан ўтмоқ; ~ وَ شَابَ عَلَى ... (*бирор н. билан*) узоқ вақт шуғулланмоқ; مِنْ ~ عَلَى شَيْءٍ شَابَ عَلَيْهِ *мтл.* букрини гўр тузатади; [2]شَبَّ (*а/и*) شُبُوبٌ ёнмоқ, алангаланмоқ, ўт олмоқ; شَبَّتْ الْحَرْبُ уруш олови ёқилди, уруш бошланди; [3]شَبَّ (*а/у*) ~ عَلَى (*ўт*) ёқмоқ, ўт олдирмоқ; [4]شَبَّ (*а/и*) شَبِيبٌ 1) *шунингдек.* قَدَمَيْهِ (أَطْرَافَ (أَمْشَاطِ бир оз кўтарилмоқ, бўй чўзмоқ, оёқ учида турмоқ; 2) орқа оёқларда (кўтарилиб) турмоқ (*от ҳақида*); II شَبَّبَ 1) шеърда (*аёл кишини*) васф қилмоқ (بـ); 2) ёшартирмоқ; IV أَشَبَّ ёшармоқ, куч-қувват ва саломатликни қайта тикламоқ; V تَشَبَّبَ 1) шеърда (*аёл кишини*) васф қилмоқ (بـ); 2) ёшармоқ

– شَابٌّ *кўп.* شَبَابٌ، شُبَّانٌ йигит, ўспирин

– شَابَّةٌ *кўп.* شَابَّاتٌ، شَوَابُّ қиз, ўспирин қиз

– [1]شَبٌّ *шунингдек.* حَجَرُ الـ~ аччиқтош

– [2]شَبٌّ *кўп.* شُبَّانٌ = شَابٌّ : الَّلَيْلِ ~ *бот.* намозшомгул

– [1]شَبَابٌ 1) ўспиринлик, йигитлик; تَجْدِيدُ الـ~ ёшартириш; 2) ёшлар

– [2]شَبَابٌ *кўп.* ўспиринлар, ёшлар, йигитлар

– شَبَّابَةٌ най

– شَبَابِيٌّ йигитликка (ўспиринликка) оид

– شَبَبٌ бўҳача

– شَبَّةٌ *кўп.* شَبَائِبُ 1) ўспирин қиз; ~ جَامُوسٍ урғочи буйвол; 2) аччиқтош

– شَبُوبٌ тутатқи, ўтқич

– شُبُوبٌ тўсатдан пайдо бўлиш (*юзага чиқиш, тарқалиш*); ~ الْحَرِيقِ тўсатдан ўт кетиш; ~ الْحَرْبِ тўсатдан урушнинг бошланиши

– شَبِيبَةٌ ёшлик, ўспиринлик; ёшлар; اتِّحَادُ الـ~ ёшлар иттифоқи

– مَشْبُوبٌ 1) ёқилган, алангалатилган; 2) иссиқ, чўғ бўлиб турган

[2]شَبَثٌ = شِبِتٌّ

I شَبِثَ (*а*) شَبَثٌ (*н. гадир*) ёпишиб олмоқ, (*н. нидир*) ушлаб (тутиб) олмоқ (بـ); V تَشَبَّثَ 1) (*я. гадир*) ёпишиб олмоқ, боғланиб олмоқ; (*н. нидир*) қаттиқ тутмоқ (بـ); 2) (*н. дадир*) сабот кўрсатмоқ, (*н. гадир*) қаттиқ ёпишиб олмоқ; (*н. нидир*) қатъий талаб қилмоқ (بـ); 3) ташаббус кўрсатмоқ

– تَشَبُّث 1) ёпишиб олишлик; 2) собитлик, саботлилик; 3) ташаббус, ташаббускорлик

– شَبَث[1] 1) ёпишиб олиш; маҳкам ушлаш; 2) шунингдек: أَبُو ~ бий (ўргимчак бийи)

– شَبَث[2] шивит, укроп

– شَبِث ёпишиб оладиган, ушлаб (тутиб) оладиган; رَجُلٌ ~ ёпишиб оладиган (елим) одам

– شُبُث، شِبِث = شَبَث[1]

I شَبَحَ (а) شَبْح (н. нидир к. гадир) узатмоқ, чўзмоқ; қўл чўзмоқ (узатмоқ); II شَبَّحَ қўл узатмоқ (чўзмоқ); (қўлни) қилич-қилич қилмоқ

– شَبَح кўп. أَشْبَاح 1) арвоҳ, (хаёлда) кўриниш; 2) жусса, ноаниқ кўринаётган нарса; 3) шарпа, арвоҳ; ◊ بِلَا رُوحٍ ~ кўриниши қолмоқ (мас., кўриниши қолибди холос)

– تَشْبِيح қўлни қилич-қилич қилиш, қўл силташ (гапирганда)

– شَبْحَة кишан

– شَبِحَة объектив (фотоаппарат ва унга ўхшаш асбобларнинг олд томонидаги шишали қисми)

– مِشْبَاح стереоскоп (оптик асбоб)

I شَبَرَ (у) شَبْر қарич билан ўлчамоқ, қаричламоқ; II شَبَّرَ 1) қарич билан ўлчамоқ, қаричламоқ; 2) қўл силтамоқ; қўлни қилич-қилич қилмоқ

– شَابُورَة алиф. б. қар.

– شِبْر кўп. أَشْبَار 1) қарич; 2) шибр, қарич (22, 5 см. га тенг узунлик ўлчови)

– شُبُّور кўп. شَبَابِير бурғу

– شَابُورَة = شُبُّورَة

شَبْرَقَ 1) узмоқ, узиб ташламоқ; 2) халқ. меҳмон қилмоқ; ◊ عَيْنَيْهِ ~ (қараб) лаззатланмоқ, яйраб томоша қилмоқ; تَشَبْرَقَ халқ. меҳмон қилинмоқ, зиёфатда бўлмоқ, маишат қилмоқ

– شَبْرَقَة[1] 1) узилиш; 2) енгилгина овқат (писта, салат, нўхат ва ш. к. лар билан)

– شَبْرَقَة[2] кўп. شَبَارِق чойчақа, майда сарфлар пули

شَبْشَبَ (к. нидир) шиппак (туфли) билан урмоқ

– شِبْشِب кўп. شَبَاشِب шиппак, туфли

– شَبْشَبَة шиппак (туфли) зарбаси

I شَبِطَ (у) شَبْط 1) (к. гадир) боғланиб қолмоқ, боғланмоқ; 2) (н. биландир) қизиқиб қолмоқ, қизиққан (берилган) бўлмоқ; 3) (н. гадир) эргашмоқ, (н. нингдир) йўлидан юрмоқ (فِي)

– شُبَاط февраль

– شَبُّوط кўп. شَبَابِيط зоғора балиқ

I شَبِعَ (а) شَبْع 1) тўқ бўлмоқ, (бирор н. га) тўйган бўлмоқ (مِنْ) тўйиб-тўйиб кулмоқ; 2) тўйинган бўлмоқ; II شَبَّعَ 1) тўйинтирмоқ; 2) шимдирмоқ; IV أَشْبَعَ 1) тўйинтирмоқ, қониқтирмоқ, қаттиқ тўйдирмоқ, тўйгунча едирмоқ; مِنْ جُوعٍ ~ очликдан қутқармоқ; رَغْبَتَهُ ~ кимнингдир (н. гадир бўлган) орзусини (эҳтиёжини) қондирмоқ (فِي); ـهُ ذَمًّا وَ قَدْحًا ~ кимнидир боплаб сўкмоқ; ـهُ ضَرْبًا ~ кимнидир қаттиқ урмоқ, калтакламоқ; الْمَوْضُوعَ دَرْسًا (بَحْثًا) وَ تَمْحِيصًا ~ предметни ипидан-игнасигача чуқур ўрганмоқ; فُضُولَهُ ~ ўз қизиқишини қондирмоқ; الْكَلَامَ فِيهِ ~ бирор нарса ҳақида жуда батафсил сўзламоқ; بِالْكَهْرَبَاءِ ~ электр токи билан тўйинтирмоқ (мас., аккумляторни); الْمَطَالِبَ الْمُتَزَايِدَةَ لِلشَّعْبِ ~ халқнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмоқ; 2) шимдирмоқ, сингдирмоқ; V تَشَبَّعَ (н. биландир) тўйинмоқ, тўймоқ (بِ); 2) (н. нидир) шиммоқ, (н. биландир) тирикчилик қилмоқ

– إِشْبَاع 1) тўйинтириш; қониқтириш; 2) шимдириш

– تَشَبُّع тўйинганлик

– شِبَع 1) тўқлик; 2) тўйинганлик; 3) қониққанлик

– شَبْع 1) тўқлик; тўйиниш

– شِبْع тўйишга кифоя қиладиган овқат миқдори

– شَبْعَان мн. شَبْعَى кўп. شِبَاع 1) тўқ; 2) тўйинган; 3) қониққан, қондирилган; رَجُلٌ ~ бой (ўзига тўқ) одам

– شُبْعَة кўп. شُبَع тўйишга кифоя қиладиган овқат миқдори

– مُتَشَبِّع эрати нарсалар билан безанган

– مُشَبَّع (бирор н. га) тўйинган

– مُشْبِع 1) тўйинтирадиган; 2) қониқарли, қониқтирадиган, қаноатлантирадиган; 3) муҳим

I شَبِقَ (а) شَبَق шаҳвоний, шаҳватпараст бўлмоқ

– شَبَق 1) шаҳвонийлик, шаҳватпарастлик; 2) жинсий интилиш (ҳайвонларда)

– شَبِق шаҳвоний, шаҳватпараст

– شُبُق، شُبُوق чилим найи, узун трубка

– شَبْقَة кўп. ـات — тўсин; тахта (мас., темир, тунука тахтаси)

– شَبِقِيّ шаҳвоний, шаҳватпараст

I شَبَكَ (и) شَبْك чигаллаштирмоқ, аралаштирмоқ, аралаштириб (чигаллаштириб, адаштириб) юбормоқ; 2) ўрмоқ, уламоқ, бириктирмоқ, бирлаштирмоқ; 3) (н. гадир) матамоқ, уламоқ, маҳкамламоқ (بِ); ـهُ بِدَبَابِيسَ عَلَى ... ~ бирор нарсани ...га игна-тугма билан матаб (бириктириб) қўймоқ; 4) мураккаблаштирмоқ; 5) никоҳламоқ; II شَبَّكَ 1) чигаллаштирмоқ, аралаштирмоқ, чалкаштирмоқ; 2) чатиштирмоқ, бирлаштирмоқ; ўрмоқ; يَدَيْهِ (ذِرَاعَيْهِ) عَلَى صَدْرِهِ ~ қўлни кўкракда чалмаштириб турмоқ; V تَشَبَّكَ 1) аралашиб (чалкашиб) кетмоқ; 2) ўрилмоқ, бирлашмоқ, маталмоқ; 3) мураккаблашмоқ; VI تَشَابَكَ 1) чалкашиб

кетмоқ, янглишиб кетмоқ; 2) чалмашмоқ (*мас., қўллар*); VIII اِشْتَبَكَ 1) чалкашиб (аралашиб) кетмоқ; 2) ўрилмоқ, бирлашмоқ, маташмоқ; 3) (*н. гадир*) ботиб (аралашиб, домига тушиб) қолмоқ (فِى); (*уруш ёки жанжални*) келтириб чиқармоқ; (*рақиб, душман билан*) дуч келишмоқ, аралашиб кетмоқ; (*к. билан дир*) урушган бўлмоқ, урушмоқ, жанг қилмоқ; ~ فِى حَدِيث гап бошламоқ; 4) мураккаблашмоқ

— اِشْتِبَاكٌ *кўп.* ـَاتٌ — жанг, тўқнашув; (*душман билан*) учрашиш, тўқнашиш; жанг бошланиши

— تَشَابُكٌ 1) ўрилиш, ўрилганлик (*мас., ип*); тўқилиш; чалмашиб кетиш; 2) чалкашлик, чалкашилганлик

— تَشْبِيكٌ: ~ الْأَصَابِعِ бармоқларни бир-бирига киритиш

— شُبَّاكٌ дераза; (*касса, чиптахона ва б. ларнинг*) тўйнуги, ойначаси

— شُبُكٌ = شُبُقٌ

— شُبُكْجِيٌّ *кўп.* شُبُكْجِيَّةٌ ёки شُبُكْشِيٌّ *кўп.* شُبُكْشِيَّةٌ най (найча) ясайдиган уста ёки най (найча) сотувчи

— شَبْكَةٌ (*куёв томонидан қилинган*) тўй совғаси, тўёна; تَقْدِيمُ الـ~ тўй совғасини топшириш тантанали маросими

— شَبَكَةٌ *кўп.* شَبَكٌ، شِبَاكٌ 1) тўр; балиқ овланадиган тўр; ~ نَطَّاطَةٌ ёки ~ هَزَّازَةٌ *спорт.* батуд (батут) (*устида сакраладиган тўр*); 2) ов тўри (*қушларни тутиш учун*); 3) *радио.* тўр; сетка (*радиолампада*); ◊ ~ الْعَنْكَبُوتِ ўргимчак тўри; ~ الْإِحْدَاثِيَّاتِ координатлар тўри (сеткаси); ~ التَّمْوِيهِ маскировка тўри; ~ الْجَاسُوسِيَّةِ ёки ~ التَّجَسُّسِ жосуслар тармоғи; ~ السِّكَكِ (الْخُطُوطِ) الْحَدِيدِيَّةِ темир йўл тармоғи; ~ الْقَوَاعِدِ الْعَسْكَرِيَّةِ ҳарбий базалар тармоғи; ~ الْكَهْرَبَاءِ электр тармоғи; ~ لَا سِلْكِيَّةٌ радио тармоғи

— شَبَكِيٌّ тўрли, тўрсимон, тўрга ўхшаш

— شَبَكِيَّةٌ *анат.* тўрпарда (*кўзда*); ◊ ~ الصِّمَامِ радиолампа тўри (сеткаси)

— شُبَيْكَةٌ панжара, тўр

— مُشَبَّكٌ 1. ўрилган, тўқилган; панжарасимон; 2. 1) (*ўрама қилиб пиширилган*) ширин овқат; 2) *архит.* (*гумбаз ва деразалардаги*) панжарали безак, безак панжара

— مِشْبَكٌ *кўп.* مَشَابِكُ 1) илгак, илмоқ, тўғнағич; 2) қистирғич; 3) қисқич; клемма; 4) сочтўғнағич

شِبْلٌ *кўп.* أَشْبَالٌ шер боласи

I شَبِمَ (а) شَبَمٌ совумоқ, совуқ бўлмоқ

— شَبَمٌ совуқ, совуқ ҳаво

— شَبِمٌ совуқ еган, совқотган, совуқ ҳолатдаги

شَبِينٌ *кўп.* شَبَائِنُ = إِشْبِينٌ

— شَبِينَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) келинчакнинг дугонаси; 2) чўқинтирган она (*чўқинтирилган болага нисбатан*)

I شَبِهَ (а) شَبَهٌ ўхшаш бўлмоқ, ўхшамоқ; II شَبَّهَ 1) (*бирор н. га*) ўхшатмоқ; 2) (*н. билан дир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (بِ); 3) *мажҳ.* (*к. гадир*) ноаниқ (қоронғу) кўринмоқ, тасаввур қилинмоқ (عَلَى); III شَابَهَ (*к. гадир*) ўхшатилмоқ, ўхшаган бўлмоқ; IV أَشْبَهَ = I; ~ وَمَا ва ҳоказо, ва шунга ўхшаш, ва шу каби; مَا أَشْبَهَ اللَّيْلَةَ بِالْبَارِحَةِ *мтл.* дунёдаги ҳамма нарса бир-бирига ўхшаш!; V تَشَبَّهَ (*к. гадир*) ўхшаш бўлмоқ, тақлид қилмоқ (بِ); VI تَشَابَهَ 1) бир-бирига ўхшаш бўлмоқ; 2) шубҳали, ноаниқ, туманли бўлмоқ; VIII اِشْتَبَهَ 1) (*н. гадир*) шубҳа билан қарамоқ (بِ، فِى); (*н. дадир*) шубҳаланмоқ (فِى); اُشْتُبِهَ فِى أَمْرِهِ *мажҳ.* у шубҳа остига олинган эди; 2) (*к. гадир*) ўхшамоқ; 3) (*к. учундир*) шубҳали (ноаниқ) бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَى حَسَنٍ بِرَجُلٍ آخَرَ у Ҳасанни бошқа одам деб ўйлади

— أَشْبَهُ кўпроқ (анча) ўхшаш; ~ مِنَ الْمَاءِ بِالْمَاءِ икки томчи сувдай ўхшаш

— اِشْتِبَاهٌ иштибоҳ, ҳайрат, тушунмаслик; шубҳаланиш

— تَشَابُهٌ 1) ўхшашлик; 2) ноаниқлик, туманлилиқ

— تَشْبِيهٌ *кўп.* تَشَابِيهُ، ـَاتٌ — 1) ташбиҳ, ўхшатиш; 2) қиёслаш; 3) ўхшашлик; қиёфа, образ; 4) *дин.* антроморфизм (*худони одам қиёфасида тасаввур қилиш*); 5) *адаб.* аллегория, киноя, мажоз; 6) *кўп.* аломатлар

— شَبَهٌ 1) ўхшашлик; قَرِيبُ الـ~ жуда ўхшаш; مَا أَبْعَدَ الـ~ بَيْنَ اللَّيْلَةِ وَالْبَارِحَةِ! *маж.* улар орасидаги фарқ қандай катта!, улар бир-бирларига сира ўхшамайдилар-а!; 2) образ, қиёфа, кўриниш; عَرَفَهُ بِـ~ кимнидир ташқи кўринишидан танимоқ (билмоқ); 3) сариқ мис, латунь

— شِبْهٌ *кўп.* أَشْبَاهٌ، مَشَابِهُ 1. ўхшаш, -симон; أَشْبَاهُ الْإِنْسَانِ инсонга ўхшашлик, одамсимонлик; 2. 1) ўхшашлик; ~ جَزِيرَةٍ ярим орол; ~ رَسْمِيٍّ ярим расмий; ~ مُسْتَعْمَرَةٍ ярим мустамлака; ~ مُعَيَّنٍ *мат.* ром боид; ~ مُنْحَرِفٍ *мат.* трапецоид; ~ مَهْجُورٍ ярим ташландиқ; ~ عَارٍ ярим яланғоч; 2) образ, қиёфа, кўриниш

— شِبْهَانٌ، شَبَهَانٌ сариқ мис, латунь

— شُبْهَةٌ *кўп.* شُبُهَاتٌ، شُبَهٌ 1) ўхшашлик; 2) шубҳа; تَحْتَ الـ~ шубҳа остидаги, шубҳа остига олинган

— شَبَهِيٌّ сариқ мисдан ясалган, латундан ясалган, латунга оид

— شَبِيهٌ ўхшаш, ўхшайдиган; 2. мутлақо ўхшаш (*иккита бир-бирига ўхшаш одам ёхуд нарсаларнинг ҳар бири*)

— مُتَشَابِهٌ 1) ўхшаш, ўхшайдиган; 2) бир хил, бир-бирига ўхшайдиган; 3) шубҳали, қоронғу, туманли

— مُتَشَابِهَاتٌ *кўп.* *дин.* Қуръони Каримнинг қоронғу, тушунарли бўлмаган оятлари

— مَشَابِهُ *кўп.* ўхшашлик аломатлари

— مُشَابِهٌ ўхшаш, ўхшайдиган

مُشَابَهَةٌ – ўхшашлик

مُشْبَّهٌ – ноаниқ, оғир (*бирор масала ҳақида*)

مُشْتَبِهٌ – кар. مُشْبُوهٌ ~ فيه:

مَشْبُوهٌ – *шунингдек.* ~ به шубҳали, шубҳа остидаги

شَبَاةٌ – *кўп.* شَبًا, شَبَى (1 (*қилич, қалам ва б. ларнинг*) учи; 2) тикон; 3) найза, ниш (*мас., чаёнда*)

شَتَّ I (а/у) شَتَاتٌ (1 тарқалган (ёйилиб кетган) бўлмоқ; 2) умумлашмаган (узилишиб кетган) бўлмоқ; II شَتَّتَ (1 тарқатмоқ, (*ҳар томонга*) сочиб юбормоқ; شَمْلَهُمْ ~ (*турли томонга*) сочиб (тарқатиб) юбормоқ; айирмоқ; 2) бир-биридан айириб ташламоқ; 3) ҳар хиллаштирмоқ; IV أَشَتَّ сочиб юбормоқ, тарқатиб (тўзғитиб) юбормоқ; 2) (*турли томонларга*) ташлаб (отиб) юбормоқ; V تَشَتَّتَ 1) сочилмоқ, тарқатилмоқ, тарқалиб кетмоқ; 2) (*турли томонларга*) ташлаб (отиб) юборилмоқ; ◊ أَيْدِيَ السَّبَا ~ турли томонларга тарқалмоқ; X اِسْتَشَتَّ = V

تَشَتُّتٌ – тарқатилганлик, сочилганлик; الأَفْكَارِ ~ паришонлик, паришонхотирлик

تَشْتِيتٌ – тарқалиш, сочилиш

شَتٌّ – *кўп.* أَشْتَاتٌ (1 паришон, паришонхотир; умумлашмаган, бирлашмаган; أَشْتَاتًا айрим-айрим олинган; қисм-қисм (бўлак-бўлак) қилиб олинганда; 2) хилма-хил, турли-туман; قَصَّ عَلَيْهِ أَشْتَاتًا مِنَ الأَضَاحِيكِ кимгадир турли-туман қисса (ҳикоя) лар айтиб бермоқ

شَتَاتٌ – 1) тарқалганлик, сочилганлик; الْيَهُودِ ~ диаспора (*бошқа мамлакатларда тўп бўлиб яшаётган ўзга юртдан келганлар*); لَمَّ ~ـهُمْ *ёки* جَمَعَ شَتَاتَهُمْ бир жойга тўпламоқ, бирлаштирмоқ, жипслаштирмоқ

شَتَّانَ – ~ قَـ مَا بَيْنَ қандай ўхшамайди-я!; қандай фарқли-я!; ...лар ўртасида қандай катта фарқ бор-а!

شَتَّى – 1) айрим; тарқалган; ҳар хил, турли-туман; 2) *бирликдаги ва кўпликдаги отларни билдириш учун, шунингдек, равиш сифатида қўлланади*; الْبُلْدَانِ ~ فِي турли мамлакатларда; قَامُوا بِهٰذَا جَمَاعَاتٍ وَ ~ улар бу ишни жамоат бўлиб ҳам, якка-якка бўлиб ҳам қилишган

شَتِيتٌ – *кўп.* شَتَّى 1. 1) сочилган, тарқалган; алоҳида; 2) ҳар хил, турли-туман; 2. алоҳида жамоат (гуруҳ)

مُشَتَّتٌ – 1. паришон, паришонхотир; 2) ҳар хил, турли-туман

شَتَرَ (شتر) I (и) شَتْرٌ кесмоқ, узмоқ; شَتَّرَ (у) шатр кесмоқ, бўлмоқ, йиртмоқ; الْعَيْنَ ~ кўзнинг қовоғини ташқарига ағдармоқ; شَتِرَ (а) شَتَرٌ пастки лаби ёрилмоқ; شَتِرَ пастки қовоғи салқи бўлмоқ

شَتَلَ I (у) شَتْلٌ бошқа жойга кўчириб ўтқазмоқ; кўчириб ўтқазмоқ

شَتْلٌ – *кўп.* أَشْتَالٌ кўчат, ниҳол

شَتْلَةٌ – *кўп.* اتٌ — кўчат; резавор экинлари кўчати

مَشْتَلٌ – *кўп.* مَشَاتِلُ кўчатхона, ниҳолхона, питомник

شَتَمَ I (у, и) شَتْمٌ сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; II شَتَّمَ қаттиқ сўкмоқ, қаттиқ ҳақорат қилмоқ; III شَاتَمَ = I; VI تَشَاتَمَ ўзаро сўкишмоқ; (*бирор к. билан*) сўкишишмоқ (مَعَ)

شَتَّامٌ – 1. доим сўкинаверадиган; 2. сўкувчи

شَتِيمٌ – 1) жирканч, бадбашара; 2) сўкиш (ҳақорат) остида қолган, сўкилган

شَتِيمَةٌ – *кўп.* شَتَائِمُ сўкиниш; сўкиш, ҳақорат қилиш; قَذَفَ بِالشَّتَائِمِ сўкиш, ҳақорат ёғдирмоқ; هَطَلَتِ الشَّتَائِمُ عَلَيْهِ كَالْمَطَرِ *маж.* ҳақорат унинг бошига дўлдай ёғилди

مُشَاتَمَةٌ – сўкиш, ҳақорат

شَتَا (شتو) I (у) شَتْوٌ қишламоқ, қишни ўтказмоқ; II شَتَّى (1 қишламоқ; 2) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); شَتَّتِ الدُّنْيَا ёмғир ёғди; 3) қиш фасли учун кифоя қилмоқ; هٰذَا الشَّيْءُ يُشَتِّينِي бу нарса менга қиш фаслига етади; IV أَشْتَى қиш фаслига етиб келмоқ, қишга кирмоқ; V تَشَتَّى = I

إِشْتَاءٌ – қишки курортда бўлиш; қишки курорт мавсуми

شَاتٍ – *мн.* شَاتِيَةٌ қишки, қишга оид

شِتَاءٌ – *кўп.* أَشْتِيَةٌ (1 қиш; 2) ёмғир

شَتْوِيٌّ, شِتَائِيٌّ – (1 қишки; 2) кузги (*мас., кузги буғдой*)

مَشْتًى – *кўп.* مَشَاتٍ (1 қишлаш, қишлаб қолиш; қишланадиган жой, қишлов; 2) қишки курорт

شَثٌّ терини ошлашда ишлатиладиган хушбўй, аччиқ таъмли ўсимлик

شَجَّ I (а/у) شَجٌّ ёрмоқ, уриб ёрмоқ; қон чиқадиган қилиб яраламоқ; II شَجَّجَ бошидан жуда кўп ярадор бўлмоқ

أَشَجُّ – *мн.* شَجَّاءُ *кўп.* شُجٌّ пешонасида яра изи бор бўлган

شَجَّةٌ – *кўп.* شِجَاجٌ бошдаги яра

مَشْجُوجٌ = شَجِيجٌ –

مَشْجُوجٌ – бошидан яраланган

شَجَبَ (شجب) I (у) شَجْبٌ [1] шужуб ғамга солмоқ, ғамгин қилмоқ, хафа қилмоқ, кўнглини оғритмоқ; شَجَبَ [2] (у) шажб ҳайфсан эълон қилмоқ, танбеҳ бермоқ, айбламоқ; II شَجَّبَ = شَجَبَ [2]; IV أَشْجَبَ ғамга солмоқ (қўймоқ), ғамгин қилмоқ

تَشْجِيبٌ – ҳайфсан, танбеҳ, айблаш

شِجَابٌ – *кўп.* شُجُبٌ илгак (*кийим илиб қўйиладиган*), вешалка

شَجَبٌ – ғам, ғамгинлик; алам

مِشْجَبٌ – *кўп.* مَشَاجِبُ = شِجَابٌ; التَّجْمِيعِ ~ йиғувчи дастгоҳ, йиғувчи қурилма

شَجَرَ I (у) شَجْرٌ 1) тянтириб қуймоқ; 2) чиқмоқ, бўлиб ўтмоқ (*к. ларнингдир ўртасидаги тортишув ҳақида*-بَيْنَ); II شَجَّرَ кўчат ўтқазмоқ; III شَاجَرَ 1) тортишмоқ, айтишмоқ; ўзаро уришиб (жанжаллашиб) қолмоқ; 2) уришмоқ, муштлашмоқ; VI تَشَاجَرَ тортишмоқ, ўзаро уришмоқ; VIII اشْتَجَرَ тортишмоқ, мунозара қилмоқ; уришмоқ, жанжаллашмоқ

– شَجَرٌ *мн.* شَجْرَاءُ *кўп.* أَشْجَارٌ дарахтлар ўсиб ётган (*жой*)

– تَشْجِيرٌ дарахтзор, ўрмонзор пайдо (барпо) қилиш (яратиш)

– شِجَارٌ[1] тортишув; жанжал, уришиш, ёвлик

– شِجَارٌ[2] *кўп.* شُجُرٌ 1) лукидон, эшик беркитадиган сурма жиҳоз; 2) замбар

– شَجْرٌ танглай билан тил орасидаги бўшлик

– أَشْجَرُ = شَجِرٌ

– شَجَرٌ *жам.* дарахтлар

– شَجَرَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, أَشْجَارٌ дарахт; عِيد) ~ رَأْسِ السَّنَة) янги йил арчаси; ~ عِيدِ الْمِيلَادِ рождество (янги йил) арчаси; ◊ ~ اللهِ кедр дарахти ~ النَّسَبِ шажара; насл-насаб шажараси;

– شَجَرِيٌّ *грам.* тилга оид, танглайга оид (*товушлар*); الْحُرُوفُ الـ ~ ـــة (ج, ش, ض, ى) танглай ундошлари

– شَجَرِيَّةٌ дарахтзор

– شَجِيرٌ сердарахт, дарахтлари кўп; أَرْضٌ ~ ـــةٌ сердарахт жой, дарахтзор

– شُجَيْرَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ дарахт бутача, кичик бута

– مُشَاجَرَةٌ 1) жанжал, фитна-фасод; 2) муштлашув

– مَشْجَرٌ *кўп.* مَشَاجِرُ ўрмонли (сердарахт) жой

– أَشْجَرُ = مُشْجِرٌ

– مُشَجَّرٌ дарахт сувратлари билан безатилган (қопланган); қисмлари икки томонга ажраладиган

– شَجَرَانٌ шаврон

شَجُعَ I (у) شَجَاعَةٌ шижоатли, ботир, қўрқмас, дадил бўлмоқ; II شَجَّعَ 1) шижоатли қилмоқ, шижоатлантирмоқ, далда бермоқ, руҳлантирмоқ; 2) рағбатлантирмоқ; (*н. нидир*) қўллаб-қувватламоқ (عَلَى); манфаатдор қилмоқ; V تَشَجَّعَ шижоатли (дадил) бўлмоқ; далда олмоқ, руҳланмоқ

– تَشْجِيعٌ 1) дадиллашиш, руҳланиш; 2) рағбатланиш, қўллаб-қувватлаш, яхши шароит яратиш

– تَشْجِيعِيٌّ рағбатлантирувчи; جَائِزَةٌ ~ ـــةٌ рағбатлантирувчи мукофот

– شُجَاعٌ *кўп.* شُجْعَانٌ шижоатли, жасоратли, дадил, қўрқмас, ботир

– شَجَاعَةٌ шижоатлилик, жасорат, қўрқмаслик, мардлик, дадиллик

– شُجَاعٌ = شُجَعَاءُ *кўп.* شَجِيعٌ

– مُشَجِّعٌ 1. рағбатлантирувчи, далда берувчи; 2. *спорт.* ишқибоз

شَجِنَ I (a) شَجَنٌ хафаланмоқ, қайғу чекмоқ; شَجَنَ (у) (شَجْن) хафа қилмоқ, ғамга қўймоқ; II شَجَّنَ хафа қилмоқ, қайғу солмоқ; IV أَشْجَنَ = شَجَنَ I

– شَجْنٌ *кўп.* شُجُونٌ йўл, сўқмоқ; شُجُونُ الْأَوْدِيَةِ водийдаги сўқмоқ йўллар

– شَجَنٌ *кўп.* أَشْجَانٌ, شُجُونٌ 1) ғам; қайғу; хафагарчилик, хафалик; مُثِيرُ الشُّجُونِ таъсирли, ҳис-туйғуга таъсир қиладиган, тўлқинлантирадиган; 2) йўл; وَ الْحَدِيثُ ذُو شُجُونٍ! а) суҳбат вақтида нималар тўғрисида гапирилмайди (дейсиз); б) ҳодиса-воқеалар турлича изоҳланади; هُمْ فِي شُجُونٍ مِنَ الْأَحَادِيثِ улар бўлар-бўлмас гап билан овора

– شَجِنٌ ғамгин, ҳазин, хафа

– شِجْنَةٌ дарахтнинг бир-бирига киришиб кетган илдизлари; بَيْنِي وَ بَيْنَهُمْ ~ رَحِمٍ *маж.* улар билан мен жуда қалин чатишиб кетганмиз

شَجِيَ I (a) شَجًا хафа қилмоқ, ғамга солмоқ; شَجَا (у) شَجْوٌ (شجو) ғам чекмоқ, хафа бўлмоқ; II شَجَّى таъсирлантирмоқ, кўнгилни бузмоқ; IV أَشْجَى = شَجَا

– شَجٍ *мн.* شَجِيَةٌ ғамгин; алам чекаётган; аянчли (*товуш ҳақида*)

– شَجِيٌّ = شَجًا

– شَجْوٌ ғам; хафалик; алам

– شَجَوِيٌّ ғамгин, хафа бўлган; аламли

– شَجًى 1) ташвиш; 2) (*бўғизда тўхтаб қолган*) суяк, парча; ◊ كَانَ ~ فِي حَلْقِهِ у унинг жонига тегиб кетди

– شَجِيٌّ ғамгин, хафа; аянчли

شَحَّ I (a/y, u) شُحٌّ қизғанчиқ (хасис) бўлмоқ; (*н. дадир*) хасислик қилмоқ (بِ, عَلَى); ◊ ~ تِ الْأَمْطَارُ ёмғир ёғмади; III شَاحَّ (*к. ғадир нисбатан н. дадир*) хасислик кўрсатмоқ (عَلَى, بِ); 2) тортишмоқ, довлашмоқ; VI تَشَاحَّ = III

– شُحٌّ 1) хасислик, қизғанчиқлик; етишмовчилик, қашшоқлик; حَالَةُ ~ الْوُفُودِ ёқилғи етмай қолган ҳолда

– شَحَائِحُ: أَيَّامُ الـ ~ (*Нилда*) сув оз бўладиган вақт (мавсум)

– شَحِيحٌ *кўп.* شِحَاحٌ 1) хасис, қизғончиқ; 2) қурғоқ, (су етишмайдиган; ... سَنَوَاتٌ ~ ـــةٌ қурғоқчилик йиллари

– مُشَاحَّةٌ: لَا ~ فِي أَنَّ ... шубҳасизки, ...; шу нарсага шубҳа йўқки, ...

شَحَبَ I (у) شُحُوبٌ, شُحُوبَةٌ юзи оқарган (ҳолдан кетган) бўлмоқ

– شَاحِبٌ юзи оқарган ва мадорсиз, ҳолдан кетган

I شَحَتَ (а) شَحْتٌ хайр-садақа сўрамоқ; гадолик қилмоқ, тиланчилик қилмоқ

– شَحَّاتٌ гадо; тиланчи; ◊ ~ الْعَيْنِ говмичча

– شِحَاتَةٌ гадолик, тиланчилик

– شَحْتَةٌ хайр-садақа

شَحِيجٌ бўкириш, бўкирик

I شَحَذَ (а) شَحْذٌ 1) қайрамоқ, ўткирламоқ; (устарани қайишга) ишқаламоқ; 2) гадолик (тиланчилик) қилмоқ

– شَحَّاذٌ гадо; тиланчи (сол. شَحَّاتٌ); ◊ ~ الْعَيْنِ говмичча

– شِحَاذَةٌ = شِحَاتَةٌ

– مِشْحَذٌ, مِشْحَذَةٌ кўп. مَشَاحِذُ қайроқ тош, чархтош

شَحَّرَ II (شحر) қурум суртмоқ, қурум билан қорайтирмоқ

– شُحَارٌ мед. токсемия (қонга тушган заҳарли моддалардан заҳарланиш)

– شُحَّارٌ қурум

– شَحْرُورٌ кўп. شَحَارِيرُ қораялоқ (қуш)

– مُشَحَّرٌ қурум суркалган, қурум билан бўялиб (чапланиб) кетган, қурум босган

شَحَطَ[2] I (شحط) شَحَطَ[1] (а) شُحُوطٌ узоқда (узоқлашган) бўлмоқ; شَحَطَ (а) شَحْطٌ 1) саёзликка ўтириб қолмоқ (кема ҳақида); 2) ёқмоқ (гугурт ҳақида); II شَحَّطَ саёзликка ўтириб қолмоқ (кема ҳақида); IV أَشْحَطَ (қаердандир) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ (عَنْ)

– شَاحِطٌ 1) узоқ; узоқлаштирилган; 2) саёзликка ўтириб қолган

– شَحَّاطَةٌ кўп. اتٌ — 1) гугурт донаси; 2) шиппак

– شَحْطٌ кўп. شُحُوطٌ 1) новча (дароз) одам; дávaнгир; 2) узоқлик, йироқлик

– شُحَيْطَةٌ, شَحْيطَةٌ кўп. اتٌ — гугурт донаси

I شَحُمَ (شحم) (у) شَحَامَةٌ семиз бўлмоқ, семирган бўлмоқ; семириб кетмоқ; شَحَمَ (а) شَحْمٌ ёғ едирмоқ; ~ زَيْدٌ أَصْحَابَهُ Зайд шерикларига ёғ едирди; II شَحَّمَ ёғ (мой) суртмоқ

– تَشْحِيمٌ ёғлаш, ёғ (мой) суртиш; ёғлаб қўйиш; ~ زُيُوتُ الـ суртиладиган ёғ (мой) лар

– شَحَّامٌ ёғфуруш, мойфуруш, ёғ (мой) сотувчи

– شَحْمٌ кўп. شُحُومٌ ёғ, мой; тех. ёғлашда ишлатиладиган мой; ~ الْبَقَرَةِ мол ёғи; ◊ ~ الثَّمَرِ мева эти (гўшти)

– شُحُومَاتٌ кўп. ёғлар, мойлар

– شَحِمٌ 1) ёғли; 2) этли, гўштли (мева)

– شَحْمَجِيٌّ кўп. شَحْمَجِيَّةٌ ёғловчи, мойловчи

– شَحْمَةٌ кўп. شَحَمَاتٌ 1) ёғ (мой) бўлаги (парчаси); 2) мева эти (гўшти); ◊ ~ الْأُذُنِ солинчак (қулоқнинг остки юмшоқ қисми); ~ الْأَرْضِ тупроқ остида ўсадиган қўзиқориннинг бир тури; ~ الْعَيْنِ кўз соққаси; ~ حَجَرُ الـ мармар

– شَحْمِيٌّ 1) серёғ; 2) мойли

– شَحِيمٌ = شَحِمٌ

– شَحِيمَةٌ черк. дуо китоби, ибодат китоби

– مُشْحِمٌ[1] = شَحِمٌ

– مُشْحِمٌ[2] уйида ёғи кўп; ~ رَجُلٌ уйида ёғи кўп одам

– مُشَحَّمٌ ёғли, мойли

– مِشْحَمَةٌ кўп. مَشَاحِمُ ёғ идиш (мойлаш учун ишлатиладигани)

I شَحَنَ (شحن) (а) شَحْنٌ 1) тўлдирмоқ, юкламоқ; (товарни) ортмоқ; 2) эл. зарядламоқ; 3) ҳайдамоқ, ҳайдамоқ; ◊ ~ به دماغه кимнингдир калласини нималар биландир банд қилмоқ; شَحِنَ (а) شَحَنٌ ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ (к. ғадир) ёмонлик туймоқ (عَلَى); III شَاحَنَ урушмоқ, жанжаллашмоқ, душманлик қилмоқ; IV أَشْحَنَ 1) тўлдирмоқ; юкламоқ; ортмоқ; 2) йўқотмоқ, йўқ қилмоқ, ҳайдамоқ; VI تَشَاحَنَ ўзаро жанжаллашмоқ, ёвлашмоқ; VII اِنْشَحَنَ тўлдирилган (юкланган) бўлмоқ

– شَاحِنٌ 1) тўлдирилувчи, юкланувчи; 2) юкланган, ортилган

– شَاحِنَةٌ кўп. اتٌ — (юк) вагони; юк автомобили; ~ قَلَّابَةٌ самосвал (юкни ўзи ағдарадиган автомобиль)

– شَحْنٌ 1) юклаш, ортиш; 2) юк, кемада ташиладиган юк (фрахт); ~ سَيَّارَةُ الـ юк автомобили; ~ بُولِيصَةُ الـ юкка қўшиб юбориладиган ҳужжат; 3) эл. зарядлаш

– شَحْنَاءُ кек, ёмонлик, ғазаб; нафрат

– شُحْنَةٌ кўп. شُحَنَاتٌ 1) юк, кемада ташиладиган юк (фрахт); 2) эл. заряд; ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ سَالِبَةٌ (إِيجَابِيَّةٌ) манфий (мусбат) электр заряди

– شِحْنَةٌ кўп. شِحَنٌ 1) отряд; полиция; ~ رِجَالُ الـ полиция агентлари; 2) ёвлик, душманлик; 3) кек, ёмонлик

– شِحْنِيٌّ полиция агенти

– مُشَاحَنَةٌ 1) кек, ёмонлик; нафрат; 2) жанжаллар, уриш-талашлар

– مَشْحُونٌ 1) тўлдирилган, юкланган; ~ الْكِتَابُ بِأَغْلَاطٍ مَطْبَعِيَّةٍ китобда хато босилган (ўрин) лар жуда кўп; 2) эл. зарядланган

– مَشْحُونَاتٌ кўп. юклар, кемада ташиладиган юклар (фрахтлар)

شَحْوَرَ қурум билан қорайтирмоқ (қолламоқ); бўямоқ, чапламоқ

– شُحْوَارٌ, شِحْوَارٌ қурум; ~ الْمِصْبَاحِ чироқ қуруми

– شَحْوَرَةٌ қорайиш; чапланган (ажи-бужи қилиб бўялган) нарса

1 شَخَّ (а/у) شَخٌّ، شَخِيخٌ 1) сиймоқ, бавл қилмоқ, сийдик чиқармоқ; 2) хуррак отмоқ; II شَخَّخَ (болани) тувакка ўтқазмоқ

– شَخٌّ، شُخَاخٌ сийдик, бавл

– شَخَّاخٌ жойига (кўрпасига) сийиб қўядиган одам, сийгак одам

– شَخَّةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) табиий заруратларни бажариш; 2) мед. стул

– مَشَخَّةٌ кўп. ـَاتٌ — жамоат ҳожатхонаси (халохонаси)

1 شَخَبَ (а) شَخْبٌ оқмоқ, оқиб кетмоқ; VII اِنْشَخَبَ соғилмоқ; ـَتْ عُرُوقُهُ دَمًا томирлари ёрилиб, қон тирқираб чиқди

– شَخْبٌ соғилган сутнинг идишга тизиллаб тушиши

شَخْبَطَ 1) чапламоқ, чаплаб ташламоқ, кир (ифлос) қилмоқ; 2) ажи-бужи қилиб ёзмоқ; تَشَخْبَطَ 1) чапланган (ифлосланган) бўлмоқ; 2) ажи-бужи қилиб ёзилган бўлмоқ

– شَخْبَطَةٌ кўп. شَخَابِيطُ 1) чапланганлик, ифлосланганлик; 2) ажи-бужи қилиб ёзилиш; 3) ифлос, кир доғ

شَخْتُورَةٌ кўп. شَخَاتِيرُ юк ташийдиган ясси дарё кемаси; катта юк кемаси

1 شَخَرَ (и) شَخِيرٌ 1) кишнамоқ (от ҳақида); ҳанграмоқ (эшак ҳақида); 2) томоғи аралаш бурнидан овоз чиқармоқ, ирилламоқ; ~ الْفَرَسُ от кишнади; ~ الْحِمَارُ эшак ҳангради; II شَخَّرَ қаттиқ кишнамоқ; қаттиқ хуррак отмоқ

– شَخَّارٌ қаттиқ хуррак отадиган одам; хуррақчи

– شَخْرَةٌ кўп. شَخَرَاتٌ хуррак, хуррак отиш

– شَخِيرٌ томоқдан ёки буруундан чиққан овоз; хирилдоқ, хириллаш

شَخْشَخَ гулдирамоқ, жарангламоқ, жангилламоқ, шовулламоқ, шовқин қилмоқ

– شُخْشِيخَةٌ[1] кўп. شَخَاشِيخُ шақилдоқ

– شُخْشِيخَةٌ[2] кўп. ـَاتٌ — шипдаги дераза; люк

1 شَخَصَ (а) شُخُوصٌ 1) кўтарилмоқ, баландламоқ, юксалмоқ; 2) пайдо бўлмоқ, зоҳир бўлмоқ; 3) қаратилмоқ (назар ҳақида); (к. гадир, н. гадир) тикилиб (диққат билан) қарамоқ (إِلَى); 4) (қаергадир) жўнамоқ (إِلَى); кетмоқ, (н. нидир) ташламоқ, ташлаб кетмоқ (مِنْ); II شَخَّصَ 1) шахснинг кимлигини аниқламоқ; 2) мужассамламоқ, мужассамлаштирмоқ; 3) театр. ижро этмоқ, ўйнамоқ; 4) касални аниқламоқ, диагноз қўймоқ; 5) ишорат қозиғи ўрнатмоқ (қоқмоқ); IV أَشْخَصَ юбормоқ, жўнатиб юбормоқ; V تَشَخَّصَ 1) аниқламоқ; 2) танитмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ

– تَشْخِيصٌ 1) театр. ижро, ижро этиш, томоша кўрсатиш; 2) ташхис, диагноз

– تَشْخِيصِيٌّ 1) актёрга (ижрочига) оид; 2) диагностикага оид, диагностик, ташхисий; ~ طَبِيبٌ ташхис (диагноз) қўйган табиб (врач), диагноз (ташхис) қўювчи

– شَاخِصٌ[1] тикилиб (диққат билан) қараётган; бир жойда тўхтаб турган (назар ҳақида)

– شَاخِصٌ[2] кўп. شَوَاخِصُ узун таёқ, хода, қозиқ; ишорат қозиғи

– شَخْصٌ кўп. شُخُوصٌ، أَشْخَاصٌ 1) шахс, киши; ~ مَعْنَوِيٌّ юридик шахс; ~ طَبِيعِيٌّ физик шахс; 2) кўп. театр. қатнашувчилар (пъесада иштирок этувчи образлар); 3) одамнинг узоқдан кўринган қораси; ◊ ~ مَرْغُوبٌ فِيهِ дипл. персона грата, расмий вакил (бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга юборган ва у мамлакат қабул қилган вакили)

– شَخْصِيٌّ 1) шахсий, шахсга оид; قَانُونُ الْأَحْوَالِ الـ~ـة гражданлик ҳолати ҳақида қонун; مَحْكَمَةُ الْأَحْوَالِ الـ~ـة гражданлик ҳолатлари ҳақидаги ишни кўриб чиқувчи суд; الْبِطَاقَةُ الـ~ـة шахсий гувоҳнома (ҳужжат); ~ًا шахсан; 2) субъектив; 3) хусусий

– شَخْصِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) шахсият, шахс, одам, киши; индивидуал (шахсий) хусусият; تَحْقِيقُ الـ~ шахсни аниқлаш; ~ بَارِزَةٌ буюк (улкан) шахс; شَخْصِيَّاتٌ اجْتِمَاعِيَّةٌ жамоатчилик вакиллари; 2) персонаж; 3) кўп. хусусий ҳолатдаги фикр-мулоҳазалар

– مُشَخِّصٌ актёр, ижрочи

– مُشَخِّصَةٌ кўп. ـَاتٌ — артистка, ижрочи аёл

– مُشَخِّصَاتٌ характерли хусусиятлар (белгилар)

1 شَخَطَ (а) شَخْطٌ қичқирмоқ, (к. гадир) бақирмоқ (فِي)

– شَخَّاطَةٌ кўп. شَخَّاطٌ гугурт донаси (Ироқда); شَخَّاطٌ أَمِينٌ хавфсиз гугурт

– شَخْطَةٌ кўп. ـَاتٌ — ўдағайлаш, бақириқ, дағдаға

شَخْتُورَةٌ = شَخْطُورَةٌ

شَخْلَعَ тебранмоқ (миллий рақс ижро этаётганда)

– شَخْلَعَةٌ танани (баданни) тебратиш (рақс пайтида)

شَخْلَلَ жарангламоқ, жирингламоқ

– شُخْلِيلَةٌ жаранг, жиринг овози

1 شَدَّ[1] (а/и) شِدَّةٌ (شَدَّ) кучли (мустаҳкам, қаттиқ) бўлмоқ; ~ مَا لَشَدَّ مَا أَخْطَأَ فِي ... ...да қандай қаттиқ янглишган эканман; يَحْزُنُنِي هَذَا! бу мени қаттиқ хафа қилади-я!; شُدَّ حَيْلَكَ! ўзингни тут!, маҳкам бўл!; شَدَّ[2] (а/у) شَدٌّ 1) судрамоқ, эргаштирмоқ, ўзига тортмоқ; ~ انْتِبَاهَ الْعَالَمِ жаҳон жамоатчилиги эътиборини (диққатини) тортмоқ; 2) чўзмоқ, узайтирмоқ; شَدَّ بِهِ إِلَى الْوَرَاءِ кимнидир орқага тортмоқ; ~ أُذُنَهُ кимнингдир қулоғини чўзмоқ; 3) таранг қилмоқ (торни, арғамчини); شُدَّتْ أَعْصَابُهُ мажҳ. унинг асаблари таранглашиб турибди; 4) (н. билан дир) боғламоқ (بِـ); мустаҳкамламоқ, жипслаштирмоқ (мас., сафларни); (н. гадир) маҳкамламоқ, боғламоқ (إِلَى); ~ الْعُقْدَةَ тугунни қаттиқ боғламоқ; V

~ الحِمَارَ эшакни эгарламоқ; ~ أَزْرَهُ кимгадир ёрдам (кўмак) бермоқ; ~ عَضُدَهُ кимнидир қўллаб-қувватламоқ; ~ الرِّحَالَ (қаергадир) жўнамоқ (إلى); ~ عَلَى كَلِمَةٍ сўзга урғу бермоқ; شَدَّ عَلَيْهِ 2) кимгадир тазйиқ ўтказмоқ; б) бирор нарсани таранг қилиб тортмоқ; в) кимгадир ҳамла қилмоқ; ~ عَلَى الأَيَادِي (бировнинг) қўлларини қисмоқ; ~ عَيْنَيْهِ إِلَى ... ўз назарини ...га ташламоқ. II شَدَّدَ 1) кучайтирмоқ, шиддатли қилмоқ; 2) *грам.* ҳарф устига ташдид қўймоқ; ундош товушни иккилантириб талаффуз қилмоқ; ~ اللاَّمَ ل ни иккилантириб талаффуз қилмоқ; 3) куч (қатъият) кўрсатмоқ, қаттиққўл (талабчан) бўлмоқ; 4) (*к. нидир*) қаттиқ жазоламоқ (عَلَى); 5) (*н. гадир*) тазйиқ ўтказмоқ (عَلَى); III شَادَّ айтишмоқ, урушмоқ; V تَشَدَّدَ 1) кучаймоқ; 2) қаттиққўл (талабчан) бўлмоқ; (*н. дадир*) куч, қатъият, талабчанлик кўрсатмоқ (فِي); VI تَشَادَّ тортишмоқ, ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ; VIII اِشْتَدَّ 1) кучли бўлмоқ, кучаймоқ, мустаҳкамланмоқ; ~ سَاعِدُهُ *ҳар.* سَاعِدَ (2 ёмонлашмоқ; (*к. учундир*) оғир (ёқимсиз) бўлмоқ (عَلَى)

– اِشْتِدَادٌ 1) кучайиш, мустаҳкамланиш; 2) ёмонлашиш

– أَشَدُّ энг кучли, энг шиддатли; энг қаттиққўл (талабчан); энг шафқатсиз, раҳмсиз; ~ اعْتِدَالاً энг муътадил, ~ حُمْرَةً энг қизил, қип-қизил; ~ حُمْرَةً مِنْ ... дан қизилроқ; ~ مَا يَكُونُ бор куч билан; ўта, жуда; энг юксак даражада, энг; ~ هُوَ مَا يَكُونُ حَذِرًا у ўта (жуда) эҳтиёткор

– أَشُدٌّ 1) етуклик, балоғатга (вояга) етганлик; ~هُ (أَدْرَكَ) بَلَغَ тўла балоғатга) вояга етмоқ; ◊ وَ كَانَ الشِّتَاءُ فِي ~هِ шиддатли қиш чилласи эди; وَ كَانَ الْخِلاَفُ عَلَى ~هِ بَيْنَ ... وَ بَيْنَ ... билан ...нинг ўртасидаги келишмовчилик энг юқори даражага кўтарилди; 2) 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган давр

– تَشْدِيدٌ 1) кучайиш, мустаҳкамланиш; 2) тазйиқ; саботлилик, матонатлилик; 3) *грам.* ташдид

– شَدٌّ[1] тортиш (*мас., арғамчини*); لُعْبَةُ شَدِّ الْحَبْلِ ким кимни торта олади (*ўйин*); الـ~ وَ الْجَذْبُ *маж.* кураш, тортишув

– شَدٌّ[2] белбоғ, камар

– شَدَّةٌ 1) тугун, боғлам, даста; ~ وَرَقِ اللَّعِبِ (*ўйналадиган*) карта дастаси; ~ أَسْنَانٍ тиш протези (*сунъий тишлар*); 2) *грам.* ташдид

– شِدَّةٌ 1) куч, қувват; шиддат; بِـ~ кучли равишда, ғайрат (шиддат) билан; ازْدَادَ ~ кучаймоқ, шиддатли бўлмоқ; 2) қаттиққўллилик; шафқатсизлик, бераҳмлик; 3) камбағаллик; 4) бахтсизлик, ғам, алам, фалокат; وَ مَا (مِنْ) ~ إِلاَّ وَ بَعْدَهَا الْفَرَجُ *мтл.* ўзидан кейин енгиллик келмайдиган ғам йўқ

– شَدِيدٌ *кўп.* أَشِدَّاءُ, شِدَادٌ 1) кучли, мустаҳкам, қудратли; ~ الاِهْتِمَامِ анчагина манфаатдор; ~ الْبَأْسِ жасур, жасоратли; ~ الْمِرَاسِ чидамли, саботли; ~ الشَّكِيمَةِ жуда жиддий; ~ الْخُطُورَةِ қайсар, қайтмас, саботли; 2) оғир, чидаб бўлмайдиган, машаққатли; ~ الْوَطْأَةِ а) оғир, қийин; б) золим, шафқатсиз; 3) қаттиққўл; бераҳм, раҳмсиз; 4) *фон.* портловчи (*ундош*)

– شَدِيدَةٌ *кўп.* شَدَائِدُ бало офат бахтсизлик; عِنْدَ الشَّدَائِدِ يُعْرَفُ الإِخْوَانُ *мқл.* ака-укалар қийинчиликда билинади

– مُشَدَّدٌ (*кучли*) иродали, собит; қаттиққўл, талабчан

– مُشَادَّةٌ жанжал; ўзаро урушиш; беҳуда тортишув, кураш

– مِشَدٌّ *кўп.* ـــ اتٌ 1) боғлайдиган нарса; 2) корсет, белдамча

– مُشَدَّدٌ 1) кучайтирилган; махсус диққат қилинган; أَلْفَاظٌ ~ةٌ (*талаффуз пайтида махсус оҳанг билан*) диққат қилиб айтилган сўзлар; 2) *грам.* ташдидли; (قّ) الـ~ الْقَافُ ташдидли қоф (ق)

– مُشَدِّدٌ 1) кучайтирувчи; оғирлаштирувчи; ظُرُوفٌ ~ةٌ оғирлаштирувчи ҳолатлар; 2) қаттиққўл, талабчан; اتَّخَذَ تَدَابِيرَ ~ةً қатъий чоралар кўрмоқ

– مَشْدُودٌ таранг, тортилган

(شدح) VII انْشَدَحَ чалқанчасига йиқилмоқ, орқа билан йиқилмоқ

I شَدَخَ (а) شَدْخٌ синдирмоқ, майдаламоқ, бўлак-бўлак қилиб синдирмоқ (ёрмоқ); II شَدَّخَ =I; VII انْشَدَخَ синдирилган бўлмоқ, синдирилмоқ

– شَادِخٌ янги, юмшоқ, мулойим

شَادِرٌ *кўп.* شَوَادِرُ 1) чодир; 2) омбор

I شَدَفَ (*u*) شَدْفٌ шодуф ёрдамида сув чиқармоқ, олмоқ (*қар.* شَادُوفٌ); II شَدَّفَ = I

– شَادُوفٌ *кўп.* شَوَادِيفُ шодуф (*қудуқдан суғориш мақсадида сув олишга мўлжалланган махсус қурилма*); лайлак

– شَدَّافٌ шодуф ёрдамида сув чиқарувчи (*қар.* شَادُوفٌ)

(شدق) V تَشَدَّقَ 1) тез (шиддат билан) гапирмоқ; бекордан бекорга гапирмоқ, жаврамоқ; 2) нутқ сўзламоқ, нотиқлик қилмоқ, тантанавор қилиб гапирмоқ; 3) (*бирор н. билан*) мақтанмоқ (بِ)

– أَشْدَقُ *мн.* شُدْقٌ *кўп.* شَدْقَاءُ оғзи катта, катта оғизли, катта оғзи бор

– شِدْقٌ *кўп.* أَشْدَاقٌ 1) оғиз чети; 2) жағ; ◊ ضَحِكَ بِمِلْءِ ~يْهِ оғзини катта очиб кулмоқ; نَفَخَ ~يْهِ (*такаббурлик билан*) ўзини тутмоқ, ҳовоқни осилтириб турмоқ

– شَدْيَاقٌ *кўп.* شَدَايِقَةٌ иподякон (*православ черковида архийерейга хизмат қилувчи ходим*)

I شَدَنَ (*u*) شُدُونٌ кучга тўлиб онасидан ажралмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

– شَادِنٌ кучга тўлиб онасидан ажраган (*ҳайвон*)

I شَدَهَ (а) شَدْهٌ 1) ҳайрон (қойил) қолдирмоқ; 2) *мажҳ. кўч. м.* лол қолмоқ, тилдан қолмоқ, қотиб қолмоқ

– شَدْهٌ донг қолиш, довдираш, серрайиб туриб қолиш

– مَشْدُوهٌ лол қолган, ҳайратга тушган; бир нуқтага тикилиб қолган; маъносиз (*қараш, боқиш ҳақида*)

I شَدَا (شدو) (*у*) شَدْوٌ 1) қўшиқ (ашула) айтмоқ; куйламоқ; 2) унча катта бўлмаган билим олмоқ

– شَادٍ *кўп.* شُدَاةٌ, شَادُونَ қўшиқчи, ашулачи, декламация қилувчи

– شَادِيَةٌ қўшиқчи (ашулачи) аёл

– شَدْوٌ ашула (қўшиқ) айтиш

I شَذَّ (*а/у, и*) شُذُوذٌ 1) кам учрайдиган, фавқулодда, (*ўз тури орасида*) ягона бўлмоқ, мустасно бўлмоқ; (*н. дадир*) четга чиқмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) фарқланмоқ, ажралиб турмоқ (عَنْ); 2) (*н. нингдир*) устидан тушмоқ (عَنْ); II شَذَّذَ ажратиб кўрсатмоқ, айирмоқ, истисно (мустасно) қилмоқ; IV أَشَذَّ = II

– شَاذٌّ[1] 1. *кўп.* شُذَّاذٌ 1) кам учрайдиган, фавқулодда, ғайритабиий, камёб; 2) одатдан ташқари, ғайриоддий; аномал, табиий бўлмаган; شُذَّاذُ النَّاسِ ёт (четдаги, ўзга) одамлар; ёт кишилар; شُذَّاذُ الْآفَاقِ авантюрачилар (*реал куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмай, таваккалига иш тутувчи одамлар*); 3) ғалати, ажойиб; ~ الطَّبْعِ жуда қизиқ, ғалати; 2. *кўп.* شَوَاذُّ 1) *шунингдек.* شَاذَّةٌ истисно; لِكُلِّ قَاعِدَةٍ شَوَاذُّ *мтл.* ҳар бир қоидада истисно бор; 2) истисно (мустасно) қилиш

– شَذٌّ, شُذُوذٌ истисно; нотўғрилик, аномалия; شُذُوذٌ مَغْنَاطِيسِيٌّ магнит аномалияси

I شَذَبَ (*и, у*) شَذْبٌ қирқмоқ, қирқиб ташламоқ (*дарахтнинг ортиқча новдалари ҳақида*); II شَذَّبَ 1) қирқмоқ, қирқиб ташламоқ (*дарахтнинг ортиқча новдалари ҳақида*); 2) жилвирламоқ; V تَشَذَّبَ жилвирланмоқ

(شذر) V تَشَذَّرَ сочилиб (тарқалиб) кетмоқ, турли томонларга тарқалмоқ

– شَذَرَ: مَذَرَ ~ бетартиб, қандай тўғри келса, ҳамма ерда; тарқоқ ҳолда

– شَذْرٌ марвариднинг майдаси (кичкинаси)

– شَذْرَةٌ 1. *кўп.* شَذَرَاتٌ 1) (*олтин*) зарраси; 2) майда пул, танга-чақа; 2) бир оз, бир қисм, парча; ~ مِنْ تَارِيخِ حَيَاتِهِ бирор киши биографиясидан парча

I شَذَا (شذو) (*у*) شَذْوٌ бўй тарқатмоқ, ҳид чиқармоқ

– شَذًا, شَذًى хушбўй (муаттар) ҳид

– شَذِيٌّ хушбўй, муаттар

I شَرَّ (شر) (*и/а*) شَرٌّ[1] ёвуз (бадхулқ, баджаҳл) бўлмоқ; شَرٌّ[2] (*и/а*) сачрамоқ, томмоқ, оқиб турмоқ; III شَارَّ (*к. ғадир*) ёмон муомала қилмоқ, ёмонлик қилмоқ

– شَرٌّ[1] *кўп.* شُرُورٌ 1) бадхулқлик, баджаҳллик; 2) зарар, ёмонлик, ёвузлик

– شَرٌّ[2] *кўп.* شِرَارٌ 1) ёмон; ёвуз; 2) энг (жуда) ёмон; ўта ёвуз; ~ مِنْ ... ...дан ёмонроқ; ~ النَّاسِ одамларнинг энг ёмони

– شُرْشُرٌ, شِرْشِرٌ *зоол.* кичкина балиқчи қуш

– شَرَّارٌ учқун (шарора) чиқарувчи, учқунли (шарорали)

– شَرَارَةٌ *кўп.* شَرَارٌ, ــَاتٌ учқун, шарора; ~ تُحْرِقُ الْحَارَةَ *мкл.* сўзма-сўз: учқундан маҳалла ёнади

– شَرَّانِيٌّ тез жаҳли чиқадиган, жаҳлдор; ёвуз

– شَرَرَةٌ *кўп.* شَرَرٌ учқун, шарора

– شِرَّةٌ ғазаб; жаҳл; жаҳлдорлик, сержаҳллилик; ~ الشَّبَابِ ёшликдаги тиниб-тинчимаслик

– شِرِّيرٌ ёвуз

– شِرِّيرٌ *кўп.* أَشْرَارٌ 1. 1) ўта ёвуз; ёвузлик, ёмонлик қилувчи; 4) ашаддий; 2. ёвуз, қароқчи; ~الـــ дев, шайтон

(شرأب) اِشْرَأَبَّ 1) бўйин чўзмоқ; бошни кўтармоқ; 2) бошни бурмоқ

– اِشْرِئْبَابٌ 1) бўйин чўзиш, бошни кўтариш; 2) бошни буриш

I شَرِبَ (а) شُرْبٌ 1) ичмоқ; 2) сўрмоқ, тортмоқ; ~ دُخَانًا (*папирос сигарет*) чекмоқ (тортмоқ); II شَرَّبَ 1) ичирмоқ; 2) (*бирор н. билан*) тўйинтирмоқ; ~ نَشَاءً крахмалламоқ; III شَارَبَ (*к. билан*дир) бирга ичишмоқ; IV أَشْرَبَ 1) ичирмоқ, ичириб тўйдирмоқ; أَشْرَبَنِي مَا لَمْ أَشْرَبْ *маж.* менда йўқ айбни у менга ёпиштирди; 2) шимдирмоқ, тўйинтирмоқ; أُشْرِبَ فِي قَلْبِهِ حُبُّ الْوَطَنِ *мажҳ.* унинг қалби ватан муҳаббати билан тўлиб-тошган эди; V تَشَرَّبَ 1) (*бирор н. билан*) тўйинтирилган, шимдирилган бўлмоқ; ~ وَجْهُهَا بِحُمْرَةِ الْخَجَلِ унинг юзи хижолатдан қизариб кетди; 2) (*бирор. н. ни*) чуқур ҳис қилмоқ (ب); X اِسْتَشْرَبَ сўриб олмоқ, шимиб олинган бўлмоқ

– شَارِبٌ[1] *кўп.* شَرْبٌ, شُرَّابٌ ичувчи

– شَارِبٌ[2] *кўп.* شَوَارِبُ мўйлов, мўйлаб; ~ السَّمَكِ кит мўйлови; أَبُو شَوَارِبَ мўйловли, мўйловдор

– شَرَابٌ *кўп.* أَشْرِبَةٌ 1) ичимли, ичиладиган нарса; 2) сироп; 3) шароб, май, вино; ~ التُّفَّاحِ сидр (*олма виноси*)

– شَرَّابٌ кўп ичувчи, кўп ичадиган

– شُرَّابٌ *кўп.* ــَاتٌ пайпоқ (*сол.* جُرَابٌ)

– شَرَابَاتِيٌّ *кўп.* شَرَابَاتِيَّةٌ шарбатфуруш

– شُرَّابَةٌ, شَرَّابَةٌ *кўп.* شَرَارِيبُ кокилча; попук (*гиламники*); ~ الرَّاعِي *бот.* падуб (*найзабаргли дарахтнинг бир тури*)

– شُرْبٌ 1) ичимлик; 2) ютиш; сўриш

– شِرْبٌ сувдан теккан улуш

– شَرْبَاتٌ шарбат

– شَرْبَةٌ 1) бир ютум (*ичимлик*), ютум; 2) ични бўшатадиган (*дори*)

شَرْبَةٌ – кўп. شَرَبَاتٌ 1) бир ютум (*ичимлик*); 2) шўрва; 3) микстура; ~ دَوَاءٍ суюқ дори дозаси; микстура дозаси; ~ زَيْتِ خِرْوَعٍ канакунжут мойи, касторка дозаси; 4) сув танқислиги (етишмаслиги) (*Макка ш. да*)

شَرْبَةٌ = شُرْبَةٌ

شَرُوبٌ – ичишга ишқибоз (ружу қўйган) киши

شَرِيبٌ – ичишга ярокли, ичса бўладиган

شِرِّيبٌ – кўп ичувчи, ичкиликбоз

شُورْبَةٌ, شُورْبَا – шўрва

مَشْرَبٌ – кўп. مَشَارِبُ 1) шаробхона, ичиладиган жой; ~ القَهْوَةِ қаҳвахона, кафе; ~ البِيرَةِ пивохона; 2) мойиллик, феъл-атвор; дид; 3) йўналиш, мўлжал, ориентация; сиёсий руҳ

مَشْرَبَةٌ – кўп. مَشَارِبُ шаробхона, ичиладиган жой; сув ичиладиган кичкина фонтанча

مِشْرَبَةٌ – кўп. مَشَارِبُ коса; жом

مَشْرَبِيَّةٌ – кўп. ـــ اتٌ 1) уйнинг ташқарига чиқиб турадиган панжарали ойнаси; 2) ойна панжараси

مَشْرُوبٌ – кўп. ـــ اتٌ ичимлик, ичиладаган нарса; مَشْرُوبَاتٌ مُرَطِّبَاتٌ (*алкоголсиз*) салқин ичимликлар; مَشْرُوبَاتٌ رُوحِيَّةٌ ёки مَشْرُوبَاتٌ كُحُولِيَّةٌ спиртли ичимликлар; مَشْرُوبَاتٌ رُوحَانِيَّةٌ *маж.* маънавий озуқа

شَرْبَكَ чалкаштирмоқ

شَرْبَكَةٌ чалкашув, саросима, саросималик

مُشَرْبَكٌ – чалкаш, чалкашган, саросимага тушган

شَرْبِينٌ *бот.* Ливан кедри (*дарахт*)

شَرْطُونِيَّةٌ *черк.* юксак лавозимдаги руҳонийнинг динни қабул қилувчининг бошига қўлини қўйиб, уни динга киритиш маросими

I شَرِثَ (а) شَرَثٌ ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ (*қўл, оёқ териси ҳақида*)

I شَرَجَ (у) شَرْجٌ кўкламоқ, кўклаб олмоқ; омонат, амал-тақал қилиб, наридан-бери чатиб олмоқ; II شَرَّجَ =I

شَرَجٌ – кўп. شُرُوجٌ, أَشْرَاجٌ 1) илмоқ, сиртмоқ; 2) *анат.* орқа чиқариш тешиги

شَرَجِيٌّ – *анат.* орқа чиқариш тешигига оид; القَنَاةُ الـــ ـــةُ орқа чиқариш йўли; حُقْنَةٌ ـــ ـــةٌ клизма, орқа чиқариш тешигига қилинган ҳуқна

I شَرَحَ (а) شَرْحٌ 1) очмоқ, ёрмоқ; ~ اللهُ صَدْرَهُ *Қур.* Оллоҳ унинг (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг*) кўкрагини (*ҳақиқатларни қабул қилиш учун*) очди; 2) шарҳламоқ, ёритмоқ, тушунтирмоқ; 3) бўлак-бўлак қилиб кесмоқ; ◊ ~ صَدْرَهُ ёки ~ خَاطِرَهُ кимнидир шод (хуррам, хурсанд) қилмоқ; II شَرَّحَ 1) бўлакларга ажратиб кесмоқ; 2) ёрмоқ, ёриб кўрмоқ (*ўлган одам танаси ҳақида*); VII اِنْشَرَحَ 1) очилмоқ; кенгаймоқ; 2) шарҳланмоқ, тушунтирилмоқ, изоҳланмоқ, маъноси очилмоқ; 3) хурсанд (хуррам, шод) бўлмоқ, роҳат (фароғат) қилмоқ; ◊ ~ خَاطِرًا ёки ~ صَدْرًا хурсанд бўлмоқ, қониқмоқ

اِنْشِرَاحٌ – шодлик, хурсандлик; қониқиш; بِـــ ~ хурсандлик билан

تَشْرِيحٌ – (*ўлган киши танасини*) очиш (ёриш); عِلْمُ الـــ анатомия

تَشْرِيحَةٌ – (*ўлган киши танасини*) қисман очиш (ёриш)

تَشْرِيحِيٌّ – анатомик, анатомияга оид

شَارِحٌ – кўп. شُرَّحٌ 1. изоҳловчи, тушунтирувчи; 2. шарҳловчи шарҳчи, комментатор

شَرِحٌ – шодон, очиқ (*мас., қараш, юз ҳақида*)

شَرْحٌ – кўп. شُرُوحٌ 1) тушунтириш; изоҳлаш; шарҳ, комментарий; тавсиф; 2) изоҳ, эслатма; ~ ـــهُ مَا قَبْلَهُ юқорида айтилгандек (кўрсатилгандек)

شَرْحَةٌ – кўп. شَرَحَاتٌ бўлакча, бурда

شَرْحِيٌّ – шарҳий, шарҳга (тушунтиришга) оид

شَرِيحَةٌ – кўп. شَرَائِحُ 1) бўлакча, бурда; 2) (*металл*) пластинка, (*бирор н. устига қопланган*) йўл-йўл металл; 3) (*жамият*) қатлами

مُشَرِّحٌ – анатом (*анатомия билан шуғулланувчи киши*), ўлган кишини ёрувчи одам

مَشْرَحَةٌ – кўп. مَشَارِحُ жарроҳлик хонаси

مُنْشَرِحٌ: ~ الصَّدْرِ хурсанд, шод, шодон; қониққан, мазза қилган

I (شَرْخٌ) شَرَخَ (а) شُرُوخٌ ўсмоқ, катта бўлмоқ, улғаймоқ; 2 شَرَخَ (а) شَرْخٌ чақмоқ, ёрмоқ, майдаламоқ; ◊ ~ قَلْبَهُ кимнингдир юрагини (ўтакасини) ёрмоқ (*чинқириқ, бақириқ, товуш ҳақида*); ~ صَوْتَهُ қаттиқ овоз чиқармоқ (*йўтал ҳақида*); V تَشَرَّخَ ёрилмоқ, ушалмоқ, чақилмоқ, майдаланмоқ, дарз кетмоқ

شَارِخٌ – кўп شُرَّخٌ ёш йигит; اُقْتُلُوا شُيُوخَ الْمُشْرِكِينَ وَ اسْتَحْيُوا شَرْخَهُمْ *ҳад.* мушрикларнинг кексаларини ўлдиринглар, лекин ёшларини тирик қолдиринглар

شَرْخٌ – кўп. شُرُوخٌ дарз, ёриқ; ◊ ~ الشَّبَابِ дуркун ёшлик, ёшликнинг гуллаган чоғи; ~ الأَمْرِ ишнинг бошланиши

مَشْرُوخٌ – синган, ёрилган, дарз кетган

I شَرَدَ (у) شُرُودٌ 1) қочмоқ, кетмоқ; ~ مِنَ الْمَوْتِ وَ وَقَعَ فِي حَضْرَمَوْتَ *мқл.* ёмғирдан қочиб, қорга дуч келмоқ; 2) дарбадар кезмоқ, сарсон-саргардонликда юрмоқ; II شَرَّدَ 1) қочирмоқ, қочишга мажбур қилмоқ; қувмоқ, ҳайдамоқ; 2) бошпанасиз қолдирмоқ, уйдан ҳайдаб чиқармоқ; V تَشَرَّدَ 1) бошпанасиз қолмоқ, бошпанасидан ажралмоқ, уйсиз бўлиб қолмоқ, қаровсиз қолмоқ; 2) сарсон-саргардон бўлмоқ., дарбадар кезмоқ; дайдилик қилмоқ

تَشَرُّدٌ – дайдилик, сарсон-саргардонлик

تَشْرِيدٌ – ҳайдалиш, қувғин қилиниш, бошпанасиз қолиш

– شَارِدٌ *кўп.* شُرَّدٌ 1. 1) кезиб юрувчи, сайёҳ; *еки* ~ الْبَالِ ~ الْفِكْرِ тарқоқ фикрли, фикри тарқоқ, паришон; 2) юзаки қараш, ялт этиб қараш; 2. қувғинди

– شَارِدَةٌ *кўп.* شَوَارِدُ 1) эътибор қилинмаган (*бирор н*); ~ رَ وَارِدَةٌ а) маълум бўлган ва эътибордан четда қолган; б) эски ва янги; в) икир-чикиригача; г) фавкулодда (*бирор н.*), камёб (*н.*); شَوَارِدُ اللغة тилда (нутқда) кам учрайдиган ифода; أَقَامَ عِنْدَنَا أُسْبُوعًا فَعَدَدْنَاهُ مِنْ شَوَارِدِ الزَّمَانِ у бизникида ўтказган бир ҳафтани замонанинг бизга берган хурсандлиги деб ҳисоблардик; 3) мияга ялт этиб келган фикр; 4) бир лаҳзалик, ўткинчилик, бебақолик

– شَرْدٌ гармсел

– شَرُودٌ дайди, уй-жойсиз, бошпанасиз, беватан

– شُرُودٌ 1) қочиш, қочиб кетиш; 2) тентираш, тентираб юриш, адашиш, адашиб юриш; ~ فِي сочилган (тарқалган) ҳолда; ~ الْفِكْرِ (الذِّهْنِ) паришонлик, эътиборсизлик

– شَرِيدٌ 1. 1) қочиб юрган; 2) адашиб (кезиб; дарбадар) юрган; 2. қочқин; сургун қилинган, чиқариб юборилган; дайди; طَرِيدٌ ~ уйсиз, бошпанасиз, беватан

– مُتَشَرِّدٌ 1. қаровсиз, уйсиз, бошпанасиз; 2. сарсон-саргардон юрган одам, дайди

– مُشَرَّدٌ қочқин, қочиб чиққан, қочиб келган

شَرْدَقَ، تَشَرْدَقَ томоғига тиқилмоқ, тиқилиб қолмоқ

تَشَرْذَمَ гуруҳларга ажралмоқ, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ажралиб кетмоқ

– تَشَرْذُمٌ ажралиш, бўлиниш, гуруҳларга бўлиниш

– شِرْذِمَةٌ *кўп.* شَرَاذِمُ гуруҳ; отряд; тўп; оломон

شَرْزَمَ (*ярани*) очмоқ, тимдалаб очмоқ, ёрмоқ; تَشَرْزَمَ очилган (тимдаланган, ёрилган) бўлмоқ (*яра ҳақида*)

شَرِسَ I (а) شَرَاسَةٌ 1) баджаҳл (қаҳрли, ёвуз) бўлмоқ; 2) ўзига хос феъл-атвор эгаси бўлмоқ; VI تَشَارَسَ бир-бирига (ўзаро) ёвузлик қилмоқ, жаҳл қилмоқ; жанжаллашмоқ, ўзаро ёвлик қилмоқ

– شِرَاسٌ оёқ кийими сирачи (клейи)

– شَرَاسَةٌ 1) жаҳл; жаҳллилик; 2) қўполлик

– شَرِيسٌ жаҳлдор, баджаҳл

شُرْسُوفٌ *кўп.* شَرَاسِيفُ қовурға кемирчаги (тоғайи)

– شَرَاسِيفِيٌّ *анат.* ошқозон устига оид; الْقِسْمُ الـ~ ошқозон усти жойлари

شَرَشَ II (شرش) 1) илдиз отмоқ; 2) ўрнашиб олмоқ

– شِرْشٌ *кўп.* شُرُوشٌ илдиз,, реша; ~ النَّجِيلِ *бот.* буғдойиқ (*ғалласимон алаф*); ◊ ~ اللَّبَنِ зардоб

شَرْشَحَ обрўсини тўкмоқ, обрўсизлантирмоқ, безътибор қилмоқ; تَشَرْشَحَ обрўни йўқотмоқ, обрўсизланмоқ, ўз обрўсини туширмоқ; шарманда (шармсор) бўлмоқ

– شَرْشَحَةٌ обрўсизлантириш, обрўни тушириш

شَرْشَرَ 1) қайрамоқ; 2) тишли қилмоқ; 3) томмоқ, томиб кетмоқ, оқиб турмоқ

– شَرْشَرَةٌ[1] 1) (*пичоқларни*) қайраш; 2) томиш, оқиб кетиш

– شَرْشَرَةٌ[2] ўроқ

– شُرْشُورٌ *кўп.* شَرَاشِيرُ сайроқи қушларнинг бир тури, зяблик

– شِرْشِيرٌ ёввойи ўрдак

– مُشَرْشَرٌ тишли, тиши бор; ~ سِكِّينٌ (*нон кесадиган*) пичоқ

شَرْشَفٌ *кўп.* شَرَاشِفُ чойшаб

شَرَطَ I (у) شَرْطٌ 1) (*бирор н. ни*) шарт қилиб қўймоқ, (*бирор н га*) боғлиқ қилиб қўймоқ; 2) қон олмоқ, қон чиқармоқ, қон чиқариб ташламоқ; II شَرَّطَ 1) кесмоқ, тилмоқ, андак кесиб қўймоқ, ўймоқ, кесиб из қилмоқ; 2) тасма (лахтак) қилиб йиртмоқ; III شَارَطَ 1) шартлашмоқ, келишиб олмоқ; 3) (*н. нидир қўйиб*) гаров боғламоқ (*ўйнамоқ*); (*н. нидир*) тикмоқ (*гаровда* - عَلَى); أَنَا أُشَارِطُ عَلَى طَرْبُوشِي بِأَنَّكَ ... хожидўппимни гаровга қўйиб айтаманки, сен ...; IV أَشْرَطَ 1) тайёрламоқ, ҳозирламоқ; ~ نَفْسَهُ لِأَمْرِ كَذَا бирор нарсага ўзини тайёрламоқ; ◊ ~ مِنْ إِبِلِهِ туялардан бирини сотишга ажратмоқ; V تَشَرَّطَ 1) (*к. ғадир*) оғир шарт қўймоқ; 2) кесилмоқ, тилинмоқ, андай кесиб қўйилмоқ, ўйилмоқ, из қолдирилмоқ; ◊ ~ فِي عَمَلِهِ ишни кунт билан яхши адо этмоқ; VIII اشْتَرَطَ = I

– اشْتِرَاطٌ боғлиқлик, боғлиқ бўлганлик

– تَشْرِيطٌ кесик, ўйма, из

– شَرْطٌ *кўп.* شُرُوطٌ шарт; қилинадиган талаб, қоида низом; شُرُوطُ الْاتِّفَاقِ битим шартлари (қоидалари); ~ بِلَا шак-шубҳасиз, сўзсиз; ~ لَا بُدَّ مِنْهُ хеч қандай шартсиз, сўзсиз; مِنْ دُونِ ~ وَ قَيْدٍ қатъий, зарурий шарт, conditio sine qua non; ... وَضَعَ الـ~ لِـ... учун шарт қилмоқ; أَدَوَاتُ الـ~ *грам.* шарт юкламалари; جَوَابُ الـ~ *грам* (*шарт эргаш гапдаги*) бош гап; ... عَلَى *еки* بِـ~ أَنْ ... шу шарт биланки, ...; ~ أَنْ ... عَلَى ~ أَلَّا ... бўлмаслиги шарти билан; الـ~ عِنْدَ الْحَرْثِ وَ لَا الْقِتَالُ فِي الْحَصِيدَةِ *мтл.* сўзма-сўз: ҳосил талашиб уришмаслик учун ерни ҳайдаётган вақтдаёқ шартлашиб олмоқ

– شَرَطٌ *кўп.* أَشْرَاطٌ белги, аломат, нишона; أَشْرَاطُ السَّاعَةِ соатнинг рақам ва миллари

– شَرْطَةٌ *кўп.* شُرَطٌ тире, чизиқ; نُقَطٌ وَ شُرَطٌ нуқта ва тире (*телеграфда*); чизиқча; ~ قَصِيرَةٌ дефис

– شُرْطَةٌ полиция; الـ~ الْعَسْكَرِيَّةُ (الْحَرْبِيَّةُ) ҳарбий полиция; كَلْبُ الـ~ полиция ити, изтопар ит; ~ النَّجْدَةِ кўчма полиция

– شَرْطِيٌّ шартли; جُمْلَةٌ ~ـةٌ *грам.* шарт гап

– شُرْطِيٌّ، شُرَطِيٌّ полицияга оид; ~ السَّيْرِ (الْمُرُورِ) кўча ҳаракати бошқарувчиси (тэртиботчиси)

– شَرْطِيَّةٌ кўп. — اتٌ шартнома, контракт

– شَرِيطٌ кўп. أَشْرِطَةٌ, شَرَائِطُ 1) лента, тасма; йўл-йўл қилиб тайёрланган нарса; ип (*боғлайдиган, мас., оёқ кийимдаги*); قَصُّ ~ الْمَعْرِضِ кўргазма очилиш пайтида лентани қирқмоқ; ~ الْآلَةِ الْكَاتِبَةِ ёзув машинкаси лентаси; ~ الْأُنْبُوبِ электрон трубка сеткаси ёки катод лампа сеткаси; ~ التَّخْزِينِ *т-й.* захира (запас) йўл; ~ سِكَّةِ الْحَدِيدِ темир йўл полотноси; ~ السِّينَمَا кино лента, кино тасмаси; ~ الْقِيَاسِ ўлчов тасмаси (*мас., тикувчиларда*); ~ النَّارِ бикфорд пилтаси, (*узоқдан туриб портлатишда ишлатилади*); ~ نَاطِقٌ овозли фильм; ~ الـ دُودَةُ тасмасимон гижжа, солитёр; رَايَةُ الْأَشْرِطَةِ وَ النُّجُومِ АҚШ давлат байроғи; 2) кесик ўйма; 3) *ҳарб.* ҳарбий унвонларнинг погонга тикиб қўйилган белгиларидан бири

– شَرِيطَةٌ кўп. شَرَائِطُ шарт-шароит; ... شَرِيطَةَ أَنْ ... бўладиган бундай шароитда

– مُشَارَطَةٌ битим, шарт, шартнома, келишув

– مِشْرَاطٌ кўп. مَشَارِيطُ (*жарроҳлар*) ништари, дудамаси, ланцет; скальпель

– مِشْرَطٌ кўп. مَشَارِطُ = مِشْرَاطٌ

– مُشَرَّطٌ кесикли, ўймали

– مَشْرُوطٌ боғланган; шартли; ~ انْعِكَاسٌ шартли рефлекс; غَيْرُ ~ ҳеч қандай шартсиз, сўзсиз; مُسَاعَدَةٌ غَيْرُ ~ ـةٍ сўзсиз ёрдам, шарт қўйиб ўтирилмайдиган (шартсиз) ёрдам

شَرْطَنَ *дин.* (*диний*) рутбага ўтқазиш учун бирор руҳоний бошига қўл қўймоқ

– شَرْطَنَةٌ рутбага ўтқазиш маросими

شَرْطَنَةٌ = شِرْتُونِيَّةٌ, شِرْطُونِيَّةٌ

– شَرْطُوطَةٌ кўп. شَرَاطِيطُ 1) латта, латта-путта; 2) бузуқ (суюқоёқ) аёл

I شَرَعَ (شرع) [1] شَرْعٌ (a) 1) тўғри йўналтирмоқ (мўлжалламоқ); ~ الْحَبْلَ арғамчини тортмоқ (таранглантирмоқ); 2) қонунлар чиқармоқ; شَرَعَ [2] (a) شُرُوعٌ 1 бошламоқ; киришмоқ; ~ فِي الْكِتَابَةِ ёки ~ يَكْتُبُ у ёза бошлади; ~ مَشْرُوعًا режа (план) тузмоқ; 2) (*н. ғадир*) қасд (жазм) қилмоқ (فِي); II شَرَّعَ қонунлар чиқармоқ; IV أَشْرَعَ йўналтирмоқ, мўлжалламоқ; (*найза*) ўқталмоқ; ~ الْحَبْلَ арғамчи тортмоқ; ~ عَيْنَهُ إِلَى ... ...га қарамоқ; назарини ...га ташламоқ; ~ الْحَرْبَةَ فِي الْبُنْدُقِيَّةِ найзани милтиққа ўрнатмоқ; VIII اِشْتَرَعَ = II

– اِشْتِرَاعٌ қонун чиқариш; حَقُّ الـ ~ қонун чиқариш ҳуқуқи; *библ.* Второзаконие (*Библиянинг қонунларни ўз ичига олган қисми*)

– اِشْتِرَاعِيٌّ қонун чиқарувчи

– تَشْرِيعٌ кўп. تَشَارِيعُ қонунчилик; кодекс тузишлик; حَقُّ الـ ~ қонун чиқариш ҳуқуқи; الـ ~ الدُّوَلِيُّ халқаро қонунчилик

– تَشْرِيعِيٌّ қонун чиқарувчи; السُّلْطَةُ الـ ~ ـةُ қонун чиқарувчи ҳокимият; الْجَمْعِيَّةُ الـ ~ ـةُ қонун чиқарувчи мажлис

– شَارِعٌ [1] қонун чиқарувчи

– شَارِعٌ [2] кўп. شَوَارِعُ кўча, хиёбон; ~ رَئِيسِيٌّ бош (асосий) кўча; رَجُلُ الـ ~ одми одам

– شِرَاعٌ кўп. شُرُعٌ, أَشْرِعَةٌ елкан

– شُرَّاعَةٌ кўп. — اتٌ (*эшик тепасидаги*) елпиғичсимон дераза

– شِرَاعِيٌّ елканга оид; السَّفِينَةُ الـ ~ ـةُ елканли кема; الْمَرْكَبُ الـ ~ елканли кема; طَيَّارَةٌ (طَائِرَةٌ) ~ ـةٌ ёки شِرَاعِيَّةٌ планёр (*моторсиз учадиган аппарат*)

– شَرْعٌ диний (черков) қонунлар; шариат; ~ اً шаръан, шариатга кўра; النَّاسُ فِي هٰذَا ~ وَاحِدٌ бу соҳада ҳамма одамлар бир хил

– شِرْعٌ = شَرْعٌ

– شُرُوعٌ = شَرْعٌ

– شِرْعَةٌ [1] кўп. شِرَعٌ, شُرُعٌ, شِرْعٌ 1) хамон (камалак) ипи; тасмача; 2) тор (*музика асбобидаги*)

– شِرْعَةٌ [2] кўп. شِرَعٌ қонун; хартия; ~ الْأُمَمِ халқлар хартияси; ~ حُقُوقِ الْإِنْسَانِ Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси

– شَرْعِيٌّ 1) қонунга (шариатга) оид; ~ اً қонунан, шаръан, қонун бўйича, шариат бўйича; ~ اً أَوْ فِعْلِيًّا де-юре ва де-факто (*қонунан ҳам, ҳақиқатда ҳам*); طِبٌّ ~ суд тиббиёти (медицинаси); طَبِيبٌ ~ суд табиби (врачи); 2) қонуний, қонунан ижозат қилинган; очиқ, очиқ-ойдин, легал; اِبْنٌ ~ қонуний ўғил (*қонуний никоҳдан туғилган*); غَيْرُ ~ ғайриқонуний; اِبْنٌ غَيْرُ ~ ғайриқонуний (никоҳсиз туғилган) ўғил; وَارِثٌ ~ қонуний ворис (мерос эгаси); 3) шариатга оид; الْقَاضِي الـ ~ шариат қозиси; الْأَحْكَامُ الـ ~ ـةُ шариат ҳукмлари, шариат; الْمَحْكَمَةُ الـ ~ ـةُ шариат қозилиги; шариат қозилиги маҳкамаси

– شَرْعِيَّةٌ қонунийлик, легаллик (рухсат берилганлик, очиқ-ойдинлик)

– شُرُوعٌ 1) бошланиш, бошлаш; ибтидо; أَفْعَالُ الـ ~ *грам.* иш-ҳаракатнинг бошланишини билдирувчи кўмакчи феъллар (طَفِقَ, أَخَذَ ва б.); 2) (*н. ғадир*) тажовуз қилиш (فِي)

– شَرِيعَةٌ кўп. شَرَائِعُ шариат, диний қонунлар; الـ ~ الْغَرَّاءُ ёки الـ ~ الْمُحَمَّدِيَّةُ ёки الـ ~ الْإِسْلَامِيَّةُ ёки الـ ~ السَّمْحَةُ мусулмонлик қонуни, шариат; الشَّرَائِعُ السَّمَاوِيَّةُ самовий (илоҳий) қонунлар; ◊ ~ الْغَابَةِ (الْغَابِ) жунгли қонунлари (*ёввойи қонунлар яъни кучлилар истаги қонундир деган ақида*)

– مُتَشَرِّعٌ қонуншунос, юрист; адвокат

– مُشْتَرِعٌ қонун чиқаручи

– مَشْرَعٌ، مَشْرَعَةٌ *кўп.* مَشَارِعُ ҳайвонлар суғориладиган жой

– مُشْتَرِعٌ = مُشَرِّعٌ

– مَشْرُوعٌ[1] очиқ, қонуний, қонунан рухсат этилган, легал; حَقٌّ ~ қонуний ҳуқуқ; غَيْرُ ~ а) ғайриқонуний, яширин, нолегал; рухсат этилмаган; б) ножўя, хунук; لا ~ қонунсиз; ножўя, хунук

– مَشْرُوعٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — режа, лойиҳа, план; схема; سَنَوِيٌّ ~ йиллик режа (план); قَانُونٍ ~ қонун лойиҳаси; مُضَادٌّ (مُعَارِضٌ) ~ қарши (зиддий, муқобил) лойиҳа

– مَشَارِيعُ *кўп. иқт.* тадбир; الـ~ الإِنْشَائِيَّةُ конструктив (*фойдаси аниқ кўриниб турган*) тадбирлар

– مَشْرُوعِيَّةٌ 1) қонунийлик; қонунчилик; 2) тадбир, ташаббус

I شَرُفَ (شَرَفٌ) (у) شَرُفَ олий табақадан бўлмоқ; 2) олийжаноб бўлмоқ; شَرَفَ (а) юксак бўлмоқ, кўтарилмоқ; (*н. нингдир устидан*) ҳоким бўлмоқ, буйруқ қиладиган бўлмоқ; II شَرَّفَ 1) юксак қўймоқ, баландлатмоқ, юксакка кўтармоқ; 2) ҳурмат қилмоқ, иззат-ҳурматини жойига қўймоқ; эҳтиром кўрсатмоқ; شَرَّفْتَنَا сен бизга иззат-ҳурмат кўрсатдинг; III شَارَفَ 1) (*бирор к. га*) яқин бўлмоқ, яқинлашмоқ; الأَرْبَعِينَ ~ у қирқ ёшга яқинлашиб қолди; 2) шуҳратда (оқсуякликда) (*ўзини устун қўйиш учун*) тортишишмоқ; IV أَشْرَفَ (*н. гадир*) яқин бўлмоқ; (*н. нингдир*) арафасида бўлмоқ (عَلَى); (*н. гадир*) яқинлашмоқ, яқинлашиб қолмоқ (عَلَى); 2) кузатмоқ, (*н. нидир*) назорат қилмоқ (عَلَى); 3) (*н. нидир*) бошқармоқ, (*н. гадир*) раҳбарлик қилмоқ, буйруқ қилмоқ (عَلَى); ҳарб. ҳукмронлик қилмоқ (*мас., шароитга*), (*н. нингдир устидан*) командирлик қилмоқ (عَلَى); 5) чиқмоқ; (*қандайдир томонга*) бурилган (қараган) бўлмоқ (عَلَى); V تَشَرَّفَ 1) (*н. нидир қилмоқ*) шарафига муяссар бўлмоқ (بِ); تَشَرَّفْنَا! биз сиздан жуда хурсандмиз!, бизни жуда хурсанд қилдингиз!, бизни шарафга муяссар қилдингиз!; أَتَشَرَّفُ بِأَنْ ... шарафига муяссарман; 2) шараф деб билмоқ, шараф деб ҳисобламоқ; X اسْتَشْرَفَ 1) (*яхшироқ кўриш учун*) кўтарилмоқ; 2) (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى); 3) (*қуёшдан*) кўзни қўл билан (بِ) тўсиб (*бирор н. га*) қарамоқ (لِـ); (*қаергадир ёки к. гадир, н. гадир*) назар ташламоқ, қарамоқ; узоқларга (олдинларга) қарамоқ; қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ

– إِشْرَافٌ 1) кузатиш, назорат; لَجْنَةُ الـ~ назорат комисссияси; 2) раҳбарлик, етакчилик; تَحْتَ ~ـه кимнингдир раҳбарлиги остида; кимнингдир етакчилигида

– تَشْرِيفٌ *кўп.* تَشَارِيفُ ҳурмат, эҳтиром, тантанали маросим

– تَشْرِيفَاتِيٌّ церемониймейстер (*тантанали маросимларни тузувчи ва ўтказувчи*); *дипл.* протокол бўлими мудири

– تَشْرِيفَةٌ *кўп.* ـاتٌ — (*саройдаги*) тантанали қабул маросими; *кўп.* церемониал; بَابُ التَّشْرِيفَاتِ ташрифот (тантанали маросим)га кириладиган эшик (йўл); رَئِيسُ (مُدِيرُ) التَّشْرِيفَاتِ бўлими бошлиғи (мудири)

– شَارِفٌ *кўп.* شَارِفَاتٌ، شَوَارِفُ қари урғочи туя

– شُرَّافَةٌ балкон, айвон; галерея (*биноларни бирла[...]* *узун тор йўлак*)

– شَرَفٌ 1) шараф, ҳурмат, эҳтиром; عَلَى ~ـه [...] шарафига; حَفْرَةُ ~ фахрий қоровул; رَئِيسُ ~ фахрий раис [...] ~ фахрий аъзо; ... بِأَنْ ~ الـ لِي عَظِيمُ ёки بِأَنْ ~ كَبِيرٌ الـ[...] ... менинг учун катта шарафдир; كَلِمَةُ ~! ёки [...]رَفِي! بِالشَّرَفِ! чин сўз! рост гап!, виждон ҳурмати! худо ҳаққи[...] табақадан келиб чиққанлик, олий зотлилик, [...] олийжаноблик; 3) баланд, юқори, тепаликдаги жой, [...] тепалик

– شَرْفٌ шарф

– شُرْفَةٌ *кўп.* شُرَفٌ، شُرُفَاتٌ 1) балкон, айвон; [...] الزُّوَّارِ фахрий меҳмонлар учун ажратилган балкон (*парламент[...]*) (*театрдаги*) ложа; 3) ойна, дераза

– شَرَفِيٌّ фахрий, ҳурматли; مَرَاتِبُ ~ـة фахрий [...] (мартаба) лар

– شَرِيفٌ *кўп.* شُرَفَاءُ، أَشْرَافٌ 1. 1) аслзодаликка оид; [...] аслзода, аслзодалар; 2) олийжаноб, виждонли; 2 [...] (*пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам авлодлари унвон[и]*)

– مُسْتَشْرَفٌ айвон, балкон

– مُشْرَفٌ، مَشْرَفٌ *кўп.* مَشَارِفُ тепалик, баландлик [...] тепалик; ◊ مَشَارِفُ الْمَدِينَةِ шаҳар остоналари; шаҳар атрофи[...] هُوَ عَلَى مَشَارِفِ الثَّلَاثِينَ у ўттиз (*ёшга*) яқинлашиб қолди

– مُشْرِفٌ 1) (*бирор н. га*) раҳбарлик (мудирлик) қилувчи [...] (*бирор н. нинг*) бошида (тепасида) турувчи (عَلَى); 2) [...] бошлиқ; 3) баланд; جَبَلٌ ~ баланд тоғ

– مُشَرَّفٌ ҳурматли, иззат-икромга сазовор, фахрий; [...] ~ـة шараф билан

– مَشْرَفِيٌّ ~ سَيْفٌ Машориф қишлоғида тайёрланган қилич

– مَشْرَفِيَّةٌ Машориф қишлоғида тайёрланган қилич[лар] (*қишлоқ ўз қиличлари билан машҳур*)

I شَرَقَ (شُرُوقٌ) (у) شَرَقَ 1) чиқмоқ, кўтарилмоқ (*ёритқичлар ҳақида, мас., Қуёш*); 2) нур сочмоқ, ёритмоқ; 3) сўриб олмоқ, [...] тортмоқ; شَرِقَ (а) (*томоққа*) тиқилиб қолмоқ (بِ); بُكَاءٌ[...] ёшини ичига ютмоқ (зўрлик билан тўхтатиб турмоқ); II [...] шарққа жўнамоқ; 2) қуруқ (қуриган, намсиз) бўлмоқ (ер [...] ҳақида); 3) гўшт бўлакларини офтобда қуритмоқ; IV [...] чиқмоқ (*ёритгичлар ҳақида*); 2) ялтилламоқ (بِ); ёри[...] تَشَرَّقَ Шарқ кишисига (шарқликка) ўхшаб қолмоқ (ўхш[аш]); اسْتَشْرَقَ Шарқни ўрганмоқ, шарқшунос бўлмоқ

– اسْتِشْرَاقٌ шарқшунослик

– إِشْرَاق ёғду

– إِشْرَاقَة 1) ёғду, ёриш иш; 2) бошланиш; 1994 عَام ~ 1994 йилнинг бошланиши

– إِشْرَاقِيّ ёришган; *филос.* иллюминизм вакили, иллюминат; الْمَذْهَبُ الْ~ иллюминатлар таълимоти (мазҳаби)

– إِشْرَاقِيَّة الْ~ *филос.* иллюминизм; فَلْسَفَةُ الْ~ иллюминатлар фалсафаси

– تَشْرِيق қуриш, қуритиш; қуёшда гўшт бўлакларини қуритиш (қоқлаш); أَيَّامُ الْ~ зул-ҳижжа ойининг ўнинчисидаги қурбонликдан кейинги уч кун

– شِرَاق[1] осонгина алангаланадиган (ёғли, елимли) дарахт

– شِرَاق[2] *кўп.* ـَات — шогирд, дастёр; ёлланиб ишловчи хизматчи

– شَرَاقِيّ Нил дарёси тошган вақтда унинг суви босмайдиган (етиб бормайдиган) ерлар

– شَرَق[1] қурғоқчилик

– شَرَق[2] ғам, ғусса, ташвиш

– شَرْق 1) Шарқ; الْ~ الْأَقْصَى Узоқ Шарқ; الْ~ الْأَدْنَى Яқин Шарқ; الْ~ الْأَوْسَطُ Ўрта Шарқ; ~ا шарқда; шарққа; 2) қуёш; طَلَعَ الْ~ қуёш чиқди

– شَرْقَاوِيّ 1. Шарқия музофотига оид; 2. *кўп.* شَرَاقْوَة Шарқия музофотида яшайдиган киши (*Мисрда*)

– شَرْقِيّ 1. шарқий, шарққа оид; ~ الْمَدِينَة шаҳарнинг шарқ тарафида; جَنُوبَ ~ жануби-шарқий; الدِّرَاسَاتُ الْ~َة шарқшунослик; 2. Шарқда яшайдиган киши, шарқлик

– شَرْقِيَّات *кўп.* шарқшунослик, ориенталистика

– شُرُوق чиқиш, кўтарилиш; ~ الشَّمْسِ қуёш чиқиши

– مُسْتَشْرِق шарқшунос, ориенталист

– مُشْرِق 1) чиқаётган, кўтарилаётган (*қуёш ҳақида*); بِلَادُ الشَّمْسِ الْ~َة кун чиқиш мамлакати; 2) нур сочиб турган; ёрқин; нурли, ёғдули; مُسْتَقْبَلٌ ~ ёрқин келажак, истиқбол

– مَشْرِق *кўп.* مَشَارِق машриқ, кун чиқиш; шарқ; فِي مَشَارِقِ الْأَرْضِ وَمَغَارِبِهَا кунчиқишдан кунботишгача, машриқдан мағрибгача, шарқдан ғарбгача, бутун дунёда; الْ~َان *ик. с.* 1) шарқ ва ғарб, машриқ ва мағриб; 2) ёз фаслида қуёш чиқиш ўрни ва қиш фаслида қуёш чиқиш ўрни

– مَشْرِقِيّ шарқий; 2. *кўп.* مَشَارِقَة шарқ кишиси, шарқда яшовчи киши

– مُشْرِقِيّ *филос.* иллюминаторларга оид; الْحِكْمَةُ الْ~َة иллюминаторлар фалсафаси, иллюминизм; 2. *филос.* иллюминат (إِشْرَاقِيّ *каби*)

شُرْقُرُق *зоол.* яшил рангли қизилиштон (*қуш*)

شَرْقَطَ бирдан ёнмоқ (ўт олмоқ)

– شَرْقَطَة бирдан ёниб кетиш (ўт олиш)

I شَرِكَ (а) شِرْكَة шерик бўлмоқ, биргалашмоқ, компаньон бўлмоқ; II شَرَّكَ шнур боғламоқ, ~ نَعْلَهُ туфлисига шнур ўтказмоқ; III شَارَكَ 1) шериклик қилмоқ, ҳамдард бўлмоқ (*мас., ғамда-туш. к. ёки* فِي-*к.* *гадир туш. к. ёки* مَعَ); 2) (*н. дадир*) муштаракликка эга бўлмоқ (*туш. к. ёки* فِي -*к. биландир, н. биландир. туш. к. ёки* مَعَ); إِنَّ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ تُشَارِكُ الْعِبْرَانِيَّةَ فِي أُصُولِهَا араб тили қадимги яҳудий тили (иврит) билан муштарак илдизга эга; IV أَشْرَكَ 1) иштирокчи қилмоқ, иштирок эттирмоқ, шерик қилиб қўшиб олмоқ; хизмат вазифасига қўшиб юбормоқ; 2) тасма билан таъминламоқ (*мас., ботинка, шиппак кабиларни*); ◊ ~ بِاللهِ мушрик (кўпхудолик) бўлмоқ; VI تَشَارَكَ (*к. биландир н. дадир*) бирга иштирок этмоқ, тўдада бўлмоқ (مَعَ فِي); VIII اِشْتَرَكَ 1) (*к. биландир н. дадир*) шерик бўлиб қатнашмоқ, иштирок этмоқ (مَعَ, فِي); 2) ўзаро (*н. дадир*) муштарак бўлмоқ; 3) (*жамият*) аъзоси бўлмоқ; 4) (*н. нингдир*) обуначиси бўлмоқ (فِي); 5) бирлаштирмоқ; 6) *дин.* христианларнинг диний маросимлардан бири-муштараклик (*причастие*) маросимларида иштирок этмоқ

– اِشْتِرَاك *кўп.* ـَات — 1) бирлашиш, бирикиш; 2) муштараклик, умумийлик; ~ الْمَصَالِحِ манфаатларнинг муштараклиги (умумийлиги); الْ~ اللَّفْظِيّ *грам.* омонимия; 3) (*шерик бўлиб*) иштирок этмоқ; بِالْ~ шерик бўлиб, биргалашиб; 4) обуна; 5) аъзолик бадали, пай тўлови (*шунингдек* رُسُومُ الْ~); христианларнинг муштараклик (*причастие маросимида*) истъемол қилинадиган бир хил вино ва нон

– اِشْتِرَاكِيّ 1. социализмга оид, социалистик; النِّظَامُ الْ~ социалистик тузум

– إِشْرَاك мажусийлик, кўпхудолилик, мушриклик

– تَشَارُك шериклик, бирга қўшилиб иштирок этиш

– شِرَاك *кўп.* شُرُك, أَشْرَاك (*шиппакдаги*) ип, тасма

– شِرَاكَة бирга қўшилиб иштирок этиш

– شِرْك 1) (*биргалашиб*) иштирок этиш; 2) *халқ.* ҳаммага тегишли бойлик ёки нарсалар; 3) ширк, мажусийлик, кўпхудолилик, бутпарастлик; أَهْلُ الْ~ ширк келтирганлар, мажусийлар

– شَرَك *кўп.* أَشْرَاك тўр, тузоқ, қопқон

– شَرِك 1) зарарли; бузилган, айниган, яроқсиз ҳолга келган (*мас., мевалар ҳақида*); 2) асл нархидан (баҳосидан) паст

– شَرَكَة тузоқ

– شَرِكَة *кўп.* ـَات — 1) ширкат, жамият; агентлик; ~ التَّأْمِينِ суғурта жамияти; ~ ذَاتُ مَسْؤُولِيَّةٍ مُحَدَّدَةٍ чекланган масъулиятли (масъулияти чекланган) компания (*ЛТД*); ~ الشَّرِكَات трест; ~

مُسَاهِمَةٌ акционерлик (ҳиссадорлик) жамияти; مُغْفَلَةٌ ~ *савдо.* яширин жамият; الْمِلاَحَةُ ~ денгизчилар жамияти; الْهِنْدِ الشَّرْقِيَّةِ ~ *тар.* Ост-индия компанияси (жамияти); 2) муштарак бойлик (мулк); умумхалқ мулки

شِرْكَةٌ = شَرِكَةٌ –

شِرْكِيَّاتٌ *кўп.* мажусийлик одатлари (феъл-атворлари) –

شَرِيكٌ *кўп.* شُرَكَاءُ 1) ҳамкорлик қилувчи, шерик, компаньон; партнёр; бирга иштирок этувчи; 2) (*бирор жиноий ишда*) шерик –

شُرَيْكٌ чурак, нон –

شَرِيكَةٌ *кўп.* شَرَائِكُ 1) шериклик қилувчи аёл (қиз), партнёр аёл (қиз); فِي الْحَيَاةِ ~ рафиқа, хотин; 2) (*бирор жиноий ишда*) шерик аёл (қиз)

مُشَارِكٌ иштирокчи; шерик бўлиб қатнашувчи –

مُشَارَكَةٌ 1) муштараклик, умумийлик; биргалашиб (*шерик бўлиб*) қатнашиш; алоқадорлик, боғлиқлик; 3) ҳамкорлик; ◊ بِالـــ~ чоракорлик шарти билан –

مُشْتَرَكٌ 1) муштарак, умумий; бирлашган; қўшма; حُدُودٌ ~ـــةٌ умумий чегаралар; 2) икки томонлама, ўзаро; مَصْلَحَةٌ ~ـــةٌ икки томонлама фойдали (манфаатли) –

مُشْتَرِكٌ обуначи, муштарий –

مُشْرِكٌ мушрик, кўпхудоли, мажусий, бутпараст –

شَرْكَلَ 1) қийнамоқ, қийинчиликка солмоқ, қийин қилиб қўймоқ, чалкаштирмоқ, йўлдан адаштирмоқ; 2) оёқдан чалмоқ, чалиб йиқитмоқ

شَرْكَسِيٌّ *кўп.* شَرَاكِسَةٌ черкас

شَرَمَ I (и) شَرْمٌ чақмоқ, ёрмоқ, кесмоқ, тилмоқ; II شَرَّمَ ёрмоқ, бўлмоқ; VII اِنْشَرَمَ чақилган (ёрилган, тилинган, бўлинган) бўлмоқ

أَشْرَمُ *мн.* شُرْمٌ *кўп.* شَرْمَاءُ 1) бурни мажақланган; 2) лаблари йиртик; 3) ифлос, исқирт, пала-партиш, ислиқи –

شَرْمٌ *кўп.* شُرُومٌ 1) тилим, ёриқ; 2) тешик, ковак; тоғ (*тепалик ер*) ёриғи; рахна, тешилган жой; 3) унча катта бўлмаган қўлтиқ, кўрфаз –

شَرْمِيَنَةٌ катта жанг, қирғин, олишув, тўқнашув

شَرْمَطَ парча-бурон қилиб йиртмоқ

شَرْمَطَةٌ парча-бурон қилиб йиртиб ташлаш –

شَرْمُوطَةٌ *кўп.* شَرَامِيطُ 1) латта; парча-бурон; 2) фоҳиша, бузуқ аёл, суюқоёқ аёл –

شَرْنَقَةٌ *кўп.* شَرَانِقُ пилла (*ипак қуртиники*)

شَرَانِقُ *кўп.* 1) илоннинг (*ташлаган*) пўсти; 2) наша уруғи –

شَرِهَ I (а) شَرَهٌ 1) (*н. ғадир*) ўч бўлмоқ (عَلَى، إِلَى); 2) нафси бузуқ бўлмоқ, малах бўлмоқ, юҳо бўлмоқ

شَرَاهَةٌ 1) қизғончиқлик, очкўзлик, кўзи очлик; بِـــ~ қизғончиқлик билан; 2) нафси бузуқлик, малахлиқ, юҳолик –

شَرَاهَةٌ = شَرَهٌ –

شَرِهٌ 1) қизғончиқ, очкўз; 2) нафси бузуқ, малах, юҳо –

شَرْوٌ асал, бол

شَرْيٌ = شَرْوٌ –

شِرْوَالٌ *кўп.* شَرَاوِيلُ шаровар, пойжома, иштон

شِرْوَى ўхшаш, ўхшайдиган; ◊ لاَ يَمْلِكُ ~ نَقِيرٍ унинг сариқ чақаси (бир тийини) ҳам йўқ

شَرْوِيطَةٌ *кўп.* شَرَاوِيطُ латта

شَرَى I (и) شَرْيٌ, شِرَاءٌ 1) сотиб олмоқ; 2) сотмоқ; شَرِيَ (а) ҳуснбузар тошмоқ, ғудда чиқмоқ, ғудда тошмоқ; II شَرَّى сотиш учун қўймоқ, териб қўймоқ; IV أَشْرَى (*к. ларнингдир*) ўртасида душманлик ўтини ёқмоқ (بَيْنَ); VIII اِشْتَرَى сотиб олмоқ; لاَ يُشْتَرَى وَ لاَ يُبَاعُ сотилмайдиган; X اِسْتَشْرَى 1) аччиқланмоқ, ғазабланмоқ; 2) мураккаблашмоқ, қийинлашмоқ, кучаймоқ; жиддий бўлиб қолмоқ, хавфли (хатарли) бўлиб қолмоқ (*аҳвол, касаллик ва б. ҳақида*); 3) ҳамма ёққа тарқалмоқ (тарқалиб кетмоқ)

اِسْتِشْرَاءٌ мураккаблашиш, кучайиш, ўсиш; الْبِطَالَةِ ~ ишсизликнинг кучайиши (ўсиши) –

شَارٍ *мн.* شَارِيَةٌ *кўп.* شُرَاةٌ 1) сотиб оладиган; 2) харидор, сотиб олувчи; ◊ شَارِي الصَّوَاعِقِ яшинқайтаргич; الشُّرَاةُ *тар.* хорижийлар мазҳабларидан бири –

شِرَاءٌ *кўп.* أَشْرِيَةٌ сотиб олиш, харид қилиш; بِالتَّقْسِيطِ ~ насияга сотиб олиш; بِالنَّقْدِ ~ нақд пулга сотиб олиш; عَلَى الْحِسَابِ ~ кредитга сотиб олиш –

شِرَائِيٌّ сотиб олишга (харид қилишга) оид; قُوَّةٌ ~ـــةٌ харид қилиш қуввати (кучи) –

شَرْوَةٌ 1) харид; сотиб олинган (харид қилинган) нарса; 2) савдо-сотиқ иши –

شَرْوِيٌّ: الـــ~ـــةُ = الْحُمَّى شَرَى –

شَرًى тошма, эшак еми, тошмали безгак –

شَرْيٌ *жам.* колоквинт –

شَرْيٌ *кўп.* أَشْرِيَةٌ сотиб олиш, харид қилиш –

شِرْيَانٌ، شُرْيَانٌ، شَرْيَانٌ *кўп.* شَرَايِينُ артерия; التَّاجِ ~ тож (*коронар*) қон томири; تَصَلُّبُ الشَّرَايِينِ *мед.* артериосклероз; مِلْقَطُ الشَّرَايِينِ жарроҳлик қисқичлари –

شِرْيَانِيٌّ، شَرْيَانِيٌّ артерияга оид, артериал; الْاِلْتِهَابُ الـــ~ *мед.* артериит –

مُشْتَرٍ *мн.* مُشْتَرِيَةٌ сотиб олувчи, харидор; ◊ الْمُشْتَرِي *астр.* Муштарий (Юпитер) сайёраси –

مُشْتَرًى *кўп.* مُشْتَرَوَاتٌ، مُشْتَرَيَاتٌ сотиб олиш, харид қилиш; مَكْتَبُ الْمُشْتَرَوَاتِ харид қилиш муассасаси –

شَزَرَ I (и) شَزْرٌ ер остидан қарамоқ

شَزْرًا 1) ер остидан; ёндан; 2) чапдан ўнгга; соат йўналиши бўйича –

– شَزْرَاءُ гилай; серзарда, ғазабли, ёвуз

حَجَرٌ ~: شِسْتٌ *мин.* шифер, сланец

I شَسَعَ (а) شُسُوعٌ 1) узоқда (узоқлашган) бўлмоқ; 2) кенг (бепоён) бўлмоқ

– شَاسِعٌ 1) узоқ; عَلَى بُعْدٍ ~ узоқ масофада; 2) кенг, бепоён, катта,; فَرْقٌ ~ катта фарқ

– شَسَاعَةٌ 1) узоқлик; кенглик, бепоёнлик

– شِسْعٌ *кўп.* أَشْسَاعٌ шиппак боғичи (ипи, тасмаси)

– شَاسِعٌ= شَسُوعٌ

شَشْخَانَةٌ, شَشْخَانٌ ичи ўйилган ствол

– شَشْخَنَةٌ ўйма, ўйилган (*ствол*)

– مُشَشْخَنٌ ўймали, ичи ўйилган (*ствол ҳақида*)

شِشْمٌ кўзга суртиладиган малҳам (*дори*); сепки, сепиладиган дори

– شِشْمَةٌ *кўп.* شِشْمٌ ҳожатхона

شِشْنِي *кўп.* شَشَانِي намуна, нусха; татим, татиб кўриш, синаб кўриш, синаш

– شَشْنَجِيٌّ *кўп.* شَشْنَجِيَّةٌ татиб кўрувчи, синаб кўрувчи

شَصٌّ, شِصٌّ *кўп.* شُصُوصٌ балиқ тутадиган қармоқ

I شَطَّ (а/и, у) شُطُوطٌ, شَطٌّ 1) чегарадан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқ бўлмоқ, узоқлашмоқ, четлашмоқ (مِنْ); 3) (*бирор к. га нисбатан*) адолатсиз бўлмоқ (عَلَى); (*к. нидир*) хафа қилмоқ, сиқмоқ (عَلَى); IV أَشَطَّ ғоят аччиқланмоқ, тутаб (тутақиб) кетмоқ; VIII اشْتَطَّ 1) ҳаддан ошмоқ; وَ لاَ أَشْتَطُّ إِذَا قُلْتُ ... ...деган тақдиримда ҳам ҳаддан ошмаган бўламан; ~ شَطَطًا (أَشْطَاطًا) كَبِيرًا (*н. дадир*) катта гуноҳ (хато) қилмоқ, ҳаддан ошишга йўл қўймоқ (فِي); 2) (*бирор к. га нисбатан*) адолатсиз бўлмоқ

– شَطٌّ[1] адолатсизлик кўрсатиш (қилиш); сиқиш, зулм қилиш

– شَطٌّ[2] соҳил, қирғоқ

– شَطَطٌ 1) гуноҳ, хато иш, айб; 2) ҳаддан ошиш, чегарадан чиқиш; керагидан ортиқчалик

– شَطَّةٌ қалампир, янчилмаган (бутун) қалампир, гармдори; ◊ ~ الْقَلَمِ жимжима, гажак (*имзодаги*)

– شَطَّةٌ = شَطِيطَةٌ

(شطء) IV أَشْطَأَ шохламоқ, новда чиқармоқ

– شَاطِئٌ *кўп.* شَوَاطِئُ, شُطْآنٌ қирғоқ

– شَاطِئِيٌّ қирғоқдаги, қирғоққа оид

– شَطْءٌ[1] *кўп.* شُطُوءٌ = شَاطِئٌ

– شَطْءٌ[2] новда, шох; الزَّرْعِ ~ экиннинг новдаси; النَّبَاتِ ~ ўсимлик новдаси (шохи)

I شَطَبَ (у) شَطْبٌ 1) қисмларга (тасмаларга) ажратиб қирқмоқ; 2) ўчириб ташламоқ, бекор қилмоқ; 3) рўйхатдан чиқариб ташламоқ; الدَّعْوَى ~ (*суддаги, терговдаги*) ишни тўхтатмоқ; II شَطَّبَ 1) тасма қилмоқ, нақш қилмоқ; اللَّحْمَ ~ гўштни бўлтак-бўлтак (тасма-тасма) қилиб кесмоқ; 2) ўймоқ, чизмоқ, чуқурча қилмоқ; 3) кетма-кет ўчириб чиқмоқ; 4) (*н. нидир*) тугалламоқ, тамомламоқ, охирига етказмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); (*н. нидир*) пардозламоқ, ошламоқ; (*н. гадир*) сўнгги ишловни бермоқ, битган ҳолатга келтирмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); الْحِسَابَ ~ (عَلَى) *бухг.* ҳисоб-китобни бош бухгалтерга ўтказмоқ; 5) (*мол, товарни*) сотиб тугатмоқ, сотиб бўлмоқ

– تَشْطِيبٌ 1) бўлтак-бўлтак қилиб кесиш; 2) ўйма, чизиқ қилиш; 3) ўчириб ташлаш; 4) тугаллаш; охирги ишлов (пардоз) бериш; شُقَقٌ تَحْتَ الـ~ охирги пардоз жараёнидаги квартиралар

– تَشْطِيبَاتٌ *кўп.* охирги ишлов (пардозлаш) ишлари

– شَطْبٌ[1] 1) тасма-тасма қилиб кесиш; 2) ўчириб ташлаш; 3) рўйхатдан чиқариб ташлаш

– شَطْبٌ[2] баланд бўйли ва келишган

– مُشَطَّبٌ нақшланган

I شَطَحَ (а) شَطْحٌ 1) кўчиб кетмоқ; кетмоқ; 2) (*қаердадир*) адашмоқ (فِي); ... فِي اخْتِيَارِهِ ~ у ...ни танлашда иккиланди (тараддудланди); بِالْقَلَمِ ~ ёзмоқ, тез ёзмоқ

– شَطْحَةٌ *кўп.* شَطَحَاتٌ 1) сайр; экскурсия; 2) бир маромдан (мўътадилликдан) чиқиб кетиш; хушдан кетиш, ўзини унутиш; (*сўфийларда*) шатҳа (*хушдан кетиш, беҳуш бўлиш они*); إِغْرَاقٌ فِي ~ шатҳага (беҳушликка) ғарқ бўлиш

I (شطر) شَطَرَ (у) شَطْرٌ 1) бўлмоқ, кесмоқ, иккига ажратиб кесиб ташламоқ; 2) (*н. дандир*) кутулмоқ, ажралмоқ (عَنْ); شَطُرَ (у) شَطَارَةٌ айёр (эпли, чаққон) бўлмоқ; фаросатли (ақлли) бўлмоқ; III شَاطَرَ 1) (*к. гадир*) ҳамдард бўлмоқ (*меҳнатини*) енгиллаштирмоқ; ҳамдардлик қилмоқ (билдирмоқ); 2) тақсим қилмоқ, бўлиб олмоқ, бўлишиб олмоқ, бўлишмоқ; V تَشَطَّرَ чаққонлик (эпчиллик) кўрсатмоқ; VII انْشَطَرَ тенг бўлинмоқ, икки қисмга бўлинмоқ

– انْشِطَارٌ бўлиниш; الـ~ وَ الْاِنْدِمَاجُ النَّوَوِيُّ *физ.* ядронинг парчаланиши ва синтези

– شَاطِرٌ *кўп.* شُطَّارٌ 1) чаққон, моҳир, эпли; 2) айёр; 3) фаросатли, ақлли

– شَطَارَةٌ 1) чаққонлик, моҳирлик, эпчиллик, санъаткорлилик; 2) айёрлик; 3) фаросатлилик, ақллилик

– شَطْرٌ *кўп.* أَشْطُرٌ, شُطُورٌ 1) (*бирор н. нинг*) ярми; қисм, парча; 2) томон, йўналиш; وَلَّيْنَا وُجُوهَنَا شَطْرَ الْجَنُوبِ *маж.* биз жануб томонга йўл олдик; 3) (*шеърдаги*) мисра; 4) (*туя*) эмчагининг бир жуфт сўрғичи; ◊ حَلَبَ الدَّهْرَ أَشْطُرَهُ у аччиқниям, чучукниям кўрган

– شَطِيرَةٌ *кўп.* شَطَائِرُ бурда, сандвич

– مُشَاطِرٌ қўшни; (*бирор ишда*) шерик

– مُشَاطَرَةٌ 1) бирга иштирок этиш, иштирок этиш, қатнашиш; 2) ҳамдардлик

قِطَعُ الـ~ *ёки* أَحْجَارُ الـ~ шахмат, шатранж; شِطْرَنْجٌ, شَطْرَنْجٌ шахмат доналари; الـ~ (رُقْعَةُ) لَوْحَةُ шахмат тахтаси; أُولَئِكَ الَّذِينَ يُحَرِّكُونَ قِطَعَ الـ~ а) шахмат доналари сураётганлар; а) *маж.* (*қандайдир*) яширин ниятни амалга оширувчилар; تَحَوَّلَ إِلَى بَيْدَقٍ فِي يَدِهِ ~ *кўч. м.* кимларнингдир қўлида ўйинчоқ бўлмоқ

– شَطْرَنْجِيٌّ 1. шахматга оид; وَضْعِيَّةٌ ~ـةٌ шахмат вазияти (позицияси); 2. шахматчи

I شَطَفَ (у) شَطْفٌ 1) ювмоқ, ювиб ташламоқ, (*ювилган кирни*) чайқамоқ, (*идишни*) чайқамоқ, чаймоқ; 2) синдириб (*ушатиб*) олмоқ; 3) рандаламоқ, тарашламоқ, йўнмоқ; *тех.* қиррали қилиб тарашламоқ, йўнмоқ; II شَطَّفَ тозалаб ювмоқ

– شُطْفَةٌ *кўп.* شُطَفٌ синиб чиққан парча; қирқиб олинган нарса; пайраҳа; 2) чақмоқтош парчаси

– مَشْطُوفٌ 1) ювилган, чайқалган; 2) қиррали қилинган, қийшайтириб қирраланган; حَافَةٌ ~ـةٌ фаска (*тиғи қийшайтириб чиқарилган асбоб*)

I شَطَنَ (у) شَطْنٌ арғамчи (арқон) билан боғламоқ

– شَطَنٌ арғамчи, арқон

– شَطُونٌ 1) узоқ, узоқдаги; 2) чуқур

شَطَا Мисрдаги қишлоқнинг номи (*кийимлари билан машҳур*)

– شَطَوِيٌّ: ثِيَابٌ ~ـةٌ Шатода тикилган кийим

I شَظَّ (у) شَظٌّ: الْجَوَالِقَ ~ хуржун кўзидаги ёғочни тортиб қўймоқ; IV أَشَظَّ: الْجَوَالِقَ ~ хуржуннинг кўзига эгри ёғоч киритиб қўймоқ

– شِظَاظٌ хуржуннинг кўзига киритиб қўйиладиган эгри ёғоч

شَظُفَ (у) شَظَافَةٌ оғир (қашшоқ) бўлмоқ (*ҳаёт ҳақида*)

I شَظِيَ (а) شَظًا синмоқ, парчаланиб кетмоқ, бўлакларга бўлиниб кетмоқ; II شَظَّى парчаламоқ, (пайраҳа қилиб) майдалаб ташламоқ; V تَشَظَّى =I

– تَشْظِيَةٌ пайраҳаларга ажратиш, пайраҳалаш

– شَظِيَّةٌ *кўп.* شَظَايَا 1. (*снаряд*) парчаси; 2) пайраҳа; 3) *анат.* болдир (илик) суяги

I شَعَّ (а/и) شَعٌّ, شَعَاعٌ 1) тарқамоқ, тарқалмоқ; 2) нур тарқатмоқ, нурланмоқ; IV أَشَعَّ нур чиқармоқ, нур бермоқ; V تَشَعَّعَ нур чиқармоқ, нур бериб турмоқ

– إِشْعَاعٌ *кўп.* اتٌ — нурланиб туриш, нурланиш, нур чиқариш; радиация; الـ~ الذَّرِّيُّ атом радиацияси; (بِيتَا) جَامَا ~ гамма (бета) нурлари чиқариш; إِشْعَاعَاتُ الشَّمْسِ السِّينِيَّةُ қуёшнинг х- нурлар тарқатиши

– إِشْعَاعِيٌّ нурланувчи, нурланиб турган; нурли; نَشَاطٌ ~ *ёки* فَاعِلِيَّةٌ ~ـةٌ радиоактивлик; ذُو نَشَاطٍ ~ радиоактив, радиоактивликка оид; الْخَامَاتُ الـ~ـةُ радиоактив моддалар (хомашё); الْمَرَضُ الـ~ нурланиш касаллиги

– إِشْعَاعِيَّةٌ радиоактивлик

– تَشَعُّعٌ нурланиш; радиация; الـ~ الشَّمْسِيُّ қуёш радиацияси

– شُعٌّ *кўп.* شِعَاعٌ 1) нур; 2) ўргимчак уяси ва унинг ҳар толаси

– شُعَاعٌ *кўп.* أَشِعَّةٌ 1) нур; нур тасмаси; أَشِعَّةُ رُونْتْجِين Рентген нурлари; أَشِعَّةٌ أَلِفِيَّةٌ وَبَائِيَّةٌ وَجِيمِيَّةٌ *ёки* أَشِعَّةُ أَلْفَا وَبِيتَا وَجَامَا алфа-, бета- ва гамма нурлари; الْأَشِعَّةُ الْكَوْنِيَّةُ космик нурлар; الْأَشِعَّةُ تَحْتَ الْحَمْرَاءِ инфрақизил нурлар; الْأَشِعَّةُ فَوْقَ الْبَنَفْسَجِيَّةِ ультрабинафша нурлар; الْمُعَالَجَةُ بِالْأَشِعَّةِ *мед.* радиотерапия; بَعَثَ ~ الْأَمَلِ فِي نُفُوسِ النَّاسِ *маж.* одамлар қалбида умид нурларини ёқмоқ; 2) (*ғилдиракдаги*) кегай; 3) қилтириқ, қилтаноқ (*бошоқдаги*); 4) радиус

– شَعَاعٌ тарқалиш; ёйилиш, сочилиш; تَطَايَرَتِ الشَّظَايَا ~ا парчалар ҳар томонга сочилиб кетди; طَارَ قَلْبُهُ ~ا унинг миясига ҳар хил фикрлар келиб кетди; ◊ طَارَتْ نَفْسُهُ ~ا (مِنَ الْخَوْفِ) қаттиқ қўрқиб кетди, унинг жони ҳалқумига келди

– شَعَاعَةٌ фотография қилиш

– شُعَاعِيٌّ 1) нурга оид; عِلْمُ الْفَلَكِ الـ~ радиоастрономия; الْفَلَكِيُّ الـ~ радиоастроном; 2) шуъласимон; خُطُوطُ الْمِتْرُو الـ~ـةُ метронинг шуъласимон (ҳар томонга тарқалган) йўллари

– شُعَاعِيَّةٌ *астр.* нуркўприк

– مُشِعٌّ 1. нур чиқарувчи; радиоактив; الْمَوَادُّ الـ~ـةُ радиоактив моддалар; 2. *тех.* радиатор

I شَعَبَ (а) شَعْبٌ 1) бўлиб ташламоқ, ажратмоқ; 2) жамламоқ, бириктирмоқ; II شَعَّبَ шаҳобчалаштирмоқ; бўлмоқ, бўлимларга ажратмоқ; V تَشَعَّبَ 1) шаҳобчаланмоқ; бўлинмоқ; (*н. дандир*) тарқалмоқ, шаҳобча бўлиб чиқмоқ (عَنْ); 2) ҳар хил бўлмоқ (*мулоҳазалар ҳақида*); VII انْشَعَبَ шаҳобчаланмоқ; ажралиб чиқмоқ; VIII اشْتَعَبَ ҳар томонга йўналтирмоқ, айрилмоқ (*йўл ҳақида*)

– أَشْعَبِيٌّ бахил, хасис, зиқна, курумсоқ; тамаъгир; الْمَطَامِعُ الـ~ـةُ тамаъгирликка интилиш; الْأَطْمَاعُ الـ~ـةُ тамаъгирлик истаклари

– تَشَعُّبٌ иккига ажралиш, шаҳобчаланиш, бўлиниш

– شَعْبٌ *кўп.* شُعُوبٌ 1) халқ, миллат; حِزْبُ الـ~ *тар.* Халқ партияси (*Мисрдаги сиёсий партиянинг номи*); 2) қабила

– شِعْبٌ *кўп.* شِعَابٌ 1) дара; 2) сувости тоши, риф

– شَعْبَانُ шаъбон (*қамарий тақвимнинг 8- ойи, 29 кун*)

– شُعْبَةٌ *кўп.* شُعَبٌ 1) соҳа; 2) шох, шаҳобча; *т. -й.* шаҳобча; 3) шуъба, бўлим; 4) *биол. бот.* тип; 5) тиш, тишча (*мас., арра, гилдирак ва б. пардаги*); شُعَبُ الرِّئَةِ *анат.* бронхлар (*нафас йўллари*); اِلْتِهَابُ الشُّعَبِ *мед.* бронхит (*нафас йўлларининг яллиғланиши*)

– شَعْبِيٌّ халққа оид, миллий; الْأَدَبُ الـ~ халқ оғзаки ижоди, фольклор; ~ لا халққа қарши, ватанпарварликка карши; السِّيَاسَةُ اللا~ـةُ халққа қарши сиёсат

– شُعَبِيٌّ бронхга (нафас олиш йўлларига) оид, бронхиал; الْاِلْتِهَابُ الـ~ *мед.* бронхит (*нафас олиш йўлларининг яллиғланиши*)

– شَعْبِيَّةٌ оммавийлик; ~ عَدَمُ оммавий бўлмаганлик; يَتَمَتَّعُ بِالـ~ у жуда шуҳратлидир, омма орасида жуда таниқли; أَكْسَبَهُ ~ كَذَا бу унга шуҳрат келтирди, бу уни халққа танитди

– شُعُوبِيٌّ 1) *тар.* шуъубия ҳаракатининг вакили (*қар.* شُعُوبِيَّةٌ); 2) космополитликка оид, миллийликка (ватанпарварликка) қарши бўлишга оид; 3. космополит, ватанпарвар бўлмаган одам

– شُعُوبِيَّةٌ 1) *тар.* шуъубия (*исломда бўлган халкларнинг тенглиги ҳақидаги ақидани ҳимоя қилувчи, арабларнинг мумтозлигини тан олмовчи ҳаракат*); 2) космополитизм, антинационализм, антипатриотизм

– مُنْشَعَبٌ ажралиш, айрилиш (*мас., йўл ҳақида*); иккига ажралиш, бўлиниш

شَعْبَذَ 1) шуъбадабозлик, фокуслар (кўзбойлағич) кўрсатмоқ; 2) айёрлик қилмоқ,. алдамоқ, алдамчилик қилмоқ

– شَعْبَذَةٌ 1) шуъбадабозлик қилиш, фокус кўрсатиш; 2) ёлғончилик, алдамчилик, айёрлик, мўлтонилик

– شَعْبَطَ кўтарилмоқ, тирмашмоқ; تَشَعْبَطَ 1) кўтарилмоқ, осилмоқ, осилиб олмоқ (*мас., трамвай зинапоясига*)

– تَشَعْبُطٌ осилиб олиш (*мас., трамвай зинапоясига*)

– شَعْبَطَةٌ кўтарилиш, (*юқорига*) чиқиш

I شَعِثَ (a) شَعَثٌ ,شُعُوثَةٌ 1) пахмайган (ҳурпайган, диккайган) бўлмоқ (*соч ҳақида*); 2) сочилиб ётган бўлмоқ, бетартиб ҳолда бўлмоқ; II شَعَّثَ 1) пахмайтирмоқ, ҳурпайтирмоқ, диккайтирмоқ (*соч ҳақида*); 2) сочиб ташламоқ, тарқатмоқ, сочмоқ; V تَشَعَّثَ 1) сочилиб тарқалмоқ, сочилиб кетмоқ; 2) тартибсиз ҳолга келмоқ

– أَشْعَثُ *мн.* شَعْثَاءُ *кўп.* شُعْثٌ 1) ҳурпайтирилган, тўзғитилган, пахмайтирилган (*соч ҳақида*) 2) сочиб ташланган, сочилиб ётган

– شَعَثٌ сочиб ташланганлик, сочилиб ётганлик; 2) бир-бирида ажралганлик, бирлашмаганлик; لَمَّ ~ـهُمْ бирлаштирмоқ, бир ерга тўпламоқ

– شَعِثٌ 1) ҳурпайган, пахмайган, тўзғиган (*соч ҳақида*); 2) тартибсиз, бетартиб ҳолда турган

I. شَعَرَ (ў) شُعُورٌ (*н. нидир*) ҳис қилмоқ, сезмоқ, қабул қилмоқ (بِ); ... وَ إِلَّا (لَمْ يَشْعُرْ) ~ مَا у ҳис қилишга улгурмасданоқ; ва кутилмаганда ...; 2) (*н. нидир*) фаҳмламоқ, билмоқ, тушунмоқ, сезмоқ (بِ); ◊ شِعْرًا ~ шеър ёзмоқ; III شَاعَرَ мушоира қилмоқ; IV أَشْعَرَ 1) (*н. нидир*) ҳис қилдирмоқ, сездирмоқ, туйдирмоқ (بِ); 2) (*н. нидир*) билдирмоқ, хабар қилмоқ, хабардор қилмоқ, маълум қилмоқ (بِ); الْهَدْيَ ~ қурбонлик қилинган туянинг ўнг томонидан қон оқизиб унинг қурбонликка аталганлигини белгиламоқ; V تَشَعَّرَ сочи ўсмоқ; VI تَشَاعَرَ ўзини шоир деб ҳисобламоқ (фаҳмламоқ, билмоқ); X اِسْتَشْعَرَ 1) ҳис қилмоқ, туймоқ; 2) фаҳмлаб қолмоқ; деб билмоқ; билиб қолмоқ

– إِشْعَارٌ *кўп.* ـاتٌ хабар қилиш, маълум қилиш

– أَشْعَرُ *мн.* شَعْرَاءُ *кўп.* شُعْرٌ жун (тук) босган, жун (тук)ли

– شَاعِرٌ *кўп.* شُعَرَاءُ 1) шоир; الشُّعَرَاءُ الرُّحَّلُ сайёр (*кезиб юрувчи*) шоирлар; الْقُطْرَيْنِ ~ икки мамлакат шоири (*шоир Халил Мутроннинг унвони*); 2) ҳикоячи, ҳикоя қилувчи (айтувчи)

– شَاعِرَةٌ *кўп.* شَوَاعِرُ шоира

– شَاعِرِيٌّ шеърий, шоирга оид, шоирона

– شَاعِرِيَّةٌ 1) шоирлик иқтидори; 2) шоироналик

– شِعَارٌ *кўп.* ـاتٌ ,أَشْعِرَةٌ 1) шиор; чақириқ; الْجَبْهَةِ الْمُتَّحِدَةِ ~ бирлашган жабҳа (фронт) шиори; 2) тамға, белги; марка; герб, эмблема; 3) *эск.* кўйлак

– شِعْرٌ *кўп.* أَشْعَارٌ шеър, шеърият, поэзия; غِنَائِيٌّ ~ лирик шеърият; رَبَّةُ الـ~ قَصَصِيٌّ ~ эпик шеърият; حُرٌّ ~ эркин шеър; عَرُوسُ الـ~ *ёки* илҳом париси (*муза*); ◊ لَيْتَ ~ي о, билганимда эди!

– شَعْرٌ, شَعَرٌ *жам. кўп.* شُعُورٌ соч; مُسْتَعَارٌ ~ *ёки* عَارٍ ~ ясама соч; парик; حِصَانٍ ~ от қили; خَشِنٌ ~ *ёки* حَلُوفٍ ~ қаттиқ тук

– شَعْرَاءُ дарахтлар

– أَشْعَرُ = شَعْرَانِيٌّ

– شَعْرَةٌ *кўп.* شَعَرَاتٌ 1) соч донаси, қил; 2) тола; الْقُطْنِ ~ пахта толаси; الْأَرْضِ ~ *бот.* ерсоч (*қирққулоқлар оиласига кирувчи ўсимлик -Adiantum capillus veneris*); الْعَيْنِ ~ *мед.* трихиазис (*кўз касалликларидан бири*); ◊ خَرَجَ مِثْلَ الـ~ مِنَ الْعَجِينِ сувдан қуруқ чиқмоқ; تَعَلَّقَ بِـ~ омонат турмоқ

– شُعْرُورٌ *кўп.* شَعَارِيرُ ночор (кучсиз) шоир, бемаъни шоир, бемаъни шеър тўқувчи

– شِعْرَى *астр.* Сириус; الـ~ الْيَمَانِيَّةُ *ёки* الـ~ الشَّامِيَّةُ *астр.* Просион

– شِعْرِيٌّ шеърий, шеърга оид, шеъриятга оид

– شَعْرِيٌّ 1) жунли, тукли; 2) капиллярга оид, الْأَوْعِيَةُ الـ~ـةُ капилляр томирлар

– [1]شَعْرِيَّةٌ капиллярлик

– [2]شَعْرِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ тўр, панжара; ёғоч (*чий*) дарпарда; ◊ مِيزَانُ الـ~ аптека (*шунингдек, заргарлик*) тарозиси

– شَعْرِيَّةٌ вермишель (*майда макарон тури*)

– شُعُورٌ 1) шуур, сезги, ҳис; 2) ички кечинма; 3) онг, ақл; بِلَا ~ онгсиз равишда; اللاّ ~ ғайришууриййлик, ҳали ўйлаб этилмаганлик; حُسْنُ الـ~ одоб; الـ~ الْوَطَنِيُّ ватанпарварлик, патриотизм; فَقَدَ ~ хушни йўқотмоқ; غَابَ عَنِ الـ~ ёки فَقَدَ الـ~ الْوَاقِعِ ҳақиқат туйғусини йўқотмоқ; 4) туйғу, сезги, ҳиссиётлилик; عَدِيمُ الـ~ сезгисиз, туйғусиз, ҳиссиз; ◊ أُمُّ الـ~ бот. мажнунтол

– شُعُورِيٌّ 1) туйғуга (ҳушга) оид; онгли; لَا ~ а) онгсиз; б) ғайришууриййликка оид; 2) ҳиссиётли, таъсирланувчи

– شُعُورِيَّةٌ ҳиссиётлилик, таъсирчанлик

– شَعِيرٌ жам. арпа; لُؤْلُوِيٌّ ~ арпа ёрмаси; الْأَرُزُّ الـ~ шоли қипиғи; مُنَبَّتٌ ~ ёки الْبِيرَا ~ ёки مُحَمَّصٌ لِصُنْعِ الْبِيرَةِ ~ ундириб янчилган арпа ёки буғдой; بُلْبُلُ الـ~ зоол. деҳончумчуқ

– شَعِيرَةٌ[1] кўп. اتٌ — 1) бир дона арпа; 2) шунингдек: الْجَفْنِ ~ говмичча; 3) мушка, қоравул (*отиш қуролларидаги нишонга уриш мосламаси*)

– شَعِيرَةٌ[2] кўп. شَعَائِرُ маросим; دِينِيَّةٌ ~ диний маросим; شَعَائِرُ الْحَجِّ ҳаж маросими; إِقَامَةُ الشَّعَائِرِ маросимларнинг адо этилиши (бажарилиши)

– شُعَيْرَةٌ кўп. اتٌ — 1) қил (тук); 2) ип (*электр лампаси ичидаги*)

– شَعْرِيَّةٌ = شُعَيْرِيَّةٌ

– شُعْرُورٌ = شُوَيْعِرٌ

– مُشَاعَرَةٌ мушоара

– مَشْعَرٌ кўп. مَشَاعِرُ 1) ҳис, туйғу; تَلَقَّى هٰذَا الْخَبَرَ بِمَشَاعِرِ الْفَرَحِ وَالْاِبْتِهَاجِ у бу янгиликни катта хурсандлик ва шодлик билан қабул қилди; 2) (*ҳаж мавсумида бажариладиган*) маросим

– مَشْعُورٌ 1) сезиладиган, ҳис қилинадиган; 2) дарзли, дарз кетган (*идиш ҳақида*); 3) шунингдек: الْعَقْلِ ~ ақлдан озган, ақлига дарз кетган

شَعْشَعَ 1) ялтирамоқ, ялтилламоқ; 2) (*май, винога*) сув қўшмоқ, сув аралаштирмоқ

– شَعْشَعَةٌ 1) ялтираш; 2) (*май, винога*) сув қўшиш, сув аралаштириш; 3) енгил маст (кайф) бўлиш

– مُشَعْشَعٌ 1) сув қўшилган, сув аралаштирилган (*май, вино ҳақида*); 2) енгил маст (кайф) бўлган

I شَعَطَ (а) شَعْطٌ куйдирмоқ, пиширмоқ (*мас., гўштни*)

– شَعْطَةٌ жигилдон қайнаши

I شَعَفَ (а) شَعْفٌ (*к. ғадир*) муҳаббат қўйиган бўлмоқ (ب)

– شَعَفَةٌ кўп. شِعَافٌ، شُعُوفٌ чўққи, энг баланд жой, уч; الْجَبَلِ ~ тоғ чўққиси; الرَّأْسِ ~ (*бирор н. нинг*) учи, боши, энг тепаси (учи)

I شَعَلَ (а) شَعْلٌ ёқмоқ, ўт ёқмоқ; II شَعَّلَ ёқмоқ, алангалатмоқ, шуълалантирмоқ; IV أَشْعَلَ ёқмоқ, ёндирмоқ, алангалатмоқ, шуълалантирмоқ; كِبْرِيتَةً (سِيجَارَةً) ~ гугурт донасини (папиросни, сигаретани) илаштирмоқ, ёндирмоқ; النَّارَ ~ ўт ёқмоқ; النَّارَ ~ فِي ... (النِّيرَانَ) нимагадир ёқиб юбормоқ; ◊ نِيرَانَ الْحَرْبِ ~ уруш оловини ёқмоқ; نَارَ الْفِتْنَةِ ~ исён кўтармоқ; VIII اشْتَعَلَ алангаланмоқ, ёнмоқ; ◊ غَضَبًا ~ ғазаб билан ёнмоқ, ғазаб ўтида ёнмоқ; رَأْسُهُ شَيْبًا ~ сочи оқармоқ

– اشْتِعَالٌ ёниш, ёниб битиш; алангаланиш; قَابِلُ الـ~ аланга олувчи, ёнувчи

– إِشْعَالٌ ёқиш, ёндириш; النَّارِ فِي ... ~ (*бирор н. ни*) ёқиб юбориш

– أَشْعَلُ мн. شَعْلَاءُ кўп. شُعْلٌ 1) қизғиш кўзли, кўзи қизғиш; 2) пешонасида (энсасида ёки думида) оқ қашқаси (холи) бор (*от, каптар ҳақида*)

– شُعْلَةٌ кўп. شُعَلٌ 1) аланга; 2) сўхта ўтин, чала куюк; 3) машъала; 4) газ ўчоғининг горелкаси, конфоркаси

– مَشَاعِلِيٌّ кўп. مَشَاعِلِيَّةٌ 1) машъал кўтариб юрувчи; 2) жаллод

– مِشْعَالٌ кўп. مَشَاعِيلُ машъала, машъал

– مَشْعَلٌ، مَشْعَلَةٌ кўп. مَشَاعِلُ машъал, машъала; чироқ

– مُشْعَلٌ 1. ўт (олов) ёқадиган; 2. ўт (олов) ёқувчи; مُشْعِلُو نِيرَانِ الْحَرْبِ уруш оловини ёқувчилар

– شَعْلَلَةٌ кўп. شَعَالِيلُ، شَعْلِيلَاتٌ гулхан

– شَعْلَلَةٌ = شُعَيْلَةٌ، شَعْلِيلَةٌ

شَعْلَقَ осмоқ, осиб қўймоқ; تَشَعْلَقَ чиқмоқ, чиқиб олмоқ; осилмоқ, осилиб турмоқ

شَعْنُونٌ кўп. شَعَانِينُ енгилтабиат; ақли пастроқ, нодонамо

– شَعْنِينَةٌ кўп. شَعَانِينُ хурмо шохи (новдаси); ◊ عِيدُ الشَّعَانِينِ ёки أَحَدُ الشَّعَانِينِ дин. христианларда пасхадан бир ҳафта олдинги якшанба куни ўтказиладиган байрам маросими (*самбиттол ҳафтаси ҳам дейилади*)

شَعْوَاءُ қатъиятли, ғазабнок; қирғин келтирувчи, ҳирғинли; حَرْبٌ ~ ҳонли (қирғин) уруш; حَمْلَةٌ ~ ғазабнок ҳамла (ҳужум); غَارَةٌ ~ қирғин келтирувчи ҳужум, ғоратли босқин

شَعْوَذَ шуъбадабоз қилмоқ, фокус кўрсатмоқ, кўзбўямачилик қилмоқ; жонглёрлик қилмоқ

– شَعْوَذَةٌ 1) шуъбадабозлик, фокусчилик; жонглёрлик қилиш; 2) алдамчилик, лўттибозлик

– مُشَعْوِذٌ 1) шуъбадабозлик, фокусчи; жонглёр; 2) алдамчи, лўттибоз

شَعْوَطَ = شَعَطَ

I شَغَبَ (а) شَغْبٌ 1) ғалаён уруғини сепмоқ, аччиқлантирмоқ; 2) шовқин кўтармоқ, бақирмоқ, қичқирмоқ; III شَاغَبَ ғалаён уруғини сепмоқ, норозилик келтириб чиқармоқ; (*к. ғадир қарши*) исён кўтармоқ (عَلَى)

– شَغَّابٌ ғалаён (жанжал) чиқарувчи одам; исёнчи

– شَغْبٌ ғалаён; 2) шовқин, шовқин-сурон; бетартиблик; муштлашув; أَحْدَثَ ~ًا шовқин-сурон кўтармоқ

– شَغُوبٌ ғалаён (жанжал) чиқарувчи одам; жанжалчи

– شَغَّابٌ = مُشَاغِبٌ

– مُشَاغَبَةٌ 1) ғалаён; уруш-жанжал; 2) тартибсизлик; 3) обструкция (*шовқин-сурон кўтариб онгли равишда атайлаб бирор тадбирни бузишга ёки тўхтатишга мўлжалланган ҳаракат*)

شَغْتٌ паст навли гўшт

I شَغَرَ (у) شُغُورٌ бўш (банд қилинмаган, вакант) бўлмоқ (*лавозим ҳақида*) شَغِرَ (а) شَغَرٌ бўш (холи) бўлмоқ, ҳеч ким йўқ бўлмоқ

– شَاغِرٌ 1. бўш, банд қилинмаган, вакант; وَظِيفَةٌ ~ةٌ бўш (вакант) лавозим; 2. *кўп.* شَوَاغِرُ бўш ўрин, бўш лавозим

– شَاغُورٌ *кўп.* شَوَاغِيرُ поғонали шаршара, шаршара, шалола

– شِغَارٌ *жоҳилият давридаги никоҳнинг бир тури*

– شُغُورٌ бўш ўрин, вакансия

شَغْرَبَ оёқдан чалмоқ

– شَغْرَبَةٌ (*к. нингдир*) оёғини оёқ билан чалиш

– شَغْرَبِيَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ оёқдан чалиш

شَغْزَبَ = شَغْرَبَ

I (شغف) شَغَفَ (а) شَغْفٌ эҳтирос билан севмоқ, (*бирор н. га*) қизиқмоқ (ب); شُغِفَ بِهِ *мажҳ.* кимнидир эҳтирос билан севган бўлмоқ; شَغَفَ (а) شَغْفٌ эгаллаб олмоқ, бутунлай ўраб олмоқ (*севги ҳақида*) جَمَالُهَا كَثِيرِينَ حُبًّا ~ у қизнинг жамоли ҳаммани асир қилган эди; ~ـهُ حُبُّ التَّعَلُّمِ ўқишга бўлган муҳаббат уни эгаллаб (ўраб) олди; VII اِنْشَغَفَ (*к. гадир*) ошиқ бўлмоқ, (*н. гадир*) қизиқмоқ

– شَغَافٌ *анат.* юрак олдидаги халта, перикард; ◊ ~ (مَسَّ) لَمَسَ الأَفْئِدَةَ юракларни эгалламоқ (забт қилмоқ) (*нутқ, сўз ва б. лар ҳақида*)

– شُغَافٌ перикардит (*юрак касаллиги*)

– شَغَفٌ 1) ишқ, муҳаббат, эҳтирос, кучли қизиқиш; 2) *анат.* перикард, юрак олдидаги халта; ~ُ الجَوِّ ҳаво қобиғи.

– شَغُوفٌ (*к. нидир, н. нидир*) севадиган,, (*к. биландир, н. биландир*) қизиққан (ب); بِالحُرِّيَّةِ ~ эрксевар

– مَشْغُوفٌ (*к. гадир, н. гадир*) эҳтиросли муҳаббат қўйган; (*к. биландир, н. биландир*) қизиққан (ب)

I شَغَلَ (а) شَغْلٌ, شُغْلٌ 1) эгалламоқ (*бинони, жойни, лавозимни*); 2) (*қандайдир*) ишни (машғулотни) топширмоқ (*бермоқ*); (*бирор иш билан*) банд қилмоқ; نَفْسَهُ ~ ўзини (*бирор н. билан*) банд қилмоқ (ب); 3) безовта қилмоқ; البَالَ ~ ақлни (фикрни) банд (безовта) қилмоқ (эгалламоқ); بَالَ الرَّأْيِ العَامِّ ~ омма фикрини эгалламоқ (банд қилмоқ); 4) (*н. дандир*) четга тортмоқ (عَنْ); (*н. гадир н. биландир*) халақит бермоқ, тўсқинлик қилмоқ (بِ, عَنْ); II شَغَّلَ (*н. нингдир*) устида ишлатишга жалб қилмоқ (ب); (*қандайдир*) иш (машғулот) бермоқ; ишга жойлаб қўймоқ; 2) ишга солмоқ (*мас., фабрикани*), ҳаракатга келтирмоқ (*мас., машинани*); 3) (*н. гадир, мас., маблағни*) ишлатмоқ, солмоқ (فِي); 4) фойдаланмоқ, эксплуатация қилмоқ (*мас., машинани*); 5) қайта ишламоқ; ~ الخَشَبَ ёғочни қайта ишламоқ; III شَاغَلَ вазифа бермоқ, банд қилмоқ, (*гўдакни н. биландир*) банд қилиб ўйнатиб турмоқ (ب); IV أَشْغَلَ 1) (*жойни*) эгалламоқ, 2) (*қандайдир*) иш (машғулот) топширмоқ; 3) (*н. дандир*) четга тортмоқ (عَنْ); VI تَشَاغَلَ 1) (*н. биландир*) машғул бўлмоқ (ب); (*н. дандир*) фикри бошқа нарсага тортилмоқ (عَنْ); 2) ўзини (*н. биландир*) машғул бўлгандай қилиб кўрсатмоқ (ب); (*н. дир*) қилаётгандай этиб кўрсатмоқ (ب); VII اِنْشَغَلَ 1) (*бирор н. билан*) машғул бўлмоқ, шуғулланмоқ (ب); 2) (*н. биландир, н. дандир*) фикрни четга тортган бўлмоқ (عَنْ, ب); 3) (*н. дандир*) четланиб, (*н. биландир*) банд бўлмоқ (بِ, عَنْ); VIII اِشْتَغَلَ 1) банд бўлмоқ; (*н. биландир*) машғул бўлмоқ 2) ишлаётган, ҳаракатланаётган бўлмоқ (*машина ҳақида*); 3) (*н. дандир*) фикрни четлатиб, (*н. биландир*) банд бўлмоқ (بِ, عَنْ); ◊ قَلْبُهُ ~ ташвишланмоқ

– اِشْتِغَالٌ 1) бандлик, машғуллик; 2) (*машина*) иши, ҳаракати; الـــ~ الذَّاتِيُّ автоматика; 3) *грам.* содда гапнинг махсус тури, иштиғол; *мас.*, الابْنُ يُحِبُّهَا الأُمُّ ўғил онани севади; أَحْمَدُ كِتَابُهُ Аҳмаднинг китоби

– إِشْغَالٌ 1) ишғол қилиш, оккупация; 2) (*бирор ишни ёки машғулотни*) топшириш

– أُشْغُولَةٌ *кўп.* أَشَاغِيلُ иш, машғулот

– اِنْشِغَالٌ бандлик, машғуллик; البَالِ ~ ташвиш; жонсараклик

– تَشْغِيلٌ 1) иш, машғулот билан таъминлаш; (*ишга*) мажбур қилиш; الـــ~ مَعَ الحَبْسُ мажбурий меҳнатли қамоққа олиш; 2) ишга тушириш; الوَرْشَاتِ الجَدِيدَةِ ~ янги цехларни ишга тушириш

– شَاغِلٌ 1. шуғулланаётган; الـــ~ الشُّغْلُ асосий (муҳим) ташвиш (иш); هُوَ فِي شُغْلٍ ~ у жуда банд; 2. *кўп.* شَوَاغِلُ иш, машғулот, муаммо, масала; شَوَاغِلُ الحَيَاةِ ҳаётий масалалар (*муаммолар, ташвишлар*); شَغْلِي ~ мени энг кўп ташвишлантирган нарса ...

– شَاغُولٌ *ден.* елкан арқони (арғамчиси)

– شَغَّالٌ 1. кўп машғул бўлувчи, жуда банд; ҳаракатчан, ғайратли; النَّحْلُ الـ ~ ـة ишчи асаларилар; 2. кўп. شَغَّالَةٌ، شَغَّالُونَ ишчи

– شُغْلٌ، شَغْلٌ кўп. أَشْغَالٌ машғулот, иш; أَشْغَالٌ يَدَوِيَّةٌ қўлҳунар; وِزَارَةُ الْأَشْغَالِ الْعَامَّةِ ижтимоий ишлар вазирлиги; الـ ~ الشَّاغِلُ қар. شَاغِلٌ؛ أَشْغَالٌ شَاقَّةٌ каторга ишлари, қийин (оғир) ишлар; كَانَ فِي ~ ب … бирор нарса билан машғул бўлмоқ; الْزَمْ ~كَ! бошқанинг ишига аралашма! (бурнингни, тумшуғингни тиқма)

– شُغْلَانَةٌ иш, машғулот

– شُغْلَةٌ кўп. — اتٌ иш, машғулот

– شَغُولٌ меҳнатсевар

– شُغَيِّلٌ кўп. شُغَيِّلَةٌ ишчи, меҳнаткаш, ходим, хизматчи, хизматхор

– مَشْغَلٌ кўп. مَشَاغِلُ 1) иш, машғулот; 2) ишхона, корхона; цех; ~ مِيكَانِيكِيٌّ механика цехи; ~ السَّبَّاكَةِ қуюв цехи; أَفْرَانُ مَرْتَانَ мартен цехи;

– مَشْغَلَةٌ кўп. مَشَاغِلُ иш, машғулот

– مَشْغُولٌ 1) машғул, банд, шуғулланаётган; ~ لِحَدِّ الرَّأْسِ бўғзигача ишга ботган, иши бошидан ошиб ётган; ~ الْبَالِ (النَّفْسِ) (бирор н. билан) банд бўлган, ташвишланган; ташвиш чекаётган; 2) болғаланган; حَدِيدٌ ~ болғаланган темир; прокат

– مَشْغُولَاتٌ кўп. мол, ясалган нарса, буюм

– مَشْغُولِيَّةٌ машғуллик, бандлик; 2) ташвишлилик; жонсараклик

I (شغو) شَغَا (у) شَغْوٌ ва شَغِيَ (а) شَغًا: ~تْ سِنُّهُ бир тиши бошқа тишларига қараганда ўсиб кетмоқ; IV أَشْغَى : ~ فِي أَمْرِهِ унинг масаласида ихтилоф пайдо бўлди

– أَشْغَى мн. شَغْوَاءُ ёки شَغْيَاءُ кўп. شُغْوٌ бир тиши бошқаларидан ўсиб кетган (одам)

I شَفَّ (а/и) شُفُوفٌ 1) юпқа (шаффоф) бўлмоқ; ёруғлик ўтказмоқ; 2) (н. нингдир орасидан) кўрмоқ, кўринмоқ (عَنْ); 3) кўрсатмоқ, намоён қилмоқ; شَفَّ (у) شَفٌّ ориқлатмоқ, нимжон қилмоқ; ~ـهُ الْهَمُّ ғам уни беҳол қилди, ғам уни эгиб қўйди; II شَفَّفَ юпқа (шаффоф) қилмоқ; VIII اشْتَفَّ: ~ الْإِنَاءَ охиригача (ҳеч қолдирмай) ичмоқ; X اسْتَشَفَّ 1) (н. нингдир орасидан) кўрмоқ; 2) (сирни) билиб олмоқ, олдиндан билмоқ (кўрмоқ)

– اسْتِشْفَافٌ 1) (бирор н. орасидан) кўриш; 2) (сирни) билиб олиш; олдиндан кўриш; зийраклик

– اشْتِفَافٌ идишнинг тагигача (охиригача) ичиш, симириш, сипқариш

– شَفٌّ، شِفٌّ кўп. شُفُوفٌ шаффоф мато; газ

– شَفَّافٌ 1. шаффоф, нур ўтказувчи; юпқа; ~ شِبْهُ ярим шаффоф; 2. шунингдек. وَرَقٌ ~ шаффоф қоғоз, калька

– شُفَافَةٌ қолдиқ (ичимликники)

– شَفَّافِيَّةٌ шаффофлик; нафислик, тўрсимонлик

– شَفَايِفُ кўп, халқ. лаблар (қар. شَفَةٌ); قَلَمُ الـ ~ лаб бўёғи

– شُفُوفٌ، شَفَفٌ шаффофлик, юпқалик

– شُفُوفَةٌ вуал (аёллар юзига ёпиб юришадиган тўр парда)

– شَفِيفٌ шаффоф, нур ўтказувчи; тўрсимон

شُفْتٌ кўп. شُفُوتٌ 1) қисқич; 2) пинцет (тиббиётдаги қисқич)

شَفْتَرَ лабларни чўччайтирмоқ; (н. гадир) лаб чўччайтирмоқ, хафа бўлмоқ

– شُفْتُورَةٌ кўп. شَفَاتِيرُ (пастки) қалин лаб

– مُشَفْتَرٌ лаблари қалин, қалин лабли

شُفْتَشِيٌّ заргарлик (нозик ишланган) буюмлар

I شَفَرَ (и) شَفْرٌ сўкмоқ, танбеҳ (дакки) бермоқ

– شُفْرٌ، شَفْرٌ кўп. أَشْفَارٌ 1) чегара, охир; чек, чекка, борт; ~ الْعَيْنِ қовоқнинг ички четлари; 2) анат. аёл аврати лаблари

– شُفْرَةٌ=شُفْرٌ

– شَفْرَةٌ кўп. شَفَرَاتٌ، شِفَارٌ 1) тиғ, дам; 2) ханжар; катта пичоқ

– شِفْرَةٌ шифр (яширин ёзув); مِفْتَاحُ الـ ~ шифр калити (очқичи); بَرْقِيَّةُ الـ ~ шифрли телеграмма; خَبَرُ الـ ~ шифрланган ахборот

– شِفْرِيٌّ шифрланган

– شَفِيرٌ кўп. أَشْفَارٌ (бирор н. нинг) чети, охири; чекка; ~ الْجَفْنِ (кўз) қовоқлари чети; عَلَى ~ حَرْبٍ مُدَمِّرَةٍ вайронгарчилик келтирувчи уруш арафасида; وَقَفَ عَلَى ~ الْهَاوِيَةِ жарлик ёқасида турмоқ

– مِشْفَرٌ кўп. مَشَافِرُ лаб (ҳайвондаги)

شَفْشَفَ қуритмоқ, қоқлаб қўймоқ (касал, иссиқлик ва б. ҳақида); ~ الضَّرْعَ сут соғмоқ

– شَفْشَفَةٌ қурутиш, қоқ қилиб қўйиш

شَفْشَقٌ кўп. شَفَاشِقُ графин

I شَفَطَ (и) شَفْطٌ сўрмоқ, эммоқ; ичга тортмоқ; сўриб олмоқ; (н. нингдир ичидан) сўриб олмоқ (مِنْ); II شَفَّطَ = I; VII انْشَفَطَ сўрилмоқ

– شَفَّاطَةٌ кўп. — اتٌ сифон; ~ الْغُبَارِ чангютгич, пилесос

– شَفْطَةٌ кўп. — اتٌ сўриш, эмиш; кичик ҳўплам; ~ شَرِبَ الْقَهْوَةَ қаҳвани кичик ҳўплам билан ичмоқ, қаҳвани сўриб ичмоқ

I (شفع) شَفَعَ[1] (а) شَفَاعَةٌ 1) (к. нидир) ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ (لِـ); 2) юр. бошқаларга нисбатан имтиёзи бўлгани ҳолда сотиб олмоқ; شَفَعَ[2] (а) شَفْعٌ 1) (н. билан дир) кузатиб бормоқ (بِ); 2) жуфтламоқ, жуфт қилмоқ; كَانَ وِتْرًا فَـ ~ ـهُ زَيْدٌ тоқ эди, уни Зайд жуфт қилди; II شَفَّعَ шафоат қилмоқ, қўлламоқ; V تَشَفَّعَ (к. учундир) сўрамоқ, илтимос қилмоқ, ҳаракат қилмоқ (لِـ); X اِسْتَشْفَعَ 1)

кимнингдир тарафини олмоқ (لِـ); 2) шафоат сўрамоқ, раҳм-шафқат (ҳимоя) сўрамоқ

– شَافِعٌ 1) шафе, ҳомий, ҳимоя қилувчи, ўртада турувчи; 2) совлиғ қўзичоғи билан

– شَافِعَةٌ ҳомий оѐл, ҳимоя қилувчи аёл; ◊ لاَ تَشْفَعُ بِهِمْ ~ уларга энди ҳеч нарса ёрдам қилолмайди

– شَافِعِيٌّ кўп. شَافِعِيَّةٌ дин. 1. шофиийликка оид; 2. шофиий (*имом Шофиий мазҳабига мансуб киши*)

– شَفَاعَةٌ шафоат, ҳимоя қилиш; далолат қилиш

– شَفْعٌ кўп. أَشْفَاعٌ жўра; жуфт, жуфт сон

– شَفَعٌ мед. диплопия (*бир нарсани иккита қилиб кўрсатадиган кўз касаллиги*)

– شُفْعَةٌ *шунингдек*: حَقُّ الـ~ юр. сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи

– شَفْعِيٌّ жуфтга оид; жуфт (*сон*)

– شَفِيعٌ кўп. شُفَعَاءُ ҳомий, тарафдор; ҳимоячи, шафиъ, воситачи

I شَفِقَ (а) شَفَقٌ (*к. гадир*) ҳамдард бўлмоқ, (*к. гадир*) раҳм (шафқат) қилмоқ (عَلَى); IV أَشْفَقَ (*к. гадир*) раҳм (шафқат) қилмоқ, ҳамдард бўлмоқ (عَلَى); (*к. гадир*) ҳамдардлик билдирмоқ (عَلَى); 2) (*к. учундир*) хатарнок бўлмоқ (عَلَى); (*к. дандир, н. дандир*) қўрқмоқ, (*бирор н. олдида*) қўрқувда турмоқ, қўрқув босмоқ (مِنْ)

– إِشْفَاقٌ 1) раҳм, шафқат, шафқат кўрсатиш; 2) хавф-хатар

– شَفَقٌ 1) ғира-шира пайт; 2) шафақ (*кечкиси*); ◊ الـ~ الْقُطْبِيُّ қутб (шимол) ёғдуси; الـ~ الْجَنُوبِيُّ жануб ёғдуси (الشَّمَالِيُّ)

– شَفَقَةٌ ачиниш, раҳм-шафқат (*қилиш*); раҳмдиллик; عَدِيمُ الـ~ шафқатсиз; أَخَذَتْهُ الـ~ عَلَيْهَا унга (*мн.*) унинг раҳми келди

– شَفِيقٌ، شَفُوقٌ шафиқ, шафқатли, раҳмдил

I شَفَنَ (и) شُفُونٌ кўз қири билан қарамоқ, ер остидан қарамоқ

شَفْنِينٌ кўп. شَفَانِينُ зоол. 1) *шунингдек*: بَحْرِيٌّ ~ скат (*думи ингичка, япалоқ денгиз балиғи*); 2) мусича

(شفه) III شَافَهَ (*к. биландир*) суҳбатлашмоқ, гаплашмоқ (*туш.к.*)

– شِفَاهٌ сўзлашув, гаплашув, суҳбат; ~اً оғзаки, сўз билан

– شِفَاهِيٌّ оғзаки, сўзга оид; ~اً оғзаки, сўз билан, сўзда

– شَفَةٌ кўп. شِفَاهٌ، شَفَوَاتٌ، شَفَهَاتٌ халқ. شَفَايِفُ 1) лаб; 2) чет, чегара, охир, милк, қирғоқ; ◊ بِنْتُ الـ~ сўз; الثَّوْرِ ~ бот. наврўзгул; مَاءُ الـ~ ичимлик суви; هٰذَا عَلَى كُلِّ ~ бу ҳамманинг оғзида (гап-сўз бўлиб кетган)

– شَفَوِيٌّ، شَفَهِيٌّ 1) оғзаки, сўзга оид; ~اً оғзаки, сўз билан, сўзда; 2) оғзаки (*мас., нота*); 3) лабланган; الْحُرُوفُ الـ~ـةُ фон. лабланган ундошлар

– مُشَافَهَةٌ оғзаки нутқ, суҳбат, гаплашиш; ~ оғзаки, сўз билан

(شفو) IV أَشْفَى 1) (*бирор н. нинг*) четида (*охирида*) бўлмоқ, (*н. гадир*) яқин бўлмоқ (عَلَى); عَلَى الْغَرَقِ ~ у чўкиб кетай деди, унинг чўкиб кетишига (ғарқ бўлишига) озгина қолди; عَلَى الْيَأْسِ ~ умидсизликка (чорасизликка) етиб келмоқ, чорасиз аҳволга тушиб қолмоқ 2) (*к. нидир н. нингдир*) охирига келтирмоқ (олиб келмоқ, етказмоқ) (بِ، عَلَى); ~ـهُ عَلَى الْمَجَاعَةِ кимнидир очлик эълон қилишгача олиб келмоқ

– شَفًا кўп. أَشْفَاءُ чегара, охир; كَانَ عَلَى ~ الْمَوْتِ (الْكَارِثَةِ) ўлим ёқасида бўлмоқ, фалокат чегарасида бўлмоқ

I شَفَى (и) شِفَاءٌ 1) (*бирор н. билан*) шифоламоқ, даволамоқ, тузатмоқ; شَفَاهُ بِالْإِيحَاءِ кимнидир таъсир қилиб (таъсир, дуо билан) тузатмоқ; شَفَاهُ اللهُ! Оллоҳ шифо берсин!; 2) *мажҳ.* шифоланмоқ, даволанмоқ, тузалмоқ, ◊ غُلَّتَهُ (غَلِيلَهُ) ~ а) ўз истакларини қондирмоқ; б) ўч олиш истагини қондирмоқ; IV أَشْفَى бирор нимага яқинлашмоқ, бирор нимага яқин қолмоқ (عَلَى); الْمَرِيضُ عَلَى ~ الْمَوْتِ беморнинг ўлими яқинлашди; V تَشَفَّى 1) даволанмоқ; 2) қасд (ўч) олмоқ; (*н. дир қилгани учун*) энди ундан устун келмоқ, қасос олмоқ (مِنْ); (*к. гадир*) ғазабини тўкмоқ (مِنْ); VIII اشْتَفَى 1) (*бирор н. билан*) даволанмоқ, шифоланмоқ (بِ); 2) бировнинг бошига тушган ёмон кундан хурсанд бўлмоқ (шодланмоқ); 3) (*бирор н. дан*) қониқиш олмоқ, қониқмоқ (مِنْ) X اسْتَشْفَى даво (шифо) изламоқ; (*бирор н. билан*) даволанмоқ (بِ)

– اسْتِشْفَاءٌ саломатликни тиклаш, даволаниш, шифо топиш; دَارُ الـ~ санаторий; آلاَتُ الـ~ даволаш асбоблари (аппаратураси); مَدِينَةُ الـ~ курорт шаҳари; مِيَاهُ الـ~ шифобахш сувлар

– إِشْفَى кўп. أَشَافٍ *алиф. б. қар.*

– تَشَفٍّ бировнинг бахтсизлигидан хурсандлик; فِي ~ бахтсизликдан хурсанд бўлиб

– شَافٍ мн. شَافِيَةٌ 1. 1) шифоли, шифобахш хусусиятга эга бўлган, шифобахш; 2) ишончли, ишонтирадиган; 3) узил-кесил; 2. шифо берувчи, даволовчи; هُوَ اللهُ الشَّافِي дин. Оллоҳ унга шифо берувчидир

– شِفَاءٌ[1] даволаниб кетиш, тузалиш; قَابِلُ الـ~ даволанадиган, даволаса бўладиган; هٰذِهِ الْإِصَابَةُ لاَ تَقْبَلُ الـ~ бу дард бедаводир, бу дардни даволаб бўлмайди

– شِفَاءٌ[2] кўп. أَشْفِيَةٌ дори, дори-дармон

– شِفَائِيٌّ шифобахш

– شِفَاخَانَةٌ кўп. ~اتٌ — ветеринария шифохонаси

– مُسْتَشْفًى кўп. مُسْتَشْفَيَاتٌ шифохона, касалхона; госпитал; ~ الرَّمَدِ кўз шифохонаси; الـ~ الْعَسْكَرِيُّ ҳарбий госпитал; ~ الْأَمْرَاضِ الْعَقْلِيَّةِ ёки الْمَجَاذِيبِ ақлдан озганлар уйи, жиннихона; ~ الْمَيْدَانِ дала госпитали

– مَشْفًى *кўп.* مَشَافٍ шифохона, госпитал, касалхона

شَقَّ I (а/у) شَقٌّ синдирмоқ, кесмоқ; (*тешик*) очмоқ, бузмоқ; узмоқ, узиб ташламоқ; ~ الْأَرْضَ ер ҳайдамоқ; ~ التُّرْعَةَ канал қазимоқ; ~ الْحَنَاجِرَ (*бирор н. билан*) томоқ йиртмоқ, бақирмоқ (بِ); ~ السُّكُونَ сукунатни (жимликни) бузмоқ; ~ الشَّوَارِعَ кўчалар ўтказмоқ (чиқармоқ); ~ طَرِيقًا йўл ўтказмоқ (чиқармоқ); ~ الْمَنْجَمَ конни қазимоқ; ~ بِهِ نِصْفَيْنِ бирор нарсани иккига бўлмоқ; ~ ثَوْبَهُ حَسْرَةً ... عَلَى ...нинг ғамида ўз кийимларини йиртмоқ; ~ صُفُوفَ الْعُمَّالِ ишчилар сафини бузмоқ; ~ عَنَانَ السَّمَاءِ ҳавони титратмоқ (*бақириқ ҳақида*); 2) чиқмоқ (*тиш ҳақида*); ердан униб чиқмоқ (*ўсимлик ҳақида*); ~ النَّهَارُ тонг отди, кун ёйилди; 3) (*н. учундир*) оғир (қийин, машаққатли) бўлмоқ (عَلَى); 4) (*к. нингдир*) олдига кирмоқ, (*к. нидир*) зиёрат қилмоқ, кўриб келмоқ (عَلَى); ◊ لَا يُشَقُّ لَهُ غُبَارٌ *мажх.* (*н. дадир*) унинг тенги йўқ, унга етиб бўлмайди; ... فِي ... ~ عَصَا الطَّاعَةِ (*к. гадир қарши*) исён қилмоқ (عَلَى); (*к. гадир*) итоат қилишдан (бўйсунишдан) тўхтамоқ (على); ~ عَصَا الْقَبِيلَةِ қабила орасида душманлик уруғини сепмоқ; II شَقَّقَ 1) парчаламоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; 2) аниқ талаффуз қилмоқ; III شَاقَّ қаршилик қилмоқ, қарши бўлмоқ, қарши чиқмоқ; V تَشَقَّقَ синмоқ, дарз кетмоқ; дарзли (дарз кетган, ёрилган, ёриқ) бўлмоқ (*ёғоч, дарахт, ҳода ҳақида*); синмоқ (*мас., стакан ҳақида*) VII انْشَقَّ 1) синмоқ, синиб кетмоқ; ёрилмоқ; узилмоқ, узилиб кетмоқ; ~تِ الْأَرْضُ ер ёрилди; 2) (*н. дандир*) ажралмоқ, бўлинмоқ (عَنْ); ◊ ~ النَّهَارُ тонг отди, кун бошланди; VIII اشْتَقَّ 1) (*н. дандир*) ишламоқ, ясамоқ, пайдо қилмоқ (مِنْ); 2) (*н. дандир*) келиб чиқмоқ (مِنْ); 3) ўзига (*йўл*) очмоқ; ~ طَرِيقًا جَدِيدًا فِي الْبَحْثِ тадқиқот соҳасида янги йўллардан бормоқ

– اشْتِقَاقٌ 1) (сўз) ясаш, яратиш; 2) келиб чиқиш; *грам.* этимология; сўз ясаш, сўз яратиш

– اشْتِقَاقَاتٌ *кўп. грам.* ясама сўзлар

– انْشِقَاقٌ бўлиниш; рози бўлмаслик, оранинг бузилиши, узилиш

– انْشِقَاقِيٌّ 1. бузғунчиликка оид; عَمَلِيَّاتٌ ~ـةٌ бузғунчилик ҳаракатлари; 2. бузғунчи

– تَشَقُّقَاتٌ ёриқлар, дарзлар

– شَاقٌّ қийин; машаққатли; чарчатадиган, оғир; أَشْغَالٌ ~ـةٌ оғир (каторгадагидек) ишлар, қийин (машаққатли) меҳнат

– شَقٌّ 1 синиш, кесилиш; узилиш; الـ~ُ الْقَيْصَرِيُّ *мед.* кесар жарроҳлиги (*ҳомиладор аёллар жарроҳлиги*); ~ الذَّرَّةِ атом бўлиниши; بِـ~ِّ الْأَنْفُسِ (النَّفْسِ) қаттиқ машаққат билан, қийинчилик билан

– شَقٌّ 2 *кўп.* شُقُوقٌ 1) дарз, ёриқ; тешик, ковак; 2) (*бирор н. нинг*) ярми; қисм

– شِقٌّ 1) ярим, бир томон; 2) ўхшаш; ◊ بَيْنَ ~َّيِ الرَّحَى қор билан ёмғир ўртасида, болғи билан сандон ўртасида (орасида); 3) тоғнинг бир томони; 4) = مَشَقَّةٌ

– شُقَاقٌ уй ҳайвонларида учрайдиган касаллик

– شِقَاقٌ бузғун, ўзаро ёвлик; بَثَّ (أَحْدَثَ) الـ~َ بَيْنَ ... ...нинг ўртасига ёвлик (бузғунчилик) уруғини сепмоқ

– شُقَّةٌ *кўп.* شُقَقٌ квартира, хона; ~ مَفْرُوشَةٌ мебеллар билан жиҳозланган (мебеллаштирилган) квартира (хона)

– شُقَّةٌ *кўп.* شُقَقٌ узоқ ва машаққатли йўл; ~ بَعِيدَةٌ жуда узоқ масофа; بُعْدُ الـ~ِ а) узоқлик, жуда узоқ масофа; б) катта фарқ

– شِقَّةٌ *кўп.* شِقَقٌ 1) узилиш; дарз, ёриқ; مَا أَشَدَّ ~َ الْخُلْفِ بَيْنَنَا وَ بَيْنَكُمْ! орамиздаги қарама-қаршилик қанчалик катта-я!; وَسَّعَ (ضَيَّقَ) ~َ الْخِلَافِ بَيْنَ ... ...лар ўртасидаги ихтилофни чуқурлаштирмоқ (*пасайтирмоқ*); 2) қисм, бўлак; 3) участка, бўлим; ~ مِنَ الْأَرْضِ ер участкаси; ~ الْحَرَامِ таъқиқланган зона, участка; ~ سَاعِيَّةٌ *астр.* соат пояси; 4) квартира, хона; 5) машаққат, қийинчилик

– شَقِيقٌ *кўп.* أَشِقَّاءُ 1) (*бирор н. нинг*) ярми; 2) туғишган ини; 3) *бот.* анемон (*айиқтовонлилар оиласига мансуб ўт, алаф*); الـ~ُ الْأَصْفَرُ айиқтовон (*заҳарли ўт, алаф*)

– شَقِيقَةٌ 1 *кўп.* شَقَائِقُ туғишган сингил; الْأَحْزَابُ الـ~ُ қардош партиялар; الْبِلَادُ (الْأَقْطَارُ) الـ~ُ қардош мамлакатлар; ◊ شَقَائِقُ النُّعْمَانِ *бот.* а) айиқтовонлар (*ўт*); б) саллагул, пионгул

– شَقِيقَةٌ 2 *кўп.* شَقَائِقُ қаттиқ бош оғриғи, мигрен

– مُتَشَقِّقٌ ёриладиган, бўлинадиган; дарзли, дарз кетган; ~ُ الْحَلْقِ овози бўғилган

– مُشْتَقٌّ ясалган, ҳосил бўлган

– مَشَقَّةٌ *кўп.* ـاتٌ، مَشَاقُّ машаққат, қийинчилик; меҳнат, оғирлик; تَحَمَّلَ (كَلَّفَ نَفْسَهُ) ~َ الذَّهَابِ إِلَى ... қаергадир бориш машаққатини ўз устига олмоқ

– مَشْقُوقٌ дарзи бор, ёриғи бор, дарзли

شَقَحَ II شَقَّحَ гулламоқ, гуркирамоқ; IV أَشْقَحَ 1) =II; ~ النَّخْلُ хурмо гуллади; 2) узоқлаштирмоқ, четлаштирмоқ, олиб ташламоқ

شَقْدَفَ бирин-кетин улоқтириб ташламоқ, улоқтирмоқ

– شُقْدُفٌ *кўп.* شَقَادِفُ замбил; شَقَادِفُ الْجِمَالِ туя устига ўрнатилган тахтиравон

– شَقْدَفَةٌ бирин-кетин улоқтириш

شَقِرَ I (у) شُقْرَةٌ ёки شَقَرٌ (а) شَقُرَ оқ-малла (малла) бўлмоқ; оқ-малла сочли (сариқ сочли) бўлмоқ; II شَقَّرَ (*к. никигадир*) келмоқ, зиёрат қилмоқ, кирмоқ (عَلَى); IX اشْقَرَّ оқ-малла (сариқ сочли) бўлмоқ

– أَشْقَرُ *мн.* شَقْرَاءُ *кўп.* شُقْرٌ 1. оқ-малла; малла; сариқ; 2. оқ-малла соч

– شُقَّارٌ *бот.* пўфанак, қарғатуёқ (*ёввойи гул*), айиқтовоқ; ~ البَحْرِ *зоол.* актиния (*денгиз жонивори*)

– شُقْرَةٌ, شَقَرٌ сочнинг очиқ, оқиш ранги (туси)

شَقْرَقَ хушчақчақ бўлмоқ, хурсандчилик қилмоқ

– شِقِرَّاقٌ, شِقْرَاقٌ *зоол.* яшил қизилиштон

– شَقْرَقَةٌ хурсандлик (шодлик, шодонлик, хушчақчақлик) билан вақт ўтказиш

شَقْشَقَ 1) чириқламоқ, чийилламоқ, сайрамоқ (*қушлар ҳақида*); 2) бўкирмоқ (*туя ҳақида*); 3) чирилламоқ (*қўнғиз ҳақида*) 4) жаврамоқ, бақир-бақир қилиб гапирмоқ; 5) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, кириб келмоқ (*ёруғлик ҳақида*)

– شَقْشَقَةٌ 1) серганлик, мағзавалик, эзмалик; 2) сафсата, бекорчи гап, сафсата сотиш; ◊ ~ النَّهَارِ тонг

– شِقْشِقَةٌ *кўп.* شَقَاشِقُ танглай тўсиғи (*туяларда*) ◊ هَدَرَتْ ـهُ ~ *мтл.* гап у чиройли (*ифодалар билан*) гапиради; هَدَرَتْ ثُمَّ قَرَّتْ ~ *мтл.* гап кўпу, умр оз; арзимаган нарсага шунча ғавғо

شُقْصٌ ернинг бир қисми, бир парча ер

I شَقَعَ (а) شَقْعٌ устма-уст қилмоқ (*мас., ғиштни*), бир-бирининг устига қалаштириб ташламоқ

شَقَفٌ *кўп.* شِقْفَةٌ, شُقْفَةٌ сопол буюмлар синиғи

– شَاقُوفٌ *кўп.* شَوَاقِيفُ болға, тўқмоқ, ёғоч тўқмоқ

– شُقَافَةٌ сопол синиқлари

I شَقَلَ (у) شَقْلٌ 1) тортмоқ (*тарозида тангани*); 2) шодуф билан қудуқдан сув олмоқ (*қар* شَادُوفٌ)

– شَاقِلٌ *тар.* сикл, сиқил, шиқил (*оғирлик ўлчови, шунингдек, қадимги Исроил давлатидаги кумуш танга*)

– شَاقُولٌ *кўп.* شَوَاقِيلُ шоқул; лот (*чуқурликни ўлчайдиган асбоб*)

– شَاقُولِيٌّ тиккаликка оид, тик, вертикал

– شَقْلٌ 1) тортиш (*тарозида*); 2) суғориш; ـهُ عَلَى قَدِّ بَقْلَةٍ ~ халқ *мтл.* у энг зарур ишни қилади холос (*сўзма-сўз:* у экинга яраша сув беради холос)

شَقْلَبَ тўнтармоқ, ағдармоқ, д ўмбалоқ ошмоқ; ағдариб ташламоқ; تَشَقْلَبَ тўнтарилмоқ, ағдарилмоқ, дўмбалоқ ошмоқ

– شَقْلَبَةٌ, شُقْلُبِيَّةٌ тўнтариш, ағдариш; дўмбалоқ ошиш

– مُشَقْلَبٌ тўнтарилган, ағдарилган; ◊ ~ بِالـ овғини осмондан келтириб, остун-устун, тескарисига

I شَقِيَ (а) شَقَاءٌ оғир, машаққатли аҳволда бўлмоқ, бахтсиз бўлмоқ; азоб чекмоқ, машаққат чекмоқ; IV أَشْقَى машаққатларга гирифтор қилмоқ; бахтсиз қилмоқ; VI تَشَاقَى ўзини эркин (*ҳеч нарсага бўйсунмайдиган қилиб*) тутмоқ

– شَاقٍ *мн.* شَاقِيَةٌ *кўп.* شُقَاةٌ бахтсиз, бадбахт, бахти қора, бечора

– شَقَاءٌ оғир (машаққатли) аҳвол, бахтсизлик, азоб (машаққат) чекиш; ~ العَيْشِ машаққатли (оғир) ҳаёт

– شَقَاوَةٌ 1) оғир (машаққатли) аҳвол; бечоралик, қашшоқлик, бало, офат, 2) ўзбилармонлик, бебошлик, шумтакалик; 3) босқинчилик, бандитизм

– شِقْوَةٌ бечоралик, машаққатли аҳвол; бахтсизлик

– شَقِيٌّ *кўп.* أَشْقِيَاءُ 1.1) бечора, бахтсиз, бахти қора; 2) уятсиз, номуссиз; 3) ўзбилармон, бебош, шумтака; 4) золим: разил, қабиҳ, жиноятчи, қароқчи, бандит

I شَكَّ (а/у) شَكٌّ 1) шак келтирмоқ, ишонмаслик; (*бирор н. га нисбатан*) шубҳада бўлмоқ (فِي); 2) (*игна билан*) санчмоқ (بِ); тешмоқ; тиқмоқ; ◊ ~ فِي السِّلَاحِ кучли қуролланган бўлмоқ; II شَكَّكَ 1) шубҳалантирмоқ, шубҳали қилмоқ; 2) насияга сотиб олмоқ (сотмоқ); 3) кўп марта санчмоқ, санчиб-санчиб олмоқ; V تَشَكَّكَ (*н. дадир*) шубҳаланмоқ (فِي); VII اِنْشَكَّ санчилган бўлмоқ

– شَاكٌّ шак келтирувчи, шубҳаланувчи; ◊ ~ فِي السِّلَاحِ ёки ~ السِّلَاحِ яхши қуролланган, тиш-тирноғигача қуролланган

– شَكٌّ *кўп.* شُكُوكٌ 1) шак, шубҳа; لَا ~ шубҳасиз, шаксиз, шак-шубҳасиз; بِلَا ~ ёки مِنْ دُونِ ~ ёки دُونَمَا ~ шаксиз, шубҳасиз; مَا ... أَنَّ فِي ~ مِنْ (لَيْسَ) шунга ҳеч шубҳа йўққи, ...; шу ҳеч шубҳасизки, ...; أَبْدَى ـهُ ~ فِي (بِ) ...га (...да) шубҳа билдирмоқ; ... زَرَعَ الشُّكُوكَ حَوْلَ ...га нисбатан шубҳа уруғини селмоқ; ~ الـ سَاوَرَهُ ...да у шубҳага тушиб қолди; 2) ишонмаслик, ишончсизлик; шубҳаланиш, шубҳага тушиш, ишончсизлик

– شَكٌّ катта (қайрилма) мих (*мас., темир йўлларни мустаҳкамлаш учун қоқиладиган*)

– شَكَّاكٌ 1) шубҳа остидаги, ишончсиз; 2) ҳар нарсага ишончсизлик билан қаровчи, скептик

– شُكُكٌ насияга (бериш), қарзга (бериш); الـ ~ يُفْلِسُ التَّاجِرَ الأَلْفِيَّ *мтл.* насияга савдо минг-минги бор савдогарни ҳам хароб қилади

– شَكَّةٌ *кўп.* ـاتٌ укол

– شَكَّاكٌ = شُكُوكٌ

– شَكِّيَّةٌ ҳар нарсага ишончсизлик билан қараш, спектицизм

– مُتَشَكِّكٌ шак келтирувчи, шубҳаланувчи; نَظَرَ إِلَى ... نَظْرَةَ ~ ...га шубҳа билан қарамоқ

– مَشْكُوكٌ فِيهِ ~ шубҳали, ишончсиз; مِنَ الـ ~ فِيهِ أَنَّ ... бўлиши шубҳали; فِي أَمْرِهِ ~ шубҳали, ишончсиз

I شَكَرَ (у) شُكْرٌ 1) шукр қилмоқ, раҳмат айтмоқ, миннатдорлик билдирмоқ; يُشْكَرُ عَلَيْهِ миннатдорлик билдиришга арзийдиган; 2) мақтамоқ; 3) (*к. дандир*) миннатдор бўлмоқ (لِـ); V تَشَكَّرَ (*н. учундир*) раҳмат айтмоқ, ташаккур билдирмоқ (عَلَى)

– شَاكِرٌ шукр қилувчи, раҳмат айтувчи, миннатдорлик билдирувчи

– شَاكِرِيٌّ *кўп.* شَاكِرِيَّةٌ мардикор

– شَاكِرِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ханжар

– شَكَارَةٌ *кўп.* شَكَائِرُ 1) раншер; 2) қоп, халта

– شُكَارَةٌ *кўп.* شَكَائِرُ шукрона совға (*миннатдорчилик белгиси сифатида қилинган*)

– شُكْرٌ *кўп.* شُكُورٌ 1) мақтов; 2) миннатдорчилик билдириш; ~ًا لَكَ! сиз (сен)га раҳмат!; сиз (сен) дан миннатдорман!; сиз (сен) га ташаккур!; ~ًا جَزِيلاً أَشْكُرُكَ сиз (сен)дан жуда миннатдорман!; لاَ ~ عَلَى الْوَاجِبِ! *ёки* لاَ يَسْتَحِقُّ الـ~ *ёки* لاَ دَاعِيَ لِلْـ~! арзимайди! (*раҳмат, ташаккур эшитганда айтилади*)

– شُكْرَانٌ *шунингдек* الْجَمِيلِ ~ миннатдорлик, миннатдорчилик

– شَكْرَى тўлган, тўлиб-тошган (*кўз ёшлари, молнинг елини ҳақида*)

– شَكُورٌ шукр айтган, ташаккур билдирган

– شُكُورٌ шукр айтиш, миннатдорлик

– مُتَشَكِّرٌ ташаккур билдирувчи; ташаккур!, раҳмат!

– مَشْكُورٌ ташаккурга сазовор, мақталадиган

I شَكِسَ (а) شَكَسٌ *ёки* شَكُسَ (у) شَكَاسَةٌ саркаш (қиликдор) бўлмоқ, бадфеъл бўлмоқ; жирттаки бўлмоқ; III شَاكَسَ ғашига тегмоқ; аччиғини чиқармоқ, пичинг қилмоқ, нозик жойига тегмоқ, тирноқ остидан кир қидирмоқ, майдакашлик қилмоқ; VI تَشَاكَسَ (*к. биландир*) келишолмайдиган бўлмоқ; ўзаро ёмон муносабатда бўлмоқ; жанжаллашмоқ, сўкишмоқ.

– شَكَاسَةٌ 1) саркашлик, терслик, аччиқсўзлик, бадфеъллилик, қайсарлик, қиликдорлик; 2) жирттакилик; 3) (*бошқалар билан*) келишиб яшай олмаслик; ўзбилармонлик, гап уқмаслик

– شَكَاسَةٌ = شَكَسٌ؛ شَكْسٌ

– شَكِسٌ 1) қайсар, саркаш, терс, қиликдор; 2) жирттаки; 3) гапуқмас

– مُشَاكِسٌ тирноқ орасидан кир қидирувчи, майдакаш, пичингчи; қайсар, саркаш, қиликдор, қийиқ, бўйсунмас

– مُشَاكَسَةٌ пичинг, тирноқ остидан кир қидириш, майдакашлик; бир-бирини ғажиш

شَاكُوشٌ=شَكُوشٌ

I شَكَلَ (у) شَكْلٌ 1) шубҳали (ноаниқ, чигал) бўлмоқ; 2) *грам.* (*матн ёки сўзга*) ҳаракат белгиларини қўймоқ; 3) (*ҳайвонларни*) тушовламоқ, боғламоқ; боғлаб қўймоқ; قَمِيصَهُ بِالدَّبَابِيسِ ~ кўйлакни игна-тугма (илгак) билан боғлаб қўймоқ; الْأَمْرَ ~ ишни чигаллаштирмоқ (мураккаблаштирмоқ); II شَكَّلَ 1) чигаллашган (қоронғи, ноаниқ) бўлмоқ; 2) ташкил қилмоқ, шакллантирмоқ; тузмоқ; ўзини намоён килмоқ; خَطَرًا عَلَى ... ~ кимгадир хавф-хатар бўлиб намоён бўлмоқ, хавф-хатар бўлмоқ; 3) ҳархиллаштирмоқ; 4) навларга (сортларга) ажратмоқ; хилламоқ; 5) *грам.* ҳаракатлар қўймоқ; 6) (*ҳайвонларни*) тушовламоқ; III شَاكَلَ 1) ўхшамоқ, ўхшаш (ўхшаган) бўлмоқ; وَ مَا ~ ذَلِكَ ва шунга ўхшаш; 2) (*к. биландир*) жанжал чиқармоқ, курашмоқ; IV أَشْكَلَ (*к. учундир*) мушкул бўлмоқ, қийин (оғир) бўлмоқ; الْكِتَابَ ~ китобга ҳаракатлар қўймоқ; V تَشَكَّلَ 1) бирор нарсанинг шаклини (формасини) олмоқ (بِ); بِأَشْكَالِ الدِّيَكَةِ ~ хўрозларга айланиб қолмоқ (*эртакларда*); 2) шаклланмоқ, ташкил бўлмоқ; 3) ноз қилмоқ (*аёл ҳақида*); VI تَشَاكَلَ 1) ўхшамоқ, ўхшашмоқ, шаклан ўхшаш бўлмоқ; 2) (*бирор н. да*) бир хил фикрда бўлмоқ; 3) ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ; VII انْشَكَلَ қизармоқ (*кўзнинг оқ жойлари ҳақида*); X اسْتَشْكَلَ 1) шубҳали деб билмоқ; 2) мушкул, қийин деб ҳисобламоқ; فِي شَيْءٍ ~ бирор нарсадан муаммо ясамоқ (келтириб чиқармоқ); 3) (*к. учундир*) шубҳали бўлмоқ (عَلَى); 4) (*к. учундир*) мушкул бўлмоқ (عَلَى)

– إِشْكَالٌ *кўп.* ـَاتٌ — мушкуллик, қийинчилик, қийинлик; *филос.* мушкул мантиқий муаммолар (апория)

– أَشْكَلُ *мн.* شَكْلَاءُ *кўп.* شُكْلٌ қизғиш оқ ёки оқиш қизил

– تَشَاكُلٌ ўхшашлик, мослик; *кимё. мат.* изоморфизм (*икки ёки ундан ортиқ модданинг бир хил шаклда кристаллашуви; ўхшаш шакллилик*)

– تَشْكِيلٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) қурилиш, шаклланиш; 2) таркибий қисм; 2) *ҳарб.* бўлим; саф; 4) ташкилот; таркиб; الْمَحْكَمَةِ ~ суд таркиби; سِرِّيٌّ ~ яширин ташкилот

– تَشْكِيلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) (*дўкондаги*) ҳар хил моллар, ассортимент; (*сотиш учун тайёрлаб қўйилган ҳар хил товарлар*) йиғиндиси; 2) таркиб (*мас., ташкил этилаётган ҳокимиятда*); 3) гулдаста; 4) *ҳарб.* бўлим; саф; *ав.* олий учиш шакли, олий пилотаж

– تَشْكِيلِيٌّ пластик (*рақс ҳақида*); الْفُنُونُ الـ~ـةُ пластик санъатлар

– شَاكِلَةٌ *кўп.* شَوَاكِلُ 1) ён, ён томон, биқин; 2) тур, жинс, нав; هُوَ عَلَى ~ـهِ у у билан бир хил, иккови бир гўр; 3) услуб, ўзига хослик

– شِكَالٌ *кўп.* شُكُلٌ занжирлар, кишанлар, боғловлар

– شَكْلٌ *кўп.* شُكُلٌ, أَشْكَالٌ, شُكُولٌ 1) шакл, тур; بِـ ~ مَا қандайдир шаклда; بِهَذَا الـ~ أَوْ بِذَاكَ у ёки бу шаклда; اتَّصَلَ بِـ~ ... أَوْ بِآخَرَ бирор киши билан у ёки бу шаклда боғлиқ бўлмоқ; بِـ ~ سَافِرٍ очиқ шаклда; عَلَى ~ الْمِرْوَحَةِ елпиғичга ўхшаш, елпиғичсимон; ~ًا а) шаклан; б) шаклдаги; أَشْكَالُ الْقَمَرِ *астр.* Ой фазалари; الـ~ُ وَ الْمُحْتَوَى *ёки* الـ~ُ وَ الْمَوْضُوعُ *ёки* الـ~ُ وَ الْمَضْمُونُ шакл ва мазмун; كُرَوِيُّ الـ~ِ юмалоқ (курравий) шаклдаги; مُسْتَدِيرُ الـ~ِ айлана шаклдаги; 2) йўл, усул, ҳолат; لاَ يَعْنِي هَذَا بِـ~ مِنَ الْأَشْكَالِ أَنْ ... ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ... дегани эмас; بِهَذَا الـ~ِ шундай қилиб; 3) шакл, чизма, диаграмма, расм, сурат; 4) ўхшашлик; هُمْ وَ أَشْكَالُهُمْ улар ва уларга ўхшашлар; الطُّيُورُ عَلَى أَشْكَالِهَا تَقَعُ *мқл.* кўр кўрни узоқдан танийди; 5) жинс, тур, нав; 6) одат, ўзни тутиш; 7) *грам.* ҳаракатлар қўйиш

– شَكَلٌ 1) ноз-карашма; 2) бежиримлик

– شَكَلٌ ур-йиқит; сўкишиш, жанжал, тортишув

– شَكَلَةٌ кўп. اتٌ — ноз- карашмали аёл -

– شُكْلَةٌ кўзлардаги қизиллик

– شَكْلِيٌّ 1. 1) шаклий; шаклга оид; 2) расмиятга оид; إِجْرَاءَاتٌ ~ـَةٌ расмиятлар; 3) пластик, пластикага. оид; 2. шаклбоз, формалист

– شَكَلِيٌّ кўп. شُكَلِيَّةٌ 1. 1) хушчақчақ; 2) жанжалкаш, асаббузар; 2. кеккайиб юрувчи, такаббур

– شَكْلِيَّاتٌ кўп. расмиятлар; قَانُونِيَّةٌ ~ юридик расмиятлар

– شَكْلِيَّةٌ расмият, шаклбозлик, формализм

– مُتَشَاكِلٌ ўхшаш, ўхшайдиган, аналогик

– مُشَاكَلَةٌ ўхшашлик

– مُشَكَّلٌ 1) турли хил, хилма-хил; 2) безатилган; 3) *грам.* ҳаракатлар қўйилган

– مُشْكِلٌ 1. мушкул, ноаниқ, чигал; 2) мушкуллик, қийинлик; муаммо, проблема

– مُشْكِلَةٌ кўп. مَشَاكِلُ; ـَاتٌ — мушкуллик, қийинлик, муаммо, проблема, вазифа

– مَشْكُولٌ тушовланган, жиловланган, оёғи боғлиқ (*ҳайвон*)

I شَكَمَ (у) شَكْمٌ 1) сотиб олмоқ, сирни айтмагани учун мукофот (ҳақ) бермоқ; 2) нўхталамоқ, нўхта солмоқ; тутиб турмоқ

– شَكْمَجِيَّةٌ қути, қутича

– شَكِيمَةٌ кўп. شَكَائِمُ 1) сувлиқ (*нўхтанинг от оғзидаги темир қисми*); 2) куч, ғайрат; شَدِيدُ الـ~ кучли, ғайратли; тинмас; қайтмас, бир сўзли; قَوِيُّ الـ~ кучли, ғайратли; 3) қеккайганлик, мутакаббирлик, такаббурлик

(شكه) III شَاكَهَ ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ

I (شكو) شَكَا (у) شَكْوَى، شَكْوٌ 1) (*к. дандир*) шикоят қилмоқ (مِنْ); шикоят олиб келмоқ; 2) касал бўлмоқ; مَرَضًا ~ касалликдан шикоят қилмоқ; IV أَشْكَى шикоят қилишга мажбур этмоқ, шикоят қилишга ундамоқ; V تَشَكَّى = I; VI تَشَاكَى бир-бири устидан шикоят қилмоқ; бирлашиб (бир ёқадан бош чиқариб) шикоят қилмоқ; VIII اشْتَكَى = I

– شَاكٍ мн شَاكِيَةٌ 1. шикоят қилувчи; 2. шикоятчи; ◊ شَاكِي السِّلَاحِ яхши қуролланган, тиш-тирноғигача қуролланган (*қар.* شَكٌّ)

– شَكَّاءٌ 1. доимий шикоят қиладиган; 2. йиғлоқи одам, инжиқ, мижғов, минғир-минғир

– شَكَاةٌ، شَكَاوَةٌ، شِكَايَةٌ шикоят, айблов, айблаш

– شَكْوَةٌ 1) = شَكَاةٌ; 2) кўп. شِكَاءٌ кичик меш, меш

– شَكْوَى кўп. شَكَاوَى шикоят, шиква

شَكِيَّةٌ кўп. شَكَايَا шикоят, шиква

– مُشْتَكٍ мн. مُشْتَكِيَةٌ = شَاكٍ

– مِشْكَاةٌ токча, меҳроб

– مَشْكُوٌّ: مِنْهُ ~ ёки عَلَيْهِ ~ устидан шикоят қилинган одам; жавобгар

شِكُورِيَةٌ цикорий

شَكُوشٌ қар. شَاكُوشٌ

شُكُولَاتَةٌ шоколад

شَكُونِيَّةٌ мато (*читнинг бир нави*)

I (شل) شَلَّ[1] (и/а) شَلَلٌ، شَلٌّ 1) шол (фалаж) қилмоқ; 2) шол бўлиб қолмоқ; لَا ~ـَتْ يَمِينُكَ! жуда яхши!, аъло! (*сўзма-сўз: илоҳим қўлларинг шол бўлмасин!*); شَلَّ[2] (а/у) شَلٌّ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб юбормоқ; 2) кўкаламоқ, катта-катта чок билан тикмоқ; II شَلَّلَ кўкаламоқ, кўкалаб қўймоқ; IV أَشَلَّ шол қилмоқ, фалаж қилмоқ; VII انْشَلَّ шол бўлиб қолмоқ, ҳаракатсиз бўлиб қолмоқ

– أَشَلُّ мн. شَلَّاءُ кўп. شُلٌّ шол бўлиб қолган, фалаж бўлиб колган, ҳаракатдан қолган

– شَلَّالٌ кўп. اتٌ — 1) шалола, шаршара; 2) остонатош (*дарё тагида кўндаланг кўтарилиб турган тош дўнглик*)

– شَلَالَةٌ кўкалаш

– شَلَلٌ шол, фалаж; фалажлик; الـ~ الرَّعَّاشُ ёки الـ~ الاهْتِزَازِيُّ титроқ фалаж; الـ~ الطِّفْلِيُّ ёки ~ الْأَطْفَالِ полиомиелит; الـ~ النِّصْفِيُّ бир томонлама фалаж

– شُلَّةٌ[1] кўп. ـَاتٌ، شُلَلٌ 1) тўп, тўпча (*ипники*); 2) тўда; гуруҳ; команда (*мас., болалар ўйинида*)

– شُلَّةٌ، شَلَّةٌ[2] (*узоқ йўлнинг*) нияти, мақсади, мўлжали

– مَشْلُولٌ шол, фалаж бўлган, фалажликка (шолликка) оид

شَلَاضِيمُ кўп. лаблар

شَلْبٌ шоли, оқланмаган гурунч (*Ироқда*)

– شَلْبَةٌ лешч (*балиқ*)

– شَلَبِيٌّ 1. бежирим кийинган; 2. олифта

(شلبن) تَشَلْبَنَ бежирим кийинган бўлмоқ

(شلت) II شَلَّتَ оёқ билан тепмоқ, тепанғич бўлмоқ

– شَلْتَةٌ، شِلْتَةٌ кўп. شُلَتٌ юпқа кўрпа; кичик кўрпача

– شَلُّوتٌ кўп. شَلَالِيتُ нўқиш, оёқда тепиш, тепки; أَعْطَاهُ ~ًا кимнидир тепмоқ

– شَلِيتَةٌ кўп. ـَاتٌ — қоп

شَلْتَتَ юпқа, ясси қилмоқ (*мас., нонни*)

– شَلْتُوتَةٌ кўп شَلَاتِيتُ (*артадиган*) латта

– مُشَلْتَتٌ юпқа, ясси (*мас., нон*); فَطِيرَةٌ ~ـَةٌ юпқа патир

شَلْجَمٌ 1) шоғлом; 2) хашаки шолғом, рапс, сурепица (*уруғидан мой олинадиган ўсимлик*)

I شَلَحَ (а) شَلْحٌ олмоқ, олиб ташламоқ; ثِيَابَهُ ~ ечинмоқ; ~ الْكَاهِنَ диний унвондан маҳрум қилмоқ; II شَلَّحَ 1) қип-яланғоч қилиб ечинтирмоқ, фош қилмоқ; 2) таламоқ, талаб кетмоқ; X اِسْتَشْلَحَ устидаги кийимларини ечмоқ, ечинмоқ

– مَشْلَحٌ кўп. مَشَالِحُ чопон, пальто

– مُشَلَّحٌ кийим осиб қўйиладиган жой, гардероб (*хона*)

شِلْشٌ кўп. شُلُوشٌ илдиз

شَلْشَلَ томиб тушмоқ, томмоқ

شَلْجَمٌ = شَلْغَمٌ

شَلْفَطَ 1) чапламоқ, кир қилиб суртамоқ; ажи-бужи қилиб ёзмоқ; 2) шимдирмоқ (*шимувчи қоғоз ёрдамида*)

– شَلْفَطَةٌ чаплаш, чапланиш, ажи-бужи ёзув

I شَلَقَ (у) شَلْقٌ синдирмоқ, ёрмоқ

– شَلُوقٌ шалуқ (*хурмо нави*)

– شُلُوقٌ иссиқ шамол, гармсел

شَيْلَمٌ қар شَالَمٌ

شَالَمٌ 1) арпа; 2) фигурали қавс; ~ان ик.с. фигурали қавслар

شِلِنٌ кўп. ~ اتٌ — шиллинг (*пул бирлиги ва пул*)

(شلى) IV أَشْلَى чақирмоқ; ~ الْكَلْبَ итни чақирмоқ

– شِلْوٌ кўп. أَشْلَاءٌ 1) аъзо, тана аъзоси (қисми) (*танадан ажратиб олинган*); 2) қолдиқ

شُلَيْكٌ жам. ертут (земляника); қулупнай

I (شمّ) شَمَّ[1] (а/у) شَمٌّ ҳидни сезмоқ, ҳидламоқ; ~ الْهَوَاءَ тоза ҳаво олмоқ; شَمَّ[2] (и/а) شَمَمٌ кеккайган, такаббур бўлмоқ; II شَمَّمَ ҳидлатмоқ; IV أَشَمَّ = II; V تَشَمَّمَ ҳид билмоқ, ҳидламоқ; сезмоқ; ~ الْأَخْبَارَ янгиликнинг ҳидини сезмоқ; VII اِنْشَمَّ ҳидланадиган (сезиладиган); бўлмоқ; VIII اِشْتَمَّ 1) ҳидни сезмоқ; ҳидламоқ; 2) сезилмоқ, билинмоқ (*ҳид ҳақида*); X اِسْتَشَمَّ ҳис қилмоқ, сезмоқ

– أَشَمُّ н. شَمَّاءُ кўп. شُمٌّ 1) баланд, юксак; 2) такаббур, кеккайган; ~ الْأَنْفِ رَجُلٌ қирғийбурун одам, дўнгбурун одам

– إِشْمَامٌ фон. "у", "и" товушларини кучли лаблаштириб талаффуз қилиш

– شَامَّةٌ ҳид билаш

– شَمٌّ 1) ҳид билиш; ~ حَاسَّةُ الـ ҳид билиш сезгиси; ~ حَاسَّةُ الـ السِّيَاسِيِّ сиёсий сезгирлик; 2) ҳидлаш; ◊ ~ عِيدُ النَّسِيمِ баҳорни кутиб олиш байрами (*Мисрда*)

– شَمَّامٌ[1] 1. (*тамаки*) ҳидлаб юрувчи; 2. ҳидловчи

– شَمَّامٌ[2] жам. (ҳидли) қовунлар

– شَمَّامَةٌ кўп. ~ اتٌ — қовун; ◊ ~ مِصْبَاحٍ чироқ пиликдони (горелкаси)

– شَمَمٌ 1) баландлик, тепалик; 2) бурун қаншари; 3) кеккайиш, такаббурлик, мутакаббирлик

– شَمَّةٌ (*бир чимдим*) тамаки, (*бир чимдим*) ҳидланадиган тамаки

– شَمِّيٌّ ҳид билишга (сезишга) оид

– شَمِيمٌ ёқимли ҳид (бўй)

– مَشَمٌّ кўп. مَشَامِمُ ҳид билиш аъзоси, бурун

– مَشْمُومٌ 1. ҳидланадиган; 2. 1) ҳид, бўй; 2) мушк

– مَشْمُومَاتٌ кўп. хушбўй гуллар

(شمأز) اِشْمَأَزَّ (*к. дандир, н. дандир*) жирканмоқ, нафратланмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) титроққа (ҳаяжонга) тушмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) хафа бўлмоқ, аччиқланмоқ (مِنْ)

– اِشْمِئْزَازٌ жирканиш, нафратланиш, нафрат

– مُشْمَئِزٌّ 1) (*бирор н. га*) нафрат сабабли титрайдиган (مِنْ); 2) жирканч

شَمْأَلٌ (شَأْمَلٌ) шимолдан эсадиган шамол (*сол*)

اِشْمَأَنَطَ норози бўлмоқ, аччиқланмоқ

– اِشْمِئْنَاطٌ норозилик, қониқмаслик

شَمَاشِيرُ ич кийим, чойшаб, ёстиқ жилди ва б. лар

– شَمَاشِرْجِيٌّ кўп. شَمَاشِرْجِيَّةٌ 1. ич кийим, чойшаб, ёстиқ жилди ва б. ларни ювувчи; 2. хизматкор, малай

شَمْبَانِيَا، شَمْبَانِيَةٌ шампан виноси

I شَمِتَ (а) شَمَاتَةٌ бошқанинг бошига тушган кулфатдан хурсанд бўлмоқ, яйрамоқ (بِ), ичқоралик қилмоқ; II شَمَّتَ 1) ичқоралик қилдирмоқ; 2) (*акса урган кишига*) "Саломат бўлинг" деб айтмоқ, соғлик тиламоқ; IV أَشْمَتَ = II

– شَامِتٌ кўп. شُمَّاتٌ ичқоралик қиладиган

– صُرْمٌ¹ *анат.* тўғри ичак, орқа чиқариш тешиги (*сол.* (سُرْمٌ))

– صُرْمٌ², صَرْمٌ узилиш, муносабатларнинг тўхташи (тўхталиши)

– صَرْمَاتِيٌّ *кўп.* صَرْمَاتِيَّةٌ этикдўз

– صَرْمَايَةٌ *кўп.* صَرَامِيُّ бошмоқ (*пойабзал*)

– صَرْمَةٌ *кўп.* صِرَمٌ эскирган бошмоқ

– صِرْمَةٌ *кўп.* صِرَمٌ унча катта бўлмаган пода

– صَرِيمٌ¹ 1) қоронғи тун; 2) тонг

– صَرِيمٌ² кесилган, қирқилган, каллакланган

– صَرِيمَةٌ жазм, қатъий ният

– صَوَارِمُ *кўп. кўч.м.* қиличлар

مُنْصَرِمٌ ўтган, ўтиб кетган, бўлиб ўтган

صَرَى I (u) صَرْيٌ олдиндан юрмоқ; II صَرَّى елини сутга тўлсин учун бир неча кун соғмай турмоқ (*совлиқ ҳақида*)

– صَارٍ *кўп.* صَوَارٍ, صَارِيَةٌ, صَارِيَاتٌ 1) мачта; 2) хода; 3) даста (*байроқники*); 4) эшик, (деразанинг) ён кесакиси, ёндор; 5) денгизчи, матрос

– مُصَرًّى: شَاةٌ مُصَرَّاةٌ елини сутга тўлиши учун бир неча кун соғилмаган совлиқ

أُصْطُبَّةٌ *алиф.б.қар.*

– مِصْطَبَةٌ, مَصْطَبَةٌ *кўп.* مَصَاطِبُ 1) тош майдонча, ёнбағир; زِرَاعَةُ الْمَصَاطِبِ ёнбағирда деҳқончилик қилиш; 2) тош курси, супача, мастаба

صَعُبَ (u) صُعُوبَة (к. учундир) огир (қийин, азобли, укубатли) бўлмоқ (عَلَى) II صَعَّبَ огир қилмоқ, машаққатли қилмоқ; қийнамоқ; IV أَصْعَبَ: ~ الْجَمَلَ туяга арқон солмай, минмай, ўз ҳолига қўймоқ; V تَصَعَّبَ қийинчилик пайдо қилмоқ, қийналмоқ; VI تَصَاعَبَ (қийинчилик ... гадир) қийинчилик яратмоқ (مَعَ); гапга (маслаҳатга) кирмаслик, қайсар бўмоқ; X اِسْتَصْعَبَ 1) қийин деб билмоқ (ҳисобламоқ); 2) гап уқмас бўлмоқ, бўйсунмайдиган хусусият касб этмоқ

– صَعْبٌ[1] кўп. صِعَابٌ огир, қийин; ~ الْإِرْضَاءِ кўнглини олиш қийин одам, инжиқ одам; ~ الْاِحْتِمَالِ ҳазм қилиш қийин нарса, чидаб бўлмас (н.); ~ الْمِرَاسِ қайсар, бўйсунмас; عُمْلَةٌ ~ـةٌ барқарор валюта; صِعَابٌ кўп қийинчиликлар

– صَعْبٌ[2] минилмаган туя

– صُعُوبَةٌ қийинчилик, огирлик, машаққат

– مَصَاعِبُ кўп. қийинчиликлар, машаққатлар

– مُصْعَبٌ нар (ҳайвонларнинг эркаги)

صَعْتَرٌ бот. тошчўп (ўсимлик)

صَعِدَ (a) صُعُودٌ 1) кўтарилмоқ, чиқмоқ; кўтарилиб кетмоқ (самолёт ҳақида); ~ السُّلَّمَ пиллапоя (зина), шоти (нарвон) да кўтарилмоқ; ~ الْجَبَلَ тоққа чиқмоқ (кўтарилмоқ); 2) (трамвай ва ш.к. ларга) чиқмоқ; 3) (н. нидир) кўтармоқ; (بـ) II صَعَّدَ 1) тез-тез (узоқ) кўтарилмоқ, чиқмоқ; 2) буғлантирмоқ, буғга айлантирмоқ, қаттиқ жисмни буғга айлантирмоқ; 3) пастламоқ, пастлик томон юрмоқ; 4) (сўзнинг) маъносини янгидан англамоқ; 5) кўтармоқ (فِي); ~ نَظَرَهُ إِلَى (فِي) ... назарни ...га ташламоқ; ...га қарамоқ, назар солмоқ; 6) Юқори Мисрга жўнамоқ; ◊ ~ الزَّفَرَاتِ хўрсинмоқ, оҳ тортмоқ; IV أَصْعَدَ 1) кўтармоқ, юқорига тортмоқ; 2) бақир-бақир қилмоқ, қичқирмоқ, шовқин кўтармоқ; 3) Юқори Мисрга жўнамоқ; 4) юрмоқ, кезмоқ, бормоқ; (فِي); ~ فِي الْوَادِي водийда кезмоқ; V تَصَعَّدَ 1) кўтарилмоқ; 2) буғланмоқ; (буғдай) учиб кетмоқ; VI تَصَاعَدَ 1) аста-секин кўтарилмоқ (аланга, тутун ҳақида); 2) бошқалар билан бирга кўтарилмоқ, кўтарилишмоқ; X اِسْتَصْعَدَ кўтарилмоқ; ~ السُّلَّمَ пиллапоя (зина, шоти, нарвон) да кўтарилмоқ

– تَصَاعُدٌ 1) аста-секин кўтарилиш; 2) эскалация (ўсиш, кенгайиш, ўстириш, кенгайтириш)

– تَصَاعُدِيٌّ ўсиб борувчи; ضَرَائِبُ ~ـةٌ ўсиб борувчи солиқлар

– تَصْعِيدٌ 1) кўтарилиш; 2) эскалация; ~ الْحَرْبِ ҳарбий эскалация; 3) оҳ урмоқ; 4) қаттиқ жисмларни буғга айлантириш

– صَاعِدٌ[1] кўп. صُعَّدٌ кўтарилаётган, чиқаётган; فَـ~ا яна ҳам баландроқ; ◊ مِنَ الْآنَ فَـ~ا бугун ва бундан кейин, келажакда

– صَاعِدٌ[2] кўп. صَوَاعِدُ сталагмит (горлар ва ер остидаги карст бўшлиқлари тубидаги оқиқ-томчи (кўпинча оҳактошли) ҳосила)

– صَعَدٌ қаттиқ, шиддатли; عَذَابٌ ~ кучли азоб (огриқ)

– صُعُدٌ баландлик, юксаклик; ا~ юксакликка, баландликка, юқорига

– صُعَدَاءُ чуқур нафас олиш; تَنَفَّسَ الـ~ эркин нафас олмоқ, нафасни ростламоқ

– صَعْدَةٌ кўп. صَعَدَاتٌ 1) баландлатиш, юксалтириш, юқорилатиш; 2) баланд (юксак) жой (мавқе)

– صَعُودٌ[1] тепалик, қиялик, тепа

– صَعُودٌ[2] ўтиш қийин бўлган тўсиқ (гов)

– صُعُودٌ кўтариш, кўтарилиш; юқорига чиқиш; ердан учиб кўтарилиш (самолёт ҳақида); مُضَارِبٌ عَلَى ~ нарх-навонинг кўтарилиши билан ўйновчи (биржада); عِيدُ الـ~ ёки خَمِيسُ الـ~ дин. Исо алайҳиссаломнинг арши аълога кўтарилишларига бағишланган христианлар байрами

– صُعُودِيٌّ 1) кўтариш (кўтарилишга) оид; 2) нарх-навонинг кўтарилиши билан ўйновчи (биржада)

– صَعِيدٌ кўп. صُعُدٌ، أَصْعِدَةٌ، صُعُدَاتٌ 1) ясси тоғлик, тоғлик жой; 2) ер, тупроқ, жой, яссилик, доира, соҳа; 3) ер юзаси; اِجْتَمَعَ النَّاسُ فِي ~ وَاحِدٍ одамлар бир жойда йиғилдилар (йиғилишди); كُلُّهُمْ فِي ~ وَاحِدٍ уларнинг ҳаммаси бир хил нуқтаи назар (қараш) тарафдоридирлар; عَلَى الـ~ الْوَطَنِيِّ миллий масала нуқтаи назаридан; عَلَى الـ~ الدَّوْلِيِّ халқаро муносабатлар соҳасида; فِي ~ الـ~ الْاِقْتِصَادِيِّ (الثَّقَافِيِّ) иқтисод (маданият) соҳасида; وَضَعَهُ عَلَى ~ وَاحِدٍ مَعَ ... عِشْرِينَ جُنَيْهًا йигирма фунт атрофида; кўч.м. бирор кишини ... билан тенг деб ҳисобламоқ (тенглаштирмоқ)

– صَعِيدِيٌّ кўп صَعَايِدَةٌ Юқори Мисрда яшовчи киши

– مَصْعَدٌ эл. анод

– مِصْعَدٌ، مِصْعَدَةٌ кўп. مَصَاعِدُ кўтарувчи қурилма, лифт

صَعِرَ (a) صَعَرٌ 1) буриштирилмоқ (юзда, нафратланиш пайтида); 2) кутурмоқ; II صَعَّرَ буриштирмоқ; ~ وَجْهَهُ (خَدَّهُ) (нафратланиш пайтида) юзни буриштирмоқ, афтни бузмоқ; وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ қур. Одамларга такаббурлик билан юзни буриштирма; III صَاعَرَ манманлик билан (такаббурлик билан) юзни буриштирмоқ; VII اِنْصَعَرَ кутурган бўлмоқ, кутурмоқ

– صَعْرَانٌ кутурган

صَعِقَ (a) صَعْقٌ 1) чақмоқ (яшин) урмоқ; 2) гунг қилмоқ, лол қолдирмоқ; 3) мажҳ. (н. дандир) ҳайратланмоқ (بـ); (a) صَعِقَ صَعْقَةٌ، تَصْعَاقٌ ҳушидан кетмоқ, беҳуш бўлмоқ; فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ қур. Осмон ва ердагилар ҳушидан кетадилар (ўладилар маъносида); IV أَصْعَقَ гунг қилмоқ, эсдан огдирмоқ

– صَاعِقٌ 1) чақмоқ (яшин) билан ўлдирувчи; 2) чақмоқдай тез; حَرْبٌ صَاعِقَةٌ қисқа (тезкор) уруш, яшинвор уруш

– صَاعِقَةٌ *кўп.* صَوَاعِقُ 1) момақалдироқ гумбурлаши; чақмоқ; قُوَّاتٌ ~ зарбдор кучлар; الصَّوَاعِقُ (شَارِيَةٌ) мозаика яшинқайтаргич; وَقَعَ نَعْيُ هَذَا الرَّجُلِ وَقْعَ الـ~ عَلَى الْعَالَمِ أَجْمَعَ бу одамнинг ўлими ҳақидаги хабар ҳаммага чақмоқ ургандай таъсир қилди; 2) қаттиқ азоб чинқириғи

– صَعْقٌ момақалдироқ, гулдураш

– صَعِقٌ яшин (чақмоқ) урган

– مَصْعُوقٌ яшин (чақмоқ) урган, яшин (чақмоқ) ургандай

صُعْقُرٌ икра (*балиқ уруғи, тухуми*)

أَصْعَلُ *мн* صَعْلَاءُ *кўп.* صُعْلٌ кичик бошли (каллали)

– صُعْلٌ 1) кичик бош (каллали) одам, микроцефал; 2) туяқуш

تَصَعْلَكَ 1) камбағал бўлиб қолмоқ, қашшоқлашмоқ; 2) кўча кезмоқ, (*кўча-кўйда*) санғимоқ, дайдилик (гадолик) қилмоқ

– تَصَعْلُكٌ дайдилик

– صَعْلَكَةٌ камбағаллик, қашшоқлик

– صُعْلُوكٌ *кўп* صَعَالِيكُ 1) камбағал, қашшоқ; 2) юпун, дайди, яланғоч; бекорчи, дангаса; 3) *эск.* қароқчи

– مُتَصَعْلِكٌ 1) камбағаллашиб қолган, қашшоқ; 2) дайди

صَعْوَةٌ *кўп.* صَعَوَاتٌ, صِعَاءٌ *зоол.* саъва, чумчуқсимонларга мансуб қушча

I (صغر) صَغَرَ (у) صُغْرٌ (*к. дандир*) ёшроқ бўлмоқ; تُصْغِرُهُ بِعَشْرَةِ (1 صَغُرَ (у) صِغَرٌ *ёки* صَغُرَ (а) صِغَرٌ у (*мн*) ундан ўн ёш кичик; أَعْوَامٍ кичик бўлмоқ, ёш бўлмоқ; 2) кичик ёшда бўлмоқ; 3) арзимас бўлмоқ; II صَغَّرَ (1 озайтирмоқ, қисқартмоқ, озайтириб қўймоқ; 2) таҳқирламоқ, эътиборини пасайтирмоқ; 3) *грам.* кичрайтириш оти ясамоқ; IV أَصْغَرَ арзимас деб ҳисобламоқ, паст баҳоламоқ; V تَصَغَّرَ кичик бўлмоқ; VI تَصَاغَرَ (1 ўзини кичик (арзимас) деб кўрсатмоқ, хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ; 2) жасоратсизлик қилмоқ, хижолат тортиб турмоқ, дадил бўлолмаслик; X اِسْتَصْغَرَ арзимас (аҳамиятсиз) деб ҳисобламоқ, (*бирор н. ни*) назарга илмаслик, эътиборсиз қолдирмоқ, эътиборини пасайтирмоқ; نَفْسَهُ ~ ўзини яхши сезмаслик (ўзини ёмон сезмоқ)

– أَصْغَرُ *кўп.* أَصَاغِرُ *мн* صُغْرَى *кўп.* صُغْرَيَاتٌ (1 кичик, майда; энг кичик; الدُّوَلُ الصُّغْرَى кичик давлатлар; الشَّرَّيْنِ ~ ёмонликларнинг энг кичиги; النِّهَايَةُ الصُّغْرَى минимум; 2) кичик; ◊ الـ~َانِ *ик.с.* тил ва дил; إِنَّ الْإِنْسَانَ بِـ~َيْهِ *мқл.* одамга тили ва дилига қараб баҳо берадилар

– تَصَاغُرٌ хушомадгўйлик қилиб бўйсуниш

– تَصْغِيرٌ 1) озайиш, озайтириш; اِسْمُ الـ~ *грам.* кичрайтириш оти; صِيغَةُ الـ~ *грам.* кичрайтириш отининг сўз ясаш шакли (فُوَيْعِلٌ, فُعَيْلٌ); 2) камситиш, камситилиш; аҳамиятини пасайтириш; қисқартиш, қисқартилиш

– صَاغِرٌ 1) бўйсунувчи; 2) ~ I итоаткорлик билан, бўйсуниб, бўйин эгиб, сўзсиз бўйсуниб; 2) камситилган

– صَغَارٌ, صِغَارٌ (1 нафсат, жирканиш, эътиборга (назарга) олмаслик; 2) камситиш, камситилиш; бадномлик, виждонсизлик, шармандалик

– صَغَارَةٌ, صِغَارَةٌ (1 кичик ўлчам, арзимаслик, аҳамияти озлилик; тўла (тўлиқ) эмаслик, паст. сифатсизлик; 2) сўзсиз бўйсуниш, итоат, итоаткорлик; 3) пастлик, тубанлик, таҳқирланганлик, оёқости қилинганлик, камситилганлик

– صِغَرٌ кичик ўлчам; السِّنِّ ~ гўдаклик, болалик

– صُغْرَةٌ (*болаларнинг*) энг кичиги, кенжаси

– صَغِيرٌ *кўп.* صِغَارٌ 1. 1) кичик, кичкина, катта бўлмаган; السِّنِّ ~ кичик ёшдаги, сағир; الْعَقْلِ ~ болаларча ақли бор, ақлсиз, ақли калта; 2) майда; 3) ёш, сағир; 2. кичик бола

– صُغَيِّرٌ *халқ.* кичик, майда

– صَغِيرَةٌ *кўп.* صَغَائِرُ (1 кичик камчилик (етишмовчилик); кичкина айб (нуқсон, гуноҳ); 2) майда-чуйда; чақа-танга; صَغَائِرُ الْأُمُورِ майда-чуйдалар

– مُصَغَّرٌ кичрайтирилган; فِي صُورَةٍ ~ةٍ кичрайтирилган савратда

I (صغو) صَغَا (у) صَغْوٌ, صُغُوٌّ (*н. гадир*) мойил бўлмоқ; (*к. гадир*) қулоқ солмоқ, бўйсунмоқ; (إِلَى) صَغِيَ (а) صَغًا=صَغَى IV أَصْغَى (*к. нидир*) тушунмоқ, эшитмоқ, гапига қулоқ тутмоқ; (إِلَى) إِلَى صَوْتٍ ~ الشَّعْبِ халқ овозига қулоқ солмоқ; الْإِنَاءَ ~ идишни энгаштирмоқ

– إِصْغَاءٌ 1) қулоқ солиш, тинглаш, эшитиш; 2) диққат, эътибор

– صَاغٍ *мн.* صَاغِيَةٌ 1.1) тингловчи, эшитувчи; وَجَدَ أُذُنًا صَاغِيَةً *маж.* диққат-эътибор билан тинглайдиганни топмоқ; бекорчи қулоқни топмоқ; 2) диққат-эътиборли; أَعَارَ أُذُنًا صَاغِيَةً *қар* أُذُنٌ 2. тингловчи

– مُصْغٍ *мн.* مُصْغِيَةٌ=صَاغٍ

I صَفَّ (а/у) صَفٌّ қатор қилиб (*саф қилиб*) жойлаштирмоқ, жойлаштирмоқ, сафламоқ, термоқ; الْحُرُوفَ ~ *полигр.* ҳарф термоқ; II صَفَّفَ қатор қилмоқ, сафламоқ; 2) тартибга келтирмоқ; VI تَصَافَّ таромоқ, сочларни тартибга келтирмоқ; الشَّعْرَ ~ сафланмоқ; VIII اِصْطَفَّ 1) сафланмоқ, қаторга турмоқ; 2) қатор бўлиб сафланмоқ

– تَصْفِيفٌ 1) сафлаш; қаторлаштириш; 2) тартибга келтириш; الشَّعْرِ ~ тараш, сочларни тартибга келтириш

– صَفٌّ *кўп.* صُفُوفٌ 1) саф; қатор; صُفُوفُ طَبَقَةِ الْعُمَّالِ ишчилар синфи сафлари; ضَابِطُ ~ унтер-офицер; وَضَعَهُ فِي ~ وَاحِدٍ ... кимнидир ... билан бир сафга (қаторга) қўймоқ; وَقَفَ ~ًّا وَاحِدًا ضِدَّ ... ...га қарши бир сафда бўлмоқ; كَانَ فِي الصُّفُوفِ الْأُولَى биринчи (олдинги) сафларда бўлмоқ; ضَمَّ (رَصَّ) الصُّفُوفَ

сафларни жипслаштирмоқ; 2) разряд; 3) курс, синф (*ўқув юртларида*); 4) навбат; ... طَوِيلٍ فِي انْتِظَارِ ... الْوُقُوفُ فِي ~ ни... кутаётган узун навбат; ◊ الزَّمَنُ فِي ~ـه вақт (замон) унга (унинг фойдасига) ишламоқда; الْحَقُّ فِي ~ـه ҳуқуқ (ҳақиқат) унинг тарафида; كَانَ (وَقَفَ) مِنْ (فِي) ~ـه бирор киши тарафида бўлмоқ, бирор киши тарафини олмоқ

– صَفَّافٌ *яна*: الْحُرُوف ~ ҳарф терувчи

– صُفَّةٌ *кўп.* صُفَفٌ 1) туртиб чиқиб турган тош, тош ўриндиқ; 2) тахта токча, раф; карниз, арақи; 3) айвон, бостирма

– صَفِّيٌّ оддий; одми

– مَصَفٌّ *кўп.* مَصَافٌّ 1) қатор, саф; وَصَلَ إِلَى مَصَافِّ الْعُلَمَاءِ الْمَشْهُورِينَ машҳур олимлар сафига ўтмоқ; 2) *полигр.* вёрстатка (*ҳарф териладиган тахтакач*)

– مِصْفَافٌ *полигр.* линотип (*ҳарфларни қуйиб терадиган машина*)

– مُصَفَّفٌ *кўп.* ـــ اتٌ матрица (*ўйма қолип, терилган матнни кўп нусхада босиб чиқариш учун уни картонга ўтказиб, ясаб олинган қолип*)

– صَفَّافٌ = مُصَفِّفٌ

1 صَفَحَ (а) صَفْحٌ (к. нидир) кечирмоқ, афв этмоқ, гуноҳидан ўтмоқ (عَنْ); 2) ясси қилмоқ; 3) металл (маъдан) билан қопламоқ; II صَفَّحَ 1) ясси қилмоқ, ясситамоқ (прокат қилмоқ); الْحَدِيدَ ~ темирни яссиламоқ (прокат қилмоқ); 2) шапалоқ-шапалоқ қилиб қирқмоқ; 3) (*олтин, кумушдан*) қоплама қилмоқ; 4) металл билан ўрамоқ, зирҳламоқ, зирҳ билан қопламоқ, (беркитмоқ, ёпмоқ); 5) қиличларни тобига келтириш учун боғламоқ, қизигида урмоқ; қарсак (чапак) чалмоқ; III صَافَحَ 1) қўл қисмоқ, қўл бериб сўрашмоқ (кўришмоқ); بِالْيَدِ ~ـهُ кимнингдир қўлини қисмоқ; 2) кўзга кўринмоқ; истиқболга юрмоқ, чиқмоқ; 3) енгил, билинар-билинмас эсмоқ, анқимоқ (*шамол, ҳид-бўй ва б. ҳақида*); V تَصَفَّحَ 1) диққат билан боқмоқ (қарамоқ, қараб чиқмоқ); варақлаб чиқмоқ; 2) шапалоқ-шапалоқ қилиб бўлинган бўлмоқ; VI تَصَافَحَ қўл сиқишмоқ; X اسْتَصْفَحَ 1) кечирим (узр) сўрамоқ; 2) *полигр.* стереотип (тайёр босма қолип) дан чоп этмоқ (босмоқ)

– تَصْفِيحٌ зирҳлаш; зирҳ

– صَفَّاحٌ кечирувчи, узрини қабул қилувчи; олижаноб

– صُفَّاحٌ *жам.* тош тахтачалар; الْجُعْلُولِ ~ дала шпати (*силикатлар жинсига мансуб минерал*)

– صَفْحٌ[1] кечириш, узрни қабул қилиш

– صَفْحٌ[2] *кўп.* صِفَاحٌ، صُفُوحٌ 1) юза, сирт, уст; 2) ён, ёнбағир (*тоғники*); ◊ ضَرَبَ عَنْهُ ~ًا эътибор бермаслик; номини тилга олиб ўтмаслик

– صَفْحَةٌ *кўп.* صَفَحَاتٌ 1) юз; (*бирор н. нинг*) юз томони; بَيْضَاءُ ~ (*к. нидир*) оқламоқ (қораламоқ); 2) саҳифа; بَيْضَاءُ ~ـة (سَوْدَاءُ) ~ـة оппоқ саҳифа, ёзилмаган варақ; بَدَأَ عَلَى ~ بَيْضَاءَ қандайдир ишни бошдан бошламоқ (*сўзма-сўз:* оппоқ (ёзилмаган) саҳифадан бошламоқ); 3) сирт, уст, юза (*мас., сувнинг, денгизнинг ва б.*); عَلَى ~ الْمَاءِ сув юзасида (устида)

– صَفَاحٌ = صَفُوحٌ

– صَفِيحٌ 1) қалай; 2) (*оқ*) тунука, жез; مَشْغُولَاتٌ مِنَ الـ~ тунукадан (жездан) ясалган маҳсулотлар

– صَفِيحَةٌ *кўп.* صَفَائِحُ 1) тунука қути, банка, кутича; 2) бидон; 3) тахта тунука; тахта; пластина (*тахтасимон ясси нарса*); ~ الصِّمَامِ радиолампа аноди; صَفَائِحُ الْجُبْنَةِ пишлоқ бўлаклари; صَفَائِحُ الْمَعَادِنِ (الْحَدِيدِ) ясситанган (прокат қилинган) (*металл маҳсулотлар*); السُّقُوفِ қоплама тунука; 4) тиғ, дам (*қиличда*); 5) қанот; صَفَائِحُ الْبَابِ эшик қанотлари; 5) сафиҳа (*устига гўшт қатлами жойлаб пиширилган нон*)

– مُصَافَحَةٌ қўл сиқишиш, қўл қисишиш

– مُسْتَصْفَحٌ стереотипга оид, стереотипик; طَبْعَةٌ ~ـة стереотип усулда нашр этиш (босиш)

– مُصْفَحٌ мойил, эгилган; قَلْبُ الْمُؤْمِنِ ~ عَلَى الْحَقِّ *ҳад.* имонли кишининг юраги ҳаққа мойилдир

– مُصَفَّحٌ 1) металл билан (металл қопламалар билан) қопланган; 2) зирҳланган; سَيَّارَةٌ ~ـة зирҳланган автомашина; броновик; قِطَارٌ ~ зирҳланган поезд, бронепоезд; فِرْقَةٌ ~ـة моторлаштирилган дивизия; 3) ясси, япалоқ; الرَّأْسِ ~ яссибош (*одам*), долихоцефал

– مُصَفَّحَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) бронемашина; 2) *полигр.* стереотип

– مِصْفَاحٌ *кўп.* مَصَافِحُ прокат стани (*металларни прокат қилувчи-ясситовчи жиҳоз, асбоб*)

I صَفَدَ (и) صَفْدٌ боғламоқ, кишан солмоқ; بِأَغْلَالٍ ~ занжирламоқ, занжир билан боғламоқ; II صَفَّدَ = I; IV أَصْفَدَ = I

– صَفَدٌ *кўп.* أَصْفَادٌ، صِفَادٌ занжир, кишан; الْيَدَيْنِ ~ қўлкишан, қўлга солинадиган кишан

I صَفَرَ (и) صَفِيرٌ (صَفْرٌ) ҳуштак чалмоқ; чийилламоқ, увилламоқ (*шамол ҳақида*); вишилламоқ (*илон ҳақида*); صَفِرَ (а) صَفْرٌ эгалланмаган бўлмоқ; II صَفَّرَ 1) ҳуштак чалмоқ (*кема ҳақида*); 2) вишилламоқ (*илон ҳақида*); 3) ҳуштак чалиб, ўз норозилигини билдирмоқ; 4) сариқ рангга бўямоқ; 5) бўшатмоқ, холи қилмоқ; IV أَصْفَرَ 1) бўш қилмоқ, бўшатмоқ; 2) камбағаллашмоқ; IX اصْفَرَّ 1) сарғаймоқ; 2) оқариб кетмоқ, бўзариб кетмоқ (*юз ҳақида*)

– أَصْفَرُ[1] *мн.* صَفْرَاءُ *кўп.* صُفْرٌ 1) сариқ; оқарган, оқариб кетган; ◊ الـ~ الْحُمَّى сариқ безгак; النَّقَابَاتُ الصَّفْرَاءُ соткин касаба иттифоқлари (профсоюзлар); الـ~ ان тилло, олтин; الـ~ *ик. с.* олтин ва заъфарон; الـ~ الرَّنَّانُ сариқ безгак; الْهَوَاءُ الـ~ *мед вабо*; ابْتِسَامَةٌ صَفْرَاءُ ижирғаниб жилмайиш

– أَصْفَرُ[2] мутлақо ...сиз, мутлақо ...и (...си) йўқ; إِنَّ ~ الْبُيُوتِ مِنَ الْخَيْرِ الْبَيْتُ الصِّفْرُ مِنْ كِتَابِ اللّٰهِ تَعَالَى *ҳад.* мутлақо хайр-баракаси йўқ уй Оллоҳ таолонинг китоби йўқ уйдир

– أَصْفَرُ[3]: بَنُو الْـ~ византияликлар, греклар

– اِصْفِرَارٌ 1) сарғимтирлик, сарғишлик; 2) оқишлик, ранг оқариши, рангнинг бўзариши

– صَافِرٌ 1. ҳуштак чалувчи, ҳуштакбоз; 2. бекорчи, такасалтанг, ялло қилиб юришдан бошқасини билмайдиган (*одам*)

– صُفَارٌ 1) сариқлик, сариқ ранг; ~ الْبَيْضِ тухумнинг сариғи; أَبُو ~ *мед.* сариқ; 2) *шунингдек.* ~ الشَّمْسِ қуёш ботиш арафаси; кечки шафақ

– صُفَارٌ сариқлик, сариқ ранг

– صَفَّارٌ (*мис эритиб*) қуювчи

– صَفَّارَةٌ *кўп.* صَفَافِيرُ، ـــاتٌ ҳуштак; сирена; ~ الرُّعَاةِ най; أُطْلِقَتْ صَفَّارَاتُ الْإِنْذَارِ *мажҳ.* ҳаво тревогаси эълон қилинди

– صُفَارِيَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ зарғалдоқ (*қуш*)

– صَفَرٌ، صَفَرٌ[1] *шунингдек.* ~ الْخَيْرِ сафар ойи (*қамарий тақвимнинг 2-ойи, 29 кун*)

– صَفَرٌ[2] 1) *мед.* сариқ касаллиги; 2) ичакдаги гижжалар, аскаридалар

– صَفَرٌ[1] ҳуштак

– صِفْرٌ[2]، صِفْرٌ бўш, бўм-бўш; ~ الْأَيْدِي (الْيَدَيْنِ) қуруқ (ҳеч вақоси йўқ) қўл билан

– صِفْرٌ *кўп.* أَصْفَارٌ 1) ноль; تَحْتَ الْـ~ нолдан паст; فَوْقَ الْـ~ нолдан юқори; الْـ~ الْمُطْلَقُ абсолют ноль; حَصَلَ عَلَى ~ *ёки* أَخَذَ ~ا ноль олмоқ, *бизнингча:* бир баҳо олмоқ (*ўқувчи ҳақида*); اِنْطَلَقَ مِنْ ~ нолдан (қоқ-қуруқ жойдан) бошламоқ; جَمَعَ الْأَصْفَارَ нолларни қўшмоқ (*яъни: йўқ нарсаларни қўшганинг билан ҳеч қандай натижа чиқмайди*); فِي السَّاعَةِ الْـ~ *ҳарб.* соат нолда (*мас., ҳужум пайти*); حَدَّدَ سَاعَةَ الْـ~ ҳал қилувчи ҳаракатлар учун муддат белгиламоқ; 2) ҳеч нима; لَيْسَ أَكْثَرَ مِنْ ~ عَلَى الْيَسَارِ ҳеч нима эмас, ҳеч нарса эмас, қоқ-қуруқ (*сўзма-сўз: чапдан ўқиганда нолнинг ўзичалик*); 3) ...сиз, ...и (...си) йўқ; بَيْتٌ ~ مِنَ الْمَتَاعِ матоҳсиз (матоҳи йўқ) уй; رَجُلٌ ~ الْيَدَيْنِ ҳеч вақоси йўқ одам

– صُفْرٌ، صِفْرٌ 1) сариқ мис, жез, бронза; *эск.* биринж; 2) олтин, тилло

– صَفْرَاءُ 1) сафро; ўт; اِلْتِهَابُ كِيسِ الْـ~ мед холецистит; اِنْعِدَامُ الْـ~ *мед.* ахолия; 2) олтин

– صَفْرَاوِيٌّ сафровий, сафрога оид; الْحُمَّى الْـ~ـةُ безгак; ضَحْكَةٌ ~ـةٌ таҳқирловчи кулги

– صُفْرَةٌ 1) сарғишлик, сарғимтирлик, сариқ ранг; 2) оқарганлик, оқариб кетганлик

– صَفَرِيَّاتٌ *кўп.* аскаридалар, юмалоқ гижжалар

– صَفِيرٌ 1) (*чалинган*) ҳуштак; 2) ҳуштак (*чалинадиган*), гудок; حُرُوفُ الْـ~ *фон.* ҳуштак овозини эслатувчи ундошлар (ص، س، ز); ~ مُزْعِجٌ ташвишли ҳуштак

صَفْصَفَ (*сочларни*) тарамоқ, тартибга келтирмоқ

– صَفْصَافٌ *жам. бот.* толлар; ~ بَاكٍ мажнунтоллар

– صَفْصَافَةٌ *кўп.* ـــاتٌ тол; ~ مُسْتَحِيَةٌ *ёки* ~ بَاكِيَةٌ мажнунтол

– صَفْصَفٌ *кўп.* صَفَاصِفُ текислик; قَاعٌ ~ текис, бўм-бўш ер (жой)

– صَفْصَفَةٌ тараниш

صَفَعَ I (а) صَفْعٌ юзга урмоқ, шапалоқ тортмоқ

– صَفْعَةٌ *кўп.* صَفَعَاتٌ юзга уриш, шапалоқ, шапалоқлаш

صَفَقَ I (صفق) (и) صَفْقٌ 1) шапиллатмоқ, қарсиллатмоқ, уриб қўймоқ; ~ بِجَنَاحَيْهِ қанот қоқмоқ (*қуш ҳақида*); 2) қаттиқ (қарсиллатиб) ёпмоқ (*эшикни*); 3) бор-барака қилмоқ (*қўлни қўлга бериб*), келишмоқ, шартлашиб олмоқ; ~ لَهُ بِالْبَيْعِ бор-барака қилмоқ (*савдода*); 4) бир идишдан иккинчи идишга (*тозалаш учун*) қуймоқ, аралашмадаги турли қисмларни сув ёрдамида бир-биридан ажратмоқ; ~ الدَّمَ *мед.* қон қуймоқ; صَفُقَ (у) صَفَاقَةٌ 1) йўғон (қалин) ва мустаҳкам бўлмоқ; 2) уятсиз (сурбет, виждонсиз) бўлмоқ; صَفَّقَ II 1) қарсак (чапак) чалмоқ; ~وا بِمِلْءِ أَيْدِيهِمْ (*к. гадир н. гадир*) гулдурос қарсак чалмоқ; ~ بِجَنَاحَيْهِ қанот қоқмоқ, шапиллатмоқ; 2) (*к. нидир, н. нидир*) қўллаб-қувватламоқ, маъқулламоқ; 3) бир идишдан иккинчи идишга қуймоқ, аралашмадаги турли қисмларни бир-биридан сув ёрдамида ажратмоқ; IV أَصْفَقَ қон қуймоқ; VII اِنْصَفَقَ қарсилламоқ (*эшик ҳақида*); VIII اِصْطَفَقَ овоз чиқармоқ, шарақ-шуруқ қилмоқ (*мас., ойналар*); чирсилламоқ, чарсилламоқ (*ёнаётган ўтин ҳақида*), шовулламоқ (*денгиз тўлқини ҳақида*)

– إِصْفَاقٌ қон қуйиш

– تَصْفِيقٌ қарсаклар, чапаклар; الْـ~ الْحَادُّ *ёки* الْـ~ الْعَاصِفُ гулдурос қарсаклар

– صِفَاقٌ *кўп.* صُفُقٌ 1) боғловчи қобиқ; ошқозоннинг шамоллайдиган қобиғи; اِلْتِهَابُ الْـ~ *мед.* перитонит (*ошқозон шамоллаши*)

– صَفَاقَةٌ 1) қалинлик; 2) *шунингдек.* ~ الْوَجْهِ виждонсизлик, безбетлик, номуссизлик; بِكُلِّ ~ وَوَقَاحَةٍ а) ўта виждонсизларча, номуссизлик билан; б) уятсиз ва номуссиз

– صَفْقٌ 1) қарсак (*чапак*) чалиш; қарсиллатиш; ~ الْبَابِ эшикнинг қарсиллаши; 2) биридан иккинчисига қуйиш; ~ الدَّمِ қон қуйиш

– صَفْقَةٌ *кўп.* صَفَقَاتٌ келишув, битим, савдо битими (шартномаси); عَقَدَ ~ савдо битими (шартномаси, келишуви) тузмоқ; ~ رَابِحَةٌ фойда келтирувчи битим; ~ خَاسِرَةٌ зарар келтирувчи битим; ~ الْمَغْبُونِ *маж.* алдаш, панд бериш, товламачилик

– صَفِيقٌ *кўп.* صِفَاقٌ 1) йўғон, семиз; 2) *шунингдек.* ~ الْوَجْهِ виждонсиз, номуссиз, уятсиз

– مُصَفِّقٌ كўп. مُصَفِّقٌ مَصَافِقُ биржа

– مُصَفِّقٌ 1. қарсак (чапак) чалувчи; 2. кўп. ـاتٌ — *шунингдек. муз.* шақилдоқ

I صَفَنَ (и) صُفُونٌ 1) туёқни тақиллатмоқ (*от ҳақида*); 2) фикр қилмоқ, иккиланмоқ, тараддудланмоқ, ўйланиб ўтирмоқ

– صَافِنٌ туёқтақиллатар (*отнинг лақаби*): ~ جَوَادٌ энг яхши от, жавод от; уч оёқда росмана туриб, тўртинчи оёқ туёғининг учида турган от

– صَفَنٌ кўп. أَصْفَانٌ *анат.* мояк халтаси

– صُفْنٌ чўпонларнинг озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни солиб юрадиган халтаси (хуржуни)

– صَفِينَةٌ *бот.* қора арча

صِفَةٌ қар. وصف

I صَفَا (صفو) (у) صَفْوٌ мусаффо (соф, тоза, очиқ) бўлмоқ; булутсиз бўлмоқ; II صَفَّى 1) тозаламоқ, фильтрламоқ, сузмоқ, элакдан (тўрдан) ўтказмоқ, (*шакарни*) эламоқ; 2) оқизиб юбормоқ, қуритмоқ; 3) тугатмоқ, битирмоқ; ~ الْأَوْرَاقَ الْمَالِيَّةَ мол. қимматбаҳо қоғозларни нақд пулга алмаштирмоқ ◊ ~ الْخَشَبَ тахта рандаламоқ; III صَافَى (*к. гадир*) дўстона муносабатлар кўрсатмоқ, сидқидилдан муносабатда бўлмоқ; IV أَصْفَى 1) (*к. гадир*) сидқидиллик кўрсатмоқ (*туш. к. ёки* ـلـ); 2) (*к. гадир н. нидир*) совға қилмоқ (ب); V تَصَفَّى тозаланмоқ, фильтрланмоқ, элакдан (тўрдан) ўтказилмоқ; VI تَصَافَى сидқидилдан муносабатда бўлмоқ; севишмоқ; 2) ярашмоқ; VIII اصْطَفَى танламоқ, сайламоқ; X اسْتَصْفَى 1) конфискация қилмоқ, тортиб олмоқ; 2) тозаламоқ; 3) йўқотмоқ, битирмоқ; 4) танлаб олмоқ, сайлаб олмоқ; 5) (*мол-мулкни*) нақд пулга айлантирмоқ

– اسْتِصْفَاءٌ конфискация, тортиб олиш

– اصْطِفَاءٌ 1) танлаш, танланиш, танлов; селекция; الـ~ الطَّبِيعِيُّ табиий танланиш; عُلَمَاءُ الـ~ селекционерлар

– اصْطِفَائِيٌّ 1. селекцияга оид; 2. селекционер

– تَصَافٍ 1) чин дўстлик; 2) ярашиш

– تَصْفَوِيٌّ тугатувчилиликка (битирувчиликка, ликвидаторликка) оид

– تَصْفِيَةٌ тозалаш, фильтрлаш, элакдан (сузгичдан) ўтказиш; тиндириш, тиниқлаштириш (*суюқликни*); 2) тугатиш, битириш, ликвидация; тиндириш, бир ёқли қилиш (*масалани*); 3) *спорт.* танлов мусобақалари; ◊ ~ فَارَةٌ ранда

– صَافٍ мн. صَافِيَةٌ 1. соф, тоза, тиниқ, аниқ, очиқ; булутсиз (*осмон ҳақида*); صَافِي النِّيَّةِ соддадил; 2. 1) нетто (*соф оғирлик*); 2) қолдиқ; ~ رِبْحٌ соф фойда; صَافِي الْإِيرَادِ соф даромад;

– صَفًا хотин-қизлар сочи безаклари (*олтин ва кумуш тақинчоқлардан иборат*)

– صَفًا *жам.* тошлар, қоялар

– صَفَاءٌ 1) мусаффолик, тиниқлик, аниқлик; булутсизлик (*осмон*); 2) сидқидиллик; 3) тинчлик, хотиржамлик; ~ الْعَيْشِ бахтли ҳаёт, бахтли турмуш

– صَفَاةٌ кўп. صَفَوَاتٌ тош

– صَفْوٌ 1) мусаффолик, тиниқлик, аниқлик; булутсизлик (*осмон*); 2) сидқидиллик

– صَفْوَانٌ *жам.* = صَفْوَاءُ; كَمَثَلِ ~ عَلَيْهِ تُرَابٌ *қур.* устига тупроқ ўлтирган тош каби ...

– صَفْوَاءُ тош

– صَفْوَةٌ 1) танлов, танлаш; 2) ҳамма яхши нарса; الـ~ الْمُخْتَارَةُ энг яхши нарсалар; ~ زَبَائِنِهِ кимнингдир энг яхши мижоз (харидор)лари, сотиб олувчилари; ◊ ~ الْقَوْلِ бир сўз билан айтганда

– صَفِيٌّ[1] 1. мусаффо, аниқ, тиниқ; 2. кўп. أَصْفِيَاءُ танланган одам, чин дўст

– صَفِيٌّ[2] отардаги қўйлардан тақсимотдан илгари бошлиқ ўзига танлаб олган улуш

– مُصَافَاةٌ софлик, ўзаро муносабатларнинг сидқидилданлиги

– مُصْطَفًى 1. танланган; танлаб олинган; 2. *am. от. мз.* Мустафо

– مُصَفًّى тозаланган; мусаффо

– مُصَفٍّ мн. مُصَفِّيَةٌ тугатувчи, битирувчи, ликвидатор

– مِصْفَاةٌ кўп. مَصَافٍ 1) фильтр; ~ تَكْرِيرِ النَّفْطِ нефть тозалаш фильтри; ~ الزَّيْتِ ёғ фильтри; 2) элак, сузгич

III صَاقَبَ (صقب) 1) яқин орада бўлмоқ; 2) яқин (қалин) бўлмоқ

– مُصَاقَبَةٌ яқинлик, қариндошлик

صَاقُورٌ кўп. صَوَاقِيرُ чўқмор, чекич, метин

– صَاقُورَةٌ кўп. صَوَاقِيرُ 1) *анат.* юқори бош чаноғининг ички томони; 2) чўқмор, чекич, метин

– صَقَّارٌ қуш ови бошлиғи, лочин билан қуш овловчи

– صَقْرٌ[1] кўп. صُقُورٌ, أَصْقُرٌ лочин, қийғир; қарчиғай; ~ اللَّيْلِ *зоол.* тентакқуш; ~ النَّامُوسِ *зоол.* ниначи

I صَقَعَ (صقع) (а) صَقْعٌ, صُقَاعٌ, صَقِيعٌ 1) қичқирмоқ (*хўроз ҳақида*); қуқуламоқ; 2) *мажх.* совуқ емоқ, совқотмоқ; совиб кетмоқ; II صَقَّعَ музлаб қолмоқ, музлаб кетмоқ, қаттиқ совуқ емоқ

– أَصْقَعُ ёлғончи, алдамчи

– أَصْقَعُ = صَاقِعٌ

– صُقَاعٌ хўроз қичқириғи

– صِقَاعٌ кўп. صُقُعٌ, أَصْقِعَةٌ чиммат, аёллар юзини яшириб турадиган ёпинғич; ~ الْغَازِ противогаз

– صُقْعٌ кўп. أَصْقَاعٌ 1) жой, ер участкаси; 2) район, область, ҳудуд; ер; территория

– صَقْعَانٌ совқотиб қолган, совуқ еган

– صَقْعَة қаттиқ совуқ, буюқ, изғирин

– صَقِيع 1) совуқ; 2) муз

– مِصْقَع *кўп.* مَصَاقِع чечан, сўзамол, ажойиб, зўр (*нотиқ*)

– مَصْقُوع музлаган, яхлаган; ~ـة أَرْض музлаган ер

I صَقَلَ (у) صَقْل 1) силлиқламоқ, сайқалламоқ, ойнадай қилиб сайқалламоқ; жило бермоқ, жилоламоқ; 2) *кўч. м.* нафислаштирмоқ, нафосат бахш этмоқ; 3) *кўч. м.* тобламоқ; ~تْهُ التَّجْرِبَةُ (التَّجَارِبُ) тажриба уни тоблаб қўйган, у тажрибада тобланган; VII اِنْصَقَلَ сайқалланган (жило берилган) бўлмоқ, жилоланилмоқ

– صِقَال сайқаллаш, жилолаш, силлиқлаш

– صَقَّال сайқалловчи, жило берувчи

– صَقَالَة, صِقَالَة *кўп.* صَقَائِل 1) ҳавоза, ҳавозалар; тахта зина (*ҳавозадан тушиш учун*); 2) тахта-ёғочлар (*қурилишдаги*); 3) ишком сўри (*ток кўтариш учун*)

– صِقِلِّيّ 1. Сицилияга оид; 2. сицилиялик

– صَقِيل[1] ялтироқ; жилоланган, жилоланувчи

– صَقِيل[2] қилич, шамшир

– صَيْقَل *кўп.* صَيَاقِلَة, صَيَاقِل = صَقَّال

– مِصْقَلَة *кўп.* مَصَاقِل сайқал бериш асбоби

– مَصْقُول сайқалланган, силлиқланган; ялтироқ; ~ وَرَق ялтироқ қоғоз

صَقْلَبِيّ *кўп.* صَقَالِبَة славян

I صَكَّ (а/у) صَكّ 1) (*эшикни устидан*) беркитмоқ; 2) урмоқ; ~ صَدْرَهُ ўз кўкрагига урмоқ (муштламоқ); VIII اِصْطَكَّ такилламоқ (*тиш ҳақида*); титрамоқ (*тиззалар ҳақида*)

– صَكّ *кўп.* صُكُوك, صِكَاك 1) акт, ҳужжат; тилхат; ~ الاِتِّهَام айбнома; ~ الاِنْتِدَاب мандат олиш учун берилган ҳужжат; ~ الْبَيْع бай ҳужжати, савдо келишуви ҳақидаги ҳужжат; 2) чек; ~ مَصْرِفِيّ банк чеки

– صَكَّة (*совуқ ёки иссиқнинг*) энг юқори нуқтаси, авжи; ~ الشِّتَاء қиш чилласи (авжи); ~ الصَّيْف ёз жазирамаси (авжи)

I صَلَّ (а/и) صَلِيل жаранггламоқ, жингирламоқ, жангирламоқ; صَلَّ (а/и) صُلُول айнимоқ, сасимоқ, бузилмоқ (*гўшт*); IV أَصَلَّ = I

– صِلّ *кўп.* أَصْلَال, صِلَال 1) (*заҳарли*) илон; ~ مِصْرِيّ кобра илони; 2) авраб бўлмайдиган илон

– صَلَّال жарангдор, жангиллаган; ~ طِين жангиллаган сопол

– صَلِيل жаранг, жиринг, жингир, жангир

– مِصْلَال = صَلَّال

I صَلَبَ (и) صَلْب (صلب) 1) туртмоқ, тепиб ташламоқ; 2) тирамоқ, тираб қўймоқ, тиргак қўймоқ; صَلُبَ (у) صَلَابَة қаттиқ (қаттиқ қўл) бўлмоқ, салобатли бўлмоқ; II صَلَّبَ 1) мустаҳкам (маҳкам, қаттиқ) қилмоқ; мустаҳкамламоқ; 2) бутга чўқинмоқ (*христианлар одати бўйича, бирор н. дан чўчисалар ёки ишлари муваффақиятсиз чиқса, шунингдек, бошқа кўп ҳолатларда бармоқларни жуфтлаб, пешонага, қоринга, икки елкага тегизиб, бут ишорасини қиладилар*); тирамоқ, тираб қўймоқ, тиргак қўймоқ; ~ الْقَلْبَ раҳмсиз (шафқатсиз) қилмоқ, тошюрак (бағритош) қилиб қўймоқ; V تَصَلَّبَ 1) қотмоқ, мустаҳкам (маҳкам) бўлмоқ; 2) совиб қолмоқ, қотиб қолмоқ (*мурда ҳақида*); 3) увишиб қолмоқ (*тана аъзолари ҳақида*); 4) (*н. дадир*) қатъиятлик (қатъият, қайсарлик) кўрсатмоқ (فِي); VI تَصَالَبَ чалиштирмоқ (*қўлни*)

– تَصَلُّب қотиш, қотиб қолиш; ~ الأُذُنِ الدَّاخِلِيَّة *мед.* отосклероз; ~ الشَّرَايِين ёки ~ الـ التَّاجِيّ *мед.* юрак тож томирлари склерози; ~ شِرْيَانِيّ *мед.* артериосклероз

– صَالِب *шунингдек,* ~ حُمَّى юқори ҳарорат ва титроқ билан ўтадиган безгак

– صَلَابَة 1) қатъият, қатъийлик; мустаҳкамлик, маҳкамлик; 2) қаттиқ туриш, ўжарлик, қайсарлик; ~ الرَّأْي ўжарлик, саркашлик; ~ الْعُود саботлилик, матонатлилик

– صَلْب чормихга тортиш, қўл-оёқни бутга тортиб михлаш

– صَلَب 1) *анат.* умуртқа; 2) илик

– صُلْب[1], صَلْب қаттиқ, маҳкам, мустаҳкам, саботли; ~ الرَّأْي (الرَّقَبَة) ўжар, қайсар, саркаш; ошқовоқ каллали

– صُلْب[2] *кўп.* أَصْلَاب 1) умуртқа, умуртқа суяги; 2) бел, думғаза; 3) матн, текст; моҳият, мағиз; ~ الْكِتَاب китоб матни (тексти); ~ الْبَيَان баёнот матни (тексти); ~ الْمَوْضُوع мавзу моҳияти (мағзи); ~ الْمُعَاهَدَة шартнома (битим) матни; ◊ ~ اللُّغَة الْعَرَبِيَّة араб тилининг луғат захираси (состави); فِي أَصْلَابِ التَّارِيخ тарих қаърида; اِبْنُ ~ـه унинг ўз ўғли; مِنْ ~ـه وَ دَمِه унинг пушти камаридан

– صُلْب[3] пўлат; ~ لَا يَصْدَأُ занглamas пўлат

– صُلْبَة тиргак, таянч

– صُلْبَة *анат.* кўзнинг оқ пардаси

– صُلْبِيّ пўлатга оид

– صَلِيب[1] *кўп.* صُلُب, صُلْبَان 1) бут, салиб; الـ~ الأَحْمَر Қизил Крест; ~ مَعْقُوف ёки ~ أَسْوَد свастика (*фашизм тамғаси*); عُودُ الـ~ а) *дин.* Исо алайҳиссалом михланган бутни ясалган дарахт (кедр, сарв); б) *бот.* саллагул; عِيدُ الـ~ *дин.* (*христианларда*) вознесение (меърож) байрами; 2) чўқиниш (*қар. II* صَلَّبَ 2); يَوْمُ الـ~ Нил тошқини тўхтайдиган кун

– صَلِيب[2] 1) кучли, қудратли; 2) қаттиқ, қатъиятли; ~ مَاء қаттиқ сув; 3) зоти асл; ~ عَرَبِيّ هُوَ у соф қонли арабдир

– صَلِيبَة келиб чиқишнинг (насл-насабнинг) асллиги; ~ عَرَبِيّ соф қонли араб

– صَلِيبِيٌّ 1. салиб (бут) га оид; الْحُرُوبُ الـ~ـة салиб юришлари; 2. салибчи

– صَلِيبِيَّاتٌ *кўп. бот.* бутгулдошлар, карамгулдошлар

– مُصَلَّبٌ *кўп.* ـَاتٌ — чорраҳа, икки йўлнинг кесишган жойи

– مَصْلُوبٌ 1) чормих (бут) га михлаб қўйилган; 2) тираб қўйилган, тиралган

I صَلَتَ (у) صُلُوتَةٌ силлиқ ва ялтироқ (жилвали) бўлмоқ; IV أَصْلَتَ яланғочламоқ (*мас., қиличини*)

صُلْجَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, صُلَجٌ пилла

صَوْلَجَانٌ *алиф.б.қар.*

I صَلُحَ (у) ёки صَلَحَ (а) صُلُوحٌ, صَلَاحٌ 1) яхши бўлмоқ, тўғри бўлмоқ; жойида (тартибли) бўлмоқ, яроқли (мос келадиган) бўлмоқ, (*унга*) мос келмоқ (لِـ); 2) солиҳ (художўй) бўлмоқ; 3) яхшиланмоқ; II صَلَّحَ 1) яхшиламоқ, яроқли (мос) қилмоқ; тўғриламоқ, хатоларни йўқотмоқ, тартибга (жойига) келтирмоқ; ~ الْأَرَاضِي ерларни тубдан яхшиламоқ, қишлоқ хўжалигига яроқли ҳолга келтирмоқ, мелиорация ўтказмоқ; 2) тузатмоқ, таъмир қилмоқ; III صَالَحَ ярашмоқ, (*к. биландир*) ярашиш аҳди тузмоқ (مَعَ); яраштирмоқ (بَيْنَ); IV أَصْلَحَ яхшиламоқ; яроқли қилмоқ; тўғриламоқ; тўғрилаб қўймоқ; ~ الْخَطَأَ хатоларни тўғриламоқ; 2) таъмир қилмоқ, тузатмоқ; 3) реформа қилмоқ, қайта тузмоқ (қурмоқ); 4) (*к. нидир*) яраштирмоқ (بَيْنَ); V تَصَلَّحَ 1) яроқли бўлмоқ; тўғриланмоқ; 2) таъмирланмоқ, тузатилмоқ; VI تَصَالَحَ ўзаро ярашмоқ; VII انْصَلَحَ 1) яхшиланмоқ, тартибга келмоқ; 2) тўғри (яхши) бўлиб қолмоқ (*жиноятчи ҳақида*); VIII اصْطَلَحَ 1) яхшиланмоқ, тўғриланмоқ; 2) (*к. биландир*) ярашмоқ (مَعَ); 3) (*к. ёки н. биландир*) келишмоқ; (*н. ҳақдадир*) келишиб олмоқ, гапни бир жойга қўймоқ, шартлашиб олмоқ (عَلَى); (*н. нидир*) қабул қилмоқ (عَلَى); X اسْتَصْلَحَ 1) яроқли деб ҳисобламоқ; 2) (*бирор н. ни*) яхшилаш (тўғрилаш)га эришмоқ; ~ الْأَرَاضِي мелиорация ўтказмоқ; ~ الْأَرَاضِيَ الْبِكْرَ қўриқ (бўз) ерларни ўзлаштирмоқ

– اسْتِصْلَاحٌ яхшилашга интилиш (ҳаракат қилиш); ~ الْأَرَاضِي الْبِكْرِ қўриқ (бўз) ерларни ўзлаштириш

– اصْطِلَاحٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) шартлилик, умумий келишув; одатий сўз қўллаш; بِالـ~ шартли равишда; 2) махсус сўзлар, термин; الـ~ الدِّيوَانِيُّ идора (девон, канцелярия) тили; الـ~ التِّلِغْرَافِيُّ телеграф коди

– اصْطِلَاحِيٌّ 1) шартли; لُغَةٌ ~ـَةٌ шартли тил; 2) идиомага оид, идиоматик; 3) техникага оид, техник

– إِصْلَاحٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) яхшилаш, тўғрилаш; таъмир; ~ الْأَرَاضِي мелиорация; ~ الْيَدِ кичик (қўлда бажариладиган) таъмир; 2) ислоҳот; الـ~ الزِّرَاعِيُّ аграр (ер) ислоҳоти

– إِصْلَاحِيٌّ 1.1) ахлоқ тузатишга оид; 2) ислоҳотга оид; 2. ислоҳотчи, реформист; الـ~ُونَ الْاشْتِرَاكِيُّونَ социал-реформистлар

– إِصْلَاحِيَّةٌ 1) ислоҳотчилик, реформизм; 2) ахлоқ тузатиш жойи; ~ الْأَحْدَاثِ вояга етмаган жиноятчиларнинг ахлоқ тузатиш уйи

– تَصَالُحٌ яраш, ярашиш

– تَصْلِيحٌ *кўп.* ـَاتٌ — кичик таъмир, тузатиш, ремонт; تَصْلِيحَاتٌ كُلِّيَّةٌ капитал таъмир (ремонт); تَصْلِيحَاتٌ مُرَكَّبَةٌ ўрта (жорий) ремонт; مَصْنَعُ ~ِ السَّيَّارَاتِ автомобиллар таъмирлаш заводи; ◊ ~ُ الْأَرَاضِي мелиорация

– صَالِحٌ[1] 1) яхши, эзгу, олижаноб; тўғри; тўғри йўлдаги; 2) *кўп.* صُلَحَاءُ солиҳ; 3) (*н. ғадир*) яроқли (لِـ); ~ لِلْمُرُورِ ҳаракат учун яроқли (*йўл*); أَصْبَحَ ~ًا لِـ... ... учун яроқли (қобилиятли) бўлмоқ

– صَالِحٌ[2] *кўп.* صَوَالِحُ 1) фойда, наф, манфаат; لِـ~ِـهِ кимнингдир фойдасига (*суд қарори ҳақида*); ضِدَّ ~ِـهِ (صَوَالِحِهِ) унинг манфаатига (манфаатларига) қарши (зид); مِنْ ~ِـهِ أَنْ ... кимнингдир манфаатлари учун; اسْتَغَلَّ الظُّرُوفَ لِـ~ِـهِ шароитдан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқ; 2) эзгу иш, эзгулик; الـ~ُ الْعَامُّ умум манфаати

– صَالِحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — эзгу иш, ҳиммат, мурувват

– صَلَاحٌ 1) эзгу иш, эзгулик; 2) диёнат, солиҳлик, тақводорлик, тақво, аброрлик; 3) (*н. ғадир*) яроқлилик (لِـ); عَدَمُ ~ яроқсизлик

– صَلَاحِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) яроқлилик, бузуқ эмаслик, ишлайдиган (*мас., тормоз ҳақида*); мақсадга мувофиқлик; 2) тўла ҳуқуқлилик, тўла ҳокимлик, ваколат, ҳуқуқ, ихтиёр; юрисдикция, суд қилиш ҳуқуқи; عَدَمُ ~ а) яроқсизлик, бузуқлик; б) ваколатсизлик, ҳақ-ҳуқуқи йўқлик; حَائِزُ الـ~ التَّامَّةِ барча ваколатга (ҳақ-ҳуқуқларга) эга бўлган; مُطْلَقُ الـ~ *дип.* мухтор

– صُلْحٌ сулҳ, тинчлик, ярашиш; قَاضِي الـ~ яраштирувчи (келиштирувчи) судья (ҳакам, қози); مَحْكَمَةُ الـ~ яраштирувчи суд (*жараён ҳақида*); مُؤْتَمَرُ الـ~ тинчлик конференцияси; مُعَاهَدَةُ الـ~ тинчлик битими (шартномаси); الـ~ُ التَّحَفُّظِيُّ қодир бўлмаган (камбағал) қарздор билан қарз берувчи ўртасида тузилган битим (шартнома)

– صُلْحِيٌّ тинчликка (ярашишга) оид

– صَلَاحِيَّةٌ = صُلُوحِيَّةٌ

– مُصَالِحٌ яраштирувчи, келиштирувчи

– مُصَالَحَةٌ тинчлик битими тузиш, ярашиш; ~ مُؤَقَّتَةٌ муваққат битим (*modus vivendi*)

مُصْطَلَحٌ – 1. битим (шартнома)га оид; умум томонидан қабул қилинган; одатдаги (عَلَيْهِ); 2. *кўп.* ~ اتٌ — истилоҳ (термин), шартли ифода; مُصْطَلَحَاتٌ عِلْمِيَّةٌ илмий истилоҳлар (терминлар)

مُصْلِحٌ – 1) ислоҳотчи, реформатор; 2) туз (*мас. ош тузи*)

مَصْلَحَةٌ – *кўп* مَصَالِحُ 1) *шунингдек* الـ~ الْعَامَّةُ умумхалқ манфаати (бахт-саодати); 2) наф, фойда; иш; манфаат لِـ~ فُلَانٍ фалончининг фойдаси (манфаати) учун; لِـ~ مَنْ هٰذَا ؟ бунинг кимга фойдаси бор?; бу кимга манфаат келтиради?; جَاءَ هٰذَا فِي ~ـِهِ (ضِدَّ ~ـِهِ) бу унга фойда (зарар)ли бўлди; مَصَالِحُ حَيَوِيَّةٌ ҳаётий манфаатлар; صَاحِبُ الـ~ манфаатдор шахс, манфаат эгаси (فِي); (*бирор к да*) иши бор одам; 3) бўлим, муассаса, маҳкама, бошқарма; ~ التِّجَارَةِ وَ الصِّنَاعَةِ савдо ва саноат бўлими; ~ الْجَمَارِكِ божхоналар бошқармаси; ~ الصِّحَّةِ санитария бошқармаси; ~ الْغَازِ газ тармоқлари бошқармаси

مَصْلَحِيَّةٌ – гаразли манфаат

أَصْلَخُ *мн* صُلْخَاءُ *кўп.* صُلْخٌ кар (эшитмайдиган)

صَلَخٌ – карлик

صَلَدَ I (*u*) صُلُودٌ، صُلُودَةٌ 1) қаттиқ (маҳкам, мустаҳкам) бўлмоқ; 2) бағритош бўлмоқ; 3) الزَّنْدُ ~ чақмоқтошдан ўт чиқмади; IV أَصْلَدَ қаттиқ бўлмоқ; الرَّجُلُ ~ кишининг чақмоқтоши ўт бермади; V تَصَلَّدَ қотмоқ, қотиб қолмоқ

أَصْلَدُ *мн* صُلْدَاءُ *кўп* صُلْدٌ – 1) жуда қаттиқ; 2) жуда (ўта) қизғанчиқ, хасис, зиқна, курумсоқ

تَصَلُّدٌ – қотиш, қотиб қолиш; أَسْمَنْتٌ سَرِيعُ الـ~ тез қотувчи цемент

صَلَادَةٌ – қаттиқлик, мустаҳкамлик

صَلْدٌ *кўп.* أَصْلَادٌ – қаттиқ (*тош ҳақида*); ~ الْقَلْبِ тошюрак, бағри тош; тошдийда

صُلُودٌ – 1) жуда қаттиқ, жуда мустаҳкам; 2) хасислик, зиқналик, курумсоқлик, бахиллик

صَلَوْرٌ *зоол.* денгиз илонбалиғи

صَلْصَلَ жиринглaмоқ, жарангламоқ; тақир-туқур қилмоқ, тарақламоқ (*арава ҳақида*) صَلْصَلَ = تَصَلْصَلَ

صُلَاصِلٌ *кўп. муз.* – шақилдоқ

صَلْصَالٌ – оқ кўзагарлик гили

صَلْصَالِيٌّ – гилли, гилга оид

صَلْصَلَةٌ – жаранг, шарақ-шуруқ (*мас., қилич овози*); тарақ-туруқ

صَلْصَةٌ *кўп.* صَلْصَاتٌ، أَصْلَاصٌ – қайла

صَلْطَحَ ясси қилмоқ, ясcиламоқ

مُصَلْطَحٌ – 1) ясси; 2) майда, саёзликда яшовчи

صَلَعَ I (*a*) صَلَعٌ кал бўлмоқ, ялтирбош (тоз) бўлмоқ

أَصْلَعُ *мн.* صُلْعَاءُ *кўп.* صُلْعٌ кал, ялтироқбош, тоз

صَلَعٌ – каллик, бошдаги соч йўқ жой

صَلَعٌ = صَلْعَةٌ –

صلعم *қ исқ.* صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ сўзларининг қисқартмаси (*қар* صلو)

صَلَفَ I (*a*) صَلَفٌ 1) мақтамоқ, (*н билан*дир) мақтанмоқ; инжиқлик қилмоқ; 2) эрдан бахтсиз бўлмоқ; ~تِ الْمَرْأَةُ эрнинг ёқтирмаслиги натижасида роҳат кўрмай кун ўтказмоқ (*аёл ҳақида*); V تَصَلَّفَ = I

صَلَفٌ، صَلَافَةٌ – мақтанчоқлик, кеккайганлик; ўзи ҳақида юксак фикрда бўлиш, инжиқлик; فِي ~ *ёки* بِـ~ инжиқлик билан, инжиқлик қилиб, инжиқларча

صَلِفٌ – 1. 1) мақтанчоқ; 2) маза-матрасиз (*овқат ҳақида*); 2. *кўп.* صُلَفَاءُ мақтанчоқ, мақтанувчи

صَلِفَةٌ – эрдан роҳат кўрмай яшовчи (*аёл*)

صَلَقَ I (*y*) صَلْقٌ войдодламоқ, фарёд қилмоқ, чинқирмоқ, қичқирмоқ

صَلْقٌ – қаттиқ овоз, чинқириқ, қичқириқ

صَلِيقَةٌ *кўп.* صَلَائِقُ – юмшоқ нон, лўмбиллаган нон, бўрсилдоқ нон

صَلَمَ I (*u, y*) صَلْمٌ узиб олмоқ, кесиб олмоқ (*қулоқни*); майиб қилмоқ

أَصْلَمُ *мн* صَلْمَاءُ *кўп* صُلْمٌ – қулоғи кесилган

صِلَةٌ *қар.* وصل

صَلَّى II (صلو) 1) ибодат қилмоқ, намоз ўқимоқ; ҳар кунги беш вақт намозни адо қилмоқ; ~ إِلَى اللّٰهِ Оллоҳга ибодат қилмоқ; 2) (*к. нидир*) дуо қилмоқ (عَلَى)؛ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ (*расули акрамнинг номлари айтилганда қўшиб айтиладиган тилак; мас., Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам-қисқ.* صلعم *ёки* ص); 3) салавот ўқимоқ; 4) мукофот пакқасига иккинчи бўлиб етиб келмоқ (*от ҳақида*)

صَلًا *кўп.* أَصْلَاءُ – от сағриси

صَلَاةٌ *кўп.* صَلَوَاتٌ – 1) салавот, намоз, ибодат; ~ الْغَائِبِ ўлган киши ҳаққига қилинган салавот; ~ الْجُمُعَةِ жума намози; الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ кундалик беш вақт намоз; ~ الْغَدَاةِ *ёки* ~ الْفَجْرِ *ёки* ~ الصُّبْحِ бомдод намози; ~ الظُّهْرِ пешин намози; ~ الشَّاهِدِ *ёки* ~ الْعَصْرِ аср намози; ~ الْمَغْرِبِ шом намози; ~ الْعِشَاءِ хуфтон намози; ~ التَّرَاوِيحِ таровиҳ намози; ~ الرَّحْمَةِ (*к. нинг*дир) жанозасини ўқиш (عَلَى); كِتَابُ ~ намоз китоби; أَدَّى ~ الْعِيدِ ийд (ҳайит) намозини ўқимоқ; عَلَيْهِ الـ~ وَ السَّلَامُ! *дин.* У зотга Оллоҳнинг марҳамат ва саломи бўлсин!; 2) дуо, дуо қилиш; الـ~

مِنَ اللهِ تَعَالَى Оллоҳнинг раҳмати; صَلَّى *феъли масдари ўрнида ишлатиладиган сўз*

– صَلَوٰةٌ *кўп.* صَلَوَاتٌ намоз, ибодат

– مُصَلٍّ *мн.* مُصَلِّيَةٌ *кўп.* مُصَلُّونَ ибодат қилаётган; 2. мукофот пакқасига иккинчи бўлиб етиб келган от

– مُصَلًّى *кўп.* مُصَلَّيَاتٌ ибодат қилинадиган жой, ибодатхона, масжид

I (صلى) صَلَى (и) صَلْيٌ (а) صِلِيٌّ ковурмоқ, пиширмоқ; صَلِيَ қовурилмоқ, пиширилмоқ; II صَلَّى (*қар. шунингдек:* صلو); иситмоқ; IV أَصْلَى ёқмоқ, куйдирмоқ; ... بِهِ (أَصْلَاهُ) نَارًا حَامِيَةً ~ *харб.* ... бўйлаб кучли ўт очмоқ; أَصْلَاهُ حَرْبًا عَوَانًا ким билан дир аёвсиз уруш олиб бормоқ; V تَصَلَّى исинмоқ, иситилмоқ; ~ لِنَارِ الْاضْطِهَادِ *мaж.* кучли (аёвсиз) қувғинга дучор бўлмоқ; VIII اصْطَلَى (*н. билан дир*) исинмоқ, иситилмоқ (بِ);

– صَلَاءَةٌ، صَلَايَةٌ *кўп.* صُلِيٌّ (1 (*муаттар бўй тарқатадиган н. лар янчиладиган*) тош; 2) ўгир

– مُصْطَلًى камин (*ўчоқсимон уй печкаси*)

– مِصْلَاةٌ *кўп.* مَصَالٍ тузоқ (*қушлар учун*)

I (صم) صَمَّ[1] صَمٌّ (*а/у*) (*тиқин билан*) бекитмоқ; ~ الْأُذُنَ қулоқни батанг қилмоқ, кар қилиб юбормоқ; صَمَمٌ صَمَّ[2] (*и/а*) кар бўлмоқ, кар бўлиб қолмоқ; ◊ ~ الدَّرْسَ дарсни ёдламоқ, ёд олмоқ; II صَمَّمَ (1 (*н. нидир*) ҳал этмоқ, (*н. гадир*) жазм (азм, қарор) қилмоқ (عَلَى); 2) (*н. нидир*) қаттиқ талаб қилмоқ, бажартирмоқ, қилдирмоқ (عَلَى); (*н. дадир*) ғайрат кўрсатмоқ (عَلَى); 3) тарх тузмоқ, режа (проект) тузмоқ; 4) кар қилмоқ; ◊ ~ـهُ الدَّرْسَ дарсни ёдламоқ, ёд олмоқ; IV أَصَمَّ кар қилиб қўймоқ, қулоқни батанг қилмоқ; эшитишга қўймаслик; ~ أُذُنَيْهِ (*н. нидир*) эшитмаслик (عَنْ); ~وا آذَانَهُمْ عَنْ سَمَاعِ هٰذِهِ الْأَقْوَالِ улар бу сўзларни эшитишни ҳам хоҳлашмади; VI تَصَامَّ *ёки* تَصَامَمَ (1 ёлғондан ўзини кар қилиб кўрсатмоқ; 3) (*н. нидир*) эшитишни истамаслик, унга қулоқни кар қилмоқ, (*н. нидир*) эшитмаслик (عَنْ)

– أَصَمُّ *мн.* صَمَّاءُ *кўп* صُمٌّ، صُمَّانٌ (1 кар; ~ أَصْلَخُ мутлақо (бутунлай) кар; ~ أَبْكَمُ кар-соқов; الـ~ الشَّهْرُ ражаб ойи; آلَةٌ صَمَّاءُ *кўч.м.* бировнинг қўлида калтак, ўйламай-нетмай иш қиладиган қурол бўлиб қолган (*н., киши*); 2) зич, тигиз; маҳкам, мустаҳкам; ихчам, йиғноқ, катта, салмоқли, салмоқдор; ~ فِعْلٌ *грам.* иккиланган феъл; غُدَدٌ صُمٌّ *анат.* ички секреция безлари; عِلْمُ الْغُدَدِ الصُّمِّ эндокринология; 3) *мат.* иррационал; ~ جِذْرٌ *мат.* иррационал илдиз; الْكَمِّيَّاتُ الصُّمُّ иррационал катталиклар

– تَصْمِيمٌ (1 шижоат, шижоатлилик; қарор; 2) тарх (режа) тузиш, тархлаштириш, режалаштириш; 3) *кўп.* تَصَامِيمُ، ـــَاتٌ тарх, режа, чизма, схема; مَكْتَبُ الـ~ проект бюроси; 4) смета (*сарф ва харажатлар режаси*); 5) *шахм.* комбинация (*бирор мақсадни кўзлаб қилинган юришлар ҳақида*)

– صَمٌّ (1 тиқин билан бекитиш; 2) қуруқ ёдлаш

– صِمَامٌ *кўп.* أَصِمَّةٌ، ـــَاتٌ (1 тиқин, пробка; очиб-ёпадиган асбоб; ~ خَانِقٌ *ёки* ~ خَنَّاقٌ дроссел (*тех. ёнилғи, газ, буғ ўтишини тартибга солиб турувчи мослама*); ~ الْأَمْنِ (الْأَمَانِ) хавфсизлик клапани (*очиб-беркитиб турувчи жиҳоз, мослама*); ~ التَّصْرِيفِ дренаж сувини очиб-беркитиб турувчи клапан; صِمَامَاتُ الْقَلْبِ юрак клапанлари (қопқоқлари); 2) радиолампа; ~ التَّقْوِيمِ *эл.* ток тўғрилагич (*ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирувчи мослама, асбоб*); ~ ثُنَائِيٌّ диод; ~ ثُلَاثِيٌّ триод

– صِمَامَةٌ *кўп* صَمَائِمُ = صِمَامٌ

– صَمَّاءُ бахтсизлик, фалокат

– صَمَمٌ карлик, эшитиш қобилиятини йўқотиш

– صِمَّةٌ *кўп.* صِمَمٌ тиқин

– صَمِيمٌ 1. 1) софлик, асллик (*жинс ҳақида*); 2) ҳақиқий; 2. 1) асл моҳият; 2) (*иссиқ ёки совуқнинг*) энг юқори даражаси; فِي ~ الْحَرِّ жазирама иссиқ пайтида; ◊ مِنْ ~ الْقَلْبِ чин дилдан, чин юракдан

– مُصَمِّمٌ проектловчи, конструктор; ~ أَزْيَاءِ النِّسَاءِ аёллар кийимлари моделъери; ~ـةُ الْأَزْيَاءِ моделъер аёл

I صَمَتَ (у) صَمْتٌ жим турмоқ, гапирмаслик, овоз чиқармаслик; ~وا وَ كَأَنَّ أَلْسِنَتَهُمْ رُبِطَتْ بِأَوْتَادٍ улар тили йўқдай (соқовга ўхшаб) жим (гапирмай) тураверишди; II صَمَّتَ жим турдирмоқ, жим туришга мажбур қилмоқ IV أَصْمَتَ = II

– صَامِتٌ жим турувчи; сўзсиз, овозсиз; сўзсизликка (овозсизликка) оид; التَّأْيِيدُ الـ~ сукут билан қувватлаш (*ҳимоя қилиш*); السِّينَمَا الـ~ـةُ овозсиз кино; التَّمْثِيلُ الـ~ пантомима (*сўзсиз ҳаракатлар, имо-ишоралар орқали кўрсатиладиган томоша*); الْمَسْرَحِيَّةُ الـ~ـةُ пантомим пьесаси; ~ مُمَثِّلٌ а) мим (*пантомима ижрочиси*); б) статист (*театр томошаларида иштирок этувчи, аммо гапирмайдиган роль ижро этувчи актёр*); الْمُوسِيقَى الـ~ـةُ инструментал музика, чолғу музикаси; ◊ مَا لَهُ ~ وَ لَا نَاطِقٌ унинг на қўй ва туялари, на олтин-кумушлари бор

– صَمْتٌ сукут, индамаслик, жим туриш; ذُو ~ сукут сақловчи, жим турувчи; ~ مُطْبِقٌ тўла (мутлоқ) сукут; فِي ~ сукут сақлаб (сукут сақланган, жим турган) ҳолда; !~ا жим тур!; سَادَ الـ~ الْعَمِيقُ فِي ... да чуқур жимлик чўкди; ... وَقَفَ دَقِيقَةَ ~ تَكْرِيمًا لِذِكْرَى الْمَرْحُومِ ... марҳум ...нинг хотирасини бир минут сукут сақлаш билан эсламоқ

– صَمْتَةٌ қисқа сукут, қисқа вақт жим туриш

– صَمُوتٌ сукут сақловчи, жим (сўзсиз) турувчи

– صُمُوتٌ сукут, сўзсиз (жим) туриш

– صَمُوتٌ = صَمِيتٌ

– صِمِّيتٌ камгап, кам гапирувчи

– مُصْمَتٌ 1) зич; тигиз; ихчам, йиғноқ; катта, салмоқли, салмоқдор; حَائِطٌ ~ эшик-дераза йўқ девор, ҳамма ёғи берк девор; 2) бўлинмайдиган, бутун, бир хил; бутунича; 3) *фон.* жарангсиз (*товуш*); الْحُرُوفُ الـ~ـةُ жарангсиз ундошлар (ن، م، ل، ف، ر، ب *ундошларидан ташқари барча ундошлар*)

I صَمَخَ (а) صَمْخٌ эшитув йўлига зарар етказмоқ; V تَصَمَّخَ зарар етмоқ, касалланмоқ (*эшитув йўли ҳақида*)

– صِمَاخٌ *кўп.* أَصْمِخَةٌ *анат.* эшитув йўли

I صَمَدَ[1] (у) صَمْدٌ (*қаергадир*) бормоқ, жўнамоқ (إِلَى); صَمَدَ[2] (صمد) (у) صُمُودٌ 1) (*н. нидир*) сабот (бардош, чидам) билан бошдан ўтказмоқ, (*н. . дандир*) ўзни тута билмоқ (لـ); 2) (*бирор жойда*) бўлмоқ; بِالْعَصَا ~ـهُ кимнидир ҳасса (асо) билан урмоқ; الزُّجَاجَةَ ~ шиша оғзини беркитмоқ; II صَمَّدَ 1)= صَمَدَ[1] I; 2) сақлаб қўймоқ, тўпламоқ, йиғмоқ (*пул ҳақида*); III صَامَدَ курашмоқ

– صَامِدٌ собит, саботли, матонатли, мустаҳкам

– صَمَدٌ 1) ўзгармас; абадий, мангу; 2) катта, салмоқли, салмоқдор

– صَمَدَانِيٌّ худога оид, мангу, абадий

– صَمَدِيٌّ: الـ~ـةُ Қуръони каримнинг 112-сураси

– صُمُودٌ собитлик, қатъийлик, иродалилик, маҳкамлик

صَمْصَمَ 1) қатъиятли (иродали) бўлмоқ; 2) ухламаслик, уйғоқ бўлмоқ

أَصْمَعُ *мн.* صَمْعَاءُ *кўп.* صُمْعٌ кичик қулоқли

صَمَّغَ II (صمغ) ўсимлик шираси (елим) суртмоқ; IV أَصْمَغَ шира (елим) чиқармоқ (*дарахт ҳақида*)

– صَمْغٌ *кўп.* أَصْمَاغٌ، صُمُوغٌ ўсимлик шираси, елим (*ўсимликдан олинадигани*); الْبُطْمِ ~ канифол (*дарахт елимидан олинадиган сарғиш шаффоф модда; кўпинча ғижжак камончасига суртиб ишлатилади*); الصَّنَوْبَرِ ~ санобар дарахти елими; عَرَبِيٌّ ~ араб елими, самғи арабий,. ақоқиё; الْكَثِيرَاءِ ~ гуммитрагант (*тропик мамлакатларда ўсадиган елим дарахти*); اللَّكِّ ~ шеллак (*лок, сурғич, пластмасса кабилар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий елим*); الـ~ الْهِنْدِيُّ каучук; سَائِلٌ ~ ёпишқоқ модда

– صَمْغِيٌّ 1) ёпишқоқ; 2) елим (шира) ажратиб чиқарувчи (*ўсимлик*)

– مُصَمَّغٌ елим суркалган, елим билан қопланган; شَرِيطٌ ~ ёпишқоқ, ёпишадиган қоғоз (*пашша тутиш учун*)

صَمْصَامٌ *ёки* صَمْصَامَةٌ ўткир қилич

I صَمَلَ (у) صُمُولٌ (*бирор н. га*) тоқат қилмоқ, чидамоқ (عَلَى)

– صَامُولَةٌ *кўп.* صَوَامِيلُ гайка; مِفْتَاحٌ ~ гайка очқичи

– صَمْلٌ қотиш, тўнгиш, ивишиб қолиш

– صُمُلٌّ пишиқ, мустаҳкам; رَجُلٌ ~ матонатли (бардошли, бақувват) одам

– صَامُولَةٌ = صَمُولَةٌ

صِمْلَاخٌ *кўп.* صَمَالِيخُ қулоқ ичидаги кир, қулоқ ичидаги олтингугурт

IV أَصْمَى (صمى) ўлдирмоқ, ўрнида йиқитмоқ (ўлдирмоқ)

IV (صن) أَصَنَّ 1) ёқимсиз ҳид чиқармоқ; 2) қўлтиғидан ҳид келмоқ, қўлтиғи ҳидланмоқ

– صِنٌّ қиш ниҳоясидаги совиб кетган кун

– صُنَانٌ қўлтиқдан келадиган ҳид

صِنَابٌ *кўп.* صُنُبٌ *бот.* қора хантал; хантал қоғоз, хантал мато (горчичник)

صِنَّبْرٌ *кўп.* صَنَابِرُ қишнинг энг совуқ даври, қиш чилласи; صَنَابِرُ الذَّهَبِ олтин массаси

– صُنْبُورٌ *кўп.* صَنَابِيرُ 1) жўмрак, кран; مَاءُ الـ~ жўмрак (кран) даги сув; 2) чойнак бурни; 3) бирор нарса чиқадиган трубка, қувурча; ~ الْغَازِ газ горелкаси

II (صنت) صَنَّتَ эшитмоқ, тингламоқ; бировнинг гапини хуфёна эшитмоқ; V تَصَنَّتَ = II

صَنَّاجٌ симбалчи, симбал чалувчи (*симбал-чангсимон музика асбоби*)

– صَنَّاجَاتٌ *кўп.* қайроқ (*рақкосалар қўлидаги*)

– صَنْجٌ *кўп.* صُنُوجٌ 1) *шунингдек* صُنُوجُ الْأَصَابِعِ қайроқ; ضَرَبَ بِالصُّنُوجِ қайроқ ўйнамоқ (шақиллатмоқ); 2) симбал

– صَنْجَةٌ *кўп.* صَنَجٌ 1) гумбаз, қубба тоши; 2) *қар.* سَنْجَةٌ; 3) тарози тоши

سَنْجَقٌ = صَنْجَقٌ *кўп.* صَنَاجِقُ

صِنْدِيدٌ *кўп.* صَنَادِيدُ 1. мард, жасур; 2. қаҳрамон, баҳодир; йирик арбоб; 3. бахтсизлик, кулфат, фалокат

صَنَادِقِيٌّ *кўп.* صَنَادِقِيَّةٌ сандиқ, яшик, қути ясайдиган уста, сандиқчи

– صُنْدُوقٌ *кўп.* صَنَادِيقُ 1) сандиқ; 2) яшик, қути; الْانْتِخَابَاتِ ~ (الْاقْتِرَاعِ) сайлов (овоз бериш) қутиси; (الْبَرِيدِ) الْبُوسْطَةِ ~ почта қутиси; الدَّفْقِ (الطَّرْدِ) ~ (*ҳожатхонада сув оқизиш учун керак бўладиган*) бочкача; (التُّرُوسِ) السُّرْعَةِ ~ *тех.* тезлик коробкаси; السَّاعَةِ ~ соат коробкаси (қобиғи); الشَّحْمِ ~ *тех.* гупчак (*поезд, паровоз, локомотивда*); الْكَرْنَكِ ~ *тех.* картер (*моторларда: энг қуйида мой турадиган қути*); الْمَيِّتِ ~ тобут; الْوِنْشِ ~ кўтарма кран ковши; أَمِينُ الـ~ кассир, хазиначи (*мас.,* қандайдир

жамиятда); 3) касса; ~ التَّعَاوُن (الْقَرْض) ўзаро ёрдам кассаси; ~ التَّوْفِير омонат кассаси; ~ الْحَدِيد сейф, темир (пўлат) сандиқ; ~ الْمَرْضِ касалхона кассаси; دَفْتَرُ الـ~ бухг. касса (ҳисоб-китоб) дафтари; 4) жамғарма; ~ السَّلَام тинчлик жамғармаси; صَنَادِيقُ اجْتِمَاعِيَّةٌ жамоат жамғармалари; 5) ўркач; ◊ ~ الدُّنْيَا калейдоскоп

صَنْدَلٌ[1] *бот.* сандал дарахти

– صَنْدَلٌ[2] *кўп.* صَنَادِلُ шатакка олиб юриладиган кичикроқ кема, баржа; ~ الْحَرَّاقِ ўт ўчириш кемаси

– صَنْدَلٌ[3] *кўп.* صَنَادِلُ шиппак

– صَنْدَلِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — курси, скамейка

صِنَّارَةٌ, صُنَّارَةٌ *кўп.* صَنَانِيرُ 1) илгак; ~ الْحِيَاكَةِ тўқийдиган (*мас., пайпоқ, рўмол*) илгак; 2) қармоқ

– مُصَنَّرَاتٌ трикотаж (тўқима) маҳсулотлари

صَنَعَ I (а) صُنْعٌ, صَنْعٌ 1) қилмоқ; ~ صَنِيعَهُمْ бошқалар қилаётган ишни қилмоқ; ~ مَعْرُوفًا (*к. гадир*) ҳожатбарорлик қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ, хизмат қилмоқ (إِلَى); ~ بِهِ صَنِيعًا قَبِيحًا кимгадир ёмонлик қилмоқ; 2) тайёрлаб чиқармоқ, ишлаб чиқмоқ; тайёрламоқ; II صَنَّعَ 1) индустрлаштирмоқ, саноатлаштирмоқ; 2) фабрикада тайёрламоқ, тайёрлаб бермоқ (*мас., дорини*); тайёрламоқ (*мас., овқатни*); ишлаб чиқармоқ (*мас., пишлоқни*); 3) чиройли қилмоқ, ясантирмоқ; чиройли қилиб кўрсатмоқ; III صَانَعَ 1) хушомад қилмоқ, (*к. гадир*) ўзини ўхшатмоқ, тақлид қилмоқ; 2) қаратмоқ, мафтун қилмоқ; пора бериб ўз томонига ағдариб олмоқ, сотиб олмоқ; V تَصَنَّعَ 1) сохтакорлик қилмоқ, сохталик билан бирор нарса қилаётган бўлмоқ; ~ الْابْتِسَامَةَ сохта (ёлғондакам) жилмаймоқ; ~ الْجِدَّ ўзини жиддий қилиб кўрсатмоқ; ~ الْجُنُونَ ўзини жинни қилиб кўрсатмоқ; ~ الْعَطْفَ عَلَى ... (*к. гадир*) сохта ҳамдардлик билдирмоқ; 2) индустрлаштирилмоқ, саноатлаштирилмоқ; 3) безанмоқ, ясанмоқ; VIII اصْطَنَعَ 1) тўқиб-чатиб чиқармоқ, ўйлаб топмоқ; сохтакорлик қилмоқ; қилиб кўрсатмоқ; ~ الْحِرْصَ عَلَى مَصْلَحَتِهِ у ўзини унинг манфаатлари (фойдаси) ни кўзлаётгандай қилиб кўрсатди; 2) ўзи учун қилмоқ; 3) тайёрламоқ; ишлаб чиқармоқ; яратмоқ; 4) бажаришни топширмоқ, буюртма бермоқ; 5) ишлатмоқ (*бирор н. ни*), фойдаланмоқ; ~ اللُّغَةَ الْأَجْنَبِيَّةَ فِي التَّعْلِيمِ ўқиш (ўқитиш) жараёнида чет тилидан фойдаланмоқ; ~ حَقَّ الـ... (*н. дир қилиш*) ҳуқуқидан фойдаланмоқ; 6) (*касб сифатида бирор н. билан*) шуғулланмоқ; ~ التِّجَارَةَ савдо (савдогарлик касби) билан шуғулланмоқ; ◊ ~ الصَّبْرَ *ёки* ~ الْأَنَاةَ сабр-тоқат қилиб турмоқ, бардош қилиб турмоқ, чидам кўрсатмоқ; ~ الشَّجَاعَةَ шижоат кўрсатмоқ; ~ الْحَيَاةَ بِهُدُوءٍ осойишта ҳаёт кечирмоқ; X اسْتَصْنَعَ 1) (*бирор н. ни*) тайёрлаб беришни сўрамоқ, буюртма бермоқ; 2) ишлаб чиқмоқ, ишлаб чиқармоқ

– اصْطِنَاعٌ 1) тайёрлаш, ишлаб чиқариш; 2) сохтакорлик, сунъийлик

– اصْطِنَاعِيٌّ сунъий; ~ بَدِيلٌ протез (*мас., сунъий қўл, оёқ, тиш ва б. лар*)

– تَصَنُّعٌ сохтакорлик, иккиюзламалик, ғайритабиийлик, ёлғондакамлик, сунъийлик, жимжимадорлик, баландпарвозлик

– تَصَنُّعِيٌّ сохтакор, иккиюзлама, ғайритабиий, ёлғондакам; жимжимадор, баландпарвоз

– تَصْنِيعٌ индустрлаштириш, саноатлаштириш

– تَصْنِيعِيٌّ индустрлаштиришга (саноатлаштиришга) оид

– صَانِعٌ 1. ясовчи, қилувчи, ишлаб чиқарувчи; 2) *кўп.* صُنَّاعٌ 1) уста; ҳунарманд; дастгоҳда ишлайдиган ишчи; ~ الْمِثْقَابِ пармаловчи; ~ الْفِرِيزِ фрезерчи; ~ الْمِقْشَطَةِ рандаловчи; 2) хизматкор, малай

– صَنَائِعِيٌّ *кўп.* صَنَائِعِيَّةٌ 1) ишчи; 2) ҳунарманд; 3) уста

– صَنَاعٌ *мз. мн. кўп.* صُنُعٌ моҳир, уста, санъаткор; ◊ ~ يَدٌ моҳир қўллар

– صِنَاعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ —, صَنَائِعُ 1) санъат; 2) ҳунар, машғулот, касб; 3) ишлаб чиқариш; 4) саноат, индустрия; الـ~ الْاسْتِخْرَاجِيَّةُ қазиб чиқарувчи саноат; الـ~ الْحَرْبِيَّةُ ҳарбий саноат; الـ~ الضَّخْمَةُ оғир саноат; الـ~ الْخَفِيفَةُ енгил саноат; الـ~ الْيَدَوِيَّةُ касб-ҳунармандлик саноати, қўлҳунар саноати; صَاحِبُ الـ~ ҳунарманд, уста; أَصْحَابُ الصَّنَائِعِ ҳунармандлар; 5) санъат соҳаси; ~ الزَّيْتِ ёғчилик (ёғ) ишлаб чиқариш соҳаси (*корхонаси*)

– صِنَاعَاتٌ *кўп.* саноат

– صِنَاعِيٌّ 1) сунъий, синтетик; ~ حَرِيرٌ сунъий (*синтетик*) каучук; ~ مَطَّاطٌ (*синтетик*) ипак; رِجْلٌ ~ـَةٌ сунъий оёқ, протез; 2) саноатга оид, ишлаб чиқаришга оид, саноатлаштиришга оид; بِلَادٌ ~ـَةٌ саноатлашган мамлакат; الدُّورُ الـ~ـَةُ фабрикалар; ~ رَأْسَمَالٌ саноат капитали; ~ سِرٌّ ишлаб чиқариш сири

– صُنْعٌ, صَنْعٌ[1] тайёрлаш, ишлаб чиқариш, ясаш; حَدِيثُ الـ~ янги (яқиндагина) тайёрланган; هَذَا هُوَ مِنْ ~ يَدِهِ бу унинг иши

– صُنْعٌ[2] яхши (хайрли, эзгу, савоб) иш

– صَنْعَانِيٌّ, صَنْعَائِيٌّ 1. Санъо ш. га оид (мансуб); 2. Санъо ш. да яшовчи (*одам*)

– صَنْعَةٌ[1] 1) иш, меҳнат; саноат; مُتْقَنُ الـ~ энг яхши иш натижаси (маҳсули); 2) машғулот, ҳунар; دُورُ الـ~ устахоналар; цехлар; ~ فِي الْيَدِ أَمَانٌ مِنَ الْفَقْرِ *мтл.* қўлингдаги ҳунаринг – сенинг ўсиб-унаринг, ҳунаринг бўлса, қашшоқ бўлмайсан

– صَنْعَةٌ[2] ғайритабиийлик, сунъийлик

– صَنِيعٌ 1. қилинган, ясалган, тайёрланган; 2. 1) овқат, меҳмондорчилик учун тайёрланган овқат; 2) ҳаракат, қилмиш; 3) савоб иш

– صَنِيعَةٌ *кўп.* صَنَائِعُ 1) (*к. нингдир*) қўли билан яратилган ижод маҳсули; 2) ўйинчоқ, қўғирчоқ, бировнинг кўмагида мартаба топган одам, арзанда; бировнинг амри (сўзи) билан иш қиладиган одам; ~ الاسْتِعْمَارِ империализм қўғирчоғи; 3) савоб

– مُسْتَصْنِعٌ саноатчи

– مُصَانَعَةٌ пора, ришват

– مُصْطَنَعٌ 1) қилинган, ясалган, тайёрланган; 2) сохта; ёлғондакам, сунъий; ўйлаб чиқарилган

– مَصْنَعٌ *кўп.* مَصَانِعُ фабрика, завод; устахона, цех; ~ التُّرَابَةِ цемент заводи; ~ التَّعْدِينِيُّ الـ металлургия заводи; ~ صَبِّ الْفُولَاذِ пўлат қуйиш заводи; ~ الْمَعَادِنِ غَيْرِ الْحَدِيدِيَّةِ рангли металлар заводи, ~ الْغَزْلِ йигирувчилик фабрикаси; ~ الْمَنْسُوجَاتِ тўқимачилик фабрикаси; ~ لِلْأَسْفَلْتِ асфальт (*ишлаб чиқариш*) заводи; مَصَانِعُ لِلزَّيْتِ وَ الصَّابُونِ ёғ ва совун чиқарадиган заводлар; قَوَانِينُ الْمَصَانِعِ фабрика қонунчилиги

– مَصْنَعَةٌ ёки مَصْنُعَةٌ ёмғир суви тўпланадиган ҳовуз (селхона)

– مَصْنَعِيَّةٌ 1) (*бирор н. устида*) ишлаш; 2) иш ҳақи

– مَصْنُوعٌ 1. 1) қилинган, ясалган, тайёрланган; 2) ёлғондакам; 2. *кўп.* مَصْنُوعَاتٌ маҳсулот, тайёр нарса; фабрика маҳсулоти; меҳнат маҳсули, асар; الْمَصْنُوعَاتُ الْحَدِيدِيَّةُ темир маҳсулотлари

صَنَّفَ II (صنف) 1) танламоқ, ажратмоқ; навларга ажратмоқ; турига қараб ажратмоқ (бўлмоқ), классификация қилмоқ; 2) асар, адабий асар ёзмоқ

– تَصْنِيفَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) афсона, ёлғон; 2) ассортимент

– صِنْفٌ *кўп.* أَصْنَافٌ, صُنُوفٌ 1) жинс, сорт, тур, нав; синф, категорий *тар.* цех; ~ا нарсалар (товарлар) билан қилинган тўлов; 2) *ҳарб.* кичик бўлинма; взвод

– مُصَنَّفٌ *кўп.* ـــ اتٌ асар, адабий асар, мусаннафот

– مُصَنِّفٌ муаллиф, мусанниф, тузувчи, автор

صَنْفَرَ ишқамоқ, ишқаламоқ; жилвир (қумқайроқ) билан тозаламоқ, жилвирламоқ

– صَنْفَرَةٌ жилвир; ~ وَرَقُ жилвир қоғози

صَنَمٌ *кўп.* أَصْنَامٌ санам, манот; бировнинг энг яхши кўрадиган кишиси ёки нарсаси; عِبَادَةُ الْأَصْنَامِ санамларга сиғиниш (ибодат қилиш); بَيْتُ الْأَصْنَامِ санамхона, мажусийлар ибодатхонаси

– صَنَمِيَّةٌ фетишизм (*жонсиз н. ларни ғайритабиий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга топиниш, сиғиниш*)

صِنْوٌ[2] 1. ўхшаш, мос келувчи, тенг; 2. эквивалент; حُوفِظَتْ هُنَا ~ التَّقَالِيدُ عَلَى حَا бу ерда анъаналар ўзгаришсиз (бузилмай) сақланиб қолган

– صِنْوٌ[2] *кўп.* أَصْنَاءٌ, صِنْوَانٌ 1) туғишган ака (ука); 2) ўғил; 3) эгизакнинг бири; 4) дублет, иккинчи нусха; 5) ўхшаш (*иккита бир-бирига ўхшаш одамларнинг ҳар бири*); الابْنُ ~ أَبِيهِ ўғли отасининг худди ўзи, ўғил отасининг нусхаси (ўхшаши); 6) бир илдиздан чиққан икки ёки уч хурмо дарахтининг биттаси

صَنَوْبَرٌ санавбар, пиния (*игнабарг дарахт тури*); ~ الـ الْهِنْدِيُّ ҳинд санавбари; ~ حَبُّ الـ кедр ёнғоғи; ~ صَمْغُ الـ канифол (елим)

– صَنَوْبَرِيٌّ 1) санавбарга оид; الْغَابَةُ الـ ~ ـَةُ хвоя (игнабарглилар) ўрмони; ~ التُّفَّاحُ الـ ананас; 2) конуссимон, конусга оид; الْغُدَّةُ الـ ~ ـَةُ *қар.* غُدَّةٌ

صَهْ! жим!, жим бўл!, ўчир овозингни!

أَصْهَبُ *мн.* صَهْبَاءُ *кўп.* صُهْبٌ сарғиш, малла рангли; сарғимтир, кўнғир сочли киши; الصَّهْبَاءُ тиллоранг (*май ҳақида*)

صَهَدَ I (а) صَهْدٌ куйдирмоқ, пиширмоқ (*мас., ғиштни*)

– صَهْدٌ иссиқ, иссиқлик, юксак (баланд) ҳарорат

– صَهِيدٌ иссиқ, иссиқлик, юксак (баланд) ҳарорат

صَهَرَ I (а) صَهْرٌ эритмоқ, эритиб юбормоқ; III صَاهَرَ (*никоҳ йўли билан*) қариндош бўлмоқ; IV أَصْهَرَ (*к. ғадир*) куёв бўлмоқ (إِلَى); VI تَصَاهَرَ (*никоҳ йўли билан*) ўзаро қариндош бўлмоқ, қариндошлашмоқ; VII انْصَهَرَ эриган (эриб кетган) бўлмоқ, эриб битган бўлмоқ

– صَاهِرٌ қуювчи, дегрез

– صَاهِرٌ = صَهَّارٌ

– صَهَارَةٌ магма (*ер қаъридаги чўғсимон суюқ модда*)

– صَهْرٌ эритиш, эритма, эритилган нарса (*мас., пўлат*); ~ الـ (مَعْمَلُ) مَصْنَعُ металл қуйиш заводи (фабрикаси); ~ مَصْنَعٌ لِإِعَادَةِ الْحَدِيدِ темирни қайта эритиш заводи

– صِهْرٌ[1] никоҳга кириш; хотин томонидан қариндошлик

– صِهْرٌ[2] *кўп.* أَصْهَارٌ куёв; қайнаға, қайни, божа

– صَهِيرٌ эриган

– مُصَاهَرَةٌ 1) (*никоҳ йўли билан*) қариндошлик муносабатларига кириш; 2) хосса, хусусият

– مَصْهَرٌ *кўп.* مَصَاهِرُ қуювчилик, қуювчилик цехи (корхонаси); дегрезлик

– مَصْهَرَةٌ *кўп.* مَصَاهِرُ қуйиладиган (эритиладиган) жой; مَصَاهِرُ الْحَدِيدِ темир эритувчи заводлар

– مَصْهُورٌ эриган, эритилган, суюқ, суюқлашган

– مُصْهُورَاتٌ *кўп.* эриган моддалар, лава

صِهْرِيجٌ *кўп.* صَهَارِيجُ 1) цистерна, бак (*суюқлик сақланадиган катта идиш*); *шунингдек:* القَاطِرَة ~ тендер (*локомотивга бевосита уланган, сув ёки ёнилғи солинадиган вагон*); البِنْزِين ~ бензин баки (*мас.. самолётда*); الفَحْم ~ бункер (*ер остига қурилган пана жой*); 2) ҳовуз, сув сақланадиган жой-резервуар

صَهَلَ I (а) صَهِيلٌ кишнамоқ

– صَهَّالٌ кишнаётган, кишновчи; فَرَسٌ ~ кишнаётган от

– صَهِيلٌ кишнаш

صَهْوَةٌ *кўп.* صَهَوَاتٌ، صِهَاءٌ (*отнинг*) учаси елкаси

صَهْيَنَ : 1) (*к. ғадир*) бақирмоқ, дўқ (пўписа) қилмоқ; 2) сигнал бермоқ; 3) жим турмоқ

– صَهْيَنَةٌ 1) дўқ, пўписа; 2) сигнализация; 3) жим туриш

– صَهْيُونِيٌّ 1. сионистликка оид; الـ~ـة сионизм (*яҳудий буржуазияси орасида тарқалган миллатчилик ҳаракати*); 2. *кўп.* صَهَايِنَة сионист, сионизм тарафдори

صَابَ I (صوب) صَابَ (у) صَوْبٌ، صَيْبُوبَة 1) (*мўлжалга*) теккизмоқ (*урмоқ*); 2) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); 3) المَطَرُ ~ ёмғир ёғмоқ; ◊ بِالعَيْنِ ~ кўз тегмоқ; II صَوَّبَ 1) йўналтирмоқ; (*қуролда н. нидир*) мўлжалга олмоқ (إِلَى); 2) тўғри деб ҳисобламоқ; 3) тўғриламоқ; IV أَصَابَ 1) шикаст етказмоқ, нобуд қилмоқ; учрамоқ, йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ (*бало, офат, касаллик ҳақида*); 2) етиб келмоқ, босиб кетмоқ (*бўрон ҳақида*); 3) ярадор қилмоқ, жароҳат етказмоқ; 4) (*мўлжалга*) теккизмоқ, урмоқ; 5) (*муваффақият*) қозонмоқ, (...га) эришмоқ; نَجَاحًا فِي ... ~ ... да муваффақият қозонмоқ; غَرَضَهُ ~ мақсадга етмоқ (эришмоқ); هَدَفًا ~ *ёки* إِصَابَة ~ *спорт.* тўп урмоқ (*гол*); 6) (*к. нингдир*) чекига тушмоқ, зиммасига тушмоқ; 7) тўғри йўл тутмоқ; ҳақ бўлмоқ, ҳақ бўлиб чиқмоқ; 8) топмоқ, топиб олмоқ, фаҳмлаб олмоқ; 9) олмоқ, топмоқ, эришмоқ, эришилмоқ; ثَرْوَةً كَبِيرَةً ~ катта бойликни қўлга киритмоқ; 10) *мажҳ.* (*н. биландир*) касалланмоқ; ◊ بِالعَيْنِ ~ кўз тегмоқ; طَعَامَهُ وَ مَنَامَهُ ~ емоқ ва ухламоқ; V تَصَوَّبَ (*тоғдан*) пастга тушмоқ; VII اِنْصَابَ (*бало-офатга*) йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ; X اِسْتَصْوَبَ *ёки* اِسْتَصَابَ тўғри (зарур) деб ҳисобламоқ, маъқулламоқ

– اِسْتِصْوَابٌ маъқуллаш

– إِصَابَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) тегиш, теккизиш, шикаст етказиш, ҳалокатга учратиш; بِالعَمَى ~ кўр бўлиб қолиш, кўзнинг шикастланиши; أَحْرَزَ إِصَابَتَيْنِ بِرَمْيَةٍ وَاحِدَةٍ *маж.* бир кесак (тош) билан икки қарғани урмоқ (*сўзма-сўз: бир отиш билан икки нишонни урмоқ*); 2) (*бало-офатга*) йўлиқтириш, дучор қилиш; 3) жароҳат; 4) касалланиш; касаллик ҳолати; (*иш пайтидаги*) бахтсиз ҳодиса; 5) *спорт.* очко (*ютуқ ҳисоби*), гол (*киритилган тўп*); اِنْتَصَرَ بِإِصَابَتَيْنِ لِوَاحِدَة иккига бир ҳисобида ютуққа эришмоқ, ғалаба қилмоқ; فَازَ بِثَلَاثِ إِصَابَاتٍ نَظِيفَةٍ 3:0 ҳисобида ғалаба қилмоқ

– أَصْوَبُ энг тўғри ... أَنْ ... ~ الـ وَ энг тўғриси ...

– أَصْوَبِيَّةٌ мақсадга (ақлга) мувофиқлик, тўғрилик

– صَابٌ *бот.* колоквинт (*ўсимлик*); ◊ وَ عَلْقَمٌ ~ алам, доғ, аччиқлик; شَرِبَ الـ~ وَ العَلْقَمَ аччиқ аламлар ютмоқ (чекмоқ), азоб-уқубатларни кўп чекмоқ

– صَابَةٌ *кўп.* اتٌ — ҳосил, йиғим, йиғим-терим

– صَائِبٌ тўғри, муваффақиятли, аниқ мўлжалга урадиган; мос келадиган; مَعَ الخَوَاطِئِ سَهْمٌ ~ *мтл.* ҳазилнинг ичида зил бор (*сўзма-сўз: хато ўқларнинг ичида нишонга теккани ҳам бўлади*)

– صَوَابٌ 1) тўғрилик, соғлом, ақлга мос маъно, мазмун; ақл билан иш қилиш, мулоҳазакорлик; ذَهَبَ بِـ~ـه кимнидир ақлдан оздирмоқ; فَقَدَ (أَضَاعَ) ~ـهُ ақлдан озмоқ; عَادَ (رَجَعَ) إِلَى جَادَّةِ الـ~ қайтмоқ, тўғри йўлга тушиб олмоқ; هُوَ عَلَى ~ у ҳақ (*тўғри гапиряпти*); أَعَادَهُ إِلَى ~ـه кимнингдир ақлини жойига келтирмоқ; أَخْرَجَهُ مِنْ ~ـه кимнидир ўзини унуттирмоқ; кимнингдир жаҳлини чиқармоқ; 2) ақл, ҳуш; غَابَ عَنْ ~ـه ҳушини йўқотган; غَابَ عَنْ ~ـه ҳушини йўқотмоқ; ثَابَ إِلَى ~ـه ўзига келмоқ

– صَوَّابَةٌ *кўп.* اتٌ — оранжерея (*ўсимликларни қишда сақлаш учун қурилган ойнаванд иссиқ бино, қишки гулхона*)

– صَوَابِيَّةٌ тўғрилик, ҳаққонийлик

– صَوْبٌ [1] йўналиш, томон; ~ـهُ кимгадир томон, ким томонгадир; مِنْ كُلِّ ~ وَ حَدَبٍ ҳар томондан, ҳамма тарафдан

– صَوْبٌ [2] тўғри, бехато

– صَوْبٌ [3] ёмғирнинг ёғиши

– صَوْبَةٌ *шунингдек:* النَّبَاتَاتِ ~ оранжерея

– صَيِّبٌ ёмғир; ёмғирли булут; ◊ البِلَادِ ~ мамлакат саховатлари (*инъомлари*)

– مُصَابٌ [1] 1. касал, бемор; яраланган, жароҳатланган; касаллик тортаётган, азоб чекаётган; بِالسُّكَّرِ ~ қанд касали билан оғриётган, диабетик; 2. (*бахтсиз ҳодиса*) қурбони; مُصَابُونَ *кўп.* жабрланганлар, жабрланувчилар

– مُصَابٌ [2] бахтсизлик, бало, ғам, алам; зарба; йўқотиш (*вафот этган киши ҳақида*)

– مُصِيبٌ 1) (*мўлжалга*) урадиган, уриладиган; 2) мўлжалга аниқ урадиган, моҳир, топқир, ўткир, жуда боп, ўринли; مُلَاحَظَةٌ ~ـة ўринли (жуда боп) мулоҳаза (фикр); 3) тўғри; ҳаққоний; إِنَّهُ مُخْطِئٌ وَ أَنَا ~ у хато қилаётир, мен эса ҳақман

– مُصِيبَةٌ *кўп.* مَصَائِبُ мусибат, бало, офат, бахтсизлик; يَا لَلْـ~ қандай мусибат!, қандай бахтсизлик!

صَابُونٌ *алиф. б. қар.*

– صَوْبَنَ совунламоқ, совун суртмоқ

صَوْبَنَةٌ – совунлаш, совун суртиш

I(صوت) صَاتَ (у) صَوْتٌ 1) овоз чиқармоқ; 2) овоз бермоқ, қичқирмоқ; II صَوَّتَ 1) қичқирмоқ, оҳ-воҳ урмоқ; овоз бермоқ (сайловда); ... ~ عَلَى جَانِبِ ... ёки ... ~ مَعَ ... ёки ... учун овоз бермоқ; ... ~ فِي جَانِبِ ...га қарши овоз бермоқ; 3) овоз бермоқ; ~ فِلْمًا фильмга овоз бермоқ

تَصْوِيتٌ – овоз бериш; الـ~ الْعَامُّ оммавий овоз бериш; الـ~ بِرَفْعِ الْأَيْدِي қўл кўтариб овоз бериш; الـ~ نِدَاءً بِالْاسْمِ (мас., бирор таклиф учун) номма-ном овоз бериш (عَلَى)؛ حَقُّ الـ~ овоз бериш (сайлаш) ҳуқуқи; وَرَقَةُ الـ~ сайлов варақаси (бюллетени); طَرَحَ عَلَى الـ~ овозга қўймоқ; امْتَنَعَ عَنِ الـ~ овоз беришга (сайловга) қатнашмаслик; مَطْرُوحٌ عَلَى الـ~ овозга қўйилган

صَائِتٌ – баланд овозли, овози баланд

صَائِتٌ – овоз чиқараётган, товуш бераётган; سِينَمَا ~ـةٌ овозли кино

صُوَاتٌ – қичқириқлар, оҳ-воҳлар

صَوْتٌ кўп. أَصْوَاتٌ 1) овоз; بـِ~ أَجَشَّ бас (энг паст эркак овози) билан, бас овозда; بـِ~ عَالٍ қаттиқ, баланд (овоз) билан; بـِ~ وَاطِئٍ паст (овоз) билан; بـِ~ وَاحِدٍ бир овоздан; أَعْلَى مِنْ ~ـِهِ (أَصْوَاتِهِمْ) овозни баландлатмоқ, қаттиқроқ гапирмоқ; 2) сайловдаги овоз, овоз; بِاتِّفَاقِ الْأَصْوَاتِ бир овоздан; بِأَغْلَبِيَّةِ الْأَصْوَاتِ кўпчилик овоз билан; مَنْدُوبٌ بـِ~ فِعْلِيٍّ ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган вакил; مَنْدُوبٌ بـِ~ اسْتِشَارِيٍّ маслаҳат овози ҳуқуқига эга бўлган вакил; ~ فِي جَانِبِهِ ёки ~ مَعَهُ кимгадир, нимагадир берилган овоз; ~ ضِدَّهُ кимгадир, нимагадир берилган қарши овоз; أَخَذَ الْأَصْوَاتَ овоз олмоқ; 3) товуш, садо; رَجْعُ الـ~ акс-садо; مُهَنْدِسُ الـ~ овоз оператори, овоз ёзувчиси; الـ~ اللُّغَوِيُّ фон. фонема; أَصْوَاتُ اللُّغَةِ фон. тил товушлари; عِلْمُ الْأَصْوَاتِ фонетика; الْأَصْوَاتُ السَّاكِنَةُ ундош товушлар; أَصْوَاتُ اللِّينِ унли товушлар; الـ~ وَالضَّوْءُ بِالْهَرَمِ овоз ва нур (пирамидаларда кўрсатиладиган томошалар); 4) қичқириқ; الْأَصْوَاتُ хитоблар; 5) оҳанг, тарона; тон (парда); ~ كَامِلٌ муз. бутун тон; نِصْفُ الـ~ ярим тон; ◊ بُعْدُ الـ~ шон-шуҳрат, машҳурлик, овоза бўлиб кетиш

صَوْتِيٌّ – 1) овозга (товушга) оид; савтий; الْمُوسِيقَى الـ~ـةُ вокал (овоз учун ёзилган) музика; 2) овозли, товушли; صُورَةٌ ~ـةٌ қар. صُورَةٌ; فَوْقَ ~ товушдан тез (учувчи, мас., самолёт); 3) шунингдек حَرْفٌ ~ грам. унли; 4) акустикага оид, акустик, фонетикага оид, фонетик; التَّسْجِيلُ الـ~ фонетик усулда ёзиб олиш; النِّظَامُ الـ~ لِلُّغَةِ тилнинг фонетик системаси

صَوْتِيَّاتٌ – кўп. шунингдек عِلْمُ الـ~ фонетика

صَيِّتٌ – овоздор, овози баланд

صِيتٌ – шон, шуҳрат, машҳурлик; بُعْدُ الـ~ машҳурлик; بَعِيدُ الـ~ ёки ذَائِعُ الـ~ машҳур; ذَاعَ (طَارَ) ~ـهَا у (аёл)нинг шуҳрати кенг тарқалиб кетди

مِصْوَاتٌ – 1) радио карнайи; 2) микрофон

مُصَوِّتٌ – 1. 1) овоз (товуш) чиқарувчи (чиқариб турувчи); حَرْفٌ ~ грам. унли, унли ҳарф; 2) овоз берувчи (бериб турувчи); 2. сайловчи, (сайловда) овоз берувчи

I (صوح) صَاحَ (у) صَوْحٌ ёрмоқ, ёриб ташламоқ, бўлиб ташламоқ; II صَوَّحَ 1) қуриб қолмоқ (иссиқдан қуриб қолган дарахт ҳақида); 2) қуритмоқ, қуритиб олмоқ; VII انْصَاحَ 1) ёрилмоқ, ёриб ташланган бўлмоқ; 2) кириб келмоқ (нур ҳақида); 3) кўринмоқ, нур сочмоқ (ой ҳақида)

صَاحِ – : يَا ~ қар. صَاحِبٌ

(صوخ) IV أَصَاخَ (н. нидир) эшитмоқ; (لـ) ~ السَّمْعَ؛ ёки ~ أُذُنَيْهِ ёки ~ بِسَمْعِهِ (н. гадир) қулоқ солмоқ (мас., маслаҳатга); (н. нидир) эшитиш учун қулоқни динг қилмоқ (إِلَى، لـ);

إِصَاخَةٌ – эшитиш; ~ السَّمْعِ диққат билан эшитиш (тинглаш)

صُودَا، صُودَةٌ сода, натрий карбонати; ~ كَاوِيَةٌ ўювчи (каустик сода); ~ لَاذِعَةٌ ўювчи ишқор; مَاءُ الـ~ содали сув (сунъий минерал сув); نِتْرَاتُ الـ~ кимё. натрийнинг ўювчи азотли тузи, селитра

صُودِيُومٌ – кимё. натрий; ثَانِي كَرْبُونَاتِ الـ~ ёки بِيكَرْبُونَاتُ الـ~ сода; كْلُورُورُ الـ~ ош тузи

I (صور) صَارَ (у) صَوْرٌ бурмоқ, эгмоқ, қайтармоқ; II صَوَّرَ 1) сурат чизмоқ; 2) (китобни) суратлар билан безамоқ; 3) тасвирламоқ, тасвирлаб бермоқ, тавсифламоқ, баён қилмоқ; 4) фотографияда сурат олмоқ, расм олмоқ; 5) (бирор н. га) шакл, кўриниш бермоқ; IV أَصَارَ (бирор н. га) шакл (кўриниш) берилмоқ; ~هُ إِلَى صُورَةٍ مُشَوَّهَةٍ у буни бузилган шаклда (ҳолда) тасаввур қиларди; V تَصَوَّرَ 1) тасаввур қилмоқ, кўз олдига келтирмоқ; لَا يَتَصَوَّرُهُ الْعَقْلُ тасаввурдан ташқари, тасаввур қилиб бўлмайдиган; 2) (к. гадир) бўлиб кўринмоқ, тасаввурланмоқ (لـ); 3) тасвирланган, суратга олинган бўлмоқ

تَصَوُّرٌ – кўп. ـاتٌ тасаввур, бўлиб кўриниш

تَصَوُّرِيٌّ – тасаввур қилинган, тасаввурдаги, тасаввур қилинаётган

تَصْوِيرٌ – 1) расм (сурат) чизиш; 2) (китобни) сурат (расм)лар билан безаш; тасвир, тасвирлаш, баён қилиш; ~ شَمْسِيٌّ фоторасм олиш, фотосъёмка; кинога олиш, киносъёмка; آلَةُ الـ~ الشَّمْسِيِّ

фотоаппарат, расм олиш асбоби; الـ~ الجَوِّيّ аэрофотография, аэрофотосъёмка; آلَةُ الـ~ السِّينَمَاتُوغْرَافِيَّة киноаппарат, кинокамера; قَامَ بِالـ~ фотосурат олмоқ; 4) (китобни) безаш; картина, расм, сурат

– تَصْوِيرَةٌ кўп. ـَاتٌ, تَصَاوِيرُ картина, сурат; фотография, портрет

– تَصْوِيرِيٌّ тасвирий, иллюстратив; фотографияга оид; مُرَاقَبَةٌ ~ـَةٌ астр. фотографик кузатиш

– صُورٌ кўп. أَصْوَارٌ бурғу, труба (чаладиган); هُوَ الَّذِي نَفَخَ فِي الـ~ وَأَقَامَ هَذِهِ الْقِيَامَةَ! маж. жанжал қилиб, қиёматнинг кўзини чиқарган одам шу (бўлади)

– صُورَةٌ кўп. صُوَرٌ 1) кўриниш, образ; عَلَى ~ ... ...га ўхшаш, ...га ўхшайдиган; عَلَى ~ـِهِ وَمِثْلِهِ кимгадир (нимагадир) ўхшаб; عَلَى ~ عَقْدِ بَيْعٍ олди-сотди ҳақида келишиб (байлашиб) олган ҳолда; بِـ~ أَفْضَلَ энг яхши ҳолда; بِـ~ صَارِمَةٍ қатъий; بِـ~ رَسْمِيَّةٍ расмий, расман; بِـ~ سَرِيعَةٍ тез, зудлик билан; بِـ~ غَيْرِ قَانُونِيَّةٍ ғайриқонуний, ғайриқонуний равишда; 2) картина, сурат; тасаввур; фоторасм, расм; портрет; фигура; ~ ذَاتِيَّةٌ автопортрет; الصُّوَرُ الْمُتَحَرِّكَةُ кинокартина; الـ~ الْحَقِيقِيَّةُ ҳақиқий тасвир; ~ شَمْسِيَّةٌ (فُوتُوغْرَافِيَّةٌ) фотарасм, фотосурат; ~ صَوْتِيَّةٌ репортаж; ~ كَلَامِيَّةٌ сўз билан ифодаланган (оғзаки) портрет; ~ مَحْفُورَةٌ гравюра (ўйма сурат, нақш) ~ مُصَغَّرَةٌ кичрайтирилган нусха; فِي ~ مُصَغَّرَةٍ миниатюра кўринишида; الـ~ الْمَقْلُوبَةُ акс тасвир, кўзгуда акс этгандай сурат; ~ مُكَبَّرَةٌ катталаштирилган сурат; أَعْطَى ~ (صَادِقَةً) (бирор н. ҳақида ҳаққоний) тасаввур бермоқ (عَنْ); أَعْطَى ~ شَامِلَةً (бирор н. ҳақида) тўла тасаввур бермоқ (لِـ); 3) ҳайкал; 4) шакл; الـ~ وَالْجَوْهَرُ ёки الـ~ وَالْهَيُولَى шакл ва моҳият; ~ـً шаклан; 5) шакл; ~ الْقَسَمِ қасам шакли; 6) нусха, копия; ~ طِبْقَ الْأَصْلِ аниқ нусха (копия), аслига тўғри нусха; ~ رَسْمِيَّةٌ расмий (тасдиқланган) нусха; إِنَّهُ ~ صَادِقَةٌ لِأَبِيهِ! у отасининг ўппа-ўзи-я!, у отасининг ҳақиқий нусхаси!; كَانَ ~ مِنْ أَبِيهِ отасига ўхшамоқ; 7) карт. фигура (туз, қирол, дама, валет); 8) астр. юлдузлар туркуми; 9) мат. сурат; ~ الْكَسْرِ каср сурати

– صُورِيٌّ 1) шаклга оид; 2) ёлғон, сохта, бирор нарсани номигагина қилиш; 3) идеографияга оид; الْكِتَابَةُ الـ~ـَةُ идеографик ёзув

– صُورِيَّةٌ идеография (бутун сўз ёки тушунчани ифодалашга асосланган ёзув)

– مُصَوَّرٌ[1] 1) сурати чизилган; расми фотография йўли билан олинган; ~ـَةٌ مَخْطُوطَاتٌ қўлёзмаларнинг фотонусхаси; 2) безатилган (китоб ҳақида); 2. 1) атлас; 2) панорама (кенг миқёсдаги кўриниш)

– مُصَوَّرٌ[2] кўп. ـَاتٌ 1) суратхона, фотоателье; 2) киноателье (кино ишлайдиган жой)

– مُصَوِّرٌ 1) рассом, мусаввир; لَوْحَةُ الـ~ палитра (рассомнинг бўёқ қорадиган тахтаси); 2) фотограф; (кино) оператор; ~ صَحَافِيٌّ фоторепортер

– مُصَوَّرَاتِيٌّ кўп. مُصَوَّرَاتِيَّةٌ фотограф

– مُصَوَّرَةٌ кўп. ـَاتٌ фотосурат

– مُصَوِّرَةٌ кўп. ـَاتٌ фотоаппарат

صَوْصَى чийилламоқ, чийиллаб овоз чиқармоқ; يُصَوْصِي كَالْفَأْرِ у сичқонга ўхшаб чийиллайди

– صُوصٌ кўп. صِيصَانٌ жўжа

– صَوْصَوَةٌ чийиллаш

(صوع) VII انْصَاعَ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) (н. ғадир) бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, (н. нингдир) таъсирига берилмоқ

– صَاعٌ кўп. أَصْوَاعٌ, صِيعَانٌ соя (унсимон моддалар учун ўлчов бирлиги); يُرِيدُ أَنْ يَكِيلَ لَهُ الـ~ صَاعَيْنِ маж. унинг қилмишини икки баравар қилиб кўрсатмоқчи; ~ًا بِـ~ жонга жон, қонга қон (сўзма-сўз: ўлчовдай ўлчов, соясидай соя)

– صَاعَةٌ кўп. ـَاتٌ зал, меҳмон қабул қилинадиган хона (меҳмонхона)

– صُوَعٌ сув сақланадиган (солинадиган) идиш

(صوغ) صَاغَ (у) صَوْغٌ, صِيَاغَةٌ 1) қуймоқ, қолипламоқ; 2) шакллантирмоқ, яратмоқ; 3) (фикрни) бирор шаклда ифодаламоқ; ~ مُذَكِّرَةً нота матнини ифодали ҳолга келтирмоқ; VII انْصَاغَ 1) қуйилган (қолипланган) бўлмоқ; 2) шакллантирилган, яратилган бўлмоқ

– صَائِغٌ кўп. صَاغَةٌ, صُوَّاغٌ заргар, ювелир; ◊ ~ لِلدِّعَايَةِ ҳазилкаш

– صَاغٌ алиф. б. қар

– صِيَاغَةٌ 1) қуйилма, шакл берилиш; 2) заргарлик; заргарлик касби; 3) аниқ ифода; баён, услуб; لَجْنَةُ الـ~ таҳрир ҳайъати (комиссияси)

– صِيغَةٌ кўп. صِيَغٌ 1) шакл (шунингдек, грам.); ~ قَانُونِيَّةٌ қонуний шакл; ~ الْمَعْلُومِ грам. аниқлик нисбати шакли; ~ الْمَجْهُولِ грам. мажҳул нисбат шакли; 2) кўриниш; 3) расмият; расмиятчилик; ~ عَقْدِ الْقِرَانِ никоҳ расмиятлари; 4) формула; (мақола, қонун) ифодаси, шакли; 5) қимматбаҳо нарса (ашё)

– مَصَاغٌ кўп. ـَاتٌ қимматбаҳо нарса (ашё)

– مَصُوغَاتٌ кўп. қимматбаҳо нарсалар (ашёлар)

(صوف) V تَصَوَّفَ сўфий бўлмоқ

– تَصَوُّفٌ тасаввуф, сўфийлик, сўфизм

– صَوَّافٌ 1) жунфуруш; 2) кигиз босувчи

– صُوفٌ *кўп.* أَصْوَافٌ жун, тук; жунли мато

– صُوفَانٌ пилик, қов, қовуқ (*чақмоқ учқунида тутаб, ўт оладиган н. лар*)

– صُوفِيٌّ[1] жунли, жунга оид

– صُوفِيٌّ[2] 1. сўфийга (*сўфийликка, сўфизмга*) оид; الـ ـــَةُ сўфизм; 2. сўфий

– مُتَصَوِّفٌ *кўп.* مُتَصَوِّفَةٌ сўфий; الـ ـــَةُ الْفَلَاسِفَةُ сўфий файласуфлар

I صَالَ (صول) (у) صَوْلٌ, صِيَالٌ (1 иргимоқ, иргишламоқ; 2) (*к. гадир*) ташланмоқ, хужум қилмоқ (عَلَى); 3) *шунингдек*, ~ وَجَالَ хокимлик, хўжайинлик қилмоқ; авжига чиқмоқ, кутурмоқ; II صَوَّلَ (1 хўлламоқ, намламоқ; 2) тозаламоқ, ювмоқ (*дон, тиллоли қум ва б. ларни*); III صَاوَلَ (1 ташланмоқ, хужум қилмоқ; 2) курашмоқ; VI تَصَاوَلَ ташланишмоқ; мусобақалашмоқ

– صَوَّالٌ тезкор, қайноқ, шиддатли, суронли

– صَوَّالَةٌ кичик алюмин ёки мис парчаси

– صُولٌ *кўп.* ـــ اتٌ (1 фельдфебель, старшина (*харбий унвон*); ~ التَّعْيِينِ каптенармус (*харбий қисмларда озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурол-аслаҳа, масалалари билан шуғулланувчи хизматчи*); ~ الْمُرُورِ ҳаракатни бошқарувчи (тартибга солиб турувчи); 2) агент, шахсий соқчи

– صَوْلَةٌ (1 хужум, атака; 2) куч, қувват, хокимият; أَهْلُ ~ وَ شَوْكَةٍ қудратли (эътиборли) кишилар

– صِيَالٌ кураш

– مُصَاوِلٌ мард, қўрқмас, ботир

– مِصْوَلَةٌ *кўп.* مَصَاوِلُ супурги

صَوْلَجَةٌ, صَوْلَجَانٌ[1] *кўп.* صَوَالِجَةٌ (1 салтанат асоси (ҳассаси); 2) гурзи, чўқмоқ, жезл, асо; ~ الْأُسْقُفِ епископ асоси (ҳассаси); 2) чавгон ўйини таёқчаси

– صَوْلَجَانٌ[2] таркибида ص ва ج ҳарфи мавжуд бўлган сўз

I صَامَ (صوم) (у) صَوْمٌ (1 рўза тутмоқ, рўзадор бўлмоқ; 2) овқатланмай турмоқ; ~ الْفَرَسُ от ем емади; ◊ ~ النَّهَارُ кун чошгоҳга етди, куннинг қоқ ярми бўлди; 3) рад қилмоқ, (*н. дандир*) ўзини тутмоқ, ўзини тиймоқ (عَنْ); II صَوَّمَ рўза туттирмоқ, рўза тутишга мажбур қилмоқ

– صَائِمٌ *кўп.* صِيَامٌ, صُوَّمٌ 1. рўзадор; الـ ~ الْمِعَى *анат.* ингичка ичак; 2. 1) рўзадор; 2) *спорт.* дуранг

– صَوَّامٌ рўза тутишга қаттиқ амал қиладиган киши

– صِيَامٌ (1 рўза; 2) тўза тутиш

– صِيَامِيٌّ ёвгон (*гўштсиз, сутсиз овқат*)

– صَوْمٌ[1] (1 рўза; ~ شَهْرُ الـ рўза ойи (рамазон); الـ ~ الْكَبِيرُ *дин.* улуғ рўза (*христианларда*); الـ ~ الصَّغِيرُ рождество арафасидаги кичик рўза (*христианларда*); 2) ишламай тек туриш

– صَوْمٌ[2] шамолнинг тўхташи

– صَوْمَانٌ рўза тутган, рўзадор, оғзи берк

صُومَالُ *жам.* сомалиликлар

– صُومَالِيٌّ 1. Сомалига, сомалиликларга оид; الـ ـــَةُ сомали тили; 2. сомалилик

صَوْمَعَةٌ, صَوْمَعٌ *кўп.* صَوَامِعُ (1 хужра; (*зоҳид, тарки дунё қилган одамга қарашли*) кулба; ~ الْمَسْجِدِ масжид минораси; 2) *шунингдек*, ~ لِلتَّخْزِينِ омбор; صَوَامِعُ الْغِلَالِ (الْحُبُوبِ) дон омбори

I صَانَ (صون) (у) صَوْنٌ, صِيَانَةٌ (1 сақламоқ; 2) пойламоқ, қўриқламоқ, ҳимоя қилмоқ; 3) тартибли сақлаб турмоқ (*мас., темир йўлларни*); V تَصَوَّنَ (*бирор н. қилишдан*) ўзини эҳтиётламоқ, эҳтиётланмоқ (عَنْ); VII انْصَانَ қўриқланмоқ, қўриқланган бўлмоқ

– تَصْوِينَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ девор, тўсиқ

– صَائِنٌ 1. 1) сақловчи; 2) қўриқловчи, пойлоқчи; 3) меҳрибон; 2. сақловчи, назоратчи

– صِوَانٌ[1], صَوَانٌ *кўп.* أَصْوِنَةٌ жавон, шкаф; ~ الْأَوَانِي идиш-товоқ жавони; ~ الثِّيَابِ кийим-кечак жавони; ~ الْكُتُبِ китоб жавони; ~ الْأُذُنِ қулоқ чаноғи

– صِوَانٌ[2] = صَوَانٌ *алиф. б кар.*

– صَوَّانٌ *жам.* чақмоқтош; ~ شَفَّافٌ кварц; حَجَرُ الـ ~ гранит

– صَوَّانَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ чақмоқтош (гранит) парчаси; الزِّنَادُ وَ الـ ~ чақмоқ ва чақмоқтош

– صَوَّانِيٌّ чақмоқтошга оид; أَدَوَاتٌ ـــَةٌ чақмоқтошли қуроллар, пилта ёрдамида отиладиган қуроллар (тўплар)

– صَوْنٌ (1 эҳтиётлаш, сақлаш, пойлаш, қўриқлаш; 2) қараш, қараб туриш, яхши ҳолда сақлаб туриш; ◊ فِي الْحِفْظِ وَ الـ ~ бутунича ва камитмай

– صِيَانَةٌ (1 сақлаш, қўриқлаш; ҳимоя қилиш, ҳимоя, мудофаа; ~ السِّلْمِ тинчликни сақлаш; ~ الْأَحْرَاشِ ўрмонларни қўриқлаш; مَلَكُ الـ ~ *дин.* бало-қазодан ҳимоя қилувчи малоика (фаришта); 2) яхши ҳолда сақлаб туриш; қараш, қараб туриш; таъмир, ремонт; مَصَارِيفُ الـ ~ қараб туриш ва яхши ҳолда сақлаб туриш сарфлари; ~ السَّيَّارَاتِ автомобилларга техник хизмат кўрсатиш; وَرْشَةُ الـ ~ ремонт устахонаси; 3) хушёрлик; 4) бокир(а)лик, ахлоқий мусаффолик, озодалик, софлик

– مَصُونٌ эҳтиёт қилинадиган, қўриқланадиган

– مَصُونِيَّةٌ сақланганлик, сақланиш, сақлаш; قَانُونُ ~ الطَّاقَةِ энергиянинг сақланиш қонуни

صُوَّةٌ *кўп.* صُوًى (1 белги; 2) йўл бўйидаги тош

I صَوِيَ (и) صَوًى (а) صَوِيَ *ёки* صُوِيٌّ (1 куримоқ, қуриб қолмоқ (*дарахт ҳақида*); чийилламоқ (*жўжа ҳақида*) II صَوَّى =I

صُويَا соя (*дуккакли ўсимлик тури ва унинг меваси*); ~ فُولُ сояли ловия, соя ловия

صُبَّابَةٌ ҳар нарсанинг энг яхшиси (танлангани); هُوَ مِنْ ~ الْمُحَقِّقِينَ у энг яхши тадқиқотчилардандир

I (صيح) صَاحَ (и) صِيَاحٌ 1) қичқирмоқ, оҳ-воҳ урмоқ; хитоб қилмоқ; 2) қичқирмоқ (*хўроз ҳақида*); 3) (*н. нидир*) чақирмоқ (بِ); 4) (*к. гадир*) бақирмоқ (فِى, عَلَى); II صَيَّحَ қаттиқ қичқирмоқ; VI تَصَايَحَ 1) (*к. биландир бирга*) қичқиришмоқ; бақиришмоқ, бақир-бақир қилишмоқ; 2) бақириб (қичқириб) юбормоқ

– صَائِحَةٌ кўп. صَوَائِحُ қичқириқ, бақириқ

– صِيَاحٌ қичқириқ, оҳ-воҳ; ~ الدِّيكِ хўроз қичқириғи

– صَيَّاحٌ 1. шовқинли; бақир-бақир қилувчи; 2. бақироқ

– صَيْحَانِيٌّ Мадинаи мунаввaрадаги хурмо навларидан бири

– صَيْحَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) қичқириқ; أَرْسَلَ صَيْحَاتٍ қичқирган овоз чиқармоқ; ◊ ~ فِى وَادٍ чўлдаги одам қичқириғи (*ўз фикрини биров эшитмаган вақтда айтилган фикр*); ~ آخِرُ ёки الـ~ الْأَخِيرَةُ энг сўнгги мода; 2) азоб, қийноқ

I (صيد) صَادَ (и) صَيْدٌ (*қуш*) овламоқ; (*балиқ*) овламоқ (*тутмоқ*); ~تْ أُذُنُهُ بَعْضَ الْكَلِمَاتِ унинг қулоғи бир неча сўзларни илиб олди; ~ فِى الْمَاءِ الْعَكِرِ сувни лойлатиб балиқ тутмоқ; V تَصَيَّدَ ов қилмоқ; (*н. нингдир ортидан*) қувмоқ; ~ فِى الْمَاءِ الْعَكِرِ = صَادَ فِى الْمَاءِ қар. I; VIII اصْطَادَ тутмоқ; қўлга туширмоқ; (*овда*) ўлдирмоқ; ~ فِى الْمَاءِ الْعَكِرِ = صَادَ فِى الْمَاءِ الْعَكِرِ қар. I

– صَائِدٌ овчи, сайёд; тутувчи; ~ السَّمَكِ балиқчи; балиқ тутувчи, балиқ овловчи

– صَيَّادٌ сайёд, овчи; тутувчи; ~ السَّمَكِ а) балиқчи, балиқ тутувчи, балиқ овловчи; б) *зоол.* кўкторғоқ, қорабузоқ (*қуш*)

– صَيَّادَةٌ чўзма (рогатка)

– صَيْدٌ 1) ов, тутиш; ~ السَّمَكِ балиқ ови; الـ~ فِى الْبَرِّ وَ الْبَحْرِ ов ва балиқ ови; كَلْبُ الـ~ ов ити; حِذَاءُ الـ~ овчилик этиги; سِكِّينُ الـ~ ов пичоғи; بُوقُ الـ~ ов бурғуси (*шохдан ясалган, чалинадиган асбоб*); 2) ов, сайд

– صَيْدَةٌ кўп. ـَاتٌ ов, сайд; овланган, тутилган нарса

– صَيُودٌ кўп. صُيُدٌ овчи, сайёд

– مَصْيَدَةٌ кўп. مَصَايِدُ ов қилиш жойи; مَصَايِدُ السَّمَكِ балиқ овланадиган жой; مَصَايِدُ اللُّؤْلُؤِ марварид қидириб топиладиган жойлар

– مِصْيَدَةٌ кўп. مَصَايِدُ тузоқ, қопқон; тўр; الـ~ الْمَغْنَاطِيسِيَّةُ *физ.* магнитли тутқич (ловушка)

صَيْدَلَانِيٌّ кўп. صَيَادِلَةٌ аптекачи; дори тайёрловчи

– صَيْدَلَةٌ фармацевтика, дори тайёрлаш; صُنْدُوقُ ~ аптечка, дори-дармонлар қутиси

– صَيْدَلِيٌّ 1. 1) аптекачиликка оид; 2) фармацевтикага оид; 2. кўп. صَيَادِلَةٌ аптекачи, дори тайёрловчи

– صَيْدَلِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ аптека, дорихона

صَيْدَلَانِيٌّ = صَيْدَنَانِيٌّ

I (صير) صَارَ (и) مَصِيرٌ, صَيْرُورَةٌ 1) бўлинмоқ, қилинмоқ; 2) бошламоқ; ~ يَمْشِى у юра бошлади; у юриб кетди; 3) бўлиб ўтмоқ, воқе бўлмоқ; 4) бормоқ, (*к. нингдир олдига*) ўтмоқ (إِلَى); 5) (*к. нидир*) бошламоқ, етакламоқ, бошлаб (етаклаб) бормоқ (بِ); II صَيَّرَ ўзгартирмоқ, (*н. гадир*) айлантирмоқ; ~هُ بَيْنَ حَلٍّ وَ تَرْحَالٍ у ёқ-бу ёққа (турли томонларга) ташламоқ (*ҳаёт ҳақида*); IV أَصَارَ (*н. гадир*) олиб келмоқ (إِلَى)

– صِيرٌ 1) ёриқ, дарз; 2) *зоол.* анчоус, хамса (*майда денгиз балиғи*)

– صِيرَةٌ кўп. صِيَرٌ қўйхона, қўтон

– صَيْرُورَةٌ 1) ўзгариш, (*бирор н. га*) айланиш, ўтиш; шаклланиш; فِى ~ шаклланиш жараёнида; 2) тақдир, қисмат; 3) натижа, охир, пировард, хотима, оқибат, якун

– مَصِيرٌ кўп. مَصَايِرُ 1) тақдир, қисмат, насиба; келажак; ~ كُلِّ حَيٍّ барча тирик жоннинг қисмати (*яъни ўлим*); حَقُّ تَقْرِيرِ الـ~ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; اخْتَارَ ~هُ بِنَفْسِهِ ўз тақдирини ўзи белгиламоқ; 2) натижа, охир, пировард, хотима, оқибат, якун; ~ الْمَعْرَكَةِ жанг натижаси

– مَصِيرِيٌّ қисматга боғлиқ, тақдирни ҳал қилувчи; الْمَعْرَكَةُ الـ~ـةُ ҳал қилувчи жанг

صَيْرَفِيٌّ қар. صرف

صِيصَةٌ, صِيصِيَةٌ кўп. صَيَاصٍ 1) қалъа, истеҳком; 2) пих (*хўрозники*); 3) шох (*буқа, кийикники*)

I (صيع) صَاعَ (и) صَيْعٌ тарқатмоқ, сочиб юбормоқ; II صَيَّعَ (*нефтни*) крекингламоқ (*нефтни қайта ишлаб, бензин, газ олмоқ*); VII انْصَاعَ 1) ортга тез қайтмоқ; 2) юқорига (*юксакликка*) кўтарилмоқ, учиб чиқиб кетмоқ; (*н. гадир*) бўйсунмоқ (لِـ), (*н. биландир*) келишмоқ (لِـ)

– انْصِيَاعٌ бўйсуниш; келишиш; (*н. гадир*) тан бериш (لِـ); الـ~ لِأَوَامِرِهِ кимнингдир буйруқларига бўйсуниш

– صَايِعٌ кўп. صِيَاعٌ 1. иши йўқ одам; 2. бекорчи, ишёқмас

I (صيف) صَافَ ёзламоқ, ёзни ўтказмоқ; II صَيَّفَ 1) (*қаердадир*) ёзни ўтказмоқ (بِ, فِى); 2) *халқ.* бошоқ териш учун далага чиқмоқ; V تَصَيَّفَ = II; VIII اصْطَافَ (*мас., курортда*) ёзни ўтказмоқ (فِى); (*қаергадир*) ёзда дам олиш учун жўнамоқ (إِلَى)

– اصْطِيَافٌ (*мас., курортда*) ёзни ўтказиш; ёзги курорт сезони; أَمَاكِنُ الـ~ курортлар

– صَائِفٌ иссиқ; يَوْمٌ ~ иссиқ кун

صَيْفٌ – кўп. أَصْيَافٌ ёз; فَصْلُ الـ~ ёз фасли; أَيَّامُ الـ~ ёз кунлари; ~ شِتَاءً ёзда ҳам, қишда ҳам, ёзин-қишин

صَيْفِيٌّ – ёзга оид; ~ مَنْزِلٌ (بَيْتٌ) дача, дала боғ

صَيْفِيَّةٌ – ёз фасли, ёзги сезон

مُصْطَافٌ – 1. курортда дам олувчи; 2. курортчи

مَصِيفٌ, مَصْيَفٌ – кўп. مَصَايِفُ ёзда бўлинадиган жой; дала боғи; курорт

مُصَيِّفٌ – 1. курортда дам олувчи; 2. курортчи

(صين) II صَيَّنَ хитойлаштирмоқ; V تَصَيَّنَ хитойлашмоқ

صِينِيٌّ – 1. Хитойга оид; الـ~ـَةُ хитой тили; 2. الصَّلْصَالُ الـ~ хитой гили, каолин (*чиннигил, оқ гил*); الشَّمْعُ الـ~ хитой шами; الْحِبْرُ الـ~ хитой туши; الْجِدَارُ الـ~ Улуғ Хитой девори; 2. 1) хитойлик, хитой; 2) *шунингдек* ~ خَزَفٌ фарфор, чинни, чинни идиш

صِينِيَّةٌ – кўп. صَوَانٍ 1) патнис; 2) идиш-товоқ; 3) *т.-й.* паровозни айлантириб қўядиган қурилма; ◊ هُوَ أَنْظَفُ مِنَ الـ~ بَعْدَ غَسِيلِهَا чўнтакда бир тийинсиз бўлмоқ (*сўзма-сўз: у ювилган патнисдан ҳам тоза*)

صَيْهَدٌ 1) чўл, биёбон, саҳро; ~ الرَّمْلِ қумлик саҳро; 2) Сайҳад (*Яман ва Ҳадрамаут оралиғидаги ар-Рубъул Холий саҳросининг бир қисми*)

صِيوَانٌ кўп. صَوَاوِينُ 1) катта чодир; 2) айвон, тент (*катта шамсия*); ◊ ~ الْأُذُنِ қулоқ супраси

ض

ض (ضَادٌ) дод (*араб алифбосининг ўн бешинчи ҳарфи, абжадда- 800*)

ضَادٌ дод (ض *ҳарфининг номи*); ◊ لُغَةُ الـ~ соф араб тили; نَطَقَ بِالـ~ соф араб тилида гапирмоқ (сўзламоқ); نَاطِقٌ بِالـ~ а) соф араб тилида сўзлашувчи; б) араб; أَهْلُ الـ~ араблар

ضَادِيٌّ – (*дод*) ҳарфига оид; الـ~ـَةُ *ёки* اللُّغَةُ الـ~ـَةُ соф араб тили; حُمَاةُ اللُّغَةِ الـ~ـَةِ араб тили софлигини сақловчилар

ضَالَةٌ қурол

ضَامَةٌ 1) шашка, дамка (*ўйин*); رُقْعَةُ الـ~ шашка тахтаси, шашка қутиси, шашкадон; 2) шашка ўйнаш (*сол.* دَامَا)

ضَؤُلَ I (у) ضَآلَةٌ, ضُؤُولَةٌ 1) кучсиз бўлмоқ, кучсизланмоқ, кучсизланган бўлмоқ; 2) миқёсан аҳамиятсиз (кичик) бўлмоқ; кичраймоқ, озаймоқ; III ضَاءَلَ (*н. нидир*) озайтириб (камайтириб) кўрсатмоқ, камситмоқ (مِنْ); VI تَضَاءَلَ аста-секин кучсизланмоқ; озаймоқ, камаймоқ

ضَآلَةٌ, ضُؤُولَةٌ – 1) кучсизлик; 2) аҳамиятсизлик, арзимаслик; 3) кичик ўлчам

ضَئِيلٌ – кўп. ضُؤَلَاءُ 1) кучсиз; ~ جِدًّا жуда ёмон, кучсиз (*ўзлаштириш баҳоси*); 2) аҳамиятсиз, кичик, арзимас

(ضأن) IV أَضْأَنَ қўйи кўпаймоқ, кўпгина қўйли бўлмоқ, кўпгина қўйга эга бўлмоқ

ضَأْنٌ – қўй гўшти

ضَائِنٌ[1] – кучсиз

ضَائِنٌ[2] – кўп. ضَأْنٌ, ضَأَنٌ қўй; қўчқор

ضَائِنَةٌ – кўп. ضَوَائِنُ қўй

ضَبَّ I (а/и) 1) тутмоқ, тутиб турмоқ, тутиб олмоқ, илиб олмоқ; чангалламоқ; ~ فِي خِنَاقِهِ кимнингдир ёқасидан тутмоқ; 2) (*н. нидир*) эҳтиётлаб сақламоқ, қулфлаб қўймоқ (عَلَى); 3) (*эшикни*) лўкидон билан беркитмоқ; II ضَبَّبَ 1) ушлаб турмоқ, тутмоқ; 2) сақламоқ; ~ الْبَابَ эшикни лўкидон билан беркитмоқ; 3) туман босмоқ; ~ الْعَرَقُ نَظَّارَتَهُ унинг кўзойнагини тер босди; IV أَضَبَّ туманли бўлмоқ (*об-ҳаво ҳақида*); ~ـَتِ السَّمَاءُ ҳовли (ташқари) туманли, ҳовлини (ташқарини) туман босди

ضَبٌّ[1] – кўп. ضِبَابٌ, أَضُبٌّ, ضِبَّانٌ эчкизмар

ضَبٌّ[2] – 1) жағ; 2) олдинги (олдинги қатордаги) тишлар

ضَبَابٌ – туман, туман (тутун) пардаси, сийрак туман

ضَبَابِيٌّ – туманли

ضَبَّةٌ – кўп. ضِبَابٌ, ضَبَّاتٌ ёғоч *ёки* темир лўкидон (*занжир, илгак*) (*эшикники*); ◊ ~ الْفَمِ жағ; أَبُو ~ қирғовул, тустовуқ

مُضِبٌّ – туманли

مُضَبَّبٌ – туман босган, туманли, очиқ бўлмаган (*ҳаво ҳақида*)

ضَبَثَ I (и) ضَبْثٌ (*бирор н. ни*) чангалламоқ, чангаллаб ушламоқ (بِ)

ضَبْثَةٌ – кўп. أَضْبَاثٌ чангал, кафт, ҳовуч; الْخَطَايَا بَيْنَ أَضْبَاثِهِمْ *ҳад.* хатолар уларнинг қўллари орасидадир

مَضْبَثٌ – кўп. مَضَابِثُ чангал; مَضَابِثُ الْأَسَدِ йўлбарс чангали

ضَبَحَ I (а) ضَبْحٌ 1) нафас қисилмоқ, ҳансирамоқ, оғир нафас олмоқ (*от ҳақида*); 2) куйдирмоқ, қуёш нурида ҳорайтирмоқ

– ضَبْحٌ отнинг чанқоқдан ҳансираши

ضَبَرَ I (и) ضَبْرٌ жамламоқ, жамлаб (ўраб) папкага солмоқ

– إِضْبَارَةٌ кўп. أَضَابِيرُ ، اتٌ — ҳужжатлар турадиган папка (дело, жилд, досье)

– ضِبَارَةٌ، ضُبَارَةٌ кўп. ضَبَائِرُ қайднома (қоғоз, ҳужжатлар) папкаси (жилди)

– إِضْبَارَةٌ = أُضْبُورَةٌ

– ضَبْرٌ кўп. ضُبُورٌ *тар.* дабр (*қалъа, қўрғонни қамал қилиш пайтида ишлатиладиган ёғочдан қилинган қалқонга ўхшаш мослама*)

– ضَبِرٌ қаттиқ, мустаҳкам; кучли

ضَبَطَ I (у, и) ضَبْطٌ 1) тутмоқ, тутиб турмоқ, тўхтатиб турмоқ, ушлаб турмоқ; ~ أَعْصَابَهُ ўз асабларини тутиб турмоқ, қўлга олмоқ; ~ نَفْسَهُ ўзини тутиб турмоқ (қўлга олмоқ), (*н. гадир*) совуққонлик билан муносабатда бўлмоқ; ~ أَنْفَاسَهُ فِى صَدْرِهِ нафас олмай (чиқармай) турмоқ; ~ الْوَظِيفَةَ الدَّائِمَةَ доимий вазифа эгалламоқ; 2) тутиб олмоқ, тутмоқ, қўлга туширмоқ, ҳибсга олмоқ, таъқиқламоқ, таъқиқлаб қўймоқ; мусодара қилмоқ; ~ تْ عَدَسَةُ الْمُصَوِّرِ ... фотограф объективи ...ни суратга олди (*сўзма-сўз:* ...ни тутди); 3) олмоқ; 4) аниқламоқ, тўғриламоқ, тузатмоқ; 5) (*бирор н. ни*) яхши (аниқ) бажармоқ (қилмоқ); ~ الْمَوَاعِيدَ ўз вақтида қилмоқ, кечиктирмай қилмоқ; 6) (*жиҳозларни аппаратларни*) ўрнатмоқ, иш ҳолатига келтирмоқ; 7) аниқламоқ, белгиламоқ; бошқариб турмоқ; ~ الْأَمْنَ жамоат тартибига бўйсунмоқ (риоя қилмоқ); 8) *радио.* бирор тўлқинга тўғриламоқ; 9) ҳисоблаб (ўлчаб) чиқмоқ; 10) ҳисоб-китоб қилмоқ, ҳисобини олмоқ (чиқармоқ); назорат қилмоқ; юритмоқ (*дафтар, папка*); 11) суриштириш ишлари олиб бормоқ, сўроқ қилмоқ; 12) *грам.* (*сўзга*) ҳаракат белгиларини қўймоқ; VII انْضَبَطَ 1) мусодара қилинган бўлмоқ; 2) аниқ белгиланмоқ; бошқарилмоқ; 3) тартибда сақланилмоқ; 4) интизомли бўлмоқ; 5) ўрнатилган бўлмоқ (*аппаратура ҳақида*); иш (ишлайдиган) ҳолатига келтирилмоқ; 6) *грам.* ҳаракатлари қўйилган бўлмоқ

– أَضْبَطُ[1] *мн.* ضَبْطَاءُ кўп. ضُبْطٌ ҳар икки қўлидан (*бир хил даражада*) фойдалана олувчи

– أَضْبَطُ[2] энг аниқ

– انْضِبَاطٌ тартиб, интизом; смирно! (*команда*)

– ضَابِطٌ[1] кўп. ضُبَّاطٌ 1) офицер, зобит; ~ الاتِّصَالِ (الارْتِبَاطِ) алоқа офицери; ~ الْمَبَاحِثِ қидирув бошқармаси офицери; ~ صَفٍّ унтерофицер; ~ الْمَدْرَسَةِ мактабда тарбиявий ишлар билан шуғулланувчи ходим; 2) полицай унвони; 3) созловчи

– ضَابِطٌ[2] кўп. ضَوَابِطُ 1) қоида норма; 2) система, тизим, тартиб; لَهُمْ ~ لاَ ҳеч қандай системасиз, тартибсиз равишда; 3) ҳисоб-китоб; назорат, назорат тизими; ~ بِلاَ назоратсиз ҳолда; 4) кўп. *грам.* Қуръони карим талаффузига оид белгилар (ـُ ,ـِ ,ـَ ,ء); ◊ ~ بِلاَ ~ وَ قِيَاسٍ ҳадду ҳисобсиз; ~ بِلاَ ~ وَ لاَ رَادِعٍ тўхтовсиз, ўзини тўхтатолмай

– ضَابِطٌ[3] қатъий, қатъиятли, букилмас; ~ رَجُلٌ қатъиятли одам

– ضَابِطَةٌ кўп. ضَوَابِطُ 1) полиция; 2) маълумотнома (справочник); 3) *тех.* регулятор (*бошқа бирор асбобнинг ишини маромга келтириб турувчи мослама*); 4) тормоз (*тўхтатиш учун хизмат қиладиган мослама*)

– ضَبْطٌ[1] 1) ҳибсга олиш; ҳибс, мусодара; 2) суриштирув, сўроқ, текширув; ~ الْوَقَائِعِ суриштирув, қидирув, қидириш; إِدَارَةُ الـ~ қидирув бошқармаси; قَلَمُ الـ~ қонунга итоат (риоя) қилиш-қилмасликни назорат қилувчи бўлим; 3) аниқлик; ~ بِالدِّقَّةِ وَ الـ~ мутлақо аниқ; بِالـ~ аниқ, аниқлик билан; ~ عَلَى وَجْهِ الـ~ мутлақо аниқлик билан, худди шундай; إِشَارَةُ ~ الْوَقْتِ аниқ вақт сигнали; مُحْكَمُ الـ~ аниқ ишлайдиган (*асбоб ҳақида*); ~ الشَّهْوَةِ ўзини тийиб туриш, ўзини тутиб туриш; ~ النَّفْسِ совуққонлик, ўзини тута билиш, сабру тоқат, чидам; 4) ташкил этиш; бошқариш, бошқариб туриш; 5) назорат, ҳисоб-китоб; جِهَازُ الـ~ назорат қилувчи мослама; ~ الْأَرَاضِى ер ҳақидаги маълумотлар тўпламини тузиш (*солиқ белгилаш мақсадида*); 6) шаҳар бошқармаси, полиция, сокчилик; 7) *грам.* ҳаракатларни қўйиш; ~ الْكِتَابَةِ матн ҳаракатларини қўйиш; ◊ الرَّبْطُ وَ الـ~ *ёки* الـ~ الْعَسْكَرِىُّ *ҳарб.* (*ҳарбий*) интизом; قَوَانِينُ الـ~ وَ الرَّبْطِ жамоат тартибларини сақлаш қонунлари

– ضَبْطٌ[2] кўп. ضُبُوطٌ рўйхат, реестр; протокол

– ضَبْطِيَّةٌ кўп. اتٌ — 1) полиция, полиция бошқармаси; 2) полиция томонидан мусодара қилинган наркотиклардан иборат ғайриқонуний юк

– مَضْبَطَةٌ кўп. مَضَابِطُ 1) қарор; 2) протокол

– مَضْبُوطٌ 1) олиб қўйилган, олинган; 2) ҳибсга олинган; мусодара қилинган; 3) аниқ, саранжом, саришта, тартибга аниқ риоя қилувчи; ~ غَيْرُ бетартиб, тартибга риоя қилмайдиган

– مَضْبُوطَاتٌ кўп. *юр.* далилий ашёлар, ашёвий далиллар

(ضبع) VIII اضْطَبَعَ : رِدَاءَهُ ~ ридога ўралмоқ, ридо киймоқ (*ҳаж маросими вақтида*)

– ضَبْعٌ кўп. أَضْبَاعٌ билак, қўлнинг кафтгача бўлган қисми

– ضَبُعٌ *мн.* кўп. ضِبَاعٌ *зоол.* сиртлон, ёлдор бўри

– ضِبَانٌ патак (*оёқ кийимларида*)

ضَجَّ I (а/и) ضَجِيجٌ шовқинламоқ, кичқирмоқ; ~ بِالضَّحِكِ қаттиқ кулмоқ; IV أَضَجَّ = I

– ضَجَّاجٌ шовқинли; шовқинловчи; бақириқ-чақириқ қиладиган

– ضَجَّةٌ шовқин; бақириқ; ~ خَلَقَ ~ كُبْرَى катта шов-шув келтириб чиқармоқ (*қандайдир бирор воқеа-ҳодиса ҳақида*)

– ضَجُوجٌ шовқинли

– ضَجِيجٌ 1) шовқин; шовқин-сурон, шов-шув, ала-говур; ~ أَثَارَ الـ~ (*бирор сабаб билан*) шов-шув кўтармоқ

(حَوْلَ); 2) қичқириқ, бўкириш, ўкириш, наъра тортиш, наъра

I ضَجِرَ (а) ضَجَرٌ 1) (бирор н. дан) аччиқланган (асабийлашган) бўлмоқ, хафа бўлмоқ, оғринмоқ (بِ, مِنْ); 2) зерикмоқ (бирор н. дан) . أَضْجَرَ IV (بِ, مِنْ) безовта бўлмоқ, хавотирланмоқ, хавотир олмоқ

V تَضَجَّرَ 1) аччиқлантирмоқ, хафа қилмоқ, оғринтирмоқ; оғринганини (хафа бўлганини) билдирмоқ; асабийлашган (аччиқланган) бўлмоқ; 2) зерикмоқ

– ضَجَرٌ хафалик, оғриниш; асабийлашиш; безовталик, хавотирлик, хавотир олиш

– ضَجِرٌ оғринаётган, хафа бўлаётган; (н. дандир) асабийлашаётган (بِ)

– ضَجِيرٌ = ضَجُورٌ

– مُضْجِرٌ 1) асабийлаштирадиган; 2) ёмон таъсир қиладиган, асабни қўзғайдиган

I ضَجَعَ (а) ضُجُوعٌ ётмоқ, тинч ётмоқ; II ضَجَّعَ (бирор н. ни) рад қилмоқ; (бирор н. да) камчиликка йўл қўймоқ (فِي); III ضَاجَعَ (бирор к. билан, шунингдек хотин киши билан) ётмоқ; ◊ ~ ـَـهُ الْهَمُّ уни ташвишлар тарк этмади; IV أَضْجَعَ (ухлашга) ётқизмоқ; VII انْضَجَعَ (ухлашга) ётқизилган бўлмоқ; VIII اضْطَجَعَ ёки اِضَّجَعَ ухлашга ётмоқ

– ضَجْعَةٌ қисқа уйқу; куш уйқуси; дам олиш, ҳордиқ чиқариш; ~ الْقَيْلُولَة тушдан кейинги дам олиш

– ضُجَعَةٌ дангаса, ишёқмас

– ضُجَعَةٌ = ضُجَعِيٌّ

– ضَجِيعٌ (бирор к. билан) бирга ётган

– ضَجِيعٌ = مُضَاجِعٌ

– مَضْجَعٌ кўп. مَضَاجِعُ 1) кўрпа-тўшак солиб қўйилган жой; ~ ـَـهُ أَقَضَّ қар. أَقَضَّ; ~ الثَّعْلَبِ тулки уяси (ини); 2) подшипник

– مُضْطَجَعٌ кўп. ـاتٌ кўрпа-тўшак солиб қўйилган жой

– ضِحٌّ қуёш нури, қуёш; لَا يَقْعُدَنَّ أَحَدُكُمْ بَيْنَ الضِّحِّ وَ الظِّلِّ فَإِنَّهُ مَقْعَدُ الشَّيْطَانِ ҳад. сизлардан ҳеч ким қуёш нури билан соя ўртасида ўтирмасин, чунки у шайтоннинг ўтирадиган жойидир

ضَحْضَحَ 1) тебранмоқ, чайқалмоқ, силкинмоқ, йилт-йилт қилмоқ; 2) кучсизланмоқ, озаймоқ; 3) синдирмоқ, бузмоқ; تَضَحْضَحَ тебранмоқ, чайқалмоқ, силкинмоқ, йилт-йилт қилмоқ

– ضَحْضَاحٌ саёз, чуқур бўлмаган

I ضَحِكَ (а) ضَحْكٌ (бирор к. устидан) кулмоқ, масхара қилмоқ, мазах қилмоқ (عَلَى, مِنْ); ◊ ~ مِلْءَ قَلْبِهِ тўйиб-тўйиб кулмоқ; ~ مِلْءَ شِدْقَيْهِ оғиз тўлдириб кулмоқ; ~ فِي عُبِّهِ оғизни қўл билан тўсиб кулмоқ; ~ عَلَى ذَقْنِهِ қар. ذَقْنٌ II ضَحَّكَ 1) кулдирмоқ; 2) (к. нингдир) устидан кулмоқ, масхара (мазах) қилмоқ (عَلَى); III ضَاحَكَ 1) кулмоқ; (к. гадир) жилмаймоқ; 2) (бирор к. билан бирга) кулмоқ, кулишмоқ; IV أَضْحَكَ = II; VI تَضَاحَكَ 1) бошқалар билан бирга кулмоқ, кулишмоқ, қаҳ-қаҳлаб кулмоқ, гуриллаб кулмоқ (хонадаги одамлар ҳақида); бирга кулишмоқ, ўзаро кулишмоқ; 2) ёлғондакам (сохта) кулмоқ; 3) (бирор к. устидан) кулмоқ, мазах қилмоқ (عَلَى); X اسْتَضْحَكَ 1) кулги чиқармоқ; (к. биландир бирга) кулмоқ, кулишмоқ (مَعَ)

– أُضْحُوكَةٌ кўп. أَضَاحِيكُ 1) ҳазил; ҳазиллашиладиган (мазах қилинадиган) нарса

– ضَاحِكٌ кулувчи, кулаётган; ~ السِّنِّ хушчақчақ; خَيْرُ الـ ~ ـِينَ آخِرُهُمْ мқл. охирида кулган яхши кулади

– ضَاحِكَةٌ кўп. ضَوَاحِكُ олдинги қатордаги тишлар; кўп. кулганда кўринадиган тишлар

– ضَحَّاكٌ 1) кўп куладиган, кулаверадиган; 2) хушчақчақ одам; ҳазилкаш; ◊ ~ غَازٌ хушчақчақ қиладиган газ

– ضِحْكٌ, ضَحِكٌ 1) кулги; اسْتَثَارَ الـ ~ кулдирмоқ, кулги келтириб чиқармоқ; 2) ҳазил, мазах

– ضُحْكَةٌ 1) ҳазил, мазах; 2) мазахланадиган

– ضُحَكَةٌ кулағон, кулағуч, серкулги, ҳадеб кулаверадиган (одам)

– ضَحْكَةٌ кўп. ـاتٌ нимкулги, қисқа кулги, бир кулиб қўйиш; أَطْلَقَ ~ кула бошламоқ, кулиб юбормоқ

– ضَحُوكٌ кулаётган; кулаверадиган, бекорга кулаверадиган

– مِضْحَاكٌ кулаверадиган, бекорга кулаверадиган

– مُضْحِكٌ 1. кулги чиқарадиган, кулгили; комик; ~ وَ مُبْكٍ трагикомик; 2. комик, ҳазилкаш, мазах қилувчи, масхарабоз

– مُضَحِّكٌ масхарабоз, масхара

– مَضْحَكَةٌ кулги (ҳазил, мазах) қилинадиган нарса

– مُضْحِكَةٌ кўп. ـاتٌ ҳазил, мазах, кулгили воқеа, латифа

I ضَحُلَ (а) ضَحَالَةٌ, ضَحْلٌ саёз бўлмоқ, чуқур бўлмаслик

– ضَحْلٌ 1) саёз, чуқур бўлмаган; 2) аҳамияти оз (кичик)

– مَضْحَلٌ кўп. مَضَاحِلُ саёз (чуқур бўлмаган) жой; саёзлик

I ضَحَا (ضحو) (у) ضَحْوٌ кўринмоқ, кўзга ташланмоқ; ~ لِلشَّمْسِ қуёшга қараб турган (бурилиб турган) бўлмоқ; II ضَحَّى = ضَحَا; ضَحَّى қурбонлик қилмоқ; (н. нидир) қурбон қилмоқ (بِ); ~ بِنَفْسِهِ ўзини қурбон қилмоқ; ~ بِالنَّفْسِ وَ النَّفِيسِ مِنْ أَجْلِهِ нима учундир ҳамма нарсани қурбон қилмоқ; IV أَضْحَى бўлмоқ, қилинмоқ; ~ يَكْتُبُ у ёзадиган бўлди, у ёза бошлади; V تَضَحَّى 1) қурбон қилмоқ; 2) эрталаб кеч турмоқ

– أُضْحِيَةٌ кўп. أَضَاحٍ курбонлик қилинувчи ҳайвон, жонивор; يَوْمُ عِيدُ الْأَضْحَى дин. курбонлик қилинадиган кун, қурбон ёки الْأَضْحَى

ҳайити (зул-ҳижжа ойининг 10-куни); صَلَاةُ عِيدِ الْأَضْحَى *дин.* қурбон ҳайити намози

– أُضْحِيَّةٌ *кўп.* أَضَاحِيُّ қурбон қилинадиган ҳайвон, қурбонлик; قَدَّمَ ~ қурбонлик қилмоқ; بَذْلُ الْأَضَاحِيِّ وَ الْقَرَابِينِ қурбонликлар қилмоқ

– تَضْحِيَةٌ қурбонлик қилиш; ~ الذَّاتِ ўзини-ўзи қурбон қилиш

– ضَاحٍ *мн* ضَاحِيَةٌ қуёшга бурилиб (қараб) турган, қуёшдан нур олиб турган, қуёш нури тушиб турган

– ضَاحِيَةٌ *кўп.* ضَوَاحٍ шаҳар атрофи, шаҳарга туташган жойлар, шаҳар чеккалари

– ضَحَاءٌ аллақачон тонг отган пайт (ضَحْوٌ *дан кейинги пайт*), тушгача бўлган вақт

– ضَحْوَةٌ، ضَحْوٌ *кўп* ضَحَوَاتٌ тонг, илк тонг (*қуёш чиққан заҳотидаги пайт*)

– ضُحًى тонг (ضَحْوٌ *дан кейинги пайт*); قَهْوَةُ الـ~ тонгги (эрталабги) қаҳва; بَيْنَ لَيْلَةٍ وَ ضُحَاهَا дарров, жуда тез

– ضَحِيَّةٌ *кўп.* ضَحَايَا қурбонлик; ذَهَبَ (وَقَعَ) ~ қурбон бўлмоқ (ўлмоқ); وَقَعَ ~ الْعُدْوَانِ агрессия қурбони бўлмоқ

ضَخَّ I (а/у) ضَخٌّ 1) тўкмоқ, (оқизиб, жилдиратиб) суғормоқ; бошидан (*сув*) қуйиб юбормоқ; 2) (*насосда*) сув чиқармоқ; ~ الْمَاءَ مِنَ الْبِئْرِ (*насосда*) қудуқдан сув чиқармоқ (чиқариб олмоқ)

– ضَخٌّ (*насос билан*) сув чиқариш, сув олиш; مَحَطَّةُ الـ~ *ёки* مَحَطَّةُ ~ الْمِيَاهِ насос станцияси (қурилмаси)

– مِضَخَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) шприц; 2) насос, помпа; ~ مَاصَّةٌ *ёки* ~ الْامْتِصَاصِ ичига тортувчи (сўрувчи) насос; رَافِعَةٌ *ёки* ~ الْحَرَائِقِ ўт ўчириш помпаси; ~ صَغِيرَةٌ لِلْعِطْرِ атир сепадиган асбоб (*пульверизатор*)

ضَخُمَ I (у) ضَخَامَةٌ катта (улкан, маҳобатли) бўлмоқ; II ضَخَّمَ катта (улкан ўлчамли, катта ҳажмли) қилмоқ, катталаштирмоқ; *кўч. м.* шиширмоқ (*мас., бирор ишни*); ~ الصَّوْتَ овозни баландлатмоқ (*мас., радиоприёмникда*); V تَضَخَّمَ катталашмоқ, кўпаймоқ, ортмоқ; шишмоқ, йўғонлашмоқ (*мас., қон томири*); *кўч. м.* шиширилмоқ (*мас., бирор иш*)

– تَضَخُّمٌ катталашиш, кўпайиш, кенгайиш; ~ الْإِنْتَاجِ ортиқча ишлаб чиқариш; ~ الْقَلْبِ *мед* юрак кенгайиши; ~ الْغُدَّةِ الدَّرَقِيَّةِ *мед.* буқоқ; الـ~ الْمَالِيُّ *иқт* инфляция (*пулнинг ғоят даражада кўпайиб қадрсизланиши*)

– تَضْخِيمٌ катталашиш, кучайиш; *кўч. м.* шишириш (*мас., бирор ишни*)

– ضَخَامَةٌ 1) кенглик; катталик, чексизлик; катта ўлчам; هَائِلُ الـ~ жуда катта ҳажмдаги; 2) семизлик

– ضَخْمٌ، ضَخِمٌ 1) катта, улкан; ~ الْعِيَارِ катта калибрдаги (ҳажмдаги) الْمَدَافِعُ الـ~ـةُ оғир тўплар; الصِّنَاعَةُ الـ~ـةُ оғир саноат; 2) *шунингдек* ~ الْجِسْمِ семиз, семиз гавдалик

– مُضَخِّمٌ катталаштирадиган, кучайтириб берадиган; ~ الصَّوْتِ радио карнайи

ضَدَّ I (а/у) ضَدٌّ ғолиб (устун) келмоқ, енгмоқ; III ضَادَّ мухолиф бўлмоқ, душман бўлмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ; VI تَضَادَّ 1) мухолифлашмоқ, душманлашмоқ, ёвлашмоқ; рози бўлмаслик, ҳамфикр бўлмаслик; 2) *астр.* рўпарама-рўпара туриш (*сайёраларнинг қуёшга юзма-юз бўлиб туриши*)

– تَضَادٌّ 1) зид (қарши) ҳаракат қилиш; зиддият, қарама-қаршилик, антагонизм (келиштириб бўлмайдиган зиддият); بِالـ~ مَعَهُ унга қарама-қарши равишда; 2) *астр.* рўпара туриш

– ضِدٌّ қарши; كَانَ ~هُ кимгадир қарши бўлмоқ (турмоқ)

– ضِدٌّ *кўп.* أَضْدَادٌ 1) мухолиф, қарши турувчи; рақиб; 2) қарама-қаршилик, контраст (*бирор н. нинг тескариси, акси, зидди*); بِالـ~ ...га қарши, ...га қарамай; аксинча; زَعَمَ بِالـ~ аксини (зиддини) айтмоқ, зиддига (тескарисига) ишонтирмоқ; عَمِلَ عَلَى الـ~ مِنْ ذَلِكَ у бунинг аксини қилди; 3) *грам.* икки қарама-қарши маъно берувчи сўз (*мас., ўзбек тилидаги "ёмон" сўзи каби: ёмон ишларканми?, яъни жуда яхши ишлар экан*)

– ضِدِّيٌّ қарши томон, қарама-қарши

– ضِدِيدٌ қарши, қарама-қарши, анти-; ~ الْبُرُوتُونِ антипротон

– ضِدِّيَّةٌ зиддият, душманлик, ёвлик; (*к. гадир, н. гадир*) қарши чиқиш

– مُتَضَادٌّ қарши турувчи; қарама-қарши, антагонистик

– مُضَادٌّ *кўп.* ـَاتٌ — 1) зид ҳаракат қилувчи; (*бирор н. га*) қарши; 2) анти; الـ~ةُ الْأَجْسَامُ *биохим.* антижисмлар (*организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар*); ~ لِلْاسْتِعْمَارِ антиимпериалистик, империализмга қарши; ~ لِلْمُجْتَمَعِ жамиятга (жамоатчиликка) қарши; ~ لِلْفَسَادِ антисептик, организмдаги фасод (*қон айнишига*) қарши; ~ لِلْحَبَلِ ҳомила бўлиб қолишига қарши; الـ~ لِدَاءِ الْأَسْكَرْبُوطِ "С" витамини (дармондориси); مُضَادَّاتُ السُّمُومِ заҳарга қарши дори; مُضَادَّاتُ الْحَيَوِيَّةِ антибиотиклар; مِدْفَعٌ ~ لِلطَّائِرَاتِ зенит тўплари; مِدْفَعٌ ~ لِلدَّبَّابَاتِ танкка қарши ишлатиладиган (отиладиган) тўп; كَرَّةٌ ~ةٌ контратака

– ضَدِيدٌ бир хил, тенг, баробар; لَا ~ لَهُ тенги (ўхшаши) йўқ

– مُضَادَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — қарши (зид) ҳаракат; контраст

ضَرَّ I (а/у) ضَرٌّ зарар етказмоқ, зарар келтирмоқ, зараркунандалик қилмоқ; ~ بَصَرُهُ у кўр бўлиб қолди, у кўролмайдиган бўлиб қолди; II ضَرَّرَ катта зарар етказмоқ (келтирмоқ); III ضَارَّ зарар келтиришга ҳаракат қилмоқ (интилмоқ); 2) яна битта хотин олмоқ; 3) (*н. гадир*) қаршилик қилмоқ, қарши чиқмоқ; (*н. гадир*) қарши курашмоқ; IV أَضَرَّ 1) зарарлантирмоқ, зарар келтирмоқ; 2) (*н. гадир*) мажбур қилмоқ

(عَلَى); 3) кўр бўлиб қолмоқ; 4) яна бир хотин олмоқ; V تَضَرَّرَ (1 шикастланмоқ, зарарланмоқ; бузилмоқ; зарарни ҳис қилмоқ (сезмоқ); шикаст топмоқ, азоб чекмоқ; ~ـت الْأَرَاضِي مِنَ الْجَفَافِ ерлар қурғоқчиликдан зарар кўрди; 2) зарар кўрганлиги учун (*н. дандир*) шикоят қилмоқ (مِنْ); VII اِنْضَرَّ зарарланган бўлмоқ; VIII اِضْطَرَّ 1) (*н. гадир*) мажбур қилмоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) мажбур қилинмоқ (إِلَى)

– اِضْطِرَارٌ 1) мажбур бўлмоқлик; зарурат; عِنْدَ الـ~ зарур бўлиб қолган ҳолда; لِغَيْرِ مَا ~ заруратсиз, эҳтиёжсиз; 2) мажбур қилиш, мажбурият

– اِضْطِرَارِيٌّ 1) мажбур бўлган; هُبُوطٌ ~ *ав.* мажбуран қўниш; 2) мажбурий; 3) стихияли (*табиат ҳодисалари ҳақида*)

– ضَارٌّ зарарли; зарар келтирувчи, зараркунанда; фойдасиз, фойда келтирмайдиган, бефойда

– ضَرُورَةٌ = ضَارُورَةٌ

ضُرٌّ, ضَرٌّ [1] зарар, кўрилган зарарлар; مَسَّهُ الـ~ зарар кўрмоқ, зарар емоқ

– ضُرٌّ, ضِرٌّ [2] кўп хотинлилик

– ضِرَارٌ ихтилоф, зиддият, қарама-қаршилик

– ضَرَّاءُ бахтсизлик, ғам, алам; فِي السَّرَّاءِ وَ الـ~ хурсандлик ва хафалик кунларида

– ضَرَارَةٌ кўрлик

– ضَرَائِرُ *кўп.* муҳтожлик

– ضَرَرٌ *кўп.* أَضْرَارٌ шикастланиш; зарар; йўқотиш; أَلْحَقَ الـ~ (*н. гадир*) зарар етказмоқ (بِ); أَنْزَلَ أَضْرَارًا جَسِيمَةً жуда катта зарар етказмоқ; أَخَفُّ الـ~ـيْنِ икки ёмонликдан озроғи

– ضَرَّةٌ *кўп.* ضَرَائِرُ 1) (*кўп хотинли одам*) хотинларидан бири; 2) елин, эмчак

– ضَرُورَةٌ *кўп.* ـات ~ зарурат; اللّ~ зарур (*керак*) эмаслик; الـ~ الْقُصْوَى энг катта зарурат, жуда-жуда зарур бўлишлик; إِذَا اقْتَضَتِ الـ~ *ёки* إِنْ دَعَتِ الـ~ зарур бўлиб қолганда, зарур бўлиб қолган тақдирда, зарурият бўлса; بِالـ~ *ёки* ~ албатта, зарур бўлган тақдирда; *кўп.* зарурий ҳолатлар; لِلـ~ أَحْكَامٌ *ёки* الضَّرُورَاتُ تُبِيحُ الْمَحْظُورَاتِ қашшоқлик таъқиқларни тан олмайди; ◊ قَاهِرَةٌ ~ енгиб бўлмайдиган куч, force majeure

– ضَرُورِيٌّ (энг, жуда) зарур, зарурий; الْمَوَادُّ الـ~ـةُ кундалик зарурий эҳтиёж нарсалари

– ضَرُورِيَّاتٌ *кўп.* кундалик зарурий эҳтиёж нарсалари

– ضَرِيرٌ *кўп.* أَضِرَّاءُ 1. кўр; 2. кўзи кўрмайдиган

– ضَرِيرَةٌ *кўп.* ضَرَائِرُ кўзи кўр аёл

ضِرٌّ = مُضَارَّةٌ [1] –

ضِرَارٌ = مُضَارَّةٌ [2] –

ضَارٌّ = مُضِرٌّ –

– مَضَرَّةٌ *кўп.* مَضَارُّ зарарланиш; зарар, етишмовчилик, камчилик

ضَرَبَ I (и) ضَرْبٌ 1) зарба бермоқ, урмоқ, муштламоқ; ~ـهُ ضَرْبًا مُبَرِّحًا кимнидир қаттиқ урмоқ; ~ الْبَابَ эшикни тақиллатмоқ; ~ الْجَرَسَ қўнғироқ қилмоқ; ~ بِالْمَدَافِعِ бомбардимон қилмоқ; ~ بِالْقَنَابِلِ бомба ташламоқ; ~ـهُ بِالنَّارِ ~ـهُ кимгадир ўқ узмоқ; ~ بِالرَّصَاصِ кимнидир отиб ташламоқ; ~ النَّارَ ўт очмоқ, отмоқ; ~ الْأَرُزَّ гуруч янчмоқ; тозаламоқ; шоли оқламоқ; ~ الْآلَةَ الْمُوسِيقِيَّةَ мусиқий асбобни чалмоқ, соз чалмоқ; ~ عَلَى الْآلَةِ الْكَاتِبَةِ ёзув машинкасида ёзмоқ; ~ الرَّقْمَ الْقِيَاسِيَّ فِي ... ...да рекорд қўймоқ; 2) урмоқ (*юрак ҳақида*); 3) жойлаштирмоқ (*мас., соқчиларни*); 4) *мат.* қандайдир сонга кўпайтирмоқ (فِي); 5) *шахм.* (*донани*) урмоқ, уриб олмоқ; 6) оғримоқ (*яра, тиш ҳақида*); ~ الْجُرْحُ дард (огриқ), кучаймоқ; 7) чақмоқ (*мас., чаён*); 8) босмоқ (*урғочини*) ◊ ~ أَجَلًا *ёки* ~ مَوْعِدًا муддат белгиламоқ; ~ أَخْمَاسًا لِأَسْدَاسٍ (بِأَسْدَاسٍ) а) тахмин қилмоқ, деб ўйламоқ, ўйламоқ; б) айёрлик қилмоқ; ~ الْأَسْوَارَ девор урмоқ (қурмоқ); ~ الْمِثَالَ (*к. гадир*) мисоллар кўрсатмоқ (لِ); ~ مَثَلًا (*н. нидир*) мисол (ўрнак) қилиб кўрсатмоқ (فِي); ~ الْمَثَلَ масал (мақол) келтирмоқ (айтмоқ); ~ بِسَهْمٍ وَافِرٍ فِي مِضْمَارِ ... (*бирор*) соҳада катта муваффақиятларга эришмоқ; ~ بِسَهْمٍ بِالتِّجَارَةِ тижорат (савдо) билан шуғулланмоқ; ~ بِاحْتِجَاجِهِ عَرْضَ الْحَائِطِ бирор кимнинг рози ёки рози эмаслигига эътибор бермаслик; ~ الْبِلَادَ طُولًا وَ عَرْضًا мамлакатни бошдан-оёқ кезиб чиқмоқ; ~ عَلَى يَدِهِ ... (*бирор н. ни*) бўямоқ; ~ بَيْنَهُمْ кимларнингдир орасига ёвлик (ёмонлик) уруғини сепмоқ; ~ تِلِغْرَافًا телеграф бермоқ; ~ تِلِيفُونًا телефон қилмоқ (қоқмоқ); ~ الْجُذُورَ илдиз отмоқ; ~ الْحِصَارَ عَلَى ... (*бирор н. ни*) қамал қилмоқ, ўраб олмоқ, куршаб олмоқ, муҳосара қилмоқ; (*бирор н. га*) блокада (тўсиқ) ўрнатмоқ; ~ الْخَيْمَةَ чодир тикмоқ (ўрнатмоқ); ~ـت السَّكِينَةُ بِأَطْنَابِهَا هُنَا бу ерда тўла тинчлик хукмрон; ~ الضَّرَائِبَ солиқ солмоқ; ~ طُوبًا ғишт қуймоқ (ясамоқ); ~ الْعَلَاقَاتِ مَعَ ... ...дан алоқаларни узмоқ; ~ عُنُقَهُ (*к. нингдир*) бошини олмоқ; ~ إِلَى ... (*к. гадир. н. гадир*) эгилмоқ, букилмоқ, огмоқ; ~ لَوْنُهُ إِلَى الْحُمْرَةِ ранги қизилликка мойил бўла бошлади; ~ عَلَى أَيْدِي الصَّيَّادِينَ ов қилишни ман этмоқ; ~ عَلَى الرُّؤُوسِ بِيَدٍ مِنْ حَدِيدٍ ~ عَلَى қатъиян таъқиқламоқ (ман қилмоқ);

كَلِمَةَ ~ عَنْهُ الْكَلِمَةَ сўзни ўчирмоқ; (*к. дандир, н. дандир*) ўзини четга олмоқ; ... صَفْحًا عَنْ ~ а) ...дан воз кечмоқ; ... ҳақда индамаслик, ҳеч нарса демаслик; فِي الْأَرْضِ ~ жаҳон кезмоқ, жаҳонгашталик қилмоқ; فِي الْأَرْضِ عَلَى غَيْرِ هُدًا ~ боши оққан тарафга бормоқ; فِي الْبَادِيَةِ ~ кўчиб кетмоқ, юрт кезмоқ; فِي الْبَحْرِ ~ сузмоқ (*кема ҳақида*); فِي الشَّوَارِعِ ~ кўча кезмоқ, кўчама-кўча юрмоқ; لِصٌّ ~ عَلَى جَيْبِهِ ўғри унинг киссасига тушди; الْمَسْكُوكَاتِ ~ танга зарб қилмоқ; الْوَدْعَ وَ الرَّمْلَ ~ (*денгиз*) чаноқларида ва қумда фол (ром) очмоқ; II ضَرَّبَ 1) (*к. ларнингдир орасига* – بَيْنَ) ёвлик (душманлик) уруғини сепмоқ; 2) қавимоқ; астарламоқ; III ضَارَبَ 1) чайқовчилик қилмоқ; بِالذَّهَبِ ~ тилло билан чайқовчилик қилмоқ; 2) рақобат қилмоқ; муштлашмоқ, урушмоқ; 3) остига босмоқ (*урғочини*); IV أَضْرَبَ (*н. нидир*) қолдирмоқ (عَنْ); عَنْ دُرُوسِهِمْ ~ машғулотни тўхтатмоқ (қолдирмоқ); عَنِ الْعَمَلِ ~ ишни тўхтатмоқ, иш ташламоқ; عَنِ الطَّعَامِ ~ овқатланишни рад қилмоқ, очлик эълон қилмоқ; V تَضَرَّبَ урушмоқ; VI تَضَارَبَ муштлашмоқ, курашмоқ, тўқнашмоқ; 2) қарама-қарши бўлмоқ, мухолафатда бўлмоқ; 3) турли-туман бўлмоқ; VIII اضْطَرَبَ 1) ҳаяжонланмоқ, ҳаяжонланган бўлмоқ; 2) иккиланмоқ, тараддудланмоқ; فِي الْأَرْضِ ~ юрт кезмоқ, саёҳат қилмоқ; 3) чигал (ноаниқ) бўлмоқ; тартибсиз (бузилган) ҳолда келмоқ; қаловланиб қолмоқ; 4) тинч ухлай олмаслик, уйқуда безовта бўлмоқ

إِضْرَابٌ – *кўп.* اتٌ — иш ташлаш; عَنِ الْعَمَلِ ~ иш ташлаш; عَامٌّ ~ оммавий иш ташлаш; أَعْلَنَ الـ~ иш ташлаш эълон қилмоқ; شَنَّ ~ا иш ташлашни уюштирмоқ; لَجْنَةُ الـ~ иш ташлаш комитети; أَصْحَابِ الْمَصَانِعِ ~ локаут (*ишчиларни оммавий равишда ишдан бўшатиш ёки иш жойларини ёпиш*); الـ~ عَنِ الطَّعَامِ (*эълон қилинган*) очлик; ◊ حَرْفُ الـ~ *грам.* тескари маънони бидирувчи بَلْ юкламасининг номи

إِضْرَابِيٌّ – иш ташлашга оид; الْحَرَكَةُ الـ~ـةُ иш ташлаш ҳаракати

اضْطِرَابٌ – *кўп.* اتٌ — 1) изтироб, ҳаяжон; 2) ҳаяжонланиш, ғалаён, ғулғула; қаловланиш, тартибсизлик; 3) чигаллик, ноаниқлик; бузилиш; اضْطِرَابَاتٌ عَصَبِيَّةٌ асаб бузилиши; 4) иккиланиш, тараддудланиш; الـ~ فِي الْأَرْضِ *маж.* жаҳонгашталик

تَضَارُبٌ – 1) тўқнашув, кураш; 2) қарама-қаршилик, зиддият; норозилик; қарши туриш; 3) турли-туманлик, ҳар хиллик

ضَارِبٌ – *кўп.* ضَوَارِبُ 1. зарба берувчи, урувчи; 2. *мат.* кўпайтувчи; ◊ إِلَى الْحُمْرَةِ ~ қизғиш; طَيْرٌ ~ *кўп.* طُيُورٌ ضَوَارِبُ учиб ўтаётган қуш; الرَّمْلِ ~ қумда фол (ром) очувчи

ضَارِبَةٌ – зарба берувчи аёл, урувчи аёл; عَلَى الْآلَةِ الْكَاتِبَةِ ~ машинистка (*ёзув машинкасида ишлайдиган аёл*); ◊ بِالْحَصَى ~ майда тошларда фол (ром) очувчи аёл

ضَرَائِبِيٌّ – солиққа оид; النِّظَامُ الـ~ солиқ низоми (системаси)

ضِرَابٌ – босиш (*урғочини*)

ضَرَّابٌ – 1) жангчи; 2) боксчи; ◊ الطُّوبِ ~ ғишт қуювчи (ясовчи); الرَّمْلِ ~ қумда фол (ром) очувчи

ضَرَّابَةٌ – *кўп.* اتٌ — қўнғироқчанинг тили

ضَرْبٌ[1] – 1) уриш, зарба бериш, калтаклаш, *ҳарб.* ўт, ўт очиш; بِالْمَدَافِعِ ~ бомбардимон қилиш; النَّارِ ~ отиш, ўқ узиш; 2) тепиш, уриш; الْقَلْبِ ~ юрак тепиши (уриши); 3) *мат.* зарб, кўпайтириш; зарб қилиш; النُّقُودِ ~ танга зарб қилиш; دَارُ الـ~ зарбхона, танга зарб қиладиган корхона; ◊ الرَّمْلِ ~ қумда фол (ром) очувчи; الضَّرَائِبِ ~ солиқ солиш

ضَرْبٌ[2] – *кўп.* أَضْرَابٌ, ضُرُوبٌ тур, жинс, нав, сорт; هُمْ وَ أَضْرَابُهُمْ уларнинг ўзи ва уларга ўхшаганлар; عَرَّضَهُ لِـ~ مِنَ التَّحْلِيلِ у буни маълум даражада таҳлил қилди

ضَرْبَخَانَةٌ – *кўп.* اتٌ — зарбхона

ضَرْبَةٌ – *кўп.* ضَرَبَاتٌ 1) зарба; جَزَاءٍ ~ *спорт.* жарима тўпи; الدَّمِ ~ *ёки* الْحَرَارَةِ ~ сакта, апоплексия (*мияга қон қуйилиши ёки мия қон томирларининг беркилиши натижасида ҳушдан кетиш ёки фалаж бўлиш*); الشَّمْسِ ~ *мед.* офтоб уриши; قَاضِيَةٌ ~ ҳал қилувчи (охирги, ҳалок этувчи) зарба; مُعَلِّمٍ ~ усталик билан берилган (қойил қолдирувчи) зарба; بَعِيدٌ عَنْهُ ~ حَجَرٍ у жуда яқинда, у қўл чўзса етадиган жойда; أَنْزَلَ ضَرَبَاتٍ حَاسِمَةً (قَاصِمَةً) (...*га қарата*) ҳал қилувчи (қақшатқич) зарба бермоқ (بِ); 2) бало-офат, бахтсизлик, мусибат, ҳалокат; ◊ أَصْبَحَ هَذَا ~ لَازِبٍ бу мутлақо зарур бўлиб қолди; الضَّرَبَاتُ الْعَشْرُ *библ.* Мисрда диндорлар бошига келган ўнта бало-офатлар

ضَرِيبٌ – *кўп.* ضُرَبَاءُ тенг, тенгдош, бир-бирига тенг, мос, муносиб; қўшалоқ, жуфт; эр-хотин

ضَرِيبَةٌ – *кўп.* ضَرَائِبُ 1) солиқ, ўлпон; бож; الْأَعْنَاقِ ~ жон солиғи, жон бошидан олинадиган солиқ; الْأَطْيَانِ ~ ер солиғи; الْحَرْبِ ~ ҳарбий солиқ; الدَّخْلِ ~ *ёки* الـ~ التَّصَاعُدِيَّةُ ўсиб борувчи солиқ; الْإِيرَادِ ~ даромад солиғи; الْعَقَارِ ~ кўчмас мулк солиғи; الـ~ الْمُسْتَرَدَّةُ қайтариладиган (қайтиб бериладиган) бож; ضَرَائِبُ مُبَاشَرَةٌ бевосита солиқлар; ضَرَائِبُ غَيْرُ مُبَاشَرَةٍ билвосита солиқлар; مَصْلَحَةُ الضَّرَائِبِ солиқ бошқармаси; 2) зариба (*15,84 гектолитрга тенг келувчи ҳажм ўлчови*)

ضَرِيبِيٌّ – солиққа оид

مُتَضَارِبٌ – 1) тўқнаш келувчи, тўқнашувчи; 2) қарама-қарши

مُضَارِبٌ – 1. курашувчи, мухолиф; рақобат қилувчи; 2. чайқовчи;
~ عَلَى الصُّعُودِ биржада баҳонинг кўтарилишига қараб чайқовчилик қилувчи ("буқа" лақабидаги одам); ~ عَلَى الْهُبُوطِ (النُّزُول) биржада баҳонинг пасайишига қараб чайқовчилик қилувчи ("айиқ" лақабидаги одам)

مُضَارَبَةٌ – 1) кураш; жанг; муштлашув; 2) рақобат; الـ ~ الْحُرَّةُ эркин рақобат; 3) чайқовчилик; ~ مَالِيَّةٌ пул чайқовчилиги

مِضْرَابٌ – кўп. مَضَارِيبُ 1) камонча (чолғу асбобида); 2) спорт. ракетка (мас., теннисда)

مِضْرَبٌ – кўп. مَضَارِبُ спорт. чиллак, ракетка; ~ التِّنِس теннис ракеткаси; ~ بِنْجْ بُونْجْ пинг-понг (стол тенниси) ракеткаси; ~ الْهُوكِي хоккей клюшкаси (чиллаги)

مَضْرَبٌ – уриш, ур калтак-сур калтак, кирпичоқ; ◊ ~ الْمَثَلِ матал, мақол қилинадиган нарса, мақол мавзуи (объекти)

مَضْرِبٌ – кўп. مَضَارِبُ 1) чодир ўрнатиладиган жой; 2) чодирлар ўрнатилган лагерь; ◊ ~ الْأَرُزِّ обжувозхона, шоли оқлайдиган жой

مُضْرِبٌ – 1. иш ташловчи; 2. иш ташлаган киши

مُضَرَّبٌ – қавилган (кўрпа ҳақида)

مُضَرَّبَةٌ, مُضَرِّبَةٌ – кўп. қавилган кўрпа

مَضْرُوبٌ – 1. калтакланган, урилган; уриб туширилган; 2. شُونِنگдек: ~ عَلَيْهِ мат. кўпаювчи; ~ فِيهِ мат. кўпайтувчи

مُضْطَرِبٌ – ҳаяжон

مُضْطَرِبٌ – 1) ҳаяжонли, ҳаяжонга келган, ҳаяжонлантирадиган; 2) тўлқинли, тўлқинлатадиган, хижолат тортаётган, хижолатдаги; 3) нотинч, қийналиб чиқиш (уйқу ҳақида); 4) чигал, ноаниқ, туманли; 3) нотинч, қийналиб чиқиш (уйқу ҳақида); 4) чигал, ноаниқ, туманли; 5) нотекис, ўйдим-чуқур (йўл ҳақида); лойқа, тиниқ бўлмаган (сув ҳақида); 5) нотекис, ўйдим-чуқур (йўл ҳақида)

ضَرِجَ I (у) ضَرَجٌ қизартирмоқ, суртмоқ, юқтирмоқ (қон ҳақида); II ضَرَّجَ қизартирмоқ, доғ қилмоқ, суртмоқ, юқтирмоқ (қон ҳақида); ~ فِي الدِّمَاءِ мажҳ. қонга бўялиб кетмоқ (ярадор бўлганда); ~ الْخَجَلُ хижолатдан у (аёл) нинг юзлари қизариб кетди; V تَضَرَّجَ 1) вَجْهَهَا қизармоқ, бўялмоқ (қон билан); 2) қизариб кетмоқ, қон югурмоқ (юз ҳақида); وَقَدْ ~ وَجْهُهُ غَضَبًا унинг юзлари ғазабдан қизариб кетди; VII انْضَرَجَ 1) парашютда ташланмоқ; 2) пастга шўнғимоқ (қуш ҳақида)

مُضَرَّجٌ – бўялган, қизарган (қон билан); ~ بِدَمِهِ у қонга бўялиб йиқилди; ◊ ~ الْيَدَيْنِ жиноят устида тутилган (одам)

ضَرَحَ I (а) ضَرْحٌ 1) гўр (қабр) кавламоқ; 2) узоқлаштирмоқ, кўздан нари қилмоқ; VIII اضْطَرَحَ отмоқ, иргитмоқ, улоқтирмоқ

ضَرِيحٌ[1] – кўп. أَضْرِحَةٌ, ضَرَائِحُ гўр (қабр), сағана, дахма, турбат; мақбара, мавзолей

ضَرِيحٌ[2] – узоқ, йироқ, олис

مُضْطَرَحٌ – иргитилган, улоқтириб ташланган

ضَرِسَ I (а) ضَرَسٌ 1) тишламоқ, тишлаб олмоқ; 2) таъқиб қилмоқ, эзмоқ, сиқмоқ, зулм қилмоқ (к. гадир) жабру жафо қилмоқ; ... ضَرِسَ (а) ... II ضَرَّسَ ҳис қилмоқ (мар ...); ~ أَسْنَانُهُ унинг тиши қамашди; II ضَرَّسَ 1) тиш қоқмоқ, ўткир тишлар ўрнатмоқ; 2) қамаштирмоқ: ~ الْأَسْنَانَ тишни қамаштирмоқ; IV أَضْرَسَ ~ الْأَسْنَانَ = ضَرَّسَ الْأَسْنَانَ

تَضْرِيسٌ – кўп. تَضَارِيسُ учли, нишли дўнгликлар; تَضَارِيسُ الْأَرْضِ жой -(ер) нинг сатҳи (юзаси, рельефи); تَضَارِيسُ الْوَجْهِ юздаги ажинлар

ضَرَاسَةٌ – қўнимсизлик; ~ الْخُلُقِ қўнимсиз хулқ атвор (характер)

ضِرْسٌ – кўп. أَضْرَاسٌ озиқ тиш, тиш; ~ الْعَقْلِ ақл тиши

ضَرُوسٌ – тишлайдиган; ҳалокат келтирадиган, ҳалокатли, яксон қиладиган, даҳшатли; ~ حَرْبٌ даҳшатли уруш, ҳалокатли уруш

مُضَرَّسَاتٌ – кўп. архит. бир-бирига тишлатилган мосламалар, дентикуллар

ضَرِطَ I (и) ضَرْطٌ, ضَرِيطٌ, ضُرَاطٌ орқадан қаттиқ (жартиллатиб) ел чиқармоқ

ضُرَاطٌ – мед. ичда елнинг тўпланиб қолиши, метеоризм

ضَرَّاطٌ – тез-тез жартиллатиб ел чиқарувчи

ضَرْطٌ, ضَرِيطٌ – орқадан чиқадиган ел, жартиллаб чиқадиган ел

ضَرَعَ I (у) ضَرَاعَةٌ 1) кўнадиган (ён босадиган, гапга кирадиган, кўнгилчан, итоаткор) бўлмоқ; 2) (к. дандир) ўтиниб сўрамоқ, (к гадир) ялинмоқ; III ضَارَعَ ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; IV أَضْرَعَ (к. гадир) бўйсундирмоқ (لِـ, إِلَى); (к. нингдир олдида) хўрламоқ, камситмоқ, таҳқирламоқ (إِلَى); V تَضَرَّعَ ялинмоқ, ялиниб илтимос қилмоқ (туш. к. ёки إِلَى); (к. нингдир олдида) хўрланмоқ, хушомадгўйлик қилмоқ, жилпанглaмоқ (إِلَى)

تَضَرُّعٌ – 1) кўниш, ён босиш, кўнгилчанлик, итоаткорлик итоат, итоатлилик; 2) ўтиниш, ўтиниб сўраш

ضَارِعٌ – кучсиз, қувватсиз, беҳол

ضَرَاعَةٌ – ўтиниш, ялиниш, илтижо, илтимос

ضَرْعٌ – кўп. ضُرُوعٌ эмчак, елин, эмчак учи (тугмаси); ◊ الزَّرْعُ وَالـ ~ барча мол-мулк (сўзма-сўз: экин-тикинлар ва ҳайвонлар)

ضَرِعٌ = ضَارِعٌ –

ضِرْعٌ – ўхшаш, ўхшайдиган

ضَرْعِيَّاتٌ – кўп. сут эмизувчилар

مُضَارِعٌ – ўхшаш, ўхшайдиган; а) грам. صِيغَةُ الـ ~ ҳозирги-келаси замон феъли; б) музори (шеърий вазн); الـ ~ الْمَنْصُوبُ истак майли; الـ ~ الْمَرْفُوعُ аниқлик майли; الـ ~ الْمَجْزُومُ шарт майли

مُضَارَعَةٌ – ўхшашлик, ўхшаб қолиш; أَحْرُفُ (حُرُوفُ) الـ~ (أ, نـ, تـ, يـ) *грам.* ҳозирги-келаси замон феълининг шахс-сон кўрсаткичи

ضِرْغَامٌ *кўп.* ضَرَاغِمَةٌ *ёки* ضِرْغَمٌ *кўп.* ضَرَاغِمُ шер

ضَرِمَ I (а) ضَرَمٌ ёнмоқ, тутамоқ; II ضَرَّمَ ёқмоқ, ёқиб юбормоқ; IV أَضْرَمَ = II; V تَضَرَّمَ (1 ёнмоқ, ёниб кетмоқ; тутамоқ; ёниб турмоқ, ўту чўғда бўлмоқ (*мас., истимада, безгакда*); 2) (*к. ғадир қарши*) ғазаб ўтида ёнмоқ (عَلَى); VIII اضْطَرَمَ алангаламоқ, аланга олмоқ, ёниб кетмоқ, ёнмоқ, тутамоқ ... النَّارَ فِي (*н. нидир*) ёқмоқ

إِضْرَامٌ – ўт қўйиб юбориш, ўт қўйиш

ضِرَامٌ – 1) ёниш; алангаланиш, иссиқлик; 2) тутатқи, ўтни илаштириш учун ёқиладиган майда ўтин

ضَرَمَةٌ – *кўп.* ضَرَمٌ (1 сўхта ўтин, сўхта; 2) ўт, олов; مَا فِي الدَّارِ نَافِخُ ~ *кар.* نَافِخٌ

مُضْطَرِمٌ – алангаланаётган, аланга олиб ёнаётган, ёнаётган

ضِرْوٌ *кўп.* ضِرَاءٌ ов ити

ضَرِيَ I (а) ضَرَاوَةٌ, ضَرًى (1 кучаймоқ (*истак, хоҳиш ҳақида*); 2) ўргатилмоқ; الْكَلْبُ بِالصَّيْدِ ~ ит овга ўргатилди; II ضَرَّى (*ҳайвонларни*) ўргатмоқ; (*н. нидир*) қилишга ўргатмоқ (عَلَى); (*н. нидир*) билдирмоқ (عَلَى); IV أَضْرَى ўргатмоқ, одатлантирмоқ

ضَارٍ *мн.* ضَارِيَةٌ *кўп.* ضَوَارٍ ёввойи, ваҳший, ғазабнок; қонхўр; даҳшатли, қаҳрли; حَيَوَانٌ ~ ваҳший ҳайвон; وُحُوشٌ ضَارِيَةٌ ваҳший (ёввойи, қонхўр, даҳшатли) ҳайвонлар; الضَّوَارِي этхўр йиртқич ҳайвонлар; مَعْرَكَةٌ ضَارِيَةٌ даҳшатли жанг

ضَرَاءٌ – чангалзор, бутазор, қалин дарахтлар ўсган жой

ضَرَاوَةٌ – ғазабноклик, қонхўрлик; қаҳр, ғазаб; бераҳмлик, ваҳшийлик; بـ~ бераҳмлик билан, ваҳшиёна

ضَعْضَعَ 1) вайрон қилмоқ, яксон қилмоқ, бузмоқ, бузиб ташламоқ; 2) (*туйғуларни*) сусайтирмоқ, кучсизлантирмоқ, ўтмаслаштирмоқ; تَضَعْضَعَ вайрон қилинмоқ, яксон қилинмоқ, бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, омонат бўлиб қолмоқ; 2) сусаймоқ, кучсизланмоқ, ўтмаслашмоқ

تَضَعْضُعٌ – вайрон бўлиш, яксон бўлиш, бузилиш

ضَعْضَعٌ, ضَعْضَاعٌ – кучсиз, қувватсиз, бехол

ضَعْضَعَةٌ – 1) бузиш, бузилиш; 2) кучсизланиш; кучсизлик, бемадорлик; الشَّيْخُوخَةِ ~ қарилик бемадорлиги (ҳолсизлиги)

مُتَضَعْضِعٌ – 1) бузилган; яксон бўлган; вайрон бўлган; 2) кучсизланиб (мадорсизланиб) қолган; кучсиз, бемадор; ўтмаслашиб қолган, ўтмаслашган

ضَعُفَ I (у) ضَعْفٌ, ضُعْفٌ заиф бўлмоқ, заифлашмоқ, заиф бўлиб қолмоқ; (*бирор н. қилишга*) ожиз бўлмоқ (عَنْ); II ضَعَّفَ (1 заиф деб ҳисобламоқ; 2) икки баравар оширмоқ (орттирмоқ); III ضَاعَفَ (1 икки баравар оширмоқ; иккилантирмоқ; такрорламоқ, ўхшатмоқ; 2) мураккаблаштирмоқ; IV أَضْعَفَ 1) кучсизлантирмоқ, заифлаштирмоқ, кучини пастлатмоқ, заиф қилмоқ (*туш. к. ёки* مِنْ); 2) юмшатмоқ, мулойимлаштирмоқ; 3) орттирмоқ, оширмоқ, кучайтирмоқ; 4) икки марта оширмоқ (кўпайтирмоқ); VI تَضَاعَفَ (1 икки баравар ошмоқ; кўпаймоқ; 2) (*н. биландир*) асорат қолдирмоқ (*касаллик ҳақида*) (بـ); X اسْتَضْعَفَ (1 заифлашмоқ, заифлатмоқ; заиф деб ҳисобламоқ; 3) (*эътиборини, қадрини*) пасайтирмоқ, туширмоқ; аҳамият (эътибор) бермаслик

إِضْعَافٌ – 1) заифлашиш; мадорнинг кетиши; 2) юмшаш, мулойим бўлиш

تَضَاعِيفُ – *кўп.* 1) тах, қат, бурма; 2) мазмун (*мас., ҳикоядаги*)

ضَعْفٌ, ضُعْفٌ – заифлик, кучсизлик, мадорсизлик, қувватсизлик; нимжонлик, сўлғинлик; الْبَصَرِ ~ кўзнинг (кўришнинг) заифлиги; الْإِرَادَةِ ~ ироднсизлик, иродаси кучсиз бўлиш; الـ~ الْعَصَبِيُّ неврастения (*тез чарчаш, озиб кетиш, жиззакилик ва бош оғриғи хусусиятларига эга бўлган асабий касаллик*); الـ~ التَّنَاسُلِيُّ эркаклик иқтидорининг заифлиги

ضِعْفٌ – 1. худди шундай; 2. иккиланган, икки марта ортиқ бўлган; 3. *кўп.* أَضْعَافٌ икки баравар ёки иккиланган миқдор; ثَلَاثَةُ أَضْعَافٍ уч баравар миқдор; أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً бир неча баравар, кўп марта; أَضْعَافُ أَضْعَافٍ тўрт баравар миқдор; ارْتَفَعَتْ تَكَالِيفُ الْمَعِيشَةِ ثَلَاثَةَ أَضْعَافٍ ҳаёт кечириш қиймати уч баравар ортиб кетди; قَرَأَ فِي أَضْعَافِ الْكِتَابِ сатрлар остидаги маъноларни фаҳмламоқ

ضَعِيفٌ *кўп.* ضَعَافَى, ضَعْفَانٌ – заиф, мадорсиз, касал

ضَعُوفٌ *мз. мн. кўп.* ضُعُفٌ – жуда заиф, жуда мадорсиз; қаттиқ касал

ضَعِيفٌ *кўп.* ضُعَفَاءُ, ضِعَافٌ (1 мадорсиз, заиф, кучсиз; етарли (ишончли) бўлмаган (*мас., баҳона, сабаб, асос*); الْعَقْلِ ~ ақли заиф, ақли қисқа (паст); الْإِرَادَةِ ~ иродаси заиф; الْقَلْبِ ~ юраксиз, қўрқоқ; 2) касал, бемор

مُضَاعَفٌ – иккиланган; икки баравар; أَفْعَالٌ ~ـة *грам.* иккиланган феъллар; الـ~ الْبَسِيطُ *мат.* энг кичик умумий бўлинувчи; بِسُرْعَةٍ ~ـة икки баравар тезликда; زَادَتْ مَطَالِبُ الْبِلَادِ أَضْعَافًا ~ـة мамлакат талаби бир неча марта ортиб кетди

مُضَاعَفَةٌ *кўп.* ـاتٌ – 1) иккиланиш; такрорлаш; худди шунга ўхшаш нарсани қилиш; 2) оғирлашиш, асорат қолдириш (*касаллик ҳақида*)

مَضْعَفٌ – *бот* марваридгул (*Сурияда*)

مُضَعَّفٌ – иккиланган, икки баравар бўлган

ضَعَةٌ *кар.* وضع

ضُغْبُوسٌ *кўп.* ضَغَابِيسُ тарра; أُهْدِيَ لِرَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَغَابِيسُ *ҳад.* Оллоҳнинг расули алайҳиссаломга тарра тортиқ қилинди

ضَغَثَ (а) ضَغْثٌ 1) чигаллаштирмоқ, чалкаштирмоқ, аралаш-қуралаш қилиб юбормоқ; 2) тўп (тўппак, боғ) қилиб бир жойга тўпламоқ

– ضِغْثٌ кўп. أَضْغَاثٌ боғ, боғлам; أَضْغَاثُ أَحْلَامٍ а) бемаъни тушлар; б) туманли орзулар; ◊ جَاءَ ~ًا عَلَى إِبَّالَةٍ бу унинг сабр косасини toширган сўнгги томчи бўлди

ضَغَطَ (а) ضَغْطٌ 1) эзмоқ, қисмоқ; 2) прессламоқ; 3) (к. нидир) мажбур қилмоқ, (к. гадир) тазйиқ ўтказмоқ; (к. нидир) қисди-бас қилмоқ (عَلَى); III ضَاغَطَ мажбур қилмоқ, қисмоқ; VI تَضَاغَطَ 1) ўзаро тазйиқ ўтказмоқ, қисди-бас қилинмоқ; 2) (аста-секин) қисилмоқ, зичлашмоқ; VII اِنْضَغَطَ қисилган бўлмоқ; тазйиққа олинмоқ; қисди-бас қилинмоқ

– اِنْضِغَاطٌ қисилиш; қисилишлик; *тех.* компрессия (*двигатель цилиндрида ёнилғининг сиқилиши*)

– تَضَاغُطٌ аста-секин сиқилиш, зичлашиш, шиббаланиш

– ضَاغِطٌ[1] 1) сиқувчи, прессловчи; 2) *шунингдек*: آلَةٌ ~َةٌ компрессор (*ҳаво, буғ, газ ва б. ни сиқиш учун ишлатиладиган асбоб*)

– ضَاغِطٌ[2] назоратчи, пойлоқчи, қўриқчи

– ضَاغِطَةٌ кўп. ضَوَاغِطُ пресс

– ضَاغُوطٌ босинқираш, ёмон туш

– ضَغْطٌ 1) босим; الـ~ُ الْهَوَائِيُّ (الْجَوِّيُّ) ҳаво (атмосфера) босими; ~ٌ جَوِّيٌّ *физ. тех.* бир атмосфера (босими); مِيزَانُ (مِقْيَاسُ) الـ~ِ манометр (*босимни ўлчайдиган асбоб*); مِقْيَاسُ الـ~ِ الْجَوِّيِّ барометр (*ҳаво босимини ўлчайдиган асбоб*); الـ~ُ الدَّمِ ёки الـ~ُ الدَّمَوِيُّ *мед.* қон босими; الـ~ُ الدَّمِ الْوَاطِئُ (الْعَالِي) паст (юқори) қон босими; تَحْتَ ~ِ الْحَوَادِثِ *кўч. м.* воқеа-ҳодисалар таъсири остида; 2) пресслаш; 3) босиш; сиқиш; 4) тазйиқ ўтказиш; сиқиш, зулм; 5) *спорт.* силтамасдан тик (даст) кўтариш; رَفَعَ الرَّبَّاعُ بِيَدَيْهِ ~ًا ٨٠ كِيلُوغْرَامًا полвон 80 килограммни даст кўтарди

– ضَغْطَةٌ (н. нидир) босиш (عَلَى)

– ضُغْطَةٌ қийинчилик, фалокат, офат; اللَّهُمَّ ارْفَعْ عَنَّا هَذِهِ الـ~َ илоҳим, биздан бу фалокатни кўтаргин

– مِضْغَاطٌ манометр

– مَضْغُوطٌ 1) пресслангaн, сиқилган, қисилган; هَوَاءٌ ~ сиқилган (қисилган) ҳаво; 2) мажбур қилинган, мажбур бўлган

– مَضْغُوطِيَّةٌ сиқилишлик, қисилишлик

ضَغَمَ (а) ضَغْمٌ 1) тишламоқ, тишлаб олмоқ; 2) (*сўзларни*) ғулдираб талаффуз қилмоқ, чайналмоқ

ضَغِنَ (а) ضَغَنٌ (к. гадир) кин (кудурат) сақламоқ; ёмон кўрмоқ, (к. дандир) нафратланмоқ (عَلَى); VI تَضَاغَنَ ўзаро кеклашмоқ (кудуратлашмоқ); бир-биридан нафратланмоқ; VIII اِضْطَغَنَ (к. гадир қарши) кин (адоват, кек) сақламоқ

– ضَاغِنٌ кин (адоват, кек) сақловчи

– ضِغْنٌ кўп. أَضْغَانٌ кек, адоват, кин; нафрат; душманлик

– ضَغِنٌ адоват қилувчи, нафрат қилувчи; нафратли, кекли, адоватли

– ضَغِينَةٌ кўп. ضَغَائِنُ (*яширин*) кек, адоват, кин, нафрат

ضَفَفٌ 1) оғир аҳвол, қашшоқлик, камбағаллик, муҳтожлик, ночорлик, бечоралик; 2 серфарзандлилик, кўп болалилик

– ضَفَّةٌ оломон; 2) тиқилинч, ур-йиқит

– ضَفَّةٌ кўп. ضِفَافٌ қирғоқ, соҳил

ضِفْدَعٌ кўп. ضَفَادِعُ, ضِفْدَعَةٌ, ضُفْدُعٌ, ضَفْدَعٌ, ضِفْدِعٌ қурбақа; ~ُ الطِّينِ бақа; فِرْقَةُ الضَّفَادِعِ الْبَشَرِيَّةِ ёки رِجَالُ الضَّفَادِعِ амфибия одамлар (*сув ва қуруқликда яшайдиган одамлар*), акваланғчилар (*сув остида анча вақт тура оладиган одамлар*)

ضَفَرَ (и) ضَفْرٌ 1) ўрмоқ (*сочни*); 2) ўрмоқ, йиғиштирмоқ (*арғамчини, арқонни*); II ضَفَّرَ ўрмоқ; йиғиштирмоқ; III ضَافَرَ ёрдам бермоқ, қўллаб-қувватламоқ; V تَضَفَّرَ ўрилмоқ, йиғиштирилмоқ, ўрилган (йиғиштирилган) бўлмоқ; VI تَضَافَرَ 1) ўзаро ёрдамлашмоқ, биргалашиб ҳаракат қилмоқ; (к. гадир қарши) кучларни бирлаштирмоқ, елкама-елка турмоқ (عَلَى); 2) ўзаро ўриш-арқоқ бўлиб кетмоқ

– تَضَافُرٌ 1) ўзаро ёрдам; ~ُ الْقُوَى (الْجُهُودِ) кучларни бирлаштириш; 2) ўриш-арқоқ бўлиш

– ضَفَارٌ кўп. ضُفُرٌ айил, қоринбоғ

– ضَفْرٌ[1] ўриш, ўрилиш

– ضَفْرٌ[2] кўп. ضُفُورٌ, أَضْفَارٌ 1) айил, қоринбоғ; 2) кичик ўрим соч

– ضَفِيرَةٌ кўп. ضَفَائِرُ 1) соч ўрими, кичик соч ўрими; 2) ўрилиш; ~ٌ شَمْسِيَّةٌ *анат.* қуёш ўрилмаси (*қоринда туташган вегетатив асаблар системаси - тизими*)

– مُضَفَّرٌ, مَضْفُورٌ ўрилган

ضَفَا (у) ضَفْوٌ (ضفو) тўла бўлмоқ, тўлиб тошмоқ; II ضَفَّى тўлдирмоқ, (н. гадир) қўшиб қўймоқ (عَلَى); IV أَضْفَى (н. нингадир) устига қўшиб бермоқ, қўшимча қилиб бермоқ (عَلَى); (н. гадир) қўшиб қўймоқ (عَلَى); أَهَمِّيَّةً (كَبِيرَةً) خَاصَّةً ~ (н. гадир) махсус (катта) аҳамият бермоқ (عَلَى)

– ضَافٍ мн. ضَافِيَةٌ тўла; кенг, муфассал; атрофлича; батафсил, пухта

– ضَفْوَةٌ: ~ُ الْعَيْشِ фаровон (ҳамма нарса етарли бўлган) турмуш (ҳаёт)

ضَلَّ (а/и) ضَلَالٌ 1) адашиб юрмоқ (فِي); йўқолмоқ, гумгашта юрмоқ; ~ عَنِ السَّبِيلِ ~ الطَّرِيقَ йўлдан адашмоқ, адашиб қолмоқ; ~ (الطَّرِيقَ) тўғри йўлдан четга чиқмоқ; ~ سَعْيُهُ унинг меҳнатлари зое (ҳабада) кетди; 2) (н. дадир) янглишмоқ, хато қилмоқ (فِي); II ضَلَّلَ 1) хатога бошламоқ; йўлдан адаштирмоқ, йўлдан урмоқ; ~ صَوَابَهُ мулоҳазакорликни (ақл билан иш қилмоқни) йўқотмоқ; 2)

янглишларда (хатоларда) айбламоқ; 3) алдамоқ, фириб бермоқ; IV أَضَلَّ 1) йўлдан адаштирмоқ, йўлдан урмоқ; хатога (янглишишга) бошламоқ; أَيُّ شَيْطَانٍ أَضَلَّنِي حِينَ ... ...ган вақтда мени қайси шайтон йўлдан урди?; 2) (бирор н. ни) йўқотмоқ; VI تَضَالَّ ўзини адашганга солмоқ

تَضْلِيلٌ = إِضْلَالٌ

– أُضْلُولَةٌ кўп. أَضَالِيلُ 1) янглишиш, адашиш, хато; 2) ёлғон, алдов, ўйлаб чиқарилган

– تَضْلِيلٌ хатога (янглишувга, адашишга) олиб келиш; ёлғон, алдов, алдамчилик, фириб

– تَضْلِيلِيٌّ хатога (адашишга) олиб борувчи; ёлғондакам, сохта; الْمُحَاوَلَاتُ الـ ~ ـةُ сохта (ёлғон) ҳаракатлар (уринишлар); кўзни шамғалат қилиш

– ضَالٌّ (н. дадир) янглишувчи, хато қилувчи (فِي); адашиб юрган, тентираб юрган, уйини (эгасини) йўқотиб қўйган (ит ҳақида); الابْنُ الـ ~ бебош, адашган ўғил; 2) йўқотилган; 3) хато, нотўғри, ноҳақ; زَعْمٌ ~ хато (нотўғри) асос

– ضَالَّةٌ кўп. ضَوَالُّ 1) йўқотиб қўйилган (қандайдир н.); адашиб юрган ҳайвон (кўпроқ қўй ҳақида айтилади); 2) изланиладиган (интилинадиган нарса, орзу қилинадиган нарса; идеал; ~ ـهُ الْمَنْشُودَةُ унинг энг катта орзуси; وَجَدَ ~ ـهُ (الْمَنْشُودَةَ) ўз идеалини топмоқ; орзу қилган мақсадига етмоқ (эришмоқ)

– ضَلَالٌ 1) адашиш, йўлдан четга чиқиб кетиш; 2) кўп. ـاتٌ янглишиш

– ضَلَالَةٌ янглишиш, хато, залолат

– ضَلِيلٌ адашувчан, тез-тез адашиб турувчи

– مُضِلٌّ хатога (янглишишга) етакловчи, йўлдан урувчи; сохта, ёлғон

– ضِلِّيلٌ = مُضَلِّلٌ

– مُضَلِّلٌ хатога (янглишишга) етакловчи, йўлдан урувчи; رِوَايَةٌ ~ ـةٌ ишни чигаллаштирадиган тахмин (версия)

– مَضَلَّةٌ кўп. مَضَالُّ осонгина адашиб қоладиган жой

I ضَلُعَ (ضلع) ضَلَاعَةٌ (у) 1) кучли (бақувват) бўлмоқ; 2) (н. дадир) моҳир (уста) бўлмоқ (فِي); (н. дандир) яхши хабардор бўлмоқ (فِي); ضَلَعَ (а) ضَلَعٌ، ضُلُوعٌ қийшиқ бўлмоқ; ◊ مَعَهُ ~ ким биландир тил бириктириб бирга бўлмоқ; ضَلَعَ (а) ضَلْعٌ (к. нидир) сиқув остига олмоқ, қисди-бас қилмоқ (عَلَى); хафа қилмоқ; II ضَلَّعَ 1) букмоқ; 2) қат-қат қилиб бурмаламоқ, гофрировка қилмоқ; 3) йўл-йўл қилмоқ, ола-була қилмоқ; V تَضَلَّعَ 1) (н. биландир) тўлғазмоқ, тўлдирмоқ (туш, к.); (бирор н. нинг) яхши билувчиси бўлмоқ, (н. дандир) хабардор бўлмоқ, (н. нидир) эгалламоқ; (н. нидир) яхши билмоқ (فِي، بِ، مِنْ); بِالْعَرَبِيَّةِ ~ араб тилини эгалламоқ (билмоқ); 2) юкламоқ, ўз елкасига олмоқ, қабул қилмоқ, (н. нидир) ўз зиммасига олмоқ (بِ); (н. нидир) зиммада олиб юрмоқ, бажармоқ (بِ); (н. нидир) олиб юришга қодир бўлмоқ (بِ); بِالْأَعْبَاءِ الْجَسِيمَةِ ~ катта (оғир) масъулиятни зиммада олиб юрмоқ

أَضَالِعُ кўп. югурдаклар, малайлар; шериклар

– اضْطِلَاعٌ 1) қобилият, билармонлик, эп; 2) бурчни адо этиш (бажариш); فِي أَثْنَاءِ ~ ـي بِمَنْصِبِي мен ўз вазифамни бажараётган вақтимда; بِالتَّبِعَةِ ~ ўз устига масъулиятни олиш

– تَضَلُّعٌ эгаллаш, билиш; қобилият

– ضَالِعٌ 1) (н. гадир) берилган, қизиққан (فِي); (н. дадир) маҳорат кўрсатувчи, эплик (فِي); 2) (к. гадир) тарафдор бўлиб ҳаракат қилувчи (مَعَ); كَانَ ~ ا مَعَ ... ... билан бир тараф бўлмоқ; 3) адолатсиз, одил эмас

– ضَلَعٌ оғирлик, вазминлик, юк, вазмин нарса; الدَّيْنِ ~ қарз юки

– ضَلَعٌ зўравонлик, адолатсизлик, бедодлик; ◊ ~ كَ مَعَ زَيْدٍ сен Зайд томонидасан, сен Зайднинг ёнини оласан; لَا تَنْقُشِ الشَّوْكَةَ بِالشَّوْكَةِ فَإِنَّ ~ ـهَا مَعَهَا мтл. қарға қарғанинг кўзини чўқимайди (сўзма-сўз: тиканни тикан билан чиқарма, чунки у иккиси бир томонда)

– ضِلْعٌ кўп. أَضْلَاعٌ، أَضْلُعٌ، ضُلُوعٌ، أَضَالِعُ 1) анат. қовурға; архит. астрагал (гумбаз қовурғалари); бот. баргнинг марказий томири; ~ ثَابِتٌ анат. чин қовурға; ~ سَائِبٌ анат. ёлғон қовурға; 2) (учбурчакдаги) томон; مُتَوَازِي الْأَضْلَاعِ параллелограмм; 3) котлет (гўшт ёки картошкадан тайёрланган овқат); الضَّأْنِ ~ қўй гўштидан тайёрланган котлет; الْبِرْمِيلِ ~ бочка тахтаси; ◊ إِنَّ لَهُمْ ~ ًا فِي هَذَا الْأَمْرِ бу ишни улар қилганлиги шубҳасиздир

– ضِلَعٌ кўп. ضُلُوعٌ тепалик, дўнглик, тепа, дўнг

– ضَلِيعٌ 1. 1) кучли, бақувват; 2) билувчи, хабардор; 3) иқтидорли; 2. билимдон, билағон, омилкор

– مُضَلَّعٌ 1. 1) йўл-йўл; гулдор, нақшли; 2) қовурғаси (қирралари) бор бўлган; гофрировка қилинган; صَاجٌ ~ гофрировка қилинган темир (тунука); 2. кўп. مُضَلَّعَاتٌ кўпёқлик; خُمَاسِيٌّ ~ беш ёқлик; ~ سُدَاسِيٌّ олти ёқлик

ضَلْفَةٌ кўп. ضُلَفٌ، أَضْلَافٌ (эшикдаги) табақа; (дераза ёки дарчадаги) табақа, эшик

ضُلْمَةٌ кўп. ضُلْمَاتٌ 1) қиймаланган сабзавотлар; 2) дўлма (овқат номи)

I ضَمَّ (а/у) ضَمٌّ 1) термоқ, сиқмоқ, қисмоқ; 2) бирлаштирмоқ, тахламоқ, юммоқ, қисмоқ (лабларни); (н. гадир) қўшмоқ, қўшиб қўймоқ (إِلَى); الصُّفُوفَ ~ сафларни жипслаштирмоқ; إِلَى صَدْرِهِ ~ бағрига босмоқ, қучмоқ, қучоқламоқ; صَوْتَهُ إِلَى ... ~ ...га ҳамоҳанг бўлмоқ, ...га тарафдор бўлмоқ; 3) аннексиялаштирмоқ, босиб олмоқ, забт қилмоқ; 4) (н. нидир) тутиб олмоқ, қўлга туширмоқ (عَلَى); 5) ичида (таркибида) бирор нарса бўлмоқ; 6) грам. дамма

(ـُـ) ҳаракатини қўймоқ; III ضَامَّ ўзаро бирлашмоқ (жипслашмоқ); VI تَضَامَّ бирлашмоқ, уюшмоқ; VII اِنْضَمَّ 1) қўшиб олинган бўлмоқ, босиб олинган (забт қилинган) бўлмоқ; қўшилмоқ, (н. гадир) бирлаштирилмоқ (إِلَى); 2) ичида (таркибида) (н. нидир) тутиб турмоқ (عَلَى); 3) сиқилмоқ, қисилмоқ; VIII اِضْطَمَّ бирлаштирмоқ, жипслаштирмоқ; ~تْ عَلَيْهِ الضُّلُوعُ ўз ичига олмоқ, ...дан иборат бўлмоқ

إِضْمَامَةٌ кўп. أَضَامِيمُ (қоғоз) боғлами (тўппаги, пачкаси); дело; папка; блокнот (ёзув дафтарчаси)

– اِنْضِمَامٌ (н. гадир) қўшиб олиш (إِلَى); сиёс. аншлюс (*бир мамлакат иккинчи мамлакатнинг мустақиллигини йўқотиб, ўзига қўшиб олиши*)

– ضِمَامٌ қисқич, скрепка (*қоғоз учун*)

– ضَمٌّ 1) терим, йиғим; ўрим; زَمَنُ الـ~ ўрим пайти (мавсуми); 2) (н. гадир) қўшиш, қўшиб қўйиш (إِلَى); қўшув; ~ الصُّفُوف сафларни жипслаштириш; 3) аннексия, босиб олиш, забт қилиш; 4) *шунингдек*: حَرَكَةُ الـ~ грам. дамма (ـُـ) ҳаракати (белгиси)

– ضَمَّةٌ 1) бағирга босиш; қучиш, қучоқлаш; 2) йиғин, жамоа; бирлашма; ~ زُهُور гулдаста, букет; 3) кўп. ضَمَّاتٌ грам. дамма (ـُـ) белгиси

– ضَمِيمَةٌ кўп. қўшимча; орттирма, кўпайтириш, ошириш (*пул ҳақида*)

– مَضْمُومٌ 1) йиғилган, тўпланган; сиқилган, қисилган; 2) жипслашган; 3) грам. дамма (ـُـ) ҳаракати қўйилган

(ضمحل) اِضْمَحَلَّ зим бўлмоқ, йўқолмоқ; тугалланмоқ, тўхтатилмоқ, битирилмоқ

– اِضْمِحْلَالٌ зим бўлиб (йўқолиб) кетиш

– مُضْمَحِلٌّ зим бўлиб (йўқолиб) кетган, ўз умрини (фаолиятини) тўхтатган

ضَمَخَ I (у, и) ضَمْخٌ хушбўй нарсалар суртмоқ; атир сепмоқ; ~ بِالْبُخُورِ исириқ ва шунга ўхшаш нарсалар тутатмоқ; II ضَمَّخَ 1) хушбўй нарсалар суртмоқ; атир сепмоқ; 2) хушхўр қилмоқ; ~ بِالتَّوَابِلِ (*овқатга*) зиравор (доривор) солмоқ; V تَضَمَّخَ хушбўй нарсалар суртилмоқ, ўзига атир сепмоқ

ضَمَدَ I (и) ضَمْدٌ ўраб боғламоқ, боғламоқ; бинт боғламоқ; ~ دُمُوعَهُ بِالْمِنْدِيلِ кўз ёшларини рўмолча билан артмоқ; II ضَمَّدَ (*яраниु*) боғламоқ

– ضِمَادٌ кўп. أَضْمِدَةٌ 1) боғич, боғ; бинт; 2) полиандрия (*кўп эрлилик*) (*қадимги даврларда*)

ضِمَادَةٌ кўп. ضَمَائِدُ боғич, боғ; бинт

– ضِمْدٌ кўп. أَضْمَادٌ севиб қолган, ошиқ, жазман

– مُضَمِّدٌ фельдшер; санитар

– مُضَمِّدَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) фельдшер аёл; санитар аёл (санитарка); 2) компресс

ضَمَرَ I ضَمُرَ, ضَمْرٌ (у) ضُمُورٌ 1) ориқ (озғин) бўлмоқ; дармонсиз (ҳолсиз) бўлмоқ; қотма (чайир) бўлмоқ; 2) камаймоқ, озаймоқ (*ҳажм ҳақида*); қисқармоқ, қисилмоқ, сиқилмоқ; II ضَمَّرَ 1) озайтирмоқ, камайтирмоқ (*ҳажмни*); 2) машқ қилдирмоқ (*отни*); 3) ~ الْفَرَسَ отни семиртириш учун ем билан боқиб, сўнг уни емдан қолдирмоқ (*қирқ кун давомида*); IV أَضْمَرَ (*к. гадир қарши қандайдир*) яширин ният (мақсад) қилмоқ (لـ); ~ الْعَدَاءَ душманлик (ёвлик) туймоқ (қилиб юбормоқ); ~ لَهُ الشَّرَّ кимгадир қарши ёмонлик туйиб юбормоқ, яширинча ёмон ният қилиб юрмоқ; 2) ориқ (озғин) қилмоқ; 3) машқ қилдирмоқ; V تَضَمَّرَ озмоқ; ингичка, озғин, мадорсиз, ҳолсиз бўлиб қолмоқ; VII اِنْضَمَرَ қуриб қолмоқ, сўлиб қолмоқ; VIII اِضْطَمَرَ озмоқ, озиб кетмоқ

– إِضْمَارٌ 1) яшириш; айтиб қўймаслик, индамаслик; замирда тутиш; яширин (пинҳоний) ният; 2) грам. эллипс, эллипсис (*нутқ жараёнида замирда тутиб турилган бирор сўзни тушириб қолдириш-мас., китобни ўқидингми? - ҳа, ўқидим. Бу гапда "китобни" сўзи назарда тутилса-да, нутқда. тушириб қолдирилган*)

– ضَامِرٌ 1) ориқ, чайир, озғин; 2) ингичка

– ضِمَارٌ *шунингдек*: ~ دَيْنٌ 1) тўланиши эҳтимолдан йироқ бўлган қарз, тўланиш эҳтимоли оз бўлган қарз; 2) ишониш қийин бўлган нарса

– ضُمْرٌ 1) ориқлик, озғинлик; 2) юпқалик (*мас., мато*)

– ضُمُورٌ 1) озиб кетиш, ориқлик, озғинлик; ~ مَرَضِيٌّ мед. атрофия (*кичрайиб, қуриб қолиш касаллиги*)

– ضَمِيرٌ кўп. ضَمَائِرُ 1) виждон; تَأْنِيبُ (تَقْرِيعُ) الـ~ виждон азоби (қийноғи); فَاقِدُ الـ~ виждонсиз, виждонини йўқотган; حَيُّ الـ~ виждонли, виждони уйғоқ; مُسْتَرِيحُ (مُرْتَاحُ) الـ~ пок виждонли; اِسْتَيْقَظَ ~هُ унинг виждони уйғонди; قَالَ هَذَا دُونَ أَنْ يَرْتَعِشَ لَهُ ~ у менга буни виждони оғримай гапираверди; 2) ақл; яширин (пинҳоний) фикр, ният; 3) грам. олмош; ~ إِشَارِيٌّ кўрсатиш олмоши; ~ شَخْصِيٌّ кишилик олмоши; ~ عَائِدٌ қайтувчи олмош; ~ مَجْرُورٌ эгалик аффикси; ~ مَوْصُولٌ нисбий олмош

مِضْمَارٌ кўп. مَضَامِيرُ 1) майдон; 2) ипподром, отчопар, от чопиладиган айлана (доира); 3) отни семиртириш учун ем билан боқиб, сўнг уни емдан қолдириш учун кетадиган қирқ кунлик муддат; 4) шу жараён амалга ошириладиган отхона

– مُضْمَرٌ 1. яширин, замирдаги, мияда эътиборда тутилган; 2. грам. олмош

– مُضَمِّرٌ тренер, машқ қилдирувчи, ўргатувчи

ضَمِنَ I (а) ضَمَانٌ 1) (к. нидир) кафолатга олмоқ, (к. учундир) кафолат бермоқ (*туш. к. ёки* بـ); (к. нидир) таъминламоқ, (к. гадир) кафолат бермоқ (لـ); (н. дандир) кафолатланмоқ, суғурта қилинмоқ (مِنْ); 2) (н. нидир) ўзида сақламоқ (*тутмоқ*); 3) (к. нидир) таъминлашга мажбур этмоқ; II ضَمَّنَ 1) (н. нингдир) ичига солмоқ, тўлдирмоқ; (н. гадир) қўшмоқ, қўшиб қўймоқ; бирор мисрани бошқа шоир шеъридан олмоқ (*шеър ёзиш асносида*); (*бирор н. ни*) мазмун

учун асос қилиб олмоқ (*мас., китоб учун*); 2) (*бирор н. учун*) масъул қилмоқ; 3) (*н. дандир*) кафолатламоқ, суғурта қилмоқ (مِنْ); V تَضَمَّنَ ўзида сақламоқ (тутмоқ); VI تَضَامَنَ 1) бир-бири учун кафолат бермоқ, кафолатлашишмоқ; ҳамфикр бўлмоқ, бирга бўлмоқ, бир тараф бўлмоқ, бирдам бўлмоқ; 2) бирлашмоқ; VII اِنْضَمَنَ таъминланган (кафолатланган) бўлмоқ

أَضْمَنُ – энг яхши кафолатловчи, ишончли кафолат берувчи, кафолатни таъминловчи

تَضَامُنٌ – бирдамлик, бир тараф бўлиш, ўзаро масъулият; ҳамманинг ўзаро кафиллиги (бир-бирини қўллаши); بِالـ~ *ёки* ~ـِهِ биргалашиб, бирдам бўлиб; أَعْرَبَ عَنْ ~ـِهِ بِرَجْهِ الـ~ وَ التَّكَافُلِ ... مَعَ ... الْأَخَوِيِّ ... билан дўстона бирдамлик кўрсатмоқ (намоён қилмоқ)

تَضْمِينٌ – 1) қўйиш, қўйилиш, сарфлаш (*пул ҳақида*); қўшиш, қўшилиш; бирлашиш; 2) ўз фикрини тўғридан-тўғри эмас, имо-ишоралар билан билдириш; (*бирор н. га*) маъно бериш, мазмун бериш

ضَامِنٌ – 1. кафолат берувчи, таъминловчи; кафолатга олувчи; 2. кафил, кафил бўлган киши

ضَمَانٌ – *кўп.* ـاتٌ — 1) таъминлаш, таъминот, кафиллик, кафолат, суғурта; الـ~ الْجَمَاعِيُّ умумий хавфсизлик; الـ~ الْاِجْتِمَاعِيُّ ижтимоий таъминот; شَرِكَةُ الـ~ суғурта ширкати; وَرَقَةُ ~ـَةِ الـ~ кафолат (суғурта) варақаси; 2) кафиллик, кафолат; ~ عَلَيَّ! мен унга кафолат бераман!; 3) масъулият; شَرِكَةٌ مَحْدُودَةُ الـ~ чекланган масъулиятли компания (*ЛТК*)

ضَمَانَةٌ 1) таъминот, таъминлаш, кафолат, кафиллик; 2) гаров; далил; ~ مَالِيَّةٌ пулли гаров

ضَمِنٌ – вақти-вақти билан қайтариладиган (сурункали) касалга чалинган

ضِمْنَ – (*бирор н. нинг*) зимнидаги, ботинидаги, ичидаги; دَوْلَةٌ ~ دَوْلَةٍ давлат ичидаги давлат; ~ـهُمْ улар орасида; هُوَ مِنْ ~ النَّاسِ الْمَطْلُوبِينَ ... у ... учун керак бўлган одамнинг худди ўзи (ўзгинаси)

ضِمْنٌ – зимн, бирор нарсанинг ички томони; ботин; ~اً билвосита, яширинча, зимдан, хуфёна; шу билан бирга; айни замонда; صَرَاحَةً (مُبَاشَرَةً) أَوْ ~اً бевосита (тўғридан-тўғри) *ёки* билвосита

ضِمْنِيٌّ – 1) яширин, сўз билан ифодаланмаган; сўзсиз, гапирилмаган; индамайдиган; قَبُولٌ ~ сўзсиз, индамасдан қабул қилиш, розилик; 2) билвосита; назарда тутилган; 3) ички, ботиний, зимний

ضَمِينٌ – *кўп.* ضُمَنَاءُ=ضَامِنٌ

مُضَمَّنٌ – 1) қўйилган; қўшилган, қўшиб қўйилган; 2) назарда тутилган

مَضْمُونٌ[1] – 1) таъминлайдиган; таъминланган, кафолатланган; 2) мазмунли, мазмунга эга; 3) буюртма (заказ) қилинган (*хат, мактуб ҳақида*); 4) суғурта қилинган, суғурталанган

مَضْمُونٌ[2] – *кўп.* مَضَامِينُ мазмун, маъно; الشَّكْلُ وَ الـ~ шакл ва мазмун

ضَنَّ I (*и/а*) ضَنٌّ *ёки* ضِنٌّ (*а/и*) ضَنٌّ қизғончиқ (хасис, зиқна) бўлмоқ, қурумсоқ бўлмоқ; (*н. нидир к. учундир*) қизғонмоқ (عَلَى ,بِ); ~ بِكَرَامَتِهِ أَنْ تُخْدَشَ◊ بِالْجَوَابِ жавоб беришни истамаслик; у ~ ҳақоратни кўтара олмасди, чунки ўз шаънини юксак қадрларди

ضِنٌّ – زَيْدٌ ~ي مِنْ بَيْنَ إِخْوَانِي Зайд ака-укаларим ичида ардоқлигимдир

ضَنِينٌ *кўп.* أَضِنَّاءُ 1) жуда хасис (зиқна, қизғончиқ, қурумсоқ); 2) жуда оз (*кам*), етарли бўлмаган

مَضَنَّةٌ – *кўп.* مَضَانُّ (*одамлар ажралиб қолишни истамайдиган*) бойлик, хазина, қимматбаҳо нарсалар

ضَنُكَ I (*у*) ضَنْكٌ، ضَنَاكَةٌ 1) сиқилган, оғир аҳволда қолган, етишмовчиликлар билан яшаётган бўлмоқ (*маиший шароитлар ҳақида*)

ضَنْكٌ – қашшоқлик, оғир аҳвол, камбағаллик, хорлик; عَيْشٌ ~ қашшоқ турмуш, етишмовчиликдаги ҳаёт

ضَنْوٌ، ضِنْوٌ кичик (майда) болалар

ضَنِيَ I (*а*) ضَنًى чарчамоқ, ҳолдан кетмоқ (тоймоқ), қувватсизланмоқ, кучдан қолмоқ; қуриб қолган бўлмоқ; IV أَضْنَى ҳолдан тойдирмоқ, чарчатмоқ, кучдан тойдирмоқ

ضَنٍ – *мн.* ضَنِيَةٌ чарчаган, ҳолдан тойган, дармони қуриган

ضَنًى – 1) чарчоқлик, ҳолдан кетганлик, дармонсизлик; ориқлик, озғинлик; 2) касаллик, беморлик

مُضْنٍ – *мн.* مُضْنِيَةٌ чарчаётган, ҳолдан кетаётган, дармони қуриётган, оғир

ضَهَدَ I (*а*) ضَهْدٌ зулм қилмоқ, жабр қилмоқ; таъқиб қилмоқ; эзмоқ, сиқмоқ, жафо қилмоқ; VIII اِضْطَهَدَ таъқиб қилмоқ, таъқиб (қувғин) га дучор қилмоқ; зулм (жафо) қилмоқ

اِضْطِهَادٌ – таъқиб, таъқиб қилиш, репрессия; қувғин, қувғин қилиш; جُنُونُ الـ~ "мени таъқиб қилишаётир" деб ўйлайдиган жиннилик

اِضْطِهَادِيٌّ – репрессияга оид, репрессив; жазо сифатида қўлланиладиган

مُضْطَهَدٌ – таъқиб қилинаётган, қувғин қилинаётган; الشُّعُوبُ الـ~ـَةُ эзилаётган (зулм остидаги) халқлар

مُضْطَهِدٌ –. 1. таъқиб (зулм) қилувчи, золим; 2. таъқибловчи, эзувчи, қувғин қилувчи

ضَهْرٌ *кўп.* ضُهُورٌ чўққи (*тоғники*)

(ضهى) ضَاهَى III 1) ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; 2) (*н. нидир н. гадир*) солиштирмоқ (қиёсламоқ) (بِ *ёки* بَيْنَ وَ بَيْنَ)

ضَهِيٌّ – ўхшаш, ўхшайдиган

مُضَاهٍ – *мн.* مُضَاهِيَةٌ ўхшаш, ўхшайдиган

مُضَاهَاةٌ – 1) ўхшашлик; 2) солиштириш, қиёслаш

I (ضوء) ضَاءَ (у) ضَوْءٌ، ضُوءٌ нур сочмоқ, нур таратмоқ, нурланмоқ, зиё сочмоқ, зиё таратмоқ, зиёланмоқ; ~ بِالْعَافِيَةِ саломатликни дангал кўрсатиб турмоқ, соғ эканликни билинтириб турмоқ; II ضَوَّأَ ёритмоқ; (чироқни) ёқмоқ; IV أَضَاءَ 1) зиё бермоқ, ёритмоқ, нур (зиё) тарқатмоқ, нур (зиё) бериб турмоқ; أَضِئْ لِي أَقْدَحْ لَكَ! мтл. сендан угина, мендан бугина, қўл қўлни ювади! (сўзма-сўз: сен менга ёритиб тур, мен сенга ўт ёқиб бераман); 2) зиёли (маърифатли) қилмоқ; V تَضَوَّأَ зиё (нур) берилмоқ, ёритилмоқ; X اسْتَضَاءَ 1) (н. билан*дир*) ёритилмоқ (بِ); (к. *даңдир н. ҳақдадир*) хабардор бўлмоқ (مِنْ، بِ)

— إِضَاءَةٌ ёритиш, ёритилиш; иллюминация (*ҳамма ёқни чироқлар билан безатиш, ёритиб юбориш*)

— ضَوْءٌ، ضُوءٌ *кўп.* أَضْوَاءٌ зиё, нур, ёғду, ёруғлик; ~ الشَّمْسِ куёш нури (ёруғлиги); ~ الْقَمَرِ ой нури; ~ النَّهَارِ кундузги ёруғлик; الْأَضْوَاءُ الْقُطْبِيَّةُ الشَّمَالِيَّةُ (الْجَنُوبِيَّةُ) Шимолий (Жанубий) қутб ёғдуси; عَلَى ~ الْوَقَائِعِ далиллар (асослар) борлигида; ◊ شَهِدَ الـ ~ فِي هَذِهِ الْحَيَاةِ дунё юзини кўрмоқ, туғилмоқ, дунёга келмоқ; سَلَّطَ الـ ~ (н. *нидир*) ёритмоқ, ойдинлаштирмоқ, аниқламоқ (عَلَى); (الْأَضْوَاءَ) أَلْقَى بَعْضَ الْأَضْوَاءِ (н. *нидир*) бироз ёритмоқ, ойдинлаштирмоқ, аниқламоқ (عَلَى)

— ضَوْئِيٌّ зиё (нур) га оид; السَّنَةُ الـ ~ ـةُ *астр.* ёруғлик йили; ~ ـةٌ شَارَاتٌ ёруғлик сигналлари (ишоратлари); الْأَشِعَّةُ الـ ~ ـةُ ёруғлик (нур) дасталари

ضَوِّيٌّ *кўп.* ضَوِّيَّةٌ чироқчи, чироқ ёқувчи

— ضَوِّيَّةٌ *кўп.* — اتٌ туйнук (*ҳавони янгилаш ва ёруғлик тушиши учун қурилган туйнук*)

— ضِيَاءٌ зиё; ёғду, шуъла

— مُضَاءٌ ёритилган, ёритиб қўйилган; غُرْفَةٌ ~ ـةٌ чироғи ёниб турган (ёритилган) хона

— مُضَاوِئُ *кўп. театр.* рампа (*саҳнани ёритиш учун ўрнатилган ёритқичлар йиғиндиси*)

— مُضِيءٌ 1) ёритувчи; зиё (нур) таратиб турувчи; ~ الْمَصَابِيحِ чироқчи, чироқбон; الْإِعْلَانُ الـ ~ ёритқичли реклама (эълон); غَازَاتٌ ~ ـةٌ ёритувчи газ чироқлари; 2) ёруғ, нурафшон

I (ضور) ضَارَ (у) ضَوْرٌ 1) қаттиқ очлик ҳис қилмоқ; 2) зарар келтирмоқ (етказмоқ), зарарламоқ; V تَضَوَّرَ 1) азоб (оғриқ) тортмоқ; 2) тиришиб-буришмоқ, тиришмоқ, тиришиб типирчиламоқ

— ضَوْرٌ қаттиқ очлик, очлик азоблари

ضَوْضَاءُ шовқин, сурон, бақир-бақир

— ضَوْضَى = ضَوْضَاءُ

I (ضوع) ضَاعَ (у) ضَوْعٌ тарқалиб кетмоқ, сочилмоқ, таралмоқ, анқимоқ (*ҳид ҳақида*); V تَضَوَّعَ = I

I (ضوى) ضَوَى (и) ضَوِيٌّ (н. *нидир*) ишга солмоқ, (н. *гадир*) таланмоқ (إِلَى); ضَوِيَ (а) ضَوًى 1) ҳолсизланмоқ, мадорсизланмоқ, озмоқ, озиб кетмоқ; 2) озғин бўлмоқ, озиб кетган бўлмоқ; IV أَضْوَى 1) ҳолсизлантирмоқ, мадорсизлантирмоқ, кучсизлантирмоқ; أَضْوَتِ الْمَرْأَةُ нимжон (орик) бола туғмоқ; 2) зарар етказмоқ (келтирмоқ); VII انْضَوَى 1) (н. *нидир*) ишга солмоқ, (н. *гадир*) таянмоқ (إِلَى); 2) (н. *гадир*) тааллуқли бўлмоқ (إِلَى); 3) (н. *нингдир остида* - تَحْتَ) бирлашмоқ, иттифоққа кирмоқ

— ضَاوِيٌّ орик; ~ الْبَدَنِ (الْجِسْمِ) озғин

— ضَوِيَّةٌ . тўй тантанаси билан бораётган ёш йигитлар, куёвнавкарлар

I (ضير) ضَارَ (и) ضَيْرٌ зарарламоқ, зарар келтирмоқ; IV أَضَارَ = I

— ضَائِرٌ зарар келтирувчи, заракунанда

— ضَيْرٌ зарар; бало, офат; оғирлик; қийинчилик; لَا ~! ҳеч киси йўқ!; ... وَلَا ~ فِي أَنْ қийинчилик бунда эмас, балки ...

I (ضيز) ضَازَ (и) адолатсизлик билан тақсим қилмоқ; бирор ким ҳақига нисбатан адолатсизлик қилмоқ

— ضِيزَى: قِسْمَةٌ ~ *Қур.* адолатсиз тақсимлаш, (*бирор н. нинг*) жуда катта қисмини ўзлаштириш

I (ضيع) ضَاعَ (и) ضَيَاعٌ зое кетмоқ, хабада кетмоқ; йўқолмоқ, йўқолиб кетмоқ; ҳалок бўлмоқ; ~ هَبَاءً *ёки* ~ عَبَثًا зое бўлиб, бекордан-бекорга йўқ бўлмоқ; II ضَيَّعَ 1) йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; ضَيَّعَ صَوْتُهُ فِي الضَّوْضَاءِ унинг овози шовқин-сурон ичида йўқ бўлиб кетди; ~ كَثِيرًا مِنَ الْفُرَصِ الذَّهَبِيَّةِ қатор қулай фурсатни қўлдан бермоқ (чиқармоқ); 2) хабада қилмоқ, бекорга сарфламоқ (*пулни*); IV أَضَاعَ йўқотмоқ; йўқ қилмоқ; яксон қилмоқ; ~ رُشْدَهُ (صَوَابَهُ) эс-ҳушни йўқотмоқ, ҳушсиз бўлмоқ, ҳушидан кетмоқ; ~ الْوَقْتَ вақтни зое кетказмоқ (йўқотмоқ)

— إِضَاعَةٌ зоелик, зое кетиш; ~ الْوَقْتِ вақтнинг зое кетиши

— ضَائِعٌ 1) зое кетган, йўқолган, йўқотилган; ~ الرُّشْدِ ҳушсиз бўлган, ҳушидан кетган; الْوَقْتُ الـ ~ зое кетган вақт; أَمَلٌ ~ йўқотилган умид; جَزِيرَةٌ ~ ـةٌ فِي الْمُحِيطِ океандаги кичик (*топилиши қийин, кўзга зўрға ташланадиган*) орол; 2) бечора, бечораҳол, бахтсиз

— ضَيَاعٌ зоелик; йўқотиш; ҳалокат, яксонлик; ~ الْأَعْصَابِ асаб бузилиши, асабларнинг ишдан чиқиши

ضَيْعٌ зоелик; йўқотиш, йўқолиш

— ضَيْعَانٌ зиён, йўқотиш; يَا ~ ـهُ қандай зиён-а!, эссизгина!

— ضَيْعَةٌ[1] зоелик, йўқотиш; ҳалокат, яксон бўлиш

– ضَيْعَةٌ 2 кўп. ضِيَعٌ, ضِيَاعٌ қишлоқ; ферма; кимгадир қарашли жой, чорбоғ

– مِضْيَاعٌ исрофгар

– مُضَيِّعٌ 1. исроф қилувчи; 2. исрофгар

– مُضِيعَةٌ кўп. مَضَايِعُ 1) ўзи билан ҳалокат олиб келувчи нарса, ҳалок қилувчи нарса; 2) ҳалокат; 3) йўқотиш, сарф, исроф; ~ لِلْوَقْتِ وَ الْمَالِ вақт ва пулнинг зое кетиши (йўқолиши)

– مَضْيُوعٌ 1. зое кетган, йўқолган; 2. майда-чуйда сарф учун олиб юриладиган пул, чўнтак сарфи

ضَيْغَمٌ кўп. ضَيَاغِمُ йўлбарс

I ضَافَ (ضيف) (и) ضَيْفٌ 1) меҳмон бўлмоқ, меҳмонга бормоқ; 2) зиёфат қилмоқ, зиёфат бермоқ; 3) қўшмоқ, қўшиб қўймоқ; II ضَيَّفَ 1) меҳмон деб кутиб олмоқ; 2) зиёфат қилмоқ; IV أَضَافَ 1) (н. гадир) қўшиб қўймоқ (إِلَى); ~ جَدِيدًا إِلَى التُّرَاثِ الْعِلْمِيِّ илмий меросга янгилик қўшмоқ (киритмоқ); أَضِفْ إِلَى ذَلِكَ бундан ташқари (сўзма-сўз: шунга қўшиб қўй); 2) (к. гадир) тааллуқ деб билмоқ (إِلَى); 3) меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик кўрсатмоқ, мезбонлик қилмоқ; зиёфат бермоқ; 4) грам. аниқловчи қўшмоқ (қаратқич келишигидаги от, мас., جَزِيرَةُ الْعَرَبِ); V تَضَيَّفَ меҳмон бўлмоқ; ◊ ~تِ الشَّمْسُ қуёш бота бошлади; VII اِنْضَافَ 1) қўшиб қўйилмоқ, бирлаштирилмоқ, қўшилмоқ; 2) меҳмон деб ўйлаб қабул қилинмоқ; X اِسْتَضَافَ 1) (к. нидир) меҳмон сифатида қабул қилмоқ, меҳмонга чорламоқ, меҳмондорчиликка таклиф қилмоқ; 2) меҳмоннавоз (мезбон) бўлишни сўрамоқ; меҳмон бўлмоқ, меҳмоннавозликдан фойдаланмоқ; 3) кўпроқ нарса сўрамоқ; (бирор н.) қўшиб қўйишни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

اِسْتِضَافَةٌ (к. нидир) меҳмон сифатида қабул қилиш

– إِضَافَةٌ 1) қўшиб қўйиш; тўлдириш, қўшимча қилиш; بِالـ~ إِلَى ذَلِكَ ёки ~ إِلَى ذَلِكَ айтилганларга қўшимча қилиб, унинг устига; 2) грам. status constructus, изофа (изофат) (қаратқич келишигидаги аниқловчи ва аниқланмишнинг бирикиб келиши)

– إِضَافِيٌّ қўшиб қўйиладиган, тўлдириладиган, қўшимча қилинадиган, қўшимча

– ضِيَافَةٌ 1) зиёфат; 2) меҳмоннавозлик, мезбонлик, шодлик, хурсандлик; حُسْنُ الـ~ яхши (чиройли) қабул (меҳмоннавозлик)

– ضَيْفٌ кўп. ضِيفَانٌ, ضُيُوفٌ, أَضْيَافٌ меҳмон; келувчи киши; ~ الشَّرَفِ ҳурматли (фахрий) меҳмон; حَلَّ ~اً (к. никидадир) меҳмон бўлмоқ

– مُضَافٌ 1. қўшиб қўйилган, бирлаштирилган, тўлдирилган; (бирор н. га) ёндошган, ёпишган, жапс (ب); 2. 1) кўп. ـاتٌ қўшилма, қўшимча; 2) грам. музоф (қаратқичли аниқловчининг аниқланиши;); ~ إِلَيْهِ қаратқич келишигидаги аниқловчи

– مُضَافَةٌ (хонадондаги) меҳмонхона

– مِضْيَافٌ меҳмоннавоз, шод, хуррам

– ضَائِفٌ = مُضِيفٌ

– مُضِيفَةٌ 1. меҳмон қилувчи аёл; 2. бека; ~ الطَّائِرَةِ ёки الـ~ الْجَوِّيَّةُ стюардесса, тайёра (ҳаво) бекаси

– مَضْيَفَةٌ кўп. مَضَايِفُ (хонадондаги) меҳмонхона

I ضَاقَ (ضيق) (и) ضِيقٌ 1) тор, танг, ингичка бўлмоқ; (н. гадир) етарли бўлмаслик (عَنْ); (н. биландир) тўлиб-тошиб кетган бўлмоқ, тиқиб ташланган бўлмоқ (ب); ~تِ الدُّنْيَا فِي وَجْهِهِ унинг аҳволи чорасиз бўлиб қолди; ~تِ الدُّنْيَا فِي هَذِهِ الْمَدِينَةِ унинг учун бу шаҳарда яшаш оғир (қийин) бўлиб қолди; ~تْ بِهِ الْحَالُ унинг аҳволи ғоят оғирлашиб қолди; ~تْ بِهِ السُّبُلُ боши берк кўчага тушиб қолмоқ, чорасиз (нима қилишни билмайдиган) бўлиб қолмоқ; ~ بِهِ ذَرْعًا бу унинг жонига тегиб кетди, у бунга (сира) чидамасди; ~ ذَرْعًا عَنْ ... (к. дандир н. дандир) қийнамоқ, сиқмоқ, танг аҳволга туширилмоқ; (н. нидир) қила олмаслик; ~تْ بِهِ صَدْرُهُ у у (аёл) нинг жонига тегди (зериктирди); ~ بِهِ قَلْبُهُ бунда унинг юраги сиқилиб кетди; ~تْ أَخْلَاقُهُ ўзини унутмоқ, ўзини жиловлай олмаслик; ~ صَبْرًا сабру тоқатни йўқотмоқ; ~ عَنْ احْتِمَالِهِ у бунга чидай олмади; ~ الْوَقْتُ عَنْ طَهْيِ شَيْءٍ бирор нарса тайёрлашга (пиширишга) вақт йўқ эди; ~ الْمَتْحَفُ بِالْآثَارِ музей қадимий ёдгорликлар билан тўлиб-тошиб кетган эди; 2) (бирор н. дан) хафа бўлмоқ (ب); 3) бахил бўлмоқ, бахиллик қилмоқ, зараНг бўлмоқ; II ضَيَّقَ 1) тор қилмоқ, қисмоқ; ~ عَيْنَيْهِ кўз қисмоқ (сузмоқ); 2) босмоқ; сиқиб қўймоқ; 3) (к. нидир) сиқмоқ, қисмоқ (عَلَى); ~ عَلَى نَفْسِهِ ўзини маҳрум қилмоқ, тиймоқ; ~ عَلَى الْخِنَاقِ кўч. м. (к. нингдир) бўғзидан тутмоқ; III ضَايَقَ 1) қисиб (сиқиб) қўймоқ; 2) жонга тегмоқ, зериктирмоқ; шилқимлик қилмоқ, тазйиқ ўтказмоқ (аёл кишига); IV أَضَاقَ давлати (мол-мулки) қўлдан кетмоқ; VI تَضَايَقَ 1) сиқилиш, хафалик ҳис қилмоқ; ~ مَالِيًّا у пулдан қийналиб қолган; 2) (к. дандир, н. дандир) хафа бўлмоқ (مِنْ)

– تَضْيِيقٌ 1) торайтириш; 2) сиқиш, тазйиқ ўтказиш.

– ضَائِقَةٌ оғир, сиқилган аҳвол; ~ الْوُقُودِ ёнилғи етишмаслиги; ~ مَالِيَّةٌ пул етишмаслиги (кризиси)

– ضِيقٌ 1) торайиш; торлик; ~ الْأُفُقِ савиянинг пастлиги (торлиги), тор (паст) савия; 2) савия; 2) сиқилиш; 3) оғир аҳвол, камбағаллик, етишмовчилик, қашшоқлик, фақирлик; ~ ذَاتِ الْيَدِ ёки ~ الْيَدِ қўл калта (қисқа) лиги, камбағаллик; بِـ~ الْوَقْتِ вақт йўқлиги учун (сабабли); بِـ~ الْمَكَانِ (الْمَقَامِ) жой йўқлиги учун (сабабли); لَوْ لَا ~ الْمَكَانِ لَـ ... агар жой етишмаган бўлмаганда, у ҳолда ...; ~ النَّفَسِ мед. астма (нафас қисиш касаллиги)

– ضَيِّقٌ 1) тор; танг, إِنَّ الْوَقْتَ ~ وَ ... вақт оз (танг), аммо, ...; ~ خُلُقَهُ у чидамсиз (тоқатсиз); الْحِيلَةِ ~ айёрлик, (ҳийла) ни билмайдиган; الصَّدْرِ ~ ҳафсаласи пир бўлган, рози бўлмаган; хафа бўлган; 2) (*бирор н. дан*) қисилиб (ийманиб) турган, хижолат чеккан (بِ); 3) камбар (*темир йўлга оид*)

– ضِيقَةٌ оғир аҳвол, қашшоқлик, камбағаллик, фақирлик

– مُضَايِقٌ 1) хижолат чекувчи, иймманувчи; 2) хижолат чекадиган, иймманадиган; 3) жонга тегадиган, безор қиладиган

– مُضَايَقَةٌ кўп. ـاتٌ 1) қисилиш, сиқилиш; босди-босди; тиқилинч; 2) жонга тегиш, зериктириш, шилқимлик қилиш; (*аёлга*) тазйиқ қилиш

– مَضِيقٌ кўп. مَضَايِقُ 1) бўғоз; 2) тор тоғ оралиғи, тоғ дараси; довон

ضَامَ (ضيم) I ضَيْمٌ (а) адолатсизлик қилмоқ, зулм (сиқув) қилмоқ, хафа қилмоқ, таҳқирламоқ; X اِسْتَضَامَ = I

– ضَيْمٌ кўп. ضُيُومٌ адолатсизлик; зулм (сиқув); хафа қилиш, таҳқирлаш, ҳақорат; رِجَالٌ أُبَاةُ الـ~ адолатсизлик билан келиша олмайдиган одамлар; لاَ يَنَامُونَ (لاَ يُقِيمُونَ) عَلَى الـ~ улар ҳақоратни унута олмайдилар; لاَ يَصْبِرُ عَلَى ~ у таҳқирга тоқат қилолмайди (чидамайди); ◊ سَكَتَ عَلَى ~ иложсизликдан сукут сақламоқ

ضَيْوَنٌ кўп. ضَيَاوِنُ ёввойи мушук

ط

ط (طَاءٌ) то (итқи) (*араб алифбосининг ўн олтинчи ҳарфи; абжадда-9*)

ط قِيرَاط *сўзининг қисқартмаси*

طَابٌ тоб (*ўйин номи*)

طَابَاقٌ қар. طبق

طَابَةٌ кўп. ـاتٌ 1) мед. тахтакач; 2) тоб ўйинида ишлатиладиган ёғоч буюм; қар. طَابٌ

طَابُو ерларни рўйхатга олиш

طَابُورٌ кўп. طَوَابِيرُ 1) текширув, кўрик; (*қаторда турганларни*) рўйхат бўйича текшириб чиқиш; كَأَنَّهُ فِي ~ у гўё қаторда қотгандай ("*смирно*" *ҳолатида*) турибди; الصَّبَاحِ ~ рўйхат бўйича эрталабки саноқ (текширув); 2) батальон; الـ~ الْخَامِسُ *сиёс.* бешинчи колонна (*бошқа мамлакатга юборилган жосуслар, кўпорувчилар*); 3) шеренга; кутиб турувчилар навбати; *ҳарб.* қатор чизиғи; أَوْقَفَهُ ~ I кимнидир навбатга қўймоқ

طَابُوقٌ қар. طبق

طَابُونَةٌ кўп. ـاتٌ, طَوَابِينُ = طَبُّونَةٌ қар. طبن

طَابِيَةٌ кўп. طَوَابٍ 1) истеҳком; мустаҳкамланган жой, форт; 2) *шах.* рух

طَارٌ қар. طور

طَارٌ қар. طير

طَازَجٌ, طَازِجٌ янгигина (ҳозиргина) тайёрланган

طَازَه янгигина; ◊ زُبْدَةٌ ~ сариёғ

طَاسٌ, طَاسَةٌ қар. طوس

طَاغُوتٌ қар. طغو

طَاقِمٌ қар. طقم

طَالُوتُ ат.от.мз. Толут (Соул)

طَامِيسُ *миф.* Фемида (*одил суд маъбудаси*)

طَامُورٌ = طُومَارٌ

طَاوِلَةٌ қар. طول

طَاوُوسٌ қар. طوس

طَأْطَأَ қуйига туширмоқ, пастга эндирмоқ; эгмоқ, энгаштирмоқ; رَأْسَهُ ~ а) бош эгмоқ; б) бўйсинмоқ

– طَأْطَأَةٌ эгилиш, букилиш

– مُطَأْطِئٌ эгган, буккан; الرَّأْسِ ~ боши эгик, боши эгилган

طَامَنَ қар. طمأن

طَبَّ I طَبٌّ (а/у) 1) даволамоқ; 2) оғмоқ, пастга тушмоқ, энмоқ (*мас., тарози палласи*); 3) кутилмаганда, тўсатдан (*к. нингдир олдига*) келиб қолмоқ (عَلَى); II طَبَّبَ 1) даволамоқ; тиббий ёрдам кўрсатмоқ; тиббий фаолият билан шуғулланмоқ; 2) йиқитмоқ, йиқилишга (*ағанаб кетишга*) мажбур қилмоқ; V تَطَبَّبَ 1) даволанмоқ, даволаниш даврини ўтмоқ; 2) тиббиёт билан шуғулланмоқ; X اِسْتَطَبَّ 1) табиблардан маслаҳат сўрамоқ; 2.) (*бирор н.* билан) даволанмоқ (بِ); لِكُلِّ دَاءٍ دَوَاءٌ يُسْتَطَبُّ بِهِ إِلاَّ الْحَمَاقَةَ мқл. буни гўр тузатади (*сўзма-сўз:* аҳмоқликдан бошқа ҳамма касалнинг давоси бор)

– تَطْبِيبٌ даволаш, табиблик қилиш

– طَبٌّ эплай олувчи, қила олувчи, билувчи; (*бирор н. да*)

моҳир (بِ)

– طِبٌّ 1) даволаш; الْأَسْنَان ~ тишларни даволаш; суф-куф қилиб даволаш; 2) шунингдек علْمُ الـــ~ тиббиёт; медицина; ~ الْآذَان отиатрия (қулоқ касалликларини даволаш ҳақидаги фан); الـــ~ النَّفْسَانِيُّ ёки ~ أَمْرَاضِ النَّفْسِ психиатрия (руҳий касалликларни даволаш ҳақидаги фан); ~ الْأَمْرَاضِ الْجِلْدِيَّةِ дерматология (тери касалликларини даволаш ҳақидаги фан); الـــ~ الْبَشَرِيُّ аллопатия (даволаш усулларидан бири, немис врачи С. Ханеман (1755-1840) жорий этган); الـــ~ الْبَيْطَرِيُّ кар. ~ بَيْطَرِيٌّ; ~ الْعُيُون офтальмология (кўз касалликлари ҳақидаги фан); ~ الْفَضَاء космик тиббиёт. ~ قَضَائِيٌّ (شَرْعِيٌّ) суд медицинаси (тиббиёти); كُلِّيَّةُ الـــ~ тиббиёт куллиёти, медицина факультети; مَدْرَسَةُ الـــ~ тиббиёт мактаби; медицина ўқув юрти; أَخَذَ الـــ~ тиббиётни ўрганмоқ

– طِبَابَةٌ 1.) табиблик (табобат, врачлик) касби; 2; табиблик қилиш, даволаш, табобат (табиблик) билан шуғулланиш

– طَبَّةٌ[1] кўп. ـَاتٌ — йиқилиш, пасайиш

– طَبَّةٌ[2] кўп. ـَاتٌ — 1) ёстиқ; 2) тиқин, пробка

– طِبِّيٌّ 1) тиббий; санитарияга оид; 2) табибликка оид; 3) доривор (ўсимлик); نَبَاتَاتٌ ~ـَةٌ доривор ўсимликлар

– طَبِيبٌ кўп. أَطِبَّاءُ، أَطِبَّةٌ табиб, врач, доктор; медик; الـــ~ الْمُدَاوِيُّ даволовчи табиб (врач); ~ الْآذَان қулоқ касалликлари табиби, отиатр; ~ الْأَنْفِ وَ الْأُذُنِ وَ الْحَنْجَرَة қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари табиби (врачи), отоларинголог; ~ الْأَسْنَان тиш доктори, дантист; الـــ~ الْبَشَرِيُّ ёки ~ الْأَمْرَاضِ الْجِلْدِيَّة тери касалликлари табиби, дерматолог; ~ الْعُيُون кўз касалликлари табиби, офтальмолог; ~ الْأَمْرَاضِ الْعَقْلِيَّة ёки ~ الْأَمْرَاضِ النَّفْسِيَّة ёки ~ نَفْسَانِيٌّ психиатр; ~ الْأَمْرَاضِ الْأَعْصَابِيَّة (الْعَصَبِيَّة) асаб касалликлари табиби, невропатолог; ~ الْأَمْرَاضِ النِّسَائِيَّة аёллар касалликлари бўйича табиб, гинеколог; ~ فِي الْأَمْرَاضِ الزُّهَرِيَّة венеролог; ~ بَيْطَرِيٌّ кар. بَيْطَرِيٌّ؛ ~ شَرْعِيٌّ суд табиби (врачи)

– طَبِيبَةٌ кўп. ـَاتٌ — табиб аёл, табиба

– مَطَبٌّ кўп. ـَاتٌ — 1) чуқурлик; ~ هَوَائِيٌّ ав. ҳаводаги бўшлиқ; ~ دِبْلُومَاسِيٌّ дипломатик хижолатпазлик, хато; 2') туртки, чалақлаш

– مُطَبِّبٌ табобатчи, медик

طُبْجِيٌّ кўп. طُبْجِيَّةٌ тўпчи, артиллерист, артиллериячи

I طَبَخَ (а/у) طَبْخٌ 1) пиширмоқ, (овқат) тайёрламоқ; 2) ясамоқ, тайёрламоқ; 3) кўч.м. ташкил этмоқ, (бирор ишни) тайёрламоқ; VII اِنْطَبَخَ қайнаб пишмоқ; пишиб тайёр бўлмоқ; VIII اِطَّبَخَ овқат пиширмоқ (тайёрламоқ)

– طَبَّاخٌ ошпаз, пазанда; رَئِيسُ الـــ~ِينَ бош ошпаз (пазанда); ◊ ~ كَاز примус

– طَبَّاخَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) ошпаз (пазанда) аёл, ошхонада ишловчи аёл; 2) газ плитаси (ўчоғи)

– طِبَاخَةٌ 1) ошпазлик (пазандалик) касби; 2) кулинария

– طَبْخٌ 1) қайнатиш, овқат тайёрлаш; 2) қайнатиб пиширилган овқат; 3) целлулоид

– طَبْخَةٌ пиширилган овқат, таом; кўч.м. бирор нарсани бичиб тўқиш; маж. مَنْ طَبَخَ هَذِهِ الـــ~؟ бу машмаша кимнинг иши?; ◊ طَبَخَ الـــ~ لَهُ бу машмашаларни унга кўрсатиб қўйди; اِسْتَوَتْ الـــ~! иш боплаб қўйилди, иш пишди!

– طَبِيخٌ пиширилган овқат (таом)

– مَطْبَخٌ кўп. مَطَابِخُ ошхона, овқат тайёрланадиган хона

– مُطَبَّخٌ пишган, пиширилган; чиниққан, пишиқ; هَذَا ~ُ الْقَوْمِ бу одамларнинг чиниққани

– مِطْبَخٌ кўп. مَطَابِخُ ошхона ўчоғи (плитаси)

– مَطْبُوخٌ 1) қайнатилган, қайнатиб пиширилган; шунингдек: кўч.м. боплаб қўйилган иш; 2) тайёрлаб қўйилган, етилган (иш ёки масала ҳақида)

طَبَرٌ болта; халқ. чўқмор

– طَابُورٌ алиф.б.кар.

طَبَرْزَذٌ ёки طَبَرْزَلٌ ёки طَبَرْزَنٌ: ~ سُكَّرٌ оқ қанд.

طَبَشَ (طبش) чайқалмоқ, сочилмоқ (сув ҳақида - فِي الْمَاءِ)

طَبَاشِيرٌ = طَبَاشُورَةٌ

طَبَاشِيرٌ бўр

– طَبَاشِيرَةٌ кўп. ـَاتٌ — бўр парчаси

– طَبَاشِيرِيٌّ бўрга оид, бўрдан ясалган (қилинган)

– طَبَاشِيرٌ = طَبْشِيرٌ

طَبْطَبَ 1) жилдирамоқ (сув ҳақида); 2) эркалатмоқ, силаб-сийпамоқ (мас., отни عَلَى)

– طَبْطَابٌ тибтоб (пиво нави); ◊ جَاءَ عَلَى الـــ~! халқ. унга худди шу нарса керак эди!

– طَبْطَابَةٌ кўп. ـَاتٌ — ракетка (теннис ўйинидаги қурол)

– طَبْطَبَةٌ 1) жилдираш; 2) силаб-сийпаш (отни)

I طَبَعَ (а) طَبْعٌ 1) муҳр (штемпель) босмоқ, муҳрламоқ; ~ـَهُ بِطَابِعِهِ бирор нарсага муҳр босмоқ; 2) босмоқ; ~ الْقُمَاشَ мато босмоқ; ~ النَّقْدَ танга (пул) зарб этмоқ; 2) муҳрланиб қолмоқ; 4) татбиқ қилмоқ; 5) мажҳ. табиатан (қандайдир сифатга эга) бўлмоқ; табиатан (н. гадир) мойил бўлмоқ (عَلَى); طُبِعَ عَلَى الشَّرِّ мажҳ. табиатан ёмонликка мойил бўлмоқ; ~ جَرَّةً مِنَ الطِّينِ лойдан кўза ясамоқ; II طَبَّعَ ўргатмоқ, машқ қилдирмоқ, отни минишга

ўргатмоқ; V تَطَبَّعَ ўзганинг феъл-атворини қабул қилмоқ; босилган нусха олмоқ; VII اِنْطَبَعَ 1) штемпелланган бўлмоқ; 2) босилган (таб этилган) бўлмоқ; بِطَابِعِهِ ~ кимнингдир феълини қабул қилмоқ (ўзлаштирмоқ); 3) муҳрланиб қолмоқ, (қаердадир) қолмоқ (فِى); 4) нусха олиб юрмоқ, нусхага эга бўлмоқ

– اِنْطِبَاعٌ кўп. ـَاتٌ таассурот; ... بِأَنَّ ... لَدَى ~ًا تَرَكَ кимдадир таассурот қолдирмоқ

– اِنْطِبَاعِيَّةٌ импрессионизм (XIX *асрнинг 2- ярми ва XX аср бошлари адабиёти ва санъатидаги оқим*)

– طَابَعٌ узук

– طَابِعٌ[1] 1. босувчи; 2. 1) босувчи одам; 2) кўп. طَوَابِعُ муҳр, штемпель; 3) кўп. طَوَابِعُ босиб олинган нусха, қолдирилган из; ~ُ الْأَصَابِعِ бармоқларнинг изи; 4) кўп. طَوَابِعُ марка; ~ُ الْبَرِيدِ почта маркаси

– طَابِعٌ[2] феъл-атвор; اِرْتَدَى (اِتَّخَذَ) ~ًا مَشْؤُومًا шум феъл-атворни қабул қилмоқ; اِتَّخَذَتِ الْقَضِيَّةُ ~ًا آخَرَ иш бошқача бўлиб кетди

– طَبَّاعٌ босувчи (*босмахонадаги*)

– طِبَاعٌ (طَبْعٌ дан) кўп. феъл-атвор, хулқ; туғма хусусият; ~ُهُ جَمِيلَةٌ унинг феъл-атвори ғоят гўзал

– طِبَاعَةٌ босиш, китоб босиш, босмачилик фаолияти; ~ُ الْحَجَرِ литография (тошбосма); آلَةُ الـ~ِ الدَّوَّارَةِ ротацион (нусха кўпайтирувчи) босув машинаси

– طَبْعٌ[1] кўп. طِبَاعٌ табиат, табиий ҳолат, феъл-атвор; حَادُّ الـ~ِ қизиққон хулқли; بِالـ~ِ табиий(ки), албатта; ~ًا табиий, ўз-ўзидан маълум(*ки*); ~ًا كَلَّا! албатта, йўқ!

– طَبْعٌ[2] 1) босиш, китоб босиш; إِعَادَةُ الـ~ِ қайтадан босиш; تَحْتَ الـ~ِ (босилиш жараёнида) турмоқ; ~ُ الْحَجَرِ литография (тошбосма); ~ُ الْحُرُوفِ босмахонада босиб чиқариш; مُسَوَّدَةُ الـ~ِ мусаҳҳиҳлик варағи (саҳифаси); وَرَقُ الـ~ِ босиш учун чиқарилган қоғоз; 2) муҳрланиб қолиш; 3) татбиқ қилиш, жорий қилиш; татбиқ (жорий) қилиниш

– طَبْعَةٌ кўп. طَبَعَاتٌ (*китобни*) нашр этиш; الـ~ُ الثَّانِيَةُ иккинчи нашр

– طَبِيعَةٌ кўп. طَبَائِعُ табиат; عِلْمُ الـ~ِ физика; عِلْمُ ~ِ الْأَرْضِ геофизика; عِلْمُ الـ~ِ الْحَيَوِيَّةِ биофизика; مَا وَرَاءَ (بَعْدُ) الـ~ِ метафизика; ~ٌ صَامِتَةٌ натюрморт; بِـ~ِ الْحَالِ табиийки, ўз-ўзидан маълумки; فَوْقَ الـ~ِ а) ғайритабиий; б) метафизик; 2) феъл-атвор; табиий хусусият (сифат); الـ~ُ الْبَشَرِيَّةُ инсон табиати; الطَّبَائِعُ الْأَرْبَعُ *тар.*(*инсон феъл-атворини белгиловчи*) тўрт унсур: (الْحَرَارَةُ وَ الْبُرُودَةُ وَ الرُّطُوبَةُ وَ الْيُبُوسَةُ *иссиқлик, совуқлик, намлик, қуруқлик*)

– طَبِيعِيٌّ 1. 1) табиий; нормадаги, нормал; غَيْرُ ~ٍ ғайритабиий, ғайринормал; الْحَيَاةُ الـ~َةُ табиий (*нормал*) ҳаёт; الْعُلُومُ الـ~َةُ табиий фанлар; الْمَذْهَبُ الـ~ُ натурализм; مِنَ الـ~ِ أَنْ ... табиийки, ...; 2) физикага оид, физик; الْجُغْرَافِيَّةُ الـ~َةُ табиий география; شَخْصِيَّةٌ ~َةٌ ёки شَخْصٌ ~ٌ *юр.* хусусий (*физик*) шахс; 2. 1) физик (*олим*); 2) табиатшунос, натуралист; التَّارِيخُ الـ~ُ табиатшунослик дарслиги

– طَبِيعِيَّاتٌ кўп. 1) табиат ҳодисалари; 2) табиий фанлар; عُلَمَاءُ الـ~ِ физик олимлар

– طَبِيعِيَّةٌ 1) табиийлик; 2) натурализм (XIX *аср ўрталарида пайдо бўлган адабиёт ва санъатдаги оқим*)

– مَطْبَعٌ = مَطْبَعَةٌ

– مَطْبَعْجِيٌّ кўп. مَطْبَعْجِيَّةٌ босмахонада босувчи уста

– مِطْبَعَةٌ кўп. ـَاتٌ матбаа машинаси, босув машинаси

– مَطْبَعَةٌ кўп. مَطَابِعُ босмахона, типография; ~ٌ حَجَرِيَّةٌ литография (тошбосма)

– مَطْبَعِيٌّ босмахонага оид, типографик; غَلَطٌ (خَطَأٌ) ~ٌ хато босилган (*сўз ёки бошқа нарса*), босмахона хатоси

– مَطْبُوعٌ 1. 1) босилган; 2) табиий, табиатан; ~ٌ عَلَى الشَّرِّ табиатан ёмонликка мойил; 3) табиий, натурал; 4) табиатан иқтидорли, табиий иқтидор (талант) эгаси; شَاعِرٌ ~ٌ туғма шоир; 5) табиатан гўзал, чиройли; 6) мато (газлама); الْقُطْنُ الْـ~ُ пахтадан тайёрланган мато; 2. бланк (*иш қоғози бланки*)

– مَطْبُوعَاتٌ кўп. босилиб чиққан асарлар, нашрлар; матбуот; ~ٌ دَوْرِيَّةٌ вақтли матбуот (нашрлар); قَانُونُ الْـ~ِ матбуот ҳақида қонун; قَلَمُ الْـ~ِ пресбюро; مُرَاقِبُ الْـ~ِ цензор, матбуотда давлат сирлари чиқиб кетмаслигини назорат қилувчи шахс; نَاظِرُ الْـ~ِ матбуот ишлари бўйича нозир (инспектор)

– مَطْبُوعَةٌ (*китоб*) нашри

(طبق) I طَبَقَ (*у*) طَبْقٌ беркитмоқ; ўрамоқ; ўраб қўймоқ; ◊ ~ يَعْمَلُ (*бирор н.*) қилишни бошламоқ; طَبِقَ (*а*) طَبَقٌ 1) мос келмоқ, тўғри келмоқ; 2) ёпиқ бўлмоқ; II طَبَّقَ 1) ёпмоқ, тўсиб қўймоқ; (*бир-бирининг устига*) тахлаб қўймоқ; 2) ёпмоқ, беркитмоқ; ўрамоқ, ўраб қўймоқ; тахламоқ, букмоқ, букламоқ; 3) ҳар томонга тарқалиб кетмоқ, тарқамоқ, тарқалмоқ; ~ ذِكْرُهُمُ الْآفَاقَ улар машҳур бўлиб кетишди; ~ صِيتُهُمُ الْخَافِقَيْنِ уларнинг шуҳрати бутун оламга тарқалиб кетди; ~َتْ شُهْرَتُهُ الْآفَاقَ ёки ~َتْ شُهْرَتُهُ آفَاقَ الْمَغَارِبِ وَ الْمَشَارِقِ унинг шуҳрати мағрибдан машриққача тарқалиб кетди; 4) татбиқ қилмоқ, мосламоқ; 5) (*отни*) тақаламоқ; III طَابَقَ ўхшамоқ, мос келмоқ; айнанликка эга бўлмоқ; 2) (*н. нидир н. билandir*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ); 3) жорий қилмоқ, татбиқ қилмоқ, мослаштирмоқ; IV أَطْبَقَ 1) беркитмоқ, ёпмоқ; ~ يَدَهُ عَلَى

... (*н. гадир*) қўл урмоқ, (*н. нидир*) қўл билан беркитмоқ, тўсмоқ;

عَيْنَيْهِ إِطْبَاقَةَ الْأَبَدِ ~ ўлмоқ, вафот топмоқ, ҳаётдан кўз юммоқ; 2) (*қовоқларни*) юммоқ; 3) (*н. нингдир атрофида*) қаттиқ қисилиб турмоқ (حَوْلَ); 4) бошқаларнинг фикрига қўшилмоқ, (*н. дадир*) бошқалар билан якдил бўлмоқ (عَلَى); 5) (*мас., кийимни*) тахлаб (ўраб) қўймоқ; 6) *ҳарб.*(*к. нидир, н. нидир*) қуршамоқ, ҳамма томондан ўраб (қуршаб) олмоқ (عَلَى); ◊ بَيْنَهُمْ صَمْتٌ ~ улар жимиб қолдилар; V تَطَبَّقَ 1) ичкаридан беркитиб олмоқ; 2) татбиқ этилмоқ; 3) бузилмоқ, емирилмоқ; الْبِنَاءُ ~ бино емирилиб тушди; VI تَطَابَقَ 1) ўхшаш (айнан) бўлмоқ; 2) мос келмоқ, бир-бирига ўхшамоқ; VII اِنْطَبَقَ 1) ичкаридан беркитиб олмоқ, яқинлашмоқ, юмилмоқ (*қовоқлар ҳақида*); 2) ясси бўлмоқ (*кўкрак ҳақида*); 3) мос келмоқ (*н. гадир*), айнан бўлмоқ (*н, га дир*) ўхшаш бўлмоқ (عَلَى); 4) татбиқ этилмоқ; (*н. гадир*) мослашмоқ (عَلَى); 5) ёпиштирилган бўлмоқ, жипс қилиб қўйилмоқ; عَلَى الْجِسْمِ ~ жисмга ёпишиб турмоқ; 6) (*н. гадир*) татбиқ этилмоқ (عَلَى *-мақол ҳақида*)

– إِطْبَاقٌ 1) веляризация (*товушларнинг махсус равишда талаффуз этилиши*); حُرُوفُ الـ~ – ص، ض، ط، ظ ҳарфлари билан ифодаланувчи товушлар; 2) *ҳарб.* қуршов, қамал, ўраб олиш

– تَطَابُقٌ 1) мослик, мос келиш; 2) ўхшашлик, айнанлик

– تَطْبِيقٌ 1.) татбиқ этилиш, қўлланиш; ... عَلَى ~بِالـ шунга кўра, шунга мувофиқ ҳолда; ... لِـ~ا ...дан келиб чиқиб, ...га мувофиқ равишда; 2) ўралиш; 3) амалиёт; 4) (грамматик) машқ; намознинг рукуъ қисмида икки қўлни тиззага тираб туриш

– تَطْبِيقَةٌ *кўп.* تَطَابِيقُ тақа

– تَطْبِيقِيٌّ 1) амалий; 2) татбиқий; الْفُنُونُ الـ~ـةُ татбиқий фанлар

– طَابَاقٌ *кўп.* طَوَابِيقُ ғишт

– طَابَاقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ бир дона ғишт

– طَابَقٌ، طَابِقٌ *кўп.* طَوَابِقُ 1) қават; الـ~ُ الْأَرْضِيُّ биринчи қават; خَادِمُ الـ~ йўлакда хизмат қилувчи ходим (*меҳмонхонада*); 2) қопқоқ; 3) (*мас., бахши атрофида ўтириб, унинг айтаётганларини*) тингловчи одамлар тўдаси; 4) *шахм.* ўйин; الـ~ُ الْهَادِئُ италянча ўйин (*giuoco piano*)

– طَابَاقٌ = طَابُوقٌ

– طَابَاقَةٌ = طَابُوقَةٌ

– طُبَّاقٌ тамаки

– طُبَاقٌ = طُبَّاقٌ

– طِبَاقٌ 1) мос келиш; 2) солиштириш, қиёслаш; 3) антитеза

– طَبَقٌ *кўп.* أَطْبَاقٌ 1) қопқоқ; 2) товоқ, тарелка, патнус; أَطْبَاقٌ طَائِرَةٌ "учиб юрувчи тарелкалар"; 3) ҳол, ҳолат, вазият

– طَبِقٌ ёпиқ

– طِبْقٌ аслига тўғрилик, аслига мос келиш; ~ الْأَصْلِ а) аслига тўғри; б) аниқ нусха; ~ الْمَرَامِ маромида; шундай бўлиши лозим; ... لِـ~ا ... билан келишилган ҳолда, ...га мувофиқ равишда

– طَبَقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ طِبَاقٌ 1) қават, қатлам, пласт; عِلْمُ طَبَقَاتِ الْأَرْضِ стратиграфия (*геологиянинг геологик жисмлар шаклланишининг изчиллигини ва уларнинг дастлабки муносабатларини ўрганадиган бўлими*); الـ~ الطُّخْرُورِيَّةُ стратосфера (*Ер юзасидан 8-16 км. дан 45-55 км. баландликкача бўлган атмосфера қатлами*); الطَّبَقَاتُ الْعُلْيَا (السُّفْلَى) مِنَ السُّكَّانِ аҳолининг юқори (қуйи) табақалари; 2) қатор; *муз.* октава; 3) қават; 4) (*ордендаги*) даража; 5) разряд; 6) синф; الْعُمَّالِ ~ ишчилар синфи; الـ~ الْمُتَفَكِّرَةُ ёки الـ~ الدُّنْيَا الْمُتَعَلِّمَةُ маълумотли кишилар доираси, зиёлилар; الـ~ оддий (авом) халқ; نِضَالُ الطَّبَقَاتِ синфий кураш

– طَبَقِيٌّ синфий; الْمُجْتَمَعُ الـ~ синфий жамият; لَا ~ синфсиз

– طَبَقِيَّةٌ синфийлик

– طَبِيقٌ мос, мувофиқ, тегишли

– مُطَابِقٌ мос, мувофиқ, (*н. гадир*) мувофиқ, ўхшаш; айнан; غَيْرُ ~ мос келмайдиган, ғайри мувофиқ, ўхшамайдиган

– مُطَابَقَةٌ 1) мос (мувофиқ) келиш, айнанлик; 2) розилик, мувофиқлик; 3) симметрия; 4) аккомодация (*кўзнинг турли масофадаги нарсаларни аниқ-равшан кўришга мослашуви*); *мат.* конгуентлик (*бир фигуранинг бошқа бир фигура ҳаракати натижасида ҳосил қилиниши*)

– مُطَبَّقٌ *шунингдек.* خُضَارٌ ~ гўштли карам шўрва, гўшт билан пиширилган сабзавотлар

– مُطْبَقٌ 1) қопланган, ўралган, ёпилган; 2) *ҳарб.* ўраб олинган, қуршаб олинган; 3) *грам.* веляризацияланган; الْحُرُوفُ الـ~ـةُ веляризацияланган ундошлар (*қар.* إِطْبَاقٌ)

– مُطْبِقٌ[1] 1. тўла, мутлақо, бутунлай; جُنُونٌ ~ тўла (бутунлай) ақлдан озиш; جَهْلٌ ~ мутлақ жаҳолат; سِجْنٌ ~ зиндон; صَمْتٌ ~ мутлақ сукунат; 2. зиндон

– مُطْبِقٌ[2]: حُمَّى ~ـةٌ сурункали безгак

I طَبَلَ (у) طَبْلٌ ноғора (табл) чалмоқ; II طَبَّلَ ноғора чалмоқ; ~ وَزَمَّرَ لِشَيْءٍ *кўч.м.* бирор нарса тўғрисида шов-шув кўтармоқ (овоза қилмоқ); طَبِّلْ لِي وَ أَنَا أُزَمِّرُ لَكَ *мқл.* *сўзма-сўз*: мени деб ноғора чал, сени деб сурнай чаламан; V تَطَبَّلَ қаппаймоқ (*қорин ҳақида*)

– طَبَّالٌ ноғорачи, таблчи

– طَبْلٌ *кўп.* أَطْبَالٌ، طُبُولٌ ноғора, табл; تَدُقُّ الطُّبُولُ ноғоралар чалинмоқда; 2) ноғора товуши

– طَبْلَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ ноғора, табл; الْأُذُنِ ~ *анат.* қулоқ пардаси;

اخْتَرَقَ هَذَا الْحِوَارُ ~ أُذُنَيْهِ кутилмаганда шундай гапни эшитиб қолди

– طَبْلَةٌ 2 кўп. طُبَلٌ осма қулф

– طَبْلِيَّةٌ кўп. طَبَالِيُّ, ـَاتٌ — 1) кичик пешхон, столча; 2) махсус тоғора, ёғочдан ясалган катта товоқ, патнус; т.-б. қайтиладиган айлана; 4) архит. абака (*устуннинг энг юқори шигга тегиб турадиган қисми*)

I طَبَنَ (طبن) (и) طَبْنٌ ўтни (оловни) кўммоқ, устини ёпмоқ; طَبِنَ (а) طَبَنٌ фаҳмламоқ, билмоқ, эпламоқ

– طَبَانٌ, طَبَّانٌ кўп. ـَاتٌ — шина, покришка (*автомобилларда*)

– طَبِنٌ билувчи, эплай олувчи

– طَبُونَةٌ кўп. طَوَابِينُ, ـَاتٌ — 1) (*шаҳардаги*) ўчоқ; 2) новвойхона

طَبَنْجَةٌ кўп. ـَاتٌ — тўппонча, револьвер

طُبُوغْرَافِيَةٌ топография

طُبْيٌ, طِبْيٌ кўп. أَطْبَاءٌ елин, ҳайвон елини

مِطَّةٌ кўп. ـَاتٌ — *спорт.* диск

I طَجَنَ (у) طَجْنٌ қовурмоқ

– طَاجِنٌ кўп. طَوَاجِنُ 1) това; 2) кўза, тувак, сополдан ясалган тувак

I طَحَّ (а/у) طَحٌّ текисламоқ

– طَحَّانٌ текис ер

طَحْطَحَ синдирмоқ, синдириб майдаламоқ; бузмоқ, йўқ қилмоқ; تَطَحْطَحَ синиб қолмоқ

– طَحْطَحَةٌ синиш, парчаланиш

أَطْحَلُ мн. طَحْلَاءُ кўп. طُحْلٌ тўқ кулранг

– طِحَالٌ, طُحَالٌ кўп. ـَاتٌ — *анат.* талоқ

– طُحَالٌ талоқ шамоллаши

– طِحَالِيٌّ талоққа оид

– طُحْلٌ чўкма, қуйқа, қолдиқ

طَحْلَبَ мох пайдо бўлмоқ, сув устини йўсин босмоқ; ~ الْمَاءُ сув устини йўсин босди

– طُحْلُبٌ, طُحْلَبٌ кўп. طَحَالِبُ мох, йўсин; сувдаги зангор рангли майда ўсимлик

– مُطَحْلِبٌ мох, йўсин билан қопланган; ~ـَةٌ йўсин босган булоқ

I طَحَنَ (а) طَحْنٌ ун қилмоқ, майдаламоқ; ◊ ~ـَتْهُ الْأَيَّامُ вақт унинг саломатлигини адо қилди; VI تَطَاحَنَ ёвлашмоқ, жон-жаҳд билан муштлашмоқ, уришмоқ; VII اِنْطَحَنَ майдаланиб кетмоқ, талқон бўлиб кетмоқ

– تَطَاحُنٌ ўзаро ёвлик (душманлик); аёвсиз кураш; ўзаро бир-бирини қириб ташлаш

– طَاحِنٌ 1) майдаловчи; 2) қириб ташловчи; бераҳм, шафқатсиз; حَرْبٌ ~ـَةٌ даҳшатли уруш

– طَاحِنَةٌ кўп. طَوَاحِنُ озиқ тиш

– طَاحُونٌ кўп. طَوَاحِينُ тегирмон; الْمُهِمُّ الْوُصُولُ إِلَى الـ~ *мтл.* энг муҳими мақсадга эришмоқ

– طَاحُونَةٌ кўп. طَوَاحِينُ тегирмон; ~ الْبُنِّ қаҳва майдаловчи асбоб; ~ الْمَاءِ сув тегирмон; ~ الْهَوَاءِ (الرِّيَاحِ) шамол тегирмон; دُولَابُ ~ الْمَاءِ сувда айланадиган ғилдирак, чархпалак; حَمَلَ الْمَاءَ إِلَى ~ـِهِ кимнингдир тегирмонига сув қуймоқ

– طَحَّانٌ тегирмончи

– طِحَانَةٌ тегирмончилик касби

– طِحْنٌ ун; أَسْمَعُ جَعْجَعَةً وَ لَا أَرَى ~ًا кар. جَعْجَعَةٌ

– طَحِينٌ ун

– طَحِينَةٌ кунжут уруғининг тўпони, кунжут тўпони (қайласи)

– طَحِينِيٌّ 1) унли, ундан тайёрланган; 2) кунжут тўпонидан тайёрланган; حَلَاوَةٌ ~ـَةٌ кунжут тўпонидан тайёрланган ҳолва

– مِطْحَنٌ кўп. مَطَاحِنُ = طَاحُونٌ

– مِطْحَنَةٌ кўп. مَطَاحِنُ 1) тегирмон; 2) завод

I طَحَا (طحو) (у) طَحْوٌ текисламоқ, силлиқламоқ

I طَخَّ (а/у) طَخٌّ 1) урмоқ; 2) ўқ отмоқ

طُخْرُورِيٌّ кар. طَبَقَةٌ

I طَرَّ (а/у) طَرٌّ, طُرُورٌ қайрамоқ, ўткирламоқ; 2) ўсмоқ, чиқмоқ, ёриб чиқмоқ (*ўсимлик ва соқол-мўйлов ҳақида*); 3) тўпламоқ, ҳайдамоқ (*подани*)

– طُرٌّ: ~ًّا бутунича, тўлалигича, битта ҳам қўймай

– طَرَّارٌ киссавур, чўнтаккесар

– طُرَّةٌ кўп. طُرَرٌ, طُرٌّ пешона; 2) зулф, гажак; 3) бош варақ (*китобнинг сарлавҳаси, номи ёзилган варақ*); 4) герб; монограмма (*кишининг исми, отасининг исми ва фамилиясининг бош ҳарфларидан безакли қилиб тузилган шартли белги*); танганинг орқа (тамғали) томони; 5) (*болалар ўйинида*) буклаб қўйилган рўмолча; 6) кийимнинг ҳошияси ёки жияги йўқ қирғоғи; ~ النَّهْرِ дарё қирғоғи; 7) пешонадан қўйилган соч

– طَرِيرٌ эндигина чиқа бошлаган мўйлов; شَابٌّ ~ мўйлови эндигина чиқа бошлаган йигит

طَرَابِزُونٌ 1) кўприк ва зинапоя ёнларига ўрнатилган ёғоч суянчиқ (панжара); 2) безакли панжара

– طَرَابِيزَةٌ кўп. ـَاتٌ — пешхон, стол

I طَرَأَ (а) طَرْءٌ, طُرُوءٌ ҳайрон қолдирмоқ; кутилмаганда бўлиб ўтмоқ, бостириб келмоқ; (*к. нингдир олдига*) келмоқ (عَلَى), (*к. нингдир бошига бирор*) иш тушмоқ (عَلَى); IV أَطْرَأَ (*к. нидир*) мақтамоқ (عَلَى)

– طَارِئٌ 1. кутилмаган, тўсатдан воқе бўлган; тасодифий;

الدَّوْرَةُ الـ~ـةُ фавқулодда; ~ اجْتِمَاعٌ шошилинч мажлис; الْأَحْوَالُ الـ~ـةُ фавқулодда сессия; ~ خَبَرٌ шошилинч ахборот; الْمَصَارِيفُ الـ~ـةُ фавқулодда шароитлар; 1. кутилмаган (кўзда тутилмаган) сарфлар; 2. бахтсиз ҳодиса; ~ الْعَمَلِ ишхонада юз берган бахтсиз ҳодиса

– طَارِئَةٌ 1. *мн.* طَارِئٌ *сўзидан* 1; 2. *кўп.* طَوَارِئُ، ـَاتٌ (1 кутилмаганлик, назарда тутилмаган тасодиф (ҳодиса); 2) фалокат, бахтсизлик; طَوَارِئُ جَوِّيَّةٌ стихияли атмосфера ҳодисалари; حَالَةُ الطَّوَارِئِ фавқулодда ҳолат; قَانُونُ الطَّوَارِئِ фавқулодда қонун

– طُرْآنِيٌّ 1) авлод-аждоди номаълум, ёввойи; 2) қўпол; адабсиз; андишасиз

– طَرَاءَةٌ янгилик (*қар.* طرو)

– طَرِيءٌ янги

1 طَرِبَ (а) طَرَبٌ жонланмоқ, ҳаяжонга келмоқ, (*бирор н. дан*) таъсирланмоқ; завқ-шавқ олмоқ, хурсанд бўлмоқ; طَرَّبَ 1) таъсир қилмоқ; хурсанд қилмоқ, қойил қолдирмоқ, завқ бермоқ (*музика, қўшиқ ҳақида*); 2) ашула (қўшиқ) айтмоқ; IV أَطْرَبَ = II; VII انْطَرَبَ завқланган бўлмоқ

– طَرَبٌ 1) завқланиш, ҳаяжонланиш; хурсандлик, шодлик; 2) музика; آلَةُ الـ~ музика асбоби

– طَرِبٌ завқ олган, хурсанд бўлган

– طُرْبَةٌ тўрва, қоп

– طُرْبِيٌّ қоравул (*қабристондаги*)

– طَرُوبٌ ғайратли, хушчақчақ; ~ النَّفْسِ хурсанд; завқ-шавқдаги

– مِطْرَابٌ ҳаяжонга келтирувчи, тўлқинлантирувчи

– مُطْرِبٌ 1. завқ берувчи, ҳаяжонлантирувчи, хурсанд қилувчи; 2. 1) қўшиқчи, ашулачи; 2) музикачи, музикант

(طربش) تَطَرْبَشَ тарбуш (ҳожидўппи) киймоқ

– طَرَابِيشِيٌّ *кўп.* طَرَابِيشِيَّةٌ тарбуш сотувчи, ҳожидўппи сотувчи

– طَرْبُوشٌ *кўп.* طَرَابِيشُ 1) тарбуш; 2) тиш қопламаси

– مُطَرْبَشٌ тарбуш кийиб юрувчи киши

طَرْبَقَ 1) йиқитиб (ағдариб) юбормоқ; 2) вайрон қилмоқ

– طَرْبَقَةٌ 1) йиқитиб (ағдариб) юбориш; 2) вайрон қилиш, синдириш

طَرْبَالٌ *кўп.* طَرَابِيلُ 1) кўзга дангал ташланиб турувчи катта нарса; (*бирор н.*) турган жойни, йўналишни кўрсатувчи белги (*нишон*); 2) катта бино

طُرْبِيدٌ *кўп.* ـَاتٌ — торпеда; سَفِينَةُ الـ~ миноносец (*кема*)

طُرْبِيلٌ *кўп.* ـَاتٌ — торпеда

طَرْجَهَارَةٌ *ёки* طَرْجَهَالَةٌ кичкина пиёла

1 طَرَحَ (а) طَرْحٌ итқитмоқ, отиб юбормоқ; (*бирор н. ни*) ташлаб юбормоқ (ب);(*қаердандир*) отиб юбормоқ, итқитиб юбормоқ (عَنْ); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ عَنْ عَاتِقِهِ ўз устидан масъулиятни соқит қилмоқ; ~ الثَّوْبَ (*к. нимадир устига*) кийим ташламоқ (عَلَى); ~ جَانِبًا (*бирор томонга*) отиб юбормоқ; ~ لِلْمُنَاقَصَةِ تَوْرِيدَهُ бирор нарсани савдога қўйишни бошқага топширмоқ; 2) қўймоқ, баён қилмоқ, (*к. гадир*) тушунтирмоқ (عَلَى); ~ مُهِمَّةً فِي ... (*қандайдир*) масалани қўймоқ; ~ الْمَسْأَلَةَ لِلْاقْتِرَاعِ *ёки* ~ الْمَسْأَلَةَ لِأَخْذِ الرَّأْيِ عَلَيْهَا масалани овозга қўймоқ; 3) (*к. дандир савол*) сўрамоқ (عَلَى); 4) (*н. дандир*) олмоқ, айирмоқ (مِنْ); *мат.* айириш амалини бажармоқ; 5) вақтидан олдин туғмоқ, (*бола*) ташламоқ; 6) *шахм.* юриш қилмоқ; II طَرَّحَ 1) чойшаб билан ёпмоқ, ёпинчиқ билан ёпмоқ; 2) вақтидан олдин туғишни ташкил қилмоқ; III طَارَحَ савол-жавоб қилишмоқ, (*бир-бирига*) савол бермоқ; ~ الْغَرَامَ (الْحُبَّ) ўзганинг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб бермоқ, бир-бирини севмоқ; ~ـهُ الْكَلَامَ ким биландир мусоҳабада бўлмоқ, гап отишмоқ; IV أَطْرَحَ ташламоқ, итқитиб ташламоқ; V تَطَرَّحَ чойшаб (ёпинчиқ) билан ўралиб олмоқ; VI تَطَارَحَ бир-бирига отмоқ, отишмоқ, итқитмоқ, итқитишмоқ; бир-бирига (*гап*) отмоқ; ~ أَطْرَافَ الْحَدِيثِ *маж.* суҳбатлашмоқ, сўзлашиб турмоқ; VII انْطَرَحَ 1) чўзилмоқ, ётмоқ; 2) йиқилмоқ, қуламоқ; (*н. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); ~ أَرْضًا ерга ташланмоқ; 3) ҳурматли бўлмоқ; 4) берилган бўлмоқ (*мас., савол*); VIII اطَّرَحَ 1) ташланмоқ, итқитмоқ; 2) рад қилмоқ

– أُطْرُوحَةٌ *кўп.* أَطَارِيحُ 1) тезис; 2) тадқиқот, диссертация

– طَرَّاحٌ кўрпа тайёрловчи уста

– طَرَّاحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ,طَرَارِيحُ кўрпа

– طَرْحٌ 1) ташлаш; итқитиш, итқитиб юбориш; 2) айириш, олиб ташлаш; 3) вақтидан олдин туғиш, бола тошлаш; 4) *халқ.* мевалар; 5) *кўп.* أَطْرَاحٌ *шахм.* а) юриш; б) ўйин (*Тунисда*); الـ~ الْإِيطَالِيُّ италянча ўйин; الـ~ الْإِسْبَانِيُّ испанча ўйин; ◊ ~ الْبَحْرِ суви қочган ер; чўкинди тупроқ

– طِرْحٌ вақтидан эрта ўлик туғилган бола

– طَرْحَةٌ *кўп.* طُرَحٌ 1) ёпинчиқ; чиммат; عَقَدَتْ ~ـهَا у (аёл) ўз ёпинчиғининг учини тугиб қўйди (*ёрдам сўраш ниятида шундай қилинади ва бирор киши ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, у ўша тугунни ечиб қўяди*); 2) идиш, тара

– طَرْحِيَّةٌ *кўп.* طَرَاحِيُّ *халқ.* қоғоз варағи

– طَرِيحٌ *кўп.* طَرْحَى 1) ташланган; 2) ётган; ~ الْفِرَاشِ кўрпага ётиб олган (*касал*)

– طَرِيحَةٌ: بِالـ~ соатбай; ишбай

– مَطْرَحٌ *кўп.* مَطَارِحُ 1) ўрин, жой; 2) кўрпа (*Шимолий Африкада*)

– مَطْرُوحٌ *1. 1)* ташландиқ; 2) айириб (чиқариб) ташланган; 2. *мат.* айириш; ~ مِنْهُ камаювчи (*сон*)

طَرْخُونٌ *бот.* тархун (*кўпйиллик ўт; эрманнинг бир тури*)

طَرَدَ I (*у*) طَرْدٌ чиқармоқ, йўқотмоқ, ҳайдаб чиқармоқ; ~ هُ مِنَ الْخِدْمَةِ ишдан бўшатмоқ; يَطْرُدُ الْقَمْحُ السَّنَابِلَ буғдой бош чиқармоқда; II طَرَّدَ ҳайдаб юбормоқ; қувғин қилмоқ; III طَارَدَ қувмоқ, орқасидан қувиб бормоқ; ҳужум қилмоқ; IV أَطْرَدَ юртидан бадарға қилмоқ; VII انْطَرَدَ қувғин бўлмоқ, қувғин қилинмоқ; VIII اطَّرَدَ доимий бўлмоқ, изчил бўлмоқ; X اسْتَطْرَدَ 1) (*н. нидир*) давом эттирмоқ (فِي); (*н. дандир* مِنْ *н. гадир*) ўтмоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) киришмоқ, бошламоқ (إِلَى); (*адабий асарда*) мавзудан чекинмоқ, четга чиқмоқ

– اسْتِطْرَادٌ *кўп.* اتٌ — 1) (*мавзудан*) четга чиқиш, чекиниш; 2) серғаплик, эзмалик, мағизлик

– اطِّرَادٌ доимийлик; изчиллик; ~ بِـ доимо, сўзсиз

– طَارِدٌ ҳайдаб (қувиб) юборувчи; الْقُوَّةُ الْمَرْكَزِيَّةُ الـ ~ ةُ *физ.* марказдан қочма куч

– طِرَادٌ 1) қувиш, отлиқ ҳужум

– طَرَّادٌ[1] *кўп.* اتٌ — крейсер

– طَرَّادٌ[2] тўғон

– طَرَّادٌ[1] = طَرَّادَةٌ

– طَرْدٌ[1] қувғин қилиш, ҳайдаш; қувиш; ~ ا وَ عَكْسًا ҳам энига, ҳам бўйига, ипидан игнасигача; тўғрисига ва тескарисига

– طَرْدٌ[2] *кўп.* طُرُودٌ 1) тугун, ўралган нарса; 2) *шунингдек:* ~ بَرِيدِيٌّ (*почта орқали юборилган*) жўнатма, посилка; 3) нарса, буюм, ашё (*юк, багаж ҳақида*)

– طَرْدِيٌّ тўғри; التَّنَاسُبُ الـ ~ тўғри пропорционаллик

– طَرِيدٌ 1. қувғин қилинган; 2. қувғинди; қочқин; ◊ الـ ~ انِ *ик.с.* кун ва тун

– طَرِيدَةٌ қувиб борилаётган ов (сайд)

– مُطَارَدَةٌ қувиш; қувиш мусобақаси; طَائِرَةُ الـ ~ *ҳарб.* қирувчи самолёт

– مُطَارِدَةٌ *кўп.* اتٌ — *ҳарб.* қирувчи самолёт

– مُطَّرِدٌ 1) узлуксиз, доимий; изчил; ~ النَّسَقِ бир хил кўринишдаги; ~ النَّغَمِ бир хил овозли; ҳамиша бир хил; зерикарли; 2) ҳеч қандай гап-сўзсиз; 3) умумий; قَاعِدَةٌ ~ ةٌ умумий қоида

طَرَّزَ (طرز) кашта тикмоқ; безатмоқ

– تَطْرِيزٌ кашта тикиш, кашта; безак

– طِرَازٌ[1] *кўп.* طُرُزٌ, أَطْرِزَةٌ 1) намуна, марка, тип, система (*машина ҳақида*); ~ أَوَّلِيٌّ прототип (*бадиий асардаги образ учун асос бўлган ҳаётдаги реал шахс*); ~ عَلَى أَحْدَثِ сўнгги нусха асосида; 2) мода, нусха; ~ مِنْ حَدِيثٍ янги (сўнгги) нусхадаги (модадаги); ~ مِنْ قَدِيمٍ эски нусхадаги (модадаги); 3) *архит.* услуб, стил; 4) кийим этикеткаси

– طِرَازٌ[2] = طَرْزٌ

– طِرَازَةٌ каштачилик (*касби*)

– طَرْزٌ *кўп.* طُرُوزٌ 1) тарз, усул; 2) намуна, нусха, марка, тип, система (*машиналар ҳақида*); 2) модель

– طَرْزٌ ташқи қиёфа, тарз

– مُطَرِّزٌ каштачи, кашта тикувчи (*эркак*)

طَرَسَ I (*и*) طَرْسٌ ювмоқ; кетказмоқ

– طِرْسٌ *кўп.* طُرُوسٌ варақ; саҳифа; ўчириб яна битилган ёзув

طَرِشَ (طرش) طَرِشَ (*а*) طَرَشٌ кар бўлмоқ, эшитолмайдиган бўлмоқ; طَرَشَ (*у*) (*овқатни*) қайт қилмоқ; ◊ ~ بِالْجِيرِ (*деворни*) оқламоқ; II طَرَّشَ 1) кар қилмоқ; 2) қусқи келтириб чиқармоқ; VI تَطَارَشَ ўзини кар қилиб кўрсатмоқ, карман деб алдамоқ

– أَطْرَشُ *мн.* طَرْشَاءُ *кўп.* طُرْشٌ, طُرْشَانٌ кар; أَسَكُّ ~ мутлақо кар

– طَرَشٌ, طُرَاشٌ карлик, эшитмаслик

– طُرْشَجِيٌّ *кўп.* طُرْشَجِيَّةٌ тузланган бодринг ва тузланган нарсалар билан савдо қилувчи киши

– طُرَاشٌ = طُرْشَةٌ

– طَرْشٌ *кўп.* طُرُوشٌ уй ҳайвони, уйда боқиладиган ҳайвон

– طُرْشِيٌّ тузланган бодринглар; тузланган нарсалар; маринад

– مُطَرِّشٌ қусқи келтирадиган, кўнгил айнитадиган

طَرْشَقَ синмоқ, ёрилмоқ, дарз кетмоқ

طَرْطَبَ эчкини соғиш учун чақирмоқ

– طُرْطُبٌ елиннинг соғиладиган узунчоқ қисми

طَرْطَرَ 1) мақтанмоқ, кеккаймоқ; ўзини катта (такаббурона) тутмоқ; 2) (*бирор н. нинг*) тепасида (устида) турмоқ

– طُرْطُرٌ *зоол.* қурт

– طَرْطَرَةٌ 1) мақтанчоқлик; 2) юксак мавқе; يُحِبُّ الـ ~ ةَ وَ لَوْ عَلَى خَازُوقٍ *мқл.* қозиқ устида бўлса-да, баланд мавқени эгаллашни истайди

– طَرْطِيرٌ ~: حَامِضٌ ~ табиий вино ачитқиси (кислотаси)

– طُرْطُورٌ *кўп.* طَرَاطِيرُ 1) узун қалпоқ; қалпоқ; капюшон (*устки кийим ёқасига бириктириб тикиладиган қайтарма қалпоқ*); 2) баланд бўйли одам, найнов; 3) *кўч.м.* япалоққуш; 4) статист (*саҳнада иштирок этса-да, сўзлаши лозим бўлмаган актёр*), асли бошқа одам бўлган (*ўзини бошқа одам деб кўрсатадиган*) киши; манекен, қўғирчоқ, тулум (*терисига сомон тиқиб қўйилган ҳайвон ёки қуш*); дала (полиз) қўриқчиси

– طَرْطِيرٌ а) узум виноси сақланадиган бочка деворларига ўрнашиб қолган қуйқум; б) тишларда пайдо бўладиган тош; ~ الأَسْنَانِ тишдаги тош; مِلْحُ الـ ~ вино қуйқаси, тишдаги тош

– طَرْطِيرَةٌ *кўп.* اتٌ — мотороллер (*Сурияда*)

طَرْطَشَ 1) (*сувни*) сочмоқ, сачратмоқ; тўкиб юбормоқ; ~ الْحَائِطَ нотекис (*кўпол*) сувамоқ

طَرْطَشَةٌ – 1) сочилиш, сачраш; тўкилиш, чайқалиш (*сув ҳақида*); 2) сочилган томчилар

طَرْطُوفَةٌ *кўп.* طَرَاطِيفُ 1) (*бирор н. нинг*) учи; مَشَى عَلَى طَرَاطِيفِ أَصَابِعِهِ оёқ учида юрмоқ; 2) *бот.* артишок (*ўтсимон полиз ўсимлиги*)

طَرْطَقَ 1) андак кўтармоқ, кўтариб қўймоқ, (*қулоқни*) динг қилмоқ; 2) гижирламоқ, тақилламоқ; қоқмоқ (*мас., эшикни*)

I طَرَفَ (طَرْف) (*u*) طَرْفٌ 1) зарар (зиён) келтирмоқ, шикастламоқ, (*кўзни*) яраламоқ; 2) (*кўзни*) пирпиратмоқ, қисмоқ; قَبْلَ أَنْ تُطْرَفَ الْعَيْنُ жуда тез, зудлик билан, кўз юмиб-очгунча; جُنُودٌ يَقِفُونَ لاَ تُطْرَفُ لَهُمْ عَيْنٌ *маж.* солдатлар қотиб ("*смирно*" *ҳолатида*) турибдилар; طَرُفَ (*u*) طَرَافَةٌ 1) янги бўлмоқ; 2) қизиқ (қизиқарли) бўлмоқ; II طَرَّفَ 1) (*бирор н. нинг*) охирига (четига) қўймоқ; 2) бармоқ учларини бўямоқ; ~ الْأَظَافِرَ маникюр қилмоқ; IV أَطْرَفَ 1) бирор янги нарсани айтиб бермоқ; (*ҳикоя билан*) вақтни банд қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) совға қилмоқ (ب); V تَطَرَّفَ 1) имконият чегарасига етмоқ, (*бирор н. да*) чегарани билмаслик, чегарадан чиқиб кетмоқ (فِي); 2) қатъий эътиқодли бўлмоқ; X اِسْتَطْرَفَ янги (*қизиқарли*) деб ҳисобламоқ

أُطْرُوفَةٌ *кўп.* أَطَارِيفُ – ажойиб (қизиқ) воқеа (ҳодиса); ўткир фикр, заки́й сўз

تَطَرُّفٌ – меъёрни билмаслик; кескинлик; экстремизм; сўллик

طَارِفٌ – 1. янги; оригинал; 2. яқинда олинган (*н.*); الـ~ وَ التِّلاَدُ *қар.* تِلاَدٌ

طَرَافَةٌ – янгилик; оригиналлик; қизиқарлилик

طُرْفٌ – янгилик, янги пайдо бўлган нарса

طَرْفٌ – *кўп.* أَطْرَافٌ 1) қараш, назар; كَارْتِدَادِ الـ~ кўз юмиб очгунча; عَلاَنِيَةً مِنْ ~ خَفِيٍّ яширин, хуфёна, ҳеч кимга билдирмай; рамо би~ه фيما حَوْلَهُ أَوْ مِنْ ~ خَفِيٍّ очиқ ёки яширин; رَمَى بِـ~ـهِ فِيمَا حَوْلَهُ ўз атрофига назар ташламоқ; 2) кўз; 3) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; عَلَى ~ لِسَانِهِ *кўч.м.* тил учида

طَرَفٌ – *кўп.* أَطْرَافٌ 1) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; خَرَجَ عَلَى أَطْرَافِ أَصَابِعِهِ оёқ учида чиқмоқ (مِنْ); مَيْدَانُ الـ~ الْأَغَرِّ (*қаердандир*) (*Лондондаги*) Трафалгар майдони; 2) энг четдаги жой (пункт) 3) чет; أَطْرَافُ الْمَدِينَةِ шаҳар четлари (атрофлари); أَطْرَافُ الْبِلاَدِ периферия (*мамлакатнинг марказдан йироқ бўлган жойлари*); 4) ён тараф, томон; الـ~ الْآخَرُ ёки الـ~ الثَّانِي *юр.*(*судланувчи*) қарши томон; وَحِيدُ الـ~ бир томонли; مُتَعَدِّدُ الْأَطْرَافِ кўп томонли; مِنْ ~ِي мен томондан, мендан; فُلاَنٌ لِي بِـ~ фалончи мендан қарздор; الطَّرَفَانِ الْمُتَعَاقِدَانِ шартнома тузувчи томонлар; طَرَفَا الْمُعَامَلَةِ муомала битими тузувчи томонлар; طَرَفَا نَقِيضٍ икки қарама-қарши томон; طَرَفَا النَّهَارِ эрта ва оқшом; مُتَرَامِي الْأَطْرَافِ кенг, катта, белоён, улкан; أَخْلَى ~َـهُ а) кимнидир қўйиб юбормоқ, озод қилмоқ, оқлаб юбормоқ; б) кимнидир ишдан бўшатмоқ; أَخَذَ بِأَطْرَافِ الْحَدِيثِ ёки تَجَاذَبَ (جَاذَبَ) أَطْرَافَ الْحَدِيثِ суҳбат олиб бормоқ, (*вақтни*) чўзмоқ, суҳбатлашмоқ; مِنْ ~ ... مِنْ قِبَلِ ... *грам. мажҳул нисбатдаги феълларда иш ҳаракатини бажарувчи шахсни кўрсатиш учун ишлатилади;* 5) *анат.* оёқ; أَطْرَافُ الْبَدَنِ оёқлар; أَطْرَافٌ صِنَاعِيَّةٌ сунъий оёқлар, протез; حَدَّثَنِي ~اً مِمَّا وَقَعَ لَهُ бошидан ўтган айрим нарсаларни менга гапириб берди

طِرْفٌ – асл наслли от

طَرْفَاءُ – *бот.* юлғун

طَرْفَةٌ – 1) лаҳза, зум, он; فِي ~ عَيْنٍ кўз очиб юмгунча; 2) зарба таъсирида кўзда пайдо бўладиган қизиллик; ◊ شَجَرَةُ الـ~ *бот.* юлғун

طُرْفَةٌ – *кўп.* طُرَفٌ янгилик; камёб нарса; 2) совға, туҳфа; 3) зарофат билан айтилган сўз, ўткир сўз

طَرِيفٌ – 1) янги; оригинал; 2) қизиқ, ғалати, ажойиб; турфа; مِنَ الـ~ أَنْ ... шуниси қизиқки, ...; 3) *дин.* (*яҳудийларда*) ҳаром деб ҳисобланган нарсалар

طَرِيفَةٌ – *кўп.* طَرَائِفُ камёб нарса, нодир нарса, раритет

مُتَطَرِّفٌ – 1) ўтиш чегараси; 2) ғоят, энг, жуда; энг сўл эътиқод эгаси, экстремист

مِطْرَفٌ، مُطْرَفٌ – *кўп.* مَطَارِفُ ёпинчиқ, тиззани беркитиб турадиган қалин жун рўмол

مُطَرِّفٌ – тирноқларини парвариш қилиб юрувчи

I طَرَقَ (*у*) طَرْقٌ 1) тақиллатмоқ; зарба бермоқ, урмоқ, уриб туширмоқ; болға билан синдирмоқ; 2) (*темирни*) болғаламоқ; 3) йўл чиқармоқ; 4) юрмоқ, (*қаергадир*) кирмоқ; 5) тунда келмоқ; ◊ ~ بِالْبَالِ ақлини топиб олмоқ; هَلْ ~ هَذَا آذَانَكُمْ؟ сиз бу ҳақда эшитганмидингиз?; ~ سَمْعَهُ эшитмоқ; ~ الطَّرِيقَ (*бирор н.*) йўлига кирмоқ; ~ مَوْضُوعًا мавзуни тилга олмоқ; II طَرَّقَ (*темирни*) болғаламоқ; IV أَطْرَقَ 1) ерга қарамоқ, кўзни ерга қаратмоқ; ~ رَأْسَهُ ёки بِرَأْسِهِ бошни эгмоқ, бошни ерга энгаштирмоқ; 2) жим бўлмоқ; V تَطَرَّقَ 1) йўлни топмоқ; йўл топиб кирмоқ, (*қаергадир*) яшириниб кирмоқ (إِلَى); لاَ يَتَطَرَّقُ إِلَيْهِ الشَّكُّ бу шубҳасиздир, бу ерда шубҳага ўрин йўқ; 2) айрилмоқ (*йўл ҳақида*) (مِنْ); 3) йўл-йўлакай (*н. тўғрисидадир*) гапирмоқ, (*бирор н. га*) тил тегизиб ўтмоқ (إِلَى); ~ فِي الْحَدِيثِ гаплашишга тушиб кетмоқ; ~ إِلَى الْكَلاَمِ ... (*фалон н.*) ҳақида гаплашишга ўтмоқ; ~ إِلَيْهِ الْعَطَبُ у ҳалок бўлди; VII اِنْطَرَقَ болғаланган бўлмоқ, болғаланмоқ; X اِسْتَطْرَقَ 1) яшириниб кирмоқ, ичкарига кирмоқ, (*қаергадир*) келмоқ (إِلَى); 2) (*қаергадир*) олиб бормоқ (إِلَى *йўл ҳақида*)

– اِنْطِرَاقٌ болғаланганлик

– طَارِقٌ кўп. طُرَّاقٌ 1. тақиллатувчи; 2. 1) кеч келувчи, кеч ташриф буюрувчи; тунги меҳмон; 2) милтиқ затворининг ўққа уриладиган қисми; 3) тонг юлдузи

– طَارِقَةٌ кўп. طَوَارِقُ бахтсизлик, бало-офат

– طِرَاقٌ кўп. طُرُقٌ патак

– طَرْقٌ[1] 1) тақиллатиш; 2) болғалаш; 3) тош ёрдамида фол очиш

– طَرْقٌ[2] туя ахлати билан ифлосланган ёмғир суви

– طَرْقَةٌ кўп. طَرَقَاتٌ 1) зарба; тақиллаш; 2) марта; ~ أو طَرْقَتَيْنِ бир ёки икки марта

– طُرْقَةٌ кўп. طُرُقَاتٌ, طُرَقٌ 1) йўлак, ўтиш жойи; 2) кўча

– طُرُقِيٌّ диний тариқат аъзоси, бирор тариқатга мансуб киши

– طَرُوقٌ болғаланган

– طَرِيقٌ мз., мн.кўп. طُرُقٌ, طُرُقَاتٌ 1) йўл, кўча; ~ عُمُومِيَّةٌ катта йўл; ~ مَسْدُودٌ боши берк кўча; طُرُقُ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа йўллари; конммуникация; بِـ~ الْبَرِّ қуруқликдаги йўл орқали; بِـ~ الْجَوِّ ҳаво йўли орқали; عَنْ (مِنْ) ~ орқали, йўли билан, воситасида; عَنْ (مِنْ) ~ الْإِسْكَنْدَرِيَّةِ Искандария (Александрия) ш. орқали; عَنْ ~ الصَّحَافَةِ матбуот воситасида; عَنْ ~ التَّأْمِيمِ миллийлаштириш йўли билан (орқали); عَنْ ~ الْعُنْفِ وَ التَّعَسُّفِ зулм ва истибдод билан; عَنْ ~ الْقُوَّةِ куч йўли билан; الـ~ اللَّبَنِيَّةُ Сомон йўли; قَاطِعُ الطُّرُقِ йўлтўсар, қароқчи; ~ اِبْنُ ўғри; عَابِرُ الـ~ мусофир; ўткинчи; إِنَّهُ الـ~ الْوَحِيدُ لَا ~ غَيْرُهُ! бу ягона йўл, бошқа йўл йўқ!; أَخَذَ ~ـهُ (қаергадир) жўнамоқ (إِلَى); 2) усул, метод; بِالطُّرُقِ السِّلْمِيَّةِ тинч йўл билан

– طَرِيقَةٌ кўп. طَرَائِقُ 1) йўл; 2) усул, метод, восита; ~ الْإِسْتِعْمَالِ истеъмол қилиш усули (йўли); الـ~ الْمُسْتَقِيمَةُ (ўқитишнинг) тўғри йўли (усули); الـ~ الْعَشَرِيَّةُ мат. ўнлик система; الـ~ (الْهِجَائِيَّةُ) الـ~ الْوَصْفِيَّةُ шахм. алгебраик (алифболи) ёзув (нотация); الْجَبْرِيَّةُ шахм. баёний ёзув (нотация); ~ "اخْدِمْ نَفْسَكَ بِنَفْسِكَ" ўз-ўзига хизмат қилиш усули; اعْلَمْهُ بِـ~ أَوْ بِأُخْرَى! буни қандай йўл билан бўлса ҳам билиб ол!; 3) диний таълимот, тариқат; الطَّرَائِقُ الصُّوفِيَّةُ суфийлик тариқати; طَرَائِقُ الْقَوْمِ элнинг обрўли одамлари

– مُطْرِقٌ сукут қилувчи; сукут сақловчи

– مِطْرَقٌ, مِطْرَقَةٌ кўп. مَطَارِقُ болғача, болға; ёғоч тўқмоқ, шақилдоқ; анат. қулоқ болғачаси; الـ~ وَ الْمِنْجَلُ ўроқ ва болға; كَانَ بَيْنَ الـ~ وَ السِّنْدَانِ ўт билан сув ўртасида қолмоқ (сўзма-сўз: болға билан сандон ўртасида бўлмоқ)

– مَطْرُوقٌ 1) болғаланган; 2) юрилган, юриб очиб қўйилган, юриб текисланган (йўл ҳақида); 3) энди эскириб қолган; қўлланиб бўлинган (усул. метод ҳақида); 4) тентакнамо, ўз ақли бўлмаган, ақлдан бегона

– مَطْرُوقَاتٌ кўп. прокат (метал ҳақида); مَصْنَعُ الـ~ прокат заводи

– مَطْرُوقِيَّةٌ болғаланганлик

– طَرْقَعَ 1) қарсиллатмоқ (қамчинни); уриб қўймоқ, тапиллатмоқ, шапиллатмоқ; (юрганда) пошнани тақиллатмоқ; 2) гумбурламоқ, тарақламоқ; 3) (тишларни) ғижирлатмоқ

– طَرْقَعَةٌ қарсиллатиш, уриб қўйиш; пошна тақиллатиш; 2) бизиллаш (ўқлар ҳақида); 3) ғижирлаш

(طرم) طَرَّمَ тишни олиб ташламоқ V تَطَرَّمَ олиб ташланмоқ, суғуриб олиб ташланмоқ

– طَارِمَةٌ кўп. ـَاتٌ, طَوَارِمُ 1) шийпонча; 2) будка; 3) каюта (кемада)

طَرْمَذَ кеккаймоқ, мақтанмоқ

– طَرْمَذَةٌ кеккайиш, мақтаниш

– طِرْمَاذٌ мақтанчоқ

– طُرُمْبَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) насос, помпа; 2) шприц

طُرْمُوسٌ чўғга кўмиб пиширилган нон

(طرو) طَرُوَ (у) طَرَاوَةٌ 1) янги бўлмоқ, ширадор бўлмоқ, сервув бўлмоқ; 2) юмшоқ (мулойим) бўлмоқ; طَرِيَ (а) طَرُوَ; طَرَّى 1) янгиламоқ, (мева ва б.н.ларга) ширадорлик (бикрлик) бермоқ; 2) ҳўлламоқ, сувламоқ; 3) юмшоқ (мулойим) қилмоқ; юмшатмоқ; IV أَطْرَى мақтамоқ, кўкка кўтармоқ; юксакка кўтармоқ; V تَطَرَّى мулойимлашган бўлмоқ

– إِطْرَاءٌ кўкка кўтариб мақташ; мақтов

– إِطْرِيَةٌ вермишель

– طَرَاوَةٌ ёки طَرَاءَةٌ 1) мулойимлик; юмшоқлик; тароват; ~ الْإِهَابِ ёшлик; 2) тароватли, салқин (ҳаво, жой); 3) намлик

– طَرِيٌّ 1) мулойим; юмшоқ; 2) тароватли, салқин; нам

طُزْ ёки طُظْ халқ. туф!; бемаъни гап!; ифлос!; ёлғон!; шайтон олсин! (назар-писанд қилмаслик, масхаралаш, таҳқирлаш ва б. ларни ифодалаш учун ишлатиладиган ундов сўз); مَا يَعْرِفْشْ ~ مِنْ унинг ҳеч нарсага ақли етмайди; ~ مِنْ فُلَانٍ фалончи сُبْحَانَ اللهِ қандай ёмон одам-а; ~ فِي ...! ...га тупурдим!

طَازَجٌ, طَازِجٌ алиф.б.қар.

– طَزَاجَةٌ янгилик, ҳозиргина тайёрланган (узилган) бўлиш, янгигиналик, тароватин кетмаганлик

طُزْلُقٌ кўп. طَزَالِقُ гамаш (болдирдан товонгача қоплаб турадиган, оёқ кийим устидан тушириб қўйиладиган иссиқ пайпоқ), гетр

طَسْتٌ, طَشْتٌ мз.мн.кўп. طُسُوتٌ тоғора; إِبْرِيقٌ وَ ~ (ювиниш учун) кўза ва тоғора

طَسُّوجٌ кўп. طَسَاسِيجُ тар. тассуж (دَانِقٌ нинг 1/4 қисмига тенг бўлган оғирлик ва пул бирлиги)

طَسْمٌ тар. тасм (Арабистондаги қадимий халқ номи)

طَشٌّ майда ёмғир

طَشَاشٌ – кўришнинг кучсизлиги (хиралиги)

طَشْتٌ، طَسْتٌ кўп. طُشُوتٌ = طَسْتٌ ;الْأَيْدِي ~ ювиниш тоғораси

طَشْطَشَ (*товада*) жазилламоқ, вашилламоқ

طَشْطَشَةٌ – жазиллаш, вашиллаш

طَصْلَقَ юзаки (шунчаки) қилмоқ, шошма-шошарлик билан қилмоқ (бажармоқ)

طَصْلَقَةٌ – шошма-шошарлик билан қилинган иш

طَطْلِي ширинликлар

طَظَّ кар. طَزٌّ

طَعِمَ I (а) طَعْمٌ 1) емоқ; 2) оз-оз емоқ; татиб кўрмоқ (*мазасини, таъмини билиш учун*); II طَعَّمَ 1) пайванд қилмоқ, пайвандламоқ; уламоқ; эмламоқ; بِلِقَاحِ الْجُدَرِيِّ ~ чечакка қарши эмламоқ; 2) (*орасига, ичига*) ўрнатмоқ, жойламоқ; мозаика ишларини бажармоқ; صِنَّارَةً ~ қармоққа хўрак жойлаштирмоқ; IV أَطْعَمَ 1) овқатлантирмоқ, едирмоқ; 2) пишмоқ, етилмоқ; ~تِ النَّخْلَةُ хурмо етилиб қолди; V تَطَعَّمَ 1) пайвандланмоқ; (*бирор н. билан*) пайвандланиб (уланиб) қолмоқ (بِ); 2) татиб кўрмоқ; X اِسْتَطْعَمَ 1) татимли (таъмли, ёқимли) деб ҳисобламоқ; татиб кўрмоқ; 2) овқатлантиришни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

تَطْعِيمٌ – 1) пайванд; 2) қадама нақш, мозаика

طَعَامٌ – кўп. أَطْعِمَةٌ таом; овқат, емаклик; الْمَرِيضِ ~ пархез таоми; تَنَاوَلَ الـ~ овқатланмоқ, أَضْرَبَ عَنِ الـ~ очлик эълон қилмоқ; овқат емоқ; ◊ لِلْمَدَافِعِ ~ тўп еми (*уруш вақтларида беҳуда ҳалок бўладиган бегуноҳ одамлар*)

طَعَامِيٌّ – таомга (озиқ-овқатга) оид

طَعْمٌ – 1) таъм, маза; لَا ~ لَهُ таъмсиз, мазасиз, бемаза; 2) ёқимли ҳис-туйғу, ёқимлиликни ҳис қилиш; ذَاقَ مِنَ الْعَيْشِ ~يهِ الْحُلْوَ وَ الْمُرَّ ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошдан кечирмоқ

طَعِمٌ – таъмли, мазали, татимли

طُعْمٌ – кўп. طُعُومٌ 1) қармоқ учига илинтириб қўйилган хўрак; 2) пора, ришва, совға; 3) вакцина; эмлаш; الـ~ الْمُضَادُّ لِلْحَصْبَةِ қизамиққа қарши вакцина; الـ~ السَّامُّ заҳар; 4) пайвандланаётган калтак; زَيْدٌ قَلَّ ~ـهُ Зайднинг овқат ейиши камайди

طُعْمَةٌ – кўп. طُعَمٌ таом, овқат, емак; ◊ لِلْمَدَافِعِ ~ тўп еми; جَعَلْتُ هٰذِهِ الضَّيْعَةَ ~ لِزَيْدٍ мен бу йўқотишни Зайдга емиш қилиб бердим; رَجُلٌ عَفِيفُ الـ~ ҳалол топиб ейдиган одам; رَجُلٌ خَبِيثُ الـ~ ҳаром топиб ейдиган одам

طُعْمِيَّةٌ – таъмия (*майдаланган ловиядан ёғда пиширилиб, устига пиёз, саримсоқ ва б. турли кўкатлар қўйиб тортиладиган овқат*)

مِطْعَامٌ – меҳмондўст, меҳмоннавоз

مَطْعَمٌ – кўп. مَطَاعِمُ ошхона, ресторан; кают-компания (*кемалардаги ошхона*)

مِطْعَمٌ – тез ёки кўп овқат ейдиган

مُطَعَّمٌ – 1) қадама нақш (мозаика) билан безатилган; 2) пайвандланган

طَعَنَ I (а/у) طَعْنٌ 1) санчмоқ, тешмоқ, (*пичоқ*) урмоқ (بِ) مِنَ ~ـهُ; فِي الظَّهْرِ ~ـهُ ёки مِنَ الْخَلْفِ кимнингдир орқасидан зарба бермоқ; 2) айбни очмоқ, ёмонламоқ, таҳқирламоқ, мазах қилмоқ, сўкмоқ, (*к. нидир н. нидир*) обрўсизлантирмоқ (فِي ,عَلَى); فِي الْحُكْمِ ~ـهُ ҳукмдан норози бўлиб шикоят ёзмоқ; 3) рад этмоқ, (*кўргазмаларни, далилларни*) қабул этмаслик, рад қилмоқ, тан олмаслик (عَلَى); 4) мажҳ. ўлат билан касалланмоқ; ◊ فِي السِّنِّ ~ кекса ёшда бўлмоқ; III طَاعَنَ (*найза тутиб*) урушмоқ; VI تَطَاعَنَ курашмоқ, урушмоқ

طَاعِنٌ – 1) (*найза билан*) зарба берувчи, санчувчи; 2) таҳқирловчи, ҳақорат қилувчи, танбеҳ берувчи; ◊ فِي السِّنِّ ~ кекса, ёши улуғ

طَاعُونٌ – кўп. طَوَاعِينُ мед. тоун, ўлат; الدُّمَّلِيُّ الـ~ ёки الـ~ الْأَسْوَدُ мед. қора ўлат; الْبَشَرِيُّ الـ~ ёки الْمَوَاشِي ~ الْبَقَرِيُّ қора моллар ўлати

طَعْنٌ – кўп. طُعُونٌ 1) норозилик, ҳукм устидан шикоят; 2) рад этиш; لَجْنَةُ الطُّعُونِ текширувчи комиссия; мандат комиссияси

طَعْنَةٌ – кўп. طَعَنَاتٌ санчиш, (*найза ёки пичоқ билан*) уриш зарба бериш

طَعِينٌ – 1) (*найзадан*) зарба еган; 2) бахтсиз, бадбахт

مَطَاعِنُ – кўп. сўкишишлар

مَطْعَنٌ – нозик жой, заиф жой, қалтис жой

مَطْعُونٌ – 1) (*найзадан*) зарба еган; ўлат билан касалланган; !~ ўлат!, вабо! (*сўкиш*)

طُغْرَاءُ кўп. طُغْرَاءَاتٌ، طُغْرَيَاتٌ туғро, тамға, герб

طُغْرَى = طُغْرَاءُ –

طَغَامٌ оддий одамлар, авом, омма

طُغْمَةٌ – кўп. طُغَمٌ، ـاتٌ — тўда, гуруҳ, шайка, нияти бузуқлар тўдаси; الـ~ الْمَالِيَّةُ молиявий тўда (гуруҳ)

طَغَا I (طغو) (у/а) طُغْيَانٌ 1) қирғоқлардан тошмоқ (*дарё ҳақида*); қутурмоқ, туғёнга келмоқ (*денгиз ҳақида*); 2) чегарадан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ, тўлиб-тошмоқ, туғёнга келмоқ (*туйғу ҳақида*); 3) адолатсизлик қилмоқ, зулм қилмоқ; 4) ахлоқий жиҳатдан бузилмоқ; طَغَى (а) طَغَا; طَغَى الْمَاءُ عَلَيْهَا ~ у (аёлни) сув босиб кетди

طَاغٍ – мн. طَاغِيَةٌ 1. 1) қирғоқлардан тошиб кетувчи (*дарё ҳақида*); қутурувчи, кучли; رَغْبَةٌ ~يَةٌ енгиб бўлмас истак; 2) қонунсизлик (адолатсизлик) қилувчи; 2. кўп. طُغَاةٌ мустабид, золим, эзувчи; طُغَاةُ النِّفْطِ нефть магнатлари (*йирик нефть саноатчилари*)

– طَاغُوتٌ *кўп.* طَوَاغِيتُ 1) шайтон; 2) санам, бут; ◊ طَوَاغِيتُ الْمَالِ капитал магнатлари; طَوَاغِيتُ الاِحْتِكَارَاتِ монополия бошлиқлари

– طَاغِيَةٌ[1] *кўп.* طَوَاغٍ эзувчи, мустабид

– طَاغِيَةٌ[2] момақалдироқ

– طَغْوَى = طُغْيَانٌ

– طَغْيٌ (*дарё*) тошқини

– طُغْيَانٌ 1) тошқин, туғён; 2) адолатсизлик, қонунсизлик; истибдод; 3) зулм билан келган ҳокимият

(طف) II طَفَّفَ (*огирликни*) камайтирмоқ; ~ الْكَيْلَ ўлчамоқ; ~ الْمِيزَانَ (*тарозида*) тортмоқ; ◊ ~ بِهِ الْفَرَسُ устидаги одамни иргитмоқ (*от ҳақида*)

– طَفٌّ *кўп.* طُفُوفٌ 1) чет, ён, томон; чегара; 2) қирғоқ

– طَفَّافٌ кичик (майда) дўкончи; нон сотувчи, нонфуруш

– طَفَّةٌ *кўп.* اتٌ — оломон

– طَفِيفٌ тўлиқ бўлмаган, тўлиқсиз; оз, унча кўп бўлмаган

(طفأ) I طَفِئَ (*a*) طُفُوءٌ ўчмоқ, ёнишдан тўхтамоқ; طَفَأَ (*u*) ўтни ўчирмоқ, ёнишдан тўхтатмоқ; II طَفَّأَ = طَفَأَ; IV أَطْفَأَ ўчирмоқ, ёнишдан тўхтатмоқ; эл. ўчирмоқ, узмоқ; ~ الْجِيرَ оҳакни сўндирмоқ; ~ عَجْزَ الْمِيزَانِيَّةِ бюджет дефицитини (етишмовчилигини) қопламоқ; ~ الْعَطَشَ (الْغَلِيلَ) чанқоқни босмоқ; VII اِنْطَفَأَ ёнишдан тўхтамоқ, ўчмоқ

– إِطْفَاءٌ ўчириш; رِجَالُ الْـ~ ўт ўчирувчилар, ~ الأَنْوَارِ *ҳарб.* ниқоблаш, маскировка қилиш

– إِطْفَائِيٌّ ўт ўчирувчиликка оид

– إِطْفَائِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси)

– طَافِئٌ 1. ўчирувчи, ёнишдан тўхтатувчи; 2. ўт ўчирувчи, ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси) нинг аъзоси

– طَفَّايَةٌ *кўп.* اتٌ — ўт ўчиргич (*баллонга жойлаб қўйилган кимёвий моддалар ёрдамида ўт ўчириш учун ишлатиладиган асбоб*)

– مُطْفَأٌ 1) ўчирилган; сўндирилган; 2) жилосиз, нурсиз, хира, ялтирамайдиган

– مِطْفَأَةٌ *халқ.* مِطْفَايَةٌ *кўп.* مَطَافِئُ ўт ўчириш машинаси; ўт ўчирувчилар ишлатадиган насос; فِرْقَةُ الْمَطَافِئِ ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси); رِجَالُ الْمَطَافِئِ ўт ўчирувчилар

– مُطْفِئٌ: ~ الْجَمْرِ баҳорда қайталанадиган совуқ кунларнинг бири

I طَفَحَ (*a*) طَفْحٌ، طُفُوحٌ 1) тўлиб-тошмоқ, қирғоқлардан тошиб кетмоқ; 2) (*шаробни*) керагидан ортиқ ичмоқ; ~تُ مِنْهُ бу менинг бўғзимга келди, жонимга тегиб кетди; II طَفَّحَ тўлдириб-тоширмоқ; IV أَطْفَحَ 1) тўлдириб-тоширмоқ; қирғоқлардан тошириб тўлдирмоқ; 2) кўпикни олиб ташламоқ

– طَافِحٌ 1) тўлган, тўлиқ; тўлиб тошган; 2) маст

– طُفَاحَةٌ кўпик; қасмоқ (*кўп қайнатилган идиш ости ва деворларига ўтирган сополсимон қатлам*)

– طَفْحٌ 1) тўлалик, тўлиб-тошиш; 2) *шунингдек.* ~ جِلْدِيٌّ тошма, ҳуснбузар, бўжама; الْـ~ الْوَرْدِيُّ *мед.* қизилча (*болалар касаллиги*)

– طَفْحَانٌ *мн.* طَفْحَى тўла; қирғоққача тўла

– طَفْحِيٌّ тепкили; ~ تِيفُوسٌ тепкили терлама

– مِطْفَحَةٌ *кўп.* مَطَافِحُ капгир

I طَفَرَ (*u*) طَفْرٌ 1) иргимоқ, иргишламоқ, сакрамоқ, ҳаккаламоқ; 2) сачрамоқ (*қон ва кўз ёшлари ҳақида*); булоқ бўлиб отилиб чиқмоқ

– طَفَرٌ[1] қуюшқон (*сол.* ثَفَرٌ)

– طَفَرٌ[2] пулсизлик

– طَفْرَانٌ қашшоқ, камбағал; هُوَ ~ унинг чўнтагида бир тийин (бир чақа) ҳам йўқ

– طَفْرَةٌ *кўп.* اتٌ — иргиш, сакраш, ҳаккалаш; ~ً бир сакраб; бирданига; عَلَى سَبِيلِ الْـ~ кескин ўзгариш билан, бирданига силжиш билан

I طَفَشَ (*u*) طَفْشٌ қочмоқ, жўнаб қолмоқ, кўздан ғойиб бўлмоқ

– طَافِشٌ: هُوَ ~ مِنَ الْجُوعِ очликдан оёқда зўрға турибди

– طَفْشَانٌ 1. қочқин; 2. *кўп.* طَفَاشَى، طَفْشَانُونَ қочоқ, қочиб юрган киши

– طَفْشَانَةٌ *кўп.* اتٌ — очқич (*кулфни очадиган мослама*)

I طَفِقَ (*a*) طَفَقٌ (*н. нидир*) бошламоқ, (*н. гадир*) киришмоқ (فِي)

I طَفَلَ (*у*) طُفُولٌ чиқмоқ (*қуёш ҳақида*); II طَفَّلَ чақирилмаса ҳам келмоқ; суқилиб кириб олмоқ; IV أَطْفَلَ 1) туғилмоқ, биринчи марта пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ (*мас., журнал*); 2) болали бўлмоқ, фарзандли бўлмоқ; V تَطَفَّلَ (*к. нингдир*) олдига келмоқ, таклиф қилинмаса ҳам (чақирилмаса ҳам) келмоқ (عَلَى); 2) қўлдан келмайдиган ишга киришмоқ, суқилиб кирмоқ, қўшилиб кетмоқ (*н. дадир*) ўзини бошқа киши қилиб кўрсатмоқ (عَلَى، فِي); ~ عَلَى الطِّبِّ ўзини тиббиётни билувчи киши қилиб кўрсатмоқ; 3) текинхўр бўлмоқ

– تَطَفُّلٌ (*таклифсиз*) тусатдан келиш; 2) сохтакорлик, ўзини бошқа киши қилиб кўрсатиш; текинхўрлик

– طَفَالٌ оқ гил, кўза гили, каолин; ~ قَارِيٌّ елим гилли сланец (*тоғ жинси*)

– طَفَالٌ = طَفَلٌ[1]

– طَفَلٌ[2] нозик, мулойим, юмшоқ; ёш

– طَفَلٌ[1] болалик, гўдаклик

– طَفَلٌ[2] ёмғир

– طِفْلٌ *кўп.* أَطْفَالٌ 1) эмизикли гўдак, бола; الْـ~ الْمُدَلَّلُ (*к. гадир қарашли*) эркатой бола (لِـ); رَوْضَةُ الأَطْفَالِ болалар боғчаси; 2) йирик ҳайвоннинг боласи

– طَفْلَةٌ гил, лой; алюминий оксиди (*алюминий олинадиган асосий модда*)

– طِفْلَةٌ *кўп.* ~اتٌ қиз бола

– طِفْلِيٌّ болаларга оид; الطِّبُّ الـ~ болалар тиббиёти (педиатрия)

– طُفُولَةٌ гўдаклик, болалик

– طُفُولِيٌّ болаларга (болаликка) оид

– طُفُولِيَّةٌ = طُفُولَةٌ

– طُفَيْلِيٌّ 1. 1) текинхўрликка оид; نَبَاتٌ ~ паразит (текинхўр) ўсимлик (*бошқа ўсимлик танасига ёпишиб олиб, унинг ҳисобига яшовчи текинхўр ўсимлик*); أَمْرَاضٌ ~ـةٌ юқумли касалликлар; 2) ўзини бошқа одам қилиб кўрсатувчи, қаллоб; 2. 1) чақирилмаган меҳмон; текинтомоқ, текинхўр; 3) текинхўр

– طُفَيْلِيَّاتٌ *кўп.* текинхўрлар, паразитлар

– طُفَيْلِيَّةٌ текинхўрлик, паразитизм

– مُتَطَفِّلٌ 1) чақирилмаган (таклиф қилинмаган) меҳмон; 2) текинхўр, паразит

I طَفَا (طفو) (*у*) طُفُوٌّ сузмоқ, сувда тура билмоқ, сувда ўзини тута билмоқ, чўкмаслик

– طَافِيَةٌ *кўп.* طَوَافٍ 1) муз; муз тоғи, айсберг (*катта қисми сув остида яширин турадиган муз тоғи*); буй (*сув йўлларидаги саёзлик ва б.н. лар ҳақида огоҳлантирувчи, сув йўлларига ўрнатилган белги*), бакен (*сув йўлларида хавфли жойларни ва кемалар йўлини кўрсатувчи белги*)

– طُفَاوَةٌ *кўп.* ~اتٌ тож, гултож; *черк.* нур чамбар (*худо ва авлиёлар сувратлари боши атрофига чизилган зарҳал доира*)

– طَوْفٌ сузиш, сувда чўкмаслик хусусияти, суза билишлик, чўкмаслик

I طَفِيَ ўчирмоқ, сўндирмоқ (*сол.* طَفَأَ); ~ الشَّرَاقِيَّ сув етмаган жойларни тошқин вақтларида суғормоқ

– طُفْيٌ хурмо дарахтининг барги

I طَقَّ (*а/у*) طَقٌّ، طَقَقَانٌ 1) ёрилиб кетмоқ, дарз кетмоқ, чапак чалмоқ, елкага қоқмоқ; 2) қисирламоқ (*синган суяк ҳақида*); 3) бефойда гапларни гапириб (жавраб) ўтирмоқ, тинимсиз вайсамоқ, вайсақилик қилмоқ, жаврамоқ; ◊ يَطُقُّ مِنْ عَيْنَيْهِ شَرَرٌ унинг кўзларидан ўт чақнаётир; II طَقَّقَ тарсилламоқ, тақиллаган овоз чиқармоқ

– طَقٌّ *халқ.* шалоп (*мас., тош сувга шалоп этиб тушди*); ◊ لَا يُسَاوِي ~! бу ҳеч нарсага арзимайди!

– طَقَّةٌ 1) қисирлаш; 2) овқатланиш (*нонушта, тушлик ёки кечки овқатланиш*)

طَقْسٌ[1] об-ҳаво; климат; خَرِيطَةُ الـ~ об-ҳаво харитаси

– طَقْسٌ[2] *кўп.* طُقُوسٌ *черк.* расм-русум, удум, одат; литургия (*черковдаги энг катта ибодат*); الـ~ الشَّرْقِيُّ шарқий расм-русумлар (удумлар, одатлар)

طَقْطَقَ овоз чиқармоқ, қарсак чалмоқ, чапак чалмоқ; тақиллатмоқ; қарсиллатмақ, чирсилламоқ; қисирламоқ; гижилламоқ

– طَقْطَقٌ *халқ.* эшикни тақиллатиш (қоқиш); حَكَى حِكَايَتَهُ مِنْ ~ لِلسَّلَامِ عَلَيْكُمْ *ёки* قَصَّ الْقِصَّةَ مِنْ ~ لِلسَّلَامِ عَلَيْكُمْ *маж.* у ўз саргузаштларини (тарихини, қиссасини) бошдан-оёқ сўзлаб берди

– طَقْطَقَةٌ тақиллаш; қисирлаш; гижирлаш

– طَقْطُوقَةٌ *кўп.* طَقَاطِيقُ 1) поқилдоқ; пашшаурғич; 2) қўшиқ, ашула, халқ қўшиғи; 3) танноз (ишвали, ғамзали, ноз-карашмали) қиз; ◊ ~ السَّجَائِرِ кулдон

طَقَمَ (طقم) 1) эгар-жабдуқламоқ, эгарламоқ (*отни*); 2) кийинтирмоқ

– طَاقِمٌ *кўп.* طَوَاقِمُ 1) тўплам, йиғинди, сидра, комплект; ~ السَّفِينَةِ кема экипажи (командаси); ~ الطَّائِرَةِ самолёт экипажи; ~ مِدْفَعٍ مُضَادٍّ لِلطَّائِرَاتِ зенит тўпини бошқарувчи жангчилар гуруҳи; 2) кийим, кийим-кечак, кийим-бош, уст-бош; кийимлар сидраси

– طَقْمٌ *кўп.* أَطْقُمٌ، طُقُومٌ 1) йиғинди, тўла (кам-кўстсиз) таркиб, комплект; гарнитур (*н. ларнгдир тўла сидраси*); ~ الْحِلَاقَةِ соқол олиш асбобларининг тўла комплекти (сидраси); ~ أَسْنَانٍ протез, ясама аъзо, сунъий тишлар; ~ جِلْدٍ (*мебелнинг*) чарм жилди; ~ حِصَانٍ эгар-жабдуқ; ~ شَايٍ чой идишлари, чой сервизи; ~ سُفْرَةٍ ошхона сервизи; ~ قَهْوَةٍ қаҳва сервизи; ~ صِينِيٌّ لِلْقَهْوَةِ чиннидан ясалган қаҳва сервизи; 2) *ҳарб.* (*тўп*) бошқарувчи жангчилар гуруҳи; 3) кийим-бош, кийим-кечак, кийимлар сидраси

I طَلَّ (*а/у*) طَلٌّ 1) майдалаб (эзиб) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); (*бирор н. ни*) сачратмоқ (بِ); 2) (*к. нингдир*) олдига келмоқ, зиёрат қилмоқ (عَلَى); 3) қарамоқ, боқмоқ, назар солмоқ; ◊ طُلَّ دَمُهُ *маж.* у қасоссиз ўлдирилди; 4) шудринг тушмоқ; ~ النَّدَى الْأَرْضَ ерга шудринг тушди; IV أَطَلَّ 1) чиқмоқ, (*бирор н. га, мас., ойнага*) қарамоқ, боқмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الدُّنْيَا дунёга келмоқ, туғилмоқ, таваллуд топмоқ; 2) туртиб (дўппайиб) чиқиб турмоқ, олдинга (дўппайиб) чиқиб қолмоқ; 3) (*н. нингдир*) устидан ҳоким бўлмоқ, бошлиқ бўлмоқ; буйруқ қилмоқ (عَلَى); 4) (*бирор н. нинг ичидан*) мўраламоқ, бошни чиқариб қарамоқ (مِنْ); 5) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ; кириб келмоқ (*мас., йил*); وَهُنَا يُطِلُّ سُؤَالٌ мана шу ўринда савол туғилади (пайдо бўлади)

– إِطْلَالَةٌ (*н. нингдир*) пайдо бўлиши, бошланиши

– طَلٌّ *кўп.* طِلَالٌ 1) шудринг, шабнам; 2) майдалаб (эзиб) ёғаётган ёмғир

– طَلَلٌ *кўп.* أَطْلَالٌ، طُلُولٌ 1) харобалар, вайрона жойлар; уй-жойнинг (*кишилар яшаган турар жойларнинг*) қолдиқлари (излари); أَطْلَالٌ وَرُسُومٌ (*турар жойларнинг, манзилларнинг*) излари, қолдиқлари, (*уй-жойнинг*) харобалари; الْأَطْلَالُ الْأَثَرِيَّةُ осори атиқалар (қадимий нарсалар) қолдиқлари (излари); 2) меҳмонхона

– مُطَلٌّ *кўп.* مَطَالٌّ 1) туртиб чиқиб турган нарса; 2) айвон; 3) кўриниш

– مُطِلٌّ *кўп.* 1) туртиб чиқиб турган, дўнг ҳосил қилиб турган; 2)

(*бирор н. устидан*) хукмронлик қилиб (ҳоким бўлиб) турувчи (عَلَى)، буйруқ берувчи

– مَطْلَّة қисқа муддатли ташриф

طَلَوٌ = طَلاً


– عِرْسٌ *кўп.* أَعْرَاسٌ эр-хотинлардан биттаси; *ик.с.* ~َانِ куёв ва келин; ◊ ابْنُ ~ *кўп.* بَنَاتُ ~ *зоол.* 1) латча, ариқ сичқони; 2) сассиққўзан

– عِرْسَةٌ *кўп.* عِرَسٌ *зоол.* 1) латча, ариқ сичқони; 2) сассиққўзан

– عَرُوسٌ *кўп.* عَرَائِسُ 1) келинчак, унаштириб қўйилган қиз; *ик.с.* келин-куёвлар; 2) қўғирчоқ; مَسْرَحُ الْعَرَائِسِ қўғирчоқлар театри; 3) *кўп.* عُرُسٌ куёв; ◊ ~ُ الْبَحْرِ сув париси; ~ُ الشِّعْرِ илҳом париси; ~ُ الشِّتَاءِ *зоол.* самандар, калтакесак; عَرَائِسُ النِّيلِ *бот.* Нил нилуфари (лилияси)

– عَرُوسٌ = عَرُوسَةٌ

– عَرِيسٌ *кўп.* عُرُسٌ куёв, куда қилиб қўйилган йигит; ◊ ~ُ الْبَحْرِ =

عَرُوسٌ кар. عَرُوسُ الْبَحْرِ

– عِرِّيسٌ = عِرِّيسَةٌ

– عِرِّيسَةٌ، عِرِّيسٌ шер уяси (манзили, макони)

– مُعَرَّسٌ сафар давомида бир оз дам олиш учун тўхтайдиган макон (жой)

عَرَشَ I [1] عَرَشَ (u) عَرْشٌ 1) айвон, шийпонча қилмоқ; 2) тирамоқ, кўтариб қўймоқ (мас., узум новдасини); (ўсимликни) нарвонсимон панжарага чирмаштирмоқ; 3) (қудуқ огзига) тош термоқ; 4) ёғочдан уй қилмоқ (курмоқ); [2] عَرَشَ (u) عُرُوشٌ (қаердадир) бўлмоқ (بِ); II عَرَّشَ чулғанмоқ, чирмашмоқ (нарвонсимон панжарага); 2) тираб қўймоқ, панжарага тирмаштирмоқ (ўсимлик ҳақида); VIII اعْتَرَشَ; ~ الْعِنَبُ ток ишкомлардан кўтарилиб (ўсиб) кетди

– تَعْرِيشَةٌ кўп. تَعَارِيشُ 1) панжара, нарвонсимон панжара; 2) панжарали шийпонча

– عَرْشٌ кўп. عُرُوشٌ، أَعْرَاشٌ 1) тахт; 2) خِطَابُ الْـ~ тахтга ўтирган куни сўзланган нутқ; أَجْلَسَ عَلَى الْـ~ тахтга ўтқазмоқ; خَلَعَ مِنَ الْـ~ тахтдан туширмоқ (ағдармоқ); 2) тобут; 3) том, айвон; 4) павильон, шийпонча; 5) панжара, нарвонсимон панжара; الْعُرُوشُ Маккаи мукаррамадаги уйлар; ثُلَّ ~ـهُ унинг кучи заифлашди, попуги пасайди

– الْعُرُوشُ кўп. Маккаи мукаррамадаги уйлар

– عَرْشَةٌ айвон

– عَرِيشٌ кўп. عُرُشٌ 1) шийпонча; капа, балаган; 2) якка шоти (икки отли аравада); 3) новда (узумдаги)

– عَرِيشَةٌ кўп. عَرَائِشُ 1) маҳофа (одамларни ўтқазиб кўтариб юришга мўлжалланган жиҳоз), тахтиравон; 2) ток новдаси

– مُعَرَّشٌ [1]، مَعْرُوشٌ нарвонсимон панжарага чирмаштирилган (ўсимлик ҳақида)

– مَعْرُوشٌ [2] ишкомга боғланган; كُرُومٌ ~ـاتٌ ишкомларга таралган ток шохлари

عَرَصَ I عَرَصَ (u) عَرْصٌ ғайратли (жонсарак) бўлмоқ; II عَرَّصَ қўшмачилик қилмоқ

– عَرْصَةٌ кўп. عَرَصَاتٌ، عِرَاصٌ 1) ҳовли; 2) майдонча; майдон

– مُعَرِّصٌ 1. ўз хотинини қўшиб тирикчилик қиладиган; 2.1) гўсхўр эр (хотини хиёнат қилиб юрадиган эр); 2) қўшмачи

(عرض) عَرَضَ I. عَرَضَ (u) عَرْضٌ 1) (к. нингдир) бошидан ўтмоқ, бўлиб ўтмоқ (لِـ); لَهُ عَارِضٌ ~ унинг олдида тўсиқ пайдо бўлди; لَهُ ~ عَارِضٌ مِنَ الْحُمَّى унинг безгаги хуруж қилди; 2) таклиф қилмоқ (киритмоқ) (عَلَى мас., қонун лойиҳасини); (к. гадир) ахборот бермоқ (عَلَى); (к. гадир) таклиф қилмоқ (عَلَى); 3) (н. нидир қаердадир) кўргазма (экспонат); қилиб қўймоқ (بِ); (к. гадир) намойиш қилмоқ, кўрсатмоқ (عَلَى – мас., кинофильмни); ~ عَلَى الْبَيْعِ сотиш учун кўргазма қилмоқ; 4) (н. нидир) тилга олиб ўтмоқ, (н. гадир) алоқали гап қилмоқ (لِـ); 5) ҳарб. назорат ўтказмоқ; 6) мажҳ. ақлдан озмоқ; 7) (к. нингдир) бошига (миясига) келмоқ (لِـ); (خَاطِرٌ) لَهُ فِكْرٌ ~ унинг миясига фикр келди; 8) (бирор н. ни бирор н. га кўндаланг қилиб қўймоқ (عَلَى); عَرُضَ (у) عِرَضٌ، عَرَاضَةٌ кенг бўлмоқ; II عَرَّضَ 1) кенг қилмоқ, кенгайтирмоқ; 2) ёйиб қўймоқ (мас., қуёшга لِـ); مَلَابِسَ لِلشَّمْسِ ~ кийимларни офтоб (қуёш) га ёйиб қўймоқ; 3) (н. гадир) дучор этмоқ (لِـ); لِلْخَطَرِ ~ хатарга дучор этмоқ; 4) (н. гадир) ишора қилмоқ, қочирим қилмоқ (بِ، لِـ); 5) (к. гадир) ҳайфсан (дашном) бермоқ (بِ، لِـ); III عَارَضَ 1) қарши ҳаракат қилмоқ, қаршилик қилмоқ; (бирор н. га) қарши чиқмоқ; эътироз билдирмоқ, баҳслашмоқ; оппозицияда бўлмоқ; 2) (бирор н. билан) солиштирмоқ, қиёсламоқ (بَيْنَ، بِ); 3) (н. дандир; четлашмоқ, ўзини олиб қочмоқ (туш.к.); IV أَعْرَضَ 1) (н.-дандир) юз бурмоқ, четга чиқмоқ, воз кечмоқ, ўзини олиб қочмоқ (عَنْ); 2) талабнома (илтимоснома) бермоқ; 3) кенг қилмоқ, кенгайтирмоқ; 4) аниқ бўлмоқ, очиқ-ойдин бўлмоқ, кўринмоқ; V تَعَرَّضَ 1) (н. биландир) чиқмоқ, сўзга чиқмоқ (بِ); 2) (н. дир) дучор бўлмоқ (لِـ); 3) (н. гадир) халақит бермоқ, тўсқинлик қилмоқ (لِـ); (н. гадир) қаршилик қилмоқ (لِـ); 4) берилмоқ (мас., тафсилотга); (н. гадир) алоқали гап қилмоқ, (н. ҳақдадир) муфассал гапирмоқ (لِـ); 5; (н. гадир) берилиб кетмоқ, шўнғиб кетмоқ (لِـ); 6; (н. гадир) аралашмоқ (لِـ); (н. нидир) амалга оширмоқ (لِـ); (к. нингдир шаънига) тегиб ўтмоқ; (к. гадир) ҳужум қилмоқ, ташланмоқ (عَلَى); VI تَعَارَضَ 1) (н. биландир) мухолафатда бўлмоқ (مَعَ); 2; ўзаро қарама-қаршиликда бўлмоқ; 3) (н. биландир) тўқнашмоқ (مَعَ); VII انْعَرَضَ 1) кўрикка (экспонатликка) қўйилган бўлмоқ; 2; ақлдан озмоқ, жинни бўлиб қолмоқ; VIII اعْتَرَضَ 1) йўлда) учрашмоқ, дуч келмоқ; (к. нингдир); йўлини тўсмоқ; 2) (к. гадир; халақит бермоқ (لِـ); 3) қарши ҳаракат қилмоқ; (н. гадир қарши); эътироз билдирмоқ, норозилик билдирмоқ (عَلَى); وَقَدْ يَعْتَرِضُ مُعْتَرِضٌ بِأَنَّ... эҳтимол кимдир ...га эътироз билдирар; X اسْتَعْرَضَ кўриб чиқишга дучор қилмоқ, кўриб чиқмоқ; 2; хотирни кавламоқ; 3; обзор қилмоқ (газетани); кўриб чиқмоқ (шаҳарни); 4) кўрсатишни сўрамоқ, илтимос қилмоқ; 5) ҳарб. назорат ўтказмоқ; 6; кенг деб ҳисобламоқ

– اسْتِعْرَاضٌ кўп. ـاتٌ 1) ҳаммага кўрсатиш; ревю (театрдаги томошо); 2) ҳарб. кўрик, парад; الْـ~ الرِّيَاضِيُّ физкультура паради; الْـ~ الْغِنَائِيُّ لِلْفَنَّانِ الضَّيْفِ қўшиқчининг гастролдаги концерти; шахм. оппозиция; وَقَفَ بِالْـ~ оппозицияда турмоқ

– اعْتِرَاضٌ кўп. ـاتٌ 1) йўл тўсиғи; 2) қаршилик; эътироз, норозилик; حَقُّ الْـ~ вето ҳуқуқи

– اعْتِرَاضِيٌّ грам. киришга оид, кириш; جُمْلَةٌ ~ـةٌ кириш гап

– إِعْرَاضٌ (н. дандир) қочиш, ўзини четга олиш (عَنْ); (н. дандир)

бўйин товлаш, воз кечиш (عَنْ)

— تَعَارُضٌ тўқнашув, қарама-қаршилик; ~ الْمَصَالِحِ манфаатлар тўқнашуви; ~ الْآرَاءِ нуқтаи назардаги қарама-қаршилик

— عَارِضٌ[1] намойиш қилувчи, кўрсатувчи, демонстрация қилувчи; ~ (ذ) الْأَزْيَاءِ манекенчи аёл

— عَارِضٌ[2] 1. тўсиб турувчи; халақит берувчи; 2. кўп. عَوَارِضُ 1) тўсиқ; عَوَارِضُ طَبِيعِيَّةٌ табиий тўсиқлар; عَوَارِضُ أَرْضِيَّةٌ табиий шароитлар; 2) булут; ~ مُمْطِرٌ ёмғир булути; 3) юз, бет; أَسْوَدُ الـ~يْنِ юзида қора туклари бор; خَفِيفُ الـ~يْنِ юзида туклари кам (бўлган); 4) олдинга чиқиб турган тиш, сўйлоқ тиш; 5) тасодиф, тасодифий ҳодиса; фалс. акциденция (тасодифий ҳол, ҳодиса); 6) тутқаноқ, хуруж; ◊ قُصُورُ ~ـهِ унинг озгина лаёқати

— عَارِضَةٌ[1] кўп. عَوَارِضُ، ـاتٌ 1) хода, тўсин, кўндаланг тўсин; эшик кесакиси; 2) (шифер остига қўйилган) тўсин, стропило; ~ التَّوَازُنِ спорт. хода; 3) шпал (т.-й. Рельслари остига қўйилган ёғоч); 4) тире, чизиқча (тиниш белгиси); 5) эл. анод; ~انِ икки ёноқ

— عَارِضَةٌ[2] 1) мардлик, саботлилик; ғайратлилик; 2) сўзамоллик, чиройли гапириш (сўзлаш); قُوَّةُ الـ~ чиройли сўзлаш қуввати

— عَارِضِيٌّ 1) тасодифий; 2) иккинчи даражали

— عَرِيضٌ = عُرَاضٌ

— عَرَضٌ кўп. أَعْرَاضٌ 1) тасодифий ҳодиса; фалс. акциденция (тасодифий ҳол, ҳодиса); ~اً тасодифан, йўл-йўлакай; 2) мед. симптом, аломат, ташқи белги; ~ الدُّنْيَا мол-дунё

— عَرْضٌ[1] кўп. عُرُوضٌ 1) иқт. таклиф; ~ مُضَادٌّ қарши таклиф; ~ وَطَلَبٌ таклиф ва талаб; 2) товар, мол; 3) намойиш, кўрсатиш (кинофильмларни); обзор, қисқача баён (мас., манбаларники); ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарб. кўрик, ҳарбий парад; ~ جَوِّيٌّ ҳаво муъжизаси 4) тамошо, ревю; تُقَدِّمُ الْفِرْقَةُ عُرُوضَهَا труппа тамошо кўрсатади; 5) баён, баён қилиш; عَرْضُحَالٍ ёки ~ حَالٍ ариза, арзи-ҳол, илтимоснома; فِي ~ كَلَامِهِ унинг нутқи давомида; ◊ يَوْمَ الـ~ дин. қиёмат куни

— عَرْضٌ[2] кўп. عُرُوضٌ 1) эн, кенглик; 2) геогр. кенглик; خَطُّ الـ~ (географик) параллел; ◊ بِالـ~ энига; طُولاً وَ~اً энигаю бўйига; бошдан-оёқ, ҳамма ёқ

— عُرْضٌ кўп. عِرَاضٌ 1) ён, биқин; فِي ~ الْبَحْرِ очиқ денгизда; فِي ~ الْأُفُقِ узоқ уфқ ортида; عَنْ ~ кўз қиридан; رَمَى (ضَرَبَ) بِهِ ~ الْحَائِطِ маж. бирор нарсани назардан (эътибордан) соқит қилмоқ; 2) асосий (бош) қисм; бўтқа.; қуйқа, қуйқум; زَيْدٌ مِنْ ~ النَّاسِ Зайд оддий одам (авомлардан) дир

— عِرْضٌ кўп. أَعْرَاضٌ 1) шаън, обрў-эътибор; !... أَنَا فِي ~كَ يَا менга раҳминг келсин, эй ...!; خَاضَ فِي ~ مَرْأَةٍ аёлнинг шаъни ҳақида ғийбат қилмоқ; هَتَكَ الـ~ зўрлаб шаънига (номусига) тегмоқ; هَاتِكُ الْأَعْرَاضِ зўрловчи; بَيْعُ (а تِجَارَةُ الْأَعْرَاضِ шунингдек. ~الـ фоҳишалик; б) сотқинлик; 2) бадандан келадиган ҳид; 3) бадан, тана; زَيْدٌ نَقِيُّ الـ~ Зайд покдир (беайбдир); ~ الرَّجُلِ аслзодалик, оқсуяклик

— عَرْضَانِيٌّ эн (кўндаланг)га оид

— عُرْضَةٌ мўлжал, нишон, қора; предмет, нарса, обект; لِـ ... كَانَ ~ (бирор н. га) дучор бўлмоқ, (н. учундир) нишон бўлмоқ

— عَرْضِيٌّ[1] кўндаланг (эн) га оид; قِطَاعٌ ~ кўндалангига (энига) кесим

— عَرْضِيٌّ[2] кийимнинг бир тури

— عُرْضِيٌّ тар. лагерь (қўшинларнинг вақтинча қароргоҳи), қароргоҳ; қўшин

— عَرَضِيٌّ 1) тасодифий; фалс. акцидентга оид; فَلَيْسَ مِنَ الـ~ أَنْ ... тасодифий эмаски, ...; 2) аҳамиятсиз, номуҳим, муҳим бўлмаган, арзимас; خَطِيئَةٌ ~ـةٌ кечирса бўладиган хато (гуноҳ)

— عَرُوضٌ кўп. أَعَارِيضُ мн. шеър. аруз, шеърий вазн; 2) байтнинг биринчи мисраси охирги рукнининг номи

— عُرُوضٌ тарозида тортиб бўлмайдиган товар, мол

— عَرُوضِيٌّ 1. шеър. аруз (вазни) га оид; بَحْرٌ ~ аруз баҳри; 2. аруз (вазни) бўйича мутахассис

— عَرِيضٌ кўп. عِرَاضٌ кенг, бепоён; ~ الْجَاهِ таниқли; ◊ كَلِّمْهُ بِالـ~! унга тиккасига (букмай, тўғридан-тўғри) айт!

— عَرِيضَةٌ кўп. عَرَائِضُ ариза, петиция; مُقَدِّمُ الـ~ аризачи

— مُعَارِضٌ 1. қарши ҳаракат қилувчи; эътироз билдирувчи; ~ لِلْحُكُومَةِ ҳукуматга қарши ...; 2. 1) оппозициячи; 2) оппонент

— مُعَارَضَةٌ 1) қарши ҳаракат, қаршилик; эътироз; مِلَفُّ الـ~ الْمُتَغَيِّرَةِ реостат (трансформаторга ўхшаш электр асбоби); 2) оппозиция; ~ بَرْلَمَانِيَّةٌ парламент оппозицияси; 3) қиёслаш, солиштириш; 4) юр. ёзма протест, шикоят

— مُعْتَرِضٌ 1) йўлда ётган, халақит берувчи; جُمْلَةٌ ~ـةٌ грам. кириш гап; 2) қаршилик қилувчи, эътироз билдирувчи; وَقَدْ يَعْتَرِضُ ~ بِأَنْ ... балки кимдир ...га эътироз билдирар

— مِعْرَاضٌ пати йўқ ўқ, патсиз ўқ

— مَعْرِضٌ кўп. مَعَارِضُ кўргазма, виставка; الـ~ الصِّنَاعِيُّ саноат кўргазмаси; الـ~ الْمُتَنَقِّلُ кўчиб юрувчи (сайёр) кўргазма; ~ الْوُحُوشِ ҳайвонот боғи; ~ الْجُثَثِ ўликхона; ◊ قَالَ فِي ~ الْحَدِيثِ ... у суҳбат давомида ... деди

— مِعْرَضٌ никоҳ кечаси келинчак кийиб чиқадиган кийим

– مَعْرُوضٌ кўп. مَعَارِيضُ 1.1) кўрсатиш учун қўйилган; 2) таклиф қилинган; 2.1) таклиф (савдода); 2) ариза, петиция

– مَعْرُوضَاتٌ кўп. экспонатлар, кўргазмага қўйилган буюмлар

عَرْطَزَ четлашмоқ, ўзини четга олмоқ; узоқлашмоқ

عَرْطَزَ = عَرْطَسَ

عَرْعَرٌ арча, қора арча

عَرَفَ I (u) عِرْفَانٌ 1) билмоқ; билиб олмоқ; ~ حَقَّ الْمَعْرِفَةِ أَنَّ ... ... эканлигини жуда яхши билмоқ; مажх. عُرِفَ الْيَوْمَ أَنَّ ... ҳозирги кунда шу нарса маълум бўлдики, ...; мажх. عُرِفَ بِالْاسْمِ فَقَطْ исмидангина маълум бўлмоқ; 2) қила олмоқ, эпламоқ; II عَرَّفَ 1) билдирмоқ, хабардор қилмоқ; таништирмоқ; тушунтирмоқ; айтиб бермоқ; 2) (к. биландир) таништирмоқ (بِ); (к. нидир) таништирмоқ (عَلَى، بِ); 3) аниқлик киритмоқ, аниқламоқ; грам. отни аниқ ҳолга қўймоқ; 4) дин. тавба қилмоқ, истиғфор келтирмоқ; 5) яхшиламоқ, бирор ишни яхши бажармоқ; 6) Арафот тоғида тўхтаб турмоқ; V تَعَرَّفَ 1) (к. ёки н. биландир) таништирмоқ, танишиб чиқмоқ (إِلَى، بِ); 2) (к. нидир) танимоқ (мас., жиноятчини); (к. нидир) таниб қолмоқ (عَلَى); 3) аниқланмоқ; VI تَعَارَفَ ўзаро танишмоқ; VIII اعْتَرَفَ 1) эътироф этмоқ; ~ بِالدَّوْلَةِ فِعْلِيًّا давлатни де-факто танимоқ (эътироф этмоқ); 2) (н. нидир) бўйинга (гарданга) олмоқ, эътироф этмоқ (بِ); 3) дин. тавба қилмоқ, истиғфор этмоқ; ◊ ~ لَهُ بِالْجَمِيلِ яхшилиги учун кимдандир миннатдор бўлмоқ; X اسْتَعْرَفَ (к. нидир) танимоқ (мас., жиноятчини - عَلَى)

– اعْتِرَافٌ кўп. اتٌ — 1) эътироф этиш, тан олиш; ~اً بِهِ буни эътироф этган ҳолда; 2) дин. тавба-тазарру, истиғфор; كُرْسِيُّ الْـ~ тавба-тазарру, истиғфор қилинадиган жой (хона, курси); مُعَلِّمُ الْـ~ тавба-тазарру (истиғфор) қабул қилувчи руҳоний; أَحَدُ ~ видолашув куни

– أَعْرَافٌ дин. аъроф

– أَعْرَفُ[1] жуда яхши биладиган

– أَعْرَفُ[2] мн. عَرْفَاءُ кўп. عُرْفٌ 1) тожи бор, тожли (хўроз ҳақида); 2) ёли бор, ёлдор (от ҳақида)

– تَعَارُفٌ ўзаро танишиш

– تَعْرِفَةٌ кўп. اتٌ — тариф (бирор н. га тўланадиган қатъий баҳолар мажмуи); ~ جُمْرُكِيَّةٌ божхона тарифи

– تَعْرِيفٌ кўп. تَعَارِيفُ 1) танишиш, таништириш; тушунтириш; 2) (к. нидир) таништириш; 3) аниқлаш; грам. отни аниқ ҳолатда қўйиш; أَدَاةُ الْـ~ ёки لَامُ الْـ~ ёки حَرْفُ الْـ~ грам. аниқлик артикли; 4) тариф; لَجْنَةُ الْـ~ тариф комиссияси

– تَعْرِيفَةٌ кўп. اتٌ — 1) тариф, баҳолар жадвали; такса; الْـ~ الْجُمْرُكِيَّةُ божхона тарифи; الْـ~ التَّفْضِيلِيَّةُ преференциал (имтиёзли) тариф; 2) шунингдек. ~ قِرْشٌ кичик пиастр (5 миллимга тенг пул бирлиги)

– عَارِفٌ 1) билувчи, хабардор; маж. أَنْتَ سَيِّدُ الْـ~ينَ сен ҳаммадан яхши билувчисан; 2) фалс. гностик, гностицизм тарафдори (дунёни билиш мумкин деб ҳисобловчи фалсафа); فَلْسَفَةُ الْـ~ينَ гностицизм тарафдори

– عَارِفَةٌ совға, ҳадя, инъом

– عَرَّافٌ 1. фолбинлик билан шуғулланувчи, фолбин; 2. олдиндан айтиб берувчи, башоратчи

– عَرَّافَةٌ кўп. اتٌ — фолбин аёл

– عِرَافَةٌ фолбинлик, олдиндан айтиш, башорат

– عَرْفٌ[1] ҳид, бўй; муаттар ҳид (бўй)

– عَرْفٌ[2] кўп. أَعْرَافٌ 1) тож (хўрозники); 2) ёл (отники)

– عُرْفٌ[1] кўп. أَعْرَافٌ яхшилик, яхшилик қилиш

– عُرْفٌ[2] кўп. أَعْرَافٌ 1) умумий эътироф; баҳо; аниқлик; فِي ~ـهِ унинг тушунишича; унинг тушунчасига кўра; فِي ~ الْمَادِّيِّينَ материалистларнинг тушунишича; 2) одат, таомил; ~اً одатда, кўпинча, таомилга кўра; 3) юр. одатий ҳуқуқ; ~ الشَّرْعِ одатий шаръий ҳуқуқ; قَانُونُ الْـ~ одатий ҳуқуқ; الْـ~ السِّيَاسِيُّ дипломатик протокол (дипломатик қонун-қоидалар мажмуи), дипломатик этикет (дипломатик ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари мажмуи); خَرْقٌ (مُخَالَفَةٌ) لِلْأَعْرَافِ السِّيَاسِيَّةِ الْمُتَّبَعَةِ ҳамма томонидан қабул қилинган дипломатик протокол нормаларининг бузилиши; الْأَعْرَافُ الدُّوَلِيَّةُ халқаро ҳуқуқ нормалари; الْأَعْرَافُ الْحُقُوقِيَّةُ ҳуқуқ нормалари

– عُرْفٌ[3]: ~ الْفَرَسِ отнинг ёли

– عَرَفَاتٌ Арафот (Маккаи мукаррама шарқидаги тоғ бўлиб, зулҳижжа ойининг 9-куни ҳожилар бу ерга келадилар)

– عِرْفَانٌ 1) билим; билиш; 2) миннатдорлик; ~ الْجَمِيلِ ёки ~ بِالْجَمِيلِ миннатдорлик; عَبَّرَ (أَعْرَبَ عَنْ) ~ـهُ بِالْجَمِيلِ (الْجَمِيلَ) яхшилик учун ўз миннатдорлигини билдирмоқ

– عَرَفَةٌ Арафот (тоғ номи); يَوْمُ ~ дин. Арафот куни (зулҳижжа ойининг 9-куни, ҳожилар бу кунни, Арафот тоғида ўтказадилар)

– عُرْفِيٌّ 1) урф, урф-одатга асосланган ҳуқуқ; الْقَانُونُ الْـ~ одатий ҳуқуқ; 2) шартли; боғлиқ, ўзаро боғлиқлиқ бўлган; الْأَحْكَامُ الْـ~ـةُ фавқулодда ҳолат; ҳарбий ҳолат қонунлари; الْمَجْلِسُ الْـ~ фавқулодда ишлар билан шуғулланувчи давлат органи; 3) хусусий; ғайрирасмий; زَوَاجٌ ~ гражданлик (диний бўлмаган) никоҳ

– عَرِيفٌ кўп. عُرَفَاءُ 1) ўқитувчи ёрдамчиси, халфа, ассистент; 2) (к. дир устидан) катта, бошлиқ, оқсоқол, староста; ~ الْحَفْلَةِ конферансье (концерт, томошоларни олиб борувчи); 3) ҳарб. сержант; капрал

– مُتَعَارَفٌ: ~ عَلَيْهِ умум эътироф этган, ҳамма томонидан қабул

қилинган; ... مِنَ الـ~ عَلَيْهِ أَنَّ ... ҳамма эътироф этган нарса шуки, ...

– مُعَرَّفٌ *грам.* аниқ ҳолатдаги; بال ~ артикли (اَلْ) ёрдамида аниқ ҳолатга [illegible] الْكَلِمَةُ مُعَرَّفَةٌ بِالْ [illegible] сўз аниқ ҳолатга "ал-" артикли билан келади

– مَعْرَفَةٌ *кўп.* مَعَارِفُ ёл; отнинг ёл ўсиб чиқадиган аъзоси

– مَعْرِفَةٌ *кўп.* مَعَارِفُ 1) билим; маориф; таълим; وِزَارَةُ الْمَعَارِفِ маориф вазирлиги; نَظَرِيَّةُ الْـ~ *фалс.* билиш назарияси, гносеология; دَائِرَةُ الْمَعَارِفِ الْإِسْلَامِيَّةِ ислом энциклопедияси; مِنْ غَيْرِ ~ онгсиз (шуурсиз) равишда, билмасдан; 2) танишиш; 3) *грам.* аниқ ҳолатдаги от; 4) *кўп.* таниш-билишлар; дўстлар; ◊ مَعَارِفُ الْوَجْهِ юз тузилиши, юздаги белгилар; بِـ~ـه унинг ёрдамида, у ўртада турган ҳолда; يَجِبُ أَنْ يُحَرِّرَ الطَّلَبُ بِـ~ الطَّالِبِ نَفْسِهِ ариза (талабнома) студентнинг ўзи томонидан ёзилиши матлуб (зарур)дир; يُنْتَخَبُ الشَّيْخُ بِـ~ أَهْلِ الْقَرْيَةِ шайх (оқсоқол) қишлоқ аҳолиси томонидан сайлаб қўйилади

– مَعْرُوفٌ 1.1) маълум, машҳур, ҳаммага таниш; مِنَ الْـ~ أَنَّ ... маълумки, ...; 2) маъқулланган, маъқулланадиган; 3) ярашган, мос келган, тузук, тузуккина; 2. *кўп.* مَعَارِيفُ 1) яхшилик, хайрли иш; بِالْـ~ яхшиликча; جُحُودُ (نُكْرَانُ) الْـ~ яхшиликни билмаслик, яхшиликка ёмонлик билан жавоб бериш; أَسْدَى (صَنَعَ) الْـ~ (*к. гадир*) яхшилик қилмоқ; بِالْـ~ أَوْ (إِلَّا) بِالْمَنْكُوفِ ундай бўлмаса, бундай қилиб, ҳар қандай йўл билан, йўлини қилиб; 2) марҳамат қилиш олийжаноблик; جَاحِدُ (نَاكِرُ) الْـ~ яхшиликни билмайдиган, кўрнамак; صَاحِبُ الْـ~ яхшилик қилувчи, олийжаноблик қилувчи; اعْمَلِ الْـ~! марҳамат қилинг!; бир яхшилик қилинг!; آمِرٌ بِالْـ~ гуноҳ ишлар қилинмаслигини назорат қилиб юрувчи (*Маккаи мукаррама ш. да*)

I (عرق) عَرَقَ (у) عَرْقٌ (*суякни*) гўштдан тозаламоқ, ғажиб тозаламоқ; عَرَقَ (у) عَرَاقَةٌ 1) чуқур илдиз отмоқ, киришиб кетмоқ; 2) оқсуяклардан (*қадимий ирқдан*) бўлмоқ, зодагонлардан бўлмоқ; عَرِقَ (а) عَرَقٌ терламоқ; тер босмоқ; II عَرَّقَ 1) терлатмоқ; тер бостирмоқ; 2) йирик нақшлар билан безамоқ; 3) чуқур илдиз ёзмоқ; 4) (*винога*) сув қўшмоқ; IV أَعْرَقَ чуқур илдиз отмоқ; 2) Ироққа жўнамоқ; V تَعَرَّقَ 1) чуқур илдиз ёзмоқ; 2) суяк ғажимоқ

– تَعَارِيقُ *кўп. архит.* нервюра

– تَعْرِيقٌ йирик нақшли расм; тарам-тарам йўллар (*мас., баргдаги*) جَمِيلُ الْـ~ чиройли гулли, гуллари (безаклари) бор (*мас., ёнғоқ дарахти ҳақида*)

– عِرَاقٌ *кўп.* عُرُقٌ, أَعْرِقَةٌ қирғоқ, соҳил; ◊ ~ الرِّيشَةِ қуш патининг ўзаги; الْـ~انِ *ик.с.* Куфа ва Басра ш. лари

– عَرَاقَةٌ 1) санчиб кетиш, ич-ичига кириб кетиш; 2) қадимийлик, эскилик; ~ الشَّكْلِ шаклнинг қадимийлиги; 3) юксак ирқлилик, зодагонлик; 4) (*араб ҳарфи охиридаги*) жингалак

– عِرَاقِيٌّ 1. Ироққа оид, ироқий; 2. ироқлик (*одам*); ◊ ~ إِرْزٌ куш

– عِرَاقِيَّةٌ *кўп.* ~اتٌ — салла остидан кийиладиган бош кийими, сўфи дўппи

– عَرَقٌ[1] 1) тер; 2) арoқ, водка; ◊ ~ أَزْرَقُ совуқ тер; بِـ~ جَبِينِهِ ёки بِـ~ الْجَبِينِ тер тўкиб, астойдил меҳнат қилиб

– عَرَقٌ[2] замбил, занбар

– عِرْقٌ[1] *кўп.* أَعْرَاقٌ, عُرُوقٌ 1) илдиз; عُرُوقُ الْفِجْلِ редиска; ~ الذَّهَبِ қайт қилдирадиган дори ясаладиган илдиз; ~ السُّوسِ ачитқич илдиз; ~ الْحَلَاوَةِ *бот.* ишқор ўсимлиги, ишқорли илдиз; 2) томир; ~ سَاكِنٌ вена томири; ~ ضَارِبٌ ёки ~ نَابِضٌ артерия томири; 3) зот; 4) ирқ; *кўп.* тарам-тарам томирлар (*мас., баргдаги*); ◊ ~ الْخَشَبِ ёки الْـ~ الْخَشَبِيُّ (ёғоч) тўсин

– عِرْقٌ[2]: ~ ظَالِمٌ биров деҳқончилик учун тайёрлаб қўйган ерга унинг изни (*рухсати, хоҳиши*) сиз деҳқончилик қилиш

– عَرْقَانُ терлаган, тер босган

– عَرَقِيٌّ арoқ, водка

– عِرْقِيٌّ ирқий, ирққа оид; التَّمْيِيزُ الْـ~ ирқий камситиш (дискриминация)

– عِرْقِيَّةٌ *кўп.* ~اتٌ = عَرَّاقِيَّةٌ

– عِرْقِيَّةٌ ирқчилик, расизм

– عَرِيقٌ 1) илдиз отиб қолган; ўрнашиб қолган; 2) қадимги, машҳур; ~ فِي الْقِدَمِ анча қадимий; ~ فِي الْإِجْرَامِ ашаддий жиноятчи

– مُعَرَّقٌ йирик-йирик гуллар чизиб ташланган

– مُعَرِّقٌ терлатувчи, тер чиқарувчи

– مَعْرُوقٌ *шунингдек.* ~ الْعِظَامِ жуда ориқ, чўп бўлиб қолган; тери ва суяги қолган

عَرْقَبَ 1) тиззаости пайларини кесмоқ; 2) чигаллаштирмоқ (*мас. ишни, масалани*)

– عَرْقَبَةٌ 1) тиззаости пайларини кесиш; 2) чигаллаштириш

– عُرْقُوبٌ *кўп.* عَرَاقِيبُ 1) тиззаости пайлари; 2) *анат.* оёқнинг бети (*оёқ кафти билан болдир ораси*); 3) *ат.от. мз.* Урқуб (*ўз ваъдасини ҳеч қачон бажармаган одам*); ~ وَعْدُ ёки ~يٌّ وَعْدٌ ёлғон ваъда

عَرْقَلَ 1) қийинлаштирмоқ, тўхтатмоқ, қаршилик қилмоқ, тўсқинлик қилмоқ, тўсиқ қўймоқ; 2) чигаллаштрмоқ, تَعَرْقَلَ қийналмоқ; 2) чигаллашмоқ

– عَرَاقِيلُ *кўп.* қийинчиликлир; тўсиқлар; سِبَاقُ الْـ~ тўсиқли пойга; وَضَعَ الْـ~ أَمَامَهُ кимнингдир йўлига тўсиқлар қўймоқ

– عَرْقَلَةٌ қийинчилик; тўхтатиш; қаршилик қилиш, тўсқинлик қилиш; ишдан бўйин товлаш (саботаж)

I عَرَكَ (у) عَرْكٌ 1) уқаламоқ, ишқаламоқ; 2) ҳайз кўрмоқ, ҳайзли бўлмоқ; ◊ ~ـهُ الدَّهْرُ ёки ~تْهُ الْأَيَّامُ вақт (замон) уни мулла қилиб қўйди; ~ أُذُنَهُ кимнингдир қулоғидан чўзмоқ; III عَارَكَ курашмоқ, жанг қилмоқ; муштлашмоқ, урушмоқ; VI تَعَارَكَ 1) ўзаро курашмоқ, муштлашмоқ; 2) биргалашиб жанг қилмоқ; VIII اعْتَرَكَ муштлашмоқ, урушмоқ

– عِرَاكٌ кураш; муштлашиш

– عَرْكٌ тажрибалилик, тажрибадан ўтганлик

– عِرَاكٌ = عَرْكَةٌ

– عَرِيكَةٌ кўп. عَرَائِكُ феъл-атвор, табиат, характер; شَدِيدُ الْـ~ қатъиятли, қайсар; لَيِّنُ الْـ~ мулойим феълли, гапга кўнадиган; أَلَانَ ~ـهُ кўч.м. кимнидир эритмоқ, гапга кўнадиган қилмоқ; لَانَتْ ~ـهُ ғурури пасаймоқ, иззат нафси поймол бўлмоқ

– مُعْتَرَكٌ 1) жанг бўлган жой, уруш жойи; 2; майдон

– مَعْرَكٌ кўп. مَعَارِكُ жанг бўлган жой, уруш майдони

– مَعْرَكَةٌ, مَعْرُكَةٌ кўп. مَعَارِكُ 1) уруш, жанг; эск. маърака; ~ كَلَامِيَّةٌ даҳанаки жанг; ~ قَلَمِيَّةٌ тортишув (матбуотдаги); ~ بِالسَّكَاكِينِ пичоқбозлик; خَاضَ ~ الْحَيَاةِ وَ الْمَوْتِ ё ҳаёт, ё мамот деб уруш олиб бормоқ; 2) компания; ~ انْتِخَابِيَّةٌ сайлов (сайловолди) компанияси

عَرْكَسَ 1) қалашиб кетмоқ; 2) бир-бирининг устига қалаштириб бормоқ

عرم II عَرَّمَ тўпламоқ, бир жойга йиғмоқ; аралаштирмоқ; V تَعَرَّمَ ёмон (хунук) феъл-атворни намоён қилмоқ; VIII اعْتَرَمَ = V

– عَارِمٌ қутураётган, қутуриб турган (сел, оқим ҳақида); кучли, бўронли, даҳшатли

– عَرِمٌ[1] 1) ғазабли, баджаҳл, ёвуз; 2) кучли, бўронли

– عَرِمٌ[2] 1) дамба, тўғон, тўсиқ; 2) кучли сел

– عَرَمَةٌ шопириш учун янчилгандан кейин тўплаб қўйилган дон

– عَرِمَةٌ кўп. عَرِمٌ 1) тўғон; 2) енгиб (тўсиб) бўлмас оқим; 3) водийнинг номи; 4) каламуш; 5) кучли ёмғир

– عُرْمَةٌ кўп. عُرَمٌ ёки عَرَمَةٌ кўп. عُرَمٌ (шопирилмаган, совурилмаган буғдой) тўпи (уюми); уюм, тўп; даста; (бирор н. нинг) йиғими; الشَّرْطُ عِنْدَ التَّقَاوِي يُرْيِحُ عِنْدَ الْـ~ мтл. лафз ҳалол (сўзма-сўз: экилаётганда келишиб олиш ҳосил тўпи олдига тинчлик келтиради)

عَرَمْرَمٌ 1) кучли, қудратли; ҳисобсиз, беҳисоб (қўшин ҳақида); 2) кўп сонли қўшин

عَرْمُوطٌ нок (Ироқда)

عِرْنَاسٌ кўп. عَرَانِيسُ 1) ип йигирадиган чарх; 2) кўп. бот. чирмовиқ (ўсимликларда, мас., токда); ◊ ~ الذُّرَةِ сўта (мас; маккажўхоридаги)

– عُرَنَةٌ: بَطْنُ ~ Арафот тоғи рўпарасидаги водийнинг номи

– عُرَنِيٌّ кўп. عُرَنِيُّونَ урайна қабиласига мансуб киши

– عِرْنِينٌ кўп. عَرَانِينُ 1) бурун тоғайи; бурун; 2) етакчи, бошлиқ

– عَرِينٌ кўп. عُرُنٌ уя (мас., шерники)

– عَرِينَةٌ кўп. عَرَائِنُ = عَرِينٌ

– عُرَيْنَةٌ урайна (қабила номи)

I عَرَا (عرو) (у) عَرْوٌ босмоқ, тушмоқ, юқмоқ; عَرَتْهَا الرَّعْشَةُ уни (мн.) титроқ босди; عَرَتْهُ الدَّهْشَةُ у ҳайратга тушди, уни ҳайрат босди; IV أَعْرَى النَّخْلَةَ ~ хурмо дарахтини меваси билан бир йилга бошқа одамга бериб турмоқ; VIII اعْتَرَى босмоқ, юқмоқ, тушмоқ; юз бермоқ, воқеъ бўлмоқ

– عُرْوَةٌ кўп. عُرًى, عَرَاوَى 1) илмоқ, тугма боғичи; 2) қулоқ (мас., қозондаги), даста; 3) алоқа; кўп. иплар, ришталар; عُرَى الصَّدَاقَةِ дўстлик ришта (ип) лари; 4) (бир йилда бир мартадан ортиқ экиладиган сабзавотларни) экиш пайти, الْـ~ الصَّيْفِيَّةُ ёзги экиш; ◊ ~ـهُ وَ زِرُّهُ бутун ва тўлалигича, бошдан-оёқ, ҳаммасини, борини; تَمَسَّكَ بِـ~ الْوَحْدَةِ бирлик учун курашмоқ; الْـ~ الْوُثْقَى энг мустаҳкам боғлиқлик (ислом)

– عَرِيٌّ: ~ نَخْلَةٌ = عَرِيَّةٌ

– عَرِيَّةٌ меваси билан бир йилга бошқа одамга бериб турилган хурмо дарахти

I عَرِيَ (а) عُرْيٌ 1) қип-ялонғоч бўлмоқ; 2) (н. дандир) озод (эркин) бўлмоқ, қутилган бўлмоқ; (н. дандир) ажралмоқ, маҳрум бўлмоқ; II عَرَّى 1) қип-ялонғоч қилмоқ, ечинтирмоқ; 2) (н. дандир) маҳрум қилмоқ, ажратмоқ (مِنْ); IV أَعْرَى = عَرَّى; V تَعَرَّى 1) қип-ялонғочланмоқ, ечинмоқ, ечинган бўлмоқ; 2) (н. дандир) озод (эркин) бўлмоқ (); 3) геол. ел олиб кетган бўлмоқ, эрозияланмоқ, эрозияга учрамоқ

– تَعْرِيَةٌ 1) ялонғочлаш; 2) эрозия, ел олиб кетиш

– عَارٍ кўп. عُرَاةٌ 1) ялонғоч, қип-ялонғоч; ўсимлик ўсмаган (ер, дала ҳақида); عَارِي الْأَقْدَامِ ялангоёқ; عَارِي الرَّأْسِ бошяланғоч; عُرَاةٌ كَمَا وَلَدَتْهُمْ أُمَّهَاتُهُمْ онадан туғилгандаги ялонғочлардек; 2) (н. дандир) озод, эркин (عَنْ، مِنْ); ~ مِنَ (عَنِ) الصِّحَّةِ ҳақиқатга мос келмайдиган; ~ عَنْ كُلِّ أَسَاسٍ бутунлай асоссиз

– عَارِيَةٌ кўп. عَوَارٍ (шунингдек, қар. عور) ялонғоч (қип-ялонғоч) аёл

– عَرَاءٌ кўп. أَعْرَاءٌ очиқ кенглик, фазо; بَاتَ فِي الْـ~ очиқ ҳавода (ташқарида) ухламоқ

– عُرْيٌ[1] ялонғочлик

– عُرْيٌ[2]: فَرَسٌ ~ эгарланмаган от

– عُرْيَانٌ кўп. عَرَايَا урён, ялонғоч; ~ مَلْطٌ мутлақо ялонғоч; الْإِبْرَةُ إِبْرَةٌ تَكْسُو النَّاسَ وَ هِيَ ~ـةٌ қар.

– عُرْيَانَةٌ *кўп.* ـــَاتٌ = غَارِيَةٌ

– عُرْيَانِيَّةٌ иудизм, беҳаёлик, безбетлик, ҳаёсизлик

– عُرْيَةٌ = عُرْيٌ

– مَعْرًى *кул.* مَعَارٍ очиқ (ялонғоч) жой; الْمَعَارِي инсон баданининг очиқ жойлари (*мас., юз, қўл, оёқ*)

– مُعَرًّى ечинган, ялонғоч

I عَزَّ (*a/u*) عِزٌّ, عَزَازَةٌ 1) кучли (қудратли) бўлмоқ; шавкатли бўлмоқ; اللهُ ~ وَجَلَّ қудратли ва улуғ Оллоҳ; مَنْ ~ بَزَّ кучли енгади; 2) камёб (нодир, кам учрайдиган) бўлмоқ; азиз (қимматбаҳо) бўлмоқ; 3) (*к. учундир*) оғир (қийин) бўлмоқ; يَعِزُّ عَلَيَّ أَنْ ... а) менга шу нарса оғир (қийин) ки, ...; б) менга шу нарса азизки, ...; اِسْمُهُ تَعَالَى ~ Оллоҳнинг номи шавкатли бўлсин!; 4) жуда-жуда оз бўлмоқ, жуда оз миқдорда бўлмоқ; II عَزَّزَ (*н. билан*дир) кучайтирмоқ, мустаҳкамламоқ, қувватламоқ; 2) иззат қилмоқ, хурматламоқ; азиз тутмоқ; III عَازَّ устун келишга тиришмоқ, устун бўлмоқ; IV أَعَزَّ 1) севмоқ, азиз тутмоқ; 2) кучли (қудратли) қилмоқ; V تَعَزَّزَ (*н. билан*дир) қудратланмоқ, қувватланмоқ (بِ); 2) (*н. дандир*) фахрланмоқ, ифтихор қилмоқ (بِ); 3) (*н. нидир*) азиз тутмоқ, эъзозламоқ, қадрланмоқ (بِ); VIII اِعْتَزَّ (*к. нидир*) улуғ ҳисобламоқ, улуғламоқ, шарафламоқ (بِ); X اِسْتَعَزَّ 1) (*к. нидир*) енгмоқ (عَلَى); 2) (*к. нидир, н. нидир*) қадрламоқ, азиз тутмоқ, эъзозламоқ, (*к. нидир, н. нидир*) юксак баҳоламоқ; اِسْتَعَزَّ الْوَجَعُ оғриқ кучайиб кетди, оғриқ зўрайди

– أَعَزُّ *мн.* عُزَّى 1) энг кучли, энг қудратли; الْعُزَّى ал-Уззо (*қурайшийлар бутларидан бири*) 2) энг азиз

– عِزٌّ 1) куч, қувват, қудрат; улуғворлик, шуҳрат, шон-шавкат; الْفَقْرُ حَشْمَةٌ وَ الْعِزُّ بَهْدَلَةٌ *мтл.* фақирлик-камтарлик, шуҳрат сурбетлик; 2) авж, юксак чегара; 3) гуллаш, яшнаш; ◊ فِي ~ الْبَرْدِ совуқ авжига чиққанда; فِي ~ الْحَرِّ иссиқ авжига чиққанда; فِي ~ الشِّتَاءِ қиш авжига чиққанда; فِي ~ الشَّبَابِ ёшлик гуллаган (яшнаган) чоғида; فِي ~ الطُّفُولَةِ болаликнинг олтин даврида; فِي ~ الظُّهْرِ куннинг қоқ ўртасида; فِي ~ اللَّيْلِ ярим кечада; فِي ~ الْمَعْرَكَةِ жанг қизиган пайтда

– عِزَّةٌ 1) шон-шуҳрат; иззат; қадр; ифтихор; ~ النَّفْسِ худбинлик; صَاحِبُ الْـ~ соҳиби иззат (*бекка нисбатан мурожаат пайтида айтилади*); 2) қимматчилик

– عُزَّى: الْـ~ исломдан олдин араблар топинган бутлардан бирининг номи

– عَزِيزٌ *кўп.* عِزَازٌ, أَعِزَّاءُ, أَعِزَّةٌ 1) кучли, қудратли; ~ الْجَانِبِ энг қудратли; 2) нодир, камёб; азиз, қимматли; ~ الْوُجُودِ камёб, кам учрайдиган; 3) азиз, қадрли; ~ عَلَى قَلْبِهِ кимнингдир дилига яқин, азиз бўлган; 4) (*к. учундир*) оғир, қийин, машаққатли (عَلَى); ~ الْمَنَالِ эришилиши қийин бўлган; ~ النَّفْسِ худбин; ◊ الْكِتَابُ الْـ~ Қуръони карим; ~ مِصْرَ *тар.* Миср Азизи, Миср подшоси; حَبُّ الْـ~ *жам.* ер ёнғоқ

– عَزِيزِيَّةٌ азизийя (*аёлларнинг бош кийими*)

– مُعْتَزٌّ 1) энг қудратли; 2) кеккайган, кибрли

– مَعَزَّةٌ севги, мойиллик, симпатия

I (عزب) [1]عَزَبَ (*u*) عُزُوبٌ 1) (*н. дандир*) йироқда (узоқда) бўлмоқ (عَنْ); ... وَ لاَ يَعْزُبُ عَنِ الْبَالِ أَنْ шуни эътибордан қолдирмаслик керакки, ...; 2) (*к. нингдир эътиборидан*) четда қолмоқ (عَنْ); يَعْزُبُ عَنْهُ بَسَائِطُ الْأُمُورِ у оддий нарсаларга ҳам эътибор бермайди; [2]عَزَبَ (*у*) عُزُوبَةٌ бўйдоқ (уйланмаган) бўлмоқ; II عَزَّبَ 1) бошлаган ишини ярим йўлда ташлаб қўймоқ; 2) бошлаган ишининг муддати узаймоқ; IV أَعْزَبَ = [1]عَزَبَ 1); V تَعَزَّبَ бўйдоқ бўлмоқ

– أَعْزَبُ *мн.* عُزْبٌ *кўп.* عَزْبَاءُ бўйдоқ, уйланмаган, сўққабош

– عَازِبٌ бўйдоқ; ~ اللُّبِّ ақлини йўқотган, ақлдан озган

– عَازِبَةٌ бўйдоқ (эрга тегмаган, ёлғиз) аёл

– عَزَبٌ *кўп.* أَعْزَابٌ, عُزَّابٌ 1. бўйдоқ, уйланмаган; 2. сўққабош, бўйдоқ

– عُزْبَةٌ бўйдоқлик

– عِزْبَةٌ *кўп.* عِزَبٌ қишлоқ, ферма

– عُزْبَةٌ = عُزُوبَةٌ

– عُزُوبِيَّةٌ никоҳсизлик, бўйдоқлик

– عَزِيبٌ бўйдоқ, уйланмаган

I عَزَرَ (*u*) عَزْرٌ таъна қилмоқ, койимоқ, айбламоқ; таъзир бермоқ; II عَزَّرَ 1) = I; 2) эъзозламоқ, улуғламоқ; 3) ҳаддан зиёда урмоқ (калтакламоқ); 4) адаб бермоқ, одобга ўргатмоқ

– تَعْزِيرٌ койиш; таъзир

– تَعْزِيرٌ = عَزْرٌ

عِزْرَائِيل *ат.от.мз.* Азроил (*ўлим малоики*)

I (عزف) [1]عَزَفَ (*u*) عَزْفٌ, عَزِيفٌ 1) кўшиқ айтмоқ, чийилламоқ (*шамол ҳақида*); 2) (*мусиқий асбобда*) куй чалмоқ, куй ижро этмоқ (عَلَى); [2]عَزَفَ (*u, у*) عُزُوفٌ (*н. нидир*) ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ (عَنْ); II عَزَّفَ кўшиқ айтмоқ, товуш (*овоз*) чиқармоқ

– عَازِفٌ мусиқачи, ижрочи; ~ الْبِيَانُو пианиночи; ~ السِّيلُو виолончелчи; ~ الْكَمَانِ ғижжакчи; скрипкачи; камончи

– عَازِفٌ = عَزَّافٌ

– عَزُوفٌ (*н. дандир*) нафратланувчи (عَنْ); (*н. нидир*) севмайдиган, ёмон кўрадиган (عَنْ)

– عَزِيفٌ овозлар, товушлар; чийиллаш, увуллаш (*шамолники*); الرَّعْدِ ~ чақмоқ гулдураши, момақалдироқ; шайтоннинг овози

– مِعْزَافٌ *кўп.* مَعَازِيفُ арфа (*торли мусиқа асбоби*)

– مَعْزُوفٌ ташландиқ, ташлаб қўйилган, қаровсиз

– مَعْزُوفَةٌ мусиқий асар

I عَزَقَ (*u*) عَزْقٌ, عَزِيقٌ (*ерни*) юмшатмоқ, чопмоқ, ҳайдамоқ; VII اِنْعَزَقَ юмшамоқ, чопилмоқ, ҳайдалмоқ (*ер ҳақида*)

– عَزَّاقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — омоч (плуг)

– عَزْقٌ юмшатиш, чопиш, ҳайдаш (*ер ҳақида*)

– عَزَقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *тех.* шайба, тағлиқ (прокладка)

– عَزْقٌ = عَزِيقٌ

– مِعْزَقَةٌ *кўп.* مَعَازِقُ дастаки сўқа; кетмон; учи ўткир белкурак

(عزقل) تَعَزْقَلَ ясанмоқ, тусанмоқ, байрамона кийинмоқ

– عَزْقَلَةٌ башанглик (*кийим ҳақида*)

I عَزَلَ (*u*) عَزْلٌ 1) узоқлаштирмоқ, ажратмоқ, ажратиб қўймоқ; ~ نَفْسَهُ (*н. дандир*) ўзини узоқлаштирмоқ, четлатмоқ, ажратиб қўймоқ (عَنْ); 2) (*мансабдан*) узоқлаштирмоқ, четлатмоқ (عَنْ); бўшатмоқ; ~ عَنْ مَنْصَبِهِ мансабдан бўшатмоқ; 3) ёлғиз қолмоқ, ўзини хилватга олмоқ, бошқаларга қўшилмай умр кечирмоқ; II عَزَّلَ 1) (*мансабдан*) четлаттирмоқ; 2) хона (квартира) ни алмаштирмоқ; 3) (*дўконни кечасиликка*) беркитмоқ; V تَعَزَّلَ; اِعْتَزَلَ; VII اِنْعَزَلَ 1) (*н. дандир*) узоқлашмоқ четлашмоқ, ажралган бўлмоқ (عَنْ); 2) четлатилган (узоқлаштирилган, бўшатилган) бўлмоқ; VIII اِعْتَزَلَ 1) (*н. дандир*) кетмоқ, узоқлашмоқ (*туш.к. ёки* عَنْ); النَّاسِ ~ одамови бўлмоқ; 2) (*хизматдан*) бўшамоқ, озод бўлмоқ

– اِعْتِزَالٌ 1) кетказиш, кетиш; مَذْهَبُ الـ~ *тар.* муътазилийлар мазҳаби, муътазилийлик; رِجَالُ الـ~ муътазилийлик арбоби, муътазилий одам; 2) узлат, ёлғизлик

– أَعْزَلُ *мн.* عُزْلٌ *кўп.* عَزْلَاءُ қуролсиз, қуролланмаган; السِّمَاكُ الـ~ *қар.* سِمَاكٌ

– اِنْعِزَالٌ 1) ажратилганлик; бўлиб қўйилганлик; 2) бўшатилиш (*мас., мансабдан*)

اِنْعِزَالِيٌّ 1. изоляционизмга оид; 2. изоляционизм тарафдори, изоляционист

– اِنْعِزَالِيَّةٌ изоляционизм (*19- асрда АҚШ да Оврупо можароларига аралашмаслик шиори остида майдонга келган сиёсий оқим. Ҳозир йўқ бўлиб кетган*)

– عَازِلٌ 1. ўтказмовчи, изоляцияловчи; جِسْمٌ ~ диэлектрик; ~ لِلصَّوْتِ товуш ўтказмовчи; الْحَرَارَةِ ~ иссиқлик ўтказмовчи; 2. *кўп.* عَوَازِلُ, ـَاتٌ — изолятор, ўтказмовчи; كَهْرَبِيٌّ ~ диэлектрик

– عِزَالٌ[1] нарсалар, юк, багаж

– عِزَالٌ[2] (*бир хонадан бошқасига*) кўчиб ўтиш

– عَزْلٌ 1) узоқлаштириш; ажратиб қўйиш, изоляция; 2; (*хизматдан*) бўшатиш, четлатиш; бўшаш; مُحْتَمَلٌ (قَابِلٌ) لِلْـ~ бўшатиладиган; غَيْرُ قَابِلٍ لِلْـ~ бўшатилмайдиган

– عَزَلٌ қуролсизлик

– عُزْلٌ *кўп.* أَعْزَالٌ = أَعْزَلُ

– عُزْلَةٌ 1) узлат, ёлғизлик; 2) ажратилганлик; изоляция; أَدَّى بِهِ ... عَنْ ... إِلَى الـ~ бирор кишини ...дан изоляция қилиш

– مُتَعَزَّلٌ узлат жойи

– مُعْتَزِلٌ узлатга чекинган; الـ~ـةُ *тар.* муътазилийлар

– مُعْتَزِلِيٌّ *тар.* 1. муътазилийликка оид; 2. *кўп.* مُعْتَزِلَةٌ муътазилийлар тарафдори

– مَعْزِلٌ 1) узлат жойи; изоляция жойи; ... عَنْ ~ بِـ هُوَ у ...дан узоқ; 2) *шунингдек.* صِحِّيٌّ ~ *мед.* изолятор

– مَعْزُولٌ узоқлаштирилган, изоляция қилинган; ~ عَنِ الْعَالَمِ дунёдан ажратилган; 2) алоҳида, ёлғиз

I عَزَمَ (*u*) عَزْمٌ 1) (*бирор н. қилишга*) азм (ният) қилмоқ (*туш.к ёки* عَلَى); (*н. гадир*) азму қарор қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. нидир*) таклиф қилмоқ (*туш.к. ёки* عَلَى); 3) қасам ичмоқ, онт ичмоқ; ~ـتُ عَلَيْكَ сенинг номинг билан қасам ичдим; II عَزَّمَ дам солмоқ, куф-суф қилмоқ; (*н. нидир*) сеҳрламоқ (عَلَى); التَّعْزِيمَاتِ ~ дам солмоқ, куф-суф қилмоқ; VII اِنْعَزَمَ таклиф қилинган бўлмоқ; VIII اِعْتَزَمَ (*бирор н. га*) азм қилмоқ, қарор қилмоқ (*туш, к. ёки* عَلَى)

– تَعْزِيمٌ *кўп.* تَعَازِيمُ, ـَاتٌ — дам солиш, куф-суф қилиш, афсун

– عَازِمٌ 1) азм-қарор қилувчи; (*бирор н. га*) азм (*қарор*) қилган (عَلَى); 2) таклиф қилувчи; 3) қатъиятли, жасур

– عَزْمٌ 1) азм, ният, мақсад, қатъиятлилик; қатъий қарор; بَنَى ~ـهُ عَلَى ... (*бирор н. қилишга*) азм (қарор) этмоқ; صَحَّ مِنْهُ الـ~ عَلَى ... унинг ... қилиш ҳақида яхши нияти бор эди; 2) куч, ғайрат; الْقُوَّةِ ~ *физ.* куч (қувват) моменти

– عَزْمَةٌ *кўп.* عَزَمَاتٌ 1) азм, қарор, ният, мақсад; 2) қатъиятлилик, қатъийлик, ирода; جَبَّارُ الـ~ ғоят қатъиятли, кучли иродали, букилмас

– عَزُومٌ қатъиятли, азму қарори қатъий

– عُزُومَةٌ 1) таклиф, таклиф этиш; 2) зиёфат, меҳмондорчилик

– عَزِيمٌ = عَزِيمَةٌ

– عَزِيمَةٌ *кўп.* عَزَائِمُ 1) ният, азму қарор; энг яхши орзу (истак); 2) қатъиятлилик, қатъийлик; لَا تُفَلُّ ~ қатъий азму қарор, кучли қатъиятлилик; 3) таклиф; 4) азайимхонлик, дам солиш, куф-суф

— مُعَزِّم азайимхон, дуохон; афсунгар

— مَعْزُومٌ *кўп.* مَعَازِمُ 1. таклиф этилган; 2. меҳмон

I (عزو) عَزَا (*у*) عَزْوٌ (*бирор н. га*) оид деб билмоқ, қўшмоқ, алоқадор деб ҳисобламоқ (لِـ, إِلَى); (*к. гадир*) тааллуқли (алоқадор) деб билмоқ (لِـ, إِلَى); V تَعَزَّى (*бирор н. га*) мансуб бўлмоқ (إِلَى) (*бирор к. га*) бориб тақалмоқ (إِلَى); VIII اِعْتَزَى ўзини (*к. нингдир, н. нингдир*) қаторига қўшмоқ (لِـ, إِلَى); (*бирор н. га*) мансуб бўлмоқ (إِلَى); (*бирор к. га*) бориб тақалмоқ (إِلَى).

— عِزَةٌ *кўп.* عِزُونَ одамлар бир тоифаси

— عِزْوَةٌ 1) қариндошлик, қариндошлик алоқалари; 2) қариндош-уруғлар

I (عزى) عَزَى (*и*) عَزْيٌ (*бирор н. га*) оид деб билмоқ, қўшмоқ, алоқадор деб ҳисобламоқ (إِلَى); (*к. гадир*) тааллуқли (алоқадор) деб ҳисобламоқ (إِلَى); عَزِىَ (*а*) عَزَاءٌ (*жудоликни*) сабр-бардош билан ўтказмоқ; ўзини овутмоқ; II عَزَّى овутмоқ, таскин бермоқ; таъзия билдирмоқ; عَزَاءُ الْكَلْبِ *маж.* итдан бадтар яшамоқ; V تَعَزَّى = عَزِىَ

— تَعْزِيَةٌ *кўп.* تَعَازٍ овутиш; таъзия (ҳамдардлик) изҳор қилиш (билдириш); الـ~ بَرْقِيَّةُ (خِطَابُ) таъзия (ҳамдардлик) изҳор этилган телеграмма (мактуб); ... قَدَّمَ تَعَازِيَهُ بِمُنَاسَبَةِ وَفَاةِ ... нинг вафоти муносабати билан ўз таъзиясини (ҳамдардлигини) билдирмоқ

— عَزَاءٌ 1) овуниш; 2) сабр, қаноат; نَطْلُبُ لِلْعَائِلَةِ الـ~ وَ السُّلْوَى оилангизга таскин ва сабру қаноат тилаймиз (*вафот этган киши қариндошларига таъзия изҳор этилганда айтилади*)

— مُعَزٍّ *мн.* مُعَزِّيَةٌ таскин берувчи; таъзия (ҳамдардлик) изҳор қилувчи

I عَسَّ (*а/у*) عَسٌّ 1) қўриқчиликда бўлмоқ; (*кечаси*) қўриқчилик қилиб, айланиб чиқмоқ; 2) пайпасламоқ, қоронғиликда қидирмоқ; VIII اِعْتَسَّ = I

— عَاسٌّ *кўп.* عُسَّاسٌ, عَسَسَةٌ қўриқчи

— عَسَّاسٌ 1. қўриқчи; 2. бўри

— عَسٌّ, عَسَسٌ қўриқчилик, айланиб чиқиш, патруль

— عُسٌّ *кўп.* عِسَاسٌ қадаҳ; стакан

عَسْبٌ 1) насл; 2) буқа ёрдамида қочириш; 3) қочириш учун тўланган ҳақ; ~ الْفَحْلِ буқанинг манийси

— عَسِيبٌ *кўп.* عُسُبٌ 1) думғаза; 2) *шунингдек:* ~ النَّخْلِ хурмонинг баргсиз новдаси; 3) чивиқ, хивич, новда

— يَعْسُوبٌ *кўп.* يَعَاسِيبُ 1) эркак асалари; 2) бошлиқ, етакчи; 3) ниначи; 4) *эск.* она асалари, асаларилар подшоси (*қадимда араблар унинг катталиги учун эркак жинсидаги асалари деб ўйлаганлар, шунинг учун уни мз. жинсида номлаганлар*)

عُسْبُرٌ *кўп.* عَسَابِرُ қоплон

عَسْجَدٌ олтин, тилло

— عَسْجَدِىٌّ олтин (тилло) га оид, заррин

I (عسر) عَسَرَ (*у*) عَسْرٌ (*к. нидир*) қисмоқ, (*к. гадир*) тазйиқ ўтказмоқ (عَلَى *-мас., қарздор ҳақида*); عَسُرَ (*у*) عُسْرٌ оғир (қийин, мушкул, мусибатли) бўлмоқ; عَسِرَ (*а*) عَسَرٌ 1) чапақай бўлмоқ; 2) чалкашмоқ, чалкашиб кетмоқ; ~ عَلَيْهِ الْأَمْرُ иш унга чалкаш бўлиб туюлди; III عَاسَرَ (*к. гадир*) қаттиқ (ёмон) муомала қилмоқ; қисди-қафас қилмоқ (*мас., қарздорни*); IV أَعْسَرَ 1) оғир (мушкул) аҳволда бўлмоқ; қаттиқ муҳтожликка тушиб қолмоқ; 2) қашшоқ, қарзини тўлолмайдиган бўлмоқ; V تَعَسَّرَ оғир (қийин, мушкул) бўлиб қолмоқ; VI تَعَاسَرَ оғир (қийин, мушкул) бўлиб қолмоқ; VIII اِعْتَسَرَ (*к. гадир нисбатан*) зулмга (адолатсизликка) йўл қўймоқ; X اِسْتَعْسَرَ 1) оғир (қийин) деб ҳисобламоқ; 2) оғир (қийин) бўлиб қолмоқ

— إِعْسَارٌ қашшоқлик; пулга қаттиқ муҳтожлик; пулсизлик, қарзини тўлай олмаслик;

— أَعْسَرُ *кўп.* عُسْرٌ *кўп.* عَسْرَاءُ чапақай; ~ يَسَرَ ишни ҳар икки қўлда ҳам қила оладиган киши

— عَسَرٌ чапақайлик

— عَسِرٌ 1) қийин, оғир; мушкул, машаққатли; 3) чалкаш, чигал

— عُسْرٌ қийинчилик, оғирлик; қашшоқ, оғир аҳвол; қашшоқлик; ~ مَالِىٌّ пул етишмовчилиги, пул билан боғлиқ қийинчиликлар; ~ الْبَوْلِ *мед.* сийдик тутилиши; ~ الْهَضْمِ *мед.* ошқозоннинг ҳазм қилмаслиги; إِنَّ مَعَ الـ~ يُسْرًا *Қур.* оғирликдан кейин – енгиллик (*келади*); اِدَّخِرْ فِى الْيُسْرِ لِيَوْمِ الـ~! *мтл.* яхши кунларингда ёмон кунларинг ғамини еб қўй!

— عُسْرَةٌ мушкул (оғир) аҳвол; қашшоқлик

— عُسْرَى қийинчилик; фалокатли аҳвол

— عَسِيرٌ оғир, қийин; ~ الْمَنَالِ мушкул, имкониятсиз; ... عَلَيْهِ أَنْ ... мِنَ الـ~ ...ни қилиш унинг учун қийин

— مُعْسِرٌ 1) бечора, машаққатли кун кечираётган; 2) камбағал, пул тўлашга қодир бўлмаган

— مَعْسَرَةٌ қийинчилик; қашшоқлик, ҳожатмандлик

— مَعْسُورٌ оғир аҳволда қолган; қашшоқлашган

عَسْعَسَ 1) қоронғиликда пайпаслаб топмоқ; ~ فِى جَيْبِهِ чўнтагини титкиламоқ (пайпасламоқ); 2) кириб келмоқ (*тун, оқшом ҳақида*)

— عَسْعَسَةٌ 1) пайпаслаш, қоронғида пайпаслаб исташ;. 2) кириб келиш (*тун, оқшом ҳақида*)

I عَسَفَ (*и*) عَسْفٌ 1) зулм қилмоқ, зўрлик қилмоқ, ўзбошимчалик қилмоқ; 2) (*н. дадир*) ўйламай иш қилмоқ (فِى); 2) йўлдан четлашмоқ, йўлдан четкага чиқиб кетмоқ; I عَسَّفَ (*иш билан*) кўмиб ташламоқ; IV أَعْسَفَ мушкул аҳволга солмоқ; V تَعَسَّفَ 1)

~ فى رأيه ўз ўзбошимчалик қилмоқ, ўз билганича иш қилмоқ; фикрини ўзи ишонган ҳолда (*ўзбошимчалик билан*) ҳимоя қилмоқ; 2) (*н. дандир*) қайтмоқ, воз кечмоқ (عَنْ); 3) йўлдан четлашмоқ, йўлдан четкага чиқиб кетмоқ; VIII اعتسف 1) (*н. гадир*) куч билан мажбур қилмоқ (ب); зўрлик қилмоқ; хафа қилмоқ; 2) (*йўлдан*) чиқиб кетмоқ (عَنْ); адашмоқ, адашиб юрмоқ

– تَعَسُّفٌ адолатсизлик; зўрлик, зўравонлик

– تَعَسُّفِيٌّ зўрлик (зўравонлик) билан қилинган; мажбур қилинган; إجْرَاءَاتٌ ~ـة зўравонлик ҳаракатлари; أَعْمَالٌ ~ـة зўравонлик чоралари; بِصُورَةٍ ~ـة зўравонлик билан

– عَسَّافٌ зўравон, золим

– عَسْفٌ адолатсизлик; зулм, зўрлик, зўравонлик; ◊ ~ الحَوَادِثِ тақдир бевафоликлари (тескариликлари)

– عَسُوفٌ адолатсиз; зўравон, тошдил, қаттиққўл

– عَسِيفٌ *кўп.* عُسَفَاءُ мардикор; қора ишчи

عَسْقَلَانٌ *бот.* пиёз (*шарлот*)

عَسْكَرَ 1) (*қаердадир*) лагерь бўлиб жойлашмоқ (فى); ҳарбийлаштирмоқ, милитаризациялаштирмоқ

– عَسْكَرٌ *кўп.* عَسَاكِرُ қўшин, армия; аскарлар

– عَسْكَرَةٌ 1) лагерь бўлиб жойлашиш; 2) ҳарбийлашиш, милитаризация; ~ الاقْتِصَادِ иқтисоднинг ҳарбийлашиши (ҳарбий изга солиниши)

– عَسْكَرِيٌّ 1.1) ҳарбий; ~ حَاكِمٌ ҳарбий губернатор; سُلْطَةٌ ~ـة ҳарбий ҳукумат; ~ مَجْلِسٌ ҳарбий трибунал; ~ نِظَامٌ ҳарбий интизом; نَشْرُ (إشَاعَةُ) الرُّوحِ الـ~ـة ҳарбий изга солиш, милитаризация; 2) ҳарбий, аскарий; قُوَّاتٌ ~ـة ҳарбий (аскарий) қисмлар; 2.1) аскар, оддий аскар; ~ المُرُورِ кўча ҳаракатини бошқарувчи; 2) *шахм.* пиёда

– عَسْكَرِيَّةٌ 1) қўшин; аскарлар; رِجَالُ الـ~ ҳарбийлар; 2) аскарий (ҳарбий) хизмат; 3) агрессив ҳарбийлар, 4) *шунингдек.* رُوحُ الـ~ милитаризм; نَشْرُ (إشَاعَةُ) الـ~ милитаризация

– مُعَسْكَرٌ *кўп.* ـاتٌ лагерь; лашкаргоҳ; ~ السَّلَامِ тинчлик лагери; ~ لِأَسْرَى الحَرْبِ ҳарбий асирлар лагери; ~ الاعْتِقَالِ концентрацион лагерь

عسل I عَسَلَ (u) عَسْلٌ асал суртмоқ; عَسَلَ (у) عَسَلَانٌ, عَسْلٌ 1) йўртиб чопмоқ, бошини сарак-сарак қилиб югурмоқ (*от ҳақида*); 2) силкинмоқ, у ёқ-бу ёққа бориб-келмоқ (*найза*); II عَسَّلَ 1) асал сурттирмоқ; (*уйқу босиб*) юмилмоқ (*кўз қовоқлари ҳақида*); 3) асал билан таъминламоқ; X اسْتَعْسَلَ асал тиламоқ, асал беришни сўрамоқ

– تَعْسِيلَةٌ пинакка кетиш, мудраш; қуш уйқу, қисқа уйқу

– عَاسِلٌ асаларилар қутисидан асал олувчи, асаларичи

– عَسَّالٌ асаларичи ёки асалфуруш

– عَسَّالَةٌ *кўп.* ـاتٌ асалари уяси (яшиги)

– عَسَلٌ[1] *мз.мн.кўп.* أَعْسَالٌ, عُسُولٌ асал, бол; ~ أَبْيَضُ ёки ~ النَّحْلِ асалари боли; ~ أَسْوَدُ ёки ~ السُّكَّرِ қуюқ шинни, қиём; ~ الزَّهْرِ гул шираси; ◊ شَهْرُ الـ~ асал ойи (*келин-куёв бўлингандаги биринчи ой*)

– عَسَلٌ[2] йўртиб чопиш

– عَسَلِيٌّ 1) асалга оид; 2) асал рангидаги, сариқ; عُيُونٌ ~ـة жигарранг кўзлар

– مُعَسَّلٌ ширин қилинган, ширинтуриш қилинган; ~ دُخَانٌ ширинтуриш тамаки (*тамаки нави*); شَرِبَ الـ~ ширинтуриш тамаки чекмоқ

– مَعْسَلَةٌ *кўп.* مَعَاسِلُ = عَسَّالَةٌ

– مَعْسُولٌ 1) асал суртилган; 2) асалга оид; 3) ширин сўзли, тили ширин; كَلِمَاتٌ ~ـة ёқимли, ширин сўзлар; ~ لِسَانٌ ширин тил

عُسْلُجٌ *кўп.* عَسَالِجُ янги ўсиб чиққан новда

– عُسْلُوجٌ *кўп.* عَسَالِيجُ = عُسْلُجٌ

عسو I (عسو) عَسَا (у) عُسُوٌّ, عَسَاءٌ қотган, қаттиқ бўлиб қолган бўлмоқ; عَسَا (у) عُسِيٌّ қаримоқ, ёши қуриб қолган бўлмоқ (*ўсимлик ҳақида*); бир жойга етмоқ

– عَاسٍ *мн.* عَاسِيَةٌ қуриб қолган, қуруқ

عَسَى имконли (мумкин) бўлмоқ; ~ أَنْ ... эҳтимолки, ...; балки; кошки; илоҳим, шундай бўлсинки, ...; مَاذَا ~ أَنْ يَكُونَ هَذِهِ المَسْأَلَةُ وَ يَا تُرَى؟ савол туғиладики, бу қандай масала бўлиши мумкин?; ~ أَنْ لَا يُصَادِفَ هَذَا الأَمْرُ عَقَبَةً кошки, ишқилиб бу бирор тўсиққа учрамасин.; وَ لَمْ يَنْتَظِرِ الرَّجُلُ مَا عَسَايَ أَقُولُ فَهَزَّ رَأْسَهُ одам менинг дейишимни кутмай, бошини қимирлатди; عَسَايَ أُصَادِفُهُ هُنَاكَ балки уни ўша ерда учратарман

– عَسِيٌّ яроқли, қўлидан келадиган, эплай оладиган; ~ بِأَنْ يَمْنَعَ وُقُوعَ الخَطَرِ хатарнинг олдини олишга яроқли

عش I عَشَّ (а/у) عَشٌّ 1) изламоқ, истамоқ, қидирмоқ; 2) қўлга киритмоқ, тўпламоқ, йиғмоқ; 3) уяда бўлмоқ, қўниб ўтирмоқ; II عَشَّشَ уя қурмоқ; VIII اعْتَشَّ уя қурмоқ

– عُشٌّ *кўп.* عُشُوشٌ, أَعْشَاشٌ уя, ин; ~ النَّمْلِ чумоли уяси (*ини*)

– عُشَّةٌ *кўп.* عِشَشٌ, عُشَشٌ, عِشَاشٌ, أَعْشَاشٌ кулба, фақирона уй, олачиқ

– عُشَيْشٌ *кўп.* عُشُشٌ кулба, фақирона уй, олачиқ

عشب I عَشَبَ (а) عُشْبٌ ёки عَشِبَ (у) عَشَابَةٌ ўт, алаф босмоқ; II عَشَّبَ = I; IV أَعْشَبَ ўт (алаф) ўстиртирмоқ; ~ المَطَرُ الأَرْضَ ёмгирдан сўнг ўт-алаф билан ер қопланди; XII اعْشَوْشَبَ қалин ўт-алаф билан қопланган бўлмоқ

– عَاشِبٌ 1.1) ўт-ўлан билан қопланган; 2) ўтлоқда ўтлаётган; 2. *кўп.* عَوَاشِبُ ўтхўр

– عَشَّابٌ ўсимликшунос, ботаник, ботаника олими

– عَشِبٌ ўт-ўлан (алаф) босган

– عُشْبٌ *кўп.* أَعْشَابٌ *жам.* кўкат, ўт-ўлан; алаф; الذِّئْبِ ~ *бот.* Миср зиғираги; أَعْشَابٌ طِبِّيَّةٌ доривор ўтлар; أَعْشَابٌ ضَارَّةٌ ёввойи ўт-алафлар; أَعْشَابٌ عَطِرِيَّةٌ хушбўй ўтлар, кўкатлар

– عُشْبَةٌ ўт-алаф; ўсимлик; مَغْرِبِيَّةٌ ~ *бот.* ёввойи заъфарон (*зиравор ўсимлик*)

– عُشْبِيٌّ ўт-алафга оид; مَجْمُوعَةٌ ~ـَـةٌ гербарий

– عَشِبٌ = عَشِيبٌ

– مُعْشِبٌ серўт, ўт босган

– مُعْشَوْشِبٌ қалин ўт билан қопланган

عَشْتَرُوتُ *миф.* Астарта

I عَشَرَ (у) عَشْرٌ 1) ўнинчи бўлмоқ; 2) ўндан бир қисмини олмоқ; ушр (*солиқнинг бир тури*) йиғмоқ; II عَشَّرَ 1) ўн қисмга бўлмоқ; 2) ушр йиғдирмоқ; 3) босмоқ, бўғоз қилмоқ; 4) бўғоз бўлмоқ (*туянинг 10 ойлик бўғозлиги, бошқа ҳайвонларнинг 9 ойлик бўғозлиги ҳақида*); ◊ الْحِمَارُ ~ ҳанграмоқ (*эшак ҳақида*); III عَاشَرَ бирга бўлмоқ, жинсий алоқада бўлмоқ; ~ـَتْ رَجُلاً بِغَيْرِ زَوَاجٍ никоҳида бўлмаган эркак билан турмоқ, ўйнаш бўлмоқ; IV أَعْشَرَ 1) ўн ҳосил қилмоқ; 2) бўғоз бўлмоқ (*туя ҳақида*); VI تَعَاشَرَ ўзаро алоқада бўлмоқ, (*ўйнаш бўлиб*) юрмоқ

– أَعْشَارِيٌّ ўнли; كَسْرٌ ~ ўнли каср

– أَعْشُورٌ ўн кунлик, декада

– تَعْشِيرٌ босмоқ, бўғоз қилмоқ

– عَاشِرٌ ўнинчи; ~ا ўнинчидан; 2. ушр йиғувчи

– عَاشُورَاءُ 1) ашуро (*муҳаррам ойининг ўнинчи куни*); 2) ашуро (*муҳаррам ойининг ўнинчи куни тайёрланадиган овқат*)

– عَشَائِرِيٌّ уруғчиликка оид; الْحَيَاةُ الـ~ـَـةُ уруғчилик ҳаёти

– عَشَّارٌ ушр, солиқлар йиғувчи

– عِشَارٌ бўғоз (*от, эшак, туя ҳақида*)

– عُشَارَ عُشَارَ ўнта-ўнтадан

– عُشَارِيٌّ ҳар бири ўнтадан бўлган

– عَشْرٌ ёки عَشَرَةٌ 1. ўн; أَحَدَ عَشَرَ ўн бир; عَشَرَةً عَشَرَةً ўн-ўндан, ўнта-ўнтадан; 2. ўн дона, ўн нафар

– عُشْرٌ *кўп.* أَعْشَارٌ، عُشُورٌ 1) ўндан бир қисм; سَبْعَةُ أَعْشَارٍ ўндан етти (7/10); 2) ушр (*солиқ тури*); عُشُورُ النَّخِيلِ хурмо солиғи

عِشَارٌ *кўп.* عُشَرَاءُ бўғоз (*туянинг 10 ойлик бўғозлиги, бошқа ҳайвонларнинг 9 ойлик бўғозлиги ҳақида*)

– عَشَرَاتٌ *кўп.* ўнлар, ўнликлар

– عَشَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *карт.* ўнлик (*қар. шунингдек:* عَشَرٌ)

– عُشَرَةٌ *кўп.* عُشَرٌ *бот.* asclepias gigantea

– عِشْرَةٌ яқинлик, дўстлик; юришлик

– عِشْرُونَ йигирма; الـ~ йигирманчи

– عُشْرِيٌّ ўнлик; النِّظَامُ الـ~ ёки الطَّرِيقَةُ الـ~ـَـةُ ўнлик саноқ системаси; كَسْرٌ ~ ўнлик каср

– عِشَرِيٌّ дилкаш, одамга эл бўладиган, тез киришиб кетаверадиган

– عِشْرِينِيَّاتٌ = عِشْرِينَاتٌ

– عِشْرِينِيٌّ йигирманчи; الذِّكْرَى الـ~ـَـةُ йигирма йиллик; الْعِيدُ الـ~ йигирма йиллик байрам عِشْرِينِيَّاتٌ *кўп.* йигирманчи йиллар

– عَشِيرٌ *кўп.* عُشَرَاءُ 1) қариндош; عُشَرَاءُ қариндошлар; 2) ўртоқ, улфат

– عَشِيرَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — рафиқа; الْعُمْرِ ~ умр йўлдоши, рафиқа

– عَشِيرَةٌ[2] *кўп.* عَشَائِرُ 1) уруғ, қабила; авлод; 2) қариндош-уруғлар, қариндош

– مُعَاشِرٌ ўртоқ, шерик

– مُعَاشَرَةٌ ўртоқлик, дўстлик; танишув; 2) бирга яшаш, ўйнашлик

– مَعْشَرٌ *кўп.* مَعَاشِرُ йиғин, жамият

– عُشَارَ عُشَارَ = مَعْشَرَ

– عَشْعَشَ уя қурмоқ

I عَشِقَ (а) عِشْقٌ севмоқ, ошиқ бўлмоқ; II عَشَّقَ (*тахталарни*) қулф-калит қилиб ўрнатмоқ (*дурадгор ҳақида*); V تَعَشَّقَ 1) ошиқ бўлмоқ; 2) қулф-калит бўлмоқ (*тахталар ҳақида*); VI تَعَاشَقَ ўзаро қаттиқ боғланган (*жипсланган, киришиб кетган*) бўлмоқ

– تَعْشِيقٌ (тахталарни) қулф-калит қилиб бирлаштириш; *тех.* тишли уланиш

– عَاشِقٌ 1. ошиқ, севиб қолган одам; 2. *кўп.* عُشَّاقٌ мухлис; ~ وَمَعْشُوقٌ ошиқ-маъшуқ (*эшик ёки деразадаги*); لَعِبَ الـ~ ошиқ ўйнамоқ

– عِشْقٌ ишқ, севги, муҳаббат; севиш, ошиқлик

– عَشِيقٌ 1. ошиқ, севимли одам; 2. севган (ошиқ бўлган) одам

– مَعْشُوقٌ = عَشِيقٌ؛ حَجَرٌ ~ *мин.* аметист (*қимматбаҳо тош*)

(عشم) II عَشَّمَ умидвор қилмоқ, умидвор қилдирмоқ; V تَعَشَّمَ умидвор бўлмоқ, таянмоқ

– عَشَمٌ 1) ғаразли ният; қизғончиқлик, бахиллик; 2) умид, орзу

عَشْمَاوِي *халқ.* жаллод (*Мисрда*)

عَشَانَ *халқ.* عَلَى شَأْنِ *нинг қисқартмаси*, учун, ...ни деб, ...нинг учун; бўлсин учун; خَاطِرِي! ~ мени деб!, менинг учун!, менинг ҳурматимдан!

(عشو) I عَشَا (у) عَشْوٌ ёки عَشِيَ (а) عَشًا 1) шапоқ, чала кўрадиган бўлмоқ; шабкўр бўлмоқ; 2) кечқурунги овқатни емоқ, кечлик

қилмоқ; 3) кечаси йўлга чиқмоқ; إِلَى النَّارِ ~ оловни қора торгиб унга томон йўналмоқ; 4) (*бирор н. дан*) юз ўгирмоқ (عَنْ); II عَشَّى кечки овқат бермоқ; IV أَعْشَى шабкўр қилмоқ; V تَعَشَّى кечки овқат қилмоқ

– أَعْشَى *мн.* عَشْوَاءُ *кўп.* عُشْيٌ чала кўрадиган, шабкўр; عَشْوَاءُ кўр урғочи туя; خَبَطَ خَبْطَ الْعَشْوَاءِ (*бирор н. ни*) кўркўрона (*билиб-билмай, таваккалига*) қилмоқ (*сўзма-сўз: кўр урғочи туя каби*); رَكِبَ الْعَشْوَاءَ кўр-кўрона, билиб-билмай; عَلَى نَحْوِ عَشْوَاءَ *маж.* кўр-кўрона иш қилмоқ

– عَشَاءٌ[1] *кўп.* أَعْشِيَةٌ кечки овқат, овқатланиш; الـ~ الرَّبَّانِيُّ *ёки* الـ~ السِّرِّيُّ *дин.* яширин ибодат

– عَشَاءٌ[2] шабкўрлик (*касаллик*)

– عِشَاءٌ 1) кеч, оқшом; 2) кечки ибодат; الـ~ان *икс.* шом ва хуфтон намозлари

– عَشَاوَةٌ кўришнинг заифлиги

– عَشْجِيٌّ *кўп.* عَشْجِيَّةٌ ошпаз, баковул, повар

– عَشْوَائِيٌّ кўр-кўрона, билиб-билмай, таваккалига қилинган; ўйлаб қилинмаган

– عَشْوَةٌ 1) қоронғилик; 2) кечки овқат; الْفَرَحِ ~ тўй зиёфати

– عَشِيٌّ *кўп.* عَشِيَّةٌ = عَشْجِيٌّ

– عَشِيٌّ 1) кеч, оқшом; 2) шом намозидан хуфтон намозигача бўлган пайт

– عَشِيَّةٌ *кўп.* ـــَاتٌ = عَشِيٌّ; ◊ الْعِيدِ ~ ийд (байрам) арафасида; وَضُحَاهَا ~ بَيْنَ бир кунда; жуда тез кунда, тезда

I عَضَّ (عضّ) (а/у) عَضٌّ (*н. нидир*) эзмоқ, босмоқ, қисмоқ (عَلَى)

عَصَّ (и, а) عَصَصٌ, عَصٌّ қаттиқ бўлиб қолмоқ; II عَصَّصَ (*н. гадир*) қаттиқ ишқаламоқ, қисмоқ (عَلَى)

– عُصْعُصٌ, عُصُصٌ *анат.* думғаза, дум суяги

I عَصَبَ (а) عَصْبٌ 1) боғламоқ; ўрамоқ, тугмоқ; 2) боғлаб қўймоқ (*мас., жароҳатни*); الْعَيْنَيْنِ ~ кўзларни боғламоқ; 3) (*бирор к.* ни) ўраб олмоқ, ўртага олмоқ (بِ); II عَصَّبَ тугдирмоқ, ўраб боғлатмоқ; V تَعَصَّبَ 1) ўз бошини боғламоқ; 2) мутаассибона ҳимоя қилмоқ; (*бирор н. да*) мутаассиб бўлмоқ (فِي; *бирор н. ни ҳимоя қила туриб, бирор н. га қарши* عَلَى *ёки* ضِدَّ); 3) иттифоқ ташкил қилмоқ, уюштирмоқ; гуруҳ (*тўда*) ташкил қилмоқ; VIII اعْتَصَبَ 1) тўпланмоқ, бирлашмоқ, уюшмоқ; 2) иш ташламоқ, иш ташлаш уюштирмоқ; локаут (*оммавий ишдан бўшатиш*) эълон қилмоқ; XII اعْصَوْصَبَ 1) (*к. нингдир атрофига*) тўпланмоқ, уюшмоқ (حَوْلَ); 2) қийинлашмоқ, оғирлашмоқ, вазминлашмоқ

– اعْتِصَابٌ *кўп.* ـــَاتٌ иш ташлаш; الـ~ الْعَامُّ оммавий (*умумий*) иш ташлаш; أَرْبَابِ الْعَمَلِ ~ локаут (*оммавий ишдан бўшатиш*)

– تَعَصُّبٌ 1) ўз уруғи, миллати ва ўзига алоқадор бўлган ҳамма нарсага ортиқ даражада бўлган муҳаббат; الـ~ الْوَطَنِيُّ шовинизм; الـ~ الْعُنْصُرِيُّ ашаддий миллатчилик; 2) ашаддий берилганлик, тарафкашлик; мутаассиблик; الـ~ الْقَبَلِيُّ қабилавий (уруғчилик) мутаассиблиги

– عَاصِبٌ (*ота томондан*) қариндошлик

– عُصَابٌ асабий касаллик, невроз

– عِصَابٌ боғ, боғлаш

– عِصَابَةٌ *кўп.* ـــَاتٌ, عَصَائِبُ 1) (*пешонадаги боғ, бинт;* 2) тўда, жиноятчилар гуруҳи; 3) партизан отряди; حَرْبُ الْعِصَابَاتِ партизанлик уруши; رِجَالُ الْعِصَابَاتِ партизанлар

– عَصَبٌ *кўп.* أَعْصَابٌ 1) асаб, нерв; الْحَيَاةِ ~ *маж.* ҳаётий асаблар; ذُو الْأَعْصَابِ الْمُنْهَارَةِ асаби кучсиз, кучсиз асабли; ضُعْفُ الْأَعْصَابِ *кўч.м.* таранг асаблар; الْأَعْصَابُ الْمَشْدُودَةُ неврастения; عِلْمُ الْأَعْصَابِ неврология; الْتِهَابُ الـ~ *мед.* неврит; مَرَضُ جُذُورِ الْأَعْصَابِ радикулит; ضَبَطَ (أَمْسَكَ) أَعْصَابَهُ ўз асабларини қўлга олмоқ (тийиб тура билмоқ); حَطَّمَ أَعْصَابَهُ (*бирор к. нинг ёки ўзининг*) асабларини бузмоқ; فَقَدَ أَعْصَابَهُ унинг асаблари чидаш бермади; у ўзини тутолмади; عَاشَ عَلَى أَعْصَابِهِ асабийлашиб яшамоқ; 2) пай; ◊ قَرَابَةُ ~ (*ота томондан*) қариндошлик

– عُصْبَجِيٌّ *кўп.* عُصْبَجِيَّةٌ тўполончи, урушқоқ, баттол

– عَصْبَةٌ *кўп.* عَصَبَاتٌ, عُصَبٌ рўмол; йўл-йўл чиммат, ёпинчиқ (*қишлоқ аёллари бу билан юзларини беркитиб юрадилар*)

– عَصَبَةٌ: الرَّجُلِ ~ одамнинг ўғиллари

– عُصْبَةٌ *кўп.* عُصَبٌ 1) тўда, гала, нияти бузуқ одамлар тўпи; 2) иттифоқ, лига; гуруҳ; الْأُمَمِ ~ *тар.* миллатлар Лигаси

– عَصَبِيٌّ 1) асабий, асабга оид; *шунингдек* الْمِزَاجِ ~ асабий мизожий; الـ~ أَقْصَى النَّشَاطِ олий асаб фаолияти; الْأَمْرَاضُ الـ~ ـَةُ асаб касалликлари; الْتِهَابٌ ~ неврит; الـ~ ـَةُ التَّهَافُتُ асабнинг ишдан чиқиши (бузилиши); الْأَلَمُ الـ~ невралгия; التَّهَيُّجُ الـ~ асаб қўзғолиши, асабий ҳаяжон; الْجِهَازُ الـ~ асаб системаси; صَدْمَةٌ ~ ـَةٌ асабнинг қақшаши; الضَّعْفُ الـ~ асабларнинг бўшаши, неврастения; الْغِمْدُ الـ~ неврилемма; 2) чайир; кучли; 3) (*ота томондан*) қариндош бўлган

– عَصَبِيَّةٌ 1) бирликни юксак даражада англаш; уруғчилик руҳи, қабилалараро келишолмаслик руҳи; ашаддий тарафкашлик, кўр-кўрона берилганлик, ўзига тегишли ҳар қандай нарсага муҳаббат; ашаддий ватанпарварлик; 3) муросасозлик; الـ~ الدِّينِيَّةُ диний муросасизлик; الـ~ الْعِرْقِيَّةُ иркий муросасизлик; 4) асабийлик; فِي ~ асабий равишда

عَصَوْصَبٌ қаттиқ, оғир, вазмин, қийин; ~ يَوْمٌ қаттиқ (оғир, вазмин) кун

عَصِيبٌ – оғир, машаққатли, айни қизиган; энг қийин; أَيَّامٌ ~ـةٌ айни қизиган (оғир) пайт

مُتَعَصِّبٌ – 1.1) мутаассиб; 2) ғайратли; 2. ғайрати ошиб тошиб ётган одам

عَصَاجٌ гўшт қиймаси

عَصِيدَةٌ кўп. عَصَائِدُ бўтқа, қуюқ шўрва

مَعْصُودٌ – шунингдек: ~ وَرَمٌ мед. атерома (хавфли ўсимта)

عَصَرَ I (и) عَصْرٌ 1) қисмоқ, сиқмоқ; إِنَّ الْأَلَمَ يَعْصِرُ قَلْبَهُ алам унинг юрагини эзади (қисади); 2) (бирор н. ичидан) қисиб (сиқиб) чиқармоқ (مِنْ); ~ الْغَسِيلَ ювилган кирни сиқмоқ; عُصِرَ الْقَوْمُ одамлар устига ёмғир ёғди; II عَصَّرَ 1) қисмоқ, эзмоқ; 2) сиқиб чиқармоқ; III عَاصَرَ (к. билан/дир) ҳамаср бўлмоқ, (к. нингдир) замондоши бўлмоқ, (к. билан/дир) бир вақтда яшамоқ; V تَعَصَّرَ сиқиб (эзиб) чиқарилмоқ; VI تَعَاصَرَ 1) (к. билан/дир) бир вақтда яшамоқ; 2; бир-бирининг қўлини қисишмоқ (بِأَيْدِيهِمْ); VII انْعَصَرَ қисиб (сиқиб) чиқарилган, қисилган, (сиқилган) бўлмоқ; VIII اعْتَصَرَ қисиб (сиқиб, эзиб) чиқармоқ; ~ الْمَالَ мол-дунёни қўлдан чиқармоқ; ~ الْوَالِدُ عَلَى وَلَدِهِ فِي مَالِهِ ота фарзандини мол-мулкига йўлатмади

إِعْصَارَةٌ – сиқиш (мас., ювилган кирни)

عُصَارٌ، عُصَارَةٌ – шира; экстракт; ~ مَعِدِيَّةٌ ошқозон шираси

عَصَّارَةٌ – кўп. ـَاتٌ — исканжа, прес, шира сиқиб чиқарадиган асбоб; ~ الزَّيْتُونِ мойжувоз; кув; ~ الْغَسِيلِ ювилган кирни сиқадиган машина

عَصْرٌ[1] – сиқиб (қисиб, эзиб) чиқариш

عَصْرٌ[2] – кўп. عُصُورٌ аср пайти; кун ўртасидан кейинги пайт; صَلَاةُ الـ~ аср намози; الـ~انِ ик.с. тун ва кун

عَصْرٌ[3] – кўп. عُصُورٌ، أَعْصَارٌ، أَعْصُرٌ аср; давр; عَصْرَئِذٍ ўша (у) даврда; أَهْلُ ~هِ унинг замондошлари; الـ~ الْحِجَارَةِ еки ~ الْحَجَرِيُّ тар. тош асри; ~ بَنِي أُمَيَّةَ Умавийлар даври; ~ الرَّأْسْمَالِيِّ الْمَالِيِّ молия капитали ҳукмронлиги даври; الْعُصُورُ الْوُسْطَى ўрта асрлар; ~ الذَّرَّةِ وَ الْفَضَاءِ атом ва космос асри; ~ الْاكْتِشَافَاتِ الْجُغْرَافِيَّةِ жуғрофий кашфиётлар асри; ~ الْجَلِيدِ кар. جَلِيدٌ; فِي ~ الشَّبَابِ йигитлик (ёшлик) йиллари

عَصَرٌ – тупроқ, чанг

عُصْرَةٌ – шалаббо бўлиб кетган

عَصْرِيٌّ – асрий, асрга мос; замонавий; энг янги

عَصْرِيَّةٌ – 1) асрга мослик; замонавийлик; 2) замон руҳига мос фикрлаш тарзи; модернизм; 3) аср вақти

عَصِيرٌ، عَصِيرَةٌ – кўп. عَصَائِرُ шарбат; экстракт; ~ الْفَوَاكِهِ мева шарбати

مُعَاصِرٌ – 1. ҳозирги замонга оид; 2. замондош

مِعْصَارٌ – кўп. مَعَاصِيرُ исканжа, прес (эзиб, сиқиб чиқариш учун)

مُعْصِرَاتٌ – кўп. ёмғирли булутлар

[illegible] мойжувозхона

مِعْصَرَةٌ – кўп. مَعَاصِرُ исканжа; ~ لِلزَّيْتِ ёғ сиқиб чиқарадиган исканжа (прес)

عَصْرَنَ замонавийлаштирмоқ, модернизация қилмоқ; تَعَصْرَنَ аср вақтида овқатланмоқ

عَصْرُونِيَّةٌ – аср вақти (кун ўртаси билан кечки пайт орасидаги вақт)

عَصْعَصَ 1) курашмоқ; 2) қотган (қаттиқ бўлиб қолган) бўлмоқ

عُصْعُوصٌ = عَصْعَصٌ – кўп. عَصَائِصُ

عَصْعَصَةٌ – 1) кураш; 2) думғаза атрофидаги оғриқ

عُصْعُوصٌ – кўп. عَصَاعِيصُ анат. думғаза

عَصْعُوصٌ = عُصْعُوصٌ

عَصَفَ I (и) عَصْفٌ 1) қаттиқ эсмоқ, кутурмоқ (шамол ҳақида); 2) (к. нидир, н. нидир) олиб кетмоқ, учириб кетмоқ (بِ); 3) қизишмоқ, қизишиб кетмоқ (мас., суҳбат вақтида); IV أَعْصَفَ қаттиқ (кучли) эсмоқ

عَاصِفٌ – кучли (шамол ҳақида); бўронли; шамолли (кун ҳақида); ~ تَطَوُّرٌ кучли ўсиш (тараққиёт)

عَاصِفَةٌ – кўп. عَوَاصِفُ кучли шамол; бўрон; пўртана; ~ رَعْدِيَّةٌ момақалдироқ; أَثَارَ ~ مِنَ التَّصْفِيقِ гулдурос қарсаклар чиқармоқ; اسْتَقْبَلُوهُ بِـ~ مِنَ التَّصْفِيقِ у гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди

عُصَافَةٌ – чори, тўпон (мас., буғдой чориси)

عَصْفٌ – сабзавот, кўкат

عَصْفَةٌ – кўп. عَصَفَاتٌ шамол шиддати

عَصْفَرَ (сарғиш, заҳил рангга) бўямоқ (بِالْعُصْفُرِ); تَعَصْفَرَ бўялмоқ, ранг олмоқ

عُصْفُرٌ – бот. махсар (бўёқ тайёрланадиган ўсимлик); ёввойи шафран; حَبُّ الـ~ махсар уруғи

عَصْفَرَةٌ – (сарғиш, заҳил рангга) бўяш (بِالْعُصْفُرِ)

عُصْفُورٌ – кўп. عَصَافِيرُ 1) қушча; ~ التِّينِ зоол. лойхўрак; ~ الْجَنَّةِ қалдирғоч; ~ دُورِيٌّ чумчуқ; ~ الرُّزِّ зоол. шоли чимчиғи; ~ الشَّوْكِ зоол. жиблажибон; ~ فِي يَدٍ وَ لَا عَشَرَةٌ فِي الشَّجَرِ узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши; 2) кўч.м. олифта; ~ الْقَتَبِ эгар маҳкамланадиган мослама

عُصْفُورَةٌ – ёғоч мих; صَمُولَةٌ بِـ~ тех. ёғочдан ясалган гайка

عُصْفُورِيَّةٌ – олифталик, олифтагарчилик

عَصُوفٌ = عَاصِفٌ –

عَصَلَ I (у) عَصَلٌ букмоқ, эгмоқ

– أَعْصَلُ мн. عَصْلاءُ кўп. عُصْلٌ букилган, эгилган

عَصْلَجَ қаршилик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ, қарши (зид) фаолият кўрсатмоқ

– عَصْلَجَةٌ қайсарлик, бўйсунмаслик

عَصَمَ I (и) عَصْمٌ 1) (н. дандир) тутиб (тўхтатиб) турмоқ (مِنْ); (н. дандир) сақлаб (эҳтиётлаб) турмоқ (مِنْ); ҳимоя қилмоқ; покдомон (иффатли) ҳолда сақламоқ; 2) қорнини дим қилмоқ, ични қотирмоқ; IV أَعْصَمَ 1) мустаҳкамламоқ, хавфсизлантирмоқ; ~ مِنَ الشَّرِّ ёмонликдан эҳтиёт бўлмоқ; 2) (н. гадир) ёпишиб олмоқ (بِ); VII انْعَصَمَ гуноҳсиз (пок) бўлмоқ; VIII اعْتَصَمَ 1) (н. нидир) маҳкам тутмоқ (بِ); (н. дандир) паноҳ истамоқ; ~ بِالصَّبْرِ сабрли бўлмоқ; ~ بِالصَّمْتِ сукут сақламоқ, жим бўлмоқ; 3) (н. га дир) амал қилмоқ, (қандайдир) қоида билан ишламоқ (بِ); ~ بِاللّٰهِ Оллоҳнинг иноятн билан гуноҳдан ўзини тиймоқ; X اسْتَعْصَمَ 1) (н. билан дир) ҳимоя қилинмоқ (بِ); 2) (н. гадир) амал қилмоқ (بِ)

– أَعْصَمُ мн. عَصْمَاءُ кўп. عُصْمٌ 1) оёғида оқ холи бор бўлган; 2) афзал, афзал бўлган, энг яхши; ◊ قَصِيدَةٌ عَصْمَاءُ энг яхши қасида; ~ غُرَابٌ оёқли қарға (жуда кам учрайдиган н. ҳақида)

– عَاصِمٌ сабр-қаноат омили

– عَاصِمَةٌ кўп. عَوَاصِمُ пойтахт, бош шаҳар, бошкент; ~ مِصْرَ الثَّانِيَةُ Ал-Искандария; ~ الأُمَوِيِّينَ тар. Умавийлар пойтахти-Димашқ

– عِصَامٌ кўп. عُصُمٌ, أَعْصِمَةٌ 1) сиртмоқли боғич (қоп, меш ва б. ларда); 2) қулоқ, даста (идишники); 3) (шимни тутиб туриш учун икки елка оша тортиб қўйиладиган) тасма

– عِصَامِيٌّ 1. йўлини ўзи топиб олувчи; 2. фавқулодда катта иқтидор эгаси

– عِصَامِيَّةٌ туғма иқтидорлилик

– عِصْمَةٌ[1] гуноҳсизлик, поклик, покдомонлик, мусаффолик; هُوَ ... فِي ~ مِنْ у ...дан холидир; унда ... (мас., камчилик) йўқ; صَاحِبَةُ الـ~ покдомон (аёлнинг фахрий унвони); 2) ҳимоя, ҳомийлик; هِيَ فِي ~ـه у (аёл) унинг хотинидир (сўзма-сўз: у (аёл) унинг ҳимоясида)

عِصْمَةٌ[2], عِصْمَةٌ кўп. عِصَمٌ 1) бўйинбоғ (мас., итдаги); 2) маржон, ипга ўтказилган мунчоқ

– مِعْصَمٌ кўп. مَعَاصِمُ билак; ~ سَاعَةُ الـ кўл соати

– مَعْصُومٌ кўп. مَعَاصِيمُ 1) сақланаётган; дахлсиз; 2) гуноҳсиз, хатосиз, беайб, бокир; ◊ ~ وَ الْمَرْءُ غَيْرُ одам гуноҳсиз бўлмайди; ~ الْبَطْنِ қабзият билан оғриган

عَصَا I (عصو) (у) عَصْوٌ калтак (асо) билан урмоқ

– عَصًا мн. кўп. عُصِيٌّ, عِصِيٌّ калтак, асо, хасса; ~ السِّتَارَةِ кармок

дастаси (сопи); ~ الْبِلْيَارْدُو кий (бильярддаги); ~ الْقِيَادَةِ дирижёр таёқчаси; ~ سَاحِرٍ ёки الـ~ السِّحْرِيَّةُ фольк. сеҳрли таёқча; ~ الرَّاعِي бот. ирғай; لَعِبُ الـ~ калтакли тортишув, кураш (Шимолий Мисрдаги халқ спорт ўйини); التَّتَابُعِ (الْبَدَلِ) спорт. эстафета таёқчаси, эстафета; ~ اسْتَلَمَ وَ سَلَّمَ التَّتَابُعِ (الْبَدَلِ) эстафетани қабул қилмоқ ва топширмоқ; ~ مُوسَى кур., библ дин. Мусо асоси (ҳассаси); ◊ ~ شَدِيدُ الـ қайсар, саботли; ~ لَوَّحَ بِالـ таёқни ўйнатмоқ, силкитмоқ; ~ لَيِّنُ الـ мулойим, юмшоққўнгил; ~ شَقَّ الطَّاعَةِ исён кўтармоқ, итоатдан чиқмоқ; رَفَعَ عَصَاهُ йўлга чиқмоқ; ~ أَلْقَى التَّرْحَالِ а) тўхтамоқ, дам олиш учун тўхтамоқ (йўлда); б) жойлашмоқ; ~ انْشَقَّتْ هُمْ قِطَعًا улар кучдан қолдилар; ~ تَشَظَّتْ هُمْ улар урушиб қолдилар; وَضَعَ الْعَصَا فِي طَرِيقِهِ йўлга тўғаноқ бўлмоқ

– عَصَاةٌ калтак, таёқ

– عُصَيَّةٌ кўп. ـاتٌ — таёқ, ҳасса (асо)

– عُصَيَّةٌ кўп. ـاتٌ — биол. таёқча, бацилла

عَصَى I (и) عِصْيَانٌ исён қилмоқ, бўйсунмаслик; الْكَلَامُ عَصَاهُ عِنْدَ шَفَتَيْهِ маж. оғзи калимага келмай қолди; عَصَتْ قَدَمَاهُ оёқлари унга бўйсунмасди; II عَصَّى кўтармоқ, исён қилмоқ; III عَاصَى исён кўтармоқ; V تَعَصَّى оғир (қийин) бўлмоқ; VI تَعَاصَى 1) янада қийинлашмоқ, оғирлашмоқ; 2) исён қилмоқ, қаршилик қилмоқ; X اسْتَعْصَى 1) (к. гадир қарши) норозилик билдирмоқ, кўзғолмоқ (عَلَى); (к. гадир; бўйсунмаслик (عَلَى); ~ عَلَيْهِ الْقَوْلُ сўзлари томоғида қолиб кетди; 2) оғир (қийин) бўлмоқ, мураккаблашмоқ; 3) даволаб бўлмайдиган бўлмоқ (касаллик ҳақида)

– عَاصٍ мн. عَاصِيَةٌ кўп. عُصَاةٌ 1. осий, исёнкор, бўйсунмовчи; 2. исёнчи

– عَصِيٌّ кўп. أَعْصِيَاءُ 1. исёнкор, бўйсунмовчи, қийин, оғир; 2. осий, исёнчи

– عِصْيَانٌ исён; бўйсунмаслик

– مُسْتَعْصٍ мн. مُسْتَعْصِيَةٌ 1) (к. учундир) оғир (қийин) бўлган (عَلَى); 2) даволаб бўлмайдиган, бедаво (касаллик ҳақида)

– مَعْصِيَةٌ кўп. مَعَاصٍ 1) қулоқ солмаслик, гапга кирмаслик, бўйсунмаслик; 2) шунингдек: دِينِيَّةٌ ~ гуноҳ, маъсият

عَضَّ I (u/a) عَضٌّ 1) тишламоқ, тишда олмоқ; ~ بَنَانَهُ (أَنَامِلَهُ) (аламдан) ўз бармоқларини тишламоқ; 2) (бирор н. га) ёпишиб олмоқ (بِ); ◊ ~ـهُ олмоқ (بِ) (бирор н. га) ҳиралик билан ёпишиб олмоқ (بِ); ~ـهُ بَنَانُ النَّدَمِ кар. بَنَانُ النَّدَمِ уни надомат туйғулари ўраб олди; عَضَّتْهُ الْفَاقَةُ بِنَابِهَا маж. у қашшоқ кунларни бошидан кечирди; II عَضَّضَ тишлаб олмоқ; الزَّمَانُ замон (қисмат) унга раҳм қилмади; каттиқ тишламоқ; VII انْعَضَّ тишланмоқ, тишланган бўлмоқ

– عَضٌّ тишлаш, тишланиш

– عِضٌّ *жам. бот.* дўлана (*дарахти ва меваси*)

– عِضَاضٌ 1) тишлаш, тишланиш; 2) чақиш (*мас., ари ҳақида*)

– عَضَّاضٌ 1) тишлайдиган, қопоғон, 2) қопоғон, ёмон

– عَضَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ чақиш

– عِضَةٌ *бот.* дўлана тупи

– عَضَّاضٌ = عَضُوضٌ

– مَعْضُوضٌ тишлаб ташланган; азоб чеккан

أَعْضَبُ *мн.* عَضْبَاءُ *кўп.* عُضْبٌ қулоғи ёрилган, қулоғида ёриғи бор; عَضْبَاءُ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туяларининг номи

– عَضْبٌ ўткир, кескир (*қилич, тил ҳақида*)

I عَضَدَ (*у*) عَضْدٌ ёрдам бермоқ, қўллаб-қувватламоқ; الشَّجَرَ ~ дарахтни кесмоқ, дарахтни бутамоқ; II عَضَّدَ = I; III عَاضَدَ ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ; VI تَعَاضَدَ ўзаро ёрдамлашмоқ (кўмаклашмоқ, кўмаклашишмоқ); биргалашиб ҳаракат қилмоқ; VIII اِعْتَضَدَ (*бирор н. билан*); ўзига ёрдам бермоқ (بِ); (*к. нидир*) ўзига ёрдамчи қилиб олмоқ (بِ)

– تَعَاضُدٌ ўзаро ёрдам; الـ~ الاِقْتِصَادِيُّ ўзаро иқтисодий ёрдам

– تَعْضِيدٌ ёрдам, кўмак, қўллаб-қувватлаш

– عِضَادَةٌ *кўп.* عَضَائِدُ томон, ён томон; хўжа девор, таянч; кўприк тирагичи; الْبَابِ ~ эшик ёндори (кесаки ёндори); ~َانِ *ик.с.* квадрат қавслар; وَضَعَ كَلِمَاتٍ بَيْنَ الْعِضَادَتَيْنِ сўзни квадрат қавс ичига олмоқ

– عَضُدٌ 1) ёрдам, қўллаб-қувватлаш; 2) ёрдамчи, кўмакчи

– عَضُدٌ *кўп.* أَعْضَادٌ қўлнинг елкадан билаккача бўлган қисми, *шунингдек.* عَظْمُ الـ~ елка суяги; ◊ شَدَّ ~َهُ кимгадир ёрдам бермоқ; فَتَّ فِي ~ِهِ кимнидир кучсизлантирмоқ (кучдан тойдирмоқ)

– مُعَضِّدٌ ёрдам берувчи, ёрдамчи

– مِعْضَدٌ тирсакдан юқорига тақиладиган билакузук

I (عضل) عَضَلَ (*а*) عَضَلٌ мушакли бўлмоқ; عَضَلَ (*у*) тўсқинлик қилмоқ; (*н. нидир*) қийинлаштирмоқ (عَنْ); الأَيِّمَ ~ аёлнинг турмушга чиқишига тўсқинлик қилмоқ; IV أَعْضَلَ 1) қийин бўлмоқ, ҳал қилиниши оғир бўлмоқ; 2) давосиз (бедаво) бўлмоқ (*касаллик ҳақида*); (*врач-ҳакимни*) чорасиз ҳолда қолдирмоқ (*касаллик ҳақида*)

– عُضَالٌ даволаш қийин бўлган; давосиз, бедаво

– عَضِلٌ мушакли, кучли

– عَضَلٌ мушакли; مَفْتُولُ الـ~ кучли, бақувват

– عَضَلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ мушак; بَاسِطَةٌ ~ тик қиладиган мушак; الـ~ُ الْقَابِضَةُ (الْعَاصِرَةُ) ~ رَاخِيَةٌ бўшаштирадиган мушак; эгадиган мушак

– عَضَلِيٌّ 1) мушакка оид; الـ~ُ التَّمْزِيقُ (التَّمَزُّقُ) пайларнинг чўзилиши; 2) мушакли, кучли

– مُعْضِلٌ қийин чорасиз қолдирувчи

– مُعْضِلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ оғир (қийин) масала, муаммо; қийинчилик

مُعَضَّمٌ *халқ.* суякли, серсуяк

عَضَادٌ *бот.* олхўрига ўхшаш бута ўсимлик

– عَاضِهٌ сеҳргар, жодугар

– عِضَاهَةٌ *кўп.* عِضَاهٌ ҳар қандай тиконли катта дарахт

– عِضَهَةٌ 1) = عِضَاهَةٌ; 2) сеҳр, жоду (*қурайш қабиласи лаҳжасида*)

عِضَاهَةٌ = [1]عِضَةٌ

– [2]عِضَةٌ *кўп.* عِضُونَ 1) ёлғон, ёлғон-яшиқ, бўҳтон; 2) сеҳр, жоду (*қурайш қабиласи лаҳжасида*)

(عضو) II عَضَّى 1) тақсимламоқ, парчаламоқ; الشَّاةَ ~ қўйни нимталамоқ;

– عُضْوٌ *кўп* أَعْضَاءٌ 1) аъзо; أَعْضَاءُ التَّنَاسُلِ таносил аъзолари, жинсий аъзолар; عِلْمُ وَظَائِفِ الأَعْضَاءِ физиология; 2) аъзо; الْحِزْبِ ~ партия аъзоси; رَسْمُ الـ~ аъзолик бадали (взноси); أَصْلِيٌّ (أَسَاسِيٌّ) ~ асосий (ҳақиқий) аъзо; الْمَجْمَعِ الْعِلْمِيِّ ~ фанлар академияси аъзоси, академик; الْمَجْمَعِ الْعِلْمِيِّ الْعَامِلُ ~ фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси; مُرَاسِلٌ ~ мухбир аъзо; فَخْرِيٌّ ~ фахрий аъзо

– عُضْوٌ = عِضْوٌ

– عُضْوَةٌ *кўп.* عُضْوَاتٌ (*қандайдир жамиятга*) аъзо (*аёл киши ҳақида*)

– عُضْوِيٌّ *кимё.* органик; لاَ (غَيْرُ) ~ ноорганик; اِرْتِبَاطٌ ~ узвий алоқа; ~ًا узвий

– عُضْوِيَّةٌ аъзолик; قَبِلَهُ فِي ~ِ الْجَمْعِيَّةِ кимнидир жамият аъзолигига қабул қилмоқ; قَبِلَ دَوْلَةً فِي ~ِ الأُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ давлатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилмоқ

(عضون) تَعَضْوَنَ узвий боғлиқ бўлмоқ

– تَعَضْوُنٌ узвий боғлиқлик

– مُتَعَضْوِنٌ узвий

I (عطب) عَطَبَ (*у*) عَطْبٌ зарар етказмоқ, бузмоқ, йўқ қилмоқ; عَطِبَ (*а*) عَطَبٌ 1) ҳалок бўлмоқ; 2) шикаст топмоқ, бузилмоқ, чиримоқ; II عَطَّبَ 1) қаттиқ шикаст етказмоқ (бузмоқ); ҳалок қилмоқ; 2) бузилмоқ, чиримоқ; ◊ الشَّرَابَ ~ винони хуштаъм қилмоқ; IV أَعْطَبَ зарар (шикаст) етказмоқ, бузмоқ, йўқ қилмоқ; V تَعَطَّبَ яроқсиз ҳолга келмоқ, бузилмоқ; VII اِنْعَطَبَ йўқ бўлиб

кетмоқ; VIII اِعْتَطَبَ = عَطِبَ

– إِعْطَابٌ бузилиш, зарарланиш

– عَاطِبٌ зарарланган

– عَطَبٌ бузилиш, зарар; ҳалокат; ишдан чиқиш; чириш; سَرِيعُ الـ~ тез айнийдиган (бузиладиган)

– عُطُبٌ ёки عُطْبٌ пахта

– عُطْبَةٌ бир бўлак (парча) пахта

– مَعْطُوبٌ, مُعْطَبٌ 1) ишдан чиққан, зарарланган; 2) бузилган, айниган

I عَطَرَ (а) عَطْرٌ 1) ёқимли (муаттар бўй (ҳид) бермоқ, хушбўй бўлмоқ; 2) ўзига атир сепмоқ; II عَطَّرَ хушбўй қилмоқ; (н. гадир) атир сепмоқ (بِ); V تَعَطَّرَ ўзига атир сепмоқ

– عَاطِرٌ хушбўй, муаттар; ◊ ثَنَاءٌ ~ катта мақтов

– عَطَّارٌ аттор, атир-упа моллари билан савдо қилувчи, парфюмер

– عِطَارَةٌ 1; парфюмерлик касби; 2) атир-упа моллари савдоси; 3) атир-упа моллари; مَحَلُّ الـ~ атир-упа дўкони

– عَطِرٌ муаттар бўйли (ҳидли); хушбўй; ◊ سُمْعَةٌ ~ةٌ яхши ном, яхши ном чиқариш

– عِطْرٌ кўп. أَعْطَارٌ, عُطُورٌ атир; эссенция; муаттар бўй (ҳид) берувчи зиравор; бот. ёронгул, атиршок; ~ الْوَرْدِ атиргул мойи

– عِطْرِيٌّ хушбўй, муаттар

– عِطْرِيَّاتٌ кўп. 1) хушбўй моддалар; 2) атир-упа моллари

– مُعَطِّرٌ муаттар, хушбўй, ёқимли бўй (ҳид) тарқатадиган

– مِعْطِيرٌ ўзига кўп атир сепувчи (қуювчи)

عُطَارِدُ астр. Аторуд (Меркурий)

I عَطَسَ (и, у) عَطْسٌ атса (акса) урмоқ, чучкирмоқ; عَطَسَ الصُّبْحُ тонг ота бошлади; II عَطَّسَ 1) чучкиртирмоқ, атса (акса) урдирмоқ; 2) тез-тез атса (акса) урмоқ (чучкирмоқ)

– عَاطُوسٌ чучкиртирадиган тамаки

– عُطَاسٌ чучкириш, атса (акса) уриш

– عَطْسَةٌ кўп. عَطَسَاتٌ атса (акса), чучкириш, чучкирик

– مَعْطِسٌ ёки مَعْطَسٌ бурун

I عَطِشَ (а) عَطَشٌ 1) чанқоқлик (ташналик) ҳис этмоқ, ташна (чанқоқ) бўлмоқ; ичишни хоҳламоқ; 2) (н. нидир) хоҳламоқ (إِلَى); II عَطَّشَ чанқатмоқ, ташна қилмоқ; ◊ ~ الْجِيمَ "ж" товушини "г" деб талаффуз қилмоқ; IV أَعْطَشَ чанқатмоқ, ташна қилмоқ; V تَعَطَّشَ 1) ташна (чанқоқ) бўлмоқ; 2) (н. нидир) қаттиқ хоҳламоқ (لِـ)

– تَعَطُّشٌ ташналик, чанқоқлик; ~ إِلَى الْعِلْمِ илмга чанқоқлик; ~ إِلَى الْمَعْرِفَةِ (бирор н ни) билишга чанқоқлик; ~ إِلَى الدَّمِ қонхўрлик, қонга ташналик

– عَاطِشٌ ташна, чанқоқ

– عُطَاشٌ кучли ташналик, қаттиқ чанқоқлик

– عَطَشٌ 1) ташналик, чанқоқлик; 2) истак, хоҳиш

– عَطِشٌ 1) ташна, чанқоқ; 2) қуруқ, сувсиз (ер ҳақида)

– عَطْشَانُ = عَطِشٌ мн. عَطْشَى кўп. عِطَاشٌ

– عَتَشْجِيٌّ кўп. عَطْشَجِيَّةٌ гўлахи, ўт ёқувчи

عَطْعَطَ қаттиқ кичқирмоқ

– عَطْعَطَةٌ қаттиқ кичқириқ (лар)

I عَطَفَ (и) عَطْفٌ 1) (к. гадир) эгилмоқ, букилмоқ (إِلَى); 2; (к. гадир) кўнгли яқин бўлмоқ, хайрихоҳлик қилмоқ (عَلَى); 3) (к. гадир) ҳамдардлик қилмоқ (عَلَى); (к. гадир) раҳм. (шафқат) қилмоқ (عَلَى); 4) букмоқ; эгмоқ, тахламоқ; 5) грам. (н. гадир) бирикмоқ (عَلَى); 6) (к. дандир) тескари бурилмоқ, юз ўгирмоқ (عَنْ); 7) (к. нидир н. дандир) кўнглини қолдирмоқ, алаҳситмоқ (عَنْ, بِ); 8) (к. нидир н. гадир) яқинлаштирмоқ (عَلَى, بِ); ~ الْوِسَادَةَ ёстиқни букламоқ; II عَطَّفَ 1) эгмоқ, букмоқ; 2) кўнглини яқин қилдирмоқ, хайрихоҳ бўлдирмоқ; 3) букмоқ, тахламоқ; V تَعَطَّفَ 1) (к. гадир) ҳамдардлик кўрсатмоқ, (к. гадир) раҳм-шафқат қилмоқ (عَلَى); 2) (н. нидир қилишга) оқ фотиҳа бермоқ (بِ); 3) тўн (пальто) киймоқ; VI تَعَاطَفَ 1) ҳамдардлик билдиришмоқ; ўзаро хайрихоҳлик қилишмоқ; 2) бирор ким билан бир хил ҳиссиётда бўлишмоқ; 4) грам. бирикмоқ; VII اِنْعَطَفَ 1) эгилган (энгашган) бўлмоқ; эгилмоқ; 2) бурилмоқ; 3) четга чиқмоқ; бир томонга бурилмоқ (мас., автомобиль ҳақида); (к. томонгадир) бурилмоқ (إِلَى); VIII اِعْتَطَفَ устки кийимни (пальтони) киймоқ; X اِسْتَعْطَفَ 1) хайрихоҳлик, (кўнгил яқинлик, муҳаббат) истамоқ (хоҳламоқ); 2) ялтоқилик қилмоқ; кўнглини юмшатмоқ; ~ خَاطِرَهُ кимнингдир раҳмини келтирмоқ (шафқатини қўзғамоқ); 3) (к. дандир) ялиниб (ёлвориб) олмоқ (مِنْ)

– اِنْعِطَافٌ 1) четга чиқиш; 2) эгилган жой, эгилиш, қиялик; 3) мойиллик, хайрихоҳлик; 4) бурилиш; نُقْطَةُ ~ бурилиш нуқтаси (жойи); ~ هَامٌّ فِي تَطَوُّرِ الْحَرَكَةِ الْعُمَّالِيَّةِ ишчилар ҳаракати тараққиётининг муҳим бурилиши

– تَعَاطُفٌ 1) ўзаро ҳамдардлик муносабатлари; (к. гадир) ҳамдардлик (مَعَ); 2) хайрихоҳлик туйғуларининг зоҳир бўлиши; хайрихоҳлик қилиш; хайрихоҳлик; ... نَظَرَ بِعَيْنِ الـ~ إِلَى ...га хайрихоҳлик билан қарамоқ; 3) грам. бирикиш

– عَاطِفٌ 1) эгиладиган; 2) раҳм-шафқатли, хайрихоҳ; 3) бириктирувчи; حَرْفُ ~ грам. боғловчи

– عَاطِفَةٌ кўп. عَوَاطِفُ 1) ҳиссиёт, туйғу, сезги; ~ وَطَنِيَّةٌ

ватантанпарварлик, патриотизм; 2. хайрихоҳлик, меҳр-муҳаббат

– عَاطِفِيٌّ хайрихоҳ туйғули, ҳиссиётли, сентиментал; كَاتِبٌ ~ сентиментал ёзувчи

– عَاطِفِيَّةٌ 1) ҳиссиётлилик, сентименталлик; 2) *адаб.* сентиментализм (XVIII *асрда Оврупо адабиёти ва санъатида пайдо бўлган ижодий метод*)

– عِطَافٌ *кўп.* أَعْطِفَةٌ, عُطُفٌ устки кийим; пальто; *ҳарб.* шинел

– عَطْفٌ 1) бурилиш; букилиш, эгри-бугрилик; 2) сезги, туйғу, ҳис; 3) ҳамдардлик; хайрихоҳ муносабат, хайрихоҳлик, меҳр; نَظَرَ الـ~ نَظْرَةَ ёки الـ~ بِعَيْنِ نَظَرَ (*н. гадир*) хайрихоҳлик билан қарамоқ (إِلَى); 4) *грам.* боғланиш; حَرْفُ ~ الْبَيَانِ *грам.* изоҳловчи; الـ~ (أَدَاةُ) *грам.* боғловчи

– عِطْفٌ *кўп.* أَعْطَافٌ ён, томон, тараф; ثَنَى (ثَنَّى) ~ـهُ عَنْ ... (*к. дандир*) юз бурмоқ, юз ўгирмоқ, (*к. нингдир олдида*) кеккаймоқ, керилмоқ, такаббурлик қилмоқ; لَانَتْ أَعْطَافُهُ унинг кўнгли юмшади; عِطْفَا الرَّجُلِ одамнинг бошдан биқинигача бўлган икки ёни; رَنَّحَ الْعَجَبُ بِنَفْسِهِ رَنَّحَ أَعْطَافَهُ *қар.*

– عَطْفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) бурилиш; 2) тор кўча (*икки ёнма-ён кўчани бирлаштирувчи кичик кўча*)

– عَطُوفٌ севувчи, севгига бой; меҳрибон

– عَطُوفَةٌ яхшилик, раҳм-шафқат; صَاحِبُ الـ~ жаноблари (*мурожаатда*)

– مُتَعَاطِفٌ хайрихоҳ ҳиссиётли; ҳамдардлик кўрсатувчи

– مَعْطِفٌ *кўп.* مَعَاطِفُ бўйин

– مِعْطَفٌ *кўп.* مَعَاطِفُ = عِطَافٌ

– مَعْطُوفٌ *грам.* боғланган

– مُنْعَطَفٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) эгри-бугрилик, букик, айланиш (*жой*); бурилиш (*жой*); 2) кичик кўча, тор кўча

I عَطِلَ (у) عَطَلٌ, عَطَالَةٌ 1) (*бирор н. дан*) ажралган бўлмоқ (مِنْ); 2) ёпиқ бўлмоқ, ишламаётган бўлмоқ (*дўкон, идора ҳақида*); 3) ишсиз бўлмоқ; фаолиятсиз бўлмоқ; II عَطَّلَ 1) ишсиз қолдирмоқ; ташлаб қўймоқ; фаолиятсиз қолдирмоқ; 2) ёпмоқ, тўхтатмоқ (*вақтинча*) тўхтатмоқ (*мас., мажлисни*); тарқатмоқ, жавоб бермоқ (*мас., таътилга*); 3) *мажҳ.* ёпилмоқ, тўхтатилмоқ; 4) яроқсиз ҳолга келтирмоқ, ишдан чиқармоқ, бузмоқ; зарар етказмоқ; 5) халақит бермоқ, тўсқинлик қилмоқ; тўхтатиб қўймоқ; 6) безакдан маҳрум қилмоқ (*аёлни*); 7) тўхтатмоқ, ўчирмоқ (*моторни*); V تَعَطَّلَ 1) қўлланилмай (жорий қилинмай) қолмоқ; *шунингдек.* ~ عَنِ الْعَمَلِ ишсиз қолмоқ (*бўлмоқ*); 2) тўхтамоқ (*мас., кема қатнови*); ишламай қолмоқ (*мас., мотор ҳақида*); ишламаслик (*завод ҳақида*); 3) бузилмоқ, ишдан чиқмоқ (*машина ҳақида*); ~ مِنَ السَّيْرِ йўл (*курс*) дан адашиб кетмоқ (*мас., кема ҳақида*); ~تِ الْمَرْأَةُ аёлнинг бўйни марварид-маржонларсиз қолди

– تَعَطُّلٌ 1) *шунингдек.* ~ عَنِ الْعَمَلِ ишсизлик; 2) ишдан чиқиш; ишламаслик (*мотор*); тўхтаб қолиш

– تَعْطِيلٌ 1) тўхташ; ёпилиш; ~ الْجَرِيدَةِ الْإِدَارِيُّ раҳбарият топшириғи билан газетанинг ёпиб қўйилиши; 2) тарқатиб юбориш; 3) тўхташ, ишламаслик; 4) ўчириш, тўхташ (*мотор*); 5) бузилиш, ишдан чиқиш; 6) атеизм, худосизлик

– عَاطِلٌ 1) (*бирор н. си*) йўқ бўлган, (*н. дандир*); ажралган (مِنْ); 2) фаолиятсиз, бекорчи; ишсиз; ~ بِصُورَةٍ كُلِّيَّةٍ ёки ~ كَامِلٌ тўла (мутлақ) ишсиз; ~ بِصُورَةٍ جُزْئِيَّةٍ ёки ~ جُزْئِيٌّ қисман ишсиз; 3) яроқсиз; 4) зеб-зийнатлари йўқ (*аёл ҳақида*)

– عَطَالَةٌ 1) ишсизлик; 2) инерция, гайриихтиёрийлик

– عَطَلٌ фаолиятсизлик; ~ الْعُمَّالِ ишсизлик

– عُطْلٌ[1] (*бирор н. си*) йўқ, (*бирор н. сидан*) ажралган (مِنْ)

– عُطْلٌ[2] *кўп.* أَعْطَالٌ бузилиш; ишдан чиқиш; ~ وَضَرَرٌ сарфлар ва зарарлар

– عَطْلَانُ 1) бекорчи, ишсиз, 2) яроқсиз

– عُطْلَةٌ 1) фаолиятсизлик, банд эмаслик; ишсизлик; 2) танаффус; таътил; ~ بَرْلَمَانِيَّةٌ парламент таътили; ~ نِهَايَةِ الْأُسْبُوعِ шанбадан душанбагача бўлган дам олиш кунлари, ҳафталик дам олиш кунлари; يَوْمُ ~ ишланмайдиган кун

– عُطَيْلٌ *ат.от, мз.* Отелло

– مُتَعَطِّلٌ бузилган; ишдан чиққан; ишламай турган

– مِعْطَالٌ бекорчи; ишсиз

– مُعَطَّلٌ 1) ишламаётган; ташлаб қўйилган, ишламай ётган (*капитал ҳақида*); 2) ишсиз; 3) ёпиқ; етишиб (эришиб) бўлмайдиган; 4) ишлов берилмаган ер, ишланмаган ер; إِبِلٌ ~ـةٌ эгаси йўқ туя

– مُعَطِّلٌ худосиз, атеист

I عَطَنَ (عطن) (и, у) عَطْنٌ ивитмоқ (*мас., тери, каноп ва б. ларни*); عَطِنَ (а) عَطَنٌ чиримоқ; пўпанак босмоқ; бадбўй бўлмоқ; II عَطَّنَ 1) ивитмоқ; 2) чиритмоқ; 3) сасимоқ (*сув ҳақида*)

– تَعْطِينٌ ивитиш

– عَطَّانٌ ошловчи модда

– عَطْنٌ ивиш

– عَطَنٌ[1] *кўч.м.* 1) ота-она уйи; *кўп.* أَعْطَانٌ 2) туянинг сув ичиш учун чўкадиган жойи; 3) қўйхона, қўй боқиладиган хона; ضَيِّقُ الـ~ қизғончиқ; ضِيقُ الـ~ қизғончиқлик

– عَطَنٌ[2] чириш; пўпанак босиш; ёмон ҳид

– عَطِنٌ, عَطِينٌ чириган; пўпанак босган; ёмон ҳидли, бадбўй

– مَعْطِنٌ *кўп.* مَعَاطِنُ ёки مَعْطَنٌ = عَطَنٌ

I عَطَا (عطو) (у) عَطْوٌ олмоқ; қабул қилмоқ; III عَاطَى бермоқ; IV أَعْطَى 1) бермоқ; таклиф қилмоқ; أَعْطَاهُ حَقَّهُ кимгадир ҳақини бермоқ; مَا ~ وَلَا أَخَذَ *маж.* у на ҳа, на йўқ демади; 2) ҳадя қилмоқ; *мажҳ.* олинмоқ; V تَعَطَّى 1) (*банкда*) операция бажармоқ; 2) садақа сўрамоқ; VI تَعَاطَى 1) ундирмоқ, олиб қолмоқ, олмоқ; 2) ичмоқ, тановул қилмоқ, қабул қилмоқ (*мас., дорини*); ~ الْخَمْرَ ароқ ичмоқ,

маст бўлмоқ; (الْحَشِيش) الْأَفْيُون ~ хашиш чекмоқ; наркотик моддалар истеъмол қилмоқ; 3) (*бирор н. билан*) шуғулланмоқ, (*иш*) олиб бормоқ, юритмоқ; (*бирор иш*) бажармоқ (*қилмоқ-мас., табиблик*); الْأَعْمَال ~ иш билан машғул бўлмоқ (шуғулланмоқ); الرِّيَاضَة ~ спорт билан шуғулланмоқ; السِّيَاسَة ~ сиёсат билан шуғулланмоқ; الْمُحَامَاة ~ адвокатлик қилмоқ, адвокат бўлиб ишламоқ; صِنَاعَة الصَّيْدَلَة ~ дорихона (аптека) эгаси бўлмоқ; بِالْقِمَار ~ қимор ўйнамоқ; картавоз бўлмоқ; X اسْتَعْطَى сўрамоқ; хайр-эҳсон сўрамоқ

— اسْتِعْطَاء гадойчилик, тиланчилик

— إِعْطَاء *кўп.* ات — бериб қўйиш; бериш, бўлиб бериш, тарқатиш; таклиф қилиш (*мас., савдода баҳо, шарт*)

— تَعَاطٍ 1) машғулот, машғуллик, шуғулланиш; 2) ичиш, истеъмол қилиш; 3) (*дори*) ичиш, қабул қилиш

— عَطًا *кўп.* عَطَاوَات совға, ҳадя, тухфа

— عَطَاء *кўп.* أَعْطِيَة, عَطَاءَات 1) бериб қўйиш; ато этиш, совға қилиш; совға, ҳадя, тухфа; хайр-эҳсон; 2) таклиф (*савдода баҳо ва шартлар*)

— عَطِيَّة *кўп.* عَطَايَا совға, ҳадя, тухфа

— مُسْتَعْطٍ *мн.* مُسْتَعْطِيَة 1. сўровчи, тиловчи; 2. тиланчи, гадо

— مُعْطٍ *мн.* مُعْطِيَة 1. берувчи; 2. юборувчи, жўнатувчи (*мас., телеграммани*); ҳадя, совға қилувчи

— مِعْطَاء сахий, саховатли

— مُعْطِيَة совға, ҳадя, тухфа (*Шимолий Африкада*)

— مُعْطَيَات *кўп.* маълумотлар (*мас., статистик*)

(عظل) III عَاظَلَ 1) тушунарсиз (ноаниқ) гапирмоқ *ёки* ёзмоқ; 2) қўшилишмоқ, жуфтлашмоқ (*итлар ҳақида*)

— مُعَاظَلَة тушунарли эмаслик, ноаниқлик, ноизчиллик (*нутқ, услуб ҳақида*)

عِظْلِم *бот.* (*бўёқ тайёрланадиган*) излим ўсимлиги

I عَظُمَ (*у*) عِظَم 1) улуғ (буюк, катта, ўлкан) бўлмоқ; 2) аҳамиятли (муҳим) бўлмоқ; 3) (*к. учундир*) жиддий (хавфли) бўлмоқ (عَلَى); II عَظَّمَ 1) ҳурматламоқ, ҳурмат кўрсатмоқ; 2) улуғламоқ, шарафламоқ, мақтамоқ; 3) ошириб (орттириб) кўрсатмоқ; (*бирор н. ни*) катта (муҳим, аҳамиятли) деб тасаввур қилмоқ; IV أَعْظَمَ 1) эҳтиром кўрсатмоқ, ҳурмат кўр сатмоқ; 2) муҳим (жиддий) деб ҳисобламоқ; 3) катталаштирмоқ, катта қилмоқ; V تَعَظَّمَ 1) ҳурмат қилинмоқ, 2) (*н. биландир*) фахрланмоқ; мақтанилмоқ, шуҳрат тутмоқ; 3) суякка айланмоқ, суяк бўлиб қолмоқ; VI تَعَاظَمَ 1) катта (аҳамиятли, муҳим, жиддий) бўлиб қолмоқ; 2) аста-секин катталашмоқ (кучаймоқ), кучи ортмоқ; 3) кеккаймоқ, кибрланмоқ; فِي مِشْيَتِه ~ кибр билан (кибрланиб) юрмоқ; X اسْتَعْظَمَ 1) катта деб ҳисобламоқ; 2) муҳим (аҳамиятли) деб ҳисобламоқ; 3) ўткирлашмоқ; 4) фахрланмоқ, гердаймоқ, кибрланмоқ

— إِعْظَامَة турнюр (*аёллар кўйлаги остига белдан пастроққа қўйиб кийиладиган ёстиқсимон н.*)

— أَعْظَم *мн* عُظْمَى *кўп.* أَعَاظِم 1) энг улуғ, энг буюк; أَعَاظِمُ النَّاسِ энг буюк кишилар (одамлар); 2) энг катта; максимал; 3) энг муҳим; ◊ الْخِيَانَةُ الْعُظْمَى давлатга қилинган хиёнат, давлат хоинлиги

— تَعَاظُم аста-секин катталашиш (ўсиш)

— تَعَظُّم 1) кибрлик, гердайганлик; 2) суякдай қотиб қолиш

— تَعْظِيم улуғлаш, мақташ, ҳурмат қилиш; *ҳарб.* саломлашиш

— إِعْظَامَة = عِظَامَة

— عِظَامِيّ 1. обрў-эътиборли (қадимий, зодагонлардан) бўлган; 2.(*зодагонлардан бўлгани учун*) бой-бадавлат (гуллаб-яшнаб) яшаётган одам

— عِظَم, عُظْم 1) катта ҳажм; катталик; муаззамлик; 2) муҳимлик

— عَظْم *жам. кўп.* عِظَام суяклар; (اللَّوْح) الْكَتِف ~ елка суяги, курак; لِينُ الْـ ~ *мед.* рахитизм, суякларнинг юмшаб қолиши; فَخِذِيّ ~ ёнбош, тос

— عَظْمَة *кўп.* عَظْمَات суяк, кичик суякча, қилтаноқ

— عَظَمَة 1) улуғворлик; фазилат; مَرَضُ الْـ ~ *мед.* паранойя (*руҳий касаллик*) 2) ифтихор, фахрланиш; 3) азаматлилик; 4) жаноб олийлари (*султонга мурожаатда*)

— عَظَمُوت улуғлик, қудратлилик

— عَظْمِيّ 1) суякли, суякка оид; هَيْكَل ~ скелет; وَرَم ~ *мед.* остеома (*илик, суяк яллиғланиши*); 2) суякдор, суяги бузуқ

— عَظِيم *кўп.* عُظَمَاء, عِظَام 1) улуғ, буюк, азим; الْجَلَال ~ улуғвор; الْأَهَمِّيَّة ~ биринчи даражали аҳамиятли; 2, улкан, жуда катта; 3) таниқли, машҳур; 4) муҳим, жиддий; 5) азамат, ажойиб; ~! зўр!, ажойиб, жуда соз!

— عَظِيمَة *кўп.* عَظَائِم 1) муҳим (катта) воқеа (иш); 2) бало, фалокат, офат

— مُتَعَظِّم 1) кеккайган, гердайган, ўзини катта тутадиган; 2, суякка айланган, суяк бўлиб қолган

— مُعْظَم (*бирор н. нинг*) катта (асосий) қисми; ـهُمْ ~ уларнинг катта қисми (кўпчилиги)

— مُعَظَّم донгдор, шуҳратли; улуғ, муаззам; 2) суякли

— مُعْظِمَة қаттиқ фалокат, катта офат

عَظَاءَة *кўп.* عَظَاء калтакесак

— عَظَاءَة = عَظَايَة

عِظَة *кар.* وعظ

I عَفَّ (عفّ) [1]عَفَّ (а/и) عِفَّة 1) иффатли (бокира) бўлмоқ; (*ҳар қандай ёмонликлардан*) ўзини тиймоқ (عَنْ); [2]عَفَّ (*и/у*) عَفّ тўпланмоқ, йиғилмоқ; IV أَعَفَّ фазилат эгаси қилмоқ, ҳимматли қилмоқ; V تَعَفَّفَ офиятли (яхши фазилатли) бўлмоқ; 2) (*н. дандир*) тийилмоқ, ўзини тиймоқ (فِي); 3) камтарлик қилмоқ; X اسْتَعَفَّ = I

— أَعَفّ энг офиятли, энг яхши фазилатли, мусаффо; айбсиз, камчиликсиз

– تَعَفُّفٌ 1) тийилиш, ўзини тутиш; 2) офият, яхши фазилат, иффат, камтарлик

– عَفٌّ офиятли, иффатли, мусаффо; камтар

– عَفَافٌ офият, яхши фазилат, иффат, мусаффолик, иффатлилик; камтарлик

– عِفَّةٌ 1) иффат, офият, яхши фазилат; نِطَاقُ الـ~ *тар.* иффат белбоғи; 2) тийилиш, ўзини тийиб туриш

– عَفِيفٌ *кўп.* أَعِفَّاءُ яхши фазилатли, иффатли, мусаффо; камтар

– عَفِيفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ، عَفَائِفُ *мн.* عَفِيفٌ *дан*

عَفَارِ! офарин, қойил!, яшавор!

I عَفَرَ (*и*) عَفْرٌ 1) (*тупроқ*) суртмоқ, ифлос қилмоқ; чанг бостирмоқ, чанг қўндирмоқ; 2) чанглатмоқ (*хурмоларни*); II عَفَّرَ 1) чанглатмоқ, чанг билан қопламоқ; 2) чанглатмоқ, (*бирор н.*) сепмоқ; بِالْكِبْرِيتِ ~ (*ўсимликка*) олтингугурт сепмоқ; 3) камситмоқ; уялтирмоқ; 4) бошоқ термоқ; 5) оқ нарсага алмаштирмоқ; III عَافَرَ курашмоқ; V تَعَفَّرَ чангланмоқ, чанг босмоқ, чанг билан қопланмоқ

– أَعْفَرُ[1] *мн.* عُفْرٌ *кўп.* عَفْرَاءُ тупроқ рангидаги, кулранг; оқиш, оқимтир

– أَعْفَرُ[2] қизил рангли қум

– عَفَارٌ чақмоқтош сифатида ишлатиладиган дарахт

– عَفَارٌ чанг, ғубор

– عَفَّارٌ (*хурмоларда ишлатиладиган*) чанглатгич

– عَفَّارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — чанглатгич; пульверизатор

– عَفَرٌ чанг, ғубор

– عَفْرٌ، عِفْرٌ 1) ёввойи тўнғиз, қобон; 2) тентак, айёр одам

– عُفْرَةٌ ёл (*мас., шердаги, отдаги*); الدِّيكِ ~ хўроз тожи

– مَعَافِرُ Ҳамадондаги маҳалланинг номи (*аҳолиси тиккан кийими билан машҳур*)

– مَعَافِرِيٌّ: ~ ثَوْبٌ жуда яхши тикилган кийим

– يَعْفُورٌ *кўп.* يَعَافِيرُ (*кулранг*) кийик

(عفرت) تَعَفْرَتَ жаҳлдор бўлмоқ, жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ

– عَفْرَتَةٌ 1) жаҳлдорлик, ғазабноклик; 2) шайтонлик, ифритлик; 3) ёмон қилмиш, ёмон ниятли ҳатти-ҳаракат

– عِفْرِيتٌ *кўп.* عَفَارِيتُ 1. *шунингдек:* نِفْرِيتٌ ~ (*шайтондай*) айёр; 2.1) дев, ажина, шайтон, ифрит; 2) шайтонча (*ўйинчоқ*); 3) *карт.* энг катта кузур; 4) шайтон, шайтонвачча (*шўх ўғилча ҳақида*); ◊ عَلَى كَفِّ ~ ғоят ёмон

– عِفْرِيَتَةٌ 1) ялмоғиз, ажина; 2) домкрат; кўтарма кран; 3) иш кийими, коржома; زَرْقَاءُ ~ кўк кийим, иш кийими

– مُعَفْرَتٌ жин урган; қутурган

I عَفَشَ (*и*) عَفْشٌ тўпламоқ, йиғмоқ; II عَفَّشَ йиғмоқ, бир жойга тўпламоқ (*эски-тускини*)

– عُفَاشَةٌ 1) эски-туски, супринди; 2) қаланғи-қасанғилар

– عَفْشٌ 1) юк, багаж; 2) уй-жой жиҳози, мебель

– عَفِشٌ *халқ* ифлос, исқирт

عِفَاصٌ (*шиша*) қопқоқ, қопқоқ

– عَفْصٌ мози (*сиёҳ тайёрланадиган ёнғоқ ва унинг меваси*)

– عَفِصٌ қимизак, туруш

– عُفُوصَةٌ қимизак таъм, туруш таъмлик

عُفَاطَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — аффота (*найнинг бир тури*)

I عَفَقَ (*и*) عَفْقٌ мусиқий асбобларни чалаётган вақтда торларни босмоқ

I عَفِنَ (*а*) عَفَنٌ чиримоқ, ачимоқ, бузилмоқ; الْحَبْلُ ~ арқон намликдан узилди; II عَفَّنَ чиримоқ; пўпанак босмоқ; V تَعَفَّنَ ачиган (*чириндига айланган*) бўлмоқ; ачиб кетмоқ

– تَعَفُّنٌ ачиш, чириш; пўпанак; مُضَادٌّ لِلـ~ чиришга қарши, чиришни тўхтатадиган

– عَفَنٌ ачиш, чириш; ◊ أَبُو ~ *зоол.* Америка сассиқкўзани

– عَفِنٌ чириган; ачиган; أَمْرَاضٌ ~ـَةٌ септик касалликлар

– عُفُونَةٌ ачиш; чириш; чириклик

– عَفِنٌ = مُعَفَّنٌ

I (عفو) عَفَا (*у*) عَفْوٌ 1) ўчирмоқ, текисламоқ; 2) (*к. нидир*) афв этмоқ, кечирмоқ (عَنْ); عَفَا اللهُ عَنْهُ وَ عَنَّا جَمِيعًا! Оллоҳ уни ва у билан бирга бизни кечирсин!; 3) (*н. дандир*) ўзни тиймоқ (عَنْ); 4) қуламоқ, йўқ бўлмоқ; الْمَنْزِلُ ~ уй қулаб тушди; 5) йўқ қилмоқ, вайрон қилмоқ; الشَّعْرُ ~ соч ўсмоқ; II عَفَّى 1) ўчирмоқ, текисламоқ; عَلَيْهِ الزَّمَنُ ~ вақт ўтиши билан яроқсиз ҳолга келмоқ; эскимоқ, эскирмоқ; 2) (*к. нидир*) афв этмоқ, кечирмоқ (عَنْ); 3) йўқ қилмоқ, вайрон қилмоқ; III عَافَى 1) даволамоқ; соғликни тикламоқ; 2) (*н. дандир*) озод қилмоқ, қутқармоқ (مِنْ، عَنْ); 3) соғ-саломатлик тиламоқ; 4) *мажҳ.* соғаймоқ, тузалиб кетмоқ; ◊ عَافَاكَ! *ёки* عُوفِيتَ яшавор, офарин!, жуда соз!; IV أَعْفَى 1) (*н. дандир*) озод қилмоқ, қутқазмоқ (عَنْ); 2) мусодара қилмоқ, истеъмолдан чиқармоқ; 3) шифо бермоқ, тузатмоқ, дардига даво бермоқ; V تَعَفَّى 1) ўчирилмоқ, текисланмоқ; 2) йўқ бўлмоқ, ер билан яксон (теп-текис) бўлмоқ; VI تَعَافَى тузалмоқ, соғаймоқ; VIII اِعْتَفَى илтифот сўраб келмоқ; X اِسْتَعْفَى афв (кечирим) сўрамоқ; 2; (*қаердандир*) истеъфога чиқмоқ (مِنْ)

– اِسْتِعْفَاءٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) афв этиш (кечириш) ҳақида илтимос; 2) истеъфо; (*қатордан*) чиқиб кетиш, чиқиш

– إِعْفَاءٌ 1) қутилиш, озод бўлиш; مِنَ الضَّرِيبَةِ ~ солиқдан озод

бўлиш; ~ مِنَ الخِدْمَةِ العَسْكَرِيَّةِ ҳарбий хизматдан озод бўлиш; 2) мусодара

– عَافٍ[1] *мн.* عَافِيَةٌ ўчирилган, босилиб кетган, йўқолган (*из ҳақида*); رَسْمٌ *кар.* رُسُومٌ عَافِيَةٌ

– عَافٍ[2] *кўп.* عَافِيَةٌ, عُفَاةٌ келувчи, ташриф этувчи, меҳмон

– عَافِيَةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ, عَوَافٍ — келувчи аёл, ташриф этувчи аёл, аёл меҳмон

– عَافِيَةٌ[2] *кўп.* عَوَافٍ саломатлик; яхши кайфият, эсон-омонлик, бардамлик; куч-қудрат, қурб, офият

– عَفَاءٌ 1) чанг, ғубор; 2) йўқ бўлиш; ҳалокат, ҳалок бўлиш عَلَيْهِ الـ~ у ҳалок бўлди

– عَفْوٌ 1) афв, кечирим; шафқат қилиш; амнистия; ~ عَامٌّ *ёки* ~ شَامِلٌ афви умумий, оммавий амнистия; ~ا ғайриихтиёрий (истамаган) ҳолда; тасодифан, кутилмаганда; ~ا! *ёки* الـ~! а) узр!, кечирасиз!, афв этинг:; б) арзимайди! (*ташаккурга жавобан айтилади*); 2) ортиқчалик, кўплик (*пул ҳақида*); 3) нафақадан ортиб қолган маблағ; أَعْطَى ~ مَالِهِ мол-мулкини (*биров*) сўрамаса ҳам бериб юбормоқ; ~ الخَاطِرِ ўйлаб ўтирмай; узоқ ўйлаб ўтирмасдан, бирданига

– عَفُوٌّ шафқатли, раҳмдил, кечиримли

– عَفْوِيٌّ инстинктив; стихияли, ўз-ўзидан, истамаган ҳолатда; بِشَكْلٍ ~ стихияли равишда, уюшмаган ҳолда

– عَفْوِيَّةٌ стихиялилик, истамаган ҳолда; ўз-ўзидан бўлишлик

– عَفِيٌّ соғлом, куч-қувватли, кучли

– مُعَافَاةٌ 1) соғайиш, тузалиш; яхши соғлик; 2) (*н. дандир*) озод бўлиш, қутилиш (مِنْ, عَنْ); мусодара

– مُعَافًى 1) соғлом, саломат; 2) (*н. дандир*) озод бўлган (қутилган) (مِنْ, عَنْ); ◊ ~ (و) سَلِيمٌ (سَالِمٌ) соғ-саломат

I عَقَّ (عَقّ) عَقَّ[1] (а/у) бўлмоқ, ажратиб ташламоқ; عَقَّ[2] (а/у) гапга кирмайдиган (қайсар) бўлмоқ; бўйсунмаслик; қулоқсиз бўлмоқ; ~ عَنِ الوَلَدِ 1) фарзанднинг туғилганига бир ҳафта бўлгач жонлиқ сўймоқ, 2) фарзанднинг туғилганига бир ҳафта бўлгач сочини олдириш маросимини ўтказмоқ

– عَاقٌّ гапга кирмайдиган, ўжар, ҳурмат қилмайдиган, ота-онасига оқ бўлган (*ўғил ҳақида*)

– عَقٌّ гапга кирмайдиган

– عَقَّةٌ чақмоқ чақиши, яроқлаши

– عَقَّةٌ 1) чақалоқнинг туғилганида мавжуд бўлган сочи; 2) бола туғилганидан бир ҳафта ўтгач сочини олиш маросимида сўйиладиган қўй

– عَقُوقٌ жуда қулоқсиз, жуда ўжар, жуда ҳурмат қилмайдиган

– عُقُوقٌ қулоқ солмаслик, гапга кирмаслик, ўжарлик

– عَقِيقٌ[1] *жам. мин.* (*шунингдек:* ~ أَبْيَضُ) ақиқ, халседон; ~ أَحْمَرُ қизил ақиқ, сердолик; ~ أَخْضَرُ сариқ ақиқ, гелиотрон; ~ يَمَانِيٌّ Яман ақиқи, агат, оникс

– عَقِيقٌ[2] = عَقَّةٌ

– عَقِيقَةٌ[1] *кўп.* عَقَائِقُ *мин.* ақиқ (халседон) парчаси

– عَقِيقَةٌ[2] *кўп.* أَعِقَّةٌ чуқур дара, тор тоғ оралиғи, тор дара

– عَقِيقَةٌ[3] = عَقَّةٌ

I عَقَبَ (у) عَقَبَ 1) (*к. ёки н. нингдир*) изидан бормоқ; 2) ворис бўлмоқ, мерос қилиб олмоқ; 3) (*н. нидир*) кейин қилмоқ (بِ); ~ بِبَرْسِيمٍ кейин у беда экди; II عَقَّبَ 1) изидан бормоқ; 2) таъқиб қилмоқ, изидан қувиб юрмоқ; 3) (*н. нидир*) шарҳламоқ (عَلَى); ~ عَلَى الحَوَادِثِ воқеа-ҳодисаларни шарҳламоқ; 4) (*к. нидир*) танбеҳламоқ, койимоқ, қораламоқ (عَلَى); ◊ ~ فِي الصَّلَاةِ намозни ўқиб бўлгандан кейин дуо *ёки* бошқа мақсадда ўлтиришда давом этмоқ; III عَاقَبَ 1) таъқиб қилмоқ; 2) (*н. учундир*) жазоламоқ (بِ, عَلَى); 3) кетма-кет алмаштирмоқ, навбатлаштириб турмоқ; IV أَعْقَبَ 1) (*к. гадир н. гадир*) эргашмоқ; 2) (*н. нидир*) кузатиб бирга бормоқ; 3) авлод (избосар) қолдирмоқ; 4) (*н. нидир*) пайдо қилмоқ, келтириб чиқармоқ; 5) (*маънавий жиҳатдан*) тузалмоқ; V تَعَقَّبَ 1) изма-из бормоқ; 2) таъқиб қилмоқ; 3) кузатмоқ, текширмоқ; диққат билан ўрганмоқ; 4) гуноҳига яраша жазоламоқ; VI تَعَاقَبَ 1) бир-бирининг ортидан (изма-из) бормоқ; кетма-кет алмашиб турмоқ; алмашинмоқ; 2) ўтмоқ, ўтиб бормоқ (*вақт ҳақида*); VIII اعْتَقَبَ (*к. нингдир н. нингдир*) изидан бормоқ, эргашмоқ; ~ البَائِعُ السِّلْعَةَ нархи аниқлангунича сотувчи товарни харидордан яшириб турди

– تَعْقِيبٌ 1) (*қонун бўйича қилинган*) таъқиб; 2) шарҳ

– تَعَاقُبٌ 1) изма-из (кетма-кет) юриш; кетма-кет алмашиниш; алмашиниб туриш; بِالـ~ *ёки* عَلَى الـ~ кетма-кет; орқама-орқа; навбати билан; 2) ўтиш, ўтиб бориш (*вақт ҳақида*); مَعَ ~ الأَيَّامِ вақт ўтиши билан, вақт ўтган сари

– عَاقِبٌ *тар.* ноиб, ўринбосар; вакил

– عَاقِبَةٌ *мн.* عَوَاقِبُ оқибат, натижа; حُسْنُ الـ~ яхши оқибат, яхши натижа; ذُو العَوَاقِبِ البَالِغَةِ юксак натижаларга эга бўлган

– عُقَابٌ *мн. кўп.* عِقْبَانٌ бургут; الـ~ а) *астр.* Уқоб юлдузлар туркуми; б) *тар.* Уқоб (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам байроқларининг номи*); الـ~ الذَّهَبِيُّ бургут; الـ~ المُلْتَحِي *зоол.* соқолли болтаютар (*қарчиғайсимонлар оиласига мансуб йирик йиртқич қуш*); أَبْصَرُ مِنْ ~ *мтл.* бургутдан ҳам кўзи ўткир

– عِقَابٌ *кўп.* ـاتٌ жазо; وَقَعَ الـ~ عَلَيْهِ *ёки* أَنْزَلَ الـ~ بِهِ кимгадир жазо бермоқ

– عُقَابِيٌّ бургутга оид

– عِقَابِيٌّ жиноятга оид; жазолашга (жазога) оид

– عَقِبٌ, عَقْبٌ *кўп.* أَعْقَابٌ 1) оёқ кафти (ости); 2) ўғил; авлод; ◊

~ الْبَابِ эшик ошиқ-маъшуғи; ~ الْبُنْدُقِيَّةِ милтиқнинг елкага тираладиган жойи (*қўндоқ*); عَقِبَ (عَقْبَ) ذٰلِكَ ундан кейин; رَأْسًا ~ عَلَى бош-оёқ, остин-устун; فِي أَعْقَابِ هٰذَا الْحَادِثِ бу ҳодисадан кейиноқ; رَجَعَ عَلَى عَقِبَيْهِ (رَجَعُوا عَلَى أَعْقَابِهِمْ) орқага, кетга қайтмоқ; رَدَّهُ عَلَى عَقِبَيْهِ (رَدَّهُمْ عَلَى أَعْقَابِهِمْ) бирор кишини ҳайдамоқ (ҳайдаб юбормоқ); кимнидир чекинтирмоқ, чекинишга мажбур қилмоқ

عُقْبٌ – *кўп.* أَعْقَابٌ 1) охир-оқибат, натижа; 2) қолдиқ; ~ السِّجَارَةِ (папирос, сигарета) қолдиғи; ~ الشَّمْعَةِ шам қолдиғи; ~ قَلَمِ الرَّصَاصِ қалам қолдиғи, калта қалам; 3) нимхат, корешок (*мас., квитанциянинг йиртиб берилган қисми*); جِئْتُ فِي ~ شَهْرِ رَمَضَانَ мен рамазон ойи ўтганидан кейин келдим

[1]عَقَبَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ 1) тўсиқ, тўғаноқ; أَزَاحَ عَقَبَاتٍ тўсиқни йўқ қилмоқ; 2) қийинчилик

[2]عَقَبَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ، عِقَابٌ тоғдаги ўтиш йўли, тоғ йўли, тор дара; тик кўтарилиш

عُقْبَةٌ – *кўп.* عُقَبٌ 1) натижа, охир, оқибат; 2) десерт (*овқатдан кейин ейиладиган мева*); 3) навбат

عُقْبَى – 1) оқибат, охир; وَقَعَ مَا لَا تُحْمَدُ عُقْبَاهُ охирида ёмон оқибатлар пайдо бўладиган воқеа юз берди; 2) қилинган ишларга яраша олинган мукофот

عُقُوبَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ 1) жазо; ўч; азоб; قَانُونُ الْعُقُوبَاتِ жиноятлар ҳақида қонун; أَوْقَعَ الـ~ عَلَى ... ...ни жазога тортмоқ; فَرَضَ ~ مَالِيَّةً (*к. гадир*) жарима солмоқ (عَلَى); 2) таъқиқлар, жазолар; عُقُوبَاتٌ اقْتِصَادِيَّةٌ иқтисодий таъқиқлар, жазолар, санкциялар

عُقُوبِيٌّ – жиноий; жазолашга (жазога) оид

عَقِيبٌ – (*к. ёки н. нингдир*) ортидан келадиган (бериладиган); ~ الطَّعَامِ овқатдан кейин

عُقَيْبٌ – бургут боласи

مُتَعَاقِبٌ – 1) кетма-кет келувчи, бир-бири билан алмашиниб турувчи; الْأَجْيَالُ الـ~ـةُ кетма-кет келувчи авлодлар; 2) тўхтовсиз; доимий келиб турадиган

مُعَاقَبٌ – 1) таъқиб қилинувчи; 2) жазоланадиган, жазоланувчи; الْأَعْمَالُ الـ~ عَلَيْهَا قَانُونًا қонунга асосан жазоланадиган ҳаракатлар (қилмишлар)

مُعَاقِبٌ – жазоловчи, жазолайдиган

مُعَاقَبَةٌ – 1) таъқиб, таъқиб қилиш; 2) жазо; 3) алмашиниш

مُعَقَّبٌ – пойгирли, пойгири бор; صَفَحَاتُ الْمَخْطُوطِ الـ~ـةُ қўлёзманинг пойгирли саҳифалари (*қўлёзмаларда кўпинча навбатдаги саҳифадаги биринчи сўз ундан олдинги саҳифанинг энг остига ёзиб қўйилади. Шу пойгир дейилади*)

مُعَقِّبٌ – шарҳчи, обзорчи

مُعَقِّبَاتٌ – *кўп.* кунда ва тунда алмашиб турадиган фариштлар

يَعْقُوبٌ – *кўп.* يَعَاقِيبُ каклик

يَعْقُوبُ – *ат.от.* *мз.* Яъқуб; Яков; *библ.* Иаков

يَعْقُوبِيٌّ – *кўп.* يَعَاقِبَةٌ 1.1) Яъқубга оид, яъқубий; 2) *дин.* كَانَ نَسْلُهُ ~ًا унинг авлодлари Яъқубники каби; 2) *дин.* яковийлик; 3) *тар.* якобинчилик; 2.1) *дин.* яковийчи; 2) *тар.* якобинчи

يَعْقُوبِيَّةٌ 1) *дин.* яковийчилик; 2) *тар.* якобинчилик

عُقْبَالٌ *халқ.* مَبْرُوكٌ وَ~ مِئَةِ شَمْعَةٍ! муборакбод қиламан ва юз йил умр тилайман! (*туғилган кунда айтилади*)

عُقْبُولٌ – *кўп.* عَقَابِيلُ 1) (*муҳаббатнинг*) сўнгги учқунлари; (*касалдан қолган*) асоратлар; 2) *кўп.* асоратлар; оқибатлар; ташвишлар, балолар; عَقَابِيلُ الْحُمَّى безгак (иситма) асоратлари; عَقَابِيلُ الْحَادِثِ воқеа-ҳодиса оқибатлари (натижалари)

عَقَدَ I (عقد) (*и*) عَقْدٌ 1) боғламоқ, алоқа қилмоқ; ~ عَلَاقَاتٍ دِبْلُومَاسِيَّةً (*к. биландир*) дипломатик муносабатлар боғламоқ (ўрнатмоқ) (مَعَ); ~ مُحَادَثَةً (*к. биландир*) суҳбат бошламоқ (مَعَ); ~تْ رَأْسَهَا بِشَالِهَا бошига шол рўмол ўраб олди; ~ الْخَوْفُ لِسَانَهُ қўрқувдан тили тутилиб қолди; ~تْ لِسَانَهُ الدَّهْشَةُ ҳайратдан гапиролмай қолди; ~ يَدَيْهِ عَلَى صَدْرِهِ қўлларни кўкракка чалмаштириб қўймоқ; ~ يَدَيْهِ عَلَى ظَهْرِهِ қўлларни орқага чалмаштириб қўймоқ; 2) (*битим*) тузмоқ; ~ الصُّلْحَ тинчлик битими тузмоқ; ~ قَرْضًا қарз ҳақида битим тузмоқ; ~ صَفْقَةً ўзаро савдо битими тузмоқ; ~ مُعَاهَدَةً шартнома тузмоқ; ~ عَلَى مَرْأَةٍ никоҳ шартномаси тузмоқ; эрга бермоқ; ~ الْمَأْذُونُ الْقِرَانَ қози ёрдамчиси никоҳ маросимини ўтказди; 3) (*мажлис*) тўпламоқ, (*съезд*) чақирмоқ; ~ مُؤْتَمَرًا صُحُفِيًّا матбуот конференцияси ташкил қилмоқ (ўтказмоқ); ~ سُوقًا бозор (ярмарка) ташкил қилмоқ; 4) *архит.* гумбаз қилмоқ; 5) *мажҳ.* бўлиб ўтмоқ, ташкил қилинмоқ (*мажлис, съезд ҳақида*); ўтказилмоқ, чақирилмоқ (*съезд ҳақида*); عُقِدَ الْامْتِحَانُ имтиҳон ўтказилди; عُقِدَ لَهُ عَلَيْهَا *мажҳ.* у (*аёл*) унга эрга берилди; ◊ ~ النِّيَّةَ عَلَى ... ...га ният қилмоқ; ...га қарор қилмоқ; ~ رَجَاءَ عَلَى ... *ёки* ~ بِهِ (عَلَيْهِ) آمَالًا ... ...га умид боғламоқ; ~ الْعَزْمَ عَلَى ... (*бирор н. қилишга*) қатъий бел боғламоқ; ~ نَاصِيَتَهُ (جَبِينَهُ) қош чимирмоқ, қовоқ солмоқ; ~ فَصْلًا бобни ёзиб бўлмоқ; عُقِدَ لِوَاءُ النَّصْرِ فِي بَرْلِينَ ғалаба байроғи Берлинга ўрнатилди; عُقِدَ لِوَاءُ الْحَمْلَةِ لَهُ (*ҳарбий*) юришга раҳбар этиб тайинланди; عُقِدَ لَهُ لِوَاءُ الْأَوَّلِيَّةِ унга биринчи ўрин берилди; عَقَدَ خِنْصَرَهُ بِخِنْصَرِهَا *ёки* عَقَدَ الْخَنَاصِرَ عَلَى ... *қар.* خِنْصَرٌ; عَقِدَ (*а*) қотмоқ, қотиб қолмоқ, қуйилиб (қуюқ бўлиб) қолмоқ; عَقِدَ ~ لِسَانُهُ унинг тили қотиб қолди, у гапиролмай қолди; II عَقَّدَ 1) қаттиқ ўраб боғлаб қўймоқ, кўп марта ўрамоқ; 2) мураккаблаштирмоқ, чигаллаштирмоқ; ~ كَلَامَهُ чигал (тушунмайдиган қилиб) гапирмоқ; 3) қуюқлаштирмоқ; ~ الْعَسَلَ асални қуюқлаштирмоқ; IV أَعْقَدَ

қуюқлаштирмоқ; V تَعَقَّدَ 1) мураккаб (чалкаш, ноаниқ) бўлмоқ; мураккаблашмоқ; 2) қуюқлашмоқ, қалин бўлмоқ; тўпланмоқ (*булут*); 3) *химё.* боғланган (боғлиқ) бўлмоқ; VI تَعَاقَدَ шартлашилмоқ; (*к. билан,дир н. ҳақдадир*) битим (шартнома) тузмоқ (عَلَى ,, مَعَ); VII اِنْعَقَدَ 1) боғланган бўлмоқ; 2) тузилган бўлмоқ (*битим ҳақида*); 3) чақирилган (йиғилган) бўлмоқ (*съезд ҳақида*); бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ (*суд ҳақида*); 4) қотмоқ, қотиб қолмоқ; қуюқлашмоқ; 5) тутилиб қолмоқ (*тил ҳақида*); 6) тинмоқ, чўкмоқ; VIII اِعْتَقَدَ (*бирор н. га*) эътиқод қилмоқ; қаттиқ ишонмоқ

– اِعْتِقَادٌ *кўп.* ـاتٌ — эътиқод; имон; ишонч; ... فِي ~ى أَنَّهُ мен ишонаманки, у ...; بِالْخُرَافَاتِ ~ хурофотга ишониш

– أَعْقَدُ энг чигал, энг чигаллашган, энг мураккаб; сертугун; مِنْ ذَنَبِ الضَّبِّ ~ الْمَسْأَلَةُ *маж.* жуда мураккаб масала (*сўзма-сўз:* калтакесак думидан ҳам сертугунроқ)

– اِنْعِقَادٌ мажлис; чақириқ; دَوْرُ ~ الْبَرْلَمَانِ парламент сессияси; يَوْمُ ~ السُّوقِ бозор куни, бозор бўладиган кун

– تَعَاقُدٌ шартнома, битим

– تَعْقِيدٌ *кўп.* ـاتٌ — чигаллик, мураккаблик; ноаниқлик; اِزْدَادَ ~ًا чигаллашмоқ, мураккаблашмоқ

– عَقَّادٌ уқачи, уқа тикувчи

– عِقَادَةٌ уқа билан савдо қилиш, уқа савдоси

– عَقَائِدِيٌّ ғоявийлик, ғояга оид; ~ًا ғоявий жиҳатдан; الصِّرَاعُ الـ~ ғоявий кураш, ғоялар кураши

– عَقْدٌ[1] 1) боғланиш, боғлаш; 2) (*битим*) тузиш; 3) (*мажлис*) чақириш; ◊ صَاحِبُ الـ~ وَ الْحَلِّ тўла ҳокимлик ҳуқуқи эгаси, бошлиқ

– عَقْدٌ[2] *кўп.* عُقُودٌ 1) шартнома, битим; контракт; ~ جَمَاعِيٌّ коллектив шартнома; ~ الْعَمَلِ الْجَمَاعِيِّ коллектив меҳнат шартномаси; ~ بَيْعٍ *савдо.* олди-сотди шартномаси; ~ الزَّوَاجِ никоҳ шартномаси; ~ إِكْلِيلٍ никоҳ маросими; 2) гумбаз, тоқ; 3) тугун; 4) ўнлик, ўн йил; هُوَ فِي الـ~ الثَّالِثِ مِنْ عُمْرِهِ у учинчи ўн йилликни бошлади (*яъни: у 21 билан 30 ёш орасида яшамоқда*); ◊ اِكْتَمَلَ ~هُمْ уларнинг ҳаммаси йиғилди

– عِقْدٌ *кўп.* عُقُودٌ маржон, шода; وَاسِطَةُ الـ~ шода ўртасидаги марварид (дур, инжу); гулчамбар

– عُقْدَةٌ *кўп.* عُقَدٌ 1) тугун; ~ الشَّاغُولِ ечиб бўлмайдиган тугун; ~ مُنْفَرِجَةٌ елкан тугуни; ~ سَائِبَةٌ силжиб турувчи тугун; ~ شِرَاعِيَّةٌ бўшатилувчи тугун; ~ مُنْزَلِقَةٌ сурилувчи тугун; ~ الْعُنُقِ галстук; 2) узел (*кема ҳаракати тезлиги ўлчови*); 3) *анат.* тугун, узел (*танадаги айрим ҳужайраларнинг йиғилган-тўпланган жойи*); 4) *адаб.* тугун; 5) қийинчилик, муаммо; топишмоқ; ~ الْعُقَدِ энг қийин масала (муаммо); 6) васваса; ~ الاِضْطِهَادِ таъқиб васвасаси; ~ الاِسْتِعْلَاءِ улуғлик васвасаси (*ўзини улуғ одам деб ҳисоблаш васвасаси*); 7) бирор нарса экиладиган ёки ўсадиган катта ер, плантация; 8) *бот.* зирк (*ўсимлиги ва меваси*); ◊ الـ~ الْجُورْدِيَّةُ Годей тугуни (*миф. ҳеч ким ечолмаган, аммо Искандар қилич билан бир зарбада кесиб ташлаган тугун*), *кўч.м.* ечилиши мумкин бўлмаган муаммо; ~ النِّكَاحِ никоҳга кириш; اِنْفَكَّتْ ~ لِسَانِهِ унинг тили очилиб кетди, у кўп гапира бошлади

– عَقِيدٌ[1] 1.1) боғланган, боғлиқ бўлган; 2) қотиб қолган; 2.1) иттифоқчи, тарафдор; 2) концентрат; ~ الطَّمَاطِمِ томат (помидор) бўтқаси (пастаси)

– عَقِيدٌ[2] *кўп.* عُقَدَاءُ 1) етакчи, бошчи, доҳий; 2) полковник

– عَقِيدَةٌ *кўп.* عَقَائِدُ 1) эътиқод, ишонч; қараш, кредо, нуқтаи назар; ~ رَاسِخَةٌ чуқур эътиқод (ишонч); ~ سِيَاسِيَّةٌ сиёсий эътиқод; 2) доктрина, назария; 3) ақида, догма; *кўп.* ғоя, идеология

– عُقَيْدَةٌ *кўп.* ـاتٌ — тугунча, кичик тугун

– مُتَعَاقِدٌ битим (шартнома) тузадиган; الـ~انِ *икс.* битим тузувчи томонлар

– مُعْتَقَدٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) эътиқод, ишонч, принцип, кредо; ~ بِالْخُرَافَاتِ хурофотга ишониш (эътиқод); 2) таълимот

– مُعْتَقِدٌ қаттиқ эътиқод қўйган (ишонган); ~ بِالْخُرَافَاتِ хурофотга ишонувчи (эътиқод қилувчи, хурофотчи)

– مَعْقِدٌ *кўп.* مَعَاقِدُ 1) (*бирор н. га алоқадор, муносабати бор*) деб ҳисобланадиган) жой; ~ الرَّجَاءِ ёки ~ الْآمَالِ умид қилинадиган нарса; 2) тугун; 3) *архит.* устун қоши (*устуннинг шипга тегиб турадиган қисми*)

– مُعَقَّدٌ 1) тугунсимон; 2) мураккаб, чалкаш, ноаниқ; қийин; 2) комплекс равишда, ҳамма томони ҳисобга олинган

– مَعْقُودٌ 1) боғлиқ, боғлиқ бўлган; ~ اللِّسَانِ тили тутилган; وَ ... عَلَى ~ الْآمَلِ ...га умид қилинади, умид ...дандир; 2) тузилган (*битим ҳақида*); 3) қотган, қуюқлашган; 4) қубба, гумбаз шаклидаги, қуббасимон, гумбазсимон

I عَقَرَ (عقر) (*u*) عَقْرٌ 1) ярадор қилмоқ; ~ إِبِلاً туялар пайини қирқиб қўймоқ; ~ ظَهْرَ الْبَعِيرِ туянинг тепасини ярадор (яғир) қилмоқ (*мас., эгар*); 2) (*қон чиққунча*) ишқамоқ; 3) тишламоқ; 4) наслсиз (белушт) бўлмоқ (*одамлар ҳақида*); عَقَرَ (*a*) عَقْرٌ қўрқув ёки даҳшатдан оёғи қалтирамоқ; عَقُرَ (*у*) عُقْرٌ наслсиз (белушт) бўлмоқ (*одамлар ҳақида*); II عَقَّرَ кўп жароҳатламоқ; қаттиқ ярадор қилмоқ; III عَاقَرَ (*бирор н. га*) берилмоқ; ~ الْخَمْرَ ичишга берилмоқ; IV أَعْقَرَ 1) ҳайрон қолдирмоқ, қойил қолдирмоқ; 2) катта ер-мулкка эга бўлмоқ; VII اِنْعَقَرَ 1) кўп жойдан яраланган бўлмоқ; 2) ишқаланган бўлмоқ; 3) тишланган (чақилган) бўлмоқ; VIII اِعْتَقَرَ яра-чақа бўлиб кетмоқ, чақа бўлиб кетмоқ

– عَاقِرٌ наслсиз (белушт) эр (*кўп.* عُقَّرٌ); наслсиз (белушт) аёл (*кўп.* عَوَاقِرُ, عُقَّرٌ)

– عَقَارٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) кўчмас мулк (*иморатлар, қурилишлар ва б. лар*); 2) ер-мулк

– عَقَّارٌ *кўп.* عَقَاقِيرُ ўт-ўланлардан тайёрланган доривор, дори; доривор ўт-ўлан

– عُقَار шароб, май, ичимлик

– عَقَارَة наслсизлик, бепуштлик

– عَقَارِيّ 1) кўчмас мулкка оид; مِلْك ~ кўчмас мулк; مُلَّاك ~ амлокдор, кўчмас мулк эгаси; 2) ерга оид 3) ипотекага оид (кўчмас мулкни [illegible] банк [illegible])

– عَقَاقِيرِيّ дорихона эгаси, аптекачи, аптекарь

– عَقْر тишлаш, чақиш

– عَقَر қўрқув ёки даҳшатдан оёқларнинг қалтираши

– عُقْر¹ наслсизлик, бепуштлик

– عُقْر² (уйнинг) ички томони, ичи; فِي ~ دَارِهِ унинг уйи ичида унинг ўз уйи ичида

– عُقْر³ бир ёшдан озгина ўтган ўсимлик

– عَقْرَة кўп. عَقَرَات тишлаш, чақиш

– عَقُور қопоғич, тишлайдиган, сержаҳл

– عَقِير кўп. عَقْرَى тишлоғич

– عَقِيرَة овоз; رَفَعَ ~ـهُ овозни баландлатмоқ (кўтармоқ)

– مُعَاقِر (бирор н. га) бериладиган, берилиб кетадиган; ~ الشَّرَاب ичишга берилган, ичувчи, майхўр

– مَعْقَر кўп. مَعَاقِر кўчмас мулк, амлок

– مُعْقِر ер-мулки кўп, кўп ер-мулкка эга

– مَعْقُور тишланган; тишлаб ташланган

~ عَقْرَب кўп عَقَارِب 1) чаён, ақраб; 2) мил (мас., соатдаги); ~ الثَّوَانِي секунд мили; ~ الدَّقَائِق минут мили; ~ السَّاعَة ёки ~ السَّاعَات соат мили; 3) кўп. а) туҳматдан иборат гап-сўзлар; б) ташвишлар, бало-офатлар; ◊ بُرْج الـ~ астр. Ақраб юлдузлар туркуми (буржи); فَصْل الـ~ Ақраб фасли (тақвим бўйича)

– مُعَقْرَب қийшиқ, қингир

قَلْفُونِيَّةٌ дарахт ширасидан олинадиган модда, канифол, смола, елим

قَلِقَ I (а) قَلَقٌ 1) хавотирланмоқ, безовталанмоқ; 2) уйқусизлик касаллигига учрамоқ, ухламай чиқмоқ; IV أَقْلَقَ 1) хавотир қилмоқ, безовта қилмоқ, тинчлик бермай қўймоқ; الرَّاحَةَ الْعَامَّةَ~ жамоатчилик осойишталигини бузмоқ; بَالَهُ ~ кимнидир безовта қилмоқ, хавотир қилмоқ; بَالَ الرَّأْيِ الْعَامِّ ~ жамоатчилик фикрини чалғитмоқ; نَفْسَهُ ~ хавотирланмоқ; 2) уйқудан маҳрум қилмоқ; V تَقَلَّقَ = I

– قَلَقٌ 1) хавотирланиш, хавотирлик; ташвиш, қўрқинч; الْفِكْرِ ~ қайғуриш; чўчиш, ҳадиксираш; هُوَ عَلَى مِثْلِ الْجَمْرِ مِنَ الـ~ у типирчилаб турибди, у бетоқат бўлиб турибди (сўзма-сўз: у хавотирликдан чўғ устида тургандек; أَثَارَ الـ~ لَدَيْهِ кимнидир хавотирга қўймоқ; ... أَعْرَبَ عَنْ ~ـه تُجَاهَ ... масаласида ўз ташвишини изҳор қилмоқ; ... بَدَّدَ الـ~ فِي ... пардаги ташвишни орадан кўтармоқ; 2) уйқусизлик; 3) физ. электр ёки магнит майдонида электр ёки магнитнинг ҳосил бўлиши

– قَلِقٌ 1) хавотирланувчи, ташвишда қолган; ҳаяжонланган; 2) физ. электр ёки магнит таъсирига учраган

– قَلْقَانُ 1) хавотирда қолган, ташвишланувчи; ҳаяжонланган; 2) уйқусизликка учраган киши

– قَلُوقٌ хавотирда қолган

– مُقْلِقٌ ташвишга қўядиган, хавотирлантирадиган; إِشَاعَاتٌ ~ـةٌ ташвишли овозлар

قُلْقَاسٌ жам. бот. қулқос (картошканинг бир тури, Фарғона водийсида "мартишка" дейилади), Миср картошкаси; إِفْرِنْجِيٌّ ~ картошка; رُومِيٌّ ~ ер ноки, топинамбур; هِنْدِيٌّ ~ ёки يَمَنِيٌّ ~ ширин (ҳиндий, яманий) картошка

– قُلْقَاسَةٌ кўп. ـاتٌ — бот. мартишка (қар. قُلْقَاسٌ)

قَلْقَلَ 1) тебратмоқ, қимирлатмоқ, силкитмоқ; 2) тўлқинлантирмоқ, ҳаяжонга солмоқ; 3) шовқин чиқармоқ, жаранглатмоқ; تَقَلْقَلَ ҳаракат қилмоқ; иккиланмоқ, тебранмоқ, силжимоқ, қимирламоқ, чайқалмоқ

– قَلْقَلَةٌ кўп. قَلَاقِلُ 1) ҳаракат, ҳаракатланиш; тараддудланиш, иккиланиш; тебраниш, силкиниш, чайқалиш; 2) тўлқинланиш; хавотирланиш; тартибсизлик; 3) овоз, жаранг, шалдираш; الْقُيُودِ ~ кишанларнинг шалдир-шулдури; حُرُوفُ الـ~ фон. жарангли портловчи ундошлар категорияси (قطب جد)

– قِلَاقِيلُ кўп. гувалалар

– قُلْقُلَةٌ кўп. ـاتٌ — тупроқ гуваласи

– مُقَلْقَلٌ، مُتَقَلْقِلٌ 1) тараддудланувчи, иккиланувчи, дудмал; силкинувчи; 2) тутуриқсиз, саботсиз, оғмачи бўлмайдиган; مَرْكَزٌ ~ беқарор (дудмал) позиция

قَلَمَ I (и) قَلْمٌ кесмоқ, қирқиб калта қилмоқ, қирқиб ташламоқ; II قَلَّمَ (мас., тирноқни) олмоқ, кесмоқ; (шох-шаббани) бутамоқ; (ظُفْرَهَا) ~ أَظْفَارَهَا а) кимнингдир тирноғига пардоз бермоқ; б) кўч. м. кимнингдир қанотларини қайирмоқ, кимнидир буткул кучсизлантирмоқ; 2) шапатиламоқ, тарсаки солмоқ; 3) (газламани) йўл-йўл қилмоқ; IV أَقْلَمَ иқлимга мослаштирмоқ

– إِقْلِيمٌ алиф.б.қ.

– تَقْلِيمٌ тирноқларни олиш; (шох-шаббани) буташ, қирқиш; الْأَظْفَارِ ~ тирноқларга пардоз бериш; مِقَصُّ الـ~ гулқайчи

– قُلَامَةٌ кесилган нарсалар, кесинди; олинган тирноқ

– قَلَمٌ кўп. أَقْلَامٌ 1) қалам; қамиш қалам; رَصَاصٍ ~ қалам; الرَّسْمِ ~ ёки الْمُصَوِّرِ ~ расм чизишга мўлжалланган қалам; شَعْرٍ لِلرَّسْمِ ~ мўйқалам; تَلْوِينٍ ~ бўёқ қалам, рангли қалам; (الْمِدَادِ) الْحِبْرِ ~ ручка, авторучка; шарикли ручка; الْأَحْمَرُ الـ~ ёки حُمْرَةٍ ~ ёки رُوجٍ ~ лаббўёқ, помада; الْحَوَاجِبِ ~ қошқалам; الْأَسْوَدُ الـ~ қора

бўёқ, қошбўёқ; ~ حَجَرٍ ёки أَرْدُوَازٍ ~ тош қалам, грифел; زَلَّةُ ~ ёзувдаги хато; أَهْلُ الـ~ ёки أَرْبَابُ الـ~ ёки حَمَلَةُ الْأَقْلَامِ ёки أَصْحَابُ الْأَقْلَامِ адиблар, ёзувчилар, қалам аҳллари; بِـ~ الْكَاتِبِ кимдир томонидан ёзилган, кимнингдир қаламига мансуб; 2) услуб, дастхат; 3) параграф, банд; ёзув, ёзиш; رُؤُوسُ أَقْلَامٍ тезислар; 4) бўлим, қисм; бюро; ~ الاسْتِعْلَامَاتِ маълумотлар бериш бўлими, справкалар бюроси; ~ التَّحْرِيرِ таҳририят, редакция; ~ التَّرْجَمَةِ таржималар бўлими, таржима бюроси; ~ الْحِسَابَاتِ ҳисобхона бўлими, бухгалтерия бўлими; ~ الدَّمْغَةِ олтин ёки кумушнинг пробасини аниқлайдиган бўлим; ~ التَّشْرِيفَاتِ қайдномалар бўлими; 5) чизиқ, йўл; 6) тарсаки, шапати, шапалоқ; 7) (*камоннинг*) ўқи (*фол очиш учун*); بِالـ~ الْعَرِيضِ ростини айтганда; أَبُو ~:

— قَلَمُونٌ қалами матодан тикилган кийим (*румликларнинг турли рангда товланадиган кийими*)

— قَلَمِيٌّ қаламга оид, ёзма; مَعْرَكَةٌ ~ـَةٌ матбуотдаги мунозара

— مُقَلَّمٌ 1) кесилган, кесиб ташланган, буталган; 2) йўл-йўл

— مُقَلِّمٌ кесувчи, қирқувчи, бутовчи; ~ـَةُ الْأَظَافِرِ тирноқларга пардоз берувчи аёл, маникюрчи аёл

— مِقْلَمَةٌ кўп. مَقَالِمُ қаламдон

— مَقْلُومٌ 1) кесилган, кесиб ташланган; 2) йўл-йўл

(قلنس) تَقَلْنَسَ бош кийими киймоқ

— قَلَنْسُوَةٌ кўп. قَلَانِسُ, قَلَانِيسُ бош кийими, дўппи, шапка; қалпоқ; тор дўппи; капюшон; ◊ أَبُو ~ зоол. мойқут (*қуш*)

— قَلَنْسِيَةٌ кўп. قَلَانِسُ = قَلَنْسُوَةٌ

(قلو) I قَلَا (у) قَلْوٌ қовурмоқ, қовурдоқ қилмоқ; قَلَا (у) قَلَاءٌ ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ

— قَلَاءٌ ёмон кўриш, нафрат

— قَلْوٌ химё. ишқор

— قَلْوِيٌّ ишқорга оид, ишқорий, ишқорли; شِبْهُ ~ (кўп. شِبْهُ قَلْوِيَّاتٍ) химё. алколоид

— قَلْوِيَّةٌ ишқорлилик

— مَقْلُوٌّ қовурилган (қар. مَقْلِيٌّ)

قَلْوَزَ резба чиқармоқ

قَلْوَظَ 1) бурамоқ, винтламоқ, бураб қотирмоқ; 2) винт билан маҳкамламоқ; 3) резба чиқармоқ

— قَلَاوُظٌ винт

— قَلَاوُوظٌ 1) лоцман (*денгиз, дарё чуқурлигини аниқлаб, кема бошқарувчисига йўл кўрсатувчи хизматчи*); 2) винт; مِسْمَارُ ~ бурама мих, шруп

— قَلْوَظَةٌ бураб киритиш, бураб қотириш

— مُقَلْوَظٌ 1) бураб киритилган; عِمَامَةٌ ~ـَةٌ винт, резба шаклида ўралган салла; 2) резбали, резба чиқарилган (*н.*)

(قلى) I قَلَى (и) قَلْيٌ (*ёрда*) қовурмоқ; قَلِيَ (и) قِلًى ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ; II قَلَّى қовуриб пиширмоқ; V تَقَلَّى қовурилмоқ; VI تَقَالَى бир бирини ёмон кўрмоқ, бир-биридан нафратланмоқ; VII انْقَلَى = V

— تَقْلِيَةٌ қовурилган пиёз (*қайладаги*)

— قَلَاءٌ = قِلًى

— قَلَّاءٌ қовурувчи одам

— قَلَايَةٌ қар. قَلِّ

— قَلْيٌ қовуриш, қовуриб пишириш

— قِلًى нафрат; ёмон кўриш

— قِلْوٌ қар. قَلْوٌ = قِلْيٌ

— قِلْيَةٌ қар. قَلِّ

— مِقْلَاةٌ, مِقْلًى кўп. مَقَالٍ това, сковородка

— مَقْلِيٌّ қовурилган, қовуриб пиширилган

I قَمَّ (а/у) قَمٌّ 1) супурмоқ, супуриб ташламоқ; 2) овқатланмоқ, овқат қилиб олмоқ; II قَمَّمَ қуритмоқ, қоқи қилмоқ; V تَقَمَّمَ 1) ахлат титкиламоқ; 2) дастурхондаги тўкилганларни териб емоқ

— قُمَامَةٌ[1] кўп. ـَاتٌ ـــ ахлат; صُنْدُوقُ الـ~ ахлат яшиги

— قُمَامَةٌ[2] одамлар гуруҳи

— قِمَّةٌ кўп. قِمَمٌ 1) юқори, юқори қисм; чўққи; ~ الرَّأْسِ бошнинг тепа қисми; اجْتِمَاعُ الـ~ олий даражадаги учрашув; مُؤْتَمَرُ الـ~ олий даражадаги йиғилиш; 2) бўй-баст, қомат; حَسَنُ الـ~ бўй-басти келишган; 3) одамлар гуруҳи; بَلَغَ الـ~ فِي الصَّلَفِ маж. ўта даражада мақтанмоқ

— مِقَمَّةٌ кўп. مَقَامُّ супурги

(قمأ) I قَمَأَ (а) قُمُوءٌ, قَمَاءٌ паст бўйли бўлмоқ, пакана бўлмоқ; قَمُؤَ (у) قَمَاءَةٌ, قُمَاءَةٌ 1) пастак бўлмоқ; 2) пасткаш бўлмоқ, паст бўлмоқ; VI تَقَامَأَ бўйи паст бўлмоқ

— قَمَاءَةٌ, قِمَاءَةٌ 1) паст бўйлилик, бўйи пастлик, паканалик; 2) пастлик, пасткашлик

— قَمِيءٌ кўп. قِمَاءٌ 1) бўйи паст, паст бўйли, пакана; ~ بَشَرِيٌّ жуссаси кичкина одам; 2) паст, пасткаш, тубан

قَمْبَرٌ = قُنْبَرٌ

(قمح) II قَمَّحَ бўлиб-бўлиб бермоқ; бўлиб-бўлиб тўламоқ; IV أَقْمَحَ 1) пишмоқ, етилмоқ (*бошоқ ҳақида*); 2) бошни кўтармоқ; ~ بِأَنْفِهِ бурунни кўтармоқ, кеккаймоқ; 3) бошни орқага ташлаб кўзни юммоқ

— قَمَّاحٌ буғдойфуруш

— قَمْحٌ жам буғдой, ғалла

— قَمْحَةٌ кўп. ـَاتٌ ـــ 1) буғдой дони, донаси; لَمْ تَكُنْ فِي عَيْنَيْهِ ~ وَاحِدَةٌ مِنَ النَّوْمِ маж. у бир дам ҳам кўз юммади (*сўзма-сўз:*

кўзларида бир дона буғдойча ҳам уйқу бўлмади); 2) қамҳа (*қимматбаҳо тошлар учун оғирлик ўлчови*); 3) гран (1/4) *қарат ёки 0,04875 гр.га тенг бўлган аптека ўлчови бирлиги*)

— قَمْحِيٌّ буғдой рангидаги

— قَمْحِيَّة буғдойнинг ранги

I (قمر) قَمَرَ (у,и) قَمْرٌ 1) қимор ўйнамоқ, қиморда ютмоқ, ғолиб келмоқ; قَامَرَ زَيْدًا فَـ~هُ у Зайд билан қимор ўйнаб, уни ютиб олди; قَمِرَ қиморда ютқазмоқ; قَمِرَ (а) قَمَرٌ (*қорнинг оппоқлигидан*) кўз қамашмоқ; II قَمَّرَ (*нонни*) қизартириб пиширмоқ; III قَامَرَ (*н. нидир*) тикиб қимор ўйнамоқ; (*бирор н. га*) пул тикмоқ (عَلَى); таваккал қилмоқ, гардкам қилмоқ; IV أَقْمَرَ ойдин бўлмоқ (*тун ҳақида*); ◊ ~نَا бизга ойнинг нури тушди; V تَقَمَّرَ қовурилмоқ; VI تَقَامَرَ биргалашиб қимор ўйнамоқ

— أَقْمَرُ *мн.* قَمْرَاءُ *кўп.* قُمْرٌ 1) ойдин, ойнинг нури тушиб турган (*мас., кеча*); 2) оқ, оппоқ

— قِمَارٌ Ҳиндистондаги жой номи

— قِمَارٌ қимор, қимор ўйини; نَوَادِي الْـ~ қимор ўйнайдиган жой, қиморхона

— قِمَارَاتِيٌّ *кўп.* قِمَارَاتِيَّة ойначи, ойна солувчи

— قُمَارِيٌّ *кўп.* قُمَارِيَّة қиморбоз

— قَمَرٌ[1] оқ рангдан кўзнинг қамашиши

— قَمَرٌ[2] *кўп.* أَقْمَارٌ 1) Ой (*Ернинг табиий йўлдоши*); уч кунликдан кейинги ой; الْـ~انِ Қуёш ва Ой; 2) *астр.* йўлдош; إِطْلَاقُ الْـ~ الْاصْطِنَاعِيِّ сунъий йўлдошни учириш; ~ كَاذِبٌ параселена, сохта ой; ◊ ~ الدِّين а) ўрик қоқи, туршак, қуриган ўрик; б) ўрик қиёми; حَجَرُ الْـ~ *мин.* сарғиш пуштиранг гипс, селенит

— قَمْرَةٌ, قَمْرَاءُ ой нури

— قَمِرٌ ойдин; لَيْلَةٌ ~ةٌ ойдин тун

— قَمَرَاتِيٌّ *кўп.* قَمَرَاتِيَّة ойначи, ойна солувчи

— قَمْرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) каюта; (*мас., космик кеманинг*) бўлмаси, хонаси, 2) чердак туйнуги, эшиги; 3) *фото.* камера

— قُمْرِيٌّ *жам. кўп.* قَمَارِيٌّ қумри

— قَمَرِيٌّ 1) ойга оид, қамарий; شَهْرٌ ~ қамарий ой; سَنَةٌ ~ـةٌ қамарий йил; 2) ойга ўхшаш, ойбек; حُرُوفٌ ~ـةٌ *грам.* қамарий ҳарфлар

— قَمَرِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — шийпон, айвон; 2) чердак туйнуги

— قَمِيرٌ *кўп.* أَقْمَارٌ қимор ўйинидаги шерик

— قُمَارِيٌّ = مُقَامِرٌ

— قُمَارِيٌّ = مُقَامِرٌ

— مُقَامَرَةٌ ўйин, қимор ўйини

— مَقْمَرٌ *кўп.* مَقَامِرُ, مَقْمَرَةٌ қиморхона

— مُقَمَّرٌ қизартириб пиширилган (*нон*); خُبْزٌ ~ ёғда қовурилган нон, бўғирсоқ

— مُقْمِرٌ = أَقْمَرُ

I قَمَزَ (и,у) قَمْزٌ 1) бармоқлар учи билан қимчиб олмоқ; 2) панжалари билан тутиб олмоқ (*қисқичбақа ҳақида*); 3) сакрамоқ, иргишламоқ; V تَقَمَّزَ сакраб-сакраб юрмоқ (فِي الْمَشْيَةِ)

— قَمْزَةٌ *кўп.* قَمَزَاتٌ сакраш, иргишлаш

I قَمَسَ (и,у) قَمْسٌ ботирмоқ, шўнғитмоқ

— قَامُوسٌ *кўп* قَوَامِيسُ 1) океан; 2) луғат, қомус; ~ الْبَحْرِ денгизнинг ўртаси

— قُمُسٌ *кўп.* قَمَامِسَةٌ 1) зодагон, аслзода; 2) князь

I قَمَشَ (у) قَمْشٌ (*чиқиндиларни*) термоқ, териб олмоқ, йиғиштирмоқ; II قَمَّشَ = I; V تَقَمَّشَ кийинмоқ

— قُمَاشٌ *кўп.* أَقْمِشَةٌ газлама, газмол, материал; أَقْمِشَةٌ صُوفِيَّةٌ жундан тўқилган газламалар; أَقْمِشَةٌ قُطْنِيَّةٌ пахтадан тўқилган газламалар; أَقْمِشَةٌ بِلَاسْتِيك сунъий газламалар; ~ تِيلِيٌّ пахта толасидан тўқилган газлама; ~ شُغْلِ الصِّنَّارَةِ трикотаж газлама; 2) (*мусаввирнинг*) бўзи, полотноси; ~ اللَّوْحَةِ сурат ишланган бўз, полотно; 3) ахлат, чиқинди, ташландиқлар; 4) асбоб-анжом, лаш-луш; ~ الْبَيْتِ рўзғор асбоб-анжомлари; ◊ ~ النَّاسِ қаланғи-қасанғилар

— قَمَّاشٌ газламафуруш

— قُمَاشَةٌ бир бўлак газлама

— قَمْشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — хивич, хивчин

I قَمَصَ (и,у) قَمْصٌ, قِمَاصٌ 1) сакрамоқ, сакраб чопмоқ; 2) тепмоқ, тепинмоқ (*от ҳақида*); II قَمَّصَ 1) сакрамоқ, отни сакратиб чоптирмоқ; 2) тепмоқ, тепинмоқ (*от ҳақида*); 3) (*к. гадир*) кўйлак кийдирмоқ; V تَقَمَّصَ 1) кўйлак киймоқ; 2) *дин.* (*к. гадир*) кўчиб ўтмоқ (*руҳ ҳақида* فِي); 3) (*н. дадир*) гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ, (*н. дадир*) ифодаланмоқ (إِلَى); (*бир н. дан бошқа н. га*) айланмоқ (إِلَى, مِنْ)

— تَقَمُّصٌ 1) ўтиш, кўчиш; ~ الْأَرْوَاحِ *дин.* руҳнинг кўчиб ўтиши, метемпсихоз; 2) бошқа нарсага айланиш, ўзгариш

— تَقْمِيصٌ 1) тепиш, тепиниш; كَثْرُ التَّنْخِيسِ يُعَلِّمُ الْحِمَارَ الْـ~ *мқл.* болани сўксанг бети қотади, урсанг эти қотади (*сўзма-сўз: эшакни ниқталайвериш уни тепағичликка ўргатади*); 2) (*бирор к. га*) кўйлак кийдириш

— قَمْصٌ, قِمَاصٌ отнинг сакраб юриши

— قُمُّصٌ *кўп.* قَمَامِصَةٌ олий мансабли поп

— قُمْصَانِجِيٌّ *кўп.* قُمْصَانِجِيَّةٌ эркаклар кўйлаги тикиб сотуачи

— قَمِيصٌ *кўп.* قُمْصَانٌ, قُمُصٌ, أَقْمِصَةٌ 1) эркаклар кўйлаги, сорочка; ~ النِّسَاءِ аёллар сорочкаси; ~ النَّوْمِ тунги сорочка; ~ عُثْمَانَ

اتَّخَذَ مِنْ شَيْءٍ ~ عُثْمَانَ ҳазрати Усмон кўйлаклари (*кураш рамзи*); اسْتَخْدَمَ شَيْئًا لِـ~ عُثْمَانَ بِقَصْدِ ... ниманидир ... *ёки* بِقَصْدِ ... кураш байроғи сифатида ишлатмоқ; 2) қобиқ; ~ الْقَلْبِ *анат.* юрак халтаси

قَمَطَ I (*и, у*) قَمْطٌ 1) (*чақалоқни*) йўргакламоқ, йўргаклаб боғламоқ; 2) бинт билан ўрамоқ; 3) сўйиш учун қўйнинг оёқларини боғламоқ; II قَمَّطَ 1) йўргакламоқ; 2) бинт билан боғламоқ, бинтламоқ, қайта бинтлаб боғламоқ; V تَقَمَّطَ йўргакланмоқ

– قِمَاطٌ, قُمُطٌ *кўп.* ـَاتٌ, أَقْمِطَةٌ 1) йўргак; йўргакбоғ; 2) қўй сўйилганда оёғига боғланадиган арқон

– قَمَّاطَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — қаммота (*жисмоний жазо учун мослама*)

– قِمْطٌ капа *ёки* чодир тортиб қўйиладиган арқон

– قِمْطَةٌ 1) рўмол, бошга ўрайдиган рўмол; салла; 2) *тех.* қисқич, клемма

– مُقَمَّطٌ 1) йўргакланган; 2) бинт билан ўралган

قِمَطْرٌ[1] *кўп.* قَمَاطِرُ сафархалта; елкахалта, рюкзак

– قِمَطْرٌ[2], قِمَطْرَةٌ китоблар сақланадиган жавон

– قَمْطَرِيرٌ қаттиқ; қийин; يَوْمٌ ~ қийин кун

قَمَعَ I (а) قَمْعٌ (*мас., қўзғолонни*) бостирмоқ; ~ـهُ فِي مَهْدِهِ бирор нарсани бошданоқ бостириб йўқ қилмоқ; 2) (*ёнғинни*) ўчирмоқ; 3) филнинг бошига урмоқ, саваламоқ; IV أَقْمَعَ = I; VII انْقَمَعَ бостирилмоқ, тинчитилмоқ

– قَمْعٌ 1) (*мас., қўзғолонни*) бостириш; репрессия; 2) (*ёнғинни*) ўчириш

– قَمَعٌ қуруқ олифта

– قِمْعٌ, قِمَعٌ, قَمْعٌ *кўп.* أَقْمَاعٌ, قُمُوعٌ 1) воронка; 2) *бот.* коса, гул косаси; чўп, банд, поя, қаламча; 3) чекиб ташланган сигарет; ◊ ~ الْخِيَاطَةِ ангишвона; ~ السُّكَّرِ бир калла қанд

– قَمْعِيٌّ репрессияга оид; التَّدَابِيرُ الْـ~ـةُ репрессия чоралари (*тадбирлари*)

– مِقْمَعَةٌ *кўп.* مَقَامِعُ 1) гурзи, чўқмор; узун калтак; 2) филнинг бошига уриш учун мосланган темир таёқ

قَمْقَمَ шикоят қилмоқ, зорланмоқ, нолимоқ, норозилик билдирмоқ; قَمْقَمَ = تَقَمْقَمَ

– قُمْقُمٌ *кўп.* قَمَاقِمُ 1) атир шишаси; бутилка; 2) *архит.* гумбаз *ёки* минора устига ўрнатилган найза

– قَمْقَمَةٌ норозилик, шикоят, зорланиш

– قُمْقُمَةٌ мисдан ишланган икки бандли идиш

قَمِلَ I (а) قَمَلٌ бит босмоқ, битли бўлмоқ; II قَمَّلَ = I

– تَقَمُّلٌ битлилик

– قَمْلٌ *жам.* битлар; ~ النَّبَاتِ шира (*ҳашарот*)

– تَقَمُّلٌ = قَمَلٌ

– قَمِلٌ битли

– قَمْلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — бит; ~ الدَّرْفِيلِ майда қисқичбақанинг бир тури

– قَمِلٌ = مُتَقَمِّلٌ

(قمن) V تَقَمَّنَ (*бирор н. бўлишини*) ният қилмоқ, мўлжалламоқ

– قَمَنٌ арзигулик, арзийдиган, лойиқ; هَذَا الْمَنْزِلُ لَكَ مَوْطِنٌ ~ бу уй муносиб ошёндир

– قَمِنٌ 1) (*бирор н. га*) арзийдиган (بِ); 2) (*қандайдир*) хусусиятга эга

– قَمِينٌ[1] 1) (*бирор н. га*) арзийдиган (بِ); 2) (*н. гадир*) ярайдиган, яроқли (بِ); 3) ўзига хос, хос бўлган

– قَمِينٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ, قُمُنٌ (*н. нидир*) куйдириб пишириладиган ўчоқ, печ; الْـ~ الذَّرِّيُّ атом қозони; ~ الطُّوبِ ғиштхумдон, ғишт пишириладиган печ

– قَمِينَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, قَمَائِنُ = قَمِينٌ[2]

– مَقْمَنٌ (*бирор н. га*) мос, ўринли

(قنّ) II قَنَّنَ 1) (*қонун*) чиқармоқ; 2) қонун билан чекламоқ; (*мол сотишни*) нормалаштирмоқ, нормага солмоқ; 2) моғорламоқ; пўпанак босмоқ; чиримоқ, чириб сасимоқ; ачимоқ, ачиб қолмоқ (*ёғ ҳақида*)

– تَقْنِينٌ 1) қонунлар чиқариш ва нашр этиш; қонунлар мажмуасини тузиш; 2) (*мол сотишни*) нормаллаштириш, нормага солиш

– قَانُونٌ[1] *кўп.* قَوَانِينُ қонун, асосий қонун; ҳуқуқ, кодекс; қоида; ~ أَسَاسِيٌّ (نِظَامِيٌّ) асосий қонун, дастур, конституция; مَجْلِسُ شُورَى قَوَانِينَ қонун чиқарувчи орган; قَوَانِينُ تَطَوُّرِ الْمُجْتَمَعِ ижтимоий тараққиёт қонунлари; خَاضِعٌ لِلْـ~ қонунга бўйсинувчи; قُوَّةُ الْقَوَانِينِ ~ қонуннинг таъсир доирасидаги кучи; رِجَالُ الْـ~ ҳуқуқшунослар, юристлар; ~ الْانْتِخَابِ сайлов ҳақидаги қонун; ~ الْأَحْوَالِ الشَّخْصِيَّةِ гражданлик ҳолати ҳақидаги қонун; الْـ~ الْإِدَارِيُّ маъмурий ҳуқуқ; الْـ~ التِّجَارِيُّ савдо (тижорат) ҳуқуқи; الْـ~ الدُّوَلِيُّ халқаро ҳуқуқ; الْـ~ الدُّوَلِيُّ الْخَاصُّ халқаро махсус ҳуқуқ; الْـ~ الدُّوَلِيُّ الْعَامُّ халқаро ҳуқуқ; الْـ~ الرُّومَانِيُّ Рим ҳуқуқи; الْـ~ الْعَامُّ умумий ҳуқуқ; الْـ~ الْبَحْرِيُّ *ёки* ~ الْمِلَاحَةِ сув транспорти ҳуқуқи; الْـ~ الْجِنَائِيُّ жиноят кодекси; ~ الْعُقُوبَاتِ (الْجَزَاءِ) жиноятга оид қонунлар тўплами; الْـ~ الْمَدَنِيُّ гражданлик кодекси; ~ الْعُرْفِ урф-одатларга асосланган ҳуқуқ; ~ الْمُرَافَعَاتِ процессуал кодекс; ~ التِّجَارَةِ савдо-сотиқ ҳақидаги қонун; ~ الْأَحْكَامِ الْعَسْكَرِيَّةِ ҳарбий хизматга алоқадор қонун; ~ الدِّفَاعِ الْوَطَنِيِّ ватан мудофааси ҳақидаги қонун; ~ الْإِيجَارَاتِ (*квартирадан олинадиган*) ижара ҳақи ҳақидаги қонун; ~ الْعِلِّيَّةِ сабабият қонуни; ~ الْاحْتِمَالَاتِ эҳтимоллар назарияси қонунияти; ~ بَقَاءِ الطَّاقَةِ энергиянинг сақланиш қонуни; ~ بَقَاءِ

الْكُتْلَةِ *физ* массанинг сақланиш қонуни; الـ~ الْوَضْعِيُّ позитив ҳуқуқ; ~ مَشْرُوعُ қонун лойиҳаси; ~ا қонун бўйича, қонун асосида

— قَانُونٌ қонун (*музика асбоби*)

— قَانُونْجِيٌّ *кўп.* قَانُونْجِيَّةٌ қонун чалувчи

— قَانُونِيٌّ 1) қонуний, қонун билан белгилаб қўйилган; حَقٌّ ~ қонуний ҳуқуқ; ~ غَيْرُ *ёки* لَا ~ ноқонуний; الْإِجْرَاءَاتُ الـ~ـةُ қонуний тадбир-чоралар; 2) ҳуқуқий; 3) юридик; الْمُسْتَشَارُ الـ~ юрисконсульт; 4) ошкор, очиқ-ойдин; 5) қонуншунос, юрист

— قَانُونِيَّةٌ 1) қонуният, қонуниятлик; عَدَمُ ~ *ёки* لَا ~ ноқонунийлик; 2) (*масаланинг*) юридик томони

— قِنٌّ[1] *кўп.* قِنَانٌ товуқхона, товуқ катаги

— قُنٌّ[2] *кўп.* قِنَانٌ кўйлак енгининг манжети

— قِنٌّ *кўп.* أَقْنَانٌ, أَقِنَّةٌ 1) қул; 2) *шунингдек* الْأَرْضِ ~ крепостной деҳқон; نِظَامُ الـ~ крепостной ҳуқуқ

— قِنَانَةٌ қуллик, қулдорлик

— قُنَّةٌ *кўп.* قِنَانٌ, قُنَنٌ тоғ чўққиси; юқори қатлам, юқори табақа

— قَنَانَةٌ = قُنُونَةٌ

— قِنِّينَةٌ *кўп.* قَنَانٍ, ـَاتٌ, قَنَانِيُّ бутилка; шиша идиш

— مُقَنَّنٌ 1) нормалаштирилган; 2) белгиланган норма

— مُقَنِّنٌ қонун чиқарувчи, қонун юритувчи

قَانِئٌ оч-қизил; أَحْمَرُ ~ оч-қизил, қирмизи

— قِنَائِيٌّ 1) Қано музофотига оид (*Мисрда*); 2) қанолик киши

قُنَّابٌ *ёки* قُنَّابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *бот.* пўст, пўстлоқ; гулнинг таккинасидан чиққан кичкина барг

— قُنْبٌ, قُنْبٌ *кўп.* قُنُوبٌ *бот.* коса, гулкоса

— قِنَّبٌ, قُنَّبٌ каноп ўсимлиги; خَيْطُ ~ чилвир, канопдан эшилган ип; هِنْدِيٌّ ~ ҳинд канопи; жут

— قِنَّبِيٌّ канопга оид

— مِقْنَبٌ *кўп.* مَقَانِبُ чавандозлар гуруҳи

قَنْبَرَ 1) (*н. нидир*) тепага жойламоқ; 2) (*к. нидир*) жуда мақтаб юбормоқ

— قُنْبُرٌ *жам. кўп.* قَنَابِرُ тўрғайлар, сўпитўрғайлар

قُنْبُرَةٌ[1] *кўп.* قَنَابِرُ тўрғай, сўпитўрғай

— قُنْبُرَةٌ[2] (*сол.* قُنْبُلَةٌ) 1) бомба; 2) снаряд, ядро

— قُنْبُرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — айрим қушлардаги попукча

— قُنْبُورٌ букур; أَبُو ~ ◊ букри одам

قُنْبَازٌ *кўп.* قَنَابِيزُ қунбоз (*эркаклар кийими*); кафтан

قَنْبَسٌ канопдан тўқилган дағал мато

قَرْنَبِيطٌ = قُنَّبِيطٌ

قُنْبُعٌ, قُنْبُعَةٌ *бот.* коса, косача

قَنْبَلَ бомба ташламоқ

— قُنْبُلٌ, قُنْبُلَةٌ *кўп.* قَنَابِلُ отликлар ёки пиёдалар гуруҳи

— قَنْبَلَةٌ бомба ташлаш

— قُنْبُلَةٌ *кўп.* قَنَابِلُ 1) тўпдан отилган снаряд, ядро; 2) бомба; ~ هِيدْرُوجِينِيَّةٌ *ёки* إِيدْرُوجِينِيَّةٌ водород бомбаси; ~ النَّابَالْم напалм бомбаси; ~ التَّخْرِيبِ وَ التَّدْمِيرِ *ёки* ~ هَدَّامَةٌ портловчи бомба; ~ إِضَاءَةٌ ёритувчи бомба; ~ مَائِيَّةٌ сувости минаси; ~ الدُّخَانِ тутайдиган бомба; ~ حَارِقَةٌ *ёки* ~ مُحْرِقَةٌ ёндирадиган бомба; ~ ذَرِّيَّةٌ атом бомбаси; ~ زَمَنِيَّةٌ маълум вақт ўтгандан кейин ишга тушадиган бомба; الـ~ الطَّائِرَةُ самолёт-снаряд; ~ الْكُوبَالْتِ *мед.* Кобальт пўшкаси; 3) граната; ~ الْيَدِ *ёки* ~ يَدَوِيَّةٌ қўлда отиладиган граната; ~ مُسِيلَةٌ لِلدُّمُوعِ кўздан ёш оқизадиган газли граната

— مُقَنْبِلٌ бомба ташловчи; طَائِرَةٌ ~ـةٌ бомбардимончи самолёт

قُنَّبِيطٌ гулкарам

قَنَتَ I (у) قُنُوتٌ 1) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ; (*к. гадир*) итоат қилмоқ, муте бўлмоқ; 2) вақтни намоз ўқиб ўтказмоқ; астойдил намоз ўқимоқ

— قَانِتٌ *кўп.* قُنَّتٌ художўй

— قُنُوتٌ 1) художўйлик; 2) намозда қоим туришлик, намозда тик туришлик; أَفْضَلُ الصَّلَاةِ طُولُ الـ~ *ҳад.* намознинг энг яхшиси узоқ тик туришликдир

قُنْجَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, قُنَجٌ Нилдаги кема

قِنْدٌ *кўп.* قُنُودٌ новвот

— مُقَنَّدٌ = مُقَنْوَدٌ

— مُقَنْوَدٌ қанд қўшилган; سَوِيقٌ ~ қанд қўшилган шавла; كَلَامٌ ~ қанд қўшилгандек ширин сўз

قُنْدَاقٌ *кўп.* قَنَادِيقُ ложа; милтиқнинг қўндоғи; тўп ўрнатиладиган станок, лафет

— قُنْدَاقْجِيٌّ *кўп.* قُنْدَاقْجِيَّةٌ қуролсоз, милтиқсоз

قُنْدُوزٌ қундуз; الْمِسْكِ ~ қора кузан

قُنْدُزٌ = قُنْدُسٌ

قَنْدَلَفْتٌ *кўп.* قَنْدَلَفْتِيَّةٌ 1) черковда унвонга эга бўлмаган руҳоний; 2) черков ходими

قِنْدِيلٌ *кўп.* قَنَادِيلُ 1) лампа, чироқ; 2) қоғоз ва ойнадан ясалган фонусча; фонус; 3) қандиль. люстра; الْبَحْرِ ~ медуза

— قِنْدِيلْجِيٌّ *кўп.* قِنْدِيلْجِيَّةٌ фонусчи, фонус ясовчи

— مُقَنْدَلٌ ёмон, бахтсиз, бадбахт; بَخْتُهُ ~ у бахти қора одамдир; عِيشَتُهُ ~ـةٌ унинг туриш-турмуши яхши эмас

= تَقَنْزَحَ ўзини кўрсатишга уринмоқ, ўзини кўз-кўз қилмоқ; قَنْزَحَ قَنْزَحَ

قُنْزُعَةٌ، قَنْزَعَةٌ، قُنْزُعَةٌ кўп. قَنَازِعُ бир тутам соч; кокил, пешонада хурпайиб турадиган соч

قِنَّسْرُونَ، قِنَّسْرِينَ Шом ўлкасидаги шаҳарнинг номи

قَنَصَ I (и) قَنْصٌ овламоқ, ов қилмоқ, овга чиқмоқ; V تَقَنَّصَ = VIII; VIII اِقْتَنَصَ овламоқ, ов қилмоқ, овга чиқмоқ, овда қўлга туширмоқ; ~ الْفُرْصَةَ маж. фурсатдан фойдаланмоқ; ~ نَظْرَةً кўзидан билиб олмоқ, қарашидан фаҳмлаб олмоқ

– قَانِصٌ، قَنِيصٌ، قَنَّاصٌ кўп. قُنَّاصٌ овчи

– قَانِصَةٌ (сол. قَوْنَصَةٌ) кўп. قَوَانِصُ пўтака, жиғилдон (қушларда)

– قَنَّاصٌ кўп. قَنَّاصَةٌ 1) овчи; 2) мерган; снайпер

– قَنَصٌ، قَنِيصٌ ўлжа, овланадиган парранда

قُنْصُلٌ кўп. قَنَاصِلُ консул; عَامٌّ ~ ёки جِنِرَال ~ бош консул, генерал консул; ~ نَائِبُ الْـ ёки ~ وَكِيلُ الْـ вице-консул

– قُنْصُلَاتُو кўп. قُنْصُلَاتَاتٌ консуллик

– قُنْصُلِيٌّ консулга оид

– قُنْصُلِيَّةٌ = قُنْصُلَاتُو; ~ عَامَّةٌ бош консуллик

قَنَطَ I (у) قُنُوطٌ ёки قَنِطَ (а) قَنَاطَةٌ умидни узмоқ, умидсизланмоқ, ноумид бўлмоқ; II قَنَّطَ эсанкиратмоқ, довдиратиб қўймоқ, саросимага солмоқ; ноумид қилмоқ; IV أَقْنَطَ = II

– قَانِطٌ умидсизликка тушган; маъюс, ғамгин, хафа

– قَنَاطَةٌ умидсизлик

– قَنَاطَةٌ халқ. 1) инжиқлик, нозик табиатлилик; 2) манманлик, тумтароқлик, ҳашаматлилик

– قَنَطٌ умидсизлик, ноумидлик

– قَنِطٌ = قَانِطٌ

– قَنْطٌ халқ. 1) инжиқ, табиати нозик; 2) тумтароқ, ҳашаматли, гердайган

– قَنُوطٌ = قَانِطٌ

– قُنُوطٌ умидсизликка тушиш

– قُنَيْطَةٌ кемада ишлатиш учун махсус тайёрланган қаттиқ нон

قَنْطَرَ 1) (н. нидир) гумбаз (равоқ) қилиб қурмоқ; 2) жамламоқ, жамғармоқ; 3) катта бойликка эга бўлмоқ; تَقَنْطَرَ 1) гумбазли, равоқли қилиб қурилмоқ; 2) тўпланмоқ, жамғарилмоқ

– قِنْطَارٌ кўп قَنَاطِيرُ қинтор (36 уққа (أُوقَّة), ёки 100 Миср ратли (رَطْل), ёки 44, 928 кг. га тенг бўлган оғирлик ўлчови); ~ إِسْكَنْدَرَانِيٌّ Искандария цен-тнери (112 уққа (أُوقَّة), ёки 139, 776 кг.га тенг бўлган оғирлик ўлчови)

– قِنْطَارِيٌّ бениҳоя кўп бойлик эгаси

– قَنْطَرَةٌ кўп. قَنَاطِرُ 1) кўприк; йўл устидан кесиб ўтган кўприк, виадук; кўприк шаклида қурилган осма сув қувури, акведук; 2) тўғон; الْقَنَاطِرُ الْخَيْرِيَّةُ Нил тўғони; ~ عَيْنُ (بَابُ) الْـ шлюз; 3_) гумбаз, равоқ; قَنَاطِرُ الْبِنَاءِ архит. кетма-кет қурилган пештоқлар

– قَنْطَرْيُونَ، قِنْطَرْيُونَ бот. сариқ карнайгул

– مُقَنْطَرٌ 1) аркли, гумбазли қилиб ишланган; 2) жуда кўп миқдорда йиғилган; الْقَنَاطِيرُ الْـ~ةُ مِنَ الذَّهَبِ беҳисоб бойлик

قَرْطَمَةٌ = قَنْطَرْمَةٌ

قَنِعَ I (قنع) (а) قَنَاعَةٌ 1) қаноатли бўлмоқ, озга қаноат қилмоқ; (н. дандир) қониқмоқ (بِ); 2) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ; قَنَعَ (а) قُنُوعٌ ялиниб сўрамоқ; II قَنَّعَ 1) қониқтирмоқ; 2) ишонтирмоқ; 3) юзга ниқоб тортмоқ (аёллар ҳақида); 4) (к. гадир) маска кийдирмоқ; IV أَقْنَعَ 1) ишонтирмоқ, кўндирмоқ, унатмоқ; 2) кўтармоқ, баландлатмоқ; الرَّأْسَ ~ бошини кўтармоқ; الصَّوْتَ~ овозини кўтармоқ; V تَقَنَّعَ 1) юзига ниқоб тортмоқ, ҳижоб киймоқ (аёллар ҳақида); (н. билан дир) ниқобланмоқ, (бирор н. га) бурканмоқ (بِ); ~ بِقِنَاعٍ أَسْوَدَ қора ниқоб киймоқ; بِقِنَاعِ الدِّيمُوقْرَاطِيَّةِ ~ маж. ўзини демократ қилиб кўрсатмоқ; بِمَظَاهِرَ مُخْتَلِفَةٍ ~ маж. турли хил қиёфага кирмоқ; 2) ҳарб. душман кўзидан яширинмоқ, маскировка қилинмоқ; VIII اِقْتَنَعَ 1) (бирор н. дан) қаноат ҳосил қилмоқ; 3) келишишмоқ

– اِقْتِنَاعٌ 1) ишонишлик; 2) ишонч; 3) қаноатланишлик; хурсандлик, мамнунлик

– قَانِعٌ[1] 1) қаноатли, озга қаноат қилувчи, камсуқум; 2) қаноатланган; (н. дандир) мамнун, хурсанд (بِ)

– قَانِعٌ[2] 1) ялиниб сўровчи; 2) берилган нарсани қабул қилиб олувчи

– قِنَاعٌ кўп. أَقْنِعَةٌ, ـاتٌ 1) ёпинчиқ; тўр, ўртиқ; 2) ниқоб, маска; ~ التَّنَكُّرِ маскарадда кийиладиган маска; الْـ~ الْوَاقِي ҳимоя маскаси; 3) ниқоб, қиёфа; ~ كَشَفَ الْـ фош қилмоқ, башарани очмоқ; تَلَبَّسَ أَقْنِعَةً مُتَنَوِّعَةً ҳар хил йўллар билан ниқобланмоқ, турли қиёфага кирмоқ; 4) анат. юрак халтаси

– قَنَاعَةٌ 1) қаноат, озга қаноат қилиш; камсуқумлик; 2) ишонч; ~ تَامَّةٌ بِأَنَّ... عَلَى ~ ...га тўла ишонч ҳосил қилмоқ

– قَنَعٌ камсуқумлик

– قَنِعٌ камсуқум, озга қаноат қилувчи

– قَنْعٌ کўп. قُنُعٌ، قِنَاعٌ қурол

– قَنُوعٌ озга қаноат қилувчи, камсуқум; эви билан иш тутувчи

– مَقْنَعٌ кўп. مَقَانِعُ етарлилик; қаноатланганлилик; ~ فِي هٰذَا бу тўла кифоя қилади

– مُقْنِعٌ 1) қаноатлантирувчи; етарли, қаноатланарли; 2) ишонарли, ишонтирадиган; ~ جَوَابٌ қониқарли жавоб

– مُقَنَّعٌ ниқобга кирган, ниқобланган, маска кийган; الأَعْدَاءُ السَّافِرُونَ وَ الـ~ونَ очиқ-ойдин ва ниқоб кийган (яширин) душманлар

– مِقْنَعٌ аёллар бошини тўсиб юрадаган ёпинчиқ

– مِقْنَعٌ = مِقْنَعَةٌ

قُنْفُذٌ кўп. قَنَافِذُ 1) типратикон, кирпи; ~ الْبَحْرِ денгиз кирписи; 2) шунингдек. ~ كَبِيرٌ ёввойи, бесўнақай одам

قُنْفُذٌ = قَنَافِذُ кўп. قُنْفُذٌ

قَنْفَشَ пала-партиш бўлмоқ, пийпуқ бўлмоқ; сочи пахмоқ бўлмоқ, пахмоқ сочли бўлмоқ

قُنَاقٌ қаср, сарой; хукумат биноси

قُنْقُنٌ кўп. قَنَاقِنُ қаерда ерости суви борлигини биладиган одам

قَنَالٌ кўп. ـاتٌ — канал

I قَنِمَ (a) قَنَمٌ ачимоқ, ачиб қолмоқ (ёғ ҳақида)

– أُقْنُومٌ[1] кўп. أَقَانِيمُ алиф.б.қ.

– أُقْنُومٌ[2] ўзак, илдиз

– قَنُّومَةٌ mormyrus (Нилда учрайдиган балиқ номи)

I قَنَا (قنو) (y) قَنْوٌ, قُنُوَّةٌ, قِنْوَةٌ 1) эга бўлмоқ, топмоқ, етишмоқ; 2) олмоқ; قَنِيَ (a) قَنًا қийғирнинг бурнига ўхшамоқ (бурун ҳақида); II قَنَّى (канал) қазимоқ, кавламоқ; VIII اقْتَنَى = قَنَا

– أَقْنَى мн. قَنْوَاءُ кўп. قُنْوٌ қийғирнинг бурнига ўхшаган (бурун ҳақида); ~ الأَنْفِ қирғийбурун

– اقْتِنَاءٌ эга бўлиш, етишиш

– اقْتِنَائِيٌّ эга бўлишга оид

– تِقْنِيٌّ техник

– تَقْنِيَةٌ каналлар қазиш, кавлаш

– تِقْنِيَّةٌ алиф.б.қ.

– قَانٍ[1] мн. قَانِيَةٌ 1) эга бўлувчи, етишувчи; 2) хўжайин, соҳиб

– قَانٍ[2] мн. قَانِيَةٌ оч (ранг); ~ أَحْمَرُ оч қизил

– قَنَاةٌ кўп. قَنَوَاتٌ 1) канал; ирмоқ; ~ السُّوَيْسِ Суваиш канали; ~ التَّحْوِيلِ бошқа томонга бурадиган канал; الـ~ الْبَوْلِيَّةُ сийдик йўли; الـ~ الدَّمْعِيَّةُ кўз ёши йўли; الـ~ الْهَضْمِيَّةُ овқат ҳазм қилиш канали; الـ~ الْمَنَوِيَّةُ сперматазоид (маний, уруғ) йўли; 2) труба; 3) сувни оқизиб юборадиган канал; клоака; 4) найза; ◊ ~ صُلْبُ الـ мустаҳкам, пишиқ, мустаҳкам иродали; ~ـهُ لاَ تَلِينُ الْحَوَادِثُ у сўзидан қайтмас одамдир (сўзма-сўз: ҳодисалар унинг найзасини эголмайди; ~ لاَنَتْ الشَّيْخِ қариянинг кўнгли юмшади

– قَنَايَةٌ кўп. ـاتٌ — ариқ, катта ариқ

– قَنَوِيٌّ каналга оид; оқизиб юбориладиган ирмоғи бор бўлган; غُدَّةٌ الْغُدَدُ الـ~ـةُ қар.

– قِنْوٌ эга бўлиш, эгалик қилиш

– قِنْوٌ кўп. أَقْنَاءٌ хурмо мевасининг боши (сол. узум боши).

– قُنْوَةٌ, قِنْوَةٌ эгалик қилиш, эга бўлиш; мулк, мол-мулк, шахсий мулк

– قُنْيَةٌ кўп. ـاتٌ — ариқ, катта ариқ

– مُقْتَنًى кўп. مُقْتَنَيَاتٌ орттирилган бойлик, мол-мулк; буюмлар; ~ بِالْحَرَامِ ношаръий (ҳаром) йўллар билан топилган мулк; مُقْتَنَيَاتُ الْمَتْحَفِ музейга олинган нарсалар

I قَنِيَ (قني) (u) قَنْيٌ 1) эга бўлмоқ, етишмоқ; 2) (чорва) боқмоқ, кўпайтирмоқ; I قَنِيَ (a) قَنًا бой бўлмоқ, бойимоқ; IV أَقْنَى бойитмоқ, бой қилмоқ; أَقْنَاهُ اللهُ! Оллоҳ уни пешона терига топгани билан бой қилсин!

– قِنْيٌ[1] кўп. أَقْنَاءٌ, قِنْيَانٌ бир бош хурмо

– قِنًى[2] розилик, мамнунлик

– قِنْيَةٌ = قُنْيَةٌ, قِنْوَةٌ, قُنْوَةٌ қар. قنو

– قَنَاوَشْقٌ бот. қановашақ (Дорема ўсимлиги)

I قَهْقَهَ = قَهَّ

I قَهَرَ (a) قَهْرٌ 1) тизгинламоқ, бўйсундирмоқ, ғолиб келмоқ, қаршиликни енгмоқ; لاَ يُقْهَرُ енгилмас, ўзиб бўлмайдиган; 2) (бирор н. га) мажбур қилмоқ, мажбурламоқ (إِلَى، عَلَى); 3) жонга тегмоқ, безор қилмоқ; 4) хафа қилмоқ, озор бермоқ; VII انْقَهَرَ 1) тобеъ бўлмоқ, бўйсунмоқ; 2) ранжимоқ, хафа бўлмоқ

– قَاهِرٌ 1) енгувчи, ғолиб келувчи; ~ لاَ يُقْهَرُهُ а) ундан ҳеч ким ғолиб келолмайди; б) енгиб бўлмас, енгиб бўлмайдиган; 2) мажбур қилувчи; 3) кучли, қудратли, енгилмас; قُوَّةٌ ~ةٌ а) енгилмас куч; б) қўпол куч

– قَاهِرِيٌّ 1) Қоҳирага оид; қоҳиралик киши

– قَهَّارٌ 1) қудратли, азим, кучли; 2) Қаҳҳор (Оллоҳ таолонинг исми сифатларидан бири)

– قَهْرٌ 1) бўйсундириш, тобеъ қилиш; 2) мажбурлаш; куч ишлатиш; وَسَائِلُ الـ~ зўрлик қилиш воситалари; ~اً куч ишлатиш йўли билан, зўрлик билан; 3) хўрлик, хафалик

– قَهْرَانُ 1) хафа қилиб қўйилган; 2) ғамгин, маюс

– قَهْرَةٌ[1] мажбурлаш, мажбур қилиш

– قَهْرَةٌ[2] сариқ ёки қизил тусли минерал бўёқ

– قَهْرِيٌّ 1) куч ишлатиш йўли билан қилинадиган, мажбур қилиш йўли билан қилинадиган; 2) (к. нингдир хоҳиш иродасига) боғлиқ

бўлмаган; ~ الـ السَّبَبُ содир бўлиши муқаррар бўлган зарурият; ~ـة الظُّرُوف албатта юз берадиган вазият сабабли; 3) табиий, стихияли; ~ـة طَوَارِئُ табиий офатлар

– مَقْهُورٌ 1) тизгинларга тобе қилинган, бўйсундирилган; 2) мажбурий; 3) хафа қилинган, озор берилган; 4) ранжиган, хафа бўлган

قَهَارِمَةٌ .кўп قَهْرَمَانٌ бошқарувчи, иқтисодчи

– قَهْرَمَانَةٌ .кўп ـــ اتٌ 1) иқтисодчи аёл; 2) чет элдан чақирилган мураббия, тарбиячи аёл

قَهْقَرَ 1) чекинмоқ, орқага қараб юрмоқ; 2) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх ҳақида*) تَقَهْقَرَ чекинмоқ, орқага қараб юрмоқ; 3) орқада қолмоқ

– تَقَهْقُرٌ орқага юриш, чекиниш; орқада қолиш, регресс

– قَهْقَرَةٌ 1) орқага юриш, чекиниш; 2) тушкунлик, инқироз, завол, регресс

– قَهْقَرَى чекиниш, орқага юриш; ~ رَجَعَ тисланмоқ, тисарилмоқ

قَهْقَهَ қаҳқаҳа уриб кулмоқ, қаттиқ кулмоқ;

– قَهْقَهَةٌ қаҳқаҳа, қаҳқаҳа отиш, қаттиқ кулиш

(فهو) IV أَقْهَى .кўп қаҳва ичмоқ

– قَهْوَجِيٌّ .кўп قَهْوَجِيَّةٌ қаҳвахона эгаси (хўжайини)

– قَهْوَةٌ[1] 1) қаҳва дони, янчилмаган қаҳва; 2) қаҳва (*ичимлик*); ~ سَادَةٌ қандсиз тайёрланган қаҳва; ~ زِيَادَةٌ кўп қанд қўшиб тайёрланган қаҳва; ~ الـ تَنَكَةُ қаҳва қайнатадиган идиш; 3) шароб, вино

– قَهْوَةٌ[2] .кўп قَهَاوٍ, قَهَوَاتٌ қаҳвахона, кафе

– مَقْهًى .кўп مَقَاهٍ = قَهْوَةٌ[2]; ~ الـ رَجُلُ ҳар доим қаҳвахонадан топиладиган (*кунда-шунда*) одам

I قَهِيَ (а) قَهْيٌ (*мас., ейишни, ичишни*) хоҳламай қолмоқ (عَنْ); يَقْهَى عَنِ الطَّعَامِ وَ عَنِ الشَّرَابِ у ейишни ҳам, ичишни ҳам хоҳламаяпти; IV أَقْهَى иштаҳаси пасаймоқ; ~ عَنِ الطَّعَامِ овқатга иштаҳаси сусаймоқ

I (قوب) قَابَ (у) قَوْبٌ 1) ўйиб кавак қилмоқ, чуқурча қилмоқ; 2) тухумни ёриб чиқмоқ (*жўжа ҳақида*); II قَوَّبَ кавламоқ, кавлаб чиқармоқ, қазимоқ; V تَقَوَّبَ ёрилмоқ (*тухум ҳақида*); VII اِنْقَابَ = I

– قَابٌ қисқа масофа; ~ قَوْسٍ камон ўқи отилган масофада; *маж.* жуда яқиндан; ~ قَوْسَيْنِ *ёки* هَذَا عَلَى ~ قَوْسَيْنِ бу жуда яқинда турибди; أَصْبَحَ عَلَى ~ قَوْسَيْنِ مِنَ الْمَوْتِ ўлишига қилча қолди; ... مِنْ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى ...дан қилча нарида турибди, ...га қилча қолди

– قُوبٌ ўйиб олинган жой, кавланган жой

– قُوبٌ .кўп أَقْوَابٌ жўжа

– قُوبٌ *мед.* قُوبَاءُ .кўп قُوبَاءُ *ёки* 1) қирма теморатки; кал, ялтирбош; 1) экзема

– قُوبَةٌ .кўп ـــ اتٌ *мед.* қирма темиратки

I (قوت) قَاتَ (у) قَوْتٌ боқмоқ, овқатлантирмоқ, озиқлантирмоқ; II قَوَّتَ 1) озиқ-овқат билан таъминламоқ; 2) тутмоқ, боқмоқ; IV أَقَاتَ 1) = I; 2) еб-ичишга қодир бўлмоқ; V تَقَوَّتَ (*н. нидир*) емоқ, (*н. биландир*) боқилмоқ (بِ); VIII اِقْتَاتَ = V; X اِسْتَقَاتَ овқат сўрамоқ

– إِقَاتَةٌ боқиш, овқатлантириш

– قَاتٌ *бот.* қот (*яманда барги чайналадиган ва кайф қиладиган ўсимлик*); ~ الـ مَضَغَ қот чайнамоқ

– قُوتٌ .кўп أَقْوَاتٌ овқат, емак, озиқ-овқат; ем; أَقْوَاتٌ озиқ-овқатлар; ~ الْيَوْمِ ризқ-рўз, қути лоямут, кунлик овқат; بَحَثَ عَنِ الـ~ емиш қидирмоқ; عَمِلَ فِي سَبِيلِ الـ~ қоринни деб ишламоқ

– مُقِيتٌ овқатлантирувчи; тўқ тутадиган, бақувват; ~ الـ ризқ берувчи (*Оллоҳ таолонинг исми сифати*)

I (قوح) قَاحَ (у) قَوْحٌ супурмоқ, супуриб ташламоқ; 2) йирингламоқ (*яра ҳақида*); II قَوَّحَ = I; III قَاوَحَ арзимаган нарсага баҳслашмоқ, талашмоқ, мунозара қилмоқ; V تَقَوَّحَ йирингламоқ (*яра ҳақида*)

I (قود) قَادَ (у) قِيَادَةٌ, مَقَادَةٌ, قِيدُودَةٌ 1) бошқармоқ, идора қилмоқ; ~ طَائِرَةً самолётни бошқармоқ (ҳайдамоқ); ~ سَيَّارَةً автомобилни бошқармоқ; ~ الْأُورْكِسْتْرَا оркестрга дирижёрлик қилмоқ; 2) бошчилик қилмоқ, йўлбошчилик қилмоқ, командирлик қилмоқ; II قَوَّدَ жуда кўп бошқармоқ, ҳайдамоқ (*машина ва ҳ. к. парни*); IV أَقَادَ ~ الْقَاتِلَ بِالْقَتِيلِ одам ўлдирганлиги учун қасос сифатида қотилни ўлдирмоқ; VII اِنْقَادَ 1) ўзини етаклатмоқ, олиб борилмоқ, обо́рилмоқ, юргизилмоқ; 2) (*к. гадир*) бўйсунмоқ (لِـ); ўз жиловини (*к. нингдир*) қўлига бериб қўймоқ; 3) (*бирор н. га*) берилмоқ, берилиб кетмоқ; (*тузоққа*) тушмоқ, илинмоқ; VIII اِقْتَادَ (*қаергадир*) олиб бормоқ, етакламоқ; X اِسْتَقَادَ 1) (*к. гадир*) бутунлай бўйсунмоқ (لِـ); 2) қасос сифатида қотилни ўлдиришни талаб қилмоқ

– اِنْقِيَادٌ 1) издан бориш; 2) тобелик, бўйсунишлик

– قَائِدٌ .кўп قُوَّادٌ, قَادَةٌ 1) доҳий, раҳбар; قُوَّادُ الثَّوْرَةِ инқилоб раҳбарлари; قَادَةُ الْفِكْرِ мутафаккирлар, фан ёки санъат арбоблари; ~ الْأُورْكِسْتْرَا дирижёр; 2) қўмондон; йўлбошчи; бошлиқ; الـ~ الْأَعْلَى لِلْقُوَّاتِ الْمُسَلَّحَةِ қуролли кучлар олий бош қўмондони; الـ~ الْعَامُّ бош қўмондон; ~ الْجَيْشِ армия қўмондони; ~ الْأُسْطُولِ флот қўмондони; ~ السِّلَاحِ الْجَوِّيِّ ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони; 3) ҳайдовчи; ~ الْقَاطِرَةِ паровоз машинисти; 4) пилот; ◊ الـ~ *астр.* Катта айиқ туркумида энг чеккадаги юлдузнинг номи

– قَوَّادٌ қўшмачи; عَمَلُ الـ~ қўшмачилик

– قَوَّادَةٌ қўшмачи аёл

– قَؤُودٌ ювош, гапга кирадиган, қобил
– قَوْدٌ 1) ҳайдаш, бошқариш; 2) қўшмачилик
– قَوَدٌ қасос, ўч, хун ҳақи, товон
– قِيَادٌ жилов, боғлоқ; أَرْخَى الـ~ لـ... жиловни бўш қўймоқ; سَلِسُ الـ~ осон бошқариладиган, итоаткор; صَعْبُ الـ~ қийин бошқариладиган, қулоқсиз, итоатсиз; مُطْلَقُ الـ~ эркин, озод, жилови қўйиб юборилган
– قِيَادَةٌ кўп. ـاتٌ 1) қўмондонлик; бошқарма, идора; الـ~ الْعُلْيَا олий қўмондонлик; 2) бошқариш; ~ السَّيَّارَةِ автомобилни бошқариш (ҳайдаш) 3) қўшмачилик
– قِيَادِيٌّ раҳбарликка оид; مَرْكَزٌ ~ бошқариш маркази; مُنَظَّمَاتٌ ~ـةٌ раҳбар ташкилотлар
– قَيِّدٌ ювош (от ҳақида)
– قَيِّدَةٌ халқ. бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи
– مَقَادَةٌ 1) бошқариб бориш; 2) раҳбарлик, бошчилик; ◊ عَصَتْ ~ـهُ عَلَى الرَّاكِبِ эгарга ўтирганда бўйсунмай турмоқ
– مِقْوَدٌ кўп. مَقَاوِدُ жилов, арқон, тизгин; ◊ ~ السَّيَّارَةِ автомобил рули, автомобил рули чамбараги
– مُنْقَادٌ 1) етаклаб юрилган; 2) итоаткор, ювош

I قَارَ (قور) (у) قَوْرٌ оёқ учида юрмоқ; II قَوَّرَ 1) тешмоқ, ўймоқ, ўйиб тешмоқ; ичини ковак қилмоқ; 2) думалоқ тешик қилиб тешмоқ; ёқа тешмоқ (кўйлакдан); 3) смола (елим) суртмоқ; ◊ ~ الْعَيْنَ кўзни ўйиб олмоқ; V تَقَوَّرَ кулча бўлиб олмоқ (илон ҳақида); 2) тешилган бўлмоқ
– أَقْوَرُ мн. قُورٌ кўп. قَوْرَاءُ 1) кенг, сиғимли, кўп элтадиган (сиғадиган); 2) бир кўзи кўр, бир кўзли
– تَقْوِيرٌ 1) чуқурлаштириш; 2) ўйиш, ковлаб ўйиш; архит. қисқа тарнов
– تَقْوِيرَةٌ кўп. تَقَاوِيرُ 1) кавак, ўйилган жой, кемтик жой; 2) кўйлакнинг ёқаси, ўйиб олинган жойи
– قَارٌ минерал смола, битум, асфальт, сақич
– قَارَةٌ кўп. ـاتٌ، قِيرَانٌ، قُورٌ дўнг, тепалик, қир, адир
– قَارِيٌّ смолали, елимли, серелим
– قُوَارَةٌ кўп. ـاتٌ 1) сопол ёки чинни синиғи; 2) ўйиб тешилган нарса, ўйиб олинган нарса
– مُقَوَّرَةٌ = قُوَارَةٌ
– قُورَةٌ кўп. قُوَرٌ пешона
– مُقَوَّرٌ 1) ўйиб тешилган, кириб текисланган; 2) кўкраги очиқ (кўйлак ҳақида); 3) смола суртилган (чапланган)
– مِقْوَرَةٌ кўп. مَقَاوِرُ 1) ярим ой шаклидаги искана; 2) мева-сабзавотларни артишга мўлжалланган пичоқ
قَاوُورْمَةٌ = قَوْرْمَةٌ
قُوزَاقٌ казаклар

قُوزِيٌّ (сол. أُوزِيٌّ) бузоқ, қўзичоқ

I قَوِسَ (а) قَوَسٌ эгилган бўлмоқ, букчаймоқ; II قَوَّسَ 1) отмоқ, ўқ узмоқ; ҳарб. (икки томонлама) нишонга олмоқ; 2) эгмоқ; пештоқ шаклли қилмоқ; V تَقَوَّسَ эгилмоқ, букчаймоқ (бел ҳақида); анордек дўппайиб турмоқ (қизларнинг кўйлагидаги кўкрак); يَتَقَوَّسُ الشَّيْخُ қария букчайиб қолапти
– تَقْوِيسٌ 1) отиш, ўқ узиш; ҳарб. икки томонлама (мўлжалга) олиш; 2) эгрилик, қайрилганлик; архит. пештоқ шаклидаги эгма
– قَوَّاسٌ кўп. قَوَّاسَةٌ 1) ёйчи, ёй отар; мерган; 2) овчи, сайёд; 2) қаввос (куролланган хизматкор)
– قَوْسٌ мн. мз. кўп. أَقْوَاسٌ، قِسِيٌّ 1) ёй, камон; الـ~ وَ النُّشَّابُ ёй ва ўқ; رُمِيَ مِنْ ~ وَاحِدَةٍ маж. бир манбадан келиб чиққан бўлмоқ (сўзма-сўз: битта ёйдан отилмоқ); رَمَوْهُ مِنْ ~ وَاحِدَةٍ маж. кимгадир қарши биргалашиб ҳаракат қилмоқ; 2) тоқ, пештоқ; ~ النَّصْرِ зафар арки, ғалаба арки; 3) кўприкнинг тирагич устунлари оралиғи; 4) ёй (доира ёки бошқа эгри чизиқнинг бир бўлаги); ~ النَّدْفِ пахта тарашлайдиган тароқ; 5) муз. камонча; 6) қавс; الـ~ـانِ ик. с. иккита қавс, қўшқавс; الـ~ الْمَعْقُوفُ квадрат қавс ([ ]); الـ~ الْمُزْدَوِجُ фигурали қавс ({ }); 7) ҳарб. вилка (икки томонлама нишонга олиш); ◊ ~ النَّبِيِّ ёки ~ قُزَحَ ёки ~ السَّمَاءِ камалак; ~ الْمَحْرَاثِ омочнинг тутқичи; بُرْجُ الـ~ وَ الرَّامِي Қавс (юлдузлар туркуми); ~ الْغَمَامِ бот. Флорен ириси (гул)
قُوَيْسٌ، قُوَيْسَةٌ[1] 1) ёйча, камонча
– قُوَيْسَةٌ[2] 2) бот. ўрмон шалфейи (ўсимлик)
– مِقْوَسٌ кўп. مَقَاوِسُ спорт. старт бериш пакқаси
– مُقَوَّسٌ эгилган, букилган, букчайган; أَنْفٌ ~ қирғий бурун
قَائِشٌ кўп. قَوَائِشُ қайиш (устара ишқаланадиган, қайраладиган)
– قَاوُوشٌ кўп. قَوَاوِيشُ қамоқ камераси
– قَايِشٌ кўп. قَوَايِشُ қайиш (устара ишқаланадиган, қайраладиган); тасма, камар
– قُوشٌ кўп. أَقْوَاشٌ 1) камар, тасма; 2) қуюшқон
قَوْصَرَّةٌ، قَوْصَرَةٌ хурмо сақлаш учун қамишдан тўқилган идиш

I قَاضَ (قوض) (у) قَوْضٌ бузмоқ, вайрон қилмоқ, хароб қилмоқ; II قَوَّضَ = I; V تَقَوَّضَ бузмоқ, вайрон қилмоқ, хароб қилмоқ; III قَاوَضَ бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, хароб бўлмоқ; VII انْقَاضَ бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, хароб бўлмоқ
(قوط) II قَوَّطَ (к. нидир) алдамоқ (عَلَى)
– قَوْطٌ кўп. أَقْوَاطٌ қўй подаси
– قَوْطَةٌ кўп. قُوَطٌ сават (мева солинадиган)
– قُوطَةٌ памилдори, помидор, томат
قُوطٌ тар. 1) готлар; الـ~ الْغَرْبِيُّونَ ғарбий готлар, вестготлар

– قُوطِيٌّ тар 1) готларга оид; 2) готлик; 3) гот (қадимги герман қабилаларига мансуб киши)

– قَاعٌ кўп. أَقْوَاعٌ, قِيعَانٌ 1) пастқам ер, жарлик, пастлик, текислик; 2) (дарё, денгизнинг) таги, туби; الْمَرْكَبِ ~ кеманинг остки қисмини тутиб турувчи тагёғоч, кил; النَّهْرِ ~ дарё ўзани; التُّرْعَةِ ~ канал ўзани; 4) пол, ер; الْغُرْفَةِ ~ хона ери

– قَاعَةٌ кўп. ـــ اتٌ 1) зал, катта хона; الْاجْتِمَاعَاتِ الْاحْتِفَالِيَّةِ ~ конференс-зал; الطَّعَامِ ~ ошхона, емакхона; الْمُحَاضَرَاتِ ~ аудитория, маърузалар зали; الْمُطَالَعَةِ ~ ўқув зали, қироатхона; 2) палата (касалхонада); الدَّارِ ~ ҳовлининг саҳни

I (قوف) قَافَ (у) قَوْفٌ 1) фол (ром) очмоқ, башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ; 2) сиртига қараб ҳукм чиқармоқ

– قَائِفٌ фолбин, ромчи

– قَافٌ: جَبَلُ ~ дин. кўҳи Қоф (ер атрофини ўраб турган тоғ номи); عَاشَ وَرَاءَ جَبَلِ ~ мақ. ҳеч кимга аралашмай яшамоқ (сўзма-сўз: кўҳи Қофнинг орқасида яшамоқ)

– كُوفِيَّةٌ = قُوفِيَّةٌ

I (قوف) قَافَ (у) قَوْفٌ қағ-қағламоқ, қурилламоқ; ғоқ-ғоқламоқ (ғоз ҳақида); II قَوَّفَ = I

– قَاقٌ кўп. قِيقَانٌ 1) қарға (Сурияда); 2) шунингдек: الْمَاءِ ~ қорабузов

– قَاوُوقٌ алиф.б.к.

– قُوقٌ 1) = قَاقٌ; 2) оққуш

– قُوقَةٌ бойўғли

– قُوَيْقٌ: أُمُّ الْــ ~ бойўғли

قَوْقَأَ қағ-қағламоқ, қурулламоқ

– قَوْقَأَةٌ қағ-қағлаш, қуруллаш

مُقَوْقِسٌ тар. муқавқис (жоҳилия давридаги Қоҳира ҳокимининг лақаби)

(قوقع) تَقَوْقَعَ 1) ўзи билан ўзи овора бўлиб қолмоқ; ўз қобиги ичида яшамоқ; 2) илдиз отмоқ, томир ёймоқ; 3) ҳеч кимга билдирмасдан (қаергадир) кирмоқ (دَاخِلَ)

– قَوْقَعٌ чиғаноқ; шиллиқ қурт

– قَوْقَعَةٌ кўп. ـــ اتٌ, قَوَاقِعُ чиғаноқ, ракушка; шиллиққурт

– قَوْقَعِيٌّ чиғаноқсимон, чиғаноққа ўхшаш; زُخْرُفٌ ~ чиғаноқ шаклидаги нақш

قَوْقَى қақилламоқ, қақағламоқ (товуқ ҳақида)

– قَوْقَاةٌ, قِيقَاءٌ қақиллаш, қақағлаш (товуқ ҳақида)

I (قول) قَالَ (у) قَوْلٌ, قَوْلَةٌ, مَقَالٌ, مَقَالَةٌ 1) гапирмоқ, демоқ (бирор н. ҳақида) гапириб бермоқ فِي; (к. дандир) нақл қилмоқ (عَنْ); ~ بَيْنَهُ وَ بَيْنَ نَفْسِهِ ўзига ўзи гапирмоқ, гапирмоқ, ўзича ўйламоқ; وَ ~ إِذْ فِيمَا ... ~ إِنَّ жумладан унга айтдики, ...; قِيلَ айтилди, айтилган; وَ الْحَقُّ يُقَالُ ... ростини айтганда; ... أَوْ قُلْ ёки яхшиси айтгинки, ...; 2) (к. нимадир устидан) бўҳтон қилмоқ (عَلَى ёки ضِدَّ); 3) (н. нидир) баён қилмоқ, тасдиқламоқ (بِ); يُقَالُ айтадилар; عَلَى مَا يُقَالُ айтадиларки, айтишларича; مُجَرَّدُ كَلَامٍ يُقَالُ қуруқ гапнинг ўзи; ◊ ~ وَ قِيلَ беҳуда гаплар, миш-миш хабарлар; II قَوَّلَ 1) жуда кўп гапирмоқ; ҳикоя қилиб бермоқ; 2) сўзларни (к. гадир) мансуб деб ҳисобламоқ, (к. дир) айтди демоқ; III قَاوَلَ 1) тортишмоқ, баҳслашмоқ, мунозара қилмоқ; 2) савдолашмоқ; 3) шартнома тузмоқ, иттифоқ тузмоқ; IV أَقْوَلَ сўзларни (к. гадир) мансуб деб ҳисобламоқ, (к. дир) айтди демоқ; V تَقَوَّلَ (бирор к. ёки бирор н. ҳақида) беҳуда гапларни гапирмоқ; 2) (бирор к. ёки бирор н. ҳақида) миш-миш тарқатмоқ (عَلَى); 3) тахмин қилиб гапирмоқ, тахминан демоқ; VI تَقَاوَلَ музокара олиб бормоқ; VIII اقْتَالَ 1) (к. нимадир устидан) ҳукмронлик қилмоқ (عَلَى); 2) демоқ, айтмоқ

– أَقَاوِيلُ кўп. миш-мишлар, беҳуда гаплар

– تَقَوُّلَاتٌ кўп. олди-қочди гаплар, овозалар

– قَائِلٌ кўп. قُوَّلٌ гапирувчи, деювчи, нақл қилувчи; ~ وَ قَدْ يَقُولُ ёки ~ يَقُولُ وَ رُبَّمَا эҳтимол кимдир айтар; ... مِنْهُمْ ~ قَالَ улардан кимдир дедики, ...

– قَالٌ: ~ وَ قِيلٌ ёки الْقَالُ وَ الْقِيلُ беҳуда (бўлмағур) гаплар., миш-мишлар; ابْتَعَدَ عَنِ الْــ ~ وَ الْقِيلِ гиди-биди гаплардан қочиб кетди

– قَالَةٌ гаплар, сўзлар, нутқлар; سُوءُ الْــ ~ ғийбат, фисқ-фасод

– قَوَّالٌ 1) серган, маҳмадана; 2) халқ орасидаги шоир

– قَوْلٌ кўп. أَقْوَالٌ сўз, гап; мулоҳаза, фикр; صِحَّةُ الْــ ~ сўзларнинг (фикрларнинг) тўғрилиги; شَرَفٍ ~ чин (рост) сўз; الْــ ~ الْفَصْلُ ҳал қилувчи сўз; الْــ ~ الْمَأْثُورُ ҳикматли сўз, афоризм; لَا يُرِيدُ أَقْوَالًا بَلْ يُرِيدُ أَفْعَالًا унга қуруқ гап эмас, иш керак; ◊ جُمْلَةُ الْــ ~ бир сўз билан айтганда; قُصَارَى الْــ ~ қисқа қилиб айтганда, гапнинг қисқаси; بِالْــ ~ وَ بِالْفِعْلِ ҳам оғизда, ҳам қўлда; ҳам гап билан, ҳам иш билан; عَلَى أَقْوَالِ الْعُلَمَاءِ олимларнинг гапига кўра; أَقْوَالُ الشَّاهِدِ гувоҳнинг берган гувоҳлиги; أَخَذَ أَقْوَالَ الْجَانِي жиноятчининг айтганларини ёзиб олиоқ

– قَوْلٌ кўп. ـــ اتٌ ҳарб. отряд; саф, колонна; السَّيْرِ ~ юриш учун сафланган колонна; مَرَّ بِـــ ~ أَرْبَعَاتٍ тўрт кишидан колонна бўлиб ўтмоқ; مَرَّ بِـــ ~ بِلَاتُونَاتٍ взвод-взвод бўлиб ўтмоқ

– قَوْلَةٌ 1) ибора; 2) фикр, мулоҳаза; مَأْثُورَةٌ ~ ҳикматли сўз

– قُوَلَةٌ, مِقْوَلٌ, مِقْوَالٌ, قَوَّالٌ сўзчан, сўзамол

– قَؤُولٌ кўп. гапирадиган; رَجُلٌ ~ серган одам

– قِيلٌ кўп أَقْوَالٌ, أَقْيَالٌ қар. قِيلٌ

– قِيلٌ[1] нутқ, гап

– قِيلٌ[2] кўп. قالٌ وَ قِيلٌ ёки القالُ وَ الـ~ қар.

– مَقالٌ кўп. —اتٌ мақола

مَقالَةٌ кўп. —اتٌ 1) нутқ; 2) мақола; унча катта бўлмаган иншо; адабий лавҳа; افتتاحيّةٌ ~ бош мақола

– مُقاوِلٌ пудратчи

– مُقاوَلَةٌ 1) баҳс, жанжал; 2) шартнома, иттифоқ, келишув, пудрат; بالـ~ ишбай

– مَقُولٌ[1] айтилган, дейилган; وَ الـ~ الآنَ إنَّ ... энди айтадиларки, ...

– مَقُولٌ[2]. مَقُولَةٌ кўп. —اتٌ фикр, мулоҳаза; ◊ المَقُولاتُ العَشْرُ фалс. ўн категория

– مِقْوَلٌ кўп. مَقاوِلُ телефон, микрофон

قَوْلَبَ бир хил шаклга келтирмоқ; бир хил андазага солмоқ; ◊ ~ نُكْتَةً ҳазил гап айтиб қўймоқ

– قَوْلَبَةٌ бир хил формага солиш; шаблонлаштириш; ~ الأفكارِ фикр бирхиллиги; زُخْرُفِيَّةٌ ~ ганчбанд нақшлар

– قَوْلَحَةٌ қар. قلح

قُولَنْجٌ، قَوْلَنْجٌ қориндаги санчиқ; мед. йўғон ичакнинг яллиғланиши; ич буруғи, колит

قُولُونٌ анат. йўғон ичакнинг кўр ичакдан тўғри ичакка қадар бўлган қисми, харта; تَقَبُّحُ الـ~ мед. йўғон ичакнинг яллиғланиши

قامَ (قوم) (у) قِيامٌ، قَوْمَةٌ I 1) турмоқ, ўриндан кўтарилмоқ; тик турмоқ; ~ مِنْ نَوْمِهِ ўриндан турмоқ; قامَتِ الدُّنْيا وَ قَعَدَتْ ҳамма ёқ алғов-далғов бўлиб кетди; 1) кўтарилмоқ, қўзғалмоқ; قامَتِ الزَّوْبَعَةُ чанг-тўзон кўтарилди; 3) тирилмоқ, ўлгандан сўнг тирилмоқ; 4) пайдо бўлмоқ, келмоқ; قامَتِ الفِكْرَةُ каллага бир фикр келди; 5) мавжуд бўлмоқ, содир бўлмоқ, амалга ошмоқ; 6) ҳавога кўтарилмоқ (*тайёра ҳақида*); (*қаердандир*) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ, ўрнидан силжимоқ (*поезд, пароход ҳақида*— مِنْ); 7) (*қаергадир*) жўнамоқ (إلى); 8) (*к. гадир қарши*) кўтарилмоқ, қўзғалмоқ (ضِدَّ، عَلَى); 9) асосланмоқ, таянмоқ (عَلَى); 10) (*н. нидир*) кўтармоқ (بِ); ~ بِالمَصارِيفِ харажатларни кўтармоқ; 11) (*н. нидир*) бажармоқ, амалга оширмоқ, қилмоқ, ижро этмоқ (بِ); ~ بِدَوْرٍ рол ўйнамоқ; ~ بِمُظاهَرَةٍ намойиш уюштирмоқ; ~ بِالواجِبِ бурчни бажармоқ ~ بِوَعْدِهِ ваъданинг устидан чиқмоқ; 12) (*ишни*) олиб бормоқ), (*н. нидир*) бошқариб бормоқ (بِ); 13) турмоқ, қила бошламоқ, бажара бошламоқ (*ҳоз. -кел. замон феъли билан бирга*); ~ يَطْلُبُ талаб қила бошлади; ~ قالَ халқ айтди - қўйди; 14) (*к. ларнингдир ўртасида*) кетмоқ, бормоқ (*жанг ҳақида* بَيْنَ); 15) (*к. ларнингдир орасида*) пайдо бўлмоқ (بَيْنَ); ◊ ~ العَجِينُ хамир кўпди (етилди); ~ الحَقُّ ҳақиқат ғалаба қилди; ~ مَقامَهُ кимнингдир ўрнини алмаштирмоқ; ~ دُونَهُ кимнидир ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ; ~ عَلَى عائِلَتِهِ оиласи ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; قامَتِ السُّوقُ бозор бошланди, бозорда савдо-сотиқ бўлиб турибти; قامَتْ لَهُ قائِمَةٌ тиргакка эга бўлмоқ, асосли бўлмоқ; ~ المَاءُ сув музлади, сув қотди; II قَوَّمَ[1] 1) турғизмоқ, кўтармоқ; ~ مِنَ النَّوْمِ уйғотмоқ; 2) тўғриламоқ, тўғри қилмоқ; ~ أَوَدَهُ ёки ~ عِوَجَهُ ёки ~ اعْوِجاجَهُ ниманидир тўғриламоқ, ниманингдир эгри жойини тўғрилаб текисламоқ; ~ الأَسْنانَ тишларни протез қилмоқ; 3) нарх қўймоқ, нарх белгиламоқ; لا يُقَوَّمُ بِثَمَنٍ бебаҳо, баҳоси йўқ; 4) *физ.* ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирмоқ; ◊ ~ عِيالَهُ оиласи ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; II قَيَّمَ[2] нарх белгиламоқ, нарх қўймоқ. III قاوَمَ қаршилик кўрсатмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ; курашмоқ; IV أَقامَ 1) тўғриламоқ текисламоқ; 2) тикламоқ, қурмоқ, ўрнатмоқ; (*н. гадир*) асос солмоқ, асос қўймоқ (عَلَى); ~ الأُسُسَ (*бирор н. га*) асос солмоқ (لِـ); 3) ўрнатмоқ, белгиламоқ, тикламоқ ~ عَلاقاتٍ وُدِّيَّةً (*к. биландир*) дўстона муносабатлар ўрнатмоқ (مَعَ); ~ زَيْدًا الرَّئِيسُ مَقامَهُ бошлиқ ўз ўрнига Зайдни қўйди; 4) ташкил этмоқ (*қилмоқ*); ~ حَفْلَ تَكْرِيمٍ (*к. гадир*) тантанали маросим ташкил этмоқ (لِـ); ~ المَعْرِضَ кўргазма уюштирмоқ; ~ الفاتِحَةَ عَلَى رُوحِ زَيْدٍ Зайднинг руҳига бағишлаб Фотиҳа сурасини тиловат қилмоқ; ~ مَأْدُبَةً (عَشاءٍ) غَداءٍ تَكْرِيمًا لِـ... ...нинг шарафига тантанали (кечки) тушлик зиёфат бермоқ; 5) жўнатмоқ, юбормоқ; бажо келтирмоқ, адо этмоқ; ~ الحُدُودَ ёки ~ حُدُودَ اللهِ шариат асосида суд қилмоқ; ~ الصَّلاةَ намозни адо этмоқ; ~ شَعائِرَ الدِّينِ диний урф-одатларга амал қилмоқ; 6) яшамоқ, умргузаронлик қилмоқ; (*қаердадир*) истиқомат қилмоқ (فِي، بِ); ◊ ~ الحُجَّةَ далил келтирмоқ, ҳужжат билан исботламоқ; ~ الحَقَّ ҳақиқатни тикламоқ; ~ الدَّعْوَى *юр.* (*к. гадир қарши*) даъво билан судга мурожаат қилмоқ (عَلَى); ~ قَضِيَّةً (*к. гадир қарши*) иш қўзғатмоқ (عَلَى); ~ الدَّلِيلَ далил (*ҳужжат*) келтирмоқ; ~ وَزْنًا (*бирор н. га*) аҳамият билан қарамоқ, эътибор бермоқ (لِـ); ~ عَلَى العَهْدِ шартномани бажармоқ; ~ المَيِّتَ ўлганни тирилтирмоқ; ~ الدُّنْيا وَ أَقْعَدَها ҳамма ёқни ағдар-тўнтар (*алғов-далғов, остин-устун*) қилмоқ; ~ عَمُودًا عَلَى ... *мат.* ...га перпендикуляр чизиқ тушмоқ; V تَقَوَّمَ 1) тўғриланмоқ, текисламоқ; тузалмоқ; 2) баҳоланмоқ; VI تَقاوَمَ бир-бирига қарши оёққа турмоқ; VII انْقامَ 1) кўтарилмоқ; 2) тикланмоқ, барпо қилмоқ; X اسْتَقامَ 1) ростгўй (*ҳалол, тўғри, адолатли*) бўлмоқ; 2) рост (*тўғри*) бўлмоқ; 3) кўтарилмоқ, тўғриланмоқ; 4) сақланмоқ, узоқ турмоқ; истиқомат қилмоқ

– اِسْتِقَامَة 1) тўғрилик, одиллик, ҳалоллик, поклик; بِـ~ рости билан, 2) тўғрилик (*хатоли эмас*)

– اِقَامَة 1) кўтариш; 2) куриш, тиклаш, ўрнатиш, 3) тайинлаш, белгилаш 4) йўлга қўйиш, тартибга солиш; амалга ошириш, жўнатиш; ~ الْحَدِّ (*к. ғадир*) шариат ҳукмини татбиққилиш (فِي، عَلَى); ~ الصَّلَاةِ намозни адо этиш; ~ الْعَدْلِ одил судлов ўтказиш; ~ شَعَائِرِ الدِّينِ диний урф-одатларни бажо келтириш; 5) истиқомат қилиш, яшаш; حَقُّ الـ~ الْحُرَّة эркин яшаш ҳуқуқи; مَحَلُّ الـ~ *ёки* دَارُ الـ~ яшаш жойи, مُعَاهَدَةُ الـ~ яшаш, истиқомат қилиш ҳақида шартнома; الـ~ الْعَامَّة бош резидентура (*Марокашда*); 6) такбир (*намозда азондан кейин ўқиладиган қисм*); такбир айтиш; 7) ўтроқлик; ◊ ~ الْمَيِّتِ ўликни тирилтириш

– أَقْوَمُ энг тўғри, тўппа-тўғри

– تَقْوِيم 1) тўғрилаш, тузатиш; 2) ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантириш; جِهَازُ ~ التَّيَّارِ *радио*. ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирувчи асбоб; 3) нарх, қиймат; تَجِلُّ قِيمَتُهُ عَنِ الـ~ бунинг қийматини аниқлаб бўлмайди; 4) *кўп*. تَقَاوِيم (*шунингдек* ~ السَّنَة) тақвим, календарь, солнома; الـ~ الْهِجْرِيُّ ҳижрий тақвим; الـ~ الْجِرِيجُورِيُّ милодий календар; ~ الْبُلْدَانِ географик маълумотлар (справочник)

– تَقْيِيم нарх белгилаш

– قَائِم 1) тик турувчи; кўтарилган; ўрнидан турган; 2) мавжуд бўлиб турган; 3) тик турган, тик кўтарилган, вертикал; *мат.* перпендикуляр; 4) тўғри; زَاوِيَة ~ـة *мат.* тўғри бурчак; ~ الزَّاوِيَة тўғри бурчакли; 5) брутто; الْوَزْنُ الـ~ бирор нарсанинг идиши билан биргаликдаги вазни; 6) тирговуч, тиргак, устун; ёндор, кесаки; ~ السَّيْفِ қиличнинг сопи (тутқичи); ◊ ~ بِالْأَعْمَالِ (*к. нингдир*) вазифасини бажарувчи; إِصَالَةً الـ~ بِالْأَعْمَالِ *дип.* ишончли вакил; (بِالنِّيَابَة) الـ~ بِالْأَعْمَالِ وِكَالَةً мувақкат ишончли вакил; قَائِمَقَام *ёки* ~ مَقَام а) ўринбосар, муовин; б) бошлиқ; в) подполковник; ~ بِذَاتِهِ ўзига мустақил

كَمُلَ ا (у) كَمَالٌ тўлиқ, етилган, тугалланган бўлмоқ; II كَمَّلَ 1) тўлдирмоқ, камини тўлғазмоқ; тамомламоқ, битирмоқ; 3) мукаммаллаштирмоқ; 4) (*к. нидир*) ўлдирмоқ (عَلَيْهِ); IV أَكْمَلَ ~ أَعْمَالَهُ (*камини*) тўлдирмоқ; 2) тамом қилмоқ, охирига етказмоқ; ўз ишларини тамомламоқ; 3) мукаммал ҳолга етказмоқ; V تَكَمَّلَ такомиллашган бўлмоқ; VI تَكَامَلَ 1) аста-секин камолга етмоқ; 2) тўла йиғилмоқ; وَ إِذَا لَمْ يَتَكَامَلِ الْعَدَدُ الْقَانُونِيُّ يَكُونُ الْإِجْتِمَاعُ فِي حَالَةِ عَدَمِ تَكَامُلِ الْعَدَدِ الْقَانُونِيِّ кворум бўлмаган (*ҳамма қатнашиши шарт бўлганлар келмаган тақдирда*) ҳам ҳар ҳолда мажлис бўлади; VIII اكْتَمَلَ 1) тўла, тугалланган бўлмоқ; 2) тугалланмоқ; камолотга, тўла етукликка эришмоқ; камолга етмоқ; X اسْتَكْمَلَ 1) тўлдирмоқ, тўлғазмоқ; 2) бажармоқ, тугалламоқ, охирлатмоқ; 3) тўла қониқтирмоқ *ёки* мос келмоқ (*мас., талабларга* —لـ); (*н. ғадир*) тўла эга бўлмоқ (—لـ); تَسْتَكْمِلُ الْغُرْفَةُ لِكُلِّ وَسَائِلِ الرَّاحَةِ хонада барча қулайликлар мавжуд

– اسْتِكْمَالٌ 1) тўлалик, тўлиқлик; 2) тугалланиш, охирига етиш; ~ا لـ... ...нинг устига; 3) (*бирор н.* га) тўла мос келиш, (*талабни*) тўла қондириш (—لـ)

– اكْتِمَالٌ 1) тўлалик, тўлиқлик, тамомланганлик, тугалланганлик; камолот, мукаммаллик; ~ جُسْمَانِيٌّ жисмоний баркамоллик; 2) етуклик, комиллик

– إِكْمَالٌ тамом битиш, тугалланиш; камолот, комиллик; ~ا لِفَائِدَةٍ кўпроқ фойда бўлсин (олиш) учун

– أَكْمَلُ янада етукроқ; янада тўлиқроқ; بِـ~ـهِ бутунлай; فِي ~ صُورَةٍ *ёки* عَلَى ~ وَجْهٍ *ёки* عَلَى الْوَجْهِ الْـ~ энг юксак даражада (ҳолда)

– تَكَامُلٌ 1) такомиллик, комиллик, тўлалик, бутунлик; ~ الْعَدَدِ الْقَانُونِيِّ *ёки* ~ النِّصَابِ кворум (*қатнашиши лозим бўлган одамларнинг тўла келганлиги*); عَدَمُ ~ الْعَدَدِ الْقَانُونِيِّ кворумнинг йўқлиги; 2) интеграция, бир бутун ҳолда бирлаштириш; الْـ~ الْاقْتِصَادِيُّ иқтисодий интеграция; حِسَابُ الْـ~ *мат.* интеграллаш

– تَكَامُلِيٌّ бутунликни тўлдирувчи, интеграл, интегралга оид

– تَكْمِلَةٌ тўлдириш; тўпиш

– تَكْمِيلٌ тўлдириш, тўлиш; битиш, тамомланиш

– تَكْمِيلِيٌّ 1) қўшимча; 2) қисман, бир оз

– كَامِلٌ 1. 1) тўла, тўлиқ; بِالْـ~ тўлалигича; بِـ~ـهِ бутунлай; لَبَنٌ ~ қаймоғи олинмаган сут; ~ الْعَدَدِ тўла таркибда (составда); اجْتِمَاعٌ ~ الْعَدَدِ ялпи (*пленар*) йиғилиш; 2) комил, камолотга эришган; тўла етилган; 2. 1) *адаб.* комил (*шеърий вазн*); 2) *кўп.* كَمَلَةٌ комил инсон

– كَمَالٌ тўлалик, тўлиқлик, комиллик

– كَمَالَةٌ 1) тўлдириш, тўлдирилиш; 2) қўшимча; *шунингдек* ~ وَزْنٍ қўшимча вазн, тарозига яна солиш (қўшиш); 3) қайтим (*пул*)

– كَمَالِيٌّ ҳашам, зийнат нарсалари бўлган; سِلَعٌ ~ـةٌ وَ نِصْفُ ~ـةٍ зеб-зийнат моллари ва қиммати камроқ товарлар

– كَمَالِيَّاتٌ *кўп.* ҳашам; зеб-зийнат предмет (нарса)лари

– مُكَمَّلٌ мукаммал; тўлдирилган, тўла, тўлиқ

– مُكَمِّلٌ тўлдириладиган; қўшимча; كَلِمَاتٌ ~ـةٌ *грам.* гапнинг иккинчи даражали бўлаклари

كَمَنَ ا (كمن) (у) كُمُونٌ 1) яширинган бўлмоқ; яширинмоқ, беркинмоқ; مَاذَا يَكْمُنُ وَرَاءَهُ؟ бунинг ортида нима яширинган?; 2) пистирмада ўтирмоқ; (*к. нидир*) пойламоқ (—لـ); كَمِنَ (а) كُمُونٌ яширинган бўлмоқ; яширин-у, аммо юзага чиқиши мумкин бўлмоқ; IV أَكْمَنَ яширинмоқ, бекинмоқ; ~ كَمِينًا пистирма қўймоқ; V تَكَمَّنَ пистирмада ўтирмоқ; (*к. нидир*) пойламоқ (—لـ); VIII اكْتَمَنَ яшириб юрмоқ, сир қилиб сақламоқ, бекитмоқ; X اسْتَكْمَنَ яширинмоқ, беркинмоқ, бекиниб олмоқ

– كَامِنٌ 1) пистирмада турувчи; яширинган, бекиниб олган; كَانَ ~ا فِي ... ...га бекиниб олмоқ, яширинмоқ; 2) яширин, потенциал; طَاقَةٌ ~ـةٌ потенциал (яширинган) энергия; 3) *фалс.* имманент, ички (*бирор ҳодисанинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган*)

– كَمَانٌ 1) *тар.* камон (*торли музика асбоби*); 2) скрипка; الْـ~ الْأَوْسَطُ виола; الْـ~ الْجَهِيرُ виолончель; الْـ~ الْأَجْهَرُ контрабас

– كَمَانْ *халқ.* шунингдек, яна, тағин

– كَمَانِيٌّ 1) камончи; 2) скрипкачи

– كَمَنْجَا, كَمَنْجَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) камонча (*торли музика асбоби*); 2) скрипка; قَوْسُ الْـ~ скрипка камсни, камончаси

– كُمْنَةٌ кўришнинг заифлиги; очиқ кўр

– كُمُونٌ 1) пистирмада туриш (пойлаш); 2) яширин ҳолатда бўлиш (туриш)

– كَمُّونٌ *бот.* зира; ~ أَبْيَضُ оқ зира; ~ أَرْمَنِيٌّ дала зираси; ~ أَسْوَدُ *ёки* ~ كِرْمَانِيٌّ қора зира; ~ حَبَشِيٌّ ҳинд зираси; ~ بَرِّيٌّ ёввойи зира; ~ حُلْوٌ арпабодиён, анис

– كَمُّونِيٌّ 1) зира рангидаги; 2) зирага оид; зираланган, зира солинган

— كَمُوِيَّة: اللَّحْمِ ~ зираланган гўшт

— كَمِينٌ 1. кўп. كُمَنَاءُ яширинган; пистирмада турувчи; 2. кўп. كَمَائِنُ пистирма; яширинадиган жой; نَصَبَ ~ًا (к. гадир қарши) пистирма қўймоқ (لِـ); أَقَامَ كَمَائِنَ (к. гадир қарши) пистирма ташкил қилмоқ (ضِدَّ)

— مَكْمَنٌ 1. кўп. مَكَامِنُ 1) пистирма жойи; яширинадиган жой; пистирма; 2) яширин тураржой; مَكَامِنُ الْغَازِ ер остидаги газ захиралари; مَكَامِنُ فِلِزِّ نُحَاسٍ мис рудаси қатламлари; مَكَامِنُ النِّفْطِ (الْبِتْرُولِ) нефть бор жойлар; مَكَامِنُ الْأُورَانِيُومِ уран конлари

كَمِهَ (а) كَمَهٌ I кўр бўлмоқ, кўрмай қолмоқ

— أَكْمَهُ мн. كَمْهَاءُ кўп. كُمْهٌ кўр, туғма кўр

— كَمَهٌ кўрлик

كَمِيٌّ кўп. كُمَاةٌ паҳлавон, жангчи

كَمْيُونٌ кўп. ـاتٌ юк автомобили

كُمْ қар. كُنْ

كَنَّ (а/у) كُنُونٌ، كَنٌّ I 1) (ёмонлик, нафратни) яширмоқ, сақламоқ; (к. гадир бирор туйғуни) ҳис қилмоқ (لِـ еки إِزَاءَ); ~ مَشَاعِرَ الصَّدَاقَةِ إِزَاءَهُ кимгадир дўстлик туйғуларини ҳис қилмоқ; 2) пасаймоқ, тинчланмоқ (шамол ҳақида); ◊ ~ رِجْلَهُ оёқни йиғиб олмоқ; II كَنَّنَ яширмоқ, бекитмоқ; 2) тинчлантирмоқ, пасайтирмоқ; IV أَكَنَّ (туйғуларни) яширмоқ, сақламоқ, ҳис қилмоқ; ~ حُبًّا (كَرَاهِيَةً) (к. гадир) дўстлик (нафрат) туйғуларини ҳис қилмоқ (لِـ); VIII اكْتَنَّ яшириниб олмоқ, бекиниб олмоқ; X اسْتَكَنَّ 1) яширинмоқ, бекинмоқ; 2) уя қуриб олмоқ, қулай жойлашиб олмоқ, ёпишиб олмоқ; 3) тинчланмоқ

— كَانُونٌ кўп. كَوَانِينُ печ, ўчоқ; ◊ ~ الْأَوَّلُ декабрь; ~ الثَّانِي (الْآخِرُ) январь

— كِنٌّ кўп. أَكْنَانٌ 1) бошпана, ёпиқ жой; ~ النَّبَاتِ оранжерея, ёпиқ гулхона; 2) уя; ин; бошпана; ~ الدَّجَاجِ товуқхона; 3) (боғдаги) айвонча, шийпонча

— كِنَانٌ кўп. أَكِنَّةٌ 1) айвон, ёпиқ; 2) (боғдаги) айвонча, шийпонча; 3) парда, ҳижоб, тўсиқ; وَجَعَلْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً қур. уларнинг қалбларини тўсиқлар билан тўсганмиз

— كِنَانَةٌ кўп. كَنَائِنُ ўқдон, садоқ; صَفْوَةُ الْـ~ маж. ҳар нарсанинг танлангани, олийси, гули; أَرْضُ الْـ~ еки الْـ~ маж. Миср

— كَنَّةٌ[1]، كِنَّةٌ кўп. كَنَائِنُ келин, қайинсингил

— كَنَّةٌ[2] 1) айвон, ёриқ жой; 2) (боғдаги) айвонча, шийпонча

— كَنِينٌ яширин, бекитилган

— مُسْتَكَنٌّ уя, ин

— مَكْنُونٌ 1. яширин, яширинган, бекитилган; 2) кўп. ـاتٌ — энг яширин сир, яширинган маъно; яширин мазмун, фикр; مَكْنُونَاتُ النَّفْسِ яширин ниятлар, яширин фикрлар; أَنْتَ أَدْرَى بِـ ~ قَلْبِي қалбимда нималар яширинганлигини сен яхши биласан

كَنِبَ (а) كَنَبٌ I қадоқли (қадоқ босган) бўлмоқ (қўллар ҳақида)

— كَنَبٌ қадоқлилик; (терининг) қаттиқлиги

— كَنِبٌ қадоқли

— كَنَبَةٌ кўп. ـاتٌ — кенг юмшоқ диван, диван

كُنْبُوشٌ кўп. كَنَابِيشُ чепрак, вальтрап (от ёпиғи)

كُنْتٌ кексалик, қарилик

— كُنْتِيٌّ кўп. كُنْتِيُّونَ кекса, қари

— كُنْتِيٌّ кўп. كُنْتِيُّونَ = كُنْتِيٌّ

كُنْتُورَاتُو кўп. كُنْتُورَاتَاتٌ контракт

كُنْتِينٌ кўп. كَنَاتِينُ дўконча (ошхоналар, ҳарбий қисмлар қошидаги)

كَنْجَةٌ кўп. ـاتٌ — қаҳва қайнатадиган идиш (сол كَنَكَةٌ)

كَنْجَرُو кенгуру (ҳайвон)

كَنَدَ (у) كُنُودٌ I ношукур (кўрнамак) бўлмоқ; ~ النِّعْمَةَ ношукур бўлиб чиқмоқ, куфри неъмат бўлмоқ

— كَنَّادٌ жуда, ғоят ношукур

— كَنُودٌ ношукур, нонтепки, кўрнамак

كَنَدِيٌّ 1. Канадага оид; 1. канадалик

كُنْدُرٌ бот. босвеллия, ладан (христианларнинг диний маросимларида тутатиладиган хушбўй смола берадиган исириқсимон ўсимлик); олибанум

كُنْدُرَةٌ этик

— كُنْدُرْجِيٌّ кўп. كُنْدُرْجِيَّةٌ этикдўз, этикчи

كُنْدُوزٌ қундуз (сол. قُنْدُسٌ ва قُنْدُزٌ)

كُنْدُشٌ[1] олақарға, зағизғон

— كُنْدُشٌ[2] доринииг номи

كُنْدِنْسَةٌ кўп. ـاتٌ — эл. конденсатор

كُنْدُورٌ зоол. кондор (Жанубий Америкада яшайдиган ўлимтикхўр йирик йиртқич қуш)

كِنَارٌ 1) чекка, чек; ~ الْقُمَاشِ ҳошия, жияк, мағиз; 2) қирғоқ, соҳил

— كُنَارٌ ёввойи юйба (ўсимлик) меваси

— كَنَّارَةٌ куп. كَنَانِيرُ 1) каннара (гитаранинг бир тури); 2) арфа (чертиб чалинадиган катта музика асбоби)

— كَنَارِيٌّ، كَنَارِيًّا кўп. كَنَارِيَّاتٌ канарейка (қуш)

كَنَزَ (и) كَنْزٌ I 1) (нақдина, хазинани) кўммоқ, ер остига кўмиб яширмоқ; 2) (бойлик) тўпламоқ, йиғмоқ, жамғармоқ; VII انْكَنَزَ тўпланган, жамлаган, йиғилган бўлмоқ; VIII اكْتَنَزَ 1) тўпламоқ, йиғмоқ, жамламоқ; (банкда) капиталли марказлаштирмоқ,

жамғармоқ. ~هُ فِي الذَّاكِرَةِ бирор нарсани хотирда сақламоқ; 2) хасислик (*зиқналик, қурумсоқлик*) қилмоқ; 3) тўлмоқ, тўлишмоқ; (*н. биландир*) тўлиб-тошмоқ (ب)

– اِكْتِنَازٌ 1) тўпланиш, жамғарилиш; ~ الْمَالِ капиталнинг жамғарилиши; 2) тўлалик, семизлик

– كِنَازٌ *мз.мн.* сергўшт, семиз

– كَنْزٌ *кўп.* كُنُوزٌ хазина, бойлик; накдина

– كَنْزٌ, كِنْزٌ тор (*мас., шим*)

– كَنْزَةٌ жемпер

– كُنْزِيٌّ хасис; курумсоқ

– كُنْزِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ғаладон, ақчадон (*чақа, танга йиғиладиган қутича*), копилка

– كَنِيزٌ тўла, семиз

– مُكْتَنِزٌ тўла, семиз; сергўшт; ~ اللَّحْمِ сергўшт, семиз, миққи

– مَكْنُوزٌ 1) яширин; 2) тўпланган, жамғарилган, йиғилган

I كَنَسَ (كنس) كَنَسَ (у) كَنْسٌ 1) супурмоқ, супуриб-сидирмоқ, супуриб ташламоқ; 2) трал (*катта қопсимон тўр*) билан балиқ овламоқ, денгизни миналардан тозаламоқ, денгиз тубини тозаламоқ; كَنَسَ (и) كُنُوسٌ ўз инига яширинмоқ (*оху, кийик ҳақида*); II كَنَّسَ 1) супуртирмоқ, супуришга мажбур қилмоқ; 2) тозалаб супуриб ташламоқ; V تَكَنَّسَ инига кириб яширинмоқ (*кийик ҳақида*); VII اِنْكَنَسَ супуриб ташланган бўлмоқ

– كَانِسٌ *кўп.* كُنَّسٌ 1) ўз инида яшириниб ётган (турган); الْجَوَارِ الْكُنَّسِ (2 сайёралар: الْمِرِّيخُ, زُحَلُ, عُطَارِدُ, الزُّهْرَةُ, الْمُشْتَرِي кийик, оху

– كَانِسَةٌ 1. супурувчи аёл; 2. *шунингдек*: ~ الْأَلْغَامِ тралчи (*қар.* كَنْسٌ)

– كِنَاسٌ *кўп.* كُنُسٌ ин, уя (*кийик, оху кабиларники*)

– كَنَّاسٌ супурувчи; ахлат, суприндиi йиғувчи; ~ الطَّرِيقِ кўча тозаловчи, фаррош

– كَنَّاسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — супурувчи, тозаловчи (*фаррош*) аёл; ◊ ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ чангсўргич (*пылесос*)

– كُنَاسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ахлат, суприндиi

كَنَسِيٌّ, كَنَائِسِيٌّ - черковга (канисага) оид

– كَنْسٌ 1) супуриш; 2) траллаш (*қар.* كَنَسَ); 3) *радио.* развёртка (*тасвирни ййиб берувчи қурилма – ТВ да*)

– كِنِيسٌ[1] тўрва

– كَنِيسٌ[2] синагог (*яҳудийлар ибодатхонаси*)

– كِنِيسِت кнессет (*Исроил парламенти*); Исроилкнессети

– كَنِيسَةٌ *кўп.* كَنَائِسُ каниса, черков, ибодатхона

– مِكْنَسَةٌ *кўп.* مَكَانِسُ супурги; ~ آلِيَّةٌ ёки ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ чангсўргич (*пылесос*)

– مَكْنُوسٌ супурилган

كُنَاشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) тўнка; тана; 2) ёзув дафтарчаси; 3) тўплам

كُنْصُولٌ *кўп.* ـَاتٌ — *архит.* консоль (*тўсиннинг девордан чиқиб, бирор н. га таянч вазифаси ўтайдиган қисми*)

كَنْعَانِيٌّ 1. Канъонга оид, канъоний; الـ ~ـة канъон тили; 2. канъон, канъонлик киши

I كَنَفَ (у) كَنْفٌ 1) ўраб олмоқ, ўрамоқ, иҳота қилмоқ; 2) ҳимоя қилмоқ, эҳтиётламоқ; ғамхўрлик қилмоқ; II كَنَّفَ = VIII; III كَانَفَ ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ; IV أَكْنَفَ = III; V تَكَنَّفَ = VIII; VIII اِكْتَنَفَ ўраб олмоқ, ўрамоқ, иҳота қилмоқ

– كُنَافَةٌ кунофа (*бодом ва ёнғоқдан уграга ўхшатиб тайёрланган ширин овқат*)

– كَنَفٌ *кўп.* أَكْنَافٌ 1) қанот (*қушники*); 2) томон, тараф, ён; юрт, мамлакат; ўлка; أَكْنَافُ الْأَرْضِ дунё мамлакатлари; ضَرَبَ فِي أَكْنَافِ الْأَرْضِ ер юзи бўйлаб кезмоқ; 3) кўкрак; 4) соя (*мас., сояи давлат*); ҳимоя; васийлик, ғамхўрлик; هُوَ فِي ~ أَبِيهِ у отаси қарамоғида; عَاشَ فِي ~ـه кимнингдир қарамоғида яшамоқ

– كِنْفٌ подачининг тўрваси

– كَنِيفٌ *кўп.* كُنُفٌ, ـَاتٌ — 1) тўсиқ; ҳожатхона

– مُكَانَفَةٌ ёрдам, кўмак, мадад

كَنْكَنَ 1) хонанишин бўлмоқ; 2) уя қуриб олмоқ

كَنَكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — (*шунингдек:* ~ الْقَهْوَةِ) қаҳва пишириладиган идиш

(كنه) VIII اِكْتَنَهَ моҳиятни очмоқ, билмоқ, тадқиқ қилмоқ, текширмоқ; (*бирор н.* ни) чуқур англамоқ, тушунмоқ; X اِسْتَكْنَهَ чуқур ўрганмоқ, текширмоқ, тадқиқ қилмоқ

– كُنْهٌ 1) моҳият; муҳимлик, чуқурлик; لَا يُدْرَكُ ~ـهُ *мaж.* тушуниб, англаб бўлмайдиган; 2) ниҳоя, охир; ◊ أَعْرِفُهُ ~ الْمَعْرِفَةِ мен уни жуда яхши танийман

كَنَهْوَرٌ тўп-тўп булутлар

I كَنَى (и) كِنَايَةٌ ёки كَنَا (у) كِنَايَةٌ 1) лақаб бермоқ; 1) белгиламоқ ёки бирор белги билан ишора қилмоқ; кочирим қилмоқ; II كَنَّى (*бирор н. билан*) лақабламоқ, атамоқ (ب); V تَكَنَّى лақаб билан аталмоқ, (*бирор лақаб билан*) таниш, машҳур бўлмоқ (ب); VIII اِكْتَنَى лақабланмоқ

– كِنَايَةٌ 1) белги, кочирим, киноя; هُوَ ~ عَنْ ... у ...дан иборатдир; ~ عَنْ (*бирор н. ни*) назарда тутиб, гўёки; ўрнида; 2) *адаб.* киноя, истиора, метонимия

– كُنْيَةٌ *кўп.* كُنًى куня, лақаб (*одатда* أَبُو, أُمُّ, ابْنُ, بِنْتُ сўзларидан кейин келади, мас, (أَبُو الْغَازِي)

– مُكَنًّى лақабли, аталган

— مَكْنِيٌّ лақабланадиган, аталадиган; عَنْهُ ~ киноя қилиб кўрсатилган (айтилган)

أَكْهَبُ мн كَهْبَاءُ кўп. كُهْبٌ тўқ кўк; الْيَاقُوتُ الـ~ мин. гиасинт

كَهَرَ (а) كَهْرٌ = قَهَرَ (а) قَهْرٌ 1); 2) (к. нидир) бадқовоқлик билан кутиб олмоқ

كَهْرَبَ 1) электрламоқ, электр билан зарядламоқ; 2) электрлаштирмоқ; تَكَهْرَبَ 1) электрланмоқ, электр билан зарядланмоқ; 2) электрлаштирилмоқ

— كَهْرَبٌ кўп. كَهَارِبُ электр заррачаси; электрон; مُتَعَادِلٌ ~ нейтрон

— كَهْرَبَا, كَهْرَبَاءُ 1) электр; طَلْيٌ بِالـ~ гальваник йўл билан металга қоплама бериш; مِقْيَاسُ الـ~ электрометр; تَيَّارُ ~ электр токи; مُهَنْدِسُ ~ электрик-инженер; الْعِلَاجُ بِالـ~ электротерапия; 2) каҳрабо

— كَهْرُبَا каҳрабо

— كَهْرَبَائِيٌّ 1. электрик, электрга оид; نُورٌ ~ электр нури; الطَّاقَةُ الـ~ـة электр энергияси; آلَاتٌ ~ـة электр асбоблари; ~ مَائِيٌّ гидроэлектрик; 2. электрчи, электротехник; ~ الْمَصَاعِدِ электротехник, лифтлар бўйича мутахассис

— كَهْرَبَائِيَّةٌ электр; الـ~ الدِّينَامِيكِيَّةُ динамик электр; الـ~ السَّاكِنَةُ статик электр; مِكْشَافُ (كَشَّافُ) الـ~ электроскоп

— كَهْرَبَةٌ 1) электрлашиш; 2) электрлаштириш

— كَهْرَبِيٌّ электрик; التَّحْلِيلُ الـ~ электролиз; التَّيَّارُ الـ~ электр токи; الشُّحْنَةُ الـ~ـة электр заряди; السَّعَةُ الـ~ـة электр сиғими; الْعَازِلُ الـ~ диэлектрик; الْقَاطِرَةُ الـ~ـة электровоз; الْكِيمِيَاءُ الـ~ـة электрокимё; الْمِثْقَبُ الـ~ электробур (ер кавлайдиган қурилма); الْمُجَمِّعُ الـ~ ел. аккумулятор; الْمُحَرِّكُ الـ~ электромотор; الْمِرْوَحَةُ الـ~ـة электр вентилятори (елпиғич); الْمِصْبَاحُ الـ~ электр чироғи; الْإِعْدَامُ الـ~ электр курсисидаги қатл

— كَهْرَبِيَّةٌ электр; الـ~ الْإِيجَابِيَّةُ мусбат электр; الـ~ السَّلْبِيَّةُ манфий электр

— كُهَيْرِبٌ кўп. ~ـاتٌ қар. كَهْرَبٌ

— مُكَهْرَبٌ электрланган, электрик заряд олган; الْحَالَةُ الـ~ـة кўч. м. чирсиллаб турган шароит, портлаш олдида турган ҳолат

كَهْرَحَرَارِيٌّ электротермик; مَحَطَّةٌ ~ـة иссиқлик электр станцияси

كَهْرَذَرِّيٌّ электроатомга оид; الْمَحَطَّةُ الـ~ـة атом электр станцияси

كَهْرَطِيسٌ электромагнит

— كَهْرَطِيسِيٌّ электромагнитга оид; الْأَمْوَاجُ الـ~ـة электромагнит тўлқинлари

— كَهْرَطِيسِيَّةٌ электромагнитизм

كَهْرَمَائِيٌّ гидроэлектрик; مَحَطَّةٌ ~ـة гидроэлектростанция

كَهْرَمَانٌ каҳрабо; الـ~ الْأَسْوَدُ қора каҳрабо, гагат

كَهْرَمَغْنَاطِيسِيٌّ электромагнитга оид

— كَهْفٌ кўп. كُهُوفٌ ғор, чуқурлик; رِئَوِيٌّ ~ мед. каверна (бирор ички аъзодаги, мас., ўпкадаги, тешик); ◊ أَصْحَابُ الـ~ ёки أَهْلُ الـ~ қур. аҳлул-каҳф (ғорга яширинган етти художўй)

I كَهَلَ (у) كُهُولَةٌ катта бўлмоқ, етук ёшга чиқмоқ; III كَاهَلَ = I; VIII اِكْتَهَلَ етуклик ёшига бормоқ

— كَاهِلٌ кўп. كَوَاهِلُ елка; гардан; ◊ ثَقَّلَ ~ـهُ بِالْمَسَائِلِ кимнидир саволлар билан қийнамоқ, безовта қилмоқ; أَلْقَى (نَفَضَ) عَنْ ~ـهِ الْقُيُودَ ўз елкасидан кишанларни олиб ташламоқ

— كَهْلٌ кўп. كُهُولٌ, كُهْلَانٌ етук ёшга борган; ўрта яшар (30 дан 50 гача)

— كُهُولَةٌ, كُهُولِيَّةٌ етуклик, етук ёш

كَهَامٌ 1) чарчаган, ҳорған; 2) кучсиз, мадорсиз, мўнкиллаб қолган; 3) бечора, одамнинг раҳми келадиган; 4) ўтмас (мас., қилич)

— كَهَامَةٌ 1) кучсизлик, ҳорғанлик, чарчоқлик; 2) ўтмаслик

I كَهَنَ (كَهُنَ) (а) كَهَانَةٌ башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ; كَهُنَ (у) كَهَانَةٌ коҳин, руҳоний бўлмоқ; V تَكَهَّنَ 1) коҳин, руҳоний бўлиб олмоқ; 2) башорат қилмоқ, (н. нидир) олдиндан айтмоқ, олдиндан кўрмоқ (ب)

— كَاهِنٌ кўп. كَهَنَةٌ, كُهَّانٌ 1) коҳин, руҳоний; кашиш; رَئِيسُ الْكَهَنَةِ библ. бош коҳин, бош руҳоний; الْمُتَقَدِّمُ فِي الْكَهَنَةِ протопресвитер (христианларда юқори мансабдаги руҳоний); 2) башоратчи, олдиндан айтувчи, келажакдан хабар берувчи

— كَهَانَةٌ башорат қилиш, олдиндан айтиш, келажакдан хабар бериш

— كِهَانَةٌ коҳинлик

— كُهْنُجِيٌّ кўп. كُهْنُجِيَّةٌ эскифуруш, эски-туски билан савдо қилувчи

— كُهْنَةٌ 1. эскирган, кийилган; 2. эски-туски нарсалар

— كَهَنُوتٌ = كِهَانَةٌ; رِجَالُ الـ~ руҳоний кишилар

— كَهَنُوتِيٌّ коҳинликка оид; руҳонийликка оид

— كَهِينٌ айёр, кув, муғомбир, ҳийлагар, маккор, фирибгар, устамон

كُوَافِيرٌ аёллар сартароши

— كُوبٌ кўп. أَكْوَابٌ стакан; қадаҳ; пиёла; حَامِلُ الـ~ стакандон

— كُوبَةٌ 1) стакан, пиёла; 2) кели (ўғир) дастаси; кичкина келидаста; 3) шахмат; 4) карт. таппон

كُوبَلْتٌ = كُوبَالْتٌ

كُوبِرْتَه = كُوبْرَتَا

كُبْرِي = كُوبْرِي

كُرْبُسْ *эл.* эрийдиган сақлагич, плавка

كُوبَلْت *киме.* кобальт

كُوبُونٌ *кўп.* ـــاتٌ купон; ~ الْأَقْمِشَةِ мато парчаси, қирқим, қийқим

كُوبِيَا нусха, копия; حِبْرُ الـــ~ нусха кўчирадиган сиёҳ

كُوتٌ қирғоқ (соҳил) даги қишлоқ

كُوتْشِينَة (ўйналадиган) карта

كُوَيْتِيٌّ 1. Кувайтга оид; اللَّهْجَةُ الـــ~ــةُ Кувайт лаҳжаси, шеваси; الدِّينَارُ الـــ~ Кувайт динори; 2. кувайтлик одам

كَوْثَرٌ[1] 1. сероб, мўл-кўл, маъмур; الـــ~ *қур.* Ал-Кавсар (*жаннатдаги дарё*); 2. сероблик, мўл-кўллик; لَمْ يَرْوِ ظَمْأَهُ مِنْ ~ الْحَنَانِ у она эркалатишини билмади (кўрмади)

— كَوْثَرٌ[2] бағри кенг улуғ одам

كَوْثَلٌ ем-хашак, емиш

كَوْثَة 1) ҳосил; 2) мўллик, мўл-кўллик, маъмурлик, сероблик

كُوخٌ *кўп.* أَكْوَاخٌ кулба, каталак

(كوح) III كَاوَحَ сўкишмоқ, бақиришмоқ, қаттиқ овоз билан муомала қилмоқ; VI تَكَاوَحَ бир-бирига ёмонлик қилмоқ, ўзаро адоватда бўлмоқ

(كود) I كَادَ (а) كَوْدٌ яқин бўлмоқ; бирор нарса арафасида турмоқ (*нақ бўлмаса, деярли* (сўзлари маъносини ифодалайди); ~ يَمُوتُ у нақ бўлмаса ўлаёзган эди; حَتَّى ... عَنْ ... فَمَا ~ يُبْعِدُهُ у ...дан уни деярли узоқлаштирганда, бирдан ...; ~ كَمَا ذَاعَ أَوْ деярли ҳамма ёққа тарқалган каби; II كَوَّدَ устма-уст қалаштирмоқ, тўпламоқ

— كَادَ: بِالـــ~ деярли

— كَوْدَة тўп, тўппак

كَوْدَنٌ *кўп.* كَوَادِنُ арғумоқ; зотли учар от

(كور) I كَارَ (у) كَوْرٌ ўрамоқ, айлантирмоқ; ~ الْعِمَامَةَ саллани ўрамоқ; II كَوَّرَ 1) юмалоқламоқ, юмалоқ, шарсимон шакл бермоқ; 2) ўрамоқ, айлантириб ўрамоқ; ~ الْعِمَامَةَ салла ўрамоқ; كُوِّرَ ўралмоқ, туғилмоқ; إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ *қур.* агар қуёш нур сочишдан тўхтаса, ...; V تَكَوَّرَ 1) юмалоқланмоқ, шарсимон шаклга кирмоқ; 2) ўралмоқ, айланиб ўралмоқ; تَكَوَّرَتِ الْعَاصِفَةُ فَوْقَ رَأْسِهِ *мaж.* унинг бошига булутлар тўпланди

— كَارَة тугун; боғлам

— كُوَارَة *кўп.* ـــاتٌ، كَوَائِرُ ари уяси, ини

— كُوَارَة: ~ النَّحْلِ асал муми

— كَوْرٌ *кўп.* أَكْوَارٌ салланинг бошдаги бир айланиши

— كُورٌ *кўп.* أَكْوَارٌ، كِيرَانٌ 1) темирчилик ўчоғи; дам босқон; 2) туя эгари

— كُورَة *кўп.* كُوَرٌ 1) туман, район; округ, вилоят (область); 2) шар

— مِكْوَارٌ *кўп.* مَكَاوِيرُ таёқ, сўйил, тўқмоқ, гаврон (*Ироқда*)

— مِكْوَرَة салла

كُورَال хор, хорал (*кўп овоз бўлиб айтиладиган қўшиқ ва шу шаклдаги мусиқа асари*)

كُورْجَة ёки كُورَجَة: بِالـــ~ умуман, бутунлай; бир бутунҳолда

كُورْدُونٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) тасма; лента; 2) кордон (гуруҳ); ~ صِحِّيٌّ саломатик (санитар) кордони (гуруҳи)

كُورَس хор

كُورْسِيه *кўп.* كُورْسِيهَاتٌ корсет, белдамча, қуллоб

كُورَنْتِينَا، كُورَنْتِينَة карантин (*касаллик тарқалмаслиги учун вақтинча ажратиб қўйиш*)

كُورْنُو *муз* карнай

كُورْنِيش 1) карниз; 2) соҳил

كُورِيرَة *халқ.* вабо, ўлат, холера

كُورَيْك курак, белча

كُوزٌ *кўп.* أَكْوَازٌ، كِيزَانٌ кўза; ◊ ~ الذُّرَةِ маккажўхори сўтаси; ~ الصَّنَوْبَرِ арча (санобар) ғуддаси

— مُكَوَّز узунбўй, дароз, новча, узун, найнов.

(كوس) II كَوَّسَ ағдармоқ, тўнтармоқ, тес томонини ўгирмоқ

— كُوسٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) ноғора; 2) *тех.* учбурчак (*ром, эшик кабиларнинг бурчагига қоқиладиган темир*)

كُوسَا، كُوسَى шунингдек: كُوسَة كَبِيرَة *жам. бот.* салла ошқовоқ; қовоқча (*кабачка – ошқовоқнинг чўзинчоқ майда бир тури*)

— كُوسَايَة *кўп.* ـــاتٌ салла ошқовоқ; қовоқча

كَوْسَج қилич балиқ

كُوسْمُوبُولِيتِيّ 1. космополитик; 2. космополит

كُوسْمُوبُولِيتِيَّة: الـــ~ космополитизм

كُوشَة[1] *кўп.* ـــاتٌ 1. кат, калавот; 2. никоҳга кираётганлар учун мўлжалланган тахт (*христианларда*); 3. гўшанга

— كُوشَة[2] *кўп.* كُوَش хумдон, печ (*мас., оҳак пиширадиган*)

(كوع) II كَوَّعَ тирсакка таяниб ётмоқ

— كُوعٌ *кўп.* أَكْوَاعٌ، كِيعَانٌ 1) тирсак; 2) букилма; чағаноқ (*трубадаги*); 3) *анат.* билакнинг панжага бирлашадиган жойи

(كوف) I كَافَ яқин бўлмоқ, бирор нарса арафасида бўлмоқ (*деярли, зўрға, нақ бўлмаса каби сўзлар маъносини билдиради*); ~ لَا يَجْرُؤُ النَّظَرَ عَلَيْهَا у унга (*мн.*) қарашга зўрға юрак қилади; V تَكَوَّفَ тўпланмоқ, тўп, тўппак ҳосил қилмоқ

— كُوفَة қизил қум

كُوفِيٌّ – 1. куфий, الْخَطُّ الْـ~ куфий хати, куфий ёзуви; 2. *тар.* грамматикларнинг куфий мактаби вакили

كُوفِيَّةٌ – *кўп.* اتٌ — 1) ипак рўмол (*уқол – қар.* عُقَالٌ *ёрдамида бошни бекитадиган*); 2) (*атрофига салла ўраладиган*) сўпи дўппи

كُوكْ *шунингдек.* ~ فَحْمٌ кокс; مَصْنَعُ الْـ~ кокс заводи

كُوكَايِينٌ кокаин

كَوْكَبٌ *кўп.* كَوَاكِبُ 1) ёритқич, юлдуз; сайёра; الْكَوَاكِبُ الثَّابِتَةُ кўчмас юлдузлар; الْكَوَاكِبُ السَّيَّارَةُ сайёралар; نِظَامُ الْكَوَاكِبِ юлдузлар системаси; الْـ~ الْأَرْضِيُّ Ер; ~ الْمَسَاءِ (الصُّبْحِ) *астр.* Зухра (Венера); 2) оқ (*кўздаги*); 3) нур, ёғду; ~ الرَّوْضَةِ жаннатнинг нури; ~ الْأَرْضِ талк (*оқ ёки кўкиш рангли минерал*); ~ الشَّيْءِ нарсаларнинг энг каттаси

كَوْكَبَةٌ – *кўп.* اتٌ — 1) юлдуз; юлдузлар туркуми; 2) отряд, эскорт, бўлинма; *ҳарб.* эскадрон; ~ الْاِسْتِشْرَاقِ шарқшунослар плеядаси

كَوْكَبِيٌّ – 1. 1) юлдузларга оид, кавкабий; ~ بَيْنَ юлдузлараро; 2) космополитик; 2. космополит

كُولْ ёқа; ~ قَلَّابَةٌ қайирма ёқа

كَوْلَانٌ, كُولَانٌ *бот.* 1) попишак; 2) қамиш

كُولْخُوزٌ *кўп.* اتٌ — колхоз

كُولْخُوزِيٌّ – 1. колхозга оид; 2. колхозчи

كُولِيسْتِرِينٌ холестерин

كَيْلُونٌ = كُولُونٌ

كُولُونْيَا *шунингдек.* ~ مَاءُ одеколон

كُولُونْيَالِيَّةٌ: الْـ~ колониализм; الْـ~ الْجَدِيدَةُ неоколониализм, янги колониализм

كُولُونِيلٌ *кўп.* اتٌ — полковник

كُولِيرَا холера (вабо, ўлат)

كُولِيسٌ *кўп.* كَوَالِيسُ кулиса (*саҳна орқаси*); الْـ~ (وَرَاءَ) خَلْفَ саҳна орқасида; *кўч. м.* махфий, яширин

كَوَّمَ II (كوم) йиғмоқ, бир жойга тўп қилмоқ; бир-бирининг устига ташламоқ; тўплак қилиб йиғмоқ; V تَكَوَّمَ 1) тўп бўлиб йиғилмоқ, устма-уст бўлиб ташланмоқ; 2) ўралиб, жипсланиб, юмалоқ бўлиб тўпланмоқ

كَوْمٌ – *кўп.* أَكْوَامٌ тўп, тўплак; بَاعَ بِالْـ~ тўп-тўп қилиб сотмоқ

كَوْمَةٌ, كُومَةٌ – *кўп.* أَكْوَامٌ, كِيمَانٌ тўп; ~ مِنْ جِلْدٍ وَ عَظْمٍ қоқ тери ва суяк

كُوَيْمَةٌ – кичикина тўплак

كُومْبِينَةٌ *кўп.* اتٌ — комбинат; ~ التَّعْدِينِ металлургия комбинати

كُومْسَارِيٌّ *кўп.* كُومْسَارِيَّةٌ кондуктор

كُومْسُومُولٌ: الْـ~ *тар.* комсомол

كُومْسُومُولِيٌّ – *тар.* 1. комсомолга оид; 2. комсомол аъзоси

كُومِسْيُونٌ (*сол.* كُومِسْيُونٌ) *кўп.* اتٌ — комиссия

كُومَانْدَانٌ *кўп.* اتٌ — комендант; қўмондон

كُومَنْوِلْثٌ: الْـ~ Британия ҳамдўстлиги

كُومُودٌ комод (*кийим-кечак турадиган яшикли жавон*)

كُومُودِينُو – кичкина комод, тумбочка

كُومُونَةٌ *кўп.* اتٌ — коммуна; ~ بَارِيسَ *тар.* Париж коммунаси

كُومِيدِيٌّ комедияга оид, комик, комедиявий

كُومِيدْيَا – комедия

كُومِينْتِرْنٌ: الْـ~ Коминтерн, Коммунистик Интернационал

I كَانَ (كون) (*у*) كَوْنٌ 1) бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ; (*к. дадир*) бор бўлмоқ (لِـ); ~ كَمَا لَوْ гўё у бу ерда ~ هُنَا; أَيُّ مَنْ ~ ким бўлса ҳам; бўлгандай; مَنْ تَكُونُ أَنْتَ حَتَّى ... сен кимсанки, ..., сен қандай одамсанки, ...; وَ لْيَكُنْ بَعْدَ ذَلِكَ مَا يَكُونُ! бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар!; ~ خَيْرٌ ; *қар.* أَصْبَحَ فِي خَيْرٍ ~ у وَ ~ لَهُ مَا أَرَادَ хоҳлаган нарсасини олди; ~ مَا ~ مِنْ أَمْرِهِ وَ мана ундан нима келиб чиқди; *халқ.* бир бор экан, бир йўқ экан (*эртакларнинг анъанавий бошланмаси*); ... مَا يَكُونُ ...нинг бўлиши мумкин бўлган ҳолдаёқ; هَذَا أَبْعَدُ у ғоят эҳтиёткор; وَ هُوَ أَشَدُّ مَا يَكُونُ حَذَرًا бу ҳақиқатдан жуда узоқ; مَا يَكُونُ عَنِ الصِّحَّةِ وَ نَحْنُ أَحْوَجُ مَا يَكُونُ бизнинг ҳаммадан ҳам сенга эҳтиёжимиз бор; إِلَيْكَ لَمْ يَقَعْ فِي يَدِهِ كِتَابٌ قَطُّ إِلَّا اسْتَوْفَى قِرَاءَتَهُ كَائِنًا مَا ~ унинг қўлига китоб тушган ҳамоноқ, унинг қандай бўлишидан қатъий назар, уни тўла ўқиб чиқарди; 2) бўлиб ўтмоқ; فَمَا ~ لَهُ إِلَّا أَنْ جَلَسَ унинг ўтиришдан бошқа иложи қолмади; 3) *турли замонларни кўрсатишда ёрдамчи феъл вазифасини бажаради*; ~ يَكْتُبُ у (*олдин*) ёзарди (*давом феъли ўтган замон*); ~ كَتَبَ у ёзиб бўлганди (*узоқ ўтган замон*); يَكُونُ ◊ якун; II كَوَّنَ яратмоқ, ташкил қилмоқ, тузмоқ; V تَكَوَّنَ яралмоқ, ташкил қилинмоқ, тузилмоқ; пайдо бўлмоқ, юзага чиқмоқ, (*н. дандир*) иборат бўлмоқ (مِنْ); X اسْتَكَانَ (*к. гадир*) бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ (لِـ)

اسْتِكَانَةٌ – бўйсуниш, бўйсунганлик, ювошлик

تَكَوُّنٌ – пайдо бўлиш, шаклланиш

تَكْوِينٌ – 1) яратиш, ижод қилиш; 2) шакл; *шунингдек.* الْـ~ нозик; الْـ~ الْجُسْمَانِيُّ тан тузилиши; جَمِيلُ الْـ~ келишган, чиройли; نَحِيفُ ~ орик; 3) *кўп.* اتٌ — تَكَاوِينُ, тузилиш, структура; جُمَلٍ ~ الْـ *грам.* гап тузилиши (структураси); التَّكَاوِينُ الْجِيُولُوجِيَّةُ геологик структуралар; التَّكْوِينَاتُ الْجَبَلِيَّةُ тоғликлар, тоғлик жойлар; ◊ سِفْرُ الْـ~ *библ.* Борлиқ Китоби (*Мусейга нисбат бериладиган беш китобнинг биринчиси*)

كَائِنٌ[1] – мавжуд бўлган, бор бўлган; ~ مَنْ كَانَ қандай (ким) бўлишига қарамай; ~ مَا كَانَ нима бўлишидан қатъий назар

كَائِنٌ[2] – кўп. ـاتٌ борлиқ, хилқат; ~ حَيٌّ жонивор, жонли хилқат; الـ~ الْبَشَرِيُّ одамзот; кўп. ҳамма борлиқ, барча мавжудот, бутун олам

كَوْنٌ – 1) бор бўлиш, мавжуд бўлиш, мавжудлик; ҳолат; وَ لَنْ أُخْفِيَ عَلَيْكُمْ حَقِيقَةَ ~ي عَسْكَرِيًّا ва мен сиздан ҳарбий киши эканлигимни яширмайман; 2) кўп. أَكْوَانٌ олам, коинот, космос; الـ~ космос; ◊ مَعَ ~ـهِ فَقِيرًا у чунки у камбағал; لِـ~ـهِ فَقِيرًا камбағал бўлишига қарамай, камбағал бўлса-да; يُحْظَى هَذَا الرَّجُلُ بِرِضَاهُ لِـ~ـهِ يُحَقِّقُ لَهُ أَهْدَافَهُ бу одам унинг меҳрини қозонган, чунки у унинг мақсадларини амалга ошириб юради

كَوْنِيٌّ – борлиққа, мавжудотга, коинотга оид; космик; الْأَشِعَّةُ الـ~ـةُ космик нурлар; رَائِدٌ ~ ёки طَيَّارٌ ~ космонавт, фазогир; الْأَرْقَامُ الـ~ـةُ астрономик рақамлар; قَارَ. فَضَاءٌ ؛ الْفَضَاءُ الـ~ (ҳаддан ташқари катта рақамлар)

كِيَانٌ – 1) бор бўлиш, мавжуд бўлиш; 2) таъб, табиат

كَيْنُونَةٌ – бор бўлиш, мавжуд бўлиш

مَكَانٌ – кўп. أَمَاكِنُ، أَمْكِنَةٌ 1) жой, ўрин, ер, макон; ~ الْحَادِثِ ходиса рўй берган жой; أَمَاكِنُ عُمُومِيَّةٌ жамоат жойлари; فِي كُلِّ ~ ҳамма жой (ер) да; ~ـهُ унинг ўрнига; قَامَ ~ـهُ кимнидир алмаштирмоқ; لَوْ كُنْتُ ~كَ لَـ... агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда, ...; ~كَ يَا ... тўхта!, кутиб тур!; 2) даража, аҳамият; إِنَّ هَذَا بِـ~ مِنَ الْغَرَابَةِ бу ғоят даражада ғаройиб (ажойиб, ғалати); هَذَا الْعَمَلُ بِـ~ مِنَ الْأَهَمِّيَّةِ бу иш жуда аҳамиятли, муҳим; 3) минтақа; 4) тутган ўрин, вазифа; шаън, қадр-қиймат; هُوَ رَفِيعُ الـ~ юксак ўрин тутмоқда, у юксак вазифани эгаллаётир; 5) борилган жой, турилган жой, яшайдиган жой

مَكَانَةٌ – 1) жой, ўрин, макон; 2) эгаллаб турилган ўрин, мавқе; аҳамият

مَكَانِيٌّ – маҳаллий, локал

مُكَوَّنٌ، مُتَكَوِّنٌ – шакллантирилган, тузилган; (бирор н. дан) иборат бўлган (مِنْ)

مُكَوِّنٌ – 1) ижодкор, яратувчи; 2) кўп. ـاتٌ компонент, таркибий қисм, таркибий элемент, ингредиент

كُونْتٌ кўп. ـاتٌ граф

كُونْتِسَةٌ – кўп. ـاتٌ граф аёл, графиня

كُونْتْرَاتُو контракт, битим

كُونِسْتَابِلٌ кўп. ـاتٌ констебль, полиция амалдори

كُونْسِرْفَاتُوَارٌ консерватория

كُونْسِرْوَةٌ консерва

كُونْسُولْتُو консилиум; ~ مِنْ أَطِبَّاءَ врачлар консилиуми

كُونْشِرْتُو концерт; ~ الْبِيَانُو وَ الْأُورْكِسْتْرَا фортепьяно ва оркестр учун концерт

كُونْصُولٌ кўп. ـاتٌ архит. консоль, кронштейн, тўсиннинг девордан чиқиб турган қисми

كُونْكُورْدَاتُو битим, шартнома (бой бўлмаган қарздор билан қарз берувчи ўртасида тузилган)

كُونْيَاكٌ коньяк (спиртли ичимлик)

كُوَّةٌ кўп. ـاتٌ، كُوًى кичкина дераза; иллюминатор (самолёт, кемалар ойнаси); ~ فِي السَّقْفِ юқоридан тушадиган ёруғлик; люк; ~ حَرْبِيَّةٌ туйнук (истеҳкомлардаги)

I كَوَى (и) كَيٌّ 1) куйдирмоқ, ёндирмоқ; мед. ўткир дори суртиб куйдирмоқ; 2) (куйдириб) тамға босмоқ; 3) дазмолламоқ; 4) чақмоқ (мас., ари ҳақида); 5) еб ташламоқ (мас., кислота ҳақида); ◊ هَذَا ~ قَلْبَهُ бу унинг юрагини кемириб (еб) ташлади; VII انْكَوَى 1) куйдирилган бўлмоқ; 2) дазмолланган бўлмоқ; VIII اكْتَوَى 1) ўзини дори суртиб (ёки б. йўл билан) куйдирмоқ; ўзини куйдириб олмоқ; 2) куйиб қолмоқ; 3) дазмолланган бўлмоқ; ◊ ~ بِنَارِ الْغَلَاءِ қимматчиликдан азоб чекмоқ (қийналмоқ)

كَاوٍ – мн. كَاوِيَةٌ куйдирадиган, куйдирувчи; صُودَا كَاوِيَةٌ қар. صُودَا

كَوَّاءٌ – 1) дазмолловчи; 2) ғийбатчи

كَوَّايَةٌ – 1) дазмолловчи аёл; 2) ғийбатчи аёл

كَوَّةٌ – кўп. كِوَاءٌ деворнинг тешиги

كَوْيٌ – 1) куйдириш; 2) дазмоллаш

كَيٌّ – 1) дазмол босиш, дазмоллаш; 2) тамға; 3) куйдириш; حَجَرُ الـ~ ляпис, кумуш нитрати; оловда, чўғда куйдириш; آخِرُ الدَّوَاءِ ~ қар. مِكْوَاةٌ

كَيَّةٌ – 1) бир марталик куйдириш; 2) куйдириладиган жой

مِكْوَاةٌ – кўп. مَكَاوٍ، مِكْوَايَاتٌ 1) дазмол; الـ~ الْكَهْرَبَائِيَّةُ электр дазмол; 2) пекелен (куйдириш учун суртиладиган нарса); ~ الشَّعْرِ (сочларни жингалак қилишда ишлатиладиган) қисқичлар; ~ السَّمْكَرِيِّ ёки اللَّحَامِ паяльник (кавшарлашда ишлатиладиган асбоб); ◊ آخِرُ الدَّوَاءِ الـ~! энг сўнгги воситани синаб кўриш керак!

مَكْوَجِيٌّ – кўп. مَكْوَجِيَّةٌ дазмолловчи (кир ювадиган корхонада)

مَكْوَى – халқ. = مَكْوَاةٌ

مِكْوًى – кўп. مَكَاوٍ дазмол

مَكْوِيٌّ – 1) куйдирилган; 2) дазмолланган

كُوبِرْتَه халқ. палуба

كَيْ учун, ...син деб; ~ —— ... иши учун; لِكَيْلَا *ёки* كَيْلَا ... масин учун, ...маслиги учун, ...масин деб; كَيْمَا *ёки* لِكَيْمَا ...син учун, ... син деб

(كيت) II كَيَّتَ (*асбоб-ускунани*) ҳозирламоқ, ростламоқ, созламоқ

كَيْتَ – *ёки* كَيْتَ وَ ~ шундай-шундай; ундоқ-бундоқ

I (كيد) كَادَ (*u*) كَيْدٌ 1) алдамоқ, фириб бермоқ, панд бермоқ, доғда қолдирмоқ; 2) ёмон мақсад (ният) қилмоқ; (*к. ғадир*) макр-ҳийла тузоғини қўймоқ (لِـ); 3) жонга тегмоқ, асабни қўзғатмоқ; III كَايَدَ алдамоқ, панд бермоқ, доғда қолдирмоқ

كَيْدٌ – 1) *кўп.* كُيُودٌ ёлғон, макр-ҳийла; фириб; 2) жонга тегиш, асабни қўзғаш

كَيْدِيٌّ – маккор; دَعْوَى ~ـة *юр.* маккорона даъво (*қонуний асоси бўлмаган, аммо қарши томонга ёмонлик қилиш мақсадидаги даъво*)

مَكِيدَةٌ – *кўп.* مَكَائِدُ ёмон мақсад (ният) лар, макр-ҳийлалар; фирибгарликлар; фитна-фасодлар; دَبَّرَ الْمَكَائِدَ макр-ҳийлалар тузоғини қўймоқ

كذب *қар.* كَيْذُبَانٌ, كَيْذَبَانٌ

كِيرٌ *кўп.* أَكْيَارٌ темирчи босқони

كِيرُسِينٌ керосин

I (كيس) كَاسَ (*u*) كِيَاسَةٌ 1) зийрак (зеҳнли, айёр) бўлмоқ; 2) чиройли (келишган) бўлмоқ; II كَيَّسَ 1) чиройли (келишган, гўзал) қилмоқ; 2) (*ҳаммомда*) хизмигарлик қилмоқ; V تَكَيَّسَ хадми қилдирмоқ

أَكْيَسُ – 1) энг чиройли, энг гўзал, энг келишган; 2) зийракроқ, зеҳнлироқ

كُوَيِّسٌ – 1. ёқимли, ширингина, чиройлигина; 2. яхши, аъло

كِيَاسَةٌ – 1) зийраклик; зеҳнлилик, топқирлик; чаққонлик, айёрлик; 2) чирой, гўзаллик; келишганлик

كِيسٌ – *мз. мн. кўп.* أَكْيَاسٌ, كِيَسَةٌ 1) халта, қопча; чўнтак; ~ الْوِسَادَةِ (الْمِخَدَّةِ) ёстиқ катмон; ~ التَّبْغِ тамакидон; ~ الدَّرَاهِمِ жилди; عَلَى ~ـه а) ўз ҳисобидан; б) унинг ҳисобидан; 2) хадмигар қўлқопи (*ҳаммомда*); 3) *шунингдек* ~ الْخُصْيَتَيْنِ *анат.* моях халтаси; الْـ~ الْأَمْنِيُونِيُّ *анат.* ҳомила пўсти (қопламаси); ~ الصَّفْرَاءِ сафро пуфаги; الْـ~ الْكَرْيُونِيُّ уруғланган, тухумланган ташқи қобиғи; 4) *мед.* киста (*сариқ сув олган шиш, ўсимта*); ~ شَحْمِيٌّ ёғ бези, липома; 5) *шунингдек* ~ كَامِلٌ *тар. жами 500 пиастр бўлган пул*

كَيِّسٌ – 1) чаққон, топқир, айёр; 2) чиройли, гўзал; келишган

مُكَيَّسٌ – = كَيِّسٌ

مُكَيِّسٌ – хадмигар, ҳаммомчи

مُكَيِّسَاتِيٌّ – *кўп.* مُكَيِّسَاتِيَّةٌ хадмигар (*ҳаммомдаги*)

(كيع) I كَاعَ (*у, а*) كَيْعٌ = كَعَّ; II كَيَّعَ қийнамоқ, жондан безор қилмоқ

(كيف) II كَيَّفَ 1) (*кўринишини*) ўзгартирмоқ; (*қандайдир бирор*) шакл бермоқ; шакллантирмоқ; ишлов бермоқ; ~ الْهَوَاءَ ҳавони тозаламоқ (кондициялаштирмоқ); 2) (*бирор н. га*) мосламоқ (لِـ); ~ نَفْسَهُ (*бирор н. га*) ўзини мосламоқ, мосланмоқ, мослашмоқ; 3) роҳатлантирмоқ, хурсанд, шод қилмоқ; 4) маст, кайф қилмоқ (*наркотик моддалар ҳақида*); V تَكَيَّفَ 1) (*кўриниши*) ўзгарилмоқ; шаклланмоқ; ~ الْهَوَاءُ тозаланган, кондицияланган бўлмоқ (*ҳаво ҳақида*); 2) (*бирор н. га*) мосланмоқ (مَعَ, لِـ); 3) (*н. дадир*) ўзбошимчалик қилмоқ, (*н. нидир*) ўз билганича қилмоқ (فِي); 4) роҳатланмоқ, тинч ётиб роҳат-фароғат қилмоқ, кайф қилмоқ; 5) маст бўлмоқ (*наркотик билан*)

تَكْيِيفٌ – 1) кўринишни ўзгартириш, бирор шакл бериш; ~ صِنَاعَةُ الْمَعَادِنِ металлни қайта ишлаш саноати; 2) мослашиш, адаптация; جِهَازُ الْـ~ الذَّاتِيُّ *ёки* جِهَازُ ~ الْهَوَاءِ الذَّاتِيُّ ҳавони кондициялайдиган автоматик қурилма (жиҳоз)

كَيْفَ – қандай?, қанқай қилиб?, ~ حَالُكَ؟ аҳволингиз қандай?, қандай яшаяпсан?, нечуксан?; ~ يَكْتُبُ يَعْرِفُ у қандай ёзишни билади; ~ يَهْتَمُّ بِالْـ~ قَبْلَ الْكَمِّ у энг аввало миқдор билан эмас, сифат билан қизиқади; مِنْ حَيْثُ الْـ~ сифат нуқтаи назаридан; مَسْأَلَةُ الْـ~ сифат масаласи; ... ~مَا қандай ...ганда ҳам; ~مَا كَانَ нима қилиб бўлса ҳам; нима бўлганда ҳам; ҳамма ҳолда ҳам; ... أَنْ نَرَى الْمَسْأَلَةَ عَالَجْنَا ~مَا биз бу масалага қандай ёндошмайлик, қўрамизки, ...; ~مَا اتَّفَقَ қандай тўғри келса, ўнг келганича; қўл учида, наридан-бери

كَيْفٌ[1] – 1) фароғат, роҳат, кайф, кайфу сафо; роҳатланиш, қониқиш; ~ تَمَامٌ بَطْنٌ مَلْآنُ *халқ мтли.* тўқ қорин-тўла фароғат; عَلَى ~كَ сенга ёққанидай бўлсин, сенингча бўлсин; ~ يَلْعَبُ عَلَى الْـ ўз хоҳишича ўйнамоқ (*мас. футболчи ҳақида*); 2) кўтаринки кайфият

كَيْفٌ[2] – *кўп.* كُيُوفٌ наркотик, банг; ◊ ~ ابْنُ наркотик модда истеъмол қилувчи, наркоман, банги, гиёҳванд

كَيْفِيٌّ – 1) ихтиёрий; بِصُورَةٍ ~ـة ихтиёрий сувратда; 2) сифатли; ~ تَحْلِيلٌ сифатли таҳлил, анализ

كَيْفِيَّةٌ – 1) равиш, усул; кўриниш, шакл; بِـ~ غَرِيبَةٍ ғалати равишда (*кўринишда*); بِـ~ سَاطِعَةٍ ёрқин; қойил мақом; بِـ~ طَوْرِيَّةٍ вақти-вақти билан; 2) сифат; ишнинг ҳолати, аҳволи; ~ مَسْأَلَةُ الْعَمَلِ қандай ҳаракат (иш) қилиш ҳақидаги масала

كَيِّفٌ – билағон, уста, билимдон

مُكَيِّفٌ – 1) кўринишни ўзгартирувчи; ~ الْهَوَاءِ *ёки* ~ـة الْهَوَاءِ ҳавони кондицияловчи қурилма, кондиционер; 2) кайф қиладиган (қилдирадиган)

– مُكَيِّفَاتٌ *кўп.* наркотик моддалар; тетиклантирувчи воситалар (*мас., кофеин, теин ва б. лар*)

كَيْهَكُ = كَيَاكُ

كَيْكَةٌ *кўп.* كَيَاكِى тухум

كَيْكَةٌ бекинмачоқ (*болалар ўйини*)

كَالَ (كيل) (и) كَيْلٌ، مَكَالٌ، مَكِيلٌ 1) ўлчамоқ, ченамоқ, ўлчаб бермоқ; 2) (*зарба*) бермоқ, етказмоқ; 3) ёғдирмоқ (*сўкиниш, ҳақорат ҳақида*); لَهُ آيَاتِ الْمَدِيحِ ~ кимгадир мақтов ёғдирмоқ; ~ لَهُ الضَّرْبَةَ تِلْوَ الضَّرْبَةِ кимгадир зарба кетидан зарба бермоқ; الضَّرَبَاتِ عَشْوَاءَ кимнингдир тўғри келган жойига зарба бермоқ (урмоқ); صَاعٌ *қар.* يُرِيدُ أَنْ يَكِيلَ لَهُ الصَّاعَ صَاعَيْنِ; ~ الاتِّهَامَاتِ тухматлар ёғдирмоқ; ~ لَهُ الْوُعُودَ кимгадир ваъдаларни ёғдириб ташламоқ; ~ الشَّتَائِمَ (السِّبَابَ) ҳақоратларга кўмиб ташламоқ; كِيلَ الطَّعَامُ ўлчаб берилган овқат киши тўярли бўлди; II كَيَّلَ ўлчамоқ, ченамоқ, ўлчаб бермоқ; III كَايَلَ қилмишига яраша қилмоқ, саломига қараб алик олмоқ; VI تَكَايَلَ = III; VIII اكْتَالَ (*тарозида*) тортилган, ўлчанган нарсани олмоқ

– كَيَّالٌ ғалла ўлчовчи, тортиб берувчи

– كِيَالَةٌ 1) ўлчаш, тортиш, ченаш; 2) тарозидор, ўлчовчи ҳақи

– كَيْلٌ *кўп.* أَكْيَالٌ ўлчов; طَفَحَ الـ~ *кўч. м.* (*бирор н.* нинг) косаси тўлиб кетди

– كَيْلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — кайла (*Мисрда: 8 қадаҳ* (*қар.* قَدَحٌ) *ёки 1/12 ардабб* (*қар.* أَرْدَبٌّ) *ёки 16,51 л га тенг ўлчов бирлиги-қумсимон моддалар учун*)

– كَيْلَةٌ ўлчаш, тортиш (*тарозида*)

– كَيُّولٌ сафланган одамларнинг охирги қатори

– مِكْيَالٌ *кўп.* مَكَايِيلُ микёл (*қумсимон моддалар ўлчови*); جَدْوَلُ الْمَوَازِينِ وَالْمَكَايِيلِ оғирлик ва ўлчовлар жадвали

– مِكْيَلٌ *кўп.* مَكَايِيلُ = مِكْيَالٌ

كِيلَارٌ омбор, омборхона

كِيلُوغْرَامٌ *кўп.* كِيلُوغْرَامَاتٌ кило, килограмм; ~ صَافٍ кило, кило нетто (*соф кило*); ~ قَائِمٌ килобрутто (*идиши билан кило*)

كِيلُووَاطٌ، كِيلُوَاتٌ киловатт; ~ سَاعِيٌّ ёки ~ سَاعَةٍ киловатт-соат

كَيْلُوسٌ *физиол.* сут шираси; хилус

كِيلُو *қар.* كِيلُوغْرَامٌ

كِيلُومِتْرٌ *кўп.* ـَاتٌ — километр; ~ مُرَبَّعٌ квадрат-километр

كَيْلُونٌ *кўп.* كَوَالِينُ эшик орасига ўрнатиладиган қулф

– كَوَالِينِيٌّ *кўп.* كَوَالِينِيَّةٌ слесарь

كِيمَاوِيٌّ 1. кимёвий; 2. кимёгар

– كِيمَاوِيَّاتٌ *кўп.* химикатлар, кимёвий маҳсулотлар, моддалар

– كِيمْيَاءُ، كِيمْيَا кимё; الـ~ الْعُضْوِيَّةُ органик кимё; الـ~ اللاعُضْوِيَّةُ ноорганик (анорганик) кимё; الـ~ التَّحْلِيلِيَّةُ аналитик (таҳлилий) кимё; الـ~ الْحَيَوِيَّةُ биохимия; الـ~ الصَّيْدَلَانِيَّةُ фармацевтик кимё

– كِيمْيَاوِيٌّ = كِيمَاوِيٌّ; الْمُرَكَّبَاتُ الـ~ـةُ кимёвий препаратлар (дорилар); ~ سِبَاخٌ *қар.* سِبَاخٌ

– كِيمْيَاوِيَّاتٌ *кўп.* = كِيمَاوِيَّاتٌ

– كِيمْيَائِيٌّ = كِيمْيَاوِيٌّ

كَانَ (كين) (и) كَيْنٌ бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ; X اسْتَكَانَ = I

كِينِينٌ، كِينَا хинин (*безгак дори*); شَجَرَةُ الْكِينَا хинин дарахти (*Жанубий Америкада ўсадиган, пўстлоғида хинин бўладиган дарахт*)

كِيَهْكُ шунингдек كِيَاكُ киёк (*қибт тақвимининг 4-ойи*)

كَيْوَانُ *астр.* Кайвон, Сатурн

ل

ل (لَامٌ) *кўп.* ـَاتٌ — лом (*араб алифбосининг йигирма учинчи ҳарфи, абжадда –30*)

ل 1) شَوَّالٌ шаввол (*ой номи*) сўзи қисқартмаси; 2) ل. س: لِيرَا سُورِيَّةٌ *сўзларининг қисқартмаси*; Сурия лираси

لَـ 1) ҳақиқатдан ҳам, шубҳасиз; 2) ...ганда, ...са эди; لَوْ ... لَـ ... لَوْ لَاىَ ... لَـ... мен бўлмаганимда ...; لَوْلَاهُ لَهَلَكْنَا у бўлмаганда биз ҳалок бўлган бўлардик; 3) қасам *юкламаси*; қасам ичаманки, ..., қасамки ...; لَعَمْرُكَ умринг ҳаққи қасам ичаман; умрингга қасамки, ...; 4) *ажабланиш юкламаси*; қандай! يَا لَلْعَجَبِ қандай ажойиб!; يَا لَهُ مِنْ عَمَلٍ حَسَنٍ бу қандай ажойиб иш!; 5) *гапнинг кесимига қўшилувчи таъкид юкламаси*; إِنَّ ... لَـ... чиндан ҳам; إِنَّ رَبَّكَ لَبِالْمِرْصَادِ *қур.* шубҳасиз, парвардигорингиз (*барча нарсани*) кузатиб турғувчидир; 6) гапнинг эгасига қўшилувчи таъкид юкламаси لَزَيْدٌ أَفْضَلُ مِنْ عَمْرٍو албатта, Зайд Амрдан

афзалдир

لـ — 1) олд юклама, предлог, *от ва олмош таркибида келганда жўналиш келишигига мос бўлади* (1 *шахс бирликдаги олмошдан бошқа ҳолларда фатҳали* (لَـ) *бўлади*). ~ а) унга; б) унда бор لَهُ كِتَابٌ унинг китоби бор; б) *бухг.* кредит لَنَا а) бизга; б) бизда бор. مَا لَهُ وَمَا عَلَيْهِ а) нима уникию, нима бизники (*яъни, биз томонда нима-ю, у томонда нима*); б) унинг бойлиги ва унинг қарзи; كِتَابُ الْبُخَلَاءِ لِلْجَاحِظِ Жоҳизнинг "Бахиллар ҳақида китоб"и; جَدُّهُ لِأَبِيهِ унинг ота томонидан бобоси; لَهُ عَلَيَّ унинг мендан қарзи бор; لَهُ أَنْ ... унинг ...га ҳаққи бор, у ...ни қила олади; لَيْسَ لَهُ أَنْ ... у ...олмайди, унинг қилиши мумкин эмас; 2) сабабли, ...нинг натижасида оқибатида, учун; لِأَجْلِ ... ...ни деб, сабабдан; لِمَا ... ...гани учун, сабабли, сабабдан; لِـ чунки, шу сабабдан, لِهَذَا ёки لِذَلِكَ шунинг учун; لِمَاذَا ёки لِمَ нима учун?; لِذَلِكَ шу сабабли; 3) қарши: غَلَبَ فَرِيقُنَا بِثَلَاثِ إِصَابَاتٍ لِلَا شَيْءٍ бизнинг командамиз (ҳисобда) 3:0 ҳисобида ютди; 4) *шунингдек*: لِأَنْ ва لِكَيْ ...ш (иш) учун لِئَلَّا (لِأَنْ + لَا) ...масин учун, ...масин деган ниятда; 5) ...син; لِيَكْتُبْ у ёзсин; لِيَعِشْ ... яшасин ...!; ◊ لِأَوَّلِ وَهْلَةٍ биринчи қарашда; لِلْمَرَّةِ الْأُولَى биринчи марта; (خَلَتْ) السَّنَةَ تَقْرِيبًا مَضَتْ тахминан бундан бир йил олдин; هَلْ لَكَ أَنْ تُرَافِقَنِي؟ мени кузатиб қўйишни истамайсизми?

لَا 1) ...мас, йўқ; أَلَا (هَلْ + لَا) ...масми? ...ми?; أَلَا أَخْبَرْتَنِي كَمِ السَّاعَةُ الْآنَ؟ менга айтиб беролмайсанми, ҳозир соат неча? (هَلَّا) أَلَا تَبُوحُ إِلَيَّ بِهَذَا السِّرِّ؟ менга бу сирни очмайсанми?; لَا وَاللهِ لَا فَعَلْتُ ذَلِكَ! йўқ, Оллоҳ ҳаққи, мен бу ишни қилолмайман!; لَا أَدْرِي мен билмайман!; لَا زِلْتَ سَعِيدًا! бахтли бўл!; لَا عَلَيْكَ безовта бўлма!; لَا هَذَا وَلَا ذَلِكَ бу ҳам эмас, у ҳам эмас; أَتَعْرِفُهُ؟ – لَا أَعْرِفُهُ сен уни танийсанми (биласанми)? – йўқ, мен уни танимайман (билмайман); أَلَا ахир ...масмиди; لَا تُقْلِقْ بَالَكَ безовта бўлма!; لَا أَحَدَ يَعْرِفُهُ حَتَّى الْآنَ шу вақтга қадар у (бу) ни ҳеч ким билмайди; 2) йўқ, мутлақо йўқ, ҳеч йўқ (*ўзидан кейин келадиган артиклсиз, аммо аниқ ҳолатдаги тушум келишигидаги от билан келиб, мутлақ инкорни англатади*): لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللهِ *қар.* لَا جَدِيدَ يَلُوحُ فِيهِ ...; *қар.* لَا لَبْسَ فِيهِ وَلَا إِبْهَامَ ...; ... эскисиз янги йўқ; لَا بُدَّ مِنْهُ бунинг бўлмоғи муқаррар, бўлмаслиги мумкин эмас; أَلَّا (أَنْ + لَا) ...масин учун; ...масин деб; 3) ...сиз, бе..., но..., қарши, зид; لَا نِهَائِيٌّ сўнгсиз, ниҳоясиз; لَا اجْتِمَاعِيٌّ жамиятга жамоатчиликка қарши; لَا حِزْبِيٌّ партиясиз; لَا سِلْكِيٌّ симсиз (*радио ҳақида*); لَا شُعُورِيٌّ онгсиз; لَا عِرْقِيٌّ ...; لَا قَانُونِيٌّ ноқонуний; لَا مَحْدُودٌ чексиз, чегарасиз, ҳудудсиз; لَا ... масъулиятсиз; لَا مَعْقُولٌ ақлсиз; اللَّامُبَالَاةُ ... бефарқлик; اللَّانِهَائِيَّةُ чексизлик; اللَّامَسْئُولِيَّةُ масъулиятсизлик; ... سِيَاسَةُ ... сиёсатга бефарқлик; اللَّاأَدْرِيَّةُ агностицизм (*дунёни ... мумкин эмас деб ҳисобловчи фалсафа*); اللَّادِينِيَّةُ динсизлик, худосизлик; اللَّاسَامِيَّةُ антисемитизм (*яҳудийларга қарши ... ҳаракати*); ◊ لَا سِيَّمَا айниқса; لَا شَكَّ шаксиз, шубҳасиз; لَا شَيْءَ ҳеч нима; بِلَا ...сиз; إِلَّا ...дан бошқа; لَا ... إِلَّا ёки لَا ... سِوَى ... фақат, фақатгина; لَا ... غَيْرُ ёки ...; لَا ... وَلَا на ..., на

لَابَةٌ лава (*вулқонлардан отилиб чиқадиган суюқ чўғ модда*)

اللَّاتُ وَالْعُزَّى ал-Лот ва ал-Уззо (*жоҳилия давридаги арабларнинг санамлари оти*)

لَارِكْسٌ *бот.* тилоғоч (*игнабарглиларга мансуб дарахт*)

لَازَوَرْدٌ *мин.* ложувард тош

لَازَوَرْدِيٌّ ложувард рангли

لَاثَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ўрама (*бошдаги*); تَعَمَّمَ بِـ ~ саллага ўхшатиб бошга ўрамоқ

لَامَا *зоол.* лама (*кийиксимон ҳайвон*)

لَامْبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — лампа чироқ (*сол.* لَمْبَةٌ)

لَاهُوتٌ 1) илоҳий табиат, илоҳийлик 2) илоҳ; عِلْمُ الـ ~ илоҳиёт, теология

لَاهُوتِيٌّ 1. 1) илоҳий 2) илоҳиётга, теологияга оид; الْعِلْمُ الـ ~ илоҳиёт, теология; الْمَذَاهِبُ الـ ~ ـَةُ илоҳиёт йўналишлари; 3) руҳоний; مَدْرَسَةٌ ~ ـَةٌ диний ўқув юрти; 2. илоҳийшунос, теолог

أَلْأَكَ ,أَلَاكَ IV (لأك) хабарчи қилиб жўнатмоқ

مَلْأَكٌ — *кўп.* مَلَائِكَةٌ фаришта (*сол.* مَلَكٌ)

مَلَائِكِيٌّ — фариштага, малоикага оид

لَأْلَأَ ялтилламоқ, ялтирамоқ, нур сочмоқ; ~ بِذَنَبِهِ думини ликиллатмоқ (*ит ҳақида*); تَلَأْلَأَ = لَأْلَأَ

تَلَأْلُؤٌ — ялтираш, ялтиллаш, нур сочиш

لَأَّالٌ — марваридфуруш

لَأْلَاءٌ ,لَأْلَأَةٌ — ялтиллаш, йилтиллаш, нур сочиш

لُؤْلُؤٌ *жам.* марварид, مَغَاصُ الـ ~ марварид қидириладиган жой; زَهْرُ الـ ~ *жам бот.* дасторгул, саллагуллар; زَهْرَةُ الـ ~ саллагул, дасторгул; عِرْقُ الـ ~ садаф

لُؤْلُؤَةٌ — *кўп.* لَآلِئُ бир дона марварид

لُؤْلُئِيٌّ ,لُؤْلُوِيٌّ — марваридга оид, марварид рангидаги; شَعِيرٌ ~ арпа ёрмаси

مُتَلَأْلِئٌ — нур сочувчи, ялтилловчи

لَأَمَ (а) لَأْمٌ (لأم) 1) (*ярани*) боғламоқ, 2) тузатмоқ, ... 3)

тех. кавшарламоқ. لَزِمَ (у) لَوْمٌ، مَلْأَمَةٌ، لَأْمَةٌ 1) тубан, разил бўлмоқ. 2) хасис, курумсоқ бўлмоқ; III لَاءَمَ 1) мос келмоқ; ёрдам бермоқ; тўгри келмоқ; ярамоқ; ярашмоқ. тўгри келмоқ (*кийим ҳақида*); 2) (*к ни к. билангдир*) яраштирмоқ (بَيْنَ); 3) тузатмоқ, тўгриламоқ. 4) кавшарламоқ; IV أَلْأَمَ тубанлик, разиллик қилмоқ; VI تَلَاءَمَ 1) тубанлик, разиллик қилмоқ; 2) тузатилмоқ, тўгриланмоқ; 3) мос, тўгри келмоқ; ҳамоҳанг бўлмоқ; VIII اِلْتَأَمَ 1) тўпланмоқ, бирлашмоқ, жипслашмоқ (*саф ҳақида*); جَمَاعَةً ~ тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб йигилмоқ; الْمَجْلِسُ ~ мажлис бўлиб ўтди; 2) битмоқ, битиб кетмоқ; الْجَرْحُ ~ жароҳат, яра битди, битиб кетди; 3) кавшарланмоқ (*металл ҳақида*); 4) тузатилмоқ, тўгриланмоқ; X اِسْتَلْأَمَ 1) совут богламоқ, киймоқ; 2) жипслашмоқ

– تَلَاؤُمٌ 1) бирлашиш, иттифоқ бўлиш, тинчлик

– لَأْمَةٌ *кўп.* لَأْمٌ совут

– لِمَّةٌ (*к нингдир. н нингдир*) хили, тенги, муносиби; لِيَتَزَوَّجِ الرَّجُلُ لِمَّتَهُ *ҳад.* эркак киши ўзининг тенгига уйлансин!

– لُؤْمٌ 1) тубанлик, пасткашлик, разиллик; 2) қизгончиқлик, хасислик, курумсоқлик

– لَئِيمٌ *кўп* لُؤَمَاءُ، لِئَامٌ، لُؤْمَانٌ 1) тубан, разил, пасткаш; 2) қизгончиқ, хасис, пасткаш; أَمَرُّ مِنَ الصَّبْرِ سُؤَالُكَ لِـــ~ *мтл.* қизгончиқ учун сенинг илтимосинг сабр (алоэ)дан ҳам аччиқроқ!

– مِلْأَمٌ = مُلْأَمٌ

– مِلْآمٌ пасткашликни кечирувчи

– مُلَائِمٌ 1) мос, тўгри келадиган; (*бирор н.* учун) яхши. шароит, ярокли; غَيْرُ ~ ярокснз; 2) ярашган, тузуккина

– مُلَاءَمَةٌ 1) тўгри, мос келадиган; ярокли; 2) ярашганлик, тузуккиналик; 3) мос келишлик, ҳамоҳанглик, гармония; 4) иттифоқлик, якдиллик.

– مُلْتَئِمٌ 1) тўпланганлар, йигилганлар; 2) битаётган, битиб бораётган (*яра ҳақида*)

لَأَنْ *қар.* لـ 2).

لَئِنْ *қар.* إِنْ

لَأْوَاءُ бало, офат; مَنْ كَانَتْ لَهُ ثَلَاثُ بَنَاتٍ فَصَبَرَ عَلَى ~ـهِنَّ كُنَّ لَهُ حِجَابًا مِنَ النَّارِ *ҳад.* ҳар кимда учта қиз бор бўлиб, уларнинг ташвишларига чидаса, ўша қизлар оталарини жаҳаннамдан ажратиб турувчи тўсиқ бўладилар

لَأْيٌ огир, машаққатли аҳвол, қийинчилик; مَا عَرَفْتُهُ ~ـبِ мен уни зўрга танидим; بَعْدَ ~ وَبَعْدَ تَرَدُّدٍ катта қийинчилик ва узоқ тараддуддан сўнг

لَبَّ[1] (لَبُّ) I (*u/a*) لَبَابَةٌ، لَبِيبٌ зеҳнли (ақлли, фаросатли) бўлмоқ;

لَبَّ[2] (*a/u*) لَبٌّ، لُبُوبٌ 1) (*қаердадир*) қолмоқ, турмоқ (بِـ); 2) вайсақилик қилмоқ, кўп гапирмоқ; 3) чақмоқ, чақиб емоқ (*ёнгоқ, пистани*); II لَبَّبَ 1) бошоқламоқ, дон бермоқ (*мас., донли экинлар*), 2) тутмоқ, тутиб олмоқ; IV أَلَبَّ (*қаердадир*) яшамоқ, истиқомат қилмоқ (بِـ); V تَلَبَّبَ (*н. гадир*) киришмоқ, тайёрланмоқ (لِـ)

– تَلْبِيبٌ 1) *кўп.* تَلَابِيبُ ёқа; أَخَذَ بِتَلَابِيبِهِ кимнингдир ёқасидан тутмоқ

– لَبَّيْكَ = لَبًّا لَكَ! لَبٌّ –

– لُبٌّ[1] *кўп* لُبُوبٌ 1) магиз; (*ҳар нарсанинг ичидаги*) магзи; (*ёнгоқ*) магзи; الْخَشَبِ ~ дарахтнинг пўстлоқ билан ўзак ўртасидаги қаттиқ қисми; 2) уруг; الْأَسْمَرُ الـــ~ тарвуз уруглари; الْقَضْبَةِ الـــ~ الْأَبْيَضُ ошқовоқ уруглари; 3) мазмун, моҳият; масаланинг моҳияти

– لُبٌّ[2] 2) *кўп* أَلْبَابٌ، أَلُبٌّ 1) ақл, фаросат; ذَوُو الْأَلْبَابِ ёки أُولُو الْأَلْبَابِ ақл эгалари; 2) жон, юрак; مُشَرَّدُ الـــ~ паришонхотир; بِـــ~ـــهِ (*к нидир*) мафтун қилмоқ, қойил қолдирмоқ; ҳайрон қолдирмоқ; طَارَ ~ـــهُ у ўзини йўқотиб қўйди, нима қиларини билмай қолди

– لُبَابٌ 1) ақл, фаросат; 2) жон, юрак; 3) ҳар қандай нарсанинг танлаб олинган нарсалар; хабарларнинг моҳияти

– لَبَّةٌ *кўп.* أَلْبَابٌ кўкракнинг юқори (тепа) қисми

– لَبَّةٌ ـ ـاتٌ، لَبَّةٌ 1) кўкракнинг юқори (тепа) қисми; 2) бўйин, бўгиз (*ҳайвон сўйилганда пичоқ тортиладиган жой*); 3) бола учун тайёрланган) бўтқа, каша

– لَبَّةٌ *кўп.* لِبَابٌ (олтин) шода, маржон

– لَبِيبٌ *кўп* أَلِبَّاءُ ақлли, фаросатли, доно

لَبَّى II (لَبَّا) ҳаж маросимида لَبَّيْكَ сўзи билан бошланадиган иборани такрорламоқ (*қар.* II لَبَّى)

– تَلْبِيَةٌ = تَلْبِيَةٌ

– لِبًا огизсут, огиз сути

– لَبُؤَةٌ *кўп* ـاتٌ урғочи шер

لَبِثَ I (*a*) لَبْثٌ، لَبَاثٌ، لُبْثٌ 1) (*қаердадир*) бўлмоқ, қолмоқ (بِـ); 2) имилламоқ, секинаклик қилмоқ; لَمْ أَلْبَثْ (مِنْ لَبْثٍ) أَنْ كَتَبْتُ الْمَكْتُوبَ мен кечиктирмай (имиллаб ўтирмай, дарров) хат ёздим; ... لَمْ أَلْبَثْ) أَنْ رَأَيْتُ) мен дарров (тезда) кўрдимки, ...; 3) давом этмоқ; يُرَاقِبُهَا ~ у (*қиз*) ни кузатишда давом этди; V تَلَبَّثَ 1) (*қаердадир*) бўлмоқ, қолмоқ, тутилиб қолмоқ (بِـ); 2) имилламоқ, секинлик қилмоқ

– لَابِثٌ (*қаердадир*) яшовчи, истиқомат қилувчи

– لُبْثٌ، لَبْثٌ، لَبَثٌ 1) бўлиш, қолиш; 2) тутилиб қолиш

– لَابِثٌ = لَبِثٌ

– لُبْثَةٌ бир он тўхташ, тўхтаб туриш, пауза

لَبَخَ I (*a*) لَبْخٌ урмоқ, саваламоқ, муштламоқ; II لَبَّخَ огриган жойига суюқ дори ёки иссиқ сувга ҳўлланган пахта ёки бинт қўймоқ; 2) (*бирор н* ни) пахта ёки бинтга ўхшатиб қўймоқ; 3) сувамоқ (*Ироқда*)

– لَبَخٌ *жам. бот.* лабах (*Мисрда ўсадиган акас-акация*)

– لَبَخَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ *бот.* Миср акаси, акацияси

– لَبْخَةٌ кўп لُبَخٌ, لَبَخَاتٌ 1) хўлланган (дориланган) пахта *ёки* бинт босиш; 2) бўтқа, каша

– لَبِيخٌ сергўшт, семиз

1 لَبَدَ (у) 1) لُبُودٌ (*бирор н. га*) қапишмоқ, ёпишмоқ, (*н. гадир*) қапишиб, ёпишиб олмоқ (بـ); 2) (*қаердадир*) кўринмай, яшириниб олмоқ (بـ); 3) кигиз босмоқ; II لَبَّدَ 1) кигиз босмоқ, юмалатмоқ; 2) кигиз билан ёпмоқ, бекитмоқ; 3) ўт-алафни босмоқ, эзғиламоқ, топтамоқ; 4) соч ҳурпайиб кетмаслиги учун бошга ёпишқоқ модда суртмоқ (*ҳаж зиёрати вақтида*); IV أَلْبَدَ (*н. гадир*) қапишмоқ, ёпишмоқ (بـ); V تَلَبَّدَ 1) босилмоқ, эзғиланмоқ; 2) зич бўлиб кетмоқ (*торф ҳақида*) 3) (*н. гадир*) ёпишмоқ; (*н. нингдир устида*) босилиб ётмоқ (عَلَى-*қор ҳақида*); 4) тўпланмоқ, йиғилмоқ, босмоқ (*булут ҳақида*); (*булутлар билан*) қопланиб, босилиб кетмоқ (*осмон ҳақида* – بـ); ~تِ السَّمَاءُ بِالْغُيُومِ осмон булутлар билан қопланди; ~تِ السُّحُبُ فَوْقَ رُؤُوسِنَا бошимиз устида булутлар осилиб турарди

– لَبَّادٌ кигиз босувчи

– لُبَّادٌ кигиз; ~ بُرْنَيْطَةٌ مِنْ кигиз (фетр) шляпа

– لَبَّادَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ терлик (*тўқим остидаги*)

– لُبَّادَةٌ кўп لَبَابِيدُ кигиз тақя

– لُبَدٌ 1) кўпдан-кўп (*бойлик ҳақида*); 2) *миф. ат. от. мз.* Лубад (*Луқмони ҳакимнинг еттита бургутларидан бири; бургутлар ўлгач, улар яшаган йилларнинг жами Луқмон умрини белгилайди*) ~ أَخْنَى عَلَيْهِ الَّذِى أَخْنَى عَلَى *маж.* унинг бошига Лубаднинг куни тушди (яъни, ўлди)

– لَبَدٌ босилган, эзилган жун; ~ النَّبَاتِ *ёки* ~ وَقُودٌ торф

– لَبِدٌ босилган, эзилган

– لِبْدٌ кигиз, босилган жун

– لِبْدَةٌ *кўп.* لُبَدٌ 1) ёл (*шерники*); 2) сочлар

– لِبْدَةٌ *кўп.* لِبَدٌ 1) кигиз тақя; 2) ёл (*шерники*)

– لُبُودِيٌّ (*жун, пахталарни*) таровчи

– لَبِيدٌ таровчи

– مُتَلَبِّدٌ 1) эзилган, янчилган, босилган; 2) осилиб турган; осмонни тўсиб турган (*булут ҳақида*)

I (لبس) لَبَسَ (и) لَبْسٌ (*к. учундир*) туманли, тушунарсиз, ноаниқ қилмоқ (عَلَى); لَبِسَ (а) لُبْسٌ киймоқ, кийинмоқ; ~ النَّظَّارَةَ кўзойнак тақмоқ, тақиб юрмоқ; II لَبَّسَ кийинтирмоқ, кийдирмоқ; ~ الخَاتَمَ لَهَا у у (аёлга) узук тақиб қўйди; ~ البَاطِلَ بِالْحَقِّ ёлғонни рост деб кўрсатмоқ, ўтказмоқ; 2) (*н. биландир*) босмоқ, ёпмоқ, қопламоқ (بـ); ~ بِالذَّهَبِ зар қопламоқ; ~ بِالرُّخَامِ мармар қопламоқ; ~ الْخَشَبَ (*бирор н. билан*) ёғочга қоплаб нақш бермоқ (بـ); 3) чигаллаштирмоқ, (*к. учундир*) ноаниқ, тушунарсиз қилмоқ (عَلَى); (*к. нидир*) алдамоқ (عَلَى); III لَابَسَ 1) (*к. нидир*) кийинтирмоқ; 2) (*н-гадир*) хос бўлмоқ, (*н. биландир*) боғлиқ бўлмоқ (لـ); бирга (йўлдош) бўлмоқ; 3) (*н. -нингдир*) изидан юрмоқ, (*н. гадир*) амал қилмоқ (لـ); ~ لِلْحَقِيقَةِ ҳақиқатга амал қилмоқ, ҳақиқатчи бўлмоқ; 4) (*к. биландир*) алоқада бўлмоқ, яқин муносабатда бўлмоқ; 5) аралаштирмоқ, чалкаштирмоқ; 6) (*к. нингдир*) ички сирини билмоқ; IV أَلْبَسَ 1) (*к. нингдир*) устига (*кийимни*) ташламоқ; кийинтирмоқ, (*н. биландир*) ёпмоқ (بـ); 2) чигаллаштирмоқ; V تَلَبَّسَ 1) кийинмоқ, ясанмоқ; 2) (*бирор н. га*) аралашган, тортилган бўлмоқ (بـ); 3) (*к. учундир*) тушунарсиз, қоронғи, туманли бўлмоқ (عَلَى); 4) ақлдан озган бўлмоқ; ~ فِى لِبَاسِ الْعِلْمِ ўзини олим деб кўрсатмоқ; بِلِبَاسِ الْوَطَنِيَّةِ (الْعُرُوبَةِ) ўзини (араб дунёси) ватанпарвари қилиб кўрсатмоқ; ~ شَخْصِيَّةً ثَانِيَةً бошқа шахс қиёфасига кирмоқ; ~ الإِنْسَانَ инсон қиёфасига кирмоқ; VIII اِلْتَبَسَ 1) (*к. учундир*) қоронғи, ноаниқ, чигал бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ الأَمْرُ у бу ишда мутлақо чигал аҳволга тушиб қолди; 2) адаштирмоқ; (*бошқа одам деб*) қабул қилинмоқ (بـ) 3) яширмоқ, пинҳон тутмоқ

– اِلْتِبَاسٌ ноаниқлик, чалкашлик, шубҳалилик, чигаллик

– تَلَبُّسٌ жиноятга алоқадорлик; فِى حَالَةِ الـ~ жиноят устида

– تَلْبِيسٌ 1) кийиш, кийиниш; 2) (*бирор н.* билан) қоплаш; қоплама; ~ الْخَشَبِ мозаик қоплама; ёғоч устига қоплама қилиш; 3) ёлғон, фириб

– تَلْبِيسَةٌ *мед.* суппозиторий; пессарий (*йўғон ичакка тиқиб қўйиб даволайдиган малҳам*)

– لَابِسٌ кийинаётган, кийинган

– لَبَّاسٌ кийим кечаги кўп, кўп кийим-кечакли

– لِبَاسٌ[1] 1) *кўп.* لُبُسٌ, أَلْبِسَةٌ кийим, кийим-кечак, либос; ~ التَّقْوَى а) дин, имон; б) тақводорлик; ~ رَسْمِيٌّ расмий кийим (форма); ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий кийим (форма); ~ فَضَائِيٌّ фазогир (космонавт) скафандри; ~ الْمَيْدَانِ жанг (поход) кийими; ~ الْمَرْأَةِ а) аёллар иштони (шими); б) аёлнинг эри; ~ الرَّجُلِ а) эркаклар иштони (шими); б) эркак кишининг хотини; ~ التَّقْوَى ҳаё, уялиш; كَانَ فِى ~ الْمَيْدَانِ *маж.* жанговар тайёр ҳолда бўлмоқ

– لِبَاسٌ[2] 2) ноаниқлик

– لَبَّاسَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ (*оёқ кийимини кийиш учун ишлатиладиган*) қошиқ

– لَبْسٌ, لُبْسٌ мажҳуллик, чигаллик, ноаниқлик; لاَ ~ فِيهِ وَلاَ إِبْهَامَ бу нарсада ноаниқлик ҳам, дудмаллик ҳам йўқ; бу мутлақо равшан

– لِبْسٌ *кўп.* لُبُوسٌ кийим-кечак, кийим, кўйлак; ~ السَّوَادِ азадорлик кийими, қора кўйлак; ~ الْكَعْبَةِ Каъба устига ёпилган парда, каъбапўш

– لَبْسٌ = لُبْسَةٌ –

– لُبْسَةٌ ноаниқлик, мавҳумлик

– لِبْسَةٌ 1) *кар.* لُبْسٌ; 2) кийиниш одати

– لِبْسٌ *кўп.* لُبُوسٌ 1) кийим, кийим-кечак; ~ السَّحَابِ меҳмондорчилик, кўча кийими; 2) суппозиторий (*кар* تَلْبِيسَةٌ)

– لَبُوسَةٌ, لُبُوسَةٌ ноаниқлик

– لَبِيسٌ 1. 1) ишлатилган; 2) кийиб эскирилган; 2. *кўп.* لُبْسٌ эски-туски

– مُتَلَبِّسٌ 1) жиноятга аралашган, қатнашган; قَبَضُوا عَلَيْهِ ~ًا بِجَرِيمَتِهِ уни жиноят жойида қўлга олдилар; 2) ноаниқ, қоронғи

– مُلاَبَسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) (*бирор н. билан*) боғлиқ ҳодиса; қўшимча равишда юзага келган ҳолат; 2) қийинчилик; кўп пайдо бўлган ҳолатлар; аҳвол; коньюнктура (*бозорнинг аҳволи*)

– مَلْبَسٌ *кўп.* مَلاَبِسُ кийим-кечак, кийим, кўйлак; ~ رَسْمِيٌّ расмий кийим; مَلاَبِسُ دَاخِلِيَّةٌ *ёки* مَلاَبِسُ تَحْتَانِيَّةٌ *ёки* مَلاَبِسُ سُفْلَى ички кийим; مَلاَبِسُ مُخَيَّطَةٌ тайёр кийим

– مُلَبَّسٌ[1] 1) қопланган, қоплама қилинган

– مُلَبَّسٌ[2] 2) *кўп.* ـَاتٌ — қандлар, қанд-қурслар, ширинликлар

– مُلَبَّسَةٌ 1) *кўп.* ـَاتٌ — қанд

– مَلْبُوسٌ[1] 1. 1) ишлатилган; 2) ақлидан ажраган, тентак; ~ رَجُلٌ жин чалган одам

– مَلْبُوسٌ[2] 2) *кўп.* ـَاتٌ — 1) кийим, кўйлак; 2) *ҳарб.* ҳарбий кийим-кечак

– مُلْتَبِسٌ ноаниқ, шубҳали

(لبش) II لَبَّشَ 1) адаштирмоқ, енгиллаштирмоқ, саросимага туширмоқ, хижолат қилмоқ; 2) йиғмоқ, боғламоқ, тугмоқ; 3) қирғоқни қамиш шох-шаббаси билан мустаҳкамламоқ

– لَبْشَةٌ *кўп.* لُبَشٌ 1) қамишдан тайёрланган шох-шабба; 2) балиқчилик аслаҳалари, асбоб-ускуналари

I لَبَطَ (*у*) لَبْطٌ 1) ерга ағанатмоқ (*туш. к. ёки* بِ); 2) туртмоқ, сузмоқ; II لَبَّطَ перони сиёҳга теккизмоқ; III لاَبَطَ курашмоқ; لاَبِطِ الْبَدَوِيَّ وَلاَ تُجَارِيهِ *халқ мтл.* бадавий билан кураш, лекин у билан югуришга беллашма

– لُبْطَةٌ 1) тепки; 2) тумов

– لَبْطَةٌ сакраб чопиш, елиш (*от ҳақида*)

– مُلاَبَطَةٌ кураш

I لَبِقَ (*а*) لَبَقٌ *ёки* لَبُقَ (*у*) لَبَاقَةٌ 1) меҳрибон (ёқимли, одобли) бўлмоқ; 2) бежирим бўлмоқ; 3) (*к. гадир*) ярашмоқ (بِ); لَبِقَ بِهِ الثَّوْبُ кийим унга лойиқ келди, рост келди; II لَبَّقَ ярашмоқ, мос қилмоқ, мосламоқ, тўғриламоқ, рост келтирмоқ

– لَبَاقَةٌ 1) одоб, одоблилик; ~ بِـ *ёки* ~ فِي одоб билан; ~ دِبْلُومَاسِيَّةٌ дипломатик одоб; 2) мос келиш, ярошлилик; ~ صِحِّيَّةٌ с...лиги бўйича ярошлилик; 3) малака, чаққонлик; 4) меҳрибонлик, ...улонимлик; 5) бежиримлик, назокатлилик

– لَبَقٌ 1) одоб, одоблилик; 2) мослик, мос келиш; 3) малака, чаққонлик

– لَبِقٌ 1) меҳрибон, ёқимтой; одобли; одамнинг қўлидан ишини оладиган, ҳожатбарор; 2) малакали, чаққон; 3) бежирим, назокатли; 4) (*бирор н. учун*) яхши, қулай, мос (*сабаб, баҳона*)

– لَبِيقٌ 1) меҳрибон, ёқимтой; 2) чаққон; 3) бежирим, назокатли

I (لبك) لَبَكَ (*у*) لَبْكٌ 1) алмаштирмоқ, алмаштириб юбормоқ; 2) чалкаштирмоқ, хафа қилмоқ, саросимага туширмоқ, солмоқ; 3) кисмоқ, қийинчиликка солмоқ; لَبِكَ чалкаш бўлмоқ; II لَبَّكَ = I; V تَلَبَّكَ 1) чалкаш бўлмоқ; 2) хафа бўлмоқ; VIII اِلْتَبَكَ 1) чалкашинмоқ, аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ; 2) мураккаблашмоқ, қийинлашмоқ

– تَلَبُّكٌ 1) чалкашлик; 2) бузилиш; ~ الْمَعِدَةِ ошқозоннинг бузилиши

– لَبْكٌ 1) аралашма; 2) тартибсизлик; 3) чигаллик, бош-учи йўқлик

– لَبْكَةٌ 1) саросималик; бош-бошдоқсизлик; 2) қийинчилик

– مَلْبُوكٌ чалкаш, чалкашиб кетган

لَبْلَبَ (*болани*) бағрига босмоқ, эркалатмоқ (بِ)

– لَبْلاَبٌ 1) *бот.* зарпечак, девпечак; ~ كَبِيرٌ *ёки* ~ شَجَرِيٌّ (*чирмовиққа ўхшаб ўсадиган*) печак; 2) *бот.* Миср ловияси

– لُبْلُبٌ, لَبْلَبٌ 1) меҳрибон, севувчи; 2) эҳтиром кўрсатувчи

– لَبْلَبَةٌ она эркалатиши

لُبْلُوبٌ *кўп.* لَبَالِيبُ новда

(لبن) II لَبَّنَ ғишт қуймоқ; IV أَلْبَنَ сут ажратмоқ, сут чиқармоқ; VIII اِلْتَبَنَ сут эммоқ (сўрмоқ); X اِسْتَلْبَنَ болалар *ёки* меҳмонлар учун сут қидирмоқ

– إِلْبَانٌ сутнинг ажралиши, чиқиши, лактация

– لَبَانٌ эмчак, мамма, кўкрак

– لِبَانٌ[1] 1) эмизиш, эмиш; هُوَ أَخُوهَا بِـ~ أُمِّهِ у (*аёл*)нинг кўкалдоши, эмишгани; ~ الْمَرْكَبِ пишиқ арқон, арғамчи; буксир қиладиган трос

– لُبَانٌ[2] (لِبَانٌ, 1) *бот.* босвеллия (*дарахт*); الـ~ الشَّامِيُّ *бот.* каммифора (*елим дарахти*); 2) *шунингдек:* ~ ذَكَرٍ муаттар елим, ладан (*ёқимли ҳид чиқарувчи елим*); 3) *шунингдек:* ~ أَمِيرِكِيٌّ резинка сақич

– لَبَّانٌ 1) ғишт қуювчи, 2) сутфуруш

– لُبَانَةٌ[1] сақич *ёки* чайналадиган резинка; مَضْغُ الـ~ резинка чайнамоқ; ~ سَوْدَاءُ (مَغْرِبِيَّةٌ) *бот.* сутлама ихрож (*заҳарли сут чиқарадиган ўт*)

– لُبَانَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — 1) иш, вазифа, топшириқ; 2) истак, талаб; ◊ قَضَى ~ـهُ у ўз мақсадига эришди

– لِبَانَةٌ[1] сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш

– لُبَانَةٌ[2] لِبَانَةٌ, 1) муаттар ҳидли елим, ладан; ~ شَامِيَّةٌ канифоль

(*чолгу камончаларига ишлатиладиган елим*); 2) чайналадиган резинка

– لَبَنٌ *кўп.* أَلْبَانٌ 1) сут; الإِبِلِ ~ туя сути; حَامِضٌ ~ *ёки* زَبَادِيٌّ ~ қатиқ; حَلِيبٌ ~ янги соғилган сут; الْخَضُّ ~ кув қилинган сут; رَائِبٌ ~ ивиган сут; عُلَبِ ~ банкадаги сут; مُجَمَّدٌ ~ қуюлтирилган сут; مُجَفَّفٌ ~ қуритилган сут; مَقْطُوعٌ ~ сузма, қатиқ; مَصْلُ الـ~ зардоб; مِيزَانُ الـ~ лактометр; أَبْيَضُ كَالـ~ сутдай оқ; صَارَ مِثْلَ الـ~ عَلَى الْعَسَلِ *маж.* (*к. гадир*) мулойим муносабатда бўлмок (مَعَ); 2) *шунингдек.* النَّبَاتِ ~ *ёки* الـ~ النَّبَاتِيُّ *бот.* Сут шираси; مِسْمَارُ الـ~ оғиз сут, оғиз сути; سِنُّ الـ~ сут тиш

– لَبِنٌ, لِبْنٌ *жам.* хом, пиширилмаган ғишт; сомонли гувала

– لَبَنَاتٌ *кимё.* лактат, сут кислотали туз

– [1]لَبِنَةٌ, لِبْنَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — (*бир дона*) хом ғишт

– [2]لَبِنَةٌ: الْقَمِيصِ ~ кўйлакнинг ёқаси

– لَبَنِيٌّ сутли, сутга оид, сутранг; غُدَدٌ ~ـَةٌ сут безлари

– لُبْنَى *бот.* 1) сут дарахти; 2) семиз ўт

– لَبَنِيكٌ сутга оид; الْحَامِضُ الـ~ сут кислотаси

– لَبَنِيَّةٌ сутли овқат

– لَبَنِيَّاتٌ *кўп.* сут маҳсулотлари

– لَبُونٌ сут берувчи, сутли; ابْنُ ~ икки ёшга тўлиб, учга ўтган бўталоқ (*мн* ابْنَةُ ~)

– لَبُونَاتٌ *кўп.* сут эмизувчилар

– لُبَيْنَةٌ *бот.* семиз ўт

– [1]مَلْبَنٌ 1) эшик кесакиси, ёндори; 2) (*дераза*) роми

– [2]مَلْبَنٌ *шунингдек.* تُرْكِيٌّ ~ роҳат-лукум (*ширинлик*); ширинликлар, қандлар

– مِلْبَنٌ 1) сут сузғич; 2) ғишт қолип

– مَلْبَنَةٌ 1) сут фермаси; 2) сут ва сут маҳсулотлари дўкони; 3) сутнинг кўпайишига сабаб бўладиган; هَذَا الْعُشْبُ ~ бу ўт (*ҳайвоннинг*) сутини кўпайтиради

– مِلْبَنَةٌ *кўп.* مَلَابِنُ қошиқ

لَبْنَنَ Ливанлаштирмоқ, Ливанга оид қилмоқ; تَلَبْنَنَ ливанликларга ўхшамоқ

– لُبْنَانِيٌّ 1. Ливанга оид; 2. ливанлик

– لَبْنَنَةٌ ливанлаштириш

لَبْوَةٌ *кўп.* لَبَوَاتٌ = لَبُؤَةٌ

لَبَّى II (لبي) 1) لَبَّيْكَ мана, мен рўпарангдаман, олдингдаман, сўзларини айтмоқ; (*бирор н.* га) жавоб қилмоқ; الدَّعْوَةَ ~ таклифни қабул қилмоқ; 3) (*чақириққа*) бўйсунмоқ, бормоқ

– تَلْبِيَةٌ 1) لَبَّيْكَ "мана, мен рўпарангдаман, олдингдаман" сўзларини айтиш; 2) (*таклифни*) қабул қилиш; 3) тайёрлик, тайёр бўлиб туриш, раҳмдиллик, кўнгилчанлик

– لَبَّيْكَ мана, мен рўпарангдаман, олдингдаман (*ҳаж мавсумида айтилади*)

لَتَّ I (*a/u*) لَتٌّ 1) талқон қилиб туймоқ; 2) қормоқ (*хамирни*); 3) жаврамоқ, вайсақилик қилмоқ; وَ عَجَنَ فِي كَلَامِهِ ~ латтачайнарлик қилмоқ, вайсақилик қилмоқ, тилнинг қичиғини босмоқ

– لَتٌّ вайсақилик, бефойда гаплар; صَبَرَ لَتَّهُ وَ عَجْنَهُ кимнингдир латтачайнарлигига тоқат қилмоқ

– لَتَّاتٌ латтачайнар, вайсақи, сергап

– لَتَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — арзимас, бефойда нарса

لَتَأَ I (*a*) لَتْءٌ туртмоқ, итармоқ; ~تُ زَيْدًا فِي صَدْرِهِ Зайдни кўкрагидан итардим; ~ـتْ بِهِ أُمُّهُ онаси уни туғди. بِحَجَرٍ ~ тош билан урмоқ; إِلَيْهِ بِعَيْنِهِ ~ ўнга тикилиб қаради; لَعَنَ اللهُ أُمًّا ~ـتْ بِهِ! уни туққанни Оллоҳ лаънатига дучор қилсин!

لِتْرٌ *кўп.* ـَاتٌ — литр

لِتْمُوسٌ *кимё.* лакмус

لَتَّنَ II (لتن) лотинлаштирмоқ

– لَاتِينُ *жам.* 1) *тар.* Лотинлар; 2) *эск.* католик динидагилар

– لَاتِينِيٌّ лотинга оид, лотинча; الْحُرُوفُ الـ~ـَةُ лотин ҳарфлари, лотин алифбоси; الـ~ـَةُ лотин тили

– مُلَتَّنٌ лотинлаштирилган (*алифбо ҳақида*)

لَتِي: اللَّتِي *кўп.* اللَّوَاتِي *қар.* أ

لَثَّ IV (لث) أَلَثَّ (*қаердадир*) яшамоқ, истиқомат қилмоқ (بِ); لَا تُلِثُّوا بِدَارِ مَعْجِزَةٍ *ҳад.* тирикчилигингиз қийин бўлган юртда яшаманглар

لَثِغَ I (*a*) لَثَغٌ чучук тилли бўлмоқ, "с" ўрнига "ш", "з" ўрнига "ж", "р" ўрнига "й" талаффуз қилмоқ

– أَلْثَغُ *мн.* لَثْغَاءُ *кўп.* لُثْغٌ чучук тилли, чучук тил

– لَثَغٌ, لُثْغَةٌ чучук тиллилик

لَثَمَ I (*u*) لَثْمٌ ўпмоқ, пешонадан ўпмоқ; 2) юзни парда билан яширмоқ (*аёл ҳақида*); II لَثَّمَ юзни яширтирмоқ, бекиттирмоқ (*аёл ҳақида*); ниқобламоқ (*жарроҳ ҳақида*) III لَاثَمَ ўпишмоқ; V تَلَثَّمَ (*н. билан дир*) ўзини яширмоқ, бекитмоқ (بِ); VIII الْتَثَمَ парда билан юзни яширмоқ

– لِثَامٌ *кўп.* لُثُمٌ парда, чиммат, вуал; ... أَمَاطَ الـ~ عَنْ ... *ёки* حَسَرَ (أَزَاحَ) الـ~ عَنْ *кўч.м.* ...нинг юзидан пардани (ниқобни) олиб ташламоқ

– لِثَمَةٌ = لِثَامٌ

– لَثْمَةٌ *кўп.* لَثَمَاتٌ ўпич, бўса, мучча

– مُلَثَّمٌ, مُتَلَثِّمٌ парда (чиммат, вуал) билан яширинган, ёпилган

لِثَةٌ *кўп.* لِثًى, ـَاتٌ — милк

– لِثَوِيٌّ милкка оид; *фон.* тишлар орасида ҳосил бўладиган товуш; الْحُرُوفُ الـ~ـة тишлар орасида ҳосил бўладиган ундош товушлар (ث, ذ, ظ)

I لَثِيَ (а) لَثًى шира (шарбат, сув) томчитмоқ (*дарахт ҳақида*)

– لَثًى шира, шарбат, сув

لَجَّ (*u/a*) لَجَاجَةٌ ,لَجَاجٌ ,لَجَجٌ 1) (*н. дадир*) сабот, қунт-матонат кўрсатмоқ (فِي); (*н. дадир*) қаттиқ туриб олмоқ (عَلَى); 2) хиралик қилмоқ; (*к. нингдир*) жонига тегмоқ (عَلَى); 3) (*к. гадир*) тазйиқ ўтказмоқ, малол келмоқ, азоб бермоқ (عَلَى); II لَجَّجَ кечиб ўтмоқ; السَّفِينَةَ ~ت кема очиқ денгизга чиқди; III لَاجَّ тортишмоқ, айтишмоқ; узоқ вақт жанжаллашмоқ, тортишишда узоқ давом этмоқ; VIII الْتَجَّ шовулламоқ, пўртанага келмоқ (*денгиз ҳақида*)

– لَاجٌّ саботли, қунт-матонатли

– لُجٌّ *кўп.* لُجَجٌ тубсизлик, қаър; мўл-кўл сув

– لُجَاجٌ 1) тубсиз; 2) пўрталаниб турган

– لُجَاجَةٌ сабот, қунт-матонат

– لَجُوجٌ = لُجَجَةٌ

– لَجُوجٌ 1) саботли, қунт-матонатли; 2) жонга тегадиган; 3) пўртанали

– لَجَّةٌ шовқин, шовуллаш

– لُجَّةٌ *кўп.* لُجَجٌ, ـَاتٌ тубсизлик, қаър; мўл-кўл сув; عَدَا عَلَيْهِ ~ بَعْدَ ~ الْمَاءِ унинг устига пешма-пеш сув тўлқинлари босиб келди

– لِجَةٌ *қар.* ولج

– لُجِّيٌّ тубсиз, қаърли; пўртанали; بَحْرٌ ~ пўртанали денгиз

لَجَأَ (а) لَجْءٌ, لُجُوءٌ 1) бошпана қидирмоқ; 2) (*к. гадир, н. гадир*) мурожаат қилмоқ (إِلَى); إِلَى الْمُدَاوَرَةِ وَالْخِدَاعِ ~ ҳийла-найранг ва ёлғонга таянмоқ; 3) (*қаергадир*) қочмоқ (إِلَى); II لَجَّأَ (*бирор н. га*) таянишга ёки мурожаат этишга мажбур қилмоқ (إِلَى); IV أَلْجَأَ 1) бошпана қидиртирмоқ, қидиришга мажбур бўлмоқ; 2) (*бирор н. га*) таянишга ёки мурожаат этишга мажбур қилмоқ (إِلَى) 3) яширмоқ, бекитмоқ, бошпана бермоқ, ҳимоя қилмоқ; أَمْرَهُ إِلَيْهِ ~ ўз ишини кимгадир ишониб топширмоқ; Оллоҳга такя қилмоқ, худога солмоқ; VIII الْتَجَأَ 1) яширинмоқ, бекинмоқ; 2) (*к. дандир*) бошпана изламоқ (إِلَى); таянмоқ (إِلَى)

– الْتِجَاءٌ бошпана, ҳимоя қидириш; مَنَحَهُ حَقَّ الـ~ السِّيَاسِيَّ кимгадир сиёсий бошпана ҳуқуқини бермоқ

– لَاجِئٌ 1. бошпана, хона қидирувчи; 2. қочқин; эмигрант

– لُجَأَةٌ тошбақа

– لُجُوءٌ бошпана қидириш, излаш; (*бирор н. га*) таяниш, асосланиш (إِلَى); أَعْطَاهُ حَقَّ الـ~ السِّيَاسِيَّ кимгадир сиёсий бошпана ҳуқуқини бермоқ

– مُلْتَجِئٌ = لَاجِئٌ; سِيَاسِيٌّ ~ сиёсий эмигрант

– مَلْجَأٌ *кўп.* مَلَاجِئُ 1) бошпана; الْأَيْتَامِ ~ етимхона; الشُّيُوخِ ~ (الْعَجَزَةِ) ғарибхона, мискинлар уйи; الْعُمْيَانِ ~ кўзи ожизлар уйи; الْعَاهِرَاتِ ~ (*тузалган фоҳишалар учун*) профилакторий; 2) бошпана, бомбадан сақланадиган бошпана

I لَجَبَ (а) لَجَبٌ пўртаналанмоқ, шовулламоқ, мавжга келмоқ (*денгиз, оламон ҳақида*)

– لَجَبٌ шовқин, шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ

– لَجِبٌ 1) шовқинли; 2) ҳисобсиз, кўп сонли (*қўшин ҳақида*)

لَجْلَجَ тутилиб гапирмоқ; ноаниқ, т ушунарсиз гапирмоқ; ғулдирамоқ; لَجْلَجَ = تَلَجْلَجَ

– لَجْلَجَةٌ = تَلَجْلُجٌ

– لَجْلَاجٌ 1. ноаниқ, тушунарсиз гапирадиган; 2. тутилиб гапирадиган одам

– لَجْلَجٌ чигал, ноаниқ гапирувчи; الْحَقُّ أَبْلَجُ وَالْبَاطِلُ ~ *қар.* بلج

– لَجْلَجَةٌ тутилиб гапириш, ғудурлаш

I لَجَمَ (у) لَجْمٌ 1) тикмоқ, бахялаб тикмоқ; 2) тиймоқ, тийиб қўймоқ; الْمُعْتَدِينَ ~ агрессорларни тийиб қўймоқ; II لَجَّمَ нўхталамоқ, жиловламоқ (*отни*); IV أَلْجَمَ нўхта солмоқ, нўхталамоқ; الْمَسْعُورِينَ ~ *маж.* қутурганларни, ваҳшийларни нўхталамоқ, жиловламоқ, тўхтатмоқ; لِسَانَهُ ~ *маж.* а) тилни тиймоқ; б) бирор кишининг тилини тийдирмоқ; V تَلَجَّمَ 1) нўхталанган, жиловланган бўлмоқ (*от ҳақида*); 2) нўхталанмоқ, жиловланмоқ; 3) латта тасма боғлаб юрмоқ (*ҳайз кўрган аёл ҳақида*)

– لِجَامٌ *кўп.* لُجُمٌ, أَلْجِمَةٌ, ـَاتٌ 1) нўхта, жилов; حَدِيدٌ ~ сувлиқ; 2) ҳайз кўрган аёллар боғлаб юрадиган латта тасма

– مُلْجَمٌ, مَلْجُومٌ нўхталанган, жиловланган

I لَجِنَ (а) لَجَنٌ (*бирор н. га*) ёпишиб олмоқ, ёпишмоқ (ب)

– لَجْنَةٌ *кўп.* لِجَانٌ 1) комитет, қўмита; تَنْفِيذِيَّةٌ ~ ёки إِجْرَائِيَّةٌ ~ ижроия комитети; الـ~ الْمَرْكَزِيَّةُ марказий комитет; لِلدِّفَاعِ ~ الدَّوْلَةِ давлат мудофаа комитети; الْإِعْتِصَابِ ~ иштаташлаш (стачка) комитети; 2) комиссия; الـ~ الْعَامَّةُ комиссия пленуми, мажлиси; الْعَلَاقَاتِ الْخَارِجِيَّةِ ~ (*парламент ҳузуридаги*) ташқи ишлар бўйича комиссия; التَّجْنِيدِ ~ (*ҳарбийга*) чақирув камиссия; طِبِّيَّةٌ ~ тиббиёт комиссияси; فَرْعِيَّةٌ ~ кичик комиссия; الْمُرَاقَبَةِ ~ назорат комиссияси; مُسْتَدِيمَةٌ ~ доимий комиссия; الْأُمُورِ الْحُقُوقِيَّةِ ~ ҳуқуқий (юридик) масалалар бўйича комиссия; مِنْهَاجِ الدَّوْلَةِ ~ давлат режалаштириш (план) комиссияси; 3) лига, иттифоқ, бирлашма

– لُجَيْنٌ кумуш

– لُجَيْنِيٌّ кумуш рангли, кумушли

I لَجَّ (а/и) яқин бўлмоқ (*қариндошлик ҳақида*); IV أَلَجَّ (*н. нидир*) қатъий, қаттиқ талаб қилмоқ (عَلَى); (*н. дадир*) собит; қаттиқ талаб қилувчи бўлмоқ (فِى, عَلَى); тазйиқ ўтказмоқ (عَلَى); فِى الْمُطَالَبَةِ ~ қатъий талаб қилмоқ.

– إِلْحَاحٌ қатъийлик, собитлик; қаттиқлик; شَدِيدُ الـ~ хира, елим, шилқим; فِى ~ қатъий, қаттиқ, орқага чекинмай, қатъият билан

– لَاجٌّ тор, танг, камбар

– لَجٌّ яқин қариндошлик

– لَحِجٌ тор, танг, камбар

– لَجُوجٌ саботли, собит, қатъийли, талабчан

– مُلِحٌّ 1) талаб қилувчи; саботли, собит; 2) кечиктириб бўлмайдиган

– مُلْحَاحٌ 1) собитли, собит, қатъиятли; 2) хира, елим, шилқим, жонга тегувчи

I لَجَبَ (а) لَجْبٌ (*бирор н. билан*) урмоқ, зарба бермоқ (بِ); بِالسَّوْطِ ~ қамчи билан урмоқ, қамчиламоқ

– لَاجِبٌ *кўп.* لَوَاجِبُ 1) кенг йўл; 2) *эл.* электрод

I لَحَدَ (а) لَحْدٌ 1) кўммоқ, дафн қилмоқ; 2) қабр, гўр кавламоқ; 3) диндан қайтмоқ (فِى الدِّينِ) (*н. дандир*) чекинмоқ, юз ўгирмоқ; ~ هُ فِى رَمْسِهِ кимнидир қабрга қўймоқ; 2) (*н. дандир*) четга чиқмоқ, қайтмоқ (عَنْ); бедин бўлмоқ; худосиз (атеист) бўлмоқ; عَنِ الدِّينِ ~ диндан қайтмоқ; فِى الْحَرَمِ ~ хотинга зулм ўтказмоқ; VIII اِلْتَحَدَ 1) (*н. дандир*) чекинмоқ, воз кечмоқ, ажралмоқ (عَنْ); عَنِ الدِّينِ ~ диндан қайтмоқ; 2) (*н. гадир*) мойил бўлмоқ (إِلَى)

– إِلْحَادٌ 1) кофирлик; 2) худосизлик, динга ишонмаслик, атеизм

– إِلْحَادِيٌّ атеистик, атеизмга оид; الْمَذْهَبُ الـ~ атеизм

– إِلْحَادِيَّةٌ атеизм

– لَحَّادٌ гўрков, қабр ковловчи

– لَحْدٌ, لُحْدٌ *кўп.* لُحُودٌ, أَلْحَادٌ қабр учун кавланган чуқур; қабр, лаҳад; مِنَ الْمَهْدِ إِلَى الـ~ *мтл.* бешикдан қабргача; بَعَثَ مِنْ ~هِ бирор нарсани тирилтирмоқ

مُلْحِدٌ *кўп.* مَلَاحِدَةٌ 1) кофир; 2) худосиз, атеист

I لَحِسَ (لحس) (а) لَحْسٌ, لَحْسَةٌ, لَحَسٌ 1) яламоқ; 2) еб битирмоқ, йўқ қилмоқ; 3) *мажҳ.* ақлдан озган бўлмоқ; тентак бўлмоқ; لَحِسَ ~ بِالْكُرْبَاجِ қамчи билан саваламоқ; وَعْدَهُ ~ ваъдани бузмоқ; (а) لَحْسٌ яламоқ, чапиллатиб ичмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

– لَحْسٌ ялаш; чапиллатиб ичиш (*ҳайвонлар ҳақида*)

– لَحْسَةٌ 1) (*бир марта*) ялаш; 2) (*ақлан*) айниш

– مَلْحُوسٌ 1. 1) яланган; 2) енгилтабиат; ақли жойида бўлмаган; жиннибашара; 1. тентак, ақлсиз

لَحْسَنْ *халқ.* чунки, сабабли; акс ҳолда; خُذْ يَمِينَكْ شُوَيَّه ~ الْحِتَّه اللِّى قُدَّامَكْ غَرِيقَه бир оз ўнгга бурил, чунки сендан олдиндаги жой чуқур!

I لَحَظَ (а) لَحْظٌ 1) боқмоқ, қарамоқ, тикилмоқ; эътибор бермоқ, сезиб қолмоқ; 2) амал қилмоқ, риоя қилмоқ; 3) кўз қири билан қарамоқ; III لَاحَظَ 1) диққат билан қарамоқ, тикилмоқ, кузатмоқ, эътибор бермоқ; يُلَاحَظُ أَنَّ ... шуни кўриш мумкинки, ...; афтидан ...га ўхшайди, кўринишидан ...га ўхшайди; 2) (*н -нидир*) кузатмоқ, кузатиб (назорат қилиб) турмоқ; 3) бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ; 4) танбеҳ бермоқ, коймоқ, фикр билдирмоқ; VI تَلَاحَظَ бир-бирига қарамоқ

– لَاحِظَةٌ *кўп.* لَوَاحِظُ кўз (*биттаси*)

– لَحَاظٌ, لِحَاظٌ *кўп.* لُحُظٌ кўз қуйимочи

– لَحْظٌ *кўп.* أَلْحَاظٌ қараш, боқиш, назар

– لَحْظَةٌ *кўп.* لَحَظَاتٌ лаҳза, он, пайт, момент; فِى ~ бир онда, кўз юмиб-очгунча; فِى آخِرِ ~ шу (ўша) ондаёқ; ~ـهَا ўша онда; сўнгги онда; لَحْظَتَئِذٍ ўша лаҳзада

– لَحْظِيٌّ лаҳзага, онга, пайтга оид

– مُلَاحَظٌ эътибор берилаётган, кузатилаётган; وَالْـ~ أَنَّ ... кўриш мумкинки ...; маълум бўладики, ...

– مُلَاحِظٌ 1. кузатиб турадиган, кузатадиган; 2. назоратчи; инспектор; контролёр (*мас., цехда*)

– مُلَاحَظَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) назорат, кузатув; 2) мулоҳаза, фикр

– مَلْحَظٌ *кўп.* مَلَاحِظُ 1) боқиш, нуқтаи назар; 2) мулоҳаза

– مَلْحُوظَةٌ *кўп.* ـاتٌ мулоҳаза, фикр

I لَحَفَ (а) لَحْفٌ кўрпа ёпмоқ; IV أَلْحَفَ 1) кўрпа ёпмоқ; 2) شِلْقِيمликْ қилмоқ; عَلَيْهِ فِى ~ шилқимлик қилмоқ, саботлилик, қатъият кўрсатмоқ; بِالْإِلْحَاحِ жуда қатъиятли бўлмоқ; V تَلَحَّفَ кўрпа ёпинмоқ; VIII اِلْتَحَفَ (*бирор н. дан*) кўрпа сифатида фойдаланмоқ, (*бирор н. га*) ўраниб олмоқ (*туш. к. ёки* بِ); ◊ الْجَوَّ ~ бошпанасиз бўлмоқ

– إِلْحَافٌ шилқимлик, қатъиятлилик

– لِحَافٌ *кўп.* لُحُفٌ, أَلْحِفَةٌ кўрпа, ёпинғич, адёл

– لِحْفٌ (*тог*) остонаси

– مِلْحَفٌ *кўп.* مَلَاحِفُ = لِحَافٌ

– مِلْحَفَةٌ *кўп.* مَلَاحِفُ 1) кўрпа, ёпинғич, адёл; 2 плашч, ёмғирпўш

I لَحِقَ (а) لَحَاقٌ, لُحُوقٌ 1) (*к. нидир*) қувиб етмоқ (بِ); 2) ўз вақтида етиб келиоқ (*мас. поездга*); حَثَّ الْخُطَى لِيَلْحَقَ أَوَّلَ مُحَاضَرَةٍ лекцияга кеч қолмаслик учун шошилмоқ; 3) (*к. нингдир*) қисматига тушмоқ; (*к. гадир*) насиб бўлмоқ (بِ); 4) босмоқ, юқмоқ

(*беморлик ҳақида*): ~ـــهُ التَّغْيِيرُ унда ўзгариш бўлди; ~ـتْهُ الْأَضْرَارُ унга зарар етказилди; 5) (*к. гадир, н. гадир*) эргашмоқ, қўшилмоқ, бирлашмоқ (بِ) بِالْخِدْمَةِ ~ ишга (хизматга) кирмоқ; بِعَالَمِ الْخُلُودِ ~ *маж.* ўлмоқ; 6) (*к. ёки н гадир*) эргашмоқ; (*к. ёки н. нимгадир*) изидан бормоқ, ортида бўлмоқ; 7) (*н. гадир*) хос, мансуб бўлмоқ (إِلَى); 8) (*бирор н. ни*) олдин, эртароқ қилмоқ; III لَاحَقَ 1) (*к. билан дир*) доим бирга бўлмоқ; 2) кузатмоқ; қувгин қилмоқ; 3) (*к. нидир*) қувиб етишга интилмоқ, (*к. гадир*) эргашмоқ; لَمْ يُلَاحِقْهُ у унга етолмасди; 4) (*к. нидир*) диққат-эътибор билан кузатмоқ; ~ تَحْصِيلَهُ بِمُطَالَعَةِ الْكُتُبِ у китоб ўқиб, ўз маълумотини ошириш билан шуғулланди; IV أَلْحَقَ 1) (*бирор н. га*) бирлаштирмоқ, қўшмоқ (بِ); босиб олмоқ, забт этмоқ; 2) (*нашрга*) илова қўшмоқ; 3) (*к. гадир, мас, зарар*) етказмоқ, келтирмоқ; بِهِ خَسَائِرَ فَادِحَةً ~ кимгадир қаттиқ зарар етказмоқ; بِهِ أَضْرَارًا ~ кимгадир зарар келтирмоқ; 4) (*бирор н. учун*) иш хизматига (*командировкага*) юбормоқ (بِ); ~ـهُ بِالْمَدْرَسَةِ кимнидир мактабга жойлаштирмоқ; 5) уламоқ, тиркамоқ (*мас, вагонни паровозга* – بِ); VI تَلَاحَقَ 1) жуда яқин бўлмоқ (*мас, хавф-хатар ҳақида*); 2) бир жойга тўпланмоқ; 3 бир-бирини қувиб етмоқ; бир-бири билан изма-из бормоқ; кетма-кет келмоқ; узлуксиз юрмоқ, кетма-кет бўлмоқ, юзага чиқмоқ, содир бўлмоқ; ~ أَنْفَاسُهُ тез-тез нафас олмоқ, бўғилмоқ, нафас қисмоқ; VIII اِلْتَحَقَ (*н. гадир*) бирлашмоқ, қушилмоқ (بِ); (*н. гадир*) кирмоқ (فِي); (*қаергадир*) кирмоқ (بِ); بِالْخِدْمَةِ ~ хизматга (ишга) кирмоқ); ~ بِالْمَدْرَسَةِ мактабга (ўқишга) кирмоқ; بِالرَّفِيقِ الْأَعْلَى ~ *ёки* بِجِوَارِ رَبِّهِ ~ вафот этмоқ; X اِسْتَلْحَقَ 1) жалб қилмоқ, қўшиб олмоқ; ~ـهُ *юр.* кимнидир ўз ўғли деб эълон қилмоқ; 2) қўшилмоқ

– اِلْتِحَاقٌ қўшиб олиш, қўшилиш, кириш; شُرُوطُ الْـ~ (*мас, университетга*) кириш шартлари

– إِلْحَاقٌ 1) қўшиш, қўшиб қўйиш; забт қилиб қўшиб олиш; 2) хизмат сафари (*командировка*)га жўнатиш; ~ـًا لـ... (*бирор н. га қилинган*) қўшимча

– إِلْحَاقَاتٌ *кўп.* 1) забт қилиб қўшиб олинганлар; 2) қўшимчалар

– لَاحِقٌ 1) етиб олаётган; 2) қўшилаётган; 3) ортда келаётган, кечикиб келаётган, кечки; النَّشَاطُ الْـ~ кейинги фаолият; سَابِقٌ وَ~ а) собиқ ва ҳозирги; б) халаф ва салаф; سَابِقًا وَ~ـًا олдин ва бундан кейин; 4) *тар.* مُعَاوِيَةُ بْنُ أَبِي سُفْيَانَ минган отнинг номи

– لَاحِقَةٌ *кўп.* لَوَاحِقُ 1) иккинчи даражали ёки бирор нарса билан боғлиқ ҳолат; 2) кейин пайдо бўлган воқеа; سَوَابِقُهُ وَلَوَاحِقُهُ унинг бошига тушган олдинги ва кейиги воқеалар; 3) *грам.* суффикс.

– لَحَاقٌ 1) етиб бориш (олиш); 2) (*бирор н. билан*) қўшилиш, бирлашиш (بِ)

– لِحَاقٌ = لَحَقٌ

– لَحَقٌ 1) илова (*мас. журналга*); 2) *жам.* ҳамфикрлар, тарафдорлар

– مُتَلَاحِقٌ 1) бир-бирини қувиб етувчи; бир-бирининг орқасидан яқин эргашиб келаётган; 2) кетма-кет чиқаётган (*мас. китоб*); ~ـةً رَدَّدُوهُ فِي أَنْفَاسٍ улар ҳансираб буни такрорладилар

– مُلَاحَقَةٌ таъқиб қилиш, қувгин қилиш

– مُلْحَقٌ 1. 1) қўшиб олинган; забт қилиб қўшиб олинган; 2) қўшилган, қўшимча; 2. 1) атташе (*дипломатик ходим*); вакил, агент; ~ بَحْرِيٌّ денгиз атташеси; ~ تِجَارِيٌّ савдо атташеси; ~ ثَقَافِيٌّ маданият атташеси; ~ صُحُفِيٌّ матбуот атташеси; ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий атташе; 2) *кўп* مَلَاحِقُ، ـــاتٌ қўшимча, илова (*мас. газета, журнал ва б*); الدِّهَانُ وَمُلْحَقَاتُهُ бўёқлар ва қўшимча материаллар; الرُّومَاتِزْمُ وَمُلْحَقَاتُهُ ревматизм ва у билан боғлиқ оғриқлар; *кўп.* қўшиб олинган ерлар, аннекциялар

– مُلْحَقٌ *кўп.* مَلَاحِقُ الْإِمْتِحَانَاتِ مَلَاحِقُ такрорий (қўшимча) имтиҳонлар, қайта имтиҳон ўтказиш

لَحْلَجَ 1) кетмоқ, узоқлашмоқ; 2) (*ўз ўрнидан*) жилдирмоқ, сурмоқ (عَنْ); 3) серҳаракат, тиниб-тинчимас бўлмоқ; تَلَحْلَجَ жилмоқ, жилдирмоқ

– لَحْلَاحٌ *бот.* қушқўнмас (*тиконли ёввойи ўсимлик*)

– لَحْلَحَةٌ серҳаракатлилик, тиниб-тинчимаслик

– مُلَحْلِجٌ серҳаракат, тиниб-тинчимас

1. لَحَمَ (لَحْم) (у) لَحَمَ 1) тузатмоқ, ямамоқ; бирлаштирмоқ, маташтирмоқ, боғламоқ; الْحَدِيثَ ~ суҳбатни тўхтатмай турмоқ, гапни гапга улаб турмоқ; 2) (*металлни*) ямамоқ, кавшарламоқ; ~ بِالْكَهْرَبَاءِ электрда кавшарламоқ; 3) битмоқ (*яра, жароҳат ҳақида*); 4) ич-этини еб қўймоқ (*нафрат, ғазаб ҳақида*); 5) *мажҳ.* ўлдирилмоқ; الْعَظْمَ ~ суякни тозаламоқ, суякдаги гўштларни ажратмоқ; لَحُمَ (у) لَحَامَةٌ сергўшт, семиз бўлмоқ; لَحِمَ (а) 1) лَحَمَ этхўр бўлмоқ, йиртқич бўлмоқ; 2) (*бирор н. га*) ёпишмоқ (بِ); (*қаердадир*) қолмоқ (بِ); 3) гўштни яхши кўрмоқ; III لَاحَمَ 1) бирлаштирмоқ; 2) (*металлни*) ямамоқ, кавшарламоқ; IV أَلْحَمَ = III; الثَّوْبَ ~ газламани тўқимоқ; أَلْحِمْ مَا أَسْدَيْتَ *мқл.* ишни бошладингми-охирига етказ! (*сўзма-сўз:* ўришини тортдингми-газламасини тўқи!); VI تَلَاحَمَ 1) уришмоқ, жанг қилмоқ; 2) бирлашмоқ, уланмоқ; жипслашмоқ; қўшилмоқ; пайваста бўлмоқ; 3) ямамоқ, кавшарламоқ (*металл ҳақида*); VIII اِلْتَحَمَ 1) (*к. билан дир*) урушмоқ, жанг қилмоқ (بِ); 2) бирлашмоқ, уланмоқ; 3) битмоқ (*жароҳат ҳақида*); уланиб тузалмоқ (*суяк ҳақида*)

– اِلْتِحَامٌ 1) уруш, жанг; яқин олишув, қўл билан олишув: 2) алоқа; бирлашиш; пайваста бўлиш; битиб кетиш; 3) *физ.* уланиш кучи

– تَلَاحُمٌ 1) жанг, уруш; 2) бирлашиш, уланиш; 3) ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; ямоқ, пайванд, кавшар; 4) жипслик, бирлашганлик

– لَاحِمٌ *кўп.* لَوَاحِمُ، لَاحِمَةٌ этхўр, ваҳший

– لَاحِمٌ[2] кавшарловчи, пайвандчи

– لِحَامٌ[1] ямоқ, пайванд, кавшар; ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; بِالْكَهْرَبَاءِ ~ электрпайвандлаш, электркавшарлаш; ~ بِالْأُوكْسِجِين кислородли пайвандлаш (кавшарлаш); ذَاتِيٌّ ~ газли пайвандлаш (кавшарлаш); ~ وَابُورُ الــ ямаш лампаси;

– لِحَامٌ[2] кўп. ـــات кавшарлаш, пайвандлаш учун ишлатиладиган металл қотишма

– لَحَّامٌ 1) қассоб, гўшт сотувчи; 2) пайвандчи, кавшарловчи; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электрпайвандчи; أُوكْسِجِين وَكَهْرَبَاء ~ электргазпайвандчи

– لَحَامَةٌ сергўштлик, семизлик

– لِحَامَةٌ пайвандчилик касби; عَامِلُ الــ~ пайвандчи, кавшарловчи

– لَحِمٌ сергўшт, семиз

– لَحْمٌ[1] ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; ямоқ, пайванд, кавшар

– لَحْمٌ[2] кўп. لُحُومٌ, لِحْمَانٌ 1) гўшт, тана, лаҳм; أَبْيَضُ ~ оқ гўшт (қуш, балиқ ва б.лар гўшти); أَحْمَرُ ~ ёғсиз гўшт; الــ~ البَقَرِ ёки البَقَرِيُّ ~ мол гўшти; الْجَمَلِ ~ туя гўшти; الْجَامُوسِ ~ буйвол гўшти; الــ~ الْعِجْلِ ёки الْعِجَّالِيُّ ~ бузоқ гўшти; الْخِنْزِيرِ ~ чўчқа гўшти; الْغَنَمِ ёки الضَّأْنِ ~ қўй гўшти; مَفْرُومٌ ~ қийма; اللُّحُومُ الْمُقَدَّدَةُ консерва қилинган гўшт; اللُّحُومُ الْمُثَلَّجَةُ музлатилган гўшт; 2) (меванинг) гўшти, эти; الْأَسْنَانِ ~ милклар; ـــًا وَدَمًا ~ қони ва эти бўйича; أَكَلَ ـــهُ кимгадир туҳмат қилмоқ; عَلَى ~ بَطْنِهِ ҳеч нарса емай; оч-наҳор; оч қоринга

– لُحْمَةٌ 1) гўшт парчаси, бўлаги; 2) бирлаштирадиган, ёпиштирадиган моддалар (елим, оҳак ва б. лар); 3) арқоқ (газламада)

– لُحْمَةٌ 1) қариндошлик, қариндош; 2) арқоқ (газламада); ~ البَازِي тутилган овдан лочинга берилган улуш

– لَحْمِيٌّ гўштли

– لُحْمِيَّةٌ мед грануляция (битган ярадаги янги эт); бегона эт (узоқ битмаган ярада ҳосил бўлади); الأَنْفِ ~ мед. аденоидлар (бурун ичидаги касаллик); الْعَيْنِ ~ анат. конюктива (кўз жилди, шилимшиқ пардаси)

– لَحْمِيَّاتٌ кўп. этхўрлар, ваҳший ҳайвонлар

– لَحِمٌ = لَحِيمٌ

– مُتَلَاحِمٌ жипслашган, уланган

– مُتَلَاحِمَةٌ бошдаги этга теккан, лекин тўқималарга етиб бормаган яра

– مُلْتَحِمَةٌ анат конюктива (қар. لُحْمِيَّةٌ); 2) шунингдек. الْتِهَابُ الــ~ мед. конюктивит (кўз жилди, шиллиқ пардасининг яллиғланиши)

– مُلْحَمٌ кийим турларидан бири

– مَلْحَمَةٌ кўп. مَلَاحِمُ 1) қонли жанг, уруш, қирғин; 2) адаб. қаҳрамонлик достони, эпопея

– مَلْحَمِيٌّ қаҳрамонликка, эпопеяга оид

I (لحن) لَحَنَ (а) لَحْنٌ 1) нотўғри, ғализ гапирмоқ; грамматик қоидаларга риоя қилмай (асосан, отлардаги флексия келишикларига амал қилмай) гапирмоқ; 2) (к. ғадир) пичинг, ишора қилмоқ (لِـــ); 3) бирор оҳангга солиб, хиргойи қилган каби ўқимоқ; 4) бошқаларга билдирмай (к. ғадир) тушунарли қилиб гапирмоқ (لِـــ); لَحِنَ (а) لَحْنٌ тушунмоқ; II لَحَّنَ 1) музикага солмоқ, гармониялаштирмоқ; فِي الْقِرَاءَةِ ~ қироат билан ўқимоқ; 2) куйламоқ, ашула айтмоқ; 3) хато қилмоқ, хатога йўл қўймоқ; III لَاحَنَ ишора қилмоқ, тушунишга ишора қилмоқ

– تَلْحِينٌ кўп. تَلَاحِينُ 1) гармонизациялаш, мусиқий композиция; 2) маълум интонация билан ижро этиш; 3) куйлаш

– لَحَّانٌ мн لَحَّانَةٌ грамматик қўшимчаларни бузиб гапирувчи

– لَحْنٌ кўп. أَلْحَانٌ, لُحُونٌ 1) товуш, овоз (мўзиканики); 2) оҳанг, куй, мотив; тон, мелодия; السَّيْرِ ~ муз. марш; جَنَائِزِيٌّ ~ мотам марши; 3) нутқ, тил, шева; لَيْسَ هٰذَا بِـــ~ـــهِ у бундақа гапирмайди; 4) хато, нотўғри (гапириш ҳақида); 5) мазмун, моҳият, мағз; الْقَوْلِ ~ айтилган фикрнинг моҳияти, мағзи

– لَحِنٌ тушунадиган, фаросатли

– مَلَاحِنُ кўп. шартли тил, арго

– مَلَاحِنَةٌ кўп. ـــات арго (бирор гуруҳнинг ўзигина тушунадиган шартли тил) жаргон

– مُلَحِّنٌ 1) бастакор, композитор; 2) қўшиқчи, ашулачи

– مَلْحُونٌ нотўғри

I (لحو) لَحَا (у) لَحْوٌ ёки لَحَى (а) لَحْيٌ 1) пўстни арчмоқ; 1) таъна қилмоқ, койимоқ; сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; III لَاحَى 1) ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ, бир-бирини койимоқ, айбламоқ; тортишмоқ, даҳанаки жанг қилмоқ; 2) курашмоқ; V تَلَحَّى саллани иякнинг пастидан ўтказиб ўрамоқ; VI تَلَاحَى ўзаро сўкишмоқ; VIII الْتَحَى соқолли бўлмоқ, соқол қўйиб юбормоқ

– أَلْحَى соқолли

– لِحَاءٌ[1] кўп لُحِيٌّ п الْحِيَةٌ пўст, жилд, пўчоқ; الــ~ الْمُخِّ бош мия пўсти

– لِحَاءٌ[2] бир-бирини айблаш, сўкишиш; ўзаро тортишиш

– لَحْيٌ[1], لَحْوٌ танбеҳ, сўкиш, ҳақорат

– لَحْيٌ[2] кўп. أَلْحٍ, لُحِيٌّ 1) жағ; 2) ияк, энгак

– لَحْيَانِيٌّ = أَلْحَى

– لِحْيَةٌ кўп. لِحًى соқол; ـــهُ فِي يَدِهَا ~ маж. хотини унинг бурнидан ип ўтказиб етаклаб юради

– مُلَاحَاةٌ 1) жанжал, сўкишиш, тортишув; 2) кураш

– مُلْتَحٍ = أَلْحَى :أَلْـــسَّى النَّسْرُ *зоол* калхат, корақуш

لَخْوَسَ яламоқ

– لَخْوَسَةٌ ялаш

(خَ) IV أَلَخَّ (*бирор н. ни*) андимоқ, суриштириб билмоқ (عَلَى)

لَخْبَطَ аралаштирмоқ, аралаштириб юбормоқ; чигаллаштирмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ, бузмоқ; تَلَخْبَطَ аралашмоқ, аралаштириб юборилмоқ, чигаллаштирилмоқ, тартибсиз ҳолга келмоқ; бузилмоқ

– لَخْبَطَةٌ 1) чигаллик, аралаш-қуралашлик, тартибсизлик, бузилиш; 2) тиқилинчлик, тирбандлик

– مُلَخْبَطٌ тартибсиз, аралаш-қуралаш, чалкаш; 2. дурагай, хашаки, чатишма

(لَخَص) II لَخَّصَ қисқача баён қилмоқ, моҳиятни баён қилмоқ, умумлаштирмоқ, якунламоқ; نَتَائِجَ الْعَمَلِ ~ иш якунини чиқармоқ; V تَلَخَّصَ 1) қисқача баён қилинмоқ, умумлаштирилмоқ, якунланмоқ; 2) (*бирор натижага*) олиб келинмоқ (فِي)

– تَلْخِيصٌ қисқача баён, қисқача мазмунни бериш

– مُلَخَّصٌ 1. қисқача баён қилинган; 2. қисқача баён қилиш, моҳият; ахборот, маълумотнома (справка)

– مُلَخَّصَاتٌ *кўп.* кўчирмалар, иқтибослар (цитаталар)

لَخْفَنَ чалкаштирмоқ, бузмоқ

لَخْفَةٌ *кўп.* لِخَافٌ ясси оқ тош

لُخْقُوقٌ *кўп.* لَخَاقِيقُ ин, уя, ғор

لَخْلَخَ қимирлатмоқ, бўшаштирмоқ; تَلَخْلَخَ қимирлатилмоқ, бўшаштирилмоқ, бўшашмоқ

– لَخْلَخَانِيَّةٌ *фон.* ёмон арабча талаффуз

– لَخْلَخَةٌ 1) қимирлатиш; 2) қимирлашлик, бўшашганлик, кучсизланганлик

I لَخَمَ (*у*) لَخْمٌ 1) шапалоқламоқ; 2) қийин ҳолга солмоқ, қисиб қўймоқ, қисмоқ, сиқмоқ

– لُخْمٌ акула

– لَخِمَةٌ, لُخْمَةٌ 1. лапашанг, эпсиз, қўпол; 2. ландовур, бўшанг, мағзава (*одам*)

– لَخْمَةٌ 1) бетоблик; ~ ـهُ унинг тоби йўқ; 2) ўзини йўқотиб қўйиш, саросималик, қийинчилик, мушкуллик

– لُخْمِيَّةٌ лапашанглик, эпсизлик, ландовурлик

– لَخْمِيُّونَ: الـــ~ *тар.* Лахмийлар

I لَخَنَ (*а*) لَخَنٌ сасимоқ, ёқимсиз ҳид чиқармоқ

– أَلْخَنُ *мн.* لَخْنَاءُ *кўп.* لُخْنٌ 1) сассиқ, сассиқ ҳид таратувчи; 2) хатна қилинмаган

I لَدَّ (*а/у*) لَدٌّ ёвлашмоқ, урушмоқ; II لَدَّدَ 1) (*к. нидир*) шарманда қилмоқ, айбламоқ (بِ); 2) саросимага солмоқ, хижолат қилмоқ; III لَادَّ 1) қаттиқ ёвлашмоқ, қаттиқ уришмоқ; 2) (*к. нидир*) ҳимоя қилмоқ (عَنْ); V تَلَدَّدَ (*ҳайратдан*) қотиб қолмоқ, эсни йўқотмоқ

– أَلَدُّ *мн.* لَدَّاءُ *кўп.* لُدٌّ ашаддий (*душман ҳақида*)

– لَدَدٌ ёвлик, ашаддий душманлик, ашаддийлик

– لَدِيدٌ, لَدُودٌ = أَلَدُّ

– مُلَادَّةٌ қаттик, ашаддий душманлик

I لَدَغَ (*а*) لَدْغٌ, تَلْدَاغٌ 1) тишламоқ, қопмоқ, чақмоқ; 2) аччиқ гапирмоқ, заҳар қўшиб гапирмоқ; 3) чучук тил бўлиб гапирмоқ; V تَلَدَّغَ чақилган, қопилган, тишланган бўлмоқ

– أَلْدَغُ *мн.* لَدْغَاءُ *кўп.* لُدْغٌ чучук тил бўлиб гапирадиган

– لَدْغَةٌ 1) чақиш, ниш уриш; 2) чучук тиллилик

– لَدِيغٌ *кўп.* لَدْغَى, لُدَغَاءُ чақилган (*ари, илон ва б. лар томонидан*)

– مَلْدُوغٌ чақилган, тишланган, қопилган

I لَدَمَ (*и*) لَدْمٌ тарсаки (шапалоқ) солмоқ, шовқин-сурон чиқариб урмоқ

– لَدْمٌ тош ва шунга ўхшаш нарсанинг ерга тушгандаги овози

مِلْدَمٌ: ~ أُمُّ *мед.* безгак, иситма

I لَدُنَ (*у*) لُدُونَةٌ, لَدَانَةٌ 1) юмшоқ, мулойим бўлмоқ; 2) эгилувчан, букилувчан, юмшоқ бўлмоқ; II لَدَّنَ юмшатмоқ, мулойимлаштирмоқ; الْخُبْزَ ~ нонни (*печкада*) қуритмоқ, қотирмоқ

– لَادَنٌ, لَادِنٌ ладан, муаттар бўй таратувчи смола (елим)

– لَدَانَةٌ 1) юмшоқлик; 2) эластиклик, эгилиб-букилувчанлик

– لَدْنٌ *кўп.* لُدْنٌ, لِدَانٌ 1) юмшоқ, мулойим; 2) эластик, эгилиб-букилувчи

– لَدُنْ 1) ...да, ...дан, томонидан, ...ган ҳолда; مِنْ لَدُنِّي менда; مِنْ ~ ـهُ кимдандир, кимнингдир томонидан; 2) ...ганда, ...ган бўлса, ...ган вақтда; ... ~ مَا ذَا تَفْعَلُ أَنْتَ ...ган вақтда сен нима қиласан?; مِنْ ~ ...ган вақтдан бошлаб

– لَدُنِّيٌّ мистик, мистикага оид, ғайритабиий, ғайриоддий

– لُدُونَةٌ = لَدَانَةٌ

– لَدِينَةٌ *кўп.* لَدَائِنُ пластик модда, пластмасса

لِدَةٌ *қар.* ولد

لَدَى 1) олдида, қошида; لَدَيْهِ унда (*бор*), унда; لَدَيْنَا бизда (*бор*), бизда; لَيْسَ (مَا) لَدَيَّ وَقْتٌ менинг вақтим йўқ, менда вақт йўқ; 2) ...ганда, ...ган вақтда; ... ~ وُصُولِي إِلَيْهِ мен унинг олдига келганимда, ...; мен унинг олдига келган вақтда, ...

I لَذَّ (*и/а*) لَذَاذَةٌ ёқимли, лаззатли, лазиз, ширин, қойил қолдирадиган бўлмоқ; II لَذَّذَ лаззат бермоқ, лаззатлантирмоқ, роҳатлантирмоқ; V تَلَذَّذَ лаззатланмоқ, роҳатланмоқ; VIII اِلْتَذَّ

лаззат олмоқ; X اِسْتَلَذَّ лаззатли деб ҳисобламоқ; лаззатланмоқ

– لَذِيذٌ = لَذٌّ¹

– لَذٌّ² уйқу

– لَذَاذَةٌ кўп. لَذَائِذُ лаззатлилик, ёқимлилик

– لَذَّةٌ кўп. ـاتٌ — лаззатлилик, ёқимлилик; лаззат, ҳузур; кўп. малоҳатлар, жозибалар, ажойибликлар

لَذِيذٌ кўп. لِذَاذٌ 1) лазиз, лаззатли, ёқимли, ширин, қойил қолдирадиган; 2) нафис, гўзал, латиф, жозибали

– مَلَذَّةٌ кўп. مَلَاذُّ, ـاتٌ — лаззатланиш, роҳатланиш; роҳат, лаззат; кўп. малоҳатлар, жозибалар, ажойибликлар

I لَذَبَ (а) لَذْبٌ (н. гадир) ёпишмоқ, қапишмоқ (بـ)

– لَاذِبٌ ёпишиб олган, қапишиб олган; ~ ضَرْبَةٌ қар. لَازِبٌ

I لَذَعَ (а) لَذْعٌ 1) чақмоқ, тишламоқ; ~ـهُ بِلِسَانِهِ маж. тил билан (к. нидир) чақмоқ; 2) куйдирмоқ, ёндирмоқ

– لَاذِعٌ 1) куйдирувчи; жуда иссиқ ҳароратли; 2) ёндирувчи; 3) ўткир, кескир, санчиб оладиган; ~ نَقْدٌ ўткир танқид; عِبَارَاتٌ ~ـةٌ санчиқли гаплар

– لَاذِعَةٌ кўп. لَوَاذِعُ 1) чақиш, санчиш; 2) кўп. шунингдек: لَوَاذِعُ الْكَلَامِ санчиқли, ўткир, куйдирувчи гаплар

– لَذَّاعٌ санчиқли, ўткир, куйдирувчи

– لَذْعَةٌ кўп. لَذَعَاتٌ 1) чақиш; 2) куйдириш

I لَذِيَ (а) لَذًى 1) (к. гадир. н. гадир) ёпишмоқ, хиралик қилмоқ (بـ); 2) (н. гадир) қаттиқ амал (риоя) қилмоқ (بـ)

لَذِي қар. الَّذِي кўп. الَّذِينَ أُ

I لَزَّ (а/у) لَزٌّ 1) (н. биландир) бирлаштирмоқ, боғламоқ, маҳкамламоқ (بـ); 2) жипс, зич қилмоқ (мас. ёзилаётган ҳарфларни); ~ الْحُرُوفَ майда ҳарфлар билан зич қилиб ёзмоқ; 3) (н. гадир) мажбур қилмоқ (إِلَى); II لَزَّزَ қаттиқ жипслаштирмоқ, зичлаштирмоқ; III لَازَّ ўзаро жипс бўлмоқ, бир-бирига кириши кетмоқ; VIII الْتَزَّ (к. нингдир, н. нингдир) изидан бормоқ; эргашмоқ; (к. ёки н. билaндир доим) бирга бўлмоқ (بـ)

– لِزٌّ, لِزَّةٌ ҳалқали бурама мих (винт)

– لِزَازٌ, لِزَازٌ зулфин, лўкидон

– مُلَزَّزٌ зич, жипс, қалин, қуюқ

– مَلْزُوزٌ зич, жипс; صُفُوفٌ ~ـةٌ жипс сафлар

I لَزَبَ (у) لُزُوبٌ (لِزْب) 1) қаттиқ бўлмоқ, савлатли бўлмоқ; 2) (н. гадир) қапишган, ёпишган бўлмоқ (بـ); لَزِبَ (а) لَزَبٌ 1) боғланган, бирлаштирилган бўлмоқ; 2) ёқимли (кўркам) бўлмоқ

– لَازِبٌ 1) қаттиқ, савлатли; 2) қапишган, ёпишган; ~ ضَرْبَةٌ мутлақо зарур, керак бўлган, узвий; صَارَ ضَرْبَةَ ~ мутлақо зарур, керак бўлмоқ

– لِزْبٌ оз, аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган

– لَزْبَةٌ кўп. لِزَبٌ, ـاتٌ — бало, офат; ғам-алам

I لَزِجَ (а) لُزُوجٌ, لَزَجٌ (н. гадир) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, елимлик қилмоқ (بـ); V تَلَزَّجَ ёпишқоқ, елимли бўлмоқ

– لَزَاجَةٌ ёпишқоқлик, ёпишишлик

– لَزِجٌ ёпишқоқ, елимлик

– لُزُوجَةٌ ёпишқоқлик, елимлилик

I لَزِقَ (а) لُزُوقٌ (н. гадир) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, елимлик қилмоқ (بـ); II لَزَّقَ 1) ёпиштирмоқ, елимламоқ; ~ لَهُ жонли т. (н. нидир) бирор кимга (қўярда-қўймай) бермоқ, ўтказмоқ, қўлига тутқазмоқ; 2) (бирор н. ни) қўл учида қилмоқ; IV أَلْزَقَ елимламоқ; VI تَلَازَقَ бир-бирига елимламоқ, ёпиштирилмоқ; VIII الْتَزَقَ (бирор н. га) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ (بـ)

– لَازُوقٌ ҳўл латта (бинт); пластир

– لِزَاقٌ ёпиштирадиган модда (мас. цемент каби)

– لَزِقٌ ёпишқоқ, елимсимон

– لِزْقٌ қўшни, ёнма-ён, туташ; بَيْتِي ~ بَيْتِهِ менинг уйим унинг уйига туташ

– لَزْقَةٌ кўп. لُزَقٌ ҳўл латта (бинт), пластир; ~ خَرْدَلٍ горчичник, хандал

– لَازُوقٌ = لَزُوقٌ

– لَزِيقٌ :ـي ёнгинамда

I لَزِمَ (а) لُزُومٌ 1) лозим (керак, зарур) бўлмоқ; يَلْزَمُهُ هٰذَا الشَّيْءُ бу нарса унга керак; 2) керак (лозим) бўлмоқ; كَمَا يَلْزَمُ лозим бўлганидай; 3) ажралмаслик, ажралмаган бўлмоқ; 4) (н. дандир) мантиқан келиб чиқмоқ (عَنْ); ~ الْأَدَبَ одоб сақламоқ; ~ بَيْتَهُ ёки ~ دَارَهُ уйда қолмоқ (ўтирмоқ); ~ حَدَّهُ (حُدُودَهُ) (одоб) доирасидан чиқмаслик; ~ الصَّمْتَ жимлик (сукут) сақламоқ; ~ـهُ الْفِرَاشَ кўрпада ётмоқ (бемор ҳақида); II لَزَّمَ 1) ижарага бермоқ; 2) пудратга бермоқ; 3) гаровга бермоқ; III لَازَمَ 1) (к. дандир) ажралмас бўлмоқ, доимо (к. нингдир) ёнида бўлмоқ, (к. гадир) доимо эргашмоқ, эргашиб юрмоқ, (к. нингдир) ёнида доимо юрмоқ; ~ـهُ مُلَازَمَةَ الظِّلِّ لِصَاحِبِهِ кимгадир соядай эргашиб юрмоқ; 2) (н. гадир) хос бўлмоқ (لـ); 3) (н. гадир) риоя (амал) қилмоқ; ~ الصَّبْرَ сабр қилмоқ, чидамоқ; ~ الصَّمْتَ сукут сақламоқ; IV أَلْزَمَ (н. нидир) мажбурият қилиб юкламоқ; вазифа қилиб бермоқ (بـ) (н. учундир) масъул қилмоқ (بـ); (н. гадир) мажбур қилмоқ (بـ); ~ـهُ الْفِرَاشَ кимнидир кўрпага михлаб қўймоқ (касаллик ҳақида); VI تَلَازَمَ ўзаро жипс боғланган бўлмоқ, бирбиридан ажралмас бўлмоқ; VIII الْتَزَمَ 1) бирор нарсани ўзи учун мажбурий деб ҳисобламоқ; (бирор н. га) риоя қилмоқ; амал қилмоқ; ~ سِيَاسَةَ الْحِيَادِ қўшилмаслик сиёсатига

эмал қилмоқ; أَمَاكِنَهُم ~ ўз жойларида қолмоқ; 2) (бирор фикрга) қўшилмоқ; 3) амал (риоя) қилмоқ; الأَدَبَ ~ одоб қоидаларига риоя қилмоқ; الاحْتِرَاسَ ~ эҳтиёткор булмоқ; الْكِتْمَانَ ~ сир сақламоқ; 4) (бирор ишни) ўз зиммасига олмоқ; (ўз устига) мажбурият (пудрат) олмоқ; концессия (давлат билан бирор ишни бажариш ҳақида шартномани бажаришни) олмоқ; X اسْتَلْزَمَ 1) лозим деб ҳисобламоқ, талаб қилмоқ; (бирор н. нинг) заруратини келтириб чиқармоқ

– اِلْتِزَامٌ кўп. ـَاتٌ 1) зарурат; бурч; 2) масъулият; 3) мажбурият, контракт, концессия

– إِلْزَامٌ мажбурият қилиб юклаш; мажбур қилиш

– إِلْزَامِيٌّ 1) мажбурий; الـ~ التَّعْلِيمُ мажбурий таълим; 2) мажбур қилинган

– إِلْزَامِيَّةٌ мажбурийлик

– تَلْزِيمٌ 1) киракашликка, ижарага бериш; 2) пудратга бериш; 3) гаровга бериш

– لاَزِمٌ 1. 1) лозим бўлган, керакли, зарур; غَيْرُ ~ лозим (керак) бўлмаган, ортиқча; ...قَدْ أَصْبَحَ مِنَ الـ~ اللاَّزِبِ أَنْ (фалон н. ни) қилиш жуда зарур бўлиб қолди; كَالـ~ лозим бўлганидай; 2) грам. ўтимсиз (феъл); 2. халқ. афтидан, кўринишича; билишимча; حَضْرَتُكَ ~ تَعْرِفُهُ сиз, афтидан, уни биласиз шекилли

– لاَزِمَةٌ кўп. لَوَازِمُ 1) лозим нарсалар, воситалар; таркибий қисм; 2) (машина) қисми, детали; 3) (оғзаки нутқ ичида келадиган) ортиқча (паразит, гапга алоқаси йўқ) сўз; 4) муз. нақорат

– لِزَامٌ 1. зарурий, керакли; 2. зарурат

– لِزْمَةٌ кўп. لِزَمَاتٌ музд, бадал

– لُزُومٌ зарурат, эҳтиёж, талаб; عِنْدَ الـ~ лозим бўлиб қолган; حَسَبَ الـ~ заруратга қараб

– لَوَازِمَاتٌ кўп. 1) барча зарур, лозим нарсалар, (бирор н. учун) лозим бўлган нарсалар; асбоб-қуроллар; الـ~ الْمَكْتَبِيَّةُ идора (канцелярия) ашёлари; 2) вазифалар

– مُلاَزِمٌ[1] 1) зарур, зарурий, лозим бўлган; мустаҳкам алоқадаги, узвий; 2) (н. гадир) хос бўлган (لـ); 3) ажралмас, ажралмайдиган, кетмайдиган; الْفِرَاشِ ~ кўрпадан туролмайдиган (бемор ҳақида)

– مُلاَزِمٌ[2] кичик офицер (зобит); лейтенант; أَوَّلُ ~ катта лейтенант; ثَانٍ ~ кичик лейтенант

– مُلاَزَمَةٌ 1) чекинмаслик, бўлинмаслик; 2) ажралмаслик, хослик; 3) доимий эргашиш; бирга юриш; 4) саботлилик; ғайрат

– مُلْتَزَمٌ 1) мажбур бўлган; 2) (бирор н. учун) масъул бўлган

– مُلْتَزِمٌ 1) концессионер; 2) аҳолидан солиқ ундириб олиш ҳуқуқини сотиб олган одам

– مِلْزَمٌ, مِلْزَمَةٌ кўп. مَلاَزِمُ тех. исканжа, тахтакач

– مَلْزَمَةٌ кўп. مَلاَزِمُ чиқарилиш (босилаётган асарнинг қисми)

– مَلْزُومٌ 1) мажбур бўлган; 2) (бирор н. учун) масъул бўлган

– مَلْزُومِيَّةٌ 1) вазифа; 2) масъулият

لِسَّا (لِلسَّاعَة сўзи қисқартмаси) халқ. ҳали, ҳалигача, ҳозиргача, ҳозирча ...мади

لَسْتِكٌ, لَسْتِيكٌ каучук, резинка

I لَسَعَ (а) لَسْعٌ 1) чақмоқ, тишламоқ; ~ـهُ بِلِسَانِهِ кимгадир аччиқ гапирмоқ, кимнидир ўйиб олмоқ; ~ـهُ عَلْقَةً кимнидир адабини бермоқ; ~ ظَهْرَ الْحِصَانِ بِسَوْطِهِ у отни қамчи билан савалади; 2) аччиқ, аччиқ гапирмоқ, ўйиб-ўйиб олмоқ

– لاَسِعٌ 1) чақувчи, чақадиган; 2) ўткир, аччиқ

– لَسْعَةٌ кўп. لَسَعَاتٌ чақиш

– لَسِيعٌ чақилган; қопилган

– لَسِيعٌ = مَلْسُوعٌ

I لَسِقَ (а) لُسُوقٌ = لَصِقَ (а) لُصُوقٌ; IV أَلْسَقَ = أَلْصَقَ; VIII الْتَسَقَ = الْتَصَقَ

– لِسْقٌ = لِصْقٌ

– لَسِيقٌ = لَصِيقٌ

I لَسَمَ (у) لَسْمٌ, لَسَامٌ татиб кўрмоқ, мазасини татиб кўрмоқ

I لَسَنَ (لَسْنٌ) (у) لَسْنٌ 1) ғийбат, фисқ-фасод қилмоқ, сўкмоқ; 2) (к. нидир) ғийбат қилмоқ; لَسِنَ (а) لَسَنٌ нотиқлик билан ажралиб турмоқ; чиройли гапирадиган бўлмоқ; II لَسَّنَ 1) ўткир гап қилмоқ; 2) (к. нидир) устидан кулмоқ (عَلَى); III لاَسَنَ гап отишмоқ, сўкишмоқ, гап талашмоқ

– أَلْسَنُ мн. لُسْنٌ кўп. لُسَنَاءُ чиройли гапирувчи, нотиқ

– أَلْسُنِيٌّ тилшунос, лингвист

– أَلْسُنِيَّةٌ тилшунослик, лингвистика الـ~ السَّامِيَّةُ الْمُقَارَنَةُ қиёсий сомий тилшунослиги

– تَلَسُّنَاتٌ кўп. қўлтиқлар, бухталар (денгизда)

– لِسَانٌ мз. мн. (баъзан) кўп. أَلْسُنٌ, أَلْسِنَةٌ, لُسُنٌ тил; الـ~ الْعَرَبِيُّ الْفَصِيحُ араб адабий тили; عَلَى أَلْسِنَةِ النَّاسِ (جَرَى) дар ёки أَصْبَحَ хамманинг оғзига тушиб кетмоқ; هٰذَا السُّؤَالُ هُوَ عَلَى كُلِّ ~ وَشَفَةٍ ахир бу савол хамманинг тили учида турибди; أَخَذَ (سَمِعَ) عَنْ أَلْسِنَتِهِمْ бевосита уларнинг ўз оғзидан эшитмоқ; بِالـ~ оғзаки; ضَرَبَ بِالـ~ жаврайвермоқ; طَوِيلُ الـ~ тили узун; الأَلْسِنَةُ الطَّوِيلَةُ ғийбатчилар; مَعْقُودُ الـ~ тили тутилиб қолган, тили айланмайдиган, тили гапга келмайдиган; مُنْطَلِقُ الـ~ сергап, вайсақи; طَلِقُ الـ~ чиройли гапирувчи, сўзга уста; طَلاَقَةُ الـ~ сўзга усталик, нотиқлик; الْحَالِ ~ расмий матбуот органи; الْحِزْبِ ~ партиянинг (матбуот) органи; مُتَحَدِّثٌ (نَاطِقٌ, مُتَكَلِّمٌ) بِـ~ وِزَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазирлиги номидан гапирувчи,

ташқи ишлар вазирлигининг вакили; عَلَى ~ الْقَوْم вакил, делегат; ~ ـــه унинг номидан; ... إِنْ يَقُولُ حَالَه ~ ҳаммаси кўрсатиб турибдики, ...; ذُو ~ ـــيْن а) зуллисонайн, икки тилли; б) икки юзлама, тили иккита; الْأَرْضِ ~ бурун (*денгизда*); الْبَحْرِ ~ қўлтиқ (*денгизда*); الْقُفْلِ ~ қулф сурмаси, лўкидони; الْمِفْتَاحِ ~ калит тили; الْمِيزَانِ ~ тарози тили; أَلْسِنَةُ النَّارِ алангининг тиллари; ~ الْحَمَلِ قِسْقِچ ва унинг тиллари ораси (ёриги); ~ الْحَمَلِ *бот.* баргизуб, зубтурум; الْحَمَلِ الْكَبِيرُ ~ *бот.* катта баргизуб; ~ الْعَصَافِيرِ *бот.* ёввойи шумтол; الْكَلْبِ ~ *бот.* итузум

– لِسَانِيٌّ лисоний, тилга оид; الصِّنَاعَةُ الـ~ـة нутқ сўзлаш, нотиқлик санъати

– لَسَنٌ чиройли гапириш, нотиқлик

– أَلْسَنُ = لَسِنٌ

– لُسْنِيٌّ 1. тилларга оид; лингвистик; 2. тилшунос, лингвист

– لُسْنِيَّةٌ *шунингдек:* عِلْمُ الـ~ тилшунослик, лингвистика

– مُلَاسَنَةٌ даҳанаки жанг, сўкишиш; دَخَلَ فِي ~ жанжалга аралашмоқ, киришмоқ

لَسَعَ савалашмоқ, урмоқ

لِشْمَانْيَا: الْجِلْدُ ~ *мед.* лешманиоз

(لشى) III لَاشَى йўқ қилмоқ, қириб ташламоқ; VI تَلَاشَى ҳалок бўлмоқ, йўқ бўлмоқ, ўз ҳаётини тугатмоқ; йўқ ҳолга келмоқ; тинмоқ, тинчимоқ (*овоз, товуш ҳақида*)

– تَلَاشٍ ҳалокат, йўқ бўлиш, битирилиш; (*овоз, товуш ҳақида*)

– مُلَاشَاةٌ йўқ бўлиш, йўқ қилиш, йўқ қилиниш

لَصَّ I (а/у) لَصٌّ 1) ўғирламоқ, ўғирлик қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) яширинча бермоқ; II لَصَّصَ (*иморатни*) маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ; V تَلَصَّصَ 1) ўғри бўлмоқ, ўғрилик билан шуғулланмоқ; 2) (*қаергадир*) яширинча кирмоқ, бормоқ (إِلَى); 3) кузатиб юрмоқ, жосуслик қилмоқ

– لِصٌّ، لَصٌّ، لُصٌّ *кўп* لُصُوصٌ ўғри, қароқчи; الْبَحْرِ ~ денгиз қароқчиси

– لُصُوصِيَّةٌ 1) ўғрига ўхшашлик; яширинчалик; 2) ўғрилик, қароқчилик, ўғрилик қилиш

– مُتَلَصِّصٌ яширинча, ўғрликча кираётган; ... دَخَلَ ~ـا إِلَى қаергадир яширинча кирмоқ

– مَلَصٌّ: أَرْضٌ ~ـة ўғрилар кўп учрайдиган жой

لَصَفَ I (у) لُصُوفٌ 1. ёришмоқ, нур чиқармоқ; 2. *мин.* турли рангда товланмоқ (*минерал тош ҳақида*)

– لَصْفٌ нурланиш, флюоресценция

– مِلْصَافٌ флюороскоп (*нурланишни ўлчайдиган асбоб*)

لَصِقَ I (а) لُصُوقٌ (*бирор н. га*) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ (بِ); II لَصَّقَ (*бирор н га*) ёпиштирмоқ, бирлаштирмоқ (إِلَى); III لَاصَقَ 1) қўшни, бир-бирига ёнма-ён бўлмоқ; 2) бир-бирига жипслашмоқ; 3) етиб бормоқ, қувиб етмоқ; 4) (*аёл кишига*) ҳиралик, елимлик қилмоқ; IV أَلْصَقَ 1) елимламоқ, ёпиштирмоқ; 2) (*к. гадир*) елимламоқ, ёпиштирмоқ; (بِ); بِهِ عَمْدًا وَقَصْدًا ~ кимгадир атайлаб (*н. нидир*) ёпиштирмоқ; 3) (*к. гадир*) зўрлаб юкламоқ (بِ); IV تَلَاصَقَ қўшни, ёнма-ён бўлмоқ; бир-бирига жипс бўлмоқ; VIII الْتَصَقَ 1) (*н. дир*) ёпишиб қолмоқ, елимланмоқ, ёпишмоқ (بِ); 2) (*бирор н. га*) қапишмоқ, суянмоқ – بِ; 3) (*к. гадир. н. гадир*) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ (بِ); (*н. биландир*) боғланмоқ, муносабатда бўлмоқ (بِ); 4) (*к. биландир*) муомалада бўлмоқ, гаплашмоқ (بِ)

– الْتِصَاقٌ 1) ёпишиш, бирлашиш, қапишиш; 2) муомала-муносабатда бўлиш

– تَلَاصُقٌ бир-бири билан жипс ёпишиб туриш; жипс ёпишган бўлиш; وَازْدِحَامٌ ~ тиқилинчлик, ур-йиқит

– لَاصِقٌ 1. 1) ёпишадиган, жипс ёпишиб турадиган; الشَّرِيطُ الـ~ лейкопластирь; 2) агглютинация бўлувчи; اللُّغَاتُ الـ~ـة *лингв.* агглютинатив тиллар (*сўзлари агглютинация йўли билан ясалувчи ва ўзгарувчи тиллар*); 2. *мед.* тампон, хўллаб яра устига қўйиладиган пахта

– لَاصِقَةٌ *кўп.* لَوَاصِقُ *лингв.* аффикс, қўшимча

– لَصْقٌ ёпишқоқ

– لِصْقٌ 1) қўшни бўлган, яқин турган; زَحْزَحَ شَيْئًا ~ـهُ бирор нарсани бошқа бирор нарсага жипс қилиб сурмоқ, жойлаштирмоқ; بِـ~ـه *ёки* ~ـهُ бирор ким ёки нимага жипс ҳолда, яқин ҳолда; لَبَدَ ~ـهُ кимгадир яқин, ёпишиб ўтирмоқ; 2) ажралмас

– لَصْقَةٌ *кўп.* لَصَقٌ ярага босадиган пахта, бинт; пластир

– لَصُوقٌ 1. (*бирор н. га*) ёпишган, ёпишиб қолган (بِ); 2. ярага босадиган пахта, бинт; пластир

– لَصِيقٌ 1) жипс ёпишиб турган; 2) яқин, энг яқин; جَارٌ ~ энг яқин қўшни; 3) (*бирор н. билан*) қаттиқ боғланган (بِ)

– مُتَلَاصِقٌ бир-бирига жипс турган

– مُلَاصِقٌ ёнма-ён қўшни турган

– مُلَاصَقَةٌ 1) қўшнилик, ёнма-ёнлик, туташганлик; 2) *физ.* ўзаро тортишиш

– مُلْصَقٌ елимланган, ёпиштирилган

– مُلْصَقَاتٌ эълонлар, афишалар, плакатлар, расмлар

لَصْلَصَ қимирлатмоқ, тебратмоқ

– لَصْلَصَةٌ қимирлатиш, тебратиш

(لصم) II لَصَّمَ 1) қўл учида тузатмоқ, тўғриламоқ; 2) қўл учида, наридан-бери қилмоқ

(لضم) II لَضَّمَ I 1) (*мунчоқ доналарини*) ипга ўтказмоқ, тизмоқ; السُّبْحَةَ ~ тасбеҳ доналарини ипга ўтказмоқ; 2) игни ўтказмоқ; ~

الإبْرَةَ нинага ип ўтказмоқ

– مَلْضُومٌ 1) ўтказилган (*мунчоқ доналари ҳақида*); 2) ўтказилган (*нинага ўтказилган ип ҳақида*)

I (لطّ) لَطَّ (а/у) (*калтак билан*) урмоқ, саваламоқ, калтакламоқ

– لَطٌّ уриш, калтаклаш, савалаш; ~الـ وَ الشَّطُّ لِلشَّطِّ دَائِمًا هُوَ калтак доимо унинг бошида синади

– مِلْطَاطٌ *кўп.* مَلَاطِيطُ кўл тегирмон

I لَطَثَ (у) لَطْثٌ тарсаки солмоқ

I لَطَخَ (а) لَطْخٌ ифлос қилмоқ, кир (доғ) қилмоқ; ~ بِالصَّابُونِ совунламоқ; II لَطَّخَ қаттиқ ифлос (кир) қилмоқ, сачратмоқ (*мас. қонни – ب*); ~ سُمْعَتَهُ бирор киши обрўсига доғ туширмоқ; V تَلَطَّخَ ифлос (кир, доғ) бўлмоқ; ~ بِالْعَارِ إِلَى الأَبَدِ ўзини абадий шарманда қилмоқ

– لَطْخٌ *кўп.* لُطُوخَةٌ 1. аҳмоқ, нодон, беақл; 2. анқов, содда

– لَطْخَةٌ *кўп.* لُطَخٌ 1) доғ; 2) сиёҳ доғи, қора доғ

– لَطِيخٌ, لُطْخَةٌ 1) тентак, нодон, аҳмоқ; 2. тантивой

I لَطَسَ (у) لَطْسٌ урмоқ, тарсаки (шапалоқ) солмоқ

– مِلْطَاسٌ *кўп.* مَلَاطِيسُ тош майдалайдиган болға, тўқмоқ

I لَطَشَ (у) لَطْشٌ 1) урмоқ, тарсаки (шапалоқ) ламоқ, тарсаки (шапалоқ) солмоқ; 2) ўғирлаб кетмоқ, ўғирламоқ; ~ الْكُتُبَ (*кутубхона*) китобларини ўқиб бўлмоқ, ўқиб чиқмоқ; II لَطَّشَ 1) дўппосламоқ, қулоқдан чўзмоқ; 2) юзаки билмоқ

– لَطَّاشَةٌ *кўп.* ـاتٌ (*шунингдек:* ~ الذُّبَابِ) пашшаурғич

– لَطْشَةٌ *кўп.* لَطَشَاتٌ шапати, тарсаки, шапалоқлаш; ~ الشَّمْسِ офтоб уриш

– مِلْطَشٌ *кўп.* مَلَاطِشُ буфер, лаппак (*автомобиль, вагон ва ш.к. ларда урилиш зарбини камайтирувчи мослама*)

I (لطع) لَطَعَ (а) لَطْعٌ 1) шапатиламоқ, урмоқ, калтакламоқ; 2) ўчириб ташламоқ; 3) ўпмоқ; لَطِعَ (а) لَطْعٌ яламоқ, ялаб тозаламоқ

الضَّابِطَ عَلَى الْعَسْكَرِيِّ зобит (офицер) ни оддий солдатликка тушириб қўймоқ; 5) *дин.* (*бирор н.*) нозил қилмоқ; ◊ ~ بِهِ الْخَسَارَةَ кимгадир зарар келтирмоқ; ... ~ ضَرْبَةً قَاصِمَةً فِي ...га қақшатқич зарба бермоқ; ~ بِهِ عِقَابًا кимгадир жазо бермоқ; V تَنَزَّلَ (*н. дадир*) ён бермоқ, тан бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; (*н. дандир*) қайтмоқ, орқага қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); 2) секин-аста пастламоқ, пастга тушмоқ; *кўч.м.* (...*гача*) пастламоқ, тушмоқ (إِلَى); VI تَنَازَلَ 1) (*н. билан*дир) марҳамат қилмоқ, илтифот қилмоқ (بِ); (*н. гадир*) ён бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; тан бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; (*н. дандир*) қайтмоқ, орқага қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الْعَرْشِ тахтдан воз кечмоқ; 2) курашмоқ, жанг олиб бормоқ; ◊ فَتَنَازَلْ بِالْبَحْثِ! марҳамат қилиб қидиринг!; X اِسْتَنْزَلَ 1) тушишни илтимос қилмоқ (сўрамоқ); ~ اللَّعَنَاتِ лаънат ёғдирмоқ, қарғамоқ; ~ الْأَرْوَاحَ руҳларни чорламоқ; 2) (*н. нидир*) юқоридан ташламоқ, туширмоқ; 3) (*н. нидир*) юқоридан, тепадан олмоқ; 4) *мат.* айирмоқ, олмоқ; 5) اِسْتَنْزَلَ мансаби ёки унвони пастлатилмоқ

– إِنْزَالٌ 1) тушириш; *ҳарб.* (*қўшин*) тушириш; десант; 2) жойлаштириш; жой бериш; 3) *дин.* нозил қилиш

– تَنَازُلٌ (*н. дандир*) қайтиш, чекиниш (عَنْ); ён бериш, тан бериш, кўниш, рози бўлиш; ўтказиш; 3) марҳамат қилиш, илтифот; 4) кураш, жанг

– تَنَازُلِيٌّ аста-секин пастловчи; ~ ضَرِيبَةٌ ـَةٌ муносиб равишда пасайиб борувчи солиқ

– تَنْزِيلٌ 1) тушириш, пастлатиш; 2) тушириш, пастлатиш; ~ الْأَثْمَانِ нархларни тушириш; ~ الْمَقَامِ мансаб ёки унвонни пастлатиш; 3) чегириш, айириб қолиш; 4) *мат.* айирув, олув; 5) нақш бериш, зеб бериш; 6) *дин.* нозил қилиш, нозил қилинган нарса; الـ~ الْعَزِيزُ Қуръони Карим

– مُتَنَازَلٌ узатилган, тан берилган, ён босилган; ~ إِلَيْهِ (*н. дир*) узатилган киши; ваколатли шахс, ишончли одам

– مُتَنَازِلٌ 1) (*н. дандир*) қайтувчи (عَنْ), (*н. нидир*) рад этувчи (عَنْ); 2) ён босувчи, тан берувчи, кўринувчи, рози бўлувчи; 3) ишонч билдирган шахс

– مُنْزَلٌ *дин.* нозил бўлган,нозил қилинган; الْكَلَامُ الـ~ ёки الْكِتَابُ الـ~ Қуръони Карим; الْكُتُبُ الـ~ـَةُ нозил бўлган муқаддас китоблар

– مَنْزِلٌ *кўп.* مَنَازِلُ 1) турар жой; квартира; хонадон; уй; صَاحِبُ الـ~ уй соҳиби (эгаси); أَهْلُ الـ~ оила; عِلْمُ تَدْبِيرِ الـ~ уй ишларини юритиш билимлари; 2) *астр.* ойнинг ҳолати; 3) ҳайвон ва қушлар сув ичадиган жой

– مَنْزِلَةٌ *кўп.* مَنَازِلُ 1) даража, унвон; 2) (*ижтимоий*) ҳолат; обрў, ҳурмат, эътибор

– مَنْزِلِيٌّ уйга оид; التَّدْبِيرُ الـ~ уй хўжалиги

– مَنْزُولٌ *кўп.* مَنَازِيلُ 1) наркотик модда (*афюннинг бошқа наркотик моддалар билан қоришмаси*); 2) фоҳишахона, исловатхона (*Ироқда*)

– مَنْزُولِيٌّ наркотик модда истеъмол қилувчи, гиёҳванд

– نَازِلٌ *кўп.* نُزَّالٌ 1) (*қаердандир*) тушувчи, тушиб келувчи; 2) турар жойни ижарага олувчи; ҳамхона

– نَازِلَةٌ *кўп.* نَوَازِلُ фалокат, бало, офат; ~ نَزَلَتْ بِهَا унинг бошига фалокат тушди; الـ~ الْمَالِيَّةُ молиявий кризис

– نَزَالِ пастга тушинг!

– نِزَالٌ жанг, кураш, олишув

– نَزَالَةٌ бадарға, сургун; колония; эммигрантлар, чет элдан келиб яшовчилар

– نَزَلٌ *кўп.* أَنْزَالٌ саховат, яхшилик, фазилат; رَجُلٌ كَثِيرُ الـ~ қўли очиқ одам

– نُزُلٌ[1], نُزْلٌ *кўп.* أَنْزَالٌ меҳмонхона, карвонсарой, қовоқхона

– نُزُلٌ[2] (*н. нингдир*) энг олди, энг яхшиси

– نُزُلٌ *кўп.* أَنْزَالٌ 1) меҳмон учун ҳозирланган зиёфат; 2) озиқ-овқат

– نَزْلَةٌ *кўп.* نَزَلَاتٌ 1) тушиш, пастлашиш; келиш, етиб келиш; ~ الْحَجِّ *дин.* Маккаи мукаррамадан маҳмалнинг (*қар.* مَحْمَلٌ[1]) Қоҳирага етиб келишига бағишланган тантанали маросим; 2) пастлик, қиялик, нишаб; لِكُلِّ طَلْعَةٍ وَ ~ لَهَا *мқл.* ҳар бир тепаликнинг пастлиги ҳам бўлади (ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғдир); 3) шамоллаш; яллиғланиш, катар; الـ~ الْبَرْدُ тумов; الـ~ الْوَافِدَةُ грипп; الـ~ الصَّدْرِيَّةُ бронхит; الـ~ الشُّعَبِيَّةُ ёки الْمَعِدِيَّةُ ошқозон яллиғланиши, гастрит; 4) марта, бор, сафар, гал; ~ أُخْرَى бошқа гал, нариги сафарда

– نُزْلَةٌ зиёфат, меҳмоннавозлик

– نُزُولٌ 1) чиқиш, келиш, тушиш; ~ عِنْدَ (عَلَى) رَغْبَتِهِ унинг хоҳишига қараб; فَعَلَ هَذَا ~ عَلَى مَشِيئَتِهِ у бу ишни унинг раъйига қараб қилди; ~ الْأَمْطَارِ ёмғир ёғиши, ёғингарчилик; 2) (*самолётнинг*) қўниши, келиши; ~ إِجْبَارِيٌّ (اِضْطِرَارِيٌّ) ноиложликдан қўниш; 3) (*нархнинг*) тушиши); مُضَارِبٌ عَلَى الـ~ чайқовчи, олибсотар; 4) яшаш, турар жойда яшаш; أُجْرَةُ الـ~ яшаш учун тўланадиган тўлов, квартира ҳақи; 5) шамоллаш, яллиғланиш; نَزَلَ عَلَيْهِ الـ~ унинг мазаси қочиб қолди

– نُزُولِيٌّ = مُضَارِبٌ عَلَى النُّزُولِ *қар.* نُزُولٌ

– نَزِيلٌ *кўп.* نُزَلَاءُ 1) меҳмон; 2) ҳамхона, яшовчи; Мисрда яшовчи; ~ الْمُسْتَشْفَى касалхонада даволанувчи бемор

نَزْنَزَ гўдак болани қўлда аллаламоқ (*она ҳақида*); парвариш қилмоқ, тарбияламоқ

– نَزْنَزَةٌ тарбиялаш, парваришлаб вояга етказиш

نَزُهَ I (у) نَزِهَ (а) نَزَاهَةٌ 1) (*ҳаво, иқлим ёки бирор жой*) тоза бўлмоқ, мусаффо бўлмоқ; 2) софдил (тўғри, ҳалол) бўлмоқ; бенуқсон (тўкис, бежирим) бўлмоқ, алоқаси (иштироки) йўқ бўлмоқ; порага учмайдиган бўлмоқ, сотилмайдиган бўлмоқ; 3) (*ёмон н. лардан*) узоқ (холи) бўлмоқ, пок бўлмоқ (عَنْ); نَزِهَتِ الْأَرْضُ ер ўт-ўланлар

билан безанди; II نَزَّهَ 1) тозаламоқ, мусаффо қилмоқ, тузатмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқлаштирмоқ, озод (холи) қилмоқ, диққатини бошқа ёққа бурмоқ (عَنْ); الْوَلَدَ عَنِ الْمَدْرَسَةِ ~ болани мактабга бермай қўймоқ, болани мактабда ўқитмай қўймоқ; 3) сайр қилдирмоқ, ўйнатиб келмоқ; кўнглини очмоқ, хурсанд қилмоқ; 4) мавҳумлаштирмоқ; V تَنَزَّهَ 1) сайр қилмоқ, ўйнаб келмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқда бўлмоқ, узоқлашмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) ўзини тиймоқ (عَنْ); (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) қайтмоқ (عَنْ); 3) кўнгилхушлик қилмоқ, хурсандчилик қилмоқ; 4) мавҳумлашмоқ

— تَنْزِيهٌ 1) (*барча ёмон н. лардан*) узоқлаштириш; 2) тозалаш, озода қилиш; 3) сайр қилдириш, хурсанд қилиш, кўнглини очиш; 4) мавҳумлаштириш

— تَنَزُّهٌ *кўп.* ـاتٌ — сайр қилиш, ўйнаб келиш; дилхушлик қилиш

— مُتَنَزَّهٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) бирор ўйин ўйнаш учун ажратилган майдонча; сайр қиладиган жой; 2) шоҳ кўча, проспект; 3) истироҳат боғи, парк

— مُتَنَزِّهٌ сайр қилувчи, ўйнаб юрувчи

— مُتَنَزَّهٌ *кўп.* ـاتٌ — бирор ўйин ўйнаш учун ажратилган майдонча; сайргоҳ, сайлгоҳ; боғ, парк

— مَنْزَهٌ сайргоҳ, сайлгоҳ; боғ, парк

— مُنَزَّهٌ 1) мусаффоланган, тозаланган, тоза; 2) (*н. дандир*) холи (مِنْ,عَنْ); عَنِ الْخَطَأِ ~ гунохдан пок

— نَزَاهَةٌ ҳимматлилик, саховатлилик, поклик, виждонлилик, порага учмаслик, сотилмаслик; бетарафлик, холислик, беғаразлик; فِي ~ виждонан

— نَزَاهَةٌ = نَزَهٌ

— نَزِهٌ *кўп.* نَزِهُونَ ҳимматли, саховатли; пок, виждонли, порага учмайдиган, сотилмайдиган; бетараф, холис, беғараз

— نُزْهَةٌ *кўп.* نُزَهٌ 1) сайр, сайл, саёҳат, экскурсия; дилхушлик, хурсандчилик; الـ~ مَوَاضِعُ (أَمَاكِنُ) кўнгилхушлик (дилхушлик) қиладиган жойлар; 2) қувонч, севинч, шодлик; 3) узоқдалик; هُوَ بِـ~ عَنْ كُلِّ مَا قِيلَ بِحَقِّهِ у ўзига нисбатан айтилган нарсаларнинг барчасидан узоқдадир

— نُزْهِيٌّ *кўп.* نُزْهِيَّةٌ 1) ўз роҳатинигина кўзлаб яшовчи; 2) исрофгар, исрофчи

— نَزِيهٌ[1] *кўп.* نُزَهَاءُ = نَزِهٌ

— نَزِيهٌ[2] холи,ҳеч ким мавжуд бўлмаган; مَكَانٌ ~ холи жой

I (نزو) نَزَا (*у*) نَزْوٌ, نُزُوٌّ, نَزَوَانٌ 1) сакрамоқ, ирғимоқ; 2) (*урғочи ҳайвонни*) қочирмоқ (عَلَى); الْفَحْلُ ~ айғир сакради (ирғиди, чопди), қочирди; 3) (*к. нидир*) қизиқтирмоқ (بِ); بِهِ قَلْبُهُ ~ (*к. ғадир томон*) интилмоқ (إِلَى); 4) (*к. дандир, н дандир*) ҳочмоқ, қочиб қутилмоқ, жўнаб қолмоқ (إِلَى); IV أَنْزَى қочирмоқ, чотирмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); V تَنَزَّى 1) ўйноқламоқ, сакраб кетмоқ, безангламоқ; 2) урмоқ, тепмоқ (*юрак ҳақида*); кўтарилмоқ (*кўкрак ҳақида*)

— نِزَاءٌ (*урғочи ҳайвонни*) қочириш

— نَزْوٌ (*урғочи ҳайвонни*) қочириш; 2) урғочи ҳайвонларнинг куйикиш даври

— نَزَوَانٌ 1) сакраш, чопиш; ирғиш, сапчиш; 2) шиддат, тутақиш, ўртаниш

— نَزْوَةٌ *кўп.* نَزَوَاتٌ 1) ирғиш, сапчиш; 2) шиддат, тутақиш, ўртаниш; 3) инжиқлик, қайсарлик; фантазия, тантиқлик, ғалатилик

— نَازِيٌّ 1) национал-социалистик; شَارَةٌ ~ـةٌ учлари қайрилган салб, свастика, фашистлар рамзи; 2) национал-социалист, нацист

— نَازِيَّةٌ: الـ~ нацизм

I نَسَأَ (*а*) نَسْءٌ 1) орқага сурмоқ, кейинга қолдирмоқ, муддатни чўзмоқ (узайтирмоқ); 2) қарзга (насияга) мол сотмоқ IV أَنْسَأَ насияга (кредитга) мол сотмоқ

— مِنْسَأَةٌ ҳасса, асо, чўпонлар калтаги

— نَسَاءٌ 1) узоқ умр кўришлик, узоқ яшашлик; 2) = نَسِيئَةٌ

— نِسَاءٌ аёллар, хотин-қизлар (*қар.* نسو)

— نَسْأَةٌ 1) муддатни чўзиш, узайтириш; 2) насия, кредит

— نَسِيئَةٌ 1) муддатни чўзиш, узайтириш; 2) насия, кредит; الْبَيْعُ بِالـ~ насияга, кредитга мол сотиш; қарзга, насияга

I نَسَبَ (*и*) نَسَبٌ 1) келиб чиқишини, насл-насабини (*н. ғадир*) мансуб деб ҳисобламоқ (إِلَى); 2) (*н. ғадир*) мансуб ҳисобламоқ (إِلَى); (*н. биландир*) боғлиқ деб билмоқ (إِلَى); 3) (*аёлларни*) куйламоқ, шеър билан мақтамоқ (بِ); III نَاسَبَ 1) бир хил уруғдан (бир хил авлоддан) келиб чиқмоқ; 2) муносиб бўлмоқ, мос (мувофиқ) келмоқ; 3) (*никоҳ йўли билан*) чатишиб кетмоқ, қариндош бўлиб кетмоқ; VI تَنَاسَبَ 1) қариндош бўлмоқ, жигар бўлмоқ; 2) ўзаро мос (мувофиқ) келмоқ; 3) симметрик бўлмоқ, пропорционал (мутаносиб) бўлмоқ; VIII اِنْتَسَبَ 1) (*н. биландир*) ўхшаш бўлмоқ (إِلَى); 2) (*н. ғадир*) мансуб бўлмоқ (إِلَى); 3) (*н. биландир*) боғланмоқ, алоқада бўлмоқ (إِلَى); кирмоқ, қабул қилинмоқ (إِلَى); X اِسْتَنْسَبَ 1) насл-насабини аниқлаб беришни сўрамоқ; насл- насабини текшириб кўрмоқ; 2) мувофиқ, мос деб билмоқ; маъқулламоқ

— اِنْتِسَابٌ 1) қариндошлик; 2) (*н. биландир*) муносабат, (*н. ғадир*) мансублик, боғлиқлик; (إِلَى); 3) қўшилиш, кириш, аъзо бўлиш; طَلَبَ الـ~ فِي عُضْوِيَّةِ ... ...га қабул қилишларини сўраб ариза бермоқ

— أَنْسَبُ энг муносиб, энг мос, энг мувофиқ; بِـ~ الْأَسْعَارِ арзон нархда, кармон кўтарадиган нархда

— تَنَاسُبٌ 1) муносабат, қуда-андачилик, қуда-андачилик томонидан қариндошлик, қариндошлик, ўзаро алоқа; 2) ўзаро нисбат, мослик, мувофиқлик; ўхшашлик; عَدَمُ الـ~ номувофиқлик, номуносиблик; الْقُوَى ~ кучлар нисбати; 3) симметрия; бараварлик, баббараварлик; пропорционаллик, мутаносиблик; *мат.* пропорция; الـ~ الْبَسِيطُ оддий пропорция; الـ~ الْمُتَّصِلُ

доимий пропорция; ~ طَرَفَا الـ пропорциянинг чеккадаги хадлари; ~ وَسَطَا الـ пропорциянинг ўрта ҳадлари; الـ~ الطَّرْدِيُّ тўғри пропорционаллик; الـ~ الْعَكْسِيُّ тескари пропорционаллик

تَنَاسُبِيٌّ – пропорционал, пропорцияга оид

مُتَنَاسِبٌ – мутаносиб, симметрик, мос; пропорционал; ~ الْأَعْضَاءِ келишган, қомати келишган; غَيْرُ ~ нопропорционал; ~ طَرْدًا (عَكْسِيًّا) *мат.* тўғри (тескари) пропорционал

مُنَاسِبٌ – 1) муносиб, мос, мувофиқ; فِي الْوَقْتِ الْـ~ қулай вақтда; غَيْرُ ~ номувофиқ, мос келмаган, тўғри келмаган, тўғри келмайдиган; 2) *мат.* пропорционал; ~ طَرْدًا (عَكْسِيًّا) тўғри (тескари) пропорционал; 3) *мат.* пропорция; الْـ~ الْبَسِيطُ оддий пропорция; الْـ~ الْمُتَّصِلُ доимий пропорция; طَرَفَا الْـ~ пропорциянинг чеккадаги ҳадлари; الْوَسَطُ الْـ~ ўрта пропорционал; وَسَطَا الْـ~ пропорциянинг ўрта ҳадлари

مُنَاسَبَةٌ – 1) мослик, мувофиқлик; яроқлилик; 2) муносиблик; 3) қариндошлик, алоқа, муносабат; بِهَذِهِ الْـ~ бу билан боғлиқ ҳолда, шу муносабат билан; مِنْ غَيْرِ مَا ~ ҳеч бир сабабсиз, ҳеч бир баҳонасиз; بِالْـ~ *ёки* لِلْـ~ айтгандек, айтганча, айтмоқчи (*кириш сўз*); بِـ~ وَبِغَيْرِ ~ бирор баҳонада ва ҳеч бир баҳонасиз; اِسْتَغَلَّ هَذِهِ الْـ~ لِحِسَابِهِ бу имкониятни ўз фойдасига ишлатмоқ

مُنْتَسِبٌ – ~ طَالِبُ эркин тингловчи

مِنْسَابٌ – *кўп.* مَنَاسِيبُ пропорционал поргор (циркул)

مَنْسُوبٌ[1] – 1) (*н. гадир*) мансуб, тегишли, оид; الاِسْمُ الْـ~ *грам.* нисбий сифат; 2) насл-насаби машҳур; 3) аъло, жуда зўр

مَنْسُوبٌ – *кўп.* مَنَاسِيبُ сувнинг кўтарилиш даражаси; ~ الْبَحْرِ денгиз сатҳи

مَنْسُوبِيَّةٌ – қариндошлик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик, непотизм (*хизмат соҳасида ўз қариндош-уруғларига яхши шароитлар яратиб бериш*).

نَسَّابٌ، نَسَّابَةٌ – насл-насаб билан шуғулланувчи олим

نَسَّابَةٌ – қариндошлик

نَسَبٌ – *кўп.* أَنْسَابٌ 1) қариндошлик, насаб; شَجَرَةُ الْـ~ *ёки* سِلْسِلَةُ الْـ~ шажара, насл-насаб шажараси, генеалогия; دَعْوَى ~ الْوَلَدِ боланинг отаси бўлиш даъвоси; الْحَسَبُ وَالْـ~ аслзодалик, оқсуяклик; عَرِيقُ الْـ~ аслзода, оқсуяк; رَفَعَ ~هُ إِلَى ... ўзининг келиб чиқишини ...га тақамоқ; 2) алоқа, муносабат; ~ رِيَاضِيٌّ *мат.* логарифм; أَسَاسُ الْـ~ *мат.* логарифм асоси

نِسْبَةٌ – *кўп.* نِسَبٌ 1) алоқа, муносабат; (*никоҳ асосидаги*) қариндошлик, қуда-андачилик; келиб чиқиши; بِالْـ~ لِـ... *ёки* بِالْـ~ إِلَى ...га нисбатан, ...га қиёсан; 2) ўзаро нисбат, ўзаро муносабат, пропорция; ~ مِئَوِيَّةٌ процент ҳисоби; 3) меъёр, размер, сон, миқдор; ~ الْوَفَيَاتِ ўлим сони, ўлим миқдори; 4) *мат.* прогрессия; ~ حِسَابِيَّةٌ арифметик прогрессия; ~ هَنْدَسِيَّةٌ геометрик прогрессия; الْـ~ الرِّبَاضِيَّةُ учлик қоида (*берилган уч сондан тўртинчиси пропорционал сонни топиш усули*); حُدُودُ الْـ~ пропорция ҳадлари; ~ الْأَعْدَادِ логарифмлар; ◊ عِلْمُ ~ اسْمُ الْـ~ *грам.* нисбий сифат

نِسْبِيٌّ – нисбий; мутаносиб, пропорционал; النِّيَابَةُ الْـ~ـةُ *сиёс.* пропорционал вакиллик

نِسْبِيَّةٌ – нисбийлик; نَظَرِيَّةُ الْـ~ *физ.* нисбийлик назарияси; مَذْهَبُ الْـ~ а) *физ.* нисбийлик назарияси; б) *фалс.* релятивизм

نَسِيبٌ[1] – *шеър.* насиб, аёлларни мадҳ этиш, улуғлаш; қадимги араб қасидаларининг кириш қисми

نَسِيبٌ[2] – *кўп.* أَنْسِبَاءُ 1) туғишган, яқин қариндош; 2) аслзода, оқсуяк; 3) қариндош; 4) куёв, почча

نَاسُوتٌ *алиф. б. қар.*

نَسَجَ I (у, и) نَسْجٌ тўқимоқ; ◊ ~ الْأَخْيِلَةَ حَوْلَ ... ... ҳақида бўлмағур хаёлларга бормоқ; ~ عَلَى مِنْوَالِهِ *ёки* ~ نَسْجَهُ кимгадир тақлид қилмоқ; ~ خُيُوطَ الْمُؤَامَرَةِ суиқасд (фитна) уюштирмоқ; VIII اِنْتَسَجَ тўқилмоқ

مَنْسَجٌ – *кўп.* مَنَاسِجُ тўқувчилик ишхонаси, фабрика

مِنْسَجٌ – *кўп.* مَنَاسِجُ 1) тўқув дастгоҳи; 2) *шунингдек:* ~ التَّطْرِيزِ чамбарак, керги

مَنْسُوجٌ – тўқилган, тўқиб тайёрланган

مَنْسُوجَاتٌ – *кўп.* газламалар, газмоллар, текстил саноати маҳсулотлари

نَسَّاجٌ – тўқувчи

نِسَاجَةٌ – тўқувчилик

نَسْجٌ – 1) тўқиш; 2) газлама, газмол

نَسِيجٌ – *кўп.* أَنْسِجَةٌ 1) газлама, газмол, текстил; الْـ~ الْمُوصِلِيُّ юпқа газлама; مَعْمَلُ الْـ~ тўқимачилик фабрикаси; 2) *анат.* тўқима; ◊ ~ الْعَنْكَبُوتِ ўргимчак уяси толаси; هُوَ ~ وَحْدِهِ у бемислдир, унинг мисли йўқдир; هَذَا مِنْ ~هِ бу унинг иши, бу ишни у қилган

نَسَخَ I (а) نَسْخٌ 1) кўчирмоқ, нусха олмоқ; ~ بِالْيَدِ кўлда кўчирмоқ; 2) тақлид қилмоқ; 3) бекор қилмоқ, йўқотмоқ, йўқ қилмоқ; ~ بِهِ الرَّقْمَ (الْقِيَاسِيَّ) бу билан у рекорд қўйди; II نَسَّخَ кўчиртирмоқ, кўчиришга мажбур қилмоқ; III نَاسَخَ сиқиб чиқармоқ, кўчириб юбормоқ, сиқиб чиқариб ўрнини эгалламоқ; VI تَنَاسَخَ 1) олдин-кейин келмоқ, бир-бирининг орқасидан келмоқ; 2) олдин-кейин

ўрин алмашмоқ (*вақт, аср ва ҳ. к. ҳақида*); 3) *дин* кўчиб ўтмоқ (*жонлар ҳақида*); VIII اِنْتَسَخَ 1) ўзи учун кўчириб олмоқ; 2) бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ; X اِسْتَنْسَخَ 1) (*н. нидир*) кўчиришга эришмоқ; 2) кўпайтирмоқ, кўпайтириб тарқатмоқ

— تَنَاسُخٌ 1) кетма-кет, бирин-кетин ўтиш; ~ الْأَرْوَاحِ жон (рух) ларнинг кўчиб ўтиши, метемпсихоз; 2) вақтнинг олдин-кетин алмашиши

— تَنَاسُخِيَّةٌ; الـ~ метемпсихоз оқими

— مُنْتَسَخٌ 1) кўчириб олинган, нусха олинган; 2) рад этилган, бекор қилинган, йўқ қилинган

— مِنْسَاخٌ *кўп.* مَنَاسِيخُ нусха кўчирадиган асбоб

— مُنْتَسَخٌ = مَنْسُوخٌ

— نَاسِخٌ[1] бекор қилувчи, рад этувчи

— نَاسِخٌ[2] *кўп.* نُسَّاخٌ кўчириб ёзувчи; нусха кўчирувчи

— نَسَّاخٌ кўчириб ёзувчи; нусха кўчирувчи

— نَسَّاخَةٌ 1) кўчириб ёзувчи аёл; нусха кўчирувчи аёл; 2) нусха кўчирадиган аппарат

— نَسْخٌ 1) кўчириб ёзиш; قَلَمُ ~ الْوَثَائِقِ ҳужжатлардан нусха кўпайтириш бюроси; 2) бекор қилиш, йўқ қилиш; 3) *шунингдек:* خَطُّ ~ хатти насх (*араб ёзуви турларидан бири*)

— نُسْخَةٌ *кўп.* نُسَخٌ 1) нусха; ~ طِبْقَ الْأَصْلِ аниқ олинган нусха; 2) кўчирма; أَصْلِيَّةٌ (أَسَاسِيَّةٌ) ~ асл нусха; ثَانِيَةٌ ~ бир нарсанинг иккинчи нусхаси, дублет; خَطِّيَّةٌ ~ қўлёзма; 3) рецепт

— نَسْخِيٌّ *шунингдек:* الْخَطُّ الـ~ хатти насх (*араб ёзуви турларидан бири*)

نَسَرَ I (у) نَسْرٌ 1) чўқиб узиб олмоқ; 2) шилиб олмоқ, ситиб олмоқ, юлиб олмоқ; II نَسَّرَ чўқиб узиб олмоқ; V تَنَسَّرَ чўқилмоқ, чўқиб узиб олинмоқ; ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ (*яра ҳақида*); йиртилмоқ, эскимоқ, тўзимоқ (*кийим ҳақида*); X اِسْتَنْسَرَ *фольк.* бургутга айланмоқ

— مَنْسَرٌ *кўп.* مَنَاسِرُ тўда, шайка

— مِنْسَرٌ, مَنْسِرٌ *кўп.* مَنَاسِرُ (*йиртқич қушларнинг*) тумшуғи

— نَاسُورٌ 1) *қар.* نوسر; 2) кўздан тинмай ёш оқиш касаллиги

— نُسَارِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — бургут

— نَسْرٌ *кўп.* نُسُورٌ, أَنْسُرٌ бургут; الـ~ الْفَحَّاحُ Жанубий Америкада яшайдиган катта йиртқич қуш, кондор; ◊ ~ الْحَافِرِ от туёғи ичидаги гўшт; الـ~ الطَّائِرُ *астр.* Алтаир (*Бургут юлдузлар туркумининг алфа б- си*); الـ~ الْوَاقِعُ *астр.* Вега (*Лира юлдузлар туркумининг алфа б-и*); ~ *ёки* الـ~ ан-Наср (*Нуҳ алайҳиссалом давридаги бутнинг номи*)

— نُسْرَةٌ 1) (*дарахт*) бўлаги, парчаси; тараша; 2) (*гўшт*) тилими

— نَسْرِينٌ *бот. жам.* 1) наргисга ўхшаш гул; хушбўй оқ атиргул

نُوسَرٌ *алиф. б. қар.*

نَسْطُورِيٌّ *кўп.* نَسَاطِرَةٌ *тар. дин.* несторианлик тарафдори; الـ~ـةُ несторианлик

نِسْعٌ[1] *кўп.* أَنْسَاعٌ, نُسُوعٌ камар, тасма, айил, қоринбоғ; ~ الْيَدِ *анат.* билак

نِسْعٌ[2] шимолдан эсадиган шамол

— مِنْسَعٌ = نِسْعٌ[2]

نُسْغٌ ўсимликдан олинган сув, сок (*латекс*)

نَسَفَ I (и) نَسْفٌ 1) йўқ қилмоқ, тугатмоқ, қирмоқ, вайрон қилмоқ, хароб қилмоқ; 2) портлатмоқ, ўпирмоқ, қўпормоқ; ~ـهُ مِنَ الْأَسَاسِ ниманидир таг-туги билан қўпормоқ; бирор нарсага торпедо билан атака қилмоқ; 3) (*донни*) шопирмоқ, елпиб тозаламоқ, эламоқ; (*чангни*) тўзитмоқ, тарқатмоқ; IV أَنْسَفَ тўзитмоқ, тарқатмоқ, сочиб юбормоқ; VIII اِنْتَسَفَ 1) йўқ қилмоқ, тугатмоқ, қирмоқ; 2) портлатмоқ, ўпирмоқ, қўпормоқ; ◊ ~ الْكَلَامَ шивирлаб гапирмоқ

— مِنْسَفٌ *кўп.* مَنَاسِفُ 1) ғалвир, сим ғалвир; 2) иморатларни бузиш учун ясалган мослама

— نَاسِفٌ портлатувчи, қўпорувчи, ўпирувчи

— نَاسِفَةٌ динамит

— نَسَّافٌ портлатиш ишлари бўйича мутахассис, сапёр

— نُسَافٌ *кўп.* نَسَاسِيفُ *зоол.* тумшуғи шохга ўхшаш жонивор

— نَسَّافَةٌ *кўп.* اتٌ — торпедалар билан қуролланган ҳарбий кема; миноносец; торпеда катери

— نُسَافَةٌ тўпон, қипиқ, сомон; кепак, элаганда чиққан чиқит

— نَسْفٌ портлаш, қўпориш; бузиш, вайрон қилиш

— نَسَفٌ *мин. жам.* вулқонлардан чиққан қаттиқ шишасимон тоғ жинси, базальт

— نَسَفَةٌ *кўп.* نُسَفٌ, نِسَافٌ бир бўлак базальт

نَسِيفَةٌ *кўп.* نَسَائِفُ торпеда

نَسَقَ I (у) نَسْقٌ (*марваридни*) ипга тизмоқ, ўтказмоқ; II نَسَّقَ 1) (*марваридни*) ипга тизмоқ, ўтказмоқ; 2) тартиб билан териб (тизиб) қўймоқ; 3) тартибга келтирмоқ, тартибга солмоқ; мослаштирмоқ, ўзаро бир хил қилмоқ; мувофиқлаштирмоқ; саранжом-саришта қилмоқ, яхши ташкил этмоқ; 4) (*ишни*) тақсим қилмоқ; 5) (*штатларни*) қисқартирмоқ; 6) идиш-товоқларни чиройли териб дастурхон ясатмоқ; V تَنَسَّقَ ўзаро симметрик тарзда териб қўйилмоқ, тизилмоқ; 2) тартибга келтирилмоқ, обод бўлмоқ; VI تَنَاسَقَ 1) симметрик тарзда жойлашмоқ; 2) ўзаро уйғунлашмоқ, бир-бирига хил тушмоқ; мос тушмоқ, мослашмоқ; 3) ўзаро муносабатда бўлмоқ; VIII اِتَّسَقَ симметрик тарзда жойлашмоқ

— تَنَاسُقٌ 1) симметриклик, симметрия; عَدَمُ الـ~ ассимметрия, симметриясизлик; عَدِيمُ الـ~ ассимметрик, симметрик бўлмаган, симметрик эмас; 2) уйғунлик, ҳамоҳанглик, оҳангдошлик; мослик, мувофиқлик, бир-бирига уйғунлик; 3) иш, ҳаракат ва фаолиятларни бир-бирига мувофиқлаш, мослаш, тўғрилаш, уйғунлаш, координация; 4) ўзаро алоқа, ўзаро муносабат

– تَنَسُّقٌ хушбичимлик: ўлчовда (миқдорда, меъёрда) бир-бирига мувофиқлик

– تَنْسِيقٌ (марваридни) ипга ўтказиш; 2) тартибга солиш, тартибга келтириш; 3) тузилиш, механизм; الـ~ الدَّاخِلِيُّ ички тузилиш; 4) мослаштириш, координация; 5) (штатларни) қисқартириш; 6) ҳарб. эшелонларга бўлиш (ажратиш)

– مُتَنَاسِقٌ симметрик; ~ الْأَعْضَاءِ хушбичим; ~ التَّقَاطِيعِ юз тузилиши (бичими) келишган аёл

– مُنَسَّقٌ 1) тартиб билан жойлашган; 2) батартиб, саранжом-саришта; 3) мутаносиб, симметрик; хушбичим, уйғун, мос; 4) (штатларни қисқариши билан) ишдан бўшатилган

– نَسَقٌ 1) олий даражадаги тартиб, тур, услуб, система; қатор, орқа-олдинлик, олдин-кейинлик; عَلَى ~ وَاحِدٍ бир хил равишда; حُرُوفُ الـ~ грам. боғловчилар; كَانَ ~ًا (к. биландир) уйғун бўлмоқ, мос келмоқ (مَعَ); 2) ҳарб. эшолон; ~ ثَغْرٌ бир хил шаклдаги олдинги тишлар

– نَسِيقٌ симметрик, хушбичим, уйғун, мувофиқ, мос

I (نسك) نَسَكَ (у) نَسْكٌ، نُسْكٌ، نُسُكٌ тақводор бўлмоқ, художўй бўлмоқ, диёнатли бўлмоқ; ~ لِلّٰهِ Оллоҳ таоло йўлида қурбонлик қилмоқ; نَسُكَ (у) نَسَاكَةٌ қаландар (дарвеш) бўлмоқ, тарки дунё қилмоқ; V تَنَسَّكَ 1) ишламоқ, фаолият кўрсатмоқ; 2) қаландарона ҳаёт кечирмоқ

– مَنْسَكٌ[1] кўп. مَنَاسِكُ диний расм-русумларни бажарадиган жой; 2) қаландарлар кулбаси; 3) урф-одат, маросим, расм-русум; مَنَاسِكُ الْحَجِّ ҳаж маросимлари

– مَنْسَكٌ[1]، مَنْسِكٌ қурбонлик сўйиладиган жой

– نَاسِكٌ кўп. نُسَّاكٌ қаландар, таркидунё қилган киши

– نُسْكٌ، نُسُكٌ، نَسْكٌ، نُسُكٌ художўйлик, тақводорлик, худога ибодат қилиш; зоҳидлик, дин йўлида риёзат чекишлик, қаландарлик; مَعْهَدُ الـ~ қаландарнинг келиб тушган жойи

– نَسِيكَةٌ кўп. نُسُكٌ، نَسَائِكُ қурбонлик қилинган (сўйилган) ҳайвон

I (نسل) نَسَلَ (у) نَسْلٌ 1) болаламоқ, урчимоқ, кўпаймоқ, дунёга келтирмоқ, насл қолдирмоқ, туғмоқ, туғдирмоқ (туш.к. ёки ب) 2) (газламани) ип қилиб чувимоқ; 3) туламоқ, пўст ташламоқ (қушлар, ҳайвонлар ҳақида); 4) (қаердандир) суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ (مِنْ); نَسَلَ (у) نُسُولٌ 1) (тулаганда) пати, жуни тўкилмоқ; 2) елкадан тушмоқ, тушиб кетмоқ (кийим ҳақида); 3) сизилмоқ, йиртилмоқ (ситилиб) кетмоқ, сўкилиб кетмоқ (газлама ҳақида); نَسَلَ (у) نَسْلٌ، نَسَلٌ шошилмоқ; II نَسَّلَ 1) (газламани) ип қилиб чувимоқ; 2) туламоқ, пўст ташламоқ (қушлар, ҳайвонлар ҳақида); IV أَنْسَلَ 1) болаламоқ, урчимоқ, насл қолдирмоқ; 2) туламоқ, пўст ташламоқ (қушлар, ҳайвонлар ҳақида); VI تَنَاسَلَ урчимоқ, кўпаймоқ, болалаб кетмоқ, кўпайишмоқ; 2) (к. дандир) дунёга келмоқ (عَنْ); 3) аста-секинлик билан ситилмоқ, тўзимоқ (газлама ҳақида)

– تَنَاسُلٌ кўпайиш; أَعْضَاءُ الـ~ болалаш, туғиш аъзолари, жинсий аъзолар; تَأَصَّلَ بِالـ~ урчиш йўли билан мастаҳкамланмоқ (навнинг сифати хақида)

– تَنَاسُلِيٌّ таносил, жинсий; جِهَازٌ ~ таносил аъзолари; الْأَمْرَاضُ الـ~ـة жинсий аъзолар касалликлари; الْغُدَدُ الـ~ـة жинсий безлар

– نَاسِلٌ 1) келтириб чиқарувчи, кўпайтирувчи; 2) ситилган, титилган (газлама ҳақида)

– نُسَالٌ тулаганда тушиб кетадиган пат ёки жун

– نُسَالَةٌ 1) тулаганда тушиб кетадиган пат ёки жун; 2) газламадан суғуриб олинадиган иплар; 3) шунингдек ~ الْكَتَّانِ зиғирпоянинг дағал толаси, латтадан титиб олинган ип

– نَسْلٌ кўп. أَنْسَالٌ 1) насл, болалар, авлод; (ҳайвоннинг) боласи; (асаларининг) янги авлоди; إِصْلَاحُ الـ~ одам наслини биологик жиҳатдан яхшилаш ҳақидаги назария; انْقِرَاضُ الـ~ наслнинг қирилиб кетиши; تَحْدِيدُ الـ~ туғишни чеклаш; الْحَرْثُ وَ الـ~ жонли ва жонсиз инвентар; هُوَ مِنْ ~ ... у...дан дунёга келган; 2) (газламадан) титиб, суғуриб олинган иплар

– نَسَلٌ бот. сут шираси, латекс

– نُسُولٌ тулаш, пўст ташлаш

– نَسُولَةٌ зотли, наслдор ҳайвон

– نَسِيلٌ = نُسَالٌ

I (نسم) نَسَمَ (и) نَسْمٌ 1) эсмоқ, оҳиста эсмоқ, елпимоқ; 2) бузилмоқ, айнимоқ, ўзгармоқ; نَسِمَ (а) نَسَمٌ бузилмоқ, айнимоқ, ўзгармоқ; II نَسَّمَ 1) эсмоқ (шабада ҳақида); 2) жонлантирмоқ; 3) (н. нидир) бошламоқ (فِي); ~ فِي الْأَمْرِ ишни бошламоқ; V تَنَسَّمَ 1) нафас олмоқ, ҳаво олмоқ; (тоза ҳаводан) нафас олмоқ; 2) (н. нингдир) ҳиди келмоқ (بِ); ◊ ~ أَخْبَارَهُ ёки ~ خَبَرَهُ (к. нингдир ҳақида) маълумот билишга уринмоқ

– مَنْسِمٌ кўп. مَنَاسِمُ 1) туя оёғининг кафти; 2) туяқушнинг товони

– نَسْمٌ кўп. أَنْسَامٌ нафас олиш, эсиш

– نَسَمٌ бошланиш қисм, бошланиш пайт; ~ الرِّيحِ шамол бошланиши олдидаги ёқимли шабада, насим.

– نَسْمَةٌ эсиш, билинар-билинмас эсиш

– نَسَمَةٌ кўп. نَسَمٌ، نَسَمَاتٌ 1) нафас олиш; حَتَّى آخِرِ ~ مِنْ حَيَاتِهِ сўнгги нафасигача; 2) жон, одам, киши (саноқда) 2) эсиш, шабада

– نَسِيمٌ кўп. أَنْسِمَةٌ، نَسَائِمُ шабада, насим, сабо; ~ الْبَحْرِ денгиздан эсадиган шабада; شَمُّ الـ~ қар. عِيدُ شَمِّ

نَسْنَاسٌ кўп. نَسَانِيسُ 1) фолк. наснос (бир оёқли одам); 2) маймун

– نَسًا кўп. أَنْسَاءٌ ик. с. نَسَوَانِ анат. қуймуч нерви; عِرْقُ الـ~ ёки مَرَضُ عِرْقِ الـ~ мед. қуёнчиқ касали, ишиас

نِسَاءٌ (امْرَأَةٌ сўзидан кўп.) аёллар, хотин-қизлар; كَارِهُ الـ~ хотин-

қизларни ёқтирмайдиган одам; عُمُومِيَّاتٌ ~ фоҳишалар, бузуқ аёллар

– نِسَائِيٌّ 1) аёлларга, хотин-қизларга оид; الْحَرَكَةُ الـ~ـة (النِّسْوِيَّة) хотин-қизлар ҳаракати; 2) нозик, танноз, мулойим

– نِسَائِيَّاتٌ кўп. хотин-қизларга тааллуқли ишлар, муаммолар ва ҳ. к.

– نِسَاءٌ = نِسْوَانٌ

– نِسَاءٌ = نِسْوَةٌ

– نِسْوِيٌّ хотин-қизларга оид

I نَسِيَ (а) نَسْيٌ эсдан (ёддан) чиқармоқ, унутмоқ; لَمْ أَنْسَهُ وَ لَنْ أَنْسَاهُ أَبَدًا мен уни мутлақ унутмаганман ва унутмайман ҳам!; قَبْلَ أَنْ أَنْسَى айтганча, айтмоқчи, айтгандай (кириш сўз); وَ إِنْ أَنْسَ لاَ أَنْسَى مَا فَعَلَهُ унинг қилган ишини ҳеч унута олмайман; زَهْرَةٌ لاَ تُنْسَى бот. бўтакўз; II نَسَّى унуттирмоқ, унутишга мажбур қилмоқ, калладан чиқариб юбормоқ; IV أَنْسَى = II; VI تَنَاسَى ўзини унутганга солмоқ, ўзини эслолмасликка солмоқ; 2) унутишга ҳаракат қилмоқ; бир-бирини унутишмоқ; 3) эътиборсиз қарамоқ, бепарво қарамоқ, кўз юммоқ, инкор этмоқ

– مِنْسَاةٌ ҳасса, асо

– مَنْسِيٌّ 1) унутилган, унутиб юборилган; أَصْبَحَ نَسْيًا ~ًا афсонага айланмоқ, чўпчакка айланмоқ; 2) кўп. ـاتٌ — хотирадан кўтарилган (мас. мавзулар)

– نَسَّاءٌ хотираси заиф, эси кирди-чиқди

– نَسْيٌ 1) унутиш, эсдан (ёддан) чиқариш; 2) унутилган нарса; ◊ أَيَّامُ الـ~ ортиқча кунлар (қибтий тақвим бўйича йил охиридаги 5 ёки 6 кун)

– نِسْيٌ 1) эсдан чиқарилган, унутилган, ёддан чиққан; унутилиши керак бўлган нарса; يَعِيشُ وَحْدَهُ ~ًا مَنْسِيًّا у мутлақо унутилгани ҳолда ёлғиз яшайди; 2) кўчманчилар кўчаётганида қолдириб кетган ашё

– نَسِيٌّ унутувчи, эсдан чиқарувчи, хотири паришон, эси кирди-чиқди

– نَسْيَانٌ хотири паришон, эси кирди-чиқди, эътиборсиз

– نِسْيَانٌ 1) унутиш, эсдан чиқариш; унутувчанлик, фаромушхотирлик; унутилиш, ёддан кўтарилиш; мед. хотиранинг йўқолиши; أَصْبَحَ (انْطَوَى) فِي زَوَايَا الـ~ унутилиб кетмоқ, унутилмоқ; دَفَعَهُ إِلَى زَوَايَا الـ~ ниманидир унутиб юбормоқ; آفَةُ الْعِلْمِ الـ~ мқл. илмнинг офати унутишдир; 2) тарк этиш, ташлаб қўйиш

I نَشَّ (نَشَّ) [1]نَشٌّ (а/у) نَشَّ (пашшаларни) ҳайдамоқ; [2]نَشٌّ (а/и) نَشِيشٌ 1) қуримоқ, суви қочмоқ, нами кетмоқ; 2) намни сўриб олмоқ, ўзига тортиб олмоқ; 3) жизилламоқ, жазилламоқ (мас. қовурдоқ); қайнамоқ, булуқламоқ, қулқулламоқ; 4) сув оқмоқ (идишдан)

– مِنَشَّةٌ елпиғич, пашша ҳайдагич

– [1]نَشٌّ наш (20 дирҳам (қар. دِرْهَمٌ) ёки 18,7 гр га тенг бўлган оғирлик ўлчови)

– [2]نَشٌّ қуруқ, нами йўқ

– نَشٌّ узоқ сақлаб турилган пишлоқ

– نَشَّاشٌ ўзига сингдирувчи, шимувчи, ютувчи; وَرَقٌ ~ босма қоғоз (ортиқча сиёҳни шимиб олувчи қоғоз); ◊ ~ الذُّبَابِ бот. бурган

– نَشِيشٌ жизиллаш, жазиллаш, қулқуллаш, булуқлаш

I نَشَأَ (а) نَشْءٌ، نُشُوءٌ ўсмоқ, катта бўлмоқ, ривожланмоқ; (н. дандир) пайдо бўлмоқ, келиб чиқмоқ (مِنْ); II نَشَّأَ ўстирмоқ, парвариш қилмоқ, етиштирмоқ, тарбияламоқ, тарбия қилмоқ; IV أَنْشَأَ 1) тикламоқ, солмоқ, қурмоқ, бино қилмоқ, барпо қилмоқ; 2) асос солмоқ, асосламоқ, таъсис этмоқ, ўрнатмоқ, яратмоқ, ташкил этмоқ; عَلاَقَاتٍ دِبْلُومَاسِيَّةً ~ дипломатик алоқа ўрнатмоқ; 3) тузмоқ, битмоқ, иншо ёзмоқ, (мақола) ёзмоқ; 4) таҳрир қилмоқ; 5) ўстирмоқ, кўкартирмоқ; 6) яратмоқ, ҳал қилмоқ; ◊ ~ يَقُولُ у гапира бошлади, гапира кетди; V تَنَشَّأَ ўсмоқ, ривожланмоқ, пайдо бўлмоқ; يَتَنَشَّأُ الْوَلَدُ فِي بَطْنِ أُمِّهِ бола онасининг қорнида ривожланади; X اسْتَنْشَأَ (янгиликларни) пайқаб билиб олмоқ

– إِنْشَاءٌ 1) таъсис қилиш, асос солиш, асослаш; 2) яратиш, қуриш; إِعَادَةُ الـ~ қайта қуриш, реконструкция; 3) тузиш, иншо ёзиш, ижод қилиш, баён ёзиш (шунингдек: мактабдаги); دِيوَانُ الـ~ девонхона, канцелярия; 4) таҳрир қилиш; 5) ад. услуб, ёзиш услуби, стил; асар қурилиши, композиция

– إِنْشَائِيٌّ 1) қурилишга оид; الْمَوَادُّ الـ~ـة қурилиш материаллари; 2) ижодий, ижодга оид, конструктив; الْعَمَلُ الـ~ яратувчилик меҳнати, ижодий меҳнат; 3) таҳририй; مَقَالَةٌ ~ـة редакцион мақола; 4) услубга оид, услубий, классик (нутқ); الأَلْفَاظُ الـ~ـة ёки الْعِبَارَاتُ الـ~ـة нутқни безаб, чиройли кўрсатувчи сўзлар, услубий иборалар; مَوْضُوعٌ ~ иншо мавзуси; الْجُمْلَةُ الـ~ـة грам. буйруқ, илтимос, сўроқ, манъ этиш маъноларини ифодаловчи гап; النَّمَطُ الـ~ услуб, стил; 5) услуб билан шуғулланувчи, стилист

– تَنْشِئَةٌ ўстириш, кўкартириш, ривожлантириш, тарбиялаш

– مَنْشَأٌ 1) пайдо бўлиш жойи, келиб чиқиш; الـ~ الاِجْتِمَاعِيُّ ижтимоий келиб чиқиш; بَصْرِيُّ الـ~ Басрада туғилган; ~ الأَوْبِئَةِ вабо ўчоғи (манбаи), вабо пайдо бўлган жой; 2) сабаб

– مُنْشَأٌ асос солинган, таъсис этилган; 2) қурилган, бино қурилган, барпо этилган

– مُنْشَآتٌ кўп. елканлари кўтарилган кема

– مُنْشَأَةٌ кўп. مُنْشَآتٌ 1) қурилиш, иншоот, иморат; муассаса ташкилот; تِجَارِيَّةٌ ~ савдо муассасаси; صِنَاعِيَّةٌ ~ саноат муассасаси; 2) устқурма; الأَسَاسُ وَ الـ~ базис ва устқурма

– مُنْشِئٌ 1) асосчи, асос солувчи, муассис; 2) қурувчи; 3) муаллиф, автор, тузувчи; 4) муҳаррир, редактор; услубчи, стилист

– نَاشِئٌ 1) (*н. дандир*) кўтарилиб келувчи, ўсувчи, пайдо бўлувчи (مِنْ); ёш, янги: 2) бошловчи; 3) ёш тажрибасиз одам

– نَاشِئَةٌ ёшлар, ёш авлод; ~ اللَّيْلِ туннинг бошланиш вақти

– نَشَاءٌ *қар.* نشو

– نَشْأَةٌ = نَشَاءَةٌ

– نُشُوءٌ 1) ўсиш, пайдо бўлиш, ривожланиш; 2) *кўп.* نَشْأٌ ёш авлод, насл, бола-чақа

– نَشْأَةٌ = نَشْأَةٌ

– نَشْأَةٌ 1) пайдо бўлиш, вужудга келиш; 2) ўспиринлар, ёшлар; الـ~ الْحَدِيثَةُ ёш авлод

– نُشُوءٌ пайдо бўлиш, бунёдга келиш, бунёд бўлиш; ўсиш, ривожланиш; مَذْهَبُ الـ~ *ёки* نَظَرِيَّةُ الـ~ эволюцион назария

– الـ نُشُوئِيُّونَ эволюциончилар

I نَشِبَ (а) نَشَبٌ, نُشُوبٌ 1) санчилмоқ, сурилмоқ, қадалмоқ (*вахший қушларнинг тирноғи, чангали ҳақида* – فِى); (*эгга*) ўсиб ботиб кетмоқ (*тирноқ ҳақида* – فِى); (*томоққа*) тиқилиб қолмоқ, тиқилмоқ (*суяк ҳақида* – فِى); 2) (*н. гадир*) ўралиб қолмоқ, илиниб қолмоқ (فِى, بِ); ~ بِالشَّرَاكِ тўрга тушиб қолмоқ; مَا ~ أَنْ قَالَ тез-орада у деди, кечиктирмай у деди; (*ўт*). кетмоқ, (*ёнгин*) чиқмоқ; чиқмоқ, бошланмоқ (*уруш ҳақида*); II نَشَّبَ 1) санчмоқ, суқмоқ, қадамоқ; III نَاشَبَ: الْحَرْبَ ~ (*уруш*) бошланмоқ, олиб бормоқ; IV أَنْشَبَ (*тирноқни*) суқмоқ, тиқмоқ; 2) бошламоқ; مَعْرَكَةً ~ жанг бошламоқ; V تَنَشَّبَ санчилмоқ, кирмоқ

– نَاشِبٌ камон ўқи эгаси

– نَشَّابٌ ёйчи, камончи, ёйотар

– نُشَّابٌ *жам.* (*ёйнинг*) ўқлари

– نُشَابٌ = نُشَّابٌ

– نُشَّابَةٌ[1] *кўп.* نَشَاشِيبُ, ـات — (*ёйнинг*) ўқи; صَيْدِ الْحِيتَانِ ~ денгизда катта ҳайвонларни овлаш учун арқонга боғлаб ташланадиган найза

– نُشَّابَةٌ узун стрелка; عَجَلَة ~ аравага қўшилган икки от ўртасидаги шоти

– نَشَبٌ бойлик, мол-мулк; وَ لَمْ يُدْنِهِمْ مِنِّى ~ وَ لَا نَسَبٌ уларни менга на бойлик, на қариндошлик яқинлаштира олмади

– نُشُوبٌ (*ёнгин ёки уришнинг*) чиқиши, бошланиши

I نَشَجَ (и) نَشِيجٌ ҳўнграб йиғламоқ

– نَشِيجٌ ҳўнграш, ҳўнграб йиғлаш

I نَشَدَ (у) نَشْدٌ 1) ашула айтмоқ, куйламоқ, қўшиқ айтмоқ; 2) қидирмоқ, изламоқ, сўрамоқ, кутиштирмоқ; 3) (*бирор мақсадни*) кўзламоқ, (*н. гадир*) интилмоқ, ҳаракат қилмоқ; орзу қилмоқ, ҳавас қилмоқ, эзгу тилак қилмоқ; 4) қасам ичиб илтимос қилмоқ, ёлбормоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ; III نَاشَدَ 1) (*н. гадир*) даъват қилмоқ, ундамоқ; 2) қасам ичиб илтимос қилмоқ, ёлбормоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ; 3) (*н. нидир*) хоҳламоқ, истамоқ; IV أَنْشَدَ 1) (*н. нидир*) таъсирли қилиб ўқиб бермоқ, декламация қилмоқ; 2) ашула айтмоқ, қўшиқ айтмоқ; 3) қидирмоқ изламоқ; VI تَنَاشَدَ ўзаро декламация қилишмоқ; 4) билдирмоқ, танитмоқ; таъсирли қилиб ўқишда кимўзар ўйнамоқ; X اسْتَنْشَدَ 1) (*н. нидир*) таъсирли қилиб ўқиб беришни илтимос қилмоқ; 2) қидиришни илтимос қилмоқ

– أُنْشُودَةٌ *кўп.* أَنَاشِيدُ қўшиқ, ашула, қасида, мадҳия, нашида, гимн

– مُنْشِدٌ 1) декламация қилмоқ, (*н. нидир*) таъсирли қилиб ўқувчи; 2) ҳонанда, қўшиқчи; диний қўшиқчилар ижроси

– مَنْشُودٌ изланган, қидирилган; кўнгилдаги, орзу қилинган нарса

– نَشْدٌ, نِشْدَانٌ қидириш, излаш, ахтариш

– نَشِيدٌ 1) қасида, поэма; 2) ашула, қўшиқ, мадҳия, нашида, гимн; وَطَنِيٌّ ~ миллий гимн, қасида; الْمَوْتِ ~ дафн марши; ◊ ~ الْأَنَاشِيدِ шоҳ асар, адабий ижоднинг дурдонаси

– نَشِيدَةٌ *кўп.* نَشَائِدُ ашула, қўшиқ, мадҳия, нашида; гимн

– نُشَادِرٌ *шунингдек*: غَازُ الـ~ *кимё.* аммиак; غَازُ الـ~ اللَّامَائِيُّ сувсиз аммиак; سُلْفَاتُ الـ~ сульфат аммоний; نِتْرَاتُ الـ~ нитрат аммоний, азоткислотали аммоний, аммиакли селитра; مِلْحُ الـ~ нашатир, хлорли аммоний, хлорид аммоний; رُوحُ الـ~ *ёки* مَحْلُولُ الـ~ *ёки* مَاءُ الـ~ нашатирли спирт, аммиакли сув

– نُشَادِرِيٌّ аммиакли; صَمْغٌ ~ аммониак (*аммиакли елим*)

I نَشَرَ[1] (у) نَشْرٌ (نشر) 1) халққа эълон қилмоқ, нашр қилмоқ, босиб чиқармоқ; (*янгиликни*) тарқатмоқ; 2) (*ҳид*) чиқармоқ; нур чиқармоқ, нурлантирмоқ; 3) (*мас., газетани*) ёзмоқ, ёймоқ, солмоқ, тўшамоқ; (*ювилган кирни*) осмоқ, ёймоқ; الْعَلَمَ ~ байроқ осмоқ, байроқ ўрнатмоқ; 4 (*мас., ёғнгни*) сочиб юбормоқ; тарқатмоқ, таратмоқ; ~ يَدَيْهِ فِى الْهَوَاءِ қўлларини ҳавода силкитмоқ; 5) арраламоқ; نَشَرَ[2] (у) نُشُورٌ тирилтирмоқ, жон киргизмоқ; II نَشَّرَ 1) тарқатмоқ; ёймоқ, сочмоқ; 2) ёзмоқ, ёймоқ, тўшамоқ; (*ювилган кирларни*) дорга ёймоқ; IV أَنْشَرَ жонлантирмоқ, жон киритмоқ; V تَنَشَّرَ 1) тарқатмоқ, ёйилмоқ, таралмоқ; 2) ёзилмоқ, тўшалмоқ, солинмоқ; 3) сочилмоқ, сочилиб кетмоқ; VIII انْتَشَرَ 1) тарқалмоқ, таралмоқ; 2) сочилиб кетмоқ; ёйилмоқ, очилиб (ёзилиб) кетмоқ; *шахм.* ривожланмоқ; 3) нашр қилмоқ, босиб чиқарилмоқ; 4) солинмоқ, ёйилмоқ, ёзилмоқ; 5) ҳавога тўлмоқ, шишмоқ, дўмбира бўлмоқ

– انْتِشَارٌ 1) тарқалиш, ёйилиш; 2) машҳурлик; 3) *шахм.* ривожланиш

– انْتِشَارِيٌّ 1) тарқалишга, ёйилишга оид; 2) *шахм.* ривожланиш; نَقْلَة ~ـة ривожланувчи юриш

– مُنْتَشِرٌ 1) кенг тарқалган, халққа эълон қилинган; 2) кўп учрайдиган; ҳаммага маълум

– مِنْشَارٌ *кўп.* مَنَاشِيرُ арра; تِمْسَاحٍ ~ шадабур арра (*тахта тиладиган арра*); حِلْيَة ~ лобзик; شَرْجٍ ~ камалак гўлаша; ~

شَرِيط лентасимон арра; كَهْرَبَائِيٌّ ~ электр арра; ◊ أَبُو ~ зоол. аррабалиқ

– مِنْشَرٌ кўп. مَنَاشِرُ кир қуритадиган жой

– مِنْشَرَةٌ кўп. ـَاتٌ тахта тиладиган устахона, пилорама

– مَنْشُورٌ 1) халқда эълон қилинган, нашр қилинган, тарқатилган, босиб чиқарилган; 2) арраланган; الأَخْشَابُ الـ~َةُ арраланадиган, тилинадиган бинокорлик материаллари; 2) кўп. مَنَاشِيرُ، ـَاتٌ а) (ташкилотдаги) буйруқлар; юқори органлардан қуйи ташкилотларга юбориладиган фармойиш; б) манифест, ташвиқот мақсадида тарқатиладиган ғайрирасмий варақа; варақа; в) мат. призма

– مَنْشُورِيٌّ призма шаклидаги, призматик

– نَاشِرٌ 1) тарқатувчи, эълон қилувчи, нашр қилувчи; 2) а) ношир; б) кўзойнакли илон, кобра; ◊ امْرَأَةٌ ~َةٌ жанжалкаш, минғир-минғир аёл

– نَشَّارٌ арракаш

– نُشَارَةٌ қиринди, тўпон; ~ُ الْخَشَبِ ёғочдан чиққан чиқинди

– نِشَارَةٌ арракашлик касби, арракашлик

– نَشْرٌ 1) тарқатиш, ёйиш; ~ُ الدَّعْوَةِ ташвиқот олиб бориш; 2) нашр қилиш, босиб чиқариш; دَارُ الـ~ нашриёт; 3) (ўтин) арралаш; 4) тирилиш; يَوْمُ الـ~ дин. қиёмат куни, қиёмат; 5) хушбўй ҳид

– نَشْرَةٌ кўп. نَشَرَاتٌ матбуот органи, бюллетень; ~ُ الأَخْبَارِ (радио, телевидениеда) сўнгги ахборот; أُسْبُوعِيَّةٌ ~ ҳафта хабарлари; بِبْلِيُوغْرَافِيَّةٌ ~ ёки لِلْمَطْبُوعَاتِ ~ библиографик бюллетень; جَوِّيَّةٌ ~ об-ҳаво бюросининг бюллетени; رَسْمِيَّةٌ ~ расмий бюллетень; شَهْرِيَّةٌ ~ ойлик хабарлар, ойнома; طِبِّيَّةٌ ~ (мас. газетада босилган) касаллик ҳақидаги маълумот

– نَشُورٌ кўп. نُشُرٌ хушбўй

– نُشُورٌ тирилиш; يَوْمُ الـ~ дин. қиёмат, қиёмат куни

– نَشِيرٌ 1) = مَنْشُورٌ 1); 2) халат, уй кийими

I (نشز) نَشَزَ[1] (и,у) نَشْزٌ 1) туртиб чиқиб турмоқ, ғўдайиб чиқиб турмоқ, кўтарилиб турмоқ; 2) муз. оҳангдошликни бузмоқ, уйғунсизлаштирмоқ; نَشَزَ[2] (и) نُشُوزٌ (ўз эрига) бўйсунмай қўймоқ; (ўз эрини) ёмон кўрмоқ (مِنْ، عَلَى، ب); (ўз хотинига) қўпол муносабатда бўлмоқ (مِنْ، عَلَى); IV أَنْشَزَ; ~ الْعِظَامَ суякларни бир-бирига киритиб жойламоқ

– نَاشِزٌ 1) кўтариб турган, кўтарилаётган; диккайиб турган (соч); баланд, юқори; 2) бўйсунмас, жанжалкаш, минғир-минғир; زَوْجَةٌ ~ (ةٌ) ўжар (қайсар, қийиқ) хотин; 3) муз. оҳангдошликни бузадиган; уйғунсизлаштирадиган; نَغَمَاتٌ ~َةٌ бузуқ куй, бузуқ музика

– نَاشِزَةٌ кўп. نَوَاشِزُ жанжалкаш, ўжар, қайсар, қийиқ хотин

– نَشَازٌ 1) тепалик; кўтарилиш; 2) муз. оҳангдошликнинг бузилиши, диссонанс

– نَشَزٌ 1) тепалик, тепалик жой; 2) муз. оҳангдошликнинг бузилиши, диссонанс; غَنَّى بِصَوْتٍ ~ ашўлани бузиб куйламоқ, ашулани бузмоқ

– نَشْزٌ кўп. أَنْشَازٌ тепалик жой

– نُشُوزٌ 1) бўйсунмаслик, ўжарлик, қайсарлик; 2) хусумат, ғараз, ёқтирмаслик, жирканиш; 3) ажралиш, тарқалиш; муз. оҳангдошликнинг бузилиши, диссонанс

I (نشط) نَشِطَ (а) نَشَاطٌ 1) ҳаракатчан бўлмоқ, серҳаракат бўлмоқ; қувноқ бўлмоқ, жонли бўлмоқ, жонланмоқ; 2) фаол бўлмоқ, актив бўлмоқ; نَشَطَ (у) نَشْطٌ тугмоқ, тугун тугмоқ; II نَشَّطَ 1) жонлантирмоқ, руҳлантирмоқ, далда бермоқ, фаоллаштирмоқ; ҳаракат қилишга ундамоқ; 2) рағбатлантирмоқ, қўзғамоқ, қизиқтирмоқ; 3) тугмоқ, тугун тугмоқ; IV أَنْشَطَ 1) жонлантирмоқ, руҳлантирмоқ, далда бермоқ; 2) рағбатлантирмоқ, қизиқтирмоқ; V تَنَشَّطَ жонланмоқ; руҳланмоқ, дадилланмоқ; X اسْتَنْشَطَ жонланмоқ, актив бўлмоқ, фаоллашмоқ

– أُنْشُوطَةٌ кўп. أَنَاشِيطُ тугун, банд; сурилувчи тугун; арқон, арғамчи

– تَنْشِيطٌ 1) жонлантириш, далда бериш, руҳлантириш; 2) қизиқтириш, рағбатлантириш; активлаштириш

– مُتَنَشِّطٌ жонли, жонлантирилган, қизиққан

– مُنَشِّطَاتٌ кўп. кучайтирувчи, тезлатувчи, стимул берувчи воситалар

– نَاشِطٌ 1) жонли, тетик; 2) фаол, актив, серҳаракат, ҳаракатчан; ~ ثَوْرٌ ёввойи ҳўкиз

– نَشَاطٌ кўп. أَنْشِطَةٌ، ـَاتٌ 1) эпчиллик, чаққонлик, тетиклик; жонланиш, қизиш; далиллик, қувноқлик; 2) фаолият, фаоллик, активлик, жаҳд, энергия; بِـ~ ғайрат билан, қизғин равишда, кескин; الـ~ُ الْعَصَبِيُّ الْعُلْوِيُّ олий асаб системаси фаолияти; الـ~ُ التَّخْرِيبِيُّ кўпорувчилик ишлари; الـ~ُ الإِشْعَاعِيُّ радиоактивлик

– نَشْطَةٌ жонланиш, қизиш; эпчиллик, чаққонлик, тетиклик; дадиллик, қувноқлик

– نَشِيطٌ кўп. نِشَاطٌ، نُشَطَاءُ 1) фаол, актив, ғайратли, тиришқоқ; 2) жонли, тетик, серҳаракат, ҳаракатчан; жонланган; хурсанд, қувноқ; 3) активист

I (نشع) نَشَعَ[1] (а) نَشْعٌ чиқиб кетмоқ, тошмоқ, тошиб кетмоқ (сув ҳақида); نَشَعَ[2] (а) نَشْعٌ юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ; II نَشَّعَ (сувни) тақсимлаб бермоқ, бўлиб бермоқ

– مُنَشَّعٌ намиққан, сувни ўзига шимиб олган; ҳўл, нам, ивиган

– نَشَعٌ тошиб чиққан сув, тошиб кетган сув

– نُشُوعٌ бурнаки қилинадиган тамаки

I (نشف) نَشِفَ (а) نُشُوفَةٌ куримоқ, нами кетмоқ; қақраб (қовжираб) қолмоқ; суви куриб қолмоқ (қудуқ ҳақида); نَشَفَ (у) نَشْفٌ куритмоқ, сувини қочирмоқ; артмоқ; 2) (босма қоғоз билан) куритмоқ; 3) шиммоқ, намни ўзига тортмоқ, ютмоқ; II نَشَّفَ 1) сингдирмоқ,

шиммоқ; 2) қуритмоқ, сувни кетказмоқ; артмоқ; ~ رِيقَهُ маж. (к. нидир) безор қилмоқ, (к. нингдир) жонига тегмоқ; V تَنَشَّفَ артинмоқ

– تَنْشِيفٌ қуритиш; (хўл н. ни) артиш; ~ وَرَقُ босма қоғоз, сиёх шимдириладиган қоғоз

– مِنْشَفٌ кўп. مَنَاشِفُ сочиқ, салфетка

– مِنْشَفَةٌ кўп. مَنَاشِفُ = مِنْشَفٌ

– نَاشِفٌ 1) қуруқ, қуриган; 2) қаттиқ; 3) хулқи ёмон, ёмон хулқли; ~ رَجُلٌ хасис одам

– نَشَّافٌ намни ўзига тортувчи, қуритувчи; ~ وَرَقٌ босма қоғоз, сиёх шимдириладиган қоғоз

– نَشَّافَةٌ кўп. ـــَاتٌ 1) сочиқ; 2) кирювгич, губка; ~ الْحِبْرِ босма; ◊ ~ الْحُبُوبِ донқуритқич

– نَشَفٌ[1] қуруқлик

– نَشَفٌ[2] жам. мин. қаттиқ шинасимон тоғ жинси., базальт

– نَشِفٌ намни ўзига тортувчи; أَرْضٌ ~ـــَةٌ қуруқ ер

– نَشَفَانٌ 1) ориқлик, беҳоллик, камқувватлик; 2) ақли заифлик

– نُشُوفَاتٌ кўп. қуритилган мевалар

– نُشُوفَةٌ қуруқлик

– نُشُوفِيَّةٌ қуруқлик, қурғоқчилик

نَشَقَ I (а) نَشْقٌ 1) бурун билан нафас олмоқ, бурунга тортмоқ; 2) ҳидламоқ, искамоқ, ҳид (ис) сезмоқ; II نَشَّقَ (тамаки, дори ва ш. к. ларни) ҳидлатмоқ, искатмоқ; IV أَنْشَقَ = II; V تَنَشَّقَ 1) ҳидламоқ, бурунга тортмоқ, нафас олмоқ; 2) (янгиликларни) суриштириб билмоқ; X اسْتَنْشَقَ 1) (мас. кокаинни) ҳидламоқ, ичига тортмоқ; 2) (янгиликларни) суруштириб билмоқ, пайқамоқ

– تَنْشِيقَةٌ бир чимдим бурнаки тамаки

– مَنْشَقَةٌ тамакидон, тамаки қутиси

– نَشْقٌ ичига тортиш; ҳидлаш, искаш

– نَشُوقٌ, نُشُوقٌ бурнаки тамаки

نَشَلَ I (у) نَشْلٌ 1) тортиб олмоқ, суғуриб олмоқ, тортиб кетмоқ; 2) ўғирламоқ, ўғирлаб чиқмоқ, ўғирлаб олмоқ; 3) (к. нидир) олиб кетмоқ (ўлим ҳақида); VIII انْتَشَلَ (қудуқдан сув) чиқармоқ, олмоқ; (қаердандир) олиб чиқмоқ, тортиб чиқмоқ (مِنْ); 2) (балодан) қутқармоқ, халос этмоқ (مِنْ)

– مَنْشَلَةٌ жимжилоқнинг узук тақиладиган жойи

– نَشَّالٌ киссавур

– نَشْلٌ киссавурлик

(نشم) II نَشَّمَ 1) ҳидланмоқ, ҳидланиб қолмоқ, сасимоқ, ҳиди келмоқ (гўшт ҳақида); 2) (н. нидир) бошламоқ (فِى); V تَنَشَّمَ (н. нидир) бошламоқ (فِى)

– نَشَمٌ: الـــ~ُ الْأَسْوَدُ бот. элма (қайрағочнинг бир тури).

(نشن) II نَشَّنَ 1) (н. нидир) нишонга олмоқ, мўлжалга олмоқ (عَلَى); 2) белгиламоқ, белги қўймоқ; ~ الْبَضَائِعَ товарларга белги қўймоқ; маркаламоқ, марка босмоқ

– تَنْشِينٌ 1) нишонга олиш, мўлжалга олиш; 2) тамға босиш, белги қўйиш; ~ الْبَضَائِعِ товарларга белги қўйиш; маркалаш, марка босиш

– مُنَشِّنٌ ҳарб. нишонга олувчи, мўлжалга олувчи, наводкачи

– نِشَانٌ кўп. ـــَاتٌ 1. нишон, мўлжал; 2) нишон, орден; босиш, фарқлаш учун қўйилган белги

– نِشَانْجِيٌّ кўп. نِشَانْجِيَّةٌ моҳир ўқчи, моҳир мерган

– نِشَنْكَاهٌ мўлжал, (ўқли қуроллардан нишонга олиш жиҳози); ~ أَمَامِيٌّ милтиқ нишони (қоровули); ~ خَلْفِيٌّ мўлжал рамкаси

– نِشَانٌ = نِيشَانٌ.

نَشْنَشَ 1) чаққон бўлмоқ, эпчил бўлмоқ, тезкор бўлмоқ; 2) жазилламоқ, вашилламоқ, вишилламоқ; تَنَشْنَشَ тирилмоқ, жон бермоқ

– نَشْنَاشٌ жонли, эпчил, чаққон, уддабурон, абжир; оёқ-қўли чаққон

– نَشْنَشَةٌ 1) эпчиллик, чаққонлик,; 2) шақиллаш, вашиллаш, вишиллаш

(نشو) نَشِيَ I (а) نَشْوٌ маст бўлмоқ, кайфи ошмоқ, сархуш бўлмоқ; II نَشَّى крахмалламоқ; VIII انْتَشَى 1) маст бўлмоқ, кайфи ошмоқ; 2) крахмалланмоқ; X اسْتَنْشَى 1) ҳидламоқ, искамоқ; 2) (н. нидир ичиб) маст бўлмоқ (فِى, مِنْ)

– انْتِشَاءٌ маст бўлиш, кайфи ошиб қолиш

– مُنَشًّى крахмалланган

– نَشًا 1) шунингдек, ~ الْحُبُوبِ крахмал; ~ الْبَطَاطِسِ картошка уни; الـــ~ يَاقَاتُ крахмалланган ёқалар; 2) ҳид, бўй, ис; 3) бот. бута

– نَشَاءٌ крахмал

– نَشْوٌ маст бўлиш, кайфи ошиш

– نَشْوَانُ мн. نَشْوَى кўп. نَشَاوَى 1) маст, кайфи бор; 2) ичиб маст бўлган; шод, хурсанд

– نَشْوَةٌ кўп. نَشَوَاتٌ маст бўлиш, кайфи ошиб қолиш; 2) шунингдек ~ الطَّرَبِ хуш кайфият, хурсандлик, завқланиш, қувонч, сурур, кайф; 3) хушбўй, хушбўй ҳид, муаттар ҳид

– نَشْوِيٌّ маст қилувчи, кайфни оширувчи (ичимлик)

– نَشَوِيٌّ крахмалли; الْمَوَادُ الـــ~َةُ ёки النَّشَوِيَّاتُ крахмалли моддалар

– نَشْيَانٌ миш-мишларни ва янгиликларни тарқатувчи

نَصَّ I (а/у) نَصٌّ 1) (*текстда н. ҳақидадир*) дейилмоқ (عَنْ); 2) (*н. нидир*) аниқламоқ, (*н. гад ир*) ишора қилмоқ (عَنْ); 3) (*н. нингдир*) матнини тузмоқ; баён қилмоқ; كَلَامَ الرِّسَالَةِ ~ хатнинг матнини тузмоқ; 4) (*бир н. ни иккинчи н. устига*) жойлаштирмоқ, тахламоқ; 5) (*туяларни*) бор кучи билан ҳайдамоқ; 6) (*ҳикояни к. гадир*) тақамоқ, нисбат бермоқ, мансуб деб билмоқ (إِلَى); 7) кўтармоқ; II نَصَّصَ 1) тахламоқ, жойламоқ; 2) (*н. нингдир*) матнини тузмоқ, баён қилмоқ; 3) (*к. нингдир*) сўзини келтирмоқ, цитата (иқтибос) келтирмоқ

تَنْصِيصٌ – цитата (иқтибос) келтириш; عَلَامَةُ الـ~ *грам.* қавс

مَنَصَّةٌ – *кўп.* مَنَاصٌّ ўриндиқ, кресло; минбар, кафедра; ~ُ الْقَضَاءِ судья креслоси; ~ُ الْخَطَابَةِ нотиқнинг минбари; ~ُ التَّصْوِيرِ рассомликда ишлатиладиган учоёқли дастгоҳ, мольберт; ~ُ الْعَرُوسِ келин ўтирадиган ўриндиқ

مَنْصُوصٌ – عَلَيْهِ ~ матнда ифодаланган нарса

نَصٌّ – *кўп.* نُصُوصٌ матн, текст; баён, аниқ маъно; الـ~ُ الْمُعْتَمَدُ *дип.* асл нусхага мос, мувофиқ бўлган матн; ◊ بِـ~ِـهِ وَ فَصِّهِ тўла-тўкис, ҳеч бир ўзгаришсиз, ўша сўзларнинг ўзи ёрдамида

نُصٌّ – *халқ.* ярим; ~ (و) ~ ёки ~ عَلَى ~ ўртача, ўрта, у ёқ ҳам эмас, бу ёқ ҳам эмас; ~ (و) ~ فِيلْمٌ ўртача фильм

نَصَّةٌ – *кўп.* اتٌ — мода чумчуқ

نُصَّةٌ – *кўп.* نُصَصٌ кокил, зулф, гажак

نَصِّيٌّ – матн (текст) га оид

نَصَبَ I (نصب) (u) نَصْبٌ 1) тик қилиб қўймоқ, ўрнатмоқ, тикламоқ, тиккайтирмоқ; (*байроқни*) баландликка ўрнатмоқ, ўрнатиб мустаҳкамлаб қўймоқ, тикмоқ; (*тузоқ, тўр*) қўймоқ, ўрнатмоқ; كَمِينًا ~ пистирма ташкил қилмоқ; الْخَيْمَةَ ~ чодир ўрнатмоқ, тикмоқ; لَهُ الشَّرَّ ~ кимгадир ёвузликни ният қилмоқ; لَهُ ~ الْحَرْبَ кимгадир қарши уруш очмоқ; ~ـهُ هَدَفًا (*бирор н.-учун*) ниманидир мақсад қилиб қўймоқ (لِـ); نَفْسَهُ خَبِيرًا ~ ўзини мутахассис қилиб кўрсатмоқ; 2) (*бирор мансабга*) тайин қилмоқ; 3) (*дарахт*) ўтқазмоқ; 4) (*к. нидир*) алдамоқ, товламоқ (عَلَى); 5) қийнамоқ, ҳолдан тойдирмоқ, тинкани қуритмоқ, ориқлатмоқ, оздирмоқ (*касаллик ҳақида*); 6) *грам.* отни тушум келишигида келтирмоқ; феълни истак майлига солмоқ; نَصِبَ (а) نَصَبٌ 1) чарчоқ сезмоқ, чарчамоқ, толиқмоқ; 2) чиранмоқ, кучаймоқ, зўриқмоқ; II نَصَّبَ (*бирор мансабга, ўринга*) қўймоқ, тайин қилмоқ; ~ـهُ فِي كُرْسِيِّ ... кимнидир кафедрага қўймоқ; ~ـهُ حَاكِمًا فِي ... кимнидир ҳоким қилиб тайинламоқ; ◊ أُذُنَيْهِ ~ қулоқни диккайтирмоқ, диққат билан қулоқ солмоқ; III نَاصَبَ адоват қилмоқ, душманлик қилмоқ; ~ـهُ الْعَدَاءَ кимгадир душманлик қилмоқ; ~ـهُ الْحَرْبَ кимгадир қарши уруш эълон қилмоқ; IV أَنْصَبَ 1) толиқтирмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, чарчатмоқ; 2) улушини, ҳиссасини тақсимлаб бермоқ; V تَنَصَّبَ тайинланмоқ, тайин қилинмоқ; VIII اِنْتَصَبَ тик турмоқ, тўғри турмоқ; 2) кўтарилмоқ; ~ وَاقِفًا тўғриланмоқ, ростланмоқ, қаддини тикламоқ; сакраб ўрнидан турмоқ; 3) қўйилмоқ, ўрнатилмоқ; 4) тайинланмоқ, тайин қилинмоқ; لِلْحُكْمِ ~ (*судда*) ҳукм эълон қилиниши учун ўриндан турмоқ

اِنْتِصَابٌ – 1) туриш, тик туриш; 2) кўтариш, тиклаш; 3) эрекция (*эркаклар жинсий олатининг кўтарилиши*); عَدَمُ الـ~ жинсий ожизлик

تَنْصِيبٌ – (*мансабга, лавозимга*) тайинлаш, тайин қилиш

مُنْتَصِبٌ – қадалган, ўрнатилган, кўтарилган, тикланган

مَنْصِبٌ – *кўп.* مَنَاصِبُ 1) мансаб, лавозим; мавқе, вазият; أَصْحَابُ (أَرْبَابُ) الْمَنَاصِبِ юқори лавозимдаги шахслар; ~ُ الْوِزَارَةِ вазирлик лавозими; 2) асос, бошланиш жойи

مِنْصَبٌ – *кўп.* مَنَاصِبُ 1) ўчоқ; 2) *шунингдек.* ثُلَاثِيٌّ ~ уч оёқли темир таглик, уч оёқли столча

مَنْصُوبٌ – 1) тик қилиб қадалган; 2) тайин қилинган; 2) тайинланган, қўйилган; *грам.* тушум келишигида келган ёки истак майлида келган

مَنْصُوبَةٌ – *кўп.* اتٌ — *шахм.* доналарнинг вазияти

نَاصِبٌ[1] – ҳолдан тойдирадиган, ҳолни қуритадиган; толиқтирувчи

نَاصِبٌ[2] – *кўп.* نَوَاصِبُ *грам.* отни тушум келишигида ёки феълни истак майлида бошқарувчи юклама

نِصَابٌ – *кўп.* نُصُبٌ, أَنْصِبَةٌ 1) бошланиш, бошланғич нуқта, асос; أَعَادَ (رَدَّ) النِّظَامَ إِلَى ~ِـهِ тартиб ўрнатмоқ, тартиб жорий қилмоқ; رَدَّ الْعَدْلَ إِلَى ~ِـهِ адолатни қайта тикламоқ; وَضَعَ الْأُمُورَ فِي ~ِـهَا ҳамма нарсани жой-жойига қўймоқ; 21) соп, банд, даста, тутқа; 3) у ёки бу ишда қатнашиш ҳуқуқини чеклайдиган молиявий шартлар, мулк цензи (нисоби): чеклайдиган молиявий шартлар, الـ~ُ الْقَانُونِيُّ لِـ... ...да қатнашиш учун қонунда кўрсатилган ценз (нисоб); 4) кворум; الـ~ُ مَفْقُودٌ! кворум йўқ!; اكْتَمَلَ الـ~ُ الْقَانُونِيُّ кворум бор

نَصَّابٌ – алдоқчи, фирибгар, аферист, ўғри, қароқчи

نَصْبٌ[1] – 1) ўрнатиш; тиклаш, қадаш, тик қилиш; 2) тайин қилиш, тайинлаш; 3) фирибгарлик, ҳийлагарлик; алдов, ёлғончилик; عِصَابَةُ ~ фирибгарлар тўдаси; 4) ўрнатилган, тикланган, барпо қилинган (*нарса*); ҳайкал, монумент; 5) касаллик; 6) *грам.* тушум келишиги; истак майли

نَصْبٌ[2] – *жам. кўп.* نُصُوبٌ кўчатлар, ниҳоллар

نَصَبٌ[1] – 1) оғир меҳнат, вазмин иш; оғирлик, қийинлик; 2) чарчаш, толиқиш, ҳолдан кетиш; 3) уқубат, кулфат, заҳмат

نَصَبٌ[2] – *кўп.* أَنْصَابٌ кўтарилган, ўрнатилган байроқ

نُصْبٌ[1], نُصُبٌ – *кўп.* أَنْصَابٌ 1) ҳайкал, монумент; تِذْكَارِيٌّ ~ ҳайкал; 2) бут, санам

– نُصْبٌ[2] бало, офат, ёмонлик, ёвузлик

– نُصْبَ олдида, ~ عَيْنَيَّ кўзларим олдида; وَضَعَهُ ~ عَيْنَيْهِ ўз олдига бирор мақсад қўймоқ; бирор нарса ҳақида қайғурмоқ; ниманидир доим назарда тутмоқ

– نُصْبَةٌ[1] кўп. ـاتٌ — 1) ёш кўчат, ёш ниҳол; 2) шунингдек: ~ الطِّيبِ ўчоқ

– نُصْبَةٌ[2] 1) ҳийла, найранг, алдов; 2) грам. фатҳа

– نُصْبَةٌ 1) устун, столб; ~ الْأَمْيَالِ ҳар чақиримда ўрнатилган устун; сим тортиш ёки бошқа мақсадлар учун қилинган баланд минорасимон қурилма, мачта

– نَصِيبٌ кўп. نُصُبٌ, أَنْصِبَةٌ, أَنْصِبَاءُ 1) ҳисса, улуш, насиба; كَانَ ~ ـهُ مِنْ ... унинг қисмати ...дан иборат эди; لَيْسَ لِهَذَا الْخَبَرِ أَدْنَى ~ مِنَ الصِّحَّةِ бу хабарда заррача ҳам ҳақиқат йўқ; 2) тақдир, қисмат, толе, пешона; омад, ютуқ; يَا ~ лотерея; ◊ ~ الْأَسَدِ энг кўпи, энг кўп қисми

نَصَتَ I (и) نَصْتٌ 1) индамай турмоқ, сукут қилмоқ, жим қолмоқ; тинглаш учун жим бўлмоқ; 2) (н. нидир) тингламоқ, охиригача қулоқ солмоқ (لِـ); IV أَنْصَتَ (н. гадир) қулоқ солмоқ, эшитмоқ (لِـ); V تَنَصَّتَ билдирмай эшитиб олмоқ; диққат билан тингламоқ

– تَنَصُّتٌ билдирмай эшитиб олиш

– مُتَنَصِّتٌ билдирмай эшитиб олувчи

– نَصْتٌ тинглаш, эшитиш, диққат билан эшитиш

– نُصْتَةٌ жим туриш, тик туриш

نَصَحَ I (а) نُصْحٌ, نُصُوحٌ, نَصَاحَةٌ 1) маслаҳат бермоқ, насиҳат қилмоқ; тавсия қилмоқ; 2) самимий бўлмоқ; чин кўнгилдан муносабатда бўлмоқ; 3) тўғри бўлмоқ (фикр ҳақида); ◊ ~ تِ الْإِبِلُ الشُّرْبَ туя қониб сув ичди; ~ الثَّوْبَ кийим тикмоқ; III نَاصَحَ самимият билдирилмоқ; дўстона маслаҳат бермоқ; IV أَنْصَحَ суғормоқ, сув бермоқ, сув ичирмоқ; V تَنَصَّحَ насиҳатгўйларга тақлид қилмоқ; VIII انْتَصَحَ маслаҳатга қулоқ солмоқ, сабоқ олмоқ, ибрат олмоқ; ~ بِالنَّصِيحَةِ маслаҳатга қараб иш тутмоқ; X اسْتَنْصَحَ 1) маслаҳат сўрамоқ, консультация олмоқ; 2) насиҳатгўй ҳисобламоқ

– أَنْصَحُ энг самимий, энг садоқатли

– نَاصِحٌ 1) насиҳат қилувчи; самимий муносабатда бўлувчи; 2) маслаҳатгўй, ақл ўргатувчи; 3) тикувчи, мошиначи; ~ الْجَيْبِ покдил, оқ кўнгил; رَجُلٌ ~ الْجَيْبِ оқ кўнгил одам

– نِصَاحٌ 1) ип; 2) сим

– نُصْحٌ 1) муносабатларнинг самимийлиги; 2) насиҳат

– نَصُوحٌ самимий, чин юракдан қилинган

– نَصِيحٌ = نَاصِحٌ

– مَنْقَلَةٌ 1) ўтиладиган жой; (*йўлнинг*) бир этапи; 2) манқала (*ўйин номи*)

– مِنْقَلَةٌ *кўп.* مَنَاقِلُ транспортир

– مَنْقُولٌ 1) нақл қилинадиган, ўтказиладиган; 2) кўчириладиган; ташиб юриладиган; 3) кўчма, ҳаракатдаги (*мулк ҳақида*); غَيْرُ ~ кўчмас; أَمْوَالٌ ~ـةٌ *ёки* مُلْكٌ ~ уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); مُلْكٌ غَيْرُ ~ кўчмас мулк; 4) (*қаердандир*) ўзлаштирилган, қабул қилинган (عَنْ); 5) кўчирилган, кўчириб ёзилган

– مَنْقُولَاتٌ *кўп.* уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); مَنْزِلِيَّةٌ ~ *ёки* ~ الْمَنْزِلِ уй анжомлари

– مَنْقُولِيَّةٌ ташиш, узатиш, ўтказиш имконияти

– نَاقِلٌ *кўп.* نَقَلَةٌ, نُقَّالٌ 1) нақл қилувчи, узатувчи; ~ الْحَرَكَةِ узатмалар қутиси; 2) элтувчи, ташувчи; 3) тилмоч таржимон; 4) *эл.* ўзидан электр токи ўтказувчи, *радио.* сигналларни узатувчи, тарқатувчи; ~ الصَّوْتِ микрофон; 5) кўчириб ёзувчи, нусха кўчирувчи

– نَاقِلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) узатувчи, нақл қилувчи; 2) элтувчи, ташувчи; ~ مُتَحَرِّكَةٌ конвейер; 3) транспорт, транспорт кемаси; ~ الْبِتْرُولِ (النِّفْطِ) нефть ташувчи танкер; ~ الْجُنُودِ қўшинлар ташиладиган транспорт

– نَاقِلِيَّةٌ 1) юк ташиш ҳақи, кира ҳақи; 2) *эл.* ток ўтказувчанлик

– نَقَّالٌ беморларни ташувчи (санитар)

– نَقَّالَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) беморларни ташишга мўлжалланган замбил, носилка; 2) беморларни ташийдиган арава; 3) транспорт кемаси

– نَقَّالِيٌّ ҳаракатчан, кўчма, кўчиб юрувчи

نَقْلٌ *кўп.* نُقُولٌ бир жойдан бошқа жойга кўчиш; бир жойдан бошқа жойга ўтиш; олиб ўтиш; ташиш; 2) транспорт; الـ~ النَّهْرِيُّ дарё транспорти; الـ~ الْجَوِّيُّ ҳаво транспорти; مَصَارِيفُ الـ~ транспорт харажати; وَسَائِلُ الـ~ транспорт воситалари; سَيَّارَةُ الـ~ юк автомобили; مَرْكَبُ ~ транспорт, транспорт кемаси; 3) кўчириш, узатиш; جِهَازُ ~ الْحَرَكَةِ *тех.* трансмиссия; 4) ўзлаштириш; ~اً عَنْ ... (*к. нингдир*) гапига кўра ...; 6) кўчириб ёзиш, нусха олиш; 7) копия, нусха, кўчириб олинган нақш; 8) анъана, традиция; ◊ ~ الدَّمِ қон қуйиш; عَمَلِيَّةُ ~ الْكُلَى *мед.* буйракни кўчириб ўтқазиш операцияси (амалиёти)

– نَقَلٌ майдаланган тош, шағал

– نُقْلٌ *жам. кўп.* نُقُولٌ 1) ёнғоқлар; كَسَّارَةُ الـ~ ёнғоқ чақадиган омбир; 2) қуруқ, қуритилган мевалар; 3) ширинликлар; дёсерт

– نَقْلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — *шахм.* юриш

– نُقْلَةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ — 1) бир жойдан бошқа жойга кўчиш, кўчиб ўтиш; 2) *шахм.* юриш

– نُقْلَةٌ[2] *кўп.* қўл билан кўчирилган (ёзилган) қисм

– نُقْلَةٌ[3] *кўп.* نُقَلٌ бўҳтон, чақимчилик, ғийбат, фисқ-фасод

– نُقْلِيٌّ *кўп.* نُقْلِيَّةٌ ёнғоқфуруш, қуруқ меваларни сотувчи

– نَقْلِيٌّ 1) анъанавий, традицион; 2) транспортга оид

– نَقْلِيَّةٌ 1) транспорт; 2) қовурилган саримсоқ пиёз (*таом*)

– نَقْلِيَّاتٌ *кўп.* 1) анъанавий фанлар, традицияга асосланган фан соҳалари; 2) транспорт

– نَقِيلَةٌ *кўп.* نَقَائِلُ оёқ кийимига солинадиган ямоқ

نَقَمَ I (и) نَقْمٌ (*к. нидир*) айбламоқ, (*к. дандир*) гина қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. дандир*) қасос олмоқ (عَلَى، مِنْ); 3) (*к. гадир*) кек сақламоқ, (*к гадир қарши*) тиш қайрамоқ (مِنْ); II نَقَّمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ

(عَلَى); VIII انْتَقَمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ (مِنْ); (*бирор н. учун*) қасос олмоқ (لِـ)

– انْتِقَامٌ интиқом, қасос, ўч; қасос олиш, ўч олиш; қаримта қайт..., реванш

– انْتِقَامِيٌّ 1) қаримта қайтариш (*реванш*) га оид; 2) қаримта қайтарувчи, реваншист

– انْتِقَامِيَّةٌ реваншизм

– مُنْتَقِمٌ интиқом (қасос., ўч) олувчи, қасоскор

– نَاقِمٌ 1) қасос олувчи, қасоскор; 2) (*к. дандир*) норози; (*к. дандир*) аччиқланган (عَلَى) كَانَ ~ا عَلَى زَيْدٍ у Зайддан аччиқланиб юрибди; 3) қасоскор

– نَقْمٌ қасос, ўч, кек, адоват; ... صَبَّ الـ~ عَلَى ғазабини ...га тўкиб солмоқ (...га сочмоқ)

– نِقْمَةٌ *кўп.* نِقَمٌ *ёки* نَقِمَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) қасос, ўч; 2) кек, адоват, қаҳр, ғазаб, хусумат, ғараз; норозилик; нафрат; 3) жазо, азоб; 4) офат, бало

– نَقِيمَةٌ: مَيْمُونُ الـ~ = مَيْمُونُ النَّقِيبَةِ *қар.* نَقِيبَةٌ

نَقْنَقَ 1) вақвақламоқ, вақилламоқ; 2) иштаҳа йўқлигидан хоҳламай оз-оздан чимчилаб овқат емоқ

– نَقَانِقُ колбаса,сосиска

– نَقْنَقَةٌ 1) вақвақлаш, вақиллаш; 2) иштаҳасизлик билан овқатланиш

I نَقِهَ (*а*) نَقَهٌ соғаймоқ, тузалмоқ; زَيْدٌ لاَ يَفْقَهُ وَ لاَ يَنْقَهُ Зайд ҳеч нарсани тушунмайди; IV أَنْقَهَ даволамоқ, шифо бермоқ, тузатмоқ; VIII انْتَقَهَ = I

– نَاقِهٌ соғаювчи, тузалувчи

– نَقَاهَةٌ соғайиш, тузалиш

– نَقَاهَةٌ = نَقَهٌ

– نَقَاهَةٌ = نُقُوهٌ

نَقْوَارٌ масхарабоз, қизиқчи

– نَقْوَرَةٌ 1) масхара қилиш, мазах қилиш, калака қилиш; 2) ғийбат, гап-сўз, ғиди-биди, миш-миш

I نَقِيَ (*а*) نَقَاءٌ، نَقَاوَةٌ، نُقَاوَةٌ тоза бўлмоқ, покиза бўлмоқ; II نَقَّى 1) тозаламоқ, пўстини олмоқ, оқламоқ, арчмоқ; 2) ажратмоқ, навларга ажратмоқ; IV أَنْقَى тозаламоқ, артмоқ; ◊ أَنْقَتِ الإِبِلُ туя семирди; V تَنَقَّى тозаланмоқ, артилмоқ; VIII انْتَقَى 1) танлаб олмоқ, танламоқ, сараламоқ; 2) *биол.* танламоқ, ҳайвон *ёки* ўсимликнинг навини яхшилаш чорасини кўрмоқ

– انْتِقَاءٌ 1) саралаш, танлаш; 2) *биол.* селекция

– تَنْقِيَةٌ 1) оқлаш, тозалаш, пўстини олиш; 2) танлаш

– مُنْتَقًى *мн.* مُنْتَقَاةٌ танланган, сараланган

– نَقَاوَةٌ = نَقَاءٌ

– نُقَاوَةٌ، نَقَاوَةٌ 1) тозалик, поклик; 2) энг яхши, сараланган, танлаб олинган

– نَقَائِيَّةٌ ахлоқни пок ва қаттиқ сақлашга уриниш, пуризм

– نُقَايَةٌ *кўп.* نُقَاءٌ، نَقَايَا 1) танлаш, саралаш; 2) (*меванинг*) данаги, уруғи

– نِقْيٌ *кўп.* أَنْقَاءٌ илик, суяк илиги

– نَقِيٌّ тоза, покиза, доғ тушмаган, ҳеч нарса аралашмаган

– نَقِيٌّ = نَقِيٌّ

I نَكَأَ (*а*) نَكْءٌ 1) йиринг бойлаган ярани тешмоқ; 2) ярага тегиб оғритмоқ, ярани оғритмоқ; 3) зарба бермоқ

I نَكَبَ (نكب) (*у*) نَكْبٌ 1) бошга тушмоқ, йўлиқмоқ (*офат, бахтсизлик ҳақида* -بِ); оғритмоқ, азоб бермоқ; ـهُ الدَّهْرُ ~ у тақдир кулфатини татиб кўрган; 2) (*йўлдан*) тойдирмоқ (عَنْ); نَكَبَ (*у*) 1) نُكُوبٌ، نَكْبٌ ўз йўналишини ўзгартирмоқ (*шамол ҳақида*); 2) (*бирор н. дан*) юз ўгирмоқ, бурилмоқ (عَنْ); 3) نُكِبَ кулфатни бошдан ўтказмоқ; (*н. дандир*) жафо чекмоқ (بِ); (*н. биландир*) заҳарланмоқ, шикастланмоқ; نُكِبَ الْبَلَدُ بِالاحْتِلاَلِ ўлка оккупациядан азоб чекарди; II نَكَّبَ 1) четга чиқмоқ, четга бурилмоқ; (*н. дандир*) чиқиб кетмоқ (عَنْ); 2) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ; V تَنَكَّبَ 1) (*н. дандир*) ўзини четга олмоқ, ўзини тортмоқ, ўзини олиб қочмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) четга чиқмоқ, четга бурилмоқ (عَنْ); عَنْ جَادَّةِ الصَّوَابِ ~ тўғри йўлдан адашмоқ; ~ عَنْ طَرِيقِ الْمَعَاصِي осийлик йўлидан чиқмоқ; ... بِهِ عَنْ ~ кимнидир ...дан қайтармоқ; ... الشَّارِعَ إِلَى ~ кўчадан ...га томон бурилди; مَا تَنَكَّبَ أَنْ ... у ... (и) шни унутмади; 2) елкага олмоқ, елкада кўтариб бормоқ; السِّلاَحَ ~ қуролни елкага олмоқ

– مَنْكِبٌ *кўп.* مَنَاكِبُ 1) елка; عَرِيضُ الْمَنْكِبَيْنِ кенг елкали, елкаси кенг; 2) қўл ва елкани ташкил этувчи суяклар мажмуи; 3) тараф, томон; هُوَ فِي السَّعْيِ الْمُسْتَمِرِّ فِي مَنَاكِبِ الأَرْضِ у бутун жаҳонни кезиб юрибди; 3) тепалик

– مَنْكُوبٌ 1) жабрланган, жафо кўрган, азоб тортган; 2) (*ҳалокат*) қурбони; *кўп.* مَنْكُوبُونَ жабрланганлар, жафо тортганлар

– نَكْبٌ *кўп.* نُكُوبٌ фалокат, ҳалокат, бахтсизлик

– نَكْبَةٌ *кўп.* نَكَبَاتٌ бахтсизлик, офат, фалокат; ҳалокат, катастрофа

I نَكَتَ (*у*) نَكْتٌ 1) ағдармоқ, йиқитмоқ, қулатмоқ; тўкмоқ, бўшатмоқ; холи қилмоқ; 2) ерни титиб ташламоқ, тупроқни сочиб ташламоқ (*хўроз ҳақида*); II نَكَّتَ пичинг қилмоқ, аския қилмоқ, киноя қилмоқ, ҳазил қилмоқ; (*к. нингдир устидан*) кулмоқ (عَلَى); ~ فِي كَلاَمِهِ ҳадеб пичинг қилавермоқ; VIII انْتَكَتَ ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ, қуламоқ

– تَنْكِيتٌ 1) масхара қилиш, мазах қилиб кулиш; 2) ҳазил, пичинг; аскиямомиз ибора; 3) нуқталар *ёки* пунктир чизиқлар билан расм чизиш

– مُنَكِّتٌ ҳазилкаш, масхарабоз, мазаҳчи

– نَكَّاتٌ 1) аскиячи, аскиябоз, қизиқчи; 2) ҳазилкаш, масхарабоз, аямай танқид қилувчи

– نُكْتَةٌ *кўп.* نُكَتٌ، نِكَاتٌ 1) аскиявомиз ибора, пичинг, киноя; ҳазил, латифа; تَبَادَلَ النُّكَتَ бир-бирига ўзаро ҳазил қилишмоқ; 2) кулгилилик, ўткирлик, қизиқлик, ғалатилик; 3) кичкина доғ, хол, зирахол

– نُكَتِيٌّ ғалати, ҳазиломиз, ўткир

I نَكَثَ (у) نَكْثٌ (*мас. ваъдага*) хилоф иш қилмоқ; (*берилган сўзга*) амал қилмай юрмоқ; (*шартномани*) бекор қилмоқ; ~ الْحَبْلَ чилвирни узмоқ; VIII اِنْتَكَثَ риоя қилмай қўймоқ, бузилмоқ

– نَاكِثٌ 1) риоя қилмай қўйган; 2) аҳдини бузувчи, ўз сўзида турмайдиган

– نَكْثٌ риоя қилмаслик; ~ الْعَهْدِ ваъдани (келишувни) бузиш

– نَكِيثَةٌ *кўп.* نَكَائِثُ 1) риоя қилмаслик; 2) кучи етганича тиришиш; 3) табиат, феъл-атвор; 4) қийинчилик, қийин иш

I نَكَحَ (а,и) نِكَاحٌ 1) никоҳланмоқ, уйланмоқ, турмушга чиқмоқ; 2) қовушмоқ, жинсий алоқа қилмоқ; IV أَنْكَحَ уйлантирмоқ, турмушга бермоқ

– مَنَاكِحُ *кўп.* аёллар

– نِكَاحٌ *кўп.* أَنْكِحَةٌ 1) никоҳ; 2) қўшилиш, жинсий алоқа қилиш

I نَكِدَ (а) نَكَدٌ 1) қийин бўлмоқ, вазмин бўлмоқ (*ҳаёт ҳақида*); 2) бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; II نَكَّدَ 1) қийнамоқ, вазмин қилмоқ, қийинлаштирмоқ; 2) (*к. нидир*) бадбахт қилмоқ (عَلَى); III نَاكَدَ машаққатга қўймоқ, машаққатга солмоқ; жонга тегмоқ, безор қилмоқ, дилни сиёҳ қилмоқ, қасдма-қасдга бирор иш қилмоқ; V تَنَكَّدَ 1) қийин бўлмоқ, вазмин бўлмоқ; 2) бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; VI تَنَاكَدَ бир-бирига ёмонлик қилмоқ

– أَنْكَدُ *мн.* نُكْدٌ *кўп.* نُكَدَاءُ 1) бахти қора, пешонаси шўр; الْعَيْشِ ~ الـــ бахтсиз ҳаёт; 2) яхшилик қилмайдиган, яхшилик қилишни ўйламайдиган

– مُنَاكَدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــــ машаққатга қўйиш; жонга тегиш, безор бўлиш; кўнгилсиз воқеа, ноxуш воқеа

– مُنَكَّدٌ бахтсиз, бадбахт

– مَنْكُودٌ жуда хафа бўлган, ранжиган; бахтсиз, бадбахт; ~ الْحَظِّ бахти қора

– نَكَدٌ 1) огирлик, вазминлик; омадсизлик, муваффақиятсизлик; бахтсизлик; ... وَ مِنْ ~ الطَّالِعِ أَنْ бахтга қарши, ...

– نَكِدٌ *кўп.* أَنْكَادٌ، مَنَاكِيدُ 1) оғир, вазмин; 2) серзарда, жиртаки, жиззаки; ўжар, қайсар, терс; 3) яхшилик қилмайдиган; ~ رَجُلٌ яхшилик қилишни ўйламайдиган одам

I نَكِرَ (а) نَكَرٌ، نُكْرٌ، نُكُرٌ، نَكِيرٌ 1) билмай қолмоқ; 2) танимай қолмоқ; 3) тан олмай турмоқ, инкор қилмоқ; ~ لِلْجَمِيلِ яхшиликни билмайдиган бўлмоқ, қадр-қимматга етмайдиган бўлмоқ; 4) маъқулламай турмоқ; II نَكَّرَ 1) таниб бўлмайдиган даражага келтирмоқ; яширмоқ, ниқобламоқ; 2) *грам.* отни ноаниқ ҳолатга ўзгартирмоқ; III نَاكَرَ 1) курашмоқ; 2) маъқулламай турмоқ, салбий муносабатда бўлмоқ; IV أَنْكَرَ тан олмай қўймоқ, танимай қолмоқ; инкор этмоқ; рад этмоқ, қайтармоқ, тонмоқ, қайтмоқ; ~ ابْنَهُ ўз ўғлидан воз кечмоқ; 2) (*к. ғадир*) танбеҳ бермоқ (عَلَى); 3) маъқулламай қуймоқ, (*н. нидир*) ўзига номуносиб ҳисобламоқ; ~ لَمْ يُنْكِرْ شَيْئًا جَهَامَةً مِنْ أُمِّهِ онасининг юзидаги тундлик унга ёқмади; وَ أَوَّلَ الْأَمْرِ аввалига у ўзи учун ҳеч қандай ёмон нарса кўрмади; ... حِينَ تُنْكِرُ عَيْنَيْكَ ...ганда кўзларингга ишонмайсан; يُنْكِرُهُ النَّاسُ у одамларнинг аксидир; V تَنَكَّرَ (*к. дир*) таний олмайдиган бўлиб кетмоқ (لِـ); 2) ўзини таниб бўлмайдиган қилиб олмоқ, кийимни ўзгартирмоқ, ниқобланмоқ; تَ فِي مَلَابِسِ الرِّجَالِ у (аёл) эркаклар кийимини кийиб олди; 3) яширинмоқ; 4) тахаллус билан нашр эттирмоқ; 5) *грам.* ноаниқ ҳолатда бўлмоқ; 6) (*бирор к. ёки н. га нисбатан*) салбий муносабатда бўлмоқ (لِـ); (*н. дандир*) тонмоқ, қайтмоқ (لِـ); 7) (*бирор к. билан*) ихтилофда бўлмоқ, (*к. ғадир*) зид бўлмоқ (لِـ); يَتَنَكَّرُ هٰذَا لِكُلِّ حَقِيقَةٍ مَوْضُوعِيَّةٍ бу ҳар қандай объектив ҳақиқатга зиддир; 8) (*к. дандир*) четлашмоқ, ўзини четга тортмоқ (لِـ); 9) (*к. дандир*) жаҳли чиқмоқ, ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, аччиқланмоқ (لِـ); ~ لَهُمُ الدَّهْرُ қисматнинг зулмини улар кўп кўришган; VI تَنَاكَرَ 1) бир-бири билан зиддиятда бўлмоқ; 2) ўзини билмасликка, танимасликка солмоқ; 3) инкор қилмоқ, бекор қилмоқ; X اِسْتَنْكَرَ 1) салбий, бемаъни деб билмоқ; инкор қилмоқ; 2) тан олмай қўймоқ, эътиборсиз қолдирмоқ, аҳамият бермай қўймоқ; 3) билмай қолмоқ

– اِسْتِنْكَارٌ инкор қилиш, маъқулламаслик

– إِنْكَارٌ инкор қилиш, тан олмаслик; ~ الْجَمِيلِ яхшиликни билмаслик; ~ الذَّاتِ ўз манфаатидан кечиш, ўзидан (ўз жонидан) кечиш, фидокорлик, жонбозлик

– أَنْكَرُ *мн.* نُكَرَاءُ 1) ярамас, хунук,жирканч, чиркин; 2) катта, улкан (*офат ҳақида*); نَكْبَةٌ نُكَرَاءُ катта бахтсизлик

– تَنْكَارٌ маъқулламаслик, танбеҳ бериш

– تَنَكُّرٌ 1) яшириниш; кийимни ўзгартириш, ниқобланиш; حَفْلَةُ الـــ ~ маскарад, маскараддагидек кийим кийиб ўтказиладиган тантана; قِنَاعُ الـــ ~ маскарадда кийиладиган ниқоб; لِبَاسُ الـــ ~ маскарад кийими; 2) *грам.* ноаниқлик, ноаниқ ҳолат (*отларда*)

– تَنَكُّرِيٌّ кийим алмаштиришга оид; ниқобли, ниқобланган; حَفْلَةٌ ~ رَقْصٌ ~ ниқоб кийиб ўтказиладиган кеча, маскарад

– تَنْكِيرٌ 1) бекитиш, яшириш; 2) ниқоблаш, ниқоб тортиш, ниқоб кийиш; 3) *грам.* отни ноаниқ ҳолатга келтириш

– مُتَنَكِّرٌ 1) кийимни ўзгартирган; 2) ниқоб тортилган, ниқобли; 3) грим қилинган, гримли; ◊ اِسْم ~ ўзини билдирмаслик учун бошқа фамилия билан юрувчи шахс

– مُسْتَنْكَرٌ 1) маъқулланмаган, танбеҳ берилган; номувофиқ; 2) ярамас, хунук, жирканч; бемаъни

– مُسْتَنْكِرٌ маъқулламовчи, қораловчи

– مُنَكَّرٌ *грам.* ноаниқ ҳолатдаги

– مُنْكَرٌ 1) танбеҳ олишга лойиқ; номуносиб, тўғри келмайдиган; 2) ярамас, бемаъни, жирканч, гуноҳкор, айбли, нахс, иллатли, уятли; 3) инкор этиладиган; 4) *дин.* Мункар (*ўлим фариштасининг номи*); وَ نَكِيرٌ ~ Мункар ва Накир (*қабрга қўйилган кишини сўроққа тутадиган икки фариштанинг исмлари*)

– مُنْكَرَاتٌ *кўп.* бемаъни қилиқлар, адабсизлик, ахлоқсизлик, қабиҳлик, разолат

– مَنْكُورٌ 1) номаълум, ноаниқ; غَيْرُ ~ яшириб бўлмайдиган, очиқ-ойдин; 2) инкор этиладиган; فَضْلٌ غَيْرُ ~ инкор этиб бўлмайдиган фазилат

– نَاكِرٌ тан олмовчи, инкор қилувчи; الْجَمِيلِ ~ яхшиликни билмайдиган

– نُكْرٌ 1) инкор этиш, тан олмаслик; 2) нохушлик; 3) қулоқ эшитмаган бемаънилик; الْعُرْفُ وَ الـ~ яхшилик ва ёмонлик

– نُكْرَانٌ инкор этиш; ... أَنْ ~ لَا... шуни инкор этиб бўлмайдики, ..., ... ни инкор қилиб бўлмайди; الْمَعْرُوفِ ~ *ёки* ~ الْجَمِيلِ яхшиликни билмаслик; الذَّاتِ ~ ўз манфаатидан кечиш, ўз жонидан кечиш, фидокорлик, жонбозлик; بِـ~ الذَّاتِ жонбозлик билан

– نَكِرَةٌ 1) номаълум, ноаниқ; 2) *кўп.* ـاتٌ (1~ номаълум шахс; кўп сўзламай бажариладиган иккинчи даражали ролни ижро этувчи артистлар; 3) *грам.* ноаниқ ҳолатдаги от

– نَكِيرٌ 1) инкор қилинган; 2) номаълум; 3) танбеҳ остида қолган, ёмон; 4) инкор, инкор қилиш; тан олмаслик; شَدَّدَ عَلَيْهِ الـ~ кимнидир қаттиқ таъқиб қилмоқ; أَقَامَ عَلَيْهِ الـ~ кимнидир таъқиб қила бошламоқ; 5) Накир (*фаришталардан бирининг номи; қар.* مُنْكَرٌ)

نَكْزَرَ ҳазил қилмоқ, ҳазиллашмоқ

– تَنَكْزُرٌ = نَكْزَرَةٌ[2]: اِسْتِدَادِيٌّ ~ *мед.* инфаркт

– نَكْزَرَةٌ[1] 1) ҳазиллашиш, ҳазил қилиш; 2) ҳазил

– نَكْزَرَةٌ[2] *мед.* айрим тўқима *ёки* суякларнинг ўлик ҳолга келиши, некроз

نَكَزَ I (у) نَكْزٌ найзали нағал билан ҳайдамоқ, тезлатмоқ (*мас. отни ниқтаганда*), санчимоқ, найза суқмоқ; чақмоқ (*илон ҳақида*)

– نَكَّازٌ *кўп.* نَكَاكِيزُ қумда *ёки* чўлда яшайдиган бўғма илон

نَكَسَ I (у) نَكْسٌ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) энгаштирмоқ, эгмоқ; الرَّأْسَ (رَأْسَهُ) ~ (*мас. уятдан*) бошини қуйи солмоқ; 3) касалликни қўзғатмоқ, қўзитмоқ; 4) نُكِسَ а) касали қайталанмоқ; б) оёғи билан (*боши билан эмас*) туғилмоқ (*бола ҳақда*); 5) (*н. нидир*) тескари тартиб билан бажармоқ; II نَكَّسَ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) энгаштирмоқ, қуйи солмоқ; رَأْسَهُ ~ бошни қуйи солмоқ; الْعَلَمَ ~ байроқни энгаштириб қўймоқ; 3) (*н. нингдир*) тартибини ўзгартирмоқ; V تَنَكَّسَ 1) қуйи туширилмоқ; 2) насли бузилмоқ, нави (сорти) айнимоқ; VIII اِنْتَكَسَ 1) тўнтарилмоқ, ағдарилмоқ; бош билан тушмоқ; 2) касал қайтарилмоқ, янгидан касал бўлмоқ; 3) орқага юрмоқ; 4) насли бузилмоқ, нави (сорти) айнимоқ

– اِنْتِكَاسٌ 1) бирор нарсанинг такрорланиши; 2) наслнинг бузилиши, навнинг айниши; *биол.* бирор катталашган одам аъзосининг асл ҳолига қайтиши, инволюция

– اِنْتِكَاسَةٌ *кўп.* ـاتٌ бирор нарсанинг такрорланиш ҳодисаси

– اِنْتِكَاسِيٌّ наслнинг, навнинг бузилишига оид

– تَنَكُّسٌ наслнинг бузилиши, дегенерация

– مُتَنَكِّسٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; 2) насли бузилган, айниган

– مُنَكَّسٌ насли айниган, бузилган киши

– مَنْكُوسٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; اً~ орқа томон билан, нариги томондан; орқа билан; тескари томондан; 2) такрорий, қайталанган

– نَاكِسٌ 1) орқага қайтаётган; 2) қайталанган (*кассаллик ҳақида*); الْحُمَّى الـ~ـةُ *мед.* кун оралатиб, кун ошиб тутадиган безгак; 3) қуйи солинган, осилтириб қўйилган; الرَّأْسِ ~ боши қуйи солинган (*киши*)

– نَكْسٌ ағдариш, тўнтариш; ◊ تَعْسًا لَهُ وَ ~ا! *ҳад.* йўқ бўлсин!

– نُكْسٌ касалликнинг қайталаниши

– نَكْسَةٌ *кўп.* نَكَسَاتٌ 1) ағдариш, тўнтариш; 2) қайталаниш, қўзиш, касалликнинг қайталаниши; 3) омадсизлик, мағлубият; مُنِيَ بِـ~ бу ...га тушган қаттиқ зарба бўлди; كَانَ هٰذَا ~ قَاسِيَةً бу халқ мағлуб бўлди; هٰذَا الشَّعْبُ 4) турғунлик, касодлик, орқага қайтиш, кейинга кетиш, инқироз, таназзул; تُعَانِي الْبِلَادُ ~ اقْتِصَادِيَّةً мамлакат иқтисодий турғунликни бошдан кечирмоқда

نَكَشَ I (и/у) نَكْشٌ 1) (*сочни*) тўзитмоқ, пахмайтирмоқ, хурпайтирмоқ; 2) (*н. ларни*) сочиб ташламоқ, титиб ташламоқ, титкилаб ташламоқ, қоқмоқ, силкитмоқ; 3) (*бирор н. билан*) тозаламоқ, тозалаб чиқмоқ (ب); أُذُنَهُ بِعُودٍ ~ қулоқни гугурт донаси билан тозаламоқ; VIII اِنْتَكَشَ (*мас., қудуқни*) тозаламоқ

– مِنْكَاشٌ *кўп.* مَنَاكِيشُ тозалаш қуроли; الْأَسْنَانِ ~ тиш тозалагич; النَّارِ ~ косов

– مَنْكُوشٌ пахмайган, хурпайган, бетартиб; الشَّعْرِ ~ сочи пахмоқ, пахмоқ сочли

نَكَصَ I (и) نَكْصٌ، نُكُوصٌ 1) (*қаердандир*) чекинмоқ (عَنْ); 2) тисланмоқ, тисарилмоқ, орқага юрмоқ, кетга кетмоқ (юрмоқ); ~ عَلَى عَقِبَيْهِ *ёки* عَلَى الْأَعْقَابِ орқага тисартирмоқ, сўзидан

қайтмоқ, фикридан қайтмоқ; II نَكَّصَ орқага қайтармоқ, тисарилмоқ; VIII اِنْتَكَصَ тисарилмоқ, тисланмоқ, чекинмоқ; ~ عَلَى عَقِبَيْهِ тисарилиб орқа оёқда турмоқ (*от ҳақида*)

– نُكُوصٌ 1) чекиниш; 2) орқага қайтиш, четга кетиш

I نَكَفَ (у) نَكْفٌ 1) ушлаб қолмоқ, тўхтатиб турмоқ; тўхтатмоқ, бас қилмоқ; غَيْثٌ لاَ يُنْكَفُ тўхтамай ёғаётган ёмғир; 2) илтифотсизлик билан рад қилмоқ, қайтармоқ; (*н. дандир*) ўзини тортмоқ, четлашмоқ (مِنْ, عَنْ); 3) четланмоқ, ўзини четга олмоқ, ўзини тиймоқ; بَحْرٌ لاَ يُنْكَفُ тубсиз денгиз; جَيْشٌ لاَ يُنْكَفُ сон-саноқсиз қўшин; II نَاكَفَ 1) баҳслашмоқ, айтишмоқ, гап қайтармоқ, эътироз билдирмоқ, даъвони рад қилмоқ; 2) *шунингдек*. ~ فِي الشِّرَاءِ нархда талашиб-тортишмоқ, савдолашмоқ (*олди-сотдида*); 2) безор қилмоқ, жонга тегмоқ; VI تَنَاكَفَ баҳслашмоқ; X اِسْتَنْكَفَ 1) ҳазар қилмоқ, жирканмоқ; уят ҳисобламоқ; 2) ўзини тортмоқ, четлашмоқ; (*н. нидир*) хушламай қўймоқ, яхши кўрмай қолмоқ (مِنْ); 3) кеккаймоқ, гердаймоқ

– اِسْتِنْكَافٌ 1) илтифотсизлик, эътиборсизлик; 2) кеккайиш, гердайиш

– مُنَاكَفَةٌ 1) гап қайтариш, айтишиш, ўзаро низо, жанжал; 2) савдолашиш, нархни талашиш

– نَكَفٌ = نُكَافٌ

– نُكَفٌ *мед.* қулоқости безларининг яллиғланиши, паротит

– نَكَفَةٌ *кўп.* نَكَفٌ *анат.* қулоқости безлари

– نَكَفِيٌّ қулоқ остига оид; الغُدَّةُ الـ~ـةُ қулоқости безлари

– نَكَفِيٌّ инжиқ одам, тирноқ остидан кир қидирадиган одам

I نَكَلَ¹ (у) نُكُولٌ *ёки* نَكِلَ (а) نَكَلٌ 1) (*қўрқиб ёки хавфсираб бирор н дан*) воз кечмоқ, кечмоқ (عَنْ, مِنْ); ~ بِوَعْدِهِ ваъданинг устидан чиқмай қўймоқ; 2) (*к. нидир*) бошқаларга ибрат қилиб кўрсатмоқ (بِ); 3) қўрқоқ бўлмоқ, қўрқоқлик қилмоқ; نَكَلَ² (у) نَكْلَةٌ (*к. нидир*) ибрат бўлсин учун жазоламоқ (بِ); (*к. нидир*) жазоламоқ, (*к. гадир*) жазо бермоқ (بِ); II نَكَّلَ¹ (*к. нидир*) қаттиқ жазоламоқ, қийнамоқ, эзмоқ (بِ); نَكَّلَ² никелламоқ, никель юргизмоқ; IV أَنْكَلَ (*н. дандир*) қайтармоқ,тиймоқ (عَنْ)

– تَنْكِيلٌ¹ намуна сифатида жазо бериш, қаттиқ жазоламоқ; қийнаш, эзиш, қаттиқ азоб бериш; репрессия

– تَنْكِيلٌ² никеллаш, никель билан қоплаш; الـ~ الكَهْرَبَائِيُّ электролиз йўли билан никеллаш

– تَنْكِيلِيٌّ жазога оид; репрессив

– نَكَالٌ намуна сифатида берилган жазо; أَذَاقَ الـ~ намуна сифатида жазоламоқ

– نِكْلٌ¹ *кўп.* أَنْكَالٌ 1) кишан, банд, занжир; 2) юган сувлиғи

– نِكْلٌ² никель

– نِكْلَةٌ икки миллим қийматга эга бўлган танга

– نِيكَلٌ никель

I نَكِهَ (а) نَكْهٌ 1) (*к. нингдир бурни олдида*) нафас чиқармоқ (عَلَى, لِـ); 2) ниманингдир ҳидини сезмоқ; نُكِهَ сассиқхекирдак бўлмоқ, овқат ҳазм бўлмаганидан оғизда ҳид ўзгармоқ; X اِسْتَنْكَهَ 1) кимнингдир оғзини ҳидламоқ; 2) ичган-ичмаганлигини билиш учун оғзини ҳидлаб кўришни буюрмоқ

– نَكْهَةٌ 1) оғиздан келадиган ҳид; 2) ҳид, хушбўй ҳид; 3) ширин таъм

I نَكَى (и) نِكَايَةٌ 1) (*душманни*) тор-мор қилмоқ, мағлубиятга учратмоқ; 2) (*к. нидир*) қириб ташламоқ, қийратмоқ, нобуд қилмоқ; (*к. гадир*) қасдма-қасдга иш қилмоқ; VIII اِنْتَكَى ғижинмоқ, жаҳли чиқмоқ, қони қайнаб кетмоқ, чегарадан чиқмоқ

– أَنْكَى энг қаттиқ, энг оғир, энг ёмон; وَ الـ~ مِنْ ذَالِكَ бундан ҳам ёмони ...

– نَاكٍ *мн.* نَاكِيَةٌ қийнайдиган,оғир,вазмин, мусибатли

– نِكَايَةٌ қасос, ўч; بِهِ *ёки* ~ بِهِ مِنْ بَابِ الـ~ кимдандир қасос олиш учун; 2) ёмонлик, ёвузлик; кек сақлашлик, ўч олишлик; لِلـ~ *ёки* ~ (*к. гадир*) қасдма-қасд

I نَمَّ (а\и, у) نَمٌّ 1) бўҳтон қилмоқ (*к. нидир*) чақмоқ, чақиштирмоқ (عَلَى); 2) (*к. ларнингдир орасига*) низо (нифоқ) солмоқ (بَيْنَ); 3) (*н. гадир*) ишора қилмоқ, (*н. гадир*) шоҳид бўлмоқ, гувоҳ бўлмоқ (عَنْ, عَلَى)

– نَمَّاةٌ 1) ҳаракат; 2) ҳаёт

– نَمٌّ 1) бўҳтон; 2) *кўп.* أَنْمَاءٌ, نَمُّونَ иғвогар, чақимчи

– نَمَّامٌ 1) иғвогар, чақимчи, ғийбатчи; 2) *бот.* жамбил; 3) *бот.* сув ялпизи

– نَمَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — иғвогар аёл, ғийбатчи аёл

– نِمَّةٌ 1) чумоли; 2) бит

– نُمِّيٌّ *жам.* мис тангалар, чақа тангалар

– نُمِّيَّةٌ *кўп.* نَمَامِيُّ, ـاتٌ мис танга, чақа

– نَمِيمَةٌ *кўп.* نَمَائِمُ бўҳтон, иғво, ғийбат

نَمُوذَجٌ, نُمُوذَجٌ *кўп.* نَمَاذِجُ, ـاتٌ 1) намуна, андаза, қолип; 2) макет, модель; نَمَاذِجُ الطَّائِرَاتِ тайёралар моделлари

– نَمُوذَجِيٌّ, نُمُوذَجِيٌّ намунали, ўрнак бўладиган, ибратли, кўрик учун ўтказилган

I نَمِرَ (а) نَمَرٌ 1) ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ; 2) йўл-йўл; тарғил бўлмоқ; II نَمَّرَ¹ ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ; نَمَّرَ² номерламоқ, номер қўймоқ, рақамламоқ; V تَنَمَّرَ¹ йўлбарс каби ҳаракат қилмоқ, (*к. дандир*) жаҳли чиқмоқ (عَلَى); تَنَمَّرَ² номерланмоқ, номер қўйилмоқ, рақамланмоқ

– أَنْمَرُ *мн.* نَمْرَاءُ *кўп.* نُمْرٌ 1) йўл-йўл, тарғил; 2) хол-хол, олачипор

– تَنْمِيرٌ 1) номерлаш, номер қўйиш; 2) номерация

– مُنَمَّرٌ[1] 1) йўл-йўл, тарғил; 2) хол-хол, олачипор

– مُنَمَّرٌ[2] номерланган, рақамланган

– نَمَّارَةٌ *кўп.* اتٌ — билет ва ҳ. к. ларга номер урадиган машина

– نَمِرٌ саломатлик учун фойдали, тоза (*сув ҳақида*)

– نَمِرٌ, نِمْرٌ *кўп.* نُمُورٌ, أَنْمَارٌ 1) *шунингдек* الـ~ الْمُخَطَّطُ йўлбарс; 2) *шунингдек* الـ~ الأَرْقَطُ *ёки* الـ~ الأَبْرَدُ қоплон; ~ الصَّيْدِ ов арслони; ~ أَمْرِيكَا йўлбарссимон йиртқич ҳайвон

– نَمِرَةٌ қадимда араблар кийган жундан тўқилган кийим

– نُمْرَةٌ *кўп.* نُمَرٌ 1) рақам, номер; الـ~ الرَّابِحَةُ ютуқ чиққан номер (*мас, лотереяда*); ~ وَاحِدٌ *халқ.* биринчи нав, олдинги сорт; 2) номер (*мас, концертда*); ~ رَاقِصَةٌ рақс номери; 3) доғ, қашқа

– نَمِيرٌ = نَمِرٌ

نُمْرُسِيٌّ *кўп.* نَمَارِسَةٌ идиш-товоқ билан савдо қилувчи

نُمْرُقٌ, نُمْرُقَةٌ *кўп.* نَمَارِقُ унча катта бўлмаган ёстиқ, болиш

I نَمَسَ (*и*) نَمْسٌ ҳеч кимга айтмаслик шарти билан гапирмоқ; نَمِسَ (*а*) نَمَسٌ: السَّمْنُ ~ ёғ айниди, бузилди; III نَامَسَ (*к. гадир*) сирни очмоқ, ошкор қилмоқ

– نَامُوسٌ *алиф. б. қар.*

– نِمْسٌ *кўп.* نُمُوسٌ *зоол.* нимс (ихневмон) (*Шимолий Африка ва Олд Осиё минтақаларида тарқалган узун думли, каламушларга қирғин келтирувчи жонивор*); ~ مِسْكِيٌّ қора кузан

نِمْسَاوِيٌّ Австрияга оид; 2) австриялик

I نَمِشَ (*а*) نَمَشٌ сепкилли бўлмоқ, сепкилдор бўлмоқ; II نَمَّشَ 1) ясатмоқ, безатмоқ, безамоқ; 2) нуқталар билан расм чизмоқ

– أَنْمَشُ *мн.* نَمْشَاءُ *кўп.* نُمْشٌ сепкилли, сепкилдор

– نَمَشٌ *жам.* сепкиллар; ~ الظُّفْرِ тирноққа тушадиган оқ доғ; ~ الْحِجَارَةِ الْكَرِيمَةِ қимматбаҳо тошлар устидаги доғлар

– نَمِشٌ сепкилли, сепкилдор

نَمَطٌ *кўп.* أَنْمَاطٌ, نِمَاطٌ 1) услуб, иш услуби, усул; عَلَى ~ وَاحِدٍ бир мақомда, бир услубда; عَلَى هٰذَا الـ~ шундай қилиб; ~ الْعَمَلِ иш услуби; عَلَى ~ وَاسِعٍ кенг миқёсда; هُمْ أُنَاسٌ عَلَى ~ وَاحِدٍ уларнинг феъл-атворлари бир хил; 3) андоза, қолип, стандарт; الـ~ حَدِيثُ янги хилдаги, янги модадаги, янги типдаги; الـ~ عَتِيقُ эски типдаги, эски модадаги; وَحَّدَ الـ~ бир қолипга солмоқ, бир андозада тайёрламоқ; 4) касби кори, манфаати умумий бўлган одамлар жамоаси

– نَمَطِيٌّ стандартдаги, бир қолипдаги, стандартга оид

– نَمَطِيَّةٌ бир андозадалилик, бир шаклда бўлишлик

– نَمِيطٌ пахта зараркунандаси

I نَمَقَ (*у*) نَمْقٌ ёзмоқ, битмоқ, чизмоқ; II نَمَّقَ 1) безатмоқ, безак бермоқ, безамоқ, бир оз зийнат бермоқ, гул солиб безамоқ, нақшламоқ; 2) чиройли ёзмоқ, чизмоқ

– تَنْمِيقٌ безаш, зийнат бериш, безатиш; بِلَا ~ муболағасиз, лоф-қоф қилмасдан

– مُنَمَّقٌ безатилган; зийнатланган, зийнатли, нақшинкор қилиб гул солинган; ~ كَلَامٌ бежама нутқ

– نَمِيقَةٌ *кўп.* نَمَائِقُ хат, чизув

نَمَكٌ маҳбусларга бериладиган овқат

– نَبِكِيٌّ эпчил, чаққон, қизиқувчан

I نَمِلَ (*а*) نَمَلٌ увишиб қолмоқ, қотиб қолмоқ, ухлаб қолмоқ (*тана аъзолари ҳақида*); ~تْ رِجْلُهُ унинг оёғи увишиб қолди, унинг оёғи ухлаб қолди; II نَمَّلَ шишмоқ, солқимоқ, солқиб қолмоқ, жонсиз бўлиб қолмоқ, шол бўлиб қолмоқ (*тана аъзолари ҳақида*); V تَنَمَّلَ = II

– أَنْمُلَةٌ, أُنْمُلَةٌ *кўп.* أَنَامِلُ бармоқ учи; قِيدَ ~ озгина, жиндай, мошдай (*сўзма-сўз: бармоқ учича*); كَانَ بَيْنَهُ وَ بَيْنَ الْبُطُولَةِ قِيدَ ~ унинг чемпион бўлишига озгина қолди

– تَنْمِيلٌ увишиш, карахт бўлиш; жимирлаш

– مَنْمُولٌ чумолига тўла

– نَمَّالٌ иғвогар, бўҳтончи, чақимчи

– نَمَلٌ увишиш, карахт бўлиш; жимирлаш; ~ الرِّجْلِ оёқнинг жимирлаши

– نَمِلٌ 1) бадани увишган, бадани карахт бўлган, жимирлашган; 2) чумолига тўла; 3) серҳаракат, ҳаракатчан

– نَمْلٌ *жам.* чумолилар; الـ~ الأَبْيَضُ қир чумолилари; بَيْتُ الـ~ *ёки* قَرْيَةُ الـ~ *ёки* عِشُّ الـ~ чумолилар уяси; آكِلُ الـ~ чумолихўр

– نَمْلَةٌ *кўп.* نَمْلَاتٌ чумоли

– نَمْلِيٌّ чумолига оид; الْحَامِضُ الـ~ чумоли кислотаси

– نَمْلِيَّةٌ *кўп.* اتٌ —, نَمَالِيُّ озиқ-овқат жавони

نَمْنَمَ 1) безамоқ, безатмоқ, бир оз безатмоқ; 2) қумнинг устида нақш ҳосил қилмоқ (*шамол ҳақида*)

– مُنَمْنَمٌ 1) нақш солинган, безатилган, безалган; 2) кичкина, майда; ~ خَطٌّ майда хат

– مُنَمْنَمَةٌ *кўп.* اتٌ — жуда кичик ҳажмдаги нарса

– نُمْنُمٌ бит уруғи, сирка

– نِمْنِمٌ (*шамолда ҳосил бўлган*) қум устидаги нақш, чизиқлар

– نَمْنَمَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) безак, зийнат, нақш; 2) жуда кичик ҳажмдаги нарса

– نُمْنُمَةٌ бит уруғи, сирка

– نُمْنُمَةٌ *зоол.* 1) амиркон товуқ, амиркон хўроз; 2) қичитқи ўт босган ер

– نُمْنُمِيٌّ одамхўр, қонхўр, золим

I (نمو) نَمَا (у) نُمُوٌّ ўсмоқ, кўкармоқ, ўсиб чиқмоқ, унмоқ; ривожланмоқ; ◊ الْخَبَرُ إِلَيْهِ ~ у хабардор бўлди, унга хабар етиб келди; نَمَى (и) نَمَاءٌ 1) ўсмоқ, ривожланмоқ; 2) катталашмоқ, кўпаймоқ; الْحَدِيثَ إِلَى زَيْدٍ ~ суҳбатни Зайдга келтириб тақамоқ; الرَّجُلَ إِلَى أَبِيهِ ~ одамни отасига боғлиқ ҳисобламоқ; II نَمَّى 1) ўстирмоқ, етиштирмоқ; 2) (*к. гадир*) мансуб деб билмоқ, (*к. гадир*) тегишли деб ҳисобламоқ (إِلَى); IV أَنْمَى 1) ўстирмоқ, етиштирмоқ; 2) ривожлантирмоқ; 3) кўпайтирмоқ, кенгайтирмоқ, олдирмоқ (*пайванд ҳақида*); туттирмоқ (*пайванд ҳақида*); الصَّيْدَ ~ қўлга тушган овни яна ташлаб (қўйиб) юбормоқ; VI تَنَامَى мунтазам кўпаймоқ, кенгаймоқ; VIII انْتَمَى (*к. гадир*) ўзини мансуб деб билмоқ (إِلَى); (*н. гадир*) оид, тегишли бўлмоқ, қарашли бўлмоқ (إِلَى); (*н. нингдир*) таркибига кирмоқ (إِلَى); 2) ривожланмоқ, ўсмоқ; кўпаймоқ, кенгаймоқ

– انْتِمَاءٌ *кўп.* ـات 1) (*бирор н ға*) мансублик; (*н. нингдир*) таркибига киришлик (إِلَى); 2) ривожланиш, ўсиш, кенгайиш

– انْتِمَائِيٌّ ривожланишга оид, ривожланаётган; ўсиб келаётган

– إِنْمَاءٌ 1) кўпайтириш, қўшиб кўпайтириш, ўстириш; 2) ривожлантириш; الـ~ الاقْتِصَادِيُّ иқтисодий ривожлантириш

– إِنْمَائِيٌّ кўпайтиришга оид; ривожлантирувчи

– تَنْمِيَةٌ 1 ўстириш, етиштириш; 2) ривожлантириш, кенгайтириш

– نَامٍ *мн.* نَامِيَةٌ 1) ўсувчи, кўпаювчи; 2) кенгаювчи; 3) олдинга босувчи, тараққий этувчи, ривожланаётган; الْبِلَادُ النَّامِيَةُ ривожланаётган мамлакатлар

– نَامِيَاتٌ *мед.* бурун-томоқ зонасидаги лимфатик безлар, аденоидлар

– نَامِيَةٌ *кўп.* نَوَامٍ 1) ўсимлик; 2) ғурра, шиш, ортиқ, дўмбоқ; الـ~ السَّرَطَانِيَّةُ *мед.* рак (саратон) шиши; 3) ўсиш қобилияти

– نَمَاءٌ 1) ўсиш, кўкариш; 2) ўсиш, тараққий қилиш

– نَمَاةٌ *кўп.* نَمًى 1) майда чумоли, қумурсқа; 2) бит уруғи, сирка

– نُمُوٌّ، نُمِيٌّ ўсиш, ривожланиш; مَتَاعِبُ الـ~ ривожланишдаги қийинчиликлар

I نَهَبَ (а, у) نَهْبٌ 1) толон-торож қилмоқ, таламоқ; 2) елдек учирмоқ, елдек учириб олиб бормоқ; نَهْبًا ~ елдек учиб бормоқ, жуда тез бормоқ; الْمَسَافَةَ نَهْبًا *ёки* الْأَرْضَ نَهْبًا ~ жуда тез босиб ўтмоқ; III نَاهَبَ = II; IV أَنْهَبَ талон-торож қилишга қўйиб бермоқ; VI تَنَاهَبَ 1) биргалашиб талон-торож қилмоқ, ёппасига таламоқ; 2) жуда тез босиб ўтмоқ (*масофани*); VIII انْتَهَبَ ўғирламоқ, таламоқ, босиб олмоқ, тортиб олмоқ, тортиб олиб қўймоқ; الطَّرِيقَ ~ *маж.* масофани тез босиб ўтмоқ (*автомашина ҳақида*)

– تَنَاهُبٌ ёппасига қилинган талон- торож

– مَنْهُوبٌ таланган, талон-торож этилган

– مَنْهُوبَاتٌ кўп талаб тортиб олган нарсалар

– نَهَّابٌ босқинчи; талон-торож қилувчи

– نَهْبٌ талаш, талон-торож қилиш; السَّلْبُ وَ الـ~ талаш, талаб кетиш; سَلْبًا وَ ~ًا босқинчилик билан, талончилик билан; 2) *кўп.* نِهَابٌ босиб, талаб олинган нарса; كَانَ ~ًا مُقَسَّمًا *маж.* (*ташвишдан*) эсанкираб қолмоқ; كَانَ ~ًا لِلدَّهْشَةِ وَ الاسْتِغْرَابِ *маж.* у жуда ҳайратда қолди, ҳайратдан у қотиб қолди; 3) отнинг сакраб чопиши

– نُهْبَةٌ 1) талон-торож; 2) ўлжа, талаб олинган нарса

– نُهْبَى ўлжа, ғанимат

– نُهَيْبَةٌ ўлжа, талаб олиб қўйилган нарса

نُهْبُرَةٌ *кўп.* نَهَابِرُ чуқурлик; жар, тик жар

– نُهْبُورٌ *кўп.* نَهَابِرُ = نُهْبُرَةٌ

I نَهَتَ (а) نَهِيتٌ، نُهَاتٌ бўкирмоқ, ўкирмоқ, ҳайқирмоқ, наъра тортмоқ

I (نهج) نَهَجَ (а) نَهْجٌ 1) (*йўл бўйлаб*) юрмоқ, (*н. нингдир*) изи бўйлаб бормоқ (عَلَى *ёки туш. к.*); 2) тушунтирмоқ, очиқ-сйдин қилмоқ; الطَّرِيقَ ~ йўлни тушунтириб бермоқ, йўлга солмоқ (*тўғри маънода*); 3) (*йўлни, масалани*) равшанлаштирмоқ; نَهِجَ (а) نَهَجٌ хансирамоқ, зўрға нафас олмоқ, бўғилмоқ; II نَهَّجَ харсиллашга олиб келмоқ, нафас сиқилишга олиб келмоқ; IV أَنْهَجَ 1) (*йўл*) танламоқ, (*йўлдан*) бормоқ; 2) чарчатмоқ, толиқтирмоқ, толдирмоқ; хансиратмоқ, нафасини қисиб қўймоқ; 3) (*н. нидир*) аниқ-равшан қилиб қўймоқ; VIII انْتَهَجَ (*йўлдан*) бормоқ, (*йўл бўйлаб*) бормоқ, йўл танламоқ, йўлга тушмоқ; (سَبِيلَهُ) نَهْجَهُ ~ кимнингдир йўлидан бормоқ; ◊ سِيَاسَةً مُوجَبَةً ~ ижобий сиёсат олиб бормоқ; سِيَاسَةً سَلْبِيَّةً ~ салбий сиёсат олиб бормоқ; X اسْتَنْهَجَ سَبِيلَهُ ~ кимнингдир йўлидан бормоқ

– مِنْهَاجٌ *кўп.* مَنَاهِيجُ 1) йўл; 2)) (*мас. машғулотнинг*) режаси, плани, программаси

– مِنْهَاجِيٌّ режадаги, режа асосидаги, программавий; الاقْتِصَادُ الـ~ планли хўжалик

– مَنْهَجٌ *кўп.* مَنَاهِجُ 1) йўл; 2) метод, услуб; مَنَاهِجُ التَّعْلِيمِ ўқитиш услублари; مَنَاهِجُ بَحْثٍ методология; 3) программа, режа, план; تَدْرِيسِ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ ~ араб тили ўқитиш программаси

– نَاهِجٌ йўл, усул аниқ-равшан йўл

– نَهْجٌ кўп. نُهُوجٌ، أَنْهُجٌ 1) қатнов йўли, қатналадиган кенг йўл; 2) кўча (*Тунисда*); 3) усул, услуб, метод; йўналиш, сиёсат; ~ عُدْوَانِيٌّ агрессив сиёсат; ~ لَا غَالِبٌ وَلَا مَغْلُوبٌ енгувчи ҳам, енгилувчи ҳам бўлмайдиган мақсадни кўзловчи сиёсат

– نَهِجٌ = نَهْجٌ

– نَهَجَانٌ нафас бўғилиши, нафас сиқилиши, ҳарсиллаш

– نَهِيجٌ оғир нафас олиш, ҳансираб нафас олиш, ҳансираш

I نَهَدَ (а) نُهُودٌ، نَهْدٌ 1) кўтарилмоқ, кўтарилиб кетмоқ; 2) думалоқ шаклга кирмоқ, дўппайиб қолмоқ (*қизларнинг кўкраги ҳақида*); 3) (*н. гадир*) интилмоқ, етишмоқ (إِلَى); III نَاهَدَ 1) баҳслашмоқ, гап айтишмоқ; 2) курашмоқ, жанг олиб бормоқ; V تَنَهَّدَ ҳансирамоқ, ҳансираб нафас олмоқ; VI تَنَاهَدَ 1) харажатни ўзаро тақсим қилиб олмоқ, ўртада пул тўплаб, ҳарифона (*бирор н.*) қилмоқ; 2) ўзаро баҳслашмоқ

– تَنَهُّدٌ оҳ тортиш, уҳ тортиш; оҳу афғон, оҳ-воҳ

– تَنَهُّدَةٌ ҳўрсиниш

– تَنْهِيدَةٌ кўп. ـَاتٌ ҳўрсиниш

– مُنَاهَدَةٌ 1) баҳс; 2) кураш, жанжал

– مِنْهَدَةٌ аёлларнинг сийнабанди, бюстгальтер

– نَاهِدٌ думалоқ, диркиллаган (*қизларнинг кўкраги ҳақида*); ◊ ~ غُلَامٌ ёш йигит

– نَاهِدَةٌ кўп. نَوَاهِدُ ёш қиз

– نَهْدٌ кўп. نُهُودٌ 1) (*қизларнинг*) кўкраги; 2) тепалик, қирлик, қир

– نِهْدٌ ҳарифона йиғилган нарсанинг бир улуши

– نَهْدَانُ тўла, тўлдирилган

– نَهِيدٌ 1) қаймоқ; 2) янги олинган ёғ; 3) хомашё

I نَهَرَ (а) نَهْرٌ 1) тирқираб оқмоқ, тизилиб оқмоқ, қуйилмоқ, ер устида оқиб, йўл қилиб олмоқ, йўл топиб олмоқ (*сув ҳақида*); ~ النَّهْرَ дарёни кавламоқ; 2) (*к. гадир*) бақирмоқ; бақириб ҳайдамоқ; IV أَنْهَرَ: ~ الدَّمَ 1) қон оқизмоқ, қон тўкмоқ; 2) кундузи кирмоқ; VIII انْتَهَرَ 1) сўкмоқ, ҳақоратламоқ; 2) бақириб, ўдағайлаб тўхтатмоқ; X اسْتَنْهَرَ 1) кенгаймоқ, катталашмоқ (*мас. кийимдаги йиртиқ ҳақида*); 2) = I 1).

– انْتِهَارٌ 1) сўкиниш; 2) ўдағайлаш, жеркиб бериш

– أَنْهَرُ энг ёруғ; ~ نَهَارٌ қар. نَهَارٌ

– نَهَارٌ кўп. نُهُرٌ кун, кундузги кун; ~ًا кундузи; ~ًا وَلَيْلًا куну тун; ~ أَنْهَرُ очиқ, чарақлаб турган кун; ~ لَيْلَ кун ва тун; طُلُوعُ الـ~ тонг; ضَوْءُ الـ~ кундузги ёруғлик; مُنْتَصَفُ الـ~ пешин, туш, қиём, чошгоҳ; فِي رَابِعَةِ الـ~ куппа-кундузи; ◊ شَبُّ الـ~ *бот.* чирмовиқ

– نَهَارِيٌّ кундузги

– نَهْرٌ 1) кенглик, мўл-кўллик; 2) дарё

– نَهْرٌ[1] кўп. أَنْهُرٌ، أَنْهَارٌ، نُهُورٌ 1) дарё; الـ~ الْجَلِيدِيُّ музлик, музхарсанг; فَرَسُ الـ~ қар. فَرَسٌ; الـ~ الْمَجَرَّةِ ёки الـ~ اللَّبَنِ *астр.* Сомон йўли; الـ~ السَّلَامِ Дажла дарёси; الـ~ الشَّرِيعَةِ Иордан дарёси; مَا بَيْنَ الـ~ـيْنِ Икки дарё оралиғи, Месопотамия; مَا وَرَاءَ الـ~ дарёнинг орқасидаги; Мовароуннаҳр, Трансоксания; 2) (*мас. газета*) устуни

– نُهَرٌ[2] бақириқ-чақириқ, ўдағайлаш, жеркиш

– نَهْرَةٌ ўдағайлаш, жеркиб бериш

– نَهْرِيٌّ дарёга оид; الْمَرْفَأُ الـ~ дарёнинг кемалар тўхтайдиган махсус жойи; النَّقْلُ الـ~ дарё транспорти; السَّمَكُ الـ~ дарё балиғи; النَّبَاتُ الـ~ сув ўти

– نَهِرٌ мўл-кўл, кўп сонли

– نُهَيْرٌ кўп. ـَاتٌ 1) кичик дарё; 2) ирмоқ

I نَهَزَ (а) نَهْزٌ туртмоқ, итармоқ, итариб юбормоқ; III نَاهَزَ 1) (*бирор н. га*) яқин келмоқ, яқинлашмоқ, етишмоқ, етмоқ, эришмоқ; ~ الْأَرْبَعِينَ у қирқ ёшга яқинлашиб қолди; ~ الْبُلُوغَ у балоғат ёшига яқинлашиб қолди; 2) (*фурсатдан*) фойдаланмоқ; VIII انْتَهَزَ фойдаланмоқ, фойдаланиб қолмоқ; ~ الْفُرْصَةَ (السَّانِحَةَ) (*берилган*) фурсатдан фойдаланиб қолмоқ; фурсатини топмоқ, қулай фурсатни кутмоқ; ~ أَوَّلَ فُرْصَةٍ (*бирор н. қилиш учун*) биринчи қулай фурсатдан фойдаланмоқ

– انْتِهَازٌ 1) фойдаланиш, ишлатиш; ~ الْفُرْصَةِ қулай фурсатдан фойдаланиш

– انْتِهَازِيٌّ 1) оппортунистик; 2) оппортунист

– انْتِهَازِيَّةٌ оппортунизм

– نَهَّازٌ: ~ الْفُرَصِ қулай пайтни топувчи; замонасоз, мунофиқлик билан шароитга мослашувчи

– نُهْزَةٌ кўп. نُهَزٌ қулай пайт, қулай момент

I نَهَسَ (а) نَهْسٌ = نَهَشَ (а) نَهْشٌ

I نَهَشَ (а) نَهْشٌ 1) тишламоқ, тишлаб узиб олмоқ; 2) чақмоқ (*мас. илон ҳақида*); 3) парчаламоқ, парча-бурда қилмоқ, тилка-пора қилмоқ; ◊ يَنْهَشُ الْحِقْدُ صَدْرَهُ қаҳр-ғазаб унинг ичини кемирмоқда; يَنْهَشُهُ الْغَيْظُ унинг ғазаби ошмоқда; ~ الْعِرْضَ бадном қилмоқ, обрўсини тўкмоқ

– نَهَّاشٌ чақувчи

I نَهَضَ (а) نُهُوضٌ 1) ўриндан турмоқ, уйғонмоқ; ~ وَاثِبًا сакраб ўриндан турмоқ; ... يَنْهَضُ سُؤَالٌ (*бирор н. ҳақидаги*) масала кўндаланг бўлиб турибди; 2) жонланмоқ, кучаймоқ, ривожланмоқ, яна ривожга кирмоқ; 3) (*н. нидир*) кўтариб бормоқ, ташимоқ (بِ); 4) (*н. нидир*) жонлантирмоқ, кучайтирмоқ (بِ); (*н. нидир*)

ривожлантирмоқ; 5) (*н. гадир*) тайёрланмоқ (لِـ); (*бирор н. га*) киришмоқ (فِى); 6) кўтарилмоқ, учиб кетмоқ (*мас., тайёра ҳақида*); 7) (*к. гадир қарши*) исён кўтармоқ (عَلَى); III نَاهَضَ 1) қаршилик кўрсатмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ; 2) рақобатлашмоқ, мусобақалашмоқ; 3) (*қаергадир*) интилмоқ, жуда тез етиб бормоқ (إِلَى); IV أَنْهَضَ 1) турғизмоқ, ўриндан турғизмоқ; 2) уйғотмоқ; 3) (*бирор н. га*) ундамоқ, қўзғамоқ, истак туғдирмоқ (لِـ); 4) (*к. гадир*) душман қилиб қўймоқ, душманчилик туғдирмоқ (عَلَى); VIII انْتَهَضَ кўтарилмоқ, ўриндан турмоқ; X اسْتَنْهَضَ 1) туришга мажбур қилмоқ; турғизмоқ; уйғотмоқ; 2) ундамоқ, қўзғатмоқ, мажбурламоқ; 3) яна қайта ривожлантирмоқ, жонлантирмоқ, тикламоқ

– مُنَاهَضَةٌ қаршилик, қаршилик кўсатиш, қарши иш қилиш

– نَاهِضٌ 1) кўтарилувчи, қўзғолувчи, ривожланувчи; 2) қайта тикланувчи, олдинда борувчи; 3) фаол, актив, ҳаракатчан

– نَهْضٌ уйғониш, ўриндан туриш

– نَهْضَةٌ *кўп.* نَهَضَاتٌ 1) кўтарилиш, уйғониш; الـ~ الْوَطَنِيَّةُ миллий уйғониш; عَصْرُ الـ~ *тар.* уйғониш даври; الـ~ الْعِلْمِيَّةُ илмий кўтарилиш; 2) қобилият; 3) нахда (*Мисрдаги пахта навларидан бири*)

– نُهُوضٌ 1) туриш, кўтарилиш, уйғониш; 2) қайта ривожланиш; 3) (*н. нидир*) кўтариш, тиклаш (بِ)

نَهْفَةٌ жозиба, назокат

I (نَهِقَ) نَهَقَ (а) نَهِيقٌ *ёки* نَهَقَ (а) ҳанграмоқ

– نُهَاقٌ ҳанграш

– نَهَقٌ *кўп.* ёввойи хантал

– نُهَاقٌ = نَهْقٌ

– نَهْقَةٌ *кўп.* نَهَقَاتٌ (*эшакнинг*) ҳанграши

– نُهَاقٌ = نَهِيقٌ

I (نَهِكَ) نَهَكَ (а) نَهْكٌ، نَهَاكَةٌ 1) тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, дармонсизлантирмоқ, ориқлатмоқ; 2) кийиб эскитмоқ,кийиб йиртмоқ; 3) نُهِكَ а) тинкаси қуримоқ, ҳолдан толмоқ, дармонсизланмоқ; б) эскирмоқ, эскиб йиртилмоқ; ◊ ~ عِرْضَهُ кимнидир обрўсизлантирмоқ, обрўсини кетказмоқ; نَهِكَ (а) نَهْكٌ، نَهْكَةٌ 1) ҳолдан кетказмоқ, мадорини қуритмоқ (*касаллик ҳақида*); 2) қаттиқ жазоламоқ; IV أَنْهَكَ 1) тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ,дармонсизлантирмоқ, ориқлатмоқ; 2) қаттиқ жазоламоқ; VIII انْتَهَكَ 1) тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, ориқлатмоқ; 2) (*мас., қонунга*) риоя қилмай қўймоқ, (*мас., қонунни*) бузмоқ; لاَ يُنْتَهَكُ дахлсиз; ~ الْهُدْنَةَ яраш аҳдига риоя қилмай қўймоқ; 3) зўрламоқ, обрўсини кетказмоқ; шарманда қилмоқ, ҳақоратламоқ, таҳқирламоқ; ~ كَرَامَتَهُ кимнидир беҳурмат қилмоқ, кимнингдир обрўсини кетказмоқ; ~ حُرْمَةَ مَرْأَةٍ аёлнинг номусига тажовуз қилмоқ, номусига тегмоқ; 4) *дин.* ҳаром қилмоқ, мурдор қилмоқ; беҳурмат қилмоқ, таҳқирламоқ

– انْتِهَاكٌ 1) тинкасини қуритиш, ҳолдан кетказиш; 2) (*мас., қонунга*) риоя қилмаслик; 3) зўрлик, зўравонлик; ~ حُرْمَةِ مَرْأَةٍ аёлнинг номусига тегиш, зўрлаш; 4) таҳқирлаш, сўкиш, ёмонлаш; 5) *дин.* ҳаром қилиш; ~ حُرْمَةِ الْأَدْيَانِ куфрлик, шаккоклик, мункирлик

– مُنْهِكٌ ҳолдан тойдирадиган, мадорсизлантирадиган

– مَنْهُوكٌ тинкаси қуриган, ҳолдан тойган, ориқлаб кетган; ~ الْقُوَى кучдан қолган

– انْتِهَاكٌ = نَهْكٌ

– نَهْكَةٌ 1) бўшашиш, ҳолдан тойиш, мадорсизланиш; заифлик, кучсизлик; 2) ориқлик

– نُهُوكٌ 1) бўшашиш, ҳолдан тойиш; ~ الْقُوَى дармонсизлик

I نَهِلَ (а) نَهَلٌ (*биринчи марта*) ичмоқ, биринчи қултумни ичмоқ, чанқоқни қондирмоқ; ◊ ~ الْعُلُومَ (الْمَعْرِفَةَ) билим олмоқ, илм олмоқ

– مَنَاهِلُ *кўп.* саҳрода сайёҳларнинг қўниб ўтадиган жойи

– مَنْهَلٌ *кўп.* مَنَاهِلُ молларни суғорадиган *ёки* қушлар сув ичадиган жой; булоқ

– نَاهِلٌ 1) чанқоқ, ташна; 2) сувга тўйган, сувга қонган

– نَهْلَةٌ = نَهَلٌ

– نَهْلَةٌ биринчи қултум

نِهِلِسْتِيٌّ، نِهِلِسْتِيّ 1) нигилистик; 2) нигилист

– نِهِلِسْتِيَّةٌ، نِهِلِسْتِيَّة нигилизм

I نَهِمَ (а) نَهَمٌ 1) очкўз бўлмоқ, (*н. дадир*) очкўзлик қилмоқ, баднафслик қилмоқ (فِى); 2) (*н. нидир бажаришга*) рағбати ошмоқ (فِى); نَهَمَ (а,и) نَهْمٌ، نَهْمَةٌ тез юриш учун бақириб олдинга ҳайдамоқ (*туяни, отни ва ҳ.к.*)

– مَنْهُومٌ 1) еб тўймас, очкўз, очофат; 2) (*бирор н. га*) қаттиқ қизиққан (بِ); ~انِ لاَ يَشْبَعَانِ ~ بِالْمَالِ وَ ~ بِالْعِلْمِ *ҳад.* икки нарсага қизиққан киши тўймайди; молга қизиққан ва илмга қизиққан

– نَهَمٌ очкўзлик, баднафслик; بِـ~ очкўзлик билан, баднафслик билан

– مَنْهُومٌ = نَهِمٌ

– نَهْمَةٌ 1) орзу, ҳавас, армон; أَشْبَعَ ~تَهُ кимнингдир армонини ушатмоқ; 2) тўймаслик, очкўзлик

– نَهِمٌ = نَهِيمٌ

نَهْنَهَ (*н. нидир*) чекламоқ, тиймоқ, тийиб қўймоқ (مِنْ); 2) (*к. нидир ёки н. нидир*) ушлаб турмоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); 3) (бақириб) ҳайдаб чиқармоқ, ҳайдамоқ; 4) чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; тинкасини қуритмоқ; 5) ҳўнграмоқ, ҳўнграб йиғламоқ

– نَهْنَهَةٌ 1) (*н. нидир*) чеклаш, тийиш (مِنْ); 2) (*н. дандир*) ушлаб туриш, тўхтатиб қолиш (عَنْ); 3) қийнаш, ҳолдан тойдириш; 4) ҳўнграш, ҳўнграб йиғлаш

I نَهَا (نَهو) (у) نَهْوٌ (н. нидир) ман қилмоқ, таъқиқламоқ, таъқиқлаб қўймоқ (عَنْ); نَهُوَ (у) نَهَاوَةٌ ақлли бўлмоқ, доно бўлмоқ, мулоҳазали бўлмоқ; نَهَى (а) نَهْيٌ 1) (н. нидир) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَنْ); 2) тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ; 3) (к. гадир, н. гадир) етмоқ, етиб бормоқ (إِلَى); ~ إِلَيْهِ الْخَبَرُ أَنْ ... у билдики, ...; 4) (бирор н. га) олиб келмоқ (إِلَى); II نَهَّى (к. гадир) етказмоқ, етказиб бормоқ (إِلَى); ~ الْخَبَرَ маълум қилмоқ, билдирмоқ, хабар бермоқ; IV أَنْهَى 1) тугатмоқ; ~ مَدْرَسَةً мактабни тугатмоқ; ~ أَعْمَالَهُ ўз ишларини тугатмоқ; 2) (н. нидир) ниҳоясига етказмоқ; бажармоқ (بِ); бас қилмоқ, тўхтатмоқ; ~ الْحَرْبَ урушни тўхтатмоқ; ◊ ~ الْخَبَرَ إِلَى ... (к. нидир) хабардор қилмоқ, (к. гадир) хабар бермоқ; أُنْهِيَ إِلَيْهِ الْخَبَرُ أَنْ ... у билдики, ...; VI تَنَاهَى 1) охирига етмоқ, туғамоқ, максимум даражага чиқмоқ; 2) (н. дадир) ҳаддан ошмоқ (فِي); ~ فِي الْبُعْدِ жуда узоқ бўлмоқ; ~ الْمَاءُ сув тошмоқ (дарёда, ҳовузда); 3) (к. гадир) етказмоқ, хабар бермоқ (إِلَى); эшитилмоқ (овоз ҳақида); 4) (н. дандир) воз кечмоқ, (н. нидир) рад этмоқ (عَنْ); ~ إِلَى سَمْعِهِ أَنْ ... унинг қулоғига етиб бордики, ...; 5) (бирор н. ни бажаришни) ташламоқ, тўхтатмоқ, бас қилмоқ (عَنْ); تَنَاهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ ўзаро бир-бирига ниманидир ман қилмоқ; VIII اِنْتَهَى 1) туғамоқ, тамом бўлмоқ (муддат ҳақида); (н. биландир) туғамоқ, тамом бўлмоқ, охирига етмоқ (بِ); لَا يَنْتَهِي туганмас; 2) (к. гадир) қолмоқ, ўтмоқ (إِلَى - мерос ҳақида); 3) (н. нидир) тугатмоқ, тамом қилмоқ (مِنْ); 4) етиб келмоқ, етиб бормоқ; ~ إِلَيْهِ الْخَبَرُ бу хабар унга етиб борди, бу хабарни у билди

– اِنْتِهَاء туғаш; ниҳоясига етиш; ◊ ~ الْأَجَلِ ўлим

– إِنْهَاء тугатиш, охирига етказиш; тўхтатиш; ~ الْحَرْبِ урушни тугатиш

– تَنَاهٍ сўнгги чек, охирги чек; чегара

– مُتَنَاهٍ мн. مُتَنَاهِيَةٌ 1) ҳаддига етиб борувчи, энг чеккадаги; ~ فِي الصِّغَرِ зиғирдак, ғоят кичкина; مُتَنَاهِيَةٌ فِي الْجَمَالِ жуда гўзал, ғоят чиройли; ~ لَا ёки ~ غَيْرُ чеки йўқ, чексиз, беҳад; كَمِّيَّاتٌ غَيْرُ مُتَنَاهِيَةٍ мат. чексиз кичик миқдорлар; 2) энг юксак, ниҳоятда; بِدِقَّةٍ مُتَنَاهِيَةٍ ниҳоятда аниқлик билан

– مُنْتَهٍ мн. مُنْتَهِيَةٌ туғаётган (муддат ҳақида); ~ لَا чексиз, ниҳояси йўқ

– مُنْتَهًى 1) ниҳоя; 2) чек, ҳад; чегара; ~ بِـ الدِّقَّةِ жуда-жуда аниқлик билан; ~ بِـ الْقُوَّةِ жуда катта куч билан; ~ بِـ الْوُضُوحِ жуда аниқ қилиб; إِنَّ هَذَا لَـ ~ الْجُرْأَةِ бу баҳодирликнинг энг юксаги; بَلَغَ مُنْتَهَاهُ ниманингдир энг юқори нуқтасига етмоқ, ниманингдир чегарасига етмоқ

– مَنْهِيٌّ мн. مَنْهِيَّةٌ тугатилган, тамомланган; ◊ ~ عَنْهُ ман қилинган, таъқиқланган

– نَاهٍ мн. نَاهِيَةٌ таъқиқловчи, ман қилувчи; ◊ نَاهِيكَ مِنْ ... а) сенинг учун шу кифояки, ...; б) ... уёқда турсин; в) мисол учун олайлик ...; г) қандай ажойиб!; هَذَا الرَّجُلُ نَاهِيكَ مِنْ رَجُلٍ бу одам қандай ажойиб одам!; هَذِهِ الْمَرْأَةُ نَاهِيكَ مِنْ مَرْأَةٍ бу аёл қандай ажойиб аёл!

– نَاهِيَةٌ кўп. نَوَاهٍ бирор нарсани таъқиқловчи фармон, таъқиқлаш; амр, топшириқ; الْأَوَامِرُ وَ النَّوَاهِي фармонлар ва таъқиқлар

– نُهَاء шиша; тоғ биллури

– نِهَاء[1] ниҳоя, охир

– نِهَاء[2] алебастр, гипс

– نِهَايَةٌ 1) ниҳоя; ~ لِكُلِّ شَيْءٍ ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор; خَطُّ الـ ~ ёки عَلَامَةُ الـ ~ спорт. финиш; ~ الْأُسْبُوعِ қар. عُطْلَةٌ; عُطْلَةُ ~ عِلَاجٍ сўнгги восита; 2) чек, чегара; ◊ الـ ~ الْقُصْوَى ёки الـ ~ الْعُظْمَى ёки الـ ~ الْكُبْرَى максимум; الـ ~ الصُّغْرَى минимум; لِلـ ~ ниҳоятда, жуда, ҳаддан зиёд; لَا ~ لَهُ бениҳоя, ниҳоясиз; إِلَى ~ охиригача; إِلَى غَيْرِ ~ ёки إِلَى مَا لَا ~ чексизликка қадар; فِي الـ ~ ниҳоят, ва ниҳоят; فِي ~ الْأَمْرِ ёки فِي ~ الْمَطَافِ ёки الـ ~ الْمَطَافِ пировардида, оқибатда

– نِهَائِيٌّ 1) сўнгги, охирги; مَحَطَّةٌ ~ةٌ охирги бекат; 2) тамомила, узил-кесил; إِنْذَارٌ ~ ёки بَلَاغٌ ~ ультиматум; حُكْمٌ ~ охирги ҳукм; الْخَلَاصُ الـ ~ مِنْ ... ...дан узил-кесил қутулиш; الْمُبَارَاةُ الـ ~ةُ ёки الدَّوْرُ الـ ~ финал мусобақаси, финал; ~ًا ёки بِصُورَةٍ ~ةٍ тамоман, узил-кесил; لَا ~ бениҳоя, ниҳоясиз

– نِهَائِيَّةٌ охиргилик, чегаралик; لَا ~ бениҳоялик, ниҳоясизлик, чексизлик

– نَهْوٌ 1) тугатиш; 2) (н. нидир) таъқиқлаш (عَنْ)

– نَهْيٌ таъқиқлаш, ман этиш; الْأَمْرُ وَ الـ ~ буюриш ва ман этиш; ҳокимият

– نُهًى ақл, идрок, зеҳн; фаҳм, фаросат, мулоҳаза; ذُو عَقْلٍ وَ ~ мулоҳазали, ақлли, фаросатли

– نُهَاء = نُهًى

– نُهْيَةٌ кўп. نُهًى ақл, фаҳм, идрок

– مَنْهِيٌّ ман қилувчи, таъқиқловчи; ман этилган

I نَاءَ (نوأ) (у) نَوْءٌ 1) азоб чекмоқ, қийналмоқ, толиқмоқ, чарча моқ; оғир юкдан қадди букчаймоқ; ~ بِالْحِمْلِ а) юкнинг оғирлигидан букилмоқ; б) юк кўтарган ҳолда ўрнидан турмоқ; 2) (к.! нидир) босмоқ, эзмоқ, юк остида қолдирмоқ (بِ); 3) узоқда бўлмоқ, узоқ бўлмоқ (қар. نَأَى); III نَاوَأَ 1) тўсқинлик қилмоқ, қаршилик қилмоқ; қаршилик кўрсатмоқ; курашмоқ, урушмоқ; 2) тортишмоқ олишмоқ;

3) (*к. гадир қарши*) душманлик компаниясини олиб бормоқ; IV أَنَاءَ қийинлаштирмоқ, қийин қилмоқ, эзмоқ; VI تَنَاوَأَ бир-бириндан узоқда бўлмоқ; тарқалашиб кетмоқ

– مُنَاوَأَةٌ – 1) қаршилик, тўсқинлик, тўсқинлик қилиш; кураш; 2) тортишиш, олишиш; ◊ الثَّوْرَةِ ~ контрреволюция

– مُنَاوِئٌ – 1) қаршилик қилувчи, тўсқинлик қилувчи; 2) қарама-қарши, тескари; رِيحٌ ~ـَةٌ қарши томондан эсадиган шамол; 3) рақобатчи, рақиб

– مِنْوَأَةٌ – метеорограф (*ҳаво босими, ҳарорати ва намлигини ҳамда шамолнинг кучи ва йўналишини ўзи ўлчаб берадиган асбоб*)

– مِنْوَئِيٌّ – метеорографик

– مُنَاوَأَةٌ = نِوَاءٌ –

– نَوْءٌ[1] – *кўп.* أَنْوَاءٌ бўрон, қаттиқ шамол; ёмғир; *кўп.* метеорологик шароитлар; ◊ طَائِرُ الـ~ *зоол.* бўрон қуши

– نَوْءٌ[2] – *кўп.* أَنْوَاءٌ, نَوْآنٌ ҳар тунда бир юлдузнинг ғарб томондан ботиб, шарқ томондан бошқасининг чиқиши (*бу юлдузлар 13 кунда алмашади ва бир йилда 28 ўринда ботади ва чиқади*)

نَابَ[1] (نوب) I (у) نَوْبٌ, نِيَابَةٌ бировнинг вазифасини бажармоқ, (*к. нингдир*) вакили бўлмоқ (عَنْ); (*к. нингдир*) номидан сўзга чиқмоқ (عَنْ); نَابَ[2] (у) نَوْبَةٌ 1) содир бўлмоқ, юз бермоқ (*бахтсизлик ҳақида*); 2) келмоқ, зиёрат қилмоқ; 3) (*к. гадир*) тўғри келмоқ (*улуш, ҳисса ҳақида*); II نَوَّبَ вакил қилмоқ, ваколат бермоқ; III نَاوَبَ (*к. биландир*) навбатлашмоқ, навбатма-навбат иш қилмоқ, (*н. нидир*) навбати билан бажармоқ; 2) навбатчи бўлмоқ; IV أَنَابَ вакил қилмоқ, (*к. нидир*) ўз ўрнига жўнатмоқ (عَنْ); 2) кечирим сўраб ёлбормоқ; إِلَى اللهِ ~ Оллоҳга тавба қилмоқ; 3) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; VI تَنَاوَبَ навбат билан алмаштирмоқ, бир-бирини алмаштирмоқ, бир-бирининг ўрнига турмоқ, алмашинмоқ; عَلَى ~ الْعَمَلِ *ёки* الْعَمَلَ ~ ғалма-ғалдан ишламоқ, навбати билан ишламоқ; يَتَنَاوَبُونَ الْعَمَلَ улар ғалма-ғал ишламоқдалар; ~ـَتْهُ الْأَمْرَاضُ уни ҳар хил касалликлар навбати билан ўраб олди; VIII انْتَابَ 1) бошга тушмоқ; ~ـَهُ الْيَأْسُ у умидсизликка тушди; ~ـَتْهَا أَفْكَارٌ كَثِيرَةٌ ҳар хил фикрлар унинг кўнглини ғаш қилди; 2) вақти-вақти билан қайталанмоқ (*касаллик, тутқаноқ ҳақида*); ~ـَتْهُ آلَامُ الْمَعِدَةِ унинг қорни қайтадан оғриб қолди; 3) вақти-вақти билан келиб кетмоқ, зиёрат қилмоқ; X اسْتَنَابَ 1) 1) (*к. нидир*) ўзининг вакили қилиб жўнатмоқ; 2) (*к. нидир*) ўзининг муовини қилиб таъйинламоқ

– اسْتِنَابَةٌ – ваколат, вакиллик ҳуқуқи

– إِنَابَةٌ – вакил қилиш, ваколат бериш; делагат қилиб жўнатиш *ёки* таъйинлаш

– تَنَاوُبٌ – 1) алмашиш, алмашиниш; 2) ғалма-ғаллик, навбатма-навбатлик; بِالـ~ *ёки* عَلَى الـ~ ғалма-ғал, навбат билан; سِبَاقُ الـ~ *қар.* سِبَاقٌ

– مُتَنَاوِبٌ – алмашинувчи, алмашиниб турувчи; даврий; ўзгарувчан; تَيَّارٌ ~ *эл.* ўзгарувчан ток

– مَنَابٌ – 1) ўрин алмашиниш, ўрин босиш; نَابَ ~ـَهُ кимнингдир вазифасини вақтинча бажармоқ; 2) улуш, ҳисса

– مُنَاوِبٌ – 1 навбатчилик қилувчи; صَيْدَلِيَّةٌ ~ـَةٌ навбатчи дорихона; طَبِيبٌ ~ навбатчи доктор; 2) навбатчи

– مُنَاوَبَةٌ – 1) алмашиниш, ўрин алмашиш; بِالـ~ *ёки* ~ навбати билан, ғалма-ғалдан; 2) навбатчилик; 3) даврийлик; 4) доира бўйлаб айланиш, доира шаклида айланиш; زِرَاعَةٌ ~ алмашлаб экиш

– مُنَوِّبٌ – вакил қилувчи, ваколат берувчи

– مُنِيبٌ – қайтувчи, қайтиб келувчи; إِلَى اللهِ ~ Оллоҳга тавба қилувчи

– نَائِبٌ[1] – *кўп.* نُوَّابٌ 1) бирор вазифани вақтинча бажариб турувчи; 2) ноиб, ўринбосар, муовин, ёрдамчи; الرَّئِيسِ ~ раис ўринбосари; الْمَلِكِ ~ подшоҳ ўринбосари; الْقُنْصُلِ ~ консул ўринбосари; الْقَاضِي ~ судя муовини; ضَابِطٍ ~ унтер-офицер; عَرِيفٍ ~ кичик сержант; الْفَاعِلِ ~ *грам.* кесими мажҳул нисбатдаги феълдан ифодаланган гапнинг эгаси; 2) депутат, ноиб; مَجْلِسُ النُّوَّابِ депутатлар палатаси; ◊ عَامٌّ ~ генерал прокурор, бош прокурор; عُمُومِيٌّ ~ *ёки* الْأَحْكَامِ ~ прокурор; الْحُمَّى الـ~ـَةُ ҳар куни қайтариладиган безгак

– نَائِبٌ[2], نَايِبٌ – *халқ.* улуш, ҳисса, бирор нарсанинг муайян миқдори

– نَائِبَةٌ – *кўп.* نَوَائِبُ 1) тақдир бевафоликлари, фалокат, офат, ҳалокат; نَوَائِبُ الدَّهْرِ *ёки* نَوَائِبُ الْأَيَّامِ тақдир зарбалари, офат фалокат; 2) солиқ

– نَوْبٌ – *кўп.* أَنْوَابٌ ҳодиса, воқеа

– نَوْبَةٌ – *кўп.* ـَاتٌ, نُوَبٌ 1) навбат; بِالـ~ навбати билан, ғалма-ғалдан; زِرَاعَةٌ ~ алмашлаб экиш; جَاءَتْ ~ـَتُهُ унинг навбати келди; 2) навбатчилик; вахта; صَاحِبُ الـ~ навбатчи; قَامَ بِـ~ـَةٍ навбатчилик қилмоқ; 3) тутқаноқ, кучайиш, зўриқиш, хуруж, касалликнинг вақти-вақти билан тутиб қолиши; الْحُمَّى ~ безгакнинг хуруж қилиши; قَلْبِيَّةٌ ~ юрак хуружи; جُنُونٍ ~ жинниликнинг тутиб қолиши; 4) концерт номери; 5) карнай чалиш; карнайдан берилган сигнал; تَمَامٍ ~ *ҳарб.* ҳарбийларни тўплаш учун казармаларда бериладиган кечки сигнал; 6) қулай фурсат, қулай имконият; 7) ноғора овози, ноғора қоқиш

– نُوبَةٌ – *кўп.* نُوَبٌ бахтсизлик, фалокат, офат

– نَوْبَتْجِيٌّ *кўп.* نَوْبَتْجِيَّةٌ навбатчи; навбатчига оид, қоровул

– نَوْبَتْجِيَّةٌ 1) навбатчилик; вахта; قَامَ بِـ~ـهِ навбатчилик қилмоқ, навбатчи бўлмоқ; 2) қўриқлаш, ҳимоя қилиш, қоровуллик хизмати

– نُوبِيٌّ 1) Нубияга оид, 2) нубиялик

– نِيَابَةٌ 1) (*к. нингдир*) вазифасини бажариб туриш (عَنْ); 2) (*к. нингдир*) вакили бўлиш (عَنْ); 3) депутат унвони; ◊ الـ~ الْعُمُومِيَّةُ прокуратура; ~ أَمْنِ الدَّوْلَةِ ...; الـ~ الْعَسْكَرِيَّةُ ҳарбий прокуратура; الْعُلْيَا олий суд прокуратураси; ... بِالـ~ عَنْ ... ниманингдир номидан, кимнингдир берган ваколати асосида; بِالْأَصَالَةِ عَنْ نَفْسِي ... بِالـ~ ... вазифасини бажара туриб; ~ عَنْ ... (*к. нингдир*) ўрнига, бадалига, эвазига, бараварига; *қар.* أَصَالَةٌ ... وَ بِالـ~ عَنْهُ أَرْجُو; رَئِيسٌ بِالـ~ раис вазифасини бажарувчи

– نِيَابِيٌّ 1) *сиёс.* вакилликка оид; الْمَجْلِسُ الـ~ парламент; 2) парламентга оид; الِانْتِخَابَاتُ ~ـةُ парламент сайловлари

1 (نوت) نَاتَ (у) نَوْتٌ (*нимжонликдан*) каловланмоқ, гандиракламоқ

– نُوتٌ қайд, ёзув, ёзиб қўйиш; الْمُحَاضَرَاتِ ~ лекцияларни қайд этиш

– نُوتَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) нота, меморандум; 2) *муз.* нота; وَضَعَ ~ أَخِيرَةً فِي الْمَعْزُوفَةِ а) мусиқий асарнинг охирги нотасини ёзмоқ; б) *кўч. м.* бирор масалада қатъий хулосага келмоқ; 3) ёзув дафтарчаси

– نُوتِيٌّ *кўп.* نَوَاتِيُّ, نُوتِيَّةٌ денгизчи, матрос; نَوَاتِيُّ السَّفِينَةِ кема экипажи, командаси

1 (نوح) نَاحَ (у) نَوْحٌ, نُوَاحٌ, نِيَاحَةٌ 1) йиғламоқ, ўлганга йиғламоқ; ((ўлган одамга) уввос тортиб йиғламоқ, айтиб йиғламоқ (عَلَى); 2) ғув-ғувлашмоқ, ғувилламоқ; II نَوَّحَ ўлганга йиғламоқ; III نَاوَحَ 1) (*к. нингдир, н. нингдир*) рўпарасида турмоқ; 2) рўпарада турмоқ; V تَنَوَّحَ силкинмоқ, тебранмоқ, чайқалмоқ; VI تَنَاوَحَ 1) бир-бирига рўпарама-рўпара турмоқ; 2) бир-бирига қарши турмоқ, бир-бирига қаршилик қилмоқ; 3) кучли эсмоқ, қаттиқ эсмоқ (*шамол ҳақида*); галма-галдан ҳар томондан эсмоқ (*шамол ҳақида*)

– مَنَاحَةٌ ўлганга йиғлаш, йиғи

– نَائِحٌ йиғичи, гирянда (*азада ёлланиб йиғловчи киши*)

– نَائِحَةٌ *кўп.* نَوَائِحُ, ـَاتٌ, نَوْحٌ, أَنْوَاحٌ, نُوَّحٌ йиғичи аёл, гирянда аёл (*азада ёлланиб йиғловчи аёл*)

– نَائِحٌ = نَوَّاحٌ

– نَائِحَةٌ = ـَاتٌ *кўп.* نَوَّاحَةٌ

– نُوَاحٌ ўлганга йиғлаш

– نُوَاحٌ = نَوْحٌ

– نُوحٌ Нуҳ (*алайҳиссалом*); ~ سَفِينَةُ ~ ёки فُلْكُ ~ Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси

– نَوْحَةٌ навҳа, дод-вой, фарёд, ўкириб йиғлаш, бақириқ

– نِيَاحٌ, نِيَاحَةٌ ўлганга йиғлаш, дод-вой, фарёд, ўкириб йиғлаш (*шунингдек, қар.* نيح)

(نوخ) II نَوَّخَ янги иқлимга мослаштирмоқ; IV أَنَاخَ 1) (*туяни*) чўкка туширмоқ, чўккалатмоқ; 2) (*қаердадир*) тўхтамоқ, яшамоқ, турғун бўлиб қолмоқ (بِ); ◊ ~ عَلَيْهِ الدَّهْرُ ҳаёт унинг қаддини букиб қўйди; X اِسْتَنَاخَ чўкка тушмоқ, чўккаламоқ (*туя ҳақида*)

– مُنَاخٌ, مَنَاخٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) тўхтаб ўтиш жойи; лагерь; 2) иқлим, климат; الـ~ الدُّوَلِيُّ халқаро иқлим (вазият); الـ~ الْقَارِّيُّ континентал иқлим;

– مَنَاخَةٌ тўхтаб ўтиладиган жой

– مُنَاخِيٌّ, مَنَاخِيٌّ иқлимга оид; الظُّرُوفُ الـ~ـةُ الْمُلَائِمَةُ қулай иқлимий шарт-шароит

نُوخُذَا капитан (*кемадаги*)

نُوخُذَةٌ *кўп.* نَوَاخِذَةٌ кема тортувчи

1 (نود) نَادَ (у) نَوْدٌ, نُوَادٌ, نَوَدَانٌ эгилмоқ, букилмоқ; мудрамоқ, пинакка кетмоқ; V تَنَوَّدَ 1) тебранмоқ, силкинмоқ; 2) мудрамоқ; пинакка кетмоқ

I (نور) نَارَ (у) نَوْرٌ нур сочмоқ, ёритиб турмоқ, чақнамоқ, чарақлаб турмоқ; II نَوَّرَ 1) ёритиб турмоқ, ёритмоқ; чароғон қилмоқ, чироқлар билан безамоқ; 2) (*чироқни*) ёқмоқ; ~ الْمِصْبَاحَ чироқни ёқмоқ; 3) гулламоқ (*дарахтлар ҳақида*); III نَاوَرَ 1) маневр қилмоқ; 2) ҳийлагарлик қилмоқ, ҳийла-найранг ишлатмоқ; ~ وَ دَاوَرَ لِكَيْ ... (*и*) ш учун у роса ҳийла-найранг ишлатди; IV[1] أَنَارَ 1) ёритмоқ; 2) маърифат тарқатмоқ; ~ الْعَقْلَ ...; ~ الْمَسْأَلَةَ масалани тушунтирмоқ; 2) нур чиқармоқ, ёритмоқ; IV[2] أَنْوَرَ топилмоқ, кашф этилмоқ, чиқмоқ, чиқиб қолмоқ; V تَنَوَّرَ 1) ёритилмоқ, ёруғ бўлмоқ; 2) маърифатли бўлмоқ; 3) бадандаги тукларни кетказиш учун дори ишлатмоқ; ~ النَّارَ узоқдан олов кўриб қолмоқ; VI تَنَاوَرَ маневр қилмоқ; X اِسْتَنَارَ (*бирор н. билан*) ёритилмоқ; 2) маърифатли бўлмоқ; билим олмоқ

– إِنَارَةٌ 1) ёритиш; 2) маърифатли қилиш

– تَنَاوُرٌ маневр қилиш

– تَنْوِيرٌ 1) ёритиш; 2) маърифатли қилиш; 3) гуллаш

– مُتَنَوِّرٌ маърифатли; الـ~ونَ зиёлилар

– مُسْتَنِيرٌ маърифатли, маълумотли, билимдон, маданиятли

– مَنَارٌ 1) ёруғлик манбаи турган жой; 2) *кўп.* مَنَاوِرُ, مَنَائِرُ маёқ

– مَنَارَةٌ *кўп.* مَنَائِرُ, مَنَاوِرُ 1) маёқ; ~ لَا سِلْكِيَّةٌ радиомаяк; رُسُومُ الْمَنَائِرِ маёқ солиғи; 2) (*маёқ ўрнатилган*) минора; 3) чироқ таглиги, чироқ ўрнатилган таглик

– مُنَاوَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) маневр; *кўп. ҳарб.т.-й.* усталик билан ҳаракат қилиш, чаққонлик билан иш кўриш; وَأَبُو الـ~ маневр

паровози; ~ عَامِلُ الـ поезд тузувчи; مُنَاوَرَاتٌ حَرْبِيَّةٌ харбий маневрлар; 2) чаққон ҳаракат; ҳийла-найранг, найрангбозлик, махинация

– مِنْوَارٌ кўп. مَنَاوِيرُ 1) кўчага ўрнатиладиган фонар; 2) прожектор

– مَنْوَرٌ кўп. مَنَاوِرُ туйнук; ҳаво йўли, ҳаво тортадиган тешик, туйнук

– مُنَوَّرٌ ёритилган, ёритиб турилган; ёруғ; мунаввар; الْمَدِينَةُ الـ~ةُ Мадинаи мунаввара

– مُنِيرٌ нур сочиб турувчи, ёритувчи; ёруғ, ярқироқ, ялтираб турган; ◊ ~ جِسْمٌ астр. осмон ёритқичи

– نَائِرَةٌ кўп. نَوَائِرُ нафрат, ёвузлик, ёмонлик; ~ الْحَرْبِ уруш олови

– نَارٌ мн. кўп. نِيرَانٌ, نُورٌ, أَنْوُرٌ 1) ўт, олов, аланга; بَابُ النَّارِ ўтхона эшиги; عِبَادَةُ الـ~ ўтга чўқиниш; شَرِيطُ النَّارِ ўтни илаштирадиган шнур; 2) ёнғин; 3) ҳарб. ўт очиш, отиш, отишма; ~ الْمَدَافِعِ тўпдан отилган ўқ, замбаракдан отилган ўқ; الـ~ الْيُونَانِيَّةُ юнон ўти (*селитра, олтингугурт, елим ва ёниши осон ёғлардан тайёрланиб, қадимда урушларда қўлланилган ёндирувчи аралашма*); إِطْلَاقُ الـ~ ўқ узиш, ўқ отиш; وَقْفُ إِطْلَاقِ الـ~ ўқ отишни тўхтатиш; أَطْلَقَ الـ~ عَلَى الْعُمْيَانِ кар. عُمْيَانٌ; الـ~ وَلَا الْعَارُ мқл. шарманда бўлгандан ўлган яхши (*сўзма-сўз: шармандаликдан дўзах яхши*); ◊ الـ~ дўзах; أَهْلُ الـ~ дўзахийлар, дўзахга тушувчилар; جَبَلُ الـ~ вулқон; حَجَرُ الـ~ мин. олтингугурт ва темирдан иборат минерал; بَيْنَ ~َيْنِ وَ بَيْنَ икки ўт орасида; الـ~! ҳарб. ўт оч; ўқ узилсин!; قَعَدَ عَلَى ~ чўғ устида ўтиргандек бўлмоқ; أَوْقَدَ ~ الْحَرْبِ уруш оловини ёқмоқ; لَعِبَ بِالـ~ ўт билан ўйнашмоқ

– نَارِيٌّ 1) оловли, оловга оид; 2) вулқонга оид; 3) ўқ отадиган; سِلَاحٌ ~ ўқ отадиган қурол; 4) ўтга чидамли; طُوبٌ ~ ўтга чидамли ғишт; ◊ أَسْهُمٌ ~ةٌ ёки أَلْعَابٌ ~ةٌ мушакбозлик, фейерверк; ~ خِطَابٌ алангали нутқ

– نُوَّارٌ жам. кўп. نَوَاوِيرُ гуллар; ~ اللَّيْلِ бот. намозшомгул

– نُوَّارَةٌ кўп. ~َاتٌ — гул

– نُورٌ жам. кўп. أَنْوَارٌ = نُوَّارٌ

– نَوَرٌ жам. 1) лўлилар; 2) дайдилар, саёқлар

– نُورٌ кўп. أَنْوَارٌ нур; ~ الشَّمْسِ қуёш нури; ~ الْقَمَرِ ой нури; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр нури; سُرْعَةُ الـ~ ёруғлик тезлиги; أَلْقَى ~اً عَلَى ... ...ни ойдинлаштирмоқ, равшанлаштирмоқ; خَرَجَ إِلَى الـ~ босилиб чиқмоқ (*китоб ҳақида*); ◊ ~ الْعُيُونِ (*кўзнинг*) кўриши; يَا ~ عَيْنِي азизим, кўзимнинг нури!; سَبَتُ الـ~

дин. (*христианларда*) байрам олдидаги шанба; الـ~ الْأَخْضَرُ яшил чироқ (*транспортнинг ҳаракати учун*)

– نُورَانِيٌّ нур сочиб турган; ёритиб турган; ярақлаб турган, порлаб турган, нуроний; الْآيَاتُ الـ~ةُ Қуръони каримнинг порлаб турган оятлари (نُورٌ *сўзи қўшилиб келган оятлари*)

– نُورَانِيَّةٌ нурланиш, ёруғлик сочиш; ярақлаш, ялтираш; шуъла товланиш; ёруғлик

– نَوْرَةٌ кўп. ~َاتٌ — = نُوَّارَةٌ

– نُورَةٌ 1) оҳак; 2) бадандаги тукларни тўкадиган дори

– نَوَرِيٌّ, نُورِيٌّ[1] 1) лўли; 2) дайди, саёқ

– نُورِيٌّ ёруғликка оид; سَنَةٌ ~ةٌ астр. ёруғлик йили (*нурнинг бир йил ичида босиб ўтадиган йўли*); ~ (جِرْمٌ) جِسْمٌ астр. осмон ёритгичи

– نَيِّرٌ 1) нур сочувчи; ёруғ, товланувчи, порловчи; ~ عَقْلٌ ажойиб ақл; 2) шаффоф; 3) маърифатли; 4) кўп. ~َاتٌ — ёритгич; الـ~َانِ ик. с. Қуёш ва Ой; الـ~ الْأَعْظَمُ Қуёш

نَوْرَجٌ кўп. نَوَارِجُ навраж (*ғаллани янчиш қуроли*)

نَوْرَسٌ, نَوْرِسٌ денгиз (оқ чорлоғи) чайкаси (*балиқчи қуш*)

نُورَسْتِنِيَا мед. чарчаш ва озиш натижасида пайдо бўладиган асабий касаллик, неврастения

– نَوْرُوزٌ навруз (*шарқ мамлакатларида янги йил бошланадиган кун*); عِيدُ الـ~ янги йил байрами

I نَاسَ (نوس) (у) نَوْسٌ, نَوَسَانٌ осилмоқ, осилиб турмоқ; чайқалиб силкиниб турмоқ, тебраниб турмоқ; IV أَنَاسَ тебратмоқ, чайқатмоқ, силкитмоқ; V تَنَوَّسَ = I

– نَاسٌ ёки أُنَاسٌ (*аниқ ҳолатда фақат* النَّاسُ; кар. إِنْسَانٌ) одамлар; كَلَامُ الـ~ одамлар нутқи; كُنْ مِثْلَ الـ~! одамга ўхшагин!; ◊ اِبْنُ الـ~ яхши оилада тарбия кўрган бола

– نَاسُوتٌ кўп. نَوَاسِيتُ *алиф. б.* кар.

– نَاسُوتِيَّةٌ *алиф. б.* кар.

– نَاوُوسٌ *алиф. б.* кар.

– نُوَاسٌ осилиб турган кокил

– نَوَّاسٌ силкиниб турган, чайқалиб турган, тебраниб турган

نَوْسَرَ оқмоқ, оқиб тешик ҳосил қилмоқ (*яра ҳақида*)

– نَاسُورٌ кўп. نَوَاسِيرُ жароҳатнинг кўзи, оқма яра (*сол.* بَاسُورٌ)

I نَاشَ (نوش) (у) نَوْشٌ 1) ушламоқ, ушлаб олмоқ; 2) қамраб олмоқ, ўраб олмоқ (*ҳиссиёт ҳақида*); безовта қилмоқ, ножам қилмоқ; III نَاوَشَ 1) тўқнашмоқ, олишмоқ, урушмоқ; VI تَنَاوَشَ 1) душман билан тўқнашмоқ, жангни бошламоқ; 2) олмоқ, ушламоқ, қўлга киритмоқ; VIII اِنْتَاشَ 1) олмоқ, қабул қилмоқ; 2) олиб чиқмоқ, судраб [illegible]

чиқармоқ; ~ـهُ مِنَ الْهَلَاكِ кимнидир ҳалокатдан қутқармоқ

– مُنَاوَشَةٌ кўп. ـاتٌ — тўқнашиш, олишув, тўқиниш, жанг

– مُنَاوِشِيٌّ қизғиш-гунафша рангли

– نُوشَةٌ, نَوْشَةٌ кўп. ـاتٌ — ичак терлама касаллиги

نُشَادِرٌ = نُوشَادِرٌ

I (نوص) نَاصَ (у) نَوْصٌ 1) (н. дандир) ўзини олиб қочмоқ, (н. дандир) бош тортмоқ, бўйин товламоқ (عَنْ); 2) пасаймоқ, хиралашмоқ (мас, лампанинг ёруғи); VIII انْتَاصَ пасаймоқ, хиралашмоқ (мас, лампанинг ёруғи); (н. дандир) кечикмоқ

– مَنَاصٌ, مُنِيصٌ 1) бош тортиш, бўйин товлаш; 2) қочиб борадиган жой, бошпана; ~ لَا مِنْهُ муқаррар, қочиб қутилиб бўлмайдиган; لَمْ يَجِدْ ~ًا مِنْ у ...дан қочиб қутилмайди

– نَوَّاصَةٌ кўп. ـاتٌ — тунда ёқиб қўйиладиган кичик чироқ

– نَوْصٌ зоол. ёввойи эшак

I (نوط) نَاطَ (у) نَوْطٌ 1) осиб қўймоқ, илиб қўймоқ; 2) (н. нид ир) ишониб топширмоқ (بِ); نِيطَ بِهِ бирор нарсага оид бўлмоқ; نِيطَ عَلَيْهِ унга ишониб топширилган эди; II نَوَّطَ 1) осиб қўймоқ, илиб қўймоқ; 2) (бирор н. га) тобе қилиб қўймоқ, (бирор н. билан) боғлиқ қилиб қўймоқ (بِ); 3) (н. нидир) топширмоқ, буюрмоқ, вазифа қилиб топширмоқ (بِ); IV أَنَاطَ = II

– تَنَوُّطٌ жам. зоол. тўқимачи (қуш)

– مَنَاطٌ 1) илиб ёки осиб қўйиладиган жой; 2) умид қилинган ёки севиладиган нарса; ~ُ الْآمَالِ орзу қилинган нарса; ~ُ الْفَزَعِ хавф-хатар манбаи; هُوَ بَعِيدٌ مِنِّي ~َ الثُّرَيَّا маж. у мендан жуда-жуда узоқда; عُدَّ ~َ الْآمَالِ ундан умидлар жуда катта

– مَنُوطٌ (бирор н. га) тобе, (н. билан дир) боғлиқ (بِ)

– نَوْطٌ кўп. أَنْوَاطٌ 1) осиш, тортиш; 2) медальон; 3) алоҳида ютуқ белгиси (шунингдек: ~ُ الْجَدَارَةِ ёки ~ُ الْامْتِيَازِ); медаль, орден; ~ الْوَاجِبِ الْعَسْكَرِيِّ "Ҳарбий соҳадаги ютуқлари учун" медали (Миср Араб Республикаси); 4) брелок (калитлар ҳалқаси)

– نُوطَاتٌ кўп. ёзма хабар ёки маълумот, ёзув-чизув

– نِيَاطٌ анат. сотомир, аорта; ~ الْقَلْبِ — бِـ маж. ич-ичидан, юрак-юрагидан

(نوع) II نَوَّعَ 1) турли шаклга солмоқ, кўринишини ўзгартирмоқ; 2) сараламоқ, хилламоқ; туркумламоқ, туркумларга ажратмоқ; V تَنَوَّعَ 1) турли-туман бўлмоқ, ҳар хил бўлмоқ; 2) турли навларда бўлмоқ; 3) ўз шаклини ўзгартирмоқ

– تَنَوُّعٌ ҳар хиллилик, ҳар хил навда бўлишлик

– تَنْوِيعَةٌ кўп. ـاتٌ — шахм. вариант

– مُتَنَوِّعٌ ҳар хил, турли шаклдаги

– مُنَوَّعٌ ҳар хил, турли хил

– مُنَوَّعَاتٌ кўп. турли-туман хабарлар (газета рубрикаси)

– نَوْعٌ кўп. أَنْوَاعٌ 1) нав, турли навлар; сорт; категория; عَلَى اخْتِلَافِ أَنْوَاعِهِمْ ҳар хил навдаги; 2) сифат; ◊ الـ~ُ الْإِنْسَانِيُّ инсон насли; ~ًا مَا маълум даражада; ... ~ مِنْ ...га ўхшаш бирон нарса; بِـ~ خَاصٍّ хусусан

– نَوْعِيٌّ 1) турга оид; 2) сифатга оид; ~ًا сифат нуқтаи назаридан; ◊ ~ ثِقَلٌ физ. солиштирма оғирлик

– نَوْعِيَّةٌ 1) сифат; 2) ҳар хиллилик, ҳар хил навда бўлишлик; 3) усул, восита

– نَوْعِيَّاتٌ кўп. хилма-хилликлар

– نُوَيْعٌ кўп. ـاتٌ — кенжа тур

I (نوف) نَافَ (у) نَوْفٌ 1) юқори бўлмоқ, баланд бўлмоқ; 2) (н. дандир) орттириб юбормоқ, ошмоқ (عَلَى); II نَيَّفَ (н. дандир) ошиб кетмоқ, аъло бўлмоқ (عَلَى); IV أَنَافَ (н. нингдир устида) юксак бўлиб турмоқ (عَلَى); 2) (н. дандир) устун бўлмоқ, ошиб кетмоқ (عَلَى)

– نِيَافَةٌ = إِنَافَةٌ

– مُنِيفٌ баланд, юқори

– نَافٌ кўп. ـاتٌ — бўйинтуруқ

– نَيَّافٌ баланд, юқори; қомати келишган, ҳушбичим

– نِيَافَةٌ ҳазрат (олий даражадаги дин пешволарига мурожаат қилинганда ишлатилади)

– نَيِّفٌ ортиқча, ошиқча; عَشَرَةٌ وَ ~ ўндан ортиқ; مَا بِـ~ عَلَى ... ...дан ортиқ

نِيلُوفَرٌ бот. = نُوفَرٌ

– نَوْفَرَةٌ кўп. ـاتٌ — фонтан, фаввора

نُوفَمْبِرُ ноябрь

(نوق) V[1] تَنَوَّقَ (н. дадир) назокат, нафосат изҳор қилмоқ; ораста бўлмоқ; V[2] تَنَيَّقَ = تَنَوَّقَ; X اسْتَنْوَقَ урғочи туяга ўхшаб қолмоқ, урғочи туя каби бўлмоқ; маж. илгариги куч-қудратдан қолмоқ; ~ الْجَمَلُ мaж. у илгариги шон-шавкатини ва мол-дунёсини қўлдан бой берди; قَدْ يَسْتَأْسِدُ وَ يَتَنَمَّرُ جَبَانٌ يُوَاجِهُ النَّاسَ الْمُسَالِمِينَ وَ لَكِنَّهُ يَسْتَنْعِجُ وَ يَسْتَنْوِقُ أَمَامَ الْأَقْوِيَاءِ юввош одамлар орасида у ўзини шер ва йўлбарсдек тутади, бақувват одамлар олдида эса қўйга ёки урғочи туяга айланади

– نَاقَةٌ кўп. ـاتٌ — نُوقٌ, نِيَاقٌ, أَنْوُقٌ, أَوْنُقٌ, أَيْنُقٌ урғочи туя; لَيْسَ لَهُمْ فِي الْأَمْرِ جَمَلٌ وَ لَا ~ қар. ~ُ الْبَحْرِ; جَمَلٌ зоол. дюгонь (ҳайвон)

– نَيِّقٌ 1) нафис, нозик, кўркам, ораста, зебо; 2) аниқ, равшан, очиқ, тушунарли

نَالَ (نول) I (у) نَوْلٌ (к. га дир н. нидир) бермоқ, ато этмоқ, ҳадя қилмоқ (عَلَى, ب ёки туш. к.); II نَوَّلَ бермоқ узатмоқ, узатиб юбормоқ; III نَاوَلَ 1) топширмоқ, бермоқ; 2) спорт. узатмоқ, қўлдан-қўлга бермоқ; IV أَنَالَ бермоқ, тақдим қилмоқ; VI تَنَاوَلَ 1) ўз ичига олмоқ, қамраб олмоқ, тўхтаб олмоқ (бирор масала ҳақида), алоқадор бўлмоқ; ~ بِالنَّقْدِ танқидга дучор қилмоқ, танқид қилдирмоқ; 2) олмоқ, қабул қилмоқ; 3) емоқ, овқатланмоқ; ~ طَعَامَهُ овқат емоқ, ~ الْغَدَاءَ тушлик қилмоқ; 5) (дори-дармон) қабул қилмоқ; 6) (чой, қаҳвани) ичмоқ

– مُتَنَاوَلٌ етишиш даражасидаги; هَذَا فِي ~ يَدِنَا бу қўлимиз остида турибди; سَهْلُ الْـ~ етишиш осон бўлган ◊ فَوْقَ ~ الظُّنُونِ وَ الشُّبُهَاتِ ҳар қандай шак-шубҳадан ташқари

– مُنَاوِلٌ кучни ғилдирак ва тасмалар орқали иш машиналарига узатувчи вал

– مُنَاوَلَةٌ 1) топшириш, тақдим қилиш; 2) спорт. узатиш, қўлма-қўл қилиш

– مِنْوَالٌ кўп. مَنَاوِيلُ 1) тарз, тариқа, сифат; عَلَى ~ـهِ нимадир каби, нимагадир ўхшаш; عَلَى هَذَا الْـ~ шу тариқа, шу йўл билан; عَلَى ~ وَاحِدٍ бир усулда, бир хил йўл билан; نَسَجَ عَلَى ~ـهِ маж. кимгадир тақлид қилмоқ; هُمْ عَلَى ~ وَاحِدٍ улар мутлақо бир хилдир; 2) тўқув дастгоҳи, тўқув дўкони; ◊ ~كَ أَلَّا تَفْعَلَ هَكَذَا! сен бундай қилмаслигинг керак!

– مِنْوَالٌ кўп. مَنَاوِلُ тўқув дастгоҳи, тўқув дўкони

– نَوَالٌ 1) ато, ҳадя, хайр-эҳсон, инъом; 2) олиш, қабул қилиш, эга бўлиш, эришиш, топиш; ютуқ, ютуққа эришиш; ◊ ~كَ أَنْ ... сен ...(и)шинг керак

– نَوْلٌ кўп. أَنْوَالٌ = مِنْوَلٌ; مَا ~كَ (وَ لَا ~كَ) أَنْ تَفْعَلَ كَذَا сен бундай қилишинг керак эмас

نَوْلُونٌ юк ташиш ҳақи, кира пули

نَامَ (نوم) I (а) نَوْمٌ 1) ухламоқ, ухлаш учун ётмоқ, уйқуга кетмоқ, тинч ётмоқ; نِمْتَ وَ أَدْلَجَ النَّاسُ сен ухлаб қолдинг; 2) тинчимоқ, тўхтамоқ (денгиз, шамол ҳақида); очмоқ (олов ҳақида); сусаймоқ, юришмай қилмоқ (савдо ҳақида); 3) донг қолмоқ, эсанкираб қолмоқ, қотиб қолмоқ; 4) (н. нидир) кўрмай қолмоқ, (н. гадир) эътибор бермай қўймоқ, (бирор н. га нисбатан) бепарво бўлмоқ (عَنْ); 5) (к. гадир) итоат қилмоқ, бўйсунмоқ (إِلَى); 6) (к. гадир) ишонмоқ, суянмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); ◊ ~ عَلَى أَكَالِيلِ النَّصْرِ эришилган ғалаба билан хотиржам бўлмоқ; ~ مِلْءَ جَفْنَيْهِ жуда қаттиқ ухламоқ, қотиб ухламоқ; ~ عَلَى أُذُنَيْهِ қар. أُذُنٌ; II نَوَّمَ 1) ётқизмоқ, ухлатмоқ; ухлатиб қўймоқ; ~ بِالْكِلُورُوفُورْمِ хлороформ ёрдамида ухлатмоқ (беҳуш қилмоқ); 2) гипноз қилмоқ; IV أَنَامَ 1) ухлатмоқ; 2) ухлатиб қўймоқ; V تَنَوَّمَ уйқуда эҳтилом бўлмоқ, уйқуда булғаланиб қолмоқ; VI تَنَاوَمَ 1) ўзини ухлаганга солмоқ, ўзини ухлаган қилиб кўрсатмоқ; 2) (бирор н. га) ишонмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); X[1] اسْتَنَامَ 1) (к. гадир) ишонмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); ~ إِلَى الصُّدْفَةِ тасодифга умид боғламоқ; 2) (бирор н. га) қаттиқ берилмоқ, кунт билан киришмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْحَدِيثِ суҳбатга берилиб кетмоқ; ~ إِلَى اللَّعِبِ ўйинга берилиб кетмоқ 3) (бирор н. га) кўнмоқ тан бермоқ (لِـ); 4) ухлаб қолмоқ, эътиборсизлик қилмоқ; X[2] اسْتَنْوَمَ уйқуда эҳтилом бўлмоқ, уйқуда булғаланиб қолмоқ

– إِنَامَةٌ 1) ухлашга ётқизиш; 2) ухлатиш; ~ يَقْظَةٍ ғафлатда қолдириш

– تَنْوِيمٌ 1) ухлашга ётқизиш; 2) ухлатиш; ◊ ~ مَغْنَطِيسِيٌّ гипноз

– مَنَامٌ кўп. ـَاتٌ 1) уйқу; 2) туш кўриш; 3) ухлаш хонаси, хобгоҳ; мактаблар ҳузуридаги ётоқхона

– مَنَامَةٌ 1) тунги куйлак, пижама; 2) ичида ухлайдиган қоп

– مُنَوِّمٌ ухлатувчи, уйқуга ётқизувчи, уйқу келтирадиган; دَوَاءٌ ~ уйқу дори; الْحُبُوبُ الْـ~ـةُ уйқу ҳапдориси

– مُنَوِّمَاتٌ ухлатадиган воситалар

– مُنَوِّمَةٌ ухлатадиган нарса

– مُنِيمٌ кўп. مَنَائِمُ тех. таглик, бирор нарсанинг остига қўядиган таглик; бирор нарсанинг устига қўйиладиган устлик

– نَائِمٌ кўп. نُوَّامٌ, نِيَامٌ 1) ухловчи, ухлаётган, уйқудаги; 2) караxт бўлган, қотиб қолган; لَيْلٌ ~ ҳамма ухлаб ётган тун

– نَؤُومٌ 1) уйқули; 2) уйқучи одам

– نُوَامٌ 1) ўта уйқучилик, жуда кўп ухлашлик; 2) уйқу касали; узоқ ухлаб қолишлик касали, летаргия

– نَوَّامٌ уйқучи одам

– نَوْمٌ уйқу; ~ أَهْلِ الْكَهْفِ маж. қаттиқ уйқу, узоқ уйқу (қар. كَهْفٌ); قِلَّةُ الْـ~ уйқусизлик, бедорлик, камуйқулик; قَمِيصُ الْـ~ тунда кийиладиган кийим; غُرْفَةُ الْـ~ ухлаш хонаси, хобгоҳ, хобхона; مَرَضُ الْـ~ енгил уйқу касали; мудроқлик, уйқучилик; ◊ ~ مَغْنَطِيسِيٌّ гипноз; أَبُو الْـ~ бот. кўкнор

– نَوْمَانُ: يَا ~! ҳой, уйқучи одам!, эй, серуйқу одам!

– نَوْمَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) қисқа муддатли уйқу; 2) уйқу характери; نَامَ ~ أَهْلِ الْكَهْفِ маж. жуда қаттиқ ухламоқ (қар. كَهْفٌ)

– نُوَمَةٌ уйқучи одам

– نَوْمِيٌّ уйқуга оид; уйқули; الْيَقْظَةُ الْـ~ـةُ мед. уйқуда юриш, уйқуда беихтиёр турли ишлар қилиш

– نِيمٌ = مَنَامَةٌ

نَوَّنَ (نون) II грам. танвин ҳаракатини қўймоқ

– تَنْوِينٌ грам. танвин ҳаракати

– نُونٌ кўп. أَنْوَانٌ, نِينَانٌ 1) катта балиқ; 2) кит; 3) кўп. أَنْوَانٌ, نُونَاتٌ нун (ن) ҳарфи; ◊ ذُو الْـ~ Зуннун

– نُونَةٌ юздаги кулдиргич

– نُونِيٌّ нун (ن) ҳарфига ўхшаш, нун (ن) каби

نَوْنَوَ миёвламоқ

– نُونُو гўдак, чақалоқ

– نَوْنَوَةٌ миёвлаш

(نود) I نَادَ (у) نَوْدٌ кўтарилмоқ, бош кўтармоқ; النَّبَاتُ ~ ўсимлик бош кўтарди; II نَوَّدَ (1 (бирор н. га) ишора қилмоқ (بِ); (н. нидир) эсламоқ, эслаб ўтмоқ, кўрсатиб ўтмоқ, эслатиб ўтмоқ (بِ); 2) (бирор н. га) имо-ишора қилмоқ, шама қилмоқ (بِ); 3) (к. ни дир) мақтамоқ, мадҳ қилмоқ (بِ)

– تَنْوِيهٌ 1) эслатиб ўтиш, кўрсатиб ўтиш; имо-ишора, шама; 2) мақташ, мақтов, мадҳ

– مُنَوَّدٌ (бирор к. томонидан) кўрсатиб ўтилган, эслатиб ўтилган (بِ); ◊ عَنْهُ ~ шама, имо-ишорага сабаб бўлган нарса

I نَوَى (и) نِيَّةٌ 1) ният қилмоқ, бел боғламоқ; (бирор н. га) қасд қилмоқ, қаттиқ уринмоқ; 2) узоқлашмоқ; (н. дандир) узоқда бўлмоқ, узоқ бўлмоқ (عَنْ); II نَوَّى 1) ядро ташкил этмоқ; 2) миёвламоқ; III نَاوَى душманлик қилмоқ, душман бўлмоқ; VIII اِنْتَوَى ният қилмоқ, қарор қилмоқ

– اِنْتِوَاءٌ ният, ният қилиш, маҳкам бел боғлаш, кескин қарор бериш

– نَوَاةٌ[1] кўп. نَوًى 1) данак, (меванинг) уруғи; ядро; ذَرِّيَّةٌ ~ физ. атом ядроси; تَحْطِيمُ ~ الذَّرَّةِ атом ядросини парчалаш; 2) тех. ўзак, ўқ

– نَوَاةٌ[2] набот (5 дирҳамга тенг оғирлик ўлчови)

– نُوَايَةٌ кўп. ـــ اتٌ (меванинг) данаги, уруғи

– نَوَوِيٌّ ядрога оид; الْفِزْيَاءُ الـ ~ ـةُ ядро физикаси; الْمُفَاعِلُ الـ ~ ـُّ ядро реактори; التَّفَاعُلاَتُ الـ ~ ـَّةُ ядро реакциялари; الْانْدِمَاجُ الـ ~ ـُّ ядро синтези; الْأَبْحَاثُ الـ ~ ـَّةُ ядровий тадқиқотлар; غِشَاءٌ ~ ядро қобиғи; جِبْلَةٌ ~ ـَّةٌ ядро плазмаси; الطَّاقَةُ الـ ~ ـَّةُ ядро энергияси; الْقُوَى الـ ~ ـَّةُ ядро таркибидаги кучлар; السِّلاَحُ الـ ~ ـُّ ядро қуроли; الرُّؤُوسُ الـ ~ ـَّةُ ядровий каллаклар

– نَوًى 1) олислик, узоқлик, йироқлик; 2) (саёҳатдан кўзланган) ният, мақсад

– نُوَيَّةٌ кўп. ـــ اتٌ ядроча

– نِيَّةٌ кўп. ـــ اتٌ، نَوَايَا ният, мақсад, фикр; حُسْنُ الـ ~ эзгу ният, беғаразлик; عَنْ حُسْنِ الـ ~ эзгу ният билан, яхши мақсад йўлида; سُوءُ الـ ~ ғаразгўйлик, ёмонлик; عَقَدَ الـ ~ عَلَى ... ...ни ният қилмоқ; صَحَّتِ الـ ~ عَلَى ... (и)ш яхши нияти бор эди; بَيَّتَ الـ ~ عَلَى فِعْلِ شَيْءٍ ниманидир қилишни ният этмоқ; ◊ سَلاَمَةُ الـ ~ соддалик, оддийлик, табиийлик; عَلَى نِيَّاتِهِ а) содда, оқ кўнгил, ишонувчан; رَجُلٌ عَلَى نِيَّاتِهِ оқ кўнгил одам; б) тажрибасиз, ғўр

I (نأ) نَاءَ (u) نَيْءٌ хом бўлмоқ; II نَيَّأَ 1) хом қўймоқ, хомлигича қолдирмоқ; 2) (ишни) чала (охирига етказмай) ташлаб қўймоқ

– نَيٌّ، نِيءٌ 1) пишмаган, хом, пишиб етилмаган; 2) охирига етказилмаган, чала, охиригача ишланмаган

I (نيب) نَابَ (у) نَيْبٌ қозиқ тишига зарар етказмоқ; II نَيَّبَ тишламоқ, тиши билан илиб олмоқ

– نَابٌ кўп. نُيُوبٌ، أَنْيَابٌ қозиқ тиш; ◊ الْجَمَلِ ~ бот. бўтакўз; كَشَّرَ عَنْ أَنْيَابِهِ тишларини иржайтирмоқ, тиржайтирмоқ; أَزْرَقُ ~ ـهُ у ёмон одам, у нияти бузуқ одам; قَارَعَ بِالظُّفْرِ وَ الـ ~ бор кучи билан солишмоқ, урушмоқ

نِبْتُونُ астр. Нептун

نِتْرَاتٌ = نِيتْرَاتٌ

نِيتْرُوجِين химё. азот

نِيتْرُونٌ кўп. ـــ اتٌ нейтрон

نِيتْرِيكٌ азотли, азотга оид; حَمْضٌ ~ азот кислотаси

(نيح) II نَيَّحَ ўлим бермоқ, ўлдирмоқ (Оллоҳ ҳақида); V تَنَيَّحَ вафот этмоқ, ўлмоқ

– مُتَنَيِّحٌ ўлган, вафот этган

– نِيَاحٌ ўлим, вафот этиш; (христианларда) ўлим (шунингдек, қар. (نوح)

نِيرٌ кўп. أَنْيَارٌ зулм, истибдод; تَخَلَّصَ مِنْ ~ الْاِسْتِعْمَارِ وَ الْاِسْتِغْلاَلِ империализм ва эксплуатация зулмидан қутулмоқ

– نِيرَةٌ милк, тиш милки

نُورُوزٌ = نَيْرُوزٌ

نَيْزَكٌ кўп. نَيَازِكُ 1) найза; 2) астр. учар юлдуз; метеор

– نَيْزَكِيٌّ метеорга оид

نِيسَانُ найсон, апрель; كِذْبَةُ ~ биринчи апрель ҳазили

نِشَانٌ = نِيشَانٌ кўп. نَيَاشِينُ

نِيصٌ зоол. жайра

نوط қар. نيط

نوف қар. نيف

نَيْفَقٌ: السِّرْوَالِ ~ шалвор ёки иштоннинг кенг қисми

– نِيفَةٌ қовурма гўшт

نوق қар. نيق

(نيق) V تَنَيَّقَ (шунингдек, қар. تَنَوَّقَ) (н. дадир) синчков бўлмоқ (فِي); табъи нозик бўлмоқ, диди нозик бўлмоқ (فِي)

I (نيك) نَاكَ (u) نَيْكٌ жинсий алоқа қилмоқ

– مَنْيُوكَةٌ кўп. ـــ اتٌ бузуқ аёл, гар, фоҳиша

نِيكَل никель

مُنَكَّل – никелланган

نِيكُوتِين никотин

I (نيل) نَالَ (a) نَيْل 1) олмоқ, қабул қилмоқ, эга бўлмоқ, касб этмоқ, эришмоқ, етишмоқ; (ўйинда) ютмоқ, ғолиб бўлмоқ, қўли баланд келмоқ; بُغْيَتَهُ ~ ниятига етмоқ, орзу қилган нарсасига етишмоқ; ~ جَائِزَةً мукофот олмоқ; حَقَّهُ ~ ўз ҳуқуқини қўлга киритмоқ; ~ حُرِّيَّتَهُ озодликка эришмоқ; دَرَجَةَ الدُّكْتُورَاه ~ доктор даражасини олмоқ; ~ عَطْفَهُ кимнингдир илтифотига сазовор бўлмоқ; ~ رِضَاهُ (к.нингдир) меҳрига сазовор бўлмоқ; ~ نَجَاحًا فِي ... (н. дадир) ютуққа эришмоқ; 2) бошига тушмоқ (мас., бахтсизлик); ~ـهُ الفَقْرُ وَ الْجُوعُ унинг бошига қашшоқлик ва очлик тушди; ~ـهُ التَّغَيُّرُ у ўзгариб кетди; 3) (к. гадир) тегишли бўлмоқ; 4) (н. нидир) озайтирмоқ, камайтирмоқ (مِنْ); 5) (к. нидир) хафа қилмоқ, ранжитмоқ, сўкмоқ, ҳақоратламоқ (مِنْ); (к. гадир) ёмонлик қилмоқ, зарар келтирмоқ (туш. к ёки مِنْ); ~ مِنْ عِرْضِهِ кимнидир бадном қилмоқ, қораламоқ; ~ـهُ بِسُوءٍ кимгадир зарар келтирмоқ, ёмонлик қилмоқ; 6) (бирор н. га) кўз олайтирмоқ, тажовуз қилмоқ; ◊ ~ مِنْهُ الشَّيْبُ унинг соч-соқоли оқарди; ~ مِنْ نَفْسِي هَذَا الْحَدِيثُ бу суҳбат менда таассурот қолдирди; II نَيَّلَ 1) Нил бўёғи билан бўямоқ; 2) (ерни) Нил дарёси суви билан суғормоқ; IV أَنَالَ 1) бермоқ, тақдим қилмоқ; 2) бировнинг қўлини баланд қилмоқ, бировнинг ютишига имкон яратмоқ; V تَنَيَّلَ Нил бўёғи билан бўянмоқ

تَنْيِيل – (ерни) Нил дарёси суви билан суғориш

مَنَال – олиш, қўлга киритиш, етиштириш; ~ الْـ صَعْبُ ёки عَسِيرُ ~ الْـ етишиш қийин бўлган, қўлга киритиш мушкул бўлган (н.); ~ الْـ سَهْلُ етишиш осон бўлган, қўлга киритиш осон бўлган (н.) ~ الْـ قَرِيبُ эришиладиган, эришилиши осон бўлган; ~ الْـ بَعِيدُ етишиб бўлмайдиган, етиб бўлмайдиган

مِنْيَل – Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб

نَائِل – 1) олувчи, қабул қилувчи, қабул қилиб олувчи; 2) совға, ҳадя; 3) ютуқ, фойда; لَمْ يَظْفَرْ بِـ ~ у ҳеч бир фойда олмади

نَيْل – 1) олиш, қабул қилиш, қабул қилиб олиш, етишиш, эришиш; 2) имтиёз, фойда; 3) ғалаба, муваффақият

نِيل – Нил бўёғи

نِيل – ~ الـ ёки ~ نَهْرُ الـ Нил дарёси; ◊ ~ بَنُو الـ мисрликлар; ~ عَرَائِسُ الـ кар. عَرُوس

نِيلَة – Нил бўёғи; ~ زَهْرَةُ الـ очкўк бўёқ, синька

نِيلِيٌّ[1] – кўк, мовий

نِيلِيٌّ[2] – 1) Нил дарёсига оид; ~ سَمَكٌ Нил балиғи; 2) Нил дарёсининг тошишига оид; ◊ ~ ذُرَةٌ الـ бот. дурра (жўхорининг бир нави)

نِيلَج 1) тери остига нақш (татуировка) чизиладиган бўёқ; 2) Нил бўёғи

نِيلُوفَر бот. нилуфар

نَيْلُون нейлон; ~ جَوَارِبُ الـ нейлон пайпоқ

نيم кар. نوم

نِيمْبِرِشْت халқ. чала пиширилган (тухум)

نِينَة она

نِيَّة кар. نوى

نِيُوبِيُوم кимё. ниобий

نِيُوتْرُون физ. нейтрон

نِيُون неон; ~ أَضْوَاءُ الـ неон нурлари; ~ أَنَابِيبُ الـ неон найчалари (рекламалардаги)

نِيُونِيٌّ – неонга оид; الأَضْوَاءُ الـ~ـة неон нурлари

ه

ه (هَاءٌ) ҳо (араб алифбосининг йигирма олтинчи ҳарфи; абжадда - 5)

هـ қиск. (سَنَة) هِجْرِيَّة дан ҳижрий (йил)

ـهُ: ـهِ ... III- шахс бирикма олмоши; унинг (мз.); كِتَابُهُ унинг китоби; 2) кишилик олмоши, III- шахс, туш.к. қўшимчаси; أَخَذْنَاهُ биз уни олдик

ـهَا ... унинг (мн); уни (мн), уларни (жонсиз предметлар ҳақида); كِتَابُهَا унинг (мн.) китоби; أَخَذْنَاهَا уни (мн.) олдик; биз уларни (мас. китобларни) олдик.

هَا мана; هَا هُوَ мана у; هَا أَنَا ذَا мана мен; وَ هَا أَنَا قَائِمٌ мана мен ҳам; وَ هَاكَ مَثَلاً آخَرَ мана сенга бошқа бир мисол; هَا هُنَا мана бу ерда; إِذَا شِئْتَ دَلِيلاً فَهَاكَهُ агар далил хоҳласанг, мана у

هَذَا (هَا+ذَا) бу (мз.)

هَذِهِ бу (мн.)

هَؤُلَاءِ булар

هَكَذَا хуллас, шундай қилиб

هَابِيلُ *Қур., am. om. мз.* Ҳобил; *библ.* Авель

هَاتِ *мн.* هَاتِينَ هَاتِي бер!; *мн.* هَاتُوا беринглар!

هَاتُورُ 1) Хотир (*Қадимги мисрликлар илоҳаси*) 2) Хотир (*қибт тақвимининг учинчи ойи*)

هَاجَرُ *Қур., am. om. мн.* Ҳожар, *библ.* Агарь

هَارْمُونِي гармония, ҳар томонлама мутаносиблик, мослик

هَارُونُ *am. om. мз.* Ҳорун, أَبُو ~ булбул

هَالٌ *бот.* хил., кардамон (*занжабилгуллилар оиласига мансуб ўтсимон доривор ўсимлик*), ~ الـ حَبُّ *қар.* حَبٌّ

هَالُوكٌ *бот.* Шумгия, шумгиёҳ

هَالْيُومٌ *киме.* гелий

هَامُوشٌ *жам.* майда чивинлар

هَامُوشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — майда чивин

هَانِمٌ *кўп.* هَوَانِمُ хоним, аёл

هَاوُسَا ~ الـ ҳовус тили

هَاوُونٌ *кўп.* هَوَاوِينُ *қар.* هون

هَأْهَأَ хохоламоқ, қаттиқ кулмоқ

هَأْهَأَةٌ – хохолаш, қаттиқ кулиш

هَبٌ *қар.* وهب

I (هب) هَبَّ[1] (*а/и*) هُبُوبٌ, هَبِيبٌ 1) қутурмоқ, эсмоқ (*шамол ҳақида*) 2) чиқмоқ (*ёнгин, уруш ва б.лар ҳақида*) ~ـتِ النَّارُ ёнгин чиқди. ~ـتِ الْعَاصِفَةُ бўрон бошланиб кетди 3) уйғонмоқ, уйқудан турмоқ, مِنْ نَوْمِهِ ~ уйқудан турмоқ, уйқудан уйғонмоқ. هَبَّ[2] (*а/и*) 1) هَبَّ (*к. дир қарши*) кўтарилмоқ (فِي) (*к. гадир*) хужум қилмоқ, ташланмоқ (فِي) ~ فِيهِ الْكَلْبُ унга ит ташланди. وَاقِفًا ~ ирғиб туриб кетмоқ. فِي وَجْهِهِ الْمُعَارِضُونَ ~ унга оппозициячилар қарши чиқдилар; 2) (*бирор н. га*) киришмоқ, (*бирор н. ни*) бошламоқ (إِلَى); يَكْتُبُ ~ у ёза бошлади, ёзишга киришди; 3) тез юрмоқ, (*қаергадир*) шошмоқ (إِلَى); كُلُّ مَنْ ~ وَدَبَّ *маж.* ҳар бир одам, ким бўлса ҳам, исталган бир одам. هَلْ هَذَا مُبَاحٌ لِكُلِّ مَنْ ~ وَدَبَّ؟ ҳар бир дуч келган одам бу ишни қилаверадими? لِلْحَرْبِ ~ қўлга қурол олмоқ فِي الْحَرْبِ ~ енгилмоқ, мағлуб бўлмоқ II هَبَّبَ 1) суғурмоқ, олмоқ, олиб ташламоқ, узмоқ, йиртмоқ 2) шошиб қилмоқ, қўл учида қилмоқ. 3) қурум (куя) суртмоқ, қора қилиб қўймоқ, қора қилмоқ. IV أَهَبَّ уйғотмоқ V تَهَبَّبَ 1) йиртилиб - титилиб кетмоқ; эскирмоқ (*кўйлак ҳақида*); 2) қурум (куя) суртилган бўлмоқ

مَهَبٌّ – *кўп.* مَهَابُّ مَهَبَّةٌ, шамолли томон, шамол уриб турган жой مِنْ أَيِّ مَهَبَّةٍ جَاءَتِ الْعَاصِفَةُ؟ бўрон қайси тарафдан келди?

مُهَبَّبٌ – қурум (куя) билан қопланган. نَهَارٌ ~ қора (бадбахт) кун

هَبَابٌ – жуда майда чанг

هِبَابٌ – қурум, куя, الْمِصْبَاحِ ~ чироқ қуруми. الرَّجُلِ ~ эркаклар жинсий аъзоси, олати; الْمَرْأَةِ ~ аёллар жинсий аъзоси

هَبَّةٌ – *кўп.* ـَاتٌ — шамол шиддати, енгил шамол эсиши

هِبَةٌ – *қар.* وهب

هِبَّةٌ – эркак ҳайвоннинг мастлиги, кўзининг қонга тўлиши

هَبُوبٌ – қум ва чанг тўзитадиган кучли шамол; чанг-тўзонли бўрон

هُبُوبٌ – шамолнинг увиллаши, чийиллаши

هَبُوبَةٌ = هَبُوبٌ –

I هَبَتَ (*u*) هَبْتٌ 1) (*бирор н. билан*) қаттиқ зарба бермоқ, қаттиқ урмоқ (ب); 2) ерга йиқитмоқ, ташламоқ, урмоқ; 3) *мажҳ.* а) аҳмоқ, нодон бўлмоқ; б) қўрқоқ, юраксиз бўлмоқ

هَبِيتٌ – 1) нодон, аҳмоқ; 2) қўрқоқ, юраксиз

I هَبَجَ (*a*) هَبْجٌ (*н. билан дир*) урмоқ, зарба бермоқ (ب); ~ـهُ بِالْعَصَا кимнидир ҳасса билан урмоқ

مِهْبَجٌ *кўп.* مَهَابِجُ оғир (кели) дастаси (сопи)

هَبَجٌ – туя елинида учрайдиган шиш

I هَبَدَ (*u*) هَبْدٌ 1) (*бирор нарса билан*) урмоқ (ب): 2) пастга ташламоқ, тушириб юбормоқ; VII اِنْهَبَدَ 1) зарба емоқ; 2) ташлаб юборилган, туширилган бўлмоқ

هَبْدَةٌ – 1) (*бирор нарса тушиб кетганда, йиқилганида чиқадиган*) бўғиқ овоз; 2) оғир йиқилиш

I (هبر) هَبَرَ[1] (*у*) هَبْرٌ катта-катта бўлакларга ажратмоқ (*мас., гўштни*) هَبَرَ[2] (*у*) هَبْرٌ (*к. гадир*) хужум қилмоқ, ташланмоқ (فِي)

هُبَارِيَةٌ – соч кепаги

هَبَارِيَّةٌ – رِيحٌ ~ чангли шамол

هَبْرٌ – талиқ, ёғсиз гўшт, қора кесак (гўшт)

هَبْرَةٌ – 1 *кўп.* هَبَرَاتٌ гўшт парчаси

هَبْرَةٌ – 2 хужум, ташланиш

هُبَارِيَةٌ = هِبْرِيَةٌ –

هُبَيْرَةٌ – *зоол.* сиртлон, ёлдор бўри; ◊ أَبُو ~ қурбақа (*эркаги*); أُمُّ ~ қурбақа (*урғочиси*)

I هَبَشَ (*u*) هَبْشٌ 1) тез юрмоқ, тўпламоқ; 2) (*қўлда, тирноқли чангалда*) тутмоқ, қаттиқ қисиб олмоқ; II هَبَّشَ эҳтиётқорлик билан йиғмоқ, тўпламоқ; الْأَرُزَّ ~ шоли оқламоқ; V تَهَبَّشَ 1) тўпламоқ 2) тўпланмоқ, жамламоқ

– مُهَبَّشٌ оқланган: الْأَرُزُّ الــ ~ оқланган шоли

– هَابُوشٌ *жам.* майда чивинлар

– هَابُوشَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ чивин

– هَبَّاشٌ осонлик билан жамлаб, зғалик қилувчи

هَبْصَةٌ бир тўп пул, кўпгина пул

I (هبط) هَبَطَ[1] (*у, и*) هُبُوطٌ 1) тушмоқ, пастга тушмоқ; пастламоқ, қўнмоқ (*қуш ҳақида*); пасаймоқ, ерга қўнмоқ (*самолёт ҳақида*); ~ السُّلَّمَ шоти (нарвон) дан пастга тушмоқ; بِالْمَظَلَّةِ ~ парашютда тушмоқ; 2) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх-наво ҳақида*); пасаймоқ (*сатҳ ҳақида*); 3) пасаймоқ, тушмоқ (*шамол ҳақида*); 4) (*н. нидир*) пастга туширмоқ (بِ); 5) тушиб кетмоқ (*мас.: уй томи*); йиқилмоқ (*девор ҳақида*); 6) (*бирор жойдан*) келмоқ; 7) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); ~ إِلَيْهِ الْوَحْيُ *унинг илҳоми келди*; ~ جِسْمُهُ مِنَ الْمَرَضِ у касалликдан озиб кетди; ~ إِلَى قَاعِ الْهَوَانِ маънавий жиҳатдан тубанлашмоқ; هَبَطَ[2] (*у*) هَبْطٌ 1) туширмоқ, пасайтирмоқ; 2) мадордан, қувватдан кетказмоқ (*касаллик ҳақида*); IV أَهْبَطَ 1) тушишга мажбур қилмоқ, туширмоқ; 2) туширмоқ, пасайтирмоқ (*нарх-наво ҳақида*); X اِسْتَهْبَطَ чорламоқ, чақирмоқ, келтирмоқ (*илҳомни*)

– أَهَابِطُ *кўп.* парашютчилар

– إِهْبَاطٌ пасайтириш

– مَهْبَطٌ[1] пасайиш, қўниш

مَهْبَطٌ، مَهْبِطٌ[2] *кўп* مَهَابِطُ 1) (*бирор н. нинг*) пайдо бўлиш жойи, ўрни; 2) манба; 3) *кўч.м.* бешик; ватан; 4) қўнадиган жой, қўниш майдони; 5) одамлар зиёрат қиладиган, кўриб кетадиган жой; هُوَ ~ السُّيَّاحِ مِنْ جَمِيعِ أَنْحَاءِ الْعَالَمِ бу шундай жойки, бу ерда оламнинг ҳамма жойидан саёҳатчилар келадилар; 6) *эл.* катод; ~ وَ مَصْعَدٌ анод ва катод; أَشِعَّةُ الــ ~ катод нурлари; ◊ مُنْذُ طَلْعَةِ الصُّبْحِ حَتَّى ~ اللَّيْلِ эрта тонгдан қоронғи кечгача

– مِهْبَطَةٌ *кўп.* مَهَابِطُ парашют

– مَهْبُوطٌ холдан тойган; орик, озғин

– هَابِطٌ 1. 1) пастга тушиб кетаётган, пастлаётган; بِالْمَظَلَّةِ ~ парашютчи; 2) ҳолдан тойган; орик, озғин; 2. *кўп.* هَوَابِطُ *геол.* сталактит (*ғор шипида ҳосил бўлиб, осилиб турадиган сумалаксимон оқиқ-томчи ҳосилалар*)

– هَابِطَةٌ *кўп.* هَوَابِطُ = مَهْبِطَةٌ

– هَبْطٌ 1) камайиш, озайиш; пасайиш; 2) пастлик, жарлик, жар

– هَبُوطٌ яндама, қиялик

– هُبُوطٌ 1) пасайиш, тушиш, қўниш (*самолёт ҳақида*); ~ اِضْطِرَارِيٌّ ғайриихтиёрий, мажбурий қўниш; ~ بِرِفْقٍ юмшоқ қўниш (*космик кема ҳақида*); 2) пасайиш (*нарх-наво ҳақида*); тушиш, пасайиш, озайиш; ~ الدُّولَارِ доллар курсининг пасайиши; 3) келиш; 4) зиёрат қилиш, визит; 5) *мед.* а) коллапс (*юрак фаолиятининг кескин пасайиши, ҳолдан кетиш*); б) пролапс (*шу касалликнинг бошланиш нуқтаси*); в) пастга тушиб қолиш (*бачадон*)

– مَهْبُوطٌ = هَبِيطٌ

I (هبل) هَبِلَ (*у*) هَبَلٌ нодон, аҳмоқ қилмоқ; هَبِلَ (*у*) هَبَالَةٌ аҳмоқ, нодон бўлмоқ; هَبِلَ (*а*) هَبَلٌ (*болани*) йўқотиб қўймоқ (*она ҳақида*); ◊ ـــتْهُ أُمُّهُ у қандай ақлли; II هَبَّلَ 1) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ; 2) калта фаҳм, бефаросат, аҳмоқ қилмоқ; 3) буғламоқ, буғда пиширмоқ; 4) гўштдор бўлмоқ, мускуллари қават-қават бўлмоқ; V تَهَبَّلَ 1) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ; 2) ваннада чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; шунингдек: بِالْبُخَارِ ~ буғланмоқ; VII اِنْهَبَلَ аҳмоқ бўлмоқ; VIII اِهْتَبَلَ 1) (*к. учундир*) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ (لِ); 2) (*к. ғадир*) ғамхўрлик қилмоқ (بِ); 3) (*ёни*) алдамоқ, (*унга*) чап бермоқ; ◊ الْفُرْصَةَ ~ фурсатдан фойдаланиб қолмоқ; ~ كَ қар. هَبَلَ

– أَهْبَلُ *мн.* هَبْلَاءُ *кўп.* هُبْلٌ 1. аҳмоқ, бефаросат, нодон; 2) овсар, эси паст, каллаварам

– مُهَبَّلٌ енгил, ҳаракатчан

– مَهْبِلٌ *кўп.* مَهَابِلُ *анат.* мойлик, хазна, қин

– مُهَبَّلٌ жуссали, норғил, гавдаси катта

– مَهْبِلِيٌّ қинга оид

– مَهْبُولٌ *кўп.* مَهَابِيلُ нодон, ақлсиз, калтафаҳм, эси паст

– هَابِيلُ *алиф.б.қар.*

– هَبَالَةٌ ақлсизлик, калтафаҳмлик, идиотизм, эси пастлик

– هَبَلٌ[1] калтафаҳмлик, эси пастлик, овсарлик

– هَبَلٌ[2] иш, машғулот; اِهْتَبِلْ ~ ـــكَ бор ўз ишингни қил, бор йўлингдан қолма!

– هُبَلُ Ҳубал (*қадимги араблар илоҳи номи*), Каъбадаги бутлардан бирининг номи (*жоҳилият даврида*)

– هَيْكَلٌ баланд бўйли, дароз, новча одам

– هَبِلَةٌ 1) сув буғи; 2) ҳаммом

– هَبِيلٌ *кўп.* بِالــ ~ كَثِيرًا жуда кўп (катта миқдорда)

– هَابِيلُ = هَبِيلٌ

– هَبِيلٌ аҳмоқ, бефаросат

هَبْهَبَ 1) йилтиллатмоқ, пирпиратмоқ, учирмоқ, тебратмоқ; 2) вовулламоқ, хурмоқ

– هَبْهَابٌ[1] сароб

– هَبْهَابٌ[2] тез, тезюрар

– هَبْهَبَةٌ 1) йилтиллаш, пирпираш, учириш; 2) вовуллаш, хуриш

– هَبْهَابٌ[2] = هَبْهَبِيٌّ

I (هبو) هَبَا (*у*) هُبُوٌّ 1) ҳавода учиб юрмоқ (*чанг ҳақида*); 2) қочмоқ, тум-тарақай бўлиб кетмоқ

– هَبَاءٌ *кўп.* أَهْبَاءٌ (*ҳавода учиб юрган*) энг майда чанг; тўзон; ◊

зое ذَهَبَ (ضَاعَ) ~ (مَنْثُورًا) вақтни зое кетказмоқ; ضَيَّعَ الْوَقْتَ ~ кетмоқ, шамолга совурилмоқ; كَانَ هَذَا الْوَعْدُ ~ مَنْثُورًا бу шамолга учирилган ваъда эди; ~ ذَهَبَ بِهِ бирор нарсани совурмоқ (зое кетказмоқ)

– هَبَاءَةٌ кўп. ـاتٌ — чанг зарраси, энг кичик зарра

– هَبْوَةٌ кўп. هَبَوَاتٌ، أَهْبَاءٌ ҳавода учиб юрган чанг

I هَتَأَ (a/у) هَتْءٌ 1) таҳдид қилмоқ, қўрқитмоқ, (к. гадир) даҳшат солмоқ (туш. к. ёки عَلَى); 2) (н. учундир) сўкмоқ, таъна (миннат) қилмоқ (بـ); 3) обрўсизлантирмоқ.

I هَتَرَ (u) هَتْرٌ 1) ақлни хиралаштирмоқ (қарилик ҳақида); 2) парчалаб йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; 3) қораламоқ, айб тақамоқ, ёмонламоқ. III هَاتَرَ сўкинишмоқ, айтишмоқ, сўкишишмоқ; IV أَهْتَرَ 1) шунингдек мажҳ. ақлдан маҳрум бўлмоқ, калтафаҳм бўлиб қолмоқ; 2) тантирамоқ, алжирамоқ; VI تَهَاتَرَ 1) сўкишишмоқ; жанжаллашиш вақтида бир-бирини айбламоқ; 2) (гувоҳлик беришда) ўзаро зид фикрлар айтмоқ; X اسْتَهْتَرَ 1) ўйламай иш тутмоқ; 2) (бирор н. га) беписанд муноасабатда бўлмоқ (بـ); (н. нидир) оёқости қилмоқ, бузмоқ (بـ); ~ بِالْقَانُونِ қонунни бузмоқ; 3) ўзбилармон, бебош бўлмоқ; (н. дадир) бетакаллуфлик қилмоқ; (н. нидир) суиистеъмол қилмоқ (بـ); ~ بِالْقُوَّةِ кучни суиистеъмол қилмоқ; 4) (н. нидир) аямаслик, (н. гадир) беписанд муносабатда бўлмоқ, эътиборсиз бўлмоқ (بـ); (н. билан дир) ҳисоблашмаслик (بـ); 5) безорилик қилмоқ; 6) мажҳ. (н. гадир) кўр-кўрона, чин дилдан берилмоқ; (бирор н. га) қизиқмоқ (بـ)

– اسْتِهْتَارٌ 1) ақлсизлик, фаросатсизлик, ўйламай иш қилиш; 2) бебошлик, ахлоқсизлик, юзсизлик; 3) назар-писанд қилмаслик, ҳурматсизлик

– مُسْتَهْتَرٌ 1) алаҳлаётган, босинқираётган; 2) (бирор. н. билан) ўйламай, кўркўрона қизиққан (بـ)

– مُسْتَهْتِرٌ 1) ўйламай иш қиладиган, бемулоҳаза; 2) ҳеч нарса билан ҳисоблашмайдиган; 3) безорилик қиладиган

– مُهَاتَرَةٌ кўп. ـاتٌ — ўзаро сўкишиш, гап талашиш; жонга тегадиган, зерикарли тортишув

– مُهْتَرٌ ақлдан озган, бегона бўлган

– هُتْرٌ кўп. أَهْتَارٌ 1) аҳмоқона вайсақилик; 2) бемаънилик, тутуриқсизлик; ~ هَاتِرٌ ўта бемаънилик

I هَتَفَ (у) هَتْفٌ 1) бақирмоқ; хитоб қилмоқ, ҳайқирмоқ; ~ بِالْغَيْبِ فِي حَقِّهِ кимнидир сўз билан таҳқирламоқ; 2) (кимнидир) чақирмоқ (بـ); 3) (к. нидир) бақириб, қичқириб табрикламоқ, ура! деб қичқирмоқ (لـ); ~ بِحَيَاتِهِ кимгадир «яшасин!» деб қичқирмоқ; ~ بِسُقُوطِهِ кимгадир «йўқолсин!», "битсин!» деб қичқирмоқ; 4) шивирламоқ (пинҳоний, яширин гап ҳақида); 5) ғувғувламоқ (мас. каптарлар ҳақида)

– هَاتِفٌ кўп. هَوَاتِفُ 1. қичқираётган, хитоб қилаётган; 1) пинҳоний овоз (виждон, кўнгилга келиш ҳақида); الـ~ الْقَوْمِيُّ халқ овози; هَوَاتِفُ التَّأْنِيبِ таъна, гинани ичдан ҳис қилиш; هَوَاتِفُ الْخَوْفِ қўрқинчни, хавфни ҳис қилиш; ... ~ فَهَتَفَ بِهِ унга ҳотифдан хабар келдики, ...; 2) телефон; 3) фольк. чўп-биёбондаги кўзга кўринмайдиган яхши, олийжаноб руҳ (у гўё сайёҳга қутулиш йўлини айтиб берар эмиш)

– هَاتِفِيٌّ телефонга оид; ~ خَطٌّ телефон линияси, ~ مَرْكَزٌ телефон маркази (станцияси); ~ اتَّصَلَ ~ بـ (к. билан дир) телефонда боғланмоқ (بـ)

– هُتَافٌ кўп. ـاتٌ — 1) овоз, ҳайқириқ, қичқириқ; ~ الْحَرْبِ жанговар ҳайқириқ; 2) хитоб, баланд овоз билан шарафлаш; ~ الاسْتِحْسَانِ маъқулловчи баланд овозлар; ~ الْفَرَحِ шодлик, хурсандлик қичқириқлари; овация

– هَتَّافٌ 1. (тор сингари) жарангловчи, овоз чиқарувчи; 2. телефончи, телефонист

– هَتْفَةٌ = هَتْفٌ

– هَتْفَةٌ товуш; овоз; қичқириқ, хитоб

I هَتَكَ (u) هَتْكٌ 1) юлмоқ, юлиб олмоқ; узмоқ; йиртиб, парча-парча қилиб ташламоқ; ~ سِتْرَهُ кимнидир фош қилмоқ, ҳақиқий башарасини ошкор қилмоқ; 2) айбдор қилмоқ, шаънини булғамоқ, шарманда қилмоқ; 3) номусга тегмоқ, зўрламоқ; ~ عِرْضَ الْفَتَاةِ қизнинг номусига тегмоқ; II هَتَّكَ 1) шарманда қилмоқ, обрўсизлантирмоқ, сўкмоқ, таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ; ~ الأَسْتَارَ фош қилмоқ; 2) парчаламоқ, майда-майда қилиб йиртмоқ; 3) йўқ қилмоқ, қириб ташламоқ; V تَهَتَّكَ 1) йиртилган бўлмоқ; 2) ўзини шармандаю шармисор қилмоқ; ҳар қандай уятдан бегона бўлмоқ; ахлоқсиз-одобсиз бўлмоқ; 4) парчаланган, бели синган, вайрон қилинган бўлмоқ; VII انْهَتَكَ 1) (н. гадир) берилиб кетмоқ; (н. нингдир ичига) ботиб қолмоқ (فِي); 2) парчаланган, бели синган, вайрон қилинган бўлмоқ; 3) шарманда қилинган бўлмоқ, номусига тегилган бўлмоқ (аёл ҳақида)

– تَهَتُّكٌ 1) шармандалик, уятсизлик; 2) ахлоқсизлик; бузуқлик; 3) ёрилиш, ёрилиб кетиш, очилиб кетган яра

– مُتَهَتِّكٌ 1) уятсиз; номуссиз, сурбет; 2) ахлоқсиз, бузуқ

– هَتْكٌ 1) бузилиш, узилиш; 2) номуссизлик, шармандалик; ~ النِّسَاءِ хотинларни зўрлаш

– هُتْكَةٌ шарманда қилиш; шармандалик

– هَتِيكَةٌ номуссизлик, шармандалик

I هَتِمَ (a) هَتَمٌ тишсиз бўлмоқ; هَتَمَ (и) هَتْمٌ (هتم) олдинги тишларни уриб туширмоқ; IV أَهْتَمَ = هَتَمَ I

– أَهْتَمُ мн. هَتْمَاءُ кўп. هُتْمٌ олдинги тишлари бўлмаган; тишсиз; ~ لِلْ كَالْفَتِّ هَذَا қар. فَتٌّ

– هُتَامَةٌ парча; (*узиб олинган*) парча

– هَتَمٌ тишсизлик, тишнинг йўқлиги

I هَتَنَ (*и*) هَتَانَةٌ, هَتْنٌ тўхтовсиз ёки жуда кўп оқмоқ, ёғмоқ (*кўз ёшлари, ёмғир ҳақида*); هَتَنَتِ السَّمَاءُ тўхтовсиз ёмғир ёғарди

– تَهْتَانٌ эзиб ёғаётган ёмғир

– هَاتِنٌ; سَحَابٌ ~ эзиб ёғаётган ёмғирли булут

– هَتُونٌ тўхтовсиз оқувчи, ёғувчи (*кўз ёшлари, ёмғир ҳақида*); мўл, кўп (*ёмғир ҳақида*)

I هَجَّ (هَجّ) (*а/у*) هَجٌّ 1) (*бинони*) бузмоқ, йиқитмоқ; 2) (*к.дандир*) қочмоқ, яширинмоқ (مِنْ); (*ўз юртини*) ташлаб кетмоқ, эмиграцияга кетмоқ; هَجَّ (*и/у*) هَجِيجٌ оловланмоқ, ёруғ алангa бермоқ (*ўт, олов ҳақида*); II هَجَّجَ 1) ватанни тарк этишга мажбур қилмоқ, қувғин қилмоқ; 2) алангалатмоқ, ёндирмоқ (*ўт, олов ҳақида*)

I هَجَأَ (*а*) هَجْءٌ ўтиб кетмоқ (очлик ҳисси ҳақида); IV أَهْجَأَ қондирмоқ (*очликни*); V تَهَجَّأَ (*сол.* تَهَجَّى *қар.* هجو) бўғинлаб (ҳарфма-ҳарф) талаффуз қилмоқ, ўқимоқ

I هَجَدَ (*у*) هُجُودٌ 1) (*кечаси*) уйғоқ бўлмоқ; 2) (*кундузи*) ухламоқ; II هَجَّدَ ухлатмоқ; V تَهَجَّدَ (*намоз ўқиб*) уйғоқ бўлмоқ

– تَهَجُّدٌ таҳажжуд, тунни ухламай ибодат билан ўтказиш

– تَهْجِيدٌ ухлатиш

I هَجَرَ (*у*) هَجْرٌ 1) (*машғулотни*) тўхтатмоқ, ташламоқ; أَعْمَالَهُ ~ ўз ишини ташлаб юбормоқ; 2) (*хотинини*) ташлаб кетмоқ; بَيْتَ ~ الزَّوْجِيَّةِ ёки الْأُسْرَةَ ~ оиласини ташлаб кетмоқ; 3) айрилмоқ, алоқа муносабатларини тўхтатмоқ; الْوَطَنَ ~ эмиграцияга кетмоқ, ватанни, юртни тарк этмоқ; 4) *мажҳ.* ташланган бўлмоқ; муомаладан чиқиб кетган бўлмоқ; эскирмоқ; 5) алаҳсирамоқ, босинқирамоқ; II هَجَّرَ янги жойларга кўчирмоқ; кўчишга мажбур қилмоқ; эмиграцияга кетишга мажбур қилмоқ; (туғилган) юртдан сургун қилмоқ; III هَاجَرَ 1) бошқа ерга кўчиб кетмоқ, эмиграцияга кетмоқ; 2) иссиқ мамлакатларга кетмоқ (*қушлар ҳақида*); VI أَهْجَرَ 1) кетмоқ, тарк этмоқ; 2) бемаъни гапларни айтмоқ, жавраб ўтирмоқ; VI تَهَاجَرَ 1) бир-бирини тарк этмоқ, бир-биридан айрилмоқ; 2) бир-биридан қочиб юрмоқ, бир-бирига дуч келмасликка ҳаракат қилмоқ

– تَهَجُّرٌ иссиқ кунда кезиш, юриш, сайр қилиш

– تَهْجِيرٌ кўчириш, бошқа ёққа кўчириш (*мас., одамларни сув босган ерлардан*); экспатриация (*ўз ватанидан кўчириб юбориш*); иссиқ кунда кезиш, юриш; ◊ الْمَالِ مِنَ الْبِلَادِ ~ мамлакатдан пулни контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш

– مُهَاجِرٌ *кўп.* адабсиз сўзлар; беҳаё гап-сўзларни айтиш, беҳаё сўзлар билан сўкиниш

– مُهَاجِرٌ 1. кўчиб кетаётган, эмигрантликка кетаётган; الطُّيُورُ الـ ~ ةُ учиб кетувчи қушлар; 2) муҳожир; эмигрант; الـ ~ *тар.* муҳожир (*Маккадан Мадинага Муҳаммад саллалоҳу алайҳи васаллам билан бирга жўнаб кетган киши*)

– مُهَاجَرَةٌ муҳожирлик, кўчиб кетиш; эмиграция

– مَهْجَرٌ *кўп.* مَهَاجِرُ 1) кўчиб бориладиган жой; 2) бегона юрт; 3) (*эмигрантлар*) тўп бўлиб, тўпланиб яшайдиган жой, колония

– مُهَجَّرٌ 1. кўчишга мажбур бўлган; 2) қочқин, кўчиб кетган,(келган) киши; эмигрант

– مَهْجَرِيٌّ 1) бегона юртларда яшаётган; 2) бегона юртга, эмигрантликка оид; الْأَدِيبُ الـ ~ эмигрант ёзувчи; الْأَدَبُ الـ ~ эмигрант адабиёти

– مَهْجُورٌ 1) ташлаб кетилган, қолдириб кетилган; 2) ташлаб қўйилган, эътиборга арзимайдиган, истеъмолдан чиққан, эскириб қолган; архаик (*сўз ҳақида*); 3) ёлғон, нотўғри, асоссиз, асоси йўқ

– هَاجَرُ *алиф. б. қар.*

– هَاجِرَةٌ *кўп.* هَوَاجِرُ 1) туш пайти, кун ўртаси; 2) туш пайтидаги иссиқ ҳарорат; 3) меридиан; مَغْنَطِيسِيَّةٌ ~ магнит меридиани; 4) беҳаё гаплар, беҳаё сўзлар

– هَاجِرِيٌّ 1. 1) туш пайтидаги, кун ўртасидаги; 2) меридианга оид; 3) аъло даражадаги, энг яхши; 2. шаҳарлик

– هَجْرٌ 1) ҳажр, ташлаб кетиш, қолдириб кетиш, қолдириш; 2) кун ярмидаги иссиқ ҳарорат; 3) босинқираш, алаҳлаш

– هُجْرٌ адабсиз сўзлар; ёмон сўзлар, беҳаё гаплар; ғийбат

– هُجْرٌ = هُجْرَاءُ

– هِجْرَانٌ қолдириб кетиш, ташлаб кетиш; ҳижрон, айрилиқ

– هِجْرَةٌ *кўп.* هِجَرٌ янги пайдо бўлган аҳоли яшайдиган жой, катта қишлоқдан ажралиб чиққан янги қишлоқ (*кўпинча ваҳҳобийларда*)

– هِجْرَةٌ ҳижрат, кўчиб кетиш, эмиграция; الـ ~ ёки النَّبَوِيَّةُ الـ ~ ҳижрат (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага 622 милодий йилда кўчишлари; мусулмон тақвими-календарининг бошланиши*); دَارُ الـ ~ Мадина шаҳри; الطُّيُورِ ~ қушларнинг (*иссиқ мамлакатларга*) учиб кетиши; طُيُورُ الـ ~ учиб кетувчи қушлар

– هِجْرِيٌّ ҳижратга оид; السَّنَةُ الـ ~ ـةُ ҳижрий йил; الْعِيدُ الـ ~ янги йил байрами (*ҳижрий йил бўйича*)

– هَجِيرٌ = هَجِيرَةٌ 1) жазирама, кун қизиғи; 2) кун ярми, туш пайти

I هَجَسَ (*и, у*) هَجْسٌ 1) пайдо бўлмоқ, бошга, мияга келмоқ (*фикр ҳақида*); 2) (*н. нидир*) шивирламоқ (بِ - *линҳоний суҳбат ҳақида*); تَهْجِسُ نَفْسُهُ بِمُرَجَّمَاتِ الظُّنُونِ қандайдир ички овоз унга ҳар хил гумонларни шивирлаб турарди; 3) (*н. дандир*) ҳаяжонга, ташвишга тушмоқ (بِ); II هَجَّسَ бемаъни, аҳмоқона гапларни гапирмоқ

– هَاجِسٌ *кўп.* هَوَاجِسُ 1) гумон, фараз, фикр; ташвиш, ташвишли фикр; 2) яширин овоз; кўп. ташвиш, ҳаяжон; қандайдир ёмонликни олдиндан сезиш

– هَجَّاسٌ 1) товламачи, алдамчи, фирибгар; 2) мақтанчоқ

– هَجْسٌ 1) фикр, ғоя; 2) шовқин, шилдираш; 3) сафсата, бемаъни, пуч гаплар; ғовур- ғувур

(هجص) II هَجَّصَ сафсата сотмоқ, бемаъни, аҳмоқона гаплар гапирмоқ

– تَهْجِيص сафсата, бемаъни гаплар, ишлар; ~ بَلاشْ *халқ.* аҳмоқлик қилма!

– هَجَّاص мақтанчоқ

– هَجْص бемаънилик, бир пулга арзимайдиган гап (иш)

I هَجَعَ (а) هُجُوع 1) ухламоқ; 2) тинчланмоқ, тўхтамоқ (*бўрон, огриқ ва б. ҳақида*); IV أَهْجَعَ тинчлантирмоқ; қондирмоқ (*очликни*)

– مَهْجَع *кўп.* مَهَاجِع хобхона, ётоқхона

– هَاجِع 1) пинакка кетаётган, ухлаётган; 2) тинч, осуда, ҳаракатсиз турган

– هَجْعَة қисқа уйқу, қуш уйқуси

– هُجُوع 1) уйқу, мудраш; 2) енгиллашиш (*мас. касаллик*), тинчланиш, тинчиш

– هَجِيع туннинг тонгга яқин қисми

I هَجَلَ (у) هَجْل меҳр билан қарамоқ, кўз сузмоқ (بعَيْنِه)

I هَجَمَ (у) هُجُوم 1) (*к. гадир*) ҳужум қилмоқ (عَلَى); (*к. гадир қарши*) жанг олиб бормоқ (عَلَى); (*н. нидир*) ўраб олмоқ (عَلَى); 2) (*к. нингдир устига*) босиб келмоқ, кутилмаганда босмоқ (عَلَى); ~ الشِّتَاءُ қиш жуда эрта келди; 3) жим бўлмоқ, гапирмаслик; II هَجَّمَ 1) ҳужум қилишга мажбурламоқ; 2) (*н. гадир*) етакламоқ, бошламоқ; (*н. гадир*) қизиқтирмоқ; III هَاجَمَ ҳужум қилмоқ, бостириб бормоқ; IV أَهْجَمَ ҳужумга мажбур қилмоқ; V تَهَجَّمَ 1) (к. гадир қарши) ҳужум қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. никигадир*) кутилмаганда келмоқ (عَلَى *меҳмонлар ҳақида*); VI تَهَاجَمَ 1) ўзаро ҳужум қилишмоқ, жанг қилишмоқ; 2) бостириб келмоқ (*мас., тўлқин ҳақида*); 3) бузилмоқ, ювилиб кетмоқ (*мас., қирғоқлар*); VII انْهَجَمَ 1) йиқилмоқ, вайрон бўлмоқ (*мас., бино*); 2) оқмоқ, тўкилмоқ (*кўз ёшлари ҳақида*); ◊ ~ الرَّجُلُ эрта қаримоқ

– مُهَاجِم ҳужумчи

– مُهَاجَمَة ҳужум, штурм; ~ جَوِّيَّة ҳаво ҳужуми

– هَجَّام 1. ҳужумкор, қўрқмас, ботир; 2. илон авровчи

– هَجْمَة *кўп.* هَجَمَات кутилмаган ҳужум; босқин; ташланиш; босиб келиш; ~ مُضَادَّة ёки ~ مُعَاكِسَة қарши ҳужум, контратака; ~ جَوِّيَّة ҳаво ҳужуми; شَنَّ الْهَجَمَات عَلَى ... ...га қарши жанг олиб бормоқ; ~ الشِّتَاء қишда совуқнинг кучайиши

– هَجُوم 1) кучли шамол; 2) тер ҳайдовчи (чиқарувчи)

– هُجُوم 1) ҳужум; ~ مُضَادّ ёки ~ مُعَاكِس қарши ҳужум, контратака; ~ مُفَاجِئ тўсатдан қилинган ҳужум; 2) (*касаллик*) хуружи; 3) *спорт.* ҳужум

– هُجُومِيّ ҳужумкор; ҳужум қилаётган; ~ تَحَالُف агрессив иттифоқ

– هُجُومِيَّة ҳужумкорлик, ҳужумкор кайфият (руҳ)

I هَجُنَ (у) هُجُونَة, هُجْنَة, هَجَانَة 1) айбли, камчиликли бўлмоқ; 2) безот, зотсиз, қони бузилган бўлмоқ; II هَجَّنَ 1) айбламоқ, тубан, ёмон, бемаъни деб билмоқ; 2) *биол.* чатиштирмоқ; ~ اللُّغَة тилни [illegible] (*мас., нотўғри гап тузиб*); X اسْتَهْجَنَ 1) тубан, ёмон деб билмоқ (ҳисобламоқ); 2) ғайритабиий, ғалати деб билмоқ (ҳисобламоқ); 3) маъқул деб билмаслик, қораламоқ; уятли, уятга йўйиладиган ҳисобламоқ

– اسْتِهْجَان маъқулламаслик, қоралаш; أَثَارَ الـ~ маъқулламасликни келтириб чиқармоқ

– تَهْجِين чатиштириш, гибридлаштириш

– مُسْتَهْجَن 1) ёмон, беъмани; 2) ғайритабиий, ғалати

– مُهَجَّن чатиштирилган, гибридлаштирилган

– هَجَّان *кўп.* هَجَّانَة 1. туяда кетаётган; 2. туя кавалерияси асқари; *ҳарб.* فِرْقَة الْهَجَّانَة туяли аскарлар бўлинмаси

– هِجَان *мз.мн.* сара, энг яхши, ҳурматга сазовор

– هُجْنَة *кўп.* هُجَن 1) айб, камчилик, етишмовчилик; 2) нотўғрилик; нотўғри ифода (*нутқда*)

– هُجْنَة ғалатилик, ғайритабиийлик, ғайриадабийлик

– هَجِين *кўп.* هُجُن, هَجْنَاء 1. қони аралашган, қони бузилган, зотсиз; 2. 1) аралашган, гибрид, метис; ~ حَيَوَان чатиштирилган (гибрид) ҳайвон; 2) тез юрувчи туя

– هَجِينَة *кўп.* هُجُن, هَجَائِن тез юрувчи туя

I هَجَا (هجو) (у) هَجْو, هِجَاء 1) ҳажв қилмоқ, устидан кулмоқ, ҳақоратламоқ, айбламоқ; ~ه بِقَصِيدَة қасидада кимнидир ҳажв қилмоқ; ~ه بِالنَّشْر кимнидир матбуотда айбламоқ; 2) нотўғри ўқимоқ; бўғинлаб (ҳарфма-ҳарф) ўқимоқ; II هَجَّى 1) (*сўзни*) транскрипцияламоқ; 2) бўғинлаб (*ҳарфма-ҳарф*) ўқимоқ; III هَاجَى бир-бирини айбламоқ, устидан кулмоқ; ҳажв қилмоқ (*шеърда*); V تَهَجَّى тўғри талаффуз қилмоқ, бўғинлаб ўқимоқ; VI تَهَاجَى бир-бирини ўзаро ҳажв қилмоқ, устидан кулмоқ

– أُهْجُوَّة *кўп.* أَهَاجِي 1) ҳажв, сатира; 2) эпиграмма; пасквиль

– أُهْجِيَّة *кўп.* أَهَاجِي = أُهْجُوَّة

– تَهَجٍّ тўғри талаффуз, бўғинлаб (ҳарфма-ҳарф) ўқиш; حُرُوف التَّهَجِّي алифбо; كِتَابُ التَّهَجِّي алифбо китоби

– تَهْجِيَة 1) тўғри талаффуз қилиш; ~ الْحُرُوف ҳарфлар талаффузи; 2) транскрипция; قَامُوسُ الـ~ транскрипцияли луғат; ضَبْطُ الـ~ орфография

– هَاجٍ *мн.* هَاجِيَة 1). устидан кулувчи; 2) бировнинг устидан кулувчи; ~ بِالنَّشْر пасквиль ёзувчи; 3) ҳажвчи, сатирик

– هِجَاء 1) устидан кулиш, ҳақоратлаш; 2) ҳажв; 3) тўғри талаффуз қилиш, ўқиш ~ الـ ёки عِلْمُ الـ~ ضَبْطُ орфография;

حُرُوفُ الـ~ алифбо, алифбо китоби; عَلَى (حَسَبِ) حُرُوفِ الـ~ алифбо бўйича

– هِجَائِيٌّ 1) ҳажвий, сатирик; الشِّعْرُ الـ~ ҳажвий (сатирик) шеърият, шеър; 2) алифбога оид; الْحُرُوفُ الـ~ـةُ алифбо, алифбо китоби; رَتَّبَ حَسَبَ الْحُرُوفِ الـ~ـةِ алифбо бўйича жойлаштирмоқ

– هَجْوٌ 1) устидан кулиш, ҳақоратлаш; 2) енгил кулиш; 3) ҳажв, сатира; пасквиль

– هَجْوِيٌّ, هَجَوِيٌّ 1) кулгили, заҳархандали; 2) ҳажвий, сатирик

– هَجَّانٌ устидан кулиш, масхара қилишлик

– هَمٌّ кўп. هُمُومٌ 1) ғамхўрлик; жонсараклик; هُمُومٌ уриниш, югур-югур, оворагарчилик; يَعْصِرُ الـ~ قَلْبَهَا ташвиш у (аёл) нинг юрагини қисади; مُثْقَلٌ بِالْهُمُومِ ташвишларга тўлиб кетган; مُضْنًى بِالْهُمُومِ ташвишлар остида эзилиб кетган; صَرَفَ ـهُ إِلَى ... (к. ҳақдадир) ғамхўрлик қилмоқ, (к. ғадир) диққат-эътибор қилмоқ; لَا ~ لَهُ إِلَّا أَنْ ... унинг ташвиши битта - фақатгина ...; 2) мақсад, ният, ўй, қасд; 3) ғам, ғам-ғусса

– هِمٌّ кўп. أَهْمَامٌ мўнкиллаган чол; қари, қартайган одам

– هَمَّامٌ ғайратли, чарчамас, тиниб-тинчимайдиган

– هُمَامٌ кўп. هِمَامٌ 1. шавкатли, жасур; олийжаноб; 2. қаҳрамон, ботир; 3) ҳиммати буюк подшоҳ

– هِمَّةٌ[1] кўп. هِمَمٌ 1) ғайрат, интилиш, тиришқоқлик, ҳафсала, кўнгил; 2) фаолият; عَالِي الـ~ ёки صَاحِبُ الـ~ тиришқоқ, ғайратли; قَاعِدُ الـ~ дангаса, ғайратсиз; بَرَّدَ ـهُ кимнингдир ҳафсаласини пир қилмоқ, ғайратини сўндирмоқ; هَمَدَتْ ـهُ унинг ҳафсаласи пир бўлди; 2) ташвишлар, югур-югурлар

– هِمَّةٌ[2] кўп. ـاتٌ мўнкиллаган кампир; қари, қартайган кампир

هُمَا улар иккови; улар икковини, улар икковининг (мз. мн.); نَظَرْنَاهُمَا биз улар икковини кўрдик

هُمَايُونِيٌّ шоҳликка, императорликка, подшоҳликка оид; султонга оид; الْأَمْلَاكُ الـ~ـةُ султон мулклари (қадимги Туркияда)

هَنْبٌ бот. манго (дарахти ва меваси)

هَمَجَ I (а) هَمْجٌ оч бўлмоқ, оч юрмоқ

– هَمَجٌ[1] очлик

– هَمَجٌ[2] 1) жам. ёввойилар, варварлар; 2) ҳар қандай қаланғи-қасанғилар, одамгарчиликдан чиққан кишилар, ювиндихўрлар; 3) чивинлар

– هَمَجِيٌّ 1. ёввойиликка, варварликка оид; 2. ёввойи, варвар

– هَمَجِيَّةٌ ёввойилик, варварлик

هَمَدَ I (у) هُمُودٌ ўчмоқ (аланга ҳақида); пасаймоқ (шамол ҳақида); тинчимоқ (овоз ҳақида); совимоқ, сўнмоқ (ғайрат, ҳафсала ҳақида); ◊ ~ الرَّجُلُ ўлмоқ; II هَمَّدَ 1) ўчирмоқ, сўндирмоқ; 2) тинчитмоқ, тинчлантирмоқ; совутмоқ (ҳафсалани); IV أَهْمَدَ ўчирмоқ, сўндирмоқ

– تَهْمِيدٌ 1) ўчириш, сўндириш; 2) ўзини лоҳас (ёмон) сезиш, лоҳаслик

– مُهَمَّدٌ чарчаган, ўзини лоҳас (ёмон) сезаётган, лоҳас

– هَامِدٌ 1) ўчган, сўнган; 2) тинч, босиқ; 3) инерт, ғайратсиз, ҳафсаласиз, жонсиз; جُثَّةٌ ~ـةٌ жонсиз тана; الْغَازَاتُ الـ~ـةُ инерт газлар; أَرْضٌ ~ـةٌ ўсимлик ўсмайдиган ер

– هَمْدَانٌ тинч, босиқ

– هُمُودٌ 1) ўчиш сўниш; 2) тинчланиш; сукунат, тинчлик, ҳаракатсизлик, сокинлик

هَمَرَ I (и/у) هَمْرٌ 1) тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; 2) тўкилмоқ, оқиб кетмоқ; 3) жаврамоқ, ирилламоқ, бўкирмоқ, ҳайқирмоқ; 4) тишламоқ; VII انْهَمَرَ оқмоқ, оқиб турмоқ

– هَمْرَةٌ 1) жавраш, ириллаш, бўкириш, ҳайқириш; 2) кучли ёмғир, жала

هَمَزَ I (и/у) هَمْزٌ 1) санчмоқ; 2) ниқталмоқ (мас., отни); 3) ғиж-ғижламоқ, ундамоқ, қўзғамоқ, уйғотмоқ; 4) сўкинмоқ, қабиҳ сўзларни айтмоқ; 5) грам. ҳамза белгисини қўймоқ; ҳамзали талаффуз қилмоқ

– مِهْمَازٌ кўп. مَهَامِيزُ 1) миҳмоз (отлиқлар этигига ўрнатилган темир ниқтагич); شَوْكَةُ الـ~ миҳмоз санчқиси; 2) ўткир, санчадиган нарса; 3) найзанинг учи, ниш; 4) бот. кўз тикон

– مِهْمَزٌ кўп. مَهَامِزُ 1) миҳмоз; 2) найза учи, ниш

– مَهْمُوزٌ 1) миҳмозли; 2) грам. ҳамзали, ҳамзаси бор

– هَمَّازٌ = هَامِزٌ

– هَمَّازٌ туҳматчи, ғийбатчи

– هَمْزٌ ғийбат қилиш, ёмонлаш, фисқ-фасод қилиш

– هَمْزَةٌ кўп. هَمَزَاتٌ 1) чақиш (ари ҳақида); 2) грам. ҳамза; ~ الْقَطْعِ ажратувчи ҳамза; ~ الْوَصْلِ а) бириктирувчи ҳамза; б) кўч.м. бирлаштирувчи бўғин; ◊ هَمَزَاتُ الشَّيْطَانِ қур. шайтон васвасаси

– هُمَزَةٌ = هَمَّازٌ; قَطَعَ الطَّرِيقَ عَلَى كُلِّ ~ لُمَزَةٍ маж. барча туҳматчи ва иғвогарлар йўлини тўсмоқ; وَيْلٌ لِكُلِّ ~ لُمَزَةٍ! қур. ҳамма туҳматчи ва иғвогарга балолар келсин!

هَمَسَ I (и) هَمْسٌ (к. ғадир) шивирламоқ; فِي أُذُنِهِ ~ (إِلَى) кимнингдир қулоғига шивирламоқ; II هَمَّسَ фон. жарангсизлантирмоқ; VI تَهَامَسَ 1) шивирлашмоқ; 2) (н. нидир) бир-бирига шивирлаб айтмоқ (ب)

– مَهْمُوسٌ 1) шивирлаб айтилган; 2) шунингдек: الصَّوْتُ الـ~ фон. жарангсиз

– هَمْسٌ шивир-шивир; ~ـاً ёки ~ بِـ шивирлаб

– هَمْسَةٌ кўп. هَمَسَاتٌ шивирлаш; кўп. миш-мишлар

هَمَشَ I (у) هَمْشٌ тишламоқ

– هَامِشٌ кўп. هَوَامِشُ 1) ҳошия, ҳошиялар (китобда); ~ الْحَوَادِثِ воқеа-ҳодисалар шарҳи; 2) чекка, чет; ◊ وَضَعَهُ عَلَى الـ~ бирор нарсани узоқ муддатга ташлаб қўймоқ

– هَامِشِيٌّ 1) ҳошияларга ёзилган; 2) чеккадаги, четдаги; 3) қўшимча, тўлдирилган

– هَامُوش алиф. б. қар.

I هَمَعَ (а) هَمْعٌ кўз ёши оқизмоқ, тўкмоқ; ~ الطَّلُّ عَلَى الشَّجَرِ дарахтдаги шудринг оқиб тушди

– هَامِعَةٌ кўп. هَوَامِعُ кўздан оққан дарё ёшлар

– هَمِعٌ; ~ سَحَابٌ ёмғирли булут

I هَمَكَ (у) هَمْكٌ 1) (н. гадир) ундамоқ, мажбур қилмоқ (فى); 2) мажх. (н. гадир) чўккан, ич-ичига кириб кетган бўлмоқ (فى); 3) эзмоқ, ийламоқ (мас., картошкани); VII اِنْهَمَكَ (н. гадир) чўмилиб кетмоқ, бутунлай берилиб кетмоқ (فى)

– اِنْهِمَاكٌ (н. гадир) чўкиб кетишлик, берилиб кетишлик (فى); (н. биландир) доимо банд бўлиш, (н. гадир) қаттиқ қизиқиш (فى)

– مُنْهَمِكٌ (н. гадир) чўкиб кетган, ич-ичига кириб кетган (فى); (бирор н. га) бутунлай берилиб кетган (فى)

– مَهْمُوكٌ эзилган; ийланган; ~ بَطَاطِسُ эзилган, ийланган картошка, пюре

– هَمَكٌ дарахтга ёки устунга боғланган беланчак, гамак

– هَمَكَةٌ оғир аҳвол, қийинчилик

I هَمَلَ (и/у) هَمْلٌ، هَمَلَانٌ тўкмоқ, оқизмоқ; ◊ ~ـتْ عَيْنُهُ кўз ёши тўкмоқ; ~ـتِ السَّمَاءُ ёмғир ёға бошлади; IV أَهْمَلَ 1) ҳисобга олмаслик; диққат-эътиборсиз муносабатда бўлмоқ; ғамхўрлик қилмаслик; ташлаб қўймоқ, бир ёққа суриб қўймоқ; унутиб юбормоқ; фойдаланмаслик, (бирор н. ни) фойдаланмай ушлаб (тутиб) турмоқ; 2) диакритик нуқталарни қўймай (арабча) ёзмоқ; VI تَهَامَلَ (н. дадир) эътиборсизлик қилмоқ (فى); (н. гадир) эътиборсиз муносабатда бўлмоқ (فى); VII اِنْهَمَلَ қуймоқ, қаттиқ ёғмоқ (ёмғир ҳақида); أَوَّلُ الْغَيْثِ قَطْرٌ ثُمَّ يَنْهَمِلُ мқл. тома-тома кўл бўлур (сўзма-сўз: ёмғир бошланиши- томчи, кейин эса пақирдан қуйгандай бўлади)

– إِهْمَالٌ 1) эътиборсизлик, назар-писанд қилмаслик; эътиборсиз муносабатда бўлиш; унутиш; ~الـ زَوَايَا унут бўлиш; 2) бепарволик, камчилик; ~ بـ ёки ~ فى бепарволик билан, эътиборсизлик билан; 3) ташлаб қўйилганлик, харобалик

– مُهْمَلٌ 1. 1) назарга илинмаган; ташлаб қўйилган; 2) фойдаланишга яроқсиз, эскирган; 3) диакритик нуқталари йўқ (араб хати ҳақида) 2. кўп. ـَاتٌ — назарга илинмайдиган, эътибор қилинмайдиган нарса; سَلَّةُ الْمُهْمَلَاتِ қоғоз ташланадиган сават; кўп. ечилиши (ҳал қилиниши) узоқ вақтга кечиктирилган масала (иш); ◊ ~ التَّارِيخِ числоси (куни) қўйилмаган; ~ التَّوْقِيعِ имзосиз, аноним; ~ الْهَيْئَةِ (الْهَيْأَةِ) ..онишда эътиборга лойиқ бўлмаган, диққатни тортмайдиган

– مُهْمِلٌ назар-писанд қилмайдиган; беэътибор, беларво

– مَهْمُولٌ хароб, ташландиқ, ташлаб қўйилган

– هَمَلٌ 1. ўз-ўзига ташлаб қўйилган, қаровсиз; 2) кечаю-кундуз қаровсиз ўтлаб юрган туялар; ◊ ~ـاً тартибсиз равишда

هَمْلَجَ йўрғалаб юрмоқ

– هِمْلَاجٌ = مُهَمْلِجٌ

– هِمْلَاجٌ кўп. هَمَالِيجُ йўрға (от)

– هَمْلَجَةٌ йўрғалаш, йўрғалаб юриш

هَمْهَمَ 1) бўкирмоқ; жаврамоқ; пичирламоқ; 2) визилламоқ; шовқин солмоқ; гумбурламоқ (момақалдироқ ҳақида);

– هَمْهَمَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) бўкириш; жавраш; пичирлаш; 2) визиллаш; шовқин; гумбур-гумбур

I هَمَا (у) هَمْوٌ (همو) оқмоқ, тўхилмоқ

I هَمَى (и) هَمْيٌ 1) оқмоқ, тўкилмоқ; 2) оқизмоқ, тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; هَمَتِ السَّمَاءُ қар. سَمَاءٌ

– هِمْيَانٌ кўп. هَمَايِينُ ҳамён

هَنٌ ик.с. هَنَانِ، кўп. هَنَوَاتٌ، هُنُونٌ нарса (сол. هَنَةٌ)

هُنَّ мн. улар; уларнинг, уларни; كُتُبُهُنَّ уларнинг китоби; نَظَرْنَاهُنَّ биз у (аёл) ларни кўрдик

هُنَا бу ер; ~ إِلَى а) бу ёққа; б) шу вақтгача, шу ергача; هَاهُنَا мана бу ерда; ~ مِنْ бу ердан; ~ مِنْ هُنَاكَ وَ ~ у ёқ-бу ёқдан; ~ وَ هُنَاكَ у ер-бу ерда; ~ الْقَاهِرَةُ радио. Қоҳирадан гапирамиз! (сўзма-сўз: бу ер Қоҳира!)

– هُنَاكَ 1) у ерда; 2) (у ерда) бор; ~ إِلَى а) у ёққа; б) ўша ергача; ~ مِنْ у ердан

– هُنَالِكَ у ерда; ~ إِلَى آخِرِ مَا ва ҳоказо (ва ҳ.к.)

I هَنَأَ (هنأ) (а) هَنُؤَ 1) фойдали бўлмоқ (овқат ҳақида); 2) ёқимли бўлмоқ; لَمْ يَهْنَأْهُ النَّوْمُ унинг уйқуси келмас эди; (а) هَنِئَ; هَنَاءٌ، هَنَاءَةٌ هَنَأَ, 1) (бирор н. дан) роҳатланмоқ, қониқиш олмоқ (بـ); 2) бахтли бўлмоқ; (н. дадир) муваффақият қозонмоқ (فى); II هَنَّأَ 1) (н. биландир) табрикламоқ, қутламоқ (بـ); 2) бахтли қилмоқ; V تَهَنَّأَ (н. дандир) роҳатланмоқ, қониқиш олмоқ, бахтли бўлмоқ (بـ)

– تَهْنِئَةٌ кўп. تَهَانِئُ табрик; қутлов; قَدَّمَ التَّهَانِئَ (к. гадир) табрик топширмоқ (إِلَى)

– مُهَنِّئٌ 1. табрикловчи, қутловчи; 2. табриклайдиган одам

– هَانِئٌ хизматкор; малай

– هَنَاءٌ бахт; қониқиш; беҳбудлик, саодатлилик; гуллаб-яшнаш; ◊ ~بالـ соғлик учун!, соғ бўлайлик!

– هِنَاءٌ қора ёғ, смола, гудрон

– هَنَاءٌ = هَنَاءَةٌ

– هَنِيءٌ ёқимли, яхши (овқат ҳақида); самарали, фойдали, яхши

натижа берадиган; !مَرِيئًا ~ــا соғлик учун!, саломатлик учун!; ош бўлсин!

هَنْبَثَة кўп. هَنَابِثُ، ـــَاتٌ 1) оғир, қийин иш; 2) бемаъни, асоссиз гап, ёлғон-яшиқ

هُنْجَارِيٌّ 1. можар (венгер) ларга оид; 2. можар (венгер)

(هند) II هَنَّدَ 1) бойқуш каби қичқирмоқ; 2) (қилич) чархламоқ; ◊ ~ فِي الْعَمَلِ ишда хатога йўл қўймоқ

مُهَنَّدٌ ҳиндий пўлатдан (қилич сифати)

– هِنْدٌ шунингдек. الــ~ ҳиндларга (Америка қитъасининг ерли аҳолисига) оид; الــ~ الْحُمْرُ ҳиндлар, қизил танлилар

– هِنْدِيٌّ 1. 1) америкалик ҳиндларга оид; 2) ҳиндий, ҳиндларга оид; اللُّغَةُ الــ~ـــةُ ҳинди, ҳинд тили; اللُّغَاتُ الــ~ـــةُ الْأُورُبِّيَّةُ ҳинд-оврупо тиллари; 2. ҳинд (америкалик); أَمِيرْكِيٌّ ~ ҳинд, қизил танли; ◊ الْأَرْقَامُ الــ~ـــةُ ҳинд (араб) рақамлари (яъни, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0); دِيكٌ ~ ғулғул товуқ (сўзма-сўз: ҳинд хўрози)

– هُنُودٌ жам. (америкалик) ҳиндлар; ~ أَمِيرْكَا Америка ҳиндлари

هِنْدَبٌ бот. сачратқи, цикорий

– هِنْدَبٌ = هِنْدَبَاءُ، هِنْدَبَى

هَنْدَزَ 1) (қандайдир) тартибда жойлаштирмоқ; ўрнаштирмоқ; 2) ўлчамоқ, ҳисобламоқ; 3) инженер бўлиб ишламоқ

– مُهَنْدِزٌ инженер

– هِنْدَازَةٌ кўп. ـــَاتٌ — ҳиндоза (0,656 м.га тенг мато узунлиги ўлчови)

هَنْدَسَ 1) инженер бўлиб ишламоқ; 2) ўлчамоқ, ҳисобламоқ; 3) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ

– مُهَنْدِسٌ инженер; механик; الــ~ التَّعْدِينِيُّ инженер-металлург; ~ الرَّيِّ инженер-ирригатор; الــ~ الرِّيَاضِيُّ геометрия мутахассиси, геометр; الــ~ الزِّرَاعِيُّ агроном; ~ الطَّيَرَانِ авиоинженер; الــ~ الْعَسْكَرِيُّ ҳарбий инженер; الــ~ الْكَهْرَبَائِيُّ инженер- электрик; الــ~ الْكِيمَاوِيُّ кимёгар-инженер; الــ~ الْمِعْمَارِيُّ қурувчи инженер; архитектор; الــ~ الْمِيكَانِيكِيُّ инженер- механик; الــ~ النَّفْطِيُّ нефтчи инженер

– مُهَنْدِسْخَانَةٌ инженерлик ўқув юрти

– هِنْدَازَةٌ = هِنْدَاسَةٌ

– هِنْدُسْتَانِيٌّ 1. ҳиндустон (тили) га оид; 2. ҳиндустон (тили)

– هَنْدَسَةٌ 1) шунингдек. عِلْمُ الــ~ ҳандаса, геометрия; الــ~ التَّحْلِيلِيَّةُ аналитик (таҳлилий) геометрия; الــ~ النَّظَرِيَّةُ назарий геометрия; الــ~ الْمُسْتَوِيَةُ еки الــ~ السَّطْحِيَّةُ еки ~ السُّطُوحِ планиметрия; الــ~ الْفَرَاغِيَّةُ стереометрия; тавсифий геометрия; 2) инженерлик соҳаси; инженер вазифасида ишлаш; الــ~ مَدْرَسَةُ инженер политехника мактаби; الــ~ جُنْدُ ҳарб. инженер қўшинлари; сапёрлар; الــ~ جُنْدِيُّ инженер қўшинлари солдати; сапёр; 3) план (режа) тузиш; 4) қурилиш; ◊ ~ الْبِنَاءِ еки الــ~ الْمِعْمَارِيَّةُ меъморлик, архитектура; ~ الزِّرَاعَةِ агрономия

– هَنْدَسِيٌّ геометрик, ҳандасага оид; ~ شَكْلٌ геометрик фигура (шакл); ~ قَلَمٌ чизмачилик қалами; ◊ ~ مَشْرُوعٌ архитектура плани (проекти)

– هَنَادِسُ жам. америкалик ҳиндлар

– هِنْدُوسِيٌّ америкалик ҳинд

هَنْدَمَ 1) мувозанатли (симметрик) жойлаштирмоқ; 2) нафис, симметрик қилмоқ; 3) безамоқ, ясантирмоқ, гўзал қилмоқ; тартибга келтирмоқ; 4) (тошни) тарашламоқ; (тахтани) рандаламоқ; تَهَنْدَمَ 1) мувозанатли (симметрик) равишда жойлаштирилмоқ; 2) чиройли, нафосатли қилиб ишланган бўлмоқ; 3) ўзига оро бермоқ; кийимни тартибга келтирмоқ; ўзини тартибга келтирмоқ

– مُهَنْدَمٌ 1) гўзал, симметрик қилинган; 2) нафис; 3) тарошланган; рандаланган; 4) чиройли, келишган; 5) маълум даражада таъмирланган, ремонт қилинган

– هِنْدَامٌ 1) симметрия; 2) гўзал ташқи кўриниш; 3) гўзал кийим, чиройли костюм; 4) гўзал, чиройли, келишган қадду қомат

– هَنْدَمَةٌ симметрик жойлашиш, симметрия, мувозанатли, мавзун

هُنْغَارِيٌّ 1. мажор (венгер) ларга оид; الــ~ـــةُ можар (венгер) тили; 2. можар, венгер

(هنف) II هَنَّفَ шошмоқ, шошилмоқ; III هَانَفَ таҳқирламоқ, кулмоқ, кулги қилмоқ, масхара қилмоқ IV أَهْنَفَ 1) таҳқирламоқ, масхара қилмоқ; 2) ғингшимоқ, ҳиқиллаб йиғламоқ, йиғламоқ; VI تَهَانَفَ = IV

هَنْكٌ 1) акссадо; 2) қўшилиб ашула айтиш

هَنْكَرَ югуриб-елмоқ, бетартиб ҳаракат қилмоқ

– هَنْكَرَةٌ елиб-югуришлик, оворагарчилик, бетартиб ҳаракат қилишлик

هَانَمٌ алиф. б. қар.

هَنَمٌ жам. қуритилган хурмолар

– هَنَمَةٌ кўп. ـــَاتٌ — хурмо

هَنْهَنَ (болани) ашула айтиб аллаламоқ

– هَنْهَنَةٌ ашула айтиб аллалаш

– هَنْهُونَةٌ кўп. ـــَاتٌ — алла, бешик қўшиғи

هَنَةٌ ик. с هَنَتَانِ кўп. ـــَاتٌ، هَنَوَاتٌ, 1. (майда-чуйда) нарса, майда-чуйда; 2. аллақандай нарса

– هُنَيَّةٌ 1) кичик нарса; 2) = هُنَيْهَةٌ

هَنْوٌ вақт, лайт; مَضَى ~ مِنَ اللَّيْلِ туннинг бир қисми ўтди

– هُنَيَّةٌ، هُنَيْهَةٌ вақтнинг кичик бир қисми; он; إِنْ هِيَ إِلاَّ ~ حَتَّى

... хеч қанча вақт ўтмай туриб ...; هُنَيْهَةً қисқа бир вақтга, бир онга

هُوَ у (мз): ◊ أَنَا ~ у (бу) мен; ذَا ~ ана у; كَمَا ~ у худди шундай; إِنَّ الْمَوْقِفَ لَمْ يَتَغَيَّرْ بَلْ هُوَ هُوَ كَمَا كَانَ аҳвол ўзгаргани йўқ, аввал қандай бўлса, мутлақо ўшандай турибди

هُوِيَّةٌ – куп. ـَاتٌ — 1) моҳият; 2) шахсият; بِطَاقَةُ (تَذْكِرَةُ، شَهَادَةُ) الـ~ шахсий гувоҳнома; رَجُلٌ مَجْهُولُ الـ~ ёки الـ~ шахси аниқланмаган одам; لَمْ يَتَكَلَّمْ بِشَيْءٍ عَنْ ~ـهِ у ўзининг кимлиги ҳақида хеч нарса демади

I (هوء) هَاءَ (у) هَوْءٌ 1) (бирор н. га) қувонмоқ, шод, хурсанд бўлмоқ (بِ); 2) (н. гадир) интилмоқ, (н. нингдир) пайида бўлмоқ (إِلَى); ~ بِنَفْسِهِ إِلَى الْمَعَالِي у юқсак кўрсаткичларга (муваффақиятларга) интилди

– هَوْءٌ мўлжал, мақсад, интилиш

I (هوب) هَابَ (у) هَوْبٌ яқинлашмоқ, яқин келмоқ

هُوَّةٌ кўп. هُوَتٌ 1) жарлик; 2) чуқур хандақ, зовур

I هَوِجَ (а) هَوَجٌ 1) ўйсиз (фикрсиз, ақлсиз) бўлмоқ, аҳмоқ бўлмоқ; 2) қутурган, кучли, бағри тош, золим бўлмоқ

– أَهْوَجُ мн. هَوْجَاءُ кўп. هُوجٌ 1) ўйсиз, фикрсиз; ақлсиз; аҳмоқ; 2) кучли, бағритош, золим; عَاصِفَةٌ هَوْجَاءُ кучли бўрон; الْحَرْبُ الْهَوْجَاءُ даҳшатли уруш

– هَوَجٌ ақлсизлик, ўйсизлик, енгилтаклик

– هَوْجَاءُ кучли шамол; қуюн, гирдоб, довул

I (هود) هَادَ (u) هَوْدٌ 1) яҳудий бўлмоқ; 2) тавба қилмоқ; II هَوَّدَ 1) яҳудий динига ўтказмоқ, яҳудийлаштирмоқ; 2) (баҳони) туширмоқ, ҳаммабоп қилмоқ; 3) секин юрмоқ (бормоқ); секин, шошмай гапирмоқ; 4) маст қилмоқ; III هَاوَدَ 1) марҳаматлилик, кўнгилчанлик кўрсатмоқ, келишмоқ; 2) ўртамиёна, мўътадил бўлмоқ; 3) ён бермоқ, ён берувчи бўлмоқ; V تَهَوَّدَ яҳудий динига кирмоқ

– تَهَوُّدٌ 1) тавба қилиш; 2) солиҳ иш билан шуғулланиш, яхши иш қилиш

– تَهْوِيدٌ[1] яҳудийлаштириш

– تَهْوِيدٌ[2] секин юриш, секинлашиш

– مُتَهَاوِدٌ ўртача, ҳаммабоп (нарх, баҳо ҳақида)

– مُهَاوَدَةٌ марҳаматлилик, кўнгилчанлик, ён берувчилик; لاَ هَوَادَةَ فِيهِ وَلاَ ~ хеч қандай ён бериш ва кўнгилчанлик қилинмасин!

– هَوَادَةٌ 1) кўнгилчанлик, марҳаматлилик; кўнгилчан, марҳаматли бўлишлик; عَدَمُ ~ келишолмаслилик; فِي غَيْرِ ~ шафқатсизлик билан; 2) ўртамиёналик, мўътадиллик

– هُودٌ жам. яҳудийлар, яҳудий динидагилар

– هُودٌ қур. Ҳуд алайҳиссалом

– هُودُ = يَهُودُ

– يَهُودِيٌّ 1. яҳудийларга, яҳудий динидагиларга оид; 2. яҳудий, яҳудий динидаги одам

– يَهُودِيَّةٌ 1) яҳудийлик, яҳудий динида бўлишлик, иудаизм, ибронийлик; 2) яҳудийлар зотидан бўлиш

هَوْدَجٌ қар. هدج

I (هور) هَارَ (у) هَوْرٌ، هُؤُورٌ 1) қуламоқ, тушиб кетмоқ; 2) йиқитмоқ (бинони); ағдариб ташламоқ, йиқитмоқ; II هَوَّرَ 1) хавф-хатарда қолдирмоқ; 2) қулатмоқ, йиқитмоқ, бузмоқ бузиб ташламоқ; V تَهَوَّرَ 1) ақлсиз, хато қиладиган, ўйлаб кўрмайдиган бўлмоқ; فِي الْكَلاَمِ ~ ўйламай гапирмоқ; 2) ақлсиз бўлмоқ; таваккалига, ўйламай-нетмай ташланмоқ; 3) тушиб кетмоқ, вайрон бўлмоқ; 4) ўтмоқ (вақт ҳақида); VII انْهَارَ бузилмоқ, тушиб кетмоқ, пастга тушиб кетмоқ; آمَالُهُ ~ـتْ унинг умидлари пучга чиқди; أَعْصَابُهُ ~ـتْ унинг асаблари бузилди

– انْهِيَارٌ 1) тушиб кетиш, йиқилиш; ثَلْجِيٌّ (جَلِيدِيٌّ) ~ кўчки; ~ الأَرَاضِي ер ўпирилиши (кўчиши, чўкиши); 2) бузилиш, вайрон бўлиш; 3) тез тушиш; فِي أَثْمَانٍ ~ баҳо (нарх) нинг тез тушиши; 4) бузилиш, ишдан чиқиш; عَصَبِيٌّ ~ асабларнинг бузилиши; 5) тезликнинг йўқолиши; حَلَزُونِيٌّ ~ ав. штопор, самолётнинг пастга қараб шўнғиши

– تَهَوُّرٌ 1) ақлсизлик, ўйлаб қилмаслик, хато; 2) ўзини тутолмаслик; тентаклик; فِي الْكَلاَمِ ~ тилга эҳтиётсизлик, вайсақилик

– مُتَهَوِّرٌ 1) ўйланмаган, хато қиладиган; 2) ўзини тутолмайдиган, тийила олмайдиган; тентак

– هَارٍ мн. هَارِيَةٌ тушиб кетаётган, вайрон бўлаётган

– هَوَارِيٌّ кўп. هَوَّارَةٌ (муваққат қўшиндаги) бадавий чавандоз, отлиқ аскар

– هَوْرٌ кўп. أَهْوَارٌ кўл, кўрфаз, қўлтиқ

– هَوْرَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) хавфли, хатарли жой; 2) хавф, хатар

– هَيَارٌ кўчки; ثَلْجِيٌّ ~ қор кўчкиси

– هَيِّرٌ 1) ақлсиз; ўйлаб кўрилмаган; 2) ўзини тутолмайдиган

هُورْمُونٌ кўп. ـَاتٌ — гормон

I (هوس) هَوِسَ (а) هَوَسٌ 1) чорасиз (боши берк кўчада) қолмоқ; нима қилишни била олмаслик; мияси гангиб қолмоқ; 2) ақлдан озмоқ, жинни бўлмоқ; هَوَّسَ (а) هَوْسٌ 1) хижолат қилмоқ, қийин аҳволга солиб қўймоқ, миясини гангитмоқ; 2) ақлдан оздирмоқ, жинни қилиб қўймоқ; V تَهَوَّسَ жинни бўлмоқ; васвос бўлиб қолмоқ; VII انْهَوَسَ = V

– أَهْوَسُ мн. هَوْسَاءُ، هَوْسَى 1) мечкай, еб тўймас, юҳо, қизғончиқ; 2) (бирор н. га) ишқибоз бўлган; (бирор н. дан) эс-ҳушини йўқотган

– مُتَهَوِّسٌ 1. ақлдан озган, жинни бўлиб қолган; 2. 1) эс-ҳушини йўқотган; васвос; 2) фанатик, ўта кетган мутаассиб

– مَهْوُوسٌ 1) ақлдан озган, жинни бўлиб қолган; 2) эс-ҳушидан ажраган, аҳмоқ, ақлдан озган

– مَهْوُوسٌ 1) фанатик, ўта кетган мутаассиб; 2) васвос

هَوَسٌ – 1) ақл-ҳушидан ажраганлик; кўр-кўрона қизиқиш, ҳавас; интилиш, васваса; 2) ақлдан озиш, жинни бўлиб қолиш; الـ~ الْوَطَنِيُّ шовинизм (*ўз миллатини бошқа миллатлардан мумтоз деб ҳисоблаш*)

هَوْسَةٌ[1] – ақлдан озиш хуружи, васваса

هَوْسَةٌ[2] – кўп. هَوَسَاتٌ қўшиқ, ашула (*Ироқда*)

هَوِيسٌ[1] – фикр, ғоя.

هَوِيسٌ[2] – кўп. أَهْوِسَةٌ, ـَاتٌ, هَوَاوِيسُ (*дарёдаги*) шлюз (*сув сатҳи турлича бўлган бир жойдан иккинчи жойга кемаларни ўтказиш учун хизмат қилувчи гидротехник иншоот*); بَابُ (بَوَّابَةُ) الـ~ шлюз дарвозалари

هَاوُسَا *алиф. б. қар.*

I (هوش) هَاشَ (у) هَوْشٌ 1) ўзини бебош (тўполончи) тутмоқ, шовқин-сурон қилмоқ, ғалаён қилмоқ (*оломон ҳақида*); тартибсизлик, тўполон, жанжал қилмоқ; هَوِشَ ўзини бебош, тўполончи тутмоқ, қаттиқ ҳаяжонга келмоқ; тўлқинланмоқ; II هَوَّشَ 1) хижолат қилмоқ, хафа қилмоқ; 2) мавжга, ғалаёнга келтирмоқ; душманлик уруғини сепмоқ; тартибсизлик келтириб чиқармоқ; ~ الدُّنْيَا шовқин-сурон кўтармоқ; ~ الشَّعْرَ сочларни тўзғитмоқ, ҳурпайтирмоқ; 3) (*к. ғадир*) гижгижламоқ (عَلَى); 4) (*к. нидир*) бақириб ҳайдамоқ (عَلَى); V تَهَوَّشَ аралаш - қуралаш бўлмоқ, аралашиб кетмоқ

تَهْوِيشٌ – 1) ғалаён, жунбушга келиш, ҳаяжон; 2) гижгижлатиш; 3) шовқин-сурон, ур-йиқит; 4) уйдирма, ёлғон-яшиқ

مَهَاوِشُ – кўп. ўғирланган ёки тортиб олинган мол-дунё, бойлик

هَايِشَةٌ, هَائِشَةٌ – *фольк.* аждаҳо, аждарҳо

هَوْشَةٌ – кўп. هَوَشَاتٌ 1) ғалаён, тартибсизлик; 2) жунбушга келиш, ҳаяжон; 3) шовқин-сурон, ур-йиқит; إِيَّاكُمْ وَ هَوَشَاتِ اللَّيْلِ тунги бало-офатлардан эҳтиёт бўлинглар!; إِيَّاكُمْ وَ هَوَشَاتِ السُّوقِ! бозорда адашиб қолишдан эҳтиёт бўлинглар!

I (هوع) هَاعَ (у) هَوْعٌ қайт қилмоқ; II هَوَّعَ қайт қилдирмоқ; V تَهَوَّعَ қайт қилмоқ, қусмоқ

(هوك) V تَهَوَّكَ ўзини йўқотиб қўймоқ, ҳайратланмоқ, ҳайрон бўлмоқ

مُتَهَوِّكٌ – ҳайратда қолган, ҳайрон бўлган

هُوكِي хоккей

I (هول) هَالَ (у) هَوْلٌ қўрқитмоқ, чўчитмоқ, ҳуркитмоқ; II هَوَّلَ қўрқитмоқ, чўчитмоқ; (*к. ғадир бирор н. билан*) таҳдид қилмоқ (ب, عَلَى); 2) (*н. нидир*) орттириб кўрсатмоқ, муболаға билан кўрсатмоқ VIII اِهْتَالَ қўрқмоқ, қўрқувга тушмоқ; X اِسْتَهْوَلَ (*бирор н. ни*) қўрқинчли, даҳшатли деб ҳисобламоқ

تَهَاوِيلُ – кўп. 1) қўрқувлар, даҳшатлар; 2) турли рангдаги безаклар

تَهْوِيلٌ – 1) қўрқитиш; 2) муболаға қилиш, орттириб кўрсатиш

مَهِيلٌ = مَهَالٌ –

مَهُولٌ – қўрқинчли, даҳшатли; ~ فَيَضَانٌ даҳшатли сел

مُهَوِّلٌ – қўрқитувчи, қўрқувга солувчи

مَهِيلٌ – қўрқинчли, қўрқув солувчи; ~ مَكَانٌ қўрқинчли жой

هَالٌ[1] – сароб

هَالٌ[2] – *шунингдек.* حَبُّ الـ~ *бот.* ҳол (*занжабилгуллилар оиласига мансуб доривор ўсимлик*)

هَالَةٌ – кўп. ـَاتٌ — ёғду, ёруғлик гардиши, ореол; *черк.* санамлар сурати боши атрофига чизилган зарҳал гардиш; тож; وَ تَحْتَ عَيْنَيْهِ هَالاَتٌ سَوْدَاءُ унинг кўзлари остида халтачалар (кўкарган жойлар) бор; ой атрофидаги шуъла, нур доираси (тож)

هَالِيٌّ – ~ قَمَرٌ сохта ой

هَائِلٌ – 1) қўрқинчли, даҳшатли; 2) жуда катта, баҳайбат; ~ الْحَجْمِ ҳажми жуда катта

هَوْلٌ – кўп. أَهْوَالٌ, هُؤُولٌ 1) қўрқинч, даҳшат; يَا لَلـ~! қандай даҳшат!; وَ يَا ~ مَا قَرَأْتُ! мен ўқиган нарса қандай даҳшатли!; قَاسَى أَهْوَالاً شِدَادًا مِنَ الْبَرْدِ даҳшатли совуқни бошдан кечирмоқ; 2) тантанаворлик; ~ الْمَجْلِسِ мажлиснинг тантанаворлиги; أَبُو الـ~ сфинкс; اتَّخَذَ طَرِيقَةَ أَبِي الـ~ жим бўлиб, гапирмай қутулмоқ

هُولَةٌ – афсонавий баҳайбат махлуқ, қўриқчи (*полизга ўрнатилган*)

هَؤُلاَءِ булар

هُولاَنْدِيٌّ 1. Голландияга оид; 2. голланд

(هوم) II هَوَّمَ мудрамоқ, пинакка кетмоқ; V تَهَوَّمَ = II

تَهْوِيمٌ – мудраш, пинакка кетиш; серуйқулик, уйқудан бош кўтармаслик

هَامَةٌ – кўп. ـَاتٌ — 1) бош, калла; 2) каллак, бош, уч; ~ الرَّأْسِ уч, тепа, чўққи; هَامَاتُ النَّخِيلِ хурмонинг учи, тепаси; 3) бойўғли; هُوَ ~ الْيَوْمِ أَوْ غَدٍ у бугун ё эртага ўлади

I (هون) هَانَ (у) هَوْنٌ 1) енгил, осон бўлмоқ; فَلاَ يَهُونُ عَلَيْهِ أَنْ ... унинг учун ... жуда оғир, қийин; 2) аҳамиятсиз, номуҳим бўлмоқ; ~ عَلَيْهِ هَذَا الأَمْرُ бу ишга у бефарқ эди; يَهُونُ هَذَا إِلَى جَانِبِ ... ...га солиштирганда, бу арзимас нарса; لَوْ ... لَـ~ الْخَطْبُ агар ... бўлганда (бўлмаганда), бунчалик қийинчилик бўлмасди; مَا أَهْوَنَهُ! бу қандай аҳамиятсиз!; бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ!; бу қандай осон! هَانَ (у) هَوَانٌ тубан, паст бўлмоқ; II هَوَّنَ 1) енгиллатмоқ, осонлаштирмоқ; 2) (*бирор н. нинг*) таъриф-тавсифини (*к. ғадир*) енгил, осон деб кўрсатмоқ (عَلَى);

хаспўшламоқ (*мас., айбни, қусурни*); !هَوِّنْ عَلَيْكَ буни жиддий нарса деб ҳисоблама!; тинчлан!; ўзингни бос!; IV أَهَانَ хор қилмоқ, хўрламоқ, таҳқирламоқ, нафратланмоқ; عِنْدَ الْامْتِحَانِ يُكْرَمُ الْمَرْءُ أَوْ يُهَانُ *мқл.* синов пайтида одам ё иззат-икром топади, ё хор бўлади (*муқобили: олтин ўтда, одам меҳнатда билинади*); VI تَهَاوَنَ 1) (*бирор н. ни*) эътиборга олмаслик; 2) (*н. дадир*) диққат-эътиборсиз бўлмоқ, хато қилмоқ (فِي، بِ); (*н. дадир*) эҳтиётсизлик қилмоқ (فِي) X اسْتَهَانَ (*н. нидир*) арзимас, эътиборга нолойиқ деб ҳисобламоқ (بِ); (*бирор н. ни*) эътибордан четда қолдирмоқ (بِ); (*н. дандир*) нафратланмоқ (بِ); لَا قُوَّةَ ~ بِالْمَوْتِ ўлимни писанд қилмаслик; يُسْتَهَانُ بِهَا *мажҳ.* бу ҳисобга олишга (эътибор қилишга) лойиқ кучдир

– اسْتِهَانَةٌ (*бирор н. ни*) назар- писанд қилмаслик (بِ); нафратланиш; ~ بِـ назар писанд қилмай

– إِهَانَةٌ таҳқирлаш, ҳақоратлаш, назар писанд қилмаслик

– أَهْوَنُ осонроқ; الشَّرَّيْنِ ~ икки ёмонликдан бир қадар (бир оз) яхшироғи; الْكُلِّ ~ энг осон, энг енгил

– تَهَاوُنٌ диққатсизлик, диққат қилмаслик, юзакилик, эҳтиётсизлик; ҳафсаласизлик, бепарволик, беғамлик

– تَهْوِينٌ 1) енгиллашиш, осонлашиш; 2) кичрайтириш, озайтириш, пасайтириш

– مُتَهَاوِنٌ эҳтиётсиз, юзаки иш қиладиган, диққат-эътибор қилмайдиган

– مُهَانٌ хўрланган, таҳқирланган

– مَهَانَةٌ хўрлаш

– مُهِينٌ хўрловчи, таҳқирловчи

– هَاوُنٌ، هَاوُونٌ *кўп.* هَوَاوِينُ ҳовонча; ◊ الـــ~ يَدُ ўғир (кели) дастаси, соп; الـــ~ مِدْفَعُ 1) мортира, замбарак; 2) миномёт

– هَوَانٌ хўрланиш, бадбахтлик, шармандалик; أَذَاقَهُ أَشَدَّ الـــ~ кимнидир қаттиқ хўрламоқ

– هَوْنٌ 1) ҳовонча; ўғир (кели) дастаси, соп; 2) енгиллик, осонлик; 3) осойишталик, тинчлик, сокинлик, вазминлик, оғирлик; عَلَى ~ ёки ~ـــًا а) енгил, осон; б) шошмай, оғирлик билан; مَشَى ~ـــًا секин, шошилмай юрмоқ

– هُونٌ хўрланиш, шармандалик

– هُونْ *халқ.* бу ерда, шу ерда

– هُوَيْنَى، هُوَيْنًا секинлик, шошмаслик, беғамлик, сокинлик, оғирлик, вазминлик; الـــ~ (مَشَى) سَارَ секин, шошилмай юрмоқ

– هَيِّنٌ، هَيْنٌ 1) енгил, осон; الـــ~ لَيْسَ هَذَا بِالْأَمْرِ бу осон иш эмас; ... أَنْ تَقُولَ عَلَيْكَ ~ ... деб айтавериш сенга осон; 2) аҳамиятсиз, аҳамияти кам, арзимас, арзимайдиган

– هِينَةٌ 1) енгиллик, осонлик; عَلَى ~ وَ رِفْقٍ енгил ва мулойим бўлиб, юмшоқ ҳолда; عَلَى ~ а) осон, енгил; б) секин, астагина; 2) қулайлик; 3) секинлик, оғирлик, вазминлик, осойишталик

هَوْهَوَ вовилламоқ

– هَوْهَوَةٌ вовиллаш

(هوى) I هَوَى (и) هُوِيٌّ، هَوَيَانٌ 1) йиқилмоқ, тушмоқ; пастга шўнғимоқ (*қуш ҳақида*), шўнғимоқ (*самолёт ҳақида*); 2) (*н. нидир*) туширмоқ (بِ); (*баҳони, нархни*) пасайтирмоқ (بِ); уриб туширмоқ (*мас., самолётни-* بِ); 4) эсмоқ (*шамол ҳақида*); 5) ўлмоқ; هَوِيَ (а) 1) севмоқ; 2) хоҳламоқ, истамоқ; II هَوَّى 1) шамоллатмоқ (*мас., хонани*); очиқ ҳавога олиб чиқмоқ; 2) (*бирор н. билан*) елпимоқ (بِ); بِمِرْوَحَةٍ ~ елпиғич билан елпимоқ; III هَاوَى 1) лаганбардорлик қилмоқ, ялоқилик қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ; 2) шамоллатмоқ; IV أَهْوَى 1) йиқилмоқ; юқоридан (*к. ёки н. нингдир*) устига (*н. биландир*) тепадан ташланмоқ (بِ، عَلَى، إِلَى، لِـ); 2) (*н. нидир*) туширмоқ (بِ); 3) (*н. биландир*) елпинмоқ (بِ); عَلَى ... بِيَدِهِ ~ (*к. нидир*) қўл билан урмоқ; 4) (*бирор н. ни*) чўзмоқ, узатмоқ (بِ); بِيَدِهِ إِلَيْهِ ~ кимгадир қўл чўзмоқ, узатмоқ; V تَهَوَّى шамоллатилмоқ (*хона ҳақида*); VI تَهَاوَى 1) ташланмоқ; 2) кўпгина, тўп-тўп бўлиб тўкилмоқ, тушиб кетмоқ; كَأَوْرَاقِ الْخَرِيفِ ~ куздаги барглар каби тўкилмоқ; 3) аста-секин тўкилмоқ; аста-секин юмалаб тушмоқ (*кўз ёшлари ҳақида*); صِحَّتُهُ تَتَهَاوَى унинг саломатлиги ёмонлашмоқда; VII انْهَوَى 1) йиқилмоқ, ағдарилмоқ; 2) тентак, ақлдан озган бўлган; 3) инжиқ, серхархаша бўлмоқ X اسْتَهْوَى 1) (*бирор н. билан*) ўзига қаратмоқ, ийдирмоқ, кўнглини олмоқ, асир қилмоқ, мафтун қилмоқ (بِ); عَقْلَهُ ~ кимнидир мафтун қилмоқ, ақлини ўғирламоқ; أَفْئِدَةَ السَّامِعِينَ ~ тингловчилар юрагини асир қилмоқ; 2) йўлдан урмоқ; бузмоқ; 3) шамоллаб қолмоқ

– اسْتِهْوَاءٌ 1) мафтун қилиш, асир қилиш; 2) йўлдан оздириш (уриш); авраш, афсун қилиш; 3) шамоллаш

– أَهْوَى севимлироқ, маҳбуброқ, кўнгил тусайдиганроқ; الْمَوْتُ ~ إِلَيَّ مِنَ الْعَارِ мен учун шармандаликдан ўлим яхшироқдир

– أُهْوِيَّةٌ 1) чуқурлик, жарлик; 2) атмосфера

– تَهْوِيَةٌ (*хонани*) шамоллатиш, ҳавосини тозалаш (*янгилаш*); الـــ~ حَسَنُ яхши шамоллатиладиган

– مُهَاوَاةٌ 1) кўнгил олиш, эрка-татай қилиш; 2) шамоллатиш (*хона ҳақида*)

– مَهْوَاةٌ 1) чуқурлик, жарлик; 2) атмосфера

– مِهْوَاةٌ 1) вентилятор; 2) елпиғич

– مَهْوًى[1] *кўп.* مَهَاوٍ 1) йиқилган, ағдарилган жой; 2) жарлик, чуқурлик; الـــ~ (عَمِيقَةُ) بِئْرٌ بَعِيدَةُ чуқур қудуқ; 3) атмосфера

– مَهْوًى[2] севиладиган нарса ёки одам وَ أَنْتَ حَبِيبُنَا ~ هِيَ اللُّغَةُ тил-биз учун энг севимли нарса; صَارَ ~ الأَفْئِدَة у одамлар муҳаббатини ўзига жалб қилди

– هَاوٍ мн. هَاوِيَة кўп. هُوَاة 1. 1) севувчи; 2) тушаётган, тушувчи, йиқилувчи; النُّجُومُ الهَاوِيَة учиб тушаётган юлдузлар; 2. ҳаваскор, ҳавасманд; هَاوِي اللاَّسِلْكِي радиоҳаваскор; هَاوِي الطَّوَابِع ёки هَاوِي طَوَابِعِ البَرِيد филателист (почта маркаларини йиғиш ҳавасманди)

– هَاوِيَة 1) жарлик, чуқурлик; الـ~ ёки ~ жаҳаннам чуқурлиги, жаҳаннам; 2) атмосфера

– هَوَاء кўп. أَهْوِيَة 1) ҳаво, атмосфера; الـ~ الطَّلْق тоза ҳаво; ~ البَحْر денгиз ҳавоси; الـ~ المَضْغُوط қисилган ҳаво; مِنْفَاخُ الـ~ ҳаво насоси; سَلَكَ الـ~ ҳавода учиш; عِلْمُ الـ~ аэрология; 2) шамол, ел; 3) иқлим; 4) об-ҳаво; 5) инжиқлик, ўй-хаёл (фантазия); 6) қўрқоқ, юраксиз; 7) бўшлиқ; ◊ الـ~ الأَصْفَر вабо; أَفْئِدَتُهُم ~ қур. уларнинг ақллари йўқ, улар ақлсиздирлар

– هَوَّاء ҳаваскор, ҳавасманд

– هَوَائِيّ 1. 1) ҳавога, атмосферага оид; пневматик; ~ مِينَاء аэропорт; ~ مَطَبّ ҳаво ўпқони (осмондаги ҳавоси сийрак жой); الـ~ المِطْحَنَة шамол тегирмони; آلَة ~ а) пуфлаб чалинадиган музика асбоби; б) пневматик асбоб; ~ لا ҳавосиз; 2) ғалати қилиқли, тантиқ; 2. кўп. ~ات антенна (шунингдек ~ خَطّ); ~ الاسْتِقْبَال (الاسْتِلَام) ёки ~ سِلْك; ~ الإِرْسَال узатувчи антенна; قабул қилувчи антенна; ~ إِطَارِيّ рамали антенна

– هَوَائِيَّات кўп. 1) ҳаво кенгликлари; عِلْمُ الـ~ пневматика; 2) антенналар

– هِوَايَة кўп. ~ات қизиқиш, ҳавас, севимли машғулот, ҳобби; ~ طَوَابِع البَرِيد филателияга (почта маркалари йиғишга) қизиқувчи

– هَوَايَة = هِوَايَة

– هَوَّايَة кўп. ~ات вентилятор

– هُوَّة кўп. هُوًى чуқурлик, жар, жарлик; اتَّسَعَتْ ~ الخِلَاف بَيْنَ ... وَ ... ..билан .. нинг ораларидаги келишмовчилик чуқурлашиб кетди

– هَوَوِيّ севгига оид

– هَوًى кўп. أَهْوَاء 1) севги; ҳавас, ҳавасмандлик; қизиқиш, интилиш, мафтунлик; فِي الـ~ ошиқ, севиб қолган; الـ~ العُذْرِيّ Афлотун севгиси (жинсий иштиёқдан йироқ бўлган севги); بَنَات الـ~ ҳавойи аёл, суюқ оёқ аёл; 2) севиладиган нарса ёки одам; 3) ғалати қилиқ, инжиқлик; أَهْوَاءُ الطَّبِيعَة табиат инжиқликлари; عَلَى هَوَاهُ унинг истагига мувофиқ, унинг хоҳишича, у хоҳлагандай; تَصَرَّفَ عَلَى هَوَاهُ فِي ... (бирор н. ни) ўз хоҳишича тасарруф қилмоқ

– هَوِيّ 1. қилиқли, инжиқ; 2. жаранг, шовқин (қулоқларсаги)

– هُوِيَّة 1) чуқур ўра, чуқур қудуқ; 2) қизиқиш, ҳобби

– هُوِيَّة қар. هُوَ

هِيَ у (мн.); улар (жонсиз нарсалар ҳақида)... қоидалар ҳақида шуни айтиш керакки, улар худди илгаригидай (ўзгармаган)

(هِيَ)... هَيَّا шунингдек: هَيَّا هَيَّا тезроқ!; олға!; هَيَّانُ بْنُ بَيَّان ёки ~ بْنُ بَيٍّ а) келиб чиқиши (кимнинг боласи эканлиги) номаълум; б) тирранча, жўжахўроз; маҳмадона

(هَبَأ) هَاء (а) ёки هَيُؤَ (у) هَيْأَة 1) (қандайдир) шаклга, кўринишга эга бўлмоқ; савлатли ташқи кўринишга эга бўлмоқ, босалат бўлмоқ; 2) (н. гадир) интилмоқ, (н. нидир) қаттиқ хоҳламоқ (إِلَى); 3) (бирор н. га) тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ (لِـ); II هَيَّأَ 1) тайёрламоқ, ҳозир қилмоқ; яратмоқ, пайдо қилмоқ; тартибга келтирмоқ; (н гадир) ҳозирламоқ, тайёрламоқ, эҳтирмоқ; نَفْسَهُ ~ ўзини (н. гадир) тайёрламоқ (لِـ); الظُّرُوفَ المُلَائِمَة ~ (н. учундир) яхши шароитлар яратмоқ (لِـ); 2) (к нингдир) кўнглини олмоқ (к билан) яхши муомалада бўлмоқ; III هَايَأَ (қандайдир масалада) келишувга, битимга эришмоқ (فِي); V تَهَيَّأَ 1) тайёр бўлмоқ; (н. гадир) тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ (لِـ); яратилмоқ, пайдо бўлмоқ لَهُ الأَمْر ~ ким у(н)ундир имкониятли бўлмоқ; تَهَيَّأْ! ҳарб. смирно! (жим. тек тур!); 2) энг яхши кўйлакларни киймоқ; ◊ لَهُ ~ у ўйладики, ..., у фикр қилдики, ...; VI تَهَايَأَ ўзаро келишмоқ, келишишмоқ

– تَهْيِئَة, تَهَيُّؤ тайёрланиш; ҳозирлик кўриш

– مُهَايَأَة юр. шар. умумий мол-мулкдан фойдаланиш шартлари ҳақида дўстона келишув

– مُهَيَّأ муҳайё, тайёрлаб, ҳозирлаб қўйилган, муҳайё қилинган

– مُهَيَّئَات кўп. مُهَيِّئَات бесўнақай, катта товарлар, моллар

– هَيْأَة, هَيْئَة кўп. هَيْئَات, هَيَآت 1) намуна, шакл; 2) кўриниш қиёфа; қадду баст, тана; عَرَفَهُ بِالـ~ бирор кишини ташқи кўринишидан таниб (билиб) олмоқ; 3) состав, хайъат; ~ التَّحْرِير редакция, таҳрир ҳайъати; ~ تَامَّة пленум; ~ المَحْكَمَة суд ҳайъати; مُوَظَّفٌ دَاخِلَ الـ~ штатдаги (ойлик оладиган, доимий) хизматчи; مُوَظَّفٌ خَارِجَ الـ~ штатда бўлмаган (вақтинча олинган) хизматчи; اجْتَمَعَ المَجْلِسُ بِكَامِلِ ~ ـه палата (аъзолари) тўлалигича йиғилди; 4) корпус; ~ السُّفَرَاء дипломатик корпус; 5) ҳайъат; ~ العُلَمَاء уламолар ҳайъати; 6) ташкилот, идора; ~ الأُمَم المُتَّحِدَة Бирлашган Миллатлар Ташкилоти; ~ أَرْكَانِ الحَرْب бош штаб; الـ~ التَّشْرِيعِيَّة қонун чиқарувчи орган, идора; ~ الرِّئَاسَة раёсат ҳайъати, президиум; 7) комиссия,

комитет; الـ~ التَّفْتِيشِيَّةُ парламент комиссияси; الـ~ البَرْلَمَانِيَّةُ тафтиш, назорат комиссияси; ◊ عِلْمُ الـ~ астрономия; الـ~ الاجْتِمَاعِيَّةُ инсоният жамияти; الـ~ الحَاكِمَةُ ҳукумат, ҳукумат аъзолари

— هَيِّئَةٌ = هَيْئَةٌ

— هَيِّءٌ басавлат, савлатли

I (هيب) هَابَ (а) هَيْبٌ 1) (к. нингдир олдида) ҳайбатидан қўрқмоқ, қўрқмоқ; لاَ يَهَابُ المَوْتَ بَلْ إنَّ المَوْتَ يَهَابُهُ мтл. у ўлимдан эмас, ўлим ундан қўрқади (жасур одам ҳақида); 2) ҳурмат, эҳтиром ҳиссини туймоқ, ҳурмат, эҳтиром билан қарамоқ; (к. нидир) ортиқ даражада иззат-икром қилмоқ; II هَيَّبَ қўрқув солмоқ; (к. нидир) қўрқитмоқ (عَلَى); (к. гадир) таҳдид қилмоқ (عَلَى); IV أَهَابَ 1) (к. нидир н. гадир) чақирмоқ, отлантирмоқ (إلَى, بِ); 2) бақириб ҳайдамоқ (мас., подани - بِ); V تَهَيَّبَ 1) қўрқитмоқ, даҳшат солмоқ; 2) қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ; ҳурмат-эҳтиром қилмоқ, ортиқ даражада эҳтиром кўрсатмоқ; (к. нингдир) салобатидан қўрқмоқ; VIII اهْتَابَ 1) қўрқмоқ; 2) ҳурмат, эҳтиром кўрсатмоқ

— مُتَهَيِّبٌ қўрқадиган, жасоратсиз

— مَهَابٌ 1. хавфли; 2. қўрқиш керак бўлган одам ёки нарса

— مَهَابَةٌ 1) қўрқув, даҳшат; 2) ҳурмат, эҳтиром; 3) маҳобат; 4) улуғлик, буюклик

— مَهُوبٌ 1) даҳшатли; қўрқинчли; 2) тантанали, тантанавор

— مَهِيبٌ 1) ҳурматли, эҳтиромга лойиқ; 2) аҳамиятли, муҳим; тантанали, тантанавор; 3) = مَهُوبٌ

— هَائِبٌ 1) қўрқаётган, қўрқадиган; 2) ҳурмат қиладиган, эҳтиром кўрсатадиган

— هَيَّابٌ қўрқувчи, жасоратсиз, уятчан

— هَيْبٌ ҳавоза, лайлак (юк, сув кўтарадиган қурилма)

— هَيَّابٌ = هَيُوبٌ

— هَيْبَةٌ 1) қўрқув, (к. нингдир) ҳайбати; 2) ҳурмат, эҳтиром; 3) қадр-қиммат, ҳурматлилик, нуфуз, нуфузлилик; 4) улуғлик, улуғворлик, тантанаворлик

— هَيُوبٌ 1) қўрқувчи, қўрқоқ; 2) ҳурмат қиладиган, эҳтиром кўрсатадиган

(هيت) II هَيَّتَ. (к. гадир) бақирмоқ (بِ); 2) (к. нидир) чақирмоқ (بِ)

— هَيْتَ! шунингдек: ~ لَكَ! бу ёққа кел!

— هَاتِ! / أَهَاتِ алиф. б. қар.

هَيْثَمٌ бургут боласи (жўжаси)

I (هيج) هَاجَ[1] (и) هَيَجَانٌ 1) ҳаяжонланмоқ, ҳаяжонга тушмоқ, тўлқинланмоқ; 2) кутурмоқ, тўлқинланмоқ (денгиз ҳақида); 3) ўзини қуюшқондан ташқари тутмоқ (бемор ҳақида); ~ هَائِجُهُ ғазабга келмоқ; ~ وَمَاجَ қаттиқ шовқинламоқ, ғалаён қилмоқ; 4) қуримоқ, қуриб қолмоқ (ўсимлик ҳақида); ~ـتِ الأَرْضُ ердаги ўт-ўланлар қурий бошлади; هَاجَ[2] (и) هَيْجٌ ғалаёнга, ҳаяжонга келтирмоқ; II هَيَّجَ 1) тўлқинлантирмоқ, ҳаяжонга келтирмоқ; ~ الشَّهْوَةَ иштаҳасини қўзғатмоқ; ~ الغَضَبَ ғазабини келтирмоқ; 2) ташвиқот юритмоқ; III هَايَجَ = II; IV أَهَاجَ тўлқинлантирмоқ, ҳаяжонга солмоқ; қўзғамоқ; ~ فُضُولَهُ кимнингдир қизиқишини уйғотмоқ, қўзғатмоқ; V تَهَيَّجَ ҳаяжонланмоқ, ҳаяжонга тушмоқ; VIII اهْتَاجَ ҳаяжонга солинмоқ, ҳаяжонланмоқ, ҳаяжонланган бўлмоқ

— إهَاجَةٌ ҳаяжон, ғалаён, қўзғолиш

— تَهَيُّجٌ 1) ғалаён; 2) қаттиқ қўзғолиш

— تَهْيِيجٌ 1) ғазабланиш, аччиқланиш, ғалаён; 2) ташвиқот; 3) эл. индекция

— مُتَهَيِّجٌ ғалаён қилаётган, ҳаяжондаги; ғазабланган

— مِهَاجٌ тех. стартёр (бирор механизмни юрдириб юборувчи жиҳоз)

— مُهْتَاجٌ ҳаяжонга тушган; ~ الأَعْصَابِ асаблари бузилган

— مُهَيِّجٌ 1. 1) ғалаёнга олиб келувчи, қўзғатувчи; 2) ғазабга солувчи; 2. 1) ғазабни, ғашни келтирадиган; 2) ташвиқотчи

— هَائِجٌ 1. ҳаяжонга келган, тўлқинланган; ғазабнок, дарғазаб; ўзини тутолмайдиган; 2. ғазаб; ـــهُ هَاجَ қар. هَاجَ

— هِيَاجٌ ҳаяжонланиш, ғалаён; ғазаб, ғазабноклик

— هَيْجٌ 1. ҳаяжонланиш, ғалаён; 2) жанг, уруш

— هَيْجَى، هَيْجَاءُ، هَيْجَا жанг, уруш

— هَيَجَانٌ 1) ҳаяжон, ғалаён; 2) ғазабноклик, кутуриш; 3) куйикиш (ҳайвонларда)

— هَيْجَةٌ 1) ҳаяжонланиш, кучли жунбушга келиш; 2) (ғазабнинг) оловланиши

هِيدْرُوجِينٌ кимё. водород; الـ~ الثَّقِيلُ оғир водород, дейтерий

— هِيدْرُوجِينِيٌّ водородга оид; قُنْبُلَةٌ ~ـةٌ водород бомбаси

هِيدْرُوكَارْبُونٌ кўп. ـاتٌ — кимё. углеводород

هِيدْرِيٌّ кимё. таркибида сув бор; المُرَكَّبَاتُ الـ~ـةُ гидратлар (таркибида сув бор моддалар)

(هير) II هَيَّرَ 1) бузмоқ, йўқ қилмоқ; битирмоқ; 2) ағдармоқ, йиқитиб ташламоқ; 3) (бирор н. ни) тез бажармоқ, шошмоқ; V تَهَيَّرَ бузилмоқ, ағдарилмоқ, йиқитиб ташланмоқ (бино ҳақида)

— هَيَّارٌ кўчки

هِيرُوغْلِيفٌ иероглиф (хат, ёзиш тури)

— هِيرُوغْلِيفِيٌّ иероглифга оид; الخَطُّ الـ~ ёки الكِتَابَةُ الـ~ـةُ иероглиф ёзуви

— هِيرُوغْلِيفِيَّةٌ 1) жам. иероглифлар; 2) иероглифика, иероглифшунослик

— هِيرُوِينٌ героин (наркотик модда)

هِسْتِيرِيَا = هِيسْتِيرِيَا

I (هيش) هَاشَ (u) هَيْشٌ (1 хаяжонланмоқ, тўлқинланган бўлмоқ; 2) шовқин-сурон қилмоқ, авжга минмоқ

– هَايِشَةٌ қорин териси қат-қат бўлиб букланган тиришган катта кит

– هَيْشَةٌ 1) хаяжон, тўлқинланиш, ғалаён; 2) шовқин-сурон

– هَيْشٌ кўп. هَيْشَةٌ، هِيشٌ чакалак, чакалакзор

I (هيص) هَاصَ (u) هَيْصٌ (1 шовқин кўтармоқ, шовқинламоқ, ғалва қилмоқ (оломон ҳақида); 2) ўз роҳатини кўзлаб вақт ўтказмоқ, вақтихушлик қилмоқ; II هَيَّصَ 1) шовқин чиқармоқ, ғалва чиқармоқ; 2) вақтихушлик, хурсандчилик қилмоқ

– تَهْيِيصٌ бақир-бақир, шовқин- сурон, ғалва

– مِهْيَاصٌ хушчақчақ, шодмон одам; мақтанчоқ, катта оғиз, катта гап

– هَيْصَةٌ 1) ғалаён, хаяжон; 2) шовқин, ғалва, бетартиблик

هَيْصَمٌ алебастр

I (هيض) هَاضَ (u) هَيْضٌ (1 синдирмоқ (мас., суякни, қанотни); ~ جَنَاحَيْهِ кўч. м. кимнингдир қанотини синдирмоқ, қайирмоқ; 2) зулм қилмоқ, азоб бермоқ, эзмоқ; شِدَّةُ الْمَسْؤُولِيَّةِ ~ـتْهُ уни катта маъсулият эзарди; 3) (касаллик) хуружини келтириб чиқармоқ, қўзғатмоқ; حُمَّى ~ـتْهُ унинг безгаги қўзиб қолди; 4) орқасидан ахлат чиқармоқ (қушлар ҳақида)

– مَهِيضٌ синган; ◊ ~ الْجَنَاحِ қаноти синган, қирқилган; кўч. м. қаноти қайрилган, кучсиз, хеч нарсага ярамайдиган

– هَيْضَةٌ 1) хуруж, қўзиш (касаллик ҳақида); 2) ичбуруғ; 3) ~ الدَّجَاجِ шунингдек ~ الْـ الْآسْيَوِيَّةُ еки ~ الْـ الْوَبَائِيَّةُ вабо, ўлат; товуқ ўлати; 4) орқадан ахлат чиқариш; 5) қусиш, қайт қилиш; بِالرَّجُلِ ~ бу одамнинг ҳам оғзидан, ҳам орқасидан кетаяпти

I (هيط) هَاطَ (u) هَيْطٌ бақирмоқ, шовқинламоқ, шовқин-сурон кўтармоқ

– هِيَاطٌ бақириқ, шовқин-сурон; ◊ هُمْ فِي ~ وَمِيَاطٍ уларнинг ўртасида катта келишмовчиликлар бор

– مَهْيَعَةٌ: الْـ~ Шом ўлкасидан хаж зиёратига борадиганларнинг миқоти (қар. مِيقَاتٌ)

– هَيْعَةٌ қулоқни танг қиладиган, кучли қичқириқ

I (هيف) هَافَ (a) هَيِفَ (a) هَيَفٌ келишган, гўзал, бежирим бўлмоқ; هَافَ (и) هَيْفٌ (1 хайф бўлмоқ, зое кетмоқ, муваффақиятсиз чиқмоқ; 2) кочиб кетмоқ, кочиб қолмоқ; 3) чанқамоқ, ташна бўлмоқ; II هَيَّفَ кулай пайтдан махрум қилмоқ

– أَهْيَفُ мн. هَيْفَاءُ кўп. هِيفٌ келишган, гўзал, бежирим, хипчабел; غَادَةٌ هَيْفَاءُ келишган қиз; هَيْفَاءُ الْقَدِّ қадди-қомати келишган

– هَائِفٌ 1) хайф кетган, муваффақиятсиз, зое кетган; 2) чанқоқ, ташна; 3) чекланган, ўртача, узоққа боролмайдиган

– هَيْفٌ иссиқ, қайноқ шамол, гармсел

– هَيَفٌ белнинг хипчалиги, қориннинг ичига кирганлиги

– هَيْفَانُ 1) хайф кетган, натижасиз; 2) чанқоқ, ташна

~ هَيْكَلٌ 1. катта, улкан; 2. кўп. هَيَاكِلُ 1) ибодатхона, храм; الْكَنِيسَةِ бутхона мехроби; 2) катта бино, бахайбат нарса; 3) тана, суяк, жусса, скелет; 4) рама; шасси (мас., автомобилда); 5) қурилиш, тузилиш, ички қурилиш (тузилиш); الْاقْتِصَادِ ~ иқтисод қурилиши, структураси; ◊ الْبِنَاءِ ~ синч, бино синчи; الْـ~ الْعَظْمِيُّ анат. скелет; مِنْ خَشَبٍ ~ манекен

– هَيْكَلِيٌّ 1) скелетга оид; скелетга ўхшаш; طَلْقَةٌ ~ـةٌ ўқ макети; ўқув мақсадлари учун ясалган ўқ (патрон); 2) сохта; مَوَاقِعُ ~ـةٌ харб. сохта позициялар; 3) қурилиш (тузилиш) га оид

– هَيْكَلِيَّةٌ структура, қурилиш, тузилиш

I (هيل) هَالَ (u) هَيْلٌ (қаёққадир) сочмоқ, сочиб юбормоқ (عَلَى); ~ الدَّقِيقَ فِي الْجِرَابِ унни ўлчаб ўтирмай қопламоқ; II هَيَّلَ (қаёққадир) сочмоқ, сочиб юбормоқ, сепмоқ (عَلَى); супуриб кетмоқ, олиб кетмоқ (мас., чанг, тўзонни- шамол ҳақида) IV أَهَالَ = I; VII انْهَالَ (н. нимадир устига) сочилмоқ, ёғмоқ, дўлдай ёғмоқ (عَلَى - ўқлар, снарядлар ҳақида); 2) (қаергадир) катта миқдорда келмоқ (عَلَى - товарлар ҳақида); 3) тушиб кетмоқ; ◊ ~ عَلَيْهِ ضَرْبًا ёки ~ عَلَيْهِ بِالضَّرْبِ кимгадир мушт билан ташланмоқ

– انْهِيَالٌ ўпирилиш, кулаш, тўкилиш; геол. кўчки

– مَهِيلٌ тўкилган, тўкиб қўйилган

– هَيْلٌ 1) қум; қум тўпи; 2) бот. хардамон, хил; حَبُّ الْـ~ хил уруғи; ◊ أَعْطَاهُ بِالْـ~ وَالْهَيْلَمَانِ катта бойлик; الْـ~ وَالْهَيْلَمَانُ олтин тоғлар ваъда қилмоқ; يَطْمَعُ فِي الْـ~ وَالْهَيْلَمَانِ унинг талаб қиладиган нарсалари жуда кўп

– هَيْلَانٌ қум уюми

– هَيْلَلَةٌ хайлала (لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ иборасининг номи)

– هَيْلَمَانٌ кўп сонли подалар; ~ الْهَيْلُ وَالْـ қар. هَيْلٌ

– هَيُولٌ хавода учиб юрган чанг

– هَيُولَى кўп. هَيُولَيَاتٌ ёки هَيْلَى кўп. هَيُولَيَاتٌ фалс. бирламчи модда; материя, модда, мазмун, мохият; الصُّورَةُ وَالْـ~ шакл ва мохият

– هَيُولِيٌّ، هَيُولِيٌّ، هَيُولَانِيٌّ моддий, моддага оид; материяга оид, ашёвий

– هَيْلَمَةٌ: بَهْوَرَةٌ وَ~ катта оғизлилик, мақтанчоқлик, кеккайиш

– هَيْلِينِيٌّ 1) 1. эллинларга оид; الْعَالِمُ الْـ~ эллинист; 2. эллин

I (هيم) هَامَ (u) هَيْمٌ، هَيَمَانٌ 1) кезмоқ, кезиб юрмоқ, адашмоқ, адашиб юрмоқ; югурмоқ, чопмоқ (мас., қутурган ит ҳақида); 2) ақлдан оздирмоқ, асир қилмоқ; ~ـهُ الْحُبُّ у ақлдан озар даражада севиб қолган; 3) (к. нимдир) қаттиқ севмоқ, (к. нимдир деб)

ақлдан бегона бўлмоқ (بِ); (حُبًّا) بِهَا عِشْقًا ~ у у (аёл) ни ақлдан озар даражада севарди; 4) ташна бўлмоқ, қаттиқ хоҳламоқ; ◊ ~ عَلَى وَجْهِهِ бош оққан ёққа кетмоқ; II هَيَّمَ 1) йўлдан оздирмоқ, адаштирмоқ; 2) ақлдан оздирмоқ, жинни қилмоқ (*севги ҳақида*) X اسْتُهِيمَ *мажҳ.* қаттиқ ошиқ бўлмоқ, қаттиқ севиб қолмоқ

– أَهْيَمُ *мн.* هَيْمَاءُ *кўп.* هِيمٌ ташна, чанқоқ, ташналик азобини тортаётган

– مُسْتَهَامٌ қаттиқ севиб қолган

– مَهَامَةٌ чўл, биёбон

– هَامَةٌ *кўп.* هَامٌ бош; ~ الْقَوْمِ қавм оқсоқоли

– هَائِمٌ *кўп.* هُيَّامٌ 1) адашиб юрган; 2) ақлдан озар даражада севиб колган; ◊ ~ عَلَى وَجْهِهِ боши оққан ёққа кетаётган

– هِيَامٌ, هُيَامٌ 1) қаттиқ севги; 2) қаттиқ чанқоқлик, ташналик

– هَيْمَانُ[1] *мн.* هَيْمَى *кўп.* هِيَامٌ *ёки* هِيمٌ сувсаган от, чанқоқ от

– هَيْمَانُ[2] *мн.* هَيْمَى қаттиқ севиб қолган

– هَيَمَانٌ 1) қаттиқ севги; 2) адашиб юриш

– هُيُومٌ 1) йўлдан адашган; 2) довдираб, уялиб қолган

هَيْمَنَ 1) омин демоқ; 2) (*к. нидир*) эҳтиёт қилмоқ, аямоқ, (*к. ёки н. нингдир*) ғамини емоқ (عَلَى); 3) (*н. нидир*) бошқармоқ, назорат қилмоқ (عَلَى); (*к. ёки н. нидир*) кузатиб турмоқ, кузатув олиб бормоқ (عَلَى); 4) (*к. ёки н. нингдир устидан*) бошлиқ бўлмоқ (عَلَى)

– مُهَيْمِنٌ 1) васий; сақловчи, тартиб назоратчиси; 2) контролёр, назоратчи

– هَيْمَنَةٌ 1) васийлик, ғамхўрлик; 2) назорат, кузатувчи, контроль; 3) раҳбарлик, бошлиқлик; гегемония, ҳукмронлик

– هَيْمُوغْلُوبِينٌ гемоглобин

(هين) II هَيَّنَ енгиллатмоқ, енгил қилмоқ; هَيِّنْ نَفْسَكَ وَلاَ تُهَيِّنْ بَهِيمَتَكَ *мтл.* ўзингни енгиллат, аммо ҳайвонингни эмас

هَيْنٌ, هَيِّنٌ *қар.* هون

هِينَةٌ *қар.* هون

هَيْنَمَ секин пичирламоқ; ~ بِكَلاَمٍ сўзларни пичирлаб айтмоқ

– هَيْنَمَةٌ секин пичирлаш

هَيْهَاتَ, هَيْهَاتِ, هَيْهَاتُ қандай узоқ!; қандай катта фарқ бор-а!; ~ أَنْ ... ...ни кутиш мумкин эмас; даргумон, шубҳали, ишониб бўлмайди; ~ وَ أَنْ يَفُوتَهَا شَيْءٌ у (аёл)дан бирор нарсанинг ўтиб кетиши даргумон; ~ لَهُ أَنْ يَفْعَلَ ذَلِكَ унинг бу ишни қилиши даргумон; ~ أَنْ يَنْجَحَ هَذَا الاقْتِرَاحُ бу таклифнинг ўтиши шубҳалидир ◊ ~! لَكِنْ лекин афсус!

و

و (وَاوٌ) вов (*араб алифбосининг йигирма еттинчи ҳарфи; "у" унлиси учун чўзиқлик белгиси; ҳамзага таглик бўлиб келади; абжадда - 6*)

و. ا. ع: وِكَالَةُ الأَنْبَاءِ الْعَرَبِيَّةُ *сўзларининг қисқартмаси, қар.* وِكَالَة

وَ[1] 1) ва, ҳам, ҳамда; ~ رِجَالٌ نِسَاءٌ эркаклар ва аёллар; ~ أَنْتَ أَنَا сен ва (ҳам) мен; 2) *мат.* қўшув, плюс; ~ خَمْسَةٌ أَرْبَعَةٌ беш қўшув (плюс) тўрт; 3) билан; ~ إِنَّ ذَلِكَ لاَ يَتَّفِقُ رَغَبَاتِهِ бу унинг орзулари билан мос (мувофиқ) эмас; 4) ...да, вақтда, пайтда, ҳолда; ~ الْحَالَةَ هَذِهِ бундай вақтда; бундай ҳолда; يَفْتَحُ الْبَابَ وَ هُوَ مُوجِسٌ у қўрққан ҳолда эшикни очади; 5) аммо, эса; ~ إِلاَّ акс ҳолда; ~ بَعْدُ энди эса, аммо энди (*одатда хатда асосий масалага ўтишдан олдин ёзилади*); 6) шунчалик кўп!, қанча, қанчалар!; ~ كَأْسٍ شَرِبْتُ шунча кўп (қанчалар кўп) қадаҳ ичдимки ...! 7) *ортиқча ёрдамчи сўз;* ~ رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ! эй парвардигоримиз, ҳамду сано сенга муносибдир!; ◊ ~ إِنْ гарчи, агар, агарда; ~ لَوْ гарчи, агар, агарда, агарчи; ~ لَكِنْ ёки ~ لَكِنَّ аммо, лекин, бироқ

وَ[2] *қасам юкламаси;* ~ اللهِ! Оллоҳ ҳаққи қасам ичаман!

وَا *афсус, ҳайрат, шодлик туйғуларини ифодаловчи юклама;* اهْ қўшимчаси билан тугайдиган отлардан олдин ишлатилади; ~ أَسَفَاهْ афсус!, эсизгина!; ~ فَرْحَتَاهْ қандай яхши!, қандай хурсандлик! ~ خَجْلَتَاهْ қандай хижолатлик!; қандай уят!; қандай шармандалик!

وَابُورٌ *кўп.* اتٌ — машина, буғ машинаси; паровоз; *шунингдек.* ~ الْبَحْرِ пароход; ~ رَفَّاسٌ парракли пароход; ~ الرُّكَّابِ пассажир пароходи *ёки* поезди; ~ الطَّارَةِ ғилдиракли пароход; ~ الْقَطْرِ шатакка олиб юрувчи (буксир) пароход; ~ بُخَارِيٌّ буғ машинаси; ~ الْحَرِيقِ ~ الْغَازِ (الْجَازِ) ёки ~ بِرِيمُوسٍ примус; ~ الْحَرْثِ трактор; ~ الْحَرِيقِ ўт ўчириш машинаси; ~ الْحَلِيجِ пахта тозалаш машинаси; ~ الرَّيِّ суғориш машинаси; ~ الزَّلَطِ буғ каток; ~ الطَّحِينِ тегирмон; ~ السِّبِرْتُو спирт лампа; ~ الْمِيَاهِ юқорига сув чиқарувчи машина;

~ الْبِضَاعَةِ юк поезди; ~ الْعَادَةِ шаҳар атрофига қатнайдиган поезд; ~ وَرْدِيَّة вагонлар ўрнини алмаштирадиган, бошқа йўлга ўтказадиган паровоз

وَاطٌ = وَاتٌ

وَاحَةٌ، وَاحٌ кўп. ـَاتٌ — воҳа

— وَاحِيٌّ воҳада яшовчи одам

وَادٌ халқ. йигит

وَاطٌ эл. ватт; ~ سَاعَةٍ ватт-соат

وَاقٌ шунингдек: ~ أَبُو الْـ зоол. жам. кундузсимон ҳайвон

وَاهًا، وَاهَا، وَاه، وَاهْ бирор нимадан ҳайратга тушиш (بِ), бирор нимага қойил қолишни (عَلَى), бирор нимадан афсусланишни ифодаловчи юклама; ~ بِهِ ёки ~ لَهُ у қандай гўзал!; ~ عَلَيْهِ афсус, унга қандоқ ачинаман-а!; ~ عَلَى مَا فَاتَ афсус, бу қўлдан чиқди!

وَاوِيٌّ кўп. وَاوِيَّةٌ чиябўри, шоқол

وَايَةٌ кўп. ـَاتٌ — воба (1/6 ардабга ёки 16 қадоқга ёки 33 л га тенг ўлчов бирлиги)

وَأَدَ I (и) وَأْدٌ 1) (янги туғилган қиз болани) тириклай кўммоқ (қадимги арабларда); 2) кўчм. тириклай кўммоқ; ~ أَمَلَهُ ўз умидларини кўммоқ; V تَوَأَّدَ секин, шошилмай ҳаракат қилмоқ; VIII اِتَّأَدَ (н. дадир) секин, шошилмай ҳаракат қилмоқ (فِي); 2) ўйлаб, шошилмай, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмоқ

تُؤَدَةٌ 1) секин юриш; 2) секинаклик, оғирлик; 3) эҳтиёткорлик; 4) босиқлик, совуққонлик, саботлилик; ~ عَلَى ёки ~ فِي ёки ~ بِـ ёки оғирлик билан, босиқлик билан; ~ عَمِلَ بِـ وَ بِرَوِيَّة ақл билан иш тутмоқ

— مَوْءُودَةٌ، مَوْؤُودَةٌ тириклай кўмилган (янги туғилган қиз ҳақида-қадимги арабларда)

— وَأْدٌ (бирор оғир н. нинг ағанаши; тушиб кетиши вақтида чиқадиган) гуп этган овоз

— وَئِيدٌ секинак, оғир, босиқ, эҳтиёткор; ~ اً оғирлик, босиқлик билан, эҳтиёт бўлиб

+ مَوْؤُودَةٌ = وَئِيدَةٌ

وَأَرَ I (и) وَأْرٌ қўрқитмоқ, қўрқитиб юбормоқ; X اِسْتَوْأَرَ қўрқиб қочиб кетмоқ

وَأَلَ I (и) وَأْلٌ، وُؤُولٌ (қаердадир) бошпана қидирмоқ (إِلَى)

— مَوْئِلٌ 1) бошпана, турар жой; 2) одамлар йиғиладиган жой; 3) йиғилиш, тўпланиш

(وءم) III وَاءَمَ 1) дўст, ҳамжиҳат, тинч бўлиб яшамоқ; аҳил бўлмоқ, иттифоқ бўлмоқ; 2) мос келмоқ, муносиб бўлмоқ; ҳамоҳанг, мос бўлмоқ; VI تَوَاءَمَ ўзаро ҳамоҳанг, мос бўлмоқ

— مُوَاءَمَةٌ ҳамжиҳатлик, якдиллик, ҳамоҳанглик, мослик, гармония

— وِئَامٌ = مُوَاءَمَةٌ; لَوْ لَا الْـ~ لَهَلَكَ الْأَنَامُ мқл. ҳамжиҳатлик бўлмаганда, одамлардан ном-нишон қолмасди

وَأْوَأَ 1) дудуқланмоқ; 2) вовулламоқ (ит ҳақида); улимоқ (шоқол ҳақида)

— وَأْوَأَةٌ 1) дудуқланиш; 2) вовуллаш, улиш

وَأَى I (и) وَأْيٌ ваъда бермоқ

— وَأْيٌ ваъда

— وَأًى ёввойи эшак

(وبأ) I وَبِئَ (а) وَبْءٌ، وَبُوءٌ ёки وَبُؤَ (у) وَبَاءٌ، وَبَاءَةٌ вабо юқтириб олмоқ, вабо билан оғримоқ; وُبِئَ мажҳ. = وَبِئَ; وَبَأَ (а) وَبْءٌ кўл билан ишора қилмоқ; (қ. ёки н. нидир) кўрсатмоқ (إِلَى); IV أَوْبَأَ = وَبَأَ

— مَوْبُوءٌ 1) ўзига вабо юқтирган, вабо билан касалланган; 2) касалланган (мас., чигит ҳақида)

— وَبَأٌ кўп. أَوْبَاءٌ вабо; юқумли эпидемик касаллик

— وَبَاءٌ кўп. أَوْبِئَةٌ 1) вабо; 2) шунингдек: ~ وَافِدٌ юқумли эпидемик касаллик, эпидемия; ~ الْكُولِيرَا вабо эпидемияси; ~ مُسْتَوْطِنٌ эпидемик касаллик; عِلْمُ الْأَوْبِئَةِ эпидемиология

— وَبَائِيٌّ 1) вабога оид; 2) эпидемияга оид, юқумли касаллик тарқатувчи; ~ـة أَبْخِرَةٌ юқумли касаллик тарқатувчи буғлар

— وَبَائِيَّاتٌ кўп. юқумли касалликлар; عِلْمُ الْـ~ эпидемиология

— وَبِيءٌ، وَبِيٌّ 1) вабога оид; 2) ўзига касал юқтирган

(وبخ) II وَبَّخَ танбеҳ бермоқ, сўкмоқ, тазарру бермоқ, ҳайфсан бермоқ; ◊ ~ـهُ ضَمِيرُهُ унинг виждони азоб берарди, унинг виждони қийналарди

— تَوْبِيخٌ кўп. ـَاتٌ — (қаттиқ) ҳайфсан, танбеҳ; (қаттиқ) огоҳлантириш; танбеҳ бериш

وَبِرَ I (а) وَبَرٌ юмшоқ туклар билан қопланган бўлмоқ; қалин тук (жун) билан қопланган; жунли бўлмоқ IV أَوْبَرَ жунли бўлмоқ; қалин тук (жун) билан қопланган бўлмоқ

— وَبِرٌ кўп. وَبْرَاءُ мн. أَوْبَرُ юмшоқ туклар билан қопланган; тукли; жун, тук билан қопланган

— مُوَبَّرٌ пахмоқ, тук билан қопланган, тукли (мато ва б. ҳақида)

— وَبِرٌ тук, жун билан қопланган; пахмоқ

— وَبْرٌ [1] кўп. وُبُورٌ، وِبَارٌ، وِبَارَةٌ зоол. вабр (lanin hyrax)

— وَبْرٌ [2] қиш охирида қайтиб келадиган совуқ кунлардан бири

— وَبَرٌ кўп. أَوْبَارٌ 1) (бадандаги) юмшоқ туклар; 2) жун, тук; طَوِيلُ الْـ~ узун толали (пахта ҳақида); ~ الْجَمَلِ туя жуни; 3) шунингдек: أَوْبَارٌ тук (матодаги); ~ قُمَاشٌ بِـ тукли мато; ◊ أَهْلُ الْـ~ кўчманчилар, бадавийлар (сол. أَهْلُ الْمَدَرِ қар. مَدَرٌ)

— وَبَرَةٌ 1) бир дона тук; 2) бир дона жун

(وبش) II وَبَّشَ (бирор ишга) ҳар томондан киришмоқ (فِي)

– وَبْشٌ кўп. أَوْبَاشٌ 1) тубан одам; хулиган; кўп. қаланғи-қасанғилар, жанжални пулга сотиб оладиганлар, хулиганлар; أَوْبَاشُ الْكَلَامِ бемаъни гап, бош-учи йўқ гап-сўзлар; 2) сол. بَوْشٌ кўп. أَنْوَاشٌ

– أَبَاشَةٌ қаланғи-қасанғилар, палидлар, одамгарчиликдан чиққан кишилар

– أَوْبَاشِيَّةٌ безорилик

تَوْفِيرٌ – 1) мўл-кўллик; кўпайиш, ўсиш; 2) сақлаб кўпайтириш, тўплаш, йиғиш, иқтисод қилиш; صُنْدُوقُ الـ~ омонат кассаси; دَفْتَرُ الـ~ омонат кассаси дафтарчаси; 3) қисқартиш, ишдан бўшатиш; 4) борлик, мавжудлик, нақдлик; عَدَمُ ~ йўқлик, мавжуд эмаслик; 5) бериб қўйиш, таъминлаш

مُتَوَفِّرٌ – 1) мавжуд, бор бўлган; 2) мўл-кўл мавжуд бўлган; 3) йиғиб тўпланган, жамғарилган; 4) ўзини (*бирор н. га*) бутунлай бағишланган (عَلَى)

مُتَوَفِّرَاتٌ – *кўп.* жамғарма, жамғарилган пуллар

مُوَفِّرٌ – 1. иқтисод қилувчи, тўпловчи, жамғарувчи; 2) *кўп* ـاتٌ *тех.* экономайзер (*мас. машинада ёнилги қандай сарф бўлаётганини кўрсатиб турувчи жиҳоз*)

مَوْفُورٌ – тўла, мўл-кўл, бой, сероб; الْحُسْنِ ~ жуда чиройли

وَافِرٌ – 1) мўл-кўл, сероб, вофир; катта, улкан; الْعَدَدِ ~ кўп сонли, кўп ададли; الْمَالِ ~ а) бой; б) кўп пул; 2) вофир (*шеърий вазн номи*)

وَفَارَةٌ – мўл-кўллик, сероблик

وَفْرٌ – 1) жамғарма, иқтисод қилиш; 2) *кўп.* وُفُورٌ мўл-кўллик, сероблик, бойлик; ◊ بِالـ~ مَرْفُوتٌ штат қисқариши сабабли ишдан бўшаған

وَفْرَةٌ، وِفَارٌ *кўп.* сероблик, кўплик; بِـ~ мўл-кўл, сероб, мўл-кўл ҳолда

وَفُورَاتٌ – *кўп.* жамғарилган пуллар, жамғарма

وَفِيرٌ – 1) мўл-кўл, сероб; 2) вафир (*пахта нави номи*)

(وفز) X اِسْتَوْفَزَ 1) тайёр бўлиб турмоқ (*ўриндан туриш, иргиб туриб кетиш учун*); 2) типирчилаб ўтирмоқ, кўнгил ножам бўлиб ўтирмоқ

مُسْتَوْفِزٌ – жонсарак, бесаранжом

وَفْزٌ، وَفَزٌ *кўп.* أَوْفَازٌ – шошма-шошарлик, жўнашга (кетишга) тайёр ҳолат, тайёргарлик

I وَفَضَ (*u*) وَفْضٌ тез югурмоқ, тез чопмоқ; IV أَوْفَضَ шошилмоқ,

тезламоқ, тез ҳаракат қилмоқ; X اسْتَوْفَضَ = IV

– أَوْفَاضٌ *кўп.* турли элат ва қабилалардан тўпланган одамлар гуруҳи

– وَفْضَةٌ *кўп.* وِفَاضٌ халта; ◊ خَالِي الْوِفَاضِ чўнтакда ҳемири йўқлик; خَالِي الْوِفَاضِ بَادِي الْأَنْفَاضِ ;مَمْلُوءُ الْوِفَاضِ чўнтаги тўла, бой; пулсиз, озиқ-овқатсиз

وَفِيعَةٌ перо (риша) тозалайдиган латта

وَفِقَ I (*и*) وَفْقٌ тўғри келмоқ, мос келмоқ; II وَفَّقَ 1) тўғриламоқ, тузатмоқ, мосламоқ, мослаштирмоқ; الْخِلَافَاتِ ~ ўзаро келишмовчиликларни текисламоқ; 2) (*к. нидир к. билан*) яраштирмоқ (بَيْنَ); (*к. ларнингдир ўртасида*) тинчлик, келишув ўрнатмоқ (بَيْنَ); 3) кўмаклашмоқ, ёрдам бермоқ; 4) *мажҳ.* муваффақиятга (ютуққа, бахтга) эга бўлмоқ; وُفِّقَ إِلَى حَلِّ هَذِهِ الْمَسْأَلَةِ у бу масалани ҳал қилишга муваффақ бўлди; III وَافَقَ 1) (*н. гадир*) рози бўлмоқ, (*н. гадир*) розилик бермоқ (عَلَى); (*н. гадир*) рухсат бермоқ, маъқулламоқ, (*қарор*) қабул қилмоқ (عَلَى); 2) мос келмоқ, тўғри келмоқ; мос тушмоқ, ўхшамоқ; ярашмоқ (*кийим ҳақида*); الطَّعَامُ الْوَاحِدُ لَا يُوَافِقُ كُلَّ الْأَمْزِجَةِ *мтл. сўзма-сўз:* бир овқат ҳамманинг мижозига тўғри келавермайди; 3) (*бошқа биров билан*) сиғиша олмоқ, мос келмоқ (*туш. к.*); 4) тасодифан, иттифоқо учрашиб қолмоқ; V تَوَفَّقَ муваффақиятга, бахтга эришмоқ, ютуқни қўлга киритмоқ; VI تَوَافَقَ (*бирор н.* билан) мос, ўхшаш ҳолда бўлмоқ (مَعَ); (*бирор к. билан*) муросада, келишувда бўлмоқ (مَعَ); VIII اتَّفَقَ 1) ўхшамоқ, мослашмоқ; (*бирор н. билан*) мос, ўхшаш бўлмоқ (مَعَ); 2) (*бирор н. ҳақида*) шартлашмоқ, келишмоқ, тил бириктирмоқ (عَلَى); 3) шартнома, битим, конвенция тузмоқ; 4) (*к. гадир*) муяссар бўлмоқ, (*к. нингдир уши*) ўнгидан келмоқ (لِـ); 5) (*к. нингдир*) бошидан ўтмоқ (لِـ); ◊ حَيْثُمَا ~ тўғри келган жойда; كَيْفَمَا ~ а) наридан бери, қўл учида; б) ҳар қандай йўл билан; X اسْتَوْفَقَ нажот, омад, ютуқ, бахт сўрамоқ

– اتِّفَاقٌ 1) иттифоқ, розилик, умумий фикрдалилик; الْآرَاءِ ~ бир овозлилик, иттифоқлилик; الْآرَاءِ ~بِـ бир овоздан; 2) мослик, бир хиллик, ўхшашлилик; الْعَادَاتِ ~ одатларнинг ўхшашлиги; 3) *кўп.* ـاتٌ шартнома, битим; الـ~ *тар.* Антанта; دُوَلُ الـ~ *тар.* Кичик Антанта; الـ~ الْجِنَائِيُّ жиноятқорона тил бириктириш; 4) тасодиф; ~ـا *ёки* بِالـ~ тасодифан, иттифоқо

– اتِّفَاقِيٌّ 1) тасодифий; 2) келишилган; шартнома (битим) га оид

– اتِّفَاقِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ битим, конвенция, шартнома; الـ~ التِّجَارِيَّةُ савдо битими; الـ~ الْعَسْكَرِيَّةُ ҳарбий битим

– تَوَافُقٌ 1) ўзаро келишув; 2) мослик, мувофиқлик; ўхшашлик, келишиб олиш; بِالـ~ مَعَ ... ... билан келишувга мувофиқ, ...га мос (мувофиқ) ҳолда; 3) *муз.* гармония (*музика назарияси бўлими*)

– تَوْفِيقٌ 1) келишиш, битишиш, ярашиш, тинчланиш; لَجْنَةُ الـ~ келиштирувчи, яраштирувчи комиссия; 2) кўмак, ёрдам; 3) муваффақият, ютуқ, бахт

– مُتَّفَقٌ: عَلَيْهِ ~ у ҳақда битимга келинди; келишилган; وَمِنَ الـ~ عَلَيْهِ مَبْدَئِيًّا أَنْ ... ... шу ҳақда аслини олганда келишиб олинганки,....; فِي حُكْمِ الـ~ عَلَيْهِ أَنْ يَسْتَمِرَّ الْمُؤْتَمَرُ مُنْعَقِدًا حَتَّى ... ... шартномага биноан конференция ўз ишини ... бўлгунга қадар давом эттиради

– مُتَّفِقٌ мос келувчи; мос, ўхшаш, бир хил

– مُتَوَفِّقٌ 1) муваффиқиятли; бахтли

– مُوَافِقٌ 1) маъқул, мақбул қилувчи; أَنَا ~ мен розиман; 2) мос келувчи; тўғри келувчи (келадиган), қулай; қабул қилса бўладиган; غَيْرُ ~ тўғри келмайдиган

– مُوَافَقَةٌ 1) (*н. нидир*) маъқул қилиш, (*н. биландир*) келишиш (عَلَى); санкция, розилик, рухсат; (*қарор*) қабул қилиш (عَلَى); *дип.* агреман (*бирор мамлакатга элчи сифатида тавсия этилган кишининг келишига шу мамлакат ҳукуматининг розилиги*) 2) мос келиш, ўхшаш бўлиш, тўғри келиш; 3) тасодифий учрашув

– مُوَفَّقٌ муваффақиятли, бахтли; غَيْرُ ~ муваффақиятсиз, бахтсиз

– وِفَاقٌ 1) битим; 2) розилик, ярашиш, аҳиллик; إِنْ لَمْ يَكُنْ ~ فَفِرَاقٌ *мкл.* агар аҳиллик бўлмаса, ажралишингиз; 3) мос келиш; ~ـا لِـ (*бирор н. га*) мувофиқ ҳолда, (*бирор н. билан*) боғлиқ ҳолда, мос равишда

– وِفْقٌ[1] *кўп.* أَوْفَاقٌ битим, шартнома

– وَفْقٌ[2] мослик, розилик; ~ـا لِـ... *ёки* ... ~ (*н. гадир*) асосан, мувофиқ равишда; ...га асосан; бўйича; ~ الْحُرُوفِ الْأَبْجَدِيَّةِ алифбо бўйича; ◊ عَلَى ~ الْمَرَامِ кўнгилдагидек

وَفَى[1] I (وفى) (*и*) وَفَاءٌ 1) (*н. нидир*) бажармоқ, амалга оширмоқ (بِـ); (*аҳдга*) содиқ бўлмоқ, вафо қилмоқ; بِوَعْدِهِ ~ ваъдага вафо қилмоқ; بِنَذْرِهِ ~ онт, қасамни бажармоқ; 2) *шунингдек* بِالدَّيْنِ ~ қарзни узмоқ; وَفَى[2] (*и*) وَفْيٌ 1) вазни, оғирлиги тўла бўлмоқ, тенг баҳоли бўлмоқ, тенг бўлмоқ, тенглашмоқ; 2) (*н. гадир*) етарли, етадиган бўлмоқ (بِـ); қопламоқ; بِالْحَاجَةِ ~ ҳожатни, талабни қопламоқ; بِنَفَقَاتِ الْإِنْتَاجِ ~ ишлаб чиқариш сарфларини қопламоқ; بِالطَّلَبِ ~ талабни қопламоқ, қондирмоқ; بِمَطَالِبِهِ ~ кимнингдир талабини (эҳтиёжини) қондирмоқ; بِالْغَرَضِ ~ мақсадга мос (мувофиқ) келмоқ; بِالْغَايَةِ الْمَنْشُودَةِ ~ орзу қилинган мақсадга мос бўлмоқ; II وَفَّى 1) тўла-тўкис тўламоқ; الدَّيْنَ ~ қарзни узмоқ (тўламоқ); 2) тўла қаноатлантирмоқ; بِالْغَرَضِ الْمَقْصُودِ ~ қўйилган мақсадни амалга оширмоқ; ◊ وَفَّاهُ حَقَّهُ бирор кишининг ҳурматини

жойига қўймоқ; III وَافَى 1) келмоқ; етишмоқ; 2) кириб келмоқ (*байрам, таътил кунлари ҳақида*); 3) топмоқ; وَافَتْهُ الْمَنِيَّةُ *ёки* وَافَاهُ الْقَدَرُ الْمَحْتُومُ *ёки* الْأَجَلُ у вафот топди, у вафот этди; 4) (*н. нидир*) юбормоқ, жўнатмоқ, етказиб бермоқ (ب); (*н. биландир*) таъминламоқ; 5) бажармоқ; 6) тўла-тўкис тўламоқ; IV أَوْفَى 1) тўлдирмоқ, охирига етказмоқ; عَلَى السِّتِّينَ ~ у олтмиш ёшга тўлди; أَوْفَتِ السَّاعَةُ عَلَى الثَّامِنَةِ ҳозир роппа-роса соат саккиз; 2) садоқат сақламоқ, (*н. нидир*) бажармоқ (*туш к. ёки* ب); بِوَعْدِهِ ~ ваъдани бажармоқ; 3) тўла-тўкис, ҳаммасини тўламоқ; حُقُوقَهُ ~ лозим нарсани тўла-тўкис тўламоқ; 4) (*к. нидир н. нингдир*) олдига олиб бормоқ (عَلَى، ب); 5) (*н. нингдир*) олдига яқин келмоқ (إِلَى); V تَوَفَّى 1) тўла, тўла-тўкис олмоқ; 2) *мажҳ.* ўлмоқ, вафот этмоқ; تُوُفِّيَ *ёки* تُوُفِّيَ إِلَى رَحْمَةِ اللهِ *ёки* تَوَفَّاهُ اللهُ у Оллоҳ раҳматига борди, у ўлди, у вафот этди; 3) (*н. нидир*) ўз ўлимидан кейин қолдирмоқ (عَنْ); VI تَوَافَى аста-секин тўпланмоқ, бир жойга йиғилмоқ; аста-секин гуруҳ-гуруҳ бўлмоқ; X اِسْتَوْفَى 1) тўла-тўкис олмоқ, тўла йиғиб олмоқ (*мас. иш ҳақини, бировдаги қарз пулларни*); 2) (*н. нидир*) бажаришни талаб қилмоқ; 3) охирига етказмоқ, тўла-тўкис бажармоқ, тамомламоқ, тўлдирмоқ; الْخَانَاتِ ~ графаларни тўлдирмоқ; 4) (*муддат охиригача*) тўла ўтирмоқ; مُدَّةَ الْحُكْمِ ~ كُلَّهَا қамоқда муддат охиригача ўтирмоқ; 5) тўла қониқтирмоқ; الشُّرُوطَ ~ шартларни тўла қониқтириб бажармоқ; حَاجَاتِهِ ~ ўз ҳожатларини тўла-тўкис қониқтирмоқ

اِسْتِيفَاء – 1) бажариш; 2) тўла-тўкис қониқтириш; 3) тўловни тўла-тўкис бериш; 4) тўла мавжудлик, борлик; الْمُسْتَنَدَاتِ ~ اللَّازِمَةِ зарур ҳужжатларнинг ҳаммасининг мавжудлиги, борлиги; عَدَمُ ~ мавжуд эмаслик, йўқлик; عَدَمُ ~ الْمُسْتَنَدَاتِ الشَّرْعِيَّةِ қонуний ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, йўқлиги; 5) олиш

إِيفَاء – 1) ижро этилиш, бажарилиш; عَدَمُ ~ а) бажармаслик; б) тўламаслик; 2) тўла-тўкис тўлаш; قَادِرٌ عَلَى الـ~ тўлашга қодир; عَدَمُ ~ الدَّيْنِ қарзни тўламаслик

تَوْفِيَة – 1) тўла-тўкис тўлаш; 2) тўла қониқтириш, қониқиш, қониқиш олиш

مُتَوَفًّى – ўлган, вафот этган

مُسْتَوْفًى – 1) тўла-тўкис тўланган; 2) тўла

مُوَافَاة – 1) келиш, (*н. нидир*) жўнатиш (ب); 2) ижро, бажариш; 3) тўла-тўкис тўлаш

مِيفَاء – тўлай оладиган, тўлашга қодир

وَافٍ *мн.* وَافِيَة – тўла, муфассал, кенг, атрофлича; (*н. нидир*) етарли (ب); غَيْرُ ~ етарли эмас, тўла бўлмаган; بِالْغَرَضِ ~ мақсадга мувофиқ, мақсадга мос келадиган

وَفَاء – 1) садоқат, содиқ туриш, тўғрилик; 2) тўлалик; النِّيلِ ~ (*тошқин пайтида*) Нил дарёси сувининг энг баланд даражаси; 4) (*ваъдани*) бажариш, вафо; ... لِـ ~ *ёки* لِلـ ... ни бажариш мақсадида

وَفَاة *кўп.* وَفَيَات – вафот этиш, ўлим, ўлим ҳодисаси; بَعْدَ الـ~ ўлимдан кейинги; بَصْرِيُّ الـ~ Басрада вафот топган; أَدْرَكَتْهُ الـ~ у вафот қилди

وَفِيّ – 1. 1) тўла, тўлиқ; 2) содиқ, садоқатли, вафодор, тўғри; 2. *кўп.* أَوْفِيَاء содиқ, вафодор одам; الْأَوْفِيَاء ~ энг садоқатли

وَقَبَ I (u) وُقُوب 1) ботиб қолмоқ, ичига ботмоқ (*кўз ҳақида*); 2) тутилмоқ (*ой ҳақида*); 3) кирмоқ, туташмоқ; الظَّلَامُ ~ қоронғи тушди

وَقْب *кўп.* أَوْقَاب، وُقُوب – ботиқлик, чуқурлик, тешик

وَقْبَة *кўп.* وَقَبَات = وَقْب –

وَقَتَ I (u) وَقْت вақт белгиламоқ; II وَقَّتَ 1) вақтни аниқламоқ, белгиламоқ; 2) вақтни тақсимламоқ; 3) вақтни тайинламоқ; VI تَوَاقَتَ бир вақтнинг ўзида бўлиб ўтмоқ

أُوَيْقَة *кўп.* ـَاتٌ – *вақт сўзининг кичрайтирилгани*, вақтча

تَوْقِيت – 1) вақтни ҳисоблаш, ҳисоблаб чиқиш, аниқлаш; فِي السَّاعَةِ الْعَاشِرَةِ مِنْ ~ الْمَدِينَةِ الْمُنَوَّرَةِ Мадина вақти билан соат ўнда; بِـ~ الْقَاهِرَةِ Қоҳира вақти билан; الـ~ الْعَرَبِيُّ вақтнинг арабий ўлчови; الـ~ الْإِفْرَنْجِيُّ вақтнинг оврупоча ўлчови; الـ~ الْمَحَلِّيُّ маҳаллий вақт; الصَّلَوَاتِ ~ намоз (ибодат) вақти жадвали; 2) вақт хизмати; ◊ عَلَامَاتُ الـ~ *грам.* тиниш белгилари

مُتَوَاقِت – синхрон равишда бўлиб ўтадиган

مَوْقِت *кўп.* مَوَاقِت – белгиланган вақт

مُوَقَّت – *шунингдек* مُؤَقَّت 1) маълум вақтга белгиланган, мўлжалланган; 2) муваққат, қисқа вақт ичида бўладиган, вақтинча; حُكُومَةٌ ~ـةٌ муваққат ҳукумат; ~ـةٍ بِصُورَةٍ *ёки* ~ـًا вақтинча, муваққат

مُوَقِّت – 1. 1) етакчи, асосий хронометраж (*вақтни аниқ ўлчаш*); 2) ишни аниқ, ўз вақтида пухта бажарадиган; 2. хронометраж қилувчи, вақт ўлчовчи

مَوْقُوت – 1) маълум вақтга белгиланган, вақти (муддати) чекланган; вақтинча, муваққат; قُنْبُلَةٌ ~ـةٌ белгиланган вақти келиб портлайдиган бомба; соат механизми ўрнатилган бомба; 2) вақтга боғлиқ бўлган, вақт билан белгиланадиган; муайян вақтда фарз бўлган

مِيقَات *кўп* مَوَاقِيت 1) муддат, маълум белгилаб қўйилган вақт; 2) мавсум, палла, вақт, муддат; *кўп.* жадвал; 3) ҳаж ва умра зиёратига келган кишиларнинг эҳром боғлайдиган жойи

مِيقَاتِيّ – хронометраж қилувчи, вақт ўлчовчи

وَقْت *кўп* أَوْقَات 1) вақт, вақт даври; أُورُبَّا الْوُسْطَى ~ ўрта Оврупо вақти; إِضَافِيٌّ ~ *спорт.* қўшимча вақт; فِي ~ قَرِيبٍ яқин вақт

ичида; فِي أَقْرَبِ (أَقْصَرِ، أَقَلِّ، أَسْرَعِ) ~ مُمْكِنٍ имкони борича яқин (қисқа) вақт ичида; فِي ~ السِّلْمِ тинчлик даврида, тинч даврда; فِي الـ~ الحَاضِرِ ҳозирги вақтда; فِي ~نَا هٰذَا бизнинг вақтимизда, замонамизда; فِي أَوْقَاتِ الدَّوَامِ *ёки* فِي أَوْقَاتِ الْعَمَلِ иш, хизмат вақтида; فِي غَيْرِ أَوْقَاتِ الْعَمَلِ الرَّسْمِيَّةِ хизматдан ташқари вақтда; إِشَارَةُ الـ~ *радио.* вақт сигнали; أَهْلُ الـ~ замондошлар; أَوْقَاتُ الْفَرَاغِ (الْفَضَاءِ) бўш вақт, дам олиш вақти; أَصْبَحَ هٰذَا مَسْأَلَةَ ~ вақт масаласи бўлмоқ, бўлиб қолмоқ; سَايَرَ الـ~ вақтга мослашмоқ, вақт билан бирга қадам ташламоқ, вақт билан ҳисоблашмоқ; صَرَفَ الـ~ вақт ўтказмоқ; قَتَلَ الـ~ вақтни исроф қилмоқ, зоеъ кетказмоқ; 2) вақт, пайт, он; ~ الْأَكْلِ овқатланиш вақти; ~ الرُّقَادِ уйқу вақти; كَانَ الـ~ صَبَاحًا тонг пайти эди; الـ~ لَيْلٌ тун, кеча; 3) мавсум, пайт; أَوْقَاتُ السَّنَةِ йил фасллари; إِنَّ الـ~ شِتَاءٌ ҳозир қиш; ◊ فِي ~ـهِ ўз вақтида, ўз муддатида; فِي غَيْرِ ~ـهِ ўз вақтида эмас; فِي نَفْسِ الـ~ *ёки* فِي الـ~ نَفْسِهِ худди ўша вақтда (пайтда); فِي ~ وَاحِدٍ бир вақтнинг (пайтнинг) ўзида) ~ لِلْـ *ёки* لِـ~ـهِ тезда, ўша пайтнинг ўзида; مَعَ الـ~ вақти келганда, вақти билан; مِنْ ذٰلِكَ الـ~ ўша вақтдан бери; مِنْ ~ لِآخَرَ *ёки* مِنْ ~ـهَا *ёки* مِنْ ~ لِـ~ *ёки* مِنْ ~ إِلَى آخَرَ вақти-вақти билан; فِي بَعْضِ الْأَوْقَاتِ баъзан, баъзи вақтларда; فِي كَثِيرٍ مِنَ الْأَوْقَاتِ кўпинча, кўп вақтларда, аксар вақтда; مَا ~ـا қачонлардир; ~ـئِذٍ *ёки* ~ـهَا *ёки* ~ ذَاكَ у (ўша) вақтда; فَاتَ ~ـهُ унинг вақти энди ўтди

— وَقْتِيٌّ вақтинча, қисқа вақтдаги, муваққат, омонат, ўткинчи; ~ـًا вақтинча, вақтинчалик

وَقَحَ I (u) وَقَاحَةٌ уятсиз, ҳаёсиз, юзсиз, безбет, сурбет, виждонсиз бўлмоқ; II وَقَّحَ қотирмоқ; ~ حَافِرَ الدَّابَّةِ ҳайвоннинг туёғини қотирмоқ; V تَوَقَّحَ уятсиз, ҳаёсиз, юзсиз, безбет, сурбет бўлмоқ, виждонсиз бўлиб қолмоқ; ҳар қандай уятни йўқотмоқ; (*бирор к. га нисбатан*) юзсизлик билан муносабатда бўлмоқ (عَلَى); VI تَوَاقَحَ ҳаёсиз, безбет бўлмоқ; (*бирор к. га нисбатан*) ўзини беҳаё, безбет, сурбет тутмоқ (عَلَى)

— قِحَةٌ юзсизлик, уятсизлик, беҳаёлик, сурбетлик, суллоҳлик

— وَقَاحٌ = وَقِحٌ

— وَقَاحَةٌ = قِحَةٌ; بِـ~ уятсизлик билан, сурбетлик билан

— وَقِحٌ виждонсиз, уятсиз, беҳаё, сурбет, суллоҳ

— وَقَاحَةٌ = وُقُوحَةٌ

— وَقِيحٌ = وَقِحٌ; ~ الْوَجْهِ юзсиз, безбет, сурбет

وَقَدَ I (u) وُقُودٌ, وَقَدَانٌ ёнмоқ, ёниб кетмоқ, ёниб битмоқ; II وَقَّدَ 1) ёндирмоқ, ўтин қилиб ишлатмоқ; 2) (*ақлни*) ўстирмоқ; IV أَوْقَدَ ёқмоқ (*мас., чироқни, шамни*); ёқмоқ (*мас. оловни*); ~ فِيهِ النَّارَ бирор нарсани ёндирмоқ; V تَوَقَّدَ 1) ёндирилмоқ, тутамоқ, ёнмоқ; 2) йилтилламоқ; ялтилламоқ, ялтирамоқ; VIII اتَّقَدَ ёниб кетмоқ; тутамоқ, ёнмоқ; ~ غَضَبًا *маж.* ғазаб ўтида ёнмоқ; X اسْتَوْقَدَ ёқмоқ, ёндирмоқ

— إِيقَادٌ ёқиш, ўт ёқиш

— مُتَّقِدٌ ёнаётган, ёниб тугаётган

— مُتَوَقِّدٌ 1) ёнаётган, аланга олаётган; 2) ғайратли, ўт-олов; ~ الذِّهْنِ ўткир, теран ақл эгаси

— مُسْتَوْقَدٌ ўчоқ, печка

— مَوْقِدٌ *кўп.* مَوَاقِدُ ўчоқ, печка; горн (*домна печининг пастки, ўт ёқадиган қисми*); ~ الْكِيرُوسِينِ (النَّفْطِ) керосин (нефть) ўчоғи; ~ غَازِيٌّ *ёки* ~ الْبُوتَاجَازِ газ ўчоғи; ~ الْكُحُولِ спирт чироғи

— مَوْقُودٌ ёндирилган, ёнаётган

— وَقَّادٌ 1. 1) ёнаётган; 2) нур сочаётган, ёруғ, ёрқин (*юлдуз ҳақида*); 2. ўт ёқувчи, гўлах

— وَقُودٌ = وَقَّادٌ

— وَقْدٌ 1) ёниш; 2) ёқилғи, ёнилғи

— وَقْدَةٌ чўғ, ўт, аланга; ~ الْحَرِّ *ёки* ~ الْقَيْظِ кучли иссиқлик, кучли ҳарорат, жазирама иссиқлик

— وَقُودٌ ёқилғи, ёнилғи; ~ جَافٌّ қуруқ ёқилғи; ~ جَامِدٌ қаттиқ ёқилғи; ~ ذَرِّيٌّ атом ёқилғиси; ~ سَائِلٌ суюқ ёқилғи; زَيْتُ الـ~ мазут; مَحَطَّةُ الـ~ ёғ қуйиш станцияси; مَخْزَنُ الـ~ ёнилғи, ёқилғи омбори

— وَقِيدٌ = وَقُودٌ; ◊ ~ الْحَرْبِ уруш еми

وَقَذَ I (u) وَقْذٌ 1) қулатмоқ, ҳалок қилмоқ; 2) ҳолдан тойдирмоқ (*мас. касаллик ҳақида*); 3) сулайиб қолгунча калтакламоқ

— مَوْقُوذٌ оғир бемор; شَاةٌ ~ةٌ калтаклаб ўлдирилган қўй

— وَقْذَةٌ: ~ الدَّاءِ касалликдан кейинги ўта мадорсизлик

وَقُرَ I (وَقُرَ) وَقَارٌ, وَقَارَةٌ 1) жиддий, виқорли бўлмоқ; 2) улуғвор бўлмоқ; وَقِرَ (и) وَقْرٌ 1) аҳмоқ, нодон бўлмоқ; ~تْ أُذُنُهُ у кар; 2) чуқур таъсирланмоқ, юракка ўрнашиб қолмоқ; ~ فِي نَفْسِهِ أَنَّ … унинг юрагига шу нарса ўрнашиб қолдики, …; ◊ ~ الْعَظْمَ чиғилини ёзмоқ (*мас., оёқнинг*); وَقَرَ (يَوْقِرُ) وَقْرٌ кар бўлмоқ; ~تْ أُذُنُهُ у кар; II وَقَّرَ ҳурмат қилмоқ, ҳурматини жойига қўймоқ; IV أَوْقَرَ 1) оғирлик солмоқ, ташвишга қўймоқ, эзмоқ; 2) оғир юк қўймоқ; 3) мева оғирлигидан эгилмоқ (*дарахт ҳақида*); V تَوَقَّرَ виқорли, жиддий, улуғвор кўринишга эга бўлмоқ

— تَوَقُّرٌ виқорли, жиддий, улуғвор кўриниш; салобатлилик, виқорлилик, жиддийлик

– تَوْقِيرٌ хурмат, эҳтиром

– مُوَقَّرٌ хурматли, ҳурмат қилинадиган, эҳтиромга сазовор; кўпни кўрган, тажрибали

– مُوقِرٌ = مُوَقَّرٌ

– نَخْلَةٌ ~ةٌ: مُوقَرٌ меваси кўп хурмо дарахти

– وَقَارَةٌ، وَقَارٌ виқорлилик, жиддийлик, салобатлилик; улуғворлик; шаън, қадр-қиймат

– وَقْرٌ (1 карлик; 2) *кўп.* أَوْقَارٌ чуқурлик, ботиқлик

– وِقْرٌ *кўп.* أَوْقَارٌ оғирлик, юк

– وَقْرَةٌ чуқурлик, ботиқлик

– وَقُورٌ ҳурматли, виқорли, жиддий; салобатли

I وَقَسَ (u) وَقْسٌ ажратмоқ, шилмоқ (*терини*)

وَقْشٌ، وَقَشٌ сомон, поxол

I وَقَصَ (u) وَقْصٌ синдирмоқ, узмоқ; عُنُقَهُ ~ бирор кишига шикаст етказмоқ, панд бермоқ

– وَقْصٌ [1] *кўп.* أَوْقَاصٌ оловга тез илашадиган ингичка тараша

– وَقَصٌ [2] молни ўсиш (*қурбонликда*)

I وَقَظَ (u) وَقْظٌ ўлгунча калтакламоқ, урмоқ

I وَقَعَ [1] يَقَعُ (وُقُوعٌ (1 йиқилмоқ, тушмоқ, тушиб кетмоқ; تَقَعُ الْمَسْؤُولِيَّةُ عَلَى عَاتِقِهِ *кўч.м.* масъулият унинг бўйнига тушади; ~ تَحْتَ عَلَيْهِ الْعَيْنُ кимнидир кўриб қолмоқ, кимгадир кўз тушмоқ; ~ فِي شَبَكَتِهِ чекига тушмоқ; ~ الْحَقُّ عَلَيْهِ у айбдор деб топилди; ~ عَلَى امْرَأَةٍ *ёки* بِامْرَأَةٍ жинсий алоқада бўлмоқ; 2) тушиб қолмоқ, қўлига тушмоқ; ~ فِي يَدِهِ ~ بَيْنَ يَدَيْهِ кимнингдир қўлига тушмоқ; ~ فِي قَبْضَةِ الشُّرْطَةِ كِتَابٌ унинг қўлига мактуб тушиб қолди; ~ فِي الْفَخِّ полиция қўлига тушмоқ; ~ فِي الْأَسْرِ асирга тушмоқ; тузоққа тушмоқ; 3) (*н. нимнгадир ичига*) тушиб кетмоқ (қолмоқ) (فِي); ~ فِي حُبِّهَا у ҳайратга тушди; ~ فِي الْخَطَأِ у хато қилди; ~ فِي حَيْرَةٍ у у (*аёл*) ни севиб қолди; 4) воқеъ бўлмоқ, бўлиб қолмоқ; 5) жойлашмоқ, жойлашган бўлмоқ (*мас. шаҳар ҳақида*); 6) тўғри келиб қолмоқ (*қайсидир кунга*); 7) (*бирор н. ҳаракати остига*) тўғри келиб қолмоқ (تَحْتَ); 8) (*бирор к. ёки н. нинг изига*) тушмоқ (عَلَى); (*бирор н. устига*) қўнмоқ (*куш ҳақида*-عَلَى); 10) қонуний кучга эга бўлмоқ, ўз кучида бўлмоқ; لَا يَقَعُ هَذَا الطَّلَاقُ бу талоқ қонун кучига эга эмас; 11 (*н. паргадир*) ажралиб, бўлиниб кетмоқ (فِي); يَقَعُ الْكِتَابُ فِي ثَلَاثٍ وَ تِسْعِينَ صَفْحَةً бу китобда тўқсон уч саҳифа бор (*сўзма-сўз: бу китоб тўқсон уч саҳифага бўлинган*); 12) қайрамоқ; ~ النَّصْلُ ханжарни қайрамоқ; ◊ ~ فِي نَفْسِهِ (قَلْبِهِ) أَنَّ ... унинг миясига келдики, ...; ~ مِنْهُ ~ الْقَوْلُ عَلَيْهِ у гапириши керак эди; ~ مِنْ قَلْبِهِ (فِي نَفْسِهِ) مَوْقِعَ الْقَبُولِ *ёки* مَوْقِعًا حَسَنًا кимгадир ёқмоқ; ~ الْخَبَرُ وَقْعًا حَسَنًا бу хабар яхши таассурот қолдирди; ~وا فِي الْكَلَامِ فِي بَعْضِهِمْ улар бир-бирлари билан учрашиб қолдилар; ~ فِي الْكَلَامِ نَفْسِهِ бу сўзлар унга таъсир қилди; ~ а) ортиқча гап қилмоқ, кераксиз гапни айтиб юбормоқ; б) *мажх. кўч.м.* исканжага, қийин-қистовга олинмоқ; ~ بِلِسَانِهِ ортиқча гапирмоқ, жаврайвермоқ; وَقَعَ [2] (a) وَقِيعَةٌ (*к. ҳақдадир*) ғийбат қилмоқ, ёмон фикр билдирмоқ (فِي); II وَقَّعَ (1 (*н. нидир*) имзоламоқ (عَلَى *ёки тущ.к.*); ~ بِالْحُرُوفِ الْأُولَى *дип.* розилик билдирмоқ, тасдиқламоқ (*рамзий равишда тасдиқлангунга қадар халқаро шартномага исм ва фамилиясининг бош ҳарфларини қўйиб, олдиндан ўз розилигини билдирмоқ*); 2) (*музика асбобида*) чалмоқ, ижро этмоқ (عَلَى); ~ أَوْتَارَ عُودِهِ удда ~ عَلَى الْبِيَانُو роялда музика чалмоқ; ~ عَلَى الْوَتَرِ الْحَسَّاسِ *маж.* ҳис-туйғу торларини чертмоқ; 3) (*к. гадир*) жазо бермоқ (عَلَى); ~ الْعُقُوبَةَ عَلَيْهِ кимнидир жазога тортмоқ, жазоламоқ; ~ الْغَرَامَةَ عَلَيْهِ кимнидир жаримага тортмоқ, кимгадир жарима солмоқ; ~ حَجْزًا عَلَى ... ...га арест, тақиқ солиб қўймоқ; 4) (*н. гадир*) дучор, гирифтор қилмоқ (فِي); (*қаёргадир*) туширмоқ, ташламоқ (فِي); 5) (*к. гадир*) туҳмат, бўҳтон қилмоқ; игво қилмоқ (فِي); 6) (*к. нидир к. билан дир*) уриштириб қўймоқ (بَيْنَ); 7) *муз.* гармониялаштирмоқ; 8) қайрамоқ, ўткирлаштирмоқ; ~ النَّصْلَ ханжарни қайрамоқ; ◊ ~ نَفْسَهُ ортиқча гапирмоқ, гапириб юбормоқ; III وَاقَعَ (1 жанг қилмоқ; 2) жинсий алоқада бўлмоқ; IV أَوْقَعَ (1 ағдармоқ, ташламоқ; ~هُ عَلَى الْأَرْضِ кимнидир ерга ағдармоқ, йиқитмоқ; ~هُ أَرْضًا кимнидир ерга йиқитмоқ; ~ عَلَيْهِ الْقِصَاصَ أَوِ الْجَزَاءَ кимнидир жазоламоқ, жазога тортмоқ; ~هُ صَرِيعًا кимнидир ўлдирмоқ; ~ بِالْعَدُوِّ душманга ташланмоқ, ҳужум қилмоқ; 2) (*н. гадир*) гирифтор, дучор қилмоқ (فِي); ~ تَحْتَ الشُّبْهَةِ обрўсизлантирмоқ, шубҳа остига олмоқ; ~ فِي الِارْتِبَاكِ оғир аҳволга солиб қўймоқ; يَدَهُ ~ *кўч.м.* (*н. гадир*) чанг солмоқ; 3) (*к. ларнингдир ўртасига*) ёвлик, душманлик солмоқ (بَيْنَ); ~ الرُّعْبَ (*к. гадир*) зарар, йўқотиш етказмоқ (بِ); ~ الْخَسَارَةَ фِي قُلُوبِ النَّاسِ одамлар юрагига ваҳима (гулғула, қўрқув) солмоқ; 4) *кўч.м.* (*к. нидир*) чўктирмоқ, ботирмоқ (بِ); 5) (*музика асбобини*) созламоқ; ◊ ~ نَفْسَهُ оғиздан гуллаб қўймоқ; V تَوَقَّعَ кутмоқ; (*бирор н. дан*) хавфсирамоқ; VI تَوَاقَعَ бир-бирига ташланмоқ, ўзаро жанг қилмоқ; تَوَاقَعَتْ فِيهِ النِّصَالُ عَلَى النِّصَالِ ханжарлар ишга тушди, жанг бошланди; X اسْتَوْقَعَ кутмоқ; хавфсирамоқ

– إِيقَاعٌ (1 гирифтор қилиш, йўлиқтириш; 2) ағдариш, ташлаш; ~ الْقِصَاصِ (*к. гадир*) жазо бериш (عَلَى); 3) *кўп.* ~اتٌ — *муз.* ритм, такт

– إِيقَاعِيٌّ ритмга оид, ритмик; ~ رَقْصٌ ритмик рақс

– تَوَقُّعٌ кутиш

– تَوْقِيعٌ 1) жазолаш; 2) имзолаш, имзо чекиш; الـ ~ بِالْحُرُوفِ الْأُولَى *дип* рози бўлиш, розилик, билдириш, тасдиқлаш (*расмий равишда тасдиқлангунга қадар халқаро шартномага исм ва фамилиясининг бош ҳарфларини қўйиб, олдиндан ўз розилигини билдириш*); 3. *кўп.* تَوَاقِيعُ, ـَاتٌ — имзо; مُهْمَلُ الـ ~ имзосиз, аноним; تَحْتَ ~ ـِهِ унинг имзоси остида, имзоси билан; 4) *муз.* гармония; حَسَنُ الـ ~ гармоник, оҳангдор; 5) ритм

– تَوْقِيعَاتٌ *кўп.* унвонларда кўтарилишлар

– تَوْقِيعِيٌّ 1) гармоник; 2) ритмикага оид, ритмик

– مُتَوَقَّعٌ кутилаётган; келгуси, келажакдаги, бўлғуси; مِنَ الـ ~ أَنْ кутилаётирки, ...; шуни кутиш мумкинки, ...

– مُوَاقَعَةٌ жимоланиш, жинсий алоқа

– مُوَقَّعٌ: عَلَيْهِ ~ имзоланган, имзо чекилган

– مُوَقِّعٌ имзо чекаётган, имзо чеккан; نَعْرِضُ نَحْنُ الـ ~ ـِينَ أَدْنَاهُ (عَلَى الْبَيَانِ) مَا يَلِي биз, қуйида (*баёнотга*) имзо чекувчилар, тубандагиларни таклиф қиламиз; ...

– مَوْقِعٌ *кўп.* مَوَاقِعُ 1) мавқеъ, ўрин, жойлашиш ўрни; 2) воқеа бўлиб ўтган (ўтадиган) жой; 3) позиция, вазият, шароит, тутилган йўл; ◊ مِنْ ~ الْقُوَّةِ куч ишлатиш йўли билан; وَقَعَ فِي نَفْسِهِ ~ الْقَبُولِ ёқмоқ, хуш келмоқ, яхши кўринмоқ, севилмоқ; وَقَعَ مِنْ نَفْسِهِ ~ ـًا وَ كَانَ أَلِيمًا (حَسَنًا) кимдадир ёмон (яхши) таассурот қолдирмоқ; هٰذَا الْمَنْظَرُ يَقَعُ مِنْ نُفُوسِنَا ~ الْارْتِيَاحِ бу томошадан биз роҳатландик; لَا تَقَعُ مِنْهُ الزِّيَارَاتُ ~ الرِّضَاءِ бу келишлар унга унчалик ёқмайди; مَوَاقِعُ الْغَيْثِ ёмғир ёққан жой (территория)

– مَوْقِعَةٌ *кўп.* مَوَاقِعُ жанг майдони; жанг

– مِيقَعَةٌ *кўп.* مَوَاقِعُ қайроқ тош; مِنْ جِلْدٍ ~ қайроқ тасмаси

– وَاقِعٌ 1. 1) пастга тушиб кетаётган, йиқилаётган, ағдарилаётган, қулаётган; 2) воқе бўлаётган, бўлиб ўтаётган; اسْتِسْلَامٌ بِالْأَمْرِ الـ ~ воқе бўлган нарсага мусаллам бўлиш, бўйин эгиш, рози бўлиш; (جَعَلَهُ) أَمَامَ الْأَمْرِ الـ ~ кимнидир воқеа-ҳодиса ёки бирор иш воқе бўлгандан кейин хабардор қилмоқ; 3) амалдаги, жорий, ўз кучини йўқотмаган, воқе бўлиб турган; 4) қўнаётган, қўниб турган (*қуш ҳақида*); النَّسْرُ الـ ~ *астр.* Вега (*Лира юлдузлар туркумидаги, энг ёруғ юлдуз*); 5) жойлашган; مَنْزِلٌ ~ عَلَى جَبَلٍ тоғ устига жойлашган уй; 2. 1) воқелик, факт; الـ ~ أَنْ ... шу нарса фактки, ...; فِي الـ ~ *ёки* فِي ~ الْأَمْرِ ҳақиқатда, аслини олганда, аслида; ... أَنْ ~ يُبَرْهِنُ عَلَى ذٰلِكَ бунинг исботи шу нарсаки, ...; 2) ҳисоб, ҳисоблаш; بِـ ~ وَاحِدٍ فِي أَلْفٍ мингтага биттадан деб ҳисоблаб

– وَاقِعَةٌ *кўп.* وَقَائِعُ 1) воқеа, ҳодиса, факт; الـ ~ *дин.* қиёмат куни; وَقَائِعُ الدَّعْوَى *юр.* даъвонинг фактик томони; مَحْضَرُ وَقَائِعِ الْجَلْسَةِ мажлис протоколи, қарори; مُزَوَّرَةٌ ~ сохта ҳужжат; 2) жанг

– وَاقِعِيٌّ 1. 1) фактик, ҳақиқий, реал; 2) реалистик; 2. реалист; реализм вакили

– وَاقِعِيَّةٌ 1) борлиқ; реалистлилик, ҳаққонийлик; نَظَرَ إِلَى ... بِـ ~ ...га ҳаққоний қарамоқ, муносабатда бўлмоқ; 2) реализм; الـ ~ الْاشْتِرَاكِيَّةُ социалистик реализм; 3) *кўп.* ـَاتٌ — ҳақиқий воқелик, факт

– وِقَاعٌ жинсий алоқа қилиш

– وَقَّاعٌ, وَقَّاعَةٌ чақимчи, ғийбатчи, гап ташувчи

– وَقْعٌ 1) тушиш, йиқилиш, қулаш, ағдарилиш; 2) (*ағдарилганда, йиқилганда, юрган вақтда чиқадиган*) тақиллаш, гупиллаш; ~ الْأَقْدَامِ қадам товуши, тақиллаш; оёқ товуши; (*қандайдир ҳаракатнинг*) бўлиб ўтиш жараёни, бўлиб ўтиши; 4) таассурот, таъсир, эффект; وَ كَانَ لِكَلَامِهِ ~ شَدِيدٌ унинг сўзлари катта таассурот қолдирди

– وِقَاعٌ = وَقْعٌ

– وَقْعَةٌ *кўп.* وَقَعَاتٌ 1) тушиш, ағдарилиш, йиқилиш, қулаш; 2) зарба; тақ-туқ; 3) навбатдаги овқат (*нонушта, тушлик ёки кечки овқат*); 4) *ҳарб.* ҳужум, босқин; жанг

– وُقُوعٌ 1) йиқилиш, тушиш, ағдарилиш, қулаш; 2) (*қандайдир ҳаракатнинг*) бўлиб ўтиши; бўлиб ўтиш; بَعِيدُ الـ ~ бўлиши мумкин бўлмаган, қўлдан келмайдиган; имконсиз; قَرِيبُ الـ ~ яқинда бўладиган, албатта бўладиган; كَثِيرُ الـ ~ тез-тез бўлиб турадиган

– وَقِيعَةٌ *кўп.* وَقَائِعُ, وِقَاعٌ 1) воқеа, ҳодиса, факт; 2) уруш, жанг; 3) ғийбат; фисқу-фасод; فِي النَّاسِ ~ одамларни ғийбат қилиш, одамлар ғийбати; 4) қўноқ, қўндоқ (*товуқхонада*)

[1]وَقَفَ I (и) وُقُوفٌ 1) тўхтатмоқ; турмоқ; ~ عَلَى شَفِيرِ الْهَلَاكِ ҳалокат ёқасида бўлмоқ; ~ ـَتِ الْجَرِيدَةُ عَنِ الصُّدُورِ газета чиқишдан тўхтади; ~ فِي الْمَسْأَلَةِ иккиланмоқ, тараддудланмоқ; ~ دُونَهُ *ёки* وَجْهَهُ ~ қаршилик қилмоқ, кимгадир халақит бермоқ; ~ ضِدَّهُ кимгадир қаршилик кўрсатмоқ; ... ضِدَّ ... ~ مَعَهُ (*к. гадир қарши*) кимнингдир тарафида турмоқ; ~ إِلَى جَانِبِهِ *ёки* ~ بِجَانِبِهِ кимнингдир тарафига ўтмоқ; 2) ўрнидан турмоқ, кўтарилмоқ, турмоқ; ~ عَلَى قَدَمَيْهِ оёққа турмоқ; ~ عَلَى رُؤُوسِ أَصَابِعِهِ оёқ учида турмоқ; ~ شَعْرِي مِنَ الرُّعْبِ қўрқувдан сочларим тикка бўлиб кетди; ~ حِدَادًا (*к. нингдир*) азаси муносабати билан тик турмоқ (عَلَى); ... ~ فَتْرَةَ صَمْتٍ تَخْلِيدًا لِذِكْرَى ...нинг хотирасига бир минут сукут сақлаш учун ўриндан турмоқ; 3) вазият эгалламоқ; ~ مَوْقِفَ عَدَاءٍ (*к. га ёки н. га нисбатан*) душманлик вазиятида бўлмоқ (إِزَاءَ, مِنْ); 4) (*н. нидир*) билмоқ; (*н. биландир*) танишмоқ; (*н. дандир*) огоҳ, хабардор бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَى أَثَرٍ изига тушмоқ; ~ عَلَى ذَنْبِهِ гуноҳини бўйнига қўймоқ; 5) *грам.* қироатда вақф (паузал)

шаклга амал қилмоқ; عَلَى الْكَلِمَاتِ ~ сўзларни вақф қилиб (паузал шаклда) талаффуз қилмоқ; ~ عَلَى التَّاءِ الْمَرْبُوطَةِ بِالتَّاءِ الْمَمْدُودَةِ у "тои марбута" ни "тои мамдуда" ҳисоблади; ◊ ~ حَذَا عَلَيْكَ بِكَمْ؟ бу сенга неча пулга (қанчага) тушди?; وَقَفَ[2] (и) وَقْفٌ 1) тўхтамоқ, тутмоқ, ҳибсга олмоқ; (н. дандир) ушлаб турмоқ, ушлаб қолмоқ, четлатмоқ (عَنْ); عَنِ الْعَمَلِ ~ ишдан четлатмоқ; 2) (савоб мақсадида к. гадир) вақф қилмоқ, вақф сифатида васият қилиб қолдирмоқ (عَلَى); 3) (н. ҳақдадир) хабардор қилмоқ, огоҳ қилмоқ; (н. биландир) таништирмоқ (عَلَى); II وَقَّفَ 1) туришга, ўриндан туришга мажбур қилмоқ; 2) (бирор н. билан) таништирмоқ (عَلَى); الْقَارِئَ ~ қироат қилувчини (қорини) вақф қилиб (паузал шаклда) талаффуз қилишга ўргатмоқ; 3) тутмоқ, ҳибсга олмоқ; 4) (к. гадир, н. гадир) бағишламоқ (عَلَى); 5) (к. учундир) вақф белгиламоқ (عَلَى); IV أَوْقَفَ 1) туришга мажбур қилмоқ; турғазмоқ; ўз ҳаддини, ўрнини кўрсатмоқ; ـهُ عِنْدَ حَدِّهِ ~ кўч. м. кимгадир ўз ўрнини кўрсатмоқ, ҳаддини билдирмоқ; ـهُ عَلَى حَدِّهِ ~ кўч. м. кимнингдир ақлини киргизиб қўймоқ; 2) тўхтатиб қўймоқ, бас қилмоқ, тўхтатмоқ; الْجَرِيدَةَ ~ газета чиқаришни тўхтатиб қўймоқ (турмоқ); الْعَمَلَ ~ ишни тўхтатмоқ; النَّزْفَ ~ қон кетишни тўхтатмоқ; تَنْفِيذَ الْحُكْمِ الْجِنَائِيِّ ~ ҳукм ижросини тўхтатмоқ; ~ اهْتِمَامًا عَلَى ... а) ...га ўз диққат-эътиборини тўпламоқ; б) ...га бирор киши эътиборини қаратмоқ, жалб қилмоқ; 3) (н. дандир) четлатмоқ (عَنْ); عَنِ الْعَمَلِ ~ ишдан четлатмоқ; 4) (н. ҳақдадир) огоҳлантирмоқ, хабардор қилмоқ (عَلَى); 5) (н. гадир) бағишламоқ (عَلَى); حَيَاتَهُ عَلَى ... ~ ўз ҳаётини (н. гадир) бағишламоқ; 6) ҳибсга, қамоққа олмоқ; 7) (к. гадир) вақф сифатида васият қилиб қолдирмоқ (عَلَى); V تَوَقَّفَ 1) тўхтамоқ; فِي الْأَمْرِ ~ (н. дадир) иккиланмоқ, тараддудланмоқ; ـتِ الْقِطْعَةُ فِي حَلْقِهِ ~ овқат унинг ҳалқумига (томоғига) тиқилиб қолди; 2) (н. гадир) асосланмоқ, устига қурилмоқ (عَلَى); 3) (н. гадир) боғлиқ бўлмоқ (عَلَى); 4) (н. дир қилишни) тўхтатмоқ, бас қилмоқ (عَنْ); (н. нидир) рад қилмоқ, воз кечмоқ; (н. нидир) бажармаслик, ижро этмаслик (عَنْ); عَنِ الدَّفْعِ ~ (солиқ) тўлашдан бош тортмоқ, тўламаслик; ـتِ الْجَرِيدَةُ عَنِ الصُّدُورِ ~ газета чиқмай қолди; VI تَوَاقَفَ (жангда) юзма-юз, рўпарама-рўпара турмоқ; ўзаро жанг қилмоқ; X اسْتَوْقَفَ 1) тўхтатмоқ, тўхташни илтимос қилмоқ (сўрамоқ); 2) (к. дандир) кутиб туришни сўрамоқ; ◊ الْأَنْظَارَ ~ ёки النَّظَرَ ~ ўзига диққат-эътиборни қаратмоқ (жалб қилмоқ); نَظَرَهُ ~ (н. гадир) кимнингдир диққат-эътиборини қаратмоқ (إِلَى)

– إِيقَافٌ 1) тўхташ, тиниш; إِطْلَاقِ النَّارِ ~ ўқ отишни тўхтатиш; 2) тўхтатиб туриш, тутиб туриш; تَنْفِيذِ الْحُكْمِ ~ суд ҳукмини тўхтатиб туриш; 3) (н. дандир) четлатиш (عَنْ); عَنِ الْوَظِيفَةِ ~ вазифасидан четлатиш; 4) ҳибсга (қамоққа) олиш

– تَوَقُّفٌ 1) тўхташ; 2) (к. гадир, н. гадир) қарамлик (عَلَى); 3) (н. дадир) иккиланиш, тараддудланиш (فِي); 4) (н. нингдир) тўхташи (عَنْ); (н. нидир) рад қилиш (عَنْ); عَنِ الدَّفْعِ ~ (тўлов) тўлашдан бош тортиш

– تَوْقِيفٌ 1) (фаолиятнинг) тўхташи, тўхтатиб турилиши; تَنْفِيذِ الْحُكْمِ ~ ҳукм ижросининг кечиктирилиши; 2) қўлга, ҳибсга олиш; 3) ишонтириш, ихлос туғдириш; (худо томонидан кўнгилга солинган) илҳом

– تَوْقِيفَاتٌ кўп. пул ўтказиш (мас. нафақа жамғармаси ҳисобига)

– تَوْقِيفِيٌّ келиб чиқиши илоҳий бўлган, худо томонидан кўнгилга солинган

– مُتَوَقِّفٌ 1) тўхтаётган; 2) (к. гадир, н. гадир) қарам бўйган (عَلَى)

– مَوْقِفٌ кўп. مَوَاقِفُ 1) бирор нарсанинг турган жойи; вазият, аҳвол, ҳолат; الْـ~ السِّيَاسِيُّ сиёсий вазият (аҳвол, ҳолат); ~ الشَّاهِدِ (суд вақтида) гувоҳ ўтирадиган жой; 2) (к. гадир, н. гадир нисбатан) муносабат, ёндошиш, позиция; اتَّخَذَ لِنَفْسِهِ ~ الْمُدَافِعِ (н. нингдир) ҳимоячиси позициясида турмоқ (عَنْ); وَقَفَ مِنْ هٰذِهِ الْحَوَادِثِ ~ غَيْرِ الْمُكْتَرِثِ у бу ҳодисаларга лоқайд муносабатда бўлди; اتَّخَذَ ~ اللَّامُبَالَاةِ (к. гадир, н. гадир) у лоқайд муносабатда бўлди; (إِزَاءَ); اتَّخَذَ ~ الْمُؤَيِّدِ لِلِاقْتِرَاحِ ёки اتَّخَذَ ~ التَّأْيِيدِ لِلِاقْتِرَاحِ у бу таклифни қувватлаб гапирди; اتَّخَذَ ~ الْمُعَارَضَةِ لِلِاقْتِرَاحِ ёки اتَّخَذَ الْـ~ الْمُعَارِضَ لِلِاقْتِرَاحِ у бу таклифга қарши гапирди; اتَّخَذُوا ~ا مُوَحَّدًا مِنْ ... ...га нисбатан улар бир хил позицияни эгалладилар; 3) саҳна; кўриниш; 4) муҳим, катта аҳамиятга эга бўлган воқеа, ҳодиса; 5) гапириш, нутқ сўзлаш (мас. мажлисларда); 6) маҳбуслар турадиган бино, уй; 7) бекат, тўхташ жойи (транспорт учун); 8) шахм. вазият

– مُوقِفٌ 1. тўхтаётган; 2. тормоз

– مَوْقُوفٌ 1) тўхтатилган; ҳибсга олинган; عَقَارٌ ~ бировнинг ихтиёрига ўтказилмайдиган ер-мулк; 2) грам. паузали шаклда (сўз ҳақида); 3) (н. дандир) четлатилган (عَنْ); 4) (к. гадир, н. гадир) боғлиқ бўлган (عَلَى); 5) (вақф сифатида) савоб мақсадида васият қилинган

– وَاقِفٌ кўп. وُقُوفٌ 1) тўхтаб турган, тўхтаётган; турғун, кўлмак (мас. сув ҳақида); هَبَّ ~ا ўрнидан турмоқ; 2) (н. дандир) бохабар; (н. нидир) биладиган, билувчи; الْمَقَامَاتُ الْـ~ـةُ عَلَى سَيْرِ الْأُمُورِ ишнинг боришидан бохабар доиралар; 3) васият қилувчи; الْوُقُوفِ ~ вақф тузувчи, таъсис этувчи

– وَقْفٌ[1] 1) туриш; 2) бекат; 3) пауза; نُقْطَةُ الْـ~ грам. нуқта

– وَقْفٌ[2] кўп. وُقُوفٌ، أَوْقَافٌ 1) вақф, савоб мақсадида қилинган нарса, вақф мулки; бировнинг ихтиёрига ўтказилмайдиган мол-

мулк; خَيْرِيٌّ ~ савоб мақсадида васият қилинган вақф мол-мулки; أَهْلِيٌّ ~ оилавий вақф мол-мулки; أَوْقَافٌ مَضْبُوطَةٌ давлат ихтиёрида бўлган вақф мол-мулки; نَاظِرُ الـ~ вақф мол-мулки нозири; وِزَارَةُ الْأَوْقَافِ вақфлар вазирлиги; 2) дахлсиз хусусий мулк; ... عَلَى ~ـَا كَانَ кимгадир бутунлай мансуб бўлмоқ; نَهْرُ الْجَرِيدَةِ هُوَ ~ الْقِصَّةِ газетанинг устуни ҳикоя учун ажратилган; الْأَحْلَامُ ~ عَلَى مَنْ يَسْتَطِيعُ أَنْ يَنَامَ *мтл. сўзма-сўз*; туш кўриш ухлай оладиганларнинг насибасидир

– وَقْفٌ³ 1) фил суягидан ишланган билакузук; 2) билакузук

– وَقْفَةٌ *кўп* وَقَفَاتٌ 1) ўрнидан туриш; حِدَادًا ~ (*к. нингдир*) азаси муносабати билан ўриндан туриш (عَلَى); 2) бекат, тўхтаб туриш жойи; қисқа вақт келиб туриб кетиш; 3) туриш; عَرَفَاتٍ ~ ҳожиларнинг Арафот тоғидаги ибодати; 4) *грам.* нуқта; 5) (*қадбаст*) вазияти, кўриниши; 6) чиқиш, нутқ сўзлаш; وَقَفَاتٌ وَطَنِيَّةٌ миллий масала бўйича чиқиш, нутқ сўзлаш; ◊ الْعِيدِ ~ байрам, ийд (*ҳайит*) арафаси

– وَقْفِيٌّ вақфга оид

– وَقْفِيَّةٌ вақф белгилаш ҳақидаги васиқа, ҳужжат

– وُقُوفٌ 1) ўриндан туриш; !ـًا~ тур!, туринг!; 2) туриш; 3) бекат; 4) ҳаракатсизлик, тек туриш; الْحَالِ ~ турғунлик, депрессия; 5) (*к. билан дир*) танишиш (عَلَى)

– وَقِيفٌ 1) кузатувчи; 2) назоратчи

(وقل) V تَوَقَّلَ (*н. нингдир*) тепасига кўтарилмоқ, чиқмоқ

أُوقَةٌ = ـَاتٌ *кўп* وُقَةٌ، وُقَةٌ

وَقْوَقَ қичқирмоқ, қағилламоқ, ку-ку қилмоқ (*қушлар ҳақида*); 2) вовулламоқ (*ит ҳақида*)

– وَقْوَقٌ، وَقْوَاقٌ какку

– وَقْوَقَةٌ қичқириқ, қағиллаш, ку-ку қилиш; 2) вовуллаш

وَقَى I (*u*) وَقْيٌ، وِقَايَةٌ 1) қўриқламоқ, пойламоқ, сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ; беркитмоқ; 2) эҳтиётламоқ, ҳимоя қилмоқ; !ق الشَّذَا *шахм.* шоҳга шоҳ!; II وَقَّى = I; V تَوَقَّى эҳтиёт бўлмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ; اللّٰهَ ~ *дин.* Оллоҳдан қўрқмоқ; VIII اِتَّقَى 1) эҳтиёт бўлмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ; ҳимоя қилмоқ; 2) (*н. дандир*) четлашиб, эҳтиёт бўлиб юрмоқ; қўрқмоқ; اللّٰهَ ~ *дин.* Оллоҳдан қўрқиб юрмоқ

– اِتِّقَاءٌ 1) ўз-ўзини ҳимоя қилиш; эҳтиёт чораларини кўриш; 2) қўрқув; 3) ўзини четга тортиб, эҳтиётлаб юриш

– تُقَاةٌ = تَقِيَّةٌ

– تَقْوَى тақво, худодан қўрқиш; диндорлик

– تُقًى тақводорлик, худодан қўрқишлик; диндорлик

– تَقِيٌّ *кўп.* أَتْقِيَاءُ، تُقَاةٌ тақволи, худодан қўрқадиган; диндор

– تَقِيَّةٌ 1) парҳезкорлик, эҳтиёткорлик, ўйлаб иш қилишлик; 2) *тар.* диний ёки сиёсий эътиқодни пардалаб юриш

– تَوَقِّيَةٌ ҳимоя, эҳтиёткорлик, парҳезкорлик; ўзини эҳтиёт қилиш

– مُتَّقٍ *мн.* مُتَّقِيَةٌ = تَقِيٌّ

– وَاقٍ *мн.* وَاقِيَةٌ 1) қўриқловчи, ҳимоя қилувчи; 2) эҳтиёткор, эҳтиёт қиладиган; قِنَاعٌ ~ эҳтиёт никоби; قِنَاعٌ ~ مِنَ الْغَازَاتِ газдан сақловчи никоб, противогаз; مِظَلَّةٌ وَاقِيَةٌ парашют

– وَاقِيَةٌ 1) ҳимоя; 2) *кўп.* أَوَاقٍ сақловчи, ҳимоя қилувчи восита

– وِقَاءٌ 1) ҳимоя, сақлов; 2) сақловчи, ҳимоя қилувчи восита

– وِقَائِيٌّ ҳимоя қилувчи, сақловчи, олдини олувчи; олдини оладиган (*чора ҳақида*); الطِّبُّ الـ~ профилактик тиббиёт; الْحَبْسُ الـ~ (*жиноятнинг*) олдини олиш мақсадида ҳибсга олиш; الْحَرْبُ الـ~ـةُ олдини олувчи уруш (*урушга тайёрланаётган душман ҳужумини қайтариш мақсадида қилинган уруш*)

– وِقَايَةٌ 1) сақлаш, огоҳ қилиш, эҳтиётлаш, олдини олиш, профилактика; 2) ҳимоя, қўриқлаш; مِنَ الْغَازَاتِ ~ газга қарши ҳимоя; الـ~ خَيْرٌ مِنَ الْعِلَاجِ *м кл.* даволашдан кўра олдини олиш яхши; ◊ نُونُ الـ~ *грам.* I шахс олмошига қўшилиб ёзиладиган нун (*мас.* مِنِّي، حَمَدَنِي *сўзларидаги каби*)

– وَقِيَّةٌ = أُوقِيَّةٌ

(وكأ) IV أَوْكَأَ¹ тияб қўймоқ, тиргак билан тикка қилмоқ; IV أَتْكَأَ² орқасига болиш қўйиб ўтқизиб қўймоқ (*беморни*); V تَوَكَّأَ (*н. гадир*) суянмоқ, таянмоқ (عَلَى); عَلَى عَصَاهُ ~ асо (ҳасса) га таянмоқ; VIII اِتَّكَأَ (*н. гадир*) таянмоқ, суянмоқ (عَلَى); (*к. гадир, н. гадир*) суянмоқ (عَلَى); عَلَى الْحَائِطِ ~ деворга суянмоқ; ◊ عَلَى السَّرِيرِ ~ каравот (кровать) га ёнбошламоқ

– اِتِّكَاءٌ суяниш, таяниш

– تُكَأَةٌ¹ 1) суянчиқ; таёқ, ҳасса; 2) *кўч. м.* баҳона, баҳонаи сабаб

– تُكَأَةٌ² дангаса, ишёқмас

– تَكِيَّةٌ *кўп.* تَكَايَا 1) такия (*дарвешлар ётадиган жой*); 2) қаровсиз кексалар бошпанаси (макони), ғарибхона, дорул-ожизин

– تَوَكُّؤٌ таяниш, суяниш

– مُتَّكَأٌ *кўп.* مُتَّكَآتٌ 1) таянч, қўллаб-қувватлаш; 2) курси; кат, диван

– مُتَّكِئٌ (*н. гадир*) суяниб турган (عَلَى); (*н. гадир*) таяниб турган (عَلَى)

وَكَبَ I (*u*) وُكُوبٌ، وَكَبَانٌ виқор билан, тантанавор юрмоқ, аста-секин ҳаракат қилмоқ; III وَاكَبَ виқор билан бирга юрмоқ; (*одамлар гуруҳини, кемаларни ва б. ни*) етаклаб, бошлаб юрмоқ, соқчилик қилиб кузатиб бормоқ; الْمَوْكِبَ ~ тантанали юришда қатнашмоқ, тантанали юришни етаклаб бормоқ, тантанавор юрмоқ

مَوْكِبٌ – кўп. مَوَاكِبُ 1) тантанавор юриш; ~ الْمَشَاعِلِ машъалали юриш; ~ الْجَنَازَةِ дафн маросими юриши; 2) отлиқлар тўдаси; 3) ўзини кўрсатиш учун туяга минган кишилар гуруҳи

I وَكَدَ (и) وَكْدٌ: 1) ўз олдига мақсад қўймоқ; ~هُ عَلَى نَفْسِهِ (бирор н. қилишга) қарор қилмоқ; 2) (қаердадир) бўлмоқ (بِ); II وَكَّدَ 1) қувватламоқ, тасдиқламоқ; ишонтирмоқ, ишонч ҳосил қилдирмоқ; 2) = II; IV أَوْكَدَ = II; V تَوَكَّدَ қувватланмоқ, тасдиқланмоқ; ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ; (н. гадир) ишонган бўлмоқ (مِنْ, сол. تَأَكَّدَ қар. أكد)

تَوْكِيدٌ – 1) ишонтириш; тасдиқлаш, қувватлаш, асослаш; بِالـ~ ишонч билан, шубҳасиз; نُونُ الـ~ грам. таъкид юкламасидаги "نْ" (нун) ҳарфи; 2) лингв. эмфоза, таъкид, кучайтирув

تَوْكِيدِيٌّ – тасдиқлайдиган, маъқуллайдиган, ижобий

مُتَوَكِّدٌ – ишонган, ишончи мустаҳкам

وَكْدٌ – мақсад, истак, орзу

وُكْدٌ – интилиш, ҳафсала, уриниш, ҳаракат

وَكِيدٌ – ўзига ишонган; аниқ, ишончли; шак-шубҳасиз; ижобий

وَكْرٌ – кўп. أَوْكَارٌ، وُكُورٌ ин, уя; ~ الزَّنَابِيرِ ўз маъносида ва кўч. м. ари уяси; ~ اللُّصُوصِ қароқчилар уяси; ~ النَّارِ ҳарб. ўт очиш нуқтаси

وَكْرَةٌ – кўп. وُكَرٌ ин, уя

I وَكَزَ (у) وَكْزٌ мушт билан урмоқ; (бирор н. билан) зарба бермоқ (بِ); туртмоқ, мушт билан жағига туширмоқ

I وَكَسَ (и) وَكْسٌ арзон баҳоламоқ, аҳамиятни пасайтирмоқ, етарли даражада баҳоламаслик; озайтирмоқ; 2) мажҳ. зарар кўрмоқ; II وَكَّسَ = I; IV أَوْكَسَ = I

أَوْكَسُ – энг паст, арзимас

وَكْسٌ – 1) баҳонинг тушиб кетиши; етарли баҳоламаслик; 2) зарар; بَاعَ بِالـ~ ўзига зарар кўриб сотмоқ

I وَكُعَ (يَوْكُعُ) وَكَاعَةٌ қаттиқ бўлмоқ

مِيكَعَةٌ – кўп. مَيَاكِعُ омоч

I وَكَفَ (и) وَكْفٌ، وُكُوفٌ، وَكِيفٌ، وَكَفَانٌ оқмоқ, оқиб турмоқ, тешилиб оқиб қолмоқ; ~ الْبَيْتُ уйнинг томидан чакка ўтмоқ; IV أَوْكَفَ ёки آكَفَ эшакни эгарламоқ; V تَوَكَّفَ кутмоқ, кутиб турган бўлмоқ

وِكَافٌ = إِكَافٌ –

وَاكِفٌ – ёмғир

وِكَافٌ – кўп. وُكُفٌ эшакдаги эгар, эшак эгари

وَكْفٌ – (н. гадир) оқиб тушиш

وَكْفٌ، وُكُوفٌ، وَكِيفٌ، وَكَفَانٌ – (томиб) оқиб кетиш (туриш)

I وَكَلَ (и) وَكْلٌ، وُكُولٌ (к. гадир н. нидир) топшириқ қилмоқ, ишониб топширмоқ (إِلَى туш. к. ёки بِ); (к. гадир) ишонмоқ, таваккул қилмоқ; ~ بِاللّٰهِ дин. Оллоҳга таваккул қилмоқ; II وَكَّلَ топширмоқ, ишониб топширмоқ; вакил қилмоқ; ўз вакили қилиб тайинламоқ; III وَاكَلَ (к. гадир) ишонмоқ; IV أَوْكَلَ (к. гадир) топширмоқ, ишониб топширмоқ (إِلَى); ~ بِاللّٰهِ ёки ~ عَلَى اللّٰهِ Оллоҳга таваккул қилмоқ, Оллоҳ хоҳишига ишонмоқ, суянмоқ; V تَوَكَّلَ 1) ишонч (қоғози) олмоқ, вакил қилинмоқ (бўлмоқ); ваколат олмоқ; 2) (н. гадир) таваккул қилмоқ, ишонмоқ (عَلَى); ~ عَلَى اللّٰهِ Оллоҳга таваккул қилмоқ; VI تَوَاكَلَ 1) бир-бирига ишонмоқ; ўзгаларга ишонмоқ, таянмоқ; 2) ўз кучига ишонмоқ, таянмоқ; 3) хотиржам, беғам бўлмоқ; ҳафсаласиз, ғайратсиз бўлмоқ; тақдирга таваккул қилмоқ, ўз ихтиёрини топширмоқ; лоқайд бўлмоқ, лоқайдлик кўрсатмоқ; 4) (н. дандир) воз кечмоқ, юз ўгирмоқ (عَنْ); VIII اتَّكَلَ 1) (к. гадир) тўла-тўкис ихтиёрини топширмоқ, (к. дандир) умид қилмоқ; (к. гадир) ишонмоқ (عَلَى); ~ عَلَى اللّٰهِ Оллоҳга ўз ихтиёрини топширмоқ, таваккул қилмоқ; 2) хотиржам, беғам бўлмоқ, лоқайд, ғайратсиз бўлмоқ

اتِّكَالٌ – 1) ишонч, ишониш; 2) хотиржамлик, беғамлик, лоқайдлик, ғайратсизлик; الـ~ بِمَا يَأْتِي بِهِ الدَّهْرُ қисматдан умидворлик

اتِّكَالِيٌّ – текинхўр

اتِّكَالِيَّةٌ: الـ~ الْغَيْبِيَّةُ фалс. фидеизм (диний эътиқодни илм-фандан юқори қўювчи таълимот)

وُكَلٌ = تُكَلَةٌ –

تَوَاكُلٌ – 1) ўзаро ишонч; 2) ўзига ишонч, бино қўйиш; 3) ташвишсизлик, беғамлик; лоқайдлик; ғайратсизлик

تَوَكُّلٌ – 1) ваколат олиш; 2) таваккул (қилиш); 3) ўз ожизлигини изҳор қилиш ва бошқага суяниб иш қилиш

تَوَكُّلِيٌّ – الـ~ـيَّةُ: حُكُومَةُ صَنْعَاءَ тар. Ямандаги ҳукуматнинг сифати

تَوْكِيلٌ – 1) топшириш, ишониб бериб қўйиш; ваколат бериш; 2) кўп. ـَاتٌ ваколат, ишонч

مُتَّكِلٌ – 1 (к. гадир, н. гадир) ишонувчи, таваккал қилувчи (عَلَى); ~ عَلَى اللّٰهِ Оллоҳга таваккал қилувчи.

مُتَوَاكِلٌ – бошқаларга ишонувчи, беғам, беташвиш, фаолиятсиз

مُوَكَّلٌ – (н. дир қилишга) топшириқ олган (بِ); (н. гадир) ваколат олган (بِ); топширилган ишга масъул бўлган (بِ)

مُوَكِّلٌ – ваколат берган; ~ الْمُحَامِي юр. ҳимоя қилинадиган; ҳимоя қилиниши керак бўлган

وَكَالَةٌ، وِكَالَةٌ – 1) ваколатхона; ~ سِيَاسِيَّةٌ дипломатик ваколатхона; 2) кўп. ـَاتٌ — ваколат; ~ النَّائِبِ ноиб (депутат) нинг ваколати; بِالـ~ ваколати тугагунча (давомида), вақтинча; رَئِيسُ الْوُزَرَاءِ بِالـ~ премьер-министр вазифасини вақтинча бажарувчи;

3) агентлик; ~ الْأَنْبَاءِ الْعَرَبِيَّةِ Араб информацион агентлиги

– وِكَالَةٌ[1] кўп. وَكَائِلُ карвонсарой, арзон меҳмонхона

– وَكَلٌ кўп. أَوْكَالٌ ҳеч нарса қўлидан келмайдиган, бўшашган, ландавур одам (ҳамма ишини бошқаларга қилдирадиган одам)

– وَكِيلٌ кўп. وُكَلَاءُ 1. вакил, вакил қилинган; 2. 1) агент; ~ قُنْصُلٍ дип. консул агенти; 2) ёрдамчи, ўринбосар; ~ الْوِزَارَةِ премьер-министрнинг ёрдамчиси (ўринбосари); ~ قُنْصُلٍ вицеконсул; ~ مُدِيرٍ мудир ўринбосари; ~ أُنْبَاشِي ўнбоши, ефрейтор; ~ الدَّعْوَى юр. адвокат; 3) ҳимоячи, ҳомий

وَكَنَ I (u) وَكْنٌ، وُكُونٌ шунингдек. ~ عَلَى الْبَيْضِ тухум босиб ётмоқ, жўжа чиқармоқ

– مَوْكِنٌ қушнинг тоғ ёки девордаги уяси

– وَكْنٌ кўп. وُكُونٌ 1) ин, уя (қушники); 2) қушнинг қочиб учиб борган жойи

– وُكْنَةٌ кўп. وُكُنَاتٌ = وَكْنٌ

وَكَي I (u) وَكْيٌ (қоп, мешнинг) оғзини бўғмоқ; IV أَوْكَى = I; أَوْكِ حَلْقَكَ! жим тур, гапирма!

– وِكَاءٌ кўп. أَوْكِيَةٌ (қоп, меш оғзини бўғиш учун ишлатиладиган) ип, шовун

وَلَا халқ ёки

وَلَبَ I (u) وُلُوبٌ кирмоқ

وَلَجَ I (u) وُلُوجٌ (қаергадир) кирмоқ, суқилиб кирмоқ (إِلَى، فِي); ~ طَرِيقَةً кимнингдир йўлига кирмоқ; кимгадир тақлид қилмоқ; IV أَوْلَجَ (қаергадир) киритмоқ, (қўшимча) киритмоқ (فِي); V تَوَلَّجَ 1) кирмоқ, суқилиб кирмоқ; 2) (бирор н. ни) ўз устига олмоқ

– إِيلَاجٌ 1) кириш, киритиш; 2) киритилган қўшимча

– تُلَجٌ бургут боласи, бургутча

– تَوْلَجٌ ин, уя (ёввойи, ваҳший ҳайвонларники)

– لِجَةٌ суқилиб кириш, кириб олиш

– مَوْلِجٌ кўп. مَوَالِجُ кириш жойи, кириладиган жой

– وَلَّاجٌ ҳамма ерга (суқилиб) кирадиган; ◊ ~ خَرَّاجٌ сувдан қуруқ чиқадиган

– وَلْجَةٌ кўп. ـــَاتٌ 1) грот, валажа (денгиз қирғоғидаги тик қояларда ҳосил бўлган ғор); 2) кириш, кирадиган жой

– وَلِيجَةٌ[1] кўп. وَلَائِجُ дўст, ўртоқ, улфат

– وَلِيجَةٌ[2] чуқур жой, қаър; ... قَرَّرَ فِي ~ نَفْسِهِ أَنْ ... у юраги қаърида шунга қарор қилдики, ...

وَلَدَ I (u) وِلَادَةٌ 1) (к. дандир) туғмоқ (مِنْ); авлод пайдо қилмоқ, етиштирмоқ, болаламоқ; كَمَا ~تْهُ الْأُمُّ қип яланғоч; 2) мажҳ. туғилмоқ; II وَلَّدَ 1) туғилаётган вақтда ёрдамлашмоқ; доячи (акушерка) вазифасини бажармоқ; 2) тарбияламоқ, тарбия қилмоқ; 3) эл. генерация қилмоқ; IV أَوْلَدَ 1) ҳомиладор қилмоқ, (авлод) пайдо қилмоқ; ~هَا ابْنًا у (аёл) ундан ўғил туғди; 2) ой-куни яқинлашмоқ, туғиш вақти етиб келмоқ; V تَوَلَّدَ 1) туғилмоқ; 2) (к. дандир, н. дандир) келиб чиқмоқ (مِنْ); 3) эл. генерацияланмоқ; VI تَوَالَدَ кўпаймоқ, авлод тарқатмоқ; VII انْوَلَدَ туғилган бўлмоқ; X اسْتَوْلَدَ 1) (микроб, бактериялар) тарқатмоқ, кўпайтирмоқ; 2) (к. нидир) она қилмоқ, она қилиб қўймоқ; ~هَا الْابْنَةَ у (аёл) ундан қиз туғди; 3) пайдо қилмоқ, ясамоқ (мас. янги сўзни)

– تَالِدٌ، تُلْدٌ، تَلِيدٌ қар. تلد

– تَوَلُّدٌ таваллуд топиш, туғилиш; الـ~ التِّلْقَائِيُّ ўзидан кўпайиш, ажралиб кўпайиш (мас. амёбалар); نَامُوسُ ~ الْأَحْيَاءِ биогенетик қонун

– تَوْلِيدٌ 1) туғиш пайтидаги ёрдам; صِنَاعَةُ الـ~ доялик акушер(ка)лик; قِسْمُ الـ~ акушерлик бўлими; مُسْتَشْفَى لِلـ~ туғруқхона; 2) эл. генерация; 3) грам. янги сўзлар ясаш, неологизмлар (янги сўз)лар жорий қилиш

– لِدَةٌ[1] туғилиш

– لِدَةٌ[2] кўп. ـــَاتٌ، لِدُونٌ тенгдош, бир қурам

– مُسْتَوْلَدٌ кўп. ـــَاتٌ туғруқхона

– مَوْلِدٌ кўп. مَوَالِدُ 1) туғилган жой, ватан; أُوزْبَكُ الـ~ келиб чиқиши жиҳатидан ўзбек; بَصْرِيُّ الـ~ Басрада туғилган; لُغَةُ الـ~ она тили; 2) мавлид (кўпинча бирор азиз-авлиёга оид); الـ~ النَّبَوِيُّ ёки ~ النَّبِيِّ Муҳаммад саллалоҳу алайҳи васалламнинг туғилган кунлари (رَبِيعُ الْأَوَّلِ рабиъул аввал ойининг 12-куни); 3) рождество байрами (христианларда: янги йил) 4) байрам ярмаркаси

– مُولِدٌ ярмарка; سَاقِيَةُ الـ~ ярмарка каруселлари

– مُوَلَّدٌ 1. 1) келиб чиқиши аралаш (чатиш) бўлган; 2) грам. янги пайдо бўлган ёки бошқа тилдан олинган (сўз ҳақида); неологизм; 2) чатиш, дурагай (ҳайвонлар ҳақида); мулат, метис; ◊ ~ شَاعِرٌ (араб адабиётида) классик даврдан кейин яшаган шоир

– مُوَلِّدٌ 1. 1) туғдирувчи, юзага чиқарувчи, пайдо қилувчи; 2) кўп. ~ونَ туғиш пайтида ёрдамлашувчи; 2. 1) кўп. ـــَاتٌ генератор; الـ~ الْكَهْرَبَائِيُّ эл. электр токи генератори; 2) акушер (ҳомиладорларга, туғадиган ва туққан аёлларга тиббий ёрдам кўрсатувчи врач)

– مُوَلِّدَةٌ кўп. ـــَاتٌ акушерка

– مَوْلِدِيٌّ 1) туғиш, туғилишга оид; 2) туғишган, ўз

– مَوْلُودٌ 1. туғилган; 2. кўп. مَوَالِيدُ гўдак, янги туғилган бола, фарзанд

– مِيلَادٌ[1] кўп. مَوَالِيدُ 1) туғилиш, таваллуд топиш; شَهَادَةُ الـ~ туғилиш гувоҳномаси; 2) дин. рождество; عِيدُ الـ~ рождество байрами (Исо алайҳиссалом туғилган кунларига бағишланган христианлар байрами); قَبْلَ الـ~ бизнинг [illegible]ача, милоддан

аввал; ~ بَعْدَ الـ~ бизнинг эрамиздаги, милод даврида; ~ بَابَا Қорбобо

— مِيلَادِيٌّ милодий (йил); السَّنَةُ الـ~ـةُ милодий йил; الْقَرْنُ الرَّابِعُ الـ~ милодий сананинг тўртинчи асри

— وَالِدٌ 1. волид, туғдирувчи; 2. ота; الـ~ان ик.с. ота-она; ~ شَاةٌ бўғоз совлиқ

— وَالِدَةٌ кўп. ـاتٌ — она, волида

— وَالِدِيٌّ ота-онага оид, отага оид

— وِلَادَةٌ 1) туғилиш; يَوْمُ الـ~ туғилган кун; 2) туғиш; قِسْمُ الـ~ туғиш хонаси (шифохонада); حَدِيثُ الـ~ янги туғилган бола; كَثِيرُ الـ~ кўп туғувчи; ~ طَبِيعِيَّةٌ табиий, нормал туғиш; ~ قَيْصَرِيَّةٌ кесарев жарроҳлиги йўли билан болани олиш; ~ مُعَجَّلَةٌ вақтидан олдин туғиш; ~ فُجَائِيَّةٌ кутилмаганда туғиш; عِلْمُ الـ~ акушерлик; مَدْرَسَةُ الـ~ акушерлик мактаби

— وَلَّادَةٌ кўп туғадиган (аёл ҳақида)

— وَلْدٌ, وُلْدٌ, وِلْدٌ бола, фарзанд; 2) авлод, аждод; ◊ بَيْتُ الـ~ анат. бачадон

— وَلَدٌ кўп. أَوْلَادٌ, وِلْدَةٌ, وِلْدٌ, وُلْدٌ 1) бола, гўдак, фарзанд; кўп. болалар; авлод-аждодлар; ~ الزِّنَاءِ ҳароми, ҳаромдан туғилган, никоҳсиз туғилган; 2) ўғил, ўғил бола; 3) карт. валет; ◊ أَوْلَادُ السَّعْدَاءِ ташландиқ болалар; أَوْلَادُ الْعَرَبِ араблар

— وَلْدَنَةٌ болалик, гўдаклик

— وِلْدَةٌ туғиш; وَلَدَتِ اثْنَيْنِ فِي ~ у эгизак туғди

— وَلُودٌ 1) тез-тез туғадиган (аёл); 2) серпушт, кўп туғадиган

— وِلْدَنَةٌ = وُلُودِيَّةٌ

— وَلِيدٌ кўп. وِلْدَانٌ, وِلْدَةٌ 1) бола, фарзанд; 2) ўғил бола; 3) маҳсул, самара, мева; оқибат, натижа, якун; ~ الْبَحْثِ тадқиқот натижаси; هَذَا كَانَ ~ اسْتِعْجَالِي бу менинг шошқалоқлигимнинг оқибати бўлди; 4) қул; ◊ أُمُّ الـ~ товуқ

— وُلَيْدٌ болагина, болаш

